

Әдабиёт нциклопедияси

Хамидулла БОЛТАБОЕВ



821(100)031

A-29

2016/94-A 3965

Барнаул
Новогоднегород
СУ

T.	2015	18.12.14
МАКИЯХОВА		

2016/94-A 3965



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Мирзо Улубек номидаги Ўзбекистон Миллий университетти

АДАБИЁТ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ

(Атамалар, истилюҳлар,
сиймолар, асарлар ва нашрлар)

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ



ТОШКЕНТ
«MUMTOZ SO‘Z»
2015

821(100)[031]-Надиёт Энсай-жса
УУК: 821.512.133

КБК 83

A29

Адабиёт энциклопедияси: (Атамалар, истилохлар, сиймолар, асарлар ва нашрлар). Тузувчи: Ҳ.Болтабоев / ЎзР Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Мирзо Улуғбек номидаги Ўз-н Миллий ун-ти; масъул мух-лар: И.Фафуров, М.Махмудов; таҳрир ҳайъати: Э.Воҳидов [ва бошк.]; Т.: MUMTOZ SO'Z, 2015. – 664 б.

И. Болтабоев, Ҳ.

УУК: 821.512.133

КБК 83я2

Масъул мухаррирлар:
Иброҳим ҒАФУРОВ, Маҳкам МАҲМУДОВ

Илмий мухаррир:
Абдулла УЛУГОВ

Таҳрир ҳайъати:
*Эркин Воҳидов, Хуршид Дўстмуҳаммад, Невъматула Иброҳимов,
Низомиддин Маҳмудов, Тўра Мирзаев, Бахтиёр Назаров,
Умарали Норматов, Шуҳрат Ризаев, Сайдбек Ҳасанов*

Тақризчилар:
*Азизхон ҚАЮМОВ,
Наим КАРИМОВ*

Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистонн Миллий университети қошидаги
ОТ-Ф8-151 - рақамли давлат гранти лойиҳаси
асосида амалга оширилди

Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети илмий-техникавий
Кенгаши томонидан (4-сон баённома, 2015 йил 17 апрел)
нашрга тавсия этилган

ISBN 978-9943-398-04-7

© Ҳ.Болтабоев , 2015
© «MUMTOZ SO'Z», 2015

ҚОМУСИЙ МАНБАЛАР СОГИНЧИ

Инсон доимо маънавий озука – илм ва санъатга ташна. Инсоният илк маротаба ўзини танигандан бери дунёни билишни истайди. Гарчи Яратганинг хукмидан нарига ўтолмаса ҳам ўз ақли етганчалик нарса ва ҳодисаларни чамалайди. Уларнинг мавжудлик белгилари ва моҳият-эътиборини англанишга интилади. Адабиёт инсониятга берилган улуғ неъмат эканки, унинг воситасида инсон ўзлигини билиши, Аллохни англапи ва дүпёни тушуниши учун йўл топади. Топтанилари билан кониқавермайди, яна ва яна... янги маълумотларга эга булиши, янгича талқинлар излашни, бу билан оз бўлсада, имконияти даражасида билганлари билан ўртоқлашишни истайди. Бу йўлда беминнат кўмакчи бўлган лугат ва комуслар, тахлил ва талқинларга таянади.

Ўзбеклар юрти азалдан комусий даҳолар ва улар яратган тамаддуний манбаларга бой. Бирок ҳозирги кунда уларни имкон қадар бир йуналишга солиш, ҳеч бўлмаса адабий эҳтиёжни қондириш ва адабий ҳодисотларга бошлангич муносабатда булиш учун маълумот ва хабарлар берувчи, ижодий жараённинг камров ва тушунчаларига жавоб топиш учун бирламчи манбага мухтожмиз. XX аср бошларида илк адабий кўлланма Фитратнинг “Адабиёт коидалари” (1926)дан Иzzат Султоннинг қайта таҳрирдан чиккан “Адабиёт назарияси” (2005)га қадар ўтган саксон йиллик муддат давомида адабиётшунослигимиз бемисл даражада ўси. XX асрнинг 70-йилларида яратилган ўзбекча адабиётшунослик лугатлари¹ ўз даврида канчалар мутьтабар бўлмасин буғунга келиб, уларда китобхонга муайян тушунча ва истилоҳлар ҳакида янги маълумотлар етишмай колди. Шунинг учун бўлса керакки, айrim муаллифлар асарлари лугатидан (мас., Порсо Шамсиевнинг “Навоий асарлари лугати”, 1972) алоҳида бир манбалар лугати (мас., “Алномиш” лугати, “Фарҳод ва Ширин” лугати)ни яратишга майл кучайди. Нафакат бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар, балки она тилимизда буғун иsteъмолда бўлган ҳар қандай сўз ва тушунчаларни ҳам тұла тушуниб куллаш эҳтиёжи баралла сезилаётган бир пайтда айrim адабиётшунослик атамалари лугатлари² тузилди. Улар имкон қадар адабий жараёндаги энг фаол атама ва истилоҳларни англашда ўз вазифасини ўтамоқла. Бирок Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг “Мафотуху-л-улум” (“Илмларнинг қалитлари”, XI

¹ Ҳамидий Ҳ., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминалари лугати. Т.: Ўқитувчи, 1967; Ҳотамов И., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминаларининг русча-ўзбекча изоҳли лугати. Т.: Ўқитувчи, 1979, 1983.

² Куронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик лугати. Т.: Akademnashr, 2010; Салаев Ф., Курбонищёзов Г. Адабиётшунослик атамаларининг изоҳли сўзлари. Т.: Янги аср авлоди, 2010.

аср) комусий лугати тузилганидан бери минг йилга яқин давр кечди. Мұхаммад Ҳоксорнинг “Мунтахабу-л-лугат” (“Танланган лугатлар”, XVI)да бошланған айрим түшүнчә ва ҳодисалар түғрисида маълумотлар бериш анынаси бутунги адабиётшуносликнинг ҳар бир соҳасига оид лугатларда³ давом эттирилиб, бу соҳада анча юксакликтек эришилди. Бундан ташкари туркій лугатчилик тарихида *исмлар лугати, асарлар лугати* типидағы манбалар ҳам учрайди. Шамсиддин Сомийбекнинг “Қомусу-л-аълом” (XIX аср охири), Ф.А.Брокгауз ва И.А.Ефроннинг “Энциклопедик лугат. Таржимайи ҳоллар” (XX аср бошлари) каби фундаментал манбалари таркибида ҳам адабий сиймолар, машхур ижодкорлар ва уларнинг асарларига оид маълумотлар көлтирилген. Бу маълумотларнинг адабиётшуносликка дохил муайян кисмидан ҳам фойдаланиш зарурати бор. Юртимизда “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” б-н бир каторда “Фалсафа. Қомусий лугат” (2004), “Ислом. Энциклопедик лугат” каби адабиётта яқин соҳаларда эътиборли манбалар нашр этилді, биз адабиётшунослар бу соҳада оркада қолишимиз ярашмайды. Шунинг учун ана шу адабий эхтиёжни кондириш мақсадида Миллий университет кошида маҳсус илмий лойиҳа белгилапиб, “Адабиёт энциклопедияси”нинг кискароқ бир шаклини яратишга киришилди. Айни китоб манба ва маъхазлари түшланиб, бир тизимга тушгунга қадар бир неча йил вакт кечди. Ниҳоят, кўпийллик захматнинг натижаси ӯларок ушбу манба нашрга топширилди.

Китобхонлар эътиборига хавола килинаётган мазкур комус бир олимнинг муаллифлик иши булиб, у бир неча ўн йиллар давомида катор илмий ва назарий манбаларни үрганиш натижасида юзага келган (энциклопедиялар тузиш бир кишининг ёки бир кичик илмий гурухнинг иши эмас, балки унга турли қарашдаги юзлаб олимларни жалб килиш лозим, деган мuloҳазалар мазкур нашрнинг амалга ошишини бир неча йилларга оркага суриб юборди). Шунга қарамай муайян бир мақсад йўлида бир неча ўн йиллар давомида амалга оширилган иш вакти келиб коллектив энциклопедиялар яратилгунга қадар китобхонларга ёрдам бериши мумкинligини инобатта олган ҳолда уни нашр этишга журъат топдик. Қолаверса, илмий жараён тарихида бир киши томонидан тузилган лугат ва қомуслар мавжуд бўлгани (Абу Абдуллоҳ Хоразмий, Брокгауз-Ефрон, Шамсиддин Сомийбек, Юрий Борев в.б.) ҳолда бундай тажриба, яъни түшүнчә ва ҳодисаларга бир олим томонидан изоҳ ва талкинларнинг ёзилиши маълум маънода бир методологик ёндашув асосида вужудга келгани, китобхонга адабиётшунослик илмининг мураккаб ҳодисалари хусусида бир дунёкараш асосидаги шарҳлар китобхон қарашларини ҳам муайян мақсадга, яъни адабиётшунослик масалаларини кабул килиш ва тушунишга ёрдам бериши мумкин. Масалага илмий

³ Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи лугати. Т.: Шарқ НМАК, 1998; Исҳоқов Ҷ. Сўз санъати сўзлиги. Т., 2006.

⁴ Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Энциклопедический словарь в 12 т-х. Биографии. т.І. М.: СЭ, 1991.

ёндашувда муаллиф карашлари етакчилик килган бўлса ҳам у нисбатан кенг маълумотлар базасига таянгани ва ўша маълумотлар олинган манбаларни курсатиши орқали ўкувчиларни янада кенгрок илмий хабарлар билан таъминлашга, ҳар бир ҳодисанинг бирламчи манбаси ҳакида маълумот топишга ёрдам бериши мумкинлиги ҳам эътиборга олинди. Бунда гарчи айрим назарий ҳодисалар шарҳида муаллиф карашлари етакчилик килса-да, айрим ижодкорлар, уларнинг асарлари, нашрлари хусусида мавжуд илмий манба ва адабиётлардаги қарашларга таянилди. Айрим истилоҳ ва тушунчалар шарҳида нафақат ўзбек ва рус адаюиётшунослигидаги фикрлар, балки имкон борича хорижий информацион манбалардаги факт ва материаллар ҳам ўкувчиларга ҳавола этилди.

Атама ва истилоҳлар тизимисиз ҳеч кайси фан яшай олмайди. Илмий нутқ (ҳоҳ у оғзаки, ҳоҳ у ёзма шаклда бўлсин) истилоҳларсиз амалга ошмайди, унинг ёрдамида биз фаннинг моҳиятини англашга киришамиз. Илмнинг мақсади ҳам айрим тама ва тушунчалар моҳиятини тўғри англаш орқали терминологик чалкашларларга аниқлик киритишдан иборат. Ушбу энциклопедияда жаҳон адабиётшунослиги томонидан қабул килинган атама ва истилоҳлар билан бирга аввал айрим миллий адабиётлар доирасида кулланилган (мас., араб адабиётида) сўнгра эса тасаввуф адабиёти орқали алоҳида маъно касб этиб, янгича мазмун касб этган тасаввуфий истилоҳларга ва адабий ҳодисаларга урин берилди. Шунингдек, мазкур ишда мавжуд адабиётшунослик ва эстетика (айрим ҳолларда фалсафа ва тиљунослик)даги академик мактаб ва замонавий концепциялар (мас., рус формал мактаби ёки структурализм каби) томонидан илгари сурилган тушунчаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди (шу маънода “Энциклопедия суфизма”, “Словарь модернизма” каби маълумотномаларга мурожаат этилди).

Табиийки, биз тавсия этаётган қисқа талқинлар адабиётшунослик соҳасидаги илк изланиш бўлгани туфайли унда анчагина етишмовчиликлар, талқинларда нотугаллик, маълумотларда эса қисман ноаникликлар учраши мумкин. Улар ҳакида хабар берилса, келгуси нашр ва жиллар доирасида тузатишга, тўлдириш ва қайта таҳрирдан ўтказишга имконият бўлади. Шу каби китобхонга ушбу китобдан фойдаланиш усулларидан хабар беришни лозим кўрдик.

“Атамалар, истилоҳлар, сиймолар, асарлар ва нашрлар” деган тагсарлавча орқали ушбу манбанинг йўналишини англатишга ҳаракат қилинди. Чунки рус тилидаги “термин” ва турк тилидаги “терим” сўзлари ўзбекчада баъзан *атама*, баъзан *истилоҳ* маъносида келади. Шунинг учун ҳам тушунча ва қамровлар талқинида *истилоҳ* калимасини кўллашга тўғри келди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, илмий билим ва тушунчалар қамровини биргина *атама* (термин) сизи ўзида тўлиқ акс эттира олмайди. Шунинг учун ҳам *атама* билан бирга рус тилида “понятия” (“Словарь терминов и понятий”)⁵, туркча “қамрав” (“Edebiyat Kavramları ve Terimler”)⁶

⁵ Художественное восприятие: основные термины и понятия. Словарь-справочник / Ред.-сост. М.В.Строганов. Тверь, 1991; Введение в лит-ведение. Лит-пое произведение:

кабилар кўлланилмоқдаки, шу холатни назарда тутиб, *атама* ва *истилоҳларни алоҳида ифодада курсатдик*. Қолаверса, *атаманинг бир маъноли, истилоҳ* эса камров нуктаи назаридан бир неча маъноларни ҳам (АЭда улар алоҳида ракамлар билан кўрсатилган) ўзида акс эттириши мумкинлиги инобатта олинди. Хорижий манбалардаги “фигура” (алоҳида ижодкорга нисбатан) тушунчасини ўзбекча *сиймо* (адабий сиймо) орқали англатишга ҳаракат бўлди. Ҳазрат Навоийдан бошланган ўзбек тазкирачилиги тарихи бу йўлда серхосил манба хисобланниб, туркий ва форсий тилларда яратилган тазкиралардаги маълумотлар ҳам ушбу иш доирасига тортилди⁷. Айрим мутахассислар “образ” (кишилар образи) тушунчасини кўллашща адабий қаҳрамонларга нисбатан “сиймо” сўзини кўллашмоқда. Худди шу маънода айрим машҳур адабий асарлар, эпос ва йирик эпик пландаги эпопеялар қаҳрамонларига ҳам тўхталишни жоиз топдик. Бизда адабий асарлар лӯғатлари тузиш ҳали таомилга кирган эмас, бу йўлдаги дастлабки урунишлар⁸ тажрибасидан ҳам фойдаланишга ҳаракат килдик.

Нашрлар дейилганда вактли матбуот ва босма нашрларга изоҳ бериш баробарида адабий жараёнда фаол кўлланилган мажмуя, туплам, баёз, альманах, антология ва бошқаларга ҳам тўхталишни жоиз кўрдик. Чunksи “Узбек ёш шоирлари” (1922), “Адабиёт парчалари” (1926), “Гузал ёзгичлар” (1925), “Гулдаста” (1971), “Ёшлиқ” (1976), “Ёшлиқ баёзи” (1979) каби нашрлар нафакат бошловчи ижодкорлар асарларини жамлаган, балки адабий хаётда муҳим из қолдиргани, айрим ижодкорларнинг асарлари дастлаб мана шу маңбалар орқали китобхонларга етиб келганини ҳам инобатта олиб, улар хақида ҳам маълумот беришни лозим кўрдик.

Адабиётшуносликка доир ушбу ихчам талқинларни нашрга тайёрлаш баробарида хорижий тилларда (айниқса, инглиз, рус ва турк тилларида) зълон килинган ушбу йуналишдаги ишларга таяндиқ. Рус тилида нашр килинган 12 жилдли “Литературная энциклопедия” (1929-38, 10-, 11-жилдлари нашр этилмаган), гўккиз жилдли (1-8 жиллар – асосий, 9-жилд – кўшимча) «Краткая литературная энциклопедия» (1962-78), “Литературный энциклопедический словарь” (1987) кабилардан фойдаландик. Турк тилида чоп этилган “Турк дунёси адабий тушунчалари ва терминларининг энциклопедик сўзлиги”, “Турк дунёси адабиётчилари энциклопедияси”, “ХХ асрга кадар Турк дунёси адиллари википедияси” кабилар нафақат турк

основные понятия и термины. Под ред. Л.В.Чернец. М.: Высшая школа; Academia, 1999; Литературная энциклопедия терминов и понятий / Сост. А.Н.Николюкин. М., 2001; Поэтика. Словарь актуальных терминов и понятий. М.: Издательство Кулагиной: Intrahda, 2008.

⁷ Türk Dünyası Edebiyat Kavramları ve Terimleri Ansiklopedik Sözlüğü. Cilt 1. Ankara: Atatürk Kültür Merkezi Başkanlığı, 2001.

⁸ Карапт: Ҳолтабоеев X. Тазкиралар зикри. 200 тазкирада кайд этилган адиллар. Т., 2014.

⁸ Faniyeva С. Навоий ёдга олган асарлар. Т., 2006; Necatigil B. Edebiyatımızda Eserler Sözlüğü. İstanbul: Varlık yayınları, 1989.

адабиёти тарихида, балки умумтурк дунёсида аҳамиятли манбалар саналишини, бу нашрларда ўзбек олимларининг иштироки борлигини инобатта олиб, бъази масалаларни ёритишда уларга мурожаат қилдик⁹. Бундан ташкари, ҳар бир лугат-мақола доирасида факатгина айrim адабиётларни тавсия этиш билан чекланмай, фойдаланилган адабий манбаларни аникроқ (саҳифаларигача) курсатишга харакат қилдик. Шунингдек, “Фойдаланилган манбалар рўйхати”да курсатилган сўнгти йилларда чоп этилган адабиётшунослик атамалари луғатлари, қомусий қўлланмалар (энциклопедия ва справочниклар)даги англатма ва шархлар билан тайёрлаган материалларни солиштириб, уларда баён килинган талқинларнинг гўлдирилишини таъминладик. Бундан юз йиллар аввал яратилган қомусий манбалар¹⁰даги маълумотлардан ўзбек адабий ҳаётига доирларини белгилаб олиб, улардан ҳам истифода этишга имкон топдик.

АЭдан фойдаланиши тартиби.

АЭдаги маколаларга кирилл ёзувига асосланган ўзбек алифбоси асосида тартиб берилиди. Изоҳданаётган сўздан кейин кўйилган рим рақамидаги белгилар I., II. унинг биринчи, иккинчи ва бошқа маъноларини билдиради. Қавс () ичидаги сўзниг луғавий маъноси кўрсатилди: сўз олинган тил, сўзниг асосий луғавий маъноси, қўлланилиши мумкин бўлган маънолари ажратилди. Mac., *АБОРИГЕНЛАР* (лотинча: ab origine – бошланишдан, махаллий). Бу ўринда сўзниг асосий маъноси курсивда ажратиб курсатилган. Агар изоҳданаётган сўз ёки тушунча бир неча маънони ифода килса, унинг ҳар бир маъносига алоҳида мисоллар берилди. Маколалар таркибида курсивда (мас., *азал*, *Амирий*) ёзилган сўзларнинг талкини ушбу АЭдан (бу ва бошқа жилларидан) ўрин олган. Муаллифларнинг туғилган ва вафоти саналарини беришда йил, кун ва ой саналари **1845/10.VIII-1904/6.VII.** тарзида кўрсатилди. Туғилган ёки вафоти саналари номаътум бўлса, сўрока (?) аломати қўйилди ёки яшаган асрини (X) бериш билан киғояланилди. Ой, кун саналари аниқ сакланмаган бўлса, у ҳолда ёзувсиз колдирилди. Асарнинг нашр санаси ҳам кавсда (1901) тарзида берилди. Агар унинг икки ёки ундан ортиқ нашри амалга оширилган ёки муаллиф томонидан қайта ишланган бўлса, ҳар бир нашр вергул билан ажратилди: (1927, 1938) каби. Сиймолар, адиблар ва муаллифлар исм + фамилия = **АБАЙ ҚЎНОНБОЕВ**, исм + тахаллус = **АЛИШЕР НАВОИЙ**, тахаллуснинг ўзи = **АМИРИЙ** ва фамилия + исм = **АЗЗЕН**, Ивар Андреас тарзида жойлаштирилди. Фамилияси бўйича келтирилган муаллифлар номи қ.:

⁹ Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik So'zlug'u. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001-11; Turk Dunyasi Edebiyatclari Ansiklopedisi. Cilt 1, Ataturk Kultur Markezi, 2001-10; XX Yuzyila kadar Turk Dunyasi Yazarleri Sozlugu Vikipediyası. www.

¹⁰ Брокгауз и Ефрон. Энциклопедический словарь в 12 т.-х. Биографии. Т.1. М.: СЭ, 1991; Шамсиддин Сомийбек. Қомусу-л-аълом. 1-ж. / А.Юнусов тарж. Кўлёзма. ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи архиви.

Орипов, Абдулла тарзида кейинги жилларга ҳавола қилинди. Истилоҳ ва тушунчалардан кейин [] каби кавс ичида истилоҳ тегишли соҳа, унинг илк манбалари соҳаси ёки адабиёттуносликтининг фаол кўлланиладиган бўлими кўрсатилди. Mac., [мифология] ёки [поэтика] каби. Адабиётларни беришда маколада сўз юритилган муаллиф асарларига ♦ тўртбурчак маркер, ўша муаллиф ёки атама ҳақидаги асарларга эса • доира маркер белгиси кўйилди. Адабиётлар кетма-кетлиги нашр этилган санаси бўйича хронологик тартибда жойлаштирилди (айрим манбаларнинг нашр кўрсаткичлари тўла кўйилди). Асарлардан парча ва намуналар келтирилганда, кавс ичида уларнинг муаллифи, асар номи, нашр кўрсаткичи ва сахифаси илова қилинди. Алишер Навоий асарлари каби нисбатан машхур ва кўп марта нашр этилган асарлардан олинган парчалар барча нашрларда толилиши мумкин бўлсин учун Мукаммал асарлар тўпламидаги жилд ва ғазал раками кўрсатилди. Mac.: (Алишер Навоий, “Бадойиу-л-васат”: V, 288-ғазал) каби.

АЭда шартли белги ва кискартмалар сўзбошидан кейин, фойдаланилган комусий манбалар рўйхати эса жилдинг сўнгидаги келтирилди. Ҳар бир маколага доир хусусий адабиётлар эса, ўша макола остида кичик ҳарфлар билан кўрсатилди. Мавжуд энциклопедия ва лугатлардаги жорий тартибларга амал қилиниши билан бирга бизга номаълум муаллифнинг ижоди ҳақида муайян таассурот уйготиш максадида айрим мумтоз адабиёт намояндадарининг асарларидан намуналар (мумтоз тазкиралардаги каби) хам келтирилди (бу анъана Шарқ адабиёттунослигига тегишли энциклопедия ва комусий лугатларда мавжуд).

АЭнинг китобхонларга тақдим этилган ушбу жилди факат “А” ҳарфи билан бошланувчи сўз ва тушунчаларни жамлаган холос, хали олдинда яна қанчадан қанча заҳматлар туфайли тузилган АЭнинг навбатдаги жилларининг нашри масаласи турибди. Айни нашрни самимий фикр ва тавсиялари билан тўлдиришга ёрдам берувчи мулоҳазалар билдирганларга олдиндан миннатдорчиллик айтиш баробарида уларнинг кимматлии фикрларини инобатта олишни бурчимиз деб биламиз.

*Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ,
филология фанлари доктори, профессор*

ШАРТЛИ БЕЛГИ ВА ҚИСҚАРТМАЛАР

◆ – мақолада сүз юритилған мұал. асарлари.

● – у ҳақдаги адабиётлар.

? – туғилған ёки вафот санааси номаълум.

~ – таҳминан.

I., II. изоҳданаётган тушунча ёки сўзниң бир исча маънолари.

АНАТИЛ – Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лутати.

англ. – английский (инглиз т.).

ад-т – адабиёт.

б. – бинни (ибн, үгли).

бад. – бадиий.

б-н – билан.

в. – вафоти.

введ. – введение (кириш)

вып. – чиқиш.

г. – год (Йил).

газ. – газета.

ж. – жилд.

журн. – журнал.

ИВЛ – издательство Восточной литературы (Шарқ адабиёти нашриёти).

ин-т – институт.

изб. – избранное (танланган).

изд. – издание (нашр).

й. – йил.

й.й. – йиллар.

й.т. – йилда туғилған.

коммент. – комментарий (шарх).

Л. – Ленинград (Санкт-Петербург).

лит-ра – литература (адабиёт).

М. – Москва.

“Мажолис...” – “Мажолису-н-нафоис”

Мас. – масалан.

мас. мұхар. – масъұл мұхаррір.

МАТ – мұккаммал асарлар тұплами.

м.а. – милоддан аввал.

муал. – муаллиф.

“Насойим...” – “Насойиму-л-муҳабbat” (Алишер Навоий асари).

мух-р – мұхаррір.

нашр. – нашриёт.

нашр. тайёрл. – нашрга тайёрловчи.

НМАК – Нашрист-матбаа акциядорлик компанияси.

НДА – номзодлық диссертацияси автореферати.

АДАБИЁТ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ

пер. – перевод (таржима).

проф. – профессор.

реж. – режиссёр.

сах. – сахифа (форс-тожик тилида).

С. – сахифа, хорижий манбаларда.

Сб. – сборник (тұплама).

сост. – составитель (түзувчи).

соч. – сочинение (асар).

СПб. – Санкт-Петербург.

СЭ – Советская энциклопедия (нашриёт номи).

Сов. пис. – “Советский писатель” (нашриёт номи).

С.р. – сақланиш рақами (құләзмалар учун).

Т. – Тошкент.

т. – I. том (рус тилидаги адабиётлар күрсаткичида)

II. тил, тили, тилида (узбек тилидаги матнларда).

талк. – талқини.

танл. – танланган.

тарж. – таржима.

ТАТ – Тұла асарлар тұплами.

ТошДУ – Тошкент Давлат университети.

туз. – тузувчи.

ун-т – университет.

фак-т – факультет.

фам. – фамилия, фамилияси.

филол. ф. докт. – филология фанлари доктори.

франц. – француз.

Худож. лит-ра – “Художественная литература” (нашриёт)

ч. – часть (қисм).

ш. – шаҳар.

энц-я – энциклопедия.

яз. – язык (тил).

Ўз-н – Ўзбекистон.

ЎзМУ – Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети.

ЎзРФАШИ – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти.

ЎМЭДИН – Ўзбекистон Миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти.

ЎзМУ – Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети.

к. – каранг.

кад. – кадимги.

хоз. – хозирги.

A

Адабиёт энциклопедияси

A – I. Осиё ва Европа т.ларида алифбенинг биринчи ҳарфи, унли товуш. А. келиб чиқиш нуктаи назаридан юонон “альфа” (α)си ва финикийларнинг “алиф” ҳарфидан олинган. Ўзбек кирилл ва 1929–39 йй., 1995 й.даги ўзбек лотин алифбосидаги биринчи ҳарф. Араб алифбоси асосидаги эски ўзбек ёзувида “алиф” (ا) деб юритилган. А. (алиф) абжад хисобида бир ракамини англатади. Эски славян (черков) тилида А (аз – мен) бир ракамини, мингни, ўн мингни ва юз мингни англатган.

II. юонон т.да ва унинг асосида шаклланган Европа т.ларида қўлланиладиган олд қўшимча (префикс). А. инкор маъносини англатади. *Мас., морал – ахлок, аморал – гайриахлоказий*. Замонавий ўзбек т.га *бе-, -сиз* қўшимчаси воситасида тарж. қилинади: *ахлоқиз* тарзида.

III. Мусика илмида *ЛЯ* товушининг ҳарфий белгиси. *A* (бош ҳарф) – *Ля-мажор* тоналлигини, *a* (кичик ҳарф) – *ля-минор* тоналлигини билдиради. Улар тұла холда *A-dur* (*ля-мажор*); *a-moll* (*ля-минор*) деб үқилади.

- Акбаров И.А. Музика лугати. Т.: F.Гулом номидаги нашр., 1987. Б.5; Фалсафа. Комусий лугат. Тузувчи ва мас. мухар.: К.Назаров. Т.: Ўз-н файласуфлари миллий жамияти нашр., Шарқ НМАК, 2004; Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энциклопедический словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.5.

ААЗЗ (арабча: ﴿ – хурматли, муҳтарам) – энг азиз; азизрок: эл орасидан чиккан улуғ, фозилларга нисбатан қўлланиладиган сифат.

Ҳақдин азизлиқ тиласанг, элдин уз тамаъ,
Ким ҳалқнинг ааззы деди: «Азза ман қанаъ».

(Алишер Навоий, “Бадойиъ-л-васат”: V, 288-ғазал)

Мазмуни: Агар азиз булишин Аллоҳдан тиласанг, элга тамаъ назари б-н қарама, ҳалқнинг энг азизи (яъни Пайғамбар с.а.в.) дейдик: Ким қаноатли булса (уша) аизздир.

- Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати (АНАТИЛ). 1-ж. Акад. Э.Фозилов таҳрири остида. Т.: Фан, 1983. Б.21.

ААЗЕН, Ивар Андреас (1813–96) – норвег т.шуноси, маҳаллий шевалар асосида норвег адабий т.ни шакллантиришга ҳаракат қилган. Норвег т. грамматикаси (1848) ва ҳалқ шевалари лугати (1850)ни тузган.

- Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энциклопедический словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.5.

ААЛЬ, Яков (1773–1844) – норвег адиби ва давлат арбоби. Порсгрунд (Норвегия)да туғилган, аниқ фанлар ва диний илмлар б-н шуғулланган. 1814 й.да кабул қилинган ва ҳозиргача амадда бўлган Норвегия Конституциясининг муаллифларидан. Унинг асарларидан энг машхури “Христиания” (1844–45)дир. Бундан ташқари Снорре Стурлезоннинг шу номдаги асарини норвег т.га тарж. килган (1938–39). «Nutid og Fornid» номли сиёсий-иктисодий газ. чиқарган (1833–36).

- Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Энц-кий словарь в 12 томах. Биографии, т. I. М.: СЭ, 1991. С.7.

ААРОН (Инжил) [диншунослик] – “Қадимги Аҳд” (“Таврот”) китобида яхудийларнинг биринчи рухонийси, рухонийлик тоифа (синф)сининг асосчиси. “Куръони карим”да Хорун. Яхудий мифологиясида Авраам ва Иохавед ўғли, Мусонинг акаси, Марйамнинг укаси. Яхудийларнинг Мисрга келиши вақтида туғилган. Унинг таваллуди манбаларда м.а. 1578 й., вафоти м.а. 1451 й. деб берилади. Машхур хотиқ бўлган, фиръавнлар б-н бўлган мунозарада Мусонинг нойиби сифатида катнашган. Кейин А. ва унинг фарзандлари Яхве томонидан чекланмаган имтиёзларга эга буладилар. Умрининг 123 й.ида Ор (бошқа ривоятта кўра Моссер) тоғида вафот этади. А.дан сўнг Биринчи рухонийлик макоми унинг тўнгич ўғли Элеазарга берилган. Инжилнинг сўнгти тафсирчилари А.ни «идеал рухоний» сифатида улуғлайдилар. “Талмуд”да А. нинг ширинсуханлиги, юмшоккўнгиллиги ва сулҳашварварлигига ургу берилади. Унинг рухига православ черковида Муқаддас ота хафталиги утказилади.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.21; Мифологический словарь. М., 1990. С.12; Библейская энциклопедия / Труд и изд. А.Никифора. М.: Терра, 1990. С.7-8; Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Энц-кий словарь в 12 томах. Биографии, т. I. М.: СЭ, 1991. С.8.

ААРНЕ, Антти Аматус (1867–1925) – фин фольклоршуноси, тарихий-географик фольклоршунослик мактаби вакили. Қиёсий методнинг техник усусларини ишлаб чиқкан, уларни эртак, қўшиқ ва топишмокларга татбик этган. А.нинг асосий ишлари: «Эртаклар типлари кўрсаткичи» (1910, С.Томпсон томонидан тўлдирилган ва давом эттирилган), «Эртакларни киёсий ўрганиш асослари» (1913), «Эртаклар ҳақидаги ад-лар шархи» (1914), «Топишмокларни киёсий ўрганиш» (1-3 ж., 1918). Бу кўрсаткичи ва шархлар жаҳон халклари эртакларини ўрганишда доимий дастур хисобланади. А. кўрсаткичи асосида рус олими Н.П.Андреев “Аарне системаси асосида эртаклар сюжети кўрсаткичи” (1929) тайёрлаган.

- Андреев Н. Антти Аарне. Художественный фольклор. 1926. № 1; Никифоров А.И. Финская школа перед кризисом // Советская этнография. 1934. № 4; Конкка У. Финская школа о сказке / Труды Карельского филиала АН. Вопросы лит-ры и народного творчества. Петрозаводск, 1959; Краткая лит-ная энц-я, т. I. М.: СЭ, 1962. С.22; Большая эп-я Кирилла и Мефодия. Эл. Версия. М., 2011.

ААРРА [мифология] – қад. араб мифологиясида Басра ш.нинг ҳомийси. Дехқончилик, фаровонлик маъбуди. Эллиник даврда Дионис б-н кўришган. Бошка ривоятларга кўра А. Душаранинг яширин сакланган ҳақиқий исми.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.21; Мифологический словарь. М., 1990. С.12.

ААХ (Ях) [мифопоэтика] – Миср мифологиясида Фивада эъзозланган Ой маъбудаси, А.га дастлаб Ернинг Ойдаги йўлдоши сифатида қаралган. У тасвирларда бошида ярим ой ўрнатилган ҳолда ёки лочин бошли тарзида ифодаланган. А. ҳақида “Ана папируси”да ва “Марҳумлар китоби”да ёзилган. Айрим манбаларда Осирис – Аах деб берилган. А. культига шумерлардаги Яха ва яхудийларнинг Яхва ҳақидаги культиларининг параллели сифатида қаралади.

- Большая энц-я Кирилла и Мефодия. Эл. Версия. М., 2011; Болтабоев Ҳ., Мажмудов М. Адабий-эстетик тафаккур тарихи. Т.: МУМТОЗ SO·Z, 2013. Б.10-27.

ААХМЕС (в. м.а.1530) – Миср фиръавиларидан бири. Фиръавн Ухабрани снгиб, унинг ўрнини олган. Юнон манбаларида юконларнинг ҳимоячиси сифатида т.га олинади.

- Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.5.

АБ (арабча: اب – ота) – ота, сұзнинг мустакил шакли.

Зотида ҳаё била адаб ҳам,
Ул нағықи амму холау аб ҳам.

(Алишер Навоий, «Лайли ва Мажнун»: IX, 74)

Мазмуни: Зотидаги ҳаё ва одоб, худди аммаси, холаси, тоғаси ва отасига ўхшашдир.

АБАГИНСКИЙ (Кудрин), Архип Георгиевич (1907–1960) – XX аср ёқут шоири. «Шеълар ва кўшиклар» (1927), «Қадам-бакадам» (1931), «Ғалабадан ғалабага» (1939) шеърий тўпламлари муаллифи. «Шанхай» (1933), «Мен – Ватан ўғли» (1938) достонларини ёқут т.да ёзган. «Шарқ» ва «Ғарб» публицистик китоблари бор. Ёқут шеъриятига акцент шеърни олиб кирган.

- ◆ Абагинский А. Избранное. М.-Якутск: 1953. Якутию пою. Магадан, 1957.

АБАД (арабча: ابد – сўнгги йўқ, мангулик) [тасаввуф] – чексизлик, давомийлик, ниҳоясизлик, сўнгти йўқ замон, бироқ ибтидоси бор вакт ўлчови. А. азалнинг давоми. Азалнинг ибтидоси йўқ, бироқ интиҳоси булиши мумкин. Азал-абад эса, ибтидоси ҳам, интиҳоси ҳам йўқ чексизликдан иборат. А. истилохи диний ва дунёвий талкинда қўлланилади. Дунёвий талкинда вакт ёки замоннинг доимийлиги, чексизлигини англатади.

Тасаввуфий маънода А. шундай муддатки, унинг ниҳоясини инсон ақли тасаввур қила олмайди. А. ниҳоясизликка қараб, Ягона Яратувчининг мавжуд ва доимо ҳаракатда булиши, ниҳоясиз мавжудликдир. Айни

тушунтириш Сайид Шариф Журжонийнинг «ат-Таърифот» асарида келади. Эрон тасаввуф олими Сайид Жаъфар Сажжодий “Ирфоний истилоҳлар ва иборалар лугати”да мазкур таърифни кенгроқ англатган. Ибн Сино замоннинг чексиз давомини А. деб англатган бўлса, ал-Киндий асарларида ўзининг давом этиши учун бошқага муҳтоҷ бўлмаган ва борлиғи сабабга боғланмаган доимийлик, деб таърифланган. Тусийнинг талқинига кўра, А. Аллоҳдан бошқа нарса ва ҳодисаларга ҳам қулланиши мумкин, бирок А. ва азал Аллоҳдан бошқаларга нисбат берилмайди.

А. га тасаввуф фалсафасида Яратувчининг сифатлари тарзида ҳам каралади. Қайсарий “Кашшоғу истилоҳоти-л-фунун” (“Фан истилоҳларининг кашф этилиши”) асарида ушбу фикрни давом эттириб, А.нинг азалийлиги ва азалнинг абадийлигини таърифлайди. Унингча, азал ва А. Аллоҳнинг икки сифати булиб, унинг мавжудлиги зарурияти (вожибу-л-мавжуд) инсон акли орқали тушунилиши учун замонга нисбат берилган. Ҳазрат Навоий асарларида ҳам А. Аллоҳнинг доимий мавжудлиги ҳамда нихоясизлик, сўнгти йўқ замон маъноларида қулланилган:

*Зиҳи ниҳоятиңг охир келиб абад аввал,
Вале ҳабар бера олмай бидоятинга азат.*

(Алишер Навоий, Наводириу-ш-шабоб: IV, 368-ғазал)

*Ҳар кишига умрида бу навъ бир кун берса даст,
То абад гам йўқ агар бўлса яна ё бўлмаса.*

(Алишер Навоий, Фавойиду-л-кибар: VI, 24-ғазал)

Ҳаётингиз зулоли абадга дегинча жорий ва давлатингиз қуёши қиёматгача завол касофатидин орий бўлсун, омин.

(Алишер Навоий, Муншашот: 138-мактуб)

~ *нуктаси* – гўзалликнинг доимий ва ўзгармас белгиси (айрим холларда ягона бир дона хол):

*Эй сафҳаи рухсоринг азал ҳуттидин иншио,
Дебочаи ҳуснунгда абад нуктаси тугро.*

(Алишер Навоий, Фаройибу-с-сигар: III, 23-ғазал)

~ *умри* – туганмас, бокий умр:

*Кўйида ўлсан, абад умрича бор бу умр агар,
Кимаса хориж танимни, итларига судратиб.*

(Алишер Навоий, Фавойиду-л-кибар: VI, 41-ғазал)

*Эй, Навоий, гар насибингдур абад умри керак
Хотирингда ёрдин ўзга таманишо бўлмаса.*

(Алишер Навоий, Фавойиду-л-кибар: VI, 15-ғазал)

~ *ҳаёти* – туганмас, мангу хаёт:

*Абад ҳаёти каби васлига етишкунча,
Фироқ маҳлакаси ичра умр омон бермас.*

(Алишер Навоий, Бадоеву-л-васат: V, 245-ғазал)

- Алишер Навоий. МАТ. 7-ж. Т.: Фан, 1991. Б.18-22; Фалсафа. Комусий тұғат. Тузувчи ва масъұл мұх-р: К.Назаров. Т.: Үз-н файласуфлари миллій жамияти нашр., Шарқ НМАК, 2004. Б.5-6; АНАТИЛ. 1-ж. Т.: Фан, 1983. Б.21.

АБАДЗЕХИ [этнография] – адигей қавмига мансуб этнографик гурух. А. үтмишда адигейларнинг бир уруғи сифатида танилған. Ҳозир бу уруғта мансуб кишилар Адигей республикаси (Россия Федерацияси) Шовгенов туманида истиқомат қилишади. Асосий касблари: дәхқончилик, чорвачилик ва боғдорчилик. Адигей тилининг А. шевасида сұзлашадилар. А. мансуб кишилар ислом динининг сунний мазҳабига әттиқод қыладилар.

- Большая энц-я Кирилла и Мефодия. Эл. Версия. М., 2011.

АБАДИЙ (арабча: ﺍبادی – сұнгги йўқ, мангалик) [фалсафа, тасаввуфшунослик] – мангут, доимий, ҳамишалик. Фалсафада борлық, оламдаги мунтазамлик ва барқарорлық. Моддий жиҳатдан қараганда материя А. мавжуд. Бирок диний тасаввур бўйича материя Яратувчининг яралмиши, шундай экан, унинг абадийлиги нисбий. Материяга нисбатан унинг Яратувчиси А. хисобланади. А. Аллоҳнинг доимий сифати бўлиб, ҳамма маъноларда ҳам абадийлик тимсоли Ягона Аллоҳдир.

*Масти абадий бўлесу мен янглиғ изалда,
Хар кимки фано дайрида бир жом симурди.*

(Алишер Навоий, “Фавойиду-л-кибар”: VI, 588-ғазал)

- АНАТИЛ. 1-ж. Т.: Фан, 1983. Б.21.

~ **мавзу** – бад. асар асосига кўйилган воқеа ва ҳодисалар, моҳият ва мазмуннинг мангалик, доимийлик касб этиши. Mac., маърифий ад-тда илоҳий (Аллоҳга доир) мавзуға ва бадий ад-тдаги мухабbat, севти мавзусига нисбатан кўлланиладиган сифат. А. мавзуға багишланган Имом Фаззолийнинг “Кимиси саодат”, машҳур ҳамсанавислар томонидан яратилған “Хусрав ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” каби асарлар; Гарб ад-тида мухабbatни абадий мавзу сифатида талқин этган “Ромсо ва Жульстта”, “Руслан ва Людмила” достонларини т.га олиш мумкин.

~ **қиёфат** – Яратганинг доимий мавжудлиги ва унинг инсон қалбидә доимо акс этиши. А.к. Шайх Нажмиддин Кубронинг талқинича, Аллоҳга яқинлашиш ва унинг сифатлари б-н ахлокланишининг ўн усули (усули ашара)да доимий зикр б-н юрувчи соликларгагина хосдир. Аллоҳдан бошқа ҳамма нарсани унугтиб, унинг ёди б-н яшамоқ доимий зикрdir.

- Шайх Нажмиддин Кубро. Усули ашара / Ислом тасаввуфи манбалари. Т.: Үкитувчи, 2005. Б.142.

АБАДИЙЛАШМОҚ (арабча: тааббуд) – к.: тааббуд.

АБАДИЙЛАШТИРМОҚ (арабча: таъбид) – бирор адиб ёки машҳур шахс исми тарихда сакланиши учун ш., кўча, хиёбон ёки ўкув муассасаларига унинг номини кўймок. Яна к.: *таъбид*.

АБАДИЯТ [тасаввуфшунослик] – мангулик. Тасаввуфда Ягона илоҳга нисбатан кўлланиладиган Ҳақлиқ сифати. Ҳужвирийнинг тушунтиришига кўра, чеки, чегараси йўқ ҳодисалар.

«АБАДИЯТ ҚОНУНИ» – грузин адиби Нодар Думбалзэ асари. “А.к.” собик иттифокнинг олий мукофотига сазовор бўлган. Романда инсоннинг жамият олдидаги бурчи ва қадр-кимматининг шуролар даврида камситилгани масалалари ўз аксини топган. Думбадзенинг бу романдан ташқари, “Кукарача” киссаси, “Кон”, “Куёш” номли ҳикоялари машҳур. “Одиссейнинг кайтиши” очерклар китоби АҚШга килинган сафар натижасида туғилган ўй ва таассуротлардан иборат.

◆ Думбадзе Н. Голос добрый. Рассказы, повесть, публицистика. М.: Правда, 1984.

АБАЕВ, Василий Иванович (1900–1983) – осетин тилшуноси. Диалектология, этнография ва фольклор мутахассиси. Асосий асарлари: «Осетин эпосидан» (1939), «Нартлар эпоси» (1945), «Осетин нутки ритмикаси» (1949), «Тил тарихи – эл тарихи» (1952), «Этимологик тадқиқотлар тамойиллари ҳақида» (1956).

◆ Осетинский язык и фольклор. М.Л., 1949; Нарты / Эпос осетинского народа совместно с другими. М., 1957; Грамматический очерк осетинского языка. М., 1959.

• Исаев М. Славный путь ученого // Известия Северно-осетинского научно-исследовательского ин-та. 1960, т.22. Вып.1: Краткая лит-ная энц-я, т.1. М.: СЭ, 1962. С.22.

АБАЖИ, Тохир (1951 й.т.) – турк адиби. Истанбул ун-ти журналистика ин-ти ва ҳуқук фак-тини битирган. Малатия “Себат” газ. (1967-68)да маданият булимини бошкарди, “Doğru” (“Түгри”) журн. (1973–76)нинг асосчиларидан бири. “Йурт ансиклопедияси” тузувчиси.

«Геден умрумуз» (“Үтган умримиз”, 1976) ҳикоялар тўплами, «Одалари утандиран дағлар» (“Оролларни уялтирган тоғлар”, 1976), «Басит шейлар» (“Оддий нарсалар”, 1980), “Айнада бир юз” (“Кўзгудаги жамол”, 1994) шеърий тўпламлар муаллифи. Тарихий мавзуда “Ағир Акан су” (1990), “Сижак ҳайат” (1994), “Илк одим” (2002) каби романлар ёзган.

• Necatigil B. Edebiyatımızda isimler Sözlüğü. İstanbul: Varlık yayınları, 1989. S.9; Türk Dünyası Edebiyatçıları Ansiklopedisi. Ankara, 2002. S.3.

АБАЗА (абазинлар) [этнография] – ҳалқ, элат номи. Кавказда ва Туркияда яшайдиган элат. А. 38 минг киши (2002)ни ташкил киласи. Сравропол ўлкасида ва кисман Туркияда ҳам яшайди. А. умумий сони 50 минг нафар атрофида, ислом динининг сунний мазхабига эътиқод қиласилар. А.т. Кафказ

т.лари оиласининг абхаз-адигей турархига мансуб, А.т. Корачой-Черкез улкасида тарқалган булиб, икки шева тапант ва ашхар асосида шаклланган. А.т.да 20 мингдан ортикроқ киши сўзлашади. 1932 й.дан лотин, 1938 йилдан кирил ёзуви кўлланилади.

А.нинг аждодлари IV асрдан Кора денгиз бўйларида яшаганлар. Адигейлар б-н якин алокага киришиб, ҳатто чатишиб кетган. Абазин номли қишлоқ (1856) Хакасияда булиб, кейинрок шаҳар (1966, Россия Федерацияси)га айланган. У Абакан дарёсининг шим.да жойлашган.

- Barthold W. Abazalar / Islam Ansiklopedisi. 1-cild. Istanbul, 1993. S. 6-8; Большая энц-я Кирилла и Мефодия. Эл. Версия. М., 2011.

АБАЗА, Константин Константинович (1841–1905) – рус оммабоп тарихий очерклари муаллифи. «Бошлангич ҳарбий мактабларда таълим раҳбарлиги» (1873), «Азбука» (1883), «Арифметика» (1884) укув китобларини ёзган. «Шарқ ва Гарб ҳалқларининг каҳрамонлик ҳикоялари» (1891), «Ватан каҳрамонлиги ҳикоялари» (1891), «Туркистоннинг босиб олиниши. Ҳарбий тарихдан ҳикоялар, табиат ҳикоялари ва маҳаллий аҳоли (туземцы) ахлоқлари» (1902) каби асарларида ватансеварлик гояларини илгари сурган.

- Бутовский Н.Д. О способах обучения и воспитания современного солдата. СПб., 1908. Брокгауз. Военная энц-я, т.1. Спб., 1911. РП, 11.

АБАЗГИЛАР [этнография] – Турон қавмларидан булиб, III–VII асрларда Кора денгиз бўйларида яшаган. Манбаларда Византия кўшини таркибида т.га олинади. Кавказ т.ларига мансуб агазги т.да гаплашувчи айрим қавмлар мавжуд. А. Россия Федерациясининг Корачой-Черкез ва Адигей мухтор вилоятларида, қисман Ставропол улкасида (33 минг киши) яшайди. А. абхазларнинг кадимги аждодлари саналади.

- Большая энц-я Кирилла и Мефодия. Эл. Версия. М., 2011; Турон қавмлари. Кичик энциклопедик лугат. Тузувчи З.Зиётов. Т.: Истиқлол, 2008. Б.24-25.

АБАЙ (Иброҳим) Құнғонбоев (1845/10.VIII–1904/6.VII) – қозоқ маърифатпарвар адеби, янги қозоқ ёзма ад-тининг асосчиси. Мансабдор Құнғонбай Үскенбай ўғли оиласида Чингизтав (Жар.Қозоғистон)да туғилган, Еттисув мадрасасида таҳсил олган. Асарлари шоирнинг ҳаётлигига дастан Уфа, Орснбургда босилган. Шеърлар тўплами Тошкент ва Қозонда (1922) нашр этилган.

Тўрт фасл «Киш», «Баҳор», «Ёз», «Куз» туркум шеърлари, асосан, олтилик ва саккизликлар шаклида ёзилган булиб, қозоқ шеърияти учун янгилик саналган. «Маъсуд» (1887), «Азим ҳақида ривоят» достонларида Шарқ мумтоз ад-ти, хусусан, Фирдавсий, Навоий ва Фузулий анъаналарини давом эттирган. «Искандар» достони машҳур сюжетдан фарқли равища Искандар Зулкарнайн босқинчилигини қоралайди, унинг қаршисига Арасту ҳаким образини кўяди. Лирик ва сатирик шеърлар муаллифи. «Насихатлар»

насрий китобида Саъдий анъаналарига содиклик бор. Қозок шеър шакллари ҳакидаги “Сегиз аяқ” (“Саккизликлар”) илмий асарини ёзган.

А.Қ. бастакор сифатида ўзи ёзган шеърларининг айримларига куйлар боғлаган ва бу қушиклар бир неча йиллар давомида қозоқ қүшикчиларининг репертуаридан доимий ўрин олган. А.С.Пушкин, М.Лермонтов, И.Крилов асарларини қозоқ т.га тарж. килган. Мұхтор Авзозв шоир ҳакида кснг тасаввур берувчи “Абай йули” тетралогиясини яраттган.

◆ Абай Асарлар (қозоқ т.). 1-2 - ж. Олмаота, 1977; Изб. М., 1981.

• Бейсембиеев К. Мировоззрение Абая Кунанбасова. Алма-ата, 1956; Сильченко М.С. Творческая биография Абая. Алма-ата, 1957; Авезов М. Абай йули. 1-2-ж. Т., 1958; Краткая лит-ная энц-я, т.1. М.: СЭ, 1962. С.23-24; Авэзов М. Статьи, исследования. Алма-ата, 1967; Абай энц-яси. Алмати, 1995; Abay. Новая лит-ная энц-я / www.nlit.ru., 2012.

АБАЙТАНУВ (қозоқча: *абайшунослик*) – қозоқ ад-тшунослигининг мұхим соҳаси бўлиб, ижоди қозоқ мұмтоз ад-тининг чўккиси ҳисобланган Абайнинг ҳаёти ва ижоди масалаларини ўрганишни мақсад килиб олган. Таникли абайшунослар сифатида Аҳмад Бойтурсун, Кокитой Исакули, Алихон Бўкайхонов, Миржакип Дувлатов, Илёс Жансугиров, Бейимбет Майлін, И.Мустамбайули, F.Тұғанов кабиларнинг ишлари тилга олинади. Олмаотадаги “Илим” нашриётида Абай ижодининг мажмую сифатида адабининг икки жилди тұла асарлари эълон килинган. А., шунингдек, Абай ҳақида яратылган бадий ва публицистик асарларни ҳам ўз таркибига олади. Бу жиҳатдан Мұхтор Авзозвнинг “Абай йули” романы эътиборли. А.нинг кейинги й.лардаги ривожида И.Дүйсенбаев, З.Ахмедов, М.Мирзаахмедов, А.Искаков, Р.Сидиковна кабиларнинг хизмати бор. 1995 й.да Олмаотада “Абай энциклопедияси” нашр қилинган.

• Аҳметов Б., Шанбаев Т. Адабийаттанув терминдеринин сўзлiği. Алматы, 1996; Turk Dunyasi Edebiyat Kavatmlari ve Terimleri Ansiklopedik Sözlüğü. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.9–13.

АБАЙ ШЕЪРИ (Абаев стих) [поэтика] – қозоқ мұмтоз ад-тининг асосчиси Абай Кунонбоев фаол қўллаган шеър шакли. Халқ шеъриятининг ритмик имкониятлари ва кофия усули асосида ҳар банди саккиз мисрадан иборат тарзда қозоқ шеъриятига кириб келган. Абайдан сұнг беш, етти, саккиз хижоли вазнларда қўлланилган. Ушбу шеър шакли асосида Абайнинг “Сегиз аяқ” асари мавжуд бўлиб, қозоқ ад-тшунослигига А.Ш. *сегиз аяқ* деб ҳам юритилган.

• Ҳотамов Н., Сарымсоқов Б. Ад-тшунослик терминларининг русча-ўзбекча изохли лугати. Т.: Ўқитувчи, 1979. Б.17; Аҳметов Б., Шанбаев Т. Адабийаттанув терминдеринин сўзлiği. Алматы, 1996.

АБАКАН [топонимика] – Енисей (Энасой) дарёсининг чап ирмоқларидан бири, Хокасиядан оқиб үтади. Узунлиги 496 км, Саян (Олтинге) тогларидан бошланади, унинг бошланғич манбаси 1842 й. сайёх Чихачев томонидан

топилган. Узунлиги 514 км, майдони 3200 кв/м. А. сохида яшовчи туркий халклар ҳам мана шу ном б-н юритилади.

А. ш. Хокас рес-касининг пойтахти. 163,4 минг нафар аҳоли (2009) истикомат киласи. 1675 й.да аҳоли яшайдиган пункт, 1931 й.дан ш. макоми берилган (1925-31 й.да Хокасс деб юритилган). Илмий маданий марказ сифатида Хокас ун-ти, Политехника ҳамда Тил, ад-т ва тарих инс-ти б-н танилган.

- Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.5.

АБАКАН ТИЛИ [лингвистика] – хакас т.нинг қад. номи, айрим манбаларда Энасой турклари т. деб ҳам юритилади (Н.А.Баскаков). Турк т.нинг Енисей ҳавзасида қўлланилган ва *сақай*, *белтир*, *кўйбал*, *қизил* каби гурухларга ажратилидиган лаҳжаси. Элатнинг номи Хакасия пойтахти Абакан ш. (1777 й.да Пётр I даврида Абаканска номи б-н барпо этилган) номланишида сакланиб колган. 1960 й.даги маълумотга кўра, бу т.да 57 минг киши сўзлашар эди. Тарихан турк т.ларининг уйғур-ўгуз гурухига мансуб булиб, камасин, куйзрик, *шўр*, сариуйгур ва олтой т.нинг шимолий диалектлари б-н бирга хакас т. гурухини ташкил қиласи. А.т. генетик жиҳатдан қирғиз т. б-н боғланган. к.: Хакас тили.

- Баскаков Н.А. Тюркские языки. М.: 1960. С.198-204.

«АБАКАН» – адабий-бадиий альманах. Россия Ёзувчилари уюшмаси Хакас булими чиқарган. 1948 й.дан «Хокас чироклари», 1954 й.дан эса «А.» номи б-н юритилади.

- Краткая лит-ная энц-я, т.1. М.: СЭ, 1962. С.24.

АБАНТ (Абас) [мифология] – I. юонон мифологиясида жангари апантлар кабиласининг дохийси, машхур юонон подшохлари Посейдон ва Аретуснинг ўғли.

II. мифологияда Аргос подшохи, Гиперместира ва Линкейнинг ўғли, Акрисийнинг отаси, Данайнинг бобоси, Персейнинг улут бобоси, айрим манбаларда Мелампининг ўғли.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.21.

АБАРЛАР [этнография] – туркий қабилалардан булиб, дастлаб Или дарсси бўйларила яшаган жунгорияликлар. Кейинчалик тургашларга сингиб кетган. Ўрхун-Энасой обидалари таркибига кирувчи Кул Тегин ёдномаларида т.га олинган. А.ларнинг бир қисми мукри, *соге ва алише* уруглари б-н чатишиб кетган.

- Турон қавмлари. Кичик энциклопедик лугат. Т.: Истикол, 2008. Б.24.

АБАРБАНЕЛ, Иегуда (1470–1521) – испан адиби. Насронийлик ва яхудийлик рухида асарлар битган. Файласуф сифатида неоплатонизм

АБАРНЧИЛИК-АБАСА

тарғиботчиси. “Мұхаббат ҳақида сұхбатлар” асари испан рухонийлари орасыда шұхрат козонган.

- Большая энциклопедия Кирилла и Мефодия. Эл. Версия. М., 2011.

АБАРНЧИЛИК (французча: abynaton) [фантастика] – юнон ва лотин хаёлий фантастик ад-ти. Манбаларда А. нинг икки күрениши мавжуд булиб, инсониятнинг илк күнләридан хозирға қадар инсон хаёлоти б-н boglik абадий ҳодисалар тушунилған. Европа ад-тида А. ўрнини фантастика эгаллаган.

- Dutal E., Le Thème de L'Adynaton dans la Poésie Antique. Paris, 1936; Porter L.L., La Fantasie et le Fatras. Paris, 1960.

АБАРТМА (туркча: abartma) [поэтика] – турк ад-тишунослигига муболага истилохининг мүкобили. Яна қ.: муболага.

- Turk Dunyasi Edebiyat Kavatmlari ve Terimleri Ansiklopedik Sözlüğü. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Mərkəzi Bəskanlığı, 2001. S.8.

АБАС (форсча: اباس – майда, ушок) – оғырлик үлчови. Гавҳар ва шу каби қимматбаҳо тошларни үлчашда құлланған. Бир А. = 0, 1458 г.

Адабий манбаларда “бефойда, кераксиз, бехуда, бекор” маъноларида құлланилған. Mac.:

*Агар қойыл әрмас бу ишга киши,
Бұлур бар **абас** оғаринии иши.*

(Алишер Навоий, Садди Искандарий: XI, XLVI боб)

Мазмуни: Агар бир ишга киши муносиб бўлмаса, унинг ишидан натижада бефойда, кераксиз бўлади.

- АНАТИЛ. 1-ж. Т.: Фан, 1983. Б.21.

АБАС (лар) ёки *абаслар* [мифология] – ёқут афсоналарида юқори (осмон), урта (ер усти) ва қуи (ер ости) оламнинг ёвуз рухи. Инсонга үхаш, лекин бир оёкли, бир қўлли ва бир кўзли маҳтук. Бутун зарарли ва заҳарли ўсимликларни А. яратган деб тасаввур килинади. *Арсан-дуолай, Xara Суорун* исмлари кўп учрайди ва эпосда А. ҳалқ қаҳрамонларининг душмани сифатида талқин килинади.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.21-22; Мифологический словарь. М., 1990. С.12.

АБАСА (арабча: اباص – юзини буриштирмок) [диншунослик] – Куръони каримнинг 80-сураси. Маккада нозил бўлган, 42 оятдан иборат. Суранинг дастлабки ояти каримаси “Юзини буриштириди ва юз үгирди” бўлгани учун ушбу сўз суранинг номига айланған. Сурада “инсонни яратишдаги, набототдаги ва таомдаги далиллар оркали Аллоҳ таолонинг биру борлиги исбот этилади” (“Тафсири хилол”). Сура мазмунида Абдуллоҳ ибн Умму

Мактум (р.а.) киссаси келтирилди. Сүнгра ношукр инсонлар, нонкүр ва кофирлар; инсон назари, киёмат ва унинг даҳшатли белгилари хусусида баён қилинади.

- Шайх Мұхаммад Соғық Мұхаммад Юсуф. Тафсири хилол. 2-нашри. Т.: Шарқ НМАК, 2008. Б.372-386.

АБАСИЙАНИК, Саид Фойик (1907–1954) – турк адиби. Жұмхурият даври (1923 й.дан) хикоянависларидан бири. Истанбул ва Гренобл (Франция) унтыларда таҳсил олган. Швейцария ва Францияда дарс берган. Асарлари 1936 й.дан босила бошланган. «Лузумсиз одам» (1948), «Осмонда булут» (1951), «Сұнгиги күшлар» (1952), «Ширини кам» (1954) хикоялар тұпламлари мұаллифи. «Суд залидан» очерк ва репортажлар китоби, «Маший ҳаёт мотори» (1944), “Йұқалғанни излаб...” (1953) романлари ва «Севиш вакти» (1953) шеърлар китобини ёзған. Үн беш ж.дан иборат асарлари чоп этилған (1970–89).

- Бабаев А.А. Очерки современной турецкой литературы. М., 1959; Краткая литература энциклопедия. Т. I. М.: СЭ, 1962. С.24-25; Miskioglu A. Ana Temleriyle Sait Faik ve Yeni Türk Edebiyatı. Ankara, 1979; Uyguner M. Sait Faik Abaciyanık. Ankara, 1983; Necatigil B. Edebiyatımızda isimler Sözlüğü. İstanbul: Varlık yayınları, 1989. S.9-10.

АБАШЕЛИ (фам. Чочня), Исаак (Александр) Виссарионович (1884–1954) – XX аср грузин шоири. 1905 й.ги инқилобий ҳаракаттарда катнашгани учун 1908 й.гача қамалған. Илк ижодида символистик мотивлар үрин олған. Мак., «Күйшінг жилмайиши» (1913) тұплами. Жаҳон уруши й.ларидан «Онамга хат», «Сталинград» асарлари машхұр бўлған. «Олтин зиналар» (1950) хикоялар тұплами мұаллифи. Грузин мұмтоз шоири Вата Пшавели тұла асарларини нашырга тайёрлаган.

- ◆ Абашели И.В. Асарлар. 1-2 ж. Тбилиси: 1958-60 (грузин т.); Сайланма. Тбилиси: 1968 (грузин т.).
- Жегенти В.Д. Александр Абашели. Тбилиси, 1958; Краткая литература энциклопедия. Т. I. М.: СЭ, 1962. С.25.

АБАШИДЗЕ, Григорий Григорьевич (1914/19.VII–1994/VIII) – XX аср грузин адиби. Тифлис ун-тини тамомлаган. Шеърлари 1934 й.дан чоп этила бошлаган. «Олтин ишком» (1966) шеърлар тұплами б-н шұхрат қозопған. Жаҳон уруши й.ларидан “Душманлар” (1941), «Енгилмес Кавказ» (1943) достонларини ёзған. “Уч даврга сәхат” (1957), «Ялдо кечаси» (Жалолиддин Мангуберди ҳақида) (1963), «Цотнэ ёхуд Гуржистоннинг күтарилиши» (1975) романларининг мұаллифи. “Кранали” тарихий романнанда Кавказорти мамлакатларидаги XIII аср ҳаёти акс этган. «Аждодлар ва замондошлар. Хатлар» (1979) есселар китоби нашр этилған. Грузия давлат мадхиясини ёзған. “Ялдо кечаси” романнан боблар ўзб. т.да М.Махмудов ва И.Султонов тарж.да нашр килинган.

- ◆ Абашидзе Г. Асарлар. 1-4 ж. Тбилиси, 1970-76 (грузин т.); Стихотворения и поэмы. М., 1961; Собр. соч., т.1-3. М., 1976-78.

- *Апхайдзе Ш.Г.* Абашидзе. Тбилиси, 1958; *Барамидзе А., Радиани Ш., Жгенти Б.* История грузинской лит-ры. М., 1958; Краткая лит-ная энц-я, т. I. М.: СЭ, 1962. С.25-26.

АБАШИДЗЕ, Ираклий Виссарионович (1909/10.XI–1992) – XX грузин шоири, академик. 1953–67 йй. Грузия Ёзувчилари уюшмасини бошкарган, 1967 й.дан умрининг охирига калар Грузин Миллый энц-ясининг раҳбари. «Якинлашув» (1966), «Гуржистон қушиклари» (1971), «Ватан» (1973), «Риони водийси шамоллари» (1979) китоблари нашр килинган. “Шота Руставели изидан” (1966), «Фаластин, Фаластин» (1963) китоблари учун Давлат мукофоти б-н тақдирланган. “Дүстлар, йўллар, ўйлар” (1979) саёҳат хотиралари муаллифи. А. шеърлари ўзбек т.га тарж. килинган, А. Зулфия шеърларини грузин т.га тарж. килган.

- *Абашидзе И.* Шеърлар. Т., 1962; Асарлар. 1-2 ж. Тбилиси, 1979 (грузин т.); Изб. М., 1979.
- *Маргвелашвили Г.И.* Абашидзе. Тбилиси, 1958; Краткая лит-ная энц-я, т. I. М.: СЭ, 1962. С.26.

АББА, Жузеппе Чезаре (1838–1910) – итальян адиби. «Романья» (1887), «Эски шеърлар» (1906) тупламлари, «1784 й.да Бермида сохили» (1875) тарихий романни муаллифи. «Куартодан Волтурногача: “Мингдан бир (киши)-нинг қайдлари» (1880) хроникаси б-н машхур. «Тарих сахифалари» публицистика китоби (1-3 ж., 1914) бор.

- Краткая лит-ная энц-я, т. I. М.: СЭ, 1962. С.27.

АББАНЯНО, Никола (1901 –1977) – итальян файласуфи ва филологи. Турин уни-ти профессори. «Позитив экзистенциализм» асосчиларидан бири. М.Хайдеггер, К.Ясперс, М.Марсел, Ж.П.Сартр каби олмон ва француз экзистенциалистлари давомчиси. Бевосита фалсафага доир ишларидан ташкири, инсон ва табиат муаммосига ўзгача ёндашиб, уларнинг ўргасида тсҳника туради ва инсон унинг ёрдамида нарса ва табиатта таъсир кўрсатади деган карашни ифодалаган. Инсоннинг табиатта қайтиши тарих орқали рўй беради. Инсон тарих воситасида табиатни замон талотумларидан сақлаб қолади. Санъат ҳам табиатта қайтиш йўли бўлиб, у инсоннинг тўла эркин танлови асосида юзага келади. Бу жихатдан инсоннинг олдида кенг имкониятлар уфки очилади. А. ўз карашлари б-н позитив экзистенциализм вакилига айланган.

- Эфиров С.А. Итальянский позитивный экзистенциализм / Современный экзистенциализм. М., 1966; Долгов К.М. Аббаняно / Современная западная философия. М.: ИПЛ, 1991. С.5-6.

АББАТ I (сурёнийча: *abba* – ота) [диншунослик] – католик рухонийси, чёрков бошлиғи. У асрдан Ғарбий Оврупода орден (мазҳаб) бошликлари ҳам шундай аталган.

А. тахаллуси остида Францияда күтпелдік антиклирикал (динга қарши) романлар ёзилған. Бу асарлар Парижда «Le Maudit», «La Relgieuse», «La Moine» номлари б-н (1863) нашр этилған. Муаллифлари сифатида Луи Мишон, Луи Улбах т.ға олинади.

П. француз адеби ва файласуфи Шарл Перро (1628-1703)нинг «Кадимчилар ва янгичиларо параллел» (1688-92) асарининг рамзий қаҳрамонларидан бири. Перро асари беш диалог асосында күрсатылады. Ушбу асарда Раис б-н баҳсга киришган Аббат янгилик тарафдори сифатида күрсатылади. Сүзбошида Перро ёзганидек, “Мени Аббат сұзларининг тарафдори деб билүвчиларнинг қарашларига қүшилиш менга маъқул келади, бирок мен Шевале айттган сұзларига жавоб беролмайман...” Демак, қад. юон файласуфлари каби муаллиф ўз қарашларини Аббат воситасида баён килади. Шарл Перронинг замондоши, машхур классицист Никола Буалонинг ёзишича, Аббат тимсоли француз эстети Юэ қарашларига яқин келади. Муаллифнинг Аббат номидан ёзишига кўра, “поэзия учун асосийси ёкиш (китобхонга), нотиқлик санъати учун эса, ишонтириш. Шунинг учун кайси предмет ҳакида гапирмасин, (поэзия) уни ранглар б-н бўяб турли ҳолатларда күрсатадики, у (предмет) тасвирда бизга ёксин; поэзия тасаввурни шундай чизадики, у бизга ёкиш б-н бирга, тасаввуримизни образлар б-н тўлдиради...” Шундай килиб, Шарл Перронинг Аббат воситаси орқали англатган қарашларига кўра, қад. ад-т гўзал, бирок уни такрорлаш б-н тараққиётга эришиб бўлмайди. Худди устоз ва шогирд Афлотун ва Арасту каби. Улар бир йўналишдаги олимлар, бирок Арастунинг қарашлари устозиникидан айрим ўринларда кескин фарқ килади, ҳатто уни инкор қиласи. Биз ҳам қад. поэзия ва фалсафадан ҳайратланиш б-н бирга унинг қаршилиги янги, бугунги санъат асарлари тутғидрган масалаларни кўйишимиз керак. Қад.лар ҳар канча даҳо бўлишмасин, ўзигача ўтганларни таҳлил килиб колдирғандар холос.

◆ *Перро III.* Параллель между древними и новыми в отношении поэзии / Спор о древних и новых: История эстетики в памятниках и документах. М.: Искусство, 1985. С.142-245.

◆ *Бахмутский В.Я.* На рубеже двух веков / Спор о древних и новых: История эстетики в памятниках и документах. М.: Искусство, 1985. С.7-40. *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Энциклопедический словарь в 12 томах. Биографии, т.1. М.: СЭ, 1991. С.13; *Bünyadov Z. Dinlər, təriqətlər, məzhabətlər.* Bakı: Şərq-Qərb, 2007. S.7.

~ **ЛИК** (сурёнийча: *abba* – ота) [диншунослик] – католик черковларининг мулки. А. мулки аббат (эркак) ёки аббатисса (асл) томонидан бошкарилган. Ўрта асрларда диний урушлар туфайли қўлга киритилған мулк (ер)лар ёки айрим бойлар томонидан хадия этилған ерлар эди. А. ерларида купрек черков ҳодимлари, диний талабалар таътил пайтларида меҳнат килғандар. А. XVI асрдан ўз ўтиборини йўкота бошлаган. Мусулмон вакфларидан фарқли равишда А. сотилиши мумкин бўлган мулк. Войничнинг “Сўна” романыда А. ҳакида бадиий лавҳалар бор. А. Реформация ва Маърифатчилик даврида сиёсий қурашларда ҳам иштирок этган, ўзини черковдан юкори куиган.

Католикларнинг “Қонуний ҳуқук кодекси” (1982) А. ҳуқукини оддий католик черкови даражасида белгилаган.

- Bilyayev Z. Dinlər, tətqiqatlar, məzhdəblər. Bakı: Şərq-Qərb, 2007. S.7; Большая энц-я Кирилла и Мефодия. Эл. Версия. М., 2011.

«АББАТЛИК» («L'Abbaye») [адабий жараён] – француз адиллари гурухи. 1906 й. кузида Ш.Вилдрак ва Р.Аркос Франсуа Рабленинг «Гарантюа ва Пантагрюэл» романидаги Телемга тақлидан Париж яқинидаги Кретей (Creteil) деган жойга маскан курдилар. У ерда кичик босмахона ташкил килдилар. А. гурухига А.Мерсеро, Ж.Дюамел, Ж.Ромен, Ж.Шенневер, Л.Дюртен каби адиллар, рассом А.Глез ва бастакор А.Дкаен күшилгандар. 15 ой давомида 20 дан ортик асар нашр этган, босмахона моддий жихатдан қийналгани учун ёпилган. «А.» гурухи символизмга қарши эканлигини яширмайды. А. тарафдорлари У.Уитмен ва Э.Верхарн руҳида асарлар битдилар, сүнг таркалиб кетди. «А.» гоялари кейинроқ унанизм окими тарафдорлари томонидан давом эттирилган.

- История французской лит-ры. Т.3. М., 1959; Краткая лит-ная энц-я, т.1. М.: СЭ, 1962. С.28; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Астрель-Аст, 2003. С.6; *Cuisiner A. Jules Romains: L'unanimisme et les hommes de la bonne volonté*. Р., 1966.

АББАТ ПРЕВО – француз адеби. «Кавалер де Гриё ва Манон Леско қиссаси» (тарж. Ж.Абдуллахонов), “Мусулмон гўзалининг бошидан кечиргандлари”, “Юон қизининг қисмати” асарлари муаллифи.

◆ *Abbât P. Кавалер дс Гриё ва Манон Леско қиссаси // Жаҳон ад-ти. 1999. № 1-2; Юон қизининг қисмати // // Жаҳон ад-ти. 2007. № 6-7.*

АББЕВИЛ МАДАНИЯТИ [археология] – илк палеолит даврида Европадаги маданият. Мутахассислар унинг даврини милоддан 1,5 млн. й. аввал юзага келган деб тахмин килдилар. XX аср 20–30 -й.ларида Франциядаги Сомма водийсидаги А.ш.да археологик қазишмалар натижасида палеолит даврига оид меҳнат куроллари топилган. Бу Париж яқинидаги Шелли маданиятидан кадимийроқдир.

АББОС, Абдул Мутталиб (566–652) – Пайғамбар Мұхаммад (с.а.в.)нинг амакиси, куяси Абулфазл. Маккада туғилган, отасининг исми Нугайла. Дастваб тијоратчи, отасининг вафотидан сүнг унинг ўрнига Замзам булогининг назоратчиси бўлган. Бадр жангига (624)дан сүнг мусулмонликни кабул қилганлар. Унинг таъсирида кўплаб курайшликлар исломни кабул қилганлар. Макка фатхига (630) Пайғамбар (с.а.в.)га ёрдам берган. Мұхаммад (с.а.в.) вафот этганида Ҳазрат Али б-н биргаликда дағнига тайёрлаган. Куръони каримнинг араб т.даги даствабки тафсирининг муал.и сифатида ҳам т.га олинади. Ҳижрий 32 й.да вафот этган.

А.нинг тұнгич фарзанди *Абдулла ибн А. аббосийлар* сулоласи (750-1258). Бағдод)га ассоқ солған. Бу сулола 750 й.дан Бағдодда халифаликни бошқарған. Сулоланиң сұнгти вакыты Мұтасим Мисрға қочиб, авлодларига халифаликни қолдирған. Мисрда халифаликни Нуриддин, Салохиддин, Султон Бейбарс каби мамлуклар бошқарған. 1517 й.дан халифалик түрк сұлтоналарига ўтған. Аббосийлар сулоласининг вакиллари ҳозирға қадар Түркия ва Шимолий Хиндистонда яшаёттани қайд килинади.

- Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Энц-кий словарь в 12 томах. Биографии. т.І. М.: СЭ, 1991. С.11; Buhl Fr. Abbas / Islam Ansiklopedisi. 2-cild. İstanbul, 1993. S.12; Bünyadov Z. Dinlər, təqədələr, məzhabələr. Bakı: Şərq-Qərb, 2007. S.7.

АББОС, Хұжа Ахмад (1914/7.VI-1987/1.VI) – хинд адиби ва режиссёри. Урду ва инглиз т.ларда асарлар ёзған. А.нинг «Эртанги күн сизга тегишли» (1945), «Инқилоб» (1954), «Түрт калб, түрт йүл» (1959) романлари, «Нур ва тун» қиссаси ва «Қызы» (1942), «Аудха кечаси» (1956), «Қызил ва сарик», «Менинг ўғлим – душманим» (1953), «Гуруч» (1943), «Тош үриндикда минг кеча» (1957) җыкоялар түпнамалари бор. Драматург сифатида «Зубайдә» (1941), «Ананас ва атом бомбаси» (1943), «Абадийлик» (1951) драмаларини ва «Дайди», «Жаноб 420», «Уч денгиз оша» киносценарийларини ёзған.

◆ Аббос Х.А. Завтра принадлежит нам. М.: Молодая гвардия, 1955; Сын Индии. М., 1956; Пшеницы и розы. М., 1961; Черное солнце // Иностранная лит-ра. 1961. №10; Аббос Х.А., Смирнова М. Жаждение за три моря. М.: Искусство, 1958; Хинд ёзуучилари җыкоялари. Т.: Үззадабийнашр, 1958.

• Арипов У. Ходжа Ахмад Аббас. Очерк жизни и творчества. Т.: Фан, 1967; Низомиддинов И. Хұжа Ахмад Аббос. Т., 1965; Краткая лит-ная энц-я, т.І. М.: СЭ, 1962. С.27.

АББОС ибн Ахнаф (750–808) – араб шоири. Хорун ар-Рашид даврида яшаган, ғазаллар ёзған. «Девон» тартиб берған. Жохилийя даври анъанавий шеър шаклларини янгилаган. А.нинг ғазаллари халқ томонидан севиб күйланған.

• Краткая лит-ная энц-я, т.І. М.: СЭ, 1962. С.28.

АББОС МАРВАЗИЙ (в. 815) – форс шоири. Маъмун ибн Хорун ар-Рашиднинг Марвга келиши (809)га атаптап касидаси машхұр.

• Сафо, Забиулла. Тарихи адабийят дар Эрон. 1-ж. Техрон: 1332/1954.

АББОС СИХХАТ (1874–1918) – озарбайжон шоири ва таржимони. Асл исми: Аббоскули Алиаббос ўғли Мұхтизода. Шамахида туғилған. Техрондаги мадрасаси Низомийайи Носирийайада ўқитған. 1903 й.дан асарлари чоп этила бошлаган. «Ҳаёт» газ.да босилған «Янги шеърият кандай булиши керак?» маколасида янги озарбайжон шеъриятининг уфкларини белгилаган. «Синик соз», «Мағриб қуёши» (1912) шеърлар китоблари, «Поэтик нутк», «Озодликка қасида», «Уйғониш овози» достонлари б-н шұхрат топған. «Шоир, илхом ва ш.лик» романтика достонида соғ санъат назариясини инкор қылған.

“Али ва Ойша” романи, “Нефт фонтани” (1912) тарихий асари, “Қора кунли калима” (1917) хикояси ва “Волга саёхати” сафарномаси муал.и.

•*Аббос Сиҳдат*. Сатилемши асарлари. Бакы, 1950.

•*Толибзода К.* Аббос Сиҳҳат. Бакы, 1963; Ҳуссинов Ф. XX аср Азарбойжон ад-ти. Баку, 1982. С. 365–376.

АББОС ҚУЛИХОН – к.: Бакихонов А.К.

АББОСИЙЛАР – араб халифалари сулоласи (750–1258). Абу Муслим Хуресонда уюштирган қўзғолон натижасида халифалик умавийлардан тортиб олиниб, Муҳаммад (с.а.в.) амакиси авлодларидан Абу Аббос ас-Саффоҳ (халифалик даври 749–754)га берилган. Халифалик маркази Дамашқ (Шом)дан Бағдодга кўчирилган. Машхур аббосий халифалар: Абу Жаъфар Мансур (754–775), ал-Махдий (775–785), Хорун ар-Рашид (786–809), Маъмун (813–833), сўнгти бўғин Мустаъсим Биллоҳ. 883 й.дан ҳокимият заифлашган, 945 й. бувайхийлар А.ни сиёсий ҳокимиятдан маҳрум этганлар. А. сулоласининг сўнгги вакили Мустасим (1242–58) ҳижрий 656 (1258) й. Ҳулоқухон бўйруги б-н қатл этилган. Мустаъсимнинг амакиси Мустансир Мисрға қочиб бориб, халифаликни давом эттирган. Усмонли халифалиги Мисрда аббосийлардан халифаликни кабул килган. 1517 й.дан халифалик Мутаваккил III томонидан Истанбулга кўчирилган.

Аббосийлар даврида кўпигина масжид, мадраса, кутубхона ва шифохоналар курилган. Халифа Маъмун даврида академия – *Байту-л-ҳикма* очилган. Илм-фан арбоблари Эрон ва Туркистондан таклиф килинган. Марказий ва Кичик Осиёдан китоблар келтирилган, юон манбалари тарж. килинган. Айникса, сулоланинг бешинчи бўғини Хорун ар-Рашид даврида илм, фан ва маданият ривож топган. Икки аср кейин Урганчда бино килинган Абул Аббос Маъмун академияси мана шу сулоланинг илмпарварлигини курсатувчи далиллар. Ислом ад-ти ва санъати, тижорати ва зироати Маъмун даврида кучли тараккий топган.

•*Беляев Е.А.* Арабы, ислам и арабский халифат. М., 1965; *Бартольд В.В.* Сочинения. Т.6. М., 1966. С.15–78; История стран Азии и Африки в средние века. М., 1968, ч.2, Гл.8; *Босворт К.Э.* Мусульманские династии / Справочник по хронологии и генеалогии. М.: Наука, 1971. С.32–37; *Большаков О.Г.* История арабского халифата. М., 1978; *Фитрат А.* Мұхтасар ислом тарихи. Т., 1992. Б.26–28; *Васкет Р.* Abbasiyye / Islam Ansiklopedisi. 2-cild. Istanbul, 1993. S.22–23; Ислом тасаввуфи манбалари. Т.: Ўқитувчи, 2005. Б.14; *Ислом.* Энц-я. Т.: ЎМЭДИН, 2004.

АББОСОВ, Шуҳрат Солихович (1931.16.I) – кинорежиссер. Ўзб-нда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1965). Ўз-н халқ артисти (1974). Қўкон ш.да туғилган. Тошкент давлат театр ва рассомлик санъати ин-тини тутаттган (1954), шу ин-тда проф. (1983 й.дан), кафедра мудири (1991 й.дан). М.Уйғур номидаги вилоят мусиқали драма тсатрида (Янгийўл ш.) бош рсж. (1954–56). 1958–91 й.лар «Ўзбекфильм»да реж. (1982–86 й.ларда директор). А. яратган «Махаллада дув-дув гап» (1960), «Сен етим эмассан» (1963), «Қалбингда

куёш» (1965), «Тошкент – нон ш.» (1967), «Севги можароси» (1971) фильмларида Тошкент ш.даги турли даврдаги воқеалар, тошкентликларнинг турмуш тарзи, ўзига хос хислатлари ёркин акс эттирилган.

А. адабий материалларга кўп мурожаат этган реж.лардан бири. Унинг «Абу Райхон Беруний» (1974) фильмида буюк алломанинг ҳаёт йули акс этган булса, «Оловли йўллар» (17 кисмли, 1975–84), телефильмида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий тарж.и ҳоли асосида XX аср бошларидағи мураккаб ҳаёт воқеалари акс эттирилган, «Катта урушдаги кичик одам» (1989) милллий қаҳрамон яратиш йўлидаги урунишлардан биридир. Тогай Муродининг «Отамдан колган далалар» романи асосида М.Тўйчиев б-н ҳамкорликда (1998) ўзига хос янги киноэпопея яратган.

Ҳамза номидаги Ўз-н Давлат мукофоти лаурсати (1974). «Эл-юрг ҳурмати» ордени (1998), «Шуҳрат» медали (1994) б-н тақдирланган.

Ўзбекистон Милллий энц-яси. Т.: ЎМЭДИН, 2000. Б.16.

АББРЕВИАТУРА (итальянча: abbreviatura – қисқартириш, лотинча brevis – киска) [лингвистика] – I. тилишунослиқда сўзлар ва сўз кисмларининг биринчи ҳарфларидан (қисқартириш орқали) ясалған ном ва исмлар. Mac., БМТ – Бирлашган Милллатлар Ташкилоти; в.б. – ва бошқалар; х.к. – ҳоказо.

П. мусика асарлари ва ноталарда қисқартма белгиси. А. нота ўқилишини осонлаштиради;

III. нашрларда келтириладиган шартли қисқартмалар. Mac., Юсуф Ҳожиб “Кутадғу билиг” асарининг уч кўлезма нусхаси бор. Улар топилиш ўрнига кўра Вена, Коҳира ва Намангандан нусхалари дейилади ва шартли равишда A, B, C нусхалари деб кабул килинган. Айрим илмий тадқикотлар, дарслик ва қўлланмалар ҳамда луғатларда ўша нашр табиатидан келиб чиқкан ҳолда шартли қисқартмалар кабул килинади. Mac., А.Қ. – Абдулла Қаххор, А.Қод. – Абдулла Қодирий каби.

- Краткая лит-ная энц-я, т.1. М.: СЭ, 1962. С.28; Словарь сокращений рус. языка. З-изд М., 1983; Акбаров И.А. Музика лугати. Т.: F.Гулом номидаги нашр., 1987. Б.5; Лопатин В.В. Аббревиатура / Большой энц-кий словарь: языковзнанис. М.: Большая Российская энц-я, 1998. С.9; Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik Sözlüğü. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.16; Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.6; Издательско-полиграфический словарь-справочник / Сост. О.Садыбеков. Т.: O'zDAVMATBUOTLITI, 2009.

АББУД, Марун (1886–1962) – араб (Ливан) адаби ва ад-тшуноси. Байрут унти Хукук инс-тини тамомлаган. “Ар-Равза” газ.да катнашган. Даслабки ҳикояси “Марикнинг беваси” 1935 й. матбуот юзини кўрган. «Сахифалар ва ҳикоялар» (1945), «Корлук баҳодирлари» (1948) ҳикоялар тўпламлари муал.и. «Қизил амир» (1954) қиссасини, «Коғоздаги сиёҳ» (1957) китобини ёзган. Абул Аъло ал-Маарий, Амин ар-Райхоний ва ўрта асрлар араб ад-ти тарихи ҳақида тадқикотлар ёзган. Mac., «Жадид ва кудама» («Янги ва эски», 1954), «Фи-л-мухтабар» («Ижодхонада», 1952) кабилар.

- Краткая лит-ная энц-я, т.1. М.: СЭ, 1962. С.28-29.

АБВОБ (арабча: بَوْب – эшиклар) [тасаввуфшунослик] – I. тасаввуф ад-тида соликнинг холатини ифодаловчи истилоҳ. Ҳақ йўлидаги солик (йўлга кирган)лар холатлари ўз бошланиш нуктасига эга. Сайр давомида солик (йўлчи) бир неча даражалар, яъни эшиклардан ўтиши лозим: 1) эшикни билиш ва аниклаш; 2) эшикдан кирилиш ҳолати; 3) мазкур соликка унинг ҳолатига қараб муомала килинади; 4) муомаладан сунг ихтилоғли ҳолат (хатто яқинлари б-н) содир бўлади; 5) солик ўзини яхши васфларга тайёрлайди ва солих хулкларни эгаллайди; 6) йулни ўтиш жараённида кутилган ҳалокатлар, баҳтсизлик; 7) фарқланиш ва жамъ (ўзини йигиш); 8) солик башарий сифатларнинг мумтозлари б-н сифатланади; 9) бутун вужуди б-н Ҳакка томон интилиб тасарруфот, ҳаракат ва сукунатда факат У (Аллоҳ) томон назар; 10) нихоядаги вусул (висолга эришиш) марҳаласи (мартабаси). Тасаввуф алломаларидан Лоҳижий “сайри илаллоҳ” (Аллоҳ томон сайр)да мақомотни ўн асл кисм ва ҳар бир кисмни яна ўнта бўлакка ажратади: 1) бидоят (бошланиш) даражаси: зийраклик (диккатлилик), тавба, санокни түғри олиш (сонда адашмаслик, зикр ҳолатида), инобат, тафаккур, тазаккур (зикр), номакбул ишлардан ўзини тиймок, ёмонликлардан қочиш, риёзат (машакқат чекиши), самовь (эшитиш); 2) иккинчи ҳолатда ҳузн (ғамгинлик), ҳавф, ҳамлардлик, ҳушуъ, зуҳд, варавъ, табаттул, ражоъ, рағбат; 3) муомалот ҳолатлари: риоят, муроқабат, ҳурмат, ихлос, тахзиб, истикомат, таваккул, тафвиз, саккат ва таслим; 4) хулклар: сабр, ризоъ, шукр, ҳаё, сидқ, ийсор (бахшиш, ҳиммат), тавозеъ, футувват ва инбисот; 5) усууллар: қасд, азм, иродада, адаб, якин, унс, зикр, факр, ганий ва мурод; 6) ҳун (қасос): эҳсон, илм, ҳикмат, басират, фаросат, таъзим, илҳом, сакина, тамаънина ва ҳиммат; 7) ахвол: муҳаббат, ғайрат, шавқ, ташналик, важжд, бағрикенглик, ҳимматлилик, ҳамён, барқ ва завқ; 8) валийлик: лаҳза, вакт, сафо, сурур, сир, нафас, ғурбат, ғарқ, ғайбат ва тамкин; 9) ҳакикат: мукошафа, мушоҳада, муояна, ҳаёт, қабз, баст, сукр, саҳв, иттисол (боғланиш) ва инфисол (булиниш); 10) нихоялар: маътирифат, фано, бако, таҳкиқ, талбис, вужуд, тажрид, тафрид, жамъ ва тавхид. (Лоҳижий. Шархи “Гулшани роз”, 655). Шунингдек, Кунявийнинг “Мисбоҳу-л-унс” асарида ҳам А. талқинлари берилган.

Абдуллоҳ Анзорийнинг “Манозилу-с-сойирин” (“Сайр килинувчи манзиллар”) асарида куйидаги ўн марҳала (рутба, даражаси)ни шарҳлаб, абжад ҳарфларидан (абжад, ҳаввос, ҳутти...) фойдаланиб, у макомларни шундай англатади: 1 (алиф) – бидоят (бошланиш), у куйидагилардан иборат: яъзо (уйғоклик), тавба, муҳосабат (хисобли булиш), инобат (тавба, илтижо), тафаккур, тазаккур (зикр килиш), эътисом (гуноҳдан қочиш), фирор (ёмонликлардан тийилиш), риёзат, самаъ; 2 (бс) – А. (эшиклар) куйидагилардан иборат: ҳузн (ҳазинлик), ҳавф, ишқоқ, ҳушуъ (хокисорлик камтаринлик), ахбот, зуҳд, варавъ, табаттиш, табтиш, рижсо, рағбат; 3 (жим) – муомаъотлар: ривоят, муроқибат, ҳурмат, ихлос, тахзиб, истикомат, таваккул, сихат в.б.; 4 (дол) – ахлок: сабр, ризо, шукр, ҳаё, сидқ, эсор, хулқ,

тавозеъ, футувват ва инбисот; ғ у (охсул: қасд, азм, ирода, адаб, яқин, унс, зикр, фақр, гино, мурод; ә (вов) адвийя (водийлар): әҳсон, илм, ҳикмат, басират, фаросат, таъзим, илҳом, сакинат, тамоъинот ва ҳиммат; ғ (хо) ахвол: муҳаббат, гайрат, шавқ, галқ, айш, важедҳ, даҳши (?) ҳаймон, барқ, завқ; ә (вов) валоят (валийлик): лаҳз, вақт, сафо, сурур, сирр, нафас, ғурбат, гарқ, гайбат, тамкин; ғ хакойик: мукошафа, мушоҳада, муойижижа, ҳаёт, файз, басит, сукр, саҳр, имтиносол, инфисол; ғ (йо) ниҳоят: маърифат, фано, бақо, таҳлиқ, таъбис, вужуд, тажрид, тафрид, жамъ ва таъзиҳ.

II. китобнинг бўлимлари. Алишер Навоийда шундай байт бор:

*Ишқ абвобин ёзарга яхши жисимм хомаси,
Хоссаким тиги фироқинг айлади бошимни ишқ.*

Мазмуни: илоҳий ишқ боблари, кисмларини ёзиш учун жисм хома (қалам) бўлди, чунки сенинг ишқинг тигидан бошим хоссага айланди, яъни хос (суфий)лар сафига кирдим.

- АНАТИЛ. I-ж. Т.: Фан, 1983. Б.22; Сажжодий С.Ж. Ирфоний истилоҳлар ва иборалар лугати. Техрон: Сах. 22.

АБД (арабча: ݣ – қул) [диншунослик] – I. Тасаввуфий истилоҳ сифатида Аллоҳнинг қули. Ҳаққа қул бўлгани учун ундан бошасига қуллик килмайдиган Пайғамбар (с.а.в.)нинг энг юксак мақоми. Куръони каримдаги калимайи шаҳодатда “абдуҳу ва расулуҳу”, яъни “Пайғамбар (с.а.в.) Аллоҳнинг қули ва расули (элчиси)дир” деб айтилган. Буни убудийят, яъни қуллик рисолат (элчилик)дан ва нубувват (пайғамбарлик)дан-да аввал келган, деб тафсир киласидар. Тасаввуфда тавба макомларнинг бошланиши бўлса, қуллик унипг сўнгти, юксак даражасидир. Қул бўлган киши хур, эрқли кишидир. Зоро Раббидан бошқа кишига бўйини эгмас.

*Даги билким малак эрур мавжуд,
Борчаси абду, Генгридуру маъбуд*

(Бобур, Мубайин: 2006, 280)

Мазмуни: Бутун мавжудот (малаклар – фаришталар ҳам) қулидир, уларнинг маъбути, яъни сигинувчиси Тангри таолодир.

II. арабчадан ўтган исломий исмларнинг бошланғич кисми: Абд+Аллоҳ = Абдулла, Тангрининг қули. Аллоҳнинг қуллари орасида энг даражаси юксаги Абдуллоҳдир. Ислом маданиятига қўра, исми номаълум кишига нисбатан ҳам “Абдуллоҳ” деб мурожаат килиш кабул килинган.

- Бобур. Мубайин. Т., 1994; *Uludağ S. Tasavvuf Terimleri Sözlüğü*. İstanbul: Kabalcı Yayınevi, 2005. S.19; *Cebecioglu E. Tasavvuf Terimleri Sozlüğü*. İstanbul: Anka Yayınlari, 2005. S.10-11; Ислом тасаввуфи манбалари. Т., 2006. Б.280; *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия*. М.: ЭКСМО, 2007. С.6; Бобур энци-яси. Т.: Шарқ НМАК, 2014. Б.9.

АБДАЛ [этнография] – I. эфталит (афдал)ларнинг қад. номи. Туркий ургулардан бири А.лар Туркистон, Шим. Афғонистон ва Ҳиндистонда яшаган. А. VI асрда тургутлар қабиласидан мағлубиятга учрагандан сұнг (Насаф якинидаги жанг) туркманлар ва туркийларга сингиб кеттән. Ӯзбек ва туркманларда уруғ номи сифатида А. учрайди. Галлаорол тумани якнида Корабдал кишилги бор. А. уруғ номи сифатида бошқирдларда ҳам учрайди. Эфталий (хайтал)лар ҳам юнон ва сурөний маңбаларида А. деб номланади.

II. цахур, даргин ва лаклар мифологиясида ов маъбути, аварларда (будуала) ёввойи хайвонларнинг рахнамоси деб талқин қилинади ва грузинлардаги ов пиридан үтган, деб талқин қилинади. Бу хато талқин булиб, исломий истилоҳ моҳиятига зиддир.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.22; *Sami Akalın I. Edebiyat Terimleri Sozlüğü*. İstanbul, 1984. S.10; Мифологический словарь. М., 1990. С.12; *Karataş T. Ansiklopedik Edebiyat Terimleri Sözlüğü*. Ankara, 2007. S.15-16; Зиётов З. Туран қавмлари. Кичик энциклопедик лугат. Т.: Истиқлол, 2008. Б.25.

АБДАЛОВ, Отажон (1856–1939) – биринчи ӯзбек ношири ва матбаа ходими. Хива хони Мұхаммад Рахимхон II (Феруз) топшириги б-н Эрондан литография келтириб, илк матбаа ташкил этган (1874). Литографияни форс мутахассиси б-н бошкарған (1874–78). Матбаанинг илк нашри Абдуносир Фарохийнинг “Нисабу-с-сибён” асаридир. Дастрлабки нашрлардан бири сифатида Оғажий девони тавсия этилганда, улуғ шоир “аввал устозим Алишер Навоий асарларини чоп этиш маъқул” деган таклиф кирилтган. Навоийнинг “Хамса” таркибидаги достонлардан “Ҳайрату-л-абброр” (1880), шсьрий меросидан “Ҳазойину-л-маоний” (“Чор девон”, 1881), Оғажийнинг “Таъвизул-ошиқин” (1882), Феруз “Девон”и (1897) ва “Мажмуату-ш-шуаро» тазкираси (1900) мана шу матбаада А.О. томонидан чоп этилган.

- Allworth E. Central Asian Publishing and the Rise of Nationalism. New York, 1960. Pp. 10–14; Самойлович А.Н. Хивинское придворные книгохранилища и книгопечатания // Изв. АН Туркмении. Сер. Общественные науки. 1981, №1. С.74-79; Пидаев М. Матбуот – миллат чироги. Т., 1999; Абдуазизова Н. Туркистон матбуоти тарихи (1870–1917). Т.: Академия, 2000. Б.29–30; Язбердиев А. Старопечатные туркменские книги (проблемы собирания, библиографирования и изучения). М., 2001. С.32–39.

АБДИЙ, Мирабдуллоҳ Ҳожа (1870–1922) – шоир ва ад-тшунос. Бухорода яшаган. Бобоси Мұхтор Ҳожа Искандархон мадрасасида мударрис бўлган. А. ҳакида маълумот Афзал Пирмастийнинг “Афзалу-т-тазкор” (1904), Неъматулла Мұхтарамнинг “Тазкирату-ш-шуаро” (1910) тазкираларида зикр этилган. Ғазал ва касидалар, “Тазкирайи Абдий” (1904, форс т.да) муал.и. А. тазкираси мукаддима ва 28 мақсаддан иборат булиб, Бухоро амири Абдулаҳадхон даврида яшаган 118 шоир ҳакида маълумот келтирилган. Улар: Аҳмад Дониш, Возеҳ, Шоҳин, С.Айний, Т.Асирий в.б.

- Ҳодижода Р. Источники к изучению таджикской литературы второй половины XIX века. Сталинабад, 1956. С. 80; Тазкираи шуарои Неъматулла Мұхтарам. Душанбе, 1975. С. 246; Turk Dünyası Edebiyatçıları Ansiklopedisi. Ankara, 2002. S.26.

АБДИРАҲМОНОВ, Урзобой (1949 й.т.) – қорақалпоқ адаби. Қорақалпоғистоннинг Кегейли туманида туғилган. ТошДУ (хозирги ЎзМУ)нинг журналистика фак.ини тамомлаган. “Жеткиншк” газ. (1973–76), “Амударё” журналида булим мудири (1976–80), масъул котиб (1982–84) булиб ишлаган. 1970-й.ларда илк ҳикоялари чоп этилган. “Бир мұхабbat тарихи” (1978), “Күшнилар” (1980) түпнамалари муал.и. Унинг айрим асарлари ўзбек т.га тарж. килинган. А. Абдулла Қаххор ҳикояларини қорақалпоқ т.га тарж. килинган. Қорақалпоғистон Ёшлар мукофоти совриндори (1979).

АБДО (АБДУ), Мухаммад (1849–1905/11.VII) – араб диншунос олими, публицист, мисрлик ислом ислоҳотчиларидан. Машхур файласуф ва илоҳиётчи Жамолиддин Афғонийнинг истеъоддли шогирдларидан бири. Мисрдаги ал-Азҳар ун-тини тутатган (1877), 1881 й. Мисрнинг чет эл томонидан зэилишига йўл кўйган Араб Поншога карши исён кўтаргани учун 1883–88 й.ларда чет элга сургун килинган. Устози Ж.Афғоний б-н бирга Парижда “Урнату-л-вуско» (“Мустаҳкам бирлик”, 1884) жамиятини тузган. Байрут ва Парижда яшагандан сўнг ўз юритига қайтиб расмий суд-қози вазифасида; 1889 й.дан ал-Азҳар ун-тида, 1899–1905 й.ларда Мисрнинг бош муфтийси булиб ишлаган. Искандарияда вафот этган, кабри Кохира ш.да.

Замонавий араб публицистикаси ва журналистикасининг асосчиларидан бири, янги араб адабий т. шаклланишида ўзининг адаблик ва публицистлик фаолияти б-н фаол иштирок этган. “Ал-Манар» журн. (1898)га асос солган. «Ал-Вақоєъ ал-Мисрия» («Миср воеалари») газ.си мух-ри бўлган. А. публицистикасининг янги араб адабий т.нинг шаклланишида муайян хиссаси бор. “Куръон тафсири” (1898–1905), “Рисолату-т-тавхид” (1897) асарлари муаллифи Фаннинг турли соҳаларига оид 30 дан зиёд китоблар ёзган.

- Рашид Риза. Тарих ал-устоз ал-имом аш-шайх Мухаммад Абдо. 1-3 ж. Кохира, 1908–31; Мустафа А. Мухаммад Абдо. Кохира, 1946; Аҳмад А. Зуама-л-ислаҳ фи-л-аср ал-Хадис. Кохира, 1948; Усмон А. Раид ал-Фикр ал-Мисри. Кохира: 1955; Краткая лите- ная энц-я, т.1. М.: СЭ, 1962. С.29; Bünyadov Z. Dinlər, təriqətlər, məzhablər. Bakı: Şərq-Qərb, 2007. S.7. Bünyadov Z. Dinlər, tənqətlər, məzhablər. Bakı: Şərq-Qərb, 2007. S.8.

АБДОЛ (арабча: ـ ـ – сўзининг кўплиги: қаршилик) [тасаввуфшунослик] – каландар, дарвиш, суфий. Туркчада *абдоллар*, форсчада *абдолон* деб кўлланилади. “Қомуси туркий”да каландар сифатида талқин этилади. Тасаввуфий истилоҳ сифатида дунёнинг лаззатларини тарк этувчи кишиларга, яъни қаландар, “зоҳид” сўзининг мукобили сифатида ҳам келиши мумкин. Оз еб-ичиш, камтар кийиниши ва халойикдан ўзини йирок тутиш кабилар унинг хусусиятларидан. А.ларга «рижолу-л-гайб», юкори мартабалиларга «күтб», раҳбарига «күтбу-л-актоб» дейилган. Турк т.даги манбаларда илк абдоллардан бири сифатида Ибн Арабий номи зикр этилади. Тасаввуф тарихида *кирк* *абдол* (ўзбекчада “кирк каландар”) тушунчаси А.ларга нисбатан айтилган. Ибн Арабий “Фугухоти Маккийя” китоб (191-боб, 31-фасл)ида еттилик бир гурухни “абдол” деб атаган. Абдураҳмон

Жомий, «Нафахоту-л-унс»да “Ҳак субхона ва таоло ерни етти иқлим килиб яратган ва үзининг бандаларидан етти нафар кишини танлаб, аларга “абдол” деб ном қўйган ва ҳар бир иқлим вужудини ўша етти нафардан биттаси б-н сақлайди” деб ёзган. Айрим А.лар жамиятдан панада яшаганлари хақида маълумотлар учрайди. Турк избодат ад-гининг шаклланишида ўрни бор. Абдол Муса (XIV аср), Пир Султон Абдол каби шоирлар мана шу тариқат удумларига амал қиласланлар.

А. авлиёлар гурухининг номи. Абдоллар етти нафар булиб, етгита иқлимга тарқалғанлар ва ҳар бири үз жойида ҳалқнинг осойишталиги, тинчлиги учун посбонлик қилиб туради, оддий одамлар уларни кўролмайдилар ёки кўрганларида ҳам бошқалардан фарқини билмайдилар. А. нисбатан етти, тўққиз ва кирк валийларга нисбатан ҳам кўлланилади. Дунёдан хабарсиз коладиган даражада үзини охиратта, кунларини Ҳакка баҳшида этган соғ қалбли инсонлар. Абдоллар Ҳакка етган зотлар булиб, ташки киёфаларини ўзгартира оладилар ва бирданига бир нечта жойда намоён бўла оладилар. Навоий “Насойиму-л-мухаббат”да А.нинг ботиний ва зохирий сифатлари хусусида сўз юритган. Салоҳиддин Тошкандийнинг “Темурнома” асарида ёзилишича, абдоллар ва чилтонлар кийин пайтларда Темурбекка ёрдамга келгандар.

- АНАТИЛ. І-ж. Т.: Фан, 1983. Б.22; *Uludağ S. Tasavvuf Terimleri Sozlüğü*. İstanbul: Kabalcı Yayınevi, 2005. S.19; *Cebecioglu E. Tasavvuf Terimleri Sozlüğü*. İstanbul: Anka Yayımları, 2005. S.11-12; *Uludağ S. Tasavvuf Terimleri Sozlüğü*. İstanbul: Kabalcı Yayınevi, 2005. S.19; *Сажжодий С.Ж. Ирфоний истилоҳлар ва иборалар лугати // Сино. 2010. № 37-40. Б.173; Алишер Навоий. Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер / ТАТ. 10-ж. Т.: F.Гулом номидаги пашр., 2011. Б.641.*

~ **мили** (жаргон) – бир даврадаги дарвишлар ўртасида кўлланиладиган т.дир. Бу т.да сўзлашувчилар учун умумий бир маслак, истилоҳлар ва уларнинг ифодаси уларок майдонга келган. Бу т. бошқалар тушунмаслиги учун атайлаб, ўзларининг т. ва ифодаларига сирли бир маъно бсрмокчи бўлган гурухлар ўртасида кўлланган. Тасаввуфга оид манқаба ва макомотларда бу т.даги айрим сўз ва ибораларнинг талқини берилган.

- *Turk Dünayi Edebiyat Kavramları ve Terimleri Ansiklopedik Sözlüğü. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Mərkəzi Baskanlıq'ı, 2001. S.14.*

~ **ваш** – қаландарсифат, дарвишнамо, жунуни бор суфий. Алишер Навоий асарларида шу маънода кўлланилган: *Сайид Мұслимий... абдолваши йигит эрди.*

(Алишер Навоий. “Мажолису-н-нафоис”, 56)

- АНАТИЛ. І-ж. Т.: Фан, 1983. Б.22.

~ **они Рум** (Рум абдоллари) [тасаввуф] – XIII асрда Онадўлида яшаган бир гурух шиа мазҳабига мансуб кишилар. Хуросондан Рум (Онадўли)га келган валийлар. Улар орасида Абдол Муса, Пир Султон Абдол, Қайгусиз Абдол исмли машхур шоирлар бор. А.Р. вакиллари ижодидан:

Рум абдоллари келар Али дуст дея,
Хирқа кияр або дея, пўст дея.

(Қайтусиз Абдол)

Абдоллигин биносини сўрарсан
Аллоҳ бир, Мұхаммад, Али абдолдир.
Ҳақиқат илмининг аслин аарасан (ахтарсанг),
Жумла улувлардан улуг абдолдир.

(Кул Мустафо)

- Uludag S. Tasavvuf Terimleri Sözlüğü. İstanbul: Kabalcı Yayınevi, 2005. S.300; Karataş T. Ansiklopedik Edebiyat Terimleri Sözlüğü. Ankara, 2007. S.15-16.

АБДОЛ Султон (в.1580) – ўзбек шоири, шайбоний султонларидан. Асл исми: Абдулмалик Абдуллатифхон б. Кўчкинчихон ўғли, тахаллуси *Хуш*. У ҳақда Мутрибий: “Фозил ва латиф табъи шеър айтишга мойил бир подшоҳ эди. Фазл аҳлиға кўп риоят ва хуб иноятлар қиласади... Гўзал табъи ва ёқимли гаплари бор эди, мана бу матлаъни бир уй қурилишида жуда яхши айтган” деб, бир байт келтирган:

*Ин хона аз латофати хубон беҳишти мост,
Хиште зи останай у сарнавиши мост.*

Мазмуни: Яхшилар латофатидан бу уй бизга жаннатдир,

Останасин ҳар ғиши қисматимиздан ҳикоятдир.

Самарқандда Кўчкинчихон мадрасаси ҳовлисига дағн қилинган.

- Мутрибий Самарқандий. Тазкирату-ш-шуаро. Т., 2013. Б.28-33.

АБДЕР (юнонча: Abder – исм) – юнон мифологиясида Гермеснинг ўғли, Гераклининг севиклиси. Унинг вафоти туфайли қабр ўрнида Геракл Абдера ш.ни бино қилган. Ўлимидан сўнг ҳам Нарцисс, Гиакинф ва Гилас каби гўзаллигини саклаб қолган, деб ишонганлар.

- Мифологический словарь. М., 1990. С.13.

АБДУВАЛИ ҚУТБИДИН (1960 й.т.) – замонавий ўзбек шоири. Қарши ш.да тугилган. ТошДУ (хозирги ЎзМУ)да таҳсил олган. Fafur Fулом номидаги нашриётда, “Халқ сўзи” газеталарида ишлаган. “Найсон” (1988), “Хумо” (1989), “Баҳтили йил” (1991), “Хаёл кечаси” (1995), “Сен ва сен учун” (1996), “Бор” тўпламлари муаллифи. Бармок ва сарбаст вазнларида ижлд қиласди. “Изоҳсиз лутат” достони ўзбек достончилигига янги услугуб олиб кирган.

- Мирвалиев С. Ўзбек адилари. Т., 1993. Б.220-21; Türk Dünyası Edebiyatçılıarı Ansiklopedisi. Ankara, 2002. S.70.

АБДУЛ ВОСЕЙ (XV) – ҳиротлик форсийзабон шоир. Иншо санъатида маҳоратли хаттот, бадиҳагўй (хозиржавоб) бўлган. А.В. ҳакида *Восифий* («Бадосъу-л-вакось»), *Жомий* («Бахористон»), *Навоий* («Мажолису-н-нафоис») асарларида маълумотлар учрайди. Восифий А.нинг ҳозиржавоблиги б-н Навоий таҳсининг сазовор бўлгани, Султон Махмудга бағишинлан-

ган «Чор дар чор» қасидасининг ёзилиши тарихи ҳакида маълумот бериб, 24 байтли шу қасидасини келтиради. Жомий ушбу қасидага юксак баҳо бериб, унга ҳеч ким жавоб ёза олмаганини айтади. Навоий А.нинг Маждиддин Мухаммад ҳакида 500 байтдан ортиқ, бошқалар ҳакида 1000 байтдан зиёд ҳажвлар битганини ёзди. Жомий вафотидан сўнг Навоий тавсияси б-н А. устоз тарж.и ҳолини ёзган. “Манокиби Ҳожа Ахрор” асарида улуғ валийнинг фазилатлари ва шогирдлари хусусида фикр юритган.

АБДУЛ МУИС (1886–1959) – индонез адиби ва сиёсий арбоб. «Сарекати ислом» оммавий харакатининг йўлбошчиси, «Нотўғри тарбия» (1928) романида исломий тарбияни бузастган Фарб мустамлакачилари ва мутахассислари танкид килинган. «Сурарати» (1951), «Роберт, Сурарати ўғли» (1953) романлари муал.и. Малайзия ад-тидаги машҳур киссалар «Бахтиёр киссаси», «Мордехай киссаси», «Сабай нан Алуйх» каби асарларнинг адабий варианatlарини тузган. Фарб ад-тидан тарж.лар киlgан.

- Сикорский В.В. Становление современной индонезийской литературы // Вестник истории мировой культуры. 1959. №6. Краткая литература энци-я, т.1. М.: СЭ, 1962. С.29.

АБДУЛ ҚОХИР БАҒДОДИЙ – мутасаввиф аллома. “Қавоиду-т-тасаввуф” (“Тасаввуф коидалари”) асари муаллифи.

- Мұхаммад Содик Мұхаммад Юсуф. Тасаввуф ҳакида тасаввур. Т.: Мовароуннахр, 2004. Б.31.

АБДУЛ ҚОХИР ЖУРЖОНӢӢ – турк олими ва адиби, асарларини араб т.да ёзган. Араб поэтикасига доир “Асрору-л-балоға фи илму-л-байн” (“Балоғат ва баён илмининг сирлари”) рисоласи балоғат илми ҳакида энг мукаммал асарлардан ҳисобланади. “Далойилу-л-эъжоз” (“Мӯъжизалар далиллари”) асарида барча мӯъжизалар Яратувчиши ва унинг яралмишлари ҳакида баён килинади.

- Арабская средневековая культура и литература. М.: Наука, 1978; Куделин А.Б. Средневековая арабская поэтика. М.: Наука, 1983; Quliyeva M. Şərq poetikasının asas kaleqoriyaları. Bakı, 2010. S.96.

АБДУЛ ҲАК (1870–1961) – покистонлик филолог олим. «Анжумани тарақкийи урду» жамиятининг асосчиси. «Ҳамари забон» («Бизнинг т.»), «Урду», «Маашият» («Ҳаёт»), «Сайнс» («Фан») журн.нинг ташкилотчиси. Ҳайдаробод ва Дехлида қал. қўлзэмаларни түплаган. Үрта асрлар урду ва форс т.даги ад-тнинг мутахассиси.

- Краткая литература энци-я, т.1. М.: СЭ, 1962. С.30.

АБДУЛАВВАЛ Нишопурӣ (XV) – тасаввуф олими. Накшбанд тарикатига оид фалсафий асарлар муал.и. “Масмуъот” (“Эшитилганлар”) асарида Ҳожа Ахрор Валий манокиби ва шу сулукдаги шайхлар ҳакида маълумот келтирилган. Асарнинг 1598 й.да Аблураҳмон факиҳ томонидан кучирилган

нусхаси ЎзРФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик ин-тида сақланади. Кабри Самарқандда, Хожа Аҳрор валий даҳмасида.

АБДУЛАЗИЗ МАЖЗУБ НАМАНГОНИЙ (в. 1853) – ўзбек шоири, мутасаввиф ва тазкиранавис. Тұлғы исми: Халифа Абдулазиз Ҳасан Күчак ўғли Мажзуб Наманганий. Фарғона тасаввуф мактабининг памояндаси, Туркистанда кенг ёйилган мажзубийлар даврасининг асосчиси. Намангани ш.да туғилган, Бухорода таҳсил олган, Карши, Самарқанд, Қўқонда маълум муддат яшаган.

А.М.Н.га “Рокими хуруфий” (хуруфийлик тарикатини рақам килган, яъни узлаштирган) нисбаси берилган. Мажзуб таҳаллусли шеърлари асосида “Девон” жамланган. “Манокиби ахли сулук” (“Сулук ахли манокиблари”), “Дар тавзех” (“Изоҳлаш ҳакида”) номли рисолалар битган. “Тазкирату-л-авлиё” (“Валийлар тазкираси”) асари муаллифи. Форс т.да ёзилган асарда муаллифга замондош ва унга яқин тарихий даврда яшаган тарикат арబлари, валийлар зикр қилинган. Тазкирада тасаввуфнинг умумий қоидалари, сулук одоби ва айрим машойхлар манқабалари бир қатор ҳикоятлар асосида баён қилинган.

◆ *Мажзуб Наманганий. Тазкирату-л-авлиё. Кулёзма. ЎзРФАШИ. Сакл. 1337, 2662, 10169.*

АБДУЛАЗИЗ МИРЗО (1430–1449) – темурийзодалардан, Мирзо Улугбек-нинг кенжә ўғли. Бухоро ҳокими, Самарқанд ноиби (1449) бўлган. Отаси Ҳирот ва Тарноб жангларидан сўнг фатҳ нишонини А. номига ёздиргани учун ўғли Абдуллатиф б-н ораларига совуқлик тушган. Кейинчалик Аблуллатиф томонидан қатл қилинган.

◆ *Абдураззоқ Самарқандий. Матлайи саъдайн ва мажмайи баҳрайн. II жилд. Т., 1969; Бобур энц-яси. Т.: Шарқ НМАК, 2014. Б.9.*

АБДУЛАЗИМ Сомий (1839–1908) – ўзбек тарихчиси, шоири ва ҳаттот. Тұлғы исми: Мирза Абдулазим Сомий Бўстоний. Қизилтепа туманидаги Бўстон кишлогида туғилган. Бухоро мадрасаларида таҳсил олган. Амир Музаффариддин (1860–85) ва Абдулаҳадхон (1885–1910) даврларида сарой муншийси бўлиб ишлаган. Ҳажвий шеърлари учун саройдан четлаштирилган, ҳаттотлик б-н машғул бўлган. “Дахмаи шоҳон” (“Шоҳлар кабристони”) маснавийси, “Иншо” (“Хаттотлик санъати”), “Миръоту-л-хаёл” (“Хаёл кўзгуси”) асари муаллифи.

“Тарихи салотини манғития” (“Манғит сultonлари тарихи”, 1906–07), “Тухфаи шоҳий” (“Шоҳлар совғаси”, 1900–02) тарихий асарларида Бухоро амирлари тарихини ёзган. Биринчи тарихий асари амир Абдураҳадхон талаби б-н ёзилган. Иккинчи асар муаллифнинг давр тарихига танқидий назари намунасиdir. Бу асарларда Абдулмалик (Катта Тура) бошчилигидаги ҳалк озодлик харакатлари акс этгани.

♦ Мирза Абдалазим Сами. Тарихи салатин-и Мангитийя (История Маргитских государств). Пер. и примечания Л.М.Епифановой. М.: ИВЛ, 1962.

• Аҳмедов Б. Узбекистон халқлари тарихи манбалари. Т., 1991; Бухорийлар бўстони. Т., 1998; Тошев Н., Тошева Ш. Бухоро тарихнавислик мактабининг сунгти намояндинаси // Мозийдан садо. 2000. №3.

АБДУЛАЪЛАМ Файзхонов – татар олими ва адиби. Машхур аллома Шаҳобиддин Маржонийнинг шогирди, маърифатпарвар адаб Ҳусайн Файзхоновнинг укаси. 1891 й.да Абулгозининг “Шажарайи турк” асарини нашр килдирган. Урта Осиёда 5 й. яшаб, ўзбек т.ни үрганган, араб, форс, рус, француз т.ларини яхши билган. “Калила ва Димна” ва “Тутинома” асарларини форс т.дан татарчага тарж. килган. У ҳақда Аскад Мухтор “Тундаликлар” асарида “яна топиш керак бўлган нарсалар мана булар...” деб унинг асарлари ҳакида маълумот беради.

• Аскад Мухтор. Тундаликлар. Т.: Маънавият, 1997. Б.8.

АБДУЛАҲАДХОН (1859/16.III–1911/6.I) – Бухоро амири (1885-1910), Мангит амирлари сулоласидан Амир Музаффариддиннинг ўғли. 1885 й.да Бухоро амирлигини кабул килган. А. даврида Чоржуй-Самарканд темир йўли (1900–01) курилган.

АБДУЛБОҚИ НАХОВАНДИЙ (XVII) – форс т.да асарлар ёзган шоир ва тазкиранавис. 1617 й. Абдурахим б. Байрамхонга бағишлиланган “Маосири Рахимий” тазкирасида Ҳиндистон адабий муҳити ҳакида маълумот бераб, “Мажмаъу-л-фузало” муал.и, асли бухоролик Ҳожа Муҳаммад Ориф Бакоий Бухорий-Андижоний Мушфийнинг шогирди бўлгани, Бакоий мазкур тазкираси ва “Орифу-л-осор” номли иккинчи бир асари борлигини ёзади.

• Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланома. 2-ж. Т.: Шарқ НМК, 2000.

АБДУЛВАДУД КОТИБ Шоший (XV–XVI) – хаттот, саххоф (китоб муқоваловчиси). Тошкентда тутигланган. Машхур мутасаввиф адаб Валиаддин Абдуллоҳ хатиб Табризийнинг «Мишкот ал-масобих»(1336) асарини чиройли насх хати б-н китобат килган (1540). Бу асарнинг қўлёзма нусхаси 555 варакдан иборат бўлиб, ЎзРФАШИда сақланади. А.К. араб, форс т.ларини яхши билган, ўз хаёти давомида бир қанча китобларни кўчирган ва чарм б-н муковалаган.

АБДУЛВАХХОБ (XIII) – «Ғавсу-л-аъзам авлодлари» деб улуғланадиган сайдиллардан бири. Шайх Абдулқодир Гилонийнинг ўғиллари, Ғавсу-л-аъзам вафот этгач, унинг ўрнига шайхликни қабул килган. «Рисолаи қаландарий»да кўрсатилишича, «оламнинг тўрт рукнида тўрт пир бордир. Машрик

томонда Абдулкарим, мағриб томонда Аблурраҳим ва шимолда Абдуррассок ва жануб томонда Абдулваҳҳоб».

- ◆ Гилоний, Абдулқодир. Сирру-л-асрор. Т., 2005. Б.15.
- Ислом тасаввуфи манбалари. Т.: Үқитувчи, 2005. Б.318.

АБДУЛВАХХОБ СУХОЙ (XV) – адиб, тасаввуф шеърияти вакили. Шайхим Суҳайлийнинг яқин қариндошларидан, Алоуддавла девонида муҳрдор бўлган, “Абдолнома” номли китоб ёзган. Навоий “Мажолис...”да унинг куйидаги матлаъсини келтиради:

Доштам аз ҷашми бемораши ба дил сад гуна дард,
То ба ҷашми худ наидид он дардро бовар ҳакард

(Мазмуни: Хаста кўзидан дилимда юз хил алам бор эди, ўз кўзи б-н кўрмагунча бу аламга ишонмади).

- Алишер Навоий. Мажолису-н-нағоис / Асарлар. Ўн иккинчи том. Т.: Фан, 1966. Б.149.

АБДУЛЖАМИЛ ИМОМ (XII) – Ҳожа Абдулхолик Фиждувонийнинг отаси. «Рашаҳоту айну-л-ҳаёт»да ёзилишича, «волиди шарифларининг (Ҳожа Абдулхоликнинг – Ҳ.Б.) исми Абдулжамилдуур ва Абдулжамил Имом деган тасмия б-н маъруфдирлар. Имоми Молик авлодидан туурлар... ва айтурлар Абдулжамил Имом Рум подшоҳларининг авлодидан туур». Асли румлик бўлган А.И. Бухорога келиб, Фиждувонда яшаб қолган.

- ◆ Али Сафий, Фахруддин. Рашаҳоту айну-л-ҳаёт. Т., 2004. Б.35; Ислом тасаввуфи манбалари. Т.: Үқитувчи, 2005. Б.113.

АБДУЛЖАМИЛ КОТИБ (в.1505/06) – Ҳирот ҳаттотлик мактабининг йирик намояндаси, Алишер Навоийнинг шахсий котиби. Ҳусайн Бойкаро саройида яшаган, Навоийнинг ўнлаб гузал асарларини китобат килган. Жумладан, “Ҳамса”, “Наводиру-н-ниҳоя” (“Нодирликлар ниҳояси”) девонини гузал безаклар б-н оқка кўчирган.

А.К. қаламига мансуб “Тухфату-с-салотин” (“Султонларга тухфа”) асари ҳакида Чарлз Ръёнинг “Британия музейида сақланаётган туркий кўлсизмалар фиҳристи”да хабар берилган. П.Шамсиев ташаббуси б-н асарнинг фотонус-хаси олинган ва нашрга тайёрланган. П.Шамсиев ёзишича: “Ўзи олим, шеъриятдан хабардор ва ҳусниҳат устозларидан бўлган А. китобат давомида ҳар бир ғазал мазмунини чуқур мулоҳаза килиб, мавзуу эътибори б-н байтлар тера борган. Қайси байт кандай мавзуни ифода қилишини аниклаб, шу асосда тўплам тузган”. Ушбу асар Навоийнинг “Ҳазойину-л-маоний” в.б. асарларидаги шоҳбайтлар мажмуаси бўлиб, А.к. 45 мавзудаги шоҳбайтни жамлаб, мажмуя тузган. Муал. уни “45 тухфа” деб атаган.

“Саккизинчи тухфа: Тасаввуфда

Бирорга мусаллам тариқи тасаввуф
Ки зотида мавжуд эмастур таҳаллуф...

Тасаввуф эмас ринду тақвою одат
Ки анда риёй ўўл тонар бетаваққуф.

Эрур маҳз тақво ва лекин риёсиз,
Убудият сирфу айни талаттуф (4,306)"

- ◆ Абдулжамил котиб. Тухфату-с-салотин / Нашр. тайёрл. П.Шамсиев. Т., 2007.
- Türk Dünyası Edebiyatçıları Ansiklopedisi. Ankara, 2002. S.34; Фаниева С. "Тухфату-с-салотин" ёхуд шоҳбайтлар мажмуаси / Абдулжамил котиб. Тухфату-с-салотин / Нашр. тайёрл. П.Шамсиев. Т., 2007. Б.3-5.

АБДУЛКАРИМ НАМАНГОНИЙ – к. Фазлий.

АБДУЛКАРИМ СОТУҚ БУГРОХОН – к.: Буғрохон.

АБДУЛКАРИМ халифа (ХІІІ) – мутасаввиф адаби, «Рисолай қаландарий»да машрик томонда “Абдулкарим пир” деб кўрсатилган яссавий шайхларидан бири. Ҳазинийнинг «Жавоҳири-л-аброр мин амвожу-л-бихор» асарида сайрамлик хожалар каторида т.га олинади. Имом Ҳанафийпинг авлодидан. Ушбу силсила Камолиддин шайхдан бошланган булиб, унинг тўртинчи бутини сифатида Сайид Абдулкарим боб келтирилади, силсила Абдуллоҳон томонидан берилган ёрлик б-н тасдикланган.

- Сайрамий Мулла Мусо ибн Исо. Тарихи Амнийя. Қозон: 1905. Б.286; Koprulu M.F. Türk Edebiyatında ilk Mutasavvıflar. Ankara, 1991. S.61; Фитрат А. Ахмад Яссавий / Таъланшаш асарлар. 2-ж. Т.: 2000. Б.17; Ислом тасаввуфи манбалари. Т.: Ўқитувчи, 2005. Б.318.

АБДУЛЛА АВЛОНИЙ (1878/12.VII–1934/24.VIII) – ўзбек адаби, маърифатчиарвар публицист, мух-р, жамоат арбоби. Туркистон жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндаси. Тошкентда туғилган, Шайхонтохур мадрасасида ўқиган. 1904 й.дан жадид мактаби очиб, муаллимлик килган. Илк асарлари “Туркистон вилоятининг газети”да босилган (1906). Айрим мақолаларида Индамас, Ҳижрон, Набил, Шуҳрат, Шапалоқ, Чол, Абдулҳақ в.б. таҳаллусларни кўллаган. “Тараккий” (1906) газ.да иштирок этган, “Шуҳрат” (1907) газ.ни ташкил этган, яширин “Осиё” газ.ни чоп этгани учун хукумат унинг фаолиятини такиқлаб кўйган. “Нашриёт”, “Мактаб” ширкатлари, “Жамияти хайрия” (1909), “Туркистон кутубхонаси” (1910)нинг очилишида иштирок этган. Афғонистонда консуллик хизматида бўлган (1919). “Афғон саҳнати” сафарномасини ёзган (1919). Тошкент Ўлка билим юрти (1921–22), Хотин-қизлар ўкув юрти (1923)да мудир, ҳарбий мактабда муаллим булиб ишлаган. Ўрта Осиё Қишлоқ ҳўжалиги мактаби, Ўрта Осиё ун-тида Педагогика факультетида проф., тил ва ад-т кафедрасида мудир бўлган (1925–30). Тошкент ш.да вафот этган.

Мактаблар учун дастур, дарслик ва қўлланмалар яратган. “Биринчи муаллим” (1911) дарслиги алифбо ва ўқиши китоби тарзида тузилган. Унинг таркибида Алишер Навоий, Ҳожа ва муалифнинг ўз асарларидан намуналар

берилган. “Иккинчи муаллим” (1912) жадид мактабларининг иккинчи синфи учун тузилган бўлиб, унда “Муқаддима”, “Ақл”, “Салавот” бўлиmlаридан кейин “Калила ва Димна”, “Тұгинома”, “Зарбулмасал” асарларидан намуналар келтирилган. “Туркий Гулистон ёхуд ахлок” (1913) Саъдийнинг “Гулистон”ига назира тарзida ёзилган бўлиб, “Ватанни сүймак”, “Яхши хулклар”, “Назофат” (“Покизалик”), “Аксоми илм” (“Илм тақсими”), “Хифзи лисон” (“Тил муҳофазаси”) каби бобларида дидактик йұналишда пандлар битилган. “Мактаб Гулистони” (1915). Умумтаълим мактабларининг 7-синфи учун «Ад-т хрестоматияси» тузган (1933).

Бад. асарлари: Шеърий асарларининг умумий ҳажми 4 минг мисрадан ортик. “Ад-т ёхуд миллий шеърлар” тўплами (4 жуздан иборат, 1909–15), “Пинак”, “Адвокатлик осонми?”, “Португалия инкилоби” каби пьесалар ёзган. “Қотили Карима”, “Хиёнаткорлар оиласи”, “Хўр-хўр”, “Жаҳолат”, “Уликлар”, “Уй тарбиясининг бир шакли” драмаларини татар, озарбайжон т.дан тарж. килган. Тошкентдаги кўчалардан бирига ва Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини опириш марказий ин-тига А. номи қўйилган. Авлоний ёдгорлик музейи очилган.

♦ Авлоний А. Тошкент тонги. Т., 1979; Туркий Гулистон ёхуд ахлок. Т., 1990; Ұсон, милллат. Т., 1993; Танл. асарлар. 1-2 ж. / Нашр. тайёрл. Б.Қосимов. Т.: Маънавият, 1998; Мухтасар тарихи анбىә ва тарихи ислом. Т.: Ислом ун-ти НМБ, 2008.

• Бобохонов А., Махсумов М. А. Авлонийшинг педагогик фаолияти ва таълим тўғрисидаги карашлари. Т., 1966; Қосимов Б. Абдулла Авлоний. Т., 1979; Қосимов Б., Долимов У. Маърифат даргалари. Т., 1990; Ризаев Ш. Жадид драмаси. Т., 1997; Азимова Х. Абдулла Авлоний драматургияси. НДА. Т., 1999; Миллий уйғончиш: жасорат, маърифат, фидойилик. Т.: Маънавият, 2002; Türk Dünyası Edebiyatçıları Ansiklopedisi. Ankara, 2002. S.35-36; Долимов У. Миллий уйғонип педагогикаси. Т.: Noshir, 2012. Б.243-271.

АБДУЛЛА БАДРИЙ (1893–1936) – ўзбек драматурги. Тошкентдаги рус-тузем мактабини тамомлаб, муаллимлик килган. Усули жадид мактаблари ташкил қилган (1910), санъатда европача усулдаги янги драматруппа уюштириб, ўзбек театрининг шаклланишига хисса кўшган. «Жувонмарг», «Ахмок», «Ўгай ота», «Бойвачча» каби пьесалари (1914–16)да ўзбек халқининг ўтмишдаги ҳасти тасвирланган. Хусусан, «Намоз ўтри» (1920) асарида мустамлакачиликка карпш кураш ғоялари ифодаланган. Асар Б.А. труппаси томонидан саҳналаштирилган бўлса ҳам адабий жараёнда сезиларли из колдирган.

• Türk Dünyası Edebiyatçıları Ansiklopedisi. Ankara, 2002. S.36.

АБДУЛЛА ОРИПОВ – к.: Орипов, Абдулла.

АБДУЛЛА, Собир – к.: Собир Абдулла

АБДУЛЛА ТУҚАЙ (1886/14.IV–1913/2.IV.) – татар адиби. Асл исми: Габдулла Мухаммадгариф ўғли Тұқасев. Қозон ш. яқинидаги Күшлович кишлоғыда туғилған. Асарлари 1903 й.дан чоп этила бошлаган. “Фикер” (“Фикр”) газ.си ва “Ал-аср ал-жадид” (“Янги аср”) журн.да иштирок этган. “Яшен” (“Яшин”) ва “Ялт-йулт” сатирик журн.лари (1907–10)да ишлаган.

“Озодлик ҳакида”, “Товуш”, “Турмуш” шеърларида миллий озодлик түйүләри акс этган. “Мухораба ва Давлат думаси” мақоласыда оташин публицист сифатыда миллат шаънни химоя қилиб чыккан.

♦ *Абдулла Тұқай*. Таныл. асарлар. Т., 1961.

♦ Нуруллин И.З. Абдулла Тұқай. Адабий портрет. Т., 1985.

АБДУЛЛА ШЕР – к.: Шеров, Абдулла.

АБДУЛЛА ШОИК (1881–1959) – озарбайжон шоири. Толибзода тахаллуси б-н ҳам асарлар битған. Тбилисида туғилған, болалигыда Хурсонда яшаган, 1900 й.дан Бокуда яшаган. Асарлари 1905 й.дан чоп этила бошлаган. “Идеал ва инсонийлик”, “Иблис хузурида” (1914), “Жаъфар ва Башир”, “Тик-тик хоним”, “Гүзәл баҳор”, “ХХ асрга хитоб”, “Тоглар сүлтони” каби китоблар муаллифи. “Араз” (1940) романыда озар ҳәётидаги маънавий муаммоларни бад. таҳлил килған.

• Türk Dünyası Edebiyatçıları Ansiklopedisi. Ankara, 2002. S.41-42.

АБДУЛЛА ҚАХХОР (1907/17.IX–1969/25.V) – улут үзбек адиби, Үз-н ҳалк ёзувчеси (1967). Қуқон ш.да туғилған, Мухаммаджон корининг усули савтия мактабида таълим олған. “Истиклол”, “Коммуна”, “Намуна” мактабларыда ва билим юртида таҳсил күрди. Билим юртисиң “Адаб” күләзма жур.да дастлабки машқлары эълон килинганды. 1925 й.дан Үрта Осиё Давлат ун-ти ишчилар (1928) ва педагогика фак-тларини (1934) туттатған. Мамлакатдаги бир катор газста ва журн.лар таҳририятларыда ишлаган. «Қизил Үз-н» газ.сининг «Ишчи-батрак мактублари» варакасига мух-р (Тошкент, 1925), «Янги Фарғона» вилоят газ.сига котиб ва «Чигирик» хажвий бўлимига мудир (1929), «Совет ад-ти» журн.да масъул котиб, ҮзДавнашрда мух-р ва таржи-мон (1935–53), Үз-н Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг раиси (1954–56) вазифаларыда ишлаган.

Адабий мероси, асосан, наср, драматургия ва тарж. асарлар, адабий-танқидий ва публицистик мақолалардан иборат. Илк шеъри («Ой куйганда») «Муштум» журн.да Норин шилтиқ тахаллуси б-н (1924), хажвий асарлари «Янги йўл» журн. ва «Қизил Үз-н» газ.сида Мавлон куфур, Гулёр, Ниш, Эркабой, Э-вой тахаллуслари б-н чоп этилган.

Дастлабки хикояси «Бошсиз одам» (1929), илк қиссаси «Кишлок ҳукм остида» (1932) асарлари б-н танилди. Наср устаси сифатида адиб хикояларида үзбек ҳәётининг утмиш лавҳалари («Үғри», «Анор», 1936; «Бсмор», «Даҳшат», 1961), замонининг мухим ижтимоий ва ахлоқий масалалари («Нурли чўккилар», 1966; «Минг бир жон»), Иккинчи жаҳон урушида

халқимиз ахволи («Кук конверт», «Кампирлар сим коқди», «Асрор бобо», 1943) кабилар моҳирона тасвирланган.

Биринчи романи «Сароб» (1934-38)да бош қаҳрамон Сайдийнинг фаолияти орқали XX аср 20-й.лари ҳастининг майший, маърифий ва маънавий манзаралари акс этган. Роман ўзбек насрининг дурдона асарларидан бири хисобланади. «Күшчинор чироклари» (1951) романи (илк варианти «Қүшчинор», 1946) жамоалаштириш даврининг воеалари, миллат ҳаётидаги мураккаб тарихий даврларнинг бадиий талкинига бағишиланган. А.К. ижодида киссалар салмоқли ўринга эга. «Синчалак» (1958), «Ўтмишдан эртаклар» (1965), «Мұҳаббат» (1968) ва “Зилзила” (1968, тугаллапшыланған) қиссаларида шахс эрки ва унинг турли ижтимоий шароитлардаги ҳолати, миллат якин ўтмиши манзаралари ва XX асрнинг 60-йилари ҳаётидаги мухим воеалар акс этган. “Синчалак” қиссасида XX аср 50-й.ларнинг 2-ярмida жамиятдаги “юмшаш” жараёнини бир жамоа ҳұжалиги тақдиди орқали күрсатыб бера олган. Асаддаги Саида образи гарчи аёллардан етишиб чиқкан раҳбар сифатида талқин килинса ҳам, унга муносабатда бошқа қаҳрамон Қаландаров орқали қаҳрамон фаолияти истекхоз б-н тасвирланган. Шахс эрки жамият тараққиётіда мухим омил саналиши, шахс имкониятларининг чекланиши жамият тараққиётіга таъсир күрсатгани ишонарлы далиллар орқали юксак бадиий савиядада тасвирланган.

А.К. йирик драматург ва комедиографик маҳоратини «Шохи сұзана» (1949-50), «Оғрик тишлар» (1954), «Тобутдан товуш» (1962, қайта ишланган варианти «Сұнгти нусхалар», 1965) ва «Аяжонларим» (1967) каби пьесалари орқали намоён қилинган. Комедияларида ҳаётилиздаги ижтимоий ва маҳаллий иллатлар, шахс ахлоқидаги стилемовчиликлар кулғи воситасида күрсатилиади. Драмаларида ҳам худи насрый асарларидаги каби миллий т.нинг бой имкониятларини намойиш эта олған, она т.миз луғат бойлигининг ажойиб намуналарини берган ва ўз бадиий ижоди б-н ўзбек адабий т.нинг камолотига катта ҳисса құшган.

А.К. күплаб адабий-танқидий ва публицистик мақолалар, очерклар, фельветонлар муал.и. Алохидада адаблар фаолиятига доир, ижод психологияси ва адабий жараён масалаларига оид ўнлаб маколалар зылон қилинган. “Ешлар б-н сұхбат” мақолалар китоби узок вактлар давомида нафакат ёшлар, балқи миллий зиёлиларнинг маънавий камолотида мухим адабий манба сифатида зертебор топған.

Рус адабларидан А.С.Пушкиннинг «Капитан қизи», Л.Н.Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» (К.Қаҳхорова б-н ҳамкорликда), Н.В.Гоголнинг «Ревизор», А.М.Гор'кийнинг «Менинг ун-тларим» асарларини, А.П.Чехов хикоялари (20 дан ортиқ)ни ўзбек т.га маҳорат б-н тарж. қилинган. А.К. асарлари олмон, француз, чех, поляк, болгар, румин, араб, хинд, вьетнам, рус, украин, белорус, козок, кирғиз, тожик, корақалпок т.ларига тарж. қилинган.

Ҳамза помидаги Ўз-н Давлат мукофоти (1966) совриндори, «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2000). Чигатай қабристонига дағы этилган.

- ◆ Абдулла Қаҳҳор. Асарлар. Олти жилд. Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт, 1967–1974; Ёшлар билан сұхбат. Т.: Ёш гвардия, 1968; Асарлар. Беш жилд. Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт, 1987–89; Зилзила // Шарқ юлдзу, 1996. № 11–12.
- Құшжонов М., Норматов У. Маҳорат сирлари. Т., 1968; Қаҳҳорога К. Чорак аср ҳамнағас. Т., 1987; Абдулла Қаҳҳор замондошлари хотирасида. Т., 1987; Шарағиддинов О. Абдулла Қаҳҳор. Т., 1988; Құшжонов М. Абдулла Қаҳҳор маҳорати. Т., 1988; Содиқ С. Сұз саньнаты жозабаси. Т., 1996; Норматов У. Қаҳҳорни англаш мاشактати. Т., 2000; Устоз ибрати. Т.: Алишер Навоий номидаги Үз-н Мислгий кутубхонаси напр., 2007; Türk Dünъяси Edebiyatçiları Ansiklopedisi. Ankara, 2002. S.39–41; Улугов А. Асл асарлар сөсери. Т.: F.Ғулом номидаги нашр., 2007; Ғафуров И. Замон заргари / Манту латофат. Т.: Шарқ НМАК, 2008. Б.166–204; Адабиёттимизинш фахри. Т.: O'zbekiston, 2007.

АБДУЛЛА ҚАҲХОР УЙ-МУЗЕЙИ (Тошкент ш., Юнус Ражабий күч., 26/1; 1987) – мемориал музей. 1958–68 й.ларда улуғ адид яшаб, ижод килған уйда очилған. Музей фондида 4498 экспонат булиб (2009), улар китоблар, хужожаттар, магнитофон ёзувлари, құләзмалар ва фотосуратлардан иборат. Музейнинг мемориал кисми (2 хона)да ёзувчининг иш кабинети, кутубхонаси ва меҳмонхонаси акс эттирилған. Музейнинг 1-бўлимидан адид ҳаётининг муҳим воқеалари, 2-бўлимидан адебнинг журналистик фаолияти ва ижодининг турли даврларига тегишли асарлар ва қўләзмалар, 3-бўлимидан мукофотлар, тухфалар, диплом ва эсадалик буюмлари жой олган.

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ (1894/10.IV–1938/4.X) – буюк адид, узбек романчилик мактаби асосчиси. Тошкент ш.да туғилған. Мусулмон мактабида (1904–06), рус-тузем мактабида (1908–12), Абулқосим шайх мадрасасида (1916–17) таълим олган. Москвадаги Олий ад-т курсида ўқиган (1925–26). Эски ш. озука қўмитасининг саркотиби (1918), «Озик ишлари» газ. мух-ри (1919), Касаба уюшмасининг саркотиби (1920), «Муштум» журн. асосчиларида бири ва таҳrir ҳайъати аъзоси (1923–26) вазифаларида ишлаган. 1937 й. 31 дек.да хибсга олиниб, 9 ойлик қамоқдаги сўрок-тергов, кийноклардан кейин катл этилган.

А.Қ.нинг ҳаёт йули каби ижодий фаолияти ҳам мураккаб кечди. Дунёга янгила кўз б-н қараб, жаҳон маданияти намуналаридан андоза олаётган жадид маърифатпарвар адиллари қаторидан ўрин олди. Давр ва адабий муҳит А.Қ.ни XX аср бошларида узбек ад-тида ўринлаша бошлаган реалистик наср тамойилларининг шаклланиши, ривожланиши, бунинг олий намунаси бўлган – миллий узбек романининг ижодкори булиб етишишига имкон берди. Адигба йигитлик ёшидаёт жаҳон романчилиги андозаларига мос келадиган биринчи узбек романини яратишни насиб этди.

А.Қ.нинг "...Менинг бошимдан кечиргандарим менинг ёзувчи булишимда каттагина рол үйнаган" сўзлари ҳаёти ва ижодий фаолиятининг мустаҳкам алокадорлиги далилидир. А.Қ. адабий-бадиий ижоднинг шеърият, публицистика, драматургия, адабий танқид соҳаларига доир замондошларининг эътиборини топган асарлар яратганига қарамай янги узбек насрининг том маънодаги асосчисига айланди. Насринг мавжуд ҳикоя, кисса, роман

каби етакчи жанрларида миллий адабиётимиз тарихига намуна буларлик дурдона асарлар яратди. Илк ижод намунаси «Садои Туркистан» газ.да (1914, 1 апр.) “А.К.” имзоси б-н босилган «Янги масжид ва мактаб» сарлавҳали хабари хисобланади. Асарларида “Жулқунбой”, “Алимов” (доимий); “Овсар”, “Бойкуш”, “Думбулбой”, “Жиян”, “Норин шилпик”, “Чирманда ботир” (вактинча, Б.Кориев) в.б. тахаллуслар кўллаган. «Тўй», «Ахволимиз», «Миллатимга», «Фикр айлагил» каби шеърларида миллият хаётидаги ўзак масалалар каламга олинган, уларга танкидий муносабатда бўлиш оркали миллий иллатларнинг олдини олиб, ўзбек халқининг жаҳоний миллатлар қаторида туришини орзу қилиган. Кейинчалик яратган насрый асарларида мана шу асрый орзуларнинг ушалиши йўлида адабий ҳаракатта киришган.

Драматургия соҳасида “Бахтсиз кўёв” (1915) асарини ёзи, пъssa ўз давридаёк шуҳрат қозонди. Драмада ад-тнинг азалий мавзуларидан бир икки авлод муносабати, оталар ва болалар мавзусини кўтарди. XX аср бошлари адабий хаётида фаол қўлланилган бу мавзу доирасида оталар жаҳолати ва ёшлар тарбияси катор фожиаларга сабаб бўлаётганини очик курсатди. Мавзу жиҳатидан Бехбудий, Авлоний, Фитрат ва Ҳожи Муъин драмаларига яқинлашса ҳам, муаммонинг бад. ечими нуктаи назаридан бахтсизликнинг ўзига хос жиҳатларини очиб берди.

Ўзбек насрода илк реалистик ҳикоялар А.К. қаламига мансуб. «Жувонбоз» (1914–15), «Улокда» (1916), “Жинлар базми” в.б. ҳикоялари миллатсварлик руҳида ёзилган, уларда жадидчилик гоялари бўргиб кўринади. Миллатни ғафлат уйқусидан уйғотишга даъват этади, эркин фикрлашга чорлайди. Чўлпон насрда Кодирий йўлидан бориб, ундаги анъанавий мавзуларни янгича талқин б-н бойитди. Бироқ А.К. ҳикоялари ўзининг илик тафти, рангинлиги, тилининг шираси ва услуб жозибаси б-н том маънода янги ўзбек ҳикоячилигига асос солди, улар “ад-тимиздаги гўзал ҳикоя намуналари” (Фитрат).

А.К.нинг публицистик чикишлари ўз даврининг тарихий-бадиий ҳужжати сифатида аскотади. Уларда давр ҳастининг муҳим ижтимоий ва маънавий масалалари акс этган. Туркум ҳажвий ҳикоялари «Тошпӯлат тажанг нима дейли?», «Калвак Махзумнинг хотира дафтаридан» публицистик асарларига уйғун булиб, уларда миллият хаётидаги нокисликлар, айрим иллатлар ҳажв тифи остига олинган. «Муштум» журн.да босилган «Йигинди гаплар» (1926) ҳикояси учун қамоққа олинган.

«Үткан кунлар» (1926), «Мехробдан чаён» (1929) каби тарихий романлари миллият тақдирни, бирлиги, эл-юрт кайғуси, мустакиллиги, шахс эрки, ижтимоий адолат учун кураш гоялари б-н йўтирилган. Ҳар икки романида муаллиф авлодлар ҳастини ўз табиий жозибаси, даврий стишмовчиликлари б-н ва тарихан аник воеалар асосида боридай килиб яратишга муваффак бўлди. А.К. қаҳрамонлари – Юсуфбек ҳожи, Отабек, Кумуш, Анвар, Райно миллият руҳиятига таъсир эта оладиган идеал шахслар. «Үткан кунлар» – “узбек адабиётининг биринчи романи” (Ойбек) муваффакияти ёзувчи ўз гоясини юксак бадиий шаклда ифодалай олганлиги (М.Қўшжонов), унинг

бад. кашфиёти эпик ривоя ва эпик образ синтезлаштирилган холда яратилиши (С.Мирвалиев), “маънавий хусн”, яъни “ахлоқ идеали”ни тұғридан тұғри роман марказига құя олгани (И.Фауров)дадир. «Үткан кунлар» романининг ўлмас асар даражасига күтарилиши муаллиф гоявий нияти ифодаси учун мұхим манбани топа олганида ва бу зарур восита әрдамида халқ ҳәётини ишонарлы бад. лавҳаларда гавдалантира билганилигиде күринади. “Үткан кунлар”да қаламга олинган давр, унинг тарихий воеалари алохуда тарихий шахслар тақдирі б-н ҳәётдагидек акс эттирилган, тұқима образлар ҳам ҳәёттің қаҳрамонлар каби таассурот қолдиради. Тарихий шахс ва тұқима қаҳрамонлар ҳәёти бир мұхиттә, үзаро алокадорлиқда, тарихнинг шахс қисметидаги акси даражасида күрсатилади. Ҳар икки роман ҳам макон ва мавзу жиҳатидан XIX аср воеаларига бағишенген, улар қисметининг тарихдеги хукмдори – Худоёрхон. Макон ва замондаги иқтисодий ва сиёсий танглик, табиий стилемовчиликлар, улар туфайли галаёнлар, іхтиофлар ва низолар түгілған. «Мехробдан чаён» романида қаҳрамон шахсидан құра күпроқ ана шу ғавғолар юкори планта чиқарылған ва бу ҳолат романнинг сарлавхасидағे берилған. Мехроб тавоб киладиган покиза ва юксак “минбар”, бирок бундай мұқаддас жойда “чаён”ларнинг зғалик қилиши ана шу ҳалол тавобхонаны өчіндері масканияға айланишига сабаб бүлған. Роман қаҳрамонлари мана шу “кора кунлар” бағрида тасвирланады, улар үз мұнаввар (зиёли) ҳасты, сажиғаси ва ҳаракатлари б-н мана шу замоний ва маконий коронгиликини ёритишлари даркор. Романнинг катта бадий құммати ва маърифий ахамияти ҳам ана шунда.

«Обид кетмон» (1935) киссасида муаллиф замоний сұлхаларварлық килиб жамоа хұжалиғи даври воеаларини акс эттирган. Үз даврида қаршиликка учраган бу қисса заминида Обид кетмөннинг ақылды чөхраси ва виждоний киёфаси туради.

А.Қ. «Тұла русча-үзбекча лугат» (1934)ни тузища иштирок этган, Н.В.Гоголининг «Уйланиш», А.П.Чеховнинг «Олчазор» драмалари, Фарб адібларининг бир катор хикояларини үзбек т.ға тарж. килған. Үз навбатида А.К.нинг «Үткан кунлар»и Холид Сайд ва Абдулла Камчинбек тарж.да озарбайжон (1928), «Мехробдан чаён»и Сандризо Ализода тарж. да тоғик (1935), ҳар икки роман Л.Соцердотова тарж.да рус (1935), Арно Шпект тарж.да олмон (1968), Ахсан Батур тарж.да түрк (1993, 2005, 2009) т.ларida нашр етилған.

А.Қ. қатагон курбони сифатида 1956 й.да оқланиб, мустакиллик даврида үз баҳосини олған ва асарлари умумтағым мактаб дарсلىклари (“Улоқда”, 5-синф; “Үткан кунлар”, 9-синф)га киритилған. Алишер Навоий номидаги Үз-н Республикасы Давлат мүкофоти (1991), «Мустакиллик» ордеси б-н тақдирланған (1994). Тошкент Давлат маданият ин-ти, Тошкент ш.даги маданият ва истироҳат бөғи, Тошкент метрополитени бекати ва шохкүчалардан бирига А.К. номи берилған.

◆ Қодирий А. Асарлар. 1-ж. Т.: Фан, 1995; Үткан кунлар. Т.: Үззадабийнашр, 1958; Мехробдан чаён. Т., 1959; Обид кетмон. Т., 1960; Кичик асарлар. Т., 1969; Фирволник

Маллавой. Т., 1987; Үткан кунлар. Мехробдан чаён. Романлар. Т., 1992; *Kadiri A. Otgen Künler*. (Geçmiş günler) / Türkiye Türkçesi. Ahşen Batur. İstanbul. Selenge yayınları. 2005; Диёри бакр. Т.: Янги аср авлоди, 2007.

- Ойбек. Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли. Т., ЎзССР Фанлар комитети, 1936 / Асарлар 1-19 ж. 16-ж. Т.: Фан, 1979; Султонов И. Абдулла Қодирий ижоди ҳакида / Пъесалар, маколалар. Т.: Ўздавнашр, 1959; Allworth E. Uzbek Literary Politics. The Hague: Mawton and Co., 1964; Кўшижонов М. Абдулла Қодирийнинг тасвиirlari санъати. Т.: Фан, 1966; Мирзаев И. Абдулла Қодирийнинг ижодий эволюцияси. Т.: Фан, 1977; Қодирий Ҳ. Отам ҳакида. Т., 1983; Қодирийнинг сунитти күплари. Т., 1989; Абдулла Қодирий замондошлари хотирасида. Т., 1988; Бокий Н. Қатлнома. Т., 1992; Кўшижонов М. Қодирий – эрксизлик курбопи. Т: Фан, 1992; Норматов У. Қодирий боғи. Т., 1995; «Үткан кунлар» хайрати. Т.: Ўқитувчи, 1996; Türk Dunyasi Edebiyatçilari Ansiklopedisi. Ankara, 2002. S.37-39; Каримов Б. Қодирий кадри. Т.: А. Қодирий номидаги нашр., 2003; Мирвалеев С. Абдулла Қодирий. Т.: Фан, 2004; Қодирий Ҳ. Отамдан хотира. Т., 2005; Улугов А. Асл асарлар сехри. Т.: F.Fulom номидаги нашр., 2007; Merhan A. Abdulla Qodiriy ve Özbek Romanının Doğuşu, Grafiker. Ankara, 2008; Қодирий Ш. 37-хонадон. Т., 2009; Норматов У. Қодирий мўъжизаси. Т., 2010; Karakaş S. Özbek romanıci Abdullah Kadırı ve Otken künler romanı / Özbek edabiyati yazıları. Анкара: Kurgan edabiyat. 2012; Карим Б. Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур. Т.: Akademnashr. 2014; Абдулла Қодирий абадияти / Маколалар. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2014.

АБДУЛЛАЕВ, Абдулҳақ (1918/30.XII–2001/28.X) – рангтасвирич рассом, портрет жанрининг устаси. Ўз-н ҳалқ рассоми (1968), Ўз-н БА фахрий аъзоси (1997). Ҳоз. Қозогистоннинг Туркистон ш.да туғилган. Тошкент (1926) ва Самарканд бад. билим юртида (1931–36) ва Москва бадиий ин-тида (1938–41) таҳсил олган.

Ижодини манзара ва портретлар чизишдан бошлаган: «Ховуз бўйида» (1932) манзараси орқали истеъоддли рассом сифатида эътироф этилган. Ўзбек адаб ва санъаткорлари «Аброр Ҳидоятов» (Отсло ролида, 1946), «Манион Уйгур» (1946), «Ойбек» (1949), «Комил Яшин» (1960), «Алишер Навоий» (1968) портретларини ишлаган. «Мехнат қаҳрамони Н. Ниёзов портрети» Москвадаги Шарқ ҳалклари музейи, «Жияним Шахло поргрети» Третьяков галереясидан ўрин олган. Бир неча автопортретлар (1937, 1980, 1984, 1986), манзаралар («Ёмғирдан сўнг», 1954; «Баҳор келди», 1955; «Шафтоли гуллаганда», 1954; «Хумсонда», 1961) ва натюрмортлар («Олма», 1962; «Узум ва шафтоли», «Қовун б-н ҳандалак», 1957) муаллифи. Ҳиндистон сафаридан сўнг бобурийлар томонидан яратилган кошона ҳакида «Тоңга Тоҷмаҳал» суратини чизган. Асарлари Тошкентдаги Ад-т музейида (1968), Ўз-н санъат музейида (1980–84) в.б. жойларда сакланади.

Ҳамза номидаги Ўз-н Давлат мукофоти (1977), «Эл-юргут ҳурмати» ордени совиндори (1998). Чигатой қабристонига дағн этилган.

- ♦ А. Абдуллаев. Альбом реинродукций. Т., 1983.

АБДУЛЛАЕВ, Вохид (1912/15.V–1985/30.V) – ад-типунос олим, ЎзРФА академиги (1966), ЎзР Фан арбоби (1973), филол. ф. докт. (1959), проф. (1960). Фарғона пед.ин-тида ўқиган. Тошкент ва Москва ш.ларида аспиран-

турани ўтаган. Бухоро, Самарканд пед.ин-тлари, СамДУ Ўзбек ад-ти каф. мудири (1944-69). СамДУ ректори (1963-70) булиб ишлаган.

Асрлари 1930 й.дан чоп этила бошлаган. “Навоий Самарканда” (1948), “XIX асрда Бухорода навоийхонлик ва Навоий издошлари”, “Нишотий ва унинг “Хусну Дил” достони” (1955), «Мухаммад Ҳоксор ва унинг “Мунтаҳабу-т-таворих” китоби» (1955), “Нишотий ва Ҳоксор” (1960), “XVI-XVIII асрларда Ҳоразмда ўзбек адабиёти”, “Жомий ва ўзбек адабиёти” каби монография ва рисолалари; “Самарканд сайли” (1970), “Бедор қушиклар” (1992) шеърлар тўпламлари; “Мирий ва унинг замондошлари” (Б. Валихужаев б-н ҳамкорликда, 1977) ва “Сайланма” (1982) китоблари муаллифи. Олий ўкув юрглари учун “Ўзбек ад-ти тарихи. 2-китоб” (1964) дарслигига ўзбек ад-ти тарихининг XVII-XIX аср 1-ярмидаги тараққиёти ёритилган, китоб бир неча марта қайта нашр этилган. Беш ж.дан иборат “Ўзбек адабиёти тарихи”нинг муаллифларидан бири.

- Абдуллаев В. Ўзбек ад-ти тарихи. Иккинчи китоб. XVII асрдан XIX асрнинг иккинчи ярмигача. Т.: Ўқитувчи, 1964; Сайланма. Т., 1982; Танл. асрлар. 1-2 ж. Т.: Фан, 2002.
- Адабиёт илмининг алломаси. Самарканд, 1997; Türk Dünnyası Edebiyatçılari Ansiklopedisi. Ankara, 2002. S.57-58; Самарканд ад-тшунослик мактаби. Т., 2008; Каюмов А. Академиклар. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2012; Ҳамсат ул-аброр ёхуд Яхши кишилар бешлиги. Самарканд, 2014.

АБДУЛЛАЕВ, Исламалих (1929/10. III – 2009) – шарқшunos ва ад-тшунос олим. ЎЗР Фан арбоби (1989), филол. ф. докт. (1979). Ўрта Осиё Дуни тамомлаган (1951), Наманган пед. ин-ти (1951-57)да, ЎзРФАШИ (1957-92)да ишлаган. Араб т.да яратилган адабий манбалар, уларнинг таснифи ва тарж.си б-н шугулланган. Абу Мансур Саолибийнинг “Йатимат ад-даҳр...” асари буйича тадқикот олиб борган. X-XI асрларда яшаган арабийнавис шоирлар ҳамда Усома ибн Мункиз, Жиржи Зайдон, Абдураҳмон Ҳомисий асарларини ўзб. т.га тарж. қилган.

- Абдуллаев И. Бухоронинг арабийнавис шоирлари. Т., 1965; Абу Мансур ас-Саолибий. Йатимат ад-даҳр. Т., 1972; Поэзия на арабском языке в Средней Азии и Хорасане X – нач. XI в. Т.: Фан, 1984.
- Turk Dünnyası Edebiyatçılari Ansiklopedisi. Ankara, 2002. S.55.

АБДУЛЛАЕВ, Йўлдош (1926/15.V- ?) – ўзбек адабиётшуноси, услубчиси. Тошкентда туғилган, Ўрта Осиё Давлат ун-ти (ҳоз. ЎзМУ)ни тамолаган. Педагогика фанлар илмий-тадқикот инс-тида (1950-97) ишлаган. Ўрта мактабларда ўзбек т. ва ад-тини ўқитиш услубияти хусусида тадқикотлар олиб борган. Умумтаълим ўрта мактаблар учун дарсликлар ёзган. “Ҳамроҳим”, “Совға” каби оммабоп китоблар ёзган.

- Turk Dünnyası Edebiyatçılari Ansiklopedisi. Ankara, 2002. S.58.

АБДУЛЛАЕВ, Лутфулла (1912/25.10-2000/2.10) – рангтасвир устаси, Ўз-н ҳалқ рассоми (1950). Мирзачўл (Сирдарё вилояти)да туғилган. Самарканд бадиий билим юртида ўқиган (1930-35). Тошкент бадиий билим юртида

үкитувчи (1935–37) булиб ишлаган. Асарларида машхур ўзбек санъаткорлари суратини акс эттирган («Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов портрети», 1938; «Дўстларнинг учрашуви» 1961). Ҳажвчи рассом сифатида карикатуралари «Муштум» журн.да босилиб турган. Йирик ўзбек адилларининг (15 дан ортиқ) китобларига бадиий безак берган. Мас., А.Кодирийнинг «Мехробдан чаён» романи (1961, рус т.да), Ойбекнинг «Болалик» (1963), Ф.Гуломнинг «Шум бола» (1964) киссалари шулар жумласидан. «Осиё устида бурон», «Уткан кунлар», «Мехробдан чаён» бадиий фильмлари учун либослар эскизларини тайёрлаган. Манзара, плакат ва портрет жанрларида ҳам асарлар яратган.

А.Кодирий номидаги Ўз-н Давлат мукофоти совриндори (1995), «Эл-юрт хурмати» ордени сохиби (1999).

АБДУЛЛАЕВ, Самиғ (1917/25.Х–1998/10.В) – атокли ўзбек рассоми. Ўз-нда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1975). Тошкент ш.да туғилган. Тошкент бадиий билим юрти (1938) ва Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тутатган (1960). Иккинчи жаҳон урушида кўрсаттан жасорати учун Қаҳрамон унвони берилган (1944). Ўз-н Рассомлар ўюшмаси бошқаруви раиси (1945–55), Ўз-н Давлат санъат музейи директори (1956–88) вазифаларида ишлаган. Асарларида табиат, инсон гўзаллиги, айникса, замондошлиари, уруш қаҳрамонлари ўз аксини топган. Ҳарбий мавзудаги портретлар («Автопортрет», 1945; «Резида», 1954; «Генерал-лейтенант Ф.Норхўжаев», 1977; «Б.Бобоев», 1985), манзаралар («Чирчик водийсида», 1977; «Бахор», «Денгиз бўйида», 1979), натюрмортлар («Гуллар», 1966; «Тошкент мевалари», 1981; «Натюрморт», 1985) муал.и.

Тошкентдаги Тешикқопка қабристонига дағн этилган.

АБДУЛЛАЕВ, Фаттоҳ (1914–1976) – тилшунос олим, таржимон, филология фанлари доктори (1965), профессор (1969). Қозогистоннинг Жамбул ш.да туғилган. Ленинград ун-тининг Туркология фак-тини тамомлаган (1939). Низомий номидаги Тошкент, Наманган, Урганч пед. инс-ларида ишлаган. “Ўзбек т.да арабизмлар” (1946), “Ўзбек т.нинг Хоразм шевалари фонетикаси” (1961) тадқиқотлари муаллифи. Умар Хайём рубойлари, Камина шеърлари, Б.Кербобоевнинг “Дадил қадам” (1952), “Небит-даг” (1962), Жек Лондон хикояларини ўзбек т.га тарж. киlgан.

♦ Абдуллаев Ф. Ўзбек т.нинг Хоразм шевалари. Т.: Фан, 1961; Тил кандай ривожланади? Т.: Фан, 1972; Сўзлар ўзаро кандай боғланади? Т.: Фан, 1974; Ҳамза ва ўзбек адабий т. Т.: Ўз-н, 1981.

• Шукуров Ш., Базарова Д. Узбекское советское языкознание. Т.: Фан, 1986. С.8-9; Türk Dünyası Edebiyatçıları Ansiklopedisi. Ankara, 2002. S.54.

АБДУЛЛАЕВ, Курбонназар – қ. Курбон баҳши.

АБДУЛЛАЕВ, Ҳабиб Мұхамедович (1912/31.VIII–1962/20.VI) – машхур геолог олим, давлат ва жамоат арбоби. Үз-н ФА акад. (1947), Геология–минералогия фанлари д-ри (1946), проф. (1946). Кирғизистоннинг Аравон кишлөгидагы түгилган. Тошкентда Үрта Осиё Индустрисал ин-тида гаҳсил олган (1930–35). Шу ин-тда доцент, директор (1940), Үз-н ҳукумати раисининг үринбосари (1942), Давлат план комиссияси раиси (1944), Үз-н ФА вице-президенти (1947), айни вактда Геология ин-ти директори (1947–52), Үз-н ФА техника, геология-қимә фанлари бўлими раиси (1952–55), Үз-н ҳукумати раиси үринбосари (1955–56), Үз-н ФА президенти (1956–62) вазифаларида ишлаган. Асосий илмий асарлари маъданшунослик илми петрология соҳасининг назарий масалаларини ишлаб чиқиши, руда конларининг пайдо бўлиши каби масалаларга бағишлиланган. А. ер қобигида асосий фойдали казилмаларнинг юзага келиш ва тарқалиш конунияти назарияси муаллифи. Беруний помидаги Үз-н Давлат мукофоти (1970) совриндори, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби (2002).

Чигатой кабристонига дағн этилган. Геология ва геофизика ин-ти қопида Ҳабиб Абдуллаев музейи ташкил этилган. Геология ва геофизика ин-ти, метро бекати, Учтепа туманидаги маҳалла, Улутбек ш.часидаги кӯча А.Х. номи б-н аталади. Үзбек ад-тида А.Х.га бағишлиланган бир неча насрий ва шъсрий асарлар ёзилган.



• Қаюмов А. Академиклар. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2012.

«АБДУЛЛАНОМА» («Шарафномайи шоҳий») – Ҳофиз Таниш Бухорий асари. 1584–90 й.ларда форс т.да ёзилган. Бухоро хони Абдуллоҳон II даври тарихи (1583–1598)га бағишлиланган. “А.” сажъ (коғияли наср) ва назм б-н ёзилган, тугалланмаган. Асар таркиби: мұқаддима, асосий қисм сифатида иккى мақола; хотима. Мұқаддимада тарихнавислик анъанасига кўра Чингизхон ва чингизийлар тарихи, Даشتি Қипчок хони Абулхайрхон ҳукмронлиги (1428–68), Шайбонийхон (1451–1510) тарихи ёритилган. Абдуллоҳон ҳукмронлиги воқеалари асосий қисмда баён килинган. “А.”да туркий қавмлар: канғли, қипчок, корлик, халаж, оғажири, қўнғирот, уйғур, баёвут, дўрмонлар тарихига оид маълумотлар бор. Шунингдек, асарда мумтоз адиллар Бобур, Шайбоний, Убайдий ҳаёти ҳакида сўз ёритилган. “А.” ад-тшунос Содик Мирзасев (1885–1961) томонидан ўзб. т.га тарж. қилинган.

◆ Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланома. 1-ж. 1966; 2-ж. Т., 1969; Қайта нашри: [Б.Ахмедов нашр. тайёрл.] Т.1-2. Т., 1999–2000.

• Ахмедов Б., Муниров Қ. Ҳофиз Таниш Бухорий. Т., 1963; Бобур энц-яси. Т.: Шарқ НМАК, 2014. Б.11.

АБДУЛЛАХОНОВ, Жонрид (1929 й.т.) – ӯзбек адаби. Наманган ш.да түгилган. САГУ (хозирги ӮзМУ)нинг филология фак-ти журналистика бўлими ва Олий адабиёт курси (Москва)ни тамомлаган (1954). Ӯз-н телерадио компаниясида, Ёзувчилар уюшмасида ишлаган.



АЛИШЕР НАВОЙ

1. Алишер Навой. Рассом Кайдалов В.Е.
2. Илак девон күләмасы.
3. Тұла асарлар тұплами.
- 10 жылд.
4. Навой номи билан аталаған шаҳар.
5. "Хамса" сағифалардан.
- 6,10. "Арбайын" асари сағифаси ва нашри.
7. Лирик асарларынан намуналар рус тишида.
8. "Тарихи мұлукі Ажам" ғылыми Ташкент күләмасы.
9. Таваллудиннинг 570 йиллиги мұносабаты билан русча электрон нағар.
11. "Хамса" нағар.
12. Ч.Адмаров. "Сабъаң сайер"та чизилған сурат.
13. Москва шаҳридагы қайдаланыш.
14. Миллий бокқа құнилған қайдаланыш - Мустақиллик рамзи.



ҚАРДОШ АДАБИЁТЛАР

1. Абай Күненбоеv. 2. Ж. Аймурзаев — қоракалпоқ адаби. 3. Ажинияз — қоракалпоқ шоири.
4. Аvezov Мұхторнинг Тошкентда аспирантлук даври. 5. Абдулла Шонқ. 6. Ахундов М.Ф. — озарбайжон адаби. 7. Абаулла Тұқай. 8. Ч. Айтматов. 9, 10, 11. Ч. Айтматов асарларидан.
12. Фотіх Амирхон "Сайланма" сi. 13. Анор — Озарбайжон халқ әзевчisi Халқаро Гуманитар форумда. 14. Анорининг "Беш қаватли уйнинг олтинчи қавати" қиссаси. 15, 16. "Азия" ва унинг муаллифи Ы. Сулейманов.

Илк асарлари (“Мактабдошларим”) Наманганда 1952 й.да чоп этилган. “Хикоялар” (1956), “Тўйга келинглар” (1960), “Тонг ёришган соҳиллар” (1962) тўпламлари, “Гулчсҳра” киссаси (1962) каби насрый асарлар муаллифи. “Йул” (1964), “Туфон” (1968), “Борса келмас” (1978–80), “Хонадон”, “Суикасад” (1991), “Тарки дунё” (2009) романларида мураккаб даврлар хаёти тасвирланган. “Оловқалб” драматик асарини ёзган.

• Мирвалиев С. Ўзбек адиллари. Т.: Ёзувчи, 2000. Б. 120–121.

АБДУЛЛАТИФ МИРЗО (1423–1450/8.V) – темурий шаҳзодалардан Мирзо Улуғбекнинг учинчи ўғли. Бобоси Шоҳруҳ мирзо саройида тарбияланган, ҳарбий юришларда қўшиннинг унг канотига қўмондонлик килган. 1447 й.дан бош қўмондон. 1449 й.дан Мовароуннахр султони. Шоҳруҳ ўлимидан сўнг (1447) хукумат учун курашларда иштирок этган. Мирзо Улуғбекка карши Абулкосим Бобур б-н иттифок тузган. 1449 йилда Самарқанд яқинида отасини енгиг, таҳтни эгаллаган. Унинг розилиги б-н Улуғбек ва укаси Абдулазиз Мирзо қатл этилган. “Бобурнома” А. ҳакида: “Бу беш кунлик ўтар дунс учун андок донишманд ва кари отасини шахид қилди” (50аб) деб ёзилиб, таърих келтирилган: Улуғбек баҳри улуму ҳирад / Ки дунёву динро ар ў буд пушт / З-Аббос иш. шаҳодат чашид / Шудаш ҳарфи таърих “Аббос кушт” (Улуғбек илму акл денгизи эди / У дунёю диннинг азим таянчи / Аббосдан шахидлик болини тотди / Вафот таърихи: “Аббос кушт” (сўйди) бўлди. Бу таърихдан Мирзо Улуғбекнинг қатл санаси 853 (1449) экани англашилади. Олти ойлик хукмронлигидан сўнг А. Улуғбекнинг хос навкарларидан Бобо Ҳусайн баходир томонидан улдирилган (1450).

Тарих илми ва бадиий ижод б-н шуғулланган. Навоий у ҳақда маълумот бериб: “Аммо табъи назм бор эрди ва шеърни обдон айтур эрди. Бу матлаъ анингдурким:

Бар дилу жон сад бало аз як назар овард чашим,
Чун бигуям шукри ин, ё Раб, набинад дард чашим

Мазмуни: Кўз бир қарашиб б-н дил ва жонга юз бало келтирди, бунинг шукрини қандай (адо) кинай? Ё Раб, (у) кўз дард кўрмаган!”

А. ҳакида Фахрий Ҳиравий “Донишманд мирзо зиж ва расад(хона) соҳиби эди. Ва савдойитабъ, ошуфтамеъзож ва мажнуншева эди... Ва Абдуллатиф мирзо паришон ҳаёллитаига карамай гоҳида шеър ҳам айтар эди” дся таъриф берган.

• Алишер Навоий. Мажолису-п-нафоис / МАТ. Т.: Фан, 1997. Б.60, 223; Самарқандий Абдураззок. Матлаа саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Т.: Фан, 1969. Б. 280-281; Фахрий Ҳиротий. Равзат ус-салотин. Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2013.

АБДУЛЛАТИФ ЛАТИФИЙ (в.1582) – Кастамани (х. Туркиядаги ш.)да туғилган. Таълимни таомомлаб давлат хизматига кирган. Котиб ва муҳосиб (хисобчи) вазифасида Усмонли давлатининг турли ш.ларида ишлаган. 1582 й.да Мисрдан Яманга кетаётуб кема чукиши натижасида вафот этгани таҳмин килинади. Асосий асари “Тазкирату-ш-шуаро ва Табсироъту-н-нузамо”

(“Шоирлар тазкираси ва нозимлар кенглиги”) бўлиб, у “Тазкирайи Латифий” (953/1546) номи б-н машҳур. Асар подшоҳ Султон Сулаймонга тақдим этилган. Латифий Ҳирот мактаби тазкиралари сифатида танилган Жомийнинг “Баҳористон”и ва Алишер Навоийнинг “Мажолису-н-нафоис”ини ўзига намуна килиб олган. Бундан ташқари, “Девон”, “Авсофи Истанбул”, “Анисул-фусахо” (“Фасиҳлар дўсти”), “Авсофи Иброҳим Пошо” (“Иброҳим Пошо васфлари”), “Фусули арбаа” (“Тұрт фасл”), “Назму-л-жавохир” ва “Асмоу-с-сувори-л-Куръон” (“Куръонда эслатилган исмлар”) номли асарлари бор. Латифийнинг ҳаёти ва ижодига доир Мустафо Эсоннинг “Тазкирадан биографияга” асарида кенг маълумот бор.

• *Levent A.Sirri. Türk Edebiyatı Tarihi, Ankara, 1974; Mehmed Halid (Bayrı). Latifi ve Tezkiresi, Hayatı, İst., 1977; Sevgi Ahmet. Latifi'nin İki Risalesi. Enisü'l-Füsehâ ve Evsâf-ı İbrahim Paşa. Konya, 1986; İpekien Halük. Türkçe Şu'ârâ Tezkireleri, Erzurum, 1986; Canım Ridvan. Latifi. Tezkiretü's-sâqrâ ve Tâbsîratü'l-nuzemâ, Doktora Tezi, AÜ. SBE, Erzurum, 1991; Mustafa İsen. Latifi Tezkiresi. Ankara, 1999; Мустафо Эсон. Тазкирадан биографияга. Т.: МУМТОЗ SO'Z, 2012.*

АБДУЛЛОҲ АБУ АВОНА ШОШИЙ (в. 899) – имом, мухаддис. Кўхна Шош (Тошкент)да туғилган. Тарихчи Абу Саъд Самъоний Шошдан кўплаб имомлар етишиб чиққанлиги, А.Ш. шулар жумласидан эканлигини қайд этган. Буюк мухаддис Имом Бухорий, Жаъфар ибн Мухаммад Фарёбийнинг замондоши булиб, улардан ёш булишларига қарамай, бир исча ҳадисларни ундан ёзиб олганлар.

АБДУЛЛОҲ АНСОРИЙ (1006–1088) – тасаввуф олими, факиҳ ва форсий забон шоир. Тўлиқ номи: Абу Исмоил Абдуллоҳ ибн Абул Мансур Мухаммад Ансорий Ҳиравий. “Пири Ҳирот” ва “Шайху-л-ислом” нисбалари б-н машҳур. Афғонистоннинг Кандахор вилоятида туғилган. Абу Ҳазрат Абу Айуб Ансорий авлодидан. Ҳирот ва Нишопур мадрасаларида ўқиган. Ҳадис илмини Абулфазл Жорудий, тафсир илмини Хожа Яхҳе Аммордан ўрганган. Ўн турт ёшидан Балх, Нишопур, Тус, Бистом ш.ларида саёҳатда булаган. Рой ш.да Бобо Қўхий, Абул Ҳасан Ҳараконий, Нишопурда Абу Саъид Абулхайр б-н куришган. Юсуф Ҳамадонийнинг пири. Алишер Навоий А.А. ҳакида: “Лакаби Шайху-л-исломдур ва бу китобда ҳар ердаким Шайху-л-ислом воқеъдуур, мутлақ мурод ондиндур ва ул Абу Мансур Маттул Ансорий фарзандлариандур ва Маттул Ансорий Айуб Ансорий фарзандидурки, Ҳазрат Расул (с.а.в.)нинг сохиби риҳли эрмиш...” деб таъриф берган. Араб ва форс т.ларида илмий, тасаввуфий ва бадиий асарлар ёзган. Араб т.да б минг байтдан ортиқ маснавий ва икки мингдан ортиқ рубойи ёзган. Учта “Девон” тузган, бироқ тўла ҳолда сакланмаган. Муножотлари тасаввуф ад-тида юксак кадрланади. Асосий асарлари: “Муножот”, “Рисолайи дилу жон” (“Дил ва жон рисоласи”), “Канзу-с-соликин” (“Соликлар ҳазинаси”), “Зоду-л-мусофирин” (“Сайр килювчиларнинг йўл озиги”), “Табакоту-с-сўфия” (“Суфийлик макомлари”), “Манозилу-с-сойирин” (“Сайр килинувчи манзиллар”), “Хафт хисор” (“Етти қальъа”), “Сад майдон” (“Юз майдон”), “Муҳаббатнома”,

“Гапжнома”, “Каландарнома”, “Насойиҳ” (“Насихатлар”) в.б. Куръоний мавзудаги “Киссайи Юсуф” асосида “Апису-л-муридин ва-шамсу-л-мажолис” (“Муридлар дусти ва мажлислар күёши”) номи б-н 14 мажлис доирасида насрий асар битган.

Рубоийларидан бири:

Ё Раб, мени ишқинг майидин хуммоп қил,
Ишқингдага мени хоҳи йўқ, хоҳи бор қил,
Ишқингдан ўзга ҳар нарсадан безор қил,
Ишқинг домига бир йула гирифтор қил.

Ҳиротда вафот эттан. 1425-29 й.да А.А. мақбараси қурилган. Бобуршоҳ мақбараға оқ мармардан ёдгорлик (баландлиги 7,5 м) ўрнатган.

- Бертельс Е.Э. История персидско-таджикской лит-ры. М., 1960; Самарқандий А. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Т.: Фан, 1969. Б. 341-342, 355; Кароматов Ҳ. Абдуллоҳ Анзорий ижтиомӣ карашларининг айрим ҳусусиятлари // Адабий месрос. 1981. З-сон; Энц-яни ад-ти ва санъати тоҷик. Ж.1. Душанбе, 1988. С.161-162; Алишер Навоий. Мажолису-н-нафоис / МАТ. Т.: Фан, 1997. Б.231; Насойиму-л-муҳаббат / МАТ. 17-ж. Т.: Фан, 2001. Б.171; Кайюмов П. Таъзирату-ш-шуаро. Т., 2006. Б.27.

АБДУЛЛОХ ЖАВДАТ (1869–1932) – XX аср турк адиби. Истанбулда Аскарлар тиббий билим юртида ўқиган. Кӯз шифокори бўлиб хизмат килган. «Усмонли» газ.си ва «Ижтиход» (1904) журн.нинг асосчиси. унинг муҳрилигига журн.нинг 28 й. ичидаги 358 сони чиқарилган. «Ижтиход кутубхонаси» туркум пашрлари (1905)нинг асосчиси. 30 дан ортиқ асарлар муаллифи. “Кафказия мусулмонларига баённома”, “Тарихи ислом” асарлари муаллифи. Умар Хайём, Румий асарларини форс т.дан, Шекспир драмаларини инглиз т.дан тарж. қилган.

- Dr.M.Şükrü Hanioğlu. Doktor Abdullah Cevdet ve Dönemi. İstanbul, 1981; Necatigil B. Edebiyatımızda isimler Sozlüğü. İstanbul: Varlık yayınları, 1989. S.10; Abdullag Cevdet / Islam Ansiklopedisi. 2-cild. İstanbul, 1993. S.46.

АБДУЛЛОХ ибн АББОС (619–687) – аббосийлар сулоласи асосчиси, тафсир, фикх ва ҳадис олими. Тулиқ исми: Абдуллоҳ б. Аббос б. Абдул Муталлиб б. Ҳошим б. Абдуманноф б. Курайший. Аббос (Пайгамбарнинг амакиси)нинг тұнгич ўғлы. Имом Бухорийга кўра, ота ва опасидан авваларқ исломни қабул килган. Ҳалифа Умар ва Усмон даврида ислом оламининг бош муфтийси. Али ибн Абу Толиб даврида Басра волийси. Куръон тафсирининг етакчиларидан бўлгани учун “Таржимону-л-Куръон”, “Султону-л-муфассирин” унвонларини олган. А. нақл қилган ривоятлар асосида Фируз Ободий (1329–1414) “Тафсиру-л-микәс тафсири ибн Аббос” (“Ибн Аббос тафсиirlари миқәсининг шархи”) китобини ёзган. Муҳаддис сифатида Мұхаммад пайғамбар (с.а.в.)дан 1660 та ҳадис ривоят килган. А. ривоят қилган ҳадислар биринчи манба: Абу Бакр Сиддик, Оиша, Маймуна, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб, Абдураҳмон ибн Авғ каби саҳобалардан олинган. Кексалик чоғларида кўзи ожиз бўлиб колган. Манбаларда умрининг охирида айтган ушбу фарди учрайди:

*Аллоҳ күзларимдан сұндируди нурни,
Юрак қатларига индируди нурни.*

А. ҳижрий 68 й.да вафот этган.

- Ислом. Энц-я. Т.: ҰМЭДИН, 2004; Имом Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад (Адаб дурдо-налари). Т., Мовароуннахр, 2006. Б. 421-424 (изохлар муалл. А.Самад); Bünayadov Z. Dinlər, təriqətlər, məzhibələr. Bakı: Şərq-Qərb, 2007. S.8.

АБДУЛЛОХ ибн АБДУЛМУТАЛЛИБ (555–580) – Мұхаммад пайғамбар (с.а.в.)нинг отаси. Қурайш қабиласининг эътиборли кишиларидан. Омина исмли аслға уйланиб, фарзанд күрган. 25 ёшида тијорат сафаридан сунг хасталаниб вафот этган. Қуръони каримнинг 93-сурасыда (аз-Зұха) Пайғамбар (с.а.в.) отасидан эрта етим қолғанига ишора бор.

- Buhl Fr. Abdullah / Islam Ansiklopedisi. 2-cild. İstanbul, 1993. S.28-29; Bünayadov Z. Dinlər, təriqətlər, məzhibələr. Bakı: Şərq-Qərb, 2007. S.9.

АБДУЛЛОХ ибн ал-ОДАМИЙ ШОШИЙ (Х) – мұхаддис. Күхна Тошкентда туғилған. Бобосининг исми Одам бұлған, шунинг учун унга «Одамий» нисбаси берилған. Ҳадис илмини дастглаб ўз юртида Ҳабиб Муғира Шоший, Ҳомид ибн Довуд Шошийлардан үрганған. Илм талабида Ирок ва Ҳижоз үлқаларига сафар күлған. Тарихчи Абу Саъд Самъонийнинг хабар беришича, А. ибн О.Ш. Шош воҳасида ҳадис илмини тарғиб күлғанлардан бири.

АБДУЛЛОХ иби ЖАЪФАР (в. 699) – Ҳазрат Алиниң жияни. Сахоба Жаъфар Тайёрнинг ўғлы; ўзининг саҳоватпешалиги б-н донг тараттани ад-ларда қайд этилған.

АБДУЛЛОХ ибн ЗУБАЙР (622–693) – ислом уламоси, Қуръони каримни мұсхаф күлған. Мұхаммад (с.а.в.)нинг завжаси Ойшаниң жияни. Пайғамбар (с.а.в.) саҳобаларидан бири, лашкарбоши Зубайр ибн Аввомнинг ўғлы. Қуръони каримни Ҳазрати Үсмон даъвати б-н мұсхафға күчирған тұрт уламонинг бири. Законы Күнрапанинг “Ашараи мубашшара” асарыда т.ға олинған. Миср ва Рум фатхыда қатнашған. 9 ой халифалик күлған. Ҳожару-л-асвадни Каъба ичкарисига олдирған, Мұхаммад пайғамбар яшаган уйни таъмирлаган. А.З.дан күпгина ҳадислар ривоят қилинади.

- ♦ Бухорий, Имом. Ал-Жомеъу-с-саҳиҳ. 3-ж. Т., 1994; Күнрапа 3. Пайғамбаримиз ва ашараи мубашшара. Т., 1995. Б.155; Имом Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад (Адаб дурдоналари). Т., Мовароуннахр, 2006. Б.427-430 (изохлар муалл. А.Самад); Ислом тасаввуфи манбалари. Т., 2006. Б.40, 329.

АБДУЛЛОХ ибн МУБОРАК (VII) – хоразмлик буюк мұхаддис, Пайғамбар (с.а.в.) тобеъинларидан. Мовароуннахрда биринчи бўлиб, А. ҳадис тұплами-ни таълиф этган. Навоийнинг “Насойим...”ида у ҳақда шундай маълумот бор: “Ани уламонинг шаханшохи дер эрмишлар ва жуду шижаоатда замонининг ягонаси эрмиш. Ва тарикат асҳобининг мұхташами. Ва бу қавмнинг машо-йихининг кўпининг сұхбатига мушарраф бўлубдур. Ва машхур тасонифи

бор... Аниң манокиби зикрин тилаган киши Ҳазрат Шайх Фаридуддин Аттор к. с.нинг «Тазкирату-л-авлиё»сида тиласунки, вофий битибдур”.

•*Алишер Навоий. Насойиму-л-муҳаббат / МАТ. 17-ж. Т.: Фан, 2001, 7-тартиб.*

АБДУЛЛОХ ибн МУБОРАК Марвазий (736–797) – комусий олим, муҳаддис ва мутасавиф. Марвда робот ва хонакоҳлар курдирган. Фикх, хадис ва тафсир илмига оид асарлар ёзган. Тарсус (Сурия)да вафот этган. Қабри Хит (Сурия) ш.да.

АБДУЛЛОХ ибн МУТЬАЗЗ (861–908) – аббосийлар сулоласининг стук олими ва жамоат арбоби. Тулик номи: Абул Аббос Абдуллоҳ ибн Мутьазз. Аббосийлар сулоласининг бўғини сифатида т.га олинса ҳам, халифа Мутьадид даврида саройга яқинлашган ва атиги бир кун (908 й., декабр) халифалик килгани учун ҳатто сулолада номи курсатилмайди. Бирок соҳиби девон шоир сифатида кўплаб тазкира ва баёзларда ҳурмат б-н т.га олинган, эпик шеъриятда тарихий достон жанрининг асосчиси сифатида кўрсатилган. Аниң «Китобу-л-одоб», «Табоширу-с-сурур» («Шодлик тоғиги»), «Ашъору-л-мулук» («Подшоҳларнинг шеърлари»), «Китобу-л-бадеъ» («Бадиият китоби»), «Ал-жомеъ фил-гин» («Оҳанглар тўплами»), «Китобу-л-жаворих ва ас-сайд» («Овчи қушлар ва ўлжалар китоби»), «Ҳалли ахбор» («Ҳабарлар зийнати»), «Китобу-з-захра ва ар-риёз» («Гуллар ва боғлар китоби»), «Китобу-с-сурукот» («Адабий ўтириклар китоби»), «Табакоту-ш-шуаро» («Шоирларнинг табакалари»), «Мукотиботу-л-иҳвон би-ш-шеър» («Шеърий иҳвон мактублари») асарлари маълум ва машҳур. Араб олимларидан Шарафиддин Муборак ибн Аҳмад Муставфий, Абу Закариё Табризий, Абдулқодир Бағдодий, Ҳалил Асокир, Абу Ҳайрон Тавхидий, Ибн Рошик, Абул Фараж Исфаҳоний, «Табакоту-н-нахвийин ва ал-луғавийин» («Грамматика ва лугат олимларининг табакалари») китоби муал. Жалолиддин Сийутий, «Иршод» муал. Ёқут Ҳамавий, «Вафоёту-л-аъён» муал. Ибн Ҳодликон, «Кашфу-з-зунун» муал. Ҳожи Ҳалифа ўз асарларида “устози авват” деб билганлар.

«Китобу-л-бадеъ» («Бадиият китоби») бадиий санъатларнинг дастлабки 12 тури ҳакида илк муфассал маълумот берувчи асар, беш бобда мутлак янги маҳосин – гузал санъат турлари баён қилинган. Аниң ушбу асари 887–888 й.ларда ёзилган, 1-котиби муал.нинг дўсти олим Али Мунажжимдир. Китоб 1935 й. Лондонда факсимиле, тарж. ва тадқиқот ҳолида И.Ю.Крачковский муал.лигига илк бор нашр этилган.

♦ *Абдуллоҳ ибн Мутьазз. Китабу-л-бадеъ / Крачковский И.Ю. Избранные сочинения. Т. VI. М.Л., 1960. С.179-257 (текст); Ибн Мутьазз. Китобу-л-бадеъ (М.Махмуд тарж.) / Шарқ мумтоз поэтикаси Ҳ.Болтабоев талкинида. Т., 2008. Б.234-244.*

♦*Крачковский И.Ю. Ибн ал-Му’тазз. Китаб ал-бади’ / Избранные сочинения. Т. VI. М.-Л., 1960. С.97-178; Каскель В. Китаб ал-бади’ и ее место в арабской поэтике и риторике / Арабская средневековая культура и лит-ра. М.: Наука, 1978; Кудетин А.Б. Средневековая арабская поэтика. М.: Наука, 1983.*

АБДУЛЛОХ ибн УМАР (в. 693) – ислом уламоларидан, мухаддис ва тафсирчи. Ҳазрати Умарнинг тўнгич ўғли, илк мусулмонлардан. Табаристонга қилинган юришлар (650–651) иштирокчиси. Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) б-н Ҳандак жангидаги иштирок этган. Ҳазрат Усмон вафотидан кейин халифаликка тайинламоқчи бўлганида қатъий суратда рад этиб, ўрнига Ҳазрат Алини тавсия этган. Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) дан 2630 та хадис ривоят килган. Маккада 84 ёшида вафот этган.

- Бухорий. Ином Ислимл. Ал-жомеъу-с-саҳих. З-ж. Т., 1994; Ином Бухорий. Ал-адаб ал-муфрар (Адаб дурдоналари). Т., Мовароуннахр, 2006. Б. 432 (изохлар муалл. А.Самад); Ислом тасаввуфи манбалари. Т., Ўқитувчи, 2005. Б.41.

АБДУЛЛОХ Китобдор (Шихобиддин) (XVI) – Бобур кутубхонасиning бошлиғи (Кобул). Назмга мойил, хушсуҳбат киши бўлган. Бир неча бор жангларда бирга катнашган. А. ҳакида “Бобурнома”, “Фатҳнома”да маълумот берилган.

- Гиёсиддин Ҳондамир. Ҳабиб ус-сияр. Т.: Ўз-н. 2013.

АБДУЛЛОХ КОБУЛИЙ (XVII) – тарихчи олим. Бобурийлардан Акбаршоҳ саройида хизмат килган. «Тазкират ут-таворих» асари муаллифи.

АБДУЛЛОХ КОТИБ (XIX) – хаттот, наккош. А.К. кўчирган қўлёзмалардан Ҳисомуддин Умар Бухорийнинг «Воқеоти Ҳисомий» (1820), Рукниддин Шерозийнинг «Шарҳ ул-фусус» (1821), Абдулқодир Бедилнинг «Чаҳор унсур» (1824), Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Анвори Суҳайлий» («Калила ва Димна», 1824) каби асарлари ЎзФАШИда сакланади.

АБДУЛЛОХ МАРВОРИЙ Ҳозжа Шиҳобиддин садр (в. 1516) – шоир, созанда, мусиқашунос олим. Баёни тахаллусини қўллаган. Марвда туғилган, Ҳиротда Жомий ва Навоийга шогирд бўлган. Темурийлардан Ҳусайн Бойқаро саройида муҳрдор ва вазир бўлган. “Мунису-л-ахбоб” (“Дўстлар муниси”) номли шъсрий девони бор. “Ҳусрав ва Ширин” достони, мусиқага оид рисола ва “Табсилот” асари муаллифи. Ҳусайн Бойқаро, Жомий, Навоий ва ўз мактубларидан иборат “Тарассул” мажмуасини жамлаган. Навоий “Мажолис...”да, Бобур “Бобурнома”да А. ҳакида маълумот берган. Сўнгти манбада “Турфа зойил киши эди, конунни онча киши чалмайдир. Конунда гирифт килмок мунинг ихтироидир. Хутутни хўб битир, таъликни хўброк битир эди. Иншони хўб билур эди. Хушсуҳбат киши эди” каби баҳо берилган (“Бобурнома”, 1756).

- Заҳирифдин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т.: Фан, 2002.

АБДУЛЛОХ НОРИНЖОНИЙ – к.: Норинжон.

АБДУЛЛОХ ТЕРМИЗИЙ (в. 1625) – шоир ва хаттот. Восифий тахаллуси б-н асарлар битган. Ҳиндистонда бобурий султонлардан Жаҳонгир мирзо

саройида (1605-25) “Мушкин қалам” унвонини олган. Мутрибий “Нусхай зебойи Жаҳонгир” тазкирасида т.га олинган. Агра ш.га дафн килинган.

АБДУЛЛОҲ ХОТИФИЙ (в. 1521) – тарихчи олим, адиб. Абдурахмон Жомий синглисининг ўғли. Балхда яшаган. “Девон”ининг кўлёзмаси Коҳирада сакланади. «Хусрав ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Ҳафт манзар», «Шоҳ Исмоил жаноби олийлари “Шоҳнома”си» (ёки “Исмоилнома”) каби асарлар муал.и. Султон Ҳусайн Бойқарога бағишилаб, Амир Темурнинг зафарли юришларини тасвириловчи «Темурнома» (ёки «Зафарнома») тарихий достонини ёзган. Асарнинг кўлёзмаси кўпгина кутубхоналарда сакланиб колган. 1869, 1896 й.ларда Лакхнавда, 1957 й. Мадрасда чоп этилган.

- Стори Ч.А. Персидская лит-ра. Био-библиографический обзор. Ч.П. М.: ИВЛ, 1972. С. 808-809.

АБДУЛЛОҲХОН II (1534–1598) – Бухоро хони, шайбонийлар сулоласи вакили. Тўлиқ номи: Абдуллоҳ б. Искандархон б. Жонибек султон б. Ҳожағум султон б. Абулхайрхон Фозий. 1557 й. Бухорони забт этган, 1583 й.дан таҳтга ўтирган. Шайбоний ўлимидан сўнг Ӯзбекхонлар давлатини кенгайтириш мақсадида Тошкент, Сирдарё, Балх, Фарғона, Ҳоразм ва Бадаҳшон каби юртларни эгалланган. 1561 й. Мовароунаҳр таҳтига отаси Искандархонни ўтказиб, амалда (расман 1583 й.дан) давлатни ўзи идора килган. А. даврида Ӯрга Осиёнинг Ҳиндистон, Онадўли (хозирги Туркия) ва Россия б-н маддий, тиҷорий алоқалари ривожланган. Узок вакт хонлик килган, ад-т ва санъатга ихлоси баланд бўлган. Ҳон таҳалтуси б-н асарлар битган. А. II даврида мамлакатда ободончилик, бунёдкорлик ишлари амалга оширилган. Ҳусусан, Мирзачулдаги сардоба, Тошкентдаги Қўқалдош мадрасаси шу даврда курилган. 64 ёшида вафот этган, қабри Баҳоуддин Нақшбанд мозорида.

А. даври ҳакида Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдуллоҳнома” (1584–89), Амин Аҳмад Розийнинг “Ҳафт иклим” (1583) асарларида маълумотлар берилган. Мутрибий Самарқандийнинг «Тазкирату-ш-шуаро» (1593–95) тазкирасининг Биринчи кисмida “муалиф курган, мулозимати иззати б-н эъзоз тоғлангандиши мактоби мурасим мактоби ва баҳтиёр васфлари баёни” да шундай т.га олинган: “Бу хоннинг соглом табъи ва тўғри зехни бор эди, сўзни топиб танлашда тенгсиз ва нозик маъноларни ишлатишда мислсиз даражада ном чиқаргандилар. Жаҳонбонлиқ мартабаси ва юрт бошқармоқлик рутбасига карамай, сухандонлик үлкаларини эгаллашга ҳам эътибор каратардилар. Ва ширин сўзлар, рангин аబётлар айтишга ажид бир майлу истаклари бор эди... гоҳида ёғдули қўнгиллари солим табъи ва мустаким зехни меваларини назм шаклида янада мазмундор килардилар ва Малики маннон инояти воситасида ул ҳазрат икки тил – форсий ва туркйда шеър айтмок иктидорига эга эдилар”. Сўнгра бир форсий ғазалини тұла ҳамда туркй ғазалининг матлаъсими келтирган:

*Бир аёқ ичтук ўшат Наврузи мискин қошдин,
Қўш аёқ ичмай туриб чиқмас хуморлар бошдин.*

- Бартолид И.В. Соч., Т.II (2). М., 1964; Аҳмедов Б. Историко-географическая лит-ра Средней Азии XVI-XVIII вв. Письменные памятники. Т., 1985; Ҳасанхожа Нисорий. Музаккири аҳбоб. Т., 1993; Мутрибий Самарқандий. Тазкирату-ш-шуаро. Т., 2013. Б.18-26; Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланома. 1-ж. Т., 1999; 2-ж. Т.: Шарқ НМАК, 2000.

АБДУЛМАЖИД ибн ФАРИШТА ИЗЗАДДИН (в. 1459-60) – машхур мутасаввиф адаби. Тулик исми: Абдулмажид б. Абдуллатиф б. Фаришта. Хуруфийлик таълимотининг туркий ад-тдаги давомчилидаридан бири. А.Ф.И. хуруфийлик оқимининг асосчиси Фазлуллоҳ Астрободийнинг “Жовидоннома” асарини “Ишкнома”, “Мұхаббатнома” рисоласини “Ҳидоятнома”, “Навмнома” асарини “Хобнома” сарлавҳалари остида турк т.га тарж. килган. “Луғати конуни илохий” (1450) номли асар ёзиб, унда Қуръони каримдаги 2300 сўзнинг туркча тарж.ни мисослари б-н берган. “Охиратнома” асарида охират б-н боғлиқ тушунчаларни шарҳлаган.

АБДУЛМАЖИД ҲАКИМ САНОЙИ (1080–1140) – Ғазна ш.да туғилган. Маъсудшоҳ III даврида сарой шоири бўлган, Шайх Юсуф Ҳамадоний таъсирида суфийлик йулини тутган. Ҳаж зиёратини ўтаган. Балх, Сарахс, Ҳирот, Нишопур, Хоразм ва Бағдодда сафарда бўлган.

А.С. шоирликни пайғамбарлик ва валийлик б-н тенг деб билган. Навоий у ҳақда: “Суфия тарики шуаросининг кубаросидиндур ва машойих анинг назмларидин истишҳодға ўз расойилидин келтурубдурлар ва «Ҳадикату-л-ҳакика(т)» китоби анинг шеърида азвоку мавожидига ва тавҳид ароби маърифати алосида камолига катъий далиллур” деган таъриф б-н бир байт келтирган. Асосий асари “Ҳадикату-л-ҳакойик” (“Ҳакикат боғлари”) суфийлик комуси сифатида тан олинган. Ҳожа Аҳмад ибн Масъуд таклифи б-н ёзилган бу достон хикоят ва ривоятларни ўз ичига олган. Навоийнинг маълумотига кўра, “ҳамул вазн ила яна уч китоби бор”: “Ишкнома”, “Ақлонома” ва “Корнома”. “Сайфу-л-ибод ила-л-маъод” (“Аллоҳ кулининг охират манзилига қайтиш йўллари” асари Ғарбда ҳам машхур бўлган. Айрим манбаларга кўра Дантенинг “Илохий комедия”си мана шу асар таъсирида ёзилган. “Ҳадикату-л-ҳакойик” Фаридиддин Аттор ва Жалолиддин Румий асарларининг ёзилишига туртки берган. Шоир сифатида “Девон” тартиб берган.

Ғазнада вафот этган. Қабри ўша ерда.

- ◆ Санаи. Сад истин (Отрывки) / Суфии. Восхождение к истине. Изд. Л.Яковлева. М.: ЭКСМО, 2007. С.49-64; Гулшани адаб. 1-ж. Душанбе: Ирфон, 1973.
- Алишер Навоий. Насойиму-л-мухаббат / МАТ. 17-ж. Т.: Фан, 2001. 714-тартиб; Аттор Ф. Тазкирату-л-авлиё. Т., 2012.

АБДУЛМАЛИК ибн Ҳишом ал-Маорифий (в. 833/8. V) – араб тарихчысы, филологи. Тұлғы исми: Абу Мұхаммад Абдулмалик ибн Ҳишом ибн Айюб Ҳимайарий ал-Маорифий ал-Мисрий. Басрада туғилған, Мисрнинг Фустот ш.да яшаган. Мисрда Имом Шоғеъй А. б-н сұхбат куриб, унинг т., шеър ва насаб илми билимдөни эканини эътироф этган. Ибн Исҳокнинг “Мағозий”ини қайта тартыбыга келтирған асари “Сийрат ибн Ҳишом” ёки “Таҳзибу ибн Ҳишом” деб номланған. Бу асарни Қиғтий, Заҳабий, Ибн Қасир, Ибн Имод, Ибн Ҳалликон каби тарихчилар Мұхаммад (с.а.в.) ҳаётига доир әнг ишончли сийра (кисса) сифатида күрсатғанлар. Асарни Мисрда (1843–44), Германияда (1858–60) Ф. Вустенфилд уч ж.да нашр этган. Асарға Абдурахмон ибн Абдуллох Сұхайлій (в. 1185), Мұхаммад ибн Аҳмад Заҳабий, Абулфатх ибн Иброҳім Билбисий шархлар ёзишған. А. асари форс, түрк, олмон, урду, рус (қиска шаклда) т.ларига тарж. килинған. Үзбек т.ла акад. Н. Иброҳимов раҳбарлығидаги тарж.лар гурухы томонидан үгірилған.

- ◆ *Абдулмалик ибн Ҳишом ал-Маорифий*. Жизнеописание пророка Мухаммада / Пер. Н.А. Гайнуллина. М., 2002; *Абдулмалик ибн Ҳишом ал-Маорифий*. Ас-сийра ан-Набавиййа. 1-ж. 1-китоб. Т.: Sharq НМАК, 2011.
- *Ахмедов А.* Ибн Ҳишомнинг «Ас-Сийра ан-набивия» асари ҳакида // Имом ал-Бухорий сабоктары. 2009. 4-сон; 2010. 1-сон.

АБДУЛМАЛИК ота (XII) – Ҳожа Аҳмад Яссавийнинг ilk халифаларидан. Ҳожа Аҳмаднинг пири Арслонбобнинг набираси (Мансур отанинг үғли). «Рашаҳоту айни-л-ҳаёт» асаридан маълум бўлишича, яссавийлик силсиласида Мансур отадан кейинда келади. А.о. Ҳожа Аҳмад Яссавий услубида ҳикматлар ёзған. Асарларидан айрим парчалар «Бокирғон китоби»га кириллігандан.

- *Сайрамий, Мұлла Мұсо ибн Исо*. Тарихи Амнийя. Қозон: 1905. Б.289; *Koprülü M.F. Türk Edebiyatında ilk Mutasavvıflar*. Ankara, 1991. S.87; *Фитрат А.* Яссавий мактаби шоирлари түркисида текширишлар / Танл. асарлар. 2-ж. Т.: 2000. Б.31-36; *Фахруддин Али Сафий*. Рашаҳоту айни-л-ҳаёт / Тарж. Ҳудойберған ибн Бекмуҳаммад. Т., 2004. Б.23.

АБДУЛМАЛИК тұра (1848–1909) – үзбек миллий-озодлик ҳаракати вакилларидан, Бухоро амири Сайид Музаффариддин (1823–85)нинг тұнғич үғли бұлғанидан Камта тұра лакаби б-н машұр. Кармана, Ғузор ҳокими (1964). А.т. бошчилигида Самарқандда рус истилосига карши (1866–67) ҳаракат Ғузор беклигидаги миллий-озодлик кураши тарзыда давом этған. Мутахассислар А.т. бошчилигидаги халқ озодлик ҳаракатининг уч даврини фарқлайдылар. 1-дavr – Бухоро Россия вассаллигини кабул килгунға кадар кечған вакт (1867–68, 23 июн); 2-дavr – А.т. бошчилигидаги ҳаракат вакиллари Бухоро хонлигининг 1/3 қисмимиң әзгәллаши (1868–79); 3-дavr А.т. ҳаракатининг таназзули (XIX асрнинг 80- ж.). А.т. бошчилигидаги халқ ҳаракати рус истилочилари томонидан бостирилған. Русиянинг Бухородаги вакили талаби б-н А.т.ни амир Музаффариддин валиақылдан маҳрум этған (1871). А.т. умрнинг сұнгги даврини Афғонистон ва Ҳиндистонда үтказған, Пешаворда вафот этған.

- Мирза Абдалазим Сами. Тарихи салатин-и Мангтийя (История Маргитских государств). Пер. и примечания Л.М.Епифановой. М.: ИВЛ, 1962; Одилов А.А. Абду-малик тўра бошчилигидаги озодлик ҳаракати тарихи. Т.: Университет, 2006.

АБДУЛМАННОН Котиб Абдулваҳҳоб ўғли (1880–1945) – хаттот. Тошкентда туғилган. А.к. томонидан настаълик хати б-н кўчирилган 20 дан ортиқ кўлёзма ЎзРФАШИ фондида сакланади. Булар орасида Навоийнинг «Ҳамса» (1905) ва «Мажолису-н-нафоис» (1917), Мирзо Салимбекнинг «Кашкули Салимий» (1912), Бинойнинг «Боғи Эрам» (1917), Афзал Пирмастийнинг «Афзалу-т-тазкор» (1917) каби асарлари бор.

АБДУЛМЎЛЬМИНХОН (в. 1599) – шайбоний сулоласи хонларидан. Бухоро хони Абдуллоҳхон II ўғли. Балх ва Бадахшон ҳокими (1582–98), Бухоро хони (1598–99). Балх қалъасини кайта курдирган, Ҳожа Абунаср Порсо мозорида кўшик барпо қилган. Эрон сафавийларига қарши курашган. Мутрибий Самарқандий у ҳақда ёзди: “Табъи бағоят яхши эди, мазали шеър ва тотли сўздан ажаб бир равиша завқланарди. Ва гоҳида ўзи ҳам шеър айтмок йўлига қадам босарди. Бу матлаъ ва рубойи унинг латиф табъи мевалариданdir” дей матлаъ ва ушбу рубойни келтиради:

Аз гуфтани шеър дил сафое ёбад,
Шоир ба жаҳон нашъу намоиҷе ёбад,
Авсофи бутон гўй, агар гўйи шеър
То оинайи дилат жисюйи ёбад.

Мазмуни: Шеър ёзмоқдин кўнгил сафо топсин,
Жаҳон ичра шоир нашъу намо топсин.
Шеър айтсанг, санамлар васфин кил,
То дилинг кўзгуси жило топсин.

- Аҳмедов Б. Историко-географическая лит-ра Средней Азии XVI-XVIII вв. Т., 1985; Мутрибий Самарқандий. Тазкирату-т-шуаро. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2013. Б.26-28.

АБДУЛРАХИМ УСМОНИЙ ХИДОЯ – к.: Хидоя ибн Абдулраҳим Усмоний.

АБДУЛРАХМОН ибн ҲОРИС (VII) – Муҳаммад (с.а.в.)нинг фидойи сахобаларидан. Кўп юришларда Муҳаммад пайғамбар б-н бирга қатнашган. Ҳазрати Усмон даврида Куръон сураларини мусҳафга кўчирилганлардан бири. Ином Бухорийнинг қайд этишича, Пайғамбаримиз бу ишни Зайд ибн Собит, Сайид ибн Ос, Абдуллоҳ ибн Зубайр ва Абдураҳмонга топширган.

- Бухорий, Ином Исмоил. Ал-жомеъу-с-саҳих. З–ж. Т., 1994; Ислом тасаввуфи манбалири. Т.: Ўқитувчи, 2005. Б.40, 329.

АБДУЛРАХМОН МОМАНД (1632–1707) [фалсафа, тасаввуфигунослик] – афғон шоири, мутасаввифи. Пешовар якинида Моманд уруғига тегишли оиласида туғилган. Асарларини пашту ва форс т.ларида битган. Фазал ва рубоийлари асосида “Девон” тартиб берган. Унинг таркибиға кирган асарларнинг аксарияти тасаввуфий руҳда. “Девон”и 1876 й. Лахурда чоп этилган.

АБДУЛРАХМОН ТОЛЕЙ (XVIII) – бухоролик мунажжим, шоир ва тарихчи. Асл исми Абдурахмон Давлат, Толеъ – тахаллуси. А.Т. Бухоро хони Абулфайзхон (1711–47) замонида яшаган ва хукумат ишларида катнашган, амир Абдуллоҳ қүшбесининг яқин мулозими бўлган. А.Т.нинг «Тарихи Абулфайзхон» асари аштархонийлар сулоласининг сунгти вакили Абулфайзхон хукмронлиги тарихига бағишиланган булиб, унда XVIII асрнинг биринчи ярмида Мовароуннахрдаги сиёсий аҳвол, ҳалқ турмуши ва маданий ҳаётга оид маълумотлар жамланган. А.Т.нинг тарихий асари аштархонийлар сулоласига мансуб Субхонкулихон (в.1114/1702) тарихига бағишиланган. Мухаммад Юсуф муншийнинг “Тарихи Муқимхоний” ва Мир Мухаммад Амин Бухорийнинг “Убайдуллоҳнома” асарларининг давоми ҳисобланади. Абулфайзхоннинг таҳтга чикишидан тортиб, унинг Раҳимбий томонидан ўлдирилиши воқеаларигача асарда тула акс этган. Асарнинг ягона кўлёзма нусхаси ЎзРФАШИда сакланади (№ 194, 76 бет). Фитрат машҳур драмасини ёзишда бирламчи манба сифатида ушбу тарихга таянган. Асар рус т.га (“История Абулфайзхана”) тарж. қилинган. Асар кўлёзмаси форс т.да ёзилган булиб, ЎзРФАШИда сакланади, 161 варагдан иборат. Шарқ кўлёзмалари тўплами (Г., 1952)да 197-ракам б-н тасниф берилган.

◆ *Абдуррахман-и Тали'*. История Абулфайз-хана. / Пер. А.А.Семенова. Т.: Изд. АН УзССР, 1959.

• *Стори Ч.А.* Персидская лит-ра. Био-библиографический обзор. Ч.П. М.: ИВЛ, 1972. С.1149-50.

АБДУЛХОЛИҚ ФИЖДУВОНИЙ (1103–1179) – мутасаввиф олим, ҳожагон тариқатининг асосчиси. Тўлиқ исми: Ҳожа Абдулхолик ибн Абдулжамил Фиждувоний. “Ҳожайи жаҳон” номи б-н машҳур Ҳазрат Абдулхолик Фиждувоний китобларда Юсуф Ҳамадонийнинг «туртинчи ҳалфаси» сифатида тилга олинади. 9 ёшида Куръони каримни ёд олган, Имом Садриддиндан тафсир илмини ўргантган. 22 ёшида Бухорога келиб, Ҳожа Юсуф Ҳамадонийга мурид бўлган. Айрим тадқикотчилар Ҳожагон тариқати Юсуф Ҳамадонийдан бошланган (В.Бартольд) десалар, айримлар кейинчалик «нақшбандийлик» номи б-н машҳур бўлган тариқатнинг яратувчиси (Ж.Тримингэм) сифатида А.Ф.ни т.га оладилар. Тасаввуф тарихидаги «Саккиз рашҳа» («Оби ҳаёт томчилари») А.Ф. номи б-н боғланган. Юсуф Ҳамадоний томонидан тўрт рашҳа *хуш дар дам, назар бар қадам, сафар дар ватан ва хилнат дар амжуманга асос солинган бўлса, уни давом эттириб яна тўрт рашҳа – ёдкард, бозгашт, нигоҳдошт ва ёддошт* А.Ф. томонидан асосланган. Мухаммад Порсо «Фусулу-л-хитоб» (“Хитоб фасллари”) асарида «Ҳазрати Ҳожа Абдулхоликнинг йўллари тариқатда хужжат ҳисобланади» деб ёзган.

А.Ф.нинг асосий асарлари: «Мақомоти Ҳожа Юсуф Ҳамадоний», “Одоби тариқат” (“Тариқат одоби”), “Рисолаи соҳибия” (“Дўстлик рисоласи”), “Аз гуфтори Ҳожа Абдулхолик Фиждувоний” (“Ҳожа Абдулхолик Фиждувоний сузларидан”), «Васиятнома» в.б. А.Ф. форс т.да ёзган рубойларидан бири:

Гар кишидан дилда шикоят бүлгай,
Дил оғриги ундан бениҳоят бүлгай,
Ҳеч үйлама интиқом олишни, чупки
Ёмонга ёмонлиги кифоят бүлгай.

(Эргап Очилов тарж.)

А.Ғ.нинг мурид ва шогирдлари: Ҳожа Ориф Ревгарий, Ҳожа Махмуд Анжир Фагнавий, Ҳожа Али Ромитаний, Ҳожа Мухаммад Бобойи Самосий, Ҳожа Сайид Мир Кулол, Ҳожа Баҳоуддин Накшбанд в.б.

Қабри Ғиждувон ш.да.

- ◆ Ҳожа Абдулхолик Ғиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний / С.Рафъиддин ва Н.Ҳасан тарж. Т., 2003; Минн бир рубоий. Т.: Фап, 2009. Б.63-67.
- Ҳасаний М., Раззоқова М. Ҳожагон тарикати ва Ҳожа Ҳасан Андокий. Т., 2003. Б.30; Махмудов М., Қутубоев З. Ғиждувонийнинг маърифат мактаби. Т.: Ўқитувчи, 2003; Али Сафий, Ғаҳрулдин. Рашаҳоту айну-л-ҳаёт. Т., 2004. Б.35-48; Ислом тасаввуфи манбалари. Т.: Ўқитувчи, 2005. Б.19.

«АБДУЛХОЛИҚЧИЛАР» [тасаввуфшунослик] – Ҳожагон тариқатига Абдулхолик Ғиждувоний асос соглани учун унинг вакилларини А. деб аташган. Фитрат ҳам ҳали накшбандийлик номи б-н шаклланиб улгурмаган силсилани «Абдулхоликчилар» деб атаган.

- ◆ Фитрат А. Ахмад Яссавий / Асарлар. 2-ж. Т.: Машнавият, 2000. Б.10-31; Ислом тасаввуфи манбалари. Т.: Ўқитувчи, 2005. Б.19.

АБДУЛҚОДИР ГИЛОНИЙ (1077–1166) – тасаввуфда кодирийлик тарикатига асосчиси. Тулиқ исми: Абу Мухаммад Мұхайдидин Абдулқодир ибн Абу Солих Абдуллоҳ. Эроннинг Гилон (Жилон) кентида туғилган ва Бағдодда вафот этган. Отаси Абу Солих б. Мусо Жангидұст шариф ҳазрати Ҳасан (р.а) авлодларидан, онаси Үммихайр Фотима саййида б. Абу Абуллоҳ ҳазрати Ҳусайн (р.а) авлодларидандир. Ислом дунёсининг актоби арбаа (түрт күтбі)сига мансуб бу зот кодирийлик тарикатига асос соглан. Бу тарикатыннан бош дастыри «машғұллік ила фориғлік» (үзинг дунё б-н машғул бүлгап шайтда дилинг ундан фориғ бүлсін)дир. «Ахд» б-н кирилмоги лозим бүлгап бу тарикат Миср, Андалус, Шом, Бағдод, Онадұли, Марказий Осиё ва Ҳиндистон худудларыда таркалған ва кейинги 29 тарик жүли (Ж.Тримингем)га асос сифатида хизмат күлгап. Навоийнинг Ѽишича, «Шайх Мұхайдидин Абдулқодир Жилий (к.с.) кароматлари тавотур (узлуксиз)... жаҳон шайхларининг бирортасига бундай кароматлар зохир бүлмаган».

«Ғавсу-л-аъзам» исми б-н машхур бүлгап А.Г. Мусо б. Юнуний, Нуриддин Али Шаттанафий, Мұхаммад Тодафий, Мұхаммад Дилоий, Ибн Ҳожар, Мулукшоҳ Сиддикий, Мұхаммад Мир Олим, Шароний, Жомий, Навоий, Ҳожазода Ахмад Ҳилмий кабиларнинг тазкира ва макомотларыда улуғланған. А.Ғ.нинг «Ғүннату ли-толиби тарику-л-Ҳак», «Фатху-р-раббоний вал-файзу-р-раҳмоний» («Ситтин мажолис», «Футуҳу-л-гайб», «Ҳизби

башару-л-хайрот», «Мавоҳибу-р-раҳмониййа вали-футуху-р-раббониййа...», «Жалоу-л-Хотур», «Йавокуту-л-хикам», «Фуйузоту-л-раббониййа фил-авроду-л-кодирийя», «Девони Ҳазрати Favsu-л-Аъзам» («Газалиётн Мұхәй») каби асарлари мәдүм.

«Сирру-л-фи ма йаҳтажу илайхи-л-аброр» («Азиз ва пок кишилар тоифасининг эҳтиёжларига аталган сирларнинг сири») ва «Мактуботи Гилоний» асарлари напш килинган. «Куня» асарида 73 мазҳаб таърифи берилган.

◆ *Шайх Сайид Абдулқодир Гилоний. Сирру-л-асрор. Мактубот (Таржимон, сўзбоши ва лугатизоҳлар муаллиси О. Жӯрабаев). Т.: Монароунахр, 2005.*

• *Margoliouth D.S. Abdulkadir / Islam Ansiklopedisi. 2-cild. Istanbul, 1993. S.80-82; Махмудов М. Аҳли дил. Т.: Ўқитувчи, 1997. Б.308–309.*

АБДУЛКОДИР БЕДИЛ – к.: Бедил, Мирзо Абдулқодир.

АБДУЛКОДИР МАРАГОЛИ (1353/17.XII–1435) – туркигүй шоир, бастакор ва мусика назариётчиси. Эроннинг Марағо ш.да туғилган. Мусикани отаси Гиёсiddин Fайбидан ўрганган. Табризда шайх Увайс ва султон Жалолиддин Ҳусайн саройида ижод қилган. “Навбати мураттаб” куйини басталаган, созда дарби рабий усули асосчиси. 1382 й.дан Бағдодда яшаган даврда ўттиз пардали “Даври Шоҳий” мусикасини яратган. Шоҳруҳ Мирзо ва ўғли Бойсунгур Мирзо даврида Ҳирот мусиқачилари мактабига раҳбарлик қилган.

Туркийда ёзган шеърларидан айримлари сакланган. “Жомиъу-л-илхон” (1405), “Макосиду-л-илхон” (1418), ўн тўрт булимдан иборат “Рисолаи фавоиди ашара”, “Зубдату-л-адвор” каби мусика назариясига доир асарлар ёзган. Сафиуддин Урмавийнинг “Китобу-л-адвор” асарига шарҳ битган.

• *Фитрат. Ўзбек классик мусикаси ва унинг тарихи. Т., 1993; Türk Dünyası Edebiyatçıları Ansiklopedisi. Ankara, 2002. S.78.*

АБДУЛКОДИР ШАКУРИЙ (1875–1943) – маърифатпарвар адаб, педагог. Самарқандда илк жадид мактабларининг асосчиси. Самарқанд теграсидаги Ражабзамин кишилогида туғилган. Тиллакори ва Орифжонбай мадрасаларида укиган. 1903 й. Кўконда очилган жадид мактаби (Салоҳиддин Мажидий) усули б-н танишиб, Самарқандда уни жорий қилган. Мактаб ишлари б-н танишиш учун Қозон (1906) ва Қрим (1911)га сафар қилган. Исмоил Ғаспирали А.П. мактабини бориб кўрган (1908). 1916 й. мардикорликка олинган, сўнгра ватанига қайтиб, 1925 й.га кадар ўзи очган мактабларда ишлаган. 1937 й. ноҳақ ҳибсга олинган, 1943 й.да вафот этган.

Усули жадид мактаби учун дастур (1904, Бехбулий б-н хаммуалликда) тузган, дарсликлар ёзган. Турк маърифатчиси Ахмад Мидҳатнинг “Хожайи аввал” (“Биринчи муаллим”) асари йўналишида “Раҳбари савод” алифбеси (Хожи Муъин б-н хамкорликда) ни тузган. Шогирди И.Рахматуллоҳ ўғли иштирокида “Жомиъу-л-хикоят” (“Ҳикоятлар тўплами”, 1907), “Зубдату-л-ашъор” (“Сара шеърлар”, 1907) ўқиш китобларини, биринчи синф учун “Таълими атифбо ёхуд раҳбари мактаб” кўлланмасини ёзган. Сунгти кўлланма Тошкентда (1915) чоп этилиб, бутун Туркистон бўйлаб таркалган. Бу

мактаб фаолияти хусусида “Таржумон” (1908), “Ойина” (1914) ва “Правда” (1923) газларида хабарлар босилган.

- ◆ Шакури А. Автобиография / Пер. М. Фаттаева. Самарканд, 1910.
- Фаттаев М. Атоқы педагогларимиз. Т.: Ўқитувчи, 1965. Б.13-16; Каримов Б. Муаллим Шакурий // ЎзАС. 2001. 31 авг.; Долимов У. Миллий уйғониш педагогикаси. Т.: Ношир, 2012. Б.214-222.

АБДУЛҲАМИД II (1842/21.IX–1918/10.II) – Туркиядаги Усмонлилар салтанатининг сўнти 34-султони. Абдулмажид ўғли. Мураккаб ва таҳликали бир давр (1876–1909)да султонлик килган. 1876 й. давлат тұнтарыши туфайли таҳтта чиққан. “Янги усмонлилар” раҳбари Мидхат Пошо талаби б-н Конституция кабул килган, мамлакатни бошқариш ишларыда парламентга суюнган, кейинрек парламентни тарқатиб юборгани норозиликларга сабаб бўлган. 1877–78 йй. Россияга қарши урушган. 1882 й.да Мисрни бутунлай бой берган. “Генж турклар” (“Ёш турклар”) ҳаракатининг талаби б-н 1908 й.да 1876 й.ги Конституцияни тиклаган. 1909 й. хокимиятни топширишига мажбур бўлган. 1912 й.га қадар турмада сакланган ва шу й. Истанбулга келтирилиб, катл килинган.

Султон Абдулҳамид II ҳақида куплаб тарихий, ҳужжатли ва бадиий асарлар яратилган. А.нинг “Сарвати фунун” (“Фанлар бойлiği”) каби адабий доираларга муносабати ҳақида қатор тадқиқотлар яратилган.

- Osmanoğulları ve Aydınların Anlatımıyla İmperatorluğun Yuzuk Taşı II Abdülhamid / Yayına Hazırlayan Mehmet Tosun. İstanbul: Yeditepe, 2009.

АБДУЛҲАМИД МАЖИДИЙ (1902–1939) – ўзбек адаби, ад-тшуноси ва журналисти. Тахаллуси: Абутанбал. Каттақўғонда бошлангич ва рус-тузем мактабида ўқиган. “Зарафшон” (1925–26), “Озод Бухоро” (1927–28) газларида мух-рлиқ килган. Хоразм театри (1929–33)да адабий эмакдош ва директор, “Муштум” журнали (1934–37)да мухбир бўлиб ишлаган. «Хандон лолалар» (1929), «Қалдиргоч» (1932) шеърий, “Ҳангома” (1937) ҳикоялар тўплами чоп этилган. Китобий достон асосида “Варқа ва Гулшоҳ” пьесаси, “Отсиз” тарихий драмаси саҳнага кўйилган.

- ◆ Мажидий А. Танланган асарлар. Т., 1974.
- Сирожиддинов С. Абдулҳамид Мажидий. Т., 1982; Türk Dünyası Edebiyatçıları Ansiklopedisi. Ankara, 2002. S.76.

АБДУЛҲАМИД котиб (VIII) – илк ислом даври араб алломаларидан. Ҳадис, фикқ илmlари сохиби. Илми адаб тарихига доир асарлар битган. Насрга таъриф бериб, уни “хитобалар мажмуаси” сифатида талқин этган. Турк олими М.Фуад Кўпрулунинг “Турк ад-ти тарихи” (1926) асарида т.га олинган.

- M.Fuad Köprülü. Türk Edebiyatı Tarihi. İstanbul: 1980. S.108-109; Болтабоев X. Мумтоз сўз кадри. Т.: Адолат, 2004. Б.16-17.

АБДУЛҲАМИД ЧҮЛПОН (1897–1938/4.Х) – улуг ўзбек адиби, драматурги, мухаррири, таржимони ва жамоат арбоби. Андижон ш.да Сулаймонкул Муҳаммад Юнус ўғли оиласида туғилган. Отаси Волайи Расво тахалтуси б-н шеърлар битган, “Девон” тартиб берган. А.Ч. Андижондаги рус-тузем мактабида, мадрасада ўқиган. Тошкентга келиб, бадий ижод б-н шутулланган. Асарлари 1914 й.дан “Садойи Туркистон”, “Садойи Фарғона”, “Туркистон вилояти газсти” в.б. нашрларда “Андижонли”, “Қаландар” (“Қ.”), “Мирзакалапдар”, “Шумгиёх”, “Шунгия”, “Ғамгин” (Б.Кориев) тахалтуслари б-н чоп этилади. Илк машқлари: “Туркистонли қариндошларимизга” шеъри, “Курбони жаҳолат” ҳикояси ва “Адабиёт надур?” маколоси “Садойи Туркистон” газ.да босилган. 1917 й.да Оренбургда яшаб, Аҳмад Закий Валидий раҳбарлигида Бошкирд ҳукумати маҳкамасида котиб булиб ишлаган, 1918 й.да Қўқонда ташкил этилган “Туркистон мухторияти” ҳукумати А.Ч.нинг “Туркистон” шсьрини давлат маҳдияси сифатида кабул килган. XX асрнинг 10-й.лари сўнгидаги ТуркРОСТА (Россия телеграф агентлиги Туркистон бўлими) мухбири бўлган, “Чигатой гурунги” тўғарагида иштирок этган, Бокудаги Туркий халқлар курултойи (1920)да катнашган. Фитрат таклифи б-н Бухоро жумҳуриятида “Бухоро аҳбори” газ.да мух-р (1921–22), Тошкентда “Инқилоб” журн. (1922)да Андижонда “Дарҳон” (1923) газ.да ишлаган. Москвада 26 ёш ижодкор б-н Вахтангов театри кошидаги драмстудияда (1924) тарж. булиб ишлайди. 1926 й.дан Тошкентда ижод б-н машгул бўлди. Маданият ходимлари II курултойи (1927, октябр)да ижоди кескин танқидга учради. 1932 й.дан Москвада яшаб, бадий тарж. б-н шугулланди. 1935 й.дан Тошкент театрида адабий эмакдош булиб ишлайди. 1937 й. 14 июлда камоқка олинади, 1938 й.нинг 4 октябрида ноконуний равишда катл қилинади.

А.Ч. асарлари “Садойи Туркистон”, “Садойи Фарғона” каби газ.да ва “Ўзбек ёш шоирлари: Фиграт, Чулпон, Элбек, Боту” (1922), “Гузал ёзғичлар” (1925), “Адабиёт парчалари” (1926) каби мажмуаларда чоп этилди. Шеърий тўпламлари: “Ўйғониш” (1922), “Булоклар” (1922). Сунгги тўпламнинг сарлавҳаси остидаги “Жаҳон фотихлари чангатида эзилиб ётган Шарқ ўлкаларига бағишлидан” деган ёзувнинг ўзиёқ шоир шеъриятининг асосий мундарижасини белгилаган. “Тонг сирлари” (1926) тўплами А.Қодирий субъошибиси б-н эълон килинган. Бу шеърий тўпламлар Чулпон шеърияти улмас анъаналарга содиклигини кўрсатган, мумтоз тимсол ва рамзларга бой дилбар шеърлари б-н китобхонлар қалбидаги ўчмас из колдирган. А.Ч. шеърияти хусусида О.Шарафиддинов “Чулпон маҳорати шунчалар юксак эдик, у қаламнинг бир енгил ҳаракати б-н сўз лашкарини истаган измига сола биларди. Чулпон мерос колдирган шеърият – мўъжиза...” деб баҳо берган эди. Шоир шеъриятининг бош мавзуси миллат эрки булиб, унинг ижтимоий лирикасидан тортиб энг интим шеърларига қадар ватан севгиси ва озодлиги хар бир асарининг катига синган, шу туйғу б-н туйинган эди. Бу жихатдан “Бузилган ўлкага” асари юксак пафос б-н сугорилган, шуролар замонида энг кўп тилга ва танқид остига олинган шеърdir. Асаддаги

Сенинг эркин тупровингда ҳеч ҳаққи йўқ ҳўжалар,
Эгасини бир кун каби қизганмасдан янчалар.

Нега сенинг қалин товшинг “кет!” демайди уларга?
Нега сенинг эркин кўнглини эрк бермайди қўлларга?!

каби сатрлар бевосита босқинчиларга каратилгани учун Туркистон мустамлакачиларининг давоми бўлган шўролар ҳукумати А.Ч. ҳаётини маҳв этиб колмай, унинг серкирра ва гўзал асарларини ўкишни ҳам ман килган. Шоирнинг “Халқ”, “Кўнгил” шеърлари ана шундай мұйжизавий қудратга эга бўлган. А.Ч. табиат куйчиси сифатида она табиятта мос равишда табиий суз ва тасвир уйғуларигини бера олган. “Яна кор”, “Баҳорни соғиндим”, “Куклам ойим”, “Барг”, “Бинафша” каби шеърларида суз табиат тасвиридан бошланса-да, жамиятдаги эрксизлик бу асарларнинг лейтмотивини ташкил киласди.

“Соз” (1935) тўплами аввалги шеърий гулдасталардан 13 йил кейин дунё юзини кўрди. Оддий халқона: “Бир неча йил қантаргач, яна олдим созимни, Энди айттиб ийгламас кўнгилдаги розимни” сатрлари замирида шоир кечирган аламли кунлар фарёди очик сезилади. Шунинг учун ҳам бу шеърларда зада юракнинг киноялари ўз ифодасини топган. Гарчи шоир энди янги турмуш хусусида сўзласа ҳам, унинг замирида тавсифдан кўра аччик рамз ва истехзо шеърнинг таъсир йўлини белгилайди.

Шоир шеърларини поэтик жиҳатдан юксак килган қудрат факат унинг мавзу-мундарижасигина эмас, балки нозик топилма тимсоллари, халқ кўшикларидаи окиб келадиган ритмикаси, гўзал ва охорли кофияларидири. А.Ч. халқона усулга курилган бармоқ вазнида ёзадими, анъянавий арузни ичдан янгилашга ҳаракат киласдими, асар юксак поэтик рух б-н тасвирланадики, у шеърхон қалбига тез етиб бориб, унда узок вакт сакланиб колади ва ўкувчи туйгулар дунёсини поклашга, яшартиришга хизмат қиласди.

А.Ч.нинг насрый мероси хикоялар ва кисса, сафарнома ва романдан иборат. А.Ч.нинг илк хикояси “Курбони жаҳолат” деб номланган (1914) булиб, муаллиф ўз асарини фельетон деб тавсия этади. Чунки асарнинг танқидий руҳи стакчи пафос даражасига кўтарилган. “Доктор Мұҳаммадиер” (1914) гарчи “хаёлий (фантастик – Ҳ.Б.) хикоя” деган сатрости сарлавҳаси б-н берилган бўлса-да, асарнинг реалистик кучи шундаки, ундаги ровий-хикоячи пассив кузатувчи эмас, балки холис баҳоловчи ҳамдир. “Ойдин кечаларда” хикояси (1922)да лиризм кучли бўлса, “Кор қўйнида лола” (1925)да ўткир драматизм китобхон диккатини тутиб туради. А.Ч. хикояларида кичик жанрнинг катта имкониятларини яхши билган, миллий хикоячилик ривожига А.Кодирий, А.Қаххор каби улуғ адиллар қаторида ўз улушини қўшган носир сифатида кўринади. А.Ч. хикоялари замирида шеърларидаги каби миллатсеварлик ва ватанпарастлик туйгуси юрт озодлиги хусусида кайта-кайта эслатаётгандек булади.

А.Ч. биргина “Кеча ва кундуз” (1935) романини ёзид, унинг “Кеча” кисминигина эълон килган бўлса ҳам бу асар шоирнинг юксак эпик салоҳиятини курсатиш баробарида уни янги ўзбек романчилитининг олдинги

сафларидан бирида туришига сабаб бўлди. А.Ч.нинг ҳалк ҳаётини чукур билишлиги, уни гузал лавҳаларда, жонли ва дардли одамлар мисолида курсата олиши романнинг тугал бадиийлигини белгилайди. Романнинг асосий қаҳрамонлари Зеби, Акбарали мингбоши, Мирёқуб ва ўндан ортиқ персонажларнинг тақдиди XX аср бошлари ўзбек турмуши, маънавий ҳаёти, мустамлакачилар зулми, жадидчилик харакати каби масалалар кесимида тасвирланади. Адид Зеби сиймоси орқали ўз шсьрларида бир неча бор мурожаат этилган аёллар эрки масаласига эътибор қаратади, қаҳрамон қисмати воситасида аёллар эрксизлиги ва шу туфайли келажакдан маҳрум экани бадиий бўёклар б-н тасвирланган. А.Ч. мазкур роман орқали миллат олдига қўйилган ижтимоий муаммоларнинг ечимини излаш баробарида мавжуд алдамчи сиёсатта муносабатини қаҳрамонлар қисмати орқали маътум қиласди. Романнинг “Кечা” дейилишининг боиси ҳам шундаки, жамият ҳаёти мустамлакачилик сиёсати орқали кундузсиз тунга айланган эди.

А.Ч. йирик драматург ва театр арбоби ҳам эди. “Ёркиной” (1921), “Халил фаранг” (1921), “Чурининг исенни” (1926), “Муштумзур”, “Урток Қаршибос” (1928), “Хужум” (В.Ян б-н ҳаммуаллифликда, 1928) драмалари б-н мишлий драматургияни ривожлантириди. Ўз даврида саҳнага чиккан бу асарлардан саноклиларининг матни бутунга қадар етиб келган.

Илк адабий маколаси “Адабиёт надур?” (1914)да: “Тұхтамасдан харакат килиб турған вужудимизга, танимизга сув, хаво накадар зарур бўлса, маишат йўлида ҳар хил кора кирлар бирлан кирланган рухимиз учун ҳам шул кадар ад-т керакдир. Ад-т яшаса – миллат яшар” каби аник ва содда талқин б-н адтнинг жамиятдаги ўрнини кўрсатиб берган. Чўлпоннинг адабий-танқидий мероси бад. ад-т табиати ҳакидаги маколалар, “Шоҳнома”, “500 йил” (Алишер Навоий), Фузулий, Увайсий, “Улуғ хинди” (Тагур), Тавфик Фикрат, Ризо Тавфиқбек ижоди ва санъатшунослик каби мавзуларни камраб олган. А.Ч. замондошлари ҳакидаги портретлари, театр тақризлари ва давр вактли матбуотига оид карашлари ҳам мазкур маколаларда ўз аксипи топган.

А.Ч. ижодининг мухим қисми таржималарни ташкил қиласди. Улар жанр жихатидан турфа бўлиб, Ҳ.Ҳайке, Т.Шевченко, А.Блок, Э.Верхарн, Тагур шеърлари; Шекспирнинг “Ҳамлет”, Карло Гоццининг “Маликаи Турандот”, Мольернинг “Ҳасис”, А.С.Пушкиннинг “Борис Годунов”, Гоголнинг “Ревизор” комедияси, А.Файконинг “Портфеллик киши” каби драматик асарлар; Пушкиннинг “Дубровский” киссаси, И.Франконинг “Феруза”, Л.Андреевнинг “Осиљган етти киши” хикоялари ва М.Горькийнинг “Она” (1936–37) романи в.б.дан иборат.

А.Ч. ижоди мустакиллик даврида ўз баҳосини олди, унинг асарлари чоп этилиб, буюк адид ижоди хусусида юзлаб макола ва талқиқотлар яратилди, яратилмоқда.

♦ Чўлпон А. Яна олдим созимни. Т.: Ад-т ва санъат, 1991; Ад-т надур? Т.: Чўлпон нашр., 1994; Гузал Туркистон; Шеърлар / Сўзбоши ва изоҳлар муал. Б.Дустқорасев. Т.: Маънавият, 1997; Асарлар. 4 жилдлик. 1-2 ж. Т.: Akademnashr, 2012-2014.

- Шарафиддинов О. Чулпон. Т.: Чулпон нашр., 1991; Чулпонни англаш, Т.: Ёзувчи, 1994. Каримов Н. Чулпон. Маърифий роман. Т.: Маънавият, 2004; Қуронов Д. Чулпон хаёти ва ижодий мероси. Т.: 1997; Чулпон насли поэтикаси. Т.: Шарқ НМАК, 2004; Чулпон ва танкид / Нашр. тайёрл. Б. Каримов. Т.: Адабиёт жамғармаси, 2004.

АБДУЛХАҚ КОТИБ (1808–1886) – хаттот. Тошкент ш.да туғилган. Бухоро мадрасасини хатм килгач, Тошкентда мударрислик қилған. 1881–84 й.ларда Арабистон, Миср мамлакатларига саёҳат қилған. Бир муддат Онадули (Истанбул)да яшаган. Таълиқ, риқъ, сұлс, настаълиқ хатларини яхши үзлашибирган, бу хат турларida үнлаб құләзмаларни күчирған. ҮзРФАШИДа у күчирған құләзмалар сакланади.

АБДУРАЗЗОҚ БИМИЙ – к.: Бимий.

АБДУРАЗЗОҚ САМАРҚАНДИЙ (1413/7.XI–1482) – шоир, тарихчи олим, сайёх, элчи. Тўлик исми: Камолиддин Абдураззок ибн Жалолиддин Исҳок Самарқандий. Хиротда туғилган, хаётининг асосий қисми Самарқандда ўтган. Шоҳруҳ мирзо саройида дипломатик ёзишмалар мудири (мунший) бўлган ва элчилар бошлиги сифатида Ҳиндистонга (1441–44) ва Гилонга (1446–47) борган. Абулкосим Бобур саройида хизмат килған, Хиротда шайхлик макомига (1463) эришган. Араб т.га оид “Рисолай Азудий” китобига шарҳлар ёзган. Асосий тарихий асари “Матлау’-с-саъдайн ва мажмаи баҳрайн” (“Икки саодатли юлдузнинг чиқиши ва икки денизнинг қўшилиш жойи”, 1467–71)ни форс т.да ёзган. Асарда мўттуллар салтанати тарихи, Амир Темур, Шоҳруҳ, Мирзо Улуғбек ва темурийлар сулоласига оид 1304–1471 й.лар воқеалари акс этган. Шунингдек, асарда Самарқанд ва Хирот ш.даги маданий иншоотлар, Шоҳруҳ Мирзо ва Улуғбек Мирзонинг илмий-адабий фаолиятига доир маълумотлар бор.

• Абдураззоз Самарқандий. Матлау’-с-саъдайн ва мажмаи баҳрайн / Тарж. А. Үринбоев. Т., 1969; Т.: Шарқ НМАК, 2010.

• Үринбоев А. Абдураззоз Самарқандийнинг “Ҳиндистон сафарномаси”. Т., 1960; Ҳасанов Ҳ. Сайёх олимлар. Т.: Ўзбекистон, 1981. Б.161–68; Алишер Навоий. Мажоли-су-н-нағоис / МАТ. Т.: Фан, 1997. Б.37, 232; Türk Dünyası Edebiyatçıları Ansiklopedisi. Ankara, 2002. S.65.

АБДУРАЗЗОҚОВ, Азиз (1928–2006) – ўзбек шоири. Тошкент ш.да туғилган. Маданият техникумини ва Москва Ад-т ин-тини тамомлаган. “Ёш ленинчи” газ., “Шарқ юлдузи”, “Гулистон” журн.да, Ёзувчилар уюшмасида ишлаган.

Илк шеърий тұплами “Дүстларимга” 1959 й.да чоп этилған. “Йұллар, йұллар” достони (1961), “Яна баҳор” (1962), “Тұлкин” (1965), “Бодом тұллаёт-тир” (1965), “Лирика” (1970), “Юрагимга яқын одамлар” (1975), “Қалб ранги” (1978) тұпламлари муал.и. Болалар учун “Рахматтаға рахмат” (1971), “Лолакизғалдок” (1979) шеърлар тұплами, “Замон ҳикоялари” (1970), “Естиқдан чиқкан әртаклар”, “Тұрт оғайни ботирлар” (1989) насрий китобларини ёзған. М. Лермонтов, Т. Шевченко шеърлари, Г. Лонгфеллонинг “Гайавата ҳакида құшик” достонини тарж. қилған.

• Türk Dünyası Edebiyatçıları Ansiklopedisi. Ankara, 2002. S.66.

АБДУРАСУЛ Польон Комил ўғли (~1860–1926) – хоразмлик шоир, хаттот ва мусанниф. Тұлғы исми: Абдурасулбой Польон мирзабоши Комил Хоразмий ўғли. Хива мадрасаларида таълим олган. Исфандиёрхон даврида Гурлан ҳокими бўлган. 1920 й.дан Хоразм ҳалқ жумхуриятида газначи бўлиб ишлаган. Отаси Комил Хоразмийнинг б макомига, ярим маком кўшган. Шоир сифатида танилиб, “Девон” тартиб берган. Лаффасийнинг ёзишича, бу девон Мухаммад Юсуф Чокар томонидан кўчирилган. “Девон” ЎзРФЛШИда 903.11 раками остида сакланади.

- Бобојон Тарроҳ - Ҳодим. Хоразм шоир ва навозандалари. Т.: Tafakkur qanoit, 2011. Б.84-88.

АБДУРАУФ ФИТРАТ (1886–1938/4.Х) – улуг ўзбек адиби, олимни ва жамоат арбоби. А.Ф. Бухоро ш.да Абдураҳим савдогар оиласида туғилган. Мирааб мадрасасида таҳсил олган. 1909 й. Истанбул (Туркия)га ўқишга борган, Войизон мадрасасида маъruzalар ўқиган. “Бухоро таъмими маориф жамияти” тузган ва унга раҳбарлик килган, бу жамият Туркияга ўқишга келган талабаларнинг моддий ҳаёти ва илм олишларига кўмак берган. Истанбулда А.Ф.нинг «Ҳиндистонда бир фарангি б-н бухороли бир мударрисининг усули жадида мактаблари хусусида қилған мунозараси» (1910), «Сайҳа» (1912), «Ҳинд сайёхи баёноти» (1912) асарлари ҳам нашр килинган. “Түрк юрду”, “Сироту-л-мустаким” (“Тұғри йўл”), “Таъруфи муслимин” (“Мусулмонлар таърифлари”) каби нашрларда ўз илмий ва публицистик мақола ва хатлари б-н қатнашган.

“...Мунозара»да маориф масалаларига қаратилган бўлиб, XX аср бошларида Туркистонда авж олган жадид ва қадимчилар ўргасидаги бахсни акс эттирган ва усули жадид мактабларининг эски мактабдан устунлиги курсатиб берилган. «Роман услубида ёзилган» (С. Айний) “Ҳинд сайёхи баёноти”да ўлка ҳастининг кўплаб муаммолари – ҳалқнинг начор аҳволи, ҳарбий нозирларнинг интизомсизлиги, шахар ва унинг атрофидаги кишлопларнинг экологик аҳволи, эл соғлигини саклаш – табобат ва даволаш усуслари, саноат ва ишлаб чиқаришнинг начор ҳолати, қозихоналар иши, катор вилоятларнинг миллий рўзномага мухтоҷлиги, йўл курилиши, хатто темир йўллар, дехкончилигу хунармандчилик – ҳаётнинг барча соҳалари кескин испохга мухтоҷ эканини Ҳинд сайёхи назари орқали идрок этилади.

1914 й.дан А.Ф.нинг «Раҳбари нажот» («Нажот йули»), «Муҳтасар ислом тарихи», «Ойила», «Мавлуди шариф ёхуд хайрул башар» номли фалсафий-ахлоқий асарлари босилиб чиқкан. А.Ф. шеърлари Мижмар, сунгра Фитрат таҳаллуси б-н «Ўзбек ёш шоирлари» (1922)да эълон килинган. «Сайҳа»да форс тилида эълон килинган шеърлар «Садойи Туркистон» газ.да (1914) қайта босилган. Буларда “Бухоро мустакиллиги гояси биринчи марта ёркин шаклда ифодалаб берилди” (Ф.Хўжаев). А.Ф. лирикаси нафис ва улуг Шарқ шеъриятининг барча гўзалликларидан тўйинган, уни ўзига хос равища ичдан янгилашга камарбаста шеърлардан тартиб бўлган.

Самарканда «Хуррият» газетасида мух-рлик (1917–18) қилган. А.Ф. публицистик асарларида «Шарқ сиёсати», «Сиёсий ҳоллар», «Юрт кайғуси», «Туркистанда руслар» каби ватан ҳаёти б-н боғлиқ ҳодисаларга муносабат билдирилади. А.Ф. драматик асарлари, асосан, 1918–1925 йиллар оралиғида ёзилган, эълон қилинмаган «Бегижон», «Ўғузхон», «Темур сағанаси», «Қоң», «Абу Муслим» каби асарлари ўз вақтида саҳнага кўйилган, улар ҳакида вақтли матбуот саҳифаларида тақризлар босилган. Ф. драмалари хинд ўлкаси воқеаларига бағишиланадими («Ҳинд ихтилолчилари», «Чин севиши»), Бухоро тарихининг коронғу катламларидан баҳс юритадими («Абулфайзхон», «Арслон») ёхуд диний сюжет материалларига асосланадими («Шайтоннинг тантрига иссан», «Рузалар») улар ўлка тарихига боғланади, юрт келажагига дидан қайгурувчи «ватанпаст» шоирнинг истеъоди кўламидан далолат беради. Драматург «Восеъ қўзғалони» (форс т.да) драмасини ва «Тўлқин» номли опера либреттосини ёзган.

1918 й.дан Шокиржон Раҳимий ва Қаюм Рамазон билан ҳаммуаллифликда «Она тили» дарслигини ёзи, бу соҳадаги ишларини мукаммаллаштириди, «Сарф. Ўзбек т. коидалари түғрисида бир тажриба (1-китоб)», «Нахв» (2-китоб) дарсликлари 1924–30-йиллар давомида беш марта кайта нашр этилади. Шунингдек, «Тожик тилининг коидалари» («Коидаҳои забони тоҷики»)ни ёзи. «Тилимиз», «Ўзбекча тил сабоклиги», «Имло конференсияси муносабати билан» маколалари ҳам тилшунослик масалаларидан сўз юритади.

Ад-тешуносликка оид “Ўкув” (1917), «Ад-т коидалари. Ад-т муаллимлари ҳам ҳаваслilари учун кўлланма» (1926), «Энг эски турк ад-ти намуналари» (1927), «Ўзбек ад-ти намуналари (1-ж., 1928)» каби дарслик ва мажмуалари эълон қилинган. «Аruz ҳакида» (1936) номли монографиясида аруз вазнининг ўзбек шеръиятидаги истиқболларини белгилаб берган. Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Муҳаммад Солих, Турди, Машраб каби ўзбек алиблари, Фирдавсий, Сайфи Исфарангий, Умар Хайём, Мирзо Бедил каби форс шоирлари ҳакида ёзилган рисола ва маколалари эълон қилинган. «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи», «Шарқда шахмат», «Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври» каби тарихга оид асарлар яраттан.

А.Ф. 1923 й. урталаридан Москвада яшай бошлаган, аввал Лазаревлар Жонли шарқ т.лари ин-ти (хоз. Осиё ва Африка ин-ти), Сакнт-Петербург унти Шарқ фактида маърузалар ўқиган ва ўша ерда профессорлик илмий унвонига эта бўлган. 1928 й.дан Фитрат Самарканнадаги Педакадемияда (хоз. ун-т) Шарқ мумтоз адабиёти, ўзбек ва форс т.ларидан талабаларга маърузалар ўқиуди.

1932 й.дан Ўз-н Фанлар кўмитаси (хоз. Тил ва ад-т инс-ти)да умрининг охирига қадар етакчи илмий ходим бўлиб ишлаган. 1937 й.да асоссиз равишда камоққа олинниб, 1938 й. 4 октябрда катл қилинган.

♦ Абдурауф Фитрат. Танк. асарлар. 1–5 ж (нашрға тайёрл. Ҳ.Болтабоев). Т.: Маънавият, 2000–2011; Адабиёт коидалари. Т.: Ўқитувчи, 1995; Чин севиши: Шеърлар, драмалар, маколалар / Т.: Ад-т ва санъат, 1996; Бедил (Бир мажлисда). Т.: А.Қодирий

номидаги напр., 2006; Аруз ҳакида. Т.: Ўқитувчи, 1997; Оила ёки оила бошқариш тартиблари / Тарж. Ш.Вохидов. Т.: Маънавият, 1998; Чўлпон, 2013; Saylanma. Т.: Tamaddun, 2011.

- Болтабоев Ҳ. Абдурауф Фитрат. Т., 1992; Катагон килинган илм. Т., 1996; Фитрат – ад-тшунос. Т.: Ёзувчи, 1996; Фитратнинг илмий мероси. Т.: Хазина, 1996; Фитрат ва жадидчилик. Т., 2007; Қосимов Б. Маслакдошлар (Бесхудий, Ажзий, Фитрат). Т.: Шарқ НМАК, 1994; Ғаниев И. Фитрат. Эътиқод. Ижод. Т.: Камалак, 1994; Фитратнинг трагедия яратиш маҳорати. Т.: 1994; Фитратшунослиқ. Бухоро, 1995; Ғафуров И. Фитрат ва миллат танқиди / Мангу латоғат. Т.: Шарқ НМАК, 2008. Б.48-67; Назаров Б., Расулов А., Аҳмедова Ш., Қаҳрамонов Қ. Узбек адабий танқиди тарихи. Дарслик. Т.: Тафаккур каноти, 2012. Б.65-90.

АБДУРАШИД ИБРОХИМБЕК (1850–1944/31.VIII) – татар адиби ва олими. “Рашид қози”, “Абдурашид Узбек” лакаблари б-н танилган. Тобольск вилояти Тара кишлоғида туғилган. Отаси Умар Татаристондаги узбек оиласи бошлиғи Иброям охунднинг ўғли. Илк таълимни бобосидан олгани учун унинг номини (фамилия ўрнида) қабул қилган. 1877 й.дан сасҳатта чиқиб, Истанбул, Макка ва Мадина ш.ларида яшаган. Маккада Шайх Шомил б-н учрашган. 1881 й. Истанбулга қайтиб, Номик Камол, Муаллим Ножий, Аҳмад Мидҳат каби адиб ва олимлар б-н дўстлашган. “Басират” газ.да “Ислом мактабларининг дарс ва таълим дастурлари”ни зълон қилди. Уз юртига қайтиб, янги мактаблар очди. Уфада Умумруссия мусулмонлари марказий ташкилотини бошқарди. Шаҳобиддин Маржоний, Каюм Носирий, Ризоуддин ибн Фахруддин каби зиёлилар б-н бирга мустамлакачиларга карши курашга отланди. “Левоу-л-хамд” рисоласини Истанбулда чоп этиб, Россия мусулмонларига тарқатди. 1890–95 й.да Оренбургда вилоят козиси булиб ишлади. «Чўлпон юлдузи» номли рисоласини ислом идора ва маҳкамалари тартиботига багишлади. 1897 й.дан 1909 й.га қадар Европа, Шимолий Африка, Осиё мамлакатлари бўйлаб саёҳатта чиқди. Франция, Италия, Австрия, Болгария, Кавказ каби мамлакатлардан сўнг Бухоро, Фарбий ва Шаркий Туркестонда булиб, уз юртига қайтди. 1900–05 й.да Истанбулда яшади, 1905 й.даги Русия инкилобидан умид қилди, Нижний Новгородда (1906, 16–21 август) Бутунруссия мусулмонларининг III курултойини ташкил қилди. Курултойда Русия мусулмонларининг диний, сиёсий, иқтисодий манбаатларини химоя килиш учун 72 моддадан иборат дастур қабул қилинди. Санкт-Петербургда «Улфат» газ. (1905–07) ва «Тилимиз» мажмуасини нашр эттирги. Ноширлик фаолияти тақиқланган (1907), Бухоро, Самарқанд, Еттисувга саёҳатта чиқди. Туркестон мактабларидан бирида бир мuddат дарс берди. 1908 й.дан Сибир, Муғалистон, Манжурия, Япония, Корея, Хитой, Хиндистонда бўлди. 1910 й. Истанбулга қайтиб, саёҳатномасини нашрга тайёрлади. 1911–1930 й.да Европада яшади. 1934 й.да ҳаж зиёратидан сўнг Японияга бориб, японлар ўртасида ислом динини тарғиб этиб, Токиода масжид ва мадраса курдирди. 1944 й.да вафот этди, кабри Токио ш.даги мадраса ҳовлисида.

Асарлари: “Миръот ёхуд Кўзгу” (Қозон, 1899–1909) даврий мажмуаси, “Тарж.и ҳолим ёки кечирган кунларим” (СПб., 1300), “Виждан мухокамаси

ва инсоф тарозуси” (Истанбул, 1328), “Ад-дину-л-фитри” (Истанбул, 1340), “Чүлпон юлдузи” (СПб., 1907), “Осие тахликада” (Истанбул, 1328) в.б. “XX аср бошларида Ислом дунёси ва Японияда интишори исломият” (икки жилд) мемуар асари шухрат козонган. Бу асар рус, татар, япон т.га тарж. қилинган. Асарнинг 1-кисми Мехмед Акиф сўзбошиси б-н 1326/1910 й.да Истанбулда чоп этилган. Китобнинг 1-кисмига Туркистон, Эски Бухоро, Самарканд, Фарғона вилояти хакида кузатишлари киритилган.

◆ *Abdürreşid İbrahim*. 20. Asrin Başlarında İslam Dünyası ve Japonya'da İslamiyet. 1.cilt; 20. Asrin Başlarında İslam Dünyası: Çin ve Hindistan'da İslamiyet. 2.cilt. İstanbul: Ozal Mfrbaasi, 1987.

◆ *Mehmed Paksu*. Abdürreşid İbrahim'in hayatı ve eserleri / 20. Asrin Başlarında İslam Dünyası ve Japonya'da İslamiyet. 1.cilt. İstanbul: Özal Mfrbaasi, 1987. S.3-15; *Fevziye*. Abdürreşid İbrahim'in Son Yılları / 20. Asrin Başlarında İslam Dünyası: Çin ve Hindistan'da İslamiyet. 2.cilt. İstanbul: Özal Mfrbaasi, 1987. S.463-468; Фитрат. Мунозара / Асарлар. 1-ж. Т.: Маннвил, 2000; Türk Dünyası Edebiyatçıları Ansiklopedisi. Ankara, 2002. S.84-85.

АБДУРАШИДОВ, Рazzок (1936–1982) – Тошкент ш.да туғилган. ТошДУ (хозирги ЎзМУ)да таҳсил олган, Олий адабиёт курси (Москва, 1969–71)ни тамомлаган. Болалар ва ўсмирлар нашрларида, Ёзувчилар уюшмаси ва Телерадио компаниясида ишлаган. F.Ғулом номидаги нациёнтда булим мудири вазифасини бажарган.

“Йул бошида” (1962), “Кафтимда олам”, “Кайфият”, “Бодом гули”, “Мусаффо осмон”, “Ёргулик”, “Эхтирос”, “Оталар чироги” шеърий тұпламлари мұаллифи. А.С.Пушкин, Н.Ҳикмат, Р.Ризо, Р.Ҳамзат, М.Жалил ва С.Вургун шеърларини ўзбек т.га тарж. килган.

◆ Мирвалеев С. Ўзбек адиллари. Т.: Ёзувчи, 2000. Б. 149-150.

АБДУРАШИДХОНОВ, Мунавваркори (1878–1931.23.IV) — ўзбек адиби, журналист, Туркистон жадидчилик ҳаракатининг йўлбошчиларидан. Тошкентнинг Шайхонтохур даҳаси Дархон махалласида туғилган. Бухорадаги Мирараб мадрасасида (1885–90), Тошкентда Эшонкули доддох мадрасасида таҳсил олган. Усули жадид мактабини очган (1991), «Тараккий» (1906) газ.сида адабий ходим бўлган. «Хуршид» (1906), «Шуҳрат» (1907), «Тужжор» (1907), «Осие» (1908) газ.ларини бошкарган. «Садойи Туркистон» да масъул мух-р мувовини (1914–15), «Ал-ислоҳ» журн. да мух-р (1915–17), «Нажот» ва «Кенеса» (1917) газ.ларида масъул мух-р бўлиб ишлаган.

Тошкентда «Жамияти имдодия» (1909), «Турон» (1913), «Туркистон кутубхонаси» (1914), «Умид» (1914), «Мактаб» (1914), «Кўмак» (1921) каби жамиятлар ташкил этган. «Шуройи ислом», «Турк адам марказият», «Иттиход ва тараккиёт», «Миллий иттиход», «Нашири маориф» (1917–24) каби ташкилотлар фаолиятига раҳбарлик килган. Марказий Осиёда биринчи ун-т (1918) Халқ дорилғунуни ташкил этилишида катнашди ва унинг раиси, Туркистон Маориф халқ комиссарлиги турк шӯбасининг иш юритувчиси (1918), Тошкент ш. маориф нозири, Бухоро жумхурияти Маориф нозирлиги ходими, (1920–21), Тошкент ш. ижтимоий тарбия бўлими мудири (1921),

Академмарказ раиси (1922), Навоий номидаги мактаб, Наримонов номидаги пед техникум ва аёллар ўкув юртларида (1923-25) ишлади. Шарқ халқлари курултойи (Боку, 1920)да Тошкент вакили сифатида қатнашган. Самарканд музейида илмий ходим, Ўз-н осори-атикаларни саклаш кўмитаси Тошкент-Фарғона бўлимида масъул котиб (1927-28) булиб ишлади.

Қатор дарслик, ўкув қўлланмалар: «Адиби аввал» (1907), «Адиг усоний» (1907), «Усули хисоб», «Тарихи кавми турк», «Тажвид» (1911), «Ҳавойижи диния», «Тарихи анбиё», «Тарихи исломия» (1912), «Ер юзи» (1916-17) муаллифи. Фитрат раҳбарлигида тузилган «Ўзбекча тил сабоклиги» (1925—26) дарслигига иштирок этган. «Сабзавор» номли шеърий мажмуя (1918)ни нашр эттирган. Бад. ижод намуналари ихчам хикоялар, шеърлар ёзган ва ўз давридаги мажмуя ва қўлланмаларга киритган. Публицистик мақолаларида инсон ва жамият, дин ва диндорлик, ахлок, мустамлакачилик ва ҳуррият, давлат бошқаруви, маънавият ва маориф муммомларини ёритган.

1929 й. 6 нояб.да қамокка олинган, Москвадаги Бутирка қамокхонасида катл қилинган. Ваганково қабристонига дағн этилган.

- ◆ Хотираларимдан. Т., 2001; Танланган асарлар, Т.: Майнавият, 2003.
- Зиё Сайд. Тапланган асарлар, Т., 1974; *Ўз-иншија ялги тарихи*, 1-китоб [Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида]. Т., 2000; Марказий Осиё XX аср бошида: ислоҳотлар, янгиланиш, тараккӣ ва мустамлакачилик учун кураш, Т., 2001.

АБДУРАХИМ ибн БАЙРАМХОН (XVII) – Ҳиндистонда яшаган шоир ва таржимон. Араб, форс, турк ва урду т.ларида асарлар битган. Ақбаршоҳнинг бош вазири Мухаммад Байрамхоннинг ўғли. Ҳонихонон унвонига сазовор бўлган.

“Девон”и Маҳмуд ал-Ҳасан Сиддикий томонидан 1971 й.да Калкуттада нашр қилинган (мух-р Dr. Мухаммад Собир)дан сўнг Туркманистон ва Москвада “Сайланма”лари чоп этилди. Шоҳ Ақбарнинг буйруғи б-н машхур “Бобурнома” асарини форс т.га тарж. килган (1589). Ушбу тарж. асосида “Бобурнома”ни Ж.Лейден ва У.Эрскин инглиз т.га (1826), А.Кайзер немис т.га (1928) ўтирган. Шунингдек, Р.Калдекот, Ф.Г.Талбот ва С.Лен-Пул киска тарж.ларига асос бўлиб хизмат қилган.

- Бобур энц-яси. Т.: Шарқ НМАК, 2014. Б.17.

АБДУРАХИМ НИЗОРИЙ (1770–1848) – уйғур адиби, ҳаттот. Қашғар (Шарқий Туркистон)да Зухриддинбек саройида бош мунший бўлган. Қашғар, Хутан, Учтурфон, Кўчар, Турфон ш.ларида мадрасалар курдирган, ад-т, санъатга доир асарларни тўплаган. Мактаб ва мадрасалар учун Ҳофиз ва Навоий асарлари асосида «Ҳожа Ҳофиз», «Навоий» номли дарсликлар тузган (1805). Уйғур ад-тида биринчи булиб Навоий “Ҳамса”си таъсирида тўккис достон («Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Вомик ва Узро», «Чаҳор дарвеш», «Махзун ва Гулнисо», «Масъуд ва Дилоро», «Робия ва Саъдин»,

«Дуррун-нажот», «Малика ва шох»)дан иборат «Мұхаббат достонлари» туркүмини ёзган. Ҳар бир достон дебочасида Навоий хакида сүз юритиб, улуг үзбек шоири асарларидан намуналар көлтирган. Ижодий мероси 20 га яқин достон, 80 дан зиёд мухаммас (40 тачаси Навоий ғазалларига боғланган), бир қанча қисса, қасида ва б.дан иборат. Фирдавсий “Шоҳнома”си, Умар Хайём, Ҳофиз, Фоний ва Бедил шеърлари ва “Минг бир кечага” кирган айрим эртаклар (370 ҳикоят)ни уйнур т.га тарж. килган. Алишер Навоий “Куллиёт”ининг хаттот томонидан насталиқ хати б-н күчирилган нодир нусхаси ЎзРФАШИда (Сақл. № 136) сақланади.

- ◆ Низорий. Достонлар. Т.: F. Ғулом номидаги ад-т ва санъат нашр., 1970. *Абдураеним Низарий*. Дастанлар ва мұхәммәсләр. Алмута: Жазушы, 1972.
- ◆ Солиҳова Ҳ. Ўзбек-уйгур адабий алоқалари тарихидан. Т.: Фан, 1978; Рұзиева Д. Абдурахим Низорий. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2014

АБДУРАХМОН ЖОМИЙ (1414/7.XI–1492/9.XI) – ҳиротлик машхур валий ва улуг шоир. Тұлғы исми: Абдурахмон ибн Низомиддин Ахмад ибн Шамсиддин Жомий. Нисбаси: Нуриддин – “нұрул-миллати ва-д-дин” (миллат ва диннинг нури). А.Ж. темурий сultonлар Шоҳруҳ Мирзо, Абулкосим Бобур, Абу Саъид ва Ҳусайн Бойқаро даврида яшаган. Жомийни Султон Ҳусайн Бойқаро, унинг ўғиллари ва Алишер Навоий үзига пирмуршид деб билган.

Хиросоннинг Хирот ва Машхад оралиғидаги Жом кишлоғида туғилған. 1425 й. А.Ж. оиласи Ҳиротта күчіб келған. Ҳиротдаги Низомия ва Дилқаш мадрасаларида таҳсил олған. 20 ёшида илми нужум бүйича рисола ёзib Самарқандга юборған, сунгра Самарқандга таклиф этилған, у ерда накшбандий тарикатининг пири Ҳожа Ахрор валий б-н боғланған. 1451 й.да Ҳиротта қайтиб, Шайх Саъиддин Кошгарий сулукига кирған. 1459 й.дан Навоий б-н ҳамкорлик кила бошлаган. Навоий “Мажолис...”нинг Учинчи мажлисини А.Ж. номи б-н очади: “...алар латойифи назми андин күпроқдурким, ҳожат бүлғайким, баъзи битилгай ё элга маълум булсун деб бирори сабт этилгайким, кутубларининг отин битилса, бу авроқтин ошар ва мусаннафотлари дурлари зикрин килилса, гардун баҳри андин тошар, ложарам чун бу маъни билилур ва дуо била хатм килилур” деб, А.Ж. шаънига бир рубойй айтади:

Ё Раб, бу маоний дуррининг уммони,
Бу донишу фазл гавҳарининг кони,
Ким айладинг они олам аҳли жони,
Олам элига бу жонни тут арzonий.

Алишер Навоий А.Ж.нинг 38 асарига тавсиф берган. “Ҳафт авранг” (“Етти тахт”) мажмуасига “Тұхфату-л-аҳрор” (“Нуронийлар тұхфаси”, 1478; 1712 байт), “Сибхату-л-аброр” (“Озодалар, яъни нафс күллигидан күтулғанлар тасбиҳи”, 1483; 2885 байт), “Лайлову Мажнун” (1484, 3860 байт), “Юсуфу Зулайхо” (1483, 4 минг байт), “Хирадномаи Искандарий” (1484, 2315 байт), “Силсилату-з-захаб” (“Тарикат силсиласи”, 1468-72; 6200

байт), “Соломон ва Абсол” (1480, 1110 байт) достонлари киритилган. Шеърий асарлари асосида уч девон тузган: “Фотиҳату-ш-шабоб” (“Ёшликнинг бошланиши”, 1478), “Воситату-л-икд” (“Ўрта ёшдаги марварид доналари”, 1489), “Хотимату-л-хаёт” (“Ҳаёт якуни”, 1491). Уларнинг умумий ҳажми 16 минг байт.

А.Ж. “Баҳористон” номли насрый асари (1487, асарнинг 7-равза (боби) шесър ва шоирлар ҳакида тазкира тарзида тузилган)да Саъдий анъаналарини давом эттирган. “Арбаъин” (1481)да 40 ҳадис (араб т.ла) ва уларнинг мазмунни китъялар орқали берилган. «Нафаҳотул-унс мин ҳазароту-л-кудс» (“Пок зотлар ҳузуридан эсган дўстликнинг хуш ислари”, 1476–78) номли асарида шайхлар, валийлар, суфийлик оқимининг таникли намояндлари ҳакида маълумотлар берилган. А.Ж.нинг “Ашиъату-л-ламаот” (“Порлок шуълалар”, 1481) асари Фахруддин Иброҳим б. Шаҳриёр Ироқий (1207–1289)нинг “Ламаот” номли тасаввуфий асарига шарҳ сифатида битилган. “Шавоҳиду-л-нубувват” (“Пайғамбар шоҳиллиги”, 1481)да Мухаммад (с.а.в.) ва хулафои рошидиннинг ҳаёти ва фазилатлари баён килинган.

А.Ж.нинг «Рисолаи кофия» (1465), «Рисолаи аруз», “Адвор” (айрим манбаларда “Рисолайи мусикий”, 1475), «Рисолаи кабир дар муаммо» («Муаммога доир катта рисола»), «Рисолаи мутавассит дар муаммо» («Муаммога доир ўрта рисола»), «Рисолаи сагир дар муаммо» («Муаммога доир кичик рисола»), «Рисолаи асғари манзума дар муаммо» («Муаммога доир кичик назмий рисола»), «Фавоиди Зиёя» («Зиёлилик фойдалари»), «Сарфи форсии манзума мансур» («Форсий назм ва насрнинг морфологияси») каби илмий-назарий рисолалари машҳур.

- ◆ *Абдураҳмон Жомий*. Таил. асарлар. Т.: Гафур Ғулом помидаги Ад-т ва санъат нашр., 1971 (Тузувчи ва сўзбоши муал. Ш.Шомуҳамедов); *Жомий А. Рисолаи кофия / Шарқ мұмтоз поэтикасы. Манба ва талкынлар. I-китоб*. Т.: ЎМЭДИН, 2006. Б.304-314; *Абдураҳман Джами*. Притчи из поэм “Золотая цепь”, “Саляман и Абсал”, “Дар благородных”, “Четки праведных / Суфии. Восхождение к истине. М., ЭКСМО, 2007. С.203-306; Гулшанингда сўлмасин гул / Газаллар, рубоийлар. Т.: Фан, 2008.

- *Алишер Навоий*. Мажолису-н-нағоис / Асарлар. 9-ж. Т.: F.Гулом номидаги нашр., 2011. Б.290, 338-39; *Хамсату-л-мутахайирин*. Асарлар. 5-ж. Т.: F.Гулом номидаги нашр., 2011. Б.735-798; *Бертельъ* Е.Э. Навои и Джами. М.: Наука, 1966; *Шамсиев И. Улуғ дўстлик лавҳаларидан / Жомий ва Навоий*. Т.: Фан, 1966; *Ағсаҳзод А. Рузгор ва осори Абдураҳмон Жомий*. Душанбе: Дошиш, 1980; *Ағсаҳзод А. Лирика Абл ар-Рахмана Джами*. Проблемы текста и поэтики. М.: Наука, 1988; *Али Сафий, Фахруддин. Рашҳоту айну-л-хаёт*. Т., 2004. Б.176-214; *Ғаниева С. Мавлоно Абдураҳмон Жомий*. Т., 2014; *Мавлоно Абдураҳмон Жомий таваллудининг 600 й.га бағишилантан Илмий аникуман материаллари*. Т., 2014.

АБДУРАҲМОН МУШФИКӢ (1525–1588) – бухоролик форсийзабон шоир; ҳунарманд. 1564–65 й.ларда Самарқанд хокими Султон Сайийд саройида кутубхона мутасаддиси бўлган. Маълум муддат Ҳиндистонда Ақбаршоҳ саройида яшаган. Бухорога қайтгач, Абдуллоҳон саройида хизмат қилиб, “малику-ш-шуаро” даражасини олган.

Асосий асарлари: ғазаллар (2 та), қасидалар (2 та), мутойибалар девонлари ва “Соқийнома”, “Гулзори Эрам”, “Жаҳоннамо” достонларидан иборат. Ҳасанхожа Нисорийнинг “Музаккири ахбоб”, Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдуллоҳнома” (1-китоб) асарларида “мaloҳатли шоир” сифатида т.га олинган. А.М.нинг 39 рубойиси “Минг бир рубоий” тупламида чоп этилган. Улардан бири:

*Ҳар киши жаҳонда ёътибори бордир,
Ҳеч ўйтама ҳар ишда барори бордир,
Оламини ёритган шу қўёйшининг ҳатто
Кун ботса завол топиш шиори бордир.*

(Эргаш Очилов тарж.)

◆ Гулшани адаб. Намунаи назм иборат аз панж жилд. Жилди 3. Душанбе, 1976; Минг бир рубоий. Т.: Фан, 2009. Б.212-217.

◆ Муқимов Р. Абдурахмон Мушфийий ва “Девони мутойибат” и ў / Армугон. Мажмуя. № 185. Самарқанд, 1976. С.116-117; Нисорий Ҳ. Музаккири ахбоб. Т., 1993. Б.246-247; Бухорий Ҳ. Абдулланома. 1-китоб. Т., 1999. Б.151,247. Бухорий С. Икки юз стмиш етти пир. Бухоро, 2006; Энси-яи ад-т ва санъати точик, ж.2. Сах.367-369.

АБДУРАХМОН ОФТОБАЧИ (~1844-84) – Кўкон хонлигига сиёсий арбоб, офтобачи, парвоначи ва мингбоши вазифаларида турган. Мусулмонкул мингбошининг ўгли. Хонлик жанубидаги киргизлар исёни раҳбари. 1870 й.лардаги ҳаракатлар натижасида Ўш, Наманган, Андижон ва Асакани кўлга киритган. Скobelov томонидан қўзголон бостирилгач (1875), сўнгра мустамлакачиликка қарши бош кўтарган Пулатхонга қушилган. 1876 й.да тўла таслим бўлган, рус ҳарбийлари А.О.ни Оренбургга сургун килганлар. А.Кодирий “Уткан кунлар” романида А.О. воқеасидан фойдаланган.

◆ Ибрат. Фарғона тарихи / Мерос. Т.: Камалак, 1991. Б.266-327; Бобобеков Ҳ. Кўкон тарихи. Т., 1996; Бабаджанов Б.М. Kokандское ханство: власть, политика, религия. Токио-Ташкент, 2010. Б.291-300.

АБДУРАХМОН САЪДИЙ (1889–1953) – Бошқирдистоннинг Уфа ш. якинida мударрис оиласида туғилган. Оренбургдаги Муҳаммадия мадрасасида, Туркиядаги Истанбул ун-тида ўқиган. 1911–17 йй. татар тили ва адабиётидан дарс берган. Злотоустда уч йиллик татар-бошқирд (1917-20), сўнгра Боку (1921) педагогика курсларида ўқиган. 1921 й.дан Тошкентда Маориф инстида, САГУ (Ўрга Осиё давлат ун-ти)да Шарқ мумтоз ад-тидан дарс берган. 1925–30 й.ларда Козонга чақириб олинган. 1929 й.да Козон Шарқ педагогика ин-ти унга профессор унвонини берган. 1930 й. Узбек Педагогика академияси (Самарқанд, 1930-32)га ишта таклиф килинган. 1932 й.дан Тошкентда Маориф вазирлиги қарамогидаги ин-тларда дарс берган. 1933–37 й.лари Фарғона педагогика инс-тида ад-т кафедрасини бошқарган. 1936 й. диссертация химоясисиз филология фанлари помзоди илмий даражаси берилган. 1939–41 йй. Самарқанд ун-тида, 1942 й.дан САГУнинг Узбек тили ва ад-ти кафедрасида мудирлик килган. 1948 й.дан умрининг охирига кадар

Ўз-н Фанлар академияси Тил ва ад-т ин-тида етакчи илмий ходим сифатида фаолиятда бўлган. 1948 й.да «Алишер Навоий ижоди – ўзбек мумтоз ад-тининг юкори боскичи» мавзууда докторлик диссертациясини ёклаган. Ад-т назариётчиси сифатида «Қавойиди адабия ва унга илова», «Ад-т усуслари», «Ад-т муаллими» (татар ва бошкирд т.ларида), «Гузал санъат дунёсида», «Амалий ҳам назарий ад-т дарслари», «Символизм тўғрисида», «Футуризм», «Комплекс усули» каби рисола, макола ва ўкув кўлланмалари муаллифидир.

Шарқ ад-ти ва фалсафаси тарихига оид Форобий, Ибн Мискавайх, Имом Газзолий, Аҳмад Яссавий, Роғиб Исфаҳоний, Алишер Навоий, Абай каби аллома ва адиллар тўғрисида макола ва тадқиқотлар ёзган.

◆ Саъдий А. Амалий ҳам назарий ад-т дарслари. Т., 1924; Шарқ мумтоз поэтикаси. Т.: УМЭДИН, 2008. Б.72-77, 315-316, 349-353.

• Мўминова Н. Абдураҳмон Саъдий – ад-типунос. НДА. Т., 2000; Шарафиддинов О. Домлалар. Т.: Маянвият, 2009; Назаров Б., Расулов А., Аҳмедова Ш., Каҳрамонов К. Ўзбек адабий танқиди тарихи. Дарслик. Т.: Тафаккур каноти. 2012. Б.58-64.

АБДУРАҲМОНОВ, Фани (1925 й.т.) – тишлиунос олим. Филология фанлари доктори (1960), профессор (1966), ЎзРФА академиги (1968). Фарғона ш.да туғилган. Фарғона пед.инс-тини тутаттган. Фарғона пед.инс-тида (1946-58, 1967-71), ЎзРФА Тил ва ад-т инс-тида ишлаган (1958-71). ЎзР Олий ва ўрта маҳсус таълими вазири (1971-78), Тошкент чет тиллар инс-ти ректори (1978-1982) вазифаларида ишлаган. “Қутадгу билг” асарининг танқидий матнини тузиш бўйича илмий гурӯхга раҳбарлик килган. “Хозирги замон ўзбек т.да сифатлар субстантивизацияси” (1950), “Хозирги замон ўзбек т.да қўшма гаплар асоси” (1960), “Алишер Навоий асарларининг грамматик хусусиятлари” каби тадқиқотлари маълум. “Девону лугатит турк”нинг индекс-лугатини тузган (1968). “Қадимги туркӣ тил” (1982), “Ўзбек т.нинг тарихий грамматикаси” (1973) дарслик, кўлланмалари муаллифи.

◆ Абдураҳмонов Ф. Қўшма гап синтаксиси асослари. Т.: Фан, 1958; Миллӣ т.ларнишга тараккиёти масаласи. Т.: Фан, 1962; Ўзбек т.нинг тарихий грамматикаси. Т.: Ўқитувчи, 1973; Хозирги замон ўзбек адабий т. Синтаксис. Т., 1979; Кадимги туркӣ т. Т., 1982.

• Шукуров Ш., Бағарова Д. Узбекское советское языкознание. Т.: Фан, 1986. С.10-12; Türk Dünyası Edebiyatçıları Ansiklopedisi. Ankara, 2002. S.63; Она тили. Комус. Т.: Янги аср авлоди, 2010.

АБДУРРАҲИМБОБ (Х-ХI) – мутасавиф аллома, факих. Ҳожа Корахон сулоласи асосчиси. Имом Муҳаммад б. Ҳанафий (в. 700)нинг туртингичи авлоди. Туркистондаги Қора Усмон кишилогида яшаган (х. Жан. Козоғистоннинг Арис тумани). “Насабнома”да Корахонлilar давлати (992-1211) асосчиси Сотук Бүроҳонга тенглаштирилган. Туркистонда ислом жорий қилинишида катнашган. Ўзган, Фарғона, Шош, Исфижоб, Қора Усмон, Тароз ва Шарқий Туркистонни эгаллаган. Қора Усмон ва Сайрамдаги суфийлар Мансур Ҳамир ота, Тектурмас ота, Машҳад ота, Тўкмоқ ота в.б. А.нинг авлодлари. Ҳалқ киссаларида бу сулола А. Машрикий чилтонлари

деб юритилган. «Рисолайи қаландарий»да «Машриқ томонда Абдураҳим пир» деб күрсатилган.

- ◆ *Фитрат А. Аҳмад Яссавий / Танл. асарлар. 2-жилд. Т., 2000. Б.17; Муминов А.К. 'Абд ар-Рахим-баб / Ислам на территории бывшей Российской империи. Энцикл. Словарь. Вып.3. М.: ИВЛ, 2001. С.5; Кочнев Б.Д. О Насаб-нома Карабахидов // Ясави тағылымы. Вып.2. Туркестан, 2002; Ислом тасаввуфи манбалари. Т.: Үкитувчи, 2005. Б.318.*

АБДУСАЛОМ АНДАРАСБОНИЙ (XII) – хоразмлик мутасаввиғ, қомусий олим. Тұлық исми: Абдуссалом б. Мухаммад Ҳижжий Хоразмий. Хоразмнинг Андарасбон қишлоғида туғилған. *Мұтазила* әзтиқодидаги мұхаддис. А. бобоси Абулқосим Замахшарий (в.1144)нинг устози бўлған. Ҳаж зиёратини ўтаган. Рой ш.да қозиу-л-қузот Мухаммад б. Астрободийдан бир қанча ҳадислар ёзиб олган. Урганжда Муваффақ Маккий (Замахшарий шогирди, в.1172)дан сабок олган. Ислом ва фалсафага оид саккиз рисола (араб т.да) муал.и. 277 ислом олимининг (манбаларда кўрсатилмаган) номи киритилған биобиблиографик луғат тузган. Абдуллоҳ б. Муборак, Имом Бухорий, Замахшарий каби алломаларнинг таржимайи ҳоллари ушбу луғатда акс этган.

- ◆ *Андарасбоний А. Биографик луғат (араб т.да). РФА Спб филиали. Шарқшунослик инс-ти. Кўлъезма С.2387.*
- *Халидов А.Б. Неизвестный биографический словарь ал-Андарасбани / ППВ, 1974. С.143-161; Прозоров С.М. ал-Андарасбани / Ислам на территории бывшей Российской империи. Энцикл. Словарь. Вып.3. М.: ИВЛ, 2001. С.9-10.*

АБДУСАМАДОВ, Малик (1928–?) – ўзбек олими, шарқшунос. Тошкент ш.да туғилған. ТошДУ (хоз. ЎзМУ)нинг Шарқшунослик фак-тини тамомлаган (1950). Москва ДУда аспирантура таҳсилини олган, филология фанлари номзоди, доцент. ЎзРФАШИда (1957-59), ТошДУнинг Шарқ фак-ти (хоз. Шарқшунослик инс-ти)да (1959-2002) ишлаган. Олий ўқув юртлари учун “Форс т.” (1971, 1977), “Эски ўзбек ёзувидан расмли алифбо” (1990), “Эрон ад-ти хрестоматияси” (1991) каби дарслик ва ўқув кўлланмалари муаллифи.

- *Ўзбекистон шарқшунослари. Т., 1996. Б.177-78; Türk Dunyasi Edebiyatçilar Ansiklopedisi. Ankara, 2002. S.70.*

АБДУСАМАДОВ, Ҳафиз Шоахмедович (1925/8. II й.т.) – адабиётшунос олим, филология фанлари доктори, профессор. Козоғистоннинг Жамбул ш.да туғилған. ЎзР фан арбоби (1975), филол. фанлари доктори (1968). ТошДУ (хоз. ЎзМУ)нинг филол. ф-тини тутатған (1946). ЎзРФА Тил ва адабиёт интида катта илмий ходим (1952-60), бўлим мудири (1966-79), директор ӯринбосари (1960-66) вазифаларида ишлаган. Тошкент давлат маданият инти ректори (1979-81), Санъатшунослик ин-ти директори (1981-93), ЎзРФА Кўлъезмалар ин-тида етакчи илмий ходим (1994-98) бўлиб ишлаган. Ўзбек драматургияси, театр санъатига доир тадқиқотлар муаллифи. “Абдулла Қаҳҳор” (1960), “Комил Яшин – драматург” (1971) каби адабий портретлар,

“Традиция ва новаторлик” (1974), “Эстетика ва ҳаёт” (1976), “Ҳаёт, адабиёт, театр” (1978), “Тарих ва бад, талқин” (1995), “Драма назарияси” (1998) каби ад-тшуносликка оид китоблар муаллифи.

- *Turk Dünayası Edebiyatçıları Ansiklopedisi*. Ankara, 2002. S.70; *Назаров Б., Расулов А., Ахмедова Ш., Қаҳрамонов Қ.* Ўзбек адабий танқиди тарихи. Дағылар. Т.: Тафаккур каноти, 2012. Б.116-121.

АБДУСАТТОР Қози (1825–1880) – туркман шоири. Туркманистандаги Күктепа қалъасида туғилган. Хивада 7 й. қозилик килганды.

Машхур “Жангнома”нинг муал.и. Асарда 1858 й.ги Гаррикалъя, 1861 й.ги туркман-эрон уруши воеаларини акс эттирган. Асар мұқаддимасида ҳамд ва муножот (184 мисра), асарнинг ёзилиш сабаблари (66 мисра)ни апглатган. А.К. асари маснавий шаклида ёзилган бўлиб, икки минг икки юз мисрадан иборат. Шунингдек, асарда 1861 й. Марв ш. учун миллый озодлик кураши ифодаланган. “Жангнома” А.Н.Самойлович (1914), Б.Гарриев (1943) томонидан нашр эттирилган.

- ◆ *Абду-с-саттор қази. Книга рассказов о битвах текинцев / Введ. А.Самойловича.* СПб, 1914; Женнаама. Текелерин уруш қыssa китабы. Ашкабат, 1943.

- *Кор-өгли Ҳ.Г. История туркменской лит-ры.* М., 1978; Дурдиев Қ. XIX аср ҳамда XX асрнин башлариндан Туркмен адабийатинин тарихиндан очеркилар. Ашкабат, 1987.

АБДУКАХХОР САМАРҚАНДИЙ (в. 1493) – шоир ва арузшунос олим. “Шариф” тахаллуси б-н шеърлар ёзган, бироқ улар сакланмаган. Аруз назариясига доир “Арузи Ҳумоюн” рисоласи маълум. А.С. ўз асарини Шамси Қайс Розий ва Носуриддин Тусий асарлари асосида ёзган. Рисола аруз ва кофия қисмларидан иборат. Манбаларда китобнинг илк сарлавҳаси “Мезонул-авзон” бўлгани айтилади. Бироқ Эрон олими Мухаммад Ҳасан Адаб Ҳиравий рисолани “Арузи Ҳумоюн” номи б-н (1959) чоп этгандан сунг арузшуносликда бу асар ушбу ном б-н сакланган. Аруз рисоласида ўз ижодидан келтирган баъзи шеърлари унинг шоирлик салоҳиятидан дарак беради.

- *Тоир У., Сайдали С. Комуси кофия ва арузи шеъри Ажам.* Дар ду илд. илди аввал. Душанбе: Ирфон, 1994. Б.22,53; *Тўйчиева Г.* Форс арузи рисолалари. Т., 2008. Б.90.

АБДУҒАФУРОВ, Абдурашид (1931/15.I – 2006/16.V) – ад-тшунос олим. ЎзР Фан арбоби (1999), филол. ф. докт. (1970), проф. (1979) Ўрга Осиё ун-тини тамомлаган (1951). ЎзРФА Тил ва ад-т ин-тида стакчи илмий ходим (1958–76; 1981–92, 2000–2006), бўлим мудири (1992–1999) бўлиб ишлаган. Ўзбек мумтоз ад-ти бўйича “Ўзбек демократик ад-тида сатира” (1-китоб, 1961), “Навоий сатираси” (1966), “Навоий ижодида сатира” (2-китоб, 1972), “Зокиржон Фуркат” (1977), “Буюк бешлик сабоклари” (1995), “Оғаҳий ҳақида тадқикотлар” (1999) асарлари муаллифи. Бобур (1994), Машраб, Муқимий, Завқий, Камий асарларини нашрга тайёрлашда катнашган.

- ◆ *Абдуғафуров А. Буюк бешлик сирлари.* Т., 1995; Қалб қаъридаги қадриятлар.

- *Mухаммад Ризо Оғаҳий.* Т., 1999.

- *Türk Dünayası Edebiyatçıları Ansiklopedisi.* Ankara, 2002. S.32; *Бобур энс-яси.* Т.: Шарқ НМАК, 2014. Б.17-18.

АБЕЖЕ – к.: Алифбо.

А'БЕККЕТ, Гилберт Аббот (1810-1856) – инглиз сатирик ёзувчиси. “Пунч” (“Punch”) газ. фельетончиси. Инглиз қонунлари ва театрининг доимий ҳажви билан шуғулланган. Комик характердаги қўпгина пьесалар муаллифи.

- Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.6.

АБЕЛЬ, Ремюза Ж.-П. (1788–1832) – француз хитойшунослик мактаби асосчиси. Хитой истилоҳидаги дао тушунчаси (таълимот)ни шарҳлаган. А. таълимотича, моддий дунё даодан бошланган. Дао ҳакидаги муқаддас китоб «Даодэцзин» Лао-цзи (м.а. VI аср) А.га нисбат берилади.

- Гегел Г.В. Лекции по истории философии. Книга первая / Сочинения. Т.9. М., 1932. С.114; Лиссевич И.С., Лит-ная мысль Китая на рубеже древности и средних веков. М., 1979. С.8-10.

АБЕЛЬ, Кьеел (1901–1961) – даниялик драматург ва рассом. 1927 йилдан Лондон, Париж ва Копенгагенда тасатр рассоми сифатида фаолият кўрсатган. 1935 й.да “Йўқотилган кўй” асари б-н шуҳрат козонган (1960 й. рус т.га тарж. килинган). Антифашистик руҳдаги “Анна Софи Хедвиг” (1939), Дания қаршилик харакатига бағишлиланган “Силькеборг” (1946), “Булатли кунлар” (1947), “Андерсен ёки унинг ҳаёт эртаги” (1955) асарлари дунё сахнасига чиқкан. Драмаларида рамзий мотивлар кучли, асарларининг т.да публицистик услуг етакчилик киласди.

- Матусевич В.Б. Абелль / Краткая лит-ная энц-я, т.1. М.: СЭ, 1962. С.33.

АБЕЛЯР, Пьер (Петр) (1079–1142) – француз файласуфи ва шоири. Ўрта асрлар Европа диний ҳаётидаги асосий сиймолардан бири. Бретанда рицари оиласида туғилган, 13 й. ёшидаёқ илм толиби сифатида эътироф килинган, Шампода ва Гильомда таҳсил олган. 1113 й. ўз мактабини очган, 1119 й.дан черковга кирган. Париждаги Биби Марйам ибодатхонасида ишлаган. Ўз устозларининг номинализм ва реализмидан фарқланувчи карши концептуализм назариясини яратган. Мантиқ илмининг сколастик йўналиши асосчиларидан. Қисман Арасту таълимотига асосланган бу қараща универсализм реал борлиқда эмас, балки уни ўзида жамлаб акс эттирган инсон акли – тафаккуридадир, деган ғоя бор. Билиш асосида хиссий кабул қилиш ётади, ғоялар фактат илоҳийлик касб этиши лозим. Нарсаларнинг шаклтарини инсон онги материядан (бор бўлганидан) фарқли кабул киласди, шунинг учун нарсалар моҳиятини фақат материядаги ҳолатига караб эмас, балки инсон онгидаги инъикосига караб белгилаш лозим. Ақд эътиқоднинг бошланғич нұктаси, шартидир (“ишинишдан аввал тушунишим керак”) каби қараашлар ифодаланган. А.нинг “Илоҳий бирлик ва учлик ҳакида” (1121) асарини черков талабига кура ўз кули б-н ёкиб юборган. “Теологияга кириш” каби диний асарлари бир неча марта католик черковларида мухокама

килинган (1140). Илохий иродага карши бормаслик А. ахлокий карашларининг мазмуни севгилисига багишланган “Элоизанинг саволлари” асарида унга жавобан баён қилинган. Унингча, барча илохий қонуниятлар азалдан белгиланган бўлиб, гуноҳ инсоний фаолият ва билимсизлик туфайлидир. А. илм ва ад-тда рационал методнинг асосчиси бўлиб, А. карашлари “Ха ва йўк” (“Sic et non”, 1122) асарида акс этган. А. диалектикаси “Файласуф, яхудий ва насронийнинг сухбати” асарида ўзига хос тарзда баён қилинган. “Кўрган-кечирган мусибатларим” автобиографик асари ўзига хос икрорнома бўлиб шуҳрат қозонганд, сўнг яна уни диний ўқув юртларида дарс беришга жадб этишган. Умрининг сўнгини черковда рохибликлар ўтказган. Француз адиби Жан Жак Руссо П.А. асарларидан фойдаланиб, “Янги Элоиза” романини ёзган.

♦ Абеляр П. История моих бедствий. М., 1959; История бедствий Абеляровых, описанная им в письме в другу / Памятники средневековой латинской лит-ры X-XII веков. М.: Наука, 1972. С.292-392.

♦ Соколов В.В. Средневековая философия. М., 1979; Гайденко В.П. Абеляр / Философский энц-кий словарь. М.: СЭ, 1989. С.5.

АБЕЦЕДАРИЙ (лотинча: abecedarium) [поэтика] – I. алифбо тартибидаги шеър. Ўрта асрларда итальян шсьриятида урф бўлган, мисраларнинг бош ҳарфлари алифбо тартибидаги келадиган шеър шакли. А. икки хил бўлган. Унинг биринчиси нотулук хисобланади, алифбодаги ҳамма ҳарфлар иштирок этмайди. Мукаммал А.да эса юонон ски лотин алифбосидаги ҳар бир ҳарф б-н мисралар бошланадиган шеърдир. Унинг намуналари Гораций ва Вергилий ижодида кузатилади.

А. ёзиш Шарк ад-тида ҳам урф бўлган, мумтоз ад-тда Махтумкули қадамига мансуб ушбу шеър А. усулида ёзилган:

Алиф - Аллоҳ ўлидир, тўғри туриб кетмак керак,
Бе - бирлигин Ҳудонинг барҳақ билиб битмоқ керак,
Те - тавба айлабон дунёни унумтоқ керак,
Се - саҳвон айласанг, дўниб ёна тутмоқ керак,
Жим - жоизидир ҳўжса-қул қуллигин этмак керак.

Ҳе - ҳамдин ёд этиб, ҳукм ила “кун”ни айлади,
Хе - Ҳудо менман деди, икки жаҳонни айлади,
Дол - далолат дейибон Мустафони айлади,
Зол - залиллик чекмасин деб босафони айлади,
Ре - раҳмат баҳридин ихлос умид этмак керак.

Зе - зиёда нафсингни дунё учун елдирмагин,
Син - субҳонинг ёд этиб, гафлатда тил қолдирмагин,
Шин - шайтон ўлига қул кўнглигнинг солдирмагин,
Сод - сабр айла, савобинг оташа ёндирмагин,
Зод - забт бирла сўралиса, не жавоб этмак керак?

То – таъма бирла кўнгалини нафс йўлига солмагин,
Зо – зулм айлаб ул кун дўзахда қолиб ёнмагин,
Айн – олам тузди карвон, сен ҳам андин қолмагин,
Гайн – ганий, мол-мулким боқий дебон ишонмагин,
Фе – фарогат вақти әкан, нафсни ром этмак керак.

Коф – қарам сен истасанг, бу йўлда белинг боллагин,
Гоф – гувоҳинг ёд этиб тур, ҳам саҳарлар йиглагин,
Лом – лутфин қил умид, шайтондин ўзни сақлагин,
Мим – муродинг истабон ожизлигинг ёд айлагин,
Нун – нури раҳматидин чин умид этмак керак.

Вов – васли рутбасин бир гизли бозор айлади,
Хе – ҳалокатлик б-н ошиқларни зор айлади,
“ЛА шлаҳа шлаллоҳ” деб ўзни ошкор айлади,
Ерга берди масканат, осмонни даввор айлади,
Мард ўланлар ишқ йўлида жонни унумтоқ керак.

Ё – Яратган йўлига нонингни берсанг оз ҳануз,
Тан баражна ўлтириб, тўнингни берсанг оз ҳануз,
Ранги сурхиг сўлдириб, қопинигни берсанг оз ҳануз,
Чок этиб, Махтумкули, жонингни берсанг оз ҳануз,
Не учун жонон истаган жонни хўб тутмак керак?

II. Айрим Фарб мамлакатларида она т. ва лотин т. маълумотларини ўзида жамлаган алифбе китоби ҳам А. деб юритилади.

•Хотамов Н., Саримсоқов Б. Ад-тшунослик терминларининг русча-ўзбекча изохли лугати. Т.: Ўқитувчи, 1979. Б.17; Самад А. Махтумкули – Фирорий дардлари / Хотира сандиги. Т.: Фан, 2008. Б.69-70; Издательско-полиграфический словарь-справочник / Сост. О.Садыбеков. Т.: O'zDAVMATBUOTLITI, 2009. С.3.

АБЁТ (арабча: байтнинг кўплиги – уйлар) [поэтика] – байтлар, шेърлар. Мумтоз шеъриятда ғазал, касида ва маснавийнинг ҳар банди икки мисра (катор)дан иборат. Байт фикр ва ритмик жиҳатдан туталланган бўлади, ғазалнинг А., яъни байтлари одатда 16 байттacha, касиданини эса ундан ортик бўлади. Маснавий эпик мазмун ифодалагани учун ундаги байтлар миқдори жуда кўп бўлиши мумкин. Алишер Навоий байт хусусида ёзади:

*Абётига назми оташолуд
Назми чиқариб димогига дуд*

Мазмуни: Назмининг алангали байтларидан назм (шеърият) димогига дуд (тутун) чиқади.

Алишер Навоий. “Лайли ва Мажнун”, 37.

- АНАТИЛ. 1-ж. Т.: Фан, 1983. Б.22.

АБЖАД (арабча: **ابجذ**) [поэтика] – араб алифбосидаги харфлардан тузилган сүз. А. араб алифбосидаги харфларнинг сон кийматларини кўрсатувчи саккизта тўхима сўз номи. Аю уларнинг биринчиси бўлиб, унинг тартибида ҳар бир харф бир минггача бўлган муайян ракамни англатади. “А.” сўзи муайян лугавий маънога эга эмас. Ад-тда саналарни кайд этишда А. хисоби фаол қўлланилган. «Алиф», «бе» дан сўнг унга шаклдош бўлган «те», «се» эмас, балки «жим» кслади; ундан сўнг эса, унга шаклдош «ҳс», «ҳо» эмас, «дол» келади. Абжад хисобида “алиф” – 1, «бе» – 2, «жим» – 3, «дол» – 4... каби. «А, б, ж, д...» харфларни кўшиб ўқиганда абжад сўзи ҳосил бўлади. Шу каби ҳавваз, ҳутти, каламан, саъфас, қарашат, сахказ, зазағ сўзларида катнашган харфлар (диакритик белгилар эмас) маълум ракамни ифодалаб, бирдан мингга қадар бўлган сонларни англатади. Мумтоз ад-тда тарих, таваллуд ва вафот саналари, асарнинг ёзилиш ёки туталланиш муддати абжад хисобида кўрсатилади.

Мисол: А. хисобига кўра, “Фатхи Бобур баҳодур” 906 (мил.1501) рақамини беради, бу Бобурнинг Самарқандни фатҳ этган й.ни англатади.

Шарқ мусиқа илмида парда ва нагмаларнинг ёзилиши ва ифодасида А. тизимидан фойдаланилади.

• Жувонмардиев А. Харф ва рақам. Т., 1971; Turk Dunyasi Edebiyat Kavramları ve Terimleri Ansiklopedik Sözlüğü. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.16.

АБЖАДХОН (араб+форсча) – бошловчи талаба, ўқишга энди киришган шогирд. Абжад хисоби мадраса таълименинг бошлангич даврида ўрганилгани учун ўз маъносида энди абжад ўқишга киришган ўкувчи бўлиб келади. Алипепер Навоийда шундай мисол бор:

...иккинчи сүффа мустаидидур тифли абжадхон.

• АНАТИЛ. 1-ж. Т.: Фан, 1983. Б.22.

АБЗАР ИЯСЕ (турк-татарча: *иясе* – эгаси) [мифология] – татар мифологиясида ҳовли ва далада озикланувчи рух. Ривоятларга кўра, А.И. тунлари одам ва турли ҳайвон суратида кўринармиш. Уй ҳайвонларини яхши кўриб, отларни ўзича тўйдирив юармиш. Ғарбий Сибирь мифологиясидаги Мал Иясе, Занги (Санги) бобои Пошо она каби руҳлар талкинига мос келади.

• Коблов Я.Д. Мифология казанских татар / Известия общества археологии, истории и этнографии при Казанском ун-те, 1910. т.26, в.5; Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.22; Мифологический словарь. М., 1990. С.13.

АБЗАЦ (нем. *absatz*, туркчада: *параграф*) [тилшунослик] – I. хатбоши, матннинг мантикий ва мазмуний туталланган кисми, бадиий асарда композицион бирлик. Босма ёки ёзма матнда туталланган маъно ифодаловчи парча. Матннинг муайян кисмини тушунишга ва хотирада саклашга ёрдам беради. Адабиёт ўқитиш методикасида абзац бўйича ўқиш ва сўзлаш бериш усули мавжуд. Насрдаги абзац шеърда банд (строфа)га тенг булади.

Замонавий шеъриятда маъно тугалланмаган ҳолларда ҳам шеърнинг ички ритмикасидан келиб чикиб, А. бслгиланиши мумкин. А. ад-тшуносликнинг Строфика (к.: строфа) соҳасида А. ҳакида илмий кузатишлар бор. Босма матнда А.га каттиқ риоя қилиниб, уни ажратиш мақсадида сатр бошидан икки харф ўрни қолдирилиб, учинчи харфдан матн бошланади. Матн кандай размер (кегл)да ва қайси шрифтда ёзилса, А.да ўша миқдордаги ўрни очик қолдирилади.

•Хотамов Н., Саримсоқов Б. Ал-тишупослик термишлариппинг русча-узбекча изохли луғати. Т.: Ўқитувчи, 1979. Б.17; Turk Dunyasi Edebiyat Kavramları ve Terimleri Ansiklopedik Sözlüğü. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlığı, 2001. S.18; Издательско-полиграфический словарь-справочник / Сост. О.Садыбеков. Т.: O'zDAVMATBUOTLITI, 2009. С.3.

II. меъморчилиқда тош деворнинг чукури, ўйилган қисми. Фарбий Европа меъморлик санъатида, готик ва барокко услубида курилган тош биноларда акс этган.

•Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.7.

АБЗУ (шумер), **АПСУ** (аккад.) – шумер-аккал мифологиясида ерости денгизи. А. нинг эгаси Энки бўлиб, унинг саройи Эрдугесда жойлашган, «Энгурр уйи» деб аташган (Энгурр Эредугенинг синоними). А.да абгаллар, яъни маданиятли кишилар яшаган, ш.лар барпо килишган. Бобил асотирларида Апсу – океаннинг инсонлаштирилган қиёфаси. Апсу ва Тиамат сувлари аралашмасидан илк маъбуллар Лахма ва Лахам вужудга келган. А. Эя (шумер. Энки) томонидан ўлдирилган ва у ерда Абсу ш.ни барпо килган.

•Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.22; Мифологический словарь. М., 1990. С.13.

АБИВАРДИЙ, Абу Абдуллоҳ Зарир (Х) – Марказий Осиёда яшаган, араб ва форс т.ларида ижод килган шоир ва таржимон. Хуросоннинг Абивард қишлоғида туғилган, Бухорода яшаган. Кўзи ожиз бўлгани учун Зарир (арабча: кур) лакаби берилган. Форс тилидаги мавжуд зарбулмасал (макол)ларни арабчага мазмунан ўзаро боғлаб, қасида йўли б-н тарж. килган. Бундай қасида битиш усули ўртаосиёлик бошқа шоирлар ижодида учрамайди. Унинг қасидаси Абу Мансур ас-Саолибий (350/961–429/1038)нинг «Йатимат ад-даҳр” тазкирасига киритилган.

•Абу Мансур ас-Саолибий. Йатимат ад-даҳр. 4-қисм / И.Абдуллаев тарж. Т.: Фан, 1976.

АБИВАРДИЙ, Маъофий (в.360/970) – адид ва шоир. Тулик исми: Абу-н-Наср ал-Маъофий ибн Ҳузайм ал-Абивардий ал-Ҳузаймий. Куняси Абул Фазл. Хуросоннинг Абивард қишлоғидан чиккан. Бир мунча вакт Бухорода яшаган, сомонийлар саройида қатор лавозимларда ишлаган ва яна қайтиб, умрининг сўнгти даврини Абивардда ўтказган. Қасида ва ғазаллар ёзган. Бухорода Мансур ибн Нуҳ замонида тўплланган қасидалар ичидаги хукмдорга фақат қасидаси маъқул бўлган. Абу Мансур ас-Саолибий унинг

касидасини келтирған. Ал-Музаффарий унинг хикоялар, шеърлар ва нұтқлардан иборат китобини үкіганини ёзди. Бу китоб “Маҳосин аш-шеър ва ахосин ал-махосин” (“Шеър гўзаллиги ва гўзалларнинг гўзали) деб номланади. Асосий асарлари: “Девони шеър”, “Мұжаму-ш-шайх” (“Шайхлар комуси”) в.б.

- *Хожи Халифа*. Китобу қашфи-з-зунун. 6-ж. Б.128; *Абу Мансур ас-Саолибий*. Йатимат ад-дахр. Т.: Фан, 1976. Б.162-167; Үрга Осиё олимлари комуси. Т., 2007. Б.18.

АБИВАРДИЙ, Мұхаммад (1065–1113) – мұхаддис ва фикъ олими. Тұлғы исеми: Садриддин Мұхаммад ибн Ахмад ибн Исхок ибн Ҳасан ибн Муовия ал-Умавий Анбасий ал-Муоъвий ал-Абивардий аш-Шофийи. Ҳуросоннинг Абивард кишилогида туғилған, Исфаҳонда вафот этган. Асосий асарлари: “Табакоту-л-илми фи кулли фан” (“Ҳар бир фан соҳасидаги олимларнинг табакалари”), “Девони шеър”, “Тарихи Абивард ва Насо”, “Девону мажмұй қасоиди мұхтора” (“Танланған шеърий касидалардан тузилған девон”), “Шарху-л-қасоиди-н-наждиёт” (“Нажд қасидаларининг шархи”), “Кабсату-л-ажлон фи наасаби оли Абу Сүфән” (“Абу Сүфән авлодларининг наасаби ҳакида тез үзлаштирилған билим”), “Бүгінату-ш-шодий фи илали-л-аруз” (“Аруз иллатлари ҳакида хониш қилувчининг максади”), “Тарж.у-с-саалафий фи ахбори Жохиз” (“Жохиз хабарлари ҳакидаги салафларнинг тарж.си”), “Таъиллату-л-мақрур фи васфи-л-барди ва-н-нийрон” (“Совуқ ва оловни васф килиш ҳакида совукни сезадиган кишининг важхі”) в.б.

- Китобу Мұжами-л-булдон. 1-ж. Б.110; Үрга Осиё олимлари комуси. Т., 2007. Б.17-18.

АБИД (арабча: ˓بید – куллар) – бир неча күл, хизматкорлар жамоаси. Алишер Навоий асарларыда ҳам шу маънода ишлатылған: “Якуб (а.с.)га бу фарзандлар мұяссар бұлғандың сұнг қўй, сигир... ва абииддин кўп жамият ҳосил бўлди” (“Тарихи анбис өт ҳукамо”, XV, 199).

- АНАТИЛ. 1-ж. Т.: Фан, 1983. Б.22.

АБИДАМА (Abidatma) [диншунослик] – насроний дини асосланған китоблардан бири бўлиб, ривоятга қўра Исо (а.с.) туғилишидан юз йил аввал ёзилған. Буддавийлик рухшунослигига оид *Трипитаки* китобининг учинчи кисми. А.да онг тажрибаси, дунс ҳакидаги тасаввурдан унинг таҳлилигача давом этган қараашлар йиғиндиси.

- Борев Ю. Энц-я эстетики, теории лит-ры и теории искусства (эл. версия). М., 2008. С.9.

АБИДОС (Abidos) [топонимика] – кад. Мисрдаги ш. номи. Ривоятга қўра А. ш.да машхур Осирис дағн этилған ва унинг мақбарами жойлашған. Бу ср Үрга подшолик даврида (м.а. 2-минг йиллик) ибодат жойи вазифасини бажарған. Мақбарарадаги тахтачага м.а. 4400–1366 й. яшаган 76 фиръавннинг номи зикр этилған. Кўплаб араб, юонон ва лотин манбаларыда бу афсонавий ш. номи т.га олинади.

- Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.7.

«**АБИДОС КЕЛИНИ**» – Жорж Байрон достонининг номи. Шоир бу достонини “Турк эртаги” деб атаган. Асар қаҳрамони – Зулайхо.

◆ Байрон Дж. Сочинения в 4-х т., т.3. М., 1982.

АБИЗ (арабча: ابیز – хофиз – Қуръон ўқувчи) [диншунослик] – туркий халқлар Тангрига эътиқодининг социал-маданий тамсилчиси. А. буюк, улуг маъноларини англатгани учун кавм оқсоколи, уруғ бошлиғи маъносида ҳам учратиш мумкин. Козоқлар мифологиясида шомонларга берилган исм. Айрим манбаларда А. бахши, олим ва коҳин тарзида тавсия этилади. Олтойда бахшининг кўлида ёй туттган ҳоддаги ҳайкали А.га нисбат берилади.

Татаристонда XVI–XVIII асрларда *абизлар* ҳаракати номли диний-ижтимоий оқим кузатилган. А. ҳаракати катнашчилари ислом анъанатари сакланиши тарафдорлари сифатида ҳаракат қилганлар. Бошқирдистонда Батырши (1755) қўзғолони вакиллари ўзларини А. деб атаганлар. Россия тарихида А. ҳаракати мустамлакачиликка қарши қаратилган қўзғолонлар сифатида баҳоланганд, унинг иштирокчилари чор ҳукумати томонидан таъқиб остига олинган.

Козок фольклори намунаси “Энлик Кебек” достони (Шокарим Худойбердиев версияси)да А. персонажи мавжуд. Мухтор Аvezovning “Абиз” драмаси мавжуд.

• Раҳим Г., Газиз Г. Татар эдабияты тарихи: Феодализм дэвере. Казан, 1925; Гайнетдинов М. XVII йөзде татар янарыш ҳэрэкэте // Казан уттары. 1976. №7. С.170–186, №8. С.102–115; Мэржсани Ш. Мостэфед ал-ахбар фи ахволи Казан ве Бүлғор. Казан, 1989. С.242–243; Аҳметов Б., Шанбаев Т. Адабийаттанув терминлеринин сўзлиги. Алматы, 1996; Хабутдинов А.Ю. Абызы / Ислам на территории бывшей Российской империи. Энцикл. Словарь. Вып.3. М.: ИВЛ, 2001. С.5; Turk Dunyasi Edebiyat Kavramları ve Terimleri Ansiklopedik Sözlüğü. Cilt 1. Ankara: Atatürk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.15–16.

АБИР (арабча: ابیر – ис, ҳид). Айрим ўринларда *анбар* маъносида ҳам ишилатилади. Навоийда шундай мисол бор

Маргулаи сунбулин очайин,

Оламга *абиридин* сочайин

(Алишер Навоий, Лайли ва Мажнун: IX, 93 б, 5)

• АНАТИЛ. I-ж. Т.: Фан, 1983. Б.22.

– и *жаннат* – тасаввуфда жаннатдан келадиган хушбуй ис пайғамбар ва валийлар воситасида оммага етади. Унга эришмок учун май – илохий ишқдан озиқлана билиш керак. Мас.,

Абира жаннат исин айламас писанд улким,

Муаттар айласа майдин машом мен янглиг.

(Алишер Навоий, Хазойину-л-маоний: III, 163)

• АНАТИЛ. I-ж. Т.: Фан, 1983. Б.23.

АБИССИН АДАБИЁТИ – К.: Эфиопия адабиёти.

АБЛАЙ II (1711–1781) – Туркистондаги Ўрта Жуз қокимиюти хонлари (1771–81)дан бири. Ўз мустакиллиги учун Хитой ва Россия б-н жант қылган. Қозок ва киргиз адиллери унинг шаънига мадхиялар ёзишган. Қозок адеби Маҳамбет Ўтемис ўғли асаридаги тарихий қаҳрамон.

- Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.7.

АБЛЮЦИЯ (лотинча: *ablyusion* – тозаланиш) [лингвистика] – Рим католик черковида покланиш. Осий банда гунохлардан покланиш учун А.га киради. Бу жараён Войничнинг “Сұна” романыда ва Д.Дидронинг “Рохиба” асарларыда көлтирилген.

- Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.7.

АБКАМ (арабча: *ابكم* – лол, тылсиз) [поэтика] – I. гунг, соков.

Навоий айтсун ўз дардиники, дард мени

Килибтур ул сифат абкамки. айта олмасмен

(Алишер Навоий, Хазойину-л-маоний: Ш 6,281)

Бу ўринда дард мени гунг, соков қилди, маъносида қўлланилган.

- АНАТИЛ. I-ж. Т.: Фац, 1983. Б.23.

II. аруз илмида зиҳоф номи (2) бўлиб, ҳазаж баҳрининг асосий руқнларидан мағоийлун (у— —) дан хосил қилинади...

- Топр У., Сайдали С. Комуси кофия ва арузи шеъри ачам. Чилди I. Душанбе, 1994. С.22-24.

АБЛАК (арабча: *ابلق* – икки рангли) [тасаввуф] – ранг тасвири (1): ола-була, ок-кора, кечча-кундуз каби. Навоий байти:

Замона аблақи қолгай равишдин,

Ул ошуби замон сакратса абраши.

(Алишер Навоий, Хазойину-л-маоний: Ш 6, 259)

Тасаввуфда замона аблақи кечча-кундуз ҳаракатда булишни англатади.

- АНАТИЛ. I-ж. Т., 1983. Б. 23.

АБЛАФ (арабча: *ابلف* – балоғатнинг кўпликдаги шакли, бирлиги: *болиг*) [поэтика] – балоғатга етган. Балоғат илмлари (аруз, кофия ва бадий санъатлар)дан хабардорлик. Навоийда:

Китобинг ўзга кутубдинки, бордуур аблаг,

Балогатингга муносиб ҳақ айламиши иблоз.

(Алишер Навоий, Хазойину-л-маоний, II, б-299)

АБНАУАЙУ («ўрмон одами») [мифология] – абхаз афсоналарида сувуз куч сифатида талкин қилинади. А. бадани калин юнг б-н қопланган, тирноклари катта ва узун. Кўз ва бурни эса одамсифат. Ривоятга кура, ҳар бир ўрмонда

биттадан А. яшайди. А.нинг овчи ва чупоннинг учрашуви мотивида катор сюжетлар тўкилган.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.22; Мифологический словарь. М., 1990. С.13.

АБНО (арабча: ابونو – уғил бола) [тасаввуф] – бола, уғил фарзанд, наслни давом эттирувчи авлод. Абнойи жинс (хамжинслар), абнойи замон (замондошлар), абнойи даврон (давр фарзандлари), абнойи даҳр (дунё ахли) каби бирималарда келиб, тасаввуфий талқинда моддий дунё б-н боғланган инсонларга нисбатан кулланилади.

Сокиё, абнойи даврон жаварининг поёни ийк,

Ўйла согар тутки, зойилай аллагай хушу хирад

(Алишер Навоий, Ҳазойину-л-маоний: IVб-125)

~ий мулук – мулк фарзанди, мулкпаст.

- АНАТИЛ. 1-ж. Т.: Фац, 1983. Б.24; Ислом тасаввуфи маъбалари. Т.: Уқигувчи, 2005. Б.105.

АБО (арабча: اب) – I. аб (ота)нинг кўплиги, оталар. Асли *абу* булиб, вови муфрад б-н ҳамза қўйилгач, *або* ўқилади. Тасаввуфда тарикат ва гурӯҳ раҳбарлари исми ёки нисбасига “ота”, “боб”, “бобо” сўzlари кўшилиб айтилса, шундай маънога эга бўлади. Мас., Ҳаким Сулаймон ота, Арслонбоб, Бобо Рахим каби.

- Фиёсу-л-лугот, ч.1. Душанбе, 1987. Сах.16.

~ ий улвия (арабча: аб – ота, улвия – боболар) – улуғ оталар. Тасаввуфий истилоҳда илохий исмлар маъносини англатади. Фалсафа ва астрологияда ҳаво, сув, тупрок ва оловдан иборат тўрт унсурни дунёнинг асоси деб билган улуғ кишиларга берилган исм.

- Uludağ S. Tasavvuf Terimleri Sözlüğü. İstanbul: Kabalcı Yayınevi, 2005. S.17-18; Çebecioglu E. Tasavvuf Terimleri Sözlüğü. İstanbul: Anka Yayınlari, 2005. S.10.

II. кийим, либос. Қадимда жундан тўкилган матодан тикилган енгиз кийим булиб, асосан, мусулмон үлкаларида таркалиган. Узунлиги тиззадан қўйи, бош ва қўллар чиқарилиши учун маҳсус ўйик (жой) кўйилган булиб, асосан, оқ ёки қаҳва рангли бўлади. Манбаларда йўқсулларнинг кийими тарзида ҳам талқин этилади. Суфийлар ва дарвишлар факирлик аломати сифатида, зуҳд нишонаси сифатида киядилар. А. кийган дарвишга *абонўш* истилоҳи қўлланилган. Айни маънода у рамзийлик касб этиб, суннат белгиларидан ҳисобланади. Чунки Ҳазрати Мухаммад (с.а.в.) ҳам доимо або кийиб юрган. Бу узун кийим ёкасиз ва енгиз булиб, тиззани ёпиб турган ва буйиндан оёкларга кадар узанган. Навоийдан:

Турфа абойи анга истаб кўнгил,

Ранги сақарлот била долу гул.

(Алишер Навоий, Ҳайрату-л-аброр: 204)

Бу ерда Навоий турли хил кийим кийишни эмас, балки дарвишлик белгиси бўлган А.ни ҳавас қилиш б-н, кўнгилнинг суфийликка интилишини баён этмоқда.

- Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik Sözlugu. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.7; Uludağ S. Tasavvuf Terimleri Sözlüğü. İstanbul: Kabalcı Yayınevi, 2005. S.17-18; Cebecioglu E. Tasavvuf Terimleri Sözlüğü. İstanbul: Anka Yayınlari, 2005. S.9.

~ **аҳли** (айрим манбаларда: *Olı abo*): дарвишлар, мутасаввифлар, қаландарлар назарда тутилади.

~ **ул-аҳвол** (арабча: ҳол оталари) – илми ҳол, яъни тасаввуф илмини яхши билган, ҳол (кўплиги: аҳвол) соҳиблари. Ҳол илмидан турли тебранишлардан, иккиланишлардан холи булиб, Ҳак йўлини топганлар. А.а.нинг муқобили абоу-л-аҳволдир.

- Uludag S. Tasavvuf Terimleri Sözlüğü. İstanbul: Kabalcı Yayıncı, 2005. S.18-19; Cebecioglu E. Tasavvuf Terimleri Sözlüğü. İstanbul: Anka Yayınlari, 2005. S.9.

АБОБАКР Мирзо (XV) – ўзбек шоири. Темурий шаҳзодалардан булиб, қиличининг зарби б-н Чигатой улусида машхур бўлган. Навоий “Мажолис...”да унинг бир туюгини келтириб:

Эр керак ўртанса ёнса ёлина,
 Ера еб ётса отининг ёлина.
 Ит ўлуми бирла ўлса яхшироқ,
 Эр отониб душманига ёлина.

Агарчи баъзи алфози турконароқдур, аммо тажнисини яхши топибдур” деб баҳо беради.

- Алишер Навоий. Мажолису-н-нафоис / Асарлар. Ўн иккинчи том. Т.: Фан, 1966. Б.170.

АБОБИЛ (арабча: ڣابۇل – *тоз қуши*) [тасаввуф] – кўлга ўрганиши кийин ёввойи қуш. Тасаввуфий талқинда жон қуши, кўнгил қуши. Ислом мифологиясида Фил й.да (милодий 570) ҳабашлар қўшини Каъбани вайрон килиш учун келганида А. қушлари оғир тошларни ташлаб, боскинчиларни кириб ташлаган. Алишер Навоий бу воқсани бир ҳикоятда шундай талқин килади:

Кўрки не бир лаҳзада бўлди қатит,
 Тийри абобиц ила асҳоби фил.

(Алишер Навоий. “Ҳайрату-л-аббор”, XX маколат)

Мазмуни: Кўрдингки, А. ўки бир лаҳзада фил лашкарларини катл килди.

АБОВЯН, Хачатур (1805-1848) – арман адаби, маърифатпарвар ва янги арман ад-ти ва адабий тилининг асосчиси, этнограф олим. Тифлисда ўқиган. 1837 й.дан Ереванда фаолият кўрсатган. Бадий ижодининг роман, ҳикоя,

очерк, драма, шеър, масал в.б. жанрларида асарлар ёзган. 1837 й. Тифлисда ва 1843 й.дан Ереванда уезд ўкув ютида назоратчи булиб ишлаган. 1848 й. уйдан чикиб кетиб, изсиз йўколган. “Арманистон жароҳатлари” (1841, 1858) номли тарихий романни б-н шуҳрат қозонган. “Баяти” туркум шеърлари (1864) ва “Американинг кашф этилиши” (1864) ва хикоялари б-н эътибор топган. Гомер, Гёте, Шиллер ва Карамзин асарларини арман т.га тарж. килган. Янги усул мактаблари очилишига шахсий маблагини сарфлаган. Арман т. ва ад-тидан илк кўлланмалар муал.и.

♦ Абовян Х. Раны Армении. Ереван, 1948; Избранное. М., 1955.

• Агасов Г. Пламенное сердце. Ереван, 1941; Абов Г. Хачатур Абовян. Жизнь и творчество. Ереван, 1948; Сандросян М. Хачатур Абовян – выдающийся армянский педагог. М., 1957; Мурадян Г. Абовян, Хачатур. Краткая лит-пая энц-я, т.1. М.: СЭ, 1962. С.35-37.

АБОЛИЦИЯ (лотинча: *abolitio* – йўқ қўймоқ, бекор қўймоқ) [хукукшунослик]

– Рим давлатида хукукшунослик истилохи: бирор қонун ва қарорни бекор қилмок (1), бирор вазифани кискартиромок (2), жиноий ишни ҳаракатдан тўхтатмок (3) ва бирор унвонни тикламок ёки тухматдан ҳалос этиб, қонуний тус бермоқ маъноларида ишлатилган. XVIII асрдан АҚШ, Франция, Буюк Британияда негрларни кўлликдан озод қилиш ҳаракати. Бу ҳаракат 1861–65 й.да АҚШ фукаролар урушига сабаб бўлган. А. ҳаракати ҳакида кўплаб бадиий ва хужжатли асарлар битилган. У.Л.Гаррисон, Г.Бичер-Стоу, Г.У.Лонгфелло асарларида А. ҳаракати воқеалари акс этган.

АБОЛИЦИОН АДАБИЁТ (лотинча: *abolitio* – йўқ қўймоқ, бекор қўймоқ) [адабий оқим] – XIX асрнинг 30–60 - йй.да АҚШдаги адабий йўналиш. Негрларни кўллик асоратидан кутқариш (аболиционизм) руҳидаги ад-т. Бошловчиси ва иирик вакили У.Л.Гаррисон булиб, у «Liberator» (1831–65) газ.нинг ношири бўлган. Р.Хилдретнинг «Кул ёхуд Арчи Мурнинг хотиралари» ва Г. Бичер-Стоунинг «Том тоғанинг кулбаси» асарлари А.а. намуналари саналади. А.А. ғоялари Г.У.Лонгфелло, Р.У.Эмерсон, Г.Д.Торо, У.Уитмен, Ж.Р.Лоузелл в.б. Америка адаблари ижодида ҳам акс этган.

♦ Беккер М.И. Аболиционистская лит-ра / Лит-ный энц-кий словарь. М., 1987. С.37.

АБОНЕМЕНТ (французча: *abonnement* – қайд этиш) – муайян муддатда фойдаланиш ҳукукини берувчи хужжат, обуна қайди. Маълум бир даврда бирор вактли матбуот воситасига ёки кутубхонага аъзо булиб туриш ва ундан фойдаланиш. А. даврий нашрлардан ташқари, турили томоша, спектакл ва концертларда ҳам белгиланади. А.дан фойдаланиш ҳукукига эга шахс, муассаса ва ташкилотлар *абонент* деб юритилади (Туркия туркчасида: *абоне*). Бу варака յиллик, олти ойлик ва уч ойлик булиши мумкин. Адабий журнallлар, асоссан, мана шу усульда тарқатилади.

♦ Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.5; Karataş T. Ansiklopedik Edebiyat Terimleri Sözlüğü. Ankara, 2007. S.15-16.

АБОРИГЕНЛАР (лотинча: ab origine бошланишдан, маҳаллий) [тариҳ] – бирор жойнинг туб ахолиси (русча: туземцы), маҳаллий ҳалқ. Бу истилоҳ бирор жойни эгаллаш учун келиб ўрнашиб қолганларнинг зидди сифатида ишлатилган. Қад. ибтидоий жамоа тузумида яшовчи ва ҳозир ҳам ўз ҳаёт тарзини саклаб қолган қабилаларга нисбатан ҳам А. истилоҳи кўлланилади. Рим мифологиясига кўра, А. номли қабила Апеннин водийсида Лациядаги яшаган. Уларнинг подшоҳи номи Латин бўлгани туфайли Лациум мамлакати ахолиси шундай аталган. Рим ш. абориген-лотинлар диёрида курилган.

Австралиядаги тубжой қабилаларига нисбатан ҳам ушбу ном кўлланилган булиб, А. дейилганда Австралияниң тубжой ахолиси тушунилган. А. атамаси Австралия адиллари асарларида фаол кўлланилади. Қад. юонадабий манбаларидаги А. тушунчасини бсрувчи *автохтонлар* сўзи кўлланилган.

- Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энциклопедический словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.5: Большая энциклопедия Кирилла и Мефодия. Эл. Версия. М., 2011.

АБОТЕНИ (арабча: ابٹونی – ота) [мифология] – Бирма-Тибет мифологиясида илк одам, ундан одамзот тарқаган. Ривоятларга кўра А. Супунгда, Ҳимолойнинг шарқида яшайди. А.нинг дастребки уч хотинидан сроғосмон ва сув яралган, тўртингчи хотини Жамир Гимбарадан ўғли Аблом тугилган, деб тасаввур қилинади. У хунармандлар пири сифатида талқин қилинади.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.22; Мифологический словарь. М., 1990. С.13.

АБР (форсча: آبر – булут) I. [тасаввухшунослик] – бадиий ад-тдаги ирфоний рамзлардан бири. Тасаввух истилоҳида булут ёмонлик, куполлик, дагалликларни келтириб чиқаришга сабаб бўлувчи бир хижобдир ва у убудият (бандалик) ва рубубийят (эгалик) ўртасидаги пардадир. Суфийлар истилоҳида А. шундай хижобки, у жидду жаҳд орқали шаҳодатга восил килувчи холат булиб, далилни ундан олади.

А. “Девони Фоний”да илоҳий файз маъносида келади:

Ба ҳоли тираи ушишоқ абри тийра ҳар соат,

Ба рӯи даҳри дун обе зи чашми ашкборон зад.

Мазмуми: Ошиқларнинг кора кунига кора булут ҳар соат

Кўзидан ёш тўкиб, пасткаш дунёнинг юзига сув сепади.

Ҳакни мушоҳада этишига тўсик бўладиган парда, хижоб. Ахлulloҳ (суфийлар) истилоҳида ортиқчаликка сабаб бўладиган парда ҳам убудият (бандалик) ва рубубийят (илоҳият) парласидир.

~ и файз – фазилат булути. Мумкинот (имконият) оламига, срга юзланса, у ерни ою куёшга тулдиради.

~ и қарам – қарам ва саховат булути, нозу неъматга боис булат. Навоийда тасаввухий истилоҳ сифатида кўлланилган ушбу байт бор:

*Май ички, халқ гунохин ювмоққа абри карам.
Егер маңалда эмас ринду порсо маңуз.*

(Алишер Навоий, “Хазойину-л-маоний”: I 6-302)

~ и *найсон* – ёмгири булут, ёмғир ёғдирувчи баҳорги булут.

Замонавий шеъриятда ҳам шу маънода келади:

To сувин сочаркан абри найсонлар...

(А.Орипов, “Баҳор”)

~ и *раҳмат* – раҳмат суви (оби раҳмат) ёғдирувчи булут. Ҳақдан ошикка етадиган лутф ва марҳамат. Навоий “Девони Фоний”да ёзади:

*Зиҳи бинишонда оби абри раҳмат гарди роҳатро,
Малоук рӯфта аз болу пари ҳуд тақягоҳатро.*

Мазмуни: (Эй Мұхаммад с.а.в.) кандай улуғсанки, йўлинг чангини раҳмат будутининг суви сўндиради, фаришталар канотлари б-н истироҳат-гоҳингни супурадилар.

• АНАТИЛ. I-ж. Т.: 1983. Б.24-25; Сажжодий С.Ж. Ирфоний истилоҳлар ва иборалар луғати // Сино. 2010. № 37-40. Б.173-174; Алишер Навоий. Девони Фоний / Асарлар. 5-ж. Т.: Г.Фулом номидаги нашр., 2011. Б.812.

II. [эстетика] амалий санъатда безак тури. Булутсимон кўринишдаги тарҳ меъморчиликда, китобат ва муковасозликда фойдаланилади.

~ и *баҳор* (баҳор булути) – китобат санъатида муқова ва айрим саҳифаларни безак тури. А.б.учун тилларанг сув юритилган маҳсус қоғозлар ишлатилган. Ҳирот хаттотлик мактаби ва китобат санъатида фаол кўлланилган, XVI асрдан бошқа ўлкаларга ҳам тарқалган. Ўз-нда А.б. санъати кўлланилган китоблар мустакиллик й.ларида қайта тикланган.

• Шарқ миниатюра мактаблари (Тайёрл. А.Мадраимов, Н.Норматов). Т.: F.Фулом номидаги нашр., 1989.

АБРААМ, Пьер (1892–1974) – француз ёзувчиси ва ад-тшуноси, асл исми Пьер Блок. “Мажкам ушла!” (1951) романи б-н машхур. Театр танқидига доир ишлари, Бальзак (1929), Пруст (1930) хакида эсселари бор. “Уч оғайнин” хотиралар китоби (1971ни ёзган. «Франциянинг адабий тарихи» номли фундаментал нашрнинг раҳбари сифатида танилган. “Реализм ва ракиблик руҳи” илмий рисоласи машхур.

• Писатели Франции о лит-ре. М.: Прогресс, 1978. С.381-385.

• Краткая лит-ная энц-я, т.1. М.: СЭ, 1962. С.38.

АБРАКАДАБРА (форсча: *برگبره* – ҳеч кандай маъносиз) [тилшунослик] – сирли калом ёки тушуниксиз сўзлар бўлиб, ҳеч кандай аник маънони ифодаламайди. Ёзувда □ ва √ белгилари кўлланилади. Кўчма маънода: *ҳеч нарса* (чепуха), ҳеч нимани англатади.

• Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.8.

АБРАКАС (яхудийча) [диний ад-т] – кад. туморларда ифодаланган рамзий сурат. Бирор маъбуд ёки Илоҳ тимсоли. Айрим туморларда шакл үрнига ёзув келади. Яхудий диний ад-тида, XX аср адиби Шолом Алейхом асарларида учрайди.

- Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.8.

АБРАКСАС, Абрасакс (юононча: abraksas – осмон, фалак) [мифология] – космогоник мифологияда (Сурия) А. фалак тимсоли. Насронийликдаги Василид сектасининг қарашига кўра, А. етти ракамдан ҳосил бўлган: $1+2+100+1+60+1+200=365$, бундан мурод йилдаги кунларнинг сони келиб чикади. Бу магик етти ракамнинг турлича талкинлари бор. А. исми ва унинг иконографик тимсоли (хуроз бошли, илон оёкли одам) насроний дунёсида ва ундан ташкарида ҳам тарқалган. XX аср ад-тида бу тимсолга К.Г.Юнг (“Уликларга етти кироат”), Х.Хессе (“Демиан”) асарларида инсон руҳи юксак оламининг эзгу ва ёвуз кучлар нисбатида талқин қилинган.

- Миры народов мира. М.: СЭ, 1980. С.22; Мишологический словарь. М., 1990. С.13.

АБРАМ ЭНГШИЛЛЕНЗ (в. 1664) – сурялик олим. Париждаги Шарк т.лари мактаби мударриси. “Таврот”ни сурёний ва араб т.га тарж. килган. Араб т. грамматикасига оид илмий асарлар муал.и.

- Шамсиддин Сомийбек. Қомусу-л-аълом. 1-ж. / А.Юнусов тарж. Қўлчизма. ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Ад-т музейи архиви. Б.12.

АБРАМИТА (АБРАХАМИТА) (яхудийча: Абраам – Иброҳим дини) [диншунослик] – насроний динидаги мазҳаб (секта)лардан бири. IX асрда Суриядга вужудга келган. А. мазҳабига кўра, Исо Масих Худо ўғли (насронийликдаги уч тимсолдан бири) эмас, балки пайғамбардир. Бу мазҳаб XVIII асрда (1781 й.дан сўнг) қайта жонланган. А. тарафдорлари Уч худо (Ота Худо, Она Худо – Биби Марям ва Бола Худо – Исо Масих) таълимотини инкор килгандар. Рационал секта сифатида ном қозонган.

- Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.8.

АБРАМОВ, Федор Александрович (29.II/1920–14.V/1983) – замонавий рус адиби, публицист. Санкт-Петербург ун-тида ўқиган, аспирантурани тамомлаб, М.Шолохов ижоди юзасидан номзодлик диссертациясини ёқлаган (1951). 1949 й.дан адабий фаолиятини мунаққид сифатида бошлаган.

XX асрнинг 70-йилларида урф бўлган “қишлоқ прозаси”нинг фаол ёзувчиларидан. Қишлоқ мавзусидаги “Отасизлик” (1961), “Пеланея” (1969), “Дараҳт илдизлари” (1970), “Алька” (1972) киссалари муаллифи. “Пряслинлар” эпопеяси (1975) “Ақалар ва опалар” (1958), “Икки қишу уч ёз” (1968), “Йул-айрилишлар” (1973) романларидан ташкил топган. “Пряслинлар” туркумидаги “Уй” романи Давлат мукофоти (1975)га сазовор

бўлган. “Икки кишу уч ёз”, “Дараҳт илдизлари” асосида ёзилган драмалари Россия ш.ларида кўйилган.

- ◆ Абрамов Ф. Пелагея. Повести. М.: Современник, 1980; Дом. М.: Современник, 1984; Чем живём — кормимся. Статьи, Воспоминания. Л., 1986.

АБРАМОВИЧ, Григорий Львович (1903–1987) – рус ад-тшуноси. 1924 й.да Москва Ад-т ин-тини тамомлаган. 1930 й.дан Москвадаги олий ўкув юртларида ад-т назарияси ва ад-т тарихидан дарс берган. 1932 й.дан асрлари нашр этила бошланган. Ад-тшуносликнинг назарий муаммолари б-н шуғулланган, “Ад-тшуносликка кириш” дарслиги беш марта қайта нашр этилган. Н.В.Гоголь, А.С.Пушкин, М.Ю.Лермонтов, Ф.М.Достоевский ижодига бағишланган мақола ва тадқиқотлар муал.и.

- ◆ Абрамович Г.Л. Историзм в теории лит-ры // Вопросы лит-ры. 1959. №3; Введение в лит-веденис. З-изд. М., 1961.
- Плоткин Л. Книга по литературоведению // Звезда. 1954. №1.

АБРЕЖЕ (французча: abrégé – киска баён) – матннинг маълум бир бўлими ёки боби ҳакидаги киска маълумотлар. А. одатда боб ва бўлим сарлавҳасидан кейин матндан аввал берилади. Айрим ҳолларда А.дан сунг у маълумот акс этган сахифалар кўрсатилиши ҳам мумкин. А. танлаб ўкувчилар учун матннинг мазмуни ҳакида хабар беради, зарур воеа ва тафсилотни тошишга ёрдамлашади. А. китобхонни матн мазмунини қабул қилишга тайёрлади. Айрим ҳолларда А.ли матн унинг маълум бир бўлак (парча)ларга бўлиб, уларни сарлавҳалаштиришдан сақланиш учун кўл келади.

- Борев Ю. Словарь терминов текстологии и генетической критики. М., 2011. С.7.

АБРИС (олмонча: abriss – чизма, лойиҳа) – матн ва полиграфияда контур (узук-узук) чизиклар б-н ифодаланувчи матн, расм ёки чизманинг четки белгилари. А. дастлаб кўл ёзуви тарикасида жорий этилган, рангли фонда икки бир-бирига яқин рангларни ажратиб туриш учун қўлда тузатилган белгилари ҳам А. деб аталган. Сурат ва матнни калька ва фалгага ўтказишида ҳам А. сақлапади.

- Издательско-полиграфический словарь-справочник / Сост. О.Садыбеков. Т.: O'zDAV MATBUOTLITI, 2009. С.3; Борев Ю. Словарь терминов текстологии и генетической критики. М., 2011. С.7.

АБРОЖ (арабча: برج - буржнинг кўплиги) [тасаввуф] – тасаввуф таълимотида сайру сулук манзилларидан бирининг рамзи. Шаҳобиддин Суҳравардий рисолаларидан бирининг номи “Аброж”. Суҳравардий рисоласида сайру сулук жараёни ўн буржли қальга ўхшатилади, солик жидду жаҳд (астойдил ҳаракат) б-н ушбу 10 буржни ўташи лозим. Зохиран бу мустахкам калья инсоннинг жасадидир, 10 бурж эса унинг ташки ва ички хиссиятлари ёки бошқа кувватларидан иборат булиб, улар сайру сулукка монсълик киладилар.

- Сажжодий С.Ж. Ирфоний истилоҳлар ва иборалар лугати.

«АБРОЖ» (арабча: ابراج – буржлар) – тасаввуф олими Абу Нажиб Сухравардий (1097–1168) асари. Тасаввуфда сайру сулук манзилларидан бирининг номи булиб, рисолада мазкур жараён ривоят тарзида сўзлаб берилган. Қалбни поклаш йўл (сулук)ига кирган солик (йўловчи, яъни суфий) ўн буржли қалъадан ўтиши лозим. Будининг учун соликдан жидду жаҳд (астойдил харакат) лозим булади. 10 бурж қалъага ўхшатилишига сабаб, бу инсоннинг ички ва ташки ҳиссиётлари булиб, сайру сулук жараёнига монеълик киласди. Шунинг учун ҳам бу сифатлар мустахкам қалъага ўхшатилмоқда.

• Шиҳобиддин Сұхравардий. Рисолату-л-аброж. Мажмуаи севвум: мусаннифот. Сах. 463; Сажжодий С.Ж. Ирфоний истилоҳлар ва иборалар лугати // Сино. 2010. № 37-40. Б.174.

АБРОР – (арабча: ابرور – яхши ахлоқиллар) [тасаввуф] – солиҳ амалларни бажарувчи кишилар. Ирфоний истилоҳда яхши фазилатли инсонлар. А. тарикатда Аллоҳнинг хос бандаларидирлар. Улар қалбни поклаш жараёнида Аллоҳ томон сайдринг бир нечта мақомларини босиб ўтгандирлар. Шайх Нажмиддин Кубронинг талқинича, Аллоҳга элтувчи йўлларнинг адади (сони) учта булиб, улар: *тариқи ахёр, тариқи абров ва тариқи шуттордир*. Тариқи А., яъни А. йўли мушоҳада ва риёзат соҳибларининг йўлидир. Бу йўл солик (йўлчи)ларни гузал феъл-атворга эга булиши, қунгилни тазкия (поклаш), қалбни тасфия (покланиш натижасида дилнинг равшан тортиши) қилишига имкон беради. А. ботинини обод қилиш, маъмур этиш учун ғайрат кўрсатувчи кишилардир. Ҳак сари сайдрда даражага эришган хос бандалар сулук (тарикат)да ўрта даражани эгаллаган ва Худонинг хос бандаларидирки, *сайдулиҳ* даражаларидан бир нечтасига кўтарилган, соғ қунгил эгалариdir.

• *мақоми* – Ҳаққа яқинлик макомларидан биридир. Жомий “нафс куллигидан кутилганлар” макоми деб таъриф берган. “Ахлоқи Носирий” асарида ёзилишича, А. ш.лар ҳамда одамлар орасини ислоҳ қилиш б-н машғул булиб, кишиларни комилликка етаклашади. Қуръони каримнинг Оли Имрон (193-оят), Анфол (13-оят) ва Инсон (5-оят) каби сураларида А. т.га олинган. А. тасаввуфда мукаррабин (яқин кишилар) макомидан кейин келади. Ҳадисда келтириладики, “Ҳасанату-л-аброр саййиъатил мукаррабийн”, яъни “Аброрлар савоби мукарраблар гунохи б-н тенгdir”. Алишер Навоий “Ҳамса”нинг биринчи достонини «Ҳайрату-л-аброр» деб аташ б-н бу макомга оид ўзининг фалсафий карашларини ифода килган:

Ҳайрати абров куруб зотини

“Ҳайрату-л-аброр» дедим отини.

Уларнинг аброрлик зотидан ҳайратланиб, (достоннинг) номини “Ҳайрату-л-аброр” деб қўйдим.

• Алишер Навоий. Ҳайрату-л-аброр / МАТ. 7-ж. Т.: Фан, 1991. Б.344; Ислом тасаввуфи манбалари. Т.: Ўқитувчи, 2005. Б.135-136; Сажжодий С.Ж. Ирфоний истилоҳлар ва иборалар лугати // Сино. 2010. № 37-40. Б.174.

АБРСКИЛ (абхаз) [мифология] – шу номдаги абхаз қаҳрамонлик эпосининг бош персонажи. Мұъжиза туфайли отасиз түгилған, бош маъбуд *Анцвага* қарши чикқан. Жаҳл отига минган Анцва уни тутиш ва жазолашга аҳд киңган. Чилоус горида уни тутиб олиб, оти б-н бирга тесмир устунга боғлаган. А. ҳақидаги сюжет грузинлардаги *Амирани* ва адитейлардаги *Насрин-жачта* якин келади. XIX асрнинг 70-й.ларида қайта ишланған ва рус т.га тарж. килинганд. Асар А.Иоакимов, И.Лихачёв, В.Гарцкий каби фольклоршунослар томонидан ёзб олинганд.

- Краткая лит-рная энц-я, т.1. М.: СЭ, 1962. С.40-41; Миры пародов мира. М.: СЭ, 1980. С.23.

АБРУ (форсча: *ابر* – қош) [тасаввуф] – мұмтоз шеъриятда кош тавсиғи мәхроб, камон, дол (харф)лари орқали ифодаланади.

Ишк аро юз минг маломат ўқига булдум нишон,

Бир камон абрұда тұзлуқдин нишоне топмадам

(Алишер Навоий, Хазойину-л-маоний: I б-430)

Тасаввуф истилоҳида юзниң пардаси бұлған сифатларидан бири, зот нурининг пардаларидан вужуд олами жамол олади. Завқ ахли калималарida шұндай сифатларға айтилады, зот ҳожиби (құрікчиси) қошға айланади ва вужуд олами ундан гұзаллук олади (Фахриддин Ирокий, Истилоҳоти сұфия).

Ирокий:

Бутам аз ғамзаи абрұ ҳама тири камон созад,

Ба ғамза хуни дил ризад бобару кор жон созад.

Чу дар дом сари зулфаши ҳама олам гирифттораст

Чиро мужсөн кунад новак чиро абрұ камон созад.

Мазмун: Менинг бутим кошнинг ғамзаси – чимирилишидан ўқ ва ёй тузади. Ғамзаси б-н дил конини тұқади, худди тузокдаги каби зулфининг торига барча олам гирифтөрдір. Нега киприк ўқ бұлади, нега қош камон бұлади?

Ҳофиз Шерозий:

Худо чу сурати абрұи дилгүшой ту баст,

Гүшөд кори ман андар карашмаҳои ту баст.

Мазмун: Худо сенинг дилни очувчи қошингни яратганида, сенинг карашмалыг ишкимнинг күшодини беркитди.

~ *ғамзаси* – қош учириси, қош кокиши. Тасаввуф истилоҳида нурнинг жилоланиши.

- Сажжодий С.Ж. Ирфоний истилоҳлар ва иборалар лугати // Сино. 2010. № 37-40. Б.175-176.

АБРУ, Ҳофиз (1362–1431) – тарихнавис, географ ва адеб. Асл исми: Шаҳобуддин Абдуллоҳ ибн Лутфуллоҳ ибн Абдуррашид ал-Ҳавофий. Амир Темур ва темурийлар салтанатида хизмат киңганд (1386 й.дан). Амир Темур

юришларида катнашган, Даشتى Қипчок, Ҳурросон, Ирок, Эрон, Озарбайжон, Гуржистон, Арманистон, Ҳиндистон в.б. юртларда бўлган.

«Зайли Зафарномаи Шомий» асари Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” асарининг давоми бўлиб, унда 1404–1415 йй. воқеалари баён қилинган. «Зайли Жомиъу-т-таворих» Рашидуддин Фазлуллоҳнинг «Жомиъу-т-таворих» асарининг давоми бўлиб, унда Эроннинг 1304–70 й.лардаги тарихи акс этган (1417). “Китоб ал-масолик ва ал-мамолик” (“Йўллар ва мамлакатлар китоби”, 1414)ни Шоҳруҳ Мирзога тақдим қилган. Бу асарда дунёнинг доира шаклидаги ҳаритаси в.б. ҳариталар берилган бўлиб, у Мухаммад ибн Нажиб Бакроннинг “Жаҳоннома” (1208)си асосида тартиб берилган. “Мажмуя” номли тарихий асари (1420)да Шоҳруҳ Мирзо ҳукмронлигининг 1417–1420 й.ларини муфассал тасвирлайди. Кейинрок Бойсунгур Мирзо талаби б-н барча тарихий асарларини жамлаган тўрт ж.дан иборат “Мажмау-т-таворихи султония” (“Султонга аталган тарихлар – тўплами”) асарини ёзган. Асарнинг 1-ж. инсоният ибтидоисидан 642 й. воқеаларигача, 2-ж. Мухаммад (с.а.в.) пайғамбарлигидан аббосийлар сулоласи тарихига қадар, 3-ж.да эса, аббосийлардан кейинги сулолалар тарихидан 1335 й.га қадар, ниҳоят 4-ж. Амир Темур даври (1336–1405)га бағишланган. Кейинги асари “Зубдату-т-таворихи Бойсунгурий” (1427)ни ҳам мана шу сўнгти ж.га илова тарзида киритган. Агар Ҳ.А. тарихий асарлари Табарий (“Тарихи Табарий”), Рашидиддин (“Жомеъу-т-таворих”), Низомиддин Шомий (“Зафар-нома”)га асосланиб, уларнинг давоми сифатида яратилган бўлса, Абдураззок Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асари Ҳ.А. асарларига таянилган холда ёзилган ва ундаги воқеаларнинг давоми саналади.

- Бартольд В.В. Ҳафиз-и Абрю и его сочинения / Сочинения, т. 8, М., 1973; Ҳасанов Ҳ. Сайёх олимлар. Т.: Узбекистон, 1981. Б.151-59; Ромасевич А.А. Персидские источники по истории туркмен и Туркмении X-XV вв. / Материалы по истории туркмен и Туркмении. т.І. М.-Л., 1939. С. 58-59; Самарқандий А. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Г.: Фан, 1969. Б. 22-25.

АБСИДА (юнонча: apsida – ярим ой) [санъатшунослик] – меъморликда ярим доира сифатида ишланадиган бинонинг пештоки (арка). Византия ибодатхоналарида А. меҳробининг юқори кисмида ярим ўйик холида шакллантирилган. Рус православ черковида учта А. қўйилган (престол, ризница ва жертвеник – курбонлик учун). А. Одатда шарқ томонга меҳробни ифодалаш учун ишлатилган.

- Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.8; Борев Ю. Энц-я эстетики, теории лит-ры и теории искусства. М., 2008 (эл. версия).

АБСОЛЮТ (лотинча: absolutus – шубҳасиз, чегарасиз) [фалсафа] – мутлақлик, шак-шубҳасиз бирор ҳодисанинг юзага келишига ишониш. Фалсафада А. руҳ. Барча яралмишларнинг сабабчиси, борликнинг бирламчи асоси. А. истилохи илк бор фалсафий ва адабий тушунча сифатида XVIII аср

сунгидан М.Мендельсон ва Ф.Якоби томонидан “Тангри ёки табиат” тушунчасининг ифодасида кўлланилган. Файласуф ва ад-тшунос Ф.Шеллинг томонидан фаол истифодага киритилган бўлиб (1800), А. борлик, вокелик сифатида фалсафий тушунчага асос солинган. Кант уни А. ахлок, яъни ахлоқий категория сифатида талкин этган. Гегел ва объектив идсализм тарафдорлари учун А. рух сифатида ўзи яратилган ва ривожланишда булган ғоя сифатида қаралган. Брэдли фалсафасида А. “абсолют идеализм” шаклида ривожлантирилган бўлиб, унингча, борликнинг “олий шакли” ва “асоси”дир. Шопенгауэрда ирода, Бергсонда интуиция сифатида англатилади. Неогегелистик фалсафада А. ўта кенг тушунча бўлмасдан факат *абсолют мафакур* маъносида кўлланилган.

•Философский энц-кий словарь. М.: СЭ, 1989. С.5; Фалсафа. Комусий лугат. Тузувчи ва маъсул мух-р: К.Назаров. Т.: Ўз-н файласуфлари миллий жамияти нашриёти, Шарқ НМАК, 2004. Б.6-7; Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.8.


~ *идея (ғоя)* – Гегел фалсафаси (диалектика)нинг асоси саналиб, субъектив билимнинг такомили А.и. тарзида намоён бўлади. Файласуф талкинича, А.и. нинг асосий шакллари: санъат, дин ва фалсафадир. Санъат ва динда А.и. абсолют рух тарзида намоён бўлса, фалсафада бу асос А.и. тарзида шаклланади.

~ *руҳ* – Гегел фалсафасида субъектив билимнинг куриниши, санъат ва динда намоён бўлишидир. А.р. ўз тараққётида бир канча боскичларни босиб ўтади. Рух санъатда образлар оркали, динда эса эмоционал руҳий фаолият натижасида намоён бўлади. А.р. абоют ғоянинг ўзини англашидир, шахс, жамият ва ғоянинг бирлиги сифатида чексиз макон ва замонда эркин ҳаракатга эга. А.р.нинг маълум боскичдаги намоён бўлиш шакли инсоният ва жамиятдир.

~ *ҳақиқат* – объектив вокеликнинг киши онгига мутлак ўзгаришсиз акс этишидир. Гегел фалсафасида А.р. ҳаракатининг натижасидир.


•Гегел. Эстетика, т.1-4. М., 1968-73; Философский энц-кий словарь. М.: СЭ, 1989. С.6; Фалсафа. Комусий лугат. Mac. мухар.: К.Назаров. Т.: Ўз-н файласуфлари миллий жамияти нашр., Шарқ НМАК, 2004. Б.6-7.

АБСОЛЮТИЗМ (лотинча: *absolutus* – ҳуқиқон) [фалсафа] – сўзсиз мутлақлик. А. атамаси илк бор XVIII аср охирида В.Мендельсон ва Ф.Якоби томонидан кўлланилган бўлиб, Спиноза фалсафасидаги «Худо ёки табиат» категориясини англатган. Ф.Шеллинг (1800) уни кенг истеъмолга олиб кирган. А. Арастунинг «бирламчи Яратувчи», Фихте фалсафасидаги «абсолют мен» тушунчаларига якин маъно ташыйди. Гегел фалсафаси учун абсолют рух бирламчи моҳият касб этади. Мутлақ борлик тарафдорлари унинг яратилмагани ва тутанмаслигини тан оладилар. Гегел талкинида



ШАРҚ АДАБИЙ МАНБАЛАРИ

1. Амида – буддийликдагы олай маъбудлардан.
2. Авакокитешвара – Будда мифологиясида инсон изтироблари маъбуди.
3. Аврора - тонг маъбудаси.
4. Адам тасвири рассом нигоҳида.
5. Агарь (Хожар) ва Сорани Авраам уйинидан кўммоқда.
6. Асойи Мусо мўжизаси.
7. Агач кипти
- Кафказ турклари мифик қадримони.
8. "Ахтарваведа" матнлари.
9. Адал, Аду Шумер мифологияси маъбуди.
10. Аматэррасу – японларда Күёш маъбуди рамзи.
11. Апокалипсис – охират демак.
12. Аментес тасвирилган қадимги Миср ёдгорликлари.
- 13, 14. Ассирия адабиётини кечга ва бутун.
15. Ад (Дўзах) ва Жаннат табиат тисолида.





“АВЕСТО” ЕДГОРЛИГИ

1. 2. Авесто ёзуви ва суратларидан. 3. Амеша Спента – “Авесто” қадрамонларидан. 4. Анграманий – “Авесто” қадрамони. 5. Атар – “Авесто” да ~~да~~ персонификацияси. 6. Агни – олов маъбудаси. 7. Ардансура (Анахита) тимсоли “Авесто” да. 8. Ажи-Дахака – Авесто қадрамонларидан бирин. 9. Анахарис – сақлар дошишманди Зардуштийлар тасаввурнида. 10. Ахурамазда ва унинг рақиби оташгоҳда. 11. Арэв – Қуёш персонификацияси рамзи.



ПЛАТОН
АПОЛОГИЯ СОКРАТА



АНТИК АДАБИЁТ

1. Арапсту ұакым Поэтика мактаби. 2. Гомер азд үкімінде. 3. Анакреонт – қадимті юон шоири.
4. "Сүкрот апологиясы" китоби. 5. Афлотун академияси. 6. Архимед – юон математиги. 7. Аїдромаха "Илиада" талқынида. 8, 9. Августин Аврелий ва унинг "Иқғорнома" асари. 10. Артемида – Ов ва қосындарлық мәтбуди. 11. "Агамемнон" (Эсхил) фожнасига ишланған сурат. 12. Антик эстетика ҳақида фундаментал тадқиқот. 13. Антисфен – юон шоири. 14. Аристофан – бириңчи комедиограф. 15. Апулей – "Метаморфозалар" муаліғи. 16. Акротерий ишланған Афина Миллий ансамблі. 17. Юон академиясида Афлотун ва Сүкрот. 18. Амфитеатр (мін. ав. IV аср).



1



2



3



4



5



6



7



8



9




10



11



12



13

ЖАХОН АДАБИЁТИ

1. Айзек Азимовнинг фантастик дунёси. 2, 3. Андерсен: Эртак ва тарихлар. 4, 5. Акутагава ва унинг асарлари. 6. Аревара-но япон адабининг машхур кисаси. 7. Аполлинер Гийом – француз модерни шоири. 8, 9. Абэ Кобо ва унинг асари. 10. Арагон Луи – француз адаби. 11. «Агафист» – Византия адабиётининг ёдгорлиги. 12. Альберти асари: “Куруклиқдаги деңгизчи”. 13. Апданк – энг күп үқиладиган китоблардан. 14. Амадис – рицерлик романлари қаҳрамони. 15. Ариосто – итальян шоири. 16. Албан адабиёті тошкитобларда. 17. Аккад адабиётининг гилк намуналари.

абсолют рух борликни яратган ва у б-н алоказини узган, кейин эса борлик ўз харакати б-н тараққиётга эришган. Абсолют ғоя (идея) санъат, дин ва илм (фалсафа) оркали реаллашади. Абсолют ғоя тарафдорлари карашлардаги дуализмни инкор этади, унинг учун рух, борлик, жамият бирлиги гояси абадий ва ижодий яшовчандир. А. Туркия туркчасида *салтчилик* деб юритилади.

- *Хюотт В.П.* Категории абсолютное и относительное в историко-философском освещении //Ученые записки Тартусского ун-та. Труды по философии 8. 1965. Вып.165; *Мотрошилова Н.В.* Путь Гегеля к «Науке логики». М., 1984; *Turk Dunyasi Edebiyat Kavramları ve Terimleri Ansiklopedik Sözlüğü*. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlığı, 2001. S.16; *Karataş T.* Ansiklopedik Edebiyat Terimleri Sözlüğü. Ankara. 2007. S.402.

АБСОЛЮЦИЯ (лотинча: *absolutus* – *хукмирован*) [диний ад-т] – насроний черковида икрор, тавба туфайли гунохларнинг кувилиши. Хукукшуносликка доир ад-тларда эса айбиз деб хисоблаш. Ф.М.Достоевский ва Л.Толстой асарларида тасвирланган. Л.Толстойнинг “Икрорнома” (“Исповедь”) асари А.нинг ад-тдаги кўринишидир.

- *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.8.

АБСТРАКТ (лотинча: *abstactio* – *мавхум*) [санъатшунослик] – мавхум ёки предметсиз санъатни ифода ва қабул килиш усули. А. моҳиятини француз рассоми А.Лот шундай белгилайди: “Абстрактивизм реалистик ҳодисадир”. А. санъат муал.нинг борликка муносабатини ҳалол, холис ифода килади. Чунки ҳар бир ижтимоий ғоя заминида бирор бир манфаат ётади. 1931 й.да П.Клес չշղնակ, “Дунё канчалар кўркинчли бўлиб борса, санъат шунча абстрактлашиб боради”. “Соф абстракт” санъат томошабин ва ўкувчига тушунарсиздир. У канчалик нозик ва сирли бўёқ ва ранглар, ишора ва рамзлар б-н иш кўрмасин аниқ ифода шакллари воситасида юзага чикади. 1949 й.да француз санъатшуноси М.Сейфорнинг “Абстракт санъат, унинг илдизлари ва биринчи усталари” асари эълон қилинган бўлса ҳам уни зиёдиллар хушламай қабул қилдилар. Шуролар даврида эса бундай карашлар очикдан-очик ман қилинди. Чунки унинг илдизлари мифик карашларга бориб тақалар, руҳоният дунёси талқини бу йўналишда асосий моҳият касб этар эди.

- *Власов В., Лукина Н.* Авангардизм, модернизм, постмодернизм / Малый лексикон искусства. СПб.: АЗБУКА Классика, 2005. С.9-16; *Борев Ю.* Энц-я эстетики, теории лит-ры и теории искусства. М., 2008 (эл. версия).

АБСТРАКЦИОНИЗМ (лотинча: *abstactio* – *мавхум*) [адабий жараён] – абстракт санъат; ад-т ва санъатдаги модернистик йўналишларидан бири. Моддийликдан чекиниб, инсоннинг ички, руҳий дунёсига алоҳида эътибор каратувчи бу оқим Европа санъатида 1910–13 й.ларда вужудга келган. XX аср бошларида фотосанъатнинг пайдо булиши б-н тасвирий санъатнинг

вазифаси бирмунча ўзгарди. Реал ҳаётдаги нарса ва предметларни айнан ўзидай килиб акс эттиришни фотография ўз зиммасига олгандан сунг, куплаб рассомлар нарса ва предметларнинг айнан ўзини эмас, унинг инсон онгидаги аксини ёки тасаввурдаги шаклини беришга қизикдилар. Тасвирий санъатда реал дунёни мавхум шакллар йиғиндиси сифатида берувчи оқим сифатида шаклланди. А. дастлаб предметсиз санъат сифатида вужудга келди. Модернистик санъатдаги кубизм ва футуризмнинг мантикий заминида ривож топди. А. ижодий жараённи предметлар дунссидан ажратиб тасаввур килишни тавсия қилди. А. тарафдорлари ҳаёт ҳақиқатини эмас, балки тасаввур шаклларига яширган ҳақиқатни изладилар ва топганларини сўз ва бўёқ воситасида акс эттирдилар. Рассомларнинг А.га келиш йули, асосан, икки хил кечди. Биринчиси, *геометрик абстракция* орқали, яъни аник конфигурациялар шакли орқали. Бу йўналиш Францияда Пикассо, рус рассоми Казимир Малевич, голланд Пит Мондриан ва француз Робер Делоне ижод қилдилар. Иккинчиси, *лирик абстракция* булиб, рассомлар бевосита эркин шаклларни чизишига қизикдилар. Бу йўналиши Россияда рассом Вас. Кандинский номи б-н боғлиқ. Унинг “Санъатдаги рухият” (1912) тадқиқотида А.ни “ички эҳтиёж”, “санъатнинг предметлилигидан озод санъат”, яъни “эрк санъати” сифатида таърифланган.

А.да санъаткор нарса ёки предметдан нусха олмайди, балки у б-н мулоқотта киришади. Дастребларни предметсиз санъат 40-й.лар охирига келиб ўз йўлини ўзгартирди. Жаҳонга машхур рассомлар: Пикассо, Боннар, Матисс, Вламник ижодида абстракт идса предметларнинг рассом тасаввурни сурати орқали жонланди. Аввалроқ А. АҚШда ҳам кент тарқалди, хотто 1937 й. миллионер Гуттунхейм маблаги асосида предметсиз санъат музейи ташкил этилди. 40-йилларда куплаб европалик рассомлар: Марк Шагал, Макс Эрнст, Пит Мондриан, Ганс Арп, Сальвадор Далининг АҚШга эмиграцияси туфайли бу холат янада кенгайди. Сузиб юрувчи ранглар оқими, стихияли харакатлар, рассомнинг ички ҳарорати бадиий полотноларга кўчиб ўтди. Кўп ўринларда ёлгизлик мотиви бош той даражасига кўтарилиди. Бу йўналишда ижод этган машхур рассомлар: Жозеф Альберс (1888–1976), Натан Альтман (1889–1970), Карл Андре (1935 й.т.), Ганс Арп (1887–1966), Франтишек Купка (1871–1957), Эл Лисицкий (1890–1941), Жорж Матье (1921 й.т.), Пит Мондриан (1872–1944), Жексон Поллок (1912–1956), Пьер Сулаж (1919 й.т.), Ганс Хартунг (1904–1989) ижоди А. туфайли ўзининг янги кирраларини намойиш этди.

◆ *Пикассо П.* Сборник статей. М.: Искусство, 1957; *Матисс А.* Сборник статей о творчестве. М.: Изд. Иностранный лит-ры, 1958; *Knaurs Lexikon der modernen Kunst*. Paris: 1963; "Le merveilleux et le "theatre du silence", Paris, 1965; *Barr A., Cubism and Art Abstract*. New York: 1974; *Хотамов Н.*, *Саримсоқов Б.* Ал-тшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли лугати. Т.: Ўқитувчи, 1979. Б.17; *Бажанов Л.*, *Турчин В.* Абстрактное искусство / Советское искусствознание. 1991. Вып.27; *Сарабьянов Д.*, *Вас. Кандинский в русском контексте // Вопросы искусствознания*. 1997. №1; *Turk Dunyasi Edebiyat Kavramları ve Terimleri Ansiklopedik Sözlüğü*. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.17; *Елисеев И.А.*, *Полякова Л.Г.* Словарь лит-

ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.3; Энц-я модернизма. М.: Эксмо-пресс, 2002. С.117-146; Энц-я искусства XX века. М.: Олма-Пресс, 2002; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.6-8; Русова Н.Ю. От Аллегории до Ямба: терминологический словарь-тезаурус по литературоведению. М.: Флинта-Наука, 2004.

АБСТРАКЦИЯ (лотинча: *abstactio – мавхум*) – бирор объектни қабул килиш жараёнида унинг табиий сифатларини, ўзига хос жиҳатларини ва алокашарини умумлаштириб, аклий тушунча сифатида қабул килиш. Бадий ижодда абстракциялаш методи орқали тасодифий ҳолатлар типик ва доимий ҳолатлардан фарқланади. Шунинг учун ҳам абстракциялаш бадий ижод учун аҳамиятлиdir. 1908 й.да олмон олими В.Воррингер “Абстракция ва хис килиш” китобида А.ни натурализмга қарама-қарши қўйиш орқали уни ижодий жараённинг энг олий нуктаси сифатида баҳолади. XX аср бошлиридаги бу караш экспрессионизм ва абстрактивизм санъатига асос булиб хизмат килди. 1931 й. олмон файласуфи П.Клес “дунё ваҳшийлашиб борган сари санъат абстракциялашиб бораверади” деган карашни илгари сурди. А. тарафдорлари санъатнинг турли соҳаларида ўз карашларини исботлашга уринган бўлсалар ҳам реал борликнинг мавхумий қабул килинишига кўпроқ урғу бердилар.

XX аср абстрактивизмидаги иккименг ўзаро фарқланган. Улардан биринчиси Ван Дусбург, Мондриан номи б-н боғлиқ рационал йўналиш бўлса, иккинчиси, В.Кандинский номи б-н боғланган экспрессив йўналиш. Биринчи йўналиш асосида кейинрок синтетик кубизм вужудга келди, санъатдаги туризм шаклланди; иккинчи йўналиш эса машҳур рассомлар А.Матисс, П.Клес, Ф.Леже ва П.Пикассо ижодига турткি берди, кейинрок эса сюрреализмга юз бурган Г.Арп, Х.Миро, А.Массон, А.Явленинский ижодида буй кўрсатди. А. методи, шунингдек, *дадаизм*, *поп-арт*, *оп-арт* ва модернизмнинг турли қўринишларида ҳам истифода этилди. 1915 й.ги кургазмада танилган К.Малевичнинг “Қора квадрат” сурати А. методи натижасида машҳур бўлди.

“Соф абстракт” санъат томошабини ва китобхонга унчалик тушунарли эмас. Бу санъат моҳиятнан француз олими М.Сейфорнинг “Абстракт санъат, унинг манбалари ва илк усталари” (1949) асарида асослаб берилди. Санъатнинг А. асослари илоҳий тасаввурларни ифода килишда, ижоднинг мутлақ Яратувчи б-н муносабатини англатища кўл келди. Назариётчи В.Фаворский эса Жотто, Микеланжело ва Рембрандт асарларини ана шу гоя асосида шарҳлашга уринди. Ижодий тахайюл воситасида санъаткор оддий кўз б-н кўриш мумкин бўлмаган хилкатларни кура олади ва уни конкрет шаклларда ёки предметларда эмас, балки рамзий белгиларда акс эттиради. Илоҳий А.га тиш тирноғи б-н карши бўлган соц.реализм эса уни “предметсиз санъат”, “объектсиз тасаввур” деб камситиб келди. Бу оқим Туркия ад-тунослигига сўйут истилоҳи б-н юритилади.

•Философский энц-кий словарь. М.: СЭ, 1989. С.7; Фалсафа. Комусий лугат. Т.: Ўз-н файласуфлари миллый жамияти нашр., Шарқ НМАК, 2004. Б.7; Власов В., Лужина Н. Авангардизм, модернизм, постмодернизм / Малый лексикон искусства. СПб.: АЗБУКА Классика, 2005. С.9-16; Karataş T. Ansiklopedik Edebiyat Terimleri Sözlüğü. Ankara, 2007. S.422-423;

АБСУРД (лотинча: ab-surdus – бемаврид, маънисиз, *каркулоқ*) [адабий жараён] – борликни бадиј акс эттиришнинг бир тури бўлиб, унинг учун воќеалар тартибидаги сабаб-окибат муносабатларининг бузилиши ва инсон борлигининг маънисиз жиҳатларини акс эттириш характеридир. А. авангардизм санъатида кўпроқ бўй кўрсатган бўлиб, бу тафаккурнинг шаклга номувоғиклиги асосида келиб чиккан. А.га хос жиҳатлар *сюрреализм*, *дадаизм*, *концептуал санъат*, *видео-арт*, *поп-арт*, *соц-арт* каби оқимларда ҳам қўлланилган. Муайян нарса, воқеа ва хулосанинг ички зиддияти, нотугрилиги ва ясамалиги; фалсафада муайян ғоялар, қарашлар ва таълимотларнинг ғайрилмийлиги, хаётта мос келмаслиги. Иккинчи жаҳон уруши ва урушдан кейинги давр Европа зиёлиларининг тушкун қарашларини ифодалаган.

Мантикли, тўгри ва оқилона тушунчаларнинг зиддидир. А.Камюнинг “Сизиф ҳакида миф” (1942), яъни “абсурд ҳакида эссе”сида Камю ўлим ҳакидаги фикр-мулоҳазаларини, инсоннинг ўз-ӯзидан бегоналашиб костиши, воқеликни билиб бўлмаслик, яшаш маъносини англашнинг мумкин эмаслиги, эркинликнинг ягона манбаи сифатида абсурдни кўрсатиш хусусидаги мушоҳадаларини бир жойга тўплаб, абсурд қаҳрамони сифатида афсонавий Сизифни тасвирлайди. Замонавий ад-тда абсурднинг турли кўринишлари мавжуд бўлиб, анъанавий ифодадан фарқли бир шаклда асар яратилишига ҳам абсурд деб қаровчилар мавжуд. Р.Музилнинг “Моҳиятсиз одам” (1930–43). Туркча манбада А. нинг маъноси *сочма*, *абас*; *кулунч*, *маъносиз* деб берилган ва турк насрода *Аҳмад Ҳамдий Таппинарнинг “Саатлари айралама энституси”* (“Соатларни фарқлаш институти”, 1962) романи мисол келтирилган. Ўзбек ад-тида А.Қаҳхорнинг “Сароб” романига А. намунаси деб қаровчилар мавжуд.

- Лит-ный энц-кий словарь. М.: СЭ, 1987. С.9; Ионеско Э. Противоядия. М., 1992; Turk Duyasi Edebiyat Kavramları ve Terimleri Ansiklopedik Sözlüğü. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Merkezi Baskanlığı, 2001. S.17; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. – С.8; Фалсафа. Қомусий лугат. Туз. ва мас. мухар.: К.Назаров. Т.: Ўз-н файласуфлари миллый жамияти нашр., Шарқ НМАК, 2004. Б.8; Власов В., Лукина Н. Авантгардизм, модернизм, постмодернизм / Малый лексикон искусства. СПб.: АЗБУКА Классика, 2005. С.9-16; Белокурова С.П. Словарь лит-ведческих терминов. СПб.: Паритет, 2006. Б.10; Karataş T. Ansiklopedik Edebiyat Terimleri Sözlüğü. Ankara, 2007. S.17.

~ драма – XX аср 50–60 – й.лар драматургиясида *авантгардизм* оқимида вужудга келган оқим. Экзистенциализм фалсафасида А.Камю, Ж.-П.Сартр асарларида учрайди. А.Д. бошланган. С.Беккет асарлари б-н Э.Ионесконинг «Кал күшикчи» (1950), «Гадони кутиб» (1952) драмалари премьерасидан кейин туғилган. Абсурд драманинг таникли вакили сифатида Алберт Жамус, Эжсан Конеско асарлари курсатилади. А.д. муаллари сифатида Францияда Ж.Жене, Б.Виан, кисман А.Адамова, Италияда Д.Буццати, Э.Д’Эррико, Англияда эса Х.Пинтер, Н.Симпсон курсатилади.

А.Д. анъанавий драматургия б-н қайсидир маънода ўз давомийлик риштасини узади. Буни мутахассислар *абсурдизация* деб номлайдилар, бу усул романтизмда, айниқса, сатирик драмаларда кўл келади. Шундан келиб чишиб, А.Д.га нисбатан *антидрама*, *антитеатр* истилоҳлари хам кўлланилди.

- Esslin M., The Theatre of the Absurd. New York, 1961; Проскурина Т. Французская антидрама (50–60-е гг.). М., 1968; Дорошевич А.Н. Абсурда драма / Лит-ный энц-кий словарь. М.: СЭ, 1987. С.9; Барт Р. Избранные работы. Семиотика. Поэтика. М., 1989; Ионеско Э. Противоядия. М., 1992; Великовский С.И., Умозрение и словесность: Очерки французской культуры. СПб., 1999.

АБТАР (арабча: ابتر – илдизи б-н купориш) [поэтика] – аруз илмида зиҳоф номларидан бири бўлиб, *мафоийлун* аслининг ўзгартирилиши натижасида ҳосил бўлади. *Фаъ* (–) тармоқ рукни номи. Навойнинг «Мезону-л-авзон» асарида шу истилоҳ кўлланилган: *Аммо фуруъи: мафоъилун – мақбуз, мафоъилу – макфуф... фаъ – абтар*. Бобуршоҳ «Рисолайи аруз»да А.нинг *абтари маҳбун*, *абтари машқул*, *абтари маҳбуни маҳзуф* каби шаклларини курсатади: «Ахрам била ахраб авзонининг ижтимоъидин шеър номавзун бўлмас. Бу баҳрлардин доги рубоъий вазни ҳосил бўлур... рамадин *абтари маҳбун*: *фаъилун* *фаъилотун* *фаъилотун* *фаъилун*, *абтари маҳбуни маҳзуф*: *фаъилун* *фаъилотун* *фаъилотун* *фаъилун*».

- Заҳириддин Муҳаммад Бобир. Мухтасар / Нашр. тайёрл. С.Ҳасанов. Т.: Фан, 1971. Б.60; Тоир У., Саидали С. Комуси кофия ва арузи шеъри ачам, ч.1. Душанбе: 1994. С.22-24; Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи лугати. Т.: 1998. Б.7.

АБУ (арабча: ота) [тилшунослик] – атоқли отдан аввал келадиган куня: Абу Али – Алининг отаси.

АБУ, Эдмон (1828–1885) – француз адаби, Париж Бадиий академияси аъзоси (1884). Юнонистонда туғилган ва болалигини ўша ерда кечирган. 1851 й. Францияга кўчиб келган. «Ҳозирги Гречия» сатирик киссаси (1854), «Тоғлар кироли» (1857) романни оркали танилган. А. шунингдек, «Қулоғи синган одам» (1861), «Бир нотариуснинг бурни» (1862), «Яхши инсон романни» (1880), «Толла» каби асарлар муалли. Наполеон III нинг кўмаги б-н Римга келиб, унинг гояларини тарғиб килувчи бир катор мақолалар ёзган. Дастрлаб бонапартчи бўлган, сўнгра республикачилар тарафига ўтган. А. романларида Рим жамияти каттиқ танқид остига олинган. Унга аччиқ киноялари туфайли “Вольтер ўғли” лакаби берилган.

- Абу Э. Роман хорошего человека. М., 1907.
- Наркевич А.Ю. Абу, Эдмон / Краткая лит-ная энц-я, т.1. М.: СЭ, 1962. С.41; Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Энц-кий словарь в 12 томах. Биографии, т.1. М.: СЭ, 1991. С.30.

АБУ АБДУЛЛОХ Бағдодий (XII) – араб олим, тилшунослик илмига доир асарлар ва лугатлар тартиб берган. Тўлик номи: Абу Абдулоҳ Қосим б. Салом Бағдодий. Шамсиддин Қайс Розийнинг “Ал-Мұъжам...” асарининг

кофия ва шеър танкиди бобида т.га олинади ва ундан кўчирма келтирилади. А.А. нинг ёзишича, мавзун, яъни вазнга солинган сўз (шеър)ни дастлаб Яъруб б. Қаҳтон айтган экан: «Яъруб донолик куввати ва истеъод закоси ила уни топди, мавзун сўзни номавзундан фарқ килди ва фавқулодда икки байт айтди. Ва аъёнлар, қариндошлар, қариялар, яқинлари ҳузурида шеърхонлик килди. Улар – ҳаргиз манзум сўз эшитмаган эдилар – сўрадилар: «Бу кандай муаззам сухан сўз тартибидурки, сендан аввал бундай сўз эшитмаган эдик?» У айтди: «Мен ҳам бу каби суханни ўзимдан топмадим»... Таълим ва таҳлилсиз унга мавзун калом шуурдан келди, уни шеър дедилар ва унинг айтувчисига шоир ном кўйдилар».

- Шамси Қайси Розий. Ал-Мўъжам (муал.и сарсухани тавзсҳот ва ҳозиркунандай чоп У.Тоиров). Душанбе: Адиб, 1991. Б.264-269; Шарқ мумтоз поэтикаси Ҳ.Болтбаев талқинида. Т.: ЎМЭДИН, 2008. Б.287.

АБУ АБДУЛЛОХ Зарир Абивардий – к.: Абивардий.

АБУ АБДУЛЛОХ ИЛОКИЙ (в. 1008) – машхур ҳаким. Асл исми: Шарафуддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Юсуф ал-Илокий, ўрта асрларда яшаган, *Иbn Сино*нинг шогирдларидан бири. Илок воҳаси (хоз. Тошкент вилоятининг Оҳангарон дарёси атрофи)да туғилган. Дастрлабки маълумотни Шош (Тошкент) мадрасаларидан бирида олиб, сўнг ўз билимини такомиллашиб учун дастрлаб Бухорога, кейин Урганчга бориб таҳсил олган. Ибн Сино б-н учрашиб, унинг таълимини олган. А.А.И. фалсафа ва тарих б-н шуғулланган. «Куллиёти тибби Илокий» («Илокийнинг табобат ҳакида рисолалари») асарида тиббиёт тарихига оид маълумотлар берилган.

АБУ МУҲАММАД АБДУЛЛОХ ад-Диноварий – к.: Ибн Кутайба.

АБУ АБДУЛЛОХ МУҲАММАД ибн ИСМОИЛ БУХОРИЙ (810–870) – буюк ҳадис олими. Отаси шайх Исмоил ибн Иброҳим ахли ҳадислардан бўлиб, бир оз тижорат ишлари б-н ҳам шуғулланган. А.А. ёшлигига отдан етим қолди. 10 ёшларида араб т. ва Ҳадис илмини кунт б-н ўрганишга киришиди. Бухоролик мұхаддислар Муҳаммад ибн Салом ал-Пойкандий (777–839), Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Маснадий ал-Жуъфий (в. 843)лардан кўп ҳадисларни ёд олди. 16 ёшида акаси Аҳмад ва онаси б-н ҳаж сафарида бўлди. Зиёрат асносида Балх, Бағдод, Куфа, Басра, Дамашк, Маккаю Мадина ш.ларида ҳам бўлди. А.А. ўта истеъодли, ҳофизаси ўткир олим эди. Ривоят килишларича, қайси бир китобни қўлга олиб, бир марта мутолаа қиласа, ҳаммаси ёд бўлиб колаверарди. А.А. ўз сўзига кура, олти юз минг ҳадис тўплаб, юз минг саҳиҳ (ишончли) ва икки юз минг гайрисаҳиҳ (ишончсиз) ҳадисни ёд билар экан. Унинг шогирдларидан Амр ибн Фаллос: «Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийга маълум бўлмаган ҳадис, албатта, ишончли ҳадис эмастур” деган. Устозларидан Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ал-Марвазий (780–855)нинг айтишича, “бутун Ҳурсондан Муҳаммад ибн Исмоил каби олим

чиқкан эмас”. Ҳадис илмида етиштирған шогирдлари: Абу Исо Термизий, ан-Насойи, Абу Заръя, Юсуф Форәбий, Абу Бакр ибн Хузайма кабилар.

А.А. 20 ёшидаæk бир неча китоблар муал.и сифатида машхур булди. Алломанинг “Ал-адаб ал-муфрад” («Адаб дурданалари»), “Ал-Жомеъ ас-Сахих” (“Ишончли ҳадислар тұплами”)дан ташқари яна йигирмага яқин китоби булиб, күплари бизгача етиб келмаган. А.А. яраттан “Сахиҳи Бухорий” тұрт жылд (жұз)дан иборат булиб, тұпламга 600 минг ҳадисдан 7563 та эңг сараси жамланған. А.А. үз ватаны Бухорога қайттач, бир мунча вакт толиби илмларга ҳадисдан дарс берган. Амир Холид ибн Ахмад аз-Зухлийнинг фитнаси б-н Бухорони тарк этиб, Хартант қишлоғида истиқомат қылған. 870 й. 30 августда Рамазон ҳайити куни вафот эттан. Самарқанд якинидаги Хартант қишлоғида дағын этилған. А.А. тұплаган ҳадисларни араб т.дан ўзбекчага Зокиржон Исмоил, Музаффар Набиҳон ўғли, Раҳматуллоҳ қори Қосим ўғли, Баҳтиёр Набиҳон, Абдулғани Абдуллоҳ тарж. күлгінлар.

- *Имом Бухорий*. Ал-адаб ал-муфрад. / Ш.Бобохонов, Н.Абдулмажид тарж. Т.: Мовароуннахр, 2006; Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-жомеъ ас-саҳих (Ишонарлы тұплам) / I-4 ж. Т.: Комуслар бош таҳририяти, 2008; Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Сахиҳи Бухорий. Ал-жомеъ ас-саҳих (Ишонарлы тұплам) / I-II китоблар. Т.: ҮМЭДИН. 2008.

- *Бобохонов Ш.* Эттиқодға баҳшида умр / Имом Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад. Т.: Мовароуннахр, 2006. Б. 8-46; Бёртон Ж. Мусульманское предание. Введение в ҳадисоведение, М., 2011.

АБУ АБДУЛЛОХ Мұхаммад ибн Саллам ал-Жумахий (758-846) – араб олимниң шоири. “Табакоту-ш-шуаро” (“Шоирлар табакалари”) – жохилий ва ислом шоирлари тұғрисида маълумот берувчи араб т.даги илк тазкира муал.и. Басрада яшаб ижод эттан, Халил ибн Ахмаднинг шогирди. Балогат конунлари, адабий тапқид ва услуб қоидалари тұғрисида назарий қарашлари бор. Қуръони карим ва балоғат илмининг бадиий сұзға таъсирини тадқик эттан.

- *Ханна ал-Фахури*. История арабской литературы. Ч. 1-2. Пер. с арабск. В.В.Атамали, Д.А.Балпирова, В.С.Сегаля. – М., 1959-60. Ч.2. С. 214; Абдуллаев И. Поэзия на арабском языке в Средней Азии и Хорасане X-начала XI в. – Т.: Фан, 1984. С.32; Quliyeva M. Şərq poeziyasının asas kateqoriyaları. Bakı, 2010. S.96.

АБУ АБДУЛЛОХ Мұхаммад ибн Ҳасан Маъруфий Балхий (IX-X) – ўзбек шоири ва адаби. Абу Абдуллоҳ Рудакий (858-941)нинг күзига мил тортилишига сабабчы бұлған фотимийлик қаралатыннан тарафдарларидан. А.А. меросидан 92 шеър сакланған булиб, улар Умар Родуённый, Шамс Қайс Розий рисолаларида бадиий санъатлар акс эттан шеърий намуналар сифатида т.ға олинған:

Хұкми қазо буд в-ин ба дилам бар,
Мағқам аз он шуд Ки ёр ёри қазо шуд.
Хар чиң биғуя� зи ман нигар, ки нигары,
Ақл жудо шуд зи ман, Ки ёр жудо шуд.

Мазмуни: Қалбимдаги оғир юқ қазо хукмидир, Шундан ёр үлимнинг ўрни бўлди. Нима десам-да менга боқ, бокмасанг, Ақл ҳам, ёр ҳам мендан жудо бўлади.

- Абдуллаев И. Бухорпинг арабийлавис шоирлари. Т.: Фан, 1965; Поэзия на арабском языке в Средней Азии и Хорасане X-нач. XI в. Т.: Фан, 1984; Абдуллоев А. Ад-ти форсу тожик дар нимаи аввали асри XI (Доираи адабиии Ғазнин). Душанбе: Дониш, 1979; Қодиров Б., Муртазоев Б. Чагониён ад-ти (Х-ХII асрлар) Т.: Янги аср авлоди, 2002. Б.17.

АБУ АБДУЛЛОҲ Мұхаммад Танжий – к.: Ибн Батута.

АБУ АБДУЛЛОҲ Нотилий (Х) – фалсафа ва мантлик олими. Абу Али ибн Синонинг ёшлиқдаги устози. Абул Ҳасан Али Захириддин Байҳакийнинг “Татимату-с-савон ал-хикма» асарида фалсафа ва илоҳист илмидан жуда кучли эканин айтилиб, “Вужуд (борлик) ва унинг шархи” номли асарини кайд этади.

АБУ АБДУЛЛОҲ РУДАКИЙ (858–941) – форсий ад-тнинг асосчиси. Тулик номи: Абу Абдуллоҳ Жаъфар бинни Мұхаммад Рудакий. Панжрудак қишлоғида туғилган. 8 ёшида Куръони каримни ёд олган. Сомоний Наср ибн Ахмад саройида хизмат қилган. Абдураҳмон Жомий унинг хушовоз, уд чалишда маҳоратли эканини ёсса, Давлатшоҳ Самарқандий мусика фани ва шеърият устодларидан эканлигини, касида ва маснавийни гузал айтишини зикр қилган. С.Айнийнинг талқинича, форс т.да биринчи девон тартиб берган шоир. Малбаларда унинг асарлари турлича кўрсатилади, умумий ҳажми 700 мингдан 1.300 минг мисрагача. “Модари май” (“Май онаси”), “Шикоят аз пири” (“Карилкдан шикоят”) қасидалари машҳур. “Саҳли мумтанес” (осону мумкин эмас) услубининг асосчиси. Умрининг сўнгтида кўзига мил тортилган.

Рудакий руబойларидан:

Ҳар кимсага ҳам возжисб эмас фазлу қарам,
Лек возжисб эмиши шукри У берса нима ҳам,
Не возжисб эмас Сенда гуноҳ бўлмас экан,
Ҳар возжисб учун менми гуноҳжор, эй Эгам.

(Эргаш Очил тарж.)

- ♦ Осори Рудакий. Душанбе, 1958; Абу Абдуллоҳ Рудакий. Бобо Тохир. Сайланма / Ш.Шомухамедов тарж. Т., 1994. Б.7-81; Бухорийлар бустони / С.Воҳидов тарж. Т., 1998. Б.9-12; Инжулар уммони. Рубонийлар / Ш.Шомухамедов тарж. Т., 1998. Б.11-57; Мухаббат тароналари / Э.Очилов тарж. Т., 2005.

- Мирзоев А. Абу Абдуллоҳ Рудакий. Душанбе, 1958; Айний С. Асарлар. Саккиз томлик, т.8. Т., 1967; Самарқандий Д. Шоирлар бустони / Б.Ахмадов, Н.Норқулов тарж. Т., 1981. Б.22-27; Брагинский И.С. Абу Абдаллаҳ Джабар Рудаки. М., 1989; Жомий А. Баҳористон / Ш.Шомухамедов тарж. Т., 1997. Б.67-68.

АБУ АБДУЛЛОҲ Харис Мухосибий – к.: Мухосибий.

АБУ АБДУЛЛОҲ ХОРАЗМИЙ (Х) – улуг ӯзбек олими, математик ва комусий билимлар эгаси. Тўлик номи: Абу Абдуллоҳ Муҳаммад б. Аҳмад б. Юсуф котиб Хоразмий. Бизгача етиб келган ягона асари «Мафотиху-л-улум» («Илмларнинг калитлари») сомонийлар сулоласининг учинчи вакили Нуҳ б. Мансур (975–997) халифалиги даврида ёзилган. Вазир Абул Ҳасан Убайдуллоҳ Утбийга бағишиланган бу асар араб т.да битилган. Унинг мундарижасидан муал.нинг форс, юнон ва қад. сурёний т.дан хабардорлиги маълум. Қомус шаклида ёзилган бу асарда ўша давр фанларининг мухим соҳаларига оид атамаларнинг маънолари очиб берилган.

Асар икки бўлим (араб илмлари ва гайри араб илмлари)дан иборат бўлиб, биринчи бўлимнинг 1-боби фикҳ, 2-боби қалом, 3-боби сарфу нахв, 4-боби дабирлик, 5-боби илми аруз, кофия ва саноёсга оид истилоҳлар ва 6-боби тарих илмини ёритишга бағишиланган. Боб ўз навбатида беш қисмдан иборат: 1-қисм мазкур фаннинг таркиби, аруз тизимидағи атамалар; 2-қисм аруз варианatlари ва иллатларнинг номлари; 3-қисм кофия ва унинг таркиби; 4-қисм мазкур атамаларнинг келиб чиқиши ва улардан фойдаланиш усуслари, 5-қисм шеърият танқиди ва ундан фойдаланиш йўллари ҳакида. Шунингдек, тўртингчи бобнинг 8-қисми «котибларнинг сўздан фойдаланишдаги маҳоратлари»га бағишиланган. Асарнинг II бўлимида ғайри араб илмларидан назарий ва амалий фалсафа берилади: назарий фалсафага табииёт (биология, минерология, кимё, механика) ва риёзиёт (математика, нујум) илмлари киради; амалий фалсафага ахлокшунослик, оилани бошқариш, сиёсат илмлари киради.

А.А. ўзигача яратилган араб т.даги поэтик манбалар Ҳалил б. Аҳмад луғати. Ибн Мұтаззининг «Илму-л-бадеъ» ("Бадиият илми"), Кудама б. Жъъфарнинг «Нақду-ш-шсьр» ("Шсьр танқиди") каби асарларидан ижодий фойдаланган. Қомуснинг Лейден, Берлин ва Лондон фондларида сакланувчи бешта кўлёзмаси асосида яратилган танқидий матни голланд олими Ван Флотен томонидан 1895 й.да напр қилинган ва кўплаб Европа т.ларига тарж. килинган. Мазкур асар Ю.И.Крачковский, В.В.Бартольд, П.Г.Булгаков, М.Хайруллаев, Р.М.Баҳодиров, М.Зибведдинова томонидан тадқиқ этилган.

- Крачковский И.Ю. Арабская поэтика IX века / Изб. соч., т.2. М.Л., 1956. С.361-372; Арабская средневековая культура и лит-ра. М.: Наука, 1978; Куделин А.Б. Средневековая арабская поэтика. М.: Наука, 1983; Баҳодиров Р. Абу Абдуллоҳ Хоразмий ва илмлар таснифи тарихидан. Т.: Ӯзбекистон, 1995; Зиёвуддинова М. Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг "Мафотиху-л-улум" асарида поэтика. Г., 2001. Б.21-28; Шарқ мутмоз поэтикаси Ҳ.Болтабоев талк. Т.: ӮМЭДИН, 2008. Б.175.

АБУ АБДУРАҲМОН СУЛАМИЙ (936-1021) – тасаввуф ад-тининг намояндаси, мутасаввифларни илк бор табакаларга (даврий тартибда) ажратган аллома. Тўлик номи: Муҳаммад ибн Ҳусайн ибн Муҳаммад ибн Мусо ибн Ҳолид ибн Салим ибн Ровия ибн Саъид Абу Абдураҳмон Аздий Суламий Нисопурий. Суламий нисбасини она томонидан араб кабиласига тегишли бўлгани учун олган. Бағдод, Рой, Ҳамадон, Марв ва Ҳижозда бўлган ва кўплаб тасаввуф алломалари ҳакида маълумот тўплаган. Тасаввуф

алломаларидан Захабий уни “тасаввуф илмининг шайхи, суфийлар тарихи, табакотининг тафсирчиси сифатида танилган. Тасаввуф ахли ҳақидаги ҳадисларни тұплаган. Асарларининг сони юздан ортиқ” деб таърифлайды. Асосий асарлари: “Ҳақиқату-л-Тафсир” (“Тафсир ҳақиқатлари”), «Табакоту-с-суфий» (“Суфий табақалар”), “Тасаввуф ахли тарикатининг мұхтасар (баён)и”, “Мұқаддимату-с-суфий» (“Суфийлик мұқаддимаси”), “Тарикату-л-орифин» («Орифлар йүллари әки суфий шайхлар танлаган йүллар»), “Суфийларнинг ҳатолари ҳақида рисола” в.б. А.А.С.нинг «Табакоту-с-суфий» (“Суфий табакалар”) асари беш табақага бүлинген булиб, биринчи табақада Шайх ибн Ийод, Зуннун Мисрий, Шайх Бишр Ҳофий, Абул Ҳасан Сарий, Хорис Мухосибий, Шақік Балхий, Абу Йазид Бистомий, Абу Сулаймон Дароний, Маъруф Кархий, Хотим Асом, Ахмад Ҳаворий, Ахмад ибн Ҳадравайх, Яхъе ибн Муаз Розий, Абу Ҳафс Ҳаддод Нисобурый, Ҳамдун Қассор, Мансур ибн Аммор, Ахмад Антокий, Абдуллох б. Ҳубайқ Антокий, Абу Туроб Нахшабий ҳақида; иккінчи табақада эса Абул Қосим Жунайд, Абул Ҳусайн Нурий, Абу Усмон Ҳирий Нисобурый, Абу Абдуллох б. Жалло, Рувайм б. Ахмад Бағдодий, Юсуф Розий, Шох б. Шужөв Кирмоний, Самнун б. Умар Мухиб, Усмон Маккий, Абдуллох Тустарий, Мұхаммад б. Фазл Балхий, Мұхаммад б. Али Термизий, Абу Бакр Варроқ, Абу Саъид Ҳарроз, Али б. Асхил Исфаҳоний, Абул Аббос б. Маврук Тусий, Абу Абдуллох Мағрибий, Абу Али Жұзжоний, Абу Абдуллох Сажазий ҳақида маълумотлар, уларнинг ҳикматларидан намуналар берилген.

- *Имом Абдурраҳмон ас-Сулламий*. Табақоти суфийя (араб т.дан М.Нуритдинов тарж. Мас. мұх-р Асрор Самад). Т.: Фан, 2004.

АБУ АЛИ Рудборий (в.1014) – қ.: Рудборий.

АБУ АЛИ ибн СИНО (980–1037) – машхур табиб, файласуф, мусикашунос ва мұтасаввиф. Тулық исми: Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллох ибн Ҳасан ибн Али ибн Сино. Бухоро вилоятидаги Ағшона кишлоғида туғилған. “Шайху-раис” (“Донишмандлар раиси”) номи б-н машхур. А.А.нинг ёшлиги ва йигитлик даври Нұх II ибн Мансур Сомоний хукмронлиги й.лари (976–997)да Бухорода үтди. Абу Абдуллох Нотилийдан фалсафа, Ҳасан ибн Нұх ал-Күмрийдан табииёт илмини ұрганды. 16–17 ёшларда машхур табиб булиб танилди. Бухорони кораҳонийлар зabit эттac, 1000 й.да Бухородан чиқиб, Хоразмга борди ва Хоразмда Маъмун академиясында ишлади. Лекин Махмуд Газнавийнинг таъкибидан кочиб, Эрондаги турли ш.ларда яшади. Журжонга келгач, Ибн Сино ҳоким Қобус ибн Вашмғир саройида вазир ва табиб сифатида шұхрат козонди. 1019–21 й.ларда Ҳамадонда вазир лавозимида хизмат килди. Баъзи сабабларға құра бу срдан кочиб, Исфаҳонга борди ва бутун умрими илм-фанға бағиiplади.

А.А. буюк табобат олимі, файласуф, математик, мантиқшунос, мусика ва тишишунослық илмларининг етакчisisи сифатида 450 дан ортиқ асар ёзған, шундан 242 таси бизгача етиб келған. Фалсафа соҳасида “Табииёт”,

“Мантиқ”, “Баъд ат-табиа” (“Метафизика”), “Азхавиййа” (“Ёруғланиш”) асарлари муал.и. Арасту ва Форобийнинг издоши. Мантиқ илмига оид “Арганун” (“Органон”) тўпламини тузган, бу тўплам мантиқка оид “Маъкулот” (“Силлогизм”), “Муқаддима” (“Топика”), “Хитоба” (“Риторика”) фанларини қамраб олган. Асосий илмий асарларидан бири “Тиб конуплари” узок давр мобайнида дунё тиббиёт ходимлари учун кўлланма бўлиб келган. Тиббиётта оид “Рисолайи набз” (“Пульс ҳакида таълимот”), “Жавдия” (“Ажойиб маслаҳатлар”) асарлари ҳам маълум. 149 бобдан иборат “ал-Воҳия” (“Файзия”) асари рецептлар тўпламидир. “Уржуза” тиббий достон бўлиб, 1329 байтдан иборат бу асарда муал. санъат (шсьрият) ва илм (тиббиёт)ни ўзаро бирлаптириди. “Шоирлар сўз соҳиблари бўлса, табиблар соғлик фаришталаридир. Улардан бири гўзал сўзлар б-н рухни кувонтиrsa, иккинчилари садоқат б-н жисм (тана)ни даволайдилар” деб ёзди муал.. Бадий ижод соҳасида форс т.да 46 рубоий, 5 китъя, 2 байт ёзгани ва араб т.да “Касидайи айния” асари маълум. Умар Хайём рубоийда А.А.ни ўзига устоз деб билган. “Тайр киссаси”да тана кафасидан кутилган рухнинг арши аълого, яъни ўзи яратилган жойга қайтиши ифодалантган. “Саломон ва Ибсол”, «Ҳайй ибн Яқзон», “Юсуф”, “Меърожнома” каби насрый асарлари X–XII асрларда Ўрта Осиёдаги бадий насрнинг юксак намуналаридир. Адтшуносликка оид “Ал-хикмат ал-арузия” (“Аруз хикматлари”), “Ал-мантиқ фи аш -шэър” (“Шэър мантиқи”), “Ал-қасойид фи-л-узмат ва-л-хикмат”, т.шунуносликка оид “Лисану-л-араб” (“Араб тили”), “Махорижу-л-хуруф” (“Ҳарфларнинг маҳражлари”) асарларини битган. Тасаввуф олими А.А.нинг “Ат-танбех ва-л-ишорат” асарининг биринчи қисмida мантиқ, иккинчи қисмida табииёт, учинчи қисмida рухшунунослик (метафизика)га оид масалалар кўриб чиқилади. Сўнгти қисмда муал. ижод ва яратувчанлик тушунчаларининг фарки ҳакида, рухнинг танадан ажralиши, шодлик ва баҳт, суфийликнинг даражалари (обид, зоҳид ва ориф), мұъжиза ва кароматлар хусусида сўз юритади. Асарнинг хулоса қисми “Васият” деб юритилган. “Рух (жоп) ҳакида” асарида маъдан руҳи, ўсимлик ва хайвон руҳлари, инсон руҳи ва унинг камолоти ҳамда рухнинг танадан ажralгандан кейинги ҳаёти ҳакида сўз юритади. А.А. “Ёруғланиш” асарида басират – қалб кўзи очилган, янглишлар коронгулигидан кутулиб, онги ва шуури ёришган зотларнинг Илохий олам асрорини кашф этиш кудратига эга бўлиши ҳакидаги тасаввуф таълимотини баён қилган. Бу асарларида тасаввуф таълимотида ирфоний ишқ фалсафасини илгари сурган. А.А.нинг “Рисола фи-л-ишқ” асари етти боб, яъни: ҳар бир якка (индивид) моҳиятидан келиб чиқадиган ишқ ҳакида (1); оддий жонсиз моҳиятлар – маъданларга хос севги ҳакида (2); ўзига хос миқдордаги озиқланиш қувватига эга мавжудот (ўсимлик) севгиси ҳакида (3); ўзига хос жонли мавжудот – хайвоний руҳ эгалари севгиси ҳакида (4); ёш ва ёркин чиройи б-н ажralиб турадиганлар ишқи ҳакида (5); ахли дил ишқи ҳакида (6) ва хулосалар (7)дан иборат.

◆ Абу Али ибн Сина. Канон врачебной науки, т.1-6. Т., 1954-60; Донишнамэ. Душанбе, 1957; Авжи зуҳал. Сатурна предсл. Душанбе: Ирфон, 1980; Избранные философские

АБУ АЛИ ШОШИЙ-АБУ АЛИ ҲУСАЙН

произведенния. М., 1980; *Абу Али ибн Сино. Шеърлар ва тиббий достон* / А.Ирисов тарж. Т., 1981; Тарж.и хол / А.Ирисов. Ҳаким ибн Сино. Т.: Уз-н, 1992; Ишқ ҳакида рисола / М.Маҳмуд, З.Бахриддинов тарж. // Шарқ юлдузи. 2014, 1-2 сон.

• Семенов А.А. Абу Али ибн Сина. Сталинобод, 1953; Терновский В.И. Ибн Сина (Авиценна). М., 1968; Серебряков С.Б. Трактат Ибн Сино о любви. Тбилиси, 1976; Абу Али ибн Сино. К 1000-летию со дня рождения. Т., 1980; Завадовский Ю.Н. Абу Али ибн Сина (опыт критической биографии). Душанбе: Ирфон, 1980; Сурат ва сийрати Июн Сино / Тартиб: А.Алимарданов, Додалишоев. Мухар. Масъул К.Айний. Душанбе: Ирфон, 1980; Сайдадзе Л. Ибн Сина. Т.: Изд. им. Г.Гуляма, 1983; Сагадеев А.В. Ибн Сина. М.: Мысль, 1985; Ҳусайнзода Ш., Шарифов Х. Макоми Ибн Сино дар шеъри адаби тоҷик. Душанбе: Маориф, 1985; Захирiddин Байҳакий. Татиммату-с-сивон ал-хикма. Т., Фан, 1987; Торжество разума. Материалы международной сессии, посвященной 1000-летию со дня рождения Абу Али ибн Сино (Авиценны). Душанбе: Дониш, 1988; Шидфар Б. Ибн Сина. М.: Восточная литература, 1986; Болтаев М. Ибн Сина – великий мыслитель средневекового Востока. М.: Сампо, 2002; Фехристи нусхаҳои мусаннифоти Ибни Сино аз Яҳё Маҳдияй. Техрон, 1333.

АБУ АЛИ ШОШИЙ (в. 956) – факих, шайх. Тўлик исми Аҳмад ибн Мұхаммад ибн Исҳоқ Абу Али Шоший, Тошкент ш.да туғилган. У Абу Ҳанифа мазхабидаги факихлардан. Бағдодда яшаб, у ерда таҳсил олган. Истъододи ва билимининг куввати б-н жамоанинг шайхи даражасига этишган. Бағдод мадрасаларидан бирида устози Абулҳасан ал-Кархий фалаж (шол) булиб колганида, таълим ҳамда ҳадис илмидан сабок беришни Абу Али Шошийга топширган.

АБУ АЛИ ҲАСАН ибн Рошиқ (999–1064) – араб олими ва адаби. Балоғат, шеър навлари ва танқидига доир илмий рисолалар ёзган. Асосий асари: “Ал-Умда фи маҳосину-ш-шесър ва адабихи ва нақдиҳи” (“Шеър таърифи, гўзалликлари ва адабий танқид”), «Таянч» в.б. Ибн Мұтаззининг “Китобу-л-бадиъ” асаридан фойдаланиб ёзган ушбу асарида шеърга таъриф берган, унинг маҳосини, яъни гўзалликлари, лафзий ва маънавий санъатлар, шеърий асарни таҳлил килиш йўлларини баён килган.

• Крачковский И.Ю. Избранные сочинения. Т.VI. М.Л., 1960.

АБУ АЛИ ҲУСАЙН ибн Аҳмад ас-Салломий ал-Байҳакий (Х) – узбек адаби ва олими. Термизда Сағопийлар саройида мулозимлик килган. А.А.нинг ҳукмдор Абу Али топшириги б-н ёзилган «Китоб ат-тарих фи ахбор вулат Ҳурсон» («Ҳурсон ҳукмронлари ҳакида тарих китоби», 955) ҳозиргача топилмаган, бу асар Беруний, Абу Мансур Саолибий, Гардизий асарларига манба бўлган. А.А. номи Низомий Арузий Самаркандий, Мухаммад Авфий, Абу Умар Жузжоний, Алоуддин Отамалик Жувайний в.б. асарларида хурмат б-н т.га олинади. А.А.нинг «Китобу-н-патф ва аз-зарф» («Ҳикматли сўзлардан намуналар»), «Китобу-л-мисбоҳ» («Чирок ҳакида китоб»), «Китобу-с-сор» («Гасдик китоби») каби асарлари бизгача етиб келмаган. А.А.нинг шеърий меросидан намуналар Абу Мансур Саолибийнинг «Йатимат ад-даҳр...» асарида келтирилган.

• Аблуллаев И. Бухоронинг арабийнавис шоирлари. Т.: Фан, 1965; Поззия на арабском языке в Средней Азии и Хорасане X-нач. XI в. Т.: Фан, 1984; Абдуллоев А. Ад-ти форсус тожик дар пимай аввали асри XI (Доираи адабии Фазният). Душтабе: Дошиш. 1979; Кодиров Б., Муртазоев Б. Чагониёп алабиёти (Х-ХII асрлар). Т.: Яиги аср авлоди, 2002. Б.17.

АБУ АМР ибн АЪЛО (в. 771) – араб олими. Басра ш.нинг мударрисларидан. Аббосий халифалигининг етук олими, арушунос **Халил ибн Ахмаднинг** устози. Аруз ва кофия имига багишланган рисолалар муаллифи.

АБУ АЪЛО ал-МААРИЙ (973–1057) – шоир, адиб ва файласуф. Тулик исми: Ахмад ибн Абдуллоҳ ибн Сулаймон, буюк араб шоир ва мутафаккири. Шом (Сирия)нинг Марръ ан-Нуъмон ш.да кози оиласида туғилган. Түрт ёшида чечак касали б-н оғриб, бир кӯзи, олти ёшида эса, иккинчи кӯзи кўрмай колган. Замондошлари ва издошлари (Ёкут Ҳамавий, Ибн Ҳалликон, Ибн Жавзий, Абдулкарим Самъоний) А.нинг ҳайратланарли хотираси ҳакида ёзадилар. У 6-8 ёшларида Куръони каримии ёд билган. Ҳалаб ш.да ўқиган. Амир Сайфуддавла ҳомийлигига буюк файласуфлар асарлари б-н танишган. Асосий асарлари: “Сакт аз-Занд” (“Чақмоктош учкунлари”), “Ал-лузум ма ла йалзам” (“Назарий карашлар зарурияти”), “Ўрмон ва бутоклар”, “Фасл ва максадлар”, “Вазн ва кофиялар буйича умумий кўлланма”. Сўнгги асари “Рисолату-л-ғуфрон” (“Мағфират рисоласи”) Ибн Карихнинг ҳажвиясига қарши ёзилган. “Рисолату-л-малойика” (“Фаришталар рисоласи”) асарида мутойиба оҳангидга ҳалол одамларнинг нодон ҳукмдорлар томонидан эзилаётганини тасвирлайди. Абу Таммом (788–845), ал-Бухтурий (820–897), Абу-т-Тайиб Мутанаббий асарларига шархлар ёзган. Сайфуддавла вафотидан сўнгра Багдодга бориб, аббосийлар халифалигига ижод килган. Сунгра эса салтанат ишларига аралашмай, умрини ёлгизлиқда ўтказган.

А.А. ҳакида арман шоири А.Исақян достон ёзган, уни Асқад Мухтор ӯзбек т.га тарж. килган.

- Абу Аъло ал-Маррий. Сакт аз-Занд. Байрут, 1957; Изб. М.: ГИХЛ, 1990; Расойил. Байрут, 1994; Рисолату-л-ғуфрон. Кохира, 1998.
- Крачковский И.Ю. Ал-Мутанабби и Абуль Ала. Избранные соч. Т.2. М.Л., 1956; Широян С. Улут араб шоир ва мутафаккири Абуль Аъло ал-Маррий. Т., 1958; Рустаев А. Абуль Аъло ар-Маррий. Т.: Фан, 1965; Шифдар Б.Я. Абуль Ала ал-Маррий. М.: Наука, 1985; Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Энц-кий словарь в 12 томах. Биографии, т.1. М.: СЭ, 1991. С.31-32; Маҳмудов М. Ҳуррият кўшиғи / Ахли дил. Т.: Уқитувчи, 1998.

АБУ АЪЛО ШУШТАРИЙ (Х) – форс шоири ва олими. Шеърий ижодидан намуналар етарли даражала сакланмаган. Умар Родуёний “Таржумону-л-балога” (“Балофат таржимони”), Асадий Тусий “Лугати фурус” рисолаларида А.А.нинг шеърларидаги бадиий санъатлардан мисоллар келтирган, шеърларидан атиги 19 байти бизгача стиб келган. Форс арузи ҳакида рисола ёзган, бу рисола кўп манбаларда т.га олинганига қарамай бизнинг даврга кадар етиб келмаган.

- Туйчиева Г. Форс арузи рисолалари. Т., 2008. Б.76.

АБУ АХМАД ибн Абу Бакр Котиб (в. 940~945) – бухоролик шоир ва хаттот. Отаси Абу Бакр ибн Ҳомид сомонийлар саройида котиб бўлган, сунгра амир И smoil ибн Ахмад (900~907)га вазирлик қилган. А.А. вазирлар Абу Абдуллоҳ Жайҳоний, Абул Фазл Бальамийга қарши шсърлар сзгани учун саройдан кетишга мажбур бўлган. Бағдод ва Омулда яшаган. Шеърларида араб шоири ал-Ативий, Али ибн Муҳаммад ибн Бассом каби шоирларга эргашган.

•*Абу Мансур ас-Саолибий. Йатимат ад-дахр. 4-кисм / И.Абдуллаев тарж. Т.: Фан, 1976.*

АБУ БАКР ВАРРОК (в. 980) – машҳур мутасавифлардан. Тулиқ исми: Муҳаммад б. Умар Ҳаким Термизий. Термизда туғилган. Навоий “Насойиму-л-муҳабbat”да “Оти Муҳаммад б. Умар Ҳаким Термизий. Асли Термиздиндур... Абу Исо Термизий тағойисидур. Ахмад Ҳузравайх била сухбат тутубдур ва кўп тасонифи бордур. Ва «Таврот» ва «Инжил» ва «Қутби осмоний»ни ўқубдур ва шеър девони ҳам бордур... Ва онинг сўзицурким: умаронинг фасоди зулм биладур ва уламонинг фасоди тамаъ била ва фуқаронинг фасоди риё била” деб ёзди. Қабри Термизда, аммо айrim манбаларда Балҳда деб ҳам кўрсатилган.

•*Алишер Навоий. Насойиму-л-муҳабbat / МАТ. 17-ж. Т.: Фан, 2001. 135-тартиб.*

АБУ БАКР ВОСИТИЙ – қ.: Воситий.

АБУ БАКР КАЛАВИЙ (в. 1366) – самаркандлик ҳунарманд. Самарканда сарбадорлар ҳаракати (1365-66)нинг раҳбарларидан. Муғул хојларидан Илес Ҳожа ш.га ҳужум қилганида, унга карши бош кўтарған.

АБУ БАКР НАРШАХИЙ (899–959) – тарихчи олим. Тулиқ исми: Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Закарийя ал-Хаттоб ибн Шарик ан-Наршахий. Бухородаги Наршах кишлогида туғилган. Сомонийлар саройида котиблик қилган. А.Б.Н.нинг асосий асари «Бухоро тарихи» («Таҳқики вилояти Бухоро, 943–44). Араб т.да ёзилган ва сомонийлар амири Нуҳ ибн Наср (943–954)га тортиқ қилинган. А.Б.Н.дан сўнг асарни ўғли Абу Бакр Мансур ва набираси Абу Рафи ал-Ала ибн Мансур ибн Муҳаммад ибн Жаъфар асарни давом эттиришган. Асар 943–999 йиллар тарихини ўз ичига олади. Абу Наср Ахмад ибн Муҳаммад ал-Кубавий асарни форс т.га кискартириб тарж. қилган (1128), бизгача тарж. нусхаси етиб келган. Асар 36 бобдан иборат. Бухоронинг барпо этилиши, қад. номлари, қад. подшоҳлари, Кармана, Нур, Искажкат, Зандана, Вардона, Афшона, Баркат, Ромитан, Варахша, Байканд (Пойкенд) в.б. жойлар, ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётида содир бўлган муҳим тарихий воксалар баён қилинади. Китобда Бухоро ахолиси томонидан ислом динининг кабул килиниши, *Муқанна*, *Абу Муслим* кўзғолонлари, сомонийлар давридаги маданий ҳаёти ҳам акс этган.

«Бухоро тарихи» Париж (1892)да француз, Бухоро (1904) ва Техрон (1939)да форс, Тошкент (1897)да рус, Лондон (1954)да инглиз, Тошкент (1966, 1993)да ўзбек, Душанба (1979)да тожик т.да нашр этилган.

- ◆ *Наршахи. История Бухары.* Пер. С.Ликошина. Т., 1897; *Наршахий А.* Бухоро тарихи. Т., 1966.
- Стори Ч.А. Персидская лит-ра. Био-библиографический обзор. Ч.П. М.: ИВЛ, 1972. С.1108-112; Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. Т.: Ўзбекистон, 1981. Б.29-31; Камалиддинов Ш.С. «Китоб ал-ансаб» Абу Са'да Абдалкарима ас-Сам'ани как источник по истории и истории культур Средней Азии. Т., 1993; Насафий Н. Самаркандия. Т., 2001.

АБУ БАКР НИШОБУРИЙ (852–935) – файласуф адиб, ҳадис ва фикх илмининг билимдони. Тўлиқ исми: Абдуллоҳ б. Муҳаммад Абу Бақр. Хуросонда туғилган, Бағдодда яшаган.

АБУ БАКР РОЗИЙ (хижр. 240–320) – ислом дунёсида табобат илмининг асосчиларидан. Эроннинг Рой ш.да туғилган. Илм олиш мақсадида Шом (Сурия), Ироқ, Андалусия (Испания) ва Мисрга сафар килиб, бир муддат Бағдодда яшаган. Бухорода сомонийлардан Мансур ибн Исмоил саройида бош табиблик қилган. Табобат илмига оид “Ал-Куношу-л-Мансурий” асарини ҳукмдор Мансурга бағишлаган.

180 дан ортиқ илмий асарлар ёзган. Тиб илмига оид асарларидан ташкари «Хайъату-л-олам», “Рухий тиббист” асарлари муал.и.

- ◆ Абу Бақр ар-Розий. Сирру-л-асрор / У.Каримов тарж. Т.: Фан, 1983.
- Фитрат А. Нажот йули. Т.: Шарқ НМК. 2001.

АБУ БАКР САГОНИЙ (Х) – адиб, географ ва мунахжим. Тўлиқ номи: Абу Бақр Аҳмад ибн Муҳаммад Сагоний, уни Беруний хурмат б-н т.га олган. «Таҳтитул-устурлоб» («Устурлоб хатолари»), «Китоб фи тасҳех ат-том» («Муттасил аниклашлар кигоби»), «Қавонини илми ҳайъат» («Ер шакли илми конунлари») асарлари муал.и.

- Абдуллаев И. Бухоронинг арабийнавис шоирлари. Т.: Фан, 1965; Поэзия на арабском языке в Средней Азии и Хорасане X-нач. XI в. Т.: Фан, 1984; Абдуллоев А. Ад-ти форсус тожик дар шимаи аввали асри XI (Доираи адабии Фазип). Душанбе: Дошиш, 1979; Қодиров Б., Муртазоев Б. Ҷағониён адабиёти (Х-ХII асрлар) Т.: Янги аср авлоди, 2002. Б.17.

АБУ БАКР СИДДИҚ (572–23.VIII.634) – Муҳаммад Пайғамбар (с.а.в.)дан кейинги биринчи халифа (632–634). Тўлиқ номи: Абу Бақр Абдуллоҳ ибн Абу Қаҳҳофа ибн Омир. Курайш қабиласидан. Ҷаҳорёр (хулафои рошидин – тўгри йўлдан борган халифа)ларнинг биринчиси. А.Б. Пайғамбар (с.а.в.)га ва ислом динига бўлган садокати туфайли Сиддиқ нисбаси берилган. Истро ва меъроҷини илк марта тасдиклаган. Исломни қабул қилмай туриб, исми Абдулкаъба эди. Мусулмонликни биринчилардан бўлиб қабул қилгач, Абдуллоҳ исмини олди. Ҳижрат пайтида (Маккадан Мадинага) пайғамбар (с.а.в.)га ҳамроҳ бўлган. Бадр, Ухуд, Ҳандак, Худайбия жангларида иштирок

этган. Қуръони каримни гурли ҳофизлардан түплаган. 142 ҳадис ривоят килган. Халифалик даврида Ирок ва Шом (Сурия)ни фатх килган. Мадинада вафот этган, Мухаммад пайгамбар (с.а.в.) қабри ёнига дағы килинган.

- *Большаков О.И.*: История халифата, т.1. М.: Наука, 1978; *Соғуний А. Тарихи Мухаммадийя*. 1993; Закон Күпрапа. Пайгамбаримиз ва ашараи мубашшара. 1-китоб. Т., 1995.

АБУ БАКР Тойободий (XIV) – Амир Темурнинг пири. Тулик номи: Шайх Зайнуддин Абубакр Шайх Али б. Шайх Абубакр б. Шайх Ахмад б. Шайх Мухаммад б. Шайх Махмуд б. Шайх Сухайл Тойободий. Нисбаси: шайху-л-аълаи. Ҳуросоннинг Тойибод ш. туғилган. “Тсмур тузуклари”да 17 үринда т.га олинган. А.Б. номи Жомийнинг «Нафахоту-л-унс», Низомий Боҳарзийнинг «Макомоти Мавлоно Жомий», Абул Мұхсин Мұхаммад Бокирнинг «Мақомоти Ҳожа Баҳоуддин Накшбанд» каби асарларида келтирилган. Ҳожа Баҳоуддин Накшбанд б-н Бухорода, Ҳофиз Шерозий б-н Шерозда учрашган. Навоий “Насойиму-л-мухабbat”да: “Мавлоно Низомуддин Ҳиравийнинг шогирдидур. Аммо шариат мутобаати варзиши б-н ботин улуми авбоби ҳам аниңг юзига очилибдур ва билҳақикат увайсий эрмиш. Ва тарбият ҳазрат шайхулислом Ахмад Жом руҳидин тошибдур ва дерларки, Мавлоно муддатлар риезот ва муҳоҳидот била ўткарғандин сўнгра ҳазрат Шайх Мавлоноға зоҳир булиб, дебдурларки, сенинг дардингнинг давосини Ҳақ таоло бизнинг шифохонада куюбдур” деб таърифлайди. А.Б.Т. ҳақида «Мавлоно Абубакр Тойободийнинг қисқа ҳаётномаси ва Тойободда ўтган ҳамсуҳбатлари б-н учрашувларининг зикри» рисоласи бор, унда А.Б.Т.нинг Баҳоуддин Накшбанд, Ҳофиз Шерозий, Мұхаммад Порсо, Немъатуллоҳ Валий, Зайнуддин Ҳавфий б-н мулокотлари акс этган. Амир Темур баъзи шаръий масалалар буйича А.Б.Т. маслаҳатларидан фойдаланган. «Нафойиъу-л-ахбор» (“Хабарларнинг нафлари”) асарида ёзилишича, Амир Темур насиҳат сураганида, «Ҳар ким Ҳудодан кўркса, ҳамма ундан кўркиши мумкин, кимки Ҳудодан кўркмаса, ҳеч нарса ундан ҳайикмайди» деб жавоб бергани қайд этилган. А.Б.нинг ўз қули б-н ёзилган китоблари сакланмаган. Бирок А.Б. нақллари турли маноқибларда келтирилган.

Қабри Тойибод ш.да. Шоҳруҳ Мирзо мақбара курдирган. Мирзо Улуғбек А.Б.Т. мақбарасини қайта таъмиirlab, зиёрат қилиб турган.

- *Алишер Навоий*. Насойиму-л-мухабbat / МАТ. 17-ж. Т.: Фан, 2001. 521-тартиб; Зиндагиномаи мухтасари Мавлоно Абубакр Тойободий ва ошнои жамоли бозохгоҳи Тойибод. Чоп рисолат Тойибод. Масжиди жомеъи Ахноф. Таълифи 1347 Болтабоев X Амир Темурнинг пири / Мумтоз сўз кадри. Т.: Адолат, 2004. Б.25-28.

АБУ БАКР ШОШИЙ (1038–1114) – фикҳшунос олим. Тулик номи: Абу Бакр Мухаммад ибн Аҳмад ибн ал-Ҳусайн ибн Умар ал-Имом ал-Кабир. Фикҳ илмиини Бағдодда Мухаммад ибн Баён ал-Казиуний, Кози Абу Мансур ат-Тусий, Шайх Абу Мухаммад ал-Жувайний сингари алломалардан ўрганган. Шайх Абу Исҳок Шерозийнинг шогирди булиб, кейинроқ улуг имом (ал-имом ал-кабир) даражасига етган. “Фаҳр ул-ислом” (ислом фахри)

номи б-н шұхрат козонған. Багдоддаги Низомия мадрасасыда мударрислик күлгін ва күплаб шогирдлар стиштирган. Фиқх илміга оид «Хилят ал-уламо фи мазоҳиби ал-фуқаҳо» («Факиҳлар мазҳабларида олимлар зийнати») асари б-н танилған. Алломанинг фикхшунослиқка оид «аш-Шофий» («Шифо берувчи») асари машхур. Бу асар араб олими ал-Музаний (791–878)нинг «ал-Мұхтасар» («Қисқача») асарининг шархидир. Ушбу шарх 20 жилдан иборат бўлиб, муал. уни 5 й. давомида ёзган. Алломанинг «Аш-Шофия шоҳобчасининг устуни», «Талокка оид масала» каби асарлари ҳам маълум. А.Б.И. араб ад-ти, грамматикаси, шсьрияти ва тилшунослигини ҳам яхши билған. Бағдодда вафот этган ва «Боб ул-Шероз» макбараасига дағн этилған.

АБУ БАКР ҚАФФОЛ ШОШИЙ (903—976) – тилшунос олим, шоир, мухаддис, факиҳ. Тұлиқ исми: Абу Бакр Мұхаммад ибн Али Исмоил Каффол (кулфчи) аш-Шоший ал-Кабир; Ҳазрати Имом (өғзаки нұтқда – Ҳастимом) номи б-н машхур. Имом ал-Кабир (Улуг имом) нисбаси. Тошкент ш.да ҳунарманд оиласыда туғилған. Араб мамлакатларида сафарда бўлди, анча вакт Бағдодда яшади. Машхур имом Абул Аббос Ахмад ибн Умар ибн ас-Сурайжий (850—918)нинг шогирди. Фиқх, мантиқка оид «Қозининг феълатвори», «Одобу-л-бахс» («Бахс одоби»), «Хусни жадал» («Диалектика гүзаллиги») каби асарлар муаллифи. А.К.Ш.нинг шоирлиги ҳақида Тожиддин ас-Субкийнинг «Табакот аш-Шофиъия» («Шофиъийлик даражатари») асарида маълумот беради ва унинг айрим намуналарини көлтиради.

А.К.Ш. Тошкентда вафот этган, кабри устига XVI асрда макбара курилған.

- Маънавият қолдузлари. Т., 2001; Ҳайит Т. Каффол Шоший. Т., 2004; Үз-н – буюк алломатар юрти. Т.,

АБУ БАКР ҲОМИД ШОШИЙ (в. 1007) – улут әллома ва шайх. Тұлиқ исми: Абу Бакр Мұхаммад ибн Али ибн Ҳомид Шоший. Тошкентда туғилған. Фиқх илмини Абу Бакр ас-Санжийдан үрганған. Тарихчи Абу Саъд Самъонийнинг ёзишича, алломанинг бобоси Имом Абулмұзаффар Самъонийнинг Марвдаги асхобларидан бири бўлған, доимо илм б-н машғул бўлған. Фиқх илмидә имом даражасига етишған. Фазна сұлтони уни саройига тақлиф этгандан сўнг дастлаб Ғазнада ва Ҳиротда яшаган. Ҳиротдаги Низомия мадрасасыда мударрислик күлгін.

АБУ БИШР МАТТО – к.: Матто ибн Юнус Наствурий.

АБУ ДАХБАЛ Жұмахий (VII аср 2-ярми–VIII аср бошлари) – араб шоири. Үмавийларга карши курағынан. Шеъриятда сиёсий мавзудаги қасидалар ва ғазаллар йўналишини бошлаб берган. Маърифий руҳдаги шеърлари халқ томонидан куйланған. Үрта асрлар араб шеърияти тарихида истеъододли шоир ва қасиданавис сифатида эътибор топған.

- Крачковский И.Ю. Поэт корсийской плеяды. Изб. соч., т.2. М.-Л., 1956.

АБУ ДУЛАФ (Х) – сайёх олим, шоир. Тұлиқ исми: Абу Дулаф Мисъар ибн Мұхалхил ал-Хазражий Янбуий. Х асрнинг 1-чорагида Мадинадан Бухорога келган. Сомонийлар амири Наср ибн Ахмад ва унинг вазири ҳузурида бўлган (914-942). Хитой элчилари б-н бирга Шаркий Туркистон ва Хитойга элчи бўлиб борган. 220 кунлик саёхати давомида ўзи кўрган манзараларни ута аниклик б-н ёшиб борган, айниқса, “хитой хони” б-н учрашув таассуротлари кенг тасвирланган. Сўнг Тибет, Хиндистон ва Эронда бўлиб, бу ўлкалар географиясига оид қатор асарлар ёзган. “Рисолату-л-аввал” (“Биринчи рисола”), “Рисолату-л-ухро” (“Кейинги (иккинчи) рисола”) асарлари муаллифи. “Биринчи рисола”сида Каспий ва Ўрта Ер денгизи ҳудудларидағи мамлакатлар, аҳоли ва маданий турмуш ҳақида хабар берган.

АБУ ЖАЪФАР ХОЗИН (Х) – мунажжим ва риёзиёт олими. Тұлиқ исми: Мұхаммад ибн Ҳусайн Сағоний Ҳурсоний. Ҷағониён (Термиздаги) давлатида хизмат қилган. Илми нужум (астрономия)га оид “Китоб зижу-с-сафоих” (“Гардишлар зижи китоби”) асарини ёзган. Математикага оид “Шарҳ китоби “Усули ҳандасий Иклидус” (“Эвклиднинг “Усули ҳандасий” китобига шарҳ”), “Тафсир “Маколайи ашара” Иклидус” (“Эвклиднинг “Ўнинчи мақоласи” тафсири”) рисолалари муаллифи. Эроннинг Рой ш.да вафот этган.

• Абдуллоев И. Бухоронинг арабийнавис шоирлари. Т.: Фан, 1965; Поэзия на арабском языке в Средней Азии и Хорасане X-нач. XI в. Т.: Фан, 1984; Абдуллоев А. Ад-ти форсуз тожик дар нимаи аввали асри XI (Доираи адабиии Фазнин). Душанбе: Доши, 1979; Қодиров Б., Муртазоев Б. Ҷағониён алабиёти (Х-ХII асрлар) Т.: Янги аср авлоди, 2002. Б.17.

АБУ ЗАЙД ад-ДАБУСИЙ (~975–1037) – файласуф ва мутасаввиғ аллома. Бухорода яшаган, манбаларга кўра Ибн Синонинг холаваччаси. Корахонийлар даври фикхшунослиги вакилларидан. Ас-Самъоний, Ибн Ҳалликон, Ибн Касир асарларида А.З. ҳакида маъбулумотлар бор. Бухорода қозилик килган. Ҳанафий фикх мактабининг вакилларидан. 9 асаридан 4 таси етиб келган: “Ал-Умда ал-аксо” (“Олис максад”) – тасаввуфий асар; “Китоб ал-асрор фи-л-усул” (“Фикх усулидаги сирлар ҳакида китоб”) – шофиълик мазҳабида учрайдиган ихтилофлар ҳакида; “Таквим ал-адилла фи усул ал-фикх” (“Фикх усулида далилларни кучайтириш”) ва “Таъсир ан-назар” (“Қарашни асослаш”). Ибн Сино унинг вафотига атаб марсия ёзган.

Бухорода вафот этган, имом Абу Бакр ибн Тархон (в. 972) қабри ёнига дағн қилинган.

• Ҳасанов М. Ибн Синонинг холаваччаси // Фан ва турмуш. 1987. №7: Нажмиддинов З. Абу Зайд ад-Дабусий ва унинг ижоди // Имом ал-сабоклари. 2002. №3. Б.234-236.

АБУ ЗАЙД ибн Саҳл Балхий (850–934) – фалсафа ва география олими, тилшунос ва астроном. Шарқ географлари мактаби асосчиси. Араб олими Якуб ал-Киндийнинг шогирди. Маълум вақт Бухорода яшаган. Балх вазирининг саркотиби бўлиб ишлаган. Беруний А.З.ни илми нужум ва

география олими сифатида, Захириддин Байхақий эса файласуф сифатида т.га олади. 60га яқин илмий асарлар битган. Асосий асари: “Сувару-лаколим” (“Икливлар суратлари”, 920)да дунёнинг илк харитасини (доира ичидаги қүш шаклида) чизган, кейинги тузилган харита ва атласлар (Ибн Ҳавқал, “Китобу-л-масолик ва-л-мамолик”) шу китобга асосланган. Тарихда “Ислом атласи” номи б-н шуҳрат қозонган хариталар тўплами А.З. хариталари асосида тузилган. А.З. “Китоб фи фазли синоату-л-иллат” (“Далиллаш санъати ҳусусияти ҳакида китоб”), “Китоб фи фазилати илму-л-ахбор” (“Тарих илми фазилати ҳакида китоб”), “Китоб фи фазилати улуму-риёзист” (“Математик илмларнинг фазилати ҳакида китоб”) каби илмлар фазилатларига оид асарлар битган. Тил илмига ва амалиётiga оид “Китобу-л-асмо ил-кунйа ва-л-алқоб” (“Ислам, кунйа ва лақаблар ҳакида китоб”), “Китобу-н-нахъ ва-т-тасриф” (“Синтаксис ва морфологияга оид китоб”) каби рисолалар муаллифи.

Байҳакий асарида А.З.нинг ҳикматлари келтирилади: “Ҳакиқат замини серунум ва у тотли мевалар беради, ёлғоннинг замини йўқ, (шунинг учун) месва бермайди”, “Ўлим ҳақ. Ўлимдан эмас, (тириклиқдаги) ёмон килмишлардан куркиш керак”, “(Беморга) энг яхши дори – билимдир”.

• Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. Т.: Ўз-н, 1981; Захириддин Байҳакий. Татиммату-с-савон ал-ҳикма. Т., Фан, 1987.

АБУ ИСО ТЕРМИЗИЙ Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Али ибн Ҳасан ибн Башир Ҳаким Термизий (~859–932)нинг манқабавий ҳастига оид маълумотлар Тожиддин Субкий, Хатиб Бағдодий, Ибн Ҳажар Асқалоний, Абдураҳмон Сулламий асарларида, бевосита ўзининг «Бадъу шаъни Абу Абдуллоҳ» («Абу Абдуллоҳ ишининг бошланиши») рисоласида мавжуд. Балх, Нишопур, Бағдод, Макка ва Мадинада бўлиб, даврининг йирик алломалари сұхбатларида иштирок этган. Манбаларда Ҳаким Термизийнинг 400 дан ортик асар ёзгани тилга олинади, бизнинг давримизгача 57аси стиб келган. Ҳадис илмига бағишлиланган «Наводир ал-усул фи маърифат ахбор Расул» («Расулуллоҳ хабарларини билишда нодир усуллар»), тасаввуфга оид «Китоб ҳақиқат ал-одамия» («Инсоният ҳақиқати тұғрисида китоб») ва «Адабу-н-нафс» («Нафс одоби») асарларини алоҳида кайд этиш лозим. Термизийнинг «Хатму-л-авлиё» (ёки «Хатму-л-валоят») асарида валийлик ҳақидаги қарашлари баён қилинган. Асарда ёзишича, ақл-заковат үзлаштира оладиган энг олий билим – маърифат ёки ҳикматdir, бу инсон қалбини ёритувчи «илохий нур»dir. Турфа илмларни ўкиб-үрганиш жараённанда уни эгаллаш мумкин, аммо асл маърифат Аллоҳнинг ўзи ярлакаган зотларгагина насиб булади. Ҳаким Термизий сүфий авлиёларни айни шундай зотлар сирасига киритади. “Иршоду-т-толибин” асари илк маноқиблардан. “Адабу-н-нафс” (“Нафс одоби”) асарида ёзишича, “нафс лаззат ва шаҳватта үрганиб колган ва ҳавоси билан амал килишга ҳам. Қалбингнинг устида амир бўлиб туриб олган. У шаҳват билан бўлган

амирликдир. Бас, уни тийишга өхтиёж түгилади. Агар уни одатларидан қайтарсанг, тийилади”. Мутахассислар А.И.Т. нинг юкоридаги асарларидан келиб чикиб, уни ҳакимийлик тарикатининг асосчиси сифатида қадрлайдилар.

- Омонтурдиев Ж. Ал-Ҳаким ат-Термизий таълимоти. Т.: Университет, 2000; Уватов У. Ал-Ҳаким ат-Термизий (хасти ва мсрости). Т., 2001.

АБУ ИСХОҚ ИСТАХРИЙ (Х–XI) – географ олим ва адаб. Бағдоддан то Чингача саёхат килиб, ҳижрий 340 йили “Китобу-л-ақолим” (“Иқлимлар ҳакида китоб”) асарини Абу Зайд Балхий таъсирида ёзган. Сұнгра асар француз ва инглиз т.ларига тарж. қилинган. Китобда ер юзи 20 икlimга бўлинган. Марказий Осиё иклими ҳакида ёзиш б-н бирга, унинг ш.лари, маданияти в.б.га оид маълумотлар берган.

- Ҳасанов Ҳ. Сайёх олимлар. Т.: Ўз-н, 1981. Б.27-28; Камолиддинов Ш. Географические сведения Средней Азии в средневековых арабских источниках. Т.: Фан, 1977; Фитрат А. Раҳбари нажот. Т.: Шарқ НМК, 2001; Асарлар. 5-ж. Т.: Маънавият, 2009.

АБУ ИСХОҚ Иброҳим ибн Саййор ан-Наззом (в.845) – Басрада түгилган, мұтазилийлик (узоклашиш) таълимоти вакилларидан. Бу таълимот асосчиси Восил ибн Альто булиб, таълимот унинг “Фи-т-тавхид ва-л-адл” (“Аллоҳнинг бирлиги ва адолат”) китоби орқали тарқалган. Мұтазилийлик унинг шогирди А. томонидан давом эттирилган. Мұтазила тарафдорлари ҳокимиятдаги умавийлардан узоклашганлар ва зоҳидлик б-н машғул бўлганлар. Бишр ал-Мұтамир (в. 840), Абу Ҳузайл Аллаф (в. 849) уни кенгайтирганлар. Айникса, халифа Маъмун томонидан (824) бу таълимотни давлат дини даражасида қабул килиниши мұтазиланинг аббосийлар салтанатида кенг қўлланишига сабаб бўлган.

- Низомий Арузий Самарқандий. Чаҳор макола. Т.: Fa�ур Ғулом номидаги Ад-т ва санъат нашр.. 1985; Eraydin Salcuk. Tasavvuf ve Tarikatlar. Istanbul, 1981; Tarikatlar Ansiklopediyasi. Istanbul, 1991; Ислом тасаввуфи манбалари. Т.: Ўқитувчи, 2005. Б.14.

АБУ МАНСУР ДАҚИҚИЙ (929–977) – балхлик форсийзабон шоир. Тұлғы исми: Абу Мансур Мұхаммад ибни Ахмад Дақиқи. Сомонийлар даври мұмтоз ад-тида машхурлықда Рудакийдан кейинда турадиган шоирлардан. 950 й.да Ҷағониёнга келиб, Абу Мансур Наср саройида мұлозимлик қилган. А.Д. ҳакида Берунийнинг «Ал осор ал-бокия», Абулфазл Байхакий (996–1077)нинг «Тарихи Масъудий», Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Мұхаммад Ағофийнинг “Лубобу-л-албоб» (1221), Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон», Лутф Алибек Озарийнинг «Оташкада» (1760–61), Ризокулихон Ҳидоят тазкираларида у ҳакда хабар берилган. Жомий “Баҳористон” асарида А.Д.нинг тұртлигини келтирди:

Ман ин жо дер мондам, хор гаштам,
Азиз аз мондани доим шавад хор.
Чу об андар шамар бисер монд,
Үфунад гираад аз ороми бисер.

Мазмуни: Мен узок тургандан лаънатландим, Бир жойда узок колиш хурматли одамни ҳам лаънатга ботиради. Ахир бир жойда сув күп турса кўлмак бўлиб, Унинг ранги, ҳиди ва тамъи ўзгаради.

А.Д. Нух ибн Мансурнинг топшириги б-н насрый «Шоҳнома»ни шеърга сола бошлайди, бироқ унинг минг байтини ёзил ултрганида, ўз хизматкори томонидан пичоклаб ўлдирилган. Бу асар «Гуштаспнома» номи б-н ад-т тарихида Дакикий муаллигида сакланиб колган. Фирдавсий «Шоҳнома»да муқаддимадан сўнг «Достони Дакикий шоир» номи б-н А.Д. асаридан бир боб келтиради. Муҳаммад Авфийнинг маълумотига кўра, А.Д. йигирма минг байт шеър ёзган. Шоирнинг “Девон”и Афғонистонда Сайид Маҳдум Роҳин томонидан нашр килинган бўлиб, унда 220 байт шеърий асар бор. “Дакикийнома” асари хижрий 1354 й.да чоп этилган. Шеъриятидаги қасида стакчилик килади, йил фаслларига багишланган қасидалари бор. А.Д. қасидачилик урф бўлган замонда фаҳрия услугубини эпик шеъриятта олиб кирган. Беруний маълумотига кўра, Каюмарс ҳақида достон ҳам биттган.

А.Д. ижоди В.В.Бартольд, И.В.Брагинский, М.Н.Османов, Б.Ф.Лифшиц, Э.В.Ртвеладзе в.б. олимлар томонидан ўрганилган.

- ♦ *Дакики.* Бой Гуштаспа с Аржаспом / Фирдоуси. Шахнаме. Сталинобод, 1949; Ашъори ҳамасрони Рӯдакӣ. Сталинобод, 1958; Сабаки Рӯдакӣ. Душанбе: Ирфон, 1984.
- ♦ *Абдуллаев И.* Бухоронинг арабийнавис шоирлари. Т.: Фан, 1965. Б.56; Жомӣ А. Бахористон. Душанбе: Ирфон, 1966. С.88; *Фитрат.* Форс шоир Умар Хайём / Танл. асарлар. 2-ж. Т.: Маънавият, 2000. Б.134-172; *Қодиров Б., Муртазоев Б.* Чагонисён адти (Х-ХII) Т.: Янги аср авлоди, 2002. Б.17; *Маликова А.* Жизнь и творчество Абу Мансура Дакики. АКД. Душанбе, 2002.

АБУ МАНСУР ас-САОЛИБИЙ (350/961–429/1038) – сомонийлар даврида Бухорода яшаган шоир, олим ва сайёҳ. Тулиқ исми: Абу Мансур Абдулмалик ибн Муҳаммад ибн Исмоил ас-Саолибий ан-Нишобурий. Хуросоннинг Нишопур ш.да туғилган. Ирок, Хуросон, Мовароуннаҳр ва Хоразмда бўлган. “Шоҳномаи Саолибий” маснавийси форсий ад-тда машҳур бўлган, уни арабчадан форс т.га тарж. килган эронлик олим Маҳмуд Ҳидоят олимнинг 34 асарини санаб ўтган.

Араб т.да “Йатимат ад-даҳр фи маҳосин ахлу-л-аср” (“Асрнинг яхши кишилари ҳақида дурдоналар”) тазкираси машҳур. Асар 995–1000 й.лар давомида ёзилган, 1020 й.да қайта ишланиб, тўлдирилган, у 4 кисмдан иборат, ҳар бир қисм 10 бобни ташкил килади. 1-қисмда Ҳамдонийлар суполоси (Сурия) ва унга кўшини Миср ва Мавсил шоирлари; 2-қисмда Ироқ аҳлидан бўлган ва Дайламийлар даврида яшаган шоирлар, 3-қисм Жабал, Форс, Журжон, Табаристон ва Исфаҳон шоирларига ва 4-қисм сомонийлар давридан газнавийлар давлати илк давригача Хуросон. Мовароуннарда яшаган шоирлар ҳақида маълумот бераби, уларнинг асарларидан намуналар келтирилган. Бухорода яшаган 47 ва хоразмлик 7 шоир ҳақида маълумот беради. Бу шоирлар факатгина араб т.да асарлар ёзиш б-н чекланмаган, туркӣ ва форсийда ёзилган асарларни ҳам араб т.га тарж. килганлар. Асарда адаб ва шеър устозлари Абу Бакр Хоразмий ва Абу Фазл Ҳамадоний ижодига кенг ўрин берилган. Тазкира таркибида, асосан, қасида ва ҳажв,

васф ва фардлар учрайди. Муал. улардан парчалар келтирган. Бу қасидаларда хукмдорлар, құмандонлар ва шоирлар васф этилади. Мак., Абу Зарир Балхий қасидаси Абул Аббос Маъмуний деган шоирга, Ҳузаймий қасидаси эса Искофий тахаллусли шоирга бағишиланган. Ҳажвларда амир ва амалдорлар таңқид остига олинган. Мак., Абу Тайиб Тохирининг амир Ахмад ибн Исмоил (907-914)га ва Наср ибн Ахмад (914-943)га қарата айтилган ҳажвлари бор. Бухородаги айрим жойлар, Хоразм ва Сижистон каби айрим ш.лар, ташландик жойлар ва қаровсиз қолтан срлар ҳакида ҳам ҳажвлар ёзилган. Васф шеърларида й. фасллари, табиат ҳодисалари, уй жихозлари, ёзув куроллари, таом ва ичимликлар асос қылиб олинган. Баъзи шеърлари муаммо ёки чистон жанрларининг дастлабки намуналари каби тасаввур беради.

- ◆ Абу Мансур ас-Сағиби. Йатимат ад-даҳр. 4-кисм / И.Абдулаев тарж. Т.: Фан, 1976; Абу Мансур Абдулмалик ас-Са'алиби. Йатимат ад-даҳр фи маҳасин ахл ал-аср. Исследование и пер. с арабского И.Абдулласва. Т.: Фан, 2005.
- Абдуллаев И. Бухоропш арабийшавис шоирлари. Т.: Фан, 1965; Берунийга замондош шоирлар. Т.: Фан, 1975; Абдуллаев И. Поэзия на арабском языке в Средней Азии и Хорасане X - нач. XI в. Т.: Фан, 1984; Абдуллаев И. Мерос ва талкин. Т.: Фан, 2006.

АБУ МАНСУР Хафд – к.: Хафд.

АБУ МАСЪУД (VII) – Пайғамбар (с.а.в.) саҳобаларидан. Бу ҳақда Имом Мұхаммад ибн Исмоил Бухорий «Куръон фазилатлари ҳакида» китобида Алқама ривояти воситасида хабар беради.

- ◆ Ислом тасаввуфи манбалари. Т.: Үкитувчи, 2006. Б.41.

АБУ МУСЛИМ (~727–755) – асл исми Иброҳим ибн Асад (айрим манбаларда: Абдурәхмон ибн Мұслим), лақаби Абу Исҳок Ҳуресоний. Аббосийлардан Иброҳим Имом унинг исмими ўзгартыришни сұраган ва у Абдурәхмон бўлиб қолган. Иброҳим Имом унга саркардалиқни топширган, у қора кийимда жанг килган. Ислом оламини умавий халифаларидан кутқариб (747-50), Пайғамбар (с.а.в.) хонадони вакиллариға халифаликни қайтарган баходир. Ҳуресон волийси (750 й.дан) сифатида Самарканд роботини курдирган, Бухоро жанубида канал қаздирган. А. халифа Абу Жаъфар Мансур воситасида хийла б-н катл эттирган.

“А.М. жангномаси” номи б-н тарихга кирган (747–750) жанглар асосида кисса ёзилган. «Абу Мұслим жангномаси» муал.лиги Абу Тоҳир ибн Ҳусайн ибн Али ибн Мусо Тарсусийга нисбат берилади. Фитрат беш пардалы тарихий драмасини «Абу Мұслим» деб атаб, унинг ботирликларини оммалаштирган.

- ◆ Абу Мұслим жангномаси. Т., 1992; Ибн ал-Асир. Комил фи-т-тарих. Т.: Үз-п. 1986.

«АБУ МУСЛИМ» – (айрим манбаларда Або Мұслим) Фитрат асари (1920). Беш парда етти күринишдан иборат фожиа. Ислом тарихидаги мұраккаб даврлардан ҳисобланған умавийлар халифалигига қарши А.Ҳуресоний томонидан кураш бошланиб, А.нинг ғалабаси б-н тугайди ва халифаликка

янги сулола аббосийларнинг келиши б-н воеа якунланади. “А.” ҳақида Чўлпоннинг «Қаландар» имзоси б-н «Або Муслим» номли тақризи эълон килинган. Унда ёзилишича, «13 декабрда (1921 й. – Ҳ.Б.) «Турон» кишилик биносида улуғ адибимиз Фитратнинг «Або Муслим Ҳурросоний» номлик томошаси ўйналди. Томоша аралашқучи қаҳрамонларнинг кублиги ҳам тарихнинг энгчувалашкан давридан олиниб ёзилгани учун томошанинг сунгига унинг натижасини тұла күрсататурган бир күрунуш орттирилған. Бу күрунуш хийла муваффакиятлик тузулған. Айникса, Марв беги кизининг бир тұда «ёввойи» кишилар орасыда қолған өңідігі шошқинлиғи, одам болаларининг ахлоқ важидан қандай қуи даражаларға түшгандығы түтірисида ҳалққа қараб қылған хитоблари ҳам ул кишиларнинг ҳар бирини битта-битта таъриф килиши жуда үткірdir. Умуман, томошада Фитратта хос сүз усталиғи хийла күчлүк. Бу жиҳатдан томошада кетта бир адабий аҳамиятта моликдір». Сұнгра муал. актёрлар б-н бирма-бир таништирар экан, биз ушбу саҳна асарининг иштирокчилари сифатида Абу Муслим, Захжок, Марв беги, Марв бегининг кизи Гулнор, Або Муслимнинг вазири Холид, Амир Али, Язид, Нарсиёр, Гулнорнинг энагаси каби асар персонажлари б-н таништирган. Асарнинг тұла матни топилмас экан, у ҳақдаги маълумотлар етарлы әмас. Турғунбай номли муал.нинг «Або Муслим» мақоласи 1921 й. «Туркистан» газ.да босилицы чиққан. Мазкур тақриз муал.и Турғунбай (Қаюм Рамазон) ҳам асарнинг сахна варианты ва унинг изжочиларига баҳо бериш б-н чекланған.

◆ *Турғунбай. Або Муслим // Туркистан. 1921. 30 пойбрь; Чўлпон. Ад-т падур? Т.: Чўлпон нашр., 1994. Б.76-77; Болтабоев Ҳ. Құйшни күтгап кече. Фитратнинг нашр килинмаган драмалари кисмети // Театр. 2007. № 3.*

АБУ НАСР ФОРОБИЙ (873–950) – улуғ ўзбек алломаси, файласуф ва адеб. Арис дарёсининг Сирдарёга куйилиш жойида Үтрор қишлоғида туғилған. Форобда ўқиган, Шошда бўлған, Бухоро ва Самарқандда таҳсил олган. Араб мамлакатларида яшаган, Бағдодда олимлар б-н учрашған, Дамашқда ва Халабда амир Сайфуддавла хомийлигига ижод қылған. А.Н. даврининг мавжуд илм соҳаларига оид 160 дан ортиқ илмий рисола яратған. “Иҳсо ал-улум ва-т-таъриф” (“Илмлар хосияти ва таърифлари”) рисоласида үттиздан ортиқ фан соҳасининг таснифи берилған. Тадқиқотчилар А.Н. шуғулланған фан тизимлари фалсафанинг умумий масалалари, инсон билиш фаолиятининг фалсафа ва аниқ фанларга муносабати, материянинг микдори ва ҳажми, материяни ўрганувчи, яъни табиий фанлар, ижтимоият, сиёсат ҳамда филология (илми адаб) каби йўналишларини аниқлаганлар. А.Н. нинг филологик тадқиқотлари “Каламу-ш-шесър ва-л-кавофи” (“Шесър ва қоғиялар ҳақида сўз”), “Китобу-л-хитоба” (“Риторика ҳақида китоб”), “Китобу-л-лугат” (“Лугатлар ҳақида китоб”), “Китобун фи-с-саноъату-л-китоби” (“Хаттотлик ҳақида китоб”), “Таҳсилу-с-саодат”, “Таъдикот” в.б. Санъат соҳасида “Мусика китоби”, “Мусикада оҳангдошлиқ”, “Катта мусика китоби”, “Ритмлар таснифи ҳақида китоб” асарларини ёзған.

А.Н. Афлотун ва Арасту асарларининг таржимони ва шархловчиси сифатида ҳам машҳур. Арастунинг ўндан ортиқ илмий асарларига шархлар ёзган. Мас., Арастунинг "Фи синоъати-ш-шеър" ("Поэтика") асарига ёзилган шархи нафақат юонон олимдининг поэтикага доир таълимотини тушунтиришида, балки санъат ва ад-т хусусидаги назарий билимларнинг билимдони эканини англатади.

♦ *Фараби*. Философские трактаты. Алма-ата: Наука, 1972; Логические трактаты. Алма-ата: Наука, 1975; Естественнонаучные трактаты. Адма-ата: Наука, 1987; *Абу Наср Форобий*. Рисолалар. Т.: Фан, 1975; Шеър санъати. Т.: F.Фулом номидаги нашр., 1979; Фозил одамлар ш.. Т., 1993.

♦ *Хайруллаев М.* Фараби. Т.: Фан, 1966; Уйгопиш даври ва Шарк мутафаккири. Т.: Ўзбекистон, 1971; *Касымджанов А.* Фараби. М.: Мысль, 1982; *Маҳмудов М.* Форобий ва Арасту "Поэтика"си // Жаҳон ад-ти. 2011. №3.

АБУ НАСР Қубавий (XI–XII) – тарихчи олим, таржимон. Тўлиқ исми: Ахмад ибн Мухаммад ибн Наср. Фарғона вилоятининг Кува ш.да туғилган. Наршахийнинг "Бухоро тарихи" (1128–29) асарини арабчадан форс т.га эркин тарж. килган, унга янги маълумотлар кўшган. А.Н. тарж.сининг кўлёзма нусхалари ЎзРФАШИда сакланади.

АБУ НУВОС (762–813) – араб шоири ва олими. Асл исми: Абу Али Ҳасан ибн Ҳоний ал-Ҳакамий. Келиб чикишига қўра форс қавмларидан. Қўфа мадрасасида таҳсил олган. Бағдодда аббосий халифаларидан Хорун ар-Рашид ва Амин саройида хизмат килган. Асарларида исломга қадар ўтган бадойун шеъриятининг жаңр ва мавзуларини ислоҳ қилган. Ижодида қасида устувор жаңр хисобланади. А.Н. шеъриятга янги мавзулар ва сюжетлар олиб кирган. Шеърларининг гўзаллиги, пур-хикматлилиги жиҳатидан *Иирул-Қайсга* тенглаштирилган. "Ҳамрийят" ва "Зуҳдийят" туркум шеърлари машҳур. "Девон"ида ишқий ва ахлоқий мавзу стакчи ўрин тутади. Фарбий Евронада А.Н.ни "Араб Гейнеси" деб аташган. А.Н. «Девон»и Қоҳирада қайта-қайта нашр этилган (1898). Асарлари Кремер томонидан олмон т.га ўгирилган. Венада 1855 й.да нашр килинган.

♦ *Абу Нулас. Девон.* Байрут, 1962; Лирики Востока. М.: Правда, 1983.

♦ *Крымский А.* Арабская лит-ра в очерках и образцах. М., 1911; *Розен В.Р.* Пробная лекция об Абу Нуласе и его поэзии. М., 1947; *Фильшинский И.М.* Арабская классическая лит-ра. М., 1965; *Шиддэр Б.Я.* Абу Нулас. М.: Восточная лит-ра, 1975; Абу Нувес хакида ривоятлар // Жаҳон ад-ти. 1998. №1; *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.8.

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ (973/4.IX–1048/11.XII) – улуғ ўзбек олими ва мутафаккири. Тўлиқ исми: Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад. Замонасининг барча фанлари б-н шугулланган. Хоразмнинг Қиёт ш.да туғилган, 22 ёшида ўз ватанидан чикиб кетган (Берун – «гашқари» нисбасига эътибор беринг). Журжонда в.б. ўлкаларда яшаган. Шартли равишда Маъмун академияси деб номланган илмий ағжуманда фаол катнашган. Фаннинг элликдан ортиқ соҳаси бўйича илмий тадқиқотлари маълум. А.Р.нинг бадиий ад-тнинг назарий масалаларига багишланган "Фазл ахлиниң шеърда айтилган

фикрларини баён қилиш китоби", "Танланган асарлар ва шеърлар китоби" ёзгани маълум. "ал-Осору-л-бокия" ("Ўтмиш ёдгорликлари" / "Хронология"), "Китобу ма лил ҳинд мин маъқулатин фи-л-акли ав марзулатин", ("Ҳиндларнинг ақлга сигадиган ва сифмайдиган таълимотларини аниқлаш китоби" / "Ҳиндистон"), "Китобу ал-жамохир фи маърифати ал-жавохир" ("Жавохирларни билиш усуллари китоби", / "Минерология"), "Китобу-с-сайдана" ("Дорилар билими китоби" / "Фармакогнозия") асарларида санъат ва ад-т муаммоларининг айрим кирраларига очиқлик кирилган, асар бағишиланган соҳа б-н боғлиқ ҳолда шеърий талкинлар ҳам берган. "Ҳиндистон" асарида ҳинд шеър илмига махсус боб (13-боб) ажратилиб, унда ҳинд тили грамматикаси ва фонетикаси коидаларининг шеър илмида акс этиши муаммолари ўрганилган. Бу илмга тегишли 8 китобнинг номини келтирилган: «Аиндра» (Индра тузган), «Чандра» (Будданинг сухбатдошларидан Чандрас ишлаган), «Шоката» (Шокатояна қабиласи томонидан тузилган), «Понини» (гузувчининг исми бўйича), «Котантра» (Шарваварман тузган), «Шашидевавритти» (Шашидесва тузган), «Дургавивритти» (муал. исми б-н юритилган) ва «Шишъяхи-товоритти» (Уграбхўти тузган). Асар ҳинд шеър тузилиши б-н бирга Ҳинд-Европа тларидағи фонетик ҳодисаларни ҳам англатади ва араб арузини тушунишга ҳам ёрдам бсрди.

Фаннинг бир юз эллиқдан ортиқ соҳалари бўйича илмий тадқиқотлар яратган. А.Р. бадий адабиётнинг назарий масалаларига бағишиланган "Фазл ахлиниң шеърда айтилган фикрларини баён қилиш китоби", "Танланган асарлар ва шеърлар китоби" кабилар ёзгани маълум, бирок улар стиб келмаган. Шунингдек, "ал-Осору-л-бокия" ("Ўтмиш ёдгорликлари", русча асарларда "Хронология"), "Китобу ма лил ҳинд мин маъқулатин фи-л-акли ав марзулатин" ("Ҳиндларнинг ақлга сигадиган ва сифмайдиган таълимотларини аниқлаш китоби", киска равишда "Ҳиндистон"), "Китобу ал-жамохир фи маърифати ал-жавохир" ("Жавохирларни билиш усуллари китоби", русча манбаларда "Минерология"), "Китобу-с-сайдана" ("Дорилар билими китоби", русча "Фармакогнозия") асарларида санъат ва адабиёт муаммоларининг айрим кирраларига очиқлик кирилган, асар бағишиланган соҳа билан боғлиқ ҳолда шеърий талкинлар ҳам берган.

А.Р. бадий асарлар ҳам ёзган (араб т.да) 37 байтли қасида, 3-4 шеърий парча Ёкут Ҳамавийнинг «Мажмаъу-л-удабо» («Адиблар тўплами») асарида келтирилган. Тўртлик:

[Тарж.:]

*Меҳнатсиз шуҳрат қозонган одам
Особийшталик, фаровонлик соясида яшайди.
Яхши кийинади, роҳатда (кун кўради),
Лекин улуғлиқ кийимида у ҳамиша ялангочдор.*

«Ал-Жавохир» асарида маъданлар таснифи б-н бирга «Лульль» бобининг «Гавҳар ва унинг номларининг адиллар томонидан таърифланиши» фаслида ад-т масалаларига тўхталади, саксондан ортиқ шоир ижодига мурожаат килади. «Абу Таммом ашъорига шарҳ», «Абу Таммом ижодида

алиф б-н тугалланадиган кофияли шеърлар» каби рисолалари, форс т.дан арабчага тарж. қилган. «Қосиму-с-сурур ва Айну-л-хаёт», «Ҳурмуздиёр ва Мехрёб», «Лолмоҳ ва Киромидухт», «Вомик ва Узро», «Бомиённинг икки санами», «Нилуфар», «Дабистий б-н Борбаҳокор ҳикояси» каби асарлари бизгача етиб келмаган.

Абу Райхон Беруний “ал-Жавохир” асарида саксондан ортиқ шоир ижодига мурожаат қиласи. Асарда жохилия даври араб шоирлари Қайс ибн Мулавваҳ, Ҳотам Тоъи, Ибн Саъд ижодидан ҳам намуналар келтирилган. Шунингдек, араб ва форс т.ларида асарлар ёзган Ҳамза Исфаҳоний, Абу Бакр ибн Ҳусайн Кўхистоний, Абул Қосим ибн Бобак Журжоний, Мансур Муваррид Форсий, Жазоирий, Башибор ибн Бурд, Абу Мансур Саолибий, Абубакр Хоразмий, Хотибий ибн Насровайҳ Самаркандий в.б. т.га олади.

“Маъданшунослик” асарининг муқаддимасида инсон нутки ва унинг гўзал булиши кераклигини айтиб, нуткнинг икки хил шакли *наср ва назм* хусусида сўз юритади. Наср коидалари нахв (синтаксис) илмида баён қилинган бўлиб, унга амал килиш орқали насрдаги нутк тартибга солинади. Шеър ўлчовлари эса, хусусан, аруз ва коғиҳ илми назмда ёзилган асар мувозанатини тутиб туради, деган назарий хуносага келган.

Форс т.дан араб т.га тарж. қилган «Қосиму-с-сурур ва Айни-л-хаёт», «Ҳурмуздиёр ва Мехрёб», «Лолмоҳ ва Киромидухт», «Вомик ва Узро», «Бомиённинг икки санами», «Нилуфар», «Дабистий б-н Борбаҳокор ҳикояси» каби тарж. асарлари бизгача етиб келмаган. «Панчтантра» («Катила ва Димна»)нинг Абдуллоҳ ибн Мукаффа (VIII аср) томонидан қилинган араб т.га тарж.дан қоникмай, унинг ўзи имконият топиб асарни арабчага ўтиришни орзу қилган. Матншунослик ва таржима назариясида муқим устувор конуният саналган матнга муносабатда холислик, унга аралашмаслик лозимлигини таржима назарияси фан сифатида шаклланишидан 900 йил аввал курсатиб берган.

А.Р.нинг бой илмий месроси Ўз-н ва ундан ташкарида чукур ўрганилмокда. А.Р.нинг асарлари лотин, француз, итальян, немис, инглиз, форс, турк т.ларига тарж. қилинган. Икки кисмдан иборат «Абу Райхон Беруний» (1974) фильмни, Уйғуннинг «Абу Райхон Беруний» пьесаси (1973) в.б.

- ♦ *Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. I-жилд: Осору-л-бокия. Т.: Фан, 1965; Танл. асарлар. 2-ж.: Ҳиндистон. Т.: Фан, 1968; Минерология. М., 1963; Беруни А. Памятники минувших поколений. Т., 1957; Индия [Перевод А.Б.Хамидова, Ю.Н.Заводовского] Т., 1963; Ҳиндистон (Таржимонлар А.Расулов, Ф.Жалолов, Ю.Ҳакимжонов), Т., 1965; Геодезия (Перевод П.Г.Булгакова), Т., 1966; Қадимти ҳалклардан колган ёдгорликлар, Т., 1968; Канон Масъуда I ч. (перевод П.Г.Булгакова, Б.А.Розенфельда) Т., 1973; Қонуни Масъудий, I кисм, I–5- маколалар (А. Расулов таржимаси), Т., 1973; Ҳикматлар (тўпловчи ва нашрга тайёрловччи А. Ирисов), Т., 1973; Фармакогнозия в медицине (Китоб ас-сайдана фи-т-тиб) (исслед., перевод, примечания У. И. Каримова). Т., 1974; Книга вра-зумеция начаткам науки о звёздах (перевод Б.А.Розенфельда, А.Ахмедова, М.М.Рожапской, А.Абдурахманова, Н.Д.Сергеевой). Т., 1975; Қонуни Масъудий, II кисм, 6–11- маколалар (А.Расулов таржимаси). Т., 1976; Канон Масъуда, II ч. (перевод Б.А.Розенфельда, А.Ахмедова, М.М.Рожапской. Ю.Н.Смирнова). Т., 1976; Геодезия. Турар жойлар (орасидаги*

масофаларни аниклаш учун манзилларнинг чегараларини белгилаш (таржимон А.Ахмедов). Т., 1982; Математические и астрономические трактаты (перевод П.Г.Булгакова, Б.А.Розенфельда). Т., 1987; Тарвиҳалар: «Жавохирот китоби»дан (арабчадан М.Турсунов тарж.), Т., 1991; Феруза (Жавохирлар хақида нақл ва хикоятлар). Т., 1993; 100 ҳикмат: Ибратли сўзлар (тарж. ва напрга тайёрловчи А.Ирисов). Т., 1993; Тафхим / А.Ахмедов тарж. Т., 2006.

- Расулов А. Некоторые соображения о Берупи и его стихах / Беруни и гуманистарные науки. Т., 1972; Булгаков П.Г. Жизнь и труды Берули. Т., 1972; Комилов Н. Беруний ва бадиий ижод // Узбек тили ва адабиёти. 2005. 4-сон. Б.З-XVI; Салье М.А. Абу Райхон Беруний. Т., 1960; Қаюмов А. Беруний ва адабиёт. Т., 1973; Каримов Н. Хиндистон, Ҳомер ва Беруний // Узбекистон адабиёти ва санъати. 2006. З ноябр; Крачковский И.Ю. Избранные произведения. Т. II. – М.-Л., 1957; Толстов С.П. Бируни и его "Памятники минувших поколений" / Бируни. Избранные произведения. Т. I. Т.: Фан, 1957. С.VIII-XXI; Семенов А.А. Ал-Бируни – величайший ученый средневекового Востока и Запада, Литература и искусство Узбекистана, кн. 1, Т., 1938; Беруний – ўрта асрнинг буюк олими (маколалар тўплами). Т., 1950; Садыков Х.У. Бируни и его работы по астрономии и математической географии, М., 1953; Муминов И.М. Узбекистондаги ижтимоий-фалсафий тафаккурнинг ривожланиши тарихидан (XIX аср охирилари ва XX аср бошлари). Т., 1960; Матвеевская Г.П. Беруний ва табиий фанлар. Т., 1963; Ирисов А. Беруний ва Хиндистон. Т., 1963; Толстов С.П. Кадимги Ҳоразм маданиятини излаб, Т., 1964; Муминов И.М. Выдающиеся мыслители Средней Азии. М., 1966; Беруний билан Ибн Синонинг савол-жавоблари (масъул мухаррир С. Муталибов), 2-нашри. Т., 1973; Қаюмов А. Абу Райхон Беруний. Абу Али ибн Сино, Т., 1987.

АБУ САЙД ибн Абулхайр Ҳурносоний (967–1049) – ҳурносонли шайх ва шоир. Форс тасаввуф шеъриятининг асосчиларидан бири. Асл исми: Фазлуллоҳ, пири Абулғазл Ҳасан Сарахсийдир. Айрим манбаларда тахаллуси: Майхонаий. Рубой жанрида шуҳрат топган. А.С. асарлари Россияда проф. В.Жуковский томонидан нашр килинган. Унинг асарлари, жумладан, "Тавҳид сирлари" асари (1899) А.Кримский тарж.да босилган. Навоий ёзди: "Шайх жума кечаси хуфтон камози вакти тўрт юз киркда шаъбон ойи дунёдин ўтти. Ва умрлари минг ой эрди. Аларнинг зикрида қалам оқиздур, битигандин мабсустроқ тилаган «Нафахоту-л-унс»да кўрсун. Ва барча ҳолатлари мақомотларидақим, нийсманлиардин баъзи битибдурлар, бордур. Ва ул эл орасида кўлдур – магар андин баҳра вофий топкайлар". А.С. ўлимидан сўнг унинг кабри устига макбара курдирилган, макбара Туркманистанда "Майхонабобо макбараси" номи б-н ҳозиргача сакланган.

- Крымский А. История Персии и ее литературы. М., 1910; Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Энц-кий словарь в 12 томах. Биографии. Т.І. М.: СЭ, 1991. С.33; Алишер Навоий. Насойиму-л-муҳabbat / МАТ. 17-ж. Т.: Фан, 2001. 374-тартиб; Мухаммад бин Мунаввар. Асрап ат-таҳуид фи макамат ап-пейх Абу Сайд (Тайны единовожия в действиях шейха Абу Сайды) / Пер. М.Кязимова. Баку: Нафта-Пресс, 2010.

АБУ САЙД Румий (XV) – ҳиротлик олим, шоир, созанда-бастакор, хонанда. Лакаби: Пашлавон Мухаммад. Ҳиротлик машҳур бастакор-хонанда Уста Шодийнинг шогирди. Ҳаётининг асосий қисмини Ҳиротда Ҳусайн Бойкаро саройида ўтказган. Алишер Навоий раҳнамолигида ижод килган. Сарой ва мадрасаларда фароиз (математика соҳаларидан бири),

оҳангдошик (просодия), иншо ва күштигир (пахлавон)лик, илми мусикийдан таълим берган. А.Р. “Рост” мақомининг “Панжгоҳ” қисмидаги қўшиклари б-н машхур. Унинг ижрочилик ва бастакорлик маҳорати ҳақида Алишер Навоий «Холоти Пахлавон Мұхаммад» асарида маълумот берган.

АБУ САЙИД ХАРРОЗ (в. 899) – мисрлик мутасаввиф. Зуннун Мисрийнинг издошларидан. Асл исми Аҳмад б. Исо. Навоий у ҳақда: “Иккинчи табакадиндур... Маккада мужовир эрди. Қавмнинг айиммаси ва машойихнинг ажилласидиндур. Мұхаммад б. Мансур Тусий шогирдидур. Зуннун Мисрий ва Абу Убайд Бурсий ва Сарій Сақотий ва Бишр Ҳофий била сұхбат тутубдур. Ва ул аввал кишиидурки фанову бако илмидә сұз дебдур. Ва Шайх ул-ислом дебдурки, ул үзин Жунайднинг шогирдлигига күргузур эрди, аммо анинг устоди эрди ва андин улуғ эрди” деб ёзган.

• Алишер Навоий. Насойиму-л-мухабbat / МАТ. 17-ж. Т.: Фан, 2001. 73-тартиб.

АБУ САЙИД (1305–1335) – Хулокуҳон давлати ҳукмдорлари (1316 –35)дан Улжайтухон ўғли. Ҳурносон ноиби бўлган (оталиқ ёрдамида), Хулокулар салтанатини бошқарган (1316 й.дан). Давлатдаги шиачилик таълимотига чек кўйган, зарб эттирган тангаларига тўрт халифа (Абубакр, Умар, Усмон, Али) номини ёздирган.

АБУ САЙИД МИРЗО (1424–1469) – темурий сultonлардан. Тулик исми: Султон Абу Саъид Мирзо ибн Султон Мұхаммад ибн Мироншоҳ ибн Темур Тарагай. Шоҳруҳ мирзо ва Улуғбек мирзодан сұнг Абдуллатиф мирзо, сұнгра А.С. Мовароуннаҳр таҳтига ўтирган (1451). 1451–58 й.ларда Мовароуннаҳр, 1458–69 й.ларда темурийлар давлатининг олий ҳукмдори. Ҳожа Аҳор валийнинг шогирди. Абулқосим Бобур вафотидан кейин (1458) Ҳурносонни ҳам кўлга киритиб, марказий ҳокимиятни тиклаган. Оққўйингиллар б-н жанг (1469)да ҳалок бўлган. А.С. даврида хунармандчилик, савдо-сотик ривож топган. Ҳиротда сарой, кўшк, кўприклар, ш. дарвозаси курдирган. А.С.нинг ўғилларидан бири Умаршайх Мирзо оиласида шоҳ ва шоир Захириддин Мұхаммад Бобур таваллуд топган.

Адабий манбаларда А.С.М. Навоийнинг Самарқандга юборилиши сабабчиси сифатида кўрсатилади. “Холоти Сайид Ҳасан Ардашер” асарида ва “Сайид Ҳасанга шъсрий мактуб” маснавийсида бу ҳақда изоҳ берган. Бобур ўз бобоси ҳақида “Бобурнома”да кенг маълумот бериб, бу ҳақда “билимн не жарима била Султон Абу Саъид Мирзо Ҳирийдан ихрож қилди” деб ёзади.

• Алишер Навоий. Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер / ТАТ. 10-ж. Т.: F. Ғулом пномидаги нашр., 2011. Б.9, 623; Захириддин Мұхаммад Бобур. Бобурнома. Т.: Шарқ НМАК, 2001.

АБУ САЙИД ибн Кўчкунчихон (в. 1533) – шайbonий ҳукмдорларидан. Бухоро хони бўлган (1531–33). А.С. даврида Мовароуннаҳрда шайbonийлар уртасида Бухоро ва Самарқанд таҳти учун ўзаро низолар давом этган. А.С. машхур тасаввуф олими ўз вазири Офок Ҳожанинг муриди эди.

АБУ СУМБУЛ (арабча: ابو سمعان – бүгдой, дон ўғли) – Африкадаги Нил дарёсининг Фарбий кирғоғидаги қоя. У ерда Фиръянн Рамзес II (м.а.1388–22) томонидан маъбуллар Амон, Ра ва Птах шарафига ибодатхона-мақбара курдирилган: икки кисмдан иборат бўлиб, улардан бири Рамзес, иккинчиси унинг хотини малика Нофтери (Нофертида) шарафига қурилган. Рамзий маънода дон, тўкинчилик отаси сифатида шарафланган. У хақда Миср шоирлари бир катор шеърий ва насрый асарлар битишган. Ҳоз. пайтда коядаги барельефлар А.С. номи б-н юритилади.

А.С.даги мақбара 1960 й.да Асвон тұғони курилиши муносабати б-н кирғоқдан 180 м. йирокқа қурилган.

• Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.8.

АБУ СУФЁН (567–652) – ислом давридаги Қурайш ш. зодагонларидан. Маккада Мухаммад (с.а.в.)га қарши курашган, унинг ўғли Муовия курашни давом эттирган, чаҳорёллардан кейин халифаликни эгаллаган. Ислом тарихида умавийлар сулоласига асос соглан (661).

АБУ ТАММОМ (~796–845) – араб шоири ва кад. араб шеърияти таджикотчиси. Араб шеъриятидаги «қадимга қайтиш» ҳаракатининг асосчиларидан. «Девон» тузган қасиданавис шоир, етти шеърий түпламнинг муаллифи сифатида ҳам машхур: “Китобу-л-Хамоса” (“Жоҳилий давридан аббосийлар давригача ўтган шоирларнинг энг яхши шеърлари”), “Китобу-л-ихтияр мин ашар ал-кабайл” (“Турли қабилалар шоирларнинг шеърлари”), “Китобу-л-ихтиярат мин шиар аш-шуаро” (“Кам танилган шоирларнинг шеърлари”), “Китобу-л-фужул ва саодат” (“Жоҳилий ва Саодат асрининг танланган яхши қасидалари”) в.б. Ушбу тазкираларда жоҳилий давридан аббосийлар халифалигига қадар ўтган шоирларнинг асарларини жамлаган. Шунингдек, А.Т.нинг “Кичик Хамса” асари бизгача етиб келган. Беруний А.Т. ҳакида «Абу Таммом ашъорига шарх», «Абу Таммом ижодида алиф б-н тугалланадиган кофияли шеърлар» каби рисолалар ёзган.

• Абу Таммол. Девон. Байрут, 1995; Лирики Востока. М.: Правда, 1983.

• Крымский А. Хамаса Абу Таммама Тайского. Т.1-2. М., 1912; Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. 1-2 ж. Т.: Фан, 1965-68; Абу Бакр ас-Сули. Ахбар Аби Таммам. Кохира, 1999 (араб т.да).

АБУ ТОЛИБ Маъмуний (950–994) – шоир, араб ва форс т.ларида асарлар ёзган. Тўлик исми: Абу Толиб Абдуссалом ибн Ҳусайн Маъмуний. Аббосий халифаларидан Маъмуннинг авлодларидан. Бағдод, Нишопур. Рой ш.ларида бўлган. Бухорога кслиб (980), умрининг охиригача шу срда яшаган. Бухорода қасида ва васф жанрларининг йирик намояндаси сифатида шуҳрат топган. Кўпчилик қасидаларини ислом шеърияти руҳида, соғ араб услубида ёзган. Васфларида озиқ-овкат, мевалар, буюм-ашёлар, табиат ходисалари ва б. тавсиф килинган.

А.Т. ҳакида ас-Саолибийнинг «Йатимат ад-дахр» (“Замона аҳлиниңг фазилатлари”), Кутубийнинг “Бүғйоту-л-вуют”, Ибн Ҳалликоннинг “Вафойоту-л-аъён” асарларида маълумот берилган. Рой ш.да бувайхийлар вазири Ибн Аббод ҳакида қасидалар ёзган. Мева, буюм ва таомлар ҳакида 100 дан ортиқ васфлари “Йатимат ад-дахр” тазкирасида келтирилган.

• Абу Мансур ас-Саолибий. Йатимат ад-дахр. 4-кисм / И.Абдуллаев тарж. Т.: Фан, 1976; Абдуллаев И. Поззия на арабском яз. в Средней Азии и Хорасане – нач. XI в. Т., 1984.

АБУ ТОҲИР ХАТУНИЙ (XVI) – ўзбек шоири. Андижонда яшаган, сўнгра Ҳиндистонга хижрат килган. Мутрибий тазкирасида “Мажмаъу-л-фузало” муаллифи сифатида т.га олинган. Ҳижрий VIII–XI асрларда форс-тожик ёзма ад-ти шаклланиши туфайли унинг вакиллари ва назарий масалаларини ифодаловчи форс т.даги тазкира асарлари вужудга келган. XVI асрда А.Т. ёзган “Манокибу-ш-шуаро” (“Шоирларнинг сифатлари”) биринчи тазкира сифатида эътироф этилади, бирок бу тазкира бизгача етиб келмаган. Ана шундай асарлардан бири ҳижрий 990 йил охирида (1582, декабр) Андижонда ёзила бошлаб, 1003–1005 (1595–1597) й.лари Ҳиндистонда тугатилган “Мажмаъ ул-фузало” тазкирасидир.

• Мутрибий Самарқандий. Нусхай зебои Жаҳонгир / Форсийдан И.Бекжон тарж. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2014.

АБУ ТОҲИРХОЖА Самарқандий (в. 1874) – тарихчи ва хаттот. Тўлиқ исми: Мир Абу Тоҳир ибн Қози Абу Сайд Садр Самарқандий. Отаси ш. қозиси бўлган. А.Т. Самарқандда муфтий, Карманада раис вазифасида ишлаган. Бухоро амири Музаффариддинга бағишлаб, “Аҳлоқи Музаффарий” асарини ёзган. А.Т. асарда хоннинг аҳлоқий қарашларигина эмас, балки даврнинг маънавий-маърифий масалаларига ҳам эътибор қаратган. “Самария” тарихий асарида (форс т.да) Самарқанднинг қад. даврлардан то XIX асрга қадар кечган кисқа тарихи баён килинган. “Самария”да ш.нинг географик ўрни, осори атиқалари, мадраса ва масжидлари, шунингдек, мозорлари хусусида батафсил маълумот бор. Ҳожа Аҳрор валий мозори ҳакида сўз юритиб, у ҳакда айтилган шоирларнинг байтлари, хусусан, А.Жомийнинг “Тухфату-л-аҳрор” асаридан байтлар келтирилган. А.Т. қаламига мансуб Ҳожа Аҳрор, Маҳдуми Аъзам Косоний Даҳбсидийга бағишланган бир неча байтлар асардан урин олган. “Самария” шарқшунос Н.И.Веселовский томонидан нашр килинган (1878), В.Л.Вяткин уни рус т.га (1898), Абдулмӯъмин Сатторий ўзб. т.га тарж. килган ва бу асар С.Айний таҳририда босилган (1926). Асарни кўлёзма ва тарж.лари б-н солиштириб, Б.Аҳмедов ва А.Жувонмардиев кайта нашрга тайёрлаган.

• Самария. Описание древностей и мусульманских святыи Самарканда Абу Тахир-Ходжи, перев. В.Л.Вяткина / СКСО VI. Самарканд, 1898. С.153–259. Абу Тоҳирхожа. Самария / Мерос. Т.: Камалак, 1991. Б.12–81.

• Аҳмедов Б., Жувонмардиев А. Абу Тоҳир Ҳожа ва унинг “Самария” асари ҳакида / Мерос. Т.: Камалак, 1991. Б.7–11.

АБУ УБАЙДУЛЛОХ Тошкандий (1804–?) – тарихчи олим. Тұлғы исми: Мұхаммад Эшонхожа кори ибн Султонхожа. Күкөн хонлигининг Тошкентдаги ноиби булиб ишилаган (1860 й.гача). “Хулосату-л-ахвол” (“Ахволлар хулосасы”) номлы тарихий асар өзгән. А.У. асарида Құкөн хонлиги (Худоёрхон даври)нинг XIX асрнинг 2-ярмидаги тарихи баён килинган.

АБУ ШАКУР Балхий (Х) – Марказий Осиёда яшаган форсигүй шоир. Рудакийнинг замондоши. У ҳақда “Сабаки Рудакий”да маътумотлар бор ва шеърларидан намуналар келтирилгән.

- Ашъори ҳамасрони Рудакӣ. Сталинобод, 1958; Сабаки Рудакӣ. Душанбе: Ирфон, 1984.

АБУ ЯЗИД (Боязид) **БИСТОМИЙ** (в. 848/874) – илк мутасаввифлардан бири. Тұлғы исми: Абу Язид Тайфур ибн Исо ибн Сурушан ал-Бистомий Акбар. Шоҳруд (хоз. Эрон) вилоятининг Бистом (айрим манбаларда Бастом) қасабаси (Кумуш мавзеи)да тутилған. Устози Абу Али Синд (Бистомдаги қишлоқлардан бири)й булиб, Жаъфар Содикнинг увайс шогирдидир. Замондошлари Зуннун Мисрий (в.245/859), Шакик Балхий (в.114/780), Абу Туроб Нахшабий (в.245/859) б-н мулокотда бұлған. Тасаввуф алломатаридан Абу Сайид Абулхайр, Абулхасан Ҳарақоний, Имом Ғаззолий, Ҳаким Санойи, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Абдурахмон Жомий каби буюк мутасаввифларнинг шаклланишида таъсири бор. Абу Мусо Дейбулий (Дубайлий), Абу Мансур Жиновий, Маҳмуд Кайвоний, Абдуллоҳ Йунобидий, Абу Исҳок Иброҳим ал-Ҳиравий Истанба, Саҳлаво Намра каби шогирдлар етиширган. А.Я. ҳақида Ибн Ҳалликоннинг “Вафияту-л-аъён”, Заркалийнинг “ал-Аълом”, Ибн Қасирнинг “Ал-бидоя ва-н-ниҳоя”, Абу Найим Исфаҳонийнинг “Хулияту-л-авлиә”, Суламийнинг “Табакоту-с-суфийя”, Заҳабийнинг “Мезону-л-эътидол” ва “Доирату-л-маорифи-л-исламийя” асарларида сүз юритилған.

А.Я. таълимоти тасаввуфнинг илмий (Куръоний) асосланишида, фано ва тарикат тушунчаларини талқин этиши жиҳатидан зытиборли. А.Я. номи б-н «Шатхийят» (лугавий маъноси «соҳиғла чиқиши») китоби (туркчада “Шатахот”, яъни жүшкін ифодалар) боғланади, унда жазба ҳолатидаги нидо, муножот ва мулокотлар жамланған. Шунингдес, “Китобу-н-нур мин каломоти аби ал-Тайфур”да нақл ва ҳикматлари жамланған. Эрон олими Абдуррағи Ҳакикат “султону-л-орифин”ни ҳикоят ва рубойлар муаллифи сифатида ҳам таниширади. Фаридиддин Аттор, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ва Давлатшоҳ Самарқандий тазкираларида номи зикр килинган.

Тасаввуфдаги тайфурийлик ёки бистомийлик (айрим манбаларда боязидийлик) тарикат йулининг асосчисидир. Боязид Бистомийнинг покланиш ўюли (тарики) барча суфийлар томонидан баравар маъкул деб қабул килинмаган, шунинг учун уни тавхид, яъни ягоналикка даъво қилишликда айблашған ва «коғир» деб әзілген килишгән. Манбаларда 103 ёшида вафот (Бистом, х. 261) этгани қайд этилади.

«Илохий мулокот» номли асари «Шатхийят» таркибига кирган булиб, само мажлисларида эктирос б-н ўқилган. Ушбу асардан намуналар турк олими Эрол Гунгүрнинг «Ислом тасаввуфи масалалари» китоби (Истанбул, 1993)га илова қилинган. Ўзбек т.да илк бор «Ислом тасаввуфи манбалари» мажмуасида асардан парча эълон қилинган.

◆ *Бадавий А.* Шатахоту-с-суфийя. Қохира, 1949 (араб т.да). *Алишер Навоий. Насойиму-л-мұхабbat / МАТ. 17-ж. Т.: Фан, 2001. 50-тартиб; Ислом тасаввуфи манбалари / Наптрга тайёрл. Ҳ.Болтабоев. Т.: Ўқитувчи, 2006. Б.41; Uludağ S. Bayezid-i Bistami. Ankara. 2006.*

АБУ ҲАЙЙОН *Андалусий* (1256–1334) – тилшунос ва тарихчи олим. Тўлик исми: Асириддин Мухаммад ибн Юсуф ибн Али Фарнотий. Асли андалусиялик олим булиб, мамлуклар даврида Мисрға келган ва ал-Азҳар унтида дарс берган. Т.шунослик ва тарихга оид 60 дан ортик асарлар битган. Шундан тарихга оид: “Китобу-л-мубайин фи-т-тарих ал-Андалус” (“Андалусия тарихи ҳакида равшан китоб”), “Захру-л-мулук фи таҳаррури-т-турк” (“Турк хуррияти чечаги”) асарларини ёзган. “Китобу-л-афъол фи лосони-т-турк” (“Турк т.даги феъллар китоби”), “Манти-л-фурус ли лисон ал-фурус” («Форс т.ни билмайдиганлар учун форс т. ҳақида»), “Нуру-л-хабаш фи лисон ил-хабаш” (“Хабап т.даги коронғуликларни ёритувчи нур”), “Ал-дуррату-л-музиға фи луғати-т-туркай” (“Туркий т. ҳакида нур бсрувчи марварид”) в.б. асарларида турк, форс т.ларнинг лексик, грамматик ҳусусиятлар, турк т.даги мавжуд шевалар ва уларнинг таснифи ёритилган. Бизгача етиб келган т.шуносликка оид “Китобу-л-идрок ли лисон ал-атрок” (“Туркий т.ларни билиш китоби”, 1312) Қоҳирада битилган.

• *Расулова Н.А.* Исследование языка “Китаб ал-идрок ли-лисан ал-атрак Абу Хаййана. АКД. Т., 1969; Она тили. Қомус. Т.: Янги аср авлоди, 2010; *Ходжасева Р. Мамлуклар даври араб адабиёти (ХIII-XV асрлар). Т., 2013.*

АБУ ҲАЙЙОН *ат-ТАВХИДИЙ* (Х) – файласуф, адаб, қалом ва тавхид илмлари асосчиларидан. Форобий, Яхъе ибн Одий ва Абу Сулаймон Мантикий (“Савону-л-хикма” мұаллифи)нинг шогирди. Араб насрода ал-Жохизнинг издоши сифатида эътибор қозонган ва “Иккинчи Жохиз” нисбасини олган. “Роҳату-с-сурур” (“Шодлик роҳати”) асарида жадаллий (диалектик) фикрлашни илгари суриб, арастучиларни ва “Иҳвону-с-сафо” олимларини танқид килган.

АБУ ҲАМИД ҒАЗЗОЛИЙ, Зайниддин Мухаммад (1058–1111) – буюк тасаввуф алломаси. Мусулмон оламида “Хужжату-л-ислом” унвони б-н машхур. Ҳурсоннинг Тус ш.да туғилган, болалиги Fazzola қишлоғида кечган. Тусда Аҳмад Родугонийдан, Нишопурда Жувайнийдан таълим олган. Бағдодда тўрт йил мударрислик килган. 1085 й. салжуқли сulton Маликшоҳнинг вазири Низомулмулк А.Х.ни Исфаҳонга таклиф этган. 1091 й.дан Низомулмулк томонидан Бағдодда очилган Низомия мадрасасида дарс

берган. 1095 й.да ҳаж сафарига борган, Суря, Искандария, Андалусия ўлкаларида (1095–1105) яшаган. Сунгра Тусга кайтиб, ўз кишлоғида хонакох ташкил килган ва уша ерда илм толибларига дарс берган.

Имом Газзолий асарлари "Қомусу-л-аъзам" да зикр килинганды: "Ал-Басит" («Жавхар»), "Ал-Васит" («Үрталик»), "Ал-Ваъжиз" («Қисқа»), "Ал-Хулоса", "Ал-Мустафо" («Сайланган»), "Ал-Мунхал" («Нихоллик»), "Ал-Мунтахал" («Нихоя»), "Тахофуту-л-фалосифа" («Файласуфларнинг ихтиофлари»), "Маҳаку-н-назар" («Қарашибарни аниклаш»), "Меъёру-л-илм" («Илм меъёрлари»), "Ал-Макосид" («Мақсадлар»), "Ҳақиқату-л-қавлайн" («Икки сўз ҳақиқати»), "Матькулут" («Тушунчалар»), "Ажибу-л-кулуб" («Ажойиб калблар») в.б. "Жавоҳиру-л-Куръон", "Мишкоту-л-анвор" ("Зиё нурлари"), "Ёкуту-т-таъвил" ("Тафсирлар гавҳари"), "Унвони мусулмоний" "Фазойиҳу-л-ботиний" ("Ботинийлик моҳияти"), "Ал-Мунқиз мин аз-залаал" ("Янгишувлардан куткарувчи"), "Қистосу-л-мустаким" ("Ҳақиқат мезонлари") асарларида тасаввуф тариқати, моҳияти ва ботинийлик сирлари хусусида сўз юритган.

"Иҳия ал-улум ад-дин" ("Диний илмларни жонлантириш") А.Ҳ.нинг бош асари булиб, қишилик дунёси абадият б-н боғланиши учун илохий илмлар доимо ҳаракатда бўлсин, токи инсонларнинг калблари турмуш ташвишлари туфайли кирланмасинлар деган фалсафа мавжуд. "Кимиёси саодат" асарининг бош масаласи Дил ҳақиқати булиб, бу асар тасаввуф таълимотининг нозик тушунча ва ишоратлари шарҳига багишланган. Бу А.Ҳ.нинг «Иҳия ал-улум ад-дин» асарининг муҳтасар шаклидир, уни Ҳұтан ҳокими Азиз Шоҳбек топшириги б-н Муҳаммад Исо арабчадан туркйига тарж. килган. Унда дил ва рух тушунчалари, уларнинг тасаввуфий талқинлари в.б. умуминсоний фикрлар баён килинган. А.Ҳ.нинг "Мукошафату-л-кулуб" асарининг тұла тарж.си «Қалбларни босиб ётган ғайриинсоний феъл ва түйүларнинг кашфи» демакадир. Бу асарда мугасаввиф адаб жамият таназзулига сабаб буладиган кусурлар – кибру ҳаво, риё, ҳасад, шұхрат ва зулмларни ҳамда уларни тузатиши сабабларини англатган. А.Ҳ. таълимоти ўзидан кейинги барча илмларнинг тараккىётiga таъсир күрсатган.

♦ Абу Ҳомид Газзолий. Мукошафату-л-кулуб / Туркчадан М.Аъзам тарж. Т.: Адолат, 2002; Т.: Янги аср авлоди, 2005; Зайнiddин Мұхаммад Газзолий. Кимиёси саодат. Рух ҳақиқати / Наңрга тайёрл. М.Махмуд ва А.Кулохий. Т.: Адолат, 2005; Имом Газзолий. Иҳия ал-улум ад-дин / Парчалар. Т., 2006; Абу Ҳомид ал-Газали. Притчи / Суфии. Восхождение к истине. М., ЭКСМО, 2007. С.11-46.

♦ Маҳмудов М. Имом Газзолий / Ахли дил. Т.: Ўқитувчи, 1997. Б.281–290.

АБУ ҲАНИФА (699–767) – машхур аллома, факих ва мұхаддис. Асл исми: Нұғыннан Собит, манбаларда Имоми Аъзам нисбаси б-н машхұр. Ҳанафийлик (суннийлик) мазхаби асосчиси. Ирокнинг Куфа ш.да туғилған. Үстод Ҳаммод ибн Абу Сулаймондан сабок олган. Давлат қозихонаси ишларига жалб қилинганда розилик билдиримай Маккага кеттган. Халифалик аббосийлар сулоласига ўтгач, Бағдодга кайтган.

Илохиёт ва фикҳ илмини ўзининг илмий фаолияти учун асос билган аллома “Муснад” (“Хужжатлар”) номи б-н ҳадислар тўшлами тузган. Ҳар бир ҳадиснинг манбаси аник кўрсатилиши, уларга берилган зарур изохлари б-н бошка муҳаддислар асарларидан фарқланади. “Ал-Фикху-л-акбар” (айрим манбаларда “Асл ат-Тавхид”) асарида Каломи мажилга суюнган ҳолда Аллоҳ таоло бирлиги, зоти, сифатлари, каломи, кудрати, иродаси ҳакида Мұхаммад (с.а.в.)нинг фазойили нубуввати (пайғамбарлик сифатлари) ҳамда ахли суннат (суннийлик мазҳабидагиларнинг) зуҳду такво, қазою кадар, хайру савоб, гуноҳу азоб масалаларини ислом конунчилиги доирасида шарҳлаб берган. А.Ҳ. асарида, шунингдек, аббосийлар ҳалифалигига урф бўлган мұтазила оқимиға муносабат ҳам билдирилган.

- *Имом Абу Ҳанифа. Ал-Фикху-л-акбар / Сайид Махмуд Олтихон тўра тарж. Т.: Адолат. 2003; Имоми Аъзам Абу Ҳанифа. Муснад. Т.: Мовароуннаҳр, 2005; Ал-фикх ал-акбар / Становление мусульманской доктринальной мысли и ранняя исламская философия. Введение, перевод с араб. и комментарии // Вестник РГГУ. Вып. 4. Восток: Исследования. Переводы. М.:РГГУ, 2000. С.52-86. Құтқу, Мұхаммад Зәхид. Ахли суннат вал-жамоат акойиди / Мирзо Қенжабек тарж. Т.: Мовароуннаҳр, 1998; Мансур, Алоуддин. Имоми Аъзам – буюк имомимиз. Т.: F.Ғулом номидаги нашр., 1999.*

АБУ ҲАНИФА, Диноварий (~815–895) – филолог, тарихчи ва табиатшунос. Манбаларда Абу Ҳанифайи Соний ёки Абу Ҳанифа Диноварий номи б-н учрайди. Келиб чикиши форс бўлса-да, асарлари араб т.да ёзилган. “Китобу-ш-шэър ва-ш-шуаро” (“Шеър ва шоирлар китоби”)да шеър илмига оид масалалар; “Китобу-л-фасоҳат” (“Фасоҳат китоби”) асарида нотиклик фасоҳати хусусида сўз юритилган. Куп жилдли “Китоб фи-и-набот” (“Ўсимликлар китоби”) асари *абжад* тартибида тузилган бўлиб, унда 482 хил ўсимликтан ҳакида маълумот бор. А.Ҳ. асари таркибига араб шоирларининг ўсимликлар ҳакидаги кўплаб шеърларини ҳам кириптган. Асар Б.Левин томонидан инглиз т.га тарж. килинган. Бизгача тарихий асари “Китобу-л-ахбор ат-тавил» («Муфассал хабарлар китоби») тўла етиб келган. Асарда 637 й.дан IX аср ўрталаригача Ажамда юз берган воқеалар акс этган. А.Ҳ.нинг сўнгти асари В.Ф.Гиргас (1888), И.Ю.Крачковский (1912) томонидан эълон килинган. А.Ҳ.ҳакида К.Брокслманн в.б. шарқшуносларнинг тадқиқотлари маълум.

- Алишер Навоий. Мажолису-и-нағоғис / МАТ. Т.: Фан, 1997. Б.230.

АБУ ҲАСАН Али Баҳром Сарахсий (в. 1106) – форс шоири ва олим. Авфий Бухорийнинг “Лубобу-л-албоб”, Низомий Арузий Самаркандийнинг “Чаҳор макола” рисолаларида А.Ҳ. ҳакида маълумотлар бор. Истебдодли шоир бўлган, “Хужастанома” маснавийси, “Фояту-л-арузайн” (“Икки аруз белгилари”), “Канзу-л-кофия” (“Кофиляр хазинаси”) рисолалари манбаларда т.га олинади. Биринчи рисолада араб ва форс арузи хусусиятларини қиёслаган, форс арузига тегишли уч доира: *муғалата, мұнаълиқа ва мұнъақисан* кашф килган (Бузургмехр Койиний б-н бирга). А.Ҳ.нинг иккинчи рисоласи кофия илмига бағишиланган бўлиб, унда муал. кофия ҳарфлари ва ҳаракатлари, кофия усуслари ва айблари хусусида сўз юритган.

• Шомухамедов Ш. Форс-тожик арузи. Т.: ТошДУ, 1970; Низомий Арузий Самарқандий. Нодир ҳикоятлар / форс т.дан М.Ҳасаний тарж. Т., 1986; Шамси Қайс Розий. Ал-Мұжызам фи маъйор ашьору-л-Ажам. Душанбе: Адид, 1991. С.464; Тұйчиева Г. Форс арузи рисолалари. Т., 2008. Б.77.

АБУ ҲИЛОЛ Аскарий (в. 1005) – араб олими, адаби. Тұлған номи: Абу Ҳилол Ҳасан б. Абдуллох б. Саҳл Аскарий. Поэтикага доир үнлаб асарлар орасыда «Китабу-л-санъатайн ал-китаба ва-ш-шәър» («Шәър китобларидан икки санъат китоби») алохидә урин тутади.

• Шарқ мұмтоз поэтикасы Ҳ.Болтабоев талқинида. Т., 2006; Quliyeva M. Шарқ поетикасының асас көтөрүлгөлөл. Вакыт, 2010.

АБУЛ АББОС Мұстагфирий (941–1041) – адаби, тарихчи, мұхаддис олим. Тұлған исми: Жаъфар ибн Абу Али Мұхаммад ибн Абу Бакр Насафий Самарқандий. Марв, Сарахс, Нишопур, Бухоро ва Самарқандда яшаган. Умрининг сунгтида Насафда имом-хатиб булиб ишлаган. Ад-тшуносликка оид “Китобу-ш-шәър ва-ш-шуаро” (“Шәър ва шоирлар хакида китоб”), “Китобу-л-вафо” асарлари муал.и. Үрта Осиё ва унинг йирик ш.лари тарихига оид “Китоби тарихи Самарқанд” (“Самарқанд тарихи”), “Китоби тарихи Насаф ва Кеш” (“Карши ва Ш.сабз тарихи”)ни биттән. Пайғамбарлық тарихи ва фикх илміга оид “Китобу-л-далойили-н-нубувва” (“Пайғамбарлық далиллари китоби”), “Китобу-д-даъавот” (“Даъватлар китоби”), “Китобу хутоби-н-набий” (“Пайғамбарлық хутбалари китоби”), “Китоб тиббу-н-набий” (“Пайғамбар табобати китоби”) асарлари маълум. Бу китоблар орасыда биргина “Китоб тиббу-н-набий” бизгача етиб келган ва Техронда чоп этилған.

АБУЛ АЪЛО Шустарий (Х) – форсийзабон шоир ва арузшунос олим. А.А. хакида Асадий Тусий «Лұғати фурус»да, Умар Родүсний «Таржумону-л-балоға»да маълумот берган ва унинг шеърларидан мисоллар көлтирган. Родүсний хабар килишича, у нозикташ шеършунос бўлган, форс т.да аруз илмига оид рисола ёзган. А.А. шеърларидан 19 байтгина сақланган, аруз рисоласи етиб келмаган. Унинг асарларидан намуналар айрим мажмуаларда көлтирилади.

♦ Ашъори ҳамасрони Рудакӣ. Сталинобод, 1958; Сабаки Рудаки. Душанбе: Адид, 1980; Touq Y., Saидали С. Қомуси кофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чылд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон, 1994.Б.25.

АБУЛ АТОХИЙ, Исмоил (748–825) – араб шоири. Аббосий халифа Хорун ар-Рашиднинг отаси халифа Маҳдий (775–785) даврида лирик шоир сифатида машхур бўлган, унинг шеърларига кўйлар басталанганд. Халифа Хорун ар-Рашид даврида эса фалсафий рисолалар биттанди.

♦ Лирики Востока. М.: Правда, 1983.
• Крачковский И.Ю. Изб. сочинения, т.2. М.-Л., 1956; Абул Фарадж Исфахани. Книга песен. М., 1980; Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Энци-кий словарь в 12 томах. Биографии. т.1. М.: СЭ, 1991. С.32.

АБУЛ БАРАКА (XV–XVI) – шоир, факих. Хожа Фирокий, Ш.сабз козиси. Алишер Навоий “Мажолис...”да унинг шоирлигини айтмаса-да, “анинг назмидин хотирда йўқ эрди, аммо бу байтни зурафо анинг учун дебтурлар: “Деви шайтонсифат Абулбарака / Бод жояш ба ҳафтуман дараға” (Шайтонсифат Абул Бараканинг жойи еттинчи дўзах булсин)” деб бир байт келтирган.

- Алишер Навоий. Мажолису-у-нафоис. МАТ. 13-жилд. Т., 1997.

АБУЛ ВАФО ХОРАЗМИЙ (в. 1432) – хоразмлик валий ва шоир. XV асрнинг бошларида яшаган. “Ер фариштаси” лақаби б-н машхур бўлган. Тасаввуф, илми ғариба, мусиқага оид рисолалар ёзган. Навоий икки асарида А.В. хақида маълумот беради. “Насойиму-л-муҳаббат”да “Хожа Абулвафо хизматларига тавхид арбоби ва мавожид ва азвок асҳоби сўфия машорибидин шурби тамом бор эрмиш. Андокки аларнинг расоил ва ашъоридин, батахсис рубоиётидин бу маъни зоҳирдур ва бу даъво исботига неча рубоий келтирилур” деб таърифланган. “Мажолис...”нинг Биринчи мажлисида эса: “Хожа авсофини ҳар киши битир бўлса, алоҳида бир китоб битмак керак, маълум эмаским, бир китобда сикғайму ё йўқ” дега тавсифланиб, форсий бир рубоийси келтирилган:

Бад кардаму эътизор бадтар зи гуноҳ,
Зоро ки дар ин ҳаст се даъвии табоҳ.
Даъвии вужуду даъвии қуввату ҳавл,
Лоҳавла вало қуввати ишо биллоҳ

(Мазмуни: Мен ёмонлик килдим, узр айтиш гуноҳдан ёмонрок, чунки бунда учта бузук даъво бор: вужуд, қувват ва қўркинч даъвоси бор, қувват ва қўркинч эса факат Худодан бўлур).

Хусайн Хоразмийнинг “зоҳир илмида устози, ботин илмида пири” (Навоий) эди. Қабри Хоразмда.

- Алишер Навоий. Мажолису-н-нафоис / МАТ. 13-ж. Т.: Фан, 1997. Б.13; Насойиму-л-муҳаббат / МАТ. 17-ж. Т.: Фан, 2001. 478-тартиб; Ғиёсиддин Ҳўмомиддин ўғли Ҳондамир. Ҳабибу-с-сийар фи ахбори афроди башар. Т.: Ўзбекистон, 2013. Б.470-71.

АБУЛ МАХОСИН, Юсуф ибн Тангриберди (1410–1470) – тарихчи ва адтшунос олим. Асли туркийлардан бўлган, Мисрда яшаган. Унинг отаси Мисрга ёлланма жангчи булиб келган, кейинчалик эса Ҳалаб ва Дамашқ ҳокими даражасига кутарилган. Бир катор тарихий асарлар муал.и, шеърлари асосида “Девон” тузган ва қад. даврлардан XV асрнинг ўрталаригача бўлган давр шоирларини қамраб олувчи тазкира тузган.

- Крачковский И.Ю. Историк Египта Ибн Тагриберди как беллетрист / Изб. соч., т.2. М.Л.: 1956; Краткая лит-ная энш-я. т.1. М.: СЭ, 1962. С.45.

АБУЛ МАКОРИМ (в. 1585) – бобурийлар сулоласининг вакилларидан, шоҳ ва шоир, мусикашунос ва бастакор. Тахаллуси: Мухаммад Мирзо Кобулий. Ҳумоюншохнинг ўғли. Акбаршоҳ даврида Кобулни бошкарган. Мутрибий

уни “ғоятда илмпарвар ва олимларни эъзозлаш, кадрлашни зарурий савоб ишлардан деб билувчи ҳукмдор” деб танишитиради. Форс ва туркий т.ларда назм битгани маълум. “Нусхайи зебойи Жаҳонгир” асарида “Аруз илми, шеърнинг қоғия мезонларини тўла ўзлаштирган, сўзлари тиник ва дилга ёкувчи” деб таърифланган. Мутрибийнинг “Тазкирату-ш-шуаро”сида унинг бир матлаи ва бир рубоийси кеслирилган:

Бо ёди туъям, хуш аст, женоно ҳама ҳол,

Рӯзона дар андишаву шабҳо ба хаёл.

Гар бо ту наям, бе ту наям, дар ҳама ҳол,

Хоҳи, ба фироқам куш ва хоҳи ба висол.

Мазмuni: Ёдинг била эрсам, күшдир манг барча ҳол,

Кундузи кўркув, тунда бошда минг хаёл.

Гар йўқман ёнингда, лек сен ила мудом

Хоҳ ўлдир фироқ-ла, йўкса ўлдирсин висол.

Бастакор сифатида Ҳусайний оҳангиди “Даври шоҳий” номли куй басталагани, “Рост” оҳангиди ҳафиҳ усули б-н савту-л-амал боғлагани манбаларда т.га олинган.

• *Мутрибий Самарқандий. Тазкирату-ш-шуаро / Форсийдан И.Бекжон тарж. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2013.*

АБУЛ МУЗАФФАР ЧАГОНИЙ (в. 997) – ўзбек шоири ва таржимони. Тўлиқ исми: Амир Абул Музффар Тоҳир ибн ал-Фазл ибн Мухаммад Муҳтож ал-Чагоний. Сомонийлар даврида Чагонисин (Сағонисин)да амирлик қилган. У хақда Байҳақийнинг “Тарихи Носирий” асарида, Авфийнинг “Лубобу-л-албоб” тазкирасида маълумот бор. Умар Родуёний “Таржумону-л-балога” рисоласида унинг шеърларидан бир неча байтни шеърий санъатларга мисол тарикасида келтирган. Авфийнинг ёзишича, “тароватли ва латофатли шеърлари бор... уларнинг ўқилиши равон, тушунилиши осон, мағзи нозик, маъноси сўлим”. Тазкирада ғазал ва рубоийларидан намуналар келтирилган:

Як шаҳр ҳаме фусуну ранг оmezанд,

То бар ману бар ту ростхез ангезанд.

Бо мо ба ҳадиси ишқи мо чи-стезанд –

Ҳар мурғеро ба пои хеш оvezанд.

Мазмuni:

Сену менга қиёматли фитнагар –

Ул ой, турли-туман афсун ўргатар.

Бизларга ишқ ҳадисидин уриб лоф,

Ҳар бир күшни ўз оёғидан осар.

• Ашъори ҳамасрони Рӯдаки. Сталинобод: Нашрдавтоҷ, 1958. С. 324–327.

• Муҳаммад иби Умар ар-Родуёний. Таржимон ул-балога. Чопэ дуввум. – Техрон: Асотир, 1362.С.21; Қодиров Б., Муртазоев Б. Чагониён адабиёти. Т.: Янги аср авлоди, 2002.

АБУЛ МУҲСИН МИРЗО (1472–1507) – темурий шаҳзодалардан бири, Султон Ҳусайннинг ўғли. Марв вилояти ҳокими. Гарчи унинг ижоди ҳакида маълумотга эга бўлмасак ҳам, Бобур уни хурмат б-н т.га олади (“Бобурнома”, 207а). Алишер Навоий “Сокийнома”сиning муайян кисми, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Ахлоқи Муҳсиний” асари унга бағишиланган.

• Затуриддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т.: Фан, 2002.

АБУЛ ФАРАЖ ИСФАХОНИЙ (897–967) – араб шоири ва олими. Тулик исми: Али ибн Ҳусайн ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Курайший. Сунгти умавий халифаларидан Марвон ибн Муҳаммад Исфаҳоний авлодларидан. Багдодда ўқиган. Йоқут Ҳамавий “Мұъжаму-л-удабо” асарида А.Ф. устозлари сифатида Табарий, Киндий, Курайший, Танухий каби алломаларни кўрсатади. Илми адаб, ҳадис, фикх, тарих, тиббиёт, мусика, фалсафага оид рисолалари бор. Шоир сифатида “Девон” тартиб берган. Унинг эллик йилга яқин муддатда яратган асосий асари “Китобу-л-Оғоний” (“Қўшиклар китоби”) булиб, у 1904 й.да 21 ж.да Қохирада эълон килинган. Мажмуа асосига дастлаб юз асар қўйилган: улар Иброҳим Мавсиилий. Исмоил Жомий каби қўшиқчилар иштирокида Хорун ар-Рашид (786-809) учун танлаб олинган. Халифа Восик даврида қайта таҳрир килинган. Йакутнинг ёзишича, бу тўплам 50 йил давомида яратилган ва Сайфу-д-Давлага тақдим килинган. Бу тазкира VII-X асрларда араб т.да ёзилган асарлар асосида тартиб берилган, унда жоҳилият даври ва саодат асрида яшаган шоирларнинг тарж.и ҳоллари б-н бир каторда араб халифалигининг маданий тарихига оид кимматли фактлар, жумладан, бастакор ва мусиқашунослар ҳакида ҳам маълумотлар бор. Ушбу комусий манба кўплаб Шарқ алломалари учун асосий кўлланма булиб хизмат килган. Жумладан, проф. Фитрат бир катор тарихий ва илмий асарларида ушбу манбага бир исча марта мурожаат килган. А.Ф.нинг иккинчи йирик асари “Китобу-з-зийорат” (“Саёҳатлар китоби”) да 786 й.дан 902 й.гача ёзилган шеър ва хикоятлар тўпланган.

♦ Абу Фарадж Исфаҳани. Книга песен. М.: Наука, 1980.

♦ Йоқут. Мұъжаму-л-удабо. Кохира, 1930 (араб т.); Ҳалфулла М.А. Сохибу-л-Оғоний – Абул Фараж Исфаҳоний. Кохира, 1953; Краткая лит-ная энц-я, т.1. М.: СЭ, 1962. С.45; Пастухова Л.Е. “Книга песен” Абул Фараджа ал-Исфагани / Классическая лит-ра Востока. М.: Наука, 1972. С.3-10.

АБУЛ ҲАСАН (XV) – хиротлик туркигўй шоир. Алишер Навоийнинг баҳосича, “табыи ҳуб” (истесоди баланд) шоир эди. Муаммо фанида ҳам юксак экани “Мажолис...”да кайд этилиб, бир байт келтирилган:

Келибтур ул гулу бир ҳафта туруб борадур,

Бу ўт кўнгулга тушиб жонни куйдурууб борадур.

• Алишер Навоий. Мажолису-н-нафоис / Асарлар. Ўн иккинчи том. Т.: Фан, 1966. Б.26.

АБУЛ ҲАСАН Али Фаррухий Чулуғ Сейистоний (980–1037) – даврининг латиф шоирларидан бўлган. А.А. ҳакида Низомий Арузий Самаркандий, Авфий, Давлатшоҳ Самаркандий хабар беради. Асли Сейистондан,

Чагониёнда яшаган. Ҳоким Абул Музаффар номига касида битган, бир факир шоир бундай гўзал қасида ёзганига амирнинг кадхудоси Амид Асад ишонмайди, А.А. бир кечада бошқа «Доғгоҳ» номли касида битган. Қасидачиликда Дақиқий йўлини давом эттирган. А.А.нинг шеър базмida айтган

*Кўк ҳарирдан юзига ётган рўмолин сабзвор,
Етти хиз ранг ипакларин бошга солди кўҳсор*

деб бошланувчи қасидаси машхур. Музаффарий исмли бошқа бир шоир уни «тожу-ш-шуаро» деб атаганини Асадий Тусий (1005–75) «Лугати фурус» асарида келтиради.

- Абдуллаев И. Бухоронинг арабийнавис шоирлари. Т.: Фан, 1965; Пoэзия на арабском языке в Средней Азии и Хорасане X-нач. XI в. Т.: Фан, 1984; Низомий Арузий Самаркандин. Нодир хикоятлар. Т.: 1985. Б.37; Абдуллоев А. Ад-ти форсуз тожик дар нимай аввали асли XI (Доираи адабиии Фазнин). Душанбе: Дониш. 1979; Қодиров Б., Муртазоев Б. Чагониён ад-ти (Х–ХII асрлар). Т.: Янги аср авлоди, 2002. Б.17.

АБУЛ ҲАСАН ибн Саъид Ахфаш (в. 830) – араб олими. Машхур арузшунос Ҳалил ибн Аҳмаднинг шогирди. Аруз илмига доир рисолалари бор. Араб арузидағи 16-баҳр ихтироочиси. Устози Ҳалил ибн Аҳмаднинг «Айн китоби» и асари бизгача етиб келмаган. Факат А.А.нинг рисолаларида “Айн китоби”нинг мазмуни баён қилинган.

АБУЛ ҲУСАЙН Мұхаммад б. Мұхаммад Муродий Бухорий (в. 940) – қасиданавис шоир. Рудакийнинг севимли шогирларидан бўлган, А.Х. вафотига багишлаб Рудакий марсия битган. Қасидасидаги бир байт мазмуни:

*Бошинг узра ўзим чарх уриб турганда,
Ҳашам ва ҳазинадан фойда нечун.*

- Абул Ҳусайн Мұхаммад. Қасида / Ашъори ҳамасрони Рудаки. Сталинобод, 1958. С.29.
- Абдуллаев И. Бухоронинг арабийнавис шоирлари. Т.: Фан, 1965; Пoэзия на арабском языке в Средней Азии и Хорасане X-нач. XI в. Т.: Фан, 1984; Низомий Арузий Самаркандин. Нодир хикоятлар. Т.: 1985. Б.37; Абдуллоев А. Ад-ти форсуз тожик дар нимай аввали асли XI (Доираи адабиии Фазнин). Душанбе: Дониш. 1979; Қодиров Б., Муртазоев Б. Чагониён адабиёти (Х–ХII асрлар) Т.: Янги аср авлоди, 2002. Б.17.

АБУЛЛАЙС САМАРҚАНДИЙ (в. 1003) – конуншунос ва фикх олими. Тўлиқ исми: Абу Лайс ибн Мұхаммад ибн Аҳмад ибн Иброҳим Самарқандий. Самарқанд ш. шайхулисломи. Куръони каримни тафсир килиб, “Тафсиру-л-Куръон” асарини ёзган. Фикх илми (ислом ҳуқуқшунослиги)га оид “Хизонату-л-Фикх” (“Фикх ҳазиналари”) рисоласи, тасаввуфга оида “Бўстону-л-Орифин” (“Орифлар бўстони”) ва “Танбсху-л-Гофилин” (“Гофиллар танбехи”) асарлари муаллифи.

АБУЛЛАЙСИЙ, Фазлуллоҳ (XV) – самарқандлик олим ва адаби. Машхур фикх Абуллаис Самарқандий авлодларидан. Мирзо Улугбек салтанатида хизматда бўлган. Навоий Самарқандалик даврида (1465–68) унинг кошида

сабок олгани ва Алишерни “фарзанд” деб билганини “Мажолис...”да кайд этган: “Самарқанднинг аълами уламоси эрди, шеър ва муаммога дағи мойил эрди. Бу матлаъ аларнингдурким:

Кади чун сарви чу жон аст маро, балки равон,

Сўйам, эй сарв, равон шав ки фидо созам жон.

Мазмуни: Сенинг сарв каби қаддинг менинг учун жондир, балки руҳравондир. Эй сарв, мен томонга равона бул, сенга жонимни фидо айлай).

Самарқандда ўз хонакохига дағи этилган.

- Алишер Навоий. Мажолису-н-нафоис / Асарлар. Ўн иккинчи том. Т.: Фан, 1966. Б.32-33; Самарқандий А. Матлаи саъдайи ва мажмаи баҳрайп. Т.: Фан, 1969. Б. 110-111, 300-301.

АБУЛФАЗЛ Алломий (1551–1603) – Ҳиндистонда бобурийлар саройида яшаган, олим, фозил, давлат арбоби, шоир ва тарихчи олим. Бобурнинг ўғли Ҳумоюншохнинг устози Шайх Муборакнинг иккинчи ўғли. А. болалигидан ноёб кобилиятга зга бўлган. Бир ёшдан ошгандана узрекин гапирав, беш ёшида ўқиш ва ёзишни биларди. 7 ёшга стганда отасидан кўп билимларни ўзлаштириб олганди. Ўн йил давомида ўқиш ва ўрганишга берилтиб, ҳатто икки-уч кун туз тотмаган кунлари ҳам бўлган. А. Ақбаршохнинг доимий маслаҳатчиси ва дусти, бош вазир. Унинг қаламига мансуб “Ақбарнома” асари уч жилдан иборат бўлиб, учинчи жилди “Ойини Ақбари” деб номланиб, Ақбаршохнинг давлат бошқаруви, мамлакатнинг маъмурий тузилмаси, ижтимоий турмуши ва маданий ҳаётига бағишиланган тарихий асадир. А. “Мукотаботи Алломий” асарида Ақбаршохнинг 12 вилоят ҳокимиға ёзган хатларини жамлаган ва шарҳлаган. Йигирма ёшга стганда А. атроф оламда булаётган воқеалар ва ҳодисаларни ўрганишга интилиши кучайганини сеза бошлади. А. қаламига мансуб “Ақбарнома” асари Ақбар ҳукмдорлиги даврига берилган муфассал таҳлилий хulosалар, Ақбар айтган фикрлар тўплами, унинг маъмурий идоралари, салтанатни бошқариш маҳорати ва салтанатга кирган ҳудудлар ҳакида берган маълумотлари нуткай назаридан тенгизиз бир асадир. Ҳиндистон тарихи б-н шугулланган барча олимлар ушбу манбага мурожаат қиласидилар, асар худди “Бобурнома” сингари ўз аникилиги ва ҳакикати б-н шуҳрат козонган. А. санъатнинг бошка турлари б-н ҳам машгул бўлган. Унинг ёзишича, “мутика тингловчи қалбига маъюслик ва кувноқлик баҳш этувчи таълимот”дир. А. “Ақбарнома” асарида 36 та сарой мусикачиларининг рўйхатини келтиради. Шунингдек, “Рисолаи муножот”, “Жамиъу-л-луғат” асарлари ҳам А. қаламига мансуб. Ҳинд файласуфи Пилпойк асарини форс т.га тарж. килиб, “Меъри дониш” (“Билим улчови”) тўпламига киритган.

- Абул Фазл. Ақбарнома.; Ойини Ақбари.

- Низомиддинов И. Абулфазл Алломий. Т.: Ўз-н, 1982; Ахмедов Б. Тарихдан сабоктар. Т.: Ўқитувчи, 1994. Б.402-403; Берк С.М. Ақбар – бобурийларнинг энг булоги. Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2009; Низомиддинов Н.Г. Буюк бобурийлар тарихи. Т., 2012.

АБУЛФАЗЛ Суккарый Марвазий (Х) – Марвда туғилган ва ижод этган. Сомонийлар даврининг машхур шоирлариридан, асарларини араб т.да битган. Форс т.даги маколларни тұплаб, мазмун жиҳатидан боғлаган ва араб т.га тарж. күлгән. Муздавжа усули (маснавий)да шеърлар ёзган. Дидактик услубда ёзган шеърлари “Йатимат ад-дахр”га киритилған. Араб т.га тарж. күлгән шеърлариридан: Кечә ҳомиладор, (аммо) нима туғишини билмайды.

- Абу Mansur ас-Саилибий. Йатимат ад-дахр. 4-кисм / И.Абдуллаев тарж. Т.: Фан, 1976; Абу Мансур Абдулмалик ас-Са'алиби. Йатимат ад-дахр фи маҳасин ахл ал-асар. Исследование и пер. с арабского И.Абдуллаева. Т.: Фан, 2005. С. 49-51.

АБУЛФАЙЗХОН (1695–1747) – аштархонийлар сулоласининг сұнгги вакили, Бухоро хони (1711–47). Субхонкулихоннинг ўғли. А. даврида үзаро низолар кучайған, мамлакат чукур иқтисодий-сийесий танazzулга юз тутган. Эрон шохи Нодиршохнинг хужуми туфайли енгилиб, ворислари б-н бирға каты қилинганды. У ҳақда Абдураҳмон Толеънинг “Тарихи Абулфайзхон” асарида ёзилишича, Убайдуллоххоннинг укаси ва вориси булиб, асар А.нинг 1711 й.дан бошлаб 14 йиллик фаолиятини акс эттирган. Бу жиҳатдан асар Мир Вафо Карманагийнинг “Тұхфаи хоний” асарининг давоми ҳисобланады. А. катлидан сұнг Фарғона Бухоро хонлигидан ажралиб, мустақил Кўқон хонлиги сифатида яшай бошлаган. Бухорода эса 1740 й. Нодиршоҳ Ҳакимбий оталикни ўзига вассал қилиб, Бухорога таҳтига ўтказған. Унинг ўғли Мұхаммад Раҳимхон (Раҳимбий оталик) Мангит амирлари сулоласининг биринчи бүгини сифатида хокимиятни бошқарған ва шу даврдан эътиборан Бухоро хонлиги Бухоро амирлiği деб юритила бошланған.

А. тарихига бағищланған Фитратнинг тарихий фожиаси сұйылған.

- Абдураҳман-и Тали'. История Абулфайз-хана. Т.: Изд. АН УзССР, 1959.

«АБУЛФАЙЗХОН» – Фитрат асари (1924). Сарлавха остида “Йўқсул ўлжасининг тарихидан беш пардали фожиа” деган изоҳ билан чоп этилған. Улуғ ўзбек адиби Фитрат бир қанча драматик асарлар эълон қилғандан сұнг “А.”ни ёзишга киришар экан, аштархонийларнинг сұнгти вакили А. тарихини чукур ўрганған. Асарда А. билан бирға бир катор тарихий шахслар, жумладан, А.нинг ўтиллари, Нодиршоҳ, Ҳаким бий, Раҳим бий каторида машхур муаррих “Тұхфаи хоний” муаллифи Мир Вафо Карманагийни хам қаҳрамонлариридан бири сифатида көлтирган. Муаллифнинг эслатишича, 1-парда билан 2-парда орасида 7 й., 3- ва 4-пардалар билан 5-парда орасида 1 й.ча вакт ўтади. Демак, асар Бухоро тарихидаги энг кескин ҳисобланған 1740, 1747 ва 1748 й. воқеалари асосида бадиийлаштирилған. Фожиа А. ҳаётининг сұнгги кунларини акс эттирап экан, драматург эътиборни ноахил сарой амалдорларига, уларнинг фитнаси туфайли инқирозга юз тутган сулола тарихига бағищлаган. Фитрат улуғ драматург сифатида салтанатни фожиага олиб келған сиёсий воқеаларнинг амас, балки уша воқеаларнинг сабабкори амалдор шахслар эканини очик күрсатади. Фитрат асарда бошқа тарихий асарлари каби тарих воситасида замонининг муаммоларига жавоб ахтармокчы бўлади. Айни фожиа орқали юртимизга келиб эгалик килаётган

Нодиршоҳ каби зуравонларга қарши мамлакат мустакиллигини сақлаш миллиатнинг ўз қулида эканини англатмоқчи бўлади.

♦ *Фитрат. Абулфайзхон / Танланган асарлар. I-жилд. Т.: Маънавият, 2000. Б. 180-219.*

♦ *Болтабоев Ҳ. Абдурауф Фитрат. Т., 1992; Ганиев И. Фитрат драмалари поэтикаси Т.: Фан, 2005; Умарова М. Тарихий драмада бадиий вакт: Шекспир ва Фитрат. Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2013.*

АБУЛХАЙР (1693–1748) – қозоқ хонларидан. Ўрта Жуз худудини бошкарган (1720-31). Жунгарларга қарши кураш учун қозоқ қўшинларини бирлаштирган. 1731 й.да Россияга қарши жангларда катнашиб, охири унинг ҳукмронлигини қабул килишга мажбур бўлган. Россиянинг Марказий Осиёга қарши истилосининг ilk зафарларидан бирига А.ни енгиш оркали эришилган.

АБУЛХАЙР Ҳамморий (941/42) – фалсафа ва ҳикмат олими. Форобийнинг шогирди, Беруний ва Ибн Синонинг замондоши. Тўлик исми: Абулхайр Ҳамморий ал-Ҳасан б. Бобо б. Сувар б. Бахнам. Бағдодда туғилган, ҳоразмшоҳ Маъмун б. Маъмун саройига таклиф этилган, Махмуд б. Сабуктегин Ҳоразмни эгаллаганда А. б-н учрашиб Ҳаммор витоятини унга совға килган (Ҳамморий писбасини шундан олган) ва Ғазнага таклиф килган. Маъмун академияси – “Байту-л-ҳикма”да ҳизмат қилган. А. фалсафа ва тиб илмига оид ўнлаб рисолалар ёзган. Бирок улар сакланиб қолмаган. Низомий Арузий Самарқандий уни “Букроти соний” (Иккинчи Гиппократ) деб атаган.

♦ *Багирова С.Г. Сочинение “Татимма сивон ал-ҳикма” ал-Байхаки как образец средневекового энциклопедического справочника. Т.: Фан, 1987. С.34.*

АБУЛХАЙРХОН (1412–1468) – ўзбекхонлар сулоласининг асосчиларидан. 1428 й.дан Даشتி Қипчоқ хони сифатида фаолият юритган, 1447 й. Сирдарё соҳиллари, Сиғнок ва ўзганини эгаллаб хонлигини кенгайтирган. Темурийларга доимий суратда ракобатда бўлиб келган. 1463–64 йй. қалмиклардан енгилиб, ҳокимияти заифлашган. А. вафотидан кейин унинг давлати кулаган ва Шайбонийхон давридагина қайта тикланган. Мутрибий А. ҳакида “ҳазрат салтанатпаноҳ мўътабар хуштъблардан ва шуҳрат топган сўз усталаридан эди. Шеър айтишда унинг коидаларига тўла риоят қиласди. Ўткир фахми ва бало кўптирувчи зехни бор эди. Манави газал унинг жонпарвар гуфторидандир” деган маълумот беради. Мутрибий келтирган А. газали матлъаси:

*Манам зи тиги фироқи ту дил фигор нишаста,
Зи дурии гулруйи ту бекарор нишаста.*

Таржимаси:

Менман фироқинг киличидан дил афгор ўтирган,
Гул юзингдан узок тушиб, бекарор ўтирган.

♦ *Мутрибий Самарқандий. Тазкирату-ш-шуаро / Форсийдан И.Бекжон тарж. Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2013.*

АБУЛҚОСИМ Али ибн Мұхаммад ал-Искофий (в. 956) – хаттот ва адиб. А.А. ҳақида Абу Мансур Саолибийнинг «Йатимат ад-даҳр...» асарида «Хурсоннинг тили, гурури, кўзи ва ягона кишиси эди. У китобат ва илми балогатда Хурсонда бирдан бир киши бўлиб, илм ва санъатда тенги йўқ эди» деб таърифланган ва ундан 21 байт келтирилган. Атр идиши хусусида муаммо:

*Сиртимда энболик барқ урап,
Ичкарида хушбўй ҳид этар ғарқ.
Ярим танам насибасин татир,
Ярмим тўкис ва тугал атири.*

(Арабчадан И.Абдуллаев тарж.)

А.А. вафот эттанида Абу Наср Ҳузаймий «Рисолалар девонида у йўқ энди, Девондаги қалам ва дафтар эгасиз колди» деб ёзган.

• Абдуллаев И. Бухоронинг арабийнавис шоиrlари. Т.: Фан, 1965; Пoэзия на арабском языке в Средней Азии и Хорасане X-нач. XI в. Т.: Фан, 1984; Абдуллоев А. Ад-ти форсу тожик дар нима аввали асри XI (Доираи адабии Ғазнин). Душанбе: Дониш. 1979; Қодиров Б., Муртазоев Б. Чагониён ад-ти (Х-ХII асрлар) Т.: Янги аср авлоди, 2002. Б.17.

АБУЛҚОСИМ БОБУР (1422–1457) – темурий хукмдорлардан. Бойсунгур мирзонинг ўғли. Шоҳруҳ мирзо тарбия килганд. Хурсон хукмдори (1449–57). Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро А.Б. саройида хизматда бўлган. Ад-т ва санъатга эътибор берган, саройига кўплаб шоир ва санъаткорларни жамлаган. А.Б. ўзбек ва форс т.ларидан шеърлар битган.

А.Б.нинг

*Неча юзинг кўруб ҳайрон ўлайин,
Илоҳо, мен сенга қурбон ўлайин.*

деган байтини Навоий “Мажолис ун-нафоис” китобида келтирган ва “Дарвешваш ва фоний сифат ва кариму-л-ахлок киши эрди. Ҳиммати олдида олтуннинг даги кумушнинг тош ва туфроғча ҳисоби йўқ эрди...” деб таърифлаган.

• Самарқандий А. Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Т.: Фан, 1969. Б.304-305.

АБУЛҚОСИМ ЗАМАХШАРИЙ – к.: Замахшарий.

АБУЛҚОСИМ ФИРДАВСИЙ – к.: Фирдавсий.

АБУЛГОЗИ БАҲОДИРХОН (1603/23.VIII–1664) – ўзбек адиби, тарихчиси ва давлат арбоби. А.Б. Хива хони Арабмуҳаммад оиласида туғилди. Ўн уч ёшидан (1616) тож-тахт учун курашларда иштирок этган. Истеъододли шоир бўлган. 16 ёшида ўз акаси Ҳабаш султонга қаршилик килгани учун Урганчдан сурғун килиниб, туркманлар, қозоқлар ва қалмиклар орасида яшаган. Ўн йилдан ортиқ Эронда асирликда бўлган. 1641 й.да она юртига кайтиб, бир канча жанглардан сунг акаси Асфандиёрхондан кейин 1643 й.да Хоразм таҳтини эгаллаган. 20 йил ҳукмронлик қиди. 1664 й. апрелда вафот

этган. Мунис А. ҳакида: “багоят ашъор фаҳм ва тарихдог киши эрди. Андокким, ўз силсиласида бир тарих битиб, “Шажараи турк”га мавсум килибдур. Қитъа:

*Хони олампаноҳ Абулгози,
Ҳар тараф бешумор чекти синоҳ.
Охир ани ажсал синоҳи тутиб,
Айлади манзили хоки сиёҳ”, –*

деб ёзган.

А.Б.нинг икки тарихий асари машхур: “Шажараи турк” ва “Шажараи тарокима”. «Шажараи турк» (1663–64) ўзбек уруғлари тарихига бағипланган. Тўқиз бобдан иборат. Бу асарда нафакат ҳонлик тарихи, балки пайғамбарлар ва туркий қавмлар тарихи ҳам акс этган. Асарда муал. Ер юзида ҳаётнинг пайдо булиши, Одам Атонинг туғилишидан тортиб, ўзининг ҳонлик тарихига қадар ўтган даврларни қаламга олган. Асарлари таркибида туркий элатлар тарихига оид ривоят ва маълумотлар тұпланган. Асарнинг тили содда ва равон. Абулгози тарихий воқеаларни бадиий бүёклар, ҳаётий лавҳалар орқали тасвирлайди. «Шажараи турк» шарқ, рус ва гарб олимларининг ҳам эътиборини тортган. У Қозонда бир неча марта нашр этилган (Румянцев нашри, 1825; Саблуков нашри, 1854). Т.Н.Демезон асарни француз т.га тарж. қилган (1817–18). Асар Фарбий Европа тарихчилари орасида ҳам машхур. «Шажараи тарокима» (1661) туркман ҳалқининг аждодлари тарихига бағищланган. Бу тарихий асарлар ўзбек, туркман, тожик, мұғул ҳалқлар тарихини ёритишида таянч манбалардандир.

А. нинг тарихчилик фаолияти Хоразмда Мунис, Оғаҳий ва Баённи томонидан давом эттирилган. Ўз-н тарихини ёритишида Я.Ғуломов, Б.Ахмедов, Қ.Муниров, К.Юсупов, М.Йўлдошев каби олимлар Абулгози маълумотларидан кент фойдаланишган. А.Н.Кононов, А.М.Шчербак, С.И.Иванов каби т.шунос олимлар А. асарларига суюнишган. О.Шарафиддинов, М.Юнусов, В.Абдуллаев в.б. ад-тишунослик пуктаи назаридан тадқик этишган. Шеърий асарлари етиб келмаган. А. тарихий асарларининг ЎзРФАШИда бир неча кўлёзма нусхаси сакланади (инв. № 7668, 1223, 4017). А. нинг тиббиётга оид «Манофеъу-л-инсон» («Инсон саломатлиги учун фойдалилар», 1657) рисоласи етиб келган. Китобда 24 боб воситасида 120 дан ортиқ ҳасталик, уни даволаш ва ҳалқ табобатида кўлланиладиган 700 дан ортиқ дори-дармон ҳакида маълумот берилган.

- ♦ Абулгози. Шажараи турк / Нашрга тайёрл. Қ.Махмудов. Т., 1992; Шажараи тарокима / Нашрга тайёрл. Қ.Махмудов. Т., 1995; Родословное древо тюрок / Пер. и предисл. Г.С.Саблукова. Казань, 1906; Абулгозий Баҳодирхон. Шажараи тарокима. / Нашрга тайёрл. Қ.Махмудов. Т.: Чулпон, 1995.

- Кононов А.Н. Родословная туркмен. Сочинение Абу-ль-Гази, хана Хивинского / Исследование, тексты, перевод. М.-Л., 1958; Ғуломов Я. Хоразмнинг сугорилиши тарихи. Т., 1959; Иванов С.Н. Родословное древо тюрок Абулгазихана. Т., 1969; Краткая лит-ная энц-я, т.1. М.: СЭ, 1962. С.44; Махмуд ибн Вали. Море тайи. Введение (Пер. прим. и указатели Б.Ахмедова). Т., 1977; Ўзбек ад-ти тарихи. З-т. Т.: Фан, 1978; Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Энц-кий словарь в 12 томах. Биографии. Т.1. М.: СЭ, 1991.

С.32; Аҳмедов Б. Тарихдан сабоклар. Т.: Үкитувчи, 1994. Б.217-23; Ҳудойназаров Ҳ. «Шажараи турк» ва унинг ўрганилиши. Т., 1994; Мунис ва Оғацый. Фирдавсу-л-икбол. Т.: Янги аср авлоди, 2010. Б.91-92, 181, 197.

АБУЛФОЗИХОН СОНИЙ (XVIII) – Хива хукмдори (1742/43–48). Асл исми: Абулмуҳаммад сulton. Эрон шохи Нодир тавсияси б-н хонликка тайинланган. Мунис у ҳақда: “бағоят донишманд ва оқил подшох эрди. Шеърда Байзо тахаллус килур эрди. Фузало ва шуаро била ихтилоти кўп эрди” дейиш баробарида унга аталган бир қитъя келтиради:

Неча кун толеъ мусоидидин,
Гарчи таҳт олди Абулғози.
Лек шашдарга нарди умри тушуб,
Чарх нарродидин еди бозий.

- Мунис ва Оғацый. Фирдавсу-л-икбол. Т.: Янги аср авлоди, 2010. Б.104-105.

АБУЛҲАСАН ҚОСИМ ШОШИЙ (X) – тошкентлик олим. Машхур аллома Каффол Шошийнинг ўғли. Тарихий манбаларда дунёдаги улуғ имомлардан бири сифатида эътироф этилган. А.К.Ш.нинг 10 жили «Ат-Такриб фил-фурӯ» («Фуруъга яқинлашиш») асари фикқ илмида алоҳида үрин эгаллайди. Тарихчи Ибн Ҳалликоннинг ёзишича, «Бу асар шофиий мазҳабидаги мұтабар китоблардан бўлиб, кимнинг ҳузурида шу китоб бўлса, бошқасига ҳожат йўқдир». Исломшуносликда турли фикқий манбаларни ўрганиш ва тадқиқ этишда А.К.Ш.нинг «Ат-Такриб» асари муҳим аҳамиятга эга.

АБУЛҲАСАН АЛИ ОҒОЖИЙ БУХОРИЙ (X) – шоир ва амир. Дақиқий замондоши. Оғожий тахаллуси унинг мансаби, эшик оғаси – ҳожиб вазифасидан олинган. Бухорода Нуҳ ибн Мансур Сомоний (976–997) даврида яшаган, эътиборли шоирлардан санаатган. Абумансур Саолобининг “Йатимат ад-даҳр” тазкирасида машхур шоир сифатида таништирилган. Авфийнинг “Лубоб ул-албоб” тазкирасида у ҳақда маълумот бор: “Оғожий амир эди, шоир ва фозилларнинг мамдухи (макталувчиси) ҳамда фазилат бобида оғизга тушган эди. Фозиллар мушкулини самимона ҳал этар ва мардликнинг яширин сирларини тенгқурларидан зиёдроқ ўрганиб олган эди”. Қитъя:

Эй он ки надорий хабаре аз ҳунари ман,
Хоҳий, ки бидоний, ки наям неъматпарвард.
Асп ору каманд ор, китоб ору камон ор,
Шеъру қаламу барбату шатринжу майу нард.

Мазмуни:

Эй сен, ҳунаримдан бехабарсан,
Истасанг билгил, мен эмасман бой.
Келтир: от, каманд, китобу камон,
Шеър, калам, барбат, шатранж, нарду май.

- Ашъори ҳамасрони Рудакӣ. Салинобод: Нашрдавтоҷ, 1958. С. 122–127.

«АБУМУСЛИМНОМА» (Х–ХI) – Марказий Осиё ва Эронда турк ва форс т.ларида яратилган халқ қиссаси. “А.” бош қаҳрамони умавийлар халифатигига қарши бош кўтарган Абу Муслим Хуресоний (в. 755)дир. “А.”да бош қаҳрамон тимсолида футувват, бағрикентлик, жасорат каби сифатлар улугланган. Асар муаллифлиги масаласи баҳсли бўлса ҳам, уни Абу Тохир Муҳаммад ибн Ҳасан ибн Али ибн Муса Тарсусийга нисбат берувчилар кўпчиликни ташкил қиласиди. Бу асар ҳозирда ҳам Марказий Осиё, Эрон ва Туркияда халқнинг севимли қиссаларидан бири ҳисобланади. Унинг асосида бошқа қиссалар (мас., “Замчинома” ёки “Ахмад Замчи”) ҳам ёзилган.

♦ Абу Муслим жангномаси / Нашр. тайёрл. Б. Саримсоков. Т.: Ёзувчи, 1992.

♦ Брагинский И.С. Очерки из истории таджикской лит.-ры. Сталинобод, 1956; Краткая лит.-ная энц-я, т.1. М.: СЭ, 1962. С.46.

АБУНА-Э [эстетика] – япон мумтоз маданиятида ўрин тутган эротик суратлар. Бу суратлар графика тарзида ёки гравюра тарзида дараҳт (укиё-э) ва бошқа қаттиқ жисмларга ишланади. А. Токугава даврида анча тараққий этган. Бу соҳанинг усталари Сугимура Дзихэй, Судзуки Харунобу, Китагава Утамаро, Кацусика Хокусай, Тории Киёнага в.б. япон мумтоз ёзувчиларининг асарларига А. ишлаганлар.

♦ Культура классической Японии. Словарь-справочник. Сост. Рыбалко С.Б., Корнев А.Ю. Ростов-на-Дону: Феникс. Харьков: Торсинг, 2002. С.5.

АБУСАЛИК – қ.: Бусалик.

АБУШИЙ, Ҳасан Ато (XX аср боши) – татар тарихчиси, Козонда туғилган ва яшаган. “Туркий қавмлар тарихи” асари муаллифи. А. Ҳерадот, Плиний, Абулғозий в.б. асарлари асосида қад. Скандавия, Олтой, Үрол, Еттисув, Чин, Мочин в.б. минтақаларда яшаган туркий кабилалар ва қавмлар ҳакида қимматли маълумотлар беради. Асарда авар, албан, булғор, мажор, лотин, бургут, барлос, боёвут, киройт, мишар, мўғул, тотор, ҳакас, киёт, ҳазар, уйғур, ўгуз, масоғут қавмлари тарихи баён килинган.

♦ Абуший Х. Туркий қавмлар тарихи. Т.: Чўлпон, 1992.

«АБУШКА» (арабча: ابوعثک - кекса, қари, эски) [тилшунослик, ад-т тарихи] – лугат номи. 1560 й.да Алои б. Муҳиббий томонидан тузилган, изоҳли лугат. Лугатда изоҳланаётган биринчи сўз «абушқа» бўлгани учун шундай ном б-н машҳур бўлган. Аслида лугатнинг тўлиқ номи: “Ал-лугату-н-Навоийа ва-ли-истиҳодату-л-чиғатоий” (“Чиғатой т.дан далиллар келтирувчи Навоий лугати”). Сўзларга келтирилган мисоллар, асосан, Навоий асарларидан олингани учун уни «Алишер Навоий асарлари лугати» деб ҳам аташади. Лугатда, шунингдек, Лутфий, Ҳусайний, Бобур, Комил, Раҳматуллоҳ каби адиллар ижодидан ҳам мисоллар учрайди. “А.”да икки мингдан ортиқ сўз изоҳланган. “А.”да Ҳиротда Толесь Имоний тузган “Бадосъу-л-лугат”дан фойдаланилган. Венгрияда Армений Вамбери томонидан проф. Ж.Буденц

тахрири остида нашр қилинган (1862). Россияда Вельяминов-Зернов “Аллутату-н-Навоий ва-л-истиходоти-л-чигатоийя” (“Чигатой т.дан далиллар келтирувчи Навоий лугати”) номи б-н нашр қилдирган (1869).

- ◆ Vambery A. Abuska. Csagatájörök szögvűjtemény. Előbséddel és jegyzetekkel kísérte Jozsef Budenz. Pest, 1962; Словарь джагатайско-турецкий. Изд. В.В.Вельяминов-Зернов. СПб., 1868.
- Боровков А.К. Лексикографическая традиция в словарях чагатайского языка // Лексикографический сборник. Вып. IV. М., 1962; Фаттохов Х. «Абушка»пинг янги кўләзмаси // Ўзбек тили ва ад-ти. 1980. №2; Она тили. Қомус. Т.: Янги аср авлоди, 2010. Б.11.

АБХАВА (санскритча: *मावजुद बूल्मागान*) [фалсафа] – «бушлик», «йўк булиш», «инкор», «ўлим» каби диний-фалсафий категорияларга якин тушунча бўлиб, бхава (борлик, мавжудлик) категориясининг зидди сифатида келади. А. билишнинг ижобий обьекти сифатида дунёни ташкил этувчи олти жиҳат *моҳият* (*субстанция*), *сифат*, *ҳаракат*, *умум*, *белги*, *алоқадорликка* зид кўйилади. Бундай фалсафий талкин Ведалар ҳакидаги таълимотда ва унинг ад-тдаги акси бўлган “Ригведа”, “Рамаяна” ва “Махабҳорат” эпосларининг фалсафий талкинида учрайди.

- Философский энц-кий словарь. М., 1989. С.8.

АБХАЗ (АПСУА) АДАБИЁТИ – Абхаз халки ад-ти, абхаз т.даги фольклор асосида шаклланган. Нарт баҳодирлари ҳакидаги эпос, Абрскил ҳакидаги ривоятлар қўшиқ ва маколларга бой. Абхаз мумтоз ад-ти Д.Гулиадан бошланади. униш биринчи шеърлар тўплами 1912 й.да эълон қилинади, 1919–20 й.лари «Апсны» (лугавий маъноси “Қалб ўлкаси” – «Абхазия») газ. ташкил қилинган. Д.Гулианинг “Камачич” романы, С.Чанбунинг “Махажира” драмаси, Б.Шинкуба кичик насрый асарлари А.а.нинг тарақкиётида муҳим ўрин туттган. Вакиллари: М.Лакербай Л.Квициниа, Л.Лабахуа, И.Папаскири. 1955 й.дан абхаз адабий журн. «Алашар» (“Нур”) нашр этила бошланган.

- Абхазские рассказы. М., 1950; Антология абхазской поэзии. М., 1958.
- Тарба И.К. Абхазская лит-ра / БСЭ. т.1. М.: СЭ, 1970. С.105-106; Инал Ина. Страницы абхазской лит-ры. Сухуми, 1980; Дарсалия В.В. Абхазская проза 20-60-х гг. Тбилиси, 1980; Попова И.И. Абхазская лит-ра / Лит-ный энц-кий словарь. М.: СЭ, 1987. С.9.

АБХАЗ ТИЛИ – Абхазия (Грузия ва Россия худуди, қадимда Абоза деб номланган)да яшовчи халқ т.лари. Кавказ т.ларининг абхаз-адигей гурӯхига киради. А. адабий т. фонетикаси ҳарф ва белгиларнинг қўшлини (58 ҳарф бор) б-н ҳарактерланади. А.т. таркибида туркизм ва грузинизмлар сенсорларли даражада кўп. 1928 й.дан лотин ёзуви асосида А. алфавити шакллантирилган. Икки асосий диалект: абжуй ва бзиб шевалтарига асосланган. XIX асрнинг 60-й.ларидан А.т. асосида миллий ёзув яратишга ҳаракат бўлган. 1926 й. кирилл алифбоси, 1928 й.дан лотин, 1938 й.дан грузин, 1954 й.дан яна кирилл ёзувига ўтилган.



• Русско-абхазский словарь. Сухуми, 1964; Рогава Г.В. Абхазско-адыгейские языки / Языки народов СССР, т. 4. М., 1967; Гецадзе И.О. Очерки по синтаксису абхазского языка. Л., 1979. Кумахов М.А., Шагиров А.К. Абхазско-адыгейские языки / Языки Азии и Африки. М., 1979.

АБХИДХАРМА (санскритча: дунё очилиши) – буддийлик таълимотининг билиш назарияси, рухшунослик, космогония қарашларини ўзига назарий асос сифатида олган кисми. *Аналитик метод* дастваб мана шу таълимот орқали амалга оширилган. А. диний тажрибанинг тури соҳаларига нисбатан қўлланилган. Mac., ахлоқда қалбни тозалаш, табииётда экологияни саклаш, оғзаки ижод намуналарини диний талаблар асосида кайта таҳрирдан ўтказиш в.б. А. таълимоти бўйича яратилган “А.-Коша” китоби барча диний ўкув юртларида қўлланма сифатида ўқитилган.

- Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.8.

АБХИНАВАГУПТА (~950–1020) – қал. санскрит назариётчиси ва шоири. Анандавардхананинг «Дхванъялока» номли эстетик категориялар ҳакидаги китоби тафсирчиси. «Паратримшика», «Драматик санъат ҳакида шастра (рисола)», «Лочана» («Куз») асарлари муал.и. Олимнинг карашича, *дхвани* – маънони яшириб ифодалаш шеърнинг жони булиб, у эстетик хиссият кўзғатиш (раса)нинг бош омили ҳисобланади. Маънони яшириб ифодалаш – дхвани шеърга қандайдир куттилмаган, фавқулодда маъно катламларини киритиш орқали эмас, балки шоир ва шеърхоннинг ўткир зехни, топкирлиги орқали юзага келади. Дхвани пазариётчилари бу тамойилни сўзнинг имкониятлари – маъно кўчимлари, рамзлари, мажозлари орқали юзага келишини уктирадилар. Шу муносабат б-н кад. санскрит тилшунослари грамматикада мавжуд бўлган сўзнинг икки вазифаси – номинатив (абхидха) ва кўчма маъно ифодалашига кўшимча равища учинчи бир вазифани сүггестив (въянджана) вазифасини ҳам киритадилар. Айни мана шу вазифа поэтикадаги дхванини аниклашга имкон беради. А. назарияси, яъни адабий асарнинг эстетик хиссият кўзғатиши ва китобхон томонидан тула идрок этилишига тўсик (драматик асарда)лар бўлиб, шулардан бир нечасини таҳлил килган: биринчиси – асар воқеаларининг томошабинда ҳамлардлик уйғота олмаслиги; иккинчиси – драматик асарнинг макон ва замони ўта аник тарихий жой ёки вакт б-н таъминланса, томошабинда асарга нисбатан эътиroz ёки лоқайдлик кайфияти вужудга келиши; учинчиси – ижодкор ўзининг ҳис-туйгуларига томошабинни кўмид юбориши; туртинчи ва бешинчи тўсиклар эса актёрларнинг ижроси, асар композицияси ва тилининг гализлиги; олтинчи тўсик – асарда етакчи ҳис-туйгунинг йўклиги; сттинчи тўсик – асар барча жиҳатлари б-н томошабинда шубҳа уйғотишидан иборат.

А. Бхаратанинг «Натъя шастри»сида кайд этилган саккизта расага яна битта, яъни тўққизинчи расанинг – осойишталик, хотиржамликнинг мавжудлигини күшади. А.га кадар бу раса ҳакида Удбхата, Анандавардхана



ЎЗБЕК ЖАДИД АДАБИЁТИ

1. Абдулла Авлоний.
- 2, 3, 4. Абдулла Қодирий ва "Үткан кунлар" романы, у ҳақида хориждаги тадқиқот.
5. Абдурауф Фитрат.
6. "Арслон".
7. Фитрат асарлари хорижда.
8. Фитрат: "Танланган асарлар".
9. "Адибиёт қондалари".
10. Абдулхамид Чұлпон.
11. "Үйғониш" тұплами.
12. Чұлпон: "Асарлар".
13. "Адиби аввал" құлланымаси.
- 14, 15. Садирдин Айний ва асарларининг Москва нашри.
16. С. Азизий "Устоди аввал".
17. Аңқабой Худойбақтов.



ЯНГИ ДАВР ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

1. Абдулла Қаҳдор.
2. А. Қаҳдорнинг ҳикоялар тўплами.
3. «Ўтмишдан эртаклар».
4. А. Қаҳдорнинг уй-музейи.
5. Сарвар Азимов.
6. С. Азимов асарлари.
- 7, 8, 9. Асқад Мұхтор ва унинг асарлари.
10. Зоҳир Аълам.
11. Незмат Аминов.
12. Аҳмад Аъзамов.
- 13, 14. Абдували Кутубиддинов ва унинг китоби.
15. Миразиз Аъзам.
- 16, 17. Эркин Аъзамов ва унинг китоби.
- 18, 19. Анвар Обиджон ва «Сайланма»си.

каби назаристчилар ҳам тұхталиб үтган әдилар. Аммо Абхинавагупта осойишталык, хотиржамлиқдан иборат түккизинчи расани саккизта расанинг эң мухими, деб хисоблайди. А. «Дхванъялока»га ёзған шархида раса – шөтериятнинг жони, бинобарин, безаклар (аланкара) безатилувчи б-н тұла үйгүн булишини айтади. Демак, расанинг воқеъ булиши, асосан, асар компонентларининг үзаро тұла үйгүн ва мутаносиблигидадир. А. аучитъя – шөтериятда үйгүнликни амалий ҳодиса сифатида баҳолайди. Айни мана шу аучитъя тамойили шөтерий асарда воқеъ бұладиган нұқсанларни (доп) аниклашнинг бош мезони эканлыгини уқтиради. “Абвинавабхарати” асарида дхвани ва раса назариясини драматик поэзияга нисбатан күллайди. А. Веданта фалсафий мактабининг давомчиларидан бири саналади. Машхур олим Кшемараджага устозлик қылған.

- Ларин Б.А. Учение о символе в индийской поэтике Поэтика. Кн. 2. Л., 1927; Эрман В.Г. Теория драмы в древнеиндийской письменной лит-ре. Драматургия и театр Индии. М.: 1961; Невелева С.Л. Вопросы поэтики древнейнейдийского эпоса. М.: Наука, 1979; Гринцер И.А. Основные категории классической индийской поэтики. М.: Наука, 1987; Теория лит-ры. В двух томах, т.2. / Под ред. Н.Д. Тамарченко. М.: ACADEMIA: 2004. С.154.

АБХИНАЙИ (хиндча: театрдаги образ) [санъатшунослик] – нұтқнинг сұзсиз ишораси, мимика ва имо; сақна маданияти ва актёрлик техникаси, санъатининг барча элементлари. А. Сақна нұтқига асосланади, раксда пантомимик хусусиятни ифодалайди. Тұла тасаввур беріш учун айрим холларда нұтқ иштироқи б-н имо-ишора ҳам баравар олиб борилади.

- Борев Ю. Эш-я эстетики, теории литературы и теории искусства. М., 2008 (эл. версия).

АБХИРАТИ (санскритча: лаззат) [мифология] – буддияйлиқда жаңнат үрни булиб, Шарқда жойлашған будда Акшубха ери. Буддияйлиқка доир “Саддхармагундарике”, “Гандхавюха” манбаларда учраса ҳам, уннинг талқини “Акшубхатхагата-вюха”да тұлғык баён қилинған. А. таълимотига кура, Ер юзи, асосан, текисликдан иборат булиб, унда тог ва водий, даражатлар ва тошлар бир хил баландликда. Шу каби инсоният ҳам бир хил – тенг булиб, у баҳтни тснг булишиши керак.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.23.

АБШЕРОН [география] – Каспий деңгизидеги ярим орол. Боку (Озарбойжон) ш. А.га жойлаштан. Ахолиси кад. зардыштийлик динига әзтикод құйған, IX асрдан исломни қабул қылған. Озарбойжон адиби Мехти Хусайн “Абшерон” романини ёзған. XX аср бошларидаги А.дагы ҳаёт асарда акс этган.

АБШНИТ [меъморлық, матншунослик] – бино ёки иншоотлар ички мудофаасини таъминловчи күшимчә курилма. А. Санъатнинг бошқа турларыда ҳам күлланилиши мүмкін. Шунинг учун ҳам сұз санъатида А. бадий асарнинг ички мустахкамлыгини сакловчы элемент тарзыда келади.

- Борев Ю. Эш-я эстетики, теории литературы и теории искусства. М., 2008 (эл. версия).

АБЬЕКЦИЯ (французча: *abjection* – куйи тушиш, *түшкүнүлүк*) [рухшунослик] – постмодернизмга тааллукли истилох булиб, З.Фрейд психоанализи асосида шаклланган. Тасвирий санъатта нисбатан унинг мазмуни турлича талкин килинади. Санъат асарини А. деб хисоблаб, инсон борлиги ва рсал тасвирини ундан устун қўйиш ҳоллари кузатилган. Постмодернизм даврида белгини қабул қилувчи инсон ва ҳакикий реаллик муносабатларини ифода қиласди.

- Власов В., Лукина Н. Авангардизм, модернизм, постмодернизм / Малый лексикон искусства. СПб.: АЗБУКА Классика, 2005. С.17.

АБЭ, Кобо (1924–1993) – япон аддиби. Япония ад-тида рамзий романлар, ривоят в.б. оғзаки ижод намуналарини ресалистик наср элементлари б-н уйғунлаштирган ёзувчи. “Кумдаги аёл” (1962), “Бегона киёфа” (1964), “Ёқиб юборилган ҳарита” (1967) романларида ахлоқий масалалар кутарилган. Фантастик романлари орқали дунёга машҳур бўлган. “Одам – кути” (1973), “Сакура” (1984) шу типдаги асарлардан. Сатирик йұналиштаги пьесалар муаллифи. “Ур тўқмокқа айланган эркак” (1960) драмаси кўплад театрларда саҳнадаштирилган. “Кумдаги аёл” қиссаси В.Рузиматов тарж.да босилган.

- Абэ Кобо. Человек – ящик. М.: Прогресс, 1976; Избранное / Мастера современной прозы. М.: Радуга, 1982.
- Федоренко Н. Кобо Абэ. Впечатления и мысли / Избранное. М.: Радуга, 1982. С.5-18.

АБХАР (арабча: *بخار* – нарғис) – гул номи: бутакўз, хушбўй гул, муаттар ис тарагувчи ўсимлик.

*Үрди нафас нафҳаи анбар насим,
Етти варак сафҳаи абҳар шамим.*

(Алишер Навоий, Ҳайрату-л-аброр, 48).

- АНАТИЛ. I-ж. Т.: Фан, 1983. Б.26.

АБХАРИЙ, Мухаммад (в. 1274) – тўлик исми: Мухаммад б. Аҳмад Абу Абдуллоҳ Абхарий. Казвин (Эрон) яқинидаги Абҳар кишлогида тугилган. Фикҳ олими ва ш. қозиси бўлган. “Кофияту-н-нуҳуз фи масоили аруз” (“Аруз масалалари ҳакидаги камолотнинг етарли даражаси”), “Лавомиъу-л-масоил фи масолиъи-р-расоил” (“Рисолалар келиб чикиши ҳакидаги масалаларнинг ёркин лавҳалари”) асарларининг муал.и.

- Ҳожси Ҳалифа. Китоби қашғу-з-зунун. 6-ж. Б.131; Ўрта Осиё олимлари комуси. Т.: Имом Бухорий республика шімий-маърифий маркази нашр., 2007. Б.14–15.

АВА (в. 1127) – австриялик таниқли шоира. Диний мавзудаги шеърий туркумлар муал.и. Асарлари: “Исонинг ҳаёти”, “Муқаддас Рухнинг неъмати”, “Антихрист ҳакида”, “Қиёмат куни ҳакида”. Унинг асарларида насронийлик мифологияси акс этган.

- Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Энц-кий словарь в 12 т. Биографии, т. I. М.: СЭ, 1991. С.34.

АВАДАНА (санскритча: *ривоят, хикоят*) [диншунослик] – хинд буддавийлик ад-тининг жанрларидан бири. Буддавийлик динидаги авлиёлар ва фозилларнинг ҳаёт йули, кураши ва сифатларини баён килувчи ахлоқий асарлар шу жанрда ёзилган. А. ахлоқий низом бўлиб, савоб ишлар учун бериладиган мукофотлар ва гуноҳ ишлар учун белгиланган жазолар ҳам унда акс этган. А. Будда номидан ривоят киласи. Айрим А.лар буддавийлик коидалари китоблари бўлган “Винаяпитака” ва “Суттапитака” таркибига киради. Буддавийлик тарихида кўплаб А.лар жамланган. “Аваданашатака” (“Юз авадана тўплами”) ва “Дивийавадана” (“Илохий аваданалар”) А.нинг кад. намунаси саналади.

- Ольденбург С.Ф. Буддийские легенды, ч.1. СПб., 1894.

АВАДДОН (яхудийча: үлдирувчи) [мифология] – яхудий мифларида яширин ва изсиз йўқола оладиган чукурлик, майитлар учун қабр. Тимсол сифатида улим фариштасини эслатади. Насроний мифологиясига кура, азиат чекувчилар ҳомийси, инсониятта карши ўч олиш учун яратилган маҳлук. Айрим манбаларда юонон мифларидаги Аполлонга яқин талқин килинади.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.23.

АВАЗ МИРОБ (XVIII–XIX) – Шермуҳаммад Муниснинг отаси. “Фирдавсу-л-икбол” асарида шундай маълумот бор: “Факирнинг отаси амири олийжаноб мағфиратмаоб Аваз бий мироб...” Шоир Мунис отаси Аваз мироб вафотига атаб беш байти таърих-ғазал ёзган. Унинг мактаси шундай:

Дедики: бир хирадга бу на шўриши, айт тарихин,
Деди: Мунис фигон қилдиким, эрур сўз Аваз мироб.

- Лаффасий. Тазкираи шуаро. Урганч, 1992. Б.6-7; Мунис ва Огаҳий. Фирдавсу-л-икбол. Т.: Янги аср авлоди, 2010. Б. 26, 150.

АВАЗ ҮТАР ўғли (1884/15.VIII–1919) – ўзбек маърифатпарвар шоири. Хивада Польонниёз Үтар Гадойниёз ўғли оиласида туғилган. Иноқий мајрасасида таълим олган, 14 ёшидан шеър ёза бошлаган, 18 ёшида шоир бўлиб танилган. Аҳмад Табиийнинг шогирди. Муҳаммад Раҳимхон Соний (Феруз) саройида хизмат килган, Асфандиёрхон саройида ҳам аввалги мавқеи сакланган.

Шеърлари “Ойина”, “Вакт”, “Мулла Насриддин” журн.ларида чоп килинган, кейинроқ “Саодату-л-икбол” ва “Девони Аваз”га жамланган, унга ғазал, мухаммас, маснавий, мустахзод, рубоий, китъа каби жанрлардаги асарлар киритилган. Машхур шеърлари: “Тил”, “Мактаб”, “Фидойи халқим”, “Сипохи пора истар...” мактаб дарслекларига киритилган. “Фалоний” туркумида шеърлар битган.

А.Ў. ижодида мумтоз ад-тга издошлик куринади. Бу ғазалларга татаббӯъ ва мухаммаслар боғлаш ва “Хамса”га анъаналарига содиклик шаклида юзага чиккан. Кейинти йўналишида шоир “Таржеъбанди ҳомиса” сарлавҳаси 6-н “Хамса” достонларига “Таржеъбанди Аваз “Фарходу Ширин вазни”, “Таржеъбанди Аваз “Баҳром Гур вазни”, “Таржеъбанди Аваз “Лайли, Мажнун вазни”, “Таржеъбанди Аваз “Ҳайрат...” вазни”, “Таржеъбанди Аваз

“...Искандар вазни” номли беш шеърий назира боғлаганки, издошликтининг бундай шакли мумтоз шеъриятда кам учрайди.

35 ёшида вафот этган. Қабри Ҳивадаги шоирлар хисбонида. А. таваллудининг 100 й. муносабати б-н Иchan қальба (Хива)да мемориал музей очилган.

◆ Аваз. Избр. произведения. Т., 1951; Танл. асарлар. Т., 1956; Девон. Т., 1976; Сайланма. Т., 1984.

• Юсупов Ю. Аваз. Адабий-биографик очерк. Т., 1954; Мирзаев В. Аваз Үтар ўғли. Т., 1961; Каримов Ф. Ўзбек ад-ти тарихи. З-ж. Т., 1966; Кор-олгылар. Х.Г. Узбекская лит-ра. М., 1968; Айёмий. Ўт чакнаган сатрлар. Т., 1983; Қобулов Н., Мұмінова В., Ҳақкулов И. Аваз ва унинг адабий мұхити. Т., 1987; Лаффасий. Тақириа шуаро. Ургент: Ҳоразм, 1992. 64-67; Türk Dүnysi Edebiyatçilar Ansiklopedisi. 2. Cild. Ankara, 2002. Cild 1. S.36; Юлдашева М. Аваз шеъриятида анъана ва маҳорат. НДА. Т., 2006; Бобожон Тарроҳ - Ҳодим. Ҳоразм шоир ва нағозандалари. Т.: Tafakkur qapoti, 2011. Б.147-53.

АВАЗ ФОЗИЙ (1534–1598) – ўзбекхонлар сулоласи вакили Абдуллоҳхоннинг тахаллуси. Бу ҳақда Содик Китобдор “Мажмाъ ул-хавас” тазкирасида “Абдуллоҳхон Ўзбек Ҳубекия подшоҳларининг ашжаъи ва улут ҳонларининг акрамидур. Туркий ва форсий назмда яхши борур. Аваз Фозий тахаллус килур” деб, унинг куйидаги газалини келтирган:

То телбагигим шуҳрати оламни тутуптур,
Андин бирав Мажнун сўзини эл унутуптур.
Новаклари мендин кечин агёрга декди,
Жоним билур ул дамки, нелар мендии ўтуптур.
Бечора Аваз Фозий нетиб васлига етсун,
Хижрон ўти чун нахли умидин қурутуптур.
Фарҳод шла Мажнун не билур ишқ фуунин,
Бу водийда шогирдим уларни ўқутуптур.
Қароқчилаб тўқодур қон қаро ичида кишуиг,
Қилич қиличга урап қон тўқканда кўз қоқишинг

АВАЗБИЙ Иноқ ибн Мұхаммадамин (1782–1804) – Хива хони (1790 й.дан). Маданий иншоотлар қурилишига аҳамият каратган. Ҳивадаги жомеъ масжидини қайта қурдирган (1789).

“**АВАЗХОН**” – ўзбек халқ достонларидан, “Гўрӯғли” туркумига киради. Достон Эргаш Жуманбулбул ўғли томонидан куйланган ва унинг т.дан ёзб олинган. Достоннинг бош қаҳрамони Авазхон бўлиб, ушбу мавзудаги “Гулқизой”, “Интизор”, “Малика айёр”, “Машриқ”, “Зулфизар”, “Бўтакуз”, “Кундуз б-н Юлдуз”, “Сарвиноз”, “Балогардон”, “Авазнинг арази” достонларида ҳам иштирок этган. Достонда Чамбил юргига садоқатли, ўз ватани ҳимояси учун тайёр турган қаҳрамон сифатида улуғланади. Булардан ташқари айни мавзуда ЎзРФАШИда “Авазнинг келтирилиши”, “Авазнинг уланиши”, “Авазнинг Ваёнгонга кетиши”, “Аваз Моҳитобон”, “Авазхон” (Сакл. раками 9590) каби номлар остида достон кўлзмалари мавжудки, уларнинг ўрганилиши “А.” достонининг янги поэтик кўламларини очиб беради.

- Мирзаев Т. Достонлар зубдаси / “Гүрүғли” достонлари. Түрт жылдик. 1-ж. Т.: Ёзувчи, 1996; Ҳикояти Гүрүғли султон (Нашрга тайёрл. Т.Мирзаев). Т., 2013; Сариеу С. Хоразм “Гүрүғли” достонларининг кўлчумга нусхалари. Т.: Муҳаррир, 2013.

АВАЛЛОН (ирландча: avallon – олма) [мифология] – кельт мифларига кўра “сехрли орол”, нариги дунё. Рамзий маънода шиша қасрда гўзал аёллар барҳаётлик олмасини улашар эмиш. Дастреб А. сўзи исм маъносида келган. Ўрга аср ирланд матнларида “абблах” нисбаси бўлиб, Лер ўғли Мананнан оролларини англатган. XII аср манбаларига кўра мана шу оролда машхур кирол Артур яраланган.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.23.

АВАЛОКИТЕШВАРА (санскритча: изтироб) [мифология] – Будда мифологиясидаги маъбуллардан бири, Изтироб рамзи. А. сўзини турлича тарж. килишган: қўйига каровчи маъбуд (1), куринган хазрат (2), нигоҳ ёки назар маъбули (3); товушларни кузатувчи (4) каби. Марказий Осиёдаги қадимги манбаларда А. сўнгти талқинда, яъни буддавийликка оид хитой манбалари таржларида Гуан-ин ёки Гуан-ши-ин тарзida учрайди. Бу тимсолни шомон мадҳ (тимн)ларида А. универсал кутқарувчи маъносида келиб, изтироб чеккан ёки муҳтоҷ бўлиб уни чорлаганларни 32 хавфдан ҳолос қиласи. А. хиндуларда Браhma, Ганеша, Вишну, Шива ролини бажаради. Сўнгти “Карандавьюхасутре”да Яратувчи (Худо) культи ўрнида келади. У рангтасвирда турлича тасвирланган: Ҳинд шаҳзодаси, қулида гул тутган эркак, тўрт қўлли ёки минг қўлли килиб. Айрим суратларда аёл киёфасида ҳам келган.

- Encyclopaedia of Buddhism, v.2. fasc.3. Ceylon, 1967, pp.407-425; Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.23-24.

АВАНГАРД – к.: Авангардизм.

АВАНГАРДИЗМ (франц. avant – илгор, garde қўшин) – янги ижодий тажриба йўналиши, мактаби ва концепциясига нисбатан қўлланувчи адабий оқимнинг шартли истилоҳи. Бадиий тафаккур типи ва борликни акс эттириш усули бўлиб, XIX аср охиirlарида Т.Дюре томонидан сиёсий ҳаётдан адабий танқидга кўчирилган (Париж, 1885). Ад-тда янгилик ахтарувчи, барча экспериментал тажрибаларни умумлаштирувчи оқимдир. Реалистик тасвир усулидан чекиниб, бошқа шартли шакллар изловчи оқим сифатида кўзга ташланган. А. дастреб футуризм, экспрессионизм, сюрреализм, дадаизм, поп-арт, оп-арт ва бошқа адабий оқимларни узида бирлаштирган. Тасвирнинг классик нормаларидан ческиниш, бадиий асардаги сюжет тутгалланганлигига эътибор каратмаслик, субъективизм ва шаклнинг бошқа тасвирий усусларига берилиш бу оқимга хос хусусият. А. намояндлари айланавий тасвир воситаларининг мукобил варианtlарини ахтаргандар. Авангард санъатига хос романтик мифология ҳам мавжуд. Айрим холларда нафақат романтик,

балки ижод жараёнига нисбатан илохий деб караш етакчилик қиласи, ўз асарларида предметлар оламини эмас, балки рухлар оламини акс эттиришга интилиш кузатилади. Буни рус авангард рассоми Л.Попова: “Реал борликнинг шаклидан муал. назарда тутган мавхум бадиий шакллар оламига юз буриш” деб тушунтиради. А да метод, йўналиш, оқим тушунчалари ўз моҳиятини йўқотиб, “янги тажрибалар дастгохи учун материаллар изланган”. В.Кандинскийнинг фикрича, “санъатни ҳаёт мазмуни сифатида қабул қилиб, синтез асарини яратмок мақсад қилинган”. “Кумуш аср” (XX аср бошлари) деб ҳисобланган даврдаги идеаллар ўз моҳиятини ўзгартирган. Конструктив, технологик жараёнларга алоҳида эътибор қаратилган. Ҳиссиёт катый ҳисобкитоб б-н алмашинган, бадиий образга эстетик конструкция (курилма) деб караш А.га хос ҳусусиятдир.

Рус файласуфи ва диншуноси С.Булгаков: “Ижод руҳоний киммат касб этади... Нигилизм эса ижоднинг бу жиҳатини инкор қиласи” дейипп б-н А.даги утмиш ад-тига нисбатан айрим нигилистик қарашларни инкор қилган. А. тасвирий санъатдаги айрим тушунчаларнинг ўзгаришига сабаб булган, уларнинг талқинича, иллюзионизм (таҳайюлот) ўрнига “визионизм” (visionism – кўрмоқ)ни шакллантириш керак, яъни мавжуд идеаллар б-н эмас, муал. дунёни қандай курса, шундай акс эттиримок керак, деган хуносага келинган. М.Шагал, К.Малевич, В.Кандинский чизган суратларга нисбатан ҳам А. истилоҳи қўлланилган. Рус санъатшунослигига А.Бенуя биринчи бўлиб А.ни ёклаган (1910) ва П.Кузнецов, М.Ларионов, Г.Якулов асарларига шу нуктаи назардан баҳо берган. В.Маяковскийнинг рус шсьриятидаги, Сальвадор Далининг рассомчиликдаги ижодий изланишлари А. шиори остида кечган. Икки жаҳон уруши оралигига (1918–1941) фаол ҳаракатда бўлган. А.га мойил адиллар сифатида П.Элюар (Франция), Б.Брехт, И.Бехер (Германия), Д.Ривера (Мексика) т.га олинади. II жаҳон урушидан сунг “абсурд драма”, “янги роман”, “конкрет поэзия” сингари оқимлар А.дан усуб чиқкан. XX аср 60–70-й.ларига келиб, неоавангард, постававангард ва трансавангард каби тушунчалар пайдо бўлди. П.Верлен, А.Рембо, С.Малларме; драматург А.Роб-Грис, М.Бютор ва романнавис Н.Саррот А. га мансуб шоирлар сифатида баҳоланади.

“Авангард” номи б-н 1918 й. француз киносида янги оқим вужудга келган. Реж. Л.Деллюк раҳбарлигига А.Ганс, Ж.Дюлак, М.Л’Эрье, Ж.Эштейн каби киночилар тижорат киносига қарши киносанъатнинг юксак тамойилларини ишлаб чиқканлар.

- *Маца И.* Проблемы художественной культуры XX века. М., 1969;
- Новоавангардистские течения в зарубежной лит-ре 1950-60 гг. (Сб. стат.) М., 1972;
- Kramer H.* The Age of the Avant-garde. New York, 1973; Дорошевич А.Н. Авантгардизм / Лит-ный энц-кий словарь. М.: СЭ, 1987. С.9; *Cuddon, J. A.* The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. London: Penguin Books, 1991; Сахно И.М. Русский авангард: Живописная теория и поэтическая практика. М., 1999; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Эш-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.9; *Власов В.*, Лукина Н. Авантгардизм, модернизм, постмодернизм / Малый лексикон искусства. СПб.: АЗБУКА Классика, 2005. С.17-23; *Белокурова С.П.* Словарь лит-ведческих терминов. СПб.:

Паритет. 2006. Б.10; Русова Н.Ю. От Аллсгории до Ямба: терминологический словарь–тезаурус по литературоведению. М.: Флинта-Наука, 2004. С.29; Фалсафа. Қомусий лугат. Тузувчи ва мас. мухар.: К.Назаров. Т.: Ўз-н файласуфлари миллый жамияти нашриёти, Шарқ НМАК, 2004. Б.8; Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Ад-тшунослик лугати. Т.: Akademnashr, 2010. Б.5.

АВАНСЦЕНА (французча: *avant* – аввал, олдинги; *sena* – саҳна) – театр саҳнасининг томошабинларга яқин қисми, парда билан оркестр оралиги. Актёр А.га чиққанда күпинч монолог айтиши ёки ўйларини ифода килиши мумкин. Айрим томонларда бевосита томошабинга мурожаат қилиш учун ҳам А.га чиқилади.

АВАНТЕКСТ (французча: *avant* – аввал, текст – матн) [матншунослик ва манбашунослик] – муаллиф матни бўлиб, ўз таркибига матннинг нашрига қадар кечган қоралама нусха, барча вариантлар, ёзувчи кундаликлари ва асарнинг режаси, муал. ниятини ўз ичига олади. Бу манбалар матншунос учун мухим тадқиқ объекти ҳисобланади. 1972 й. Жан Беллемен-Ноэл томонидан генетик танқид ва матншуносликка янгича талқинда киритилган, яъни А. сунғи матннинг ёзма манбалари, асарнинг ёзувчи томонидан тайёрланган тугал варианти. Е.Дмитриева: «А. қўлёзмалар тўплами эмас, балки муал.нинг ўша матнни яратишдаги мантикий тизимидир» деб ёзган. А. матн ёзилгунга қадар кечган жараёнларни ўзида акс эттирадиган материаллар булиб, у муал.нинг ижодий лабораторияси ҳақида маъдумот олувчи манба ҳисобланади.

- Генетическая критика во Франции. Антология. (отв. ред. Е.Е. Дмитриева). М.: ОГИ, 1999; Jean Bellemain-Noel. Le Texte et l'Avant-texte. Paris, 1972; Ж. Беллемен-Ноэль. Дмитриева Е.Е. Воссоздать рукопись, описать черновики, составить авантекст / Генетическая критика во Франции. Антология. М., 1999, С.98–114; Козыменко М. Проблема «гипер-авантекста» / Текстологический временник. Русская лит-ра XX в.: Вопросы текстологии и источниковедения. М.: ИМЛИ РАН, 2009; Базис де П.М. К науке о лит-ре: Анализ рукописей и генезис произведения // Генетическая критика во Франции. Diccionario de la lengua española – 22 ed. Madrid, Real academia española 2001; Борев Ю. Словарь терминов текстологии и генетической критики. М., 2011. С.8-10.

АВАНТИТУЛ (французча: *avant* – аввал, лотинча: *titulus* – сарлавҳа) – матннинг биринчи сахифаси. А.да нашр ҳақида мухим маъдумотлар: муал. исми, шарифи (такаллуси), китоб номи, нашриёт номи ва белгиси акс этади. А.дан кейин одатдаги титул вараги келади. А. икки варакли титулнинг биринчисидир.

- Борев Ю. Словарь терминов текстологии и генетической критики. М., 2011. С.10.

АВАНТЮР (французча: *aventure* – саргузашт) – сюжети таркибида саргузашт воқеаларига кенг ўрин берилган асарлар, уларнинг эстетик сифати ва қаҳрамонларнинг кескин ва тасодифий харакатлари б-н боғлик муносабатлар доираси. А. жанрий йўналиш касб этиши мумкин (А. роман), сюжет типи сифатида қаралиши мумкин (А. сюжет), қаҳрамон хусусияти булиб келиши

мумкин (А. қаҳрамон), архетипик тафаккур булиши ҳам (А. тафаккур) мумкин. Шулардан келиб чиккан ҳолда, унинг тури муносабатларига доир сўз бирикмалари ҳосил қилинган. Яна к.: Саргузашт роман.

- Klotz V. Abenteuer-Romane. München, 1979; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энциклопедический словарь. М.: Асурс-Аст, 2003. С.10. Авантур роман / Новая литературная энц-я. www.nlit.ru, 2012.

~ **вакт** – саргузашт, сайдер вакт. Мил. II–VI асрларида яратилган юон насларидан асаларидан ушаш мавзулардан таркиб топади ва унинг давомида ҳеч қандай биологик ўзгариш кузатилмайди, яъни асан бошида қаҳрамонлар неча ёшда булишса, асан охирида ҳам ана шундай навкирон ҳолда колаверади. Вокеа давомида ўтган куну тунлар, соату дақиқалар ҳисобга киргизилган юон романларида барча вокеалар на тарихий вактга ва на биографик вактга түғри келади. Бундай бўм-буш вакт ўзидан кейин из ҳам колдирмайди ва ад-тишуносликда *авантюр*, яъни таваккал вакт деб юритилади. Бундай вактдаги тасвирида вокеаларнинг купи тасодифий ҳолатларда содир булади, қаҳрамонлар тасодифан учрашиб колишади, тасодифан душманлар ёвузлик қилишади (ёки ёв тусатдан хужум бошлайди) ва тасодифан омад кулиб бокади. Бу тасодифлар жуда ҳам тез, бирик-кетин юз беради: бир кунда, бир соатда, ҳатто бир пайтнинг ўзида шундай булиши мумкин. А.в.да инсониятнинг куну туни ҳосил булмайди, шунинг учун ўзидан кейин астрономик из колдирмаган вакт, қанча булмасин, давом этаверади.

- Ритм, пространство и время в лит-ре и искусстве. Л.: Наука, 1974; Бахтин М.М. Формы времени и хронотоп в романе / Вопросы лит-ры и эстетики. М., 1975; Гуревич А.Я. Средневековый хронотоп / Категории средневековой культуры. М., 1984; Есин А.Б. Время и пространство / Введение в лит-ведеание. Лит-ное произведение: основные понятия и термины. М., 1999. С.47-62.

~ **роман** – саргузашт роман. Тасодифий ва кутилмаган ходисаларни кетма-кет тасвирловчи, қаҳрамонлар харакатида афсонавийлик етакчиллик килувчи роман. Ўрта асрлар Ғарбий Европадаги рицарлик романлари, савдогарлар сафари ва саёҳатномаларни ўзида акс эттирган, уйдирма сюжетлар асосига курилган романлар. Болгар адаби ва олим Б.Райнов А. роман биографиясини Ч.Диккенснинг “Оливер Твистнинг саргузашлари”дан бошлайди. Мутахассислар унинг “Инспектор ва тун” (1964), “Ўтмишдан кайтган инсон” (1966), “Бразилия куйлари” (1969) асарларини шундай романлар таркибида киритадилар.

- Klotz V. Abenteuer-Romane. München, 1979; Райнов Б. Черный роман (пер. с болгарск.). М.: Прогресс, 1975.

~ **сюжет** – Саргузашт асарлар сюжети, вокеалар бири иккинчисидан келиб чиқадиган ва бир-бируни такозо киладиган сюжет. Бу сюжет типини Ф.М.Достоевский романларида кузатган М.М.Бахтин сэади: “Достоевскийда сюжет қандайдир тугалланганлик функциясидан озод булиб, унинг максади

инсонни турли хил холатларга солиши, уни очиб күрсатиш, одамларни ўзаро мулокотга суриш ва булар сюжет рамкаси доирасида қолиб кетмайдилар, күпинча, ундан ташкарига чикадилар. Ҳакикий алокалар оддий сюжет тугаб, ўзининг хизмат вазифасини бажаргандан кейин бошланади”.

- Klotz V. Abenteuer-Romane. München, 1979; Бахтиян М.М. Функции авантюрного сюжета в произведениях Ф.Достоевского / Эстетика словесного творчества. М.: Искусство, 1986; Cuddon, J. A. The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. London: Penguin Books, 1991.

АВАРЛАР [этнография] – Қора денгиз бўйида ва Кубан вилоятида яшаган халқлар. А. Турк хоконлиги даврида тўнгутлар (Истами хокон)дан енгилгани хакида манбаларда маълумот бор. Феофилакт Симокатта, Менандр, Иоанн Эфесли асарларида ва Фредегар хроникиси “Картлис Ҷховрсбе”да ёзилишича, А. Марказий Осиёдан келиб, Ғарбий турк хоконлигининг асосини ташкил қилган. 561–571 й.ларда Баянхон раҳбарлигига мустақил давлат тузилган. Р.Ҳамзатовнинг ёзишича, бу давлат 628 й.га қадар давом этган. Сунгра Паннонияда Аварлар хоконлиги барпо этилган. XII–XIX асрларда А. хонлиги (пойтахти Хунзах ш.) бўлган. Уммахон даврида (в.1634) иирии марказлашган давлатга айланган. XVIII асрда кучли хонлик санағани учун Грузия, Дарбанд подшоҳликлари унга хирож тўлашган. 1803 й. Русия томонидан босиб олинган. 1843–59 й.да Имом Шомил томонидан озод этилиб, Шомил ишомати деб юритилган. Русия истилоси кучайиб, 1984 й.дан Россия таркибиغا кирган. Улуг рус адаби Л.Н.Толстойнинг “Хожи Мурод” киссаси мана шу тарих саҳифаларидан ҳикоя қиласди.

- Бернштам А.Н. Очек истории гуннов. Л., 1951; Магомедов Р.М. История Дагестана. Махачкала, 1961; Абуший Ҳ.А. Аварлар / Туркий кавмлар тарихи. Т.: Чулпон, 1992; Туров қавмлари. Кичик энциклопедик лугат. Тузувчи З.Зиётов. Т.: Истиқол, 2008. Б.26–27.

АВАР АДАБИЁТИ – Доғистонда яшовчи туркий халқлардан авар миллатига мансуб халқнинг ад-ти, авар т.да битилган оғзаки ад-т намуналаридан “Нодиршоҳ б-н уруш”, “Хочбар хакида күшик”, “Бахтика” каби каҳрамонлик күшиклари бор. Авар т.да ёзилган дастлабки асарлар XV–XVIII асрларга мансуб булиб, араб ёзувида битилган. XIX аср охири XX аср бошида Тожиддин (Чанка) ва Маҳмуд шеърияти халқ орасида машҳур бўлган. XX асрда Ҳамзат Ҷадаса (1877–1951)нинг шеърлари, сатирик асарлари А. юксалишига сабаб бўлган. Шу асрнинг 20–30-йилларида наср ва драматургия шаклланган. Г.Ҷадаса, З.Гажиев асарларида авар ад-ти ўзини намойини қиласди. Замонавий авар ад-ти М.Мухамедовнинг роман ва киссаларида, Ф.Алиева шеъриятида акс этган. Расул Ҳамзатов (1923 й.т.)нинг ижоди авар ад-тининг юксак чўккисидир. Шоир шеърлари рус, узбек в.б. т.ларга тарж. килинган. Унинг «Тугилган йилим», “Юксак юлдузлар”, “Менинг қалбим тоғларда”, “Мұхаббатнома”, “Аёллар ороли”, “Хаёл ғиддираги” каби ўнлаб шеърий тупламлари авар ва рус т.ларида чоп этилган. Ўзбек т.да шеърлари,

“Догистоним менинг” эссеар китоби Э.Вохидов, М.Мирзо, Асрор Мўъмин тарж.ларида нашр этилган.

- ◆ Гамзатов Р. Изб. в 2-х т. М., 1972; Ложувард осмон. XX аср шеърияти: Мирпұлат Мирзо тарж. Т., 2008. Б.136-157.
- Говоров С. Аварский театр. Махачкала, 1960; Магомедов Б. Очерки аварской деревоеволюционной литературы. Махачкала, 1961; Казиев Г.К. Жизнь и слово. Махачкала, 1978; Алимова Л.Н. Аварская литература / Литературный энциклопедический словарь. М.: СЭ, 1987. С.9-10.

АВАР ТИЛИ (туркча) – туркий т.ларнинг Олтой-Урал гурухига киравчи т. Кавказда лазгин т. б-н бирга Догистоннинг асосий мулоқот ва адабий т. Аварлар исломни кабул килган бўлиб, дехкончилик, чорвачилик ва узумчилик б-н шуғулланганлар. Авар ёзуви араб ёзуви асосида шаклланган, 1927 й.дан лотин ва 1938 й.дан кирилл ёзувига ўтилган. А.т.да Ҳамзат Цадаса ва Расул Ҳамзат асарлари шуҳрат топган.

- Жирков Л.И. Грамматика аварского яз. М., 1924; Бокарев А.А. Синтаксис аварского яз. М.-Л., 1949; Сайдов М. Аварско-русский словарь. М., 1967; Чикобава А., Церцавадзе И. Аварский язык, Тб., 1962; Мадиева Г.И. Морфология аварского языка. Махачкала, 1981; Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Энциклопедия в 12 т. Биографии, т.1. М.: СЭ, 1991. С.9.

АВАРЭ (японча) – [эстетика] япон шеъриятида фаол қулланилган юкламалар. Улар, асосан, қувонч, ажабланиш, аччигланиш в.б.ни ифодалаш учун белгиланган. Манъёсю матнларида ҳайвонлар ва күшлар овозини бериш учун қулланилган. Сахна ижро санъатида улар алоҳида мусикий клише вазифасини бажарган. Шеърият тараққиёти б-н улар ажабланиш аломатини ифода қилувчи поэтик бирликларга айланган. А. асосида яратилган *моно-но аварэ* япон эстетикасида гўзалик категорияси сифатида кабул килинган. Ҳэйан даврида японлар поэтик тафаккурининг тамойилига айланган. Ижодкордан хар бир ҳодиса ва ҳолатга мос ифода воситаси, яъни А. талаб килинади.

- Культура классической Японии. Словарь-справочник. Сост. Рыбалко С.Б., Корнев А.Ю. Ростов-на-Дону: Феникс, Харьков: Торсиг, 2002. С.5,132.

АВАТАРА (санскритча: пастта тушиш) – [мифология] қад. хиндуизм динида олий маъбуд Вишнунинг ер юзига гоҳ Кришна, гоҳ Рама, гоҳ бошка киёфаларда кайтиши. “Маҳабхорот”, “Рамаяна” эпосларида 10 хил талкинда баён килинган: балиқ, тошбака, вепра, одам-арслон, карлик, қулида болта туттган Рама, Кришна, Будда ва оқ от шаклларида Ерга кайтиши мумкин.

- Шарқ фалсафаси. Низомиддинов Н.Ф. Жанубий, Жануби-шаркий ва шаркий Осиё ҳалқлари қад. тарихи, диний эътиқоди, маданияти. Т., 2010; Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.24-25.

«АВВАКУМ КИТОБИ» (яхудийча: Хабаккук) [диншунослик] – яхудий динидаги 12 кичик пайғамбардан саккизинчисига нисбат берилган асар. “А. китоби” уч бобдан иборат, унда А. саволларига Яратганинг жавоблари баён

килинган. Бу китобнинг таълиф даври турлича кўрсатилади. Аникроғи, иудей хукмдори Езекил (720–692) даврида битилган деган тахмин бор. А. шарафига православ черковида ҳар йили 2 (15) декабрда ибодат маросими ўтказилади.

- ◆ *Аввакум, Протопоп.* Житие Аввакума, им самим написанное и др. соч. М.: Политиздат, 1960.
- Библейская энциклопедия / Труд и изд. А. Никифора. М.: Терра, 1990. С. 10; Брокгауз Ф. А., Ефрон И. А. Энц-кий словарь в 12 т. Биографии, т. I. М.: СЭ, 1991. С. 34–36.

АВВАЛИ ИЛМ [динишунослик] – диний мадраса тизимида ўрганиладиган фанлардан. Фитратнинг “Мунозара” асарида Бухоро мадрасаларида ўқитилган фанлардан бири экани айтилиб, таълимнинг биринчи й.да таҳсилга киришилиши басн килинган. Айрим манбаларда “Илми аввал ёхуд Бидон” (Бил!) деб номланади. С. Айний ва М. Мухаммаджоновнинг ёзишича, “Бидон” мадраса таҳсилидан аввал ўқитилган. Демак, мактабларнинг сўнтида мадраса таълимининг эса бошланишида ўқитилиши лозим бўлган фан. Бунда савол-жавоб тарзида диний билим асослари ўргатилади.

- *Фитрат. Мунозара... / Асарлар. 1-ж. Т.: Маънавият, 2000; Мұхаммаджонов М. Турмуш уринишлари (бир муллабаччанинг хотира дафтари). Т., 1926. Б. 6; Айний С. Бухоро инкилоби тарихи утун материаллар. М., 1922.*

АВГИЙ (юононча: Augeas) [мифология] – юонон мифларида Элида подшохи, маъбуд Гелиос (айрим вариантларда Посейдон, Эпсей, Форбант)нинг ўғли. Мифга кура, жуда кўп отлар уюрини бошқарган, Геракл унинг отхонасини тозалаш учун Алфей дарёсини отхона томон буриб юборган экан. Бу Гераклни машхур килган 12 қаҳрамонликнинг бири сифатида ад-ларда талкин килинади. А. отхонаси кўчма маънода бад. ад-тда гартибсизлик, анархия маъносида кулланилади.

- Брокгауз Ф. А., Ефрон И. А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С. 10; Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С. 25.

АВГУСТ (латинча: *augustus* – илохий) – ой номи. Император *Октаивиан Август* шарафига номланган. Юлий (Цезар) ва Григориан тақвими буйича йилнинг саккизинчи ойи. Римда тақвим Юлий Цезар ислохотига кадар март ойидан бошланган бўлиб, йилнинг иккинчи ойи А. тутри келар эди. Ҳисоб буйича 30 кунли олтинчи ой бўлгани учун *секстилис* деб аталган А. император томонидан Юлий (Июл) ойидан кам бўлмаслиги учун феврал ойининг бир куни олишиб, А.га қўшилган. Натижада Юлий ойи ҳам, А. ойи ҳам энг катта ойлардан, яъни 31 кундан килиб белгиланган. Дунё тақвимида мана шу ислохотлар сакланган.

АВГУСТ, Октаивиан (м.а.63–м.14) – Биринчи Рим императори, мил. 27 й.га кадар Римни бошқарган. Гай Октаивийнинг ўғли, Юлий Цезарнинг жияни. Цезардан сўнг Антоний таҳтни эгаллагандан кейин пойтахтга келиб, дастлаб унга хизмат килган. Юртнинг учдан бир кисмини бошқарган ва ҳокимиятни эгаллаган. Бошқарувнинг янги шакли – принципатни жорий килган, армияда

тартиб ўрнатган. Унинг ҳукмронлиги даврида Испания, Паннония, Далмация, Иллирия ва Германия забт этилган. Манбаларда “А. ғашти Римни мармар Римга айлантириди” дейилган. А. даврида Рим ад-ти юксакликка эришган ва “олтин аср” баҳосини олишида Вергилий, Гораций, Овидий, Катулл, Проперций, Тит Ливий ижоди муҳим ўрин тутади.

Адан сўнг Рим императорлари га А. нисбаси күшиб айтилган, императорлик белгиси ёки А. сулоласининг вакили тарзида қабул килинган. Мак., Фридрих Август каби.

- *Машкин Н.А.* Принципат Августа (бигл.). М., 1949; Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Энциклопедия в 12 т. Биографии, т.1. М.: СЭ, 1991. С.49-55; Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энциклопедический словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.10; Гильберт К., Кун Г. История эстетики / Пер. с англ. М.: Изд. иностр. лит-ры, 1960. С.125.

АВГУСТИН, Аврелий (Блаженний, 354–430) – файласуф, насроний дини илоҳиётчиси. Ёшлиқда монийлик, неоплатонизм б-н машгул булган. Асосий асарлари автобиографик характерда. Улар: “Тавба” (400), “Илоҳий ш. ҳакида” (413–427). А. қарашига кура борлик Худо томонидан яратилган бўлса-да, у бир хил эмас. Турли мақомдаги мавжудотлар поғоналаридан ташкил топган. Инсон кичик олам (олами сафир), яъни микрокосмос булиб, ўзида моддий жисм табиатини бирлаштирган. Рух абадий булиб, у моддийлик касб этмайди. Рух мустакил субстанция – жавҳар сифатида у хосса ҳам, жисм ҳам эмас. Рух биологик функциялардан холи булиб, унинг баркамоллиги Худога яқинлигидан. Рухий ҳаётнинг асосини иродада тапкил этади. Инсон моҳияти унинг акли б-н эмас, руҳияти б-н белгиланади.

А. эстетик қарашлари диний асоста курилган. Унингча, “эркин санъат”дан ҳаловат топиб бўлмайди. Ягона эркесвар ад-т бу Инжилдир. А. назаридаги эркин санъат тарафдорлари бу эркин кишилар эмас, балки куллардир. Инсоният онгидаги кераксиз мифларни факат Инжилгина суреб чиқариши, унинг ўрнига ҳақиқий таълимот бериши мумкин. Санъатдаги ёлғон ҳаётдаги ҳақиқий ёлғон эмас. Ёлғон икки хил булиб, биринчиси, табиат томонидан кишиларнинг алданиши ва иккинчиси, тирик жонзотлар томонидан аматга ошириладиган ёлғон. Ёлғоннинг бу тури ҳам икки хил булиб, амалий ва қасддан амалга оширилган ёлғон ва истироҳат максадида буладиган ёлғон. Ёлғоннинг сўнгти турига А. поэзия, комедия, юмор, пантомимани киритган. А. қарашлари М. Конфессор, Кассиодор, Алкуин, Бозций томонидан давом эттирилган.

- ◆ Августин А. Богословские труды. Т.19. М., 1978.
- Гильберт К., Кун Г. История эстетики / Перевод с англ. М.: Изд. иностр. лит-ры, 1960. С.125,141-145; Бычков В.А. Эстетика А.М.Аврелия, 1984; Уколова В.И. Философия истории А.Аврелия / Религии мира. М., 1986; Аверинцев С.С. А.Августин / Философский энциклопедический словарь. М.: СЭ, 1989. С.8-9; Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Энциклопедия в 12 т. Биографии, т.1. М.: СЭ, 1991. С.38-48; Фалсафа. Комусий лугат. Тузувчи ва мас. мух.: К.Назаров. Т.: Ўз-н файласуфлари милий жамияти нашр., Шарқ НМАК, 2004. 6.8-9.

АВДИЙ (Овадий, м.а. IX) [диншунослик, мифология] – яхудийлик динининг пайғамбарларидан. “Библия”да А. исмли 12 киши зикр килинган. Улардан машҳури 12 кичик пайғамбарнинг тұртінчесі. Айрим манбаларда “Юкори Ахұ” китобларидан бирининг муаллифи деб ҳам қарапады. Авдий китоби бир бодан иборат булиб, мұқаддас китоблар қаторида 4-уринда турады. А. китобида Иеремий китобининг мазмуни қайтарылады. Йилнинг 19 ноябрі пайғамбар А. куни деб, унинг шарафига ибодат маросими үтказылған.

Улуг адид Ч.Айтматов “Қиёмат” романнинң бош қаҳрамони А.Каллистратов номини мана шу А. пайғамбар қисметидан олған.

- Библейская энциклопедия / Труд и изд. А.Никифора. М.: Терра, 1990. С.12; Большая энц-я Кирилла и Мефодия. Эл. Версия. М., 2011.

АВЕЗОВ, Мухтор Умархон ўғли (1897/16.IX–1961/27.VI) – козок адаби, олимни ва жамоат арбоби. Қозогистоннинг Чингиз кишлоғыда туғилған. Бобоси Аваз оға Абайнинг дүсти ва яқин кариндоши бўлған. 1928 й. Ленинград ун-тини тутатған, САГУ (Урта Осиё ун-ти, ҳозирги ЎзМУ) аспирантурасида таҳсил олған. Қозогистон ФА академиги (1946).

1917 й.дан асарлари чөп этила бошлаган. Абдулла Қодирий романларидан таъсирланған. 1920–30 й.ларда Т.да козок тилида нашр этилған адабий-бадий, ижтимоий-сийеси «Чўлпон» журнали б-н ҳамкорлик қилған. А. Тошкентдаги вактида ушбу журн.да унинг «Кундошлар» пьесаси, ҳикоялари ва бир канча мақолалари босилған. “Енлик Кебек” (1926, янги таҳрирда 1957) драмаси унга шуҳрат келтирган. “Қараш-қараш” (1927), “Елкама-елка” (1933), “Излар” (1935), “Бургут б-н ов” (1937) қиссалари, “Тортис” (“Кураш”, 1935), “Оқ кайин” (1938), “Кобланди” (1945) драмалари муал.и. “Абай йули” эпопеяси (1942–56) козок романчилигининг сара асарларидан саналади. Романда Абайнинг ҳаёти ва ижодий йули XIX аср козок ҳаёти б-н боғлиқликда кўрсатилған. Роман бош қаҳрамони Абай ватанпарвар адид, улуг мутафаккир ва гуманист шоир сифатида тасвириланған. “Равнак” (рус т.да “Ёшлар машъали”) туталланмаган эпопеясининг биринчи китоби (1962), “Зўр синов” романы вафотидан кейин чөп килинған. Публицистик асарлари: “Туркистан шундай туғилған” (1956), “Хиндистон очерклари” (1955). А. ад-тшунос сифатида Абай ҳақида үнлаб тадқикот ва мақолалар ёзған, “Қозок совет ад-ти тарихи” (1958, 60)нинг асосий муал.ларидан. Халқ оғзаки ижоди намуналари “Эр Таргин”, “Алпомиш”, “Манас” достонлари юзасидан тадқикотлари бор. М.А.пинг “Абай йули” эпопеяси Зумрат (Орифжонова) тарж.да узбек т.да нашр килинған.

- ◆ Аузов М. Тандамалы шығармалар, т.1-6. Алматы, 1955-57; Шығармалар 12 т., т.1-9. Алматы, 1967-69; Абай, т.1-2. М., 1958; Мысли разных лет. Исследования, тексты. Алматы, 1961; Абай йули. Т., 1964.
- Кедрина З. Мухтар Ауззов. М., 1951; Карапаев М. Мухтар Ауззов. Записки о творчестве. Алматы, 1958; Нұрқатов А. Мухтар Ауззов творчествосы. Алматы, 1965; Turk Dünasy Edebiyatçıları Ansiklopedisi. Ankara, 2002. Cild 2. S.39-41;

АВЕЛЬ [мифология] – Инжил мифологиясидаги персонажлардан бири. “Таврот” таълимотига кўра, Одам Ато ва Момо Ҳавонинг иккинчи ўғли. Куръони каримда Ҳобил номи б-н келади. Уни биродари Каин (Кобил) ўлдирган. А. иудей ва насроний адабий манбаларида бегуноҳ курбон рамзи булиб кўлланилади. Янги Аҳд китобида азобга дучор булган биринчи одам, ноҳақ ўлдирилганларнинг ҳам дастлабкиси. Айрим диний-адабий манбаларда Исо а.с.нинг прообрази килиб тасвиirlанган.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.25; Библейская энциклопедия / Труд и изд. А.Никифора. М.: Терра, 1990. С.13.

АВЕЛЛАЛЛЕМАНИИ, Фридрих Христиан Бенедикт (1809–1882) – олмон адаби ва сиёсатшуноси. Любек халки эркига оид Полоция уставини нашр килдирган. Олмон т. грамматикаси (1858)ни ёзган. Бир катор саргузашт романлар муал.и. Берлинда вафот этган.

- Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Энц-кий словарь в 12 т.. Биографии, т.І. М.: СЭ, 1991. С.59.

АВЕЛЯНИДА, Гертруда-Гомес (1816–1873) – испан адабаси. “Леонсия” драмаси б-н шуҳрат козонганд. “Саб”, “Эспатолина” каби новеллалар тўпламларини эълон қилган. Ҳозир ҳам асарлари Мадрид ва в.б. Испания ш.лари театрларида куйлади.

- Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Энц-кий словарь в 12 т. Биографии, т.І. М.: СЭ, 1991. С.60.

АВЕНАРИУС, Василий Петрович (1839–1923) – публицист ва болалар ёзувчиси. Петербург ун-тини тамомлаган. 1859–60 й.да кувноқ талабалик даври ҳакида шеърлар эълон қилган. Нигилистик гояларга карши “Замонавий идиллия” (1865) киссаси ёшлар орасида шуҳрат топган. “Поветрие” (1867) асарида Чернышевский ва унинг тарафдорларини кескин танқид қилган. “Асалари ҳакида эртак”, “Хона нима дейди?” киссалари болалар ад-ти намуналари саналади. “Пушкиннинг ўсмирлик йиллари” (1887), «Гоголнинг болалиги» (1896) в.б. биографик киссаларини ёзган.

- Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Энц-кий словарь в 12 томах. Биографии, т.І. М.: СЭ, 1991. С.60.

АВЕНАРИУС, Рихард (1843/19.XI–1896/18.VIII) – швейцар файласуфи, Цюрих ун-ти профессори. Эмприкритицизм (махизм) таълимотининг асосчиси, оламнинг асоси ягона рух деган карашни ёқлаган. Асарларида материя ва табиий, руҳий дунё зиддиятлари ҳакида ёзган. Асосий асарлари: “Фалсафа кам куч сарфлаш принципи асосида дунё ҳакида ўйлар сифатида» (1876), «Соф тажриба танқиди» (Икки ж., 1888–90), “Оламии инсоний англаш” (1891). Асарларида оламни хиссиятга боғлаб тушунтиришга ҳаракат қилган, “принципиал координационллаш” илмига асос солган. Унингча, “Субъектсиз обьект (онгсиз материя) йўқ”, яъни материя Буюк яратувчининг маҳсули. Ўз яратган кашфиётини эмпириокритицизм (тажриба танқиди) деб

атаган. Инсон билимларининг ягона манбай сизгилардир, деган холосага келган. Ҳиссий билишга ва дунёни ҳиссий идрок этишга асосланилган учун унинг карашлари олмон эстетлари учун ўзига хос тажриба мактаби санаалган. А. таълимотига қарши В.И.Ленинн “Материализм ва эмпириокритицизм” асарини ёзган.

- Философский энц-кий словарь. М.: СЭ, 1989. С.9; Брокгауз Ф.Л., Ефрон И.Л. Энц-кий словарь в 12 т. Биографии, т.1. М.: СЭ, 1991. С.61-64; Фалсафа. Комусий лугат. Туз. ва мас. муҳар.: ҚНазаров. Т.: Ўз-н файласуфлари миллый жамияти напр., Шарқ НМАК, 2004. Б.9.

АВЕРБАХ (Ауэрбах), Эрих (1892–1957) – йирик олмон олими ва ад-тшуноси. “Франция Уйғониш даври новеллаларида маҳорат”, “Роман филологиясига кириш”, “Антик давр ва ўрта асрларда адабий тил ва халқ нутқи” асарлари муал.и. Данте, Монтен, Руссо, Бальзак, Стендал, Флобер. Бодлер, Золя ҳакида илмий-танкидий асарлар ёзган. А. Арасту «Поэтика»си шарҳланган “Мимессис” асарини битган. Асарда Арастунинг концептуал гояси – ҳаётни табиий ва ҳакқоний тасвирлаш санъатнинг бош масаласи эканини асослаб берган. Ўрта асрлар ад-тини тадқиқ қилган асарлар муаллифи.

♦ Авербах Э. Мимесис. Изображение действительности в западноевропейской лит-ре / Пер. с немец. А.Л.Михайлова. М.: Прогресс, 1976.

- Фридлендер Г.М. Авербах и его “Мимесис” / Авербах Э. Мимесис. Изображение действительности в западноевропейской лит-ре (Предисловие). М.: Прогресс, 1976.

АВЕРИНЦЕВ, Сергей Сергеевич (1937–2004) – антик ад-тадқиқотчи, маданиятишунос. Россия ФА ҳакикий аъзоси (2004). Тадқиқот обьекти сўнгги антик давр, илк насроний ва ўрта асрлар ад-ти тарихидан иборат. 1990 й. собик иттифоқ Давлат мукофотига сазовор бўлган. “Архетиплар”, “Филология”, “Символ”, “Муаллифлик ва машҳурлик” (“Авторство и авторитет”), “Диний таълимот моҳияти ва маданият шакли”, “Саховатли Птутарх қаҳрамонлар ҳакида сўзлайди ёки биографик жанрдаги баҳти никоҳ” (Фалсафа ахлоқи), “Антик маросим идеали ва Уйғониш маданияти”, “60-70 – йи. зиёлиларининг Худога илтижоси”, “Адабий даврлар ўзгаришида поэтика категориялари”, “Фалсафий тақақкур эволюцияси”, “IX–XII асрлар Византия ад-ти” асарлари муаллифи.

- Поэтика древнегреческой лит-ры. М.: Наука, 1986.

АВЕРКИЕВ, Дмитрий Васильевич (1836–1905) – таникли рус драматурги. 1857 й. Петербург ун-тини тамомлаган. “К.Рынов” имзоси б-н фельетонлар ёзган. Достосвскийнинг “Эпоха” журн.да биринчи пъссаси “Мамай майдони” чоп этилган. “Аннушка” комедияси, “Кашир қадимиияти”, “Подшоҳ Пётр ва шахзода Алексей”, “Римлик Франческо”, “Янги бека” сингари драмалар муал.и. Пъесаларида қадимий анъаналарни улутлаган. 1885-86 й.ларда «Алиб кундалиги” номи б-н ойлик журнал чоп этган. “Драма ҳақида” (1877-78) туркум маколаларида Арасту ва Лессингнинг драмага оид карашларини шарҳлаган. Шекспирнинг “Ҳамлет” асарини рус т.га тарж. килган.

- Анеркиен Д.В. Драмы, т.1-3. СПб., 1906; Повести из старинного быта, т.1-2. СПб., 1898; Повести из современного быта, т.1-3. СПб., 1998.
- Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Энц-кий словарь в 12 т. Биографии, т.І. М.: СЭ, 1991. С.64-65; Большая энц-ка Кирилла и Мефодия. Эл. Версия. М., 2011.

АВЕРРОЭС – Ибн Рушд исмининг лотинлаштирилган шакли. К.: Ибн Рушд.

АВЕРРОИЗМ (арабча: الروش – хакиқий, асл > исм [фалсафа, эстетика] – андалусиялик (испаниялик) ислом алломаси Ибн Рушд (1126–1198) фалсафий қарашлари асосида Ғарбий Европада вужудга келган фалсафий-эстетик таълимот. Париж ун-ти профессори Сигер Брабантский (1240–1284) аверроист (ибррушдчи) бўлиб, насроний черкови мутасадилари Бонавентура, Фома Аквинский, Буюк Альбертлар қарашларига карши А. таълимотини шакллантирди. Сигер Брабантлининг Ибн Рушд фалсафаси асосида яратилган «Оlamnинг абадийлиги хакида», «Рухнинг аклилиги хакида» асарларида олам абадийдир, инсоний рух ўткинчидир, деган хулоса б-н иш юритган. А. анъаналари Оксфорд ун-ти профессори Роджер Бэкон (1210–94) қарашларида ҳам акс этган. Уларнинг энг асосий ютуғи черков схоластларининг қарашларини рад этганилигидалир. Бу борада Арасту, Ибн Сино ва Ибн Рушд фалсафасига таянишган. А. XV аср ўртасига қадар мұваффакиятли давом этган (яна к.: *Ибн Рушд*).

- Ренан Э. Аверроэс и аверроизм / Пер. с франц. Киев, 1903; Соколов В.В. Средневековая философия. М., 1979; Философский энц-кий словарь. М.: СЭ, 1989. С.9-10; Фалсафа. Қомусий пүгат. Туз. ва мас. мухар: К.Назаров. Т.: Үз-н файласуфлари миллий жамияти нашр., Шарқ НМАК, 2004. Б. 9-10.

АВЕССАЛОМ (яхудийча: Avsalom) [мифология] – яхудий мифларида гузал сочили шахзодалардан бири, Довуд (а.с.)нинг ўгли. Аммон ўз синглиси Оамар (Камар)нинг номусига таҳдид килганини билиб, унга карши курашган қаҳрамон. Қасоскорлар А.ни ўлдириш билан Довудга катта руҳий зарба берадилар. Муқаддас китобларда А. ўлеми туфайли Довуднинг йигиси берилган. Бу яхудий ад-тидаги илк марсиялардан саналади. А. мақбараси ёнига унинг ҳайкали ўрнатилган.

- Библейская энциклопедия / Труд и изд. А.Никифора. М.: Терра, 1990. С.14-15.

«АВЕСТО» (қад. форс т.да: “Асос”, м.а. X–VII) – зардуштийлик таълимотининг диний китоблари мажмуаси. Бу эътиқод Марказий Осиё, Эрон, Афғонистон ва Озарбойжонда кенг таркалган. А. – Марказий Осиё ва Эрон ҳалқлари тарихининг қад. ноёб ёдгорлиги бўлиб, уни “ҳаёт йўрикномаси” деб атаганлар. Зардуштийлик эътиқодига амал килувчиларнинг муқаддас китоби сифатида Ягона Тангрига топиниш шу таълимотдан бошланган. Бу китоб таркиби, ифода услуби ва тимсоллар тизими б-н адабий манбаларга яқин туради. А.да т.га олинган жой номлари “АЗар-хурра” ва «Арёнам вайжо» (Варахша, Вахш)дан келиб чишиб, Амударё соҳилларида яратилгани аникланган. Бундан ташқари, “Чорвага бой Гава

(Сүфд)”, “кудратли Моуру (Марғиёна)”, “байреклари баланд кутарилган Баҳди (Бактрия)” каби жой номлари т.га олинади. Бу “шаркий” карашдан ташкари «А.» ватани Хоразм эмас, балки Мидия, деган “ғарбий” караш хам мавжуд.

А. оромий ва пахлавий ёзувлари асосидаги маҳсус алифбода ёзилган. Сосонийлар (м.а. VII–III аср) даврида илк нусхалари асосида 21 китоб ҳолида йигилган, бизгача уларнинг чорак кисми етиб келган. Аллома Масъудийнинг ёзишича, Эрон шохи Доро ибн Доро хазинасида “Обисто”нинг 12 минг олтин таҳтачага ёзилган кисмлари сакланган. Берунийнинг ёзишича, 12 минг ошланган мол терисига тилла сувида ёзилган 32 китобдан иборат нусхаси бўлган. Демак, А. 1) турли китоблардан иборат ибодатлар тўплами ҳолида; 2) қуидаги тўрт бўлимларни ўзида бирлаштирган ҳолда сакланниб колган: *Ясна* (“Диний маросимлар”), *Яштлар* (маъно жиҳатдан Яснага яқин) – зардустий маъбулларига мадҳиялар, *Виспарат* (“Барча илоҳлар ҳақидаги китоб”), *Вендинод* (“Ёвуз рухларга карши конунлар мажмуаси”) қўшиклари. Тикланган матнга «Занд» номи б-н шарҳлар битилган. Ясна таркибига кирган мадҳлар “Гоҳлар” (айрим манбаларда «гатлар») деб номланиб, уларни Зардустнинг ўзи ёзган, деб таҳмин килинади. Гоҳлар шеърий асар бўлиб, беш хижоли бармок вазнида яратилган. Улар таркибида Жамшид (Йима), Гершасп, Афросиёб (Али Эртунга), Сиёвуш каби қаҳрамонлар хаёти лавҳалари учрайди. А. да зардустийликнинг ахлоқий, ҳукуқий ва эстетик карашлари хам акс этган. Унга биноан олам нур ва зулмат (табиатда), ҳаёт ва улим (жамиятда), жон ва жасад (руҳиятда), эзгулик ва ёвузлик (турмушда), эрк ва тобеълик (мамлакатда) каби зиддиятлардан иборат бўлиб, уларнинг ўзаро кураши азалий ва абадийdir. А.да эстетик категория сифатида гўзаллик ва хунуклик, унинг ифодачилари Аҳриман ва Ахура Мазда асосий қаҳрамонлар сифатида танилган. А. да “мадҳ этаман эзгу фикрат, эзгу калом, эзгу амални. Жами эзгу фикрат, эзгу калом, эзгу амалга бағишлайман ўзимни, жумла ёвуз фикрат, ёвуз калом ва ёвуз амаллардан юз ўгираман” каби даъватлар акс этган.

А. инсоният цивилизация тарихининг илк саҳифаларини ташкил этгани учун жаҳон олимларининг эътиборини тортган. А. илк маротаба Европада Анкетиль-Дюперрон (1771) тарж.сида нашр қилинган. У ҳақда Ф. Ницше, Ф. Шпигел, А. Майллет, В. Бартольд, Е. Бертельс, Ян Рипка, О. Маковельский, С. П. Толстов, И. Брагинский в.б. хорижий олимларнинг тадқиқотлари мавжуд. Ўз-нда А. ни ўрганиш кадимдан бошланган. Абу Райҳон Беруний, Абу Жаъфар Табарий, Абу Бакр Наршахий асарларида А. таълимотига ва унда т.га олинган тимсолларга мурожаат қилинган. Бу нодир илмий асарларнинг кўлёзма ва босма нусхалари ЎзРФАШИ жамғармасида сакланади. А. Каюмов, Ҳ. Ҳомидов, М. Исҳоков, Н. Раҳмонов, Т. Маҳмудов в.б. ўзбек олимларининг илмий тадқиқот ва маколалари эътиборли. Ўз-н Республикаси Президенти карори б-н 2001 й. октябрда А. нинг 2700 й.лиги нишонланди. А. ватани Хоразмда боф барпо қилинди, асарнинг ўзбек т.даги тарж.лари чоп этилди, у ҳақда янги тадқиқотлар юзага чиқди.

• Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик (Аскар Махкам тарж.) Т.: Шарк НМАК, 2001; “Авесто”дан (тарж. М.Искоков) // Узбек тили ва ад-ти. 1999, № 2-4; Авесто / Поэзия и проза Древнего Востока. М., 1973; Отрывки из «Авесты» (Пер. с языка «Авесты» Е.Э.Бертельса. Сб. «Восток», 1924. № 4; Авеста / В пер. и с коммент. И.М.Стеблин-Каменского. Душанбе: Адиб, 1990.

• Толстов С.П. По следам древнекорезмийской цивилизации. М.-Л., 1948; Брагинский И.С. Из истории таджикской народной поэзии. М., 1956; Бертельс Е.Э. История таджикско-персидской литературы. М., 1960; Маковельский О. Авеста. Баку, 1960; Дъяконов М.М. очерк истории Древнего Ирана. М., 1961; Соколов С.Н. Авестийский язык. М., 1961; Абу Баҳр Мұхаммад ибн Жаъфар Наршахий. Бухоро тарихи. Т., 1966; Абу Раіқон Беруний. Ал-осору-л-боқия ан-ал курун-л-холия. Т., 1969; Каюмов А. Қадимият обидалари. Т., 1971; Ницше Ф. Так говорил Заратустра. М.: Наука, 1986; Брагинский И.С. Авесто / Лит-ный энц-кий словарь. М.: СЭ, 1987. С.10; Сагдуллаев А.С. Қад. Ўз-н илк ёзма манбалари. Т., 1997; Ҳомидов Ҳ. «Авесто» файлзлари. Т., 2001; Фалсафа. Қомусий лугат. Туз. ва мас. мұхар.: Қ.Назаров. Т.: Ўз-н файласуфлари миллий жамияти нашр., Шарк НМАК, 2004. Б.11; Ницше Ф. Зардұшт таваллоси / И.Ғафуров тарж. Т., 2007; Каримов Г. “Авесто” изидан. Т., 2008.

АВЕСТО ТИЛИ – “Авесто” асарининг т. Зардұшт зытикаидаги кишиларнинг ибодат т. Үлкін т.лардан саналиб, Европада XVIII асрнинг охиридан маълум бўлган. А.т.да икки диалект фарқланган: гат (гоҳ)лар т. ва А.нинг Занд (шарҳ) қисмини шакллантиришда фойдаланилган т. А.т. флекстив т.лар гурухига киради. А.т. оромий сөзуидаги 50 белгига асосида шакллантирилган.

• Bartholomae Chr. Altiranisches Wörterbuch, 2 Aufl. B., 1961. Соколов С.Н. Авестийский язык. М., 1961; Язык Авесты / Основы иранского языкоznания. Древнеиранские языки. М., 1979. Виноградова С.П. Авестинский язык / Большой энциклический словарь: Языкоzнание. М., 1990.

АВИЕЦЕННА – Абу Али ибн Сино исмиининг лотинлаштирилган шакли. – к.: Абу Али ибн Сино.

АВИМЕЛАХ (яхудийча: менинг отам – подшохим) [мифология] – Қад. Ахд мифологиясида Ҳерар ш.нинг подшохи. А. исм булишидан ташкари дастлаб подшоҳ маъносини англатган, сўнгра айрим подшоҳлар исмларига қўшиб кулланилган ва ниҳоят, аниқ бир шахснинг исмига айланган. Тақдир ҳукми бинунинг ўлими аёл киши қулида бўлган.

• Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.25.

АВЖ (арабча: چ - чүкки) – мусика асарида куй ва ашуланинг энг юкори нұктаси, кульминация. Үн икки маком тизимида шубалардан бирининг номи. Мусика асарининг жанрига кўра бир неча турда А.лар учрайди: ўрга (авжи миёна) ва катта авж (авжи турк). “Ушшок”, “Мухайар”, “Турк”, “Зебопари” каби номлар б-н аталган А.лар бор.

ХХ асрнинг бошлари адабий истилохи (Фитрат)да А. нұктаси – кульминация маъносида қулланилган.

• Акбаров И.А. Музика луғати. Т.: F.Гулом номидаги нашр., 1987. Б.5-6.

АВЖИЙ (XVII) – шоир ва олим. Ҳасанхожа Нисорийнинг шогирдларидан. Балх ш.да Вали Мұхаммадхон саройида мулозим бўлган. Дастреб Саманий тахаллуси б-н шеърлар ёзган. Балҳда машхур бўлгач, А. тахаллусини кўллаган. Мутрибий А.нинг қўйидаги рубоийсини келтиради:

*Жоне дорам ки толиби озор аст,
Дарде дорам ки аз даво безор аст.
Гуше дорам ки нагма гам шинвост,
Чашме дорам ки ашки ҳасратбор аст.*

Мазмуни:

Бир жоним борким, ўзига истар озор,
Бир дардим борким, даво сўзидан безор.
Кулокларим факат гам қўйига дингдир,
Кўзларим бўлса ҳасрат ёшлирига ёр.

Балх ш.да вафот этган.

АВЗОН (арабча: اوزان – вазилар) – I. қ.: Вазн.

П. А. (Авсон) – Кад. Рим давлатида Италияниң биринчи қироли. Мифга кўра, Одиссей ва Кирканинг ўғли. Италия дастреб қирол А. шарафига Авзония деб аталган, у ернинг ахолиси авзонлар деб юритилган.

АВЗОНИЯ (итальянча: auson – халқ, элат номи) [эстетика] – Италияниң поэтик номи. Шу ҳудудда яшаган ахоли номидан олинган. А. Италияниң жанубий гарбидаги жойлашган булиб, кейинроқ Кампанья деб юритилган.

• Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Энц-кий словарь в 12 томах. Биографии, т.1. М.: СЭ, 1991. С.64-65.

АВИДЯ (санскритча: билимсизлик) [эстетика] – санскрит фалсафаси ва эстетикасидаги тушунчалардан бири. Видя – билим бўлиб, авидя унинг зиддидир. А. “Мен”нинг ҳакиқий табиатини билмаслиқдир. А. дунёни билиш оркали эмас, балки унинг ёвуз асоси оркали хиссий қабул килишдир. Ўз хиссиятларини назорат қилиш, “Мен”нинг табиатини ўрганиш оркали А.ни йўқотиш мумкин. А. диний қайта туғилишлар силсиласидан бехабарликни ҳам англатади.

• Раджакришнан С. Индийская философия (пер. с англ.), т.1-2. М., 1956-57; Философский энц-кий словарь. М.: СЭ, 1989. С.10; Шарқ фалсафаси. Низомиддинов Н.Ф. Жанубий, Жануби-шаркий ва шаркий Осиё халклари кад. тарихи, диний эътиоди, маданияти. Т., 2010.

АВИЖЮС, Йонас (16.V/1922 – 7.VII/1999) – литва адаби. Литва халқ ёзувчisi (1986). Медгинаида туғилган, оммавий ахборот воситаларида журналист булиб ишлаган. Литва насрининг XX асрдаги тараккиётiga катта улуш кўшган. 1948 й.дан профессионал ёзувчи сифатида танилган. “Мерос” (1949), “Одамлар ва воқеалар” (1954), “Инсон инсон булиб қолади” (1960) киссалари, “Ойнатоғ” (1961), “Чорраҳадаги кишлоқ” (1964), “Букаламун

ранги” (1979) романлари эътибор топган. “Йукотилган конлар” (1-4 китоб, 1970–88) романи учун давлат мукофотига сазовор бўлган.

◆*Авижюс Й. Асарлар. 1-7 ж. 1983-85* (литва т.да).

АВЛИЕ (арабча: اَوْلِيَاءُ – валийлар) [тасаввуфшунослик] – тасаввуф таълимотида анбиё (набийлар)дан кейин турадиган ва уларнинг меросхўрлари бўлган ҳол ҳамда мукошафат эгалари, Худонинг дўстлари. Шариату тариқат ва маърифату ҳакиқатда олий даражани эгаллаган зотлар. Анбиёларда валийлик қобилияти бор, аммо авлиёларда набийлик қобилияти йўқ. Анбиёда мўъжиза бўлса, авлиёда кароматни кўриш мумкин. А.нинг хислатлари кўп, аммо улар буни ҳалкка кўз-кўз килмайдилар.

АВЛИЕ ЧАЛАБИЙ (1611–1683) – XVII аср турк олими ва сайёхи. Тулиқ исми: Мухаммад Залли ибн Дарвиш Чалабий. Истанбулда туғилган. Аё Суфийа масжидида ҳофизлик килган. Турк армияси сафида иштирок этган. Яқин ва Ўрта Шарқ бўйлаб қилган саёҳатлари ҳакида ўн жилдли “Саёҳатнома” ёзган. Асарда Кичик Осиё, Месопотамия, Миср ва Ҳабашистон (1640), Кавказ ва Озарбойжон (1644–48), Украина (1656–58), Болкон мамлакатлари (1656, 1680) саёҳатлари акс этган. Саёҳатномаларда кезилган, курилган жойлар танитиш ниятида қаламга олинган бўлса-да, мақсад ўша жойни жой килиб турган инсон сийратига ургу бериш, диккатни инсонга қаратишдир.

Асарда ад-тга тегишли тушунча ва талқинлар, машхур адибларнинг асарлари ҳам т.га олинган. “Сасҳатнома”да шоирларга оид маълумотлар икки тарзда: 1-дан, шоирлар “Фотих даври шоирлари”, “Иккинчи Боязид даври шоирлари” ва “Султон Салим даври шоирлари” каби сарлавҳалар б-н тақдим этилади. 2-дан, ш. номи зикр этилгандан сўнг ўша ўлкада етишган шоирлар берилади: Трабзон шоирлари (Гиноий), Амосиё шоирлари (Мунирий, Михрий), Аргири шоирлари (Букоий, Фигоний, Нолиший, Сукутий, Фазоил) каби.

А.Ч. асари олмон т.га, Украина га оид кисми рус т.га тарж. килинган.

◆*Avliya Çalabi. Sayahathama. Zuhûrî Danışman neşri. İstanbul, 1970.*

• Аҳмедов Б. Тарихдан сабоклар. Т.: Ўқитувчи, 1994. Б.402; Мустафо Эсон. Тазкирадан биографияга. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2011.

АВЛАДУ-Т-ТАРИКА (арабча: اَوْلَادُ تَارِيقَةٍ – тариқат авлодлари) – [тасаввуфшунослик] тасаввуф таълимотида устоз-шогирдлик силсиласи. А.Жомийнинг “Силсилату-з-захҳаб” достонида бу ҳодиса олтин занжир ҳалқалари сифатида шарҳланган.

АВЛОС (юонч: avlos – қўш, иккилик) – қад. юонон мусика асбобининг номи. Гомер достонларида т.га олинган. Қўшнайга ўхшаш, икки най (пуфлаб чалинадиган асбоб)нинг бириктирилганидан ҳосил бўлади. Найларни туташтириб боғлаш усули Хоразм болабонига ўхшаш тарзда амалга оширилади.

• Акбаров И.А. Музика лугати. Т.: F.Фулом номидаги нашр., 1987. Б.6.

АВРААМ – қ.: Иброҳим пайғамбар.

АВРАНГЗЕБ (1618–1707) – Хиндистондаги бобурийлар салтанатининг султони (1658–1707). Асл исми: Мухийиддин Мұхаммад. Тахаллуси: Оламгир (олам подшохи), Аврангзеб (форсча: таҳт безаги). Шоҳ Жаҳон ва Мұмтоз Махал (Аржумандбону)нинг ўғли, машхур шоира Зебуннисобегимнинг отаси. 1658 й. дан Ҳиндистон подшохи. Таҳтта чиққандан сүнг 80 дан ортик солик турларини бекор килган. Аврангбод ш.га асос соглан. Пойтахтни шу ш.га күчириб, унда бунёдкорлик ишларини амалга оширган. Хотини Диңрас бону вафотидан сүнг, унга мақбара (хозир Бибика мақбараси) курдирган, уни “Иккинчи Тожмахал” деб атайдилар.

Турк, араб, форс, хинд ва урду т.ларини яхши билган. Моҳир ҳаттот: настълик ва шикаста ёзувлари устаси. Сунний эътиқодли мусулмонлар етакчиси бўлган, “Бобурнома”нинг нисбатан мукаммал Ҳайдаробод нусхасини, Навоййининг “Ҳазийину-л-маоний” девонини кўчиртирган. Дипломатик мулокот учун Русия князи Иван III га мактуб юборган. У ҳақда Мұхаммад Соқий: “Ҳеч қачон ғазаб кучи ва нағс ҳукмининг тақозоси б-н бирор кишини ҳалок этишга ва инсон боласининг ҳаёт биносини барбод килишга ҳукм чиқармаган” деб ёзди.

- *Бернье Ф.* История последних политических переворотов в гос. Великого монгола / Пер. с франц. М.: Соцэкиз, 1936; *Гаскойн Б.* Великие монголы. М.: Центрполиграф, 2003; 1936; *Сатимов F.* Марказий Осиё ва Ҳиндистон тарихида бобурийлар даври. Т.: F.Гулом номидаги НМИУ, 2008. Б.173–182; *Соқий М.М.* Бобурий подшоҳ Аврангзеб / Муосири Оламгирий. И.Низомиддинов тарж. Т.: Мовароунаҳр, 2013.

АВРЕЛИЙ, Марк (121–180) – Рим императори, файласуф олим. Претор Анний Вернинг ўғли, Римда Адриан даврасида тарбия кўрган. 161 й.дан Рим давлатини бошқарган. 162 й.дан Парфия, Сурия ва Месопотамияга карши уруш қилган. А. моддийончилик тарафдори бўлиб, грамматика ва риториканинг таракқиётига хизмат қилган. А. санъатда соҳталикни кескин рад этган. Унингча, сунъий гўзалликни “пишган мевалар”дан фарқлаш лозим. “Ўзим б-н юзма-юз» асари шуҳрат козонган.

- ◆ *Аврелий. Марк.* На седине с собой. М., Наука, 1980.
- *Гильберт К., Кун Г.* История эстетики / Пер. с англ. М.: Изд. иностр. лит-ра., 1960. С.113,124,254.

АВРИТТИ (санскритча: *takror*) [поэтика] – хинд поэтикасидаги санъатларнинг бир тури. Мазмун ва маънога дахлдор безак фигураси сифатида А. Дандин асарида учрайди. Агар антик безаклар тизимида нотик учун алоҳида қимматга эга бўлган сўз тақрорлари катта ўрин тутса, факат бадиийликка мўлжалланган санскрит поэтикасида сўз тақрори учрамайди. Дандин А.нинг уч хил кўринишини кайд этади: 1) *падавритти* (сўз тақрори); 2) *артхавритти* (маъно тақрори); 3) *убханвритти* (сўз ва маъно тақрори). Тақрорга асосланган ушбу фигурани аланкара (безаклар назарияси) таркибиға киритиш ҳар бир А. таркибида яширин киёслаш, ёпик асосланган мавжудлигига асосланган.

- Вейнрай У. О семантической структуре яз. / Новое в лингвистике. Вып. V. М., 1970; *Анандавардхана. Дхванъялока* («Свет дхвани») / Пер. с санскрита, введ. и comment. Ю.М. Алихановой. М.: Наука, 1974; Грицер П.А. Санскритская поэтика и античная риторика; Теория «украшений» Восточная поэтика. Специфика художественного образа. М., 1983; Грицер П.А. Основные категории классической индийской поэтики. М.: Наука, 1987.

АВРОД (арабча: اورڈ – “вирд”нинг кўплиги: вазифалар, топшириклар) [диншунослик] – ҳар бир обид ёки зоҳид зикр пайтида ўқишини ӯзига вазифа килиб олган дуолар. Тасаввуф ад-тида муршид томонидан муридга берилган топширилган дуолар тўплами. к.: вирд-аврод.

АВРОРА (юонча: aurora – тонг) [мифология] – қад. римликлар эътиқодига кура, тонг (нур) маъбути. А. маъбудларга ва инсонларга кун, нур олиб келади. Юон мифологиясидаги маъбуд Эосга тенг келади. Расмларда океандан ёруғ аравада кўтарилаётган канотли аёл рамзида акс этган. Шеъриятда А. тонг рамзи ва синоними тарзида кўлланилади.

- Миғи народов мира. М.: СЭ, 1980. С.29.

«**АВРОРА**» – XVI аср олмон файласуфи Яков Бёме асари. к.: Бёме, Яков.

“**АВРОРА**” – адабий-бадиий журн. 1969 й.дан Санкт-Петербург (Ленинград)да чоп этилган.

АВСОН [мифология] – юон мифологияси ва антик ад-тда Одиссейнинг ўғли, Калипсо ёки афсунгар Киркадан туғилган. Италиядаги авсонлар кабиласи (уруги) А.дан бошланган.

- Миғи народов мира. М.: СЭ, 1980. С.29.

АВСОФИ АИММА (اوسمى ائمما – имомлар васфи) [диншунослик] – шия мазҳабига мансуб шоирларнинг девонларида ёки маснавий в.б. эпик асарларида ҳамд, наът ва муножотдан кейин шия мазҳабининг стакчилари булган 12 имом васфи келади. Одатда, васфларда Ҳазрат Али номи т.га олиниб, Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайнинг васфи баён этилади. Машҳур шоир Шоҳ Исмойил Ҳатоий (1486–1524) ўзининг туркча “Девон”ида мана шу анъананинг соҳиби булган.

Мас., Ҳатоий “Девон”ида Ҳазрат Али номига мураббаъ бағишланиб, унинг ҳар тўртлигидан сўнг

*Алидур, Алидур, Алидур, Али –
Алийу-л-азим шайху-л-валий*

байти келади.

- *Шоҳ Исмаյил Ҳэтайи*. Эсэрлари. I ж. Бакы, 1966.

АВСТРАЛИЯ АДАБИЁТИ – Австралия халқиңинг ад-ти. Дастлаб абориген ва XIX асрдан инглиз т.да яратылған. Қад. абориген миф, эртак ва афсоналари асосида шаклланған. Альтира (осмон әгаси), инсоният отаси Нурундерс, она Кунапипи ҳақидаги мифлар А. мифологиясининг асосий тимсолларидир.

А.а. нинг нисбатан кснг таркалған жанрлари: ода, пасторал (к.: *пасторал*), элегия, сатира. Насрий асарлар сифатида мемуар, йүл эсдаликлари, маший-оилавий ва саргузашт романлари шаклланған. А. шеъриятида миллий үзлигини аңглыш түйүләри Ч.Харпур шеърларыда, табиат күйчиси Г.Кендалл ва А.Л.Гордон балладаларыда акс этган. XVIII–XIX асрларда А.да Европадан суртун килингандар яшаган ва бу мавзу ад-тда анча көнг акс этган. А.адиби М.Кларкнинг “Умрбод қамок” романы ушбу мавзуда. 1880 й.дан «*Bulletin*» журнали нашр этила бошлаши б-н адабий күчлар шу журнал атрофига бирлаштылар. Г.Лоусон, С.Радд, П.Уорунг ижодида хикоя, Э.Б.Патерсон, Лоусон ижодида баллада ривож топди. Коллинзнинг “Хаёт шундай” китоби йүл эсдаликларидан иборат. М.Гилмор ижодида севги ва оила мавзуси кснг сритилади. XX аср бошидан К.С.Причард, Э.В.Палмер ижодида социал романлар шаклланған. 1938 й.да Р.Ингамелс ташаббуси б-н «Жиндиуоробак клаб» шоирлар уюшмаси ташкил этилди ва бунга уюшган шоирлар эски абориген оғзаки ва ёзма анъаналари асосида замонавий Европа жанрларыда иш күришгә ҳаракат килдилар. “*Vision*” журн. ад-тда фалсафий йұналиш кучайишига сабаб бўлди.

Иккинчи жағон урушидан сўнг А. миллиатининг бирлиги ҳақида қайғуриш кучайди ва бу ҳолат К.Причардининг “90-йиллар» трилогиясида, Палмернинг «Голконда» романыда акс этди. 60–70 й.да П.Уайт насли ва драматургияси шухрат топди. “Инсон шажараси” романыда Инсон феноменига эътибор каратылған. “Ун-т шоирлари” номини олган Ж.Райт, Д.Стюарт, Д.Кэмбелл, А.Маршалл ижодида А. табиат күйланған. З.Хербертнинг “Маним бечора ватаним” романыда миллиатининг энг эзгу тилаклари ифодаланған бўлса, янги замон шоирлари К.Уокер, Ж.Дейвис ва носир К.Жонсон ижодида аборигенларнинг келгиндиларга қарши кураши тасвирланади.

- ◆ Австралийские рассказы. М., 1958; Поэзия Австралии. М.. 1967; Современная австралийская новелла. М.: Прогресс, 1980.
- Рампие формы искусства. М., 1972; Австралийская литература. Сб. статей. М., 1978; Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.29-32; Зернецкая О.В. Австралийский социальный роман 30-х. XX в. Киев, 1982; Касаткина Л., Петровская А. Австралийская литература / Лит-ный энциклопедический словарь. М.: СЭ, 1987. С.10-11.

АВСТРАЛИЯ ТИЛЛАРИ – Австралия туб жой ахолисининг т.лари бўлиб, у алохида тиллар оиласини ташкил килади. 600 дан ортиқ А.т.ни 20 оиласага бирлаштиради, аммо уларда 450 дан ортиқ т.лар йўқолган. Нисбатан қад. ва ҳозирга қадар сакланғани дампир т. бўлиб, у А. марказий худуд ахолиси т.дир.

- Народы Австралии и Океании. М., 1956.

АВСТРИЯ АДАБИЁТИ – Австрия (лотинча: *auster* – жануб) ад-ти олмон т.да битилган. Қад. ёзма ад-т намуналари XII асрға тегишли. Булар рохиба Аванинг “Исонинг ҳасти”, “Антихрист” ҳамда номаълум муал.пинг “Марям ҳакида қўшик” (1125) асарлари дири. Рицары Генрих фон Мельк “Ўлим ҳакида эслатма” достонини ёзган. А. худудида ёзилган дастлабки эпик достонлар “Нибелунглар ҳакида қўшик” (1200), “Кудруна” XII-XIII асрларда яратилган. В.Фогелвейде, У.Лихтенштейн, В.Садовник асарлари эса ёзма ад-тнинг илк намуналари дири. XVI–XVII асрлар ад-тига *Барокко* ўз таъсирини утказган. А.ада дидактик йўналиш А.Санкт-Клар, И.Бер асарларида устуворлик касб этган. XVIII аср иккинчи ярмидан маърифий абсолютизм даври карор топди. А.ада “йозефинизм” (император Йозеф II номидан олинган) номи остида кечган бу мотивлар шоир А.Блумаузр, драматург Ф.Хафнер ижодида акс этган.

Австрия – Гарбий Европа мусикаси ватани. Бу мамлакатда Ф.Й.Гайдн, В.А.Моцарт, Сальери, Ф.Шуберт, И.С.Бах, Л.Ф.Лист каби улуг' композиторлар яшаган. Мусикадаги улуғвор мотивлар А. ад-тида ҳам акс этган, Ф.Гриллпарцер драматургиясида мусика б-н бирлашиб “камер реализми” номини олган. Вена ҳалқ театри Ф.Раймунд, И.Н.Нестрой каби драматурглар номини жаҳонга таниди.

XIX аср 2-ярмida Ф.Зарр, П.Розеггер, М.Эбнер-Эшенбах, Л.Захер-Мазоҳ ижодида натуралистик концепция б-н реалистик тасвиirlар бирлашиди. XX аср бошида барча Европа мамлакатларидағи каби А.ада турли адабий оқимлар тараккий этиб, *максим*, *фрейдизм*, *неопозитивизм*, *феноменология*, *диалектик физиогномика*, *мистик иудаизм*, *сионизм* кучайди. Бу мотивлар Э.Гуссерл, Р.Каснер, М.Бубер, Т.Херцл каби ижодкорлар асарларига кўчди. С.Цвейг хикоялари (“Амок”, 1922; “Кўйган кўнгил фарёди” хикоялар тўплами, 1927), Колумб, Магеллан, Бальзак ҳаётига доир биографик романлари ва эсселари узининг бадиий таъсир кучи б-н бутун Европани пол колдириди. Р.М.Рильке шеърияти жаҳон миқёсида шуҳрат козонди. Унинг ижодида импрессионизмдан тортиб фалсафий символизмга қадар янги карашлар акс этган. Ф.Верфел, Г.Мейринк, Л.Перуц ижодида экспрессионизм, Ф.Кафка ижодида символизм ўз аксини тоғди.

Франц Кафка ижоди А.ада жаҳонга кенгроқ таниди. Унинг “Эврилиш” хикояси, “Ахлок тузатиш колониясида” киссаси, “Жараён” ва “Қаср” романлари дунё ад-тнинг энг эътиборли насрый асарларига айланди. Кичик жанрда С.Цвейг новеллалари шуҳрат козонди. II жаҳон урушидан сунг А.ада янги, фашизмга карши ғояларни илгари сурган ад-т вужудга келди. Т.Бернхард, П.Хандке, Б.Фришмут асарларида бу ад-тта хос хусусиятлар аник ифодаланган. Замонавий А.аднинг янги уфқлари М.Шаранг, Ф.Иннерхофер ижоди б-н боғлик тарзда ривож топди.

Ф.Кафканинг “Эврилиш”, “Жараён” каби асарлари, С.Цвейгнинг катор новеллалари ўзб. т.га тарж. килинган.

♦ Австрийская новелла 19 в. М., 1959; Из современной австрийской поэзии. М., 1975; Австрийская новелла XX в. М., 1981.

• Архипов Ю.И. Австрийская лит-ра / Лит-ный энц-кий словарь. М.: СЭ, 1987. С.11-12.

АВСТРООСИЁ тиллари – Жанубий ва Жан.-Шаркий Осиёда кенг тарқалган т.лар оиласи булиб, унинг таркибига Вьетнам, Таиланд, Камбоджа, Лаос, Бирма, Малайзия, Хитой ва Ҳиндистоннинг шарқидаги тиллар киради. А.т. оиласига 150 дан ортиқ т. киради. Улар характеристига кўра ўта турли булиб, ягона грамматик ёки генетик хусусиятга эга эмас. А.т. воказатизига бой, консонантизм эса нисбатан оз. А.т.нинг айримлари ўз ёзувига эга эмас.

- Большой энц-кий словарь. Языкоznание. М.: Большая Российской энц-я, 1998. С.52-53.

АВТОБИОГРАФИЯ (юонча avtos – ўзим, biblion – китоб ва grapho – ёзаман) [библиография] – муаллифнинг ўзи ёзган асарлар рўйхати. Mac., Алишер Навоий “Муҳокамату-л-лугатай” асарида ёзган асарларининг номларини келтиради. Шунингдек, Мухаммад Ризо Оғаҳий ҳам “Таъвизу-лошикн” (“Ошиклар тумори”) девонининг дебочасида ўзи ёзган ва тарж. килган асарлар номини келтиради.

- Хотамов Н., Саримсоқов Б. Ал-тшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Т.: Ўқитувчи, 1979. Б.19.

АВТОБИОГРАФИЗМ (юонча: autos – ўзим, bios – ҳаёт ва grapho – ёзаман) [поэтика] – адаб таржимаи ҳолидан бадий асарга бевосита “утиб колган” жиҳатлар. Асаддаги ижодкор таржимаи ҳолига даҳлдор нукталар. А. мумтоз девонларнинг дебочаларида ёки йирик эпик асарларнинг мукаддималарида кўзга ташланади. Mac., Махмуд Кошгарий “Девону лугатит турк”нинг мукаддимасида ўзининг тишлиносликка оид асарларини санайди, уларнинг ёзилиши тарихини айтиб, туркий ҳалклар яшайдиган ш. ва кишлокларни кезиб чикканини ёдга олади. Мумтоз бошланмаларда “сабаби таълифи китоб” (китобнинг ёзилиш сабаби) сарлавҳали алоҳида бўлим ҳам учрайди. Айни ҳолат Farb адабиётида ҳам кенг учрайди. Гёте “Faust”ининг “Арши аълодаги дебоча” кисмида A.ни учратиш мумкин.

АВТОБИОГРАФИЯ (юонча: autos – ўзим, bios – ҳаёт ва grapho – ёзаман) [адабий жараён] – муаллифнинг ўз қули б-н ёзилган таржи ҳоли. Ёзувчи ҳаёти ва ижоди ҳакида маълумот берувчи бирламчи манба. Адабий жанр сифатида, асосан, насрый йул б-н ёзилган асарлар назарда тутилган. Farbий Европада бу жанрнинг тараккий этишида диний “Исповедь” (“Икрорнома”)нинг роли бор. Бадий А. муал.нинг ўз-ўзини тушуниши, тушунтириши ва ўзи ҳақидаги шахсий мулоҳаза ва кузатишлари асосида ёзилади. А. асосан, адабнинг ўз ҳаёти, босиб утган йулига муносабати, болалик, ёшлик даврларини акс эттиришга бўлган эҳтиёждан туғилган. Шунинг учун ҳам А. асарлар адиллар ижодда муайян тажриба тўшлаганидан кейин ёзилган. А. нинг Европадаги нисбатан эски намуналари Августиннинг «Икрорнома» (397–398), П.Абеларнинг “Мусибатларим тарихи” (1132–36), Б.Челлинининг “Бенвсунто ҳаёти...” асарларидир. А. мемуар асарларга ўхшаш туюлса-да, улардан фарқ килади. Мемуар асарларда муал.нинг ўз мухитидаги ҳаётий воеаларни акс эттириши биринчи планга чикса, А.да ўз

калбидан кечганд жарабынлар, рухий изтироб ва кувончларга кенгрек үрин берилади. Ҳар иккى жанрга ҳам мансуб И.В.Гётенинг “Шеърият ва ҳакиқат”, А.И.Герценинг “Кечмиш ва мулохазалар”, Ф.Шатобрианнинг “Дағи олдидаги ёзувлар” асарларини ҳам мемуар, ҳам А. асар дейиш мумкин. А. да нафакат ўз ҳаёти ва оиласи, балки муал.га алоказадор адабий мұхит масалалари түгрисида ҳам, унга ҳаётда ва ижодда ҳамкор ижодкорлар ҳакида ҳам маълумот берилади. Ғафур Гуломнинг «Кечмиш-кечирмешларимдан» шундай асарлар сирасига киради.

А. шеър б-н ҳам ёзилиши мумкин. Мас., Муқимиининг “Ҳасби ҳол”, Махтумкулининг “Күнларим” мураббаси, Рауф Парфининг “Энг киска ёзилган тарж.и ҳолим” каби шеърларини күрсатиш мумкин.

◆ Ад-тимиз автобиографияси / Тұпл. Л.П.Қаюров. Т.: 1976.

• Гинзбург Л.Я. О психологической прозе. Л., 1977; Мильчина В.А. Автобиография / Лит-ный энц-кий словарь. М.: СЭ, 1987. С.12; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.10; Белокурова С.П. Словарь лит-ведческих терминов. СПб.: Паритет, 2006. Б.10-11.

~ (фик) асар (қисса, роман) – адеб бошидан кечирған ҳаётий воеалар асосига күрілған насырый асар. Муал. ўз ҳаётидаги воеаларга бадий тус беріб, тугалланған қисса сифатида тавсия этади. А.а. гарчи муаллиф таржимайи холига таянса ҳам айрим үрінларда бадий тұқима ва ҳаёлотта үрин бериліши мумкин. Шунинг учун ҳам А. адеб томонидан ёзилған автобиографиясига айнан мос келмайди. А.а. (к.) барча миллий ад-ларда мавжуд. Мас., Ойбекнинг «Болалик», Абдулла Қаххорнинг «Үтмишдан әртаклар» асарларини шу турдаги қиссаларга киритиш мумкин. Л.Толстойнинг «Болалик. Ұсмирлик. Ёшлик» автобиографик трилогияси, М.Горькийнинг «Болалик», «Менинг ун-тларим» асарлари А.к.дир.

• Сутаева З. Теоретические проблемы мемуарной и автобиографической прозы Пушкина / Пушкин и теоретико-лит-ная мысль. М., 1999; Белокурова С.П. Словарь лит-ведческих терминов. СПб.: Паритет, 2006. Б.10-11.

АВТОГЕНЕЗ (юнонча: avto – ўзим, уевсол – келиб чиқниш) [естетика] – табиатшунослықдаги назарий қараш булиб, такомил таълимоти (эволюцион назария)га олдиндан белгилаб күйилған қонуният сифатида сидашади. А. онтогенез (модданинг индивидуал тараққиети)га муносабатда олмон олими Г.Штал томонидан илгари сурілған. А. га организмларнинг тарихий тараққиети сифатида ёндашиш Ж.Ламарк фаолиятгига тегишли. Бу таълимот XIX асрда дарванизмтага қарши чиқкан, XX асрда алохода фалсафий таълимот сифатида шаклланған. А. тарафдорлари такомил мөхиятини күрсатиш учун параллелизм ва конвергансия ходисаларига таянишади. А. намояндадар: И.П.Бородин, А.Венцель, Г.Дриш, Я.Икскюль в.б.

• Филипченко Ю.А. Эволюционная идея в биологии. М., 1977; Карпинская Р.С. Биология и мировоззрение. М., 1980; Философский энц-кий словарь. М.: СЭ, 1989. С.11.

АВТОГРАФ (юончa: *autos – ўзим, grapho – ёзапан*) – I. муал. томонидан ўз қули б-н ёзилган хат (1); муаллиф томонидан машинкаланган ёки компьютерга киргизилган дастлабки матн (2). А. бадиий асар матнини тиклашда ва нашр килишда ишончли манба, сэувчи ижодини ўрганишда бирламчи материалдир. А. матн ва манбаларни ўрганишда, муал.нинг таҳрир услубини тадқик этишда ва бадиий таҳлил жараённида кимматли манба ҳисобланади. Шунинг учун ёзувчи ва шоирларнинг А.лари музей, институт, архив ва шахсий жамғармаларда сакланади. Мас., ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат ад-т музейида Ҳамза, А.Қаҳхор, Ҳ.Олимжон, М.Шайхзода каби ижодкорларнинг А.лари мавжуд.

II. дастхат. Муал.нинг китобини ўз қули б-н ёзилган ёзув ва имзоси б-н тақдим этиши ёки бирор сурат (портрет)ига имзо кўйиб беришидир.

- ◆ Автографы поэтов Серебряного века: Дарственные надписи на книгах. М., 1995.
- Рейсер С.А. Палеография и текстология нового времени. М.: Просвещение, 1970. С.123; Хотамов Н., Саримсоқов Б. Ад-тишунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли лугати. Т.: Ўқитувчи, 1979. Б.19; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.10; Қуропов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Ад-тишунослик лугати. Т.: Akademnashr, 2010. Б.6; Борев Ю. Словарь текстологии и генетической критики. М., 2011. С. 11-12.

АВТОГРАФИЯ (юончa: *autos – ўзим, grapho – ёзаман*) [эстетика] – қоғоздаги ёзув ёки расмни тошга, ёғочга в.б. қаттиқ жисмларга – кўчириш.

- Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.12.

АВТОД (арабча: **أَوْتُو** – “ватад” (мих, қозик)нинг кўплиги) – I. тасаввуф адтида авлиёлар тоифаси. А. дунёнинг тўрт тарафида бўлиб, коинотни тутиб турганлари учун шундай исм берилган. А.нинг 4 зоҳирий сифатлари бор: кўпроқ рўзадор бўлмоқ (1); тунни ибодат б-н ўтказмоқ (2); илохий амрлар б-н боғланганлик (3); тунларни муножот б-н ўтказиш (4). Яна А.нинг 4 ботиний сифатлари ҳам бор: Аллоҳга ишончи мустаҳкам, таваккул сохиби бўлмоқ (1); барча ишларни Аллоҳга таслим этиш (2); ҳар ишда садоқат (3); саъомлашишга алоҳида аҳамият б-н карамоқ (4). Навоий “Насойиму-л-муҳабbat”да Боб Фарғоний ҳакида фикр юритиб, “Кашфу-л-маҳжуб” сохиби (Хужвирий – Ҳ.Б.) дер эрмишки, ул автоду-л-арздиндур” деб баҳо беради.

- Алишер Навоий. Насойиму-л-муҳабbat (359) / ТАТ. 10-ж. Т.: F.Улом номидаги нашр., 2011. Б.642.

II. аруз илмiga доир истилоҳ. к.: Ватад.

АВТОДИЕГЕТИК (юончa: *autos – ўзим + diego*) [нarrатология, структурал поэтика] – бад. асарда муаллиф иштироки. Муаллиф баёнда иштирок этмаслиги (гетеродиегетик), баён катига ўзининг “мен”ини сингдириши (гомодиегетик) ва шу жараёнда у ботинан асосий қаҳрамонлардан бири

сифатида иштирок этиши мүмкін. Ана шу сұнгы ҳодиса А. иштирок хисобланади.

- Иелтон Т. Теория лит-ры. Введение. М.: Территория будущего, 2010. С.136.

АВТОИНТЕРПРЕТАЦИЯ (юончa: *autos* – үзим, *lotincha*: *interpretation* – тушунтириш) [герменевтика] – муаллиф томонидан үз асарининг тушунтирилиб берилиши. Мас., олмон адеби Томас Манн “Доктор Фаустус” романнини ғзғандан сұнг асар ҳақида бир исча тақріз ва макола әйлон қилинганига қарамай, романни китобхонлар унчалик тушуммаган. Шунда мүал. үз романнини англатиш учун маҳсус маърузалар үкіган. Бу б-н киғояланмай “Роман ҳақида роман” номлы асар (хажман бириңчи асаридан күра каттарок) ёзіб, уни тушунтириб берган. А.Орипов “Юзинчи маъно” маколасыда шундай хикоят көлтиради: Мирзо Бедилнинг газали үкілгач, мажлисда иштирок этган 99 киши уни турлича талқын қилади, Бедил келгач, ҳар ким үзи тушунған маънени айтты, унинг түргилигини сұрайди. Бедил эса, мажлис ахдига ташаккур билдириб, асарда үзи назарда тутган маъно (юзинчи)ни бедилхонларга етказади. Шундан Мирзо Бедилни *Абулмаъно*, яны “Маънолар отаси” дәб айтиш урpf бүлған экан.

- Манн Т. Роман о романе. М., 1967; Орипов А. Юзинчи маъно / ?????; Куронов Л., Мамажонов З., Шералиева М. Ад-тұнуслик лугати. Т.: Akademnashr, 2010. Б.7.

АВТОКРАТИЯ (юончa: *autos* – үзим, *kratos* – җокимият) [герменевтика] – якка әхәмдік, якка шахснинг қонун, ҳукукий меъёрларда чекланмаган ягона ҳукмронлиги.

Авторитар давлат шаклида *деспотия*, *тирания* ва *абсолютизм* ҳукмронлик қилади. Бундай давлатта авторитар тафаккур ҳукмрон. Фашистик ва коммунистик сиёсий түзүм шунға асосланған. Яна к.: *тоталитаризм*.

- Фалсафа. Комусий лугат. Түзувчи ва мас. мухар.: Қ.Назаров. Т.: Үз-н файласуфлари миллий жамияти нашр., Шарқ НМАК, 2004. Б.12.

АВТОКРИТИКА (Автотанкид) – к.: Үз-үзини танкид.

АВТОЛИК (юончa: *autolic* – бүрининг үзи > исем) [мифология] – юон мифологиясида чаккон карокчи тимсоли. Гермеснинг ўғли, Парнас водийсида яшаган. Миғға күра А. Сизифнинг подасини үтирганы учун унинг кизи Антиклея баҳтсизликка маҳкум қилинған. А. Гераклни кураш тушишга үргаттан.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.32.

АВТОЛИТОГРАФИЯ (юончa: *autos* – үзим, *lithos* – тош, *grapho* – ёзаман) [эстетика] – матбаачилик тури. А. да чоп килинадиган тасвирлар матбаачи ёки литоіграф эмас, балки мүал.нинг үзи клише (нұсха) тайёрлайди. А. да тошбосма китобларни расм б-н безатыш, айрим шакллар ва араб ёзувидаги мұракабликларни бартараф этиш мақсадида хаттот ёки сурат мүал.ига мурожаат этилади.

АВТОЛОГИЯ (юонча: *autos* – ўзим, *logos* – таълимот) – мураккаб таркибли кўчирма гап. Бошқа бирорларнинг айнан келтирилган гапи. Ўзи хакида маълумот берувчи, ўз-ўзидан гапиравчи матн ёки асар.

- Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.13.

АВТОМАТИЗАЦИЯ (юонча: *automatos* – ўзи харакат килувчи; олмонча: *automatisation* – тезлаширилган) [рецептив эстетика] – бадий асарни кабул қилишда тезкор усул. Рус формал мактаби вакиллари В.Шкловский, Ю.Тинянов томонидан киритилган. Ҳоз. муқобили – *рецептив эстетика*. Рус формалистларининг уқтиришича, санъатнинг тараққиғи бадий воситаларнинг А. ва унинг китобхонлар томонидан кабул килинишига боғлиқ. Бадий тараққиёт натижасида шакл ўз янгилигини йўқотади, уни кабул қилиш мөханик жараёнга айланади. Бунинг учун асарнинг тарихан яшаб бўлган қисмини “туртиб” юборишга тўғри келади. Бу жараёнда китобхонлар томонидан “девавтоматизация” жараёни юз бериб, уни қабул қилиш секинлашади. Китобхонлар учун уни тушунтирувчи восита, яъни талкин ва таҳлил ёки шарҳ керак бўлади. Ж.Жойснинг “Улисс” романининг кабул қилиниши ҳам шундай мураккаб кечтан. Энди бу жараёнда муал. шарҳлари эмас, балки ташки кучлар, яъни танқидчиларнинг тушунтируви керак бўлган. Натижада, “Улисс” романи хакида бир неча ўнлаб шарҳлар ёзилган. Шу карашлар асосида олмон олими Х.Р.Яусс «рецептив эстетика» терминини ишлаб чиккан ва адабий жараёнга тадбиқ этган.

- Шкловский В. Искусство – как прием / Изб. произведения в 3 т., т.1. М., 1978; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.10-11.

АВТОМАТИК ТАҲЛИЛ [герменевтика] – матннинг рентген ва лазер нурлари, компьютер в.б. воситасидаги замонавий техник таҳлили. А.т.да матн нусхалари ёки суратларини катта ёки кичик (макро ва микро) килиб кўрсатиш орқали матнда оддий кўз б-н кўринмайдиган жиҳатлар аниқланади. А.т.дан матн кўлёзмасининг муал.ини тикилашда, муаллиф ёки котиб дастхатини аниклашда, матн тегишли бўлган даврни белгилашда фойдаланилади.

- Борев Ю. Словарь терминов текстологии и генетической критики. М., 2011. С.13.

АВТОНИМ – (юонча: *autos* – ўзим, *onuma* – исм) таҳаллус орқали ижод қиласидиган муал.нинг ҳакиқий исми. Mac., Стендальнинг асл исми: Анри Мари Бейль, Чўлпон: Абдулхамид Сулаймонкул ўғли, Фитрат: Абдурауф Абдураҳим ўғли, Максим Горький – Алексей Максимович Пешков, Ойбек: Мусо Тошмуҳамедов, Ойдин: Манзура Собирова в.б. Қатағон й.ларида айрим ижодкорлар ўз А.ни яшириб, факат таҳаллуслар б-н имзо чекишган. Mac., Чўлпон “Қаландар”, “Андижонлик”, “Мирзақаландар” имзолари б-н ўз асарларини эълон қилган.

• Рейсер С.А. Палеография и текстология нового времени. М.: Просвещение, 1970. С.329; Хотамов Н., Саримсоқов Б. Ад-түшнүослик терминнелер түрк русча-узбекча изохли лугати. Т.: Ўқитувчи, 1979. Б.19; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.11.

АВТОНОМИЯ (юонч: *autos* – үзим, *nomos* – қонун) – муҳторият. бирон-бир адабий бирликнинг унга йўл қўйилган имкониятлар даражасида айrim амалларни мустақил бажариш хукуки.

~ *шахсият* – ад-тда шахснинг инсоний ғояларга яқинлиги (ноавтоном) б-н бир каторда унинг бошқалардан А. муносабати, терантиги, “алоҳида ягоналиги” (М.Бахтин) б-н ажralиб туриши. Эстетик кўрсатмаларнинг оригинал ечиними тавсия этишга қодирлиги бугунги қаҳрамоннинг хусусиятларидан саналади. А.ш. инсон томонидан яратилиб, тайёр мавҳум кўринишда мавжуд бўлмайди. Бунда А.ш. фалсафа т. б-н айтганда, бу ноанъанавий “мен” “бошқалар учун” эмас, “мен” “үзим учун” аввалги планга чикади.

Санъат ~си – анъанавий, мумтоз санъатдан фарқли равища алоҳидалиқдан ягоналик сари қадам ташлаш; антик даврдаги эйдистик (эйдос – образ) санъат ҳаётдан узилган булиб, у кайсиdir ғоянинг таркибида булар эди. Ҳоз. санъат ўз ўзининг йўлини белгиламоқда, шунинг учун ҳам у ҳаётга (Арастучка айтганда, табиатга) таклид, ухшатиш туфайли эмас, балки унга А. тарзда муносабатга киришади. Бад. реаллик ҳаётнинг инъикоси эмас, алоҳида яратилган модал (ҳаётда мавжуд бўлмаган) реаллик сифатида каралади. Бу реаллик майдонида дунё тұхтөвсиз ижод килинади. Ҳаётта А.ик муносабатдан келиб чикиб, бад. модаллик поэтикаси асосий меъёр даражасига кутарилади.

• Теория лит-ры. В 2-х т. т.2. / Под ред. Н.Д.Тамарченко. М.: ACADEMIA: 2004. С.222-223, 232-234.

АВТОНОМАЗИЯ (юонч: *autos* – үзим, *nomos* – исм) [риторика] – шахс исмининг предмет ёки ҳодиса номи б-н алмаштирилиши. Бу жараёнда унинг исми ўша шахсга тегишли ёки у ёқтирган бирор предмет б-н алмашинади. Mac., Чеховнинг “Филоф бандаси” асарида қаҳрамон номи “гилоф” б-н алмашинади. Пушкин “Моцарт ва Сальери” асарида Микеланжелонинг исми ўрнига “Ватикан яратувчиси” номини кўллайди. Ў.Хошимовнинг “Тушда кечтган умрлар” романыда қаҳрамон Комиссар деб юритилади.

• Лотман Ю.М. Риторика / Труды по знаковым системам, т.12: Структура и семиотика художественного текста. Тарту, 1981; Поляков М.Я. Вопросы поэтики и художественной семантики. М., 1985; Дюбуа Ж., Эдельин Ф., Клинкенберг Ж.-М. в.б. Общая риторика. М., 1986; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.11.

АВТОПОРТРЕТ (юононча: *autos – ўзим, portrait – тасвир*) [поэтика, эстетика] – тасвирий санъатда ёки шеъриятда портрет жанридаги асарлар орасида муал.нинг ўзини тасвираши. Қад. Европа рассомлари диний мавзудаги, ибодатхона деворлари ва ички гумбазларга чизган расмларида авлиёлар орасида сездирмасдан ўз киёфаларини ҳам тасвирашган. Антик даврда ҳайкалтарош Фидий А.нинг даствлабки намунасини яратган, Уйгониш даврида Леонардо да Винчи, С.Боттичелли, А.Дюрер, Д.Гирландайо, Рембрандт, Рубисис, Ван Гог, Рерих, ўзбек рассомлари Р.Чорисев, Ж.Умарбеков, Т.Сайдуллаев ижодида А. жанридаги асарлар мавжуд. А. рассом А.Абдуллаев ижодида муҳим ўрин эгаллаган. А.да ўзига, ўз ижодига ва ижодий тамойилларига баҳо бериш ҳам акс этган.

АВТОР (лотинча: *au(c)tor – айблор, асосчи, таъсисчи*) [эстетика, ад-т назарияси, ижодий жараён, матншунослик] – адабий, бадий ёки илмий асар муаллифи, матн яратувчиси. Замонавий ад-тишуносликда *биографик* А., яни реал борлиқдаги ижодкор шахс ва матн ичидаги, матнга сингдирилган муаллиф. А. ўз даврининг адабий ҳаётида катнашади, бошка А.лар, мунаккидлар, таҳририят ходимлари, китоб савдоси б-н шуғулланувчилар ва китобхонлар б-н мулокотта киришади. Ҳалқ оғзаки ижоди намуналари аник А. томонидан яратилмайди. А. ўрнида ижрочи, айтuvчи, баҳши в.б. кўринади. Ёзма ад-тда, шу жумладан, лирикада А. нинг индивидуал роли юкори. Матн ичидаги А., асосан, мутахассислар томонидан ҳусусий маънода қўлланилади. А. матнлари ҳиссий-маъновий бутунликни ташкил этувчидир. Бунда матнда бевосита ёки билвосита иштирок этаётган муал. назарда тутилади. Бу ходиса ад-тишунослар томонидан бадий асардаги *A. образи* истилохи б-н юритилади. А.га асарнинг адабий тури, жанри, сарлавҳаси, эпиграфи, бошланишидан то охиригача тааллуклидир. Айрим матнларда эса *метатекстда*, яни матндан ташкарида А. сўзбошиси, сўнгсўзи, изохлари в.б. тушунтириш матнлари бўлади. Лирик асарларда А. образи лирик қаҳрамон, унинг тушунтиришлари лирик чекипиши тарзida берилади. А. “мсан”и тушунчаси А.образи истилохига яқин маънода қўлланилади. Асардан ташкарида ёки матн таркибида адабий таҳаллуси ҳам келиши мумкин. Ғазал ва касида жанрига мансуб лирик асарларнинг мактаъи (сўнгги байти)да А. таҳаллуси берилади. Қад. юон шеъриятида акростих (шаркона мувашаш) орқали асар бағишлиланган шахс шеърнинг биринчи ҳарфлари ёрдамида ифодаланган. Эпик асарларда А. интонацияси, ургуси, симпатияси, антипатияси бутун асар тўқимасига сингдирилади. А. ровийликни ўз зиммасига олади ёки асарда ҳикоячи-қаҳрамон вазифасида иштирок этади. Айрим автобиографик асарларда эса А. образи эркин иштирок этувчи қаҳрамон сифатида харакат килади. Асар биринчи шахс томонидан айтиллади ёки учинчи шахс томонидан баён қилингандан А. драмадаги каби бирор қаҳрамон (автобиографик) “ичига” яширинган булади. Лиро-эпик характердаги сатирик ёки аллегорик асарларда (мас., масал ёки ҳажвия) А. номидан киноя, пичинг, рамз в.б. кўчма маънолардан фойдаланилади. Драматик асарларда А. образи ўз қаҳрамонларининг ортига яширинган ҳолда

келиши мумкин. Ёки А. ремарка орқали баён этилади, саҳнадан лукма тарзида ҳам воқеаларга ёки қаҳрамонга муносабат билдирилиши мумкин. Антик театрда бу каби вазифаларни *хор* бажарган.

А. ҳақида турлича қарашлар мавжуд. А. – ёзувчининг ижодий индивидуаллиги (М.Б.Храпченко). М.Бахтиянинг фикрича, А. МЕН ва ЎЗГА диалогида қатнашади, яъни “узи яратётган адабий олам б-н ўз асарининг чегарасида туриб ҳаракат килади. Чунки унинг асарга фаол иштироки матнининг эстетик бутунлигига ўз таъсирини кўрсатади. Француз структуралисти Р.Бартнинг талқинига кўра, “бадий ижодда бизнинг субъективлигимиз ўз изларини йўқотади, унинг овози ўз манбаидан узилади”. Бу фикр кўпроқ ҳалқ ижоди – эносга хосдир. А. субъективлиги излари асар оҳангиси, услугиби ва умуман, поэтикасида сезилади.

Яна қ.: Муалиф.

- Виноградов В.В. Проблема авторства и теория стилей. М., 1961; Аверинцев С.С. Автор / Краткая лит-ная энц-я: в девяти томах. Т.9. М.: СЭ, 1978. С.28-30; Хотамов Н., Саримсоқов Б. Ад-тшунослик терминларининг русча-узбекча изоҳли лугати. Т.: Ўқитувчи, 1979; Корман Б.О. Лит-ведческие термины по проблеме автора. Ижевск, 1982; Проблема автора в художественной лит-ре / Под ред. Б.О.Кормана. Устинов, 1985; Бахтин М.М. Автор и герой в эстетической деятельности / Лит-но-критические статьи. М., 1986; Бирт Р. Смерть автора / Избр. работы. Семиотика. Поэтика. М., 1989; Рымарь Н.Т., Скobelев В.П. Теория автора и проблема художественной деятельности. Воронеж, 1994; Мани Ю. Автор и повествование / Историческая поэтика. Литературные эпохи и типы художественного сознания. М., 1994; Автор и текст / Подред. В.М.Марковича и В.Шмидта. СПб., 1996; Прозоров В.В. Автор / Введение в лит-веденение: Лит-ное произведение: основные понятия и термины. М., 1999. С.11-21; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.11-13; Белокурова С.П. Словарь лит-ведческих терминов. СПб.: Паритет, 2006; Теория лит-ры. В двух томах / Под ред. Н.Д.Тамарченко. М., 2006.

– *баҳоси* – бадий асарда ёзувчининг ўз қаҳрамонининг турли ҳатти-ҳаракатларига гоҳ ошкора, гоҳ яширин баҳо бериши. Мак., А.Б. Гоголнинг “Тарас Булба” киссасида, А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” ва “Мехробдан чаён” романларида учрайди.

– *баёни* – бадий асарлар воқеасининг муал. томонидан сўзлаб берилиши. Бадий насрда бундай баён типи кенг қўлланилган. А.Қодирий, Ойбек, А.Қаххор асарларида бу ифода усулидан кенг фойдаланилган.

- Хотамов Н., Саримсоқов Б. Ад-тшунослик терминларининг русча-узбекча изоҳли лугати. Т.: Ўқитувчи, 1979. Б.20.

– *изоҳи* – муал.ларнинг матнда тилга олинган воқеа-ҳодиса ва тарихий номларга саҳифа остида ёки асар сўнгтида берган изоҳи. А.и.да фикрнинг түгри кабул килиниши учун муал. айrim белгилар (шартли) кўллаган ҳолда асар охирида ёки саҳифа остида унинг изоҳини бериши мумкин. Мумтоз матнлар ҳопиясида муал. изоҳи, айrim сўзлар лугати ёки талқини ҳам учраши мумкин.

~ **концепцияси** – к.: Муаллиф ғояси.

~ **нұтқи** – к.: Муаллиф нұтқи.

~ **образи** – филологик ва эстетик категория булиб, адабий асарда үзининг индивидуал ва оригинал изини колдирувчи асар муал.идир. Асарда А.нинг катнашуви муал. ғоясининг китобхонга стиб боришида, муал. дунқараши ҳақида муайян хulosага келишда ёрдам беради. Муалликка индивидуал ёндашув кучайган сари ад-т тарихида А.о.нинг роли орта борган. А. онгидаги карашларни китобхонга стказишда замонавий ад-тда рамзий, мажозий образлар ва тимсоллар б-н иш кўриш урф бўлган. Автобиографик ва лирик асарларда муал. бевосита матнда қатнашувчи сифатида иштирок эттани учун А.о.ни осон пайқаш мумкин. Драматик асарларда А. факат саҳна харакатларини ташкил этувчи вазифасида келади, унинг “овози” эшигитлмайди, саҳна ортидан ҳар бир харакат ва нуткни бошқариб туради. Эпик асарларда А. – яратувчи А – хикоячига ҳар доим ҳам мос келмаслиги мумкин. В.В.Виноградовнинг талқинича, А.о. нутқ образи (речевой образ)дир. Модерн ад-тида А.о. тасвирдаги олам б-н уйгунашмаган ҳолда, муал. нарсалар ва воқеалар дунёсидан юқори туради, уларни китобхон онгига етказишда интеллектуал шахс сифатида шаклланган бўлади. Китобхон кўзи ўнгига А. тавсия этётган сюжет ва унинг вариациялари талкини муал. карашлари б-н мос келмайди. А.о. табиати, асардаги характеристики уша асардан олинадиган таассурот ва туйғулар орқали англатилиади. А. нафакат эстетик категория, балки ижтимоий-маданий ҳодиса саналгани учун у асардаги А.о.дан кенгроқ тушунча сифатида талкин этилади.

- Виноградов В.В. Проблема авторства и теории стиля. М., 1961; Корман Б.О. Лит-ведескис термины по проблеме автора. Ижевск, 1982; Проблема автора в художественной лит-ре / Под ред. Б.О. Кормана. Устинов, 1985; Бонецкая Н.К. «Образ автора» как эстетическая категория / Контекст-1985. М., 1986; Роднянская И.Б. Автора образ / Лит-ный энц-кий словарь. М.: СЭ, 1987. С.13-14.

~ **позицияси** – муаллиф бад. асарда воқеаларга аралашмаса ҳам, кимни ёклаётгани ёки кимдан ва нимадан нафратланиши бутун асар руҳидан сезилиб туради. А.п. асар муал.ининг тасвирдаги воқеалар ва қаҳрамонларга муносабатини билдиради. Мак., Г.Х.Андерсен эртакларида, Ч.Диккенс “Оливэр Твист” романыда ота-онасидан айрилган, каровсиз колган болалар ва бечораҳол одамларни химоя килиши.

- Проблема автора в художественной лит-ре. Сб. статей в 4 вып. Под. ред. Кормана Б.О. Воронеж, 1967-74; Роднянская И.Б. / Лит-ный энц-кий словарь. М.: СЭ, 1987. С.13-14; Введение в линг-ведение / Лит-ное произведение: основные понятия и термины. М., 1999. С.11-21.

~ **чекиниши** – к.: лирик чекиниш.

~ *қўшиқлари* – замонавий лирика ва эстрада жанрларидан бири. А.қ.да бирламчи ҳолат кўй эмас, балки қўшик матнининг мазмунидир. Шундан келиб чиқиб, уни А.қ. ёки “публицистик қўшиклар” деб ҳам юритилади. Бу истилоҳ адабий таомилга рус олимаси А.А. Якушева томонидан киритилган. В.С. Висоцкий, А.А. Галич, Б.Ш. Окуджава А.қ.нинг устаси сифатида танилган.

А.қ. дастлаб ирланд лирикасида *бард* номи б-н яратилган бўлиб, кельт халқ қўшикларида кирол ва саркардаларнинг қаҳрамонликлари кўйланган. XX аср бошидан бу жанр, асосан, А.қ. тарзида шуҳрат топган. А.қ. ижрочилари бард деб номланган. Улар, кўпинча, гитара ёрдамида ижро этилган.

~ *ғояси* – муаллифнинг асар қаҳрамонлари ёки воқеалари орқали англатмоқчи бўлган фикри, илгари сурилган карашлари. А.ғ. дастлаб бадиий ният сифатида шаклланади ва асар давомида унинг ижроси учун харакат килинади. А.ғ. бадиий асарнинг жанр, шакл ва мазмун жиҳатини белгилайди, муал. ғоясининг ижросида иштирок этувчи персонаж ва образлар, бадиий воситалар мана шу ғоянинг ташувчиларига айланади. А.ғ. муал. услубини белгиланида ҳам муҳим рол ўйнайди. Чунки ёзувчи ўз бадиий ниятига муносиб ифода услубини танлайди, уни асар охирига кадар ривожлантириб, шаклланган бадиий услубни маромига стказади.

А.ғ. айрим ўринларда танқидчилик талкини ва адабий жамоатчилик фикрига туғри келмаслиги мумкин. Айникса, шуро мафкураси туфайли муал. ғоясига мос келмайдиган равишда мафкуравий талқинларга ўрин берилган. Мас., А.Блокнинг “Ун иккilar” достонидаги Исо образи инкилоб тимсолига, унинг 12 апостоли эса, инкилобчиларга менгзалган.

• Борев Ю. Словарь терминов текстологии и генетической критики. М., 2011. С.20.

~ *лик ҳуқуқи* – муал.нинг конун б-н химоя килинадиган ҳуқуқи. А.лик ҳуқуқига эга бўлиш учун ҳеч кандай формал талаблар (ариза ёки маълумотнома) талаб килинмайди, чунки у муал.нинг ижодий меҳнатининг маҳсули бўлиб, ЎзРда (бошқа давлатлардаги каби) конун б-н химояланади. Нашриётларда А.х. фақат ўша асар ёзувчиси эмас, балки турли тупламларнинг тузувчиси, мумтоз матнларнинг нашрга тайёрловчиси, оригинал матннинг таржимони ҳам А.х.га эга бўлади. А.х. индивидуал ва жамоавий (ҳаммуал.лик асарларида) бўлиши мумкин.

• Мильчин А.Э. Издательский словарь-справочник. – Изд. З-е, испр. и доп., электронное – М.: ОЛМА-Пресс, 2006; Борев Ю. Словарь терминов текстологии и генетической критики. М., 2011. С.15.

АВТОРЕМИНИСЦЕНЦИЯ (юнонча: autos – ўзим) [матншунослик, ижодий жараён] – бад. матн типи ёки муал. бирор асарида баён килган ходисанинг бошқа асаридаги такрори. Ёзувчи кўп холларда бевосита ўзи англамаган холда ўзини, ўз фикрини ёки бирор жумла ва наклни такрор келтириши

мумкин. Фитрат “Арслон” асарида “Бухоронинг ҳоли” публицистик маколосидаги судхур саҳнасини онгли равишда тақроран келтириш б-н асар қаҳрамонининг камбағал ҳолатини ифодаламоқчи бўлади. Ойбекнинг “Улуттүр” романидаги “Болалик” киссасидаги айрим эпизодлар тақрор келади.

- Борев Ю. Словарь терминов текстологии и генетической критики. М., 2011. С.15.

АВТОРЕФЕРАТ (юонча: *autos* – мен, ӯзим; лотинча: *refero* – хабар бераман) – илмий асарнинг қиска матни, илмий иш (диссертация)нинг муаллифи томонидан баён килинган қиска шакли. Докторлик диссертацияларининг кенг китобхонларга мўлжалланган қиска шакли.

АВТОРИЗА (юонча: *autos* – мен, ӯзим; *iza...* – қарамок, кўздан кечирмок) [матншунослик] – муаллиф томонидан ёзилган бад. матннинг қайта кўздан кечириб, сўнгти матн сифатида тасдиқлаши. А. қўлёзма – машинка (ёки компьютер)дан чиккан матн – корректура – напр нусхаси каби ижодий жараённи ӯз ичига олади. А. натижасида муаллиф бир пайтлар ёзилган матндан коникиши ёки аксинча, коникмаслигини айрим ёзувларда ифода қилган. Mac., Л.Толстой “Ҳожи Мурод” киссасини қайта кўздан кечираркан, “баракалла, кария!” (молодец, старик) дегани мутахассисларга маълум.

- Мирзинадов О. Әдәбијатшунаслыг. Енциклопедик луфат. Бакы: Азэрбајҹан енциклопедијасы нәшријат-полиграфијај бирлији, 1998. Б.10.

АВТОРИЗАЦИЯ (юонча: *autos* – ӯзим) [матншунослик, адабий жараён] – бадий асар муаллигини уни ёзган шахс томонидан тасдиқланиши. Mac., А.Қаҳхорга нисбат берилган “Зилзила” қиссаси топилди. Унинг муаллигини тасдиқловчи белги ёзувчининг кундаликларида бор. Шунга кўра, у асар А.Қаҳхор муаллифлигига эълон килинди.

- Рейсер С.А. Палеография и текстология нового времени. М.: Просвещение, 1970. С.329; Лит-ный энц-кий словарь. М.: СЭ, 1987. С.14; Елисеев И.А., Полякова Л.Г. Словарь лит-ведических терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.4; Борев Ю. Словарь терминов текстологии и генетической критики. М., 2011. С. 15.

АВТОРЛАШГАН ТАРЖИМА (авторизованный перевод) – муаллифнинг вариантига яқинлаштирилган эркин тарж. Айрим ҳолларда асар муаллифи томонидан маъкулланган таржима варианти.

- Борев Ю. Словарь терминов текстологии и генетической критики. М., 2011. С.16.

АВТОРИТАР ТАФАККУР (юонча: *autos* – ӯзим, *rītor* – нутк) [герменевтика] – фикр юритиш усули. Ижодий фикрлардан маҳрум, демократияни бўғувчи, жамоат фикрига беписанд каровчи нуткаи назар. А.т. этаси бирор муаммони ўрганишдан аввал ӯзини “асосий мулоҳазалар” б-н чеклаб қўяди. Бу қарашидаги мулоҳазалар аввалдан белгилаб қўйилган хуносаларга олиб келади. Асосий мулоҳазалар авторитетлар томонидан айтилади, унинг давомчилари бу қарашни ижодий давом эттиромай, уни

тушунтириш ва изоҳлаш б-н машғул бўлади. Афлотун ва Арасту бу ходисани тириания деб атаган.

- Фалсафа. Комусий лугат. Тузувчи ва масъул мух-р: Қ.Назаров. Т.: Ўз-н файласуфлари миллый жамияти нашр., Шарқ НМАК, 2004. Б.12.

АВТОРИТЕТ (олмонча: autoritat – ҳокимият, таъсир) [фалсафа] – бир шахс ёки ташкилотнинг ижтимоий ҳастга кучли таъсири ёки ижодий таъсир этувчи шахс. А. хукукий жиҳатдан асосланмаган бўлса-да, айrim шахсларнинг куч ишлатмасдан ўз фикрлаш тарзи б-н бошқаларга таъсир этиши. Олмон файласуфи Гоббс “суверен А.”, М.Вебер А. “формал типологияси”ни тақдим этган. Вебер талкинига кўра, А. факат авлиёлар ва сиёсий даҳоларга хос. А. ад-тда социалистик реализм таълимоти воситасида авторитар фикрлаш тарзи сингдирилган, соц.реализм методи коллишига мувофиқ ижод намуналари яратилган. А. бадиий асарда қаҳрамон ёки характер яратишда ҳам учрайди. Бундай қаҳрамонлар авторитар қаҳрамон деб юритилади. Улар сирасига А.Қаҳхорнинг “Синчалак” киссасидаги Қаландаров, Тохир Маликнинг “Шайтанат” эпопеясидаги Асадбек образини киритиш мумкин.

- Философский энц-кий словарь. М.: СЭ, 1989. С.12-13; Фалсафа. Комусий лугат. Тузувчи ва мас. мухар: Қ.Назаров. Т.: Ўз-н файласуфлари миллый жамияти нашр., Шарқ НМАК, 2004. Б.12.

АВТОЦЕНЗУРА (юононча: autosenzor – ўзини кузатиш) – ижодий жараённинг социал шарти. Замон талаби б-н муал. ўз асарини кайта таҳрирдан чиқарса ёки ижодий ниятини ўзгартиrsa А.га йўл қўйган бўлади. Ижод эркинлиги буғиса, ижодий жараённи бошқариш цензура вакилларидан ташкари муал. ўз-ўзини чеклаб, А. (замонасозлик, келишувчилик) килишга олиб келади. А. муал.нинг ўз ижоди намуналари юзасидан ўтказиласетган назорати сифатида айrim аввал ёзилган ёки нашр этилган асарларини замон талаби б-н кайта ёзипни ёки қайта таҳрир этиши мумкин. Шуро даврида Фитратнинг “Қисмат” хикояси А. талаби б-н икки марта таҳрирдан чиккан, А.Қаҳхорнинг “Сароб” романининг бир-биридан уч нашри босилган.

- Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.14; Борев Ю. Словарь текстологии и генетической критики. М., 2011. С. 22; Кучкоров Р. Уч “Сароб” // Мен б-н мунозара килсангиз. Т., 2001.

АВФИЙ, Нуриддин Мухаммад Бухорий (1171–1233) – шоир ва тазкиранавис, таржимон. А. ҳаётининг дастлабки даври (1172–1201) илм таҳсили б-н ўтган. Иккинчи даври (1201–1220)да Самарқандда кораҳонли Қилич Арслон хизматида мунший (девон ҳодими) булиб ўтган. Хоразм, Марв, Нишопур, Ҳирот, Газна ш.ларига саёҳат килади. Хоразмда Нажмиддин Кубро ва унинг шогирди Мажидиддин Бағдодий (Фаридиддин Атторнинг устози) б-н сухбат куради. Учинчи даври (1220–1240)да мұғуллар истило этган жойларни тарк этиб, Лохур ва Дехлига саёҳат килади ва умрининг сунгтига қадар

Хиндистонда Шамсиддин Элтутмиш даргоҳида адабий фаолиятини давом эттиради.

1222–23 й. Бухоро ва Хоразмда бошланиб, Ҳиндистонда якунланган “Лубобу-л-албоб” (“Билимлар магзи”) тазкирасининг айрим боблари бизгача стиб келган. “Лубобу-л-албоб” тазкирасида X–XIII аср бошларида яшаган 300 шоир ҳакида маълумот бор. Форс т.да ёзилган илк тазкира сифатида эътироф этилган бу асар муқаддима ва 12 бобдан иборат. Дастраси 4 боби назарий маълумотлардан иборат бўлиб, 5–12 боблар давомида IX–XIII асрларда Мовароуннахр, Ҳурросон, Ҳиндистон ва Ироқда яшаган шоирлар ҳакида маълумот берилган.

1223 й. А. араб адаби Абу Али Мұҳассин ат-Тануҳийнинг “Ал-Фараж бъяда-ш-шидда” (“Кийинчиликдан кейинги шодлик”) асарини форс т.га тарж қилган. Бу асарга А. “Жавомеъу-л-ҳикоёт ва лавомеъу-л- ривоёт” деган ном берган («Ҳикоялар түплами ва ривоятлар шуълалари», 1228). Асарда авлиё ва анбиёлар ҳаёти, қаромат ва мұъжизалари, ҳалифалар, ажам шоҳларининг адолатли ва адолатсиз ишлари ҳакида ҳикоялар келтирилган. Бу ҳикоя ва ривоятларда диний бағрикенглик, ҳалқларнинг ўзаро хамжихат бўлиб тинч яшаши ғоялари акс этган. Ҳар бир кисми 25 бобдан ташкил топган асарнинг 2-қисмida одоб, тавозе, лутф, қарам, сабр, вафо, меҳр ва мурувват улутланади. Асарнинг 3-қисмida золимлик, кибру ҳаво, баҳиллик, қаззоблик (ёлғончилик), муноғиқлик ва ҳасадгүйлик иллатлари кораланади. 4-қисмда аёлларнинг вафодорлиги, зийраклиги ва заковати ёкланиб, улардаги салбий иллатлар танқид остига олинади. А.нинг “Жавомеъу-л-ҳикоёт...” асари бир неча марта туркий т.га тарж қилинган. Ҳаким Санойининг “Ҳадикату-л-ҳақоқий” (“Ҳакикат боғлари”) асарига жавобан “Мадойиху-с-султон” (“Султон мадҳлари”) асарини ёзган бўлса-да, у бизгача стиб келмаган. Шунингдек, Ибн Арабшоҳ (XV) таржимаси машҳур.

- ◆ Авғий М., в.б. Нодир ҳикоялар. Т., 1977; Ҳикоялар ва ривоятлар. Т., 1983; 2010; Лубобу-л-албоб / Магзларнинг магзи. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2014.
- Шайхзода М. Тазкирачилик тарихидан / Асарлар. 4 т. Т., 197?. Б.307-309; Ҳасанов Сайҳ олимлар. Т.: Ўзбекистон, 1981. Б.144-145; İslâm Ansiklopedisi. 2.cild. İstanbul: Millî Eğitim Basımevi, 1986. S.21-23; Türk Dünyası Edebiyatçıları Ansiklopedisi. Ankara, 2002. Cild 2. S.42; Шомуҳамедов Ш. Гуманистик ғоялар кўйичиси / Ибратли ривоятлар. Т.: Ўз-н, 2009; Муртазоев Б. Авғийнинг “Лубобу-л-албоб” тазкирасининг таркиби ва мундарижасига доир / Ўзбек адабиётшунослигида талкин ва тахлил муммомлари. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2014. Б.120-124.

АВҚОТ (арабча: وقت – “вакт”нинг кўплиги) – инсон умрининг кўп вактлари; тасаввуфий талкинда ибодат (зикр) вакти.

АВҲАД МУСТАВФИЙ (в. 868/1463) – форсигўй шоир ва мунахжим. “Кадуд” таҳаллуси б-н ҳам машҳур. Сабзавор ш.да тутғилган. Илми гарiba ва фалакиётда машҳур бўлган. Ғазал ва касидалари бир “Девон”га жамланган. Навоий “Мажолис...”ининг Иккинчи мажлисида зикр килиниб, куйидаги матлаъси келтирилган:

Эй зи бүстони жамолат чашму жонро зебу зайн,
Гашта бар наргис ҳаводори чашмат фарзи айн.

Мазмунни: Жамолинг боғидан кўз ва жонга зеб-зийнат келди. Наргис гулига кўзинг б-н ғуурланиш аник фарз бўлиб қолди.

Навоий А.нинг Ҳусайн Бойқарога бағишланган қасидасидан ҳам бир байт келтирган:

Шод бош, эй дил, ки бар мо сояи раҳмат фиканд,
Офтоби осмони салтанат Султон Ҳусайн.

Мазмунни: Эй кўнгил, шод бўл, подшоҳлик осмонининг куёши Султон Ҳусайн бизга меҳрибонлик соясини солди.

Қабри Сабзавор ш.да.

- Алишер Навоий. Мажолису-н-нафоис / Асарлар. Ўн иккинчи том. Т.: Фан, 1966. Б.31; Қайюмов П. Тазкирату-ш-шуаро. Т., 2006. Б.29.

АВҲАДИДДИН КИРМОНИЙ (XIV) – эронлик шоир. Кирмон ш.нинг шайхларидан. Орифона мақомоти ва жазби ошиқонаси б-н машҳур. Машҳур шайх ва шоир Авҳадиддин Мароғийнинг устози. “Мисбоҳу-л-арвоҳ” (“Рухлар чироғи”) номли девони бор. Икки байт маснавийларидан:

Чун гарраи субҳ гашт гарро,
Шуд турраи осмон мумарро.
Бар басти фалак ниқоби аивар,
Бикшуд арузи субҳ зевар.

- Қайюмов П. Тазкирату-ш-шуаро. Т., 2006. Б.30.

АВҲАДИЙ, Рукниддин (в. 1337) – озарбойжон адиби, форс т.да асарлар битган. Шайх Авҳадиддин Мароғий (Мароғали) номи б-н машҳур. Муғул хукмдорларидан Аргунхон даврида Мароғада, сўнгра Исфаҳонда яшаган. Авҳадиддин Кирмонийнинг муриди ва шогирди. “Девон” тартиб берган. Ҳаким Санойнинг “Ҳадикату-л-ҳакойик” (“Ҳакиқатлар боғи”) асари руҳида ёзилган “Жоми Жам” номли тасаввуфий достони шуҳрат козонган. Муқаддима ва уч фаслдан иборат ушбу эпик асарда шоирнинг диний, фалсафий ва ахлоқий қарашлари акс этган. Мутахассисларнинг аниқлашича, достон таркибида машҳур “Кутадғу билиг” ҳам ўз таъсирини кўрсатганки, муаллиф Муқаддимала ўз салафларига нисбатан “уйғурийнома” атамасини кўллади, бу Юсуф Хос Ҳожибининг машҳур достонига ишорадир.

Озарбойжон манбаларида ёзилишича, 525 байтдан иборат “Даҳнома” номли маснавийси бор. Бу романтик достонтипида ёзилган эпик асар анъанавий муқаддимадан ташқари ўн шеърий мактубдан иборат бўлиб, улар мустакил мактублар тарзила тартибланган бўлса ҳам, яхлит бир эпик сюжетни ифода килади.

“Мантику-л-ушшок” (“Ошиклар нутки”) маснавийсини 33 ёшида (1307) битгани қайд этилади.

◆ Девони Авхадий. Мадрас, 1951 (форс т.); *Марагалы Өвінди*. Чами Чам. Поема. Бакы, 1970.

- *Тарбият* М. Донишмандони Озарбайжон. Тсҳрон, 1314. С.55; *Бегдеги* F.X. Эвнадинин һаят ва жарғычылығы. Бакы, 1962; *Қайыров П.* Тазқирату-ш-шуаро. Т., 2006. Б.30; *Rüstamova A.* Azarbaycan epiк şeitinin inkişaf yolları. XII-XVII asrlar. Seçilmiş asarları. Bakı: Elm, 2014. S.161-190.

АГА (туркча: оға) – Усмонли түрк султонлигидаги ҳарбий унвон. XV–XVII асрларда сарой хизматчиларининг алоҳида гурухи ҳам шу ном б-н юритилган. Айни маънода қозок хонлари ҳам ўрта зобитларга А. унвонини беришган. *Дұстамбет жыров* репертуаридаги ҳалқ достонларида ҳам шу унвон учрайди. Яна к.: Оға.

- Казакстан Улттік әннэң-я. Алмати, 1998. Б.82; Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimlerі Ansiklopedik Sözlüğü. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanligı, 2001. S.39.

АГАВА (юононча: Agava > исм) [мифология] – юонон мифологияси қаҳрамонларидан. Миғға құра Кадм ва Гармониянинг кизи, Пенфейнинг онаси. А. Фивага кайтиш саҳнаси юонон театрида тасвирланған. Еврипиднинг “Вакханка” фожиасининг бөш қаҳрамони.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.32.

«**АГАМА**» – хиндуистоний динидаги жайнийлик мазҳабининг қонунлар ийгіндиси. Уни шветамбар (ок кийимлилар) А. деб юртилған, иккінчи номи “Синдханта” (“Муқаддас таълимот”). М.а. V а.да Валабхи (Гужарат) ш.даги ибодатхоналарда ёзіб олинған. Қонун 12 анга (кисм, бўлим)дан иборат. Ҳар бир бўлим бир неча гурух матнларига бўлинади. Улар орасида энг қад.си “Чхета-сұтра” ва “Мула-сұтра”дир. А. жайнийлар учун ахлоқ қонунлари кодекси бўлиб хизмат килған. Қонун баёнида насрый матн шеър б-н алмашиб келади. Баён ичида сұхбат ва диалоглар ҳам учрайди. Қонун таркибида афсона, ривоят, латифа ва маиший әртаклар мавжуд. Уларнинг ҳаммаси насиҳат тарзида, бадиийлик нұктай назаридан Будда матнлари даражасида эмас. Иккінчи бўлим – “Суягаданга” бўлиб, турли вазндарда шеърлардан иборат. Бешинчи бўлим “Бхагаватианга” бўлиб, бу эътиқоднинг моҳиятини ифода киласи. Матнларнинг “Уттарарадхъянасутра” кисми бадиий жиҳатдан анча мукаммал бўлиб, ундаги ривоятларда бадиий безаклар, ҳикматли сұзлар күпроқ учрайди.

- Гринцер П.А. Древнесинийская литература / История всемирной литературы. М.: Наука, 1983. С.234-235.

АГАМЕД (юононча: Agamed – яратувчи, бунёдкор > исм) [мифология] – юонон мифларида бунёдкор қаҳрамон, Эргиннинг ўғли. Акаси Трофиний б-н бирга Дельфа ибодатхонаси, Мантинейдаги Посейдон ва подшоҳ Авгийнинг Элиддаги саройи курувчиси.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.32.

АГАМЕМНОН (юонч: Agamemnon > исм), Атрей ўғли – кад. юон мифологиясида Микен (айрим манбаларда Аргос) подшохи, Клитемнестрининг эри. Юноналарнинг Троя урушидаги йўлбошчиси. Урушдан ғалаба бин қайтаётганида хотини ва унинг ўйнаши Эгисф томонидан ўлдирилган. А. бин Ахилл ўртасидаги келишмовчилик Гомернинг “Илиада” достонининг асосий сюжет чизикларидан бири. А. образига юон трагиклари Эсхил ва Эврипид мурожаат этганлар.

• Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.32-33; Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энциклопедический словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.13.

«АГАМЕМНОН» (м.а. V) – антик даврга тегишли асар. Даастлаб Эсхил (м.а. 458) томонидан трагедия шаклида яратилган, сўнгра Кичик Сенека томонидан шу мавзуда ва шу номда ёзилган асар.

Эсхил асари “А.” “Орестея” (м.а. 458) трилогиясининг биринчи трагедияси булиб, бу трилогия Эсхил асарлари орасида биззагача тўла холда етиб келган ягона асардир. Трилогиянинг биринчи кисми “А.” булиб, у киска прологдан сунг, Троянинг забт этилгани шарафига ёкилган олов саҳнаси б-н очилади. Ака-ука Агамемнон ва Менелай катта кўшин б-н Троя шохи Приам ш.га келадилар. Маъбуллар А.нинг ягона кизи Ифигенияни курбонликка сўрайдилар, узок мулоҳазадан сунг А. рози бўлади. Урушдан аввал Менслайнинг кочиб кетган хотини Елсаннинг касофати туфайли бегуноҳ қизнинг кони тўкилади. Сунгра Кассандранинг маслаҳати б-н шоҳ А. Клитемнестрага уйланади ва шу туфайли рўй берган баҳтсизликлар трагедиянинг асосий воқеасини ташкил килади. Трилогиянинг иккинчи кисми “Хоэфорлар” (“Улим олчилари”)да А.нинг Клитемнестра томонидан ўлдирилиши ва унинг ўғли ёш Орестнинг отаси учун касос олиши тасвирланади. Унга маъбуд Аполлон амр бериб, бу ш.га юборган эди. Асарнинг учинчи кисми “Эвменидалар” деб номланиб, бунда Орестнинг ғалабаси кўрсатилади.

Эсхилдан сунг ушбу мавзуга кўл урган Л.Анней Сенека (м.а. 4-мил. 65) булиб, у файласуф сифатида янги услугга асос солган машҳур адаб Сенеканинг ўғли эди. Испанияда тутғилган бу адаб император Нерон (54–86) даврида яшаган, унинг қаламига мансуб фалсафий насрый асарлардан ташкири 9 трагедияси маълум. Улардан бири “А.” эди. Сенека гарчи А. воқеаларини юон трагедияси талаблари буйича давом эттирган бўлса хам, унинг асари Эсхилнидан фалсафий мазмундорлиги б-н ажralиб туради.

• История всемирной лит-ры. М.: Наука, 1983. т.1. С.351-352, 474.

АГАРЬ (арабча: Ҳожар) [мифология] – яхудий ва араб мифлари қаҳрамони. Кад. Аҳд китобида Сарра (Сора)нинг мисрлик кули, Иброҳим а.с.нинг чуриси. Уларнинг фарзанди Исҳок тутғилданда кейин энага А. б-н Сарра ўртасида зиддият тутғилади. А. уларнинг катта ўғли, ўзи боккан Исмоилни олиб бу хонадондан кетади. Уларни Аллоҳ куткаради. Кад. Миср манбаларида фиъявнинг кизи тарзида тасвирланган.

• Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.33.

АГАТА КРИСТИ – қ.: Кристи, Агата.

АГАСТЯ [мифология] – қадимги ҳинд эпосларида илохий донишманд, “Ригведа” мадхларининг кўпи унинг номи б-н боғланган. “Махобхорот”да А. маъбудларнинг асура (ёвуз куч)ларга қарши жангиди қудратли мададкор. А. асуралар океанга яширганини билгач, унинг сувини симириб, унинг сўнгти томчилари б-н бирга асураларни енгтан. Осмон кадар юксалган тоғлар орасидан йўл очган. А.нинг ери Ҳиндистоннинг жануби булиб, айрим мифларда А. Канопус юлдузи деб талкин қилинган.

• Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.33-34.

АГАСФЕР (Усфур) – урта асрлар Farb мифологиясида масиҳийлик б-н алоқадор сирли, мистик, мўъжизавий ном. А. Исо (а.с.)га йўлда дам олишга изн бермагани учун Худо томонидан абадий (тұхтосиз) йўловчилик жазосига мубтало этилган. А. образи доимий йўлчи тимсоли сифатида ад-тда мавжуд. А.га Ф.Д.Шубарт, Н.Ленау, И.В.Гёте шеърлар, Э.Кине фалсафий драма бағишилаган. Француз адиби Эжен Сю (1804 –1857) А. ҳакида кўпжилди роман-сатира ёзган. Рус адиби В.Иванов ва аргентиналик ёзувчи Л.Борхеснинг А. ҳакида ёзган асарлари шуҳрат топган.

• Еврейская энц-я. Т.5. С.896-904; Шубарт Х. Легенда об Агасфере. М., 1919; Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.34; Эжен Сю. Агасфер. Роман в 4-х т. М., 1990; Эжен Сю. Агасфер. Т.: Шарк НМАК, 1992; Борхес Л. Улмайдиган одам (М.Махмудов тарж.) // Шарк юлдузи. 1980. № 2.

АГАФОН (~ м.а. 448–397) – асарлари бизгача етиб келмаган юонон классиги, афиналиқ. У ҳақда Арасту асарларида маълумот учрайди. Эврипиддан кейин яшаган, классик трагедияга янгиликлар киритган. А. трагедияларида хор қўшиклари асарнинг сюжетидан ажратилган, драмага мусикали номсрлар киритилган, катор риторик фигурулар, шунингдек, антитеза ва параллелизмни асарларида дадил қўллаган. “Анфей” номли трагедияси юонон трагикларининг асарларидан фарқли равища бошдан охиригача бадиий тукима асосига курилганлиги маълум.

• История всемирной лит-ры. М.: Наука, 1983. Т. 1. С.405-406.

АГАЧ КИШИ (туркча: Ağaç adam – дараҳт-одам) [мифология] – турк, озарбайжон ва корачойликлар достонларида “урмон одами” (меншада адам), А.К. Кавказ тоғли худудларида яшаган. Соchlари паҳмоқ тарзида тасвириланган А.К. емиш излаб боғча ва томорқаларга келиб озиқланган, айрим кишиларнинг эски кийимларини кийиб юрган. Мутахассисларнинг фикрича, көр одамнинг маҳаллий шароитдаги муқобили.

• Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.35.

АГАЦЦИ, Эвандро (1934 й.т.) – италиялик мантиқшунос олим ва адаб, Халкаро файласуфлар академияси президенти (1988 й.дан). Пиза, Милан ва Генуя ун-тлари профессори. Сўнгти пайтларда Швейцариянинг Фрейбург ун-

тида фаолият күрсатган. А. дастлаб неопозитивизм тарафдори, “назарий юклама” таълимоти асосчиси, уни собиқ иттифоқда илмий реализм тарафдори деб аташган.

Италиян олимлари ва машхур кишилари ҳакидаги эсслелар муал.и.

◆ Агацы Э. Реализм в науке и историческая природа научного познания // Вопросы философии. 1980. № 6.

• Философский энц-кий словарь. М.: СЭ, 1989. С.12-13; Современная западная философия. М.: ИПЛ, 1991. С.5.

АГГЛЮТИНАЦИЯ (латинча: *agglutinatio* – ёпишиш) [поэтик лингвистика] – т.ларда сўз ўзаги ва негизига кўшимчалар (*аффикс*) кўшиш йўли б-н янги сўз ва грамматик маъно ҳосил қилиш. Бу ҳолат кузатилган т.лар *агглютинатив т.лар* дейилади. А. ҳодисаси туркӣ т.да, угор–фин т.да кузатилади. А. таркибига кўра аввал сўз ясовчи, кейин шакл ясовчи ва сўз ўзгартирувчи кўшимчалар кўшилади. Mac.: *ижсадкорларга* = *ижсад+кор+лар+га*. Бунда: *ижсад* – сўз ўзаги, *-кор* – сўз ясовчи кўшимча, *-лар* – шакл ясовчи кўшимча, *-га* – сўз ўзгартирувчи (келишик) кўшимчаси. А. ҳодисаси факат агглютинатив т.ларга эмас, балки айрим Ҳинд-Европа т.лари оиласига киравчии т.ларда ҳам кузатилади.

• Реформатский А.А. Введение в языкознание. М., 1960, с. 220—22; Успенский Б.А. Структурная типология языков. М., 1965; Баранникова Л.И. Введение в языкознание, Саратов, 1973; Агглютинация / Большой энц-кий словарь: языкознание. М.: Большая Российская энц-я. 1998. С.17.

АГЕНТЛИК (латинча: *agent* – ишончли вакил) – дастлаб бирор ташкилот, ишлаб чиқариш ёки савдо фирмаси. Кейинроқ кенг тармокли ташкилот. Вазирлик ёки бошқарма макомидаги бирлашма. Ўз-нда илк А. телеграф А. тарзида матбуотни зарур материаллар б-н таъминлаш максадида ташкил топган (1881). Шу й. октябрда Россия телеграф А.нинг Туркистон бўлими иш бошлади. А.ни “Туркестанские ведомости” газ. мух-ри Н.Маев бошқарган, 1882 й.дан Шимолий телеграф А. номи б-н юритилган. 1918 й.дан РоСТА (Россия телеграф А.) Ўз-н бўлими ва 1935 й.дан ТАСС (Собиқ иттифок телеграф А.) деб ўзгартирилиши б-н ЎзТАГ (Ўз-н телеграф А.) барпо килинган. Mac., Ўз-н Ахборот ва матбуот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлиги.

АГИОГРАФИЯ (юононча: *hagios* – муқаддас, *grapho* – ёзман) [диншунослик] – ўрта асрлар исломий ва насроний ад-тида валийлар ёки диний арбоблар ҳаёти ҳакидаги китоблар мажмуаси. А. оддий биографиядан қаҳрамони дин намояндаси экани б-н фарқ қилади. А. да тарихий воқеалар б-н бир қаторда, асар таркибига айрим афсонавий воқсалар, авлийлар кароматлари ҳам киритилади. А. ўрта асрлар Европа ад-тининг асосий жанрларидан бири. А. асосида ушбу асар қаҳрамонини мадҳ этиш, унинг имон-эътиқодини улуглаш, черковга қилган хизматлари ва диний урушдаги зафарларини баён этиш ётади. А. Рим империяси даврида вужудга келган.

Дастлаб изтироб чекувчи Исо Масих ҳакида, унинг апостол (ҳаворий)лари ҳакидаги китоблар сифатида баён қилинган. XVII асрдан рус черков ад-тида А. конунлари деформация бўла бошлади ва бу асарлар асосига майший ҳаёт воқеалари ҳам кириб келган. Mac., рус православ черковини улуғловчи “Чтение Нестора” ва “Протопоп Аввакум ҳаёти” (1672–75) кабиларни келтириш мумкин. XVIII–XIX асрлар Фарбий Европа ад-тида А. айрим тарихий асарларнинг бирор қисми сифатида ёки фольклор намуналари сифатида яшай бошлади.

Н.Хотамов ва Б.Саримсоқовнинг “Ад-тшунослик терминларининг русча-узбекча изохли лугати”да “пайғамбар ва авлиёларнинг ҳаёти ва саргузаштларини тасвирловчи ҳикоя ва киссалар” тарзида талкин килиниб, Рабгузийнинг “Кисасу-л-анбиє” (“Пайғамбарлар киссалари”), Навоийнинг “Тарихи анбиё ва хукамо” (“Пайғамбарлар ва донишмандлар тарихи”) асарлари ва Абдул Восеънинг “Манокиби Ҳожа Аҳрор” асарлари мисол тарикасида келтирилган.

- Барсуков Н.П. Источники русской агиографии. СПб., 1882; Лихачев Д.С. Поэтика древнерусской лит-ры. З-изд. М., 1979. С.80-102; Хотамов Н., Саримсоқов Б. Ад-тшунослик терминларининг русча-узбекча изохли лугати. Т.: Үқитувчи, 1979. Б.21; Буланин Н.Д. Жития Святых / Лит-ный энг-кий словарь. М.: СЭ, 1987. С.108-109; Введение в лит-веденис / Лит-нос произведения: основные понятия и термины. М., 1999. С.270; Елисеев И.А., Полякова Л.Г. Словарь лит-ведеских терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.4,55; Назаров Б.Н. Ислом агиографияси тизимида мақомотнинг ўрни ва унинг бад-устубий хусусиятлари. Т.: ЎМЭДИН, 2007; Nazarov B. Tasavvuf adabiyoti janrlari. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2009; Агиография. Новая лит-ная энц-я / www.nlit.ru, 2012.

~ фик адабиёт – А.а. рус ва Фарбий Европа адибларидан Н.М.Карамзин, Ф.М.Достоевский, Л.Н.Толстой, Г.Флобер ва А.Франс асарларида қўлланилган. Проф. Б.Назаров агиографик жанрлар таркибига сира, қисса, табақот, тазкирату-л-авлиё, маноқиб ва мақомотларни киритади. Mac., Мухаммад Бокирнинг “Макомоти Ҳожа Баҳоуддин”, Мухаммад Қазвийининг “Силсилату-л-орифин” (“Орифлар силсиласи”), Али Сафийнинг “Рашахоту айни-л-ҳаёт” (“Оби ҳаёт томчилари”) асарлари каби.

- Тиллабоев Р. XV–XVI асрлар Ўрта Осиб агиографик асарлари тарихий манба сифатида (Накшбандия тарикатига мансуб агиографик асарлар). ДДА. Т., 1994; Nazarov B. Tasavvuf adabiyoti janrlari. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2009.

АГИОЛОГИЯ (юончча: *hagios* – муқаддас, *logos* – таълимот) [диншунослик] – муқаддас авлиёлар ҳакидаги илм. Айрим манбаларда насроний черкови ходимларига оид фикрлар мажмууси ҳам А. дейилган.

- Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.14.

«АГЛАЯ» (қад. юончларда гўзаллик маъбудаси Афродитанинг славянча исми) – I. Рус адиби Н.М.Карамзин томонидан асос солинган биринчи рус альманахи. 1794–1795 йй.да Москвада икки марта нашр қилинган.

II. рус т.да Москвада нашр килинган ойлик адабий журнал. П.И.Шаликов асос соглан ва 1808–10 ва 1912 й.ларда нашр килинган.

- Лит-ный энц-кий словарь. М.: СЭ, 1987. С.14.

АГНИ (санскритча: олов) – “Авесто” ва хинд мифологиясида олов маъбути. “Ригведа”да унга атаб энг кўп (Индрадан сўнг) 200 гимн бағишиланган. А.нинг асосий вазифаси кишилар б-н маъбуллар ўтрасидаги воситачи. Хиндиар эътиқодига кўра, олов мухитни поклайди. А. суратларда оловранг, олтинранг, бутун бадани, юзу кўзлари, кўл ва оёклари ёркин тасвириланади.

- Ригведа. М., 1972. С.93-110; Мифология дрсвениндийского эпоса. М., 1975. С.84-87; Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.35-36.

АГНОСТИЦИЗМ (юононча: α – инкор, ίγος; gnos – билиш) [эстетика] – фалсафий ва илмий таълимот. Биз, инсонлар дунёдаги ҳеч нарсани тула била олмаймиз. Ҳамма нарса унинг Яратувчисигагина аён. Худони билиб бўлмайди, деган таълимот. Биринчи марта файласуф Гексли томонидан илтари сурилган. Герберг Спенсер, Гамильтон таълимотига нисбатан қўллацилари. Кейинчалик А. ни олмон файласуфлари Д.Юм ва И.Кант ривожлантирган. Уларнинг талкинича, дунёни яхлитликда, бир бутунликда билиб бўлмайди. Инсон онги қанчалар тараққий этмасин, у оламнинг маълум кисминигина била олиши мумкин. Д. Юмпинг фикрига кўра, табиат бизни ўз сирларидан йирокроқ масофада саклаб туради, бизга объектларнинг айрим юзаки куришишларинигина билишга йўл қўяди.

А.таълимот неопозитивизм, махизм сингари қарашларнинг юзага келишига сабаб бўлган.

- Хилл Т.И. Современные теории познания / Пер. с англ. М., 1965; Ойзерман Т.И. Главные философские направления. М., 1984; Юдин Э.Г. Агностицизм / Философский энц-кий словарь. М.: СЭ, 1989. С.13; Современная западная философия. М.: ИПЛ, 1991. С.5; Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.15.

АГРА – Шим. Ҳиндистандаги ш. Жамна дарёси сохилида жойлашган. 1526 й. Бобуршох томонидан салтанат пойтахти қилиб белгиланган. Бобур дарёдан сув чикартириб, п.ни обод килган. Ўзи курдирган “Зарафшон” боғида “Бобурнома”ни окка кўчирган. Бобурийлар даврида қатор маданий иштоотлар ва меъморлик обидалари курилган: Акбаршох (1560) томонидан Жамнанинг ўнг сохилидаги сарой, курилишни Шохжоҳон ниҳоясига етказган ш. қалъаси (1565), Жаҳонгири Маҳал саройи (1570), Марварид масжид (1646–53), Девони Ом (1627), Девони Хос (1637), Тожмаҳал (адабий маъбаларда “мармардаги орзу”, 1622–28) ва Эътимоду-д-Давла мақбарами (1628), Жомеъ масжиди (1646) в.б. Бу меъморий обидалар Ўрта Осиёлик хунармандлар иштирокида барпо этилган. Агра ун-ти (1927) ва Маҳатма Ганди кутубхонасида бобурийлар даврида ёзилган ва кўчирилган кўплаб кўлзёма ва босма китоблар мавжуд.

- Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Энц-кий словарь в 12 т. Биографии, т. I. М.: СЭ, 1991.

АГРАФИЯ (юононча: а – йўқ, graf – ёзув) [эстетика] – ёзиш кобилиятини йўкотиши оркали вужудга келган талаффузнинг бузилиши. Тиббиёт т.да афазия деб аталган жараён б-н баравар содир бўлади. А. б-н касалланган бемор бугинлар ўрнини алмаштириб талаффуз килиши (мас., арава – авара), байзан бу холат унинг ёзуvida ҳам акс этиши мумкин.

- Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Энц-кий словарь в 12 т. Биографии, т.І. М.: СЭ, 1991. С.15.

АГУ, Мария-Катерина-София дс Флавиньи (1805–1876) – таникли француз адабаси. Тахаллуси Диниэл Стерн. Жорж Санд руҳида романлар ёзган. “Валенсия”, “Нелида” романлари муаллифи. Сўнгги асарда А.нинг машҳур бастакор Листга мухаббати баён килинган.

- Энц-кий словарь. Брокгауз и Ефрон в 12 т. Биографии, т.І. М.: СЭ, 1991. С.88;
- Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.16.

АГУЛШАН [мифология] – абхаз ва нарт эпосларида абадий булоқдан фойдаланувчи аждаҳо. Сув ҳавзаларида гўзал пари сифатида тасвирланади, айрим маңбаларда гўзал қизларни олиб қочувчи. “Сасриква” эпосида қаҳрамон унга қарши курашиб енгади, абадий булоқни халос этади. Абхаз халқ эртакларининг доимий салбий қаҳрамонларидан.

- Миғи народов мира. М.: СЭ, 1980. С.36.

АД (юононча: ad – нур тушмайдиган жой) [мифология, агиография] – дўзах. Юон мифологиясига кўра, еrostи жой булиб, у срга ўлганларнинг руҳи жойлашади. Насроний таълимотига кўра гуноҳкор бандаларнинг жазо оладиган жойи. Италиян адаби Дантеининг “Илоҳий комедия” асарида А. нинг тўккис доираси тасвирланган. Асар уч кисмдан иборат булиб, унинг биринчи кисми А. деб юритилади. Уни ўзбек т.га Абдулла Орипов тарж. килган.

- Миғи народов мира. М.: СЭ, 1980. С.36-39; Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.16.

АДАБ (арабча: **ادب** – ахлок), **иъми адаб** [поэтика] – урта асрларда Шарқда инсонни маънавий камол тоғтирувчи илмлар мажмууси. А. фалсафада шахснинг малакаси булиб, уни ёмон ишлардан сақлайди. “Аддаба” (куплиги “адаб”), яъни руҳни, ахлокни поклаш сўзидан олинган, А. илм ўрганиш, ёмонлик қилган кимсага жазо бериш маъносида ҳам кўлланган. Одоб умумлашган маънода маориф илмларнинг барчасини камраб олади ва маҳсус, лойик, муносаб касб ва хунарга ҳам нисбат берилади. Комил адаб деб зоҳири ва ботини баробар, ахлоки гўзал ва кавли ҳамда ниятлари тўғри, рост кишига айтадилар, унинг ахлоки, сўзлари ва ишларига мос булсин ҳамда ниятлари аъмолига мувофиқ, кўриниши ички олами б-н бир, иши ва сўзи мувофиқ бўлсин.

Абдуллоҳ Анзорий “Адаб зоҳир ва ботиннинг поклигидир”, деб айтган. Адаб хатолар, адашишлардан сакланадиган воситалар ҳақидаги билимлардир. Шариат одобини ҳам адаб дейдилар. А. Ҳақнинг талабини бажариш

коида-русумларидандир. А. уч турга бўлинади: 1) Ҳак таолодан кўркиш, съмонликдан сакланиш, ўзни хилват ва анжумандаги хурматсизликдан саклаш; 2) муомалат адаби – хар кандай ҳолда мурувват кўрсатмок, ҳалиқ ва ўзинг б-н сухбатда Ҳак б-н сухбат беадабликдир; 3) ҳалк б-н сухбат адаби – сафарда. Кошоний А. куйидагилардан иборат деб билади: а) илоҳ қаломига дикқат б-н кулок солиш (зшитиш) ва ундан баҳра олиш одоби, амру нахийни англаш; б) савол ва хитоб таҳсили адаби. Чунончи, одоби мурид ва одоби муршид, одоби набий ва одоби шайх.

Илми – зарурий, энг муҳим илмлар мажмуаси. Мумтоз ад-тшуносликда И.А. куйидаги филологик соҳаларни ўз ичига олади: лугат (1), сарф, яъни морфология (2); иштиқоқ – сўз ясалиши (3); нахв – синтаксис (4), маоний (5), баён илми (6), аruz (7), кофия (8), иншо (9), шеър фарзи – бадоев (10), муҳозара – тарихий вокса ва ривоятлардан фойдаланиш (11), расму-л-хат (12). Мазкур илми адабни эгаллаганлар адаб (юононча: филолог) деб юритилган. Баъзилар бунга илми ғарибани ҳам күшадилар. Усама ибн Мункиз (в.1188) “Ал-бадиъ фи накду-ш-шеър” китобида И.А.ни шу тарзда тасниф қиласди: Адаба: аruz ва кофия, адабий танқид ва балогат. Балогат эса ўз навбатида: маони, баён ва бадиъ; бунда маони: хабар, муснад илайҳ (субъект), муснад (объект), мутаалликови феъл, наср ва каср, иншо, васл ва фасл, изоҳ, итноб ва мусавватни ўз ичига олади. Баён эса: ташбих, истиора, мажоз, киноя. Бадиъ эса: сўз (лафз) ва маъно (маънавий) гўзалликларидан иборат.

Урта асрларда И.А. дастлаб поэтика (маоний, аruz, кофия, бадоев) ва риторика (баён, иншо) асосида шаклланган, сўнгра А. сўзининг ахлоқ б-н боғлик маънолари назарда тутилган ҳолда, унинг таркибига этика (илми ахлоқ) б-н боғлик фанлар киритилган. Жоҳиз, Ибн Мұттазз, Кудама ибн Жаъфар сингари олимларнинг ишлари туфайли И.А. филологик, эстетик ва этик илмлар мажмуасига айланган. Айрим мутахассислар унинг таркибига калом илми, илми қол ва илми ҳолни қўшиши натижасида И.А. таркиби янада кенгайтан. Ибн Халдун асарлари (“Мукаддима”)дан бошлаб бу туркум илмлар филологик илмлар мажмуми сифатида қаралган.

- Усама ибн Мункиз. Ал-бадиъ фи накду-ш-шеър / Тахқик: Доктор Ахмад Бадавий. Кохира, 1371 (араб т.да); Бартольд В.В. Культура мусульманства. СПб., 1918; Крачковский И.Ю. Общие соображения о плане истории арабской литературы. / Изб. соч., т.2. М.-Л., 1956; Крачковский И.Ю. Изб. Соч., т.VI. М.-Л., 1960. С.97-178; Куделин А.Б. Средневековая арабская поэтика (вторая пол. VIII-XI век). М.: Наука, 1983; Валихужаев Б. Ўзбек ад-тшунослиги тарихи. X-XV асрлар. Т.: Ўз-н, 1993; Рустамий А. Адиллар одобидан адаблар. Т.: Маънавият, 2003; Шарқ мумтоз поэтикази X.Болтабосев талкинида. Т.: ЎМЭДИН, 2008.

АДАБ аз-ЗИЙАРА(Т) (арабча: الظاهرۃ – зиёрат одоби) – азиз-авлиёларнинг кадамжолари ва қабрларини зиёрат килиш маданияти.

- Фаззолий М. Кимиёни саодат. Т.: Адолат, 2004.

АДАБИЁТ (арабча: – ахлок) – I. турли ад-тлар жамланмаси, инсон тафаккури маҳсули, фан ва ижодий фаолият соҳаларидан бирига оид асарлар умумлашмаси. Мас., бад. ад-т, илмий ад-т, сиёсий ад-т.

II. санъат оммавий турларидан бири, сўз санъати (рус т.да *словесное искусство*). Амалиётда қўлланишда бад. адабиёт, нафис адабиёт деб ҳам юритилади. Санъатнинг бошқа турларидан борликни ва руҳиятни идрок этиш усули ва ифода этиш куролига кўра фарқланади. Санъатнинг барча турларида образли тафаккур мавжуд бўлса ҳам, улар бир-биридан юқоридагича ифода куролига кўра фарқланади. Бад. ад-тда образ (тимсол) яратувчи асосий ва ягона восита сўздир. А. мулокот воситаси бўлган оддий сўз (лексема)дан фарқ қилган ҳолда кишилар ўй-кечинмалари, хис-туйғу, ҳолат ва ҳаракатни ўқувчи қалбига етадиган, унга таъсир этиб, фикр ва туйғу уйготувчи сўз орқали ифодалайди. А. ҳам санъатнинг бошқа турлари каби мафқуравий ходисадир. А.нинг мезони унинг гоявий-бадиий жиҳатдан мукаммал булишини талаб этади. А.да инсоннинг ижтимоий моҳияти умумлаштирилган ҳолда ифода этилади. А. дунёни ижодий ўзлаштирас экан, ўз маҳсули бўлган бадиий асарни муаллифининг субъектив қарашлари асосига куради, борликни ифодаловчи ва акс эттирувчигина эмас, балки кайта яратувчидир. Бу жараёнда А. табиат ва жамиятга тақлид (мимесис) килса ҳам, унга айнан ухшашлик йўлини танламайди, балки ижодкор онги ва шуурида пишиб етилган мукаммал тимсол ва персонажлар орқали борлик моҳиятини англашга ўргатади. А.нинг вазифаси образ (тимсол) яратиш экан, бу ижодий жараёнда гўзаллик конуниятлари асосига қуриладиган, инсон туйғулари ва ботиний дунёсини бойитадиган, уни эзгулик сари етаклайдиган поэтик воситалар б-н иш кўради. А. ҳаётни ўз шаклида эмас, балки бадиий воситалар орқали унинг моҳиятини ўргатишга каратилгандир. А. давомийлик характеристида бўлиб, тарихий жараённинг муайян давр ва кўринишидаги ҳолатини эмас, балки жамият тараккиётидаги ҳаракатини кўрсатади. Образ ва поэтик воситалар ана ўша кўрсатиш, англатишга каратилган бўлиши керак. Шу маънода А. акл ўргатмайди, айrim ахлоқсизликларни ман килмайди, балки шундай туйғу ва тасаввур ўйғотадики, нима килиш, кандай яшаш кераклигини ўқувчининг ўзи укиб, хуласалай олиши лозим.

А.нинг борликка чикиш шакли бу бад. асардир. Асар матний кўринишда буладими, оғзаки тарзда таркаладими ёки аудиовизуал йўллар б-н кишилар онги ва туйғуларига таъсир курсатадими у, аввало, эстетик ходиса сифатида гўзаллик ташувчидир. Гўзал тимсол ва эзгу ният қоришигига яратилмаган асар ҳар қанча "акли" ва таъсирчан бўлсин у эзгуликка хизмат кила олмайди. Шунингдек, бад. асарнинг яратилиши руҳий-амалий жараён булиб, у ўзгаришдаги дунё ва инсонни англашга ёрдам беради. Ижод жарёни конуниятларини умумлаштирган ҳолда А. нинг бир неча вазифаси юзага чиқади.

- Волков И.В. Литература как вид художественного творчества. М., 1985.


-нинг вазифалари – А. шакли, ҳажми ва мазмунидан қатъи назар бир эмас, бир неча вазифаларни бажаришга қаратилган бўлади. Шундан келиб чикиб бад. ад-тга нисбатан полифункционаллик (вазифадорлик) тушунчаси унинг зиммасига юкланди. А.в.дан асосийлари қуидагилар:

1. *Ижтимоий вазифаси* – А.нинг ижтимоийлиги кишилар онгига гоявий-эстетик таъсир килишда, социал ўзгаришларда катнашишда, муаллифнинг хаёт ҳакикатини ўрганиб янги поэтик дунё яратишида ва факт, воеа ҳамда прототиплар асосида таъсирчан образлар яратишида кўпроқ кўзга ташланади. А. муаллиф учун эмас, балки жамият учун яшайди. Шунинг учун ҳам унинг асари биринчи навбатда, ижтимоий вазифадор, яъни жамиятга қайси соҳада бўлмасин наф келтириши керак.

2. *Эвристик вазифаси*. А. – дунёни билиш, ижодий ўзлаштириш воситаси. Бу вазифа ад-тнинг эвристик юмушидан келиб чикиб, бирор воеа, ходиса, ҳолат, жараён в.б. ҳақида илк маълумот келтиради. Бу вазифа юзаки караганда асарнинг мавзуси, сарлавҳаси ва мундарижада аксланаётгандай туолса ҳам, ижодий дискурс жараёнида бад. асарнинг барча узв (компонент)лари иштирок этади. Мас., Бальзак романлари XIX аср француз хаётини ўрганишда тарихий асарлардан ҳам муҳимрек вазифани бажарганини мутахассислар эътироф этишган. Шу каби А.Қодирий романлари якин ўтмишимиизни, хонлик замонларини ўрганишда муҳим адабий манба саналади. Шундан бад. ад-тни “хаёт дарслиги” деб атайдилар.

3. *Концептуаллик вазифаси*. А. – хаётни бад. тадқик этиш воситасидир. А. китобхонни билишдан идрок этишга, ундан англашга ва янада чукуррек караганда хаёт ходисаларини тадқик этишга караб йўналтиради. А. хаётда ва бадиий асарларида инсонларнинг кадрини кўтаради ва мана шу маънода ҳар бир инсон жамият учун кадрли эканлигини англаш орқали жамиятни тараққий этириш ишига хисса кўшади. Адиб хаётнинг янги моделини яратар экан, у ўз асарига муаллиф концепциясини сингдиради, дунёни тадқик этипнинг ўз усулини тавсия этади. Демак, муаллиф концепцияси китобхонни тадқикий фаoliyиятга йўналтиради.

4. *Эмоционал, ҳиссий тарбия берииш*. Бу б-н А. инсон туйгуларини янгилайди, уни хис килишга, севишга, ардоклашга ўргатади. У китобхон туйгуларига таъсир этиб, туйгу уйғотувчи маънавий кучга эга булиши керак, акс ҳолда А. ташиган туйгулар чала, юзаки, снгил-елпи ва муайян максадга йўналтирилтмай колади. Эмоционал тарбия жараёнида А. санъат тури сифатида китобхонга лаззат бағишлийди. А.тнинг гедонистик (лаззат берувчи) вазифаси унинг бошқа барча вазифаларини бажаришга замин яратади. Қад. кишилар санъат асарлари берадиган маънавий лаззат, роҳатни жисмоний лаззатга нисбатан афзал деб билар эдилар. Бу вазифа қуидаги сабаблардан келиб чиқади (бошқача айтсан, лаззат манбалари қуидагилардир): 1) санъаткор хаёт гузаликларини нозик хис этади, эстетик бойликларини тез, мохирона ва эркин ўзлаштиради; шу ҳолат инсонларни ҳайратлантиради ва завқлантиради; 2) санъаткор инсоният тарихидаги



ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ

1. Аждарқо – түркій мифларда.
2. Аттика - маданият үчогы.
3. Мен ҳам алла айтаман.
4. Алпомишиға құйилған ҳайкал.
5. Алдар Күса ўзбек халқ әртакларыда.
6. "Алифасай" – "Минг бир кече".
7. "Алпомиш" настри.
8. Афанди – Хожа Насриддин анимациялық фильмі.
9. Ашина ағсонаси рассом нигоҳида.
10. Авролон (сөздөр орол) көлө мифларда бардаёттік рәмзи.
11. Аэрона замонавий рассомлар тасаввурда.
12. Лонинг моддийлаштырылған сураты.
13. "Алпомиш" достоннанға ишланған сурат (В.Кайдалов).
14. Анқо – деч күмнінгі назары түшмаган күш дақыда рассом тасаввур.
15. Арагото услубыда чизилған япон қадрамони.
16. Асмодей мифологияда шайтонний маҳлүк.
17. Ан (Ану) шумер ва аккад мифлари қадрамони.



МИФОЛОГИЯ

1. Амон (Атон) Миср маъбуларидан. 2. Аргонавтлар афсонавий кемаси қаҳрамонлари. 3. Амур Рим мифларида илоҳий мұхаббат рамзи. 4. Амо-но-удзeme – япон мифик илоҳаси. 5. Анат – Ов ва уруш маъбудаси. 6. Анахита – фаровонылк маъбудаси. 7. Аноллон – юонон маъбуди. 8. Ангирас хинд мифологияси қаҳрамони. 9. Андромеда ва Персей юлдузлари. 10. Апис – Миср маъбуларидан. 11. Алад (Шеду) қаноли ҳүкиз тарзида тасаввур қилинган. 12. Айоб (Иова) пайгамбар Тавротт талқинида. 13. Исо Масиҳ ва унинг 12 апостоли. 14. Анубис – Миср маъбуди. 15. Афродита эллинизм дәйкалтароши тасаввурда.

кизиқарли вокеа-ходисаларнинг эстетик кимматини кўрсатиб беради; 3) санъат асари ғоявий мазмуни ва бадиий шаклининг мослиги, уйғулуги билан завқ, лаззат беради; 4) реал вокеликка нисбатан бадиий вокелик гўзаллик ва ҳакикат конунлари асосида тартибга солинган ва тузилган бўлади; 5) санъаткорнинг илҳом билан ёзилган (ясалган) асари рецептиент – кабул қилувчига ҳам илҳом ва шодлик баҳш этади; 6) бад. ижод бир жиҳатдан (топишмоқли, сирли) ўйинга ўхшайди ва санъатнинг мана шу эркин ўйинлари китобхон, томошабин, тингловчини бениҳоя завқлантиради. Ҷазеф Хайзин: “Санъатда ўйин, ўзни унутиш ва рухланиш – мукаддас ёки байрамона кайфият, маърифат ёки эрмак учундир. Бу ўйин (асосан, сўз ўйини) санъаткорга кувонч ва ором беради. Поэтик шакл ясашнинг барча усуслари сўз ўйинига киради: вазн ва ритмик бўлинишлар (туроклар, руқнлар), куй ва оҳанг, қофия ва ассонанс (оҳангдошлиқ), яширин маънолар, жумланинг койилмақомлиги. Бад. ижод одамларга гўзалликни англатиши ва бадиий ҳакикати билан кувонч келтиради. Санъатнинг гедонистик функцияси хар бир шахс ўз-ӯзича кадрли деган ғояга асосланади.

5. Эстетик завқ берни А. санъатнинг тури сифатидаги асосий вазифаларидан. А. ижодий рухни шакллантиради, маънавий қадриятларни ўрганишга, ўз қадриятларини яратишга далла бўлади. А. инсонга завқ беради, ҳаёт гўзалликларини севишни ўргатади. Қад.дан одамлар санъатнинг эстетик таъсир кучини яхши билганлар. Ҳинд шоири Камдаса (V) санъатнинг турт мақсадини кўрсатади: илохий ҳодисалардан ҳайратланиш; атроф-мухит ва инсонлар ҳаётини бадиий киёфаларда тасвирилаш; нафис ҳис-туйгулар; комизм, фожиа, севги, ҳамдардлик, кўркув, даҳшат ҳолатлари (расалар) тасвири билан завқ бериш; гўзалликка ошнолик билан хурсанд килиш. Ҳинд олими В.Баҳодир фикрича, одамларни рухланириш, поклаш, олижаноб, химматли килиш – А.нинг мақсадидир. А.нинг эстетик вазифаси: 1) инсонларнинг бадиий дидини, кобилият ва эҳтиёжларини ўстириш; 2) инсонларни нафосат бойликларини қадрлашга ўргатиш; 3) одамларда ижодий рухни, гўзаллик конунлари асосида ижод қилиш кобилияти ва малакаларини шакллантириш. Э.Авербах “Мимемис” китобида Гомернинг тасвир услубини таҳлил қиласа экан, эпосга хос булган сюжет ривожида шоир шиддатли жангни тасвирилаётган, бирдан лирик чекиниш қиласи. Шоир нитоҳида табиат, олам гўзаллиги шеърга, саҳна асарига, картиналар, манзарапарга айланади. Жамият тарақкиёти жараённада А.нинг эстетик функцияси янада усади, уша жамият аъзоларининг бадиий диди, ижодий кобилиятларини ўстиради.

6. Мулокотга киришиши (*коммуникатив вазифа*). Худди тил каби одамлараро муомала воситаси бўлганидай, А. ҳам бадиий мулокот воситасидир. Фақат тил орқали кишилар фикрий алокага киришсалар, А. воситасида туйғулар мулокоти юз беради. А. воситасида турли ҳалклар бир-бирининг маданиятлари б-н танишадилар, санъаткорлари билан мулокотга киришадилар. Бадиий асар ўзининг эмоционал таъсирига кура, унда тасвириланётган ҳалкнинг руҳий оламини, қалбини тушуна олади. А. инсон-

ларни яқинлаштиради, бирлаштиради. Қадимги замонларда турли кабилалар ўзаро сулҳ тузган вактларида мусика ва ракс воситасида ахилликка эришгандар. Бад. асар худди жонли кипидай китобхонга таъсир этади, ҳатто унинг туйғуларини бошқаради.

7. *Ахлоқий тарбия қороли, воситаси бўлишилик*. Катарсис, яъни киши калбини покловчи, эзгуликка йўналтирувчи воситадир. А. ахлоқий мезонларни шакллантириб, ақлига ва қалбига таъсир кўрсатади ва чин инсон бўлишига хизмат қиласи. Арасту А. инсонларнинг фожеий драмада тасвирланган аффектлар (рухий нуқсонлар)дан покланиши – катарсис назариясини эстетик категория, деб англатган эди. Арасту фикрича, бадиий асар қаҳрамонларининг бошига тушган кайгу, кулфатларга ҳамдардлик билдириш орқали томошабинлар ва ўкувчилар руҳан покланадилар. А. санъат асари сифатида инсонларга тўғридан тўғри панд, насиҳат йўли билан эмас, балки ижобий ва салбий киёфаларда ифодаланган эстетик идеал орқали тарбиявий таъсир кўрсатади.

Бад. асар қаҳрамонларининг ҳаёти, руҳий кечинмалари китобхон, томошабинга ўз ҳаёти ва кечинмаларида таъсир кўрсатади. Шу сабабли китобхон, томошабин бегоналарнинг ҳаётидан, тажрибаларидан фойдаланиб, улардан ўз тажрибаларини бойитади, ўз ҳаётига татбиқ этади. Муаллиф асарларида кўринган тажрибаларини ўзлаштирган китобхонлар уларда тасвирланган, умумлашган вокса-ходисалардан ибрат олиб, маънавияти, маърифати бойиб, камол топиб боради.

- Авербах Э. Мимесис. М.: Прогресс, 1976. С.26-28; Иzzat Султон. Ад-т назарияси. Т.: Ўқитувчи, 1980; Борев Ю.Б. Эстетика. т.1. Смоленск: Русич, 1997. С.256-272.

–нинг миллийлиги – ад-тнинг бирор миллатга мансублиги, муайян миллий-адабий т.да яратилиб, уша ҳалқнинг ўзига хос маданияти, урфодатлари ва руҳий дунёсининг ифода этиши. А. миллийлиги факат шаклда эмас, балки мазмун-моҳиятда аксланади.

Миллий мустакиллик туфайли эришган қадриятларимиз ҳалқ ҳаётининг барча жабҳаларида ўзлигини намоён этмоқда. Жумладан, истикклол даври ад-тида туб сифат ўзгаришлари кузатилмоқдаки, бу жараён миллий ад-т ривожига ўз таъсирини курсатиши шубҳасиз.

- Хализев В.Е. Региональная и национальная специфика лит-ры / Теория лит-ры. М.: Высшая школа, 2005. С.376-377.

АДАБИЁТ ВА БОШҚА ИЖОДИЙ-ИЛМИЙ ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ – ад-т суз санъати сифатида интеллектуал фаолиятнинг санъатдан бошқа турлари бин ҳам алокага киришади. Булар: фан, ахлок, дин, сиёсий карашлар в.б.

~ *ва фан* – санъат ва фан ижтимоий онг шакллари сифатида мавжудлик давридан бошлаб ўзаро доимий алоказа. Фан назарий тушунчалар орқали фикр юритиш бўлса, ад-т образли тафаккурдир (В.Белинский), деган таъриф ўз кучини саклаб турибди. Антик даврда файласуфлар суз ва ракам бирлиги хусусида фикр юритиб, ад-т ва фанга илоҳий гузаллик ва онг ифодаси

сифатида қараганлар. Фалсафа фан сифатида аниқ маълумотлар орқали гўззаликнинг сирларини ўрганишга киришган. Гарчи масалага турли даврлар ва мамлакатларда турлича ёндашган булсалар ҳам, ҳеч бир қараш ад-т б-н фаннинг доимий алокасини рад этмаган, уларнинг ўзаро таъсири масалалари эътироф этилган. Модернизм ад-тида “интеллектуал ад-т”, “илмий шеърият” каби тушнчаларнинг вужудга келиши бу муҳим алоканинг ҳамкорлик шакллари сифатида талқин қилинади. Тарих фан сифатида аниқ маълумотлар б-н иш курали, бирок ўша фактлар тафсилотини англашда ад-т қўл кслади. Мас., Бобуршохнинг отасининг ўлими “Бобурнома”да аниқ факт сифатида вокса санаси ва ўрни курсатилган ҳолда калтархонадан йиқилиб ҳастдан кўз юмгани ёзилган. П.Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романида эса, ўша воксага тафсил берсив, алокачи кабутар орқали мактуб жўнагаётганда вокса юз бергани айтиладики, бу бад. ҳақиқат сифатида Умаршайх Мирзо характеристерини тўлдиради.

Бад. ад-т илмий тушунча ва гояларни образли ифодалаш б-нгина чекланмайди, у янгитдан ҳаёт яратади, дунё моделининг образли шаклларини тавсия килади ва бу б-н дунё ва унинг асрорини ўрганишда фанга ёрдам беради. Эйнштейн сухбатларидан бирида шогирдларига “сен табиат конуниятларини яхши биласан, лекин даҳолик моҳиятини англамайсан” деган. Ад-т бад. ва илмий тафаккур соҳибларидаги ана шу даҳолик моҳиятини англашга ёрдам беради. Чунки адабий даҳоликнинг кишилик тарихидаги ўрни илмий даҳоликдан кам эмас. Аксинча, илмий даҳо кудрати б-н яратилган кашфиётлар моҳиятини тушунишда бад. ад-т устуворлик килади. Мас., Мирзо Улуғбекнинг “Зичи Куррагоний” асари илмий кашфиёт булгани учун жаҳон фанида бемисл из колдирган, ўша кашфиёт соҳиби Мирзо Улуғбек даҳосини ва бу илмий кашфиётнинг ҳалқ ҳаёти учун аҳамиятини англашда Максуд Шайхзоданинг “Мирзо Улуғбек” фожиаси аҳамияти.

- Агапов В и др. Художник и наука. М., 1966; Введение в литературоведение. Под ред. Л.М.Крупчанова. М.: ОНИКС, 2007. С.23-34;

АДАБИЁТ ВА САНЪАТНИНГ БОШКА ТУРЛАРИ – Ад-т дунёни ижодий ўзлаштириш ва англашнинг бир тури сифатида санъатнинг бошка турларидан ўз ифода предмети, куроли ва усулига кўра фарқ килади. Фарқлаш асосларини белгилар экан, Г.Э.Лессинг “фазовий-даврий детерминаллик” тушунчасини белгилайди. Бу тушунча воситасида санъатнинг барча асосий турлари таснифини беради. Фитрат “Ад-т қоидалари” кўлланмасида санъатнинг дастлабки олти турини гўзал санъатлар истилохи б-н курсатади: мусикий, расм, ҳайкалчилик, меъморлик, ўйин (ракс) ва ад-т. Санъатнинг бу бошлангич турларидан бошка уларнинг ўзаро ҳамкорлиги натижасида вужудга келган синкетик турлари: кино, театр, опера в.б. замонавий аудиовизуал турлари ҳам мавжуд.

~ *ва рангтасвир* – қад. маданиятда сүз ва ифода мустаҳкам алоқада тушунилган: сүз ифода б-н, ифода сүз б-н. Ҳодисалар ва предметлар ҳакидаги инсон тафаккурининг тараккиёти туфайли бу тасаввурни алоҳида шаклларда ифодалаш (ёзиш ва чизиш)га эҳтиёж сезилган. Ад-т б-н рангтасвир ўртасида доимий алоқа бўлгани каби бу икки санъат вакиллари ўртасида мунозаралар ҳам бўлган. Леонардо да Винчи Уйғониш даврида “Агар сен рангтасвирни соков ад-т деб билсанг, унда рассом айтадики, ад-т кур рангтасвирдир. Кўрамиз, қайси бири мажрухлик саналаркан: кўрлик ёки соковликми?” каби мунозарага чорлаган. Г.Э.Лессинг “Лаокоон” асарида даврий изчиллик сифатида шоир, фазовий предмет сифатида рассомга мурожаат қиласди: “Жисм ташки кўриниши б-н рангтасвир предметини, харакат эса ад-т предметини белгилайди” деб ёзган.

XIX асрдан ад-т ва рангтасвирнинг мустаҳкам алоқаси “сўз орқали рангтасвир” тушунчаси орқали ифодаланган. XX асрда киноматографнинг шаклланиши ва жаҳоний муваффакияти сўз ва бўёқ ҳамкорлигининг самарасидир.

- Леонардо да Винчи. Спор живописца с поэтом, музыкантом и скульптором / Изб. Пр-я. Т.2. М., 1935; Лессинг Г.Э. Лаокоон, или О границах живописи и поэзии. М., 1957; Дюбо Ж.-Б. Критические раскрытия о поэзии и живописи (1719). – М.: 1976; Корецкая И.В. Лит-ра в кругу искусств. М., 2001; Введение в литературоведение. Под ред. Л.М.Крупчанова. М.: ОНИКС, 2007. С.35-38.

~ *ва мусиқа* – бад. ад-т турлари орасида лирика мусиқа б-н боғлиқ тараккий этгани маданият тарихидан маълум. Ҳаётий тажриба давомида уларнинг мустаҳкам алоқаси (синкетизми) эшлиши орқали хотирлаш, ўқилаётган матнни тинглаш орқали хотирага муҳрлаш жараёни б-н боғлиқ. Поэтик сўз мусикавий ифодага кўшилиш б-н бирга ўзининг конкретлигини йўқотиб, умумийлик сари йўналтирилади. Сўз туйғу уйготади, мусиқа эса туйғуни ифода қиласди. Бу жihat орқали бири иккинчисини тўлдиради, таъсирчан қиласди, ифода кувватини ва халқчиллигини оширади. Опера (музикали драма) санъати сўз ва соз ҳамкорлиги самарасидир. Бу алоқадорликни хис килган мутахассислар куйни сюжет б-н, симфонияни роман б-н мукояса қиласдилар.

Шарқ ад-тида сўз ва соз бирлиги шу даражада синтезлашганки, лирик турнинг деярли барча жанрлари мусикавий асосга эга бўлган аруз вазнида ёзилган. Ҳатто айрим тушунчалар ҳар бир санъат турида ўзига хос мөхият касб этишидан қатъи назар *муножот, соқийнома* в.б. каби бир истилоҳ б-н англатилади.

- Леонардо да Винчи. Спор живописца с поэтом, музыкантом и скульптором / Изб. произведения. Т.2. М., 1935; Корецкая И.В. Лит-ра в кругу искусств. М., 2001; Введение в лит-ред. Под ред. Л.М.Крупчанова. М.: ОНИКС, 2007. С.38-39; Алишер Навоий ва мусиқа. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2011.

АДАБИЁТ ва САНЪАТ НАШРИЁТИ – Тошкент ш.даги бадиий ад-т ва санъат асарларини чоп этувчи нашриёт. 1957 й.да Ўз-н давлат нашриётининг адабий-бадиий бўлимлари негизида ташкил этилган. 1964 й.дан «Тошкент»,

1966 й.дан Faфур Fuлom номида. Нашриётда шеърий, насрой ва драматургик бадиий асарлар, танкид ва ад-тшуносликка ҳамда санъат соҳасига доир ад-тлар чоп этилади. Шунингдек, мумтоз ва замонавий ўзбек ад-ти намуналари, хорижий адаблар асарлари, болалар адабисти ҳамда фольклор асарлари нашр этилади.

«АДАБИЁТ КУЗГУСИ» (1996 й.дан нашр қилинган) – ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Ад-т музейи ва Қўлёзмалар ин-ти томонидан (узбек, рус ва инглиз т.ларида) нашр этилган. Муассис: Ўз-н Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат ад-т музейи. “А.к.”да Шарқ мумтоз ад-тининг назарий ва амалий масалалари, матншунослик муаммолари ёритилади, йилда бир марта чиқади. Жами 12 сони чиқкан. Адади: 1-7-сонлар 500, 8-сон 200, қолганлари 100. Масъул мух-р: С.Хасанов (1996 й.дан); масъуль котиби: С.Матжон (1996-2002), О.Журабоев (2003 й.дан).

“А.к.”да ад-т тарихи, манбашунослик ва матншунослик, поэтика масалалари, таржшунослик, фольклоршунослик ва тил тарихидан таддикот ва манбалар берилади.

АДАБИЁТ МУЗЕЙИ – Тошкент ш.да жойлашган илмий, маданий-маърифий муассасаси. Тулиқ номи: ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Давлат ад-т музейи (Тошкент ш., Навоий кӯчаси, 69). 1940 й.да Алишер Навоий асарлари кургазмаси тарзида ташкил қилинган. ЎзРФА Тил ва ад-т ин-ти булими (1944-68), ЎзРФА Ҳ.Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар ин-ти музей булими (1978-91) ва Алишер Навоий номидаги Давлат ад-т музейи (1968-78, 1991 й.дан). Ад.м.нинг 34 минг адабий экспонати бор. Адабий манбалар қўлёзма, топбосма, нашрлар (3 минг яқин) ва аудио (овоз) ёзувларидан иборат. Ад.м.нинг “Алишер Навоий”, “Темурйилар даври ад-ти”, “Бобур ва бобурийлар даври”, “XX аср ўзбек ад-ти”, “Истиқлол даври ўзбек ад-ти” сингари бўлимлари мавзуга оид манбаларга бой. А.М.да айrim ижодкорлар архиви ва кутубхонаси ҳам мавжуд (Мас., Л.Азиззода, М.Шайхзода фонди).

Ад.м.да экспозиция, қўлёзмалар, ўзбек адабларининг архивини тавсифлаш бўлимлари фаолият юритади. Музейда 30000 дан ортик экспонат, ашё ва хужжатлар, 2 мингдан ортик қўлёзма жамланган. Париж Миллий кутубхонаси, Истанбул Түпкопи саройи кутубхонаси, Оксфорддаги Бодли кутубхонаси ва Хиндистондаги фондларда сакланастган қўлёзмаларнинг микрофильмлари мавжуд. Ад.м. олимлари томонидан ўзбек, рус ва инглиз т.ларида қўлёзмалар каталоги тузилган, ўнлаб монография, рисолалар нашр этилган.

Ад.м. Халқаро музейлар кенгashi (ИКОМ) аъзоси. Ад.м.да “Адабий месрос” (1996 й.гача) номида адабий тўплам нашр этилган, ҳоз. “Адабист кузгуси” номли йиллик илмий тўплам нашр этилади.

~ Кўкон ш.да жойлашган. Фарғона вилояти Faфур Fuлom номидаги А.м. деб юритилади. 1966 й.да ташкил топган, 1966 й.дан Faфур Fuлom номи берилган. 7 бўлимдан иборат. Кўкон адабий мухити (XVIII-XIX асрлар)га

оид нодир күләмалар, тошбосма ва нашрларга эга. А.М.да Санкт-Петербург, Истанбул, Боку, Козон, Уфа, Оренбург ш.да чоп этилган газ. ва журналлар ҳам мавжуд.

«АДАБИЁТ НАДУР?» (1914) – Чүлпөннинг бадиий ад-тнинг санъат сифатидаги мохиятини англатувчи мақоласи. “Садойи Туркестон” газ.да босилган. Кейинроқ Чүлпөннинг адабий-танкидий мақолалари шу номли тұпламда чоп этилган. “А.н.” тұпламидан бад. ад-т табиати ҳақидаги мақолалар, “Шоҳнома”, “500 йыл” (Алишер Навоий), Увайсий, “Улут хинди” (Тагүр), Тавфик Фикрат, Ризо Тавфиқбек ижоди хусусидаги ва санъатшунослика оид мақолалар, портретлар ҳамда театр тақризлари ўрин олған. Матбуот ҳақидаги мақолаларда XX аср 20-йиллар журналистикаси хусусиятлари үз аксина топған.

♦ Чүлпөн А. Ад-т надур? // Садойи Туркестон. 1914; Ад-т надур? Тұплам / Тұпл. Ва изохлар муаллифи Д.Куронов, З.Эшонова, У.Султонов. Т.: Чүлпөн нашр., 1994.

♦ Султонов У. Чүлпөннинг адабий-танкидий карашлари. НДА.Т., 1997; Куронов Д. Ад-т надур өхүл Чүлпөннинг маңтуу саволи. Т., 2008.

АДАБИЁТ НАЗАРИЯСИ – бадиий ад-тнинг үзига хос тури, эстетик ва ижтимоий функцияси, адабий жараён масалаларини үрганувчи фан. А.н. ад-тшунослик таркибидаги (ад-т тарихи, адабий танқид каби) фан бүлгани учун, биринчи навбатда, ад-тшунослик масалалари б-н боғланади. Ад-т назарияси замонавий аспектда хорижий манбаларда қуидаги йұналишларда тараккىй этмолда: 1. *Матнга* асосланған назариялар (формал-структурал ёндашув, янги танқид, нарратология). 2. *Муаллифни* үрганишга қаратылған назариялар (биографик ва психоаналитик ёндашув, шу б-н бирга феминистик ад-тшунослик, феноменологик тадқикотлар. 3. *Китобхонға* қаратылған назариялар (рецептив эстетика, асарни кабул килиш тарихи; тарихий-функционал тадқикотлар). 4. Адабий ва маданий-тарихий *контекстта* оид назариялар (реминисценция, интертекстуал) тадқикотлар, социологик ва тарихий-материалистик ёндашув, “янги историзм” ва күльтурологик методология.

Ад-т назариясининг үз тадқик предмети, дастури ва үкитиш методикаси бор. Шунга күра у ад-тшунослик предмети – инсон рухий дүнсісінинг ифода шакли сифатида бад. ад-т спецификаси ва адабий ижоднинг ижтимоий мохияти (1); ад-т тарихий тараккиёттіннегін умумий конуниятлари – адабий тур ва жанрлар, оким ва йұналишлар, ҳаётни акс эттириш тамойиллары, бад. услугуб, шакт ва мазмун ҳамда унинг компонентлари (2); ад-тшунослик терминологияси ва уларнинг идентификацияси (3) каби масалаларни үрганади. Үшбу масалалар доирасыдан келиб чиқиб, А.н.нинг турлы аспектлери ва бүлімлери мавжуд. Бирок унинг ассоций аспектти, үзак-негизи поэтика масалалары булиб, замонавий дарслер қаралады (Н.Д.Тамарченко). Назарий поэтика бад. матн, унинг таркиби, вазифаси, адабий тур ва жанрлар, тип ва услугуб жиһатларини тадқик қылса, тарихий поэтика айни

шу адабий ходисаларнинг тарихан шаклланган ҳолати, мумтоз ад-тшуносликдаги жиҳатлари б-н шуғулланади. Шунингдек, ад-тнинг моҳиятини сўз санъати сифатида тушуниш, адабий жараённинг назарий муаммоларини урганиш ҳам А.н. доирасида амалга оширилади. А.н.нинг турли аспект ва булимлари орқали илгари сурилаётган гоялар доимий амал килинадиган конунлар деб қаралмаслиги керак. Чунки ўзгараётган дунёда ад-т ҳам узгармоқда, унинг имкониятлари көнтгайиб, ифода воситалари ранг-баранглашиши натижасида айрим назарий қоидалар тор келиши, айримлари эса истеъмолдан чикиши мумкин. Мас., шуро даврида А.н.нинг ўзак вазифаси сифатида идеологик устқурма белгиланган, нафакат ўз даври ад-тига, балки утмиш ад-тига муносабатда ҳам мафкуравий талқин етакчилик килган. Ўз замонига хизмат килиб, вазифасини угаб булган бу карашларни доимий суратда жорийлартиришга, адабийлаштиришга уриниш А.н. имкониятларини торайтиради. Шундай экан, А.н. ягона методология асосига қуриш, бир методни стакчи билиб, қолгандаридан воз кечиш ёки иккиласи ҳарактерда, деб талқин килиш мумкин эмас. Бирок бунинг аксига олиб, А.н. ягона умумадабий талаблари йўқ экан, деган гумонга ҳам бормаслик керак. А.н.га юкорида т.га олинган аспектлари ва масалалари жаҳондаги барча ад-тлар тажрибасидан келиб чиқиб, уларни назарий умумлаштирган ҳолда вужудга келган фан сифатида қаралиши керак. А.н. миллий ад-тшунослик ютукларига таянади, бироқ уни бир миллат ёки тил доирасида идентификациялаш ярамайди. Тарихда яратилган ҳар бир назарий рисола ёки ад-тшунослик асари А.н.ни бойитиб келган, шундай давом этади ҳам. Бирок А.н. тарихий поэтика конуниятларини айнан кабул қилмайди, балки даврлар синовидан ўғган карашлар, методологик аҳамиятга эга булган тизимлар ва келажакда ҳам адабий самара бсрдиган тажрибаларни назарий умумлаштириш йўлидан боради.

Фарбда илк А.н.га оид асар Арасту «Поэтика»сидир. Сунгра Буало, Дидро, Лессинг, Гердер, Гегел, Потебня, Веселовский в.б. олимларнинг ишлари мавжуд. XX асрда Россияда А.Н.Шалигин, И.Виноградов, Л.Тимофеев, Н.Гуляев, Г.Н.Поспелов, В.Е.Хализов, Н.Д.Тамарченко в.б. томонидан ёзилган А.н. фаол кўлланишда бўлган.

Мумтоз ад-тшуносликда назарий тамоилилар бевосита поэтика конуниятлари доирасида тараккӣ этган. Шунинг учун илми адаб таркибиға кирувчи: аруз, кофия ва балоғат (бад. санъатлар) илми ҳамда адабий навъ, шеърий шакллар назарияси ва амалиёти тажрибалари асосида шаклланган. Ўз-нда А.н.га оид Европа типидаги карашлар XX аср бошларида вужудга келган. Бу жиҳатдан проф. Фитратнинг “Ад-т қоидалари. Адабиёт муаллимлари ҳам ҳаваслилари учун кўлланма” (1926), Абдураҳмон Сайдийнинг “Амалий ҳам назарий ад-т дарслари” (1924) илк кўлланмалар хисобланади. Сунгра И.Султон (1939, 1980 ва 2004), жамоа тадқикоти сифатида 2 ж.да (1978) ва Ҳ.Умурев (2002) дарслкларининг А.н. тараккиётида муайян хизмати бор.

- Сорокин В.И. Теория лит-ры. М., 1960; Теория лит-ры в 4 т-х т. т.1. М.: Наука, 1962, т.4. 2001; Юдкевич Л.Г. Теория лит-ры в связи с проблемами эстетики. М.: 1970; Тимофеев Л.И. Основы теории лит-ры. М., 1976; Палиевский П.В. Лит-ра и теория. М., 1978; Поступов Г.Н. Теория лит-ры. М., 1978; Узлек Р., Уоррен О. Теория лит-ры. М.: Проресс, 1978; Ад-т назарияси. 1-2 ж. Т.: Фан, 1978; Хрестоматия по теории лит-ры. Сост. Л.В.Осьмакова. М.: Просвещение, 1980; Бушмин А.С. Наука о лит-ре. М.: 1980; Гуляев Н.А. Теория лит-ры. М., 1985; Волков И.Ф. Теория лит-ры. М., 1995; Томашевский В.Б. Теория лит-ры. Поэтика. М., 1996; Кормилов С.И. Основные понятия теории дит-ры. М., 1999; Sulton I. Adabiyot nazarlyysi. – Т.: O'qituvchi, 2005; Хализев В.Е. Теория лит-ры. М.: Высшая школа, 2002, 2005, 2010; Умурев Х. Ад-т назарияси. Т.: Шарқ НМАК, 2002; Семенов А.Н., Семенова В.В. Теория лит-ры: вопросы и задания. М., 2003; Современная литературная теория. Антология. М.: Флинта, Наука, 2004; У.Иглтон. Теория лит-ры. Введение. М., 2010.

«АДАБИЁТ НАЗАРИЯСИ» (Иззат Султон, 1939) – Үз-нда шу номда яратилған илк дарслік. Асосан, марксча методология асосында күрілған. Ад-тнинг ижтимоий масалаларига күп прок зәтибор қаратылған. XX асп 60-й.га қадар асосий құлланма сифатыда ұқитылған.

«АДАБИЁТ НАЗАРИЯСИ» (жамоа, 1978) – ҮзРФА Тил ва ад-т ин-ти томонидан нашрға тайёрланған иккى жылдлық жамоа тадқикоти. Акад. М.К.Нурмухамедов таҳрири остида нашр қилинған. “А.н.”нинг 1-ж. Адабий асар ва унинг бад. хусусиятларига бағищланған бўлиб, унда Ад-т ва ижтимоий хаёт, Ад-т спецификаси, Бад. образ, Характер ва шароит, конфликт, сюжет, композиция, бад. асар т., мазмун ва шакл бирлиги каби мавзуу ва назарий муаммолар акс этган. Муаллифлари: И.Султонов, М.Қўшжонов, П.Қодиров, С.Қосимов, У.Тўйчиев, Э.Каримов, Ж.Камол, Т.Расулов в.б. 2-ж. Адабий жараён, Адабий турлар ва жанрлар, Шеър тузилиши масалаларига бағищланған.

- ◆ Адабиёт назарияси. 1-2 т. Т.: Фан, 1978.

«АДАБИЁТ НАЗАРИЯСИ» (Иззат Султон, 1980, 1986, 2005) – олий ұкув юртларининг филология фак-тлари учун дарслік. “А.Н.” үз олдига қойыдаги вазифаларни күйганды: а) ад-тнинг мөхияти, унинг хусусиятлари ва тараққиёт йүллари хакида тасаввур бериш; б) ад-т хакидағы сиёсат б-н таништириш; в) талабаларни адабий асар ва ҳодисаларни мустакил түшунишга тайёрлаш. Үшбу вазифадан келип чиқиб, дарслік “Ад-т назарияси фан сифатыда”, “Ад-тнинг ижтимоий функцияси”, “Ад-тнинг спецификаси”, “Бадий асар”, “Адабий турлар ва жанрлар”, “Шеърий нутк”, “Ижодий метод ва услугуб” каби булимлардан иборат. Шура даври мағкурасини акс эттирғани учун мазкур дарслік мустакиллік даврида проф. Н.Каримов томонидан ислох килиниб, қайта нашрға тайёрланған ва чоп этилған (2005).

- Иззат Султон. Адабиёт назарияси. Иккінчі нашри. Т.: Ұқитувчи, 1986; Sulton I. Adabiyot nazarlyysi. Т.: O'qituvchi, 2005.

«АДАБИЁТ ПАРЧАЛАРИ» (1926) – адабий-бадиий мажмуа. Чулпон ва А.Зохирий томонидан тузилган (227 саҳифа). Мундарижада Бобурдан бир неча газал, Муқимийдан “Танобчилар” ҳажвияси, “Навбахор” ғазали, Чўлпондан 20, Ботудан 2, Рафик Мўъминдан бир достон ва 1 шеър, Ш.Сулаймондан 2, Файратийдан 2, турк, хинд ва рус т.дан Чўлпоннинг тарж.сидаги 3 та шेърлар; Чўлпоннинг 10 ҳикояси, А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романининг “Чакимчилик” боби, Л.Олимийнинг йул эсдаликлари, Олтой, И.Афғоний, К.Арслон, А.Розий, А.Зохирийнинг ҳикоялари ва Навоий ҳамда Форобийнинг тарж.и холлари чоп килинган.

- Ад-т парчалари (мажмуа). Т.: Ўздавнашр, 1926 (араб ёзувида).
- Чўлпон А. Асарлар. II жилд. Нашрга тайёрл. Д.Куронов. Т., 2012.

АДАБИЁТ ТАРИХИ – инсоният тарихининг бир кисми, маданий тарих таркибида қаралади. Инсоният тарихи эса бир неча турларга: фукаролик тарихи, давлатчилик тарихи, маданий тарих в.б.га ажралади. Сунгтиси, яъни маданият тарихи санъат тарихи, шаҳарлар тарихи в.б. кисмларга бўлинади. Маданият тарихининг энг унумли соҳаларидан бири санъат тарихидир. Бу тарих, ўз навбатида, санъатнинг турларидан келиб чиқиб: мусика тарихи, рассомчилик тарихи, ҳайкалтарончилик тарихи, ракс тарихи в.б. каторида А.т.га алоҳида эътибор берилади. Демак, у ҳалқ маданий тарихининг ҳаракатдаги муайян бир кисми сифатида англашилади.

А.т. илк бадиий асарлар (дастлаб оғзаки шаклда ёки мифик тафаккур асосида)дан тортиб ҳозирга қадар ўтган адабий-бад. асарларга, яъни ўтмиш ад-тига нисбатан кулланилади. Турли миллий ад-тларнинг тарихан ўзига хослиги, тараккиёт тамойиллари, адабий авлодлар ўзгариши в.б. адабий ҳодисаларни тарихий жараёнда тадқиқ этади. Конкрет адабий асарлар якка шахслар томонидан яратилган бўлса ҳам ёзув ҳали шаклланмаган дастлабки даврда жамоавий ҳаракетсрга эга бўлган. Яъни бир истеъодод томонидан яратилган бўлса, у оғиздан-оғизга ўтиши билан бойиган, сайқалланган ва анонимлашган, натижада жамоавий ҳаракет касб этган. Шундай экан, адабий асарнинг яратувчиси бир шахс бўлиши мумкин, лекин А.т.нинг яратувчиси бир киши бўлолмайди. Ад-т ҳалқ томонидан яратилади. Қайси ҳалқ вакиллари истеъододлироқ бўлса, улар ўз истеъодига яраша кучлироқ (бад. жиҳатдан) асарларни эртарок яратганлар. А.т.даги асарлар, муаллифлар ижодига баҳо берганда уларнинг ўзларигача ўтган ад-тга қандай янгилик қўшганлари ёки мавжуд адабий ҳодисаларнинг кай жиҳатини янгилаганига караб баҳо берилади.

А.т. жамият тарихи таркибида тушунилар экан, у миллий ҳаракетсрга эга. Шунга кўра, ўзбек ад-ти тарихи, рус ад-ти тарихи... каби миллат маданий тарихи б-н боғлиқ тараққий этади. А.т.ни ўрганишда тарихийлик тамойилига асосланилади, яъни адабий манбалар, сиймолар ва ҳодисалар хронолоник тартибда ўрганилади. Ад-т тарихини даврлаштириш, адабий мухит, ад-т ривожига таъсир кўрсатган мантакавий манбалар ҳам шу соҳа доирасида таҳлил килинади. Миллий А.т.ни яратиш XX аср бошига тўғри келди. Бирок

бунга қадар яратилған мұмтоз ад-тшуносликдаги тазкира, рисолалар хамда бад. ва тарихий асарлар таркибидаги лавҳалар А.т.нинг яратилишига асос булиб хизмат килди. Үзбек ад-ти тарихининг яратилишида проф. Фитратнинг “Эң эски түрк ад-ти намуналари” (1927), “Үзбек ад-ти намуналари. 1-ж.” (1928) бу йұналишдаги илк құлланмалар саналады. Шунигдек, А.Саъдий, О.Шарағиддинов, П.Шамсиев, В.Зохидов, А.Қаюмов, А.Хайитметов, А.Абдуғафуров, Р.Орзебеков в.б.нинг ад-т тарихига оид ишлери ахамиятлидер. Узок й.лар олий үқув юртларыда Н.Маллаев, В.Абдуллаев, Ф.Каримов томонидан яратилған “Үзбек ад-ти тарихи” асосий дарслық сифатида құлланылды.

♦ *Фитрат. Үзбек ад-ти намуналари. 1-ж. Т.-С., 1928; Т.: MUMTOZ SO'Z, 2013; Маллаев Н. Үзбек ад-ти тарихи. 1-китоб. Т., 1966; Абдуллаев В. Үзбек ад-ти тарихи. 2-китоб. Т., 1967; Каримов Р. Үзбек ад-ти тарихи. 3-китоб. Т.: Үқитувчи, 1971; Үзбек адабиети тарихи. 5 жылдик. Т.: Фан, 1978. Валихұјсаев Б. Үзбек эпик поэзияси тарихидан. Т., 1978; Хайитметов А. Темурийлар даври адабиети. Т.: Фан, 1996; Vohidov R., Eshonqulov N. O'zbek mumtoz adabiyoti tarixi. Т., 2006.*

АДАБИЁТ ХРЕСТОМАТИЯСИ – бад. ёки илмий-танқидий асарлар асосида тузилған тұғлам, мажмua, антология. А. мажмuaлары түзиш қад.дан урғ бұлған. Унинг илк намуналари қад. юонон ва Рим ад-тида учрайди. Мұмтоз ад-тда түркій т.даги илк А.х. Махмуд Коғарийнинг “Девону луготит түрк” асари таркибидадыр. Гарчи тильтунослик йұналишида тузилған бұлса хам, адабий мажмua сифатида түркій т.да яратилған үндап ортиқ жанрларға мансуб адабий асарлар жамланған. Мұмтоз ад-тшуносликдаги бағылар А.х.нинг классик намуналари саналады. Мажмua ва басылар, одатда, хронологик ёки мавзуулар бүйіча тартибланған, алифбо гарзида (муаллифларининг исми, шарифлари бүйіча) тузилғанлары хам мавжуд. Педагогик йұналишдаги А.х.лари муайян мактаб ёки синф үқувчилари учун дарслық ва құлланмаларға илова равища, үкиш китоблари тархыда тузилған.

Үз-нда XX аср бошида жадид мактаблари, мадраса тизими ва олий үқув юртлари учун маҳсус А.х. тузилиши үйләгүйилған. Бундай А.х.нинг илк намунаси Мұнавваркорининг “Адаби соний” (1907-16), Фитратнинг “Үқув” (“Укиш”, 1917) китоби булиб, “Бириңчи бұлак. Ибтидоий мактабларнинг сұнг синфлари учун” деган изох б-н чоп қылғанған. А.Авлоний эса “Иккінчи мұаллім” (1912-16), “Мактаб гулистони” (1916), үрта мактабларнинг 7-синфи учун «Ад-ти хрестоматияси» (1933) тұзған. Ад-ти тарихини изчил үрганишта қаратылған хрестоматия (мажмua)лар Фитрат томонидан тузилған. “Эң эски түрк ад-ти намуналари” (1927), “Үзбек ад-ти намуналари. 1-ж.” (1928)да “Девону лугатит түрк” ва үндап кейин яратилған адабий манбалардаги бад. асарлар жамланған.

♦ *Фитрат. Үқув. Бириңчи бұлак. Ибтидоий мактабларнинг сұнг синфлари утун. Боку, 1917; / Танланған асарлар. 4-ж. Т: Маянвият, 2006. Б.88-116; Эң эски түрк ад-ти намуналари. Самарқанд-Т., 1927; Т.: MUMTOZ SO'Z, 2008; Үзбек ад-ти намуналари. 1-ж. Т., 1928; Т.: MUMTOZ SO'Z, 2013;...*

♦ *Долимов У. Миллий үйғониш педагогикаси. Т.: Ношир, 2012;*

АДАБИЁТ ҚОИДАЛАРИ – гуманитар йұналишдаги академик лицейлар учун үқув предметі, назарий фан. Үз-нда “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” (1997)га асосан таълим тизимінде кирилл тәсілінде жазылған. Ҳ.Болтабоев томонидан түзилганды “Адабиёт қоидалари / Академик лицейлар учун үқув дастури” (1999, 2001-2006)га мувоғиқ тарзда маңруза ва амалий машғулот дарслары олиб борилади. Ҳ.Умурев томонидан ёзилгандар слек (2002) асосий үқув құлланмасы бўлиб хизмат килади. Унда ад-тшунослик фан сифатида асосланиб, бад. адабиёт санъатнинг тури сифатида, бад. ад-т хусусиятлари, адабий жараён конуниятлари ҳамда адабий тур ва жанрлар хусусида дастлабки маълумотлар берилган.

◆ *Болтабоев Ҳ. Адабиёт қоидалари // Академик лицейлар учун үқув дастури. Т.: 1999, 2001-2006; Умурев Ҳ. Адабиёт қоидалари. Т.: О'qituvchi, 2002.*

«АДАБИЁТ ҚОИДАЛАРИ. Адабиёт ҳаваслилари ҳам мұаллимлари учун құлланма» (1926) – Фитрат асари. XX аср бошида яратылған ад-тшуносликка оид илк назарий құлланмалардан, араб алифбоси асосидаги ислоҳ килинган узбек ёзувида чоп килинган.

“А.к.” санъат ва ад-т ҳақида умумий маълумот б-н очилған. Сұнгра шеърга таъриф бериліб, “Езиш қоидалари” умумий сарлавхада остида мавзуу, мундарижа, тартиб (сюжет), услугуб каби тушунчаларга шархлар берилған. Наср ва назм тушунчаларини “соғым ва тизим” номи б-н соғи түркча сұзлар оркали ифодалаган. Құлланмада шеър вазнлари ҳақида муфассал маълумот беріл, бармок ва аруз вазнлари, уларни хосил килип үйлары, шеър үлчови амалиёти каби масалаларни чукур тушуптирган. “Тизим шақллари” сарлавхаси б-н ғазал, касида, китъя, маснавий, робойи, мустазод, мусаммат, таржиъбанд ва таркибанд каби жанрларга таъриф ва мисоллар берилған. Фитрат услугуб тушунчасига чукур әндашиб, унинг умумий ва хусусий ҳолларини белгилайди. Услуб назариясига умуман тұхталған ҳолда “хусусий ҳоллар” сифатида сифатлаш, үхшатиш, истиора, киноя, мажоз, жонлантириш, муболага каби бад. нутк воситаларини тушунтиради. Асарда “адабий асарларнинг турлари” номи остида ривоя (эпос), юракчилик (лирика) ва үзбек томоша (драма) каби адабий турлар ва уларға мансуб жанрларни таснифлайди. Құлланманинг “Ад-тдаги оқим истилохлари” булимида XX аср бошларыда Европадаги мавжуд адабий оқим ва йұналишлар мөхияттінін анатолия, уларға үзбек ад-тидан мисоллар келтириади. Бу мұъжаз құлланма үз даврида ад-тшуносликка оид боплангич маълумот берувчи илк дарслек вазифасини үтаган.

◆ *Фитрат А. Адабиёт қоидалари. Адабиёт ҳаваслилари ҳам мұаллимлари учун құлланма. Т.-С., 1926; / нашрға тайёрл. Ҳ.Болтабоев. Т.: Үқитувчи, 1995; Таипланған асарлар. 4-ж. Т.: маънавият, 2006. Б.11-88.*

• *Ойбек. Ад-т қоидалари // Кызыл Үзбекистон. 1926. 8 декабр; Дұстқораев Б. Ад-т назариясига оид илк асарлар / Үзбек ад-ти масалалари. Т.: ТошДУ Илмий асарлари, 1986. Б. 47-51; Болтабоев Ҳ. Қатагон килинган илм. Т.: Хазина, 1996.*

«АДАБИЁТИМИЗ АВТОБИОГРАФИЯСИ» (1973) – XX аср ўзбек адиллари томонидан ёзилган автобиографиялар тўплами. Китобдан Ҳамза, С.Айний, Ойбек, Ф.Фулом, А.Қаҳхор, Уйгун, Гайратий, Миртемир, М.Шайхзода, Зулфия, М.Шевердин, Т.Фаттоҳ, Ҳабибий, М.Бобосев, А.Мухтор, Ҳ.Ғулом, Р.Бобоҷон, Мирмуҳсин, Шукрулло, Т.Тўла, С.Зуннунова, Чархий, Ж.Жабборов таржима ҳоллари ўрин олган.

♦ Ад-тимиз автобиографияси. Тўл. ва сўз боши муал. Л.Қаюмов. Т.: Fafur Fulom nomidagi Ad-t va san'at nashr., 1973.

«АДАБИЁТИМИЗ ФАХРИ» (2007) – Абдулла Қаҳхор таваллудининг 100 йиллигига бағишланган хотиралар ва маколалар тўплами. Тўпламдан Ойбек, К.Симонов, Л.Ленч, Б.Полевой, Сайд Аҳмад, Шуҳрат, О.Шарафиддинов, М.Қўшжонов, О.Ёкубов, П.Қодиров, Ш.Юсупов, Ӯ.Умарбеков, Э.Воҳидов, Ӯ.Хошимов, У.Норматов, Н.Каримов, Б.Назаров, И.Ғафуров, И.Ҳаккул, А.Расулов, Ҳ.Болтабоев, А.Умаров, Й.Солижонов, Ҳ.Абдусаматов, Ш.Турдиев, О.Абдуллаев, Д.Куронов, У.Қосимов, Б.Карим, Н.Жабборов, Р.Тожибоев, А.Улуғов, З.Ҳамидов, Н.Жалолованинг хотира ва мақолалари; Абдулла Орипов, Абдулла Шер ва Сирожиддин Сайид шеърлари ўрин олган.

♦ Ад-тимиз фахри. Хотиралар, мақолалар. Тўпл. ва нашрга тайёрл. У.Норматов, Б.Каримов. Т.: O'zbekiston, 2007.

«АДАБИЁТИМИЗНИНГ ЯРИМ АСРИ» (1967, 1975) – мақолалар тўплами. Шўро даврида Октябр ўзгаришининг 50 йиллигига бағишланган мақолалар тўплами 1967 й.да Тошкентда чоп этилган (1-китоб).

2-китобдан Комил Яшин, Ҳамид Ғулом, Л.Қаюмов, Г.Владимиров, Ҳ.Абдусамадов, Ф.Каримов, А.Қаюмов (Биринчи бўлим), С.Мамажонов, С.Мирвалиев, И.Ғафуров, А.Рашидов, Н.Нарзуллаев, П.Шермуҳамедов, Н.Каримов, Р.Иногомов, Т.Солихов, У.Норматов, М.Алимов (Иккинчи бўлим), А.Акбаров, Н.Худойберганов, Ҳ.Ёкубов, О.Тоғаев, Н.Норкулов, М.Юнусов, М.Қушжонов, Ф.Насриддинов, М.Махмудов (Учинчи бўлим) мақолалари ўрин олган.

♦ Ад-тимизнинг ярим асри. Т.: Fafur Fulom nomidagi Ad-t va san'at nashr., 1967;

Ад-тимизнинг ярим асри. Мақолалар тўплами. Т.: Fafur Fulom nomidagi ad-t va san'at nashr., 1975.

АДАБИЁТЛАРАРО МУШТАРАКЛИК – бир неча миллий ад-тлардаги алоҳида адабий ҳодиса, қаҳрамон ва ифода хусусиятларининг ўхшашлиги. Турли мамлакатлардаги адабий қарашлар яқинлиги ва уларнинг типологик ўхшашлиги Ад.м. асосида тушунилади. Бир мамлакатда яшаган бир неча т.даги ад-тларда ёки ўша мамлакатдан ташқаридағи бегона ад-т алоҳида шахсларнинг кизикиши ёки бошқа ад-тларда кузатилган кучли истеъодлар ўз асарлари б-н ўша мамлакат ад-тига таъсир этиши мумкин. Ҳатто ўхшаш қаҳрамонлар, ўхшаш сюжетлар, тасвир ва ифода ҳамда услубдаги яқинликлар кузатилиши мумкини, бу холат Ад.м.га асос бўлиши мумкин.

Дунё ад-тинг структурасини ўрганганда Ад.м. анча ёркин кўзга ташланади. А.Н.Веселовский томонидан илгари сурилган, В.М.Жирмунский томонидан тўлдирилган мотив ва сюжет муносабатлари билан айтилган карашларни ёдга олиш мумкин. Бир хил ижтимоий шароитда яшаган халкларда ўхшаш мотивлар ўз-узидан туғилиши мумкин, бирок сюжетлар бири иккинчисига ўтиши, алоҳида ижодкорлар заковати б-н бойиши, янги аспектда янгича муносабатларга сабаб булиши мумкин. Айникса, глобаллашув даврида ягона ахборот худудида Ад.м. юзага чикиши мумкин бўлган қонуний адабий ходисадир.

- Взаимосвязи и взаимодействие национальных лит-тур. Материалы дискуссии. М., 1961; Конрад Н.И. Запад и Восток. М.: Наука, 1966; Проблемы современного сравнительного лит-ведения; К вопросу о лит-ных связах; О лит-ном «посреднике» / Изб. Труды. М.: Наука, 1978. С.29-72; Ломидзе Г. Буюк муштараклик туйгуси. Т., 1978; Сулейманова Ф. Восток и Запад. Т.: Изд. им А.Кадыри, 2000.

АДАБИЁТШУНОСЛИК – бад. ад-тинг вужудга келиши, тарихий тараккїти, моҳияти ва алоқаларини кўп тармоқлар оркали ҳар томонлама ўрганувчи қад. филологик фанлардан бири. А. ўзига хос фан сифатида амалиётда ўз обьекти – сўз санъатидан узоклашмаган ҳолда унинг қонуниятлари асосида бад. матнни тадқик қиласди. А. кўлами кенг булиб, бад. тафаккур спецификаси ҳақидаги билимлар, адабий ижод генезиси, таркиби ва вазифалари; адабий жараённинг умумий коидалари в.б.ни ўрганади. Тор маънода бад. ад-т ва ижодий жараённинг тамойилларини ўрганувчи фандир.

Анъанавий А. ўзаро мустаҳкам алокада бўлган *ад-т тарихи, назарияси ва адабий танқид* асосида таркибланиди. Шунингдек, уларга муносабатда мустакил тарзда шаклланган ад-тлик методологияси ҳам мавжуд. Шунинг учун ҳам улар А.нинг “асосий соҳалари” деб юритилади. Бу бевосита конкрет адабий-тарихий фактлар ва улар ўзаро алокадорлигининг кенг жабҳалари булиб, адабиёт тарихи номи б-н марказлашади. Шу б-н бирга, ад-т назарияси ёки назарий ад-тшунослик ҳам мавжуд булиб, у адабий ҳаётнинг умумий қонуниятлари ва биринчи навбатда, адиллар ижодини ўрганишга киришади. Ад-т назарияси ад-т тарихи тўплаган материалларни умумлаштиради, конкрет адабий тадқикотлар сари йўналтиради, унга тадқикий характер беради. А.нинг бу соҳалари бири иккинчисиз яшай олмайди, уларнинг бири бошқасига материал бўлса, иккинчиси биринчисига назарий йўлланма булиб хизмат киладики, демак, уларга яхлит бир умумий тизимдаги фанлар сифатида караш керак бўлади.

Шунингдек, А. шаклланишига хизмат килган матншунослик, маибашунослик, адабий ўлкашунослик (ареал А.), библиография, эвристика, палеография, адабий шарх, хронология каби соҳалар ҳам А. таркибига киради. Чунки уларнинг иштирокисиз А. тараккий эта олмайди. Бу фанлар А.га “асос бўлувчи, ҳаёт таъминловчи, таянч соҳалари хисобланади” (А.Прозоров). “Бу соҳалар А. учун ҳам базавий, фундаментал ва фактографик ҳамда эмпирик жиҳатдан истиқболидир” (В.Хализов). Бугунги кунда уларни ёрдамчи фанлар деб аташ мушкул.

А. профессионал истилохга кўра, XIX аср бошларида вужудга келган бўлса ҳам, унинг илдизи илк мифик тафаккур намуналарига бориб тақалади. Мифологик талкиннинг мавжуд бўлганининг ўзи ад-тшуносликнинг кадимдан мавжудлигини исботлайди. А. дастлабки босқичда (Гомер асарларига бўлган муносабатда ва Гомергача бўлган даврда) баҳоловчи характерда яшаган бўлса, эллинизм даврида филологиянинг бир кисми сифатида, фалсафий тараккиёт давомида (Афлотундан Гегелга кадар) фалсафанинг таркибида қаралиб келинди. Ниҳоят, Гердер тълимоти оркали А. тарихий тизимга эга бўлган мустақил фан сифатида номланиб (поэтика, риторика, эстетика деб эмас), ўз номи б-н аталадиган бўлди.

А. фан сифатида илмий фаолият соҳиблари б-н ижодкорлар оламини ўзаро боғлаб, ижодий ютуклардан илм тараккиёти учун фойдаланар экан, у иш кўраётган тушунча ва истилохларда ҳар хиллик кузатилиши мумкин. А. даги терминологик чалкашликларнинг олдини олиш, тушунча ва истилоҳларни идентификация килиш, адабий таҳлил ва жараёндаги энг зарур ва ижтимоий аҳамиятли ҳодисаларга таяниб иш кўриш бугунги адабиёт илмининг вазифаларидан.

А.ни бугунги кунда мафкуравий тазик, соцреализм каби методологик сикув ва юкоридан бошқарилиш жиҳатларидан холи бўлган, эстетика, лингвистика, фалсафа, тарих, руҳшуносликдан ташқари кибернетика, семиотика, синергетика в.б. фанлар б-н эркин алоқага киришади. Лекин мифопоэтикани устувор кўйиш, постмодернизм шароитида “адабий ўйин назарияси”га айланиш, постфрейдизмдаги “пансексуализм”, оммавий ад-т каби салбий ҳолатларни А. назарий жиҳатдан оқлашни ўз зиммасига олмаган.

- Верли М. Общее лит-ведение. М.: Иностр. лит-ра, 1957; Хрестоматия по теоретическому лит-ведению / Подг. И.Чернов. Тарту, 1976; Бушмин А.С. Наука о лит-ре. М., 1980; Вопросы литературоведения. Хрестоматия. – М.: 1992; Прозоров В.В. О составляющих современного лит-ведения // Филология. Саратов, 1996; Современное зарубежное лит-ведение. Страны Западной Европы и США. Концепции, школы, термины / Сост. И.П.Ильин, Е.А. Цурганова. М., 1996; Литературоведение на пороге XXI века. М., 1998; Лит-ная энц-я терминов и понятий / Сост. А.Н.Николюкин. М., 2001; Лит-ведение как проблема. М.: Наследие. 2001; Хализов В.Е. Теория лит-ры / Введение. М.: Высшая школа. 2005. С.7-13.

– асослари – бад. ад-тни ўрганиш, таҳлил ва талкин этишда дастлабки маълумотлар, истилоҳлар мөҳияти, назарий конуниятларни амалда таҳлил жараённига татбик килиш каби масалалар б-н шуғулланувчи соҳа. Бад. ад-т тез ўзгарувчан санъат тури экани ҳисобга олинган ҳолда, ўзгарапттан жараёндаги адабий ҳодисаларни ўрганиш учун ҳам йўлланма берилади.

А.а. ўз таркибига бад. асар ҳакидаги маълумот, ад-т спецификаси, бад. шакл ва мазмун муносабати ва уларнинг компонентлари, поэтика асослари, жумладан, адабий тур ва жанрлар, шеършунослик, адабий тил, услуг хамда адабий жараён масалаларини олади. Айрим манбаларда адабий-танкидий тафаккур тараккиётининг асосий босқичлари ҳам А.а. сифатида тавсия этилади.

“А.а.” фан (үкүв предмети) сифатида педагогик олий таълим муассасаларида, ун-тлардаги “Адабиётшунослика кириш” курси каби таълим жараёнининг бошланғич даврида ўқитилади.

- Бобоев Т. Ад-тшунослик асослари. Т., 1996; Основы лит-ведения / Под ред. В.П.Менцерякова. М.: ДРОФА, 2003.

~ **методологияси** – бад. ад-тни ўрганувчи турли методлар тизими. Ад-тшунослик таркибиға киравчы барча фанларнинг тадқик этиши усулларининг йигиндиси. Ад-тшуносликдаги таҳлил тамойиллари ва бад. ўзлаштириш усулларини изчил бир тизимга солади. Бад. асарларга нисбатан турлича ёндашувлар: социологик, гнесеологик, тарихий-маданий, киёсий-тарихий, биографик, онтологик в.б. йұналишдаги тадқикотларнинг умумий бир тизимини белгилаган ҳолда, бад. ад-т таҳлилига багишланған бир катор методларни ўрганиб, улар орасидан мавжуд адабий жараён учун мәқбулларини тавсия килади. Ад.м. томонидан тавсия этилган методлар орасида нисбатан күп құлланилғандар: биографик, социологик, формал, структурал, психологик, киёсий-тарихий методлар хисобланади. Яна қ.: Метод.

- Вопросы методологии литературы. М.-Л., 1966; Бушмин А.С. Методологические вопросы литературоведческих исследований. Л.: Наука, 1969; Борев Ю. Искусство интерпретации и оценки. М., 1981; Фридландер Г.Н. Методологические проблемы литературоведения. Л., 1984; Медведев П.Н. Формальный метод в литературоведении. М., 1993; Андреев А.Н. Методология литературоведения. Минск, 2000; Каримов Б. Ад-тшунослик методологияси. Т.: Мухаррим, 2011.

~ **назарияси** – ад-т илмиға оид энг умумий қоидалар, адабий жараённинг назарий масалалари, бад. ижод фалсафаси ва психологияси в.б. назарий муаммоларни ўрганувчи фан. Ўз-ндаги олий таълим муассасаларида А.н. үкүв предмети сифатида иккі боскичли килиб тавсия этилған. Давлат таълим стандарти ва үкүв режасига кұра А.н.: “Ад-тшунослик кириш” ва “Ад-т назарияси” каби фанларнинг жамланған сифатида ўқитилади.

- Теоретико-литературные итоги XX века: Т.1.; Художественный текст и контекст культуры: Т.2. М.: Наука, 2003; Үмурғұл Х. Ад-тшунослик назарияси. Т., 2004.

~ **тарихи** – А.нинг вужудға келиши, шаклланиш манбалари, тарихий тараққиёт тамойилларини ўрганувчи фан. А.т.нинг мәксади жағон эстетик тафаккури ва адабиётшунослиги эришган ютукларни замон талаблари нұктаи назаридан ўрганиш; адабий-назарий тафаккур тараққиётдеги даврий боскичларнинг мөхиятті аниклаш; Шарқ ва Farb тафаккурлараро муштарақ ва фарқли жиҳатларга типологик ёндаши; қадимғи давр, ўрта асрлар, Уйғониш хамда XVI асрдан кейин яратылған адабий-назарий манбаларни ўрганиш, адабий йұналиш ва оқымларнинг адабий тафаккур тарихидаги ўрнини белгилаш; XX аср янги давр адабиётшунослигининг вужудға келишида омил болған назария ва концепцияларнинг адабиёт тарихидаги ўрнини белгилашдан иборат. А.т. таркибида, шунингдек, А. нинг илмий тизим сифатида шаклланиши тарихи, мавжуд академик мактаблар, системалар ва назарий концепцияларни ҳам ўрганиш киради.

А.т. айрим ад-тларда бир миллатга мансуб ёки муайян адабий тилда яратилган манбалар асосида шакллантирилгани, Рус а.т., Ў.ат. тарзida үкув ад-тлари тузилгани айтилади (ЎзМЭ).

А.т.ни ўрганища худди бад. ад-т тарихи каби даврлаштириш тамойилларига суюнилади, давр (стадия, эпоха, период) тушунчасининг моҳиятини англаш орқали А.т. тараккӣёт тамойиллари белгиланади. *Ад-тишуносликда мифик тафаккур манбалари, тарихий ва диний ёдгорликлар таркибидаги адабий-назарий тасаввурлар* ҳам А.т.нинг илк босқичи сифатида карапади. Шу жиҳатдан, илк адабий таълим ўчоқлари бўлмиш Миср, Шумер, Ҳиндистон ва Хитойдаги ёдгорликлар таркибидаги назарий қарашлар, «Билгамиш» (шумер), “Ригведа”, “Махобхорот”, “Рамаяна” (хинд) асарларида баён қилинган фикрларга ҳам А.т. манбалари сифатида карапади. Хитойда Конфуций таълимоти, Осиё мамлакатларида Будда, монийлик в.б. диний инончлар таркибида ҳам муайян маънода эстетик-ахлоқий қарашлар мужассамлангани маълум.

Европа ад-тишунослиги антик ад-т манбаларига таянган ҳолда шакллангани учун кад. юон олимларининг эстетик қарашлари, хусусан, Суқрот, Афлотун асарлари ад-тишунослик тарихи учун муҳим манбадир. Чунки улар замирида илк адабий асарлар, Ҳомер, Эзоп, Эсхил, Эврипид, Аристофан, Пиндар каби ижодкорларнинг асарларига муносабат ётибди. Жаҳон мумтоз ад-тишунослиги тарихига асос бўлган манба сифатида Арасту таълимотига ёндашиш зарур. Арастунинг “Поэтика”, “Риторика” сингари илмий рисолаларида бевосита бад. асар табиати, унинг *мимесис ва катарсис* ҳолати, адабий тур ва жанрлар, ҳарактерлар, бад. нутқ шакллари каби бадииятнинг ўзак масалалари ўз аксими топган. Қад. Римда Вергилийнинг адабий асарлари таркибидаги қарашлар, Плотин ва янгиафлотунчилик эстетикаси, Луций Сенека таълимоти ҳамда Псевдо-Лонгиннинг адабий юксаклик ҳакидаги асарлари антик ад-тишуносликнинг кейинги тараккӣётини белгилабгина қолмай, балки А.т. ўрта асрлар б-н боғловчи муҳим кўприк вазифасини ҳам ўтайди.

Марказий Осиёдаги эстетик тафаккур сарчашмалари А.т.да муҳим омил саналади. Бу жараёнда қад. буюм ва ашёларда, турли расм ва чизмаларда муҳрланган аждодларимиз адабий тасаввурлари кейинчалик яратилажак бад. асарларга асос вазифасини ўтаган. Тил тафаккурнинг реаллашув шакли сифатида сака (скиф), хунн, сугд, оромий т.даги ёзма манбалар ҳам А.т.нинг илк даврини тиклашда алоҳида аҳамиятга молик. “Авесто”да эзгу сўз поэтикаси мужассам бўлиб, ундаги эзгу фикр, эзгу сўз ва ҳаракат ҳакидаги таълимот А.т.нинг тараккӣётида, бад. асарлар поэтик хусусиятларининг жамланишида муҳим омил хисобланади. Марказий Осиё ва қад. Эронда яратилган адабий-бадиий асарлар “Авесто”дан олинган фикр, сюжет ва талқинлар асосида бад. баркамоллик қасб этган.

Ўрта асрлар, Фарbdаги манбаларда, асосан, жаҳолат ва инквизиция даври сифатида карапади. Ҳолбуки, ўрта асрларда дунё тамаддунининг бешиги

Ислом Ренессанси (Адам Мең) булган. Исломга қадар араб (жоҳилия даври) ад-тшунослигига айрим эпик ва шеърий жанрлар мавжуд бўлган бўлса ҳам улар мусулмонликдан кейин муайян назарий ва илмий моҳият касб этди. “Илми адаб” деб номланган гуманитар фанлар тизимида филологик илмларнинг жамланиши ва илмий моҳиятига кўра таснифланиши айнан ислом олимлари томонидан амалга оширилган. Илми адаб таркибида Аруз илми нафақат шеършуносликда, балки адабий жанрлар таснифида ҳам ўз ўрнига эга. Аруз илмининг шаклланишида араб олими Ҳалил ибн Аҳмад ва унинг шогирди Ахфашнинг илмий карашлари асос бўлиб хизмат қилади. Ҳалил ибн Аҳмаднинг “Айн китоби” бизгача тўла ҳолда етиб келмаган бўлса ҳам, унинг шогирди Ахфаш талқини туфайли аруз илмининг сакланишига ва минг ийллар давом этишига имкон берган. Марказий Осиёда аруз илми тараққиётида Форобий таълимотида араб ва юони поэтикаси, Беруний асарларида араб ва хинд шеършунослиги ўзаро киёсан ўрганилган. *Форс арузининг тараққистида Шамсиддин Қайс Розий, Носируддин Тусий, Сайфий, Юсуфий в.б.* олимларнинг назарий карашлари ўз таъсирини кўрсатган. *Туркий аруз* манбалари сифатида биз Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунуну-л-балоға” (“Балоғат фанлари”) асарига, Алишер Навоийнинг “Мезону-л-авzon” (“Вазнлар ўлчови”) ва Бобурнинг “Аруз рисоласи”га мурожаат киламиз. XIX охири ва XX аср боши аруз илмининг тараққиётида Фурқатнинг “Илми шеърнинг қоиди авзони” (“Шеър илмининг вазн қоидалари”) рисоласи, Фитратнинг “Адабиёт қоидалари” ва “Аруз ҳакида” асарларида янги давр мезонлари билан боғланган аруз ва бармок муносабатлари ўз аксини топган.

Адаб илмлари таркибида бад. санъатлар қад. ўз ўрганилиш обьектига эга. “Балоғат илми” тушунчиаси кенг маънода илми адаб таркибига кирган фанларга нисбатан кўлланилган бўлса, тор маънода, асосан, бад. санъатларни англатади. Бу илмнинг шаклланиши ва Шарқ шеъриятида қарор топишида араб олими Ибн Мұтәззининг “Китобу-л-бадеъ” (“Бадиият илми”) рисоласи, форс т.да яратилган Умар Родуённийнинг “Таржумону-л-балоға” (“Балоғат таржимони”), Рашидиддин Ватвотнинг “Ҳадойику-с-сехр” (“Сехрли боғлар”) асарларида юздан ортиқ бад. санъатларнинг назарий асослари кўрсатилган. Айни илм ривожида Атоуллоҳ Ҳусайнининг “Бадоъеу-с-саноеъ” (“Бадиий санъатлар” асари узининг мукаммаллиги б-н ажralиб туради. Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асарида адаб илмлари таркибига кирган беш назарий фан – шеър навлари (1), кофия илми (2), бадиият (3), аруз илми (4) ва муаммо (5)га доир ўз назарий ечимини топган. Асарнинг туркий т.да яратилиши ва ундаги мисолларнинг асосан турк ад-ти намуналаридан келтирилиши XV асрда ёки туркий адабиётшунослик ўз илмий ўзанини топганини исботлайди. Кофия илми араб олими Кудама ибн Жаъфар томонидан илмий асосланган бўлса ҳам унинг тараққиёти ўртаосиёлик комусий олимлар Абу Абдуллоҳ Ҳоразмий, Юсуф Саккокий кабиларнинг комусий лугатларида ўз аксини топган. Бу йўналишда Абдураҳмон Жомий “Илми кофия” номли маҳсус рисола битган.

Жаҳон А.т.да тазкирачилик алоҳида мавкега эга. Чунки ад-тшунослик таркибидаги ад-т тарихи, ад-т назарияси ва адабий танқиднинг вужудга келиши ва тараккий этиши Шарқ тазкирачилиги андозаларига асосланган. Тазкирачилик тарихи шоирлар тазкираси, валийлар тазкираси, дабирлар ва адиллар ёки олимлар тазкираси каби турларга булинади. А.т.да тазкирату-ш-шуваро (шоирлар тазкираси) ва тазкирату-л-авлиёлар ахамиятидир. Тазкиралар муаллифга замондош бўлган ижодкорлар таржимаи ҳоллари, ижоди ва адабий жараёндаги ўрнини аниклашда ёрдам бериши, адабий мухит моҳияти ва қарори масалаларини тадқик этиши ва адабиёт тарихининг у ёки бу муаммоларини сритишда фойдали усулларни тавсия этиши жиҳатидан А.т.ни тўлдиради. Илк тазкиралар Жумахий, Ибн Кутайба ва Ибн Мұттазз томонидан араб т.да ёзилгани маълум. Бу тазкираларда қад. шоирлар ижодига ёътибор каратилган булиб, асосан, шеърий намуналар унтулиб кетмаслиги назарда тутилган, шоирлар шахсияти ва қасрдан эканлигига ҳамда мукаддималарда шеър ва шоирлик ҳакида назарий фикрлар берилган. Марказий Осиёдаги ilk тазкира араб т.да тузиленган, унинг муаллифи Абу Мансур ас-Саолибий булиб, “Йатимат ад-даҳр” (“Давр дурданалари”) деб номланади. Форс т.даги ilk тазкира Авғий Бухорий (1171–1233)нинг “Лубобу-л-албоб” (“Билимлар магзи”) асари булиб, унинг ёзилиши Бухоро ва Хоразмда бошланиб, 1222–23 й.да Ҳиндистонда якунланган. Туркий т.даги дастлабки тазкира Алишер Навоийнинг “Мажолису-н-нафоис” (“Нафислар мажлислари”) асаридир, бу тазкира XV асрдаги Ҳурросон, Мовароуннаҳр ва кисман Кичик Осиё ҳудудидаги адабий ҳаёт масалалари түгрисида мукаммал маълумот беради. Навоийдан сўнг Ҳирот тазкирачилик мактаби анъаналарига кўра туркий т.да элликка яқин тазкира яратилган булиб, улар уз даврларининг мухим ад-тшунослик манбалари саналади. Ўз-нда Навоий анъаналари руҳидаги тазкирачилик XX асрга қадар давом этган. П.Қайюмовнинг “Тазкира Қайюмий” (1960) асари маълум маънода мумтоз тазкирачиликнинг сўнгти намунасидир. Тазкирачилик Озарбайжон ва Эронда Сом Мирзонинг “Тухфаи Сомий” тазкирасидан Гулом Мамадлининг “Тазкира”сига қадар, Ҳиндистон ва Покистон ҳудудларида Мутрибийнинг “Нусхай зебои Жаҳонгир”идан тортиб Оғибобой Лакхнавийнинг “Риёзу-л-орифин” (1982)ига қадар, Абу Абдуллоҳ Жумахийнинг “Табакату-ш-шуваро”сидан Мирда анъанавий тазкирачилик мактабининг янгиланишига сабаб бўлган Жиржи Зайдон асаригача бўлган тазкирачилик жараёни А.т.нинг ажралмас кисмидир.

Ўрта асрларда Шарқ А.т.нинг ривожида Корея ва Японияда шаклланган адабий-эстетик қарашлар кўшни мамлакатлар адабий ҳаётига ҳам уз таъсирини кўрсатган. Япониядаги ilk ад-тшунослик асарларида самурайлар киссалари ва Хунка адабиёти шарҳланади. Шеър назариясига доир қарашлар тараккий этиб, хойку (хокку) ва танка жанрлари поэтикаси такомиллашди. Корсейс ад-тгунослигининг ilk даври пхесол (халк киссалари) б-н боғлик холда тараккий этди.

Европа ўрта асрлар адабиётшунослиги манбалари сифатида Августин томонидан Пифагор назариясининг янгиланиши, Фома Аквинский қарашларининг адабиётшунослик тараққиётидаги үринини алоҳида кўрсатиш лозим. Гарчи диний қарашларга йўғрилган бўлса-да, Европа ад-тшунослигига “муқаддас ёлғон” (бадиий тўқима), “ёркин шакл” назарияларининг пайдо бўлиши инквизиция даврида прогрессив аҳамият касб этди.

Европа Уйғонии даврида ад-тшуносликнинг алоҳида назарий манбалари б-н бир каторда, бад. ад-т ижодкорининг ад-тшунос ва мунаккид сифатида фаолияти эътиборлидир Бу жихатдан Данте Алигьери (Италия)нинг халқ т. ва услублар таснифига бағишланган назариялари, Леонардо да Винчи санъат асарининг жонлилити ҳакидаги қарашлари, Шекспир (Англия) драмалари катига сингган Ишонч назарияси, Сиднайнинг шеърият ҳимоясида айтилган нутқлари, Петраква Бокаччо(Франция)нинг гўзллик яширган табиат хусусидаги қарашлари, Дюернинг даҳолик табиати хусусидаги таълимоти А.т.ни тўлдирувчи манбалар сифатида эътиборли. Farb Уйғонининг ҳосиласи сифатида поэтик энтузиазм (Жордано Бруно) адабий танқидда исён йўналишини шакллантириди, бу каби ҳодисалар ад-тилик фанининг камрови ва объекти кўламли тарзда кенгайиб бораётганидан дарак беради.

XVII аср Европа классицизмининг итальян (Скалигер), инглиз (Бен Донсон), француз (Пьер-Даниэл Юэ, Никола Буало) ва олмон (Юстус Шоттел) ад-тшунослиги манбаларининг шаклланиши даври саналади. Фалсафада акл, санъатда қоида ҳукмронлиги бадиият тараққиётида унча аҳамиятли саналмаса-да, ад-тшунослик тизимидағи фанларнинг аниқ фанлар б-н якинлашувида ўз самарали таъсирини кўрсатди. Натижада Никола Буало “Шеърий санъат” асарида илгари сурган уч бирлик (макон, замон ва ҳаракат бирлиги) қоидаси бад. ад-т, айникса, драматургияни классик ақидалар доирасида сикилиб колишига сабаб бўлди. Бу қарашлар Мольер, Корнейл, Расин каби драматурглар асарлари мисолида туғунтирилганига қарамай Европа ад-тшунослиги тараққиётга мойил янги назарий тамойиллар яратилишига эҳтиёж сеза бошлади. Файлесуф олимлар Бэкон ва Декарт қарашлари, Гоббснинг эстетик психологияси, дид ва акл эстетикасига асосланган Лейбниц ва Спиноза таълимоти натижасида классицизм янгиланиш сари юз бурди. Бу жараёнда инглиз адабиётшунослигига Юм ва унинг эмпиризми, Берклининг идрок этиш маданияти ва ифода сифати хусусидаги кузатишлари, Рейдинг сиёсат ва санъат, Рейнолдснинг гўзлликнинг абстракт моҳияти ҳакидаги асарлари Истеъдод ва Даҳонинг хар қандай қоида ва канонлардан юкори эканлигини тасдиқлади. Бу эса Европа ад-тшунослигини классицизмнинг буғик мухитидан маърифатчилик реализми сари қадам ташлашида сезиларли назарий жараён сифатида хизмат килди. Маърифатчилик арафасида Франция ва Италияда янги генетик метод (Вико) шаклана бошлади, санъат ва нутқ муносабати (Кордиляк) ифода ва ижро маданиятининг шаклланишига туртки бўлди.

Маърифатчилик йўналишидаги бад. асарлар, айникса, Вольтер ва Руссонинг киссалари бу адабий оқимнинг назарий асослари хам шаклланишига сабаб булган. Француз маърифатчилиги том маънода Дени Дидро асарларида кўринади. Дидро бад. асарлари ва ижтимоий фаолияти б-н бирга бир катор назарий рисолалар яратдики, “Драматик поэзия хакида”, “Актёр хакида” деб номланган ушбу асарлар француз маърифатчилигининг манифестига айланди.

Германияда маърифатчилик яна хам кентрок микёсда, бир жиҳатдан, Гёте ва Шиллер каби жаҳонга машҳур адибларнинг адабий-эстетик карашларида (шу ўринда Гёте ва Шиллернинг ўзаро ёзишмаларини ёдга олиш зарур), иккинчи жиҳатдан, Лессингнинг “Гамбург драматургияси”, “Лаокоон ёхуд Рангтасвир ва поэзиянинг чегараси хакида” асарларида немис драматургиясига хос жиҳатлар таҳлил килинган, шеърият ва санъатнинг пластик турлари ўзаро киёсланиб, улар хусусида фундаментал моҳият касб этувчи тадқиқотлар яратилган.

Адабиётшунослик илминиш мустақил фан сифатидаги тараққиёти Гердер таълимоти б-н боғлиқ. Чунки ўтмиш фалсафасида хам, XIX асрда дунё тамаддунида алоҳида даврни ташкил киlgан немис классик фалсафаси хам илмнинг бу соҳасига эстетика таркибида каради ва унинг фалсафий ўзандаги тараққиётига кўпроқ эътибор берди. Шу даврда немис олими Гердер ўз таълимотида ад-т илми жаҳон ад-ти дурдоналарининг назарий жиҳатдан умумлаштирилиши, унинг бадиий-эстетик тажрибасига таяниши зурурлиги хакидаги қарашни зълон килди. Унингча, фалсафий таълимотда гўзаллик йўқ, санъатда эса мантикий аниклик етишмайди. Шунинг учун санъат хакидаги фанни фалсафий тафаккур б-н алмаштириш ножоиз, деган холосага келди. Унинг “Санъат фалсафаси”, “Танқидий мулоҳазалар” асарлари орқали ад-тишунослик миллий ёки ҳудудий ўзандан чиқиб, жаҳон микёсидаги мустакил фанга айланиши лозим, деган қарашга ўзи амалда асос солган ҳолда “Кўшикларда халқлар овози” номли түпламда дунё кўшикларини жамлаб тадқиқ этиш орқали кўзлланган мақсадга эришиш мумкин деган холосага келди.

Олмон классик файласуфларидан бири Кант ва унинг танқидий мулоҳазаларида адабий юксаклик (возвышеннос) алоҳида эстетик категория сифатида асосланди. Гумбольд ўзининг антропологик мактаби орқали инсоният тарихи кадар чукур ва узок булган ад-т тарихини ўрганиш учун инсон тарихига бирламчи асос сифатида ёндашади. Айни даврда романтизм эстетикаси Ф.Шлегел таълимоти орқали юзага чиқади. Рационализм ва романтизм уйғунлиги тұғрисидаги Жан Пол карашлари, Кьеркегорнинг ирония ва юмор назарияси. Шеллинг эстетик тизими ва ҳатто Уитманнинг ўргаасрчиликка кайта мурожаати XIX аср Европа ад-тишунослигининг ранг-барапланувига сабаб булди.

Адабиётга “абсолют идеализм” нұктай назаридан ёндошиш Фихте, Шеллинг эстетикаси ва Гегель диалектикасини илгари сурди. Фихте

карашига күра, санъат фалсафий “трансцендентал” карашни умумхалқ өзтирофига айлантиради. Шунга күра эстет ва ад-тшунос фалсафий гоялар б-н эмас, балки ҳар куни, ҳар соатда тарақкий этиб бораётган, реал ҳаётнинг иныкоси ва идеал ҳаёт жарчиси бўлган бад. образлар б-н иш кўриши лозим. Шеллинг абсолют идеализм доирасида ад-т уч гоя: ҳакикат, эзгулик ва гўзаллик асосига курилиши лозим, деган карашни ёклади. Фалсафа ва эстетика тараққиётида Гегель (1770-1831) тизими худди Арасту сингари инқилобий моҳият касб этди. Унинг “Эстетика тўғрисида маърузалар” и асосида санъат ёхуд бад. ижод фалсафаси ва унинг моҳиятини ягона эстетик тизим орқали баён килишга интилиш сезилади. Гегель, аввало, табиатдаги гўзалик тушунчаси б-н санъатдаги гўзалик айни ҳодиса эмаслигини, бири ягона Яратувчи ижодининг маҳсули, иккинчиси инсон фитратининг натижаси эканлигини англатишдан иш бошлиди: “Агар бад. образларни усули фалсафий фикр, диний ва ахлоқий тамойилларга нисбатан ҳақиқатга зид бўлса, бу ҳодиса шу мъянода тўғрики, шакл ҳақиқий реалтикли мазмуннинг фикрий ифодаси тарзида намоён этади. Бирок историографиядаги зохирий жихат б-н санъатдаги бевосита зохирий кўрининшнинг хиссийлиги ўзаро қиёсланса, санъат шундай афзаликларга эгаки, у бизни ташки, юзакиликдан четга олиб чиқиб, тасаввур предметимиз бўлган мъянавийликка боғлади... Табиатнинг дағал кўриниши ва кундалик ҳаёт санъат асарига нисбатан рухнинг идеяга сингишини мураккаблаптиради... Шундай килиб, тафаккур бад. асарда ўз тушунчалари б-н ўз-ўзидан бегоналашади ва рух асарни илмий ўрганиш предметига айлантирган тақдирда ҳам ўз эҳтиёжини кондира олади”. Шундан келиб чиккан ҳолда бад. асар табиатнинг эмас, инсон фаолияти маҳсули; бад. асар инсон хиссий эҳтиёжини қондириш мақсадида унинг хиссий идрокига мўлжаллаб яратилади ва санъат асари муайян ахлоқий-эстетик мағзини яратишда Шарқ фалсафаси, жумладан, Румий фалсафасидаги шакл ва мазмун муносабати орқали юзага чиккан исломий жузв ва кулл нисбатига асосланади. Борлик абсолют рух маҳсули булиши б-н бирга Яратувчи билан бир бутунликда тушунилади, магизни пустидан ажратиб уруғлантириш келажак мевасини бермагани каби инкорни инкор килиши орқали бирламчи уруг ўз тараққиётини давом эттиради. Бу эса табиат диалектикасига асосланган азалий қонуниятдир. Гегелнинг диалектик назарияси эстетик оламни янги тараққиёт боскичига олиб чикиши б-н бир каторда замонида айрим дуалистик (иккиланган) карашларнинг юзага чикишига сабаб бўлди. Бу даврда Зольгернинг санъат ирония орқали идеал дунё сари йўл очишига таянган назарияси, Шлейермахернинг кейинчалик уни герменевтика фанининг асосчисига айлантирган талқин назарияси, санъатга тасаввур ўйини ва метафизик парадокс сифатидаги А.Шопенгауэр қарашлари, француз идеализми намояндаси сифатида танилган Сен Симон; натурализмни демократик қараш сифатида ёклаган Э.Золя ва ниҳоят, “Санъат санъат учун” назариясининг тутилишига сабаб бўлган Эдгар Попинг эстетик

идеал ҳакидаги қарашлари XIX аср ад-тшунослигининг Гегелдан ксйинги тараккиётини белгилашга хизмат килди.

Арасту ва Гегель фалсафасининг объекти саналган метафизика кризиси фалсафий қарашлар модернизациясига йул очди ва Фишернинг эстетик таълимотини юзага чиқарди. Ницшнинг санъат назарияси, Вагнернинг соғлом ва тушкун санъат дуализми ва “Кўйи” эстетикаси, Фехнернинг экспериментал методи, Гермольцнинг физиологик назарияси, Дарвиннинг эволюция назарияси қабилар ад-тшунослик тараккиётига ўз таъсирини курсатди.

XIX аср ад-тшунослик тарихига ўз қарашлари б-н методологик таълимот яратган академик мактаблар шаклланишига имконият яратди. Натижада мифологик мактаб (Дуглас, ака-ука Гримлар) вужудга келиб, у Россия ад-тшунослигидаги А.Н.Веселовский номи б-н боғланган тарихий поэтика шаклланишига сабаб бўлди. Бад. асар туғилишига сабаб бўлган психологик ва формал омилларни ўрганиш украини ад-тшуноси А.А.Потебня томонидан назарий поэтиканинг шакллантирилишига олиб келди. Рус ад-тшунослигидаги социал танқид ва унинг тарафдорлари бўлмиш В.Г.Белинский, Н.Г.Чернишевский ва Н.Добролюбов қарашлари юзага чиқибгина колмай, узок даврлар Россия мустамлакаси остидаги мамлакатлар эстетик тасаввурини бошқарди. XX аср бошига қадар давом этган турли академик мактаблар харакати рус формал мактабининг шаклланишга сабаб бўлди ва у ўзининг В.Шкловский, Эйхенбаум, Б.Жирмунский, Ю.Тинянов каби намояндаларининг илмий-назарий ижоди б-н бадий тахлил имкониятларини кенгайтириди.

Ад-тшунослик ўзининг тарихий тараккиёти давомида шу тариқа “фан асри” деб номланган XX асрга кириб келишибди ва янги тамойиллар асосида янгиланишига муҳтоҷ дунё эстетик тафаккур тарихида алоҳида даврни ташкил қилган модернизм ва унинг кўринишлари (акмеизм, футуризм, рационализм в.б.) воситасида борликни бад. идрок килишта киришибди. XX аср ад-тшунослигидаги юзлаб илмий тизим ва концепциялар орасидан собик шуро иттифоки ҳудудида “соцреализм” деб номланган эстетик тизимни танлади ва юздан ортиқ миллилар ад-тшунослиги унинг схоластик андоза ва колиплари асосида бошқарувга мажбуран бўйин эгди. Дунё ад-тшунослиги эса ҳамон тараккиётда адабий харакатдаги неомодернизмнинг сюрреализм, экспрессионизм, конструктивизм, экзистенциализм, абсурд дунёсида ёлғиз инсон, “онг окими”, неоабстракционизм каби кўринишлараро ривожланишда эди. Собик иттифок ад-тшунослиги асрнинг 60-йилларидан бир оз эркинлик сари харакат килиб структурал поэтика сари қадам ташлагандан мафкуравий ад-тшунослик “жангчилари” соцреализмнинг янги, очик система сифатидаги хусусиятларини кашф этган бўлиб, адабий тахлил методологиясида ўз самарасини берган структурал методдан яна социал қарашлар сари юзини бурди. Ад-тшунослик икки аср бўсағасида Постмодернизм ва унинг асосий йўнилишлари (поп-арт, “демократ-истеъмолчи”, сонористика, алеаторика,

музыкантилизм, гиперреализм, хепенинг в.б.), постструктурализм ва унинг тармоқлари каби эркин ад-шунослик шакллариаро ривожланиш даврига кирди. XX аср бошида вужудга келган ад-шуносликдаги деканонизациянинг аср сўнгтидаги илмий-назарий демократлашуви бўлди.

- Гильберт К., Кун Х. История эстетики / Пер. с англ. М.: Изд. иностр. лит-ры, 1960; История эстетической мысли. Т. 1-5. М.: Наука, 1971-86; Валихужаев Б. Ўзбек ад-шунослиги тарихи. X-XV асрлар. Т., 1993, 2013. Шарқ мумтоз поэтикаси X.Болтабоев талкинида. Т.: ЎМЭДИН, 2008; Куронов Д., Раҳмонов Б. Гарбда адабий-танкидий карашлар. Т., 2009; Болтабоев Х., Маҳмудов М. Адабий-эстетик тафаккур тарихи. 1-ж. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2013.

Қиёсий ~ икки ёки бир неча ад-шунослик материалларини тарихий-қиёсий ва қиёсий-типологик аспектда ўрганувчи соҳа. Бунда қиёсланадиган ад-шунослик материаллари тарихан бир шароитда яшаган ёки бир т.да яратилган ва давр ўтиши б-н турли хил тарихий ўзгаришлар туфайли икки мамлакатнинг маданий ҳодисасига айланган адабий-назарий манбалардан иборат бўлиши мумкин. Ёки турли шароитда ривож топган, бир-бирига ўхшамаган миллий ад-тлар материалларини қиёсий-типологик жиҳатдан ўрганишга киришилиши мумкин. Биринчи ҳолатда адабий таъсир, анъана ва издошлик масалалари юзага чикса, иккинчи ҳолатда, умумий мотивлар, жанрлар, қаҳрамонлар ёки қиёсланадиган бошқа аспектлар буйича ўрганиш пазарда тутилади. Бошқа аспектлар дейилганда, ўзаро якин ижтимоий шароитда яшаганлик ёки умумий диний эътиқод (мас., исломий, насропий ёки буддавий) б-н ўзаро bogланган халклар ад-тлари К.а. материали бўла олади. Демак, К.а. турли халклар ад-тлари ўртасидаги алоқаларни ўрганишнинг янги аспектларини белгилайди, уларни ўзаро чогишириш натижасида умуминсоний мотивларни ски адабий жараённинг умумий масалаларига тегишли қонуниятларни кашф килиши мумкин. Бу жиҳатдан адабий ҳамкорликнинг тарихий сабаблари, унинг характеристи, йўналиши ва воситалари тадқикот предметига айланishi мумкин.

- Жирмунский В.М. Сравнительное лит-ведение. Восток и Запад. М., 1978; Конрад Н.И. Проблемы современного сравнительного лит-ведения / Изб. работы: Лит-ра, театр. М.: Наука, 1978. С.29-48; Алексеев М.П. Сравнительное лит-ведение. Л., 1983.

~ ВА БОШҚА ФАНЛAR:

А., биринчи навбатда, ўз тизимиға ва вазифасига кўра, филологик (фольклоршунослик ва тилшунослик) ва фалсафий фанлар (ахлоқшунослик, эстетика, герменевтика), шунингдек, гуманитар тизимдаги фанлар (тарих, руҳшунослик, социология в.б. фанлар) б-н якин алоқадорлиги ҳакида фикр юритиш мумкин.

~ ва тилишшунослик ~ А. ва т.шунослик нафакат тадқикот объекти ва материалнинг умумийлиги, балки вазифадорлиги нуктаи назаридан хам яқинлашади. Суз моҳияти ва унинг матнидаги ўрнини ўрганишда, айрим адабий ҳодисаларнинг структурал жиҳатларини тадқик этишда умумийлик

мавжуд. Мас., бад. тасвир воситалари ад-тшуносликда “Поэтик лексика” таркибида ўрганилса, айни шу холатта т.шуносликнинг “Лексикология” бўлимида кўчим турлари нуктаи назаридан қаралади. Ёки риторикада стилистик фигуранларнинг матн таркибидаги ва бадий нутқ шаклланишидаги ўрни ўрганилса, т.шуносликнинг “Синтаксис” ва “Стилистика” бўлимларида нутқ услублари жихатидан сндашиб орқали уларнинг натижаларидан бири иккincinnisinи тўлдиради. Т. конуниятларини билиш орқали асар моҳияти ва образлар воситасида англатилаётган бадий ният китобхонга етиб боради. Т.шунослик бад. нуткка фикр алмашиб воситаси сифатида қараса, ад-тшунослик уни эстетик мулокот воситаси сифатида тадқик этади. Демак, филологик тизимдаги фан сифатида А. нафакат тилшунослик, балки унинг алоҳида соҳалари б-н хам мустаҳкам алоқага киришади. Бир тизимдаги бу икки фаннинг ўзаро яқинлашуви натижасида лингвопозитика ва риторика сингари оралик фанлар вужудга келганки, уларнинг иштирокисиз на ад-тшунослик, на тилшунослик ривож топа олади. А.даги *структурал поэтика* б-н *структур тилшунослик, генератив поэтика* б-н *когнитив тилшунослик* каби соҳаларнинг вужудга келиши ад-тшунослик ва тилшуносликдаги академик мактабларнинг хам яқинлашувидан дарак бермоқда.

~ *ва фалсафа* – А. ва фалсафа дунёни билишда, унинг ҳодисаларини қабул ва талкин килишда яқинлашади. Фалсафа табиат ва жамиятнинг умумий тараққиёт конуниятларини, инсоният тафаккури ва дунёкарашининг ўзига хос жихатлари тадқик килса, ад-тшунослик ана шу дунёнинг бад. асардаги акси, матн модели б-н иш кўриши натижасида умумийликдан хусусийликка караб боради, инсон ва унинг борлиқдаги моҳияти, унинг яратувчилик курдати ва дунё тамаддунидаги ўринини бад. тимсоллар воситасида англатган бад. ад-тни таҳлил килиш орқали умумийликка зришади. Турли дунёкарашга эга, турли ижодий манерадаги адилларнинг ижод маҳсулуни ўрганиш орқали ад-тшунослик файласуф англаб стган дунёни кайта бадий капф киласи. Бу каби параллеллкларни кўплаб келтириш мумкин.

Азалдан ҳар икки фан ўзаро яқин алоқадорлигининг белгиси сифатида А.га Европа файласуфлари деярли икки минг йилдан ортиқ муддат давомида фалсафий фанлар тизимида караб келишган. Ад-тшунослик асосини яратган ва жаҳоний тараққиётига хизмат килган Арасту, Гегел каби даҳолар, асосан, фалсафий фикр тараққисти б-н шугулланишган.

~ *ва семиотика* (белги назарияси) – замонавий ад-тшуносликда “белги” ва “белгили” тушунчаларини қўллаш фаоллашиб бормоқда. Белги ва белгилар тизими *семиотика* (юононча: *semeion* – белги) фани томонидан ўрганилади; семиотика, бир жихатдан, бошқа фанлар катори илм тури, иккинчи жихатдан, хамма фанларнинг куроли, чунки ҳар бир фан белгидан фойдаланиб, унинг воситасида ўз натижаларига зришади. Семиотикада

белгилар тизимидағи уч хил ички муносабатни фарқлаш лозим: семантика (белгиларнинг үз обьектига муносабати), прагматика (белгиларни қабул килувчи ва талқинчига муносабати) ва синтаксика (белгининг бошқа белгиларга муносабати). Шундан келиб чиқиб, индексал белгилар (ифодалайдиган, лекин тавсифламайдиган белгилар), белги-рамз (шартли белгилар белгилайдиган ва белгиланадиганлар ўртасида умумийлик бўлмайди), иконик белгилар (ўзига хос обьектларни белгилайдиган, фотография ва модел каби). Семиотика нуқтаи назаридан бад. образ иконик белги хисобланади, унинг предмети эса қадрият. Насрда синтаксис, шеърда сўз китобхонга шунчалик таъсир қиласдики, биринчи планга ахлоқий қадрият ва лирик қаҳрамон баҳоси чиқади. Ю.Лотман ёзишича, “бад. матннинг белги табиати икки жиҳатдан ҳарактерли: матн муаллифга боғлик бўлмаган ҳолда мустақил борликка (реал борлик нарсалари орасидаги нарсага) айланади; иккинчидан, у доимо кимнидир яратики ва бошқа нарса эмаслигини эслатиб турали”. Бад. асар белгиларига муносабатда ҳам шундай семиотик ёндаппув зарур: семантика, синтагматика ва прагматикани аниқлаш. Мас., бад. образ замирида метафора ётади. Метафора семантикасини аниқлашда белгиланаётганни иккинчи белгилаётганга муносабати ўрганилади. Шунинг учун ҳам образ (яъни белги) “матн ичиди матн” деб қабул қилинади. Қуринадики, ад-тшунослик бад. ад-т ҳақидаги фан экан, бадиият эса образ асосига қурилар экан, образ доимо ниманидир (ёки кимнидир) белгиси сифатида бад. матнда иштирок этади; бад. асар таҳлилида унинг маъноси (семантикаси) бирламчи моҳият касб этади, демак, анъанавий ад-тшунослик ҳам, замонавий ад-тшунослик ҳам семиотика фани б-н боғлик ҳолда тараккijий топади. Чунки унинг асосий обьекти бад. асардир.

- Давыдова Т.Т., Пронин В.А. Теория лит-ты / Учебник XXI века. М.: Логос, 2003. С.10-12; Лотман Ю.М. Текст в тексте / Культтура и взрыв. М., 1992. С.117-119;

АДАБИЁТШУНОСЛИККА КИРИШ – Ун-т таълим мининг дастлабки й.да ўқитиладиган назарий предмет. А.к. анъанавий тарзда таркибан уч бўлим: Ад-т сўз санъати, бад. асар ва адабий жараёндан иборат бўлган. Айрим А.к. қўлланмалари таркибида адабий-танқидий тафаккур тарихидан киска обзор берилган.

Собик иттифок худудида 1957 й.дан ўқитила бошланган. Рус т.да Ф.М.Головченко (1964), Л.В.Шепилова (1955, 1968), Г.Л.Абрамович (1965, 1979), Г.Н.Поспелов таҳрири остида (1988), О.И.Федотов (1998), Л.В.Чернец таҳрири остида (1999), Л.М.Крупчанов таҳририда (2007) “А.к.” дарслклари амалда қўлланилган. А.к.дан дарслик ва қўлланмалар б-н бир каторда, мажмуя (хрестоматиялар) ҳам яратилган. Рус т.да А.к. мажмуалари П.А.Николаев таҳрири остида МДУ олимлари томонидан 1979, 1988 й.да тузилган ва 1997 й.да қайта нашр қилинган.

Ўзбек т.да “А.к.” Н.Шукуров в.б. (1984), Э.Худойбердиев (1988), А.Улуғов (2000, 2005), Д.Куронов (2003) томонидан нашрга тайсрланиб, қўлланилиб келинди.

- Шукуров Н., Ҳатамов Н., Ҳолматов Ш., Маҳмудов М. Ад-тшуносликка кириш. Т.; 1984; Введение в лит-ведение. Хрестоматия. М.: Высшая школа, 1988. С.128-166; Введение в лит-введение / Под ред. Г.Н.Поспелова. М.: Высшая школа, 1988; Qur'onov D. Adabiyotshunoslikka kirish. Т.: O'qituvchi, 2003; Улугов А. Ад-тшуносликка кириш. Т., 2005; Введение в лит-ведение. Под ред. Л.М.Крупчанова. М.: ОНИКС, 2007.

АДАБИЙ – ад-тга алокадор, тегишли. Ад-тга алокадор тушунча, ходиса ва истилоҳлар кенг камровли бўлиб, ад-тшунослик лугат ва комусий мапбаларига уларнинг айримларигина шарҳланган. Бевосита адабий ходиса сифатида тан олинган ва муайян конуниятларга асосланган истилоҳлар адабий аюла, анъана, билим, йўналиш, мерос, оқим в.б.дир.

АЛОКАЛАР – адабий жараённинг тараккиёт конуниятларидан бири бўлиб, миллий ад-тларнинг доимий суратдаги ўзаро ҳамкорлиги, таъсири ва акс таъсири. А.а. жаҳон маданиятида ад-тлар тараккиёти учун ижобий рол ўйнайди, қадимдан мамлакатлар, ҳалқлар ва ижодкорларниң ўзаро ҳамкорлигини таъминловчи омил сифатида айрим адабий ҳаракат ва ходисаларни тезлатади, бири иқинчисини билиш ва англашга ёрдам беради. А.а.да бевосита адабий таъсир, адабий ворислик, ўрта робита, тенг адабий мулокот в.б. шакллар мавжуд бўлиб, уларни ўрганувчи алоҳида *адабий мактаблар* ва *методлар* шаклланган. А.а.лар мумтоз ад-тда қад.лан мушоира, тазмин, иқтибос каби бадиий ижод шаклларида кўринган.

А.а. шўро даврида тезлашган бўлишига қарамай ад-тларнинг ўзаро тенг ҳамкорлиги шаклида эмас, балки унинг етакчиси сифатида рус ад-ти белгиланиб, унинг бошка ҳалкларга намуна бўлиши уқтирилган. Ҳоз. кунда жаҳон ад-тининг “симфоник” бутунлиги ва унинг турли тиллар ва миллатлар томонидан яратилган дурдоналарини яратиш тажрибасини ўзаро ҳамкорлик нуктаи назаридан ўрганиш кўзда тутилмоқда.

А.а.нинг ҳафталиклар, ад-т ва санъат ўн кунлиги, учрашувлар сингари шакллари мавжуд.

- Взаимосвязь и взаимодействие национальных лит-тур. Материалы дискуссии. М., 1961; Конрад Н.И. Запад и Восток. М.: Наука, 1966; Ломидзе Буюк муштараклик туйгуси. Т., 1978; Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. Т., 1982; Комилов Н. Тафаккур карvonлари. Т., 2003; Хализев В.Е. Международные лит-шые связи / Теория лит-ры. М.: Высшая школа, 2005. С.378-380;

АНЪАНА – дунёни ижодий ўзлаштириш давомида адабий тажрибада синалган эстетик қарашлар, мотив, сюжет, жанр, услуг кабилар янги давр ижодкорлари томонидан қабул этилиб жорийланиши; муайян даврда эришилган ижодий ютуклар янги авлод томонидан ўзлаштирилиб, ижодий ёндашган ҳолда ривожлантирилмаса, у А.га айланмай, ўша давр доирасида қолиб кетади. Оламни бад. идрок этишида авлодлардан ўтиб келган тажрибаларга издошлик, событилик б-н бир қаторда уни янгилаш, ўзига хослик асосида такомиллаштирилганда ҳар қандай бад. топилма А.га айланиши мумкин. Шарқ ад-тининг устувор жиҳатларидан бири ҳамсачилик

анъанасидир. Тарихда Низомийга эргашиб “Хамса” яратиш учун уринган адиблар қанча. Бирок Хисрав Дехлавий, Алишер Навоий каби даҳо санъаткорлар туфайли бу анъана кейинги даврда ҳам давом эттирилибгина колмай, балки янгилик ҳам касб этиб, ҳамсачилик А.сини янги юкори боскичга кутарди. Ҳудди шу ҳолни туркий тазкирачилик анъанасига ҳам нисбатда айтиш мумкин. Навоининг “Мажолис...” тазкираси А.ларига амал килган ҳолда туркий т.да ўттиздан ортиқ, форс т.да эса 50 га якин тазкиралар яратилди. Бу Ҳирот тазкирачилиги А.ларининг давомийлигини курсатади.

А.а. бир тил, миллият ёки адабий мухит доирасида эмас, балки жаҳон адтидаги тажрибаларга нисбатан ҳам қўлланилади. А.а. ўтмиш ад-тидан мерос колган адабий тушунча ва ҳодисалар, маданий мероснинг давомийлигини таъминловчи *ворислик* тушунчалари б-н боғлиқ ҳолда мавжуд. А.а. кўпроқ миллий шакл ва воситаclar асосида намоён булади. Мас., туркий ад-тга хос тасвирилаш услуби (Навоий “туркона ёзадир” деб кайд этган), т. месъёrlарига амал килиш бадиий ад-тда сакланған. Шунингдек, А.а. айрим тур ва жанрлар, шакл ва мазмун, бадиий тил, ритм ва услуб каби поэтик ҳодисаларда аник кўринади. Ўзбек насрига хос мумтоз анъаналардан бири *ровийлик* булиб, одатда баёнчи томонидан хикоя қилинган кисса ва бошка насрый ад-т намуналари “Ровийлар андок ривоят қилурларким...” деб бошланади. Ҳамсачилик анъанасига кўра, унинг муқаддимасида ҳамд, наът, муножот кабиларнинг мавжул булиши А.а.га мисол бўла олади. Ёки ўзбек шеъриятида минг й.лар давомида анъанавий тарзда қўлланилиб келган *аруз* вазни А.а.нинг бир кўринишидир.

- Верли М. Единство лит-пой традиции / Общес лит-ведение. М.: Иностр. лит-ра, 1957. С.217-224.

~ *ACAP* – к.: Бадиий асар.

~ **БИЛГИЛАР** – адабий билимлар. Ад-тга оид бошланғич назарий билимлар мажмуаси. Туркия олий ва ўрта ўқув юртларида олий таълимнинг биринчи курсида ўтилади. Уз-нда академик лицейларда ўтилаётган “Ад-т коидалари”, филология факультетларининг дастлабки курсларидағи “Ад-тишунослика кириш” ёки “Ад-тишунослик асослари” фанларининг туркча муқобили сифатида қаралиши мумкин. Нисбатан дастлабки А.Б.дан бири А.Фитратнинг “Ад-т коидалари” (1926), турк олими Нихат Сами Бапарлининг “Edebi bilgiler” қўлланмаси (3 нашри, 1944 йил)дир. А.Б.да муал. адабий билимларни ўз асарининг биринчи бўлимида кўйидагича таснифлаган: *Ад-т. Ифода шаклари. Вазн. Аруз вазни. Кофия. Назм шаклари. Классик назмнинг давоми ва сарбаст назм. Адабий санъатлар. Иккинчи бўлимда эса Шеър. Наср, Достон. Масал. Кичик ҳикоя. Роман. Театро (драма). Тарих ва ад-т тарихи. Танқид. Монография. Биография. Библиография. Саёҳат ад-ти. Хотирот. Мактуб. Мақола. Мусоҳаба ва фикра. Мулоқот. Хитобот ҳакида тушунтиришлар ва мисоллар берган.*

Ушбу асар ўн йиллар давомида ун-т таълимида асосий қўлланма хисобланган. Кейинги йилларда айни йўналишда Мумин Мажид ва Утур Сўлданинг “Ад-т билги ва теорийси” (З-нашири, 2008) бу йўналишда кенг кўлланилиган.

- *Banarlı N.S. Edebi Bilgiler. Istanbul: 1944; Macit M., Soldan U. Edebiyat Bilgi ve Teorileri. Ankara, 2008; Cilt I. Edebiyat Sanatı ve Bilimi. Ankara, 2008.*

~ **ВОРИСЛИК** – адабий анъаналарни бирор адаб ёки миллий ад-т томонидан давом эттирилиши. А.в. ўз истилоҳий камрови доирасига адабий таъсир ва издошлик тушунчаларини олиши мумкин. Бирок А.в. таъсирланиш натижасида вужудга келган мотив, сюжет, тимсол ва қаҳрамонларни эмас, бирор адабий ҳодисага таяниб, унга издошлик позициясида туриб кабул қилишиликни эмас, балки адабий тажрибадаги мавжуд самарали жихатларни кабул қилиш, уларга эгалик қилиш орқали ворислик туйғусини шакллантиришни назарда тутади.

- *Бушмин А. Пресмственность в развитии лит-ры. М.: Худож. Лит-ра, 1978; Восток и Запад. Литературные взаимосвязи в зарубежных исследованиях. М., 1989.*

~ **ЖАРАЁН** – бирор мамлакат ёки даврнинг адабий ҳасти. Глобал масштабда олиб караганда жаҳон ад-тининг кўп асрлик тажрибаси ва тараккиёти. А.д. глобал миёсда ўрганиш қиёсий-тариҳий ад-тшуносликнинг вазифаси хисобланади. Бунда умумжаҳон ад-ти таркибидаги таракқиёт ва тургушик масалалари, адабиёт тарихининг *стадиал умумийлиги* ва бад. системалар муштараклиги, ад-тининг миллний ва минтақавий хусусиятлари назарда тутидади. Ҳар бир даврга оид А.ж. мавжуд бўлгани учун, адабий даврлар бири иккинчисидан фарқ киласди. Ўзбек ад-тида XX асрнинг 20-й.ларидаги А.ж. б-н 60-й.лардаги А.ж.нинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

А.ж.га оид тушунчаларни истилоҳлаштиришда терминологик хилмачиллик мавжуд. Бу, аввало, турли т.лардан келиб ўрнашаётган сўз ва атамалар, уларнинг идентификацияси б-н боғлик. Mac., бир ад-т вакиллари А.йўналиш деб талкин килган ҳодиса иккинчи ад-тда А. оким сифатида ёки мактаб тарзида тавсия этилиши мумкин. Шунинг учун А.ж. масалаларини кенг кўламда ўрганганде имкон кадар унификация ва мувофиқлантириш тамойилларини назарда тутган холда иш куриш лозим. Айрим ад-тшунослар бу ўринда метод ва услугуб муносабатларига таяниб иш кўрадилар. Умумадабий ҳодисалар методологик планда, ижодкор индивидуаллиги ва ўзига хослиги б-н боғлик назарий масалалар услугублар кесимида ўрганилиш тавсия этилмоқда.

- *Хализев В.Е. Лит-ный процесс / Теория лит-ры М.: Высшая школа, 2005. С.367-383; Мирзабеков Э. Эдабийатшунаслыг. Енциклопедик луг'ат. Бакы: Азәрбајҹан сисикилопедијасы нәшријат-полиграфијај бирлији, 1998. Б.79.*

~ **ЙЎНАЛИШ** – адабий оқим, адабий мактаб каби тушунчалар каторида адабий жараёнга тегишли категориялар, бирок улардан харакат йўналишининг изчиллиги, катый коида ва талаблар асосида йўналгани б-н фарқ киласди. А.й. Европа ад-тшунослигига XIX аср бошидан истилоҳ

сифатида таомилга киритилган. Одатда қуйидагиларни А.й. сифатида көлтириш урф болған: *классицизм, барокко, сентиментализм, маңыршатчылык, романтизм, реализм, символизм, модернизм* в.б. Уларнинг ҳар бири үз шакли, тараккиёт йўли, назарий асослари, вакилларига эга. Бир даврда ёки бир ижодий манерадаги адиллар асарларининг умумий хусусиятлари, типологик үхшашликлар асосида шаклланган. Бу умумийлик ҳаёт ҳақикатини кабул килиш, ӯзлаштириш ва ифода килиш тамоилларида, ижодкор услугини методида кўринади.

- Лит-ные направления и стили. М., 1976; Гулляев Н.А. Лит-ные направления и методы в русской и зарубежной лит-ре XVII-XIX веков. М., 1983; Творческие методы и лит-ные направления. М., 1987; Волков И.В. Творческие методы и художественные системы. М., 1989; Введение в лит-ведение. Под ред. Л.М.Крупчанова. М.: ОНИКС, 2007. С.297-300;

~ **ЁДГОРЛИК** – миллый ад-тнинг маданият тарихида муайян үрин олган оғзаки ёки ёзма манбаси. А.ёлар миллый ад-тнинг яратилиши, шаклланиши ва тараккиётида муҳим үрин тутади ва янги адабий манбалар ёзилишида асос булиб хизмат килади. А.ё сифатида Махмуд Кошгариининг “Девону луготит турк” асари ӯзидан кейинги минг йилликда филологик манбалар яратилишига сабаб бўлған бўлса, Юсуф Хос Ҳожибининг “Кутадғу билиг” илк достон сифатида кейинги даврларда яратилган эпик поэзия намуналари учун асос булиб хизмат килди.

~ **МАЖЛИС (АНЖУМАН)** – ижод йўналиши, дунёкараши, бад. завки, адабий интилишлар кўлами в.б. жиҳатлардан бир-бирига якин ижодкорларнинг йигини. А.м. суфийлар хонақоҳларида, подшоҳ саройларида, етакчи ижодкорлар хонадонларида ташкил этилган. Уларда бад. асарлар ўқилган, муҳокама килинган, бевосита муаллифлар б-н сухбатлар ўюшибирлиганди, айрим буюк ижодкорлар вафотидан кейин уларнинг асарларини ўрганиш учун навоийхонлик, бедилхонлик ва машрабхонлик йигинлари ўтказилган. Бундай А.м. хусусида Алишер Навоий “Мажолис...” тазкирасининг Саккизинчи мажлисида “Хилват” рукни остида Ад.м. хусусида шундай: “Олам ахлига андоқки, мажлис бўлур, мажлис ахли ҳасратидин табъға калол ва зеҳнға малол юзлангандин сўнгра ҳар тоифа үз хурди холига кура маҳсуслари била хилват ихтиёр қилурлар” тушунтириши б-н икки лавҳа көлтиради. Улардан бири Ҳусрав Дехлавийнинг хинчча шеъри ва иккинчиси, хисорлик ёш шоир Қабулий шеъри ҳакида Ҳусайн Бойкаронинг мавзута муносабатини англатиш учун көлтирилган. Шунингдек, Зайнуддин Восифий “Бадойиъу-л-вакое” (“Гузал воқеалар”) асарида бир неча гўзал мажлислар тафсили берилган. Фитрат “Бедил (Бир мажлисда)” асарида эса мусулмон Шаркида анъана тусини олган бедилхонлик мажлисларидан бирини батағсил шарҳлаган.

- Алишер Навоий. Мажолису-н-нафоис / МАТ. 13-ж. Т.: Фан, 2001. Б.252; Фитрат. Бедил (Бир мажлисда) / Танланган асарлар. 2-ж. Т.: Маънавият, 2000. Б.

~ **МАКТАБ** (поэтика мактаблари) – муайян ижодий тамойилларни ўзига дастурий тарзда қабул килиб, мавжуд анъаналарга таянган ҳолда иш кўрувчи ижодкорлар гурухи. Ад.м., одатда, ижодий-эстетик принциплари умумийлиги ёки якинлиги нуқтаи назаридан ҳамда миңтақавий хусусиятга кура шаклланганини кўрамиз. Мак., инглиз ад-тида Спенсер мактаби (XVII), рус ад-тида натурал мактаб (XIX аср бошлари) эстетик тамойилга кура вужудга келган бўлса, Тула ва Рязань мактаблари регионал асосга қурилган. Шу каби ҳар икки хусусиятлар умумлаштирилган ҳолда ҳам Ад.м. шаклланиши мумкин. Проф. Фитратнинг ёзишича, ўзбек ад-ти тарихида уч адабий мактаб: Яссавий, Навоий ва Умархон мактаби бор. Бу ўринда Фитрат ўзига хос ижодий мактаб яратиб, ўзидан кейинги авлод ижодкорларини эргаштира олиши, янги адабий тамойиллар ишлаб чикишига эътибор каратади. Яссавий мактаби нафакат ибодат ад-тини яратган, балки хикмат жанрига асос солган, тасаввуфий таълимотни ҳалқона бад. усулларда сингдира олиши б-н муҳим. Ҳазрат Навоий ижоднинг бир катор соҳаларида мактаб яратган адидбидир. Булар туркий ҳамсачилик мактаби, тазкирачилк мактаби, тасаввуф мактаби в.б.дир. Амирий бўлса ижодда поэтика мактабининг асосчиси сифатида янги ижодий талқинларга, назира ва муҳаммаслар яратилишига сабаб бўлган. Бу мактаблар Туркистон, Ҳирот ва Қуонда дастлаб миңтақавий доирада вужудга келган бўлса, улар бир ҳудуд ва миллат доирасидан чикиб кенг адабий кўламда таркалган ва эстетик моҳият касб этган.

- Поэтика. Труды русских и советских поэтических школ / Сост. Д.Кирай, А.Ковач. Budapest, 1982; Федотов О.И. Группировки и школы / Основы теории литер. В 2-х ч. ч. Ч.2. М.: ВЛАДОС, 2003. С.215-217; Волкова Е.В. Литературная школа / Введение в лит-ведение. Под ред. Л.М.Крупчанова. М.: ОНИКС, 2007. С.302-305

~ **МЕРОС** – миллий тил ва ёзувда яратилган, аждодлардан колган маданий ва маънавий кадриятлар, оғзаки ва ёзма ад-т манбалари. Кад. мифлар ва “Авесто” каби ёдгорликлардан тортиб шу кунгача яратилган барча маънавият обидалари А.м.ни ташкил қиласди. Булар нафакат бад. ад-т, балки унга якин келган ахлоқий, тарихий, фалсафий йўналишлардаги асарлар, археологик топилмалар, турли буюмларда акс этган матнлар ўзбек ҳалқининг А.м.дир. А.м. умумхалқ мулки бўлгани учун уни ўрганиш, саклаш ва келгуси авлодларга етказиш давлат химоясида.

~ **МУХИТ** – ижодий шарт-шароитлар хозирланган, ижодкорнинг камол топиши учун хизмат килган адабий давра. Ад.м. кўпроқ пойтахт ш.ларда тарақкий этгани сир эмас, чунки ижодий жараён учун мухит кучли таъсир этувчи ташки воситалардан бири. Ҳирот Ад.м.ининг Алишер Навоий, Хива Ад.м.ининг Оғахий, Қуон Ад.м.ининг Амирий ижодига таъсири инкор қилиб бўлмайдиган ҳакиқатдир. Сулолалар ва ҳонликлар даврларида шаклланган Ад.м. ўз етакчиларига эга бўлгани каби асарлари бутунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган улуғ сиймоларни етиштирган. Корахонийлар

Ад.м. ҳақида бизга биргина Юсуф Ҳожибнинг “Кутадгу билиг” асари маълумот беришига қарамай айни адабий манбанинг ўксаслиги ўша Ад.м. даражасидан далолат беради. Ад.м. ҳонликлар даврида ва кейин ҳам нафакат сарой ва пойтахтларда, балки айрим йирик ш.ларда ҳам вужудга келганини ўзига хос ижодкорлари б-н ажралиб турган Тошкент, Бухоро, Самарканд, Каттакурғон, Хива, Қўкон, Андижон каби ш.ларда Ад.м. тасдиклайди.

- ОКИМ – бад.-эстетик тамоилларининг умумийлиги, бир адабий йўналиш ва ҳаракат остида ижод қиласётган адиллар гурухи. А.о. б-н адабий йўналиш кўпинча синоним тарзида ишлатилади, бирор изчил ад-тишуносликда адабий йўналишнинг доминант (етакчи)лик хусусияти мавжудлиги эътироф этилади. Мас., *модернизм* адабий йўналиш сифатида кайд этилса, унинг қўринишлари *импрессионизм*, *экспрессионизм*, *сюрреализм*, *экзистенциализм*, *акмеизм*, *футурэм* в.б. бу адабий йўналишнинг окимлари сифатида кайд этилган. Айрим ҳолларда бир адабий йўналишнинг бошқа ад-глардаги вариант ва қўринишлари ҳам А.о. истилохи орқали англатилади. Мас., *барокко* Европада кенг тарақкий этган адабий йўналиш сифатида қаралса, унинг испан ад-тидаги қўриниши гонкоризм, итальян ад-тида маринизм в.б. А.о. сифатида қабул килинган.

Ижодкорнинг бирор бир А.о.га мансублигини аниклашда унинг оппонентлари, такризчи ва мунаккидларининг ёзувларига кўра эмас, балки муаллифнинг ўз эътирофига асосланилади.

- Вседисис в лит-вседисис. Под ред. Л.М.Крупчанова. М.: ОНИКС, 2007. С.300-301;
- Пoэтические течения в русской лит-ре конца XIX – нач. XX века: Хрестоматия. М., 1988; Волков И.В. Творческие методы и художественные системы. М., 1989; Теория лит-ры. Т.4. Лит-ный процесс. М., 2001.

- ТАНҚИЛ (арабча: *تقلید* – сараламок) – назарий ад-тишуносликда ишлаб чиқилган таҳлил тамоиллари, бад. матнни талқин этиш тажрибалари асосида адабий ҳаракатдаги асарларни ўрганиш, тадқиқ қилиш. Агар ад-т назарияси адабий жараён масалаларига эътибор каратса, А.т. бевосита айни шу даврда яратилган адабий-бад. асарларга эътибор каратади, уларни таҳлил обьекти қилиб белгилайди. А.т. ад-тликнинг тезкор ва сафарбар соҳаси булгани учун янги ўзлон қилинган асарларга муносабат билдиради, уларнинг адабий жараёндаги ва ўша муаллиф адабий ҳаётидаги ўрнини белгилайди.

А.т. ад-тишуносликнинг кўхна соҳаларидан булиб, унинг илдизлари мумтоз меросимиздаги *тазкираларга* бориб тақалади. Чунки тазкира нафақат маълумот ва намуна берувчи, балки асар ва муаллифга муносабат билдирувчи жанр сифатида тарақкий этган.

Мунакқид бал. асарни тушуниш ва тушунтиришда, унинг тарғиботи ва талкинида ёзувчи б-н китобхоннинг ўртасида турувчи (муросага келишиштирувчи эмас) дўсти хисобланади. Лекин мунакқид адабий жараён ходисаларидан келиб чиқиб, асарга холис баҳо бериши, адабий тилда сузлаши ва ўз карашларини элга тушунарли услубда ифодалаши керак. А.т. алоҳида соҳа булгани туфайли унинг *тақриз*, *мақола*, *портрет*, *очерк*, *сүҳбат* каби ўзига хос жанрлари мавжуд. А.т. замонавий адабий т.да

сұзлаши, замоннинг долзарб муаммоларига муносабати нұқтаи назардан, айрим ҳолларда публицистикага якинлашиши мүмкін, бирок бу даврий мұваккат якинликни А.т. хос асосий жиҳат деб карамаслик керак. Танкидчи публицист-журналист эмас, ад-тишунос олим сифатида иш күриши лозим.

А.т. миллій ад-тдаги асосий тенденцияларни илғай олиши, миллат ва халқ келажагига аскотадиган бад. тажриба ва янгиликтарни оммалаштириши ва ад-тнинг жамият олдидағы умуминсоний бурчини бажарышига құмаклашиши зарур.

- Егоров Б. О мастерстве литературной критики (жанры, композиция и стиль). Л.: Сов. писатель, 1980; Бочаров А.Г. Жанры лит-но-художественной критики. М., 1982; Ўзбек совет адабий танкиди тарихи. 1–2 ж. Т.: Фан, 1987; Соловьев В.С. Философия искусства и литературная критика. М.: 1991; История русской лит-ной критики. М., 2002; Штейнгольд А.М. Анатомия лит-ной критики. Природа, структура, поэтика. Спб., 2003; Введение в лит-ведение. Под ред. Л.М.Крупчанова. М.: ОНИКС, 2007. С.8-9; Назаров Б., Расулов А., Ахмедова Ш., Каҳрамонов К. Ўзбек адабий танкиди тарихи. Дарслик. Т.: Тафаккур каноти, 2012; Озод Ватан саодати: Адабий танкид (нашрға тайёрл. Х.Болтабоев). Т.: ADIB, 2013.

~ **ТАЪСИР** – муайян бир ад-тта юксак даражада ривожланган бошка бир ад-тнинг, бир ижодкорға бошка бир даҳо ижодкорнинг муносабати. А.т. ҳар кандай адабий жараён учун конуний ҳол булиб, у муайян даражада таъсир этиши мүмкін. Күламли бу жараён ад-тлараро, ижодкорлараро ва даврлараро муносабатта киришади.

Мұмтоз ад-т табиий равишида араб, форс т.даги манбалар таъсирида ёки аксинча, форс ад-тига умумтурк ад-ти сезиларли таъсир күрсатған. Шүролар даврида ад-тлараро алоқада А.т.га алоҳида ахамият каратилиб, рус ад-ти таъсирининг устуворлиги ҳақида күплаб ишлар килинган. Айрим даврлар ад-ти бир миллій ад-т доирасида ёки бир неча ад-тлар доирасида А.т. кучига эга. Мас., антик ад-тнинг Уйғониш даври ад-тига таъсири, маърифатчиликнинг XX аср боши ад-тига таъсири масалалари адабий тажрибада күзатылған ҳодисалардир. Бир ижодкор услуги ва ўзига хослигининг шаклланишида иккінчи бир ижодкор таъсирчан құдратта эга булиши мүмкін. Алишер Навоий ижоди нафакат ўзбек адиллари, балқи турк (Ахмад Пошо), озарбайжон (Фузулий), форс (Фахрий Ҳиравий), уйғур (Низорий) каби ижодкорларга таъсир этгани адабий тажрибадан маълум.

XX аср ўзбек ад-тида А.Қаҳхорга Чехов, Ш.Холмирзаевга Хемингуэй, Шавкат Раҳмонга Гарсия Лорка ижоди ўз таъсирини ўтказганини ушбу муаллифларнинг үzlари эътироф этишган. Бирок бу ижодкорларнинг хеч бири ташки таъсир доирасида қолиб кетмаган, уларнинг ижодда ўз йулларини белгиләшида ва бетакрор услуг сохиби булиб етишишида А.м. маълум маънода устозлик вазифасини бажарған.

- Взаимосвязь и взаимодействие национальных лит-тур. Материалы дискуссии. М., 1961; Ломидзе Г. Буюк муштараклик түйгүси. Т., 1978; Жирмунский В.М. Справительное лит-введение. Восток и Запад. Л., 1979.

~ **ТИЛ** – бирор халк ёки миллат т.нинг адабий нормалар асосида қайта ишланган, мөърлаштирилган нутқнинг ифодаси. А.т. коҳ оғзаки бўлсин, коҳ ёзма муайян мөърларга бўйсунишни талаб килади. Чунки у маълум бир турух, ҳудуд ёки элатга эмас, балки умумхалқ маданияти шакли сифатида хизмат килади. Бад. асарлар, вактли матбуот материаллари, илмий, ахлокий, сиёсий, диний в.б. ад-тлар шу т.да ёзилади ва тарқатилади. Миллий т. ҳали А.т. эмас, унинг ҳаракат шаклларидан биридир. Шунинг учун миллий т.даги шевашлар, ҳудудий ўзгаришлар А.т. акс этмаслиги мумкин. Муаллиф бад. асарда адабий т. мөърларидан стилизация нуктаи назаридан чекиниши мумкин, яъни у давр талабига кўра тарихий асарларда ўша даврга хос архаик сўзлардан фойдаланиши, қаҳрамон ҳарактерининг бир киррасини очиш учун шева ёки чекланган тил бирликлари (жаргон, арго)га мурожаат килиши мумкин. Йскин бунда ҳам мөъёр ва мувофиқликни саклай билиши керак. А.т.нинг оғзаки мөърлари орфоэпия, ёзма конуниятлари орфография деб номланадиган т.шунослик соҳалари орқали ўрганилади.

Ўзбек А.т.нинг шаклланиш даври ҳакида турли баҳс-мунозаралар мавжуд. Шуролар даврида ўзбек А.т. XV асрда (Алишер Навоий ижоди мисолида) шаклланганлиги ҳакидаги даъво нотўтиридир. Айрим олимлар ўзбек А.т. X-XI асрларда шакллангани тўғрисида Махмуд Кошғарийнинг “Девону луготит турк” ва Юсуф Ҳос Ҳожибининг “Қутадғу билиг” асарига таянган ҳолда фикр билдирадилар. Қатор хорижий мутахассислар (И.В.Стеблева, Н.М.Кляшторный в.б.) Ўрхун-Энасой манбаларининг т.га қад. ўзбек А.т. намунаси сифатида караганлар.

- Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. 1-2 китоб. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2009-2010; Замонавий ўзбек тили. 1-ж. Морфология. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2009; Sintaksis. 2-ж. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2013.

~ **ТУР** – бад. асарнинг типлари, ўзига хос ҳусусиятга эга бўлган, поэтик нутқнинг алоҳида шаклланиши, муаллиф ғояларининг бетакор мушаккал ифодаси. А.т. дейилганда ҳаётни идрок ва ифода этища бир-биридан кескин фарқ киладиган муаллиф позициялари тушунилади. А.т. тушунчаси айрим назарий манбаларда “жинс” (рус т.даги “род”ни қалқалаш орқали) истилохи б-н юритилади. Айрим хорижий манбаларда эса А.т. ва жанр муносабатларида уларни ҳар хил тушуниш мавжуд. Мас., француз ад-тшунослигига “жанр” истилохи А.т.ни англатади. В.Белинскийнинг “Поэзиянинг хил ва турларга булиниши” маколасини тарж. килиш жараённида А.т.га нисбатан “хил”, жанрга нисбатан “тур” сўзлари кўлланилган. Бундай терминологик чалкашликлардан чиқиш максадида А.т. “жанлар гурухи”дан иборат эканини, у услуб б-н ҳам, метод б-н ҳам жиддий алокадорликда тараккий этаётган категория эканини таъкидлаш лозим.

Бад. ад-тни турларга ажратиш, яъни асар типларини белгилаш Афлотун давридан бошлилангани анъанавий тарзда эпос, лирика ва драмадан иборат экани эътироф этилади. Афлотун “Давлат” асарида бу А.т. фаркини шундай тушунтирган: биринчидан, (муаллиф) ўз номидан тўғридан тўғри гапириши,

худди дифирамблардаги каби; иккинчидан, ўз асарини қаҳрамонларининг “нұтқ алмашиниш” күренишига қуриши ва бунда шоир сұзлари аралашмаслиги; учинчидан, ўз сұзларини асарда иштирок этувчи бегоналар сұзлари оркали айтиши мүмкін”. Сукрот асарларига муносабатда айттылған бу талқин кейинчалик асрлар давомида ад-тни турларға ажратылған мезон вазифасини бажарған. Афлотуннинг шогирди Арасту бу фикрларни янада изчилрек килиб давом эттирган: “Бу соҳада асарлар яна акс эттириш усуллари жиҳатидан ҳам бир-биридан фарқ қиласы. Зотан бир хил нарсаны бир хил восита б-н тасвирлаган ҳолда ё мұаллиф воеаларға аралашмай хикоя қилиши ва үзини худди Гомердай тутиши мүмкін. Ёки бутун тасвир давомида мұаллиф үзлигіча қолиши ёхуд барча акс эттирилүвчиларни қарқатдагилар сифатида гавдалаптириши мүмкін”. Уйғониш асрида бу каби талқинлар янада конкретлаштырылған. А.С.Минтурно “Поэтика” (1559) асарида А.т.ни эпос, мелика (лирика) ва сахна поэзияси (драма) дея тасниф күлгән. XIX асрда Гегел тасниф асосыга объективлик ва субъективликни күйгән ва В.Белинский мана шу асосда махсус макола ёзған. Ўз-ида А.т. назарияси, асосан, В.Белинский қарашлари бүйіча шаклланған. Бад. ад-тни турларға ажратыш Гарбий Европада нұткнинг ифода шактлары – поэзия ва прозага ажратыла яқин келади. Бирок бу таснифни Шарқ ад-тига тұғридан тұғри күчириб бұлмайды. Чunksи ислом шарқида *наср ва назм* А.т. сифатида әмас, балқи нұткнинг ифода шаклиға құра белгиланған. Шундай килиб, А.т.ни белгилашда турли таснифларни, бирлік ва асосларни учратыш мүмкін, лекин деярлы ҳамма назарий манбаларда уч А.т. – эпос, лирика ва драма тарзіда (айрим асарларда иккінчи ва учинчи А.т.нинг ўрни алмашған ҳолда) қатыйлашған.

Адабий тажрибада айрим асарларда иккі турға хос хусусиятлар жамланғани, мас., Шеллинг “Эпоснинг драма б-н қүшилған” шакли хусусида сұз юритади. Бу ҳолатни Б.Брехт драматургиясыда күзаттан мутахассислар унта нисбатан “эпик театр” истилохини күллашған. Айрим жанрлар, мас., достон, баллада ва масалда лирик ва эпик асос бирлашғани күзатылади. Бирок юқоридаги ҳолаттар зинхор тұртингичи, янги А.т.ни вужудға келтирмайды. Аксинча, уларнинг ўзаро коришиғидан янги “фарзанд” – жанрлар туғилғаны қайд этилади. XX аср ад-тида А.т.дан ташқары (русча: всеродовыс) адабий шактлар мавжудліги ҳақида ҳам күзатышлар мавжуд. Бу истилох рус олимлари томонидан *очерк*, *эссе* жанрларига ва “онг оқими” күзатылған романларға нисбатан ҳам құлланилмокда. Демек, А.т.га аңызағавий муносабат б-н бир каторда ноаньзанавий тарзда уларни янгилашта, жанрлар диффузиясига сабаб буладыған мезонлар ахтаришга ҳам интилиш мавжуд.

А.т. назариясыда мунозарали ўринлар булишига қарамасдан адабий тажрибада ҳар учала турға хос жиҳатлар аник белгиланған, улар нафақат назарий талқинларда, балқи амалда бад. асарнинг формал таркиибий хусусиятларыда, мұаллиф пафосыда (уз асарига муносабатда), услугуда аник

кўзга ташланади, улар хакидаги таълимот ад-тишуносликнинг асосий бўлимини ташкил килади.

- Белинский В.Г. Разделение поэзии на роды и виды / Полн. собр. соч в 13 т.-х. Т.5. М., 1954; Платон. Соч-я: в 3-х т. Т.3, ч.1. М., 1971. С.174-76; Гегель Г.В.Ф. Эстетика в 4-х т. Т.3. М., 1971. С.348-52; 419-20; Шеллинг Ф.В. Философия искусства. М., С.396-399; Введенский в лит-ведение. Хрестоматия. М.: Высшая школа, 1988. С.128-166; Адабий тур ва жанрлар. 1-ж.: Эпос, 2-ж.: Лирика. Т.: Фан 1991-92; Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. Т.: Янги аср авлоди. 2004; Хализев В.Е. Теория лит-ры. М.: Высшая школа, 2005. С.308-332; Теория лит-ры: Роды и жанры. М., ИМЛИ РАН, 2003; Теория лит-ры в 2-х т. т.1. / Под ред. Н.Д.Тамарченко. М.: ACADEMIA, 2004. С. 264-276.

~ **ТЎГАРАК** – интилиш ва қизиқишилари бир-бирига яқин бўлган адаб ва олимлар, талаба ва ихлосмандларнинг муайян бир йўналишдаги ижодий бирлашмаси. Илк А.т. Юноностонда м.а. Г асрда вужудга келган, асосчиси Гай Цилний Меценат. Россияда А.т. пайдо булиши XVIII аср ўрталарида А.П.Сумароков номи б-н боғланади. XX аср бошида собиқ иттифоқда турли салон ва тўгараклар ҳаддан зиёд кўп ташкил бўлганки, комфорик “Адабий-бад. тўгаракларни кайта тузиш хакида” (1932) карор чикаришга мажбур бўлган.

Ўтмишда саройда ва адабий муҳит шаклланган ш.ларда турли *адабий мажслислар* мавжуд бўлса ҳам том маънодаги А.т.лар Ўз-нда XX аср бошида вужудга келган. Фитрат томонидан “Чигатой гурунги” номи б-н 1918 й.да Тошкентда ташкил бўлган А.т. ўз низомномаси, харакат дастури ва илмий-бад. йўналишига эга эди. Низомномага кўра “тўда” номи б-н унинг “тил ва имло”, “адабиёт” ва “музыкй ва театрў” шўйбалари бўлган. У 1921 й.да ўз фаолиятини тұхтаттан. Кейинрок “Кизил қалам” тўгараги ташкил бўлган. Гарчи бу адабий муассасалар маъбаларда “тўгарак” номи остида фаолият бошлаган бўлса ҳам, кейинчалик вужудга келган ижодий уюшмалар учун бошланғич ташкилот вазифасини ўтаган. Тошкентда “Намуна” адабий тўгараги машҳур бўлган.

А.т. ш. ва кишлекларда, олий ва ўрта таълим муассасалари, умумтаълим мактабларида ҳам ташкил килинган.

- Аронсон М., Рейсер С. Лит-ные кружки и салоны. Л., 1929; Каримов Н. Ўз-нда адабий харакатлар // ЎЗАС. 1995. 20 янв.: Болтабаев Ҳ. “Чигатой гурунги” тўгаракми ё ташкилот? // Фитрат ва жадидчилик. Т., 2007. Б.40-46.

~ **ЭМАКДОШ** – театр ижодий жамоасининг аъзоси, бадий матн (драма ёки либретто)ни саҳнага кўйишда реж., актёр ва ижодий жамоага ёрдам берувчи адабий ходим. А.э. оригинал асар саҳнага чикадими ёки таржима асарими уни баҳолай билиши, асар ички хусусиятларини саҳна куринишида тасаввур кила олиши ва бад. асарни имкон қадар аслият (муаллиф нусхаси)дан узоклашмаган ҳолда саҳнага чикишига зришиши лозим. Бир катор таникли ўзбек адаблари А.э. бўлиб фаолият кўрсатганлар.

~ **УГРИЛИК** – бошқа муаллиф томонидан ёзилган бад. ёки бошқа асарлар, интеллектуал мулк маҳсулотларини муаллиф розилигисиз ўзлаштириб олиш (плагиат). А.ўга йўл қўймаслик мақсадида Ўз-нда муаллиф хукуки конун б-н ҳимояланади. 1996 й. 30 августда “Муаллифлик хукуки ва турдош хукуклар тўғрисида”ги ЎзР 272-1 рақамли Конуни қабул килинган.

«АДАБИЙ МЕРОС» – 1968–1998 й.лар давомида нашр этилган илмий тўплам (ўзбек ва рус т.да). Жами 70 сони чоп этилган. 1968 й. Алишер Навоий тугилган куннинг 525 йиллигига бағишилаб 1-сони чиккан, 2-сони (1971) ва 3-сони (1973) 2.000 ададда нашр этилган. 1976 й.дан тўрт сондан чоп этиш мўлжалланган. Муассис: Ўз-н Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат ад-т музейи (1968–1978) ва Ҳ.Сулаймонов номидаги Қўлзамалар инс-ти (1980–1998). Масъул мух-рлари: М.Юнусов (1968–71), Ф.Сулаймонова (1973–76), Ҳ.Сулаймонов (1977–78), А.Қаюмов (1980–85), Э.Ахмадхужас (1986–93), Н.Рахмонов (1994–98).

“Ад.м.”да ўзбек мумтоз ад-ти ва Шарқ ад-ти тарихига оид илмий тадқиқот ва манбалар чоп этилган.

- “Адабий мерос” тўшиғининг библиографик курсаткичи (1976–1989). Т., 1989.

«АДАБИЯТ ВЕ ИНЖЕСЕНЕТ» (“АДАБИЁТ ВА НАФИС САНЬАТ”) – Озарбойжон Ёзувчилари уюпмасининг ҳафталиқ газ.си. 1934 й.дан Бокуда чиқа бошлаган. 1953 й.га қадар “Адабият газети” номи б-н ҳафтада уч марта нашр этилган. Ҳозирги пайтда Озарбойжондаги энг оммавий нашрлардан бири. 1992 й.дан **«АДАБИЯТ»** номи б-н чоп этилади.

- Лит-ный энц-кий словарь. М.: СЭ, 1987. С.14.

«АДАБУ-Л-МУРИДИН» – Шайх Зиёвуддин Сухравардий (в. 1117/1168) асари. Унда муридлар одоби, мурид ва муршид муносабатлари ҳамда муриднинг сулукдаги ўрни масалалари баён қилинган. Ушбу асар ҳакида Алишер Навоий “Насойим...”да маълумот берган.

- Алишер Навоий. МАТ. 17-ж. Т.: Фан, 2001; Кошгариј М.С. Солихлар одоби... Ганиева С. Навоий ёдга олган асарлар. Т., 2004. Б.5.

АДАД (арабча: – сон, рақам) – сон, ракам ва миқдор. Ўзбек т.да рус т.даги тираж сўзининг мукобили сифатида кўлланилади. Тасаввуф ад-тида А. ибодат пайтида уқилиши лозим бўлган дуолар миқдорини англатади. Арабларда А.нинг бир неча таърифлари бор. Улардан бирида берилишича, “воҳид ва унинг таҳсими ёки тақорори билан воҳид ҳар икки амалининг таркиби ва хосиласидан келган нарсадир”. Замахшарий фикрича, араб т.да факат 12, яъни 1-10, 100 ва 1000 сонларининг маҳсус исмлари бор. Колганлари таркиб ёки тақорордир.

- Mahler. Adat / Islam Ansiklopedisi. 2-cild. Istanbul, 1993. S.131-134.

АДАД, АДДУ (аккад, шумер) [мифология] – Месопотамияда момақалдирок, ёмғир ва бурон маъбуди. А. шумерда Ишкур м.а XVI асрга тегишили. Шом (Сурия)да Ҳадад, арамей (оромий)ларда Қад, Фаластин хананейларида Адду ҳам шундай маъбуд саналади. Манбаларда бир кўлида болға, иккинчи кўлида яшин (момақалдирок) ушлаган ҳолда тасвирангган.

♦ Я открою тебе сокровенное слово. Лит-ра Вавилонии и Ассирии / Пер. с аккадского. М.: Художественная лит-ра, 1981.

АДАЖИО (итальянча: *adagio – секунд*) [эстетика] – пъесанинг мусика б-н оҳиста ижро этиладиган кисми. Симфониянинг урта бўлаги. Мумтоз симфониялар мукаддимаси А. усулида ёзилган. Уз-н композиторлари ижодида кўплаб А. яратилган. Mac., M.Тожиев оркестр учун ёзган “А.”си. Балетда ракснинг секин ҳаракатли тури. А. бир ёки икки киши томонидан ижро этилади. Mac., И.Акбаровнинг “Орзу”, М.Ашрафийнинг “Севги тумори” балетининг А. кисми.

• Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.16.

АДАМ (яхудийча: тупрок) [мифология, диншунослик] – Ер юзидаги биринчи Одам, Инжил ва Куръони каримда илк пайғамбар. Аллоҳ А.ни тупрок (кул, чант)дан яратган, Ҳавво (Ева)ни эса унинг қонурғасидан. А. ҳакидаги тасаввурлар исовий ва мусовий динларида кенг берилган. Исо а.с. ўзини А.нинг ўғли деб атайди. А. ва Ҳавво (Ева)нинг жаннатдан кувилишини тасвировчи юзлаб бадиий ва мифий манбалар мавжуд. Шунингдек, Микеланжело, П.Веронезе, У.Блейк расмлари машҳур.

Ислом мифологиясида “Адамдан Ҳотам (Мухаммад с.а.в.)гача” ибораси қулланилади. Буни “биринчи пайғамбардан то сунгтиси (пайғамбари охир замон)гача барча пайғамбарлар” маъносида қабул килиш мумкин. Илмий таомилга кўра у кишига нисбатан “Ҳазрат Одам” ёки Одам а.с. (алайхиссалом) қулланилади. “Китоби Дада Қўрқуд”да идеал инсон маъносида ишлатилган. К.: Одам а.с.

• Лафарг П. Миф об Адаме и Еве. СПб., 1906; Происхождение Библии. М., 1964; Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.41-42; Kitabi-Dada Qorqud ensiklopediyasi. Baki: Yeni Naşrler Evi, 2000. S.10; Binyadov Z. Dinlər, təriqətlər, məzhabıllar. Baki: Şərq-Qərb, 2007. S.10.

АДАМ (арабча: ﷺ – йўқлик) [тасаввуфшунослик] – йўқлик, ҳсч. Тасаввуф адтида мосуво, зулмат, ботил сўзлари б-н ҳам англатилади. А. икки хил: мутлак ва мумкин. А. мутлак А. йўқ, мумкин А. эса бўлмаган, аммо бўлиши мумкин А.дир. Аллоҳнинг илмида бор, аммо ташкари оламда йўқдир. Мумкин А. Ҳак тажалли этадиган ойнадир. Ҳак йўқлик ойнасида зухур этар. Борлик эса Ҳакнинг тажаллисиadir. Модда, борлик ва маҳлуклар ўз аслларига ва зотларига кайтишига кўра мумкин А.дир, у Ҳакка кўра бор бўлиб, борлигини Ҳақдан олган. Тасаввуфда ундан бошқа борлик эса хаслдир.

• Uludag S. Tasavvuf Terimleri Sözlüğü. İstanbul: Kahalci Yayınevi, 2005. S.22.

АДАМ де Галли (Adam de Halle, XIII аср) – француз шоири. Севги хакидаги шеър ва қүшиклар муал.и. Арас ш.да түгилган. 1282 й. Неопол (Италия)га кетиб, ўша ерда вафот этган.

АДАМЕЦ, Карл (1838–1865) – чех адиби. Париж ун-тини тамомлаган, дастлаб Гавличко, Челаковский каби романтиклар таъсирида бўлган. “Карл Марианалик” киссаси, “Лизара”, “Поклад” достонлари ва халқ қўшикларига айланган кўплаб шеърлар муаллифи.

• Энц-кий словарь. Брокгауз и Ефрон в 12 т. Биографии, т. I. М.: СЭ, 1991. С.91.

АДАМИЗМ – к.: Акмеизм

АДАМОВИЧ, Алесь (Александр) Михайлович (1927 й.т.) – белорус адиби. Минск ун-тини тамомлаган, 1953 й.дан ад-тга оид маколалари чоп этила бошлаган. Ватан уруши ва замонавий мавзуларга доир ҳикоя ва қиссалари эълон қилинган. “Том остидаги уруш” (1960) романида белорус халқининг фашистлар зулмига карши кураши ўз аксини топган. “Қамал дафтари” китоби (1977–81, Д.Гранин б-н ҳаммуалифликда) шуҳрат қозонган. Адтшунос сифатида “Махоратга йул. Козма Чорний бадиий услубининг шаклланиши” (1958), “Ижод маданияти” (1959), “Белорус романи” (1961) каби ишлари чоп этилган.

◆ Адамович А. Война под крышами. Минск, 1960; Соч. в 4-х т. Минск, 1981-82.

АДАМ и ЕВА – к.: Одам Ато ва Момо Ҳаво.

АДАН, Люсен (1833–?) – француз тилшуноси. Урал-олтой т.лари оиласи гурухини тадқиқ қилган. Мугул, тунгус в.б. олтой т.ларига оид катор китоблар ёзган. 1870 й.дан Америка китъаси т.ларини ўрганган. Америкашунос Урикёхеа бошлаб берган йулни давом эттириб, Америка тубжой ахолиси: гвайана, чикитос, тимукува ва тээн т.ларига оид тадқикотлар эълон қилган. Америкашунослар конгресси ташкилотчиларидан.

• Брокгауз и Ефрон. Энц-кий словарь в 12 т.-х. Биографии, т. I. М.: СЭ, 1991. С.98.

АДАН, Пол (1862-1920) – француз адиби. Парижда түгилган, 1884 й.дан адабий ҳаётга фаол аралаша бошлаган. “Буш насл” (“Слабая плоть”) натуралистик руҳдаги биринчи романни учун камокка олинган. Сунгра символистик руҳда асарлар ёза бошлаган. 1886 й. Жан Мореас б-н ҳамкорликда “Мирандапикида чой” ва “Губернантка” сарлавҳали насрый китобларини эълон қилган. 1888 й. “Борлик” романни адибга шуҳрат келтирди ва уни француз символистлари каторига олиб кирди. Биринчи жаҳон уруши даврида гарчи жангларда иштирок этмаса ҳам, “Лотин биродарлиги интеллектуал жамиияти”ни ташкил этиб, катор хайрия тадбирларини амалга ошириди. Машхур актриса Кларисса Гоби ҳаёти ва фаолиятга бағишинган романлар туркуми яратиб, унда ҳар кандай ахлок коидаларидан ўзини юкори

деб билган актриса ҳәётининг фожиасини күрсатди. Эрк, туйғу ва соглом аклнинг синтези сифатида ўз эстетик идеалини тасвиrlади. Сиёсатга кизиқди, сайловларда мұваффакият қозона олмагач, ад-тга қайтди. Романларида Франция сиёсий ҳәёти, суд ва хукук идораларини сатира остига олди. Тарихий романларида Наполеон ва реставрация даври воқеаларига сиёсий баҳо берди. Ад-т тарихи ва замондош адиллар түғрисида эсселар, символизм фалсафаси түғрисида очерклар ва адабий портретлар яратди. Сахна асарларида илк бор рамзий тимсоллар талқинини француз театрига олиб кирди.

- Венгерова З. Адан П. / Брокгауз и Ефрон. Энциклоопедия в 12 т.-х. Биографии, т.1. М.: СЭ, 1991. С.98; Энци-я символизма. Живопись, графика, скульптура. Литература. Музыка. Сост. Жан Кассу и др. Перевод с франц. М.: Республика, 1999. С.346.

АДАП (аккадча: Adan > исм) – аккад халқ қаҳрамонлик эпосининг бош персонажи. А. ҳақидаги достон матни м.а. XIV асрға тегишли. У Амарна архивидан топилған. Матнда ёзилишича, А. За маъбудининг ўтлидир. Бош маъбуд Ану А.ни арши айлога чакирирган, жанубий шамолнинг қанотини қайиргани учун ҳам уни жазоламоқчи бўлған. Аэ уни бу жазодан куткармоқчи бўлған, бирок А. отасининг маслаҳатига қулоқ тутмагани учун ўзини абадий ҳаётдан маҳрум килған. Бу эпосда инсоннинг табиий кучлар олдиғаги ожизлиги, табиат ҳодисалари маъбуллар иродасига боғлик бўлса, инсон ҳәёти ўзига боғлик. Шунинг учун ҳам у маъбуллар иродасига карши боролмайди ва табиат ҳамда маъбуларнинг бекиёс кучи олдида ожиз бўлиб колаверади.

- ◆ Я открою тебе сокровенное слово. Лит-ра Вавилонии и Ассирии / Пер. с аккадского. М.: Художественная лит-ра, 1981. 352 с.
- Йозеф Клима. Общество и культура древнего Дворчья. Прага: Academia, 1967. С.220-239; Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.44.

АДАПТАЦИЯ (лотинча: adapto – енгиллаштирумок, мослаштирумок) [респектив эстетика] – бирламчи маънода жонли организмлар аъзоларининг ташки мухитга мослашуви. Замонавий илм соҳаларида А. фақат биологияда эмас, балки гуманитар фанларда фаол қўлланилмоқда. Кибернетикада “адаптив системалар” ишлаб чиқилған. Т.шунослиқда А. Ф.Боппнинг атглютинация назариясига карши санскритолог А.Людвиг томонидан (1871-73) илгари сурилған. Бирор асар (қўпинча, мумтоз ад-т намуналари) б-н кенг китобхонлар оммасини танишириш мақсадида ўша асар матнини кискартириш ёки замонавий т.да қайта баён этиш. А. икки хил тарзда амалга оширилиши мумкин. Биринчидан, асарнинг умумий мазмунига зарар етмаган ҳолда унинг айрим тафсилотларини кискартириб, қайта баён этиш мумкин. Иккинчидан, матнни тұла сақлаган ҳолда, унинг жорий т.даги баснини бериш ҳам мумкин. Ҳар икки ҳолатда ҳам А. муал.лари ўша ижодкор бадиий оламига кира олиши, унинг эстетик принципларидан келиб чиқкан ҳолда иш юритиши лозим болади.

- Хотамов Н., Саримсоқов Б. Ад-шунослик терминларининг русча-узбекча изохли лугати. Т.: Ўқитувчи, 1979. Б.21; Каляков И. Цивилизация и адаптация (пер. с болгарск.). М., 1984; Ольшанский Д.В. Адаптация / Философский энц-кий словарь. М.: СЭ, 1989. С.14; Борев Ю. Эстетика. Тсоприя лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асерель-Аст, 2003. С.14; Karataş T. Ansiklopedik Edebiyat Terimleri Sözlüğü. Ankara, 2007. S.19-20; Turk Dunyasi Edebiyat Kavramları ve Terimleri Ansiklopedik Sözlüğü. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.27-28; Борев Ю. Словарь текстологии и генетической критики. М., 2011. С.11-12.

~ **ланган матн** (адаптированный текст) – бадий асар ёки адабий матннинг енгиллаштирилган, жорий т. ва ёзувга ўтирилган варианти. Айрим ҳолларда хорижликлар ва т. ўрганувчилар учун (баъзан кичик ёшдаги болалар учун) соддалаштирилган матн. А.М. босма нусхаси А. нашр деб юритилди. Мак., Алишер Навоийнинг “Ҳайрату-л-абброр” достони А.Ҳайитметовнинг, “Фарход ва Ширин” достони Гафур Ғуломнинг насрой баёни б-н эълон килинган. Юсуф Ҳос Ҳожибининг “Кутадғу билиг” асарининг шундай матни Б.Тўхлиев томонидан нашр килинган. Заҳиридин Мухаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарининг енгиллаштирилган варианти 2008 й.да нашр килинган (табдилчилар М.Саъдий ва К.Муллахужаева).

- ◆ Заҳиридин Мұхаммад Бобур. Бобурнома. Т.: Oqituvchi, 2008.
- Хотамов Н., Саримсоқов Б. Ад-шунослик терминларининг русча-узбекча изохли лугати. Т.: Ўқитувчи, 1979. Б.21; Елисеев И.А., Полякова Л.Г. Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.4.

АДАШБОЕВ, Турсунбой (1939 й.т.) – ўзбек болалар шоири ва адаби. Кирғизистоннинг Ўш вилояти Олабука (Сафедбулан) кишлогида туғилган. ТошДУ (хоз. ЎзМУ)да, Москвадаги Жаҳон ад-ти ин-тида таҳсил олган. Асарлари ўзбек, кирғиз ва рус т.ларида эълон қилинган. Биринчи тўплами “Камолнинг олмаси” (1964), “Бир саёҳатчи” (1966), “Арслонбоб шаршараси” (1981), “Оқбура тўлқинлари” (1990), “Топишмоқли алифбо” (1996) каби болалар учун ўнлаб шеърий ва насрой китоблар ёзган. Шеърлари умумтаълим мактаби дарслек-мажмуаларида (1-, 3-, 4-, 6-синф), олий таълим тизими учун тузилган хрестоматияларга кирган, болалар адабиётига доир дарслек ва кўулланмаларда ижодий фаолияти ёритилган.

Жаҳон ва кардош ҳатклар болалар ад-тидан Ян Бжехва, Леонис Бриедис, Корней Чуковский, Самуил Маршак, Т.Қосимбекрв, Муса Жонгозиев, Қодир Мирзаалиев асарларини ўзбек т.га тарж. килган.

- ◆ Адашбоев Т. Арслонбоб шаршараси. Т., 1969; Нур дарё. Т., 1975; Олатоғ – Лолатоғ. Г., 1978; Жұнатаман күёшни. Т., 1982; Оқбура тўлқинлари. Т.: 1985; Совға. Т., 1986; Арслонбоб афсонаси. Т., 1988; Уч буталок ва сирли ковок. Т., 1990; Топишмоқли алифбо. Т., 1997; Oltin yollı tulpor qissasi. Т., 2003; Orzularim - qo'sh qanotim. She'rlar va eraklar. Т.: Sharq NMAK, 2003; Осмондаги дарвоза. Т., 2012.

- Жұмабоев М. Болалар адабиёті. Т., 1994. Б.197-205; Türk Dünyası Edebiyatçılari Ansiklopedisi. Ankara, 2002. S.108-09; Ашурев Б. Турсунбой Адашбоевнинг поэтик маҳорати. НДА. Т., 2008; Баракаев Р., Ашурев Б. Турсунбой Адашбоев феноменига бир пазар. Т.: Akademnashr, 2014.

АДВАИТА (санскритча) [мифология] – хинд фалсафий таълимоти. Саркаражари томонидан 750 й.да асос солинган. Инсон қалби олам руҳининг бир кисми, деган фикрни ёқлади.

• Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.16

АДВЕНТИСТЛАР (лотинча: *adventus* – ходиса) [диншунослик] – Шимолий Америка ва Буюк Британиядаги насроний динининг мазхаб (секта)ларидан бири. Уларнинг эътиқодига кўра, якин келажакда Исо Масих янгитдан келади ва янги диний эра бошланади. А. сектаси АҚШда XIX аср 30-ий.да вужудга келган бўлиб, унинг асосчиси баптист У.Миллер (1782–1849)дир. А.нинг турли йўналишлари мавжуд. Улар орасида нисбатан машҳури: *еттинчи кун*. А. (1863) шанба кунни муқаддас билиб, А.Уайт (1827–1915) исмли “пайғамбар аёл” шарафига байрам киладилар. Россияда “еттинчи кун – шанбачилар” XIX асрнинг 80-ий.да вужудга келган. Ўрта Осиёда А. конференцияси мавжуд. Унга Роберт Гейбел (1992 й.дан) раҳбарлик қиласди.

• Клибанов А.И. История религиозного сектанства в России (60-е г. XIX в.-1917). М., 1965; Лентин В.Н. Адвентисты седьмого дня. М., 1966; Белов А. Адвентизм. М., 1968; Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.17.

АДВОР (арабча: *ادوار* – даврлар) [эстетика, санъатшунослик] – ритм ва мусиқа доиралари. Тарихда ритм усулларининг доира шаклида (аруз доиралари кабиги) чизикларга жойлаштирилиб, бир неча бор тақрорланиши. Шарқ мусиқасида шакл ва мазмун жиҳатидан тугал, мунтазам тақрорланувчи коидалар тизими. Ўрта Осиёда м.а. I-минг йилликда вужудга келган. А. илк маротаба *Киндий* (801-879) рисолаларида “ритмик доира” маъносида, Урмавийнинг “Китобу-л-адвор” асарида «маком» атамаси ўрнида кўлланган. Рисолаларда айлана шаклида тушунтирилган. Алишер Навоийда шундай байт бор:

Эй Навоий, даҳл қилма, гар тилар эрсанг наво,
Хар неча хориж наво курсанг сипеҳр адворини.

(Алишер Навоий, Хазойину-л-маоний, III б-592)

~ *иљми* – мусиқа илми, мусикашунослик. Мусулмон Шарқида Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Нажмиддин Кавқабий, Абдулқодир Мароғаий, Дарвеш Али Чангий в.б. йирик алломалар асарларида акс этган.

• Ражсабов И. Макомлар масаласига доир. Т. Ўздавишр, 1963; Макомлар. Т., 2008. Б.294;

«АДВОР» – Абдураҳмон Жомий (1414–1492)нинг мусикага оид рисоласи, форс т.да битилган (айрим манбаларда “Рисолайи мусикий”), мусиқа ва ритм назариясига бағишиланган асар (1475). “Давр” мусиқа истилоҳида ритм демакдир.. Бу асарга Алишер Навоий баҳо бериб: “музикий ва адвор рисоласини битидиларким, бу фанда андоқ мунаққаҳ ва муфид рисола йўктур” (“Хамсату-л-мутахайирин”, 706) деб ёзган. “А” муқаддима, 23 фасл

(икки қисм) ва хотимадан иборат бўлиб, 12 мақом, 6 овоз ва 24 шуъба ҳакида маълумот берилган. Муқаддима уч бўлимдан: Аллоҳга ҳамд, мусиканинг келиб чикиши ва бу соҳада рисола биттганлар (Форобий, Сафиуддин Шерозий, Абдулкодир Мароголи) ҳакида уч бўлимдан иборат. Асосий 1-қисмда тон назарияси ҳакида фикр юритилиб (уни таржимонлар “композиция” термини оркали рус т.га ўтирганлар). 2-қисм ийко илмига бағишланган бўлиб, уни рус т.га ритм ҳакидаги назария сифатида тарж. килишган. Ушбу асар Жомий вафотидан кейин 1500 й.да Хиротда кўчирилган Жомий “Куллиёт”ининг (унинг қулёзма нусхаси ЎзРФАШИ 1331 раками остида сакланади) 438б–446а саҳифаларида ёзилган. “А.”ни форс т.дан проф. А.Н.Болдирев рус т.га тарж. килиб, 1960 й.да Тошкентда мусикашунос В.М.Беляев таҳририда изоҳлари ва фотонусхаси б-н бирга нашр килдирган.

♦ Джами А. Трактат о музыке / Пер. с перс. А.Н.Болдырева Редакция и комментарии В.М.Беляева. Т.: Изд. АНУЗ, 1960.

• Семенов Ю. Гератское искусство в эпоху Навои / Родоначальник узбекской лит-ры. Т., 1949; Кодиров М. Алишер Навоий ва санъат. Т., 1968; Алишер Навоий. Ҳамсату-л-мутахайирин / МАТ. 15-ж. Т.: Фан, 1999.

АДДЕНДА (инглизча: addenda – илова, қўшимча) – бадий асарга қўшимча килинган бўлим ёки материал. А. асарга ёзилиш жараённида ёки у тугаллангандан кейин қўшилиши мумкин. А. қайсиdir сабаб б-н ўз вактида ёзилмаган, кейин эса ёдга келгандан сўнг ёки замон талаби б-н асосий матнга қўшилган илова. А. бадий матнга илова равища алоҳида сахифада ёки бошка шрифтда чоп этилиши мумкин. Mac., Чингиз Айтматовнинг “Чингизхоннинг ок булути” киссасини А. дейиш мумкин.

• Борев Ю. Словарь текстологии и генетической критики. М., 2011. С.22.

АДДИСОН, Жозеф (1672/1.V–1719/17.VI) – таниқли инглиз адаби, сатирик шоир, санъатшунос ва ад-т назариётчisi. Классицизм руҳида ёзилган “Катон” (1713) трагедияси муал.и. Ахлоқий эссе ва инглиз реалистик роман асосчиси. Достонларида курашchan Мальборонинг ғалабасини куйлади. А. ахлоққа доир рисолаларида хис қилишнинг уч турини фарқлайди: буюк, янги ва гўзал. Шундан келиб чикиб, санъаткор буюклини, янгиликни ва гўзалликни хис кила олиши ва ўз асарида тасвирлай билиши керак. А. бепоён сахро, улуғ тоғлар, баланд коялар, чексиз уммонларни Буюклик тимсоли деб билади. Янгилик табиат томонидан инсон кутмаганда келадиган оғат ва саҳоватдир. Гўзалликка эса инсоннинг тутма гўзаллиги, рангининг ёркинлиги, бадан аъзоларининг симметрик жойлашуви в.б. сифатларини келтиради. А.нинг талкинича, инсоният биринчи ҳаловатни Буюк Яратувчи яратган табиатдан олади, иккинчи қувонч ёки қоникиш ҳисси санъат асаридан, яъни ҳайкалтарошлик, рассомлик, ад-т ва мусикадан келади. Биз санъат асаридан шу пайтда завкланамизки, ундаги ҳолатлар табиатга, тўғрироғи, табиийсига яқинроқ келса. Биз портретни кўрганда онгимизда унинг натураси (асли) б-н солиширамиз ва аслига қанчалик яқин келса, уни

шунчалик юкори баҳолаймиз. Демак, А. фикрича, санъат асари олиб келадиган завқ ахлоқий, аклий ва диний характер касб этиши мумкин.

- *Аддисон, Джозеф. Эссеистика (по журн. "Спектейтор" – "Зритель") / Из истории английской эстетической мысли XVIII века. М.: Искусство, 1982. С.59-231.*
- *Шамсиддин Сомийбек. Комусу-л-аълом / Н.Асиева тарж. ЎзР ФА Ад-т музей. Кўлғозма. Б.250; Гильберт К., Кун Г. История эстетики / Перевод с англ. М.: Изд. иностр. лит-ры, 1960. С.254-257; Брокгауз и Ефрон. Энц-кий словарь в 12 т. Биографии, т.1. М.: СЭ, 1991. С.99-100.*

АДЕКВАТ (лотинча: adaeguatus – тенглаштириш, мос) [герменевтика] – фалсафада бирор ҳодисани унинг мазмунига мос келадиган, аниқ килиб белгилаш. Билиш назариясида нарса ва ҳодисаларнинг хусусиятлари, алоқаларини ўрганишда унинг объектив мазмунига тўғри келиши. А. ад-т шунчалик атамаси сифатида таржима назариясида кўлланади.

~ **таржима** [таржимашунчалик] – тенг таржима, асл матнга якин келадиган таржима. Айрим муаллифлар асарларининг ёки ҳалқ оғзаки ижоди намуналарининг аспилятга якин ҳолдаги тарж.си назарда тутилади. А.т. ад-т шунчаликда эркин таржиманинг зидди сифатида қўлланилади.

- *Русские писатели о переводе. XVIII–XXвв. / Под ред. Ю.Д.Левина и А.В.Федорова. Л., 1960; Кашик И.А. Для читателя – современника. М., 1977; Хотамов Н. Саримсоқов Б. Ад-тигунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли лугати. Т.: Ўқитувчи, 1979. Б. 22; Гочиладзе М.Л. Художественный перевод и лит-ные взаимосвязи. 2-изд. М., 1980; Рагойша В.П. Проблемы перевода с близкородственных языков. Минск, 1980; Чуковский К.И. Высокое искусство. М., 1988; Сироғиддинов Ш., Одилова Г. Бадий тарж. асослари. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2011.*

АДЕЛУНГ (1732–1806) – олмон олимни ва муал.и. Пруссиянинг Померания ш.да туғилган. Беш жли “Олмон т. лугати” тузган, “Мукаммал ва муфассал қомус” муал.и. Маданият тарихи, фалсафа тарихи (уч ж.)га оид асарлари, жаҳондаги 500 т. ҳақида ёзган лавҳалари шуҳрат козонган.

- *Шамсиддин Сомийбек. Комусу-л-аълом / Н.Асиева тарж. ЎзР ФА Ад-т музей. Кўлғозма. Б.216.*

АДЕПТ (лотинча: adeptus – эришган) [диншунчалик] – яширин суратда қайдидир бир таълимотга эътиқод килувчилар ёки бирор таълимотнинг яширин давомчилари.

- *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.17.*

АДИ, Эндрс (1877–1919) – мажар (венгер) шоири. Асл исми: Эндре Эрминдсонт. Трансильванияда туғилган, Дебрецен ун-тида таҳсил олган. 1904 й. Парижга келган. 1906 й. юртига кайтиб, биринчи туплами “Янги шеърлар”ни нашр килдирган. “Қон ва олтинлар” китобини (1907) эълон килган, “Нюгат” журн. мух-ри сифатида фаолият кўрсатган. “Мени севишларини хоҳлайман” (1909), “Барча сирли ҳодисалар ҳақида шеърлар” (1910) тупламилари б-и ўз китобхонларини топди. Янги рамзлар орқали фикрлайди, Замон, Олам ва Йўқлик муносабатларини асарларининг бош

мавзуси килиб олади. Символист шоир сифатида можар ад-тида француз шоирлари Бодлер ва Верлен анъаналарини давом эттириди. Фалсафада Ницшега якинлашди. Миллат шоир сифатида можар халқининг эркини куйлади, ўзини “чангда қолган той” билиб, сокин осойишталикка чикиш йўлларини кидирди:

*Қалбимда мажар дарахти –
Барглари тушиб, қуриб бормоқда.
Менинг ҳам сұлиши пайтим келди...*

Ёки:

*Мен ноинсонийлик дунёсининг инсониман,
Мен мажсарман, миллатим сұнганды ҳам
мажар булиб қоламан.
Қайта тириламан, үлчига қарши бориб...*

(Рус т.дан тарж.)

- Kakaison A. Le symbolisme en Hongrie. Paris, 1969; Энц-я символизма. Живопись, графика, скульптура. Лит-ра. Музыка. Сост. Жан Кассу и др. Пер. с франц. М.: Республика. 1999. С.346;

АДИБ (арабча: أديب – адиб) [поэтика] – ёзувчи ва шоир. Ижоднинг бир неча соҳалари б-н шугулланувчиларга А. дейилади. Мумтоз ад-тшуносликда илми адабни эгаллаган олимлар А. дейилган. А. илмий ва адабий унвон сифатида подшох томонидан берилган. Mac., Адид Ахмад Югнакий.

АДИБ АҲМАД ЮГНАКИЙ (ХII–ХIII) – йирик адиб, ҳадисшунос ва таълимий дидактик ад-т намояндаси. Тўлиқ номи: Адиб Ахмад б. Махмуд Югнакий. Фарғона водийсининг Йүғнок кишлогида туғилган, Навоийнинг таърифлашича, тутма кўр бўлган.“Хибату-л-ҳақоқий” («Ҳакиқат армуғони») асари Фарғона хукмдори Дод Сипоҳсолор бекка бағишлиланган. Асарнинг араб ва уйғур ёзувидағи кўлэзма нусхалари (XV асрда кучирилган) Истанбулда сақланади. 14 бобни ташкил қилган бу асар Куръон ва Ҳадис ҳикматларининг бадиий шархиdir. Таълимий достон жанрига мансуб мазкур асарда ижтимоий, сиёсий масалалар баён килинган, билим фойдаси ва т. одоби каби аҳлоқий муаммолар талкини берилган. Навоий бир исча марта А.А. ижодига мурожаат килган. Дастлаб, “Насойим...”да маълумот берган: “Адиб Ахмад ҳам турк элиздин эрмиш. Анинг ишида гариб нималар манқулдур. Дерларки, кўзлари бутов эрмишки, асло зохир эрмас эрмиш. Басир бўлуб, ўзга басирлардек андок эрмас эрмишки, кўз бўлгай ва кўрмас бўлғай. Аммо бағоят зийрак ва закий ва зоҳид ва муттакий киши эрмиш. Ҳак Таоло агарчи зохир кўзин ёпук яраткантур, аммо кўнгли кўзин бағоят ёрук килғандур”. Навоий “Муншаот”да Бадиuzzамон мирзога ёзган хатида А.А.нинг қуидаги тўртлигини келтиради:

*Атодин ҳато келса кўрма ҳато,
Савоб бил ҳато токи қилса ато.
Атонинг ҳатосини билгил савоб,
Сени юз балодин күтқаргай Худо.*

«Ҳибату-л-ҳақойик»нинг бизгача сакланган нисбатан қад. нусхаларининг XV асрда кўчирилиши («А» нусха – 1444 й., «Б» нусха – 1480 й.) темурийлар даврида бу турк шоирига эътибор кучайғанлигининг далилидир. Машхур турк олимни Шамсиддин Сомийбек (1850–1904) Навоий асарида маълумотни такрорлаган. Айни хабарни форс т.да Абулҳасан Мухаммад Бокирнинг «Тазкирату-л-авлиё»сида маълумот б-н боғлаб, машхур «Қомусу-л-аълам» асарида Адид Аҳмадни ҳижрий 80–150 йиллар орасида яшаган шоир сифатида кўрсатган. Ушбу маълумот Фарб шарқшунослари Т.Ковальский ва Ж.Денининг «Ҳибату-л-ҳақойик»нинг Нажиб Осимбек томонидан нашр этилиши муносабати б-н ёзилган маколаларида ҳам такроран келтирилган. Нажиб Осимбек асарга илова қилинган маколада уч хукмдор – Хуросон ноиби салжуқли Додбек ибн Ҳабаший-Олтунтош, Махмуд Ғазнавийнинг жияни Салар Ғозий ва Тұғрул Қилич Асфаҳсолорбек орасидан шу сўнгтисини китоб бағишлиланган шахс деб кўрсатган. Рашидиддин Ватвотнинг Тұғрул Қилич Асфаҳсолорбек ҳақидаги «Жавоҳирил-кулоид ва завойиду-л-фавойид» асаридан келиб чиқиб, унинг яшаган даври XII–XIII асрларга тұғыри келишини аниклаган. Фитрат бу номни шоир Сайфи Исфарангий девонида учратиб, унинг ҳақиқатан ҳам мана шу А.А. давридаги Фарғона хукмдорларидан бири эканини аниклаган. Ҳижрий 581 й.да туғилган бу форсигүй шоир үз девонида хукмдор номини тилга олиш б-н чекланмай, икки ҳақвиде Дод Сипоҳсолорбекнинг айрим хусусиятларини танқид килиб үтган. Фитрат ушбу маълумот асосида «Ҳибату-л-ҳақойик» номли маколасида Адид Аҳмад даврини жiddий суратда текшириб, «Биз(нинг)ча, мана шу Сайфи Исфарангий замони (ҳижрий VI асрнинг охири VII асрнинг бошлари)да яшаган Додбек Сипоҳсолорни Адид Аҳмаднинг хукмдори деб қабул килиш керак. Бутун әхтимолларнинг кучлиси шудир», деган холосага келган. У «Юсуф Ҳос Ҳожибининг «Кутадғу билиг»и каби «фаулун, фаулун, фаулун, фаул» аруз үлчови б-н «қашғар тили»да битилған» деб Ѽзган. Асарнинг вазни масаласига ҳам Фуод Құпрулу ва Фитратнинг алоҳида аҳамият б-н караганини эсга олиб, уларнинг бу вазн ҳақидаги қарашларida «мутакориб» вазнида ёзилган дейиш мумкин.

А.А. яшаган даври ва жойи ҳақида ад-тшуносликда турли қарашлар мавжуд. Асарининг тұла матни (изох ва насрий баён) әйлон қилинган, рус олимлари С.Малов, Е.Бертельс, Н.Басқаков, И.Стеблева; турк олимлари Ф.Құпрулу, Н.Осимбек, Р.Р.Арат, Т.Такин ва үзбек олимлари Фитрат, К.Махмудов, И.Ҳаккулов, М.Имомназаров, Ҳ.Болтабоевнинг тадқиқот ва маколалари бор.

♦ *Аҳмад Югнакий. Ҳибату-л-ҳақойик / К.Махмудов. Аҳмад Югнакий ва унинг «Ҳибату-л-ҳақойик» асари тұғрисида. Т., 1972; Аҳмад Югнакий. Ҳибату-л-ҳақойик (нашрға тайёрл. К.Махмудов). Т., 1972.*

- *Бертельс Е.Э. Ҳибат ал-ҳақайик Ахмада Югнаки. Труды САГУ. Новая серия. Вып. 3, кн.1. Т., 1945; Басқаков Н.А. Тюркские языки. М., 1960; Алишер Навоий. Насоймул-мухаббат / МАТ. 17-ж. Т.: Фан, 2001. 645-тартиб; Болтабоев Ҳ. Үтүн әхтимолларнинг кучлиси // Мұмтоз сұз қадри. Т.: Адолат, 2004; Махмудов К. XII–XIII асрлар адабий манбалярининг фонетикасаси. Т., 1994; Фитрат. Ҳибату-л-ҳақойик.. Танл. Асарлар. 2-ж. Т.: Маънавият, 2000; Ҳұжанова Г. «Ҳибат ал-ҳақайик» ҳақиқатлари. Т., 2001.*

АДИБ НИШОПУРИЙ (1867–1926) – Эрон шоири, адиби ва файласуфи. Нишопурда түгилган, 13 ёшлигида Машҳадга бориб турғун булиб колган. Бир катор шеърлар, рисолалар ёзган. Аруз назариясига оид “Рисола дар илми арузи форси ва араби” (“Араб ва форс аруз илми тўғрисида рисола”) муал.и.

- Тоир У., Сайдали С. Комуси кофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон, 1994. Б.25.

АДИБ СОБИР ТЕРМИЗИЙ (1078–1147) – шоир ва аллома. Термизда Сагониён (айрим манбаларда Чагониён) адабий мухитининг етакчи адибларидан. Арабистонда бўлган, 30 й. Хуросон ва Марвда салжуқли сultonлар саройида хизмат қилган. Форс т.да ижод килган. “Девон”идан мұхабbat, маърифат мавзуларидаги газал ва руబойлар ўрин олган. А.С. “Девон”ининг Техрон нашри (1952)да 109 касида, 66 газал, 113 китъя, 7 таржибанд, 92 рубоий бор, умумий ҳажми 7000 байт. А.С. “Девон”и таркибида *ташибиб, маркиббанд, газал, қитъя, рубоий ва мутафарриқа шеърлар мавжуд.*

Хоразмда катл килинган. Асарларининг кўлёзмалари УзРФАШИда сакланади.

- Адиб Собир Термизий. Танл. асарлар. Т., 1979; Сайланма. Т., 1982; Осори мунтахоб. Душанбе: Ирфон, 1981.
- Абдуллаев И. Бухоронинг арабийнавис шоирлари. Т.: Фан, 1965; Поэзия на арабском яз. в Средней Азии и Хорасане X – нач. XI в. Т.: Фан, 1984; Самарқандий Д. Шоирлар бўстони. Т., 1981; Низомий Арузий Самарқандий. Нодир хикоятлар. Т.: 1985. Б.37; Абдуллоев А. Ад-ти форсу тоҷик дар нимаи аввали асри XI (Доирал адабии Газнин). Душанбе: Дошиш. 1979; Қодиров Б., Муртазоев Б. Чагониён ад-ти (Х-ХII асрлар) Т.: Янги аср авлоди, 2002. Б.17.

«АДИБИ АВВАЛ» – узбек т.даги илк алифболардан бири. Маърифатпарвар адид Мунавваркори Абдурашидхонов томонидан тузилган. Алифбе ва ўқиши китоби каби асар, араб ёзувида илк марта 1907 й.да Тошкентда литография усулида чоп этилган. 1907-17 йй. давомида 8 марта кайта нашр этилган. Сунги нашрлар расмли тарзда чоп этилган. Бу дарсликка кадар жадид мактаблари учун Саидрасул Саидазизовнинг “Устоди аввал” (1902) илк дарслиги кўлланишда бўлган. А.А. аввалти дарсликка нисбатан методик жиҳатдан анча мукаммал булиб, аслида у 1901 й.да яратилган, бироқ нашр этиши имкони бўлмаган. А.А.да араб ёзувидаги ҳарфлар 2 гурухга ажратилган: ҳуруфи муттасил (1) бошқа ҳарфларга икки томонидан қўшиладиган ҳарфлар, улар 25 та; ҳуруфи мунфасил (2) – колган 7 та ҳарф, уч хил қўринишга эга. Товушларни ифодаловчи ҳарфлар, уларнинг ўқилиши ва ёзилиши хақидаги маълумотдан сўнг “Сон”, “Аъзолар”, “Ҳайвоnlар”, “Кушлар”, “Оғочлар”... тарзida матлар берилган. А.А.да ўқувчининг ёш хусусиятлари хисобга олинган, дидактик материаллар оддийдан мураккабга қараб ривожланишда тавсия этилган.

• Адиби аввал. Биринчи китоб. Мураттаб ва ношири Мунавваркори ибн Абдурашидхон. Тошканд, 1335/1914.

- Долицов У. Миллий уйғониш педагогикаси. Т.: Ношир, 2012. Б.231-233.

«АДИБИ СОНИЙ» – ўзбек т.даги ўқувчилар учун (2-синф) укиш китобларидан бири. Мунавваркори Абдурашидхонов томонидан тузилган (1907) бу китоб “Адиби аввалинг” давоми саналади. А.С. 1907-16 й. давомида 5 марта қайта нашр этилган бўлиб, икки йуналишда: ахлоқий дарслар; фаний дарслар. 1-йуналиш ўқувчилар учун дарс материали, иккинчиси (ўқитувчилар учун) методик кўрсатмалар. “Назм” рукни остида шъирлар, сўнгра ахлоқий йуналишдаги наср намуналари берилган. Дарслик нисбатан мукаммат бўлгани учун нафақат XX аср бошлари, балки илк шўро даврида хам фойдаланилган.

♦ Мунавваркори Абдурашидхон ўели. Адиби соний. 5-табъ. Т., 1912.

♦ Долимов У. Миллий уйғониш педагогикаси. Т.: Ношир, 2012. Б.233-236..

«АДИБЛАР ИТТИФОҚИ» – Ўз-н ёзувчиларининг иккинчи мукобил ўюшмаси (1991–92). XX аср 90-йилларида вужудга келган ва қиска муддат фаолият кўрсатиб, тарқаб кетган.

АДИБУДДА (санскритча: олий маъбуд) [мифология, диншунослик] – буддавийликнинг маҳаяна мазҳаби асосида шаклланган эътиқод ламаизмда Олий Тангри ҳисобланади. А.дан кейинги буддавийлик маъбуллари яралган. А. ҳакидаги тасаввур диний ад-тларда монотизм (яккахудолик)нинг илк тасаввур килиниши каби кабул қилинган. А. тимсоли “Манжушринамасангити” (VII асргача) ёдгорлигига тасвириланган. А. хоз. кунда хам Непалда, Марказий ва Шаркий Осиё манбаларида учрайди. Хитой ва Японияда у ҳақдаги тасаввурлар ва бадиий тимсоллар кенг қўлланилади.

•Encyclopaedia of Buddhism. V.1. Fasc.2. Ceylon, 1963. P. 213-219; Миғы народаов мира. М.: СЭ, 1980. С.45; Низомиддинов Н.Ғ. Жанубий, Жануби-шаркий ва шаркий Осиё ҳалқлари қад. тарихи, диний эътиқоди, маданияти. Т., 2010.

АДИВАР, Холида Адип (1884–1964) – турк адибасида ад-тшуноси. Ускудар-Американ кизлар колледжини тамомлаган, Ризо Тавфиқдан фалсафадан сабок олган. Байруг ва Дамашқда ишлаган, ун-тда Фарб ад-тидан дарс берган. Ўн икки йил Европа ва Америкада (1926–1938) яшаган. 1940 й.дан Истанбул унти профессори, Измирдан миллат вакили (1950–54) бўлиб сайданди. 1908 й.дан асарлари матбуотда чоп этила бошлаган. «Хандон», «Янги Турон» (1912), «Оловли кўйлак» (1922), “Қалб оғриғи” (1926), “Синекли Боккол” (1936), “Татар кизи” (1939), “Окила хоним кўчаси” (1958), “Хаёт парчалари” (1963) каби романлари чоп этилган. “Оловли кўйлак” (1940), “Синекли Боккол” (1967) каби асарлари асосида бадиий фильмлар суратга олинган.

“Инглиз ад-ти тарихи” (уч жилд, 1949), “Турк ад-тида Шарқ-Фарб ва Америка таъсири” (1954) каби тадқикот ва рисолалари; “Миллий мужодала хотиралари” (1958) каби мемуар асарларини ёзган. Шекспирнинг “Ҳамлет”, “Антоний ва Клеопатра”, Флора Анна Стилнинг “Бобурхон”, Ҳенри Массенинг “Ислом” каби бад. ва илмий асарларини француз т.дан тарж. килган.

- ◆ Halide Edib Adıvar. *Bütün Eserleri*. İstanbul: Atlas Kitabevi, 1967-1980.
- Uyguner M. Halide Edib Adıvar. İstanbul, 1968; *Güntürkün N. Halide Edip ile Adım Adım*. Ankara, 1974; *Durakbaşı*. Halide Adıp. İstanbul, 2000; *Türk Dünyası Edebiyatçıları Ansiklopedisi*. Ankara, 2002. S.113-14.

«АДИГРАТХ» – кад. хинд фалсафаси ва диний тафаккурида сикхизм ёзтигодига оид матнлар мажмуаси. “А.” сикхизмнинг асосчиси Гуру Нанакка нисбат берилади.

АДИГЕЙ АДАБИЁТИ – адигей халқининг ад-ти, ҳоз. Россия ҳудудида мавжуд. Кад. нартлар ҳакидаги эпосни, лирик ва тарихий қўшикларни ўз ичига олган халқ оғзаки ад-ти бор. 1918 й.дан адигей т.да матбуот вужудга келган. А.а. шаклланишида Ошиқ Теучеж ижоди самарали таъсир кўрсатган. Унинг тарихий достонлари, замонавий мавзудаги асарлари халқ орасида севиб ўқилади. XX аср 60-80 йй.да Т.Карашев, А.Евтих, М.Паранук, Ю.Глустен, К.Жанэ, И.Машбаш каби адиллар самарали ижод килганлар.

1924 й.дан адигей т.да “Закошниг” (“Дүстлик”) альманахи, кейинроқ журн. нашр этилади.

- ◆ Адыгский фольклор. Кн. 1-2. Майкоп, 1980.
- Писатели Адыгеи. Майкоп, 1957; *Хут Ш.Х. Сказочный эпос адыгейев*. Майкоп, 1981;
- Шакова Н. Адыгейская лит-ра / Лит-ный эпц-кий словарь. М.: СЭ, 1987. С.14.

АДИКАВВА (санскритча: иккили克, икки достон) – хиндларнинг санскрит т.да ёзилган буюк достонларидан иккиси “Маҳобҳорат” ва “Рамаяна” А. деб юритилади.

- Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik Sözlüğü. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.34.

АДИТИ (санскритча: чексизлик) [мифология] – кад. хинд мифологиясида аёл маъбуд (илоха) тимсоли. “Ригведа”да кўп ўринларда т.га олинган. А. нур билан боғланган булиб, муҳибларини тонгда, пешин ва чошгоҳда даъват қиласи. Ундан кўплаб маъбудлар ва коҳинлар авлоди тарқаган. А.дан тарқаган маъбудлар (12 маъбуд ва уларнинг авлодлари) кад. хинд мифологиясида Адиты деб юритилган. А. миф асосида ёзилган романларда космогоник характерда булиб, исмсиз маъбуд маъносини билдиради.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.45.

«АДИКРАНТХ» (панҷоб-хинчча: ибтидоий китоб) – Хиндистондаги диний мазҳаблардан бири сикхларнинг муқаддас китоби. Бу тоифали рухонийларнинг бешинчи мураббийси бўлган Аржуна (1584-1606) томонидан тартиб этилган. Сикх рухонийларининг тарж.ий ҳоллари туплами булиб, кейинроқ ўнинчи мураббий Қувинд (1674-1708) А.нинг давоми бўлган “Крантх” китобини яратган. Ҳар икки китоб сикхлар томонидан ёззозланиб келинади.

- Bünyadov Z. Diniłər, təriqətlər, məzħəblər. Bakı: Şərq-Qərb, 2007. S.10.

АДЛЕР (1755–1834) – даниялик шарқшунос олим. Арнас ш.да туғилған. Умрининг асосий қисмини Римда үтказған. Умрининг охирида Копенгагенга кайтиб, сурөнй т. ва диний таълимот мұаллими булиб ишлаган. Араб, сурөнй т.лари грамматикасига оид асарлар битган, күфий әзув гарихи ва Куръони каримнинг илк маснадлари хакида тадқиқот өзған.

- Шамсиоддин Сомийбек. Комусу-л-аълом / А.Юнусов тарж. ҮзР ФА Ад-т музейи. Күләсма. Б.50.

АДЛЕР, Альфред (1870–1937) – австриялик файласуғ, санъатшунос ва адаб, “индивидуал психология” мактабининг асосчысы. 1902 й.дан Фрейд тұғаралғы катнашған. Бирок Фрейднинг жинсий психоанализ усулинни рад килған. Юнг таълимотини давом эттириб, рамз (символ)ларнинг эстетик вазифасини күзаттап. Фрейд ноанник ва онгости рамзларында психоаналитика йүйидан борса, А. аналитик фанларнинг методологиялық құсусиятларын асос килип олади. Мұтахассислар уни неофрейдизм таълимочиси сифатида талқын киладилар. А.нинг “индивидуал психология” мактаби XX асрнинг 20–30 йилларыда АҚШда кең тараққый топған.

- Adler A. Praxis und Theorie der Individualpsychologie. München, 1920.
- Гильберт К., Кун Г. История эстетики / Перевод с англ. М.: Изд. иностран. лит., 1960. С.595; Соколов А.В. Адлер Альфред / Современная западная философия. Словарь. М.: Политиздат, 1991. С.8.

АДМИРАЛ (арабча: амиру-л-бахр – *дөнгиз амири*) [эстетика] – дөнгиз ҳарбий хизматидаги әнг юкори унвон, бошқа ҳарбий хизматидаги генерал даражасыда. Флот хизмати А.нинг тұрт босқичи бор: генерал-адмирал, адмирал, вице-адмирал ва контр-адмирал. Туркчада раис ҳам дейилади.

- Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.17.

АДНОН (кадимги арабча: аждод) [мифология] – исломий анъанага құра шимолдаги араблар манбаи, эпоними. Бу қараш оғзаки ад-тда жанубий арабларға каршилантириш маъносида құлланилади. Ривоятта құра бу этногенеологик гурху А.авлодлари деб ҳам юритилади.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.46.

АДО, Султонхон тұра (в. 1834/35) – Құқон адабий мұхитидаги шоирлардан, “Девон” өзған. Самарқандда туғилған. Хожа Ахрор валий авлодидан. А. айрым форсий шеърларыда Ахрорий таҳаллусини құллаган. С.Айний “Намунаи ад-ти точик” мажмуаси (1926)да у қақда маълумот берған.

Умархон даврасыда (бир оз нокамтарлық билан айттылған)

Гар Навоийдин Адо сүзини үткарса не тонг,

Шоҳ Умар ағзағыму ё султон Ҳусайн Бойқаро

байти машхұр булған. Амир Умархон А.га малику-и-шуаро унвонини берған. Умархон вафотидан сүнг Бухорога борған. Бухоро амири А.ни Самарқанд шайхулисломи вазифасига күйған. Самарқандда вафот эттән.

- Қаюмов А. Кўкон адабий мухити. Т., 1962; Қайюмов П.Д. Тазкирату-ш-шуаро. 1-китоб. Т., 2006. Б.8; Тазкираи Кайюмий. Т., 2009. С.52-52; Қаюмов А. Асарлар. 7-жилд. 1-китоб. Т.: MUMTOZ SO'Z. 2010. Б.113-115.

АДОЙИ – чолгу куйлари туркуми. А. уч кисмдан иборат: биринчи кисми – чапандоз, иккинчиси – тарона, уччинчиси – соқийнома. 1- ва 2- кисмлар ашула йўллари, 3-кисм якка чолгу ёки жўриавоз бўлиб ижро этилади.

АДОЙИ (I) – форс шоири, асл исми Амир Мўмин. Эроннинг Язд ш.да туғилган. Ҳиндистоннинг Суврат ш.да ижод ва тоат-ибодат б-н машғул бўлган. П.Кайюмовнинг “Тазкирату-ш-шуаро”сида ушбу байти келтирилган:

Зи шанқи нома нависам, зи рашик пора кунам,

Дамеки нест тасалли дар у чи чора кунам.

(Мазмуни: Шавқимдан мактуб битастибманки, рашқдан пора бўлдим, тасалли пайти топишим учун ҳеч чора топмадим)

- Қайюмов П.Д. Тазкирату-ш-шуаро. 1-китоб. Т., 2006. Б.8.

АДОЙИ (II, в.1595) – туркистонлик шоир, Самарқандда туғилган. Бобурий хукмдорларнинг даъвати б-н Ҳиндистонга бориб, у ерда турғун бўлиб қолган. П.Кайюмовнинг “Тазкирату-ш-шуаро”сида ушбу байти келтирилган:

Ёди висоли у дили мо шод мекунад,

Умри гузаштаро ҳама кас ёд мекунад

(Мазмуни: Ёр висолини эслаб шодланаман, одамлар уни эслаб умри ўтмоқда).

- Қайюмов П.Д. Тазкирату-ш-шуаро. 1-китоб. Т., 2006. Б.8.

«АДОЛАТ» – ЎзР Адлия вазирлиги нашириёти. 1992 й.да ташкил этилган. Ҳукукшуносликка оид ад-тлар, давлат карорлари, меъёрий хужжатлар ва уларнинг шарҳлари, ўқув кўлланмалар, лугат ва бадиий асарларни чоп этади. “Ҳукукий меросимиз хазинасидан”, “Ўзбек детективи” туркумларида мумтоз адилларнинг рисолалари ва замонавий ёзувчиларнинг асарларини нашр этмоқда.

АДОНИС (юононча: Adonis > исм) – кад. Финикияда ҳосилдорлик маъбути. Иил фаслларининг ўзгариши ва ўсимликлар культи. Эркаклар гўзаллиги рамзи. Афродитанинг севгилиси. М.а. V асрдан Бобилнинг Таммуз илохига муқобил А. культи Юнонистонга таркалган. Мифга кўра, кипрлик Кинир (Кснерас)нинг ўғли, ўзи билмаган ҳолда ўз қизи Майрадан туғилган. Тенгсиз гўзат, ишқ илоҳаси Афродитани севиб қолгани туфайли Зевснинг амрига кўра дарахтга айлантириб кўйилган. Олти ой ер юзида яшаган, олти ой Еости маъбути Шпутон ихтиёрида бўлган. Бу олти ойлик ер юзидаги кўриниш ва олти ой ғойиблик Миср ва Сурияда Таммуз (июл ойига тўғри келади) номи б-н аталгани учун А. исми ёз ва иссиликнин ҳам англатади. Адта эркак гўзаллиги рамзи (Юсуф а.с. каби). Гарб мумтоз рангтасвири ва хайкалтарошлигига А. ва Венера суратлари (А.Канова, Ж.Машцуола, Тициан, П.Рубенс) кенг таркалган.

Күёш тизимидағи кичик сайдарлардан бирига А. исми берилған.

- Шамсидин Сомийбек. Комусу-л-аълом / Н.Асишова тарж. ҮзР ФА Ад-т музейи. Күләмса. Б.245; Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.46-47; Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кый словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.17-18; Bünyadov Z. Dinlər, lətiqəllər, məzhabəllər. Bakı: Şərq-Qərb, 2007. S.10-11.

~ *шөөри* [поэтика] – беш хижо (бүгін)ли стопа (руқн, туркум)дан иборат антик шөөр үлчови.

- Хотамов Н., Сарымсоқов Б. Ад-тшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли lugati. Т.: Ўқитувчи, 1979.

АДОРНО, Теодор (1903–1969) – олмон файласуфи, Франкфурт мактаби вакили, мусика танқидчиси. Вене ун-тида үкіган, 1931 й.дан Вене ун-тида дарс берган, 1934 й.дан Англияда, 1938 й.дан АҚШда ишлаган. Мусика асарларининг фалсафий асосларини излаган, Г.Эйслернинг “Фильм учун мусика фалсафаси” китобининг бир қисмими ёзган. Т.Манн “Доктор Фаустус” романини ёзаётганида унга мусика тарихи ва назариясидан маслаҳатлар берган. “Янги мусика фалсафаси” (1949), “Негатив диалектика” (1966) асарларини ёзган. А.С.Беккетнинг “Абсурд театри”ни ёклаган ва Хайлеггер таълимоти б-н доимий мунозарага киришган. Адабий-фалсафий масалалар талқинида экзистенциализмни ёклаган.

- Adorno T. Gesammelte Schriften. Bde 1-20. Frankfurt/Main: 1973-1986.

- Михайлов А.В. Адорно Теодор / Современная западная философия. Словарь. М.: Политиздат, 1991. С.9-10.

АДРАСТ (юончча: *Adrası* > исм) [мифология] – юон мифологияси қаҳрамони, Аргос подшохи, Фивага қарши еттовлон юришининг етакчиси, унинг курашлари самара бермаган. Бу юришдан 10 йил кейин эпигонлар (урушда үлган дохийларнинг үғиллари) томонидан Фива вайрон килинган. Ад-тда А. фавкулодда кучлар б-н боғлиқ гойибона қаҳрамон. А.дан қочиб кутулиб бүлмайди, ибораси нұтққа сингиб кеттган. А. шаңнига курбонлик килиш юонларда расм бүлған.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.49; Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кый словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.18.

АДРЕС (французча: *adrese* – юбормок) – яшаш ёки иш жойи манзили. Кимгадир қаратылған ёзма мурожаат, табрик. А. электрон манзил түшүнчеси сифатида замонавий мулокотда оммалашмоқда. Бу ҳолда матн ёки маълумот юбориладиган шахс манзили маъносини ифодалайды.

- Борев Ю. Словарь терминов текстологии и генетической критики. М., 2011. С.22.

АДРЕСАТ (французча: *adrese* – юбормок) [рецептив эстетика] – матнны үкиши мүмкін бүлған китобхонлар аудиторияси, асар мүлжалланган тингловчи, қабул килувчи. Бадий асар, аввало, үкиш учун ёзилади, демак, унинг тарихий тақдири хам күлпрок А.га боғлиқ. Ёзувчи асарни ёзаётганида

унинг кўз ўнгига шу асарни ўкиши мумкин бўлган А. турди. А. асарни ёзиш жараёнида ҳам муал. б-н бир билвосита “катнашади”. Баъзан эса муал.нинг А. ҳақидаги фикри бирор образ тарзида ҳам асарга киритилиши мумкин. Шундан келиб чиқкан ҳолда, А. муал. тасаввуридаги, имплицит, яъни ички китобхондир. Бадиий асарга киритилган А. образи ҳам шу мазмунда. Бу уринда бадиий матн А.га таъсири этувчи дастур сифатида англашилиб, риторикага яқинлашади. Риторикада нотиқнинг асосий максади тингловчини ишонтириш. Муал.нинг ҳам бадиий максади тасвиридаги воеса ва каҳрамонларга ўз ўкувчисини ишонтира олишда кўринади. Бадиий ад-тда А. ҳар доим ҳам китобхонга тенг келавермайди. Чунки муал. тасаввуридаги А. ўша китобнинг ўкувчиларидан фарқ қилиши мумкин. Ёзувчи тасаввуридаги А. хос китобхон, яъни муал. даражасида фикрлайдиган, уни тўғри англайдиган ва айрим ўринларда муал. б-н тенг мунозара юритадиган булиши мумкин. Шу уринда Л.Толстой “Бадиий асар номаълум дўстларга ёзилган мақтублир” дейди. Айрим адиллар “китобхон нима деркин?” деган хавотир б-н асар ёзсалар, айримлари учун китобхонларнинг “нима дейиши” мухим эмас. “Санъат санъат учун” тарафдори О.Уайлднинг “Дориан Грейнинг портрети” романидаги сўзлар эътиборли: “Ижодкор асарни ёзиш давомида китобхон нима дейишини мутлако ўйламайди. У ўз ишига берилади. Бошқаларнинг қараши унга фарксиз. Мен шунинг учун ёзаманки, ёзиш жараёни менга катта завқ беради. Агар менинг ижодим бир нечта сара кишиларга ёкса, мен кувонаман. Агар бундай бўлмаса, хафа ҳам булмайман”. Биринчи маънодаги А.нинг шаклланишида муал. атрофидаги адабий мухит, унинг энг яқин ўкувчилари, домий маслаҳатчилари ўз “таъсирини” утказиши мумкин. Ж.Жойснинг “Улисс” романини чукур тушуниш учун эса Гомернинг “Одиссей” достонидан хабардор бўлиш лозим. Бусиз асарни тушуниш мумкин эмас. Мана шу ҳолат ад-тшуносликда *автоинтерпретация* дейилади. Бу ходиса ҳам китобхонлар оммасини муал. тасаввуридаги А.га яқинлаштиришга ёрдам беради. Адил А. учун асар ёзса ҳам, унинг савиясини мўлжаллаб ўртача доирадаги асар ёзмаслиги, аксинча, китобхон диди ва савиясини юксалтиришга каратилган асар ёзилиши керак. Демак, А. ривожланиши ва таракқиети нафакат китобхонлар оммасига, балки ёзувчилар маҳоратига ҳам боғлиқ.

- Белецкий А.И. Об одной из очередных задач историко-лит-ной науки (изучение истории читателя) / Избр. труды по теории лит-ры. М., 1964; Асмус В.Ф. Чтение как труд / Вопросы теории и истории эстетики: Сб. статей. М., 1968; Прозоров В.В. Читатель и лит-ный процесс. Саратов, 1975; Гадамер Г.Г. О круге понимания / Актуальность прекрасного. М., 1991; Художественное восприятие: Основные термины и понятия. Словарь-справочник. Сост. М.В.Строганов. Тверь, 1991; Чернецов Л.В. «Как слово наше отзовется...»: Судьбы лит-ных произведений. М., 1995; Чернецов Л.В. Адресат / Введение в лит-ведесис: Лит-нос произвсдснисе: основные понятия и термины. М., 1999. С.21-29; Адресат. Новая лит-ная энц-я / www.nlit.ru., 2012.

АДРИАН (юононча: Adrien > исм) – юонон адиби, нотик ва тарихчи. Сур ш.да туғилган. Афинада таҳсил олган, Марк Аврелий Римга таклиф этган. Айрим нутклари сақланган.

АДРИАНОПОЛ (туркча: Adırna ш.нинг юононча номи) – Туркиядаги ш. Қад. Рим императори Адриан асос соглан. 1360–1453 й.да Усмонли султонлигининг маркази бўлган. 1713 й. 13 июлда шу ш.да Россия б-н Азов дengизи ҳавзаси Усмонли султонлигига берилиши хақида шартнома имзоланган.

АДУЛЕРИНИ (итальянча: adulteri – қонундан ташкари) – қонунсиз туғилган болалар Римда А. деб аталган. Улар ўз оталарининг мулкига нисбатан бутунлай хукуксиз саналган. Ҳатто сўнгги давр Рим қонунлари ҳам уларнинг ўз оталаридан мерос олишларига хукук бермаган. Чунки унинг қонунсиз туғилишида айборд онадеб белгиланган. Машхур Леонардо да Винчига нисбатан ҳам шундай қонун кўлланилиб, отасининг меросидан маҳрум килинган.

- Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.18.

АДУФ (испанча: Aduf) – Шарқда кенг таркалган мусика асбобларидан бири. Гарбдаги бубнага ухшаш.

- Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.18.

АДЪЮНКТ (лотинча: Adyutent – кичик ходим) – Рим Фанлар академиясидаги ва олий ўкув юртларидағи кичик илмий ходим, ассисент. Профессор ёки академикнинг ёрдамчиси.

- Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.18.

АДҲАМИЙЛИК ёки АДҲАМАИЯ – Шайх Иброҳим Адҳамнинг тасаввуф йулига кирганларга нисбатан кўлланиладиган истилоҳ, тарикат сифатида шаклланмаган. Иброҳим Адҳамга мансуб суфийлар ва орифлар сифати. Бу йўналишининг боши Имом Зайну-л-Обидинга бориб тақалади. Абу Исҳок Иброҳим бин Мансур Балхнинг машхур амирзодаларидан эди. Зуҳду ирфонга жаҳд килиб, мулку давлатдан, отасидан колган катта бойликдан воз кечиб, тасаввуфда катта макомга эришди. Суфён Саврий, Фузайл бин Аёз каби валийларнинг сұхбатларига етишди. Суфийлик китобларида кўпгина ҳолат ва қароматлар унга нисбат берилади. А.ни ўзида жам қилган киссалар жаҳоннинг турли мамлакатларига тарқалгандир. Е.Э.Бертельснинг фикрига кўра, “бирор бир шахснинг ҳасбу ҳолига оид китоб йўкки, унда Иброҳим Адҳамга багишланган бўлим бўлмасин”. А. курдлар орасида алоҳида тарикат даражасида кенг таркалган булиб, бир қанча всерсияларда киссалар бор. Улар: “Дарвиш Адам (Адҳам) хақида маснавий” (1975 й.да Тбилисида шайх Тайфур Махмуддан ёзил олинган), “Мир Брайм Адам (Иброҳим Адҳам)

ҳакида байт” (1972 й.да Ереванда Худойодд шайх Калетдан ёзилган), “Дарвиш Адам (Адхам) ўғли” (Сурияда шайх Алидан ёзиг олинган). Сунгги киссанинг Ирок варианти ҳам мавжуд. Барча вариант ва версияларда Адхам ва унинг уйланиши, ўғли Иброҳимнинг туғилиши, Хурсон амири Иброҳимнинг таҳтдан воз кечиб, тариқат йўлига кириши баён қилинган.

АЁ СУФИЙА – шарқий Европадаги илк насроний черкови; 1453й.дан жомеъ масжиди; 1934 й.дан Европадаги энг иирик музей-кутубхоналардан бири. А.С.нинг илк биноси кирол Константин томонидан иншо этилган (360) бўлиб, “буюк черков” номи б-н юритилган. Император Адриан томонидан кувғин қилинган жафокаш Римлик София она (в. 137) шарафига курилган.

Кичик ~ – А.С. яқинидаги черков. 527-536 йй.да курилган. Истанбул фатхидан сўнг бу черков Ҳусайн Оға томонидан жомеъ масжиди ихтиёрига ўтказилган ва А.С. масжиди сидаги мадраса, зовия (хонақоҳ) ва мактаб каби иншоотларга ажратилган.

- İslâm Ansiklopedisi. 2.cild. İstanbul: Millî Eğitim Basımevi, 1986. S.47-55.

АЁЗ ИСХОКИЙ (1878–1954) – татар маърифатпарвар адаби, драматург, пошир ва жамоат арбоби. Жадидчилик харакатининг етакчиларидан. Дастлаб большевиклар ғояларини кўллаган (1905), унинг моҳиятини англаб етгач, шўроларга қарши турган. Ҳур фикрлилиги туфайли мамлакат худудидан чиқиб кетишга мажбур бўлган. Хитой, Польша, Франция ва Германияда яшаган. Умрининг асосий кисмини Туркияда ўтказган.

- ♦ Исҳакий Гаяз. Эсарлэр. Ўн биш томда, т. 6: Публичистика һәм эдәби тәнкыйтъ мәқәләләр (1902–1914). Казан: Татаристан китап нәшрияты, 2005.

АЁЗИЙ, Мирзо Мухаммад Ҳайдар (1499–1551) – шоир ва тарихчи. Машхур “Тарихи Рашидий” асари муал.и. Ҳайдар Мирзо (лакаби Дуғлат) номи б-н машхур. Темурийлардан Мухаммад Ҳусайн кўрагоннинг ўғли, Бобурнинг холаваччаси. Тошкентда туғилган, отаси 1508 й.да Шайбоний буйруги б-н катл килингандан сўнг Бухорода Убайдуллоҳон никоҳида бўлган опаси б-н колади. Сунгра Бобуршоҳ томонидан Кобулга чакиририб олинган ва унинг тарбиясида бўлган. 1512–14 й.да Андижонда, сунгра 1533 й.га кадар Қашғар ва 1541 й.дан Қашмир хони. “Бобурнома”да у ҳақда “Хат ва тасвир ва ўқ ва пайкон ва зихгир – ҳар нимага илики часпондур. Табъи назми ҳам бордур. Манга арзадошт килиб эрди, иншоси ҳам ёмон эрмас” деб баҳо берилган. Ҳайдар Мирзо 1551 й.нинг октябрида кашмириклар томонидан ўлдирилган.

А. “Тарихи Рашидий” асари 1541–46 йй.да ёзилган. Асар икки дафтардан иборат бўлиб, 1546 й.да битилган биринчисида Туғлук Темирхон даври (1347)дан Абдурашидхон (1533) давригача бўлган воқеаларни қаламга олинган. Иккинчи дафтар ундан аввалроқ (1542) ёзилган бўлиб. XIV аср охирига оид воқеалардан 1442 й.гача битилган. Асарда Навоий давридаги Ҳирот, Мирзо Улуғбек ва Ҳожа Аҳдор давридаги Самарқанд адабий мухити

хам акс этган. Асар туркий т.га Мұхаммад Ниёз ибн Абдуғафур, Мұхаммад Содик Кошғарий, Хожа Мұхаммад Шариф (1837–38) ва бошка мутаржимларга нисбат берилген 10 дан ортик тарж.лар (биргина Санкт-Петербургда 7 та)нинг құләзмалари мавжуд. Асар 1895 (Е.Д.Росс), 1996 (В.М.Текстон) й.да инглиз т.га, 1996 й.да рус т. (А.Үрінбоев)га тарж. килинган.

А. форс өз түрк т.да ғазаллар биттеган. “Тарихи Рашидий” таркибида хам анчагина форсий өз түркій шеърлари мавжуд. Мас., Абдурашидхонга қарата ушбу рубойиси бор:

*Жоно не жафоларки манго қылмадингиз,
Бир зарра манго раҳм нега қылмадингиз?
Юз қатла вафо ваъда қилибсиз, аммо
Бир қатла бу ваъдага вафо қылмадингиз.*

“Девон”и ҳозирга кадар топилған эмас. 1995 й. Шинжонда нашр килинган тұпламида түркій тилдаги уч газали келтирилған. Бириңчисіда Абдурашидхон мадх этилған, иккінчіси баҳор васфи өз учинчеси ишкій мавзуда. З-ғазалнинг мактағы шундай:

*Ўшуғ ойғаки наззора, бұлиб ишқида бечора,
Аёзийдек халқа бенаво қылған мани сансан.*

“Жаҳоннома” ва “Махмұднома” достонлари муал.идир. А.нинг “Жаҳоннома” номлы жүтроғий маснавийси 1533 й.да ёзилған, 1229/1814 й.да Мулла Умар ибн Мулла Ҳожи томонидан күчирилған. Ҳажми 125 бет, 2650 мисра. Бу асар Берлин Миллий күттубхонасасининг Хартман фондыда 1708-ракам б-н сакланади. У 1985 й. Шинжонда, 1999 й.да Тошкентда нашр килинган. Достон Муқаддима: Ҳамд, Наът, “Жаҳоннома”ни айтқоннинг сабаби, достоннинг бунёди; асосий қисмда асар қаҳрамони Ферузшоҳ ҳукмронлиги баён килинған. Хотимада достоннинг ҳатми өз “Жаҳоннома” от қўйилғани айтилған.

- ◆ *Мирза Ҳайдар. История Рашиди / Пер. с фарси А.Уринбаева, Р.Жалилова и Л.М. Епифановой. Т.: Фан, 1996; Mirza Haydar Dughlat's. Tarikh-i-Rashidi. A History of the Khans of Moghulistan / Persian Text Edited by W.M.Thackston. Published at Harvard University, 1996; Мирзо Мұхаммад Ҳайдар Аёзий. Жаҳоннома. Т.: Фан, 1999; Мирзо Мұхаммад Ҳайдар. Тарихи Рашидий. Урумчи: Ширажонг халқ нашириёти, 2007; Мұхаммад Ҳайдар Мирзо. Тарихи Рашидий / В.Рахмонов ва Я.Эгамова тарж. Т.: Шарқ НМАК, 2010; Мирзо Мұхаммад Ҳайдар Ниёзий. Тарихи Рашидий. Т.: Ozbekiston НМИУ, 2011.*
- ◆ *Стори Ч.А. Персидская лит-ра. Био-библиографический обзор. Ч.П. М.: ИВЛ, 1972. С.1202-06; Азимжонова С.А., Үрінбоев А., Жалилов О.Х. Мирзо Мұхаммад Ҳайдар Аёзийнинг қаёті өз ижодий фаолияти / Жаҳоннома. Т.: Фан, 1999. Б.3-21; Низом Т. Киличши сидидирган сұз. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2014.*

АЖАББ (арабча: جَبَب – бичиш, ахта қилиш) [поэтика] – аруз вазнида “мағоијлун” асли “жабб” зихофи б-н үзгартыриш натижасыда ҳосил қилинған тармок руқни (фаал, чизмаси v –)нинг номи. Жабб зихофида “мағоијлун” асли (v – – –)дан кейинги иккі сабаби, яъни чўзик хижоси (– –) туширилиб, қолған “мағо...” (v –) қисми ўлчов буйича ўзига тенг келған

фаал (v –) алмаштирилади. Натижада А. деб юритилувчи тармок рукни хосил булади. А. тармок рукни Хазаж баҳрининг Ахрам ва Ахраб (рубой вазнлари) шоҳобчасида охирги руқнлар аруз ёки зарб ўрнида кўлтанилади.

- Ҳожиҳамедов А. Ўзбек арузи лугати. Т.: Шарқ НМАК, 1998. Б.7; Жомий А. Рисолай аруз. Т.: Тамаддун, 2014.

АЖАЛ (арабча: **احل** – муҳлат, вакт) [диншунослик] – инсон умрининг тугаш вақти. Ислом динида Аллоҳ томонидан белгилаб кўйилган муддат.

АЖАЛЛ (арабча: жалолнинг кўплиги) – к.: Жалол.

АЖАМ (арабча: **احم** – бошқа, ўзга) [этнография] – I. араблардан кейин мусулмон бўлган халқлар. Кўпроқ форс ва туркларга нисбатан кўлланилади. А. сўзи худудга нисбатан ҳам кўлланилиб, Эрон, Кичик Осиё ва Туркистон назарда тутилади. А. юртларидан етишиб чикканларга *Ажамий* дейилган. к.: “Тарихи мулуки Ажам” (“Ажам подшоҳлари тарихи”).

II. [эстетика, мусиқашунослик] – А. халқларининг мусиқий мероси; мақомлар типидаги чолғу йўллари. Mac., Сегоҳ мақомининг Мушкилот бўлимида мухаммаси А., Наср (ашула) бўлимида Наврӯзи А. йўллари бор. А. мусика усули сифатида ўзбек, тожик, туркий халқлар истилоҳида кенг кўлланилади.

- Акбаров И.А. Музика лугати. Т.: F.Улом номидаги нашр., 1987. Б.7; Turk Dunyasi Edebiyat Kavramları ve Terimleri Ansiklopedik Sozlug'u. Cilt 1. Ankara: Atatürk Kultur Markezi Baskanligi, 2001. S.18–19.

~ *шикастаси* [музиқашунослик] – Шимолий Озарбайжон, Арзиум, Кайсари (Туркия) худудларида кенг тарқалган мақом тури. 12 мақом шўъбаларидан бири. Шунингдек, А. айрим мақомлар бўлими. Mac., Шашмақом туркуми Сегоҳ мақоми чолғу бўлимидаги мухаммасининг А. кисми.

- Turk Dunyasi Edebiyat Kavramları ve Terimleri Ansiklopedik Sözlüğü. Cilt 1. Ankara: Atatürk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.19.

АЖАМ(М) (арабча: **احم** – жангаль) [поэтика] – аруз вазnidаги тармок руқнларидан бирининг номи. Бобуршоҳ “Рисолай аруз”да: “Жамм ақл билла ҳармининг ижмоъидур нечукким мафоъилотун – фоъилун бўлур, муни ажамм дерлар” деб маълумот беради (7а).

- Заҳириддин Муҳаммад Бобир. Муҳтасар / Нашр. тайёрл. С.Ҳасанов. Т.: Фан, 1971. Б.21; Тоир У., Сайдали С. Комуси кофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон, 1994. С.80.

АЖВЕЙПШ, АЖВЕЙПШАА (абхаз) [мифология] – ов маъбуди, ёввойи ҳайонларнинг химоячиси. А.га багишланган абхазларнинг юзлаб кўшик ва ривоятлари бор. А. илоҳий оила боши булиб, унинг гўзал кизи ва ўғли Иуан

ҳамда хизматчиси Швакваз тилга олинади. А. шарафига берилган зиёфатда бир парча гүлпіт б-н мемонлар сийланади.

- Гулия Д. Божество охоты и охотничий язык у абхазов. Сухуми, 1926; *Салакая Ш.Х. Обрядовый фольклор абхазов / Фольклор и этнография*. Л., 1974; Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.49.

АЖДАР [мифология] – Аждархонинг киска шакли. Туркий халқ фольклорида ҳам күп учрайди. Қирғизлар Аждахо ўрнида күллайдилар. Қад. Миср эргаги “Аждар ороли”нинг бош қаҳрамони. қ.: Аждахо.

АЖДАХО [мифология] – I. Туркий халқлар фольклорида ёвуз куч. Күп (уч)бошли, канотли катта илон тарзида тасвириланади. Мифда айтилишича, узок яшаган илонлар А.га айланадилар. А. зулмидан кутилиш учун доим унга ёш кизни ейиш учун юбориб турилган. Фольклор қаҳрамонлари одатда курбонликка юборилган қизни күтқаришга киришадилар, А.ни енгтач, уша қизга уйланадилар. Озарбайжон мифларида ҳомиладор аёллар танасига кириб, унинг фарзандини үлдиради. А. курашда оғзидан ўт сочувчи, ер остида яшовчи. Турклар эпоси орқали бу тимсол Болкон халқлари, арман ва грузин фольклорига утган.

- Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. М., 1969; Пугаченкова Г.А. Драконы мечети Анау // Советская этнография. 1956. №2; Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.50.

II. Ирфоний ад-тда нафси амморага ва разил сифатларга, жумладан, шахват, газабга үхаш хусусиятларга айтилади. “Ғурбату-л-Гария” киссасида зохиран моддий оламга ва саркаш нафсга ишора сифатида курсатилган (Сұхравардий. Қиссату-л-ғурбату-л-ғуррабо, 289 с.). Жалолиддин Румийнинг бу мавзуда шупидай байти бор:

Нафс аждархост у кай мүрда аст,
Аз гами би олати афсурда аст.

Мазмуни: Нафс аждаходир, у качон вафот этади. Ғамдан афсурдаман.

- Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik Sözlüğü. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanligi, 2001. S.20.

АЖЗ (арабча: عَجَز – нотавон, суст) [поэтика] – Шарқ шеъриятида бир байтнинг иккинчи мисрасининг сүнгити рукни. Садр, ҳашв, аруз ибтидо каби. Зарбнинг иккинчи номи.

- Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik Sözlüğü. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.22.

АЖЗАМ (арабча: عَجَزَمْ – жазм) [метрика] – аруз вазнидаги тармоқ руқнларидан бирининг номи. Рукннинг бошида келганса киска ҳижони ташлаб юбориш амали натижасида ҳосил булған рукн. Агар бу рукн мағоънатунга нисбатан күлланилса, у *ғасб* дейилиб, ҳосил булған муфташылун қолипига *ағзаб* дейилади. Бобуршох “Рисолай аруз”да: “Жазм ватади мажмуънинг аввалати мутаҳаррикин исқот қылмогелиедур. Вуқуъи мағоъицунда булса /ғоъицун

қолур] мағұувлунни анинг ерига құярлар – *ажзам дерлар*” деб тушунтириш беради (5аб). Бирок форс ва түрк шеъриятидан мисол бермаган.

- Заҳирийдін Мұхаммад Бобир. Мұхтасар / Нашр. тайёрл. С.Хасанов. Т.: Фан, 1971. Б.20.

АЖЗИЙ, Сиддикий – қ.: Сиддикий-Ажзий.

АЖИЕВ (арабча:  – ҳайратланарлы) [поэтика] – аruz назариясида Жадид баҳрининг бошқача номланиши.

- Touq Y., Saïdali C. Комуси кофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чиңди авват. Душанбе: Ирфон, 1994. С.81.

АЖИБАЙ (Хожибай исемининг кирғизча шакли) – қирғиз халқ эпоси “Манас” достонининг қаҳрамонларидан бири. Бахши Саяқбай Карадаев версиясига кўра, Манас Талас (водийси)дан чикканидан сўнг ўзига муносиб жанговар йигит топмокчи булади. Унга учраган икки қаҳрамоннинг бири А. деб номланган. Бошқа вариантга кўра, асл исми Абдуллоҳ булиб, “сўз устаси Ажибай” деб таниширилган Арабистонга элчи килиб юборилган, Манаснинг тўйида А. исмини олган йигит.

- Манас. Энц-я. 1-ж. Бишкек, 1995; Turk Dunyasi Edebiyat Kavramları ve Terimleri Ansiklopedik Sözlüğü. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.19–20.

АЖИБЕЙ (Хожибей) – кальва номи. Одесса ш. үрнида курилган қад. түрк қальваси. Кейинчалик Одесса ш. курилгандан сўнг бузиб ташланган.

- Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энциклопедический словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.17.

АЖИ-ДАХАКА [мифология] – Эрон мифологияси ва “Авесто” қаҳрамони. Эрон мифологиясида *Аджаҳонинг* мүкобили сифатида келади. “Авесто”да учбошли, олтиқұзли аждаҳо тарзида тасвирланган. А.-Д. Ардвисура ва Анахитага курбонлик килинади. Яштлардан бирида олов маъбути Атарнинг рақиби. Қад. веда ва юонон мифларида ҳам унинг мүкобил тимсоли бор. А.-Д. киёматда озодликка чикади. Айрим эрон суворийлари унинг хизматида булган.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.50.

АЖИНА (арабча:  – ал-жин: жин) [мифология] – түркій халқлар фольклоридаги салбий тимсол. А. күп манбаларда ёвуз рух тимсоли булиб келади. Инсоният тарихининг уруғчилик босқичида фольклор образи сифатида шаклланган. А. хилват, ташланғык жой, кимсасиз ботқокларда кишиларга учрайди. А. пари, киз, чақалок, кампир, күзичок, эчки киёфаларида келади. А. ҳақидаги тасаввурлар Куръони каримдадаги жинлар ҳақидаги киссалар мазмунига кўра узғарган. Мұшрикларнинг айтишича, Куръони карим нозил булмаган, балки уни жинлар олиб тушган. Муқаддас китобда бу нотұғри тасаввур үринли танқид килинган, унинг тұғри талкни берилған. Түркій халқлар эпосида А. күпинча йұлда, йұловчиларга дуч

келиб, уларни түгри йўлдан оздирувчи аёллар қиёфасида берилади. Бадий асарга ҳам шундай тимсол сифатида кучган. Мас., А.Кодирий “Жинлар базми”, Парда Турсун “Ажина” хикоялари.

- Муродов О. Традиционные представления таджиков об аджина // Советская этнография. 1975. №5; Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.44.

АЖИНИЁЗ (1824–1878) – коракалпок шоири. Асл исми: Ҳожиниёз Кусибой ўғли. Шеърларида Зевар тахаллусини ҳам кўллаган. Коракалпогистоннинг Мўйинок туманила туғилган. Хивадаги Шерғозихон мадрасасида ўқиган. Коракалпоклардан етишиб чиккан биринчи охунд. Ўзбек, коракалпоқ ва қозок т.ларида асарлар ёзган. Мумтоз шеърият, жумладан, Бердах ижодининг давомчиси. 100 дан ортик шеърлар, “Девон” ва “Бузатов” (1859) достони муаллифи. “Киз Менгеш б-н айтишув” (1878) асари машҳур. “Элларим бордир”, “Бўлур” шеърларида элининг ўзига хос табиати ва гўзал одатларини кўйдаган. А. ҳакида К.Султонов роман (1967), И.Юсупов опера либреттоси (1989) ёзган.

Нукус Давлат педагогика инс-ти А. номида.

- Ажиниёз. Сайланма. Нукус, 1975, 1988, 1994.
- Султонов К. Ажинияз (роман). Нукус, 1967; Саитов Б. Бердак ва Ажиниёз асарлари лугати. Нукус, 1970.

АЖИТМА (озарбайжонча: аситма – болалар ўинини) [фольклоршунослик] – тарихда Озарбайжонда болалар ўинини пайтида айтилаган ярим ҳазил, ярим закий манзум парчалар. А. бир неча мисрали сюжетли шеър ёки диалог шаклида айтилади. Ҳозирда деярли қулланилмайдиган А.дан намуналар:

Ҳасап оға,
 Дўлду ярага,
 Минди улага,
 Сурду бага,
 Бир гуш вурду,
 О да гурбага.

- Мирзиҳмадов Э. Энциклопедик луғат. Бакы: Азәрбајҹан синциклопедијасы нəшријат-полиграфијај бирлији, 1998. Б.22.

АЖМИР – Ҳиндистондаги ш. Дехлидан 375 км жануби-гарбда жойлашган. Суфийлар учун мукаддас ш. ҳисобланади. Чунки у срда Мўйиниддин Чиштийнинг макбараси бор. Чиштийлик хинд мусулмонлари орасида кенг таркалган.

АЖНОС (арабча: احناض – жинслар) [эстетика, санъатшунослик] – Шарқ мусиқасида тўрт ва беш поғонали товуш қаторлари. Оврупа терминологиясида тетрахорд ва пентахорд. А.нинг кўйдига турлари мавжуд: ажноси зул-маддатайн (икки моддали жинслар), ажноси қавия (каттиқ жинслар), ажноси мулойима (ёқимли жинслар), ажноси муфрада (мустакил жинслар).

«АЖОЙИБ КИШИЛАР ҲАЁТИ» – биографик китоблар туркуми. Рус т.даги “Жизнь замечательных людей” сериясига ушшатма тарзида вужудга келган. Бу серияда рус т.да 1890–1907 й.да 60 та китоб чиқарган. 1933 й.да М.Горький томонидан қайта жонлантирилган серияда ҳозирга қадар ижодкорлар, маданият ва санъат арбоблари, давлат ва жамоат арбобларининг ҳаёти ҳақида қисса, роман, ҳаётномалар нашр килинган. Ушбу туркумда ўзбек т.да Миркарим Осимнинг “Алжабринг туғилиши”, А.Қаюмовнинг “Алишер Навоий”, Н.Каримовнинг “Чулпон”, П.Шермуҳамедовнинг Форобий, Беруний, Замахшарий ҳақида асарлари чоп этилган.

- Лит-ный энц-кий словарь. М.: СЭ, 1987. С.108.

«АЖОЙИБУ-Л-ДУНЁ» (“Дунё ажойиботлари”) – Шайх Ozарий асари. Шайх Ozарий Исфаҳонда туғилган. “Девон”, “Жавоҳиру-л-асрор” (“Сирлар жавоҳири”), “Муншаот” (“Мактублар”) асарлари муаллифи. Навоий уни “Мажолис...” асарида т.га олган.

- Алишер Навоий. Мажолису-н-пафоис. МАТ. Т.: Фан, 2001. Ганиева С. Навоий ёдга олган асарлар. Т.: 2004. Б.5.

АЖОО – шу номли достон қаҳрамони. Енисей кирғизларининг 840 й.лардаги қаҳрамони. 847 й. Үрхун (Мұгулистон) хоконлигининг Үрдубалик ш.га юз минг лашкари б-н келиб, уни забт этган. Қирғиз “Манас” эпосида А. номи т.га олинади: “Ай деяжак Ажоо йўқ / Қўй деяжак Хўжа йўқ”. Айрим мутахассисларнинг фикрича, Манаснинг прототипи.

- Turk Dunyasi Edebiyat Kavramları ve Terimleri Ansiklopedik Sözlüğü. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.21.

АЖУЗ (арабча: جوز – заиф) [поэтика] – аруз илмида охирги байтнинг руҳни бўлиб, ундан аввал солим руҳи келади. Мас., Ҳазажи мусаддаси мақсур:

Ғамаш то дар дилам маъво гирифтаст,
Сарам чун зулғи у савдо гирифтаст. (Хофиз)
v - - - / v - - - / v - ~

- Тоир У., Сайдали С. Қомуси кофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон, 1994. С.81-82.

АЗАДИ (озарбойжонча: azadə – ёлгиз, ягона) [поэтика] – тутал фикр тапиған, бир мисрадан иборат мустакил шеър. Бошқа бир мисра б-н бирлашиш эҳтиёжи йўқлиги учун шундай номланган. Айрим манбаларда баржаста мисра деб ҳам юритилади. Мас., Ҳамиятли оға чўх (кўп)дир, ҳамияттан исар йўқдир (Халил Адіббей). Рус ва Европа шеъриятида моностих деган бном билан кўлланилади. Рус шоирлари Н.Карамзин, В.Брюсов ижодида учрайди.

- Мирәһмадов Ә. Әдабијатшунаслыг. Енциклопедик луғот. Баки: Азорбаҷчан енциклопедијасы нәширијат-полиграфијај бирлиси, 1998. Б.12.

АЗАДИ, Давлетмамед (1700–60) – к.: Озодий, Давлатмамад

АЗАЛ (арабча: اَذَل – қадим) [тасаввуфшунослик] – Аллох номларидан бири ва азалият унинг сифатларидан биридир. Аввали, бошланиши бўлмаган ҳодисага А. дейилади. Ибтиносиз замон, ўтмишнинг чегарасизлиги, бенитихолиги, бошланишнинг қадимилиги. Чунончи, абадият шундай нарсаки, унинг охири бўлмайди. Азал ҳам бошланишга эга бўлмаган чексизлиқдир.

Замонга кўра бошланиши бўлмаган ҳодиса, яъни Аллох файзининг бардавомлиги:

Эй, жамолинг меҳридин равшан азатдин то абад,

Зарра янглиг ул ёргулук ичра саргардон хирад.

(Алишер Навоий. “Хазойину-л-маоний”, 2. 118)

Азал абаднинг мукобилида туради. Азал қадимдаги интиҳосизлик, абад эса кслажақдаги интиҳосизликни билдиради ёхуд азал – ибтидонинг йўклиги, абад – интиҳонинг йўклигини англатади. Ҳар иккаласи руҳи мутлакнинг замон ва макон б-н чегараланмаслиги, интиҳою ибтиноси йўклигини англатувчи тушунчалардир. Тасаввуфда мутлақ маъни ва зоти аҳадиятдан тажалли этувчи файзининг давомийлигига ҳам азат дейилади.

Азалда чун не насиб ўлди, ўзга бўлмади ул,

Саъидни не шақий қилди, не шақийи саъид.

(Алишер Навоий. “Наводиру-ш-шабоб”, 114-ғазал, 5-байт)

Азалда чунки рақам топти содиқу солиҳ,

Манга бу пандларинг бејзиҳаттур, эй носиҳ .

(Алишер Навоий. “Фавойиду-л-кибар”, 101-ғазал, 1-байт)

~ субҳи – Ҳакнинг азалий тонги, ёруғлиги.

• Сажжодий С.Ж. Ирфоний исгилоҳлар ва иборалар лугати // Сино. 2010. № 37-40.

АЗАЛЛ (арабча: ضل – “залал”нинг кўплиги, соннинг гўштсиз бўлиб колиши.) [поэтика] – аруз вазнининг тармок рукнларидан бирининг номи. А. “мафоййлун” (v – – –) аслининг «залал» зикрои б-н ўзгартирилиши натижасида ҳосил бўлган “фоъ” (~) тармок рукнидир. Бобуршоҳ “Рисолай аruz”да “Залал жази била ҳаттим ижтимоъидур – мафоъйлун “фоъ” бўлур, муни азал дерлар” деб тушунтиради.

• Заҳиридин Мұхаммад Бобир. Мұхтасар / Нашр. тайёрл. С.Ҳасанов. Т.: Фан, 1971. Б. 21; Ҳожишаҳмедин А. Ўзбек арузи лугати. Т.: Шарқ НМАК. 1998. Б.7; Жомий А. Рисолай аруз. Т., 2014. Б.81.

АЗБАҚ – к.: Узбекхон.

АЗБУКА (славянча: а ва б ҳарфлар) [лингвопоэтика] – славян алфавитининг биринчи ҳарфлари А (аз), Б (буки)дан ясалган бўлиб, дастлаб алифбо мазмунида қўлланилган. Кейинчалик савод чикариш учун мўлжалланган бошланғич асарга нисбатан ҳам шу атама қўлланилган.

• Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.19.

АЗБУКОВНИК (кад. рус алифбосининг илк ҳарфлари “аз”, “буки”дан) – рус тилида тузилган илк күләзма маколалар түплами, комусий ва маърифий характердаги аноним түплам. Биринчи А. кирилл ёзувида 1281 й.да Новгородда тузилган. XIII-XVI асрларда алифбо тартибида тузилган изохли лугат кўринишини олган. Россияда дастлабки изохли лугатларга ҳам А. сизи кўлланган. XVII-XVIII асрлардан рус грамматикасига оид манбага айланган.

- Азбековники / Большой энц-кий словарь: языкоznание. М.: Большая Российская энци, 1998. С.19; Борев Ю. Словарь текстологии и генетической критики. М., 2011. С. 22.

АЗДИЙ, Шанфара (VI) – жоҳилийя (исломдан аввал) даври араб шоири. Катор қасидалар муал.и. Машхур ва мураккаб қасидаларидан бири “Ломияту-л-араб” (“Араб ломияси”) хисобланади. Бу қасиданинг шархи Махмуд Замахшарийнинг “Ажабу-л-ажаб фи шархи “Ломияту-л-араб” (“Ажойиботларнинг ажойиби “Ломияту-л-араб” шархи) асарида баён килинган.

- Рустамов А. Махмуд Замахшарий. Т.: Фан, 1971.

АЗЕЛИО, Массимо Тартарелли (1798–1866) – итальян адиби.

- Энц-кий словарь. Брокгауз и Ефрон в 12 т. Биографии, т.І. М.: СЭ, 1991. С.113-115.

A33(A) ВА ЖАЛЛ(A)(арабча: جَلَلٌ – азиз ва буюк) [диншунослик] – Худонинг номи тилга олингандан ишлатиладиган жумла булиб, у энг иззатли, энг буюк ва кудратли, деган маънени билдиради.

АЗЕРБАЙЖАН АДАБИЙЛАТЫ – к.: Озарбайжон ад-ти.

«АЗЕРБАЙЖАН» (Azərbəjçən) – Озарбайжон Ёзувчилар уюшмасининг ойлук адабий-бадиий журнали. 1923 й.дан озарбайжон т.да нашр килинади. “А.” журн. тарихан “Кызыл калам” (1924–28), “А. әдәбијаты” (1937–57) номлари остида нашр килинган.

АЗИАНИЗМ [риторика] – кад. юонон ва рим риторикасидаги Осиёча йұналишлардан бири. Аник ибораларни ишлатишга, каршилантириш ва параллел нутк воситааридан кенг фойдаланишга каратилган. М.а. III асрға кадар ривожланган. Эллинизм даври эстетикасини Осиё таъсирига үтказиша аттикализм томонидан қатъий танқид қилинган. А. асосида ксейнги давр насрининг услуби шаклланган. Хатто, Европада ўрта асрлар, Уйғониш даври ва барокко насрига ҳам ўз таъсирини кўрсатган.

- Гаспаров М.Л. Азианизм / Лит-ный энц-кий словарь. М.: СЭ, 1987. С.14; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Астрель-Аст, 2003. С.14.

АЗИАТСКИЙ МУЗЕЙ (Осиё музейи) – шаркшунослик илмий тадқикот муассасаси. 1917 й.дан музей-кутубхона, 1930 й.дан Фанлар академиясининг Шаркшунослик институти. 1818 й.да Петербургда турли шарк т.ларидаги

кўлёзмалар жамғармаси ва шарқшуносликка оид китоблар кутубхонаси тарзида ташкил этилган. Пётр I даврида А.м.нинг 1-директори Х.Д.Френ томонидан асос солингган. А.м.да Б.А.Дорн, С.Ф.Ольденбург, В.В.Бартольд, И.В.Крачковский, В.М.Алексеев каби олимлар илмий-тадқиқот олиб боргандар. 1921 й.дан Ленинград (хоз. Санкт-Петербург) шарқшунослари марказига айланган.

- *Ливотова О.Э. Основная лит-ра об Азиатском музее – Инс-те Востоковедения АН СССР (1776-1954) /* Очарки по истории русского востоковедения. Сб.2. М., 1956. С.469-511; *Базиянц А. и др. Азиатский музей – Институт востоковедения АН СССР (1818-1968). М., 1969.*

АЗИЗ МАРГИЛОНИЙ (XIX) – тарихчи олим. Тулиқ исми: Мирза Азиз б. Мухаммад Ризо Маргилоний. Кўкон хонлигига Мухаммад Алихон (х.й. 1822 –42), Шералихон (1842–45), Худоёрхон (1845–58), Маллахон (1858–62) девонхонасида, Туркистон Генерал-губернаторлигининг Маргилон уездидаги котиб бўлиб ишлаган. “Тарихи Азизий” асарида Фарғона водийси ва Туркистон тарихи қад. даврлардан XIX асрнинг охирига қадар сўритилган. Тарих З кисмдан ибрат: мўғуллар тарихи ва Ўрга Осиё хонларининг киска тарихи, Фарғона тарихи ва Маргилон ш. тарихи.

- ◆ *Маргилоний, Мұхаммад Азиз. Тарихи Азизий (Фарғона чор мустамлакаси даврида) /* Нашр. тайёрл. Ш.Воҳидов, Д.Сангирова. Т.: Маънавият, 1999.
- *Стори Ч.А. Персидская лит-ра. Био-библиографический обзор. Ч.П. М.: ИВЛ, 1972. С.1193.*

АЗИЗ НАСАФИЙ (~1240–1300) – шоир ва олим, тасаввуф ад-ти намояндаси. Тулиқ исми: Азизиддин ибн Мухаммад. Айрим манбаларда: Насафий – Кошоний. Бухоро мадрасаларида ўқиган, Исфаҳон ва Шерозга сафар килган. Эроннинг Абркуҳ ш.да муқим яшаб колган. Тасаввуф фалсафасига оид “Максаду-л-ақсо” (“Олис мақсад”), “Кашфу-л-хақойик” (“Ҳақиқатлар кашфи”) асарларида ишқ, фано, бако, зикр, маърифат тушунчаларини шарҳлайди ва уни юксак ахлокий сифатлар б-н боғлайди. “Манозилу-с-сойирин” (“Сайр қилувчилар манзиллари”) асарида А.Н. суфийларнинг сулук шартларини олти амалда кўрсатади. Улар: тарқ, яъни молу дунёни, дунёсеварликни, мансабни, маъсият – гуноҳларни ва ёмон ахлокларни тарқ қилиш (1); сулҳ – олам ҳалқи б-н сулҳ қилиб, унга т.и ва қули орқали озор бермаслик (2); узлат – эътиқод ва амалда пирга эргашиш (3); самт – ўз раъй ва андиша (иккиланувчи фикр-үй)ларини тарқ қилиш (4); очлик – эътироҳ ва инкор қилишни тарқ қилиш (5); сұхр – сабот ва давомийлик (6). Алишер Навоий “Холоти Сайид Ҳасан Ардашер” асарида А.Н.ни йирик мутасавиifлар қаторида т.га олади.

- *Алишер Навоий. Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер / ТАТ. 10-ж. Т.: Г.Фулом номидаги нашр., 2011. Б.9, 623.*

АЗИЗ НЕСИН (1915–1995) – турк адаби, ҳажвий ҳикоялар ва драмалар муал.и. Асл исми: Махмуд Нусрет. Ҳарбий академия ва Нафис санъат академияси (Истанбул)ни тутатган. “Марко Пошо” сатирик газ.си (тъсисичи

Сабоҳаддин Али)да ишлаган. “Нуҳ кемаси” ҳажвий журн.ни ташкил килган. “Фил лақабли Ҳамдий ўгри қандай тутилди?” (1955), “Озод жинни” (1956), “Қайси фирмә ютади?” (1957), “У ҳақда, бу ҳақда” (1958), “Итнинг думи” (1958), “Нафис ва нозик”, “Тадбиркор”, “Халк уйғонмокда” (1972) каби ҳажвий ва юмористик хикоялар тупламлари нашр этилган. “Бир юртда” (1958), «Хуптиринам» (1971) каби ҳажвий эртаклари шухрат козонган. “Азизнома” ҳажвий шеърлар туплами муал.и. “Футбол кироли” (1957, 1973) романи машхур. “Мэт, нимадир қылғыл” (1966), “Маишатта келинг” (1966) номли драмалари саҳнада кўйилган. Ноширлик ва публицистика б-н шуғулланган. Икки марта жаҳон сатирикларининг “Хурмо бутоги” мукофотини олган.

♦ Азиз Несин. Собачи хвости. М., 1958; Письма с того света. М., 1960; Если б я был женщиной. М., 1961; Мушт кетди. Т., 1966; Хуштак афандим. Т., 1969; Рассказы для вас. М., 1976; Футбол кироли. Т., 1978, 2010.

• Яковлева Н.С. Сатирические новеллы Азиза Несина. Л., 1977.

АЗИЗ ШОҲБЕК – Ҳутан подшоҳи. Имом Ғаззолийнинг “Кимиёи саодат” асарини форс т.га тарж. қилишни Муҳаммад Исога топширган.

• Абу Ҳомид Ғаззолий. Кимиёи саодат. Т.: Адолат, 2004.

АЗИЗЗОДА. Лазиз (1895–1987) – ўзбек маърифатпарвар адаби, олим. 1929 ва 1937 й.ларда катагон қилинган. 1956 й.дан реабилитация қилинган. XX асрнинг 20-й.ларида бадиий ва адабий танқидга доир асарлари б-н машҳур бўлган. Жадид ад-ти намояндлари Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон тўғрисида катор очерклар ёзган.

♦ Азиззода Л. Бедил // Туркистон. 1924. 11 март; Беҳбудий // Маориф ва ўқитғучи. 1926. №2; Чўлпон ким эди? // Ёплик. 1988. 10-сон. Б.68-70.

АЗИЗИЙ, Абдулазиз (1509/1515–1550) – Бухоро хони, Шайбоний сулоласидан Убайдуллоҳхоннинг ўғли. 1538 й.дан Урганч хокими, 1539 й.дан 11 й. Бухоро ҳукуматини бошкарган. Ободончилик ва курилиш ишларига аҳамият қарратан. Мадраса, кутубхона ва хонакоҳ курдирган. Саройида адабий ижодга алоҳида аҳамият берган. “Нафойису-л-маосир” номли кутубхона ташкил қилган, Ҳусайн Бойкаронинг кутубхонасидаги китобларни олдириб, ўша кутубхона хазинасига қўшган. Ҳофиз Султон Али Убахий, Восифий, Бақоий Андижоний, Мажлисий, Кавқабий, Сурудий, Шайдо, Афсарий каби шоирларга ҳомийлик килган. Ҳасанхожа Нисорий А. курдирган хонакоҳ ва кутубхоналарга таърих ёзib колдирган.

Навоий ва Бобурга эргашиб ғазаллар битган. “Девон”и тўғрисида маълумот йўқ. “Музаккири аҳбоб” тазкирасида Азизийнинг икки газали келтирилган. Биринчиси туркий газал бўлиб, унинг мактаъси:

Бу телба қунгил бирла Азизий не қитурсан,

Гар бўлмаса ул шўй дилозор мусоҳиб.

Форсий ғазалини А. Комрон Мирзо ғазалига назира тарзида ёзади:

Ҳаргоҳ Азизий бидод ҳат ба лаби ёр гуфт:

Рӯзи сиёҳаст ин ё шаби ҳижрони ҳусн.

Мазмуни: Азизий ёр лабидаги холни күриб деди: “Бу каро кунми, ё хусни хижронидаги тунмидир?”

◆ Ўзбек ад-ти тарихи хрестоматияси. XV-XX асрлар / Тузувчи Олим Шарафиддинов. Т., Ўздавнашр, 1945. Б.55-56;

• Kasimov B. Azizi. Türk Dünyası Edebiyatçıları Ansiklopedisi. Ankara, 2002. Cild 1. S.108; Тазкира Кайюмий. Т., 2009. С.18; Каюмов А. Асарлар. 6-жилд. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2010. Б.99-102.

АЗИЗИЙ, Саид Азизхўжа угли (1868–1933/3.ИІ) – ўзбек маърифатпарвар адаби, миллий маориф тизими ташкилотчиларидан. Тошкент мадрасаларида ва 1-рус тузем мактабида таҳсил олган. Публицистик маколалари “Туркистон вилоятининг газети”, “Туркестанские ведомости” в.б. нашрларда чоп этилган. Ўзбек, тожик ва араб т.ларida шеърлар биттган.

“Биринчи ўқиш китоби”, “Иккинчи ўқиш китоби”, “Учинчи ўқиш китоби” каби дарслик ва қўлланмалари ўзи ташкил килган жадид мактабларидағина эмас, мамлакатнинг бошқа вилоятларида ҳам фаол қўлланилган. “Устоди аввал” (1902) номли алифбе китоби эски ўзбек ёзуви бўйича илк савод чиқарувчилар учун бир неча ўн йиллар мобайнида қўлланма вазифасини бажарган. 1902-17 йй. давомида 16 марта қайта нашр этилган. Тошкент Ўқитувчилар семинариясида Шарқ т.ларидан дарс берган (1910-16), “Уламо” илмий-маърифий жамиятига раислик килган (1917-18). Сўнг ҳалк судьялари кенгаши ва Адлия комиссарлигида (1920-23), Архив ишлари марказий бошқармасида (1923-27) ишлаган. 1929 й. миллий ҳаракат вакили сифатида камоқка олинган ва қамоқда вафот этган.

◆ Азизий С. Устоди аввал. 9-нашри. Т.: Ильин босмахонаси, 1910.

• Kasimov B. Azizi. Türk Dünyası Edebiyatçıları Ansiklopedisi. Ankara, 2002. Cild 1. S.109; Долимов У. Миллий уйғониш педагогикаси. Т.: Noshir. 2012. Б.178-87; Каримов Н. Адабиёт ва тарихий жараси. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2013. Б. 56-62.

АЗИЗИЙ, Юсуф (XV) – хиротлик шоир ва олим. Қаерда ва қачон таваллуд топгани аникланмаган. Илм олиш учун Хиротта келган. Балогат илмларини тугал ўрганган. Айрим шеърлари тазкираларда учрайди. Аруз назариясига бағишиланган форс т.даги “Арузи Юсуфий” рисоласи муал.и. Рисола чукур ўрганилмаган. Асарнинг кўлёзма нусхаси Россия ФА Шарқшунослик инс-ти Санкт-Петербург филиали кутубхонасида (2931 раками б-н) сакланади.

• Тоир У., Саидали С. Комуси кофия ва арузи пеъти Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон, 1994.Б.25; Тўйчиева Г. Форс арузи рисолалари. Т., 2008. Б.95-96.

АЗИЗОВ, Отакузи (1910-1992) – тилшунос олим, филология фанлари доктори (1961), профессор (1965); ПФА академиги (1968), Ўз-нда хизмат кўрсатган фан арбоби (1970). Қирғизистон рес-каси Ўш вилояти Лайлак туманида туғилган. Ўтра Осиё пахтакилик ин-ти, Москва Қишлоқ ҳўжалиги академиясини тамомлаган. Низомий номидаги пед.инс-т (1945-48), Тошкент Давлат ун-ти (1952-1986)да каф. мудири булиб ишлаган. Ўзбек ва рус т.ларининг киёсий грамматикасига оид тадқиқотлар яратган. 5 жилдли “Русча-ўзбекча луғат” тузишда катнашган (1957).

- ◆ Азизов А. Сопостовительная грамматика русского и узбекского языков. Морфология. Т.: Учпедгиз, 1960, 1980; Тишлиносиликка кириш. Т., 1963.
- Шукуров Ш., Базарова Д. Узбекское советское языкознание. Т.: Фан, 1986. С.13-14.

АЗИЗОВ, Турғун Турсунович (1934/30.XI й.т.) – актёр ва режиссёр. Уз-н халк артисти (1974), куплаб драматурглар асарлари бош қаҳрамони роллари ижрочиси. Жамоатчиликка “Мафтунингман” кинофильмидаги Бакир роли орқали танилган. Асосий роллари: Фердинанд («Макр ва мұхаббат»), Илес («Сарвкомат дилбарим»), Эйдзи («Үғирланган умр»), Ниёз («Номаълум киши»), Йўлчи («Куттуғ кон»), Софир («Бой ила хизматчи»), Эдмунд («Кирол Лир»), Улуғбек («Мирзо Улуғбек»), Отелло («Отелло») ва б. Кинода Амир Олимхон («Ганг узра тонг»), Амир Насруллоҳ (Нодирабегим) в.б. Отелло ва Кирол Лирнинг А.Т. талкини бошقا актёрлар, хусусан, А.Хидоятов ва Ш.Бурхон талкинларидан фарқланади.

Уз-н Миллий академик театрида фаолият кўрсатади.

АЗИЗОН (бирликда: азиза) [тасаввуфшунослик] – хожагон шайхлари (нақшбандийлик тариқати)га нисбатан қўлланиладиган тасаввуфий атама. Сўфи Оллоҳёрнинг “Саботу-л-ожизин” асарига ёзилган шарҳлар китоби “Рисолаи азиза” деб номланади.

АЗИМ СУЮН (1948/22.II й.т.) – ўзбек шоири, журналист ва маданият арбоби. Самарканда вилояти Накурт қишлоғида туғилган. ТошДУ (ҳоз. УзМУ) журналистика факультетини тамомлаган (1977). УзР Олий мажлиси депутати (1994–99). F.Фулом номидаги нашриётда мух-р (1973–78), Уз-н Матбуот қўмитасида адабий маслаҳатчи (1978–87), Уз-н Ёзувчилар уюшмасида масъуль котиб (1987–90), “Халқ сўзи” газ.да бўлим мух-ри (1990–93), “Ўз-н овози” ва “Голос Узбекистана” газ.лари бош мух-ри (1993–2002), “Гулистан” (2002–12) журнали бош мух-ри булиб ишлаган.

“Менинг осмоним” (1978), “Зарб” (1979), “Замин тақдири” (1981), “Ҳаёлот” (1984), “Зиё йули” (1986), “Жавзо” (1987), “Сарбадорлар” (1994) “Сайланма” (1997), “Ўзлик” (1999), “Ватан фасллари” (2007), “Мухаббат ҳайратлари” (2009), “Танланган асарлар” (1-ж., 2009) китоблари муалли. Шеърларида халқ айтимлари, ифода йўсинида халқчиллик кўринади. “Эй дўст” (2005) ўзбек шеъриятида қайирма жанрида ёзилган илк тўплам сифатида баҳоланган. “Замин тақдири”, “Ўз-н” “Ўзбек давлати” достонлари Ватан туйғуси б-н йўғрилган. “Эзгулик ва ҷаъзлик” драмаси сахнага чиккан. Шеърлари инглиз, испан, рус, корейс, турк, қозок, туркман в.б. т.ларга тарж. килинган.

- Мирвалиеев С. Ўзбек адаблари. Т., 1997; Гафурюн И. Жим-жит булут ичидан чакин Мангу латофат. Т.: Шарқ НМАК, 2008. Б.337-341; Азим Суюн замондошлари нигоҳида. Т., 2012.

АЗИМЖОНОВА, Сабоҳат (1923–2001) – шарқшунос олима. ЎзР ФА академиги (2000), тарих фанлари д-ри (1969), Беруний номидаги давлат мукофоти (1989), Ж.Неру номидаги ҳалқаро мукофот (1993) совриндори. Тошкент пед. ин-тини тамомлаган (1942). ЎзРФАШИда илмий ходим (1949), директор (1950–77), бўлим бошлиги (1977–95), стакчи илмий ходим лавозимларида ишлаган. Бобурнинг Кобул ва Ҳиндистондаги фаолиятига доир тадқикотлар олиб борган. “Умаршайх ва Бобурнинг Фарғона улуси” мавзууда номзодлик (1949), “Бобурнинг Кобул ва Ҳиндистондаги давлати” мавзууда докторлик (1969) диссертацияларини ёклаган. А. асарлари Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон ва Францияда чоп этилган. Гулбадан бегимнинг “Хумоюннома” асарини ўзбек т.га тарж. килган (1959, 1977).

- ◆ Азимджанова С. К истории Ферганы II пол. XV в. Т.: Фан, 1957; Индийский диван Бабура. Т., 1966; Государство Бабура в Кабуле и в Индии. М.: Наука, 1977.
- Inagamov R. Azimcanova. Sabahat. Türk Dünyası Edebiyatçıları Ansiklopedisi. Ankara, 2002. Cild 2. S.102.

АЗИМИЙ (в.1846) – ўзбек шоири. Тўлик исми: Азимхожа ибн Маллахожа Мавлавий. Низомий Ҳўқандийнинг набираси. Қўқонда тугилган. Бухорода таҳсил олган. Кал Душан қишлоғи масжидида 40 йил имомлик килган. Қўқондаги Саримозорга бобоси Низомий Ҳўқандий кабри ёнига кўйилган. А. шеърлар девони, Хожа Аҳмад Яссавийга эргашиб ёзган “Ҳикмати Азимхожа эшон” китоби бор. Асарлари ўзбек ва форс т.да.

*Қатандарона ўтай деб Азим бу оламдин
Хилофи одат аҳли замона айтарман.*

Форс т.да ёзилган шеъридан бир байт:

*Баргу як, ду, се, абёти дарднок Азим
Шоядки, баъд мор намояд нишони мо.*

Мазмуни:

Бир, икки, уч, дардли байтлар айтиб ўт, эй Азим,
Шоядки, ўлганингдан кейин нишона бўлиб шул коладир.

- ◆ Азим Ҳожа эшон. Ҳикмат. Т.: Ўзбекистон, 1993.
- Тазкираи Кайюмий. Т., 2009. С.41; Қаюмов А. Асарлар. 7-жилд. 1-китоб. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2010. Б.28-30.

АЗИМИТ (юнонча: қаттиқ нон) [поэтика, диншунослик] – юнонлар гарбий насронийларни шу ном б-н аташган. Улар ўзларини поклаш жараённида озука сифатида факат қаттиқ нон б-н чекланганлари учун *азимитлар* деб ном олишган.

- Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.19.

АЗИМОВ, Айзек (1920–1992) – Америка фантаст ёзувчisi, Гарбий Белоруссиянинг Петровичи посёлкасида тугилган. 1923 й.да оиласи б-н АҚШга кўчиб кетган. Колумбия ун-тини тутатган (1941). Мъълумоти буйича кимсгар, 1979 й.дан Фалсафа д-ри, Бостон ун-ти биохимия профессори.

1939 й.дан ҳикоя ва киссалари нашр этилади. “Зулмат келиши” (1941) ҳикояси унга шуҳрат келтирган. Фантастик асарлар ижодкори сифатида икки туркум: роботлар дунёсига ва инсоннинг коинотдаги сафари. Биринчи йўналишда “Мен – робот” (1950), “Пулат ғорлар” (1954), “Мангулик интиҳоси” (1955), “Кўёшни кучиб” (1957), “Робот ҳакида бошқа ҳикоялар” (1964), “Дарбадар” (1966), “Тонгги роботлар” (1983), “Роботнинг орзуси” (1986) каби асарларини эълон қилган. Иккинчи туркум инсониятнинг Кўёш системасидаги сайёralаро ҳаёти масалаларига багишланган “Боскин” (1951), “Боскин ва империя” (1952), “Иккинчи боскин” (1953), “Хавфли боскин” (1982), “Боскин ва Ер” (1986) каби асарларини ўз ичига олади. А.А. бир катор романлар муалли: “Осмондаги тошчалар” (1950), “Коинот оқимлари” (1952), “Абадийлик интиҳоси” (1955) романлари, ёшлар ва ўсмирлар ҳаётига багишланган “Марсликлар йўли” (1955), “Илк Азимов” (1972), “Юпитерни сотиб олиш” (1975), “Икки юз ёшли киши” (1982) киссаларини ёзган. “Коинот оқимлари” романи узбек т.га тарж. килинган.

Халқаро ва АҚШ мукофотлари совриндори. 400 га яқин фантастик ва илмий-оммабоп асарлари нашр этилган. Узининг ижодий йўли ҳакида икки жилди “Ҳали хотирам тиник” (1979), “Ҳали ҳаёт кувончини хис киляпман” (1980) мемуар асарларини ёзган. А.А.нинг асарларида инсоннинг келажаги, унинг абадият олдидаги масъулияти масалалари қаламга олинган. Унингча, Ернинг келажаги бутун ерликларнинг ўзаро ҳамкорлигига боғлиқ: “Биз планетар масштаб асрида яшамоқдамиз... Ернинг ифлосланиш даражаси, ядро фожиаси... Биз англомофимиз керакки, Ердаги ҳамма нарса бирдай зарур, бизнинг истагимиздан катъи назар... биз ҳамкорликда ишламоғимиз лозим”.

- ◆ Азимов А. Я – робот. М., 1964; Вид с высоты. М., 1965; Конец вечности. М., 1966; Путь марсиан. М., 1966.
- ◆ Громова А. Как построить мир? // Иностранный лит-ра. 1967. № 1; Гопман А. Азимов, Айзек / Писатели США. М.: Радуга, 1990. С.11-13.

АЗИМОВ, Сарвар Олимжонович (1923/20.V–1994/3.XI) – ўзбек адаби, давлат ва жамоат арбоби. ЎзР Фан арбоби (1973), Ўз-н халқ ёзувчиси (1983). Филол. ф. д-ри (1968). Жиззах ш.да тугилган. ЎОДУ (хоз. ЎзМУ)ни тугатган (1946). ЎзР ФА Тил ва ад-т ин-тида бўлим мулири, директор ўринбосари (1948–55) бўлиб ишлаган. Ўз-н Ёзувчилар уюшимаси котиби (1957–58, 1980–85), Маданият ишлари вазири (1958–59), Ўз-н ташки ишлар вазири (1959–69, 1988–91), хорижий Шарқ мамлакатлари (Ливан, Покистон)да элчи вазифаларида ишлаган.

“Юлдузлар жилоси” ҳикоя ва киссалар китоби (1966), “Конли сароб” (1964), “Замон” (1968) драмалари эълон қилинган. “Оқ тонг күшиги”, “Ватан углонлари” киссаларини ёзган. Киносценарий ва ҳикоялар тўплами (“Икки дил – икки олам”, 1967) ва ад-типуносликка оид “Ҳамид Олимжон абадияти” китоби муалифи. Бад. асарлари асосида “Блокнот варағи”, “Ватан углонлари” фильмлари суратта олинган.

- ◆ Азимов С. Я вижу звезды. Рассказы, пьесы, киноповести. М., 1983; Сайланма. Иккى ж. Т., 1988.
- Sadikov S. Azimov, Server. Türk Dünyası Edebiyatçıları Ansiklopedisi. Ankara, 2002. Cild 1. S.103.

АЗИМОВ, Усмон (1950 й.т.) – ўзбек шоири. Сурхондарё вилояти Бойсун туманида туғилган. Ўз-н халқ шоири (1994), ТошДУ (хоз. ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган (1972). Республика радиосида, Ўз-н Президенти девонида хизмат киlgан.

Шеърлари 1970 й.дан чол этила бошлаган. “Инсонни тушуниш” (1978), “Холат” (1979), “Оқибат” (1980), “Кўзгу” (1983), “Дарс” (1986) шеърлар китоблари ва “Сайланма”си чол этилган. “Бахшиёна” драматик балладалар туркуми, “Куёшли дунё”, “Ок шарна”, “Бир кадам” драматик достонлари, “Қатағон” драмасини сўзган. В.Маяковский номидаги мукофот (1982) совриндори.

• Усмон Азим. Инсонни тушуниш. Т., 1978; Уйғониш азоби: шеърлар ва тарихий драматик кисса. Т.: F.Фулом номидаги нашр., 1991; Fусса. Шеърлар. Т.: Камалак, 1994; Сайланма. Т.: Шарқ НМАК, 1995; Куз. Т.: F.Фулом номидаги нашр., 2001; Жоду: хикоялар, эссе, драматик асарлар, кинодостон. Т., 2003; Юрак. Шеърлар. Т.: F.Фулом номидаги нашр., 2009; Адабнинг умри: драматик асарлар. Т.: Чўлпон номидаги нашр., 2011.

- ◆ Шермурод Т., Исломзат И. Усмон Азим ижодиёти. Т., 2011.

АЗИМОВ, Ҳайитбой (1929–1983) – ўзбек шоири, драматурги. Андижон үқитувчилар инс-тини тамомлаган (1960), Ижтимоий Фанлар академияси (Москва, 1963)ни тамомлаган. Бад. ва публицистик асарлари 1960 й.дан чол этила бошлаган. “Тақдир” (1967), “Ниқоб” (1969), “Ишонч” (1975) драматик асарлари муаллифи. “Салтанат ларзода” тарихий драмаси ўз даврида шухрат козонган. Шеър ва ғазаллари қўшик қилиб айтилган.

АЗИННИЙ тиллари – м.а. З мингийилликда Осиёда яшаган халқларнинг т. гурухи. Мутахассисларнинг аниқлашича, А.т.лари таркибига хуррит, субар, митаний, урату (халд), хаттий ва Кичик Осиёда яшовчи лувит, ликий, лидий т.лари кирган.

- Турон қавмлари. Кичик энциклопедик лугат. Тузувчи З.Зиётов. Т.: Истиклол, 2008. Б.27.

АЗИЯ (материк, китъа) – к.: Осиё.

АЗИЯ (Osiё) [мифология] – Истроил (а.с.) нинг хотини, Фиронинг кизи, Мусо (а.с.)нинг тутинган онаси. У ҳақда Қуръони каримда (ал-Қисас, 9; ал-Тахрим, 11), Пайтамбарлик тарихига бағишланган асарларда, жумладан, “Қисасу-л-анбиё”да маълумотлар бор. Тавротта кўра, Фиръяннинг кизи деб берилган.

- Wensinck A.J. Asiye / Islam Ansiklopedisi. 2-cild. Istanbul, 1993. S.675-676; Bünyadov Z. Dinlər, təriqətlər, məzhibələr. Bakı: Şəhər-Qətb, 2007. S.37-38.

АЗИЯ (сурёнийча: катта ер) – селевкийлар Суриядаги ўз давлатини А. деб атапган.

- ♦ Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энциклопедический словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.19.

«**АЗИЯ**» – козок адаби Ўлжас Сулаймонов асари (1975). Муал. асар сарлавхасида материк номи б-н бирга, славян алфавитининг бошланиш ва сунгти ҳарфларига, дунё ташаддунининг бошланиши ва охирига эътибор қаратган. Асарнинг жанрини белгилашда мутахассислар публицистика, илмий достон, тарихий-назарий тадқиқот тарзида фикр юритадилар. Асар икки қисмдан иборат: 1. Лочин ва ғозлар. 2. Шумернома. 1-қисмда славян эпоси “Игорь жангномаси” ва унинг таркибидағи туркизмлар тадқик этилса, 2-қисмда жаҳон ташаддунининг илк ўчоғларидан бўлган Месопотамия маданияти ва шумер т., сўзуига доир тарихий манбалар ўрганилган.

“А” асари вактида чекловларга сабаб бўлган, мафкура “сокчилари” томонидан катагон килинган ва муал. “пантуркизм”, ҳатто сионизмда айбланган. Орадан 13 й. ўтиб, кайта куриш даврида “А.” иккинчи марта 200000 нусхада чоп этилган ва муал.нинг бошқа асарлари, жумладан, ушбу асар чеклови муносабати б-н Марказқўмга ёзган мактуби ҳам чоп килинган.

- ♦ Сулейманов О. Аз и Я / Эссе. Публицистика, стихи, поэмы. Алма-ата: Жалынь, 1990.
- ♦ Дмитриев Л.А., Тверогов О.В. “Слово о полку Игореве” в интерпретации О.Сулейманова // Русская литература. 1976. № 1; Селезнев Ю. Мифы и истини // Москва. 1976. №3; Лихачев Д.С. Гипотезы темных мест “Слово о полку Игореве” // Звезда. 1976. №6.

АЗКО (1870–1936) – ўзбек шоири. Асл исми: Холиқу-л-Мұхаммад Мирзо ўхунд ўғли. Шоир *Ғарібийнинг* ўғли. Тошкентда яшаган, тиб ва мусика илми б-н шуғулланган. Мұминжон Мұхаммаджонов “Тошкентда бўлган ўзбек шоирларининг таржима ҳоллари” асарида А.нинг 300дан ортик газаллардан иборат “Девон”и борлиги ҳақида маълумот берган. “Баёзи янги” (Тошкент, 1910)да баязи шсьрлари ўзлон килинган.

- Kasimov B. Azko. Türk Dünyası Edebiyatçıları Ansiklopedisi. Ankara, 2002. Cild 2. S.110-111.

АЗ, АЗЛАР (туркча: *ac*) [этнография] – Енисей бўйларида яшаган туркий қавмлар. Олтой ва Саян тизмалари оралигига яшаганлар. 709 й.да Тургут хоконлигига бўйсундирилган. Кул Тегин ёдномаларида “Аз ҳалки ҳалок бўлди!” дся уларнинг мағлуб бўлгани айтилади. Кейинроқ тургутларга сингиб кеттган қабила.

- Турун қавмлари. Кичик энциклопедик лугат. Тузувчи З.Зиётов. Т.: Истиқлол, 2008. Б.27.

АЗЛ (арабча: четлашиш) [поэтика] – аруз вазнига тегишли истилоҳ бўлиб, адабий т. (араб т.) меъёрларига кўра чўзик унлиларнинг вазн талабига кўра киска ўқилишидир. Mac.,

Ул ойким аниңг меҳрида машхури жаҳонман,
 Афсуски, билмаски не чөглиқ нигоронман
 мафъулу мафойилу мафойилу фаулун
 – – v v – – v v – – v v – –

Байтидаги фаулун рукинадаги биринчи қиска ҳижо фаъ ўрнида келгани учун “нигоронман” сўзидаги биринчи “о” қисқа ўқилади.

- Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи лугати. Т.: Шарқ НМАК, 1998. Б.7-8.

АЗМИНА ва АЛФОЗ – к.: Алфоз.

АЗОБ [диншунослик] – кишиларпинг килган гунохлари учун белгиланган жазо. А. охиратда Аллоҳ томонидан белгиланган бўлиши мумкин (азоби кабир) ва бу дунёда ҳам гунохи учун қози ёки бошқа шариат пешволари томонидан жазо белгиланиши мумкин. Тасаввуда Аллоҳдан жудолик кийноғи, ҳижрон азоби.

- İslâm Ansiklopedisi. 2.cild. İstanbul: Millî Eğitim Basımevi, 1986. S.80-81.

АЗОЗИЛ (арабча: اَلْجِنْدُون – иблис) [мифология, диншунослик] – шайтон, Инжил ва Куръони каримда Аллоҳ томонидан инсонлар яратилиб, уни ноиб (ўринбосар) килиб белгиланишига қарши чиккан фаришта. Библиядаги талқинга кўра, халкнинг гунохдан фориг бўлиш кунида кўринади. “Енох китоби”да Исо а.с. ва фаришта Рафаил б-н учрашади. Гётенинг “Faust” асарида Мефистофел, Ф.Достоевскийнинг “Иблислар” романида Иблис, Ф.Клирнернинг “Faust. Ҳаёти ва аъмоли”, Антон Таамсаренинг “Дузахдан чиккан янги Шайтон”, М.Булгаковнинг “Уста ва Маргарита” ва Фитратнинг “Шайтоннинг Тангрига исёни” асарлари қаҳрамони. Айрим итальянлашган манбаларда “Azazelло” номи б-н т.га олинади.

- Миғы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.50-51; İslâm Ansiklopedisi. 2.cild. İstanbul: Millî Eğitim Basımevi, 1986. S.90-91.

АЗОН (арабча: اَذْنُ – чакириш) [диншунослик] – мусулмонларни намозга чорлаш. Ҳар куни беш вакт намоздан аввал муazzин томонидан ўқилади. А. чакириш Мұхаммад пайғамбар (с.а.в.) томонидан 622–23 йй.да белгиланган. Илк муazzин хабаш Билол бўлган. А. икки кисм матн ва дуодан иборат. А. матнида мұмъинларни намозга чорлаш, А. дусосида эса ибодат қабул бўлишлик Аллоҳдан сўралади. А. матни тақбира ҳам тақрорланади. Одатда тақбир фарз намозидан аввал ўқилади. Мусулмонларда янги тутғилган чакалокка исм кўйища унинг ўнг қулогига А., чап қулогига тақбир айтиш урф бўлган. Айтишларича, А. айтилган боланинг қулоги очилиб, эшитадиган бўлади ва ўз исми қулогига колади.

АЗРАКИЙ (585/1190) – хурносонлик шоир, Ҳаким Азракий номи б-н машхур. Марвда туғилган, асл исми: Абул Маҳосин Абу Бакр Зайниддин, отасининг исми Исмоил Варрок. Эрон шохи Тўғоншоҳ саройида хизмат қилган. Девонида икки минг байтдан ортиқ шеър мавжуд. “Синдибод” номли асари, тиб илмига оид “Алфийай шалфийай” номли рисоласи бор. А.нинг қитъаси:

Гар шоҳ ба шаш хост се як заҳм уфтод,
 Та зин тийрики каъбатайи дод надоҳ.
 Шаш чун фигарист хатрати шоҳ,
 Аз ҳайбати шоҳруйи хок ниҳод.

• Кайюмов П.Д. Тазкирату-ш-шуаро. 1-китоб. Т., 2006. Б.9.

АЗРОИЛ (арабча: عزرايل) [мифология] – ислом мифологиясида ўлим фариштаси. А. жонзотнинг жонини олувчи эмас, балки ўлимдан устун турувчи фариштадир. А. инсон кисматини яхши билади, бироқ ҳар бир кишининг ўлим вакти Аллоҳ томонидан буюрилган вактда маълум бўлади. А. фольклор ва ёзма ад-тда ўлим тимсоли сифатида қулланилади. Мас., ҳалқ зартаклари ва Омон Мухторнинг “Аёллар салтанати” романни қаҳрамони.

• İslâm Ansiklopedisi. 2.cild. İstanbul: Millî Eğitim Basımevi, 1986. S.156-57.




АЗФАРИЙ, Мирзо Али Баҳт (1760–1819) – шоир, олим ва тарихчи. Ҳиндистонда Мирзо Бобур анъаналарини давом эттирган санъаткор. А. турли соҳаларга оид ўн бешдан ортиқ асар биттган. А. туркий, форс ва урду т.ларида ёзган шеърларидан уч девон тузган. «Воқеъоти Азфарий», «Савониҳоти Азфарий» каби тарихий-биографик асарлар ёзди. Алишер Навоийнинг «Маҳбубу-л-кулуб», Бобурнинг «Аruz risolasi»ни форсчага тарж. килган. Биргина «Аруз рисоласи»ни форс тилига ҳам назм, ҳам наср йўли билан ағдарган. «Аруззода» деб номланган бу таржималарнинг иккита нусхаси Ҳиндистон қўлсизма фондларида сакланади. Насрий нусхада А. куйидагиларни ёзади: «...унинг «Арузи туркий» китобидан мунтаҳаб этиб, форс тилига таржима килдим, фарзанд ўз отасининг уйидан бирор нарса олиши мумкин, шунинг учун уни ўтири ҳисоблаб, айбга санамасинлар». Бу асар Мадорас Давлат кутубхонаси Шарқ қўллэзмалари фондида сакланади. Тарж. 1836 й. Махмудали Саид валади Ҳофиз Муҳиуддин Ҳусайн томонидан кўчирилган.

А. ўз таржимасини Бобурнинг «Арузи туркий» рисоласининг фарзанди, яъни «Аруззода» деб атайди. А. Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-кулуб» асарини ҳам форс т.га тарж. килган. «Фарҳанги Азфарий», «Насаби туркий», «Насаби туркий чигатоий», «Мезони туркий» асарларида турк т. ва грамматикасига бағишилади.

• Kasimov B. Azfarî. Türk Dünâsi Edebiyatçları Ansiklopedisi. Ankara, 2002. Cild 2. S.101.


АИД, Гадес [мифология] – юонон мифологиясида кўринмас махлук, ўликлар салтанати маъбуди. Доим еrostида яшаса ҳам, Олимп илоҳлари каторида туради. Кронос ва Рейнинг ўғли, Зевс ва Посейдоннинг укаси. Гомер достонларида саховатли, меҳмондўст килиб тасвирланган. Олимп даври илоҳистида иккинчи даражали илоҳлардан бирига айланади, уни Геракл енгади.

• Платон. Сочинения. Т.1. М., 1968; Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.51-52.



АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР

- Амир Темур Кўрагон.
- Г. Лэмб романі.
- Жан-Поль Ру ёзган Амир Темур таржимаи ҳоли.
- "Темур тузуклари".
- Амир Темур мақбараси. Самарқанд.
- Амир Темур ордени.
- Амир Темурнинг девордаги сурати.
- Регистон майдони – темурийлар даври обидаси.
- Пети де ля Кур. Амир Темур тарихи (1723).
- Ахмедов Бўривой Амир Темур тадқиқотчиси.
- Оқсаной харобалари.
- Амир Темур ва темурийлар тарихи музейи.
- Агра шаҳри (Хиндистон) – буборийлар пойтахти.
- Хожа Аҳрор Валий қабртошидаги ёзувлар.
- Акбаршоҳ ҳинд рассомлари тасвирда.
- Абулфазл Алломийнинг "Акбарнома" асари.
- Аврангзеб ҳақидаги Муҳаммад Соқий китоби.



АЛЛОМАЛАР

- 1, 2. Абу Наср Форобий ва асарлари.
- 3, 4. Абу Райдон Беруний ва у тузган жаҳон ҳаритаси.
- 5, 6. Абу Али ибн Сино ва унинг мақбараси.
7. Ибни Синонинг "Ал-Қонун" асаридан саҳифа.
8. Ибни-Рушд гарбда "Аверроизм" деб аталган таълимом асосчиси.
9. Амир Хусрав Дедлавий асарлари қўлёзмасидан.
10. Амир Хусрав Дедлавий. Шарқ миниатюрасидан.
11. Абу Абдуллоҳ Рудаки.
12. Абдураҳмон Жомий.
13. "Нафаҳоту-л-Унс". Техрон нашри.
14. Асадий Гуссий – Фирдавсий устози.
15. Фаридидин Аттор мақбараси (Нишопур).
16. Абу Исо Термизий ҳадислари мажмуаси.
17. Алоуддин Али Күшчи.
18. Ахмад Фарғонийга қўйилгаш ҳайкал.

АИММАИ АСМО (арабча: ایمما ایسم - имомлар + исмлар) [тасаввуфшунослик] – исмларнинг имоми. Ирфон ахли т.да Ҳақ зотининг аслий исмлари ва сифатлари. Бошқа сифат ва исмлар шу тушунча орқали бир тизимга келтирилади. Саъдий Шерозий талқинича, булар: ҳаёт, илм, кудрат, ирода, самаъ, басар, каломдир.

"Мисбоҳу-л-унс" асарида келтирилишича, тўрт имом номи зикр килиниб, улар: "Аиммаи арбаъа, улухият исмларининг оналаридирки, ҳаёт, ирода, кудрат ва илмдан иборатдир (*Қунёвий, Мисбоҳу-л-ҳидоя, 235*)

~ и катом – катом илмининг имомлари. Бундай шарафли ном Абу Мансур Мотурудий ва Имом Ашъарийга берилган. Бу устозлар "Бобурнома" (45а)да ҳам мана шу ном б-н улуғланади.

АЙА (аккадча) [мифология] – аккад мифларида маъбуда булиб, маъбуд Шамашнинг хотини. Уни аккад мифларида "келин" деб улуглайдилар.

♦ Я открою тебе сокровенное слово. Лит-ра Вавилонии и Ассирии / Пер. с аккадского. М.: Художественная лит-ра, 1981. С.352.

АЙАГ (озарбойжонча: ayag – оёқ, адок) – озарбойжон халқ шеъриятида шеърнинг ҳар бир мисрадан сўнг бир ярим руҳи ортириладиган қисми. Мумтоз шеъриятдаги мустаҳзод шаклидаги шеърнинг сўнгти бўлаги. Тажнис, мухаммас каби шеър шаклларида ҳам А. қўлланилиши мумкин. Бу каби шеър мустаҳзод тажнис ёки А.ли тажнис дейилади. Яна к.: Мустахзод.

♦ Мирәҳмадов Ә. Әдебийатшунаслыг. Енциклопедик лугэт. Бакы: Азэрбайчан енциклопедијаси наэширијат-полиграфијај бирлиги, 1998. Б.12.

АЙВАЗОВ, Ҳасан Сабрий (XIX) – крим-татар маърифатпарвар адаби. Исмоилбек Фаспиралининг шогирди. "Таржумон" газ.ни И.Фаспиралидан сўнг (1914) 1918 й.гача (Рифат Исмоилбек ўғли б-н ҳамкорликда) чоп эттирган. Яна к.: Сабрий.

АЙВАЗОВСКИЙ, Иван Константинович (1817/17.VII–1900/19.IV) – рус маринист (денгиз манзараларини чизувчи) рассоми. 1833 –37 йй. Санкт-Петербург Бадиий академиясида ўқиган, 1845 й.дан Бад. академия аъзоси, 1847 й.дан профессори. Феодесияда яшаган. Тўрт мингдан ортиқ сурат чизган. Энг машхурлари: "Тунги бурон" (1864), "Қора денгиз" (1881), "Кирит оролида" (1867) в.б. Бадиий ад-тда "Тўккизинчи пуртана" (1850) асари таъсирида ҳикоя ва шательлар яратилган.

♦ Барсамов Н.С. И.К.Айвазовский. М., 1967; Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Энц-кий словарь в 12 т. Биографии, т.І. М.: СЭ, 1991. С.117-118.

АЙВОН [мезморчилик] – масжид, мадраса в.б. мезморий иншоотларнинг олд қисми, кўпинча, устунлар б-н мустаҳкамланган. Шунингдек, уй ва саройнинг олд, кириш қисми. А. қадимда ҳукмдор саройида мусофири

қабул қилувчи жой вазифасини бажарган. Қад. Парфия саройларида ва сосонийлар курдирған саройларда хукмдорнинг ахолини қабул қилиш жойи вазифасини бажарған. Мас., Эрондаги Күхи Ҳожа, Ироқдаги Ктесифон (Мадоин) саройи.

АЙДЗУРИ (японча) [эстетика] – япон китоб босиши усули булиб, унда ранглардан фойдаланилади, рангли матбаа. *Индиго* усулида босилған етакчи ранг ва унга мос ранглар туркумидир.

- Культура классической Японии. Словарь-справочник. Сост. Рыбалко С.Б., Корнев А.Ю. Ростов-на-Дону: Феникс, Харьков: Торсинг, 2002. С.9.

АЙЯМУ-Л-АРАБ (арабча: ایام ال عرب – араб күнлари) [поэтика] – илк араб ад-тидаги эпик жанрлардан бири. Исломга кадар ва илк ислом даврида араб қабилалари ўртасидаги урушлар ҳакидаги ҳикояларга нисбатан қўлланилган. Мас., “Йавму Буос” (“Буос куни”), “Йавми Зи Қор” (“Зи Қор куни”) қиссалари. А.а. жангнома типидаги асарларда ва қаҳрамонлик эпослари таркибида ҳам учрайди. Бадоиунлар томонидан V–VII асрларда фаол қўлланилган. Наср ва назм аралаш ҳолда қўлланилади. Бу туркумда “Басус жанги”, “Абс ва Зубиан жанги” асарлари мавжуд. Абу Убайда Мамар ибн Мутанна 1200 А.адан иборат мажмуа жамлаган. Араб тарихий насринга таъсир қўрсатган. VII–X асрларда араб файласуфлари асарларини ушбу жанрда ёзишган.

- Беруний. Қад. ҳалклардан колган ёдгорниклар. Т.: Фан, 1968; Аравийская старина / Из дрейней арабской поэзии и прозы. М.: Наука, 1983; Абдулмалик ибн Ҳишом ал-Маъорифий. Ас-сийра ан-Набавиййа. Т.: Sharq НМАК, 2011. Б.8.

АЙЕР, Альфред (1910–1989) – инглиз файласуфи. Лондон ва Оксфорд уннлари профессори. Илк китоби “Тил, ҳакикат ва мантиқ” (1936)да мантикий позитивизм вакили сифатида куринди. Унингча, фалсафа умумлаштирувчи фан сифатида эмас, балки танқидий-таҳтилий фан сифатида яшапи керак. “Билиш муаммолари” (1956) китобида рецепция, яъни идрок, хотира ва шахсий иродага тегишли қарашларни илгари сурган. Бадиий асарни ўзлаштириш ва ахлок масалаларида эмотивизм концепциясини илгари сурган. Бу А.Н. Веселовскийнинг сюжет ва мотив муносабати ҳакидаги қарашларига танқидий муносабатда булиб, уни замон талаблари асосида янгилаган.

- Современная западная философия. М.: ИПЛ, 1991. С.11.

АЙЁР САМАҚ – к.: Самак Айёр.

АЙИМБЕТОВ. Калли (1907–1976) – коракалпок олими, ад-тишунос ва фольклор тадқиқотчиси. Филология фанлари доктори, профессор. Чимбой туманида туғилган. Олмаота пединс-тини тамомлаган (1934). Коракалпогистон илмий тадқиқот инс-тида (1934–40, 1947–59), ҮзРФА Тил ва адт-инс-да (1959–65), Нукус Давлат пединс-тида (1965–76) ишлаган.

Фольклорга оид ишлари 1929 й.дан зылон килингандар. “Алпомиши”, “Эдигей”, “Маспошшо” каби достонларни қоракалпок баҳшиларидан ёзил олган. Қоракалпок мактаблари учун дарслик ва құлланмалар, драма танкидига доир мақолалар ёзған.

◆ Аймбетов К. Каракалпакские народные сказители. Т., 1965; Қоракалпок фольклори. Нұкус, 1976; Халқ донолиги. Нұкус, 1988.

◆ Мирзаев Т. Ayimbetov Kalli. Türk Dünyası Edebiyatçıları Ansiklopedisi. Ankara, 2002. Cild 2. S.68.

АЙЛИСЛИ, Акрам (1937 й.т.) – озарбайжон адиби. Тұлғы исми: Акрам Нажафұғлы Наибов “Төңда туман” (1963), “Мадина амма әртаклари” (1966), “Одамлар ва дараҳтлар” (1968) киссалари муаллифи.

◆ Айлисли А. Люди и деревня. Повести. М., 1971; Над Курой в теплых лесах. Повести и рассказы. М., 1976; Сказание о хрустальной пепельнице. Изб. повести и рассказы. М., 1977; Мадина амма әртаклари. Т.: Ад-т ва санъат нашр., 1978.

● Рустамова А., Набиев Б., Карасев Я. Азербайджанская лит-ра. Баку: Элм, 2005. С.436.

«**АЙМАН, ШОЛПАН**» – қозок халқ достони. XIX аср I-ярмидан яратылған. Синглиси Шолпан ҳамда үзини күлликдан озод килған Айманнинг саргузаштлари баён килингандар. Бу достонда “Кабланди ботир”, “Алпомиши” каби эпослардан фарқли үларок мифик қаҳрамонлар учрамайды. 1934 й. М.Аvezов бу достон сюжети асосида музикалы драма либреттосини ёзған.

АЙМАҚ (аймок) [этнография] – I. түркій қавмлардан. Турк, мұғул, тунгус-манчжур т.ида дастанлардың уругы ва қавмларға нисбатан ҳам А. сүзи құлланилған. Мұғулларда айрим ҳудуд да мұлжалар ҳам А. дейилдиди. Афғонистонда Алар номларының уругы ҳозир ҳам яшайды. X. Афғонистонда Аларнинг фирузкүхий, тайман, жамшид, таймур, чаҳораймақ уруғлары яшайды. А. сунний әзтиқодлы мусулмонлар. XV-XVI асрларда Фарғона водийсіда, Қашқадарё воҳасида А. қавми вакиллары яшагандар.

II. Бурятия (Россия)даги туман, Мұғалистандаги вилоят номи.

АЙМУРЗАЕВ, Жолмирза (1910–?) – коракалпок шоири ва драматурги. Қоракалпогистоннинг Чимбой туманида туғилған. Москвадаги Адабиёт институтини тамомлаган (1938). Иккінчи жағонда уруши катнашчысы. Қоракалпогистон Ёзувлар уюшмасини бошқарған (1944–51, 1958–62). 1968 й.дан Үз-н ҳужжатли дастандардың фильмдарында студиясы Қоракалпок булимида раҳбарлық килған. Илк достони “Кураш” (1935) б-н адабий жамоатчиликка танилған. “Шеърлар” (1935, 1938), “Қаҳрамонлик курапии” (1942), “Гаскин” (1946), “Шоир сүзи” (1949), “Ёш авлодға” (1951), “Амударё сохилида” (1958), “Одамлар, сизни севаман” (1978) каби шеърий тұпламалари коракалпок, үзбек ва рус т.ларыда чоп этилғандар. “Орол қызы” (1941), “Лейтенант Эшмуродов” (1943), “Ойтул ва Абат” (1946), “Бердах” (1948), “Равшан” (1956), “Хаёт булоги” (1967) каби драматик асарлар муаллифи.

◆ Аймурзәев Ж. Сайланма. 1-2 т. Т., 1980.

● Türk Dünyası Edebiyatçıları Ansiklopedisi. Ankara, 2002. Cild 2. S.72.

АЙН (араб алифбосидаги ҳарф: ئ) [лингвопоэтика] – I. араб ёзувидаги “а”, “и” товушини ифодайди. Абжад хисобида ??? ракамни билдиради. Алишер Навоий китобат санъатини кўллаб, “ишк” сўзини шундай таърифлайди:

*Мехр англаб ошиқ ўлдум, сўнгра етса кўхи ғам,
Не ажаб ишиқ ибтидоси айн эрур, поёни қоф.*

(Алишер Навоий. “Хазойину-л-маоний”, I-б)

П. (арабча: ﻋـ – кўз, дийда, кўз қорачиги; чашма, булок) [тасаввуфшунослик] Тасаввуф ад-тида сифатлар анвори, қалб якин (ишонч)и. Бирор тасаввуфий ходисанинг илохий илмдаги сурати, кўриниши.

*Эй, санга мабдаъда абаддек азал,
Зоти қадиминг абадий ламязал.*

*Не бўлуб аввалда бидоят санго,
Не келиб охирда ниҳоят санго.*

*Аввал ўзунг, охиру мабайн Узунг,
Борчага холиқ, борига айн Узунг.*

(Алишер Навоий, “Ҳайрату-л-аброр”, 19-б.)

инсони ~ (инсони айн) – комил инсон:

*Деманг айни инсон, ки инсони айн,
Ҳам инсону, ҳам айн Султон Ҳусайн.*

(Алишер Навоий. “Тарихи мулуки Ажам”, 23-б.)

II. (форсча: آين – одат, маросим; низом, конун-қоида) [тасаввуфшунослик] – Тасаввуф адабиётида тариқат ахли орасида ўтказиладиган маросим: зикр, самъо мажлислари. Айрим манбаларда “ижрои зикруллоҳ” деб ҳам юритилади.

~ и аҳсулюҳ – тариқат айн (маросим)и, валийлар мажлиси. Пир томонидан уюштирилган суфийларнинг зикр мажлиси.

~ и Жом – Жамшид айн (мажлис)и. Форс афсоналарига кўра, Жамшид шарафига ўтказилган жом (май) маросими. Бу маросимлар мусика ва шеър иштирокида ўтказилган. Алавийликда бу маросимларда аёллар ҳам фаол иштирок этган.

~ и кабир – йирик мажлислар. Бектошийлик ва мавлавийлик тариқатларида бундай мажлисларда юзлаб кишилар иштирок этган.

~ и ниёз – тасаввуф адабиётида бектошийларнинг пирларининг зиёрат этиш маросими. Бу тариқатдагилар ср ўтиб, юзларини срга суруб устоз ва боболарини зиёрат этганлар. Мавлавийликда асосий зикр маросими тугагандан сўнг пири устозларни зиёрат қилиш маросими.

~ и сукварий – мусибат ва мотам маросими. Тасаввуф ад-тида бу Мұхаррам ойининг унинчи куни *Карбало фожиасини* эслаб үтказилган диний маросим. Бу маросим қатнашчилари уст-бошларини йиртиб, баданларини тирнаб, үзларига жисман азоб беріб, Карбало воеаларига муносабатини билдиради.

~ и шариф – тасаввуф ад-тида мавлавийлик тарикатидаги йирик мажлислар. А.ш.да Жалолиддин Румий ва Шамс Табrizийнинг шеърлари уқылган, мусика ижро этилган, илоҳилар айтилган.

- *Uludag S. Tasavvuf Terimleri Sözlüğü*. İstanbul: Kabalcı Yayınevi, 2005. S.55-56.

АЙН (таяллус) – к.: Олим Шарафиддинов.

«**АЙН КИТОБИ**» – араб олими Халил ибн Ахмад асари. Муаллифнинг тулиқ исми: Абу Абдурахмон Халил ибн Ахмад ибн Амр ибн Таймир ал-Басрий. «А.к.» араб т. фонетикасига бағишлоңган дастлабки тадқикотлардан биридир («Мезону-л-авzon» шарқида изохли луғат деб берилганды). Ушбу асарда араб арузининг метрик асослари баён килинган. Шунинг учун «А.к.» арузшупослика оид илк асар сифатида ҳам қаралади. Бизгача стиб келмаган. Халил ибн Ахмаднинг шогирди Ахфаш устозининг аruz ҳакидаги карашларини давом эттириб, үз асарларида бу китобдан намуналар берганды.

- Алишер Навоий. Мезону-л-авzon / ТАТ. 10-ж. Т.: F.Гулом номидаги нашр., 2011. Б.540, 680.

АЙН ТИЛИ (японча) – Япониянинг Хоккайдо оролида яшовчи кавм тили. XVIII–XIX асрда Курилл оролларида, Камчатка ва Сахалинда ҳам бу т.да сўзлашувчилар яшаган. Сунгра нивхлар ва ителменлар б-н ассимиляциялашган, айримлари Японияга кучиб кетган. Таркибида суффиксация мавжуд аглютинатив т.дир. А.т.да сўзлашувчи кавмлар *айнлар* деб номланади. А.т. япончадан кескин фарқланади. Мутахассисларнинг фикрича, А.лар неолит даврида Японияга Жануби-Шарқий Осиёдан келиб ўрнашиб колган. А.т.да яратилган мифларда юкори маъбуд Пасе камуй, маъбудлар Яйян камуй, Камуй мосири, Покна мосири кабилар хақида сўз боради.

- Добротворский М.М. Айнско-русский словарь. Казань, 1875; *Bachelor An Ainu-English-Japanese dictionary*. Tokio, 1938; Народы восточной Азии. М., 1965; Леонтьев А.А. Айнский яз. / БСЭ. М., 1970. С.307; Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.52-54.

АЙНИЙ, Бадриддин (1360–1451)* – тасаввуф олими, шоир ва тарихчи. Тулиқ исми: Абу Мұхаммад Маҳмуд б. Ахмад б. Мусо б. Ахмад б. Ҳусайн б. Юсуф б. Маҳмуд. Ойинтоб ш. (Сурья)да туғилган. Бобоси Ахмад б. Ҳусайн милодий 1320 й.да үғли Мусо б-н Анқарадан хижрат килиб, Ҳалаб (Сурья)га келиб колган. А. Ойинтобда илк таҳсилни олиб, сунгра Малатия ва Ҳалабда

* Макола М.Махмудов билан ҳамкорликда ёзилған.

сабокни давом эттириди. Миср ва Макка сафаридан сүнг, Қохирала яшаган, мұхтасиб (нозир) ва авқоф (вақф ерлари) нозири бўлиб ишлаган. 1417 й. Куддуси шарифга келган. А. Туркия сultonлари топшириғи б-н фикҳ ва тарихга доир қатор асарларни арабчадан турк т.да тарж. килган. 1425 й. ҳанафия мазҳабининг бош қозиси этиб тайинланган. Қабри мадрасайи Айния мозорида.

А. фикҳ, ҳадис, усули сарф (грамматика) ва луғат илмларида, тарих ва ҳаттотлиқда кучли бир зот эди ва туркий т.да ғоят таъсирчан ёзган. А. асарлари аксарияти араб т.да, қисман турк т.да ёзилган. Мухимлари: 1) Иқдул-жуман фи тарихи-з-замон; 2) Ибнул Малик “Алфия”сининг 4-шархидан шеър масалаларига доир “Ал-Мақосидул навхия фи шарҳи шавоҳиди шуруҳ “ал-Алфия” номли асари Бағдодийнинг “Хизону-л-адаб” асарига илова килинган; 3) Мухаммад Ибн Исмоил Бухорийнинг “Сахих”и шархидан иборат “Умдатул-корий фи шарҳи ал-Бухорий” асари. Сүнгти асарида А. “Сахих”да баён этилган ҳадисларнинг иснод, маснадлари (манбалари)ни тадқик этган. Замаҳшарий, Абдуллайс Самарқандий ва Байзавий тафсирларига иловалар ёзган. Араб т.да ёзилган 20 ж.ли “Иқдул жуман фи тарихи ахли-замон” китобини Шихобиддин Аҳмад б-н 8 ж.га келтириб, қайта ёзип чиккан. А. “Тарихи ал-Бадр фи авсофи ахлул-аср” асарида Абул Фараж Жавзий, Абу Шом, Абул Фидо, Захабий ва Ибн Қосир каби машхур шахсларнинг ҳаётномасини келтириш йўлидан борган.

А. Урта ва Яқин Шарқ, хусусан, Ирок, Сурия, Миср, Андалус (Испаниё), Мағриб ўлкалари, Яман ва Ҳиндистон воеаларини муфассал ёритади. А. шоирлар ва ҳанафия факихлари учун қўлланмалар, пайғамбарлар ҳаётига доир китоблар, “Али Аббос тарихи” асарлари муаллифидир.

- İslâm Ansiklopedisi. 2.cild. İstanbul: Millî Eğitim Basımevi, 1986. S.70-72; Маҳиудов М. Бадриддин Айний / Ахли дил. Т.: Ўқитувчи, 1998. Б.276-278; Türk Dünnyası Edebiyatçıları Ansiklopedisi. Cilt 2. Ankara: Atatürk Kültür Merkezi Başkanlığı Yayınları. 2002. S.73.

АЙНИЙ, Мехмет Али (1869–1945/30.XI) – атоқли тасаввупшунос, тарих ва фалсафа олими. Манастир ш.да туғилган, 8 ёшидан Истанбулда яшаган. 1888 й.дан Диёрбакир (Туркия)да маориф мудири, Тоиф, Аммора, Балиқасрда сарроф, Харбут, Йония ва Трабзон вилоятларида вилоят ҳокими вазифаларида ишлаган. Истанбул ун-тида Илоҳиёт фак-ти дескани вазифасида ишлаган, тарих ва фалсафадан дарс берган. Ҳарвард (Германия, 1926) ва Оксфорд (Англия, 1930) ун-тларининг ҳалқаро конгрессларида катнашган.

Асосий асарлари: “Хужжату-л-ислом Имом Газзолий” (1907), “Фан ва фалсафа” (1913), “Муаллими соний Форобий” (1913), “Тасаввуп тарихи” (1922), “Ибн Синода тасаввупий райбийлик, бадбинлик, лоилоҳийлик надир?” (1922), “Ҳожи Байрам Валий” (1924), “Ибн Арабий фалсафасининг зубдаси (каймоги)” (1926, француз т.да), “Турк ахлокшунослари” (1939), “Абдуқодир Гилоний” (Париж, 1939, француз т.да), “Ҳаёт недир?” (1945). “Тасаввуп тарихи” китобида Миср, Ҳиндистондаги суфийлик тарикатлари

ҳакида сўз юритилиб, мусовийларда тасаввуф, Искандарияда янги плотинчилик, иссовийлиқда тасаввуф каби мавзуларни ёритган. Ризо Тавфик Булокбошининг “Гулшани роз” тафрикаси” (1919-20), Исмоил Ҳакки Измирлининг “Фанини манохис” (1911), Мустафо Тунжнинг “Мухтасар илми руҳий” (1914), Субхи Адҳамнинг “Бергсон ва фалсафаси” (1919) асарларини тарж. кијлан.

◆ *Ayni, Mehmet Ali. Tasavvuf tarihi. İstanbul, 1992.*

• *Türk Dünyası Edebiyatçıları Ansiklopedesi. Cilt 2. Ankara: Atatürk Kültür Merkezi Başkanlığı Yayınları, 2002. S.75.*

АЙНИЙ, Садриддин Сайдмуродзода (1878.15/IV–1954/15/VI) – ўзбек ва тожик адиби, олим ва жамоат арбоби. Тоҷикистон Фанлар академиясининг асосчиларидан ва биринчи академиги (1951), Тоҷикистон Р. Фан арбоби (1940), филология фанлари доктори (1948), проф. (1950). Бухоро вилояти Гиждувон тумани Соктаре қишлоғида туғилган. Бухородаги Мирааб (1890–91), Олимхон (1892–93), Бадалбек (1894–96), Ҳожи Зоҳид (1896–99), Кӯкалдош (1899 –1900) мадрасаларида ўқиган. “Тарбияти атфол” (Болалар тарбияси”, 1909) жамиятини тузган. Бухоро сўл жадидчиларининг фаолларидан, 1914 й.дан “Ёш бухороликлар” партияси аъзоси. 1919–21 й.да «Шуълаи инқилоб» журн.да ишлаган.

Жадид мактаблари учун “Тартибу-л-Қуръон” (“Қуръонни тартибли ўқиши”) (1909), “Таҳзибу-с-сибён” (“Покиза хулкни бола”) дарслклари (1909, 1917) чоп этилган. “Қиз бола ёки Холид” (1922, 1924) дарслиги кизлар мактаблари учун мўлжалланган 30 дарсдан иборат қўлланмадир. “Алифбо” (1924), “Чаласаводлар учун ўқиш китоби” (1930), ўрта маҳсус таълим учун “5 дар 4” (1931) каби асарлари жорий мактабларда фаол қўлланилган.

“Озодлик марши” (1918) шеърлар китоби, “Бухоро жаллодлари” (1920), “Одина” (1924), “Қулбобо ёхуд икки озод” (1928), “Эски мактаб” (1935), “Судхўрнинг ўлими” (1939, 1953) киссалари муаллифи. “Доҳунда” (1930), “Қуллар” (1934) романларини ёзган. Эссе-бадиа шаклида ёзилган “Эсадаликлар” (4 ж., 1949–54) асари Давлат мукофоти б-н тақдирланган. “Манғит суполаси амирлари тарихи” (1923), “Бухоро инқилоби тарихи” (1924) асарлари хотираларга бой, “Намунаи адабиёти тожик” (1926) тазкирасида 200 дан ортиқ адиб ижоди ҳакида маълумот бор. Рудакий, Ибн Сино, Фирдавсий, Саъдий, Камол Ҳужандий, Алишер Навоий, Восифий ва Бедил ҳакида монография ва рисолалар ёзган. 1938 й. “Тожик т.нинг кисқа изоҳли лугати” (1976 й. нашр қилинган)ни тузган. “Форс-тожик т.лари ҳакида”, “Тожик тили” рисолалари муаллифи.

Душанбе ш.да вафот этган. Самарқанд (1967) ва Бухоро (Соктаре)да ёдгорлик ва уй-музейлари бор.

◆ *Айни С. Асарлар. 1-8 ж. Т., 1963–1967; Куллиёт аз 15 ж. Душанбе: 1958-1977; Собр. соч. Т.1-6. М., 1978.*

• *Брагинский И.С. Жизнь и творчество С.Айни. М., 1958; Азиэкулов Ч., Муллачонова З. Фиҳрасти асарҳои С.Айни ва ад-ти оидба ўто охири соли 1961. Душанбе, 1963; Ниязов Х.Н. Путь С.Айни – поэта. М., 1965; Брагинский И.С. Садриддин Айни. М.,*

1978: Ҳасанов М. Айний чамани. Т., 1978; Ulugov A. Ayni, Sadriddin. Türk Dünyası Edebiyatçıları Ansiklopedisi. Cilt 2. Ankara: Atatürk Kültür Merkezi Başkanlığı Yayınları, 2002. S.76; Долимов У. Миллтий уйғониш педагогикаси. Т.: Ношир, 2012. Б.271-278.

«АЙНИЯ РИСОЛАСИ» – Шайх Аҳмад Ғаззолийнинг Айну-л-Куззот Ҳамадоний (в.1130/31)га ёзган мактублари түплами. Китобда Қуръони каримнинг айрим оятларига шархлар, ибратли ҳадислар, шайх ва валийларнинг сифат ва қароматларига оид маълумотлар ҳамда унга берилган саволларга жавоблар жамланган. Алишер Навоий “Насойиму-л-муҳаббат”да асарга таъриф беради.

- Алишер Навоий. МАТ. 17-ж. Т.: Фан, 2001; Faniева С. Навоий ёдга олган асарлар. Т.: 2004. Б.5.

«АЙНИЯ ҚАСИДАСИ» – Абу Али ибн Сино асари. “А.к.”да жисм қафасидан кутилган рух күшининг арши аълога қайтиши тасвирланган.

◆ Абу Али ибн Сино. То авжи Зуҳал. Шеърлар түплами. Форс-тожик, рус, инглиз тилиларида. Душанбе: Ирфон, 1980.

«АЙНУ-Л-ЖАМЬ» – Мансур Ҳалложга нисбат бериладиган тасаввуфий рұхдаги асар. А.ж. Абдурахмон Жомийнинг “Нафаҳоту-л-унс” ва Алишер Навоийнинг “Насойиму-л-муҳаббат” асарларида т.га олинган.

- Алишер Навоий. МАТ. 17-ж. Т.: Фан, 2001; Faniева С. Навоий ёдга олган асарлар. Т., 2004. Б.5.

АЙНУ-Л-ЙАҚИН (арабча: عین الحق - күз б-н қуриб ишониш) [тасаввуфшунослик] – тасаввуф таълимотида Аллохни билишнинг иккинчи боскичи. Биринчиси шәм-л-йақин, учинчиси ҳаққу-л-йақиндин. А. да ўз күзи б-н қуриб ишонч хосил килинади, бу жараёнда солик нафсни енгиши керак. А.га етган киши нимага бокса, Аллоҳ курдатини кўради ва унинг моҳиятини англайди. Чунки бу даражада қалб кўзи олдида парда колмайди.

Кашф ва мушоҳада орқали хосил бўладиган ишонч, англанилган илоҳий моҳият:

Етишган бегумон айну-л-йақин асрорин ҳар ким,
Аёгинг туфрогидин кўзларга тўтиё чекса.

(Алишер Навоий, Хамсату-л-мутаҳайирин, 380)

- Мұдаммағ Fuёсуоддин. Гиёсу-л-лугот. Чилди 2. Тажияи ва тавзехоти А.Нуров. Душанбе: Адаб, 1988. Сах.83
- Сажжодий С.Ж. Ирфоний истилоҳлар ва иборалар лугати // Сино. 2010. № 37-40. Б.173-174.

«АЙНУ-Л-ХАЁТ» (“Ҳаёт булоғи”) – I. Алишер Навоийнинг форс т.да ёзилган “Ситтай зарурия” (“Олти зарурат”) қасидалар мажмуасига кирган иккинчи қасида. Навоий “Муҳокамату-л-лугатай”да бу асари хусусида шундай ёзади: “Яна “А.ҳ.” қасидаси зулолин еткурубменки, ғафлат аҳлиниң ўлук бандалариға жон киюрубмен”. “А.ҳ.” туркумдаги иккинчи қасида (биринчи қасида – Аллохнинг ҳамди) бўлгани учун Пайғамбар наъти

сифатида ҳам кабул қилинади. Күләзма сарлавхасида бунга ишора бор: «Қасидайи «Айну-л-хаёт» дар нағти Расул алайхи-с-салавот». Асар 106 байтдан иборат.

П. Шайх Нажмиддин Кубронинг Куръон тафсирига бағишиланган асарининг бир кисми ҳам шу ном б-н юритилган. Алишер Навоий «Мұхокамату-л-лугатайн» асарида “A.X” ҳакида сүз юриттан.

• Алишер Навоий. Мұхокамату-л-лугатайн. МАТ. Т.: Фан, 2001; Fanieva С. Навоий сдга олган асарлар. Т.: 2004. Б.5.

АЙРЕНИ [поэтика] – ўрта асрлар арман шеъриятидаги бир бандли, 15 хижоли шеър шакли. Х асрда Григорий Нарсаки ижодида бошлиланган. Кучак Наапет юксак намуналарини яраттан. Замонавий арман шеъриятида В.Давтян, А.Сагян, С.Капутикян ижодида ҳам ушбу жанр учрайди.

◆ Кучак Наапет. Сто и один айрен. Ерсан, 1976.

АЙРЫАМАН [мифология] – “Авесто”да эзгу кучлар тараффори. Шундай қаҳрамон веда ва кельт мифларида ҳам учрайди. Ахурамаздага қарши курашда Ахриман ўз кучи б-н ракибини енголмагач, унта қарши А. юборади.

АЙТИМ – I. [фольклоршунослик] ўзбек ҳалқ оғзаки ижоди жанрларидан бири, құшиқ тури. Хонанда иштирокида ижро этиладиган ўзбек мусықа фольклори жанрлари: терма, ялла, лапар, ашула, маросим құшиқлари ҳам А. деб юритилади.

II. [музыкашунослик] – Хоразм макомларининг вокал (ашула) бўлими. Хоразм олти макомининг деярли ҳаммасида Тани маком, Наср, Талкин каби асосий бўлимлар мавжуд. Улар асосида Сувора, Уззол, Фарёд, Уффор каби ҳосила қисмлари ҳам бор. Турли макомларда қайтариладиган бу номлар бир-биридан куй жиҳатдан фарқланади. Макомларнинг ашуладан ташқари чолғу бўлими ҳам мавжуд бўлиб, улар “чертим йўли” деб номланади. Ўтмиш мусикачилигида чертим йўли – “манзум”, айтим йўли – мансур деб аталган.

• Rahmon o'g'li M.B., Devonzoda M.Y. Xorazm musiqiy tarixchasi. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2014.

АЙТИМБЕТОВ, Үрөзбек Абдилда ўғли (1947 й.т.) – кирғиз адаби. Иссиккүл вилоятида туғилган. Кирғизистон Давлат ун-типинг филология фак.-ни тамомлаган (1976). 1972 й.дан кирғиз матбуотида асарлари чоп этила бошлаган. “Кирғизистон маданияти” газ.да адабий ходим (1972-74), “Ленингчى ёш” газ.да бош мух-р (1975), Кирғизистон Ёзувчилар уюшмаси Иссиккүл бўлими масъул котиби (1980), “Кирғизфильм” студиясида бош мух-р (1987-88) вазифаларида ишлаган. Илк ҳикоялар тўплами 1976 й.да чоп этилган. “Ангиз сити” (Бишкек, 1978), “Кизил ўрик” (Бишкек, 1980), “Ота юртим овози” (Бишкек, 1987) каби китоблар муаллифи. Кирғиз оқини Тұғұлұқ Молда ҳакида эссе (Бишкек, 1975) ва “Афанди”, “Хаго”, “Жазо” драмаларини ёзган.

• Türk Dünyası Edebiyatçıları Ansiklopedisi. Cilt 2. Ankara: Atatürk Kültür Merkezi Başkanlığı Yayınları, 2002. S.83.

АЙТЖАН бахши *Хұжалепесов* (1908–1954) – корақалпок халқ шоири, Коракалпоғистонда хизмат күрсатған артист. Коракалпоғистон АР Тахтакүпир тұманида туғылған. Бердах шоирнинг шогирді Коражон бахши қулида бахшилик сирларини үрганған. 1934 й.дан санъат оламига кириб келди. Театр ва радиоэшиттириш соҳасида ишлади.

- Türk Dünyası Edebiyatçıları Ansiklopedisi. Cilt 2. Ankara: Atatürk Kültür Merkezi Başkanlığı Yayınları, 2002. S.83.

АЙТЖАНОВ, Үтеген (1925/25.І–1960) – қоракалпок адаби, драматурги. Мүйиноқ тұманида туғылған. Иккінчи жағон уруши иштирокчиси. ТошДУ (хоз. ҮзМУ)нинг хукукшунослик фак-тини битирған (1950). Коракалпоғистон Вазирлар кенгашы (1950-52), Ижтимоий таъминот вазиrlиги (1952-54), Коракалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси бўлимида (1959) ишлаган. Илк шеъри 1950 й.да чоп этилған. “Баликчи йигит” шеърлар тўплами (1955), “Орол соҳилида” романы (1958), “Номус” (1959), “Устоз ва шогирд” (1960) китоблари муаллифи.

- Türk Dünyası Edebiyatçıları Ansiklopedisi. Cilt 2. Ankara: Atatürk Kültür Merkezi Başkanlığı Yayınları, 2002. S.84.

АЙТИШУВ (қыргызча: айтис, айтиш) [фольклоршунослик] – икки бахши, шоир (окин) ўртасидаги шеърий мушоира. Фольклорда бахши, жиров, окин, халфа ва лапарчиларнинг бадиха тарзидаги мусобақаси. Бахшилар бир мавзуда терма ва достон айтиб ўзаро мусабакалашган. А.да айрим халқ достонларидан намуналар, “Алпомиш”, “Гүрӯғли” достонларининг версиялари ҳам айтилған. А. одатда навбатма-навбат ижро этиш тартибида амалга ошириләди.

Әзма ад-тта фольклордан кириб келған. Мұмтоз ад-тда икки шоирнинг бир байт әски банддан шеър айтиш мусобақалари ўтказилған. Күкөн шоирлари орасыда Фазлий ва Махзуна ўртасидаги А. (мушоара) тазкираларда акс эттән:

Фазлий:

Юз оғарып сүзингә лубби любоб күрмай,
Арзи жамол этарму ойина об күрмай.

Махзуна:

Кимдин чиқар бу сүзлар бағрин кабоб күрмай,
Ганжұ үлмагай мұяссар ҳолин ҳароб күрмай.

- ◆ Үзбек ал-ти. Учинчи т. Т.: Үздавнашр, 1959. Б.594.

АЙТИС [фольклоршунослик] – айтишув, козок, кирғиз, коракалпок в.б. кипчоқ лаҳжасида сұзлашувчи туркий халқлар окин ва жировларининг мушоирази, шеърий мусобақаси. А.га айрим ҳолларда театрлаштырылған драма, халқ театри күшилған ҳолда намойиш этилиши мүмкін. А. фольклор жанри сиғатида XIX асрда кенг тарқалған бўлиб, унинг турли шакллари мавжуд: йигит б-н киз А., бахши (жиров)лар ўртасидаги А. Окин ва жировлар

уртасидаги А. муайян мавзуда ёки бирор достоннинг маълум кисмлари буйича ўтказилган. Қозоқ А. муаллари Жамбул Жабаев, Нурпейс Байганин, Исо Бойзоков в.б. Яна қ.: *айтишув*.

- Словарь лит-ведческих терминов / Ред.-сост. Л.И. Тимофеев, С.В. Тураев. М., 1974;
- Хотамов Н., Саримсоқов Б. Ад-шунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳи лугати. Т.: Ўқитувчи, 1979. Б.22; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.14.

АЙТМАТОВ, Чингиз Туракулович (1928/12.XII–2008) – таникли кирғиз адаби, мутафаккири ва давлат арбоби. Қирғизистон халқ ёзувчиси (1968), Қирғизистон ФА академиги (1974). Халкаро Иссиқкүл форуми (хоз. Ч. Айтматов номли) асосчиси (1986).

Қирғизистоннинг Шекер кишлоғи (Олой вилояти)да туғилган. Отаси Тұрақул Олой партия құмитасининг котиби булиб, 1937 й.ги катагон курбони булған. 15 ёшидан Қишлоқ фуқаролар кенгашыда котиблик килтган. 1946 й.дан Жамбул зооветеренация техникумда, сұнгра Қирғизистон кишлоқ хұжалиғи ин-тида ўқиган ва 1953 й.да тамомлаган. Қирғизистон Чорвачилик илмий-тәдқиқот ин-тига қарашли тажриба фермаларида ишлаган. 1956–58 йыл. Москвада Ад-т ин-тида таҳсил олған. 1952 й.дан маҳаллий матбугатда, 1956 й.дан марказий матбугатда асарлари чөп этила бошлаган. 1957 й.дан Ёзувчилар уюшмаси айзоси. Москвадаги “Иностранный литература” журналида боты мух-р булған, Россиянинг Люксембургдаги, Қирғизистоннинг бир неча Европа мамлакатларидаги элчиси сифатида дипломатик фаолият күрсатған.

Кирғиз ва рус т.ларida ижод килтган. Илк ҳикоялари 1950 й.да чөп килингандар. “Байдамтол соҳилларида” ҳикояси (1955), “Юзма-юз” (1957) киссаси қирғиз т.да, 1961 й.дан асарлари рус т.да чөп этила бошлаган. “Жамила” (1957), “Юзма юз” (1958), «Сарвқомат дилбарим», “Бұтакұз” (1961), “Биринчи мұаллим”, “Момо ер” (1963), “Сомон йули” (1963), “Алвидо, Гулсари!” (1966), “Оқ кема (Эртакдан сұнг)” (1970), “Әрта учған турналар” (1975), “Соҳил бүйлаб чопаёттган олапар” (1977) киссалари машхур. “Асрға татиғулик күп (Буронли бекат)” (1980), “Киёмат”, “Кассандра тамғасы” (“Охирзамон нишоналари”), “Тоғлар қулаганда (Абадий кайлиқ)” романлари ва “Фудзиямада күнчиқиши” драмаси мұаллифи.

“Жамила” киссаси фавқулодда шуҳрат козонған, Европа т.ларига тарж. килингандар (франц. т.га Луи Арагон тарж.). Асар “севги ҳакидаги дүнёда энг гузал кисса” (Л. Арагон), “тезкор ривожланаёттган адабий жараён ҳодисаси” (Г. Гачев) сифатида баҳоланған ва адаб ижоди “киргиз ренессанси” сифатида (Л. Левченко) әзтироф этилған. Айни кисса ва бошқа асарларини ўз ичига олған “Тоғ ва чүл киссалари” тұплами (беш кисса) Давлат мұкофотига сазовор (1963) булған. Ч.А. “Жамила”дан кейин түрт кисса, бир неча ҳикоя ва очерклар ёзған булса ҳам А. талқиотчиларидан В. Левченко “Жамила”дан кейин “Алвидо, Гулсари!”ни ўқишини тавсия қилади. Ч.А. ижодини жаҳон адти контекстида ўрганған Г. Гачев адаб киссаларини мавзусига күраң әзтироғасли севги (“Жамила”), ҳакикат (“Алвидо, Гулсари!”), адолат (“Әрта

учган турналар”), вијдон (“Эртакдан сүнг” – «Оқ ксма»), курбон (“Сохил буйлаб чопаётган Олапар”) тұғрисидаги асар деб ажратган. “Алвидо, Гулсари!” қиссасыда табиат ва табиий түйгүлар химоя қилинган бұлса, “Оқ кема” қиссаси (1971) соц.реализм қолиппаратында сиғмайдыган, халқ ижодига хос жүшкінликни сингидирған асар сифатыда шұхрат қозонған. Адібнинг “Асрға татигулик күн” (“Бүроюлы бекат”), “Қиёмат” (“Кунда”), “Кассандра тамғаси” (“Охирзамон нишоналари”), “Кулаёттан тоғлар” (“Абадий қайлик”) романлари XX аср жағон романчилигидегі үзігінде хос ҳодиса сифатыда эътироф этилған. “Асрға татигулик күн” таркибиға кирған, бирок үша пайтда чөп этилмаган “Чингизхоннинг оқ булути” қиссаси алохидан асар сифатыда эълон қилинған.

А. адабий-танқидий қарашлары собиқ иттифок ад-ти, хусусан, Марказий Осиё халқлары ад-ти тараққиетінде алохидан үрин тутады. Адіб мақолалари “Ер ва сув ҳаммуал.литигі” номлы (1978) тұпламида эълон қилинған. А. нинг дәярлі барча асарлары үзбек т.та тарж. қилинған. Уларни А.Рашидов, И.Фауров, М.Махмудов ва С.Қорас үзбекчага үтирган.

- ◆ Айтматов Ч. Повести гор и степей. М.: Молодая гвардия, 1965; В соавторстве с землем и водою / Очерки, статьи, беседы, интервью. Фрунзе, 1979; Собр. соч., т. 1-3. М., 1982-84; Статьи, выступления, диалоги, интервью. М., 1988; Асрға татигулик күн, Қиёмат. Романлар. Т., 1998; Когда падают горы (вечная новелла). СПб.: Азбука-классика, 2006; Охирзамон нишоналари (С.Қорас тарж.). Т.: Ўз-н Миллий кутубхонаси нашр., 2007; Танланған асарлар. 1-3 ж. Т.: Шарқ НМАК, 2009; Тоғлар кулаганда (Абадий қайлик) // Жағон ад-ти. 2009. № 11;
- Аяззов М. Путь добрый! // Лит-ная газета. 1958. 23 октября; Арагон Л. Самая прекрасная на свете повесть о любви // Культура и жизнь. 1959. №7; Асаналиев К. Открытие человека современности. Фрунзе, 1968; Лебедова Л. Повести Ч.Айтматова. М., 1972; Коркин В. Человеку о человеке [О творчестве Ч.Айтматова]. Фрунзе, 1974; Мирзаахмедова П. Национальная эпическая традиция в творчестве Ч.Айтматова. Т., 1980; Гачев Г. Чингиз Айтматов и мировая литература. Фрунзе, 1982; Левченко В. Чингиз Айтматов. Проблемы поэтики, жанра, стиля. М.: Сов.писатель, 1983; Ахматалиев А. Чингиз Айтматов и взаимосвязь литературы. Бишкек, 1991; Türk Dünay Edebiyatçılari Ansiklopedisi. Cilt 2. Ankara: Atatürk Kültür Merkezi Başkanlığı Yayınları, 2002. S.84-88; Рашидов А. Чингиз Айтматов тиңгыл бал. олами. Т.: Үқитувчи, 2008; Чыптыз Айтматов: Мен Манастын уулумун. Бишкек, 2013; Сыдыкова Г.Б. Чингиз Айтматов и русский литературно-критический дискурс. Бишкек, 2013; Шаханов М. Правдоформула и восхождение на эверест любви. Алматы, 2013.

АЙТМУРАТОВ, Дұвлен (1933 й.т.) – коракалпок шоири, адабиётшүноси. Амударё тұманинда туғылған. Москвадаги М.Горький номидаги Адабиёт институтын тамомлаган (1962). “Амударё” журнада бұлым мудири (1962-73), “Казахфильм” студиясында мух-р (Олмаста, 1974), Девқораев номидаги Тил ва ад-т инс-тида бұлым мудири (1976) булиб ишлаган. Илк шеърлари 1958 й.дан чөп этила бошлаган. “Күшік ва тимсоллар” (1960), “Оқар дарё” (1965), “Тимсоллар” (1975), “Усиз ҳеч бир нарасада қыймат ийк” (1999) китоблари муаллифи. “Ёлғончининг иши”, “Ахмоклик дунёсида” (1990) каби комедиялары сахнага чиқкан.

- Türk Dünay Edebiyatçılari Ansiklopedisi. Ankara, 2002. Cild 1. S.528.

АЙХ, Гюнтер (1907–1975) – олмон шоири. Ижоди 20-йиллардан бошланган. 1930 йилда “Шеърлар” тұплами нашр этилған. Дрездендаги “Колонна” журн. тұрағыда қатнашған. Асарлари Иккінчи жағон урушидан сүнг зытиборга тушған. Уруш охирларыда АҚШ нинг Рейндаги харбий асирлар лагеридә яшаган. “Узок қовлилар” (1948), “Ёмғир мактуби” (1955) тұпламлары б-н нозик лирик ва пейзажчи шоир сифатидә зытироф этилған. “Уйкулар” радиопьесасыда ижодининг асосий йұналишларини баён килған (“Эсла, Корея ва Бикинини харитадан эмас, қалбинғдан изла. Эсла, ҳар қандай жиноятда у қаерда соодир бұлмасин сен айбдорсан”).

♦ Айх Г. Стихотворения / Из современной поэзии ФРГ. Вып. I. М.: Радуга, 1983.

АЙХЕНВАЛЬД, Юлий Исаевич (1872–1928) – атоқлы филолог олим. Одессада туғилған, 1892 й.да Новороссийск үн-тини тамомлаган. “Локк эмпиризми ва Лейбниц рационализми” асари учун Файласуфлар жамиияти олтін медалини олған. 1895 й.дан Москвага келиб, “Вопросы философии и психологии” журн.да фаолият курсаттап. “Алоҳида сахифалар” (1910), “Пушкин” (1908), “Валерий Брюсов” (1910) каби асарлари чөп этилған. Шопенгауэр асарларини рус т.та тарж. килған. Бир неча ж.дан иборат «Силуэты русской литературы» асари б-н шүхрат қозонған.

• Венгеров С. Айхенвальд Ю.А. / Энц-кий словарь. Брокгауз и Ефрон в 12 т. Биографии, т. I. М.: СЭ, 1991. С.120-121.

АЙШ (арабча: ایش – завқ) [тасаввуфшунослик] – суфийнинг Илохни мушохада килиб, давомли құзурланиш ва рухий-маънавий фарогат топиши; Ҳак б-н дүстлашиш (унс) лаззати ва бундан қалбнинг огох бўлиб яираши. А. тасаввуф ад-тида Ҳак дийдорига ташналиқ маъносида ҳам келади. Солик (Ҳак йўлига кирған суфий) нафсоний сифатлардан воз кечиб, парданинг кутарилишига, яъни Ҳак дийдорига етишига мушток бўлади. Бобур шеъриятида шундай қўлланилған:

Ўзни кўнгул, аиш ила тутмоқ керак,
Бизни унумтқонни унумтоқ керак.

• Cebecioglu E. Tasavvuf Terimleri Sözlüğü. İstanbul: Anka Yayımları, 2005.

АЙША – к.: Оиша.

АЙЮБ (а.с.) [мифология, диншунослик] – Куръони карим ва Тавротда (Иова) номи келтирілған пайғамбарлардан. Аллоҳ таоло Айюб пайғамбарнинг сабр-токатини синаш учун бошига кўп кулфатлар ёғдиради. А. бутун мол-мулки қўлдан кетса-да, шукр қиласи. Хаста бўлади, лекин сабр қиласи. Баданидаги яралари боис ёнига одам келмайди, бунга-да бардош беради. А. пайғамбар ҳамма кулфатларга сабр б-н бардош бергани учун сабр тимсоли бўлиб колади. Айтишларича, Аллоҳ сабрни ўнга бўлиб, тўккиз қисмини Айюб пайғамбарга, колганларини барча инсонларга берган экан.

Сабри туфайли Аллоҳ унга кайта соғлик ва фарзанд ато этади, яна йигирма й. пайғамбарлик қилади. Бу ҳақда Бобур ёзди:

*Гар ҳажжеринг имтиододи мундин орттар,
Қолмас менга сабр – сабри Айюб ўлса.*

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.52; *Cebecioğlu E. Tasavvuf Terimleri Sözlüğü. İstanbul: Anka Yayınları, 2005.*

АЙЮБ ШАХРИСАБЗИЙ (XV–XVI) – узбек шоири, мусикашунос олим. Турк ва форс т.ларида ижод қилган. Навоийнинг “Мажолису-н-нафоис”, Содикбек Китобдорнинг “Мажмау-л-хаввос” (“Хослар мажмуаси”) тазкираларида А.Ш.ҳакида маълумот берилган. Мусикашунос сифатидаги фаолияти Дарвиши Чангийнинг “Тухфату-с-сурур” мусика рисоласида ёритилган.

АЙЮБ ГУЛОМ – к.: Гуломов, Аюб.

АЙЮБИЙЛАР – XII–XV асрларда Миср, Сурия, Диёрбакир ва Яманни бошкарган мусулмон подшоҳлари сулоласи. Сулола асосчиси Айюб 1138 й. турк сultonлари хизматига кирган. Сўнгра лашкарбоши сифатида Мисрни фатҳ этишида қатнашиб, даслаб Мисрда, сўнгра бошка ўлкаларни қўлга киритган. А. Мисрда Малик ан-Носир Салоҳиддин (1169)дан Баҳрий мамлуклари ҳокимиятига қадар (1152), Дамашқда Малик ал-Афдал Нуриддин Алидан (1186) Малик ан-Носир II Салоҳиддинга қадар (1260), Диёрбакирда 1185 й.дан ҳокимиятни бошкарган. А. мұғул ҳукмронлигидан кейин ҳам яна курашлар б-н ҳокимиятга эришиб, узларининг бошкарувини Диёрбакирда 1462 й.га қадар сақлаб қолганлар. Бу сулола б-н темурийлар ва оққўйинлилар ҳам қаттиқ жанглар олиб борганлар.

- Стэнли Л.П. Мусульманские династии. Хронологические и генеалогические таблицы с историческими введениями. Пер с анг. В.Бартольд. СПб., 1899. С.58-61; Босворт К.Э. Мусульманские династии. М.: Наука, 1971. С.94-98.

АЙЮКИЙ (XI) – форсийзабон шоир. Газнада яшаб ижод этган. Бизгача сакланган “Варқа ва Гулшоҳ” достони Султон Махмуд (998–1030)га тортиқ килинган. Достон сюжети Исфаҳонийнинг “Китоби Оғани” таркибиға кирган асарларда илк бора учрайди. Достон Ахмад Оташ томонидан Истанбул кутубхонасидан топилган ва 1343 ҳ.й.да Забиҳуллоҳ Сафо томонидан чоп килинган. Достон романтик сюжетта эга бўлиб, унинг воқеалари араб манбаларига бориб тақалади. Достон воқеалари Яманда кечади. Достоннинг каттагина кисми Тожикистонда чоп этилган “Сабаки Рӯдакӣ” (“Рудакий сабоғи”) тўпламида чоп қилинган. Матнни проф. Ахмад Абдуллаев нашрга тайёрлаган.

- Айюқий. Варқа ва Гулшоҳ / Сабаки Рӯдакӣ. Душанбе: Ирфон, 1984. С.203-270.
- Rüstəmova A. Azərbaycan epiq şeirinin inkişaf yolları. XII-XVII əsrlər. Seçilmiş əsərləri. Bakı: Elm, 2014. S.416-424.

АЙГУЧИ – Турк хоқонлиги (VI–VII)да давлат маслаҳатчиси. Билга хоқон А.си Тұньюкуқ (Апа Тархон) бұлған. У Хитойда таълим олған, унинг номи ва тарихи битилған Тұньюкуқ битик тоши мавжуд. Битик тоши ҳоз. Мұгулистаннинг Улан Батор ш. шимолидаги яйловда сакланади.

АКА БУХОР (1894–1962) – ўзбек қизиқчысы, латифалар ижодкори. Асл исми Бухоржон Зокиров. Құкон ш.да туғилған. Ҳалқ театри ташкилотчысы Махкам Ҳофиз труппасыда иштирок этган. А.Б. репертуаридаги “Нон гарови”, “Юрак оғриғи”, “Рұмольча үйини” сингари ҳажвиялари эл эътиборини козонған. 1920-й.да “Ҳасан, Ҳусан”, “Олти бола”, “Новвойлик”, “Мироббоши”, “Чаккон бола” күлгі хикоялари машхұр бұлған. XX асрнинг 40-й.ларыда Шокиржон Тошканбоев, Усмон Нишонбоев, Ҳаким Парпиев каби дорбозлар гурұхларыда қатнашған. А.Б. пантомима, овозга тақпид, асқия в.б.фольклор жанрларыда маҳоратлы санъаткор бұлған.

- Қодиров М. Масхабабоз ва қизиқчилар санъати. Т., 1968; Томоша санъатлари: ўтмишда ва бугун. 1-ж. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2011.

АКАЙ (АКАС) мерған – кирғиз эпоси “Манас” қаҳрамонларидан бири. Қалмикларнинг кирғизларға ҳужуми даврида 10 үйлик кирғиз эли бошқалардан ажралиб төғ орасыда колади. Уларға бозордан от олиб, моддий ёрдам берған синчилардан бири А.дир. Эпосда бу қаҳрамон Манас, Талас ва Авлиё ота каби асосий персонажлар қаторида иштирок этади. А.нинг жасорати ва топқирлиги туфайли унинг үлемидан сұнг у яшаган яйловға А. мерған номи берилған.

- Манас / Миртсмир тарж. Т., 1968; Turk Dunyasi Edebiyat Kavramları ve Terimleri Ansiklopedik Sözlüğü. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.84–85.

АКАДЕМ [мифология] – юнон мифологиясыда афиналик қаҳрамон. А. Диоскурға Тесей томонидан олиб кочилған унинг синглиси Елена қаерға яшириңганини маълум килади. М.а. IV асрда Еленани яширган үрмонада Афлотун яшаган ва мактаб барпо қылған. Бу мактаб Афлотун академияси номини олған.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.55.

АКАДЕМИЗМ (французча: *akadémisme* – илмий даража, статус) [эстетика] – XVI–XIX асрлар ад-ти ва тасвирий санъатида мұмтоз аңыанаңдарға асосланувчи йұналиш. А.га күра юксак санъат мұмтоз аңыанаңлари асосида ривож топиши, ижоднинг абадий конуниятларига амал килиши лозим. Италияда Болоня мактаби санъатда антик ва үйғониш даври конуниятлари жорий килинишини ёклаган. Француз А. санъатнинг мұмтоз конуниятлари (мас., классицизмдеги уч бирлік: макон, замон ва ҳаракат бирлигі конуниятлари) жорий килиниши учун ҳаракат күлған. XIX асрда Италияда А.Каново, Францияда Д.Энгром ва Россияда Ф.А.Бруни бу йұналишни давом эттирган.

А. илмда юқори профессионал услугб, мумтоз қоида ва колипларга амал килиш. Ад-тшуносликда А. соҳанинг мумтоз анъаналарига риоя қилиш, фундаментал тадқиқотлар б-н иш кўриш ва илмда жорий этилган тартиб-низомларга амал қилишни билдиради. А. консерватизм, эскирган илмий тамойилларга ёпишиб олиш каби салбий оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин. А. импрессионистлар ва символистлар томонидан колоклик сифатида баҳоланганд.

- Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Астрель-Аст, 2003. С.11-13;
- Борев Ю. Словарь текстологии и генетической критики. М., 2011. С. 23.

АКАДЕМИК (французча: *akadémisme* – илмий даража, статус) – илмий унвон, академия аъзоси. Бирор академиянинг ҳакиқий аъзосига бериладиган унвон. Фанлар, Бадиий, Ҳарбий ва Тиббий академияларнинг ҳакиқий аъзолари ҳам А. деб юритилган. Россияда Ҳарбий-тиббиёт академиясида 25 й. ишлаган профессорларга ҳам шундай унвон берилган. Ҳар бир академия соҳанинг стук олимларини сайловлар йўли б-н А.ликка қабул қилган. Шуролар даврида Фанлар академисининг ҳакиқий аъзоси б-н бирга мухбир аъзоси унвони ва фахрий аъзолиги ҳам жорий этилган. А.га илмий тадқиқотлари жаҳон стандартлари талаблари асосида яратилган, илмий жамоатчилик томонидан тан олинган мактаб яратган, илмий ютуклари мамлакат интеллектуал ва иқтисодий салоҳиятини оширишга хизмат киладиган, ёши 65 дан ошмаган, ЎзР фукароси бўлган фан докторларидан сайланади.

1942 й.да Ўз-н Фанлар академияси ташкил этилгандан сўнг катор ўзбек олимларига А. унвони берилган. Шунингдек,Faфур Ғулом, Ойбек каби адиллар ФА ҳакиқий аъзо, Ҳамид Олимжон ва Ўйғун мухбир аъзо этиб сайланган. Кори Ниёзий биринчى ўзбек академигидир.

- Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.20. Каюмов А. Академиклар. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2011.

– лицей – к.: Лицей.

– мактаб(лар) – ад-тшуносларнинг ўзаро илмий тамойиллар, таҳдил ийналишлари буйича кичик бирлашмаси. Ак.м. назарий тамойиллар, ижодий концепциялар яқинлиги асосида вужудга келади. Ак.м.ни адабий мактаблардан фарқлаш лозим. Адабий мактаблар шоир ва ёзувчиларни ижодий тамойиллар асосида бирлаштируса, Ак.м. олимларни назарий тамойил ва концепциялар буйича умумий илмий ийналишга асосланади. Мумтоз ад-тшуносликдаги Афлотун академияси ёки Бағдоддаги Байту-л-ҳикма, Маъмун академиясини мана шундай илмий мактабларнинг бошланмаси сифатида эътироф этиш мумкин. Европада флоренциялик шоир Грацини (1582), француз кардинал Ришелье (1635) ташкил қилган илмий мактабларга нисбатан дастлаб Ак.м. тушунчаси кўлланилган. Рус ад-тшунослигига “академик мактаблар” биримаси XIX аср бошларидан кўллана бошланган.

Гарбий Европада вужудга келганд мифологик (этнографик) мактаб ака-ука Гримлар ва У.Дутгласнинг фольклор асарларига бад. ад-тнинг ибтидоси сифатида карашлари асос бўлган. Бу таълимот Россияяда А.Н.Веселовский (1838-1906) томонидан ривожлантирилиб, тарихий поэтика тамойиллари ишлаб чикилиши натижасида ад-тликда мифологик мактаб ёки Тарихий поэтика мактаби номи б-н шуҳрат қозонди. Европада шунингдек, назарий поэтика йуналиши Р.Мюллер, А.А.Потебня қарашлари асосида психологик талқин б-н бойиди ва психологик мактаб тариқасида шаклланди.

XX аср бошида рус формал мактаби вужудга келди. Бу мактаб вакиллари В.Шкловский, Эйхенбаум, В.Жирмунскийнинг бад. асар шаклига алоҳида эътибор бериб, бад. асар таҳлилида шакл ва унинг компонентлари асос килиб олиниши рус формал мактабига хос бўлган жиҳат хисобланади. Бу мактаб ўз қарашларини дастлаб “Поэтика” (1916) номли тўплам орқали ифодалаган бўлса, кейинчалик унинг ҳар бир вакили ўз қарашлари доирасида сюжет ва композиция, фабула ва архитектоника каби бад. шакл компонентлари ҳақидаги қарашларини катор монография ва тадқиқотларда илгари сурдилар.

XX аср ўрталарида Францияда Клод Леви-Строс, Жак Лакан, Мишел Фуко ва Ролан Барт матн структурасига асосланган ҳолда *структурал поэтика* мактабига асос солди. Бу мактаб қарашлари соцреализм колипларидан чарчаган собиқ иттифоқдаги тараккийпарвар олимлар томонидан давом эттирилди. Тарту ун-ти проф. Ю.М.Лотман бу акал. мактаб таълимотини бад. асар таҳлилига жорий килди ва структурал поэтика структурал таҳлил методи сифатида ўз умрини давом эттирмоқда. Ҳоз. кунда миллий ад-тшуносликда ҳам маҳаллий илмий мактаблар борлигини эътироф этиши лозим. Гарчи бу мактаблар акал. мактаб сифатида дунё эътирофига сазовор бўлмаса ҳам, илмий мактаб сифатида ад-тликда ўз ўринларига эга. Шундай мактаблардан бири Ўз-н миллий ун-тидаги Озод Шарафиддинов адабий танқид мактаби, Гулом Каримовнинг мумтоз ад-т намуналарини урганингда қаратилган мактаби, ЎзРФАда Ҳоди Зариф фольклоршунослик мактаблари шулар жумласидан.

- Академические школы в русском лит-ведении. М.: Наука, 1976; Ўз-н Миллий университетида ақадемик мактаблар. Т., 2013.

~ *нашр* – изоҳ ва шарҳлари ёзилган, илмий аппарат б-н таъминланган, бир неча матни илмий асосда солиштирилган ишончли нашр. А.н. танқидий матн сифатида матннинг ҳақиқийлиги, нашр асосини белгилашда ёрдам беради. Матншуносликда танқидий матннинг мукаммал шакли бўлиб, у бирор адаб ижодий меросини тўла қамраб олиши, ўша ижодкор қаламига мансуб матнларнинг аслига суюнган ҳолда нашрга тайёрлангани, мавжуд кўлёзма ва нашрлардаги фарқларни белгилаганлиги ва уларнинг илмий изоҳланганлиги б-н фарқ килади. А.н.га хос хусусиятлар: матн аниқлиги (1), турли вариант ва нашрлар асосида тўла таркибланишга эгалиги (2), матн ва манбалар, таҳrir ва нашрлар асосида илмий шарҳга эгалиги (3), матн мазмунининг тұлалиги ва илмий аппарат б-н таъминланганлиги (4)дан иборат. А.н. одатда мутахассисларга мүлжалланган бўлиб, нисбатан оз сонли тиражда чоп этилади.

А.н. бирор адид ёки олимнинг бадиий, публицистик, илмий, эпистоляр, мемуар характеридаги тұла асарларини қамрайди. Акад. Д.С.Лихачев А.н.нинг аввал нашар этиш, кейин тадқиқ қилиш (1), аввал манбанинг матн тарихини тұла үрганиш, сұнгра унинг тәңкідій нашрини амалта ошириш (2) каби иккى тамойилини белгилаган. Үз-нда Алишер Навоий Муқаммал асарлари тұплами (МАТ)нинг 20 жылдлігі, Ойбек “Асарлар”ининг 19 жылдлігі, Faafur Fулом “Асарлар”ининг 12 жылдлігі А.н.га мисол була олади.

- Основы текстологии / Под ред. В.С.Нечасовой. М., 1962; Словарь лит-всдческих терминов / Ред.-сост. Л.И.Тимофеев, С.В.Тураев. М., 1974; Хотамов Н., Саримсоқов Б. Ад-тшунослик терминларининг русча-ўзбекча изохли луғати. Т.: Ўқитувчи, 1979. Б.23; Гришунин А.Л. Исследовательские аспекты текстологии. М.: Наследие, 1998. 413 с.; Елисеев И.А., Полякова Л.Г. Словарь лит-всдческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.5; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асель-Аст, 2003. С.11-13; Борев Ю. Словарь текстологии и генетической критики. М., 2011. С. 24.

~ *teatr* – к.: Театр.

~ услугб – илмий асарларнинг ифода услуби, баён тарзи. А.у. бошка услублардан (мас., бадиий ёки публицистик услубдан) ифоданинг аниклиги, истилоҳ ва атамаларнинг кенг құлланилиши ва жиыддийлиги б-н фарқ қиласы. Фаннинг турли соҳаларига оид илмий тадқиқоттар, монография, рисола (трактат), илмий мақола ва тақризлар мана шу услубда битилади.

Ўзбек олимларидан Ойбек, И.Султон, М.Құшжонов тадқиқотлари А.у.да өзилганс.

- Хотамов Н., Саримсоқов Б. Ад-тшунослик терминларининг русча-ўзбекча изохли луғати. Т.: Ўқитувчи. 1979. Б.22-23; Борев Ю. Словарь текстологии и генетической критики. М., 2011. С.23.

«АКАДЕМИКА» – машхұр Рим нотиги ва файласуфи Цицерон асари. Билиш назариясига бағищланған. А. Цицероннинг бошка асарлари каби диалог-сұхбат асосига қурилған.

• История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.439.

АКАДЕМИЯ (юононча: *akademos*, киши исми) – I. дастлаб (м.а. IV аср) юонон мифлари қаҳрамони *Академия* шарафига Афлотуннинг фалсафий мактаби сиғатида Афинада шаклланған. Эллинизм даврида илмий жамият тусини олган (мас., Искандар музейи). Ислом Шарқида *Байту-л-хикма* (донишмандалар уйи) номи б-н Бағдодда (IX аср) очилған, Маъмун А.си Хоразмда (X-XI аср) фаолият бошлаган, Самарқандда Улугбек даврида (XV аср) расадхона А. бұлған. XVI асрдан Италияда турли тұтараплар ва илмий муассасалар шақлани олған.

II. қоз. олий үкүв юрти (Тиббиёт академияси) – бир қанча фанлар бүйіча тадқиқот олиб борадыған илмий-тадқиқот институтлари мажмуаси.

Мас., Ўз-н Фанлар академияси, ЎзР Ички ишлар академияси, Кишлок хўжалиги академияси.

• Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энциклопедический словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.20.

Афлотун ~ си – юонон файласуфи Афлотун томонидан Афинада асос солинган (м.а. 387) фалсафа мактаби. Мификс қаҳрамон Академа номи б-н аталган. А.а. турли даврларда фалсафанинг турли йўналишлари б-н машгул бўлган. Қад. давр (м.а. IV асрдан III аср ўртасича) Афлотун, Свевсипп, Ксенократ, Ўрга давр А.си Аркесилай, Янги давр академияси Карнеад фаолиятлари б-н боғлиқ. IV–V асрларда А.а.си неоплатонизм (Афинали Плутарх даври) б-н шуғулланди. 529 й. Юстиниан буйруғи б-н ёпиб кўйилди. А.а. вакиллари Эрон кўл остидаги Жумдишопур, Дамашқ ва Харрон ш.да паноҳ топдилар. Уйғониш даврида Флоренцияда (1459–1521) Марсилио Фичино томонидан давом эттирилди. қ.: Афлотун, Афина.

• Seel O. Dic Platonische Akademie. Stuttgart, 1953.

Бадиий ~ – санъатнинг пластик (тасвирий) соҳалари бўйича ташкил этилган ижодий-илмий муассаса, нафис санъат масалалари б-н шуғулланадиган илмий-ижодий марказ. Ўзбекистон худудида қадимда нафис санъат ижодкорларини уюштирган турли марказлар бўлган. Темурийлардан Ҳусайн Бойкаро даврида (XV) Ҳиротда 40 дан ортик санъаткорларни уюштирган кутубхона, кейинчалик мутахассислар томонидан «Нигорхонаи Беҳзод» ёки «Беҳзод академияси» деб аталган Б.а. ташкил этилган. Б.а. Европада дастлаб Италиядаги антик санъат, Уйғониш даври санъаткорларининг услубларини ўрганиш учун тўпланган рассомларнинг эркин уюшмаси тарзида майдонга келган (XVI). Биринчи Б.а. Парижда (Кироллик Б.а., 1648), кейинчалик Венада (1692), Берлинда (1694), Лондон (1768)да в.б. Европа давлатлари саройлари қошида, Россияда эса 1757 й. ташкил этилган.

Собиқ Иттифоқда 1918 й. Б.А. тугатилиб, олий ўкув муассасалариiga айлантирилган. 1947 й.да Иттифоқ Б.А. қайта тикланган ва иттифоқдо распубликаларда унинг бўлимлари очилган. Ўз-нда замонавий шаклдаги Б.а. Ўз-н Президенти фармонига биноан ташкил (1997) этилган.

• Кондаков С.Н. Юбилейный справочник императорской академии художеств 1714–1914. ч.1-2. СПб. 1914; Зотов А.И. Академия художеств СССР. М., 1960.

Фанлар ~ си – бир канча фанлар бўйича тадқикот олиб бораидиган илмий-тадқикот институтлари мажмуаси. Дастлаб Италиядаги (XVII аср) аниқ фанларни бирлаштирувчи ин-т шаклида вужудга келган. Европада Лондон (1660), Париж (1666), Берлин (1700), Санкт-Перетбургда 1774 й.да шаклланган. Собиқ Иттифоқда 1925 й.да ташкил топган.

1943 й.да Ўз-н Ф.А. Республика олий илмий муассасаси сифатида Иттифоқ Ф.А.нинг филиали базасида ташкил топган. Унинг таркибида 1970

й.да 5 булим, Коракалпогистон филиали ва 28 ин-т фаолият кўрсатган. Шунингдек, Ў.Ф.А. таркибига Алишер Навоий номидаги Ад-т музейи, Ойбек номидаги Ўз-н халқлари тарихи музейи, Шаҳидлар хотираси музейи, “Фан” нашриёти ва Илмий фундаментал кутубхона киради. Ў.Ф.А. нинг Президентлари: Кори Ниёзий (1943—47), Т.А.Саримсоков (1947—52), Зоҳидов Т.З. (1952—56), Абдуллаев Ҳ.М. (1956—62), Орипов У.О. (1962—66), Содиков О.С. (1966 й.дан) в.б.

Педагогика фанлари — 1943 й.да собиқ иттифоқ П.Ф.А. Маориф вазирлиги кошида Москвада ташкил топган. Ўз-нда дастлабки П.Ф.А. Самарканда 1927 йилда ташкил этилган, сунгра СамДУ (Самарканд Давлат ун-ти)га айлантирилган. Ўз-н Педагогика фанлари академияси кейинчалик Халқ таълими вазирлиги кошида Педагогика фанлари илмий-тадқиқот инс-ти сифатида фаолият кўрсатмоқда. К.: Педагогика фанлари.

«ACADEMIA» — XX аср 20-йилларида ташкил этилиб, ҳозир Санкт-Петербургда қайта тикланган нашриётлардан бири. 1922 й.да хусусий корхона сифатида асос солинган. Унинг таркибида кейинрок Санъат тарихи ин-ти вужудга келган. 1938 й.да Москвага кучирилиб, давлат нашриётига кушиб юборилган. “Жаҳон ад-ти ҳазинаси”, “Адабий-бадиий санъат ёдгорликлари” каби туркум ад-ларни нашр этган.

«АКАДЕМКНИГА» — Фанлар академияси нашриётлари томонидан чоп этилган китоблар сотиладиган дўконлар тизими.

АКАНИШТХА [мифология] — Будда мифологиясида олий маъбуларнинг самовий маскани ҳакида тушунча. А. таълимоти “Типитика” қонунлар китобида баён килинган. Унга кўра маъбул Шакра (Сакка) ҳам А.га гушишни орзу килган. Айрим манбаларда А.да олий маъбул Ади-Будда яшайди.

• Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.55.

А КАПЕЛЛА (итальянча: *cappella* – соат созлагич) [эстетика] – мусиқа асблоблари жўрлигисиз айтиладиган қўшик. Дастреб католик ва православ черковларида куйланган диний қўшиклардан келиб чиккан. Европада кад.лан ривожланиб келган. Капелла – хор гурухи. А.к. усулини Барток, Чайковский, Танеев, Свиридов каби рус бастакорлари қўллаганлар. Д.Шостаковичнинг А. учун ёзган 10 поэмаси бор. Ўз-нда XX асрнинг 40-й.дан шаклланган. А.К.ни ўзбек мусикасига Мутал Бурхонов олиб кирган. А.К. да қўшик матнининг тингловчига етиб бориши, унинг таъсир этиб, уларда муайян туйғу уйготиши мақсад килиб олинади.

• Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.11-13.

АКАТАЛЕКТИКА (юончча: а – зидлик белгиси, katalektikos – якуний, охирги) [поэтика, строфика] – шеършунослик истилохи бўлиб, тұлиқ мисра ёки унинг сўнгги туроги (стопаси) бошқа мисралар б-н оҳангдошлиқ ҳосил қиласи. Каталектик (бир-икки стопа етишмаган шеър катори) шеърнинг зидди. Шу каби ямб ва *анапестларда* мужское окончание, *хорей* ва *амфибрахийларда* женское окончание А. дейилади.

А. шеър тұлиқ стопа б-н тугалланган шеърдир. Бу стопада бирор ургу сони тушириб қолдирлади.

- Хотамов Н., Саримсоқов Б. Ад-тшунослик терминларининг русча-узбекча изохли лугати. Т.: Ўқитувчи, 1979. Б.23; Beckson K., Ganz A. Literary Terms. 3 ed. New York, 1989; Turk Dunyasi Edebiyat Kavramları ve Terimleri Ansiklopedik Sözlüğü. Cilt 1. Ankara: Atatürk Kultur Merkezi Başkanlığı'ı, 2001. S.85; Епсизев И.А., Полякова Л.Г. Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.5; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.11-13.

«АКАФИСТ» (юончча: akathistos humnos – тик туриб куйланадиган мадҳия) – Византия ад-тининг ёдгорлиги. 431 ёки 626 й.да Роман Сладкопевец (Хушваз) томонидан ёзилган деб тахмин килинган бу асар Худо, Биби Марям ва Исо пайғамбарнинг мадҳи, құшиклар ва пандлардан иборат. “Буюк Акафист” деган ном б-н ҳам юритилған. А. нинг таркиби Кукул (зачин), сўнгра икос деб юритилған 12 катта банд, унинг уртасида кандака 12 кичик банд, ургули ва ургусиз хижолар асосига курилған ритмдан иборат. Кейинрок А. асосида насроний чёрковида айтиладиган қушиклар вужудга келген. Улар мадҳия – достонлар сифатида байрамларда тик турган ҳолда куйланған.

- ◆ Акафист матери божьей / Памятники византийской лит-ры 4-9 вв. М., 1968.
- Петровский А. Акафист / Православная богословская энц-я. т.1. СПб., 1900; Аверинцев С.С. Поэтика ранневизантийской лит-ры. М., 1977. С.231-36; Эдельштейн Ю.М. Акафист / Лит-ный энц-кий словарь. М.: СЭ, 1987. С.16-17; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.11-13; Binyadov Z. Dinlər, təriqətlər, məzhablər. Bakı: Şərq-Qərb, 2007. S.16.

АКАФОРИК ҚОФИЯ [поэтика] – шеърий банд ёки мисранинг бошланишидаги қофияланиш. Қирғиз эпоси “Манас” айтuvчилари томонидан кенг күлланилған. А.қ. мисра якунидаги кофияни инкор этмайди. Аксинча, унга қўшилиб шеърнинг оҳангдорлигини кучайтиради.

- Борев Ю. Энц-кий словарь эстетики и теории лит-ры. М.: Асрель-Аст, 2008. С.39 (эл. версия).

АКАША (санскритча: очик майдон) [тасаввуфшунослик] – хонақохнинг очик сахни. I. суфийлар зикр мажлисларига түпланадиган майдон. Масжид олдидаги А. майдонида жума ва ҳайт кунлари масжидга сифмаганлар ҳам намоз ўқиши мумкин.

II. “Беш акаша”, яни ҳаввойи ҳамса: кўриш, эшитиш, таъм билиш, тегиниш (тана сезгиси), хид билиш орқали дунёни ҳис килиш ва билиш имкониятлари.

АКАЦИРЛАР [этнография] – кад. хуннлар давлати таркибидаги қавмлардан бири. Манбаларда А.ни 463 й.да булғорлар мағлубиятга учратгани кайд қилинади. Аттила үлими (453)дан кейин хуннлар давлати парчалангач, А. ҳам хуннларга сингиб кеттганлар.

- Рахманалиев Р. Империя тюрков. М.: Прогресс, 2002; Турон қавмлари. Кичик энциклопедик лугат. Тузувчи З.Зиётов. Т.: Истиклол, 2008. Б.24.

АКБАР (XVII) – хиндистонлик шоир. Номи Мирзо Акбар. Маснавийда маҳорат кўрсатган. Ижодидан намуна:

*Надомати гунаҳам дўстро раҳим кунад,
Шикасти тавбаам овор ул-карим кунад.*

Мазмуни:

Гуноҳим тавбаси дўстни раҳмли қилар,
Тавбани бузишим овори карим қилар.

- Кайумов П. Тазкирату-ш-шуаро. Т., 2006. Б.18.

АКБАРАЛИ (XV) – хиндистонлик шоир. Ташибиҳий таҳаллуси б-н машхур. “Девон” и б-н “Зарра ва Хуршид” номли манзум асари мавжуд.

АКБАРИЙ, Султон (1923–1997) – ўзбек шоири. Тошкент ш.да туғилган. Низомий номидаги педагогика ин-ти (1941), Москва Олий ад-т курсини тамомлаган (1953). Ўз-н республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими. II жаҳон уруши катнашчиси. “Ленин учқуни”, “Хоразм ҳакикати”, “Ёш ленинчи” (1948–52), “Қизил Ўз-н”, “Тошкент ҳакикати”, “Ўқитувчилар газетаси” ва “Гулистон” журнали таҳририятларида ишлаган.

Илк ижоди намуналари уруш й.ларида чоп этилган. “Тинчликни куйлайман” (1950), “Яратувчилар” (1953), “Севгилим” (1956), “Уч достон” (1960), “Тирик излар” (1968), “Қўз ёшлари ва табассум” (1970) шеърий тупламлари, “Устоз” насрый китоби (1970) муал.и.

- ♦ Акбарий С. Кўнгил оҳанглари Т.: Ўззадабийнашр, 1958.

«**АКБАРНОМА**» (1589–1601) – Абулфазл Алломий асари. Бобурий ҳукмдор Акбаршоҳ тарихи баён килинган, уч жилдан иборат. 1-ж.да Акбар шажараси, унинг туғилиши, Бобур ва Хумоюн даври воқеалари, Акбаршоҳ ҳукмронлигининг 17 й. (1556–72) хикоя килинган. 2-ж. Ҳиндистон ва Шим.Афғонистон тарихи (1573–1602)га багишланган. 3-ж. “Ойини Акбарий” номли мустақил асар сифатида ҳам машхур. “А.”нинг сўнгги кисмлари ёзилмай колган. Кейинрок “Такмилайи Акбарнома” (“Акбарнома”га илова) номи б-н Иноятуллоҳ ибн Муҳиб ва Солих Камбо томонидан битилган. “А.” Бобур ва бобурийлар, умуман, темурийлар тарихига ҳамда Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон тарихига оид кимматли манба саналади. XIX аср охирида инглиз т.га Бевериж, Эллиот, Доусон (1-2- ж.), Глодвин, Блоше, Жаррет (3-ж.) томонидан тарж. килинган. “А.” Буюк Британия ва Ҳиндистонда нашр қилинган.

• Аҳмадов Б. Историко-географическая лит-ра Средней Азии XVI-XVIII вв. Т., 1985; Берк С.М. Ақбар – бобурйларнинг энг буюги / Инглиз т.дан Ф.Сотимов тарж. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2009; Мутрибий Самарқандий. Нусхайи зебойи Жаҳонгир. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2014. Б.65-82; Бобур энц-яси. Т.: Шарқ НМАК, 2014. Б.29.

АКБАРШОХ (1542/14.Х–1605) – Ҳиндистондаги бобурйлар сулоласининг вакили, давлат арбоби ва адаби. Асл исми: Жалолиддин Мухаммад, Бобуршохнинг набираси, Ҳумоюн ўғли. 1556 й.дан 49 й. давомида Ҳиндистонни бошқарган. Дастраси даврда Байрамхон атка (оталик) ёрдамида давлатни бошқарган. А. давлати Шимолий Ҳиндистон, Кашмир, Покистон ва Гужарат ерларини ўзида бирлаштирган. А. асос солган (1582) янги эътиқод – “дими илоҳий”га кўра, уни кабул килган, “тўрт аҳком – молим, жоним, имоним ва динимни гаровга тикиб, химоя киламан” дея касамёд килган. Бадоунийнинг таъкидлашича, А. уз диний одатлари тизимига “тавҳиди илоҳий” деб ном берган, лекин кўп тарихнавислар “дими илоҳий” иборасини кўллайдилар. Бу эътиқод ислом, ҳиндустоний, насроний ва мажсусийларни бирлаштирган. Лекин А. вафот эттанида ислом дини ахкомларига амал қилинган ҳолда дафи этилган. Бу хусусда А. вафотидан ўн кун кейин Жаҳонгир саройига келган Британия элчisi Томас Рой ёзиб колдирган. С.М.Берк А. нинг хаёти ва фаолияти ҳакида муфассал маълумот берган. А. тонгти ибодатдан сўнг сарой болаҳонасидан ҳалқ оммасига чиқиб, қуриниш беришни одат килган.

Мутрибий Самарқандий “Нусхайи зебойи Жаҳонгир” тазкирасининг Биринчи силсиласини “Подшоҳ Ғозий Ақбаршохнинг гўзал зикри”дан бошлайди. Унда А.нинг саховати ва шавкатини намоён этадиган тўрт вокеани кўрганлар т.дан хикоя килинган. Тўртингчи хикояда А. Жувонмардалихон Самарқандда ҳукмрон бўлган даврда сulton соҳибкорон Амир Темур макбарасини таъмирлаш учун бир фил олтин юборгани, бу одат Бобуршоҳ ва Ҳумоюн даврида русум булгани айтилади. Мутрибий “подшоҳи ғозий (яъни А.) “бала отасининг қуринишидир” мазмунига биноан бузруквор отасидан ўтган ташқи ва ички фазилатларга ҳам эга эди. Шунча давлат ва шавкат ва ҳашаматга эга бўла туриб, “Илоҳий арш остидаги ҳазиналар калити шоирларнинг т.дир” мазмунича ғоҳида шеър айтиш сари ҳам юзланардилар”, деб ёзган ва унинг уч форсий байти ва бир рубоийсини келтирган. Улардан бири:

*Гиря кардам зи ғамат, мавжисиби хушҳол шуд,
Рехтам хуни дил аз диди дилам ҳоли шуд*

Мазмуни: Ғамингда йигладим – кўнгил хушлигимга сабаб бўлди,
Кўзимдан юрак қони окиздим – юрагим анча бўшади.

А. даврида ўнлаб тарихий асарлар ёзилган. Америкалик олим С.М.Беркнинг ёзишича, “дунёнинг ҳеч қасрида ҳукмдор ҳакида бунчалик муфассал ёдгорлик колдирилмаган”. А. 1582 й.да етакчи тарихнавис олимларни тўплаб, Пайғамбар (с.а.в.) вафотидан кейин ўтган минг йиллик дунё тарихини ёзишни топширган. Тарихчилар Абулғазл, Бадоуний, Накибхон, Фатхуллоҳ, Низомиддин Аҳмад в.б. “Тарихи алфий” (“Минг йиллик тарих») деб аталган китоб ёзишга киришган. Унинг муқаддимасини

Абулфазл ёзган. Шунингдек, у “Акбарнома”да тсмурийлар ва бобурийлар тарихи ҳамда учинчи қисми “Ойини Акбари”ни ёзган. Асар муаллифи вафот эттани (1602) туфайли тугалланмаган ва уни Иноятуллоҳ давом эттирган. Асарнинг 9 жилдан иборат “Табакоти Акбари” (“Акбаршох фаолияти”) қисмини Низомиддин Ахмад, “Мунтахабу-т-таворих» («Ташланган тарихлар») қисмини Абдуходир Бадоуний ёзган.

Абулфазлнинг “Акбарнома” асарида ёзилишича, А. уз даврининг мусика билимдонларидан бўлиб, икки юзга якин кўй басталаган. Лаъл Калавант исмли олимдан ҳинд т. ва мусикасини ўрганганд. Рассомлик санъатига алоҳида эътибор берган. А. саройида юздан ортиқ рассом ишлаган. Сайид Али, Абдусамад, Дараванд в.б. китобат килинган асарларни расм ва миниатюралар б-н безатишган. Мас., “Ҳамзанома”, “Рамзнома” (“Маҳбҳорат”), “Рамаяна”, “Калила ва Димна”, “Айёр Доңиш” кабилар шундай расмлар б-н безатилган эди.

А. 70 ёшида вафот этган, мақбараси Агра ш.да. Кейинчалик унинг ёнига Зебуннисо бегимнинг хоки кучирилиб, дағн килинган.

- *Smith V.A. Akbar, the Great Mogul. Oxfrod, 1917; Антонова К.А. Очерки общественных отношений и политического строя Могольской Индии времён Акбара (1556-1605). М., 1952; Кодиров П. Хумоюн ва Акбар. Т., 1994; Берк С.М. Акбар – бобурийларнинг энг буюги / Инглиз т.дан F.Сотимов тарж. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2009; Мутрибий Самарқандий. Нусхайи зебойи Жаҳонгир. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2014. Б.65-82.*

АКВАН-ДЕВ [мифология] – Эрон мифларига кўра, қудратли девлардан бири. “Барзунома”да ёзилишича, у филбошли, соchlари узун, ёввойи кобон сингари тишлари ўткир, оккузли, коралабли маҳлукдирки, унинг жисмига караб булмайди. “Шоҳнома”да ёзилишича, Рустамнинг қаҳрамонликларидан бири А.Д.ни енганидир.

АКВАРЕЛЬ (латинча: aqua – сув) [эстетика, санъатшунослик] – қад. Мисрда сувли бүёк ёрдамида чизилган сурат. XVI асрдан Европада урф булган рассомлик тури. А.да нозик ранглар сувли бүёк ёрдамида нафис товланишига эътибор қаратиласди. XIX асрда Францияда Э.Делакруа, О.Домье, П.Синьянк, А.Матисс; Германияда А.Менцсл; Англияда Р.Бонингтон, У.Кэллоу, Д.Тёрнер; Россияда И.Е.Репин, В.И.Суриков, М.А.Врубель А. жанрида сурат чизишган. Ўз-нда Ў.Тансикбосв, Р.Ахмедов, А.Мирзаев в.б.нинг А.да чизилган суратлари бор.

- Борев Ю. Энц-кий словарь эстетики и теории лит-ры.. М., 2008. С.40 (эл.версия).

АКЕФАЛИЯ (юнонча: acefaliya – тушиб қолиш) – бошланиш қисмининг тушиши ёки йўқолиши. Аксфалик китоблар бошланғич қисми мавжуд булмаган қад. кўлёзмалар. Мас., қад. юон ва Рим ад-тида бошланғич қисми мавжуд бўлмаган (йўколган эмас, ёзилмаган) китоблар А. дейилган.

- Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.22.

АКЖУРА, Юсуф – к.: Оқжўра, Юсуф.

АКИН, АҚЫН (ўзбекча: оқин, бахши) [фольклоршунослик] – козок, коракалпок ва кирғиз бахшилари шундай ном б-н юритилди, улар ўз асарларини дўмбира воситасида ижро этадилар. “Алпамыс”, “Қиз Жибек” эл орасида машҳурлигига А. сабаб бўлган. А. репертуарида ҳалқ достонлари б-н бирга термалар ҳам айтилган. Таникли козок А. Жамбул Жабаев (1846–1945), кирғиз А. эса Т. Сатилганов (1864–1933)дир.

- Словарь лит-ведческих терминов / Ред.-сост. Л.И. Тимофеев, С.В. Тураев. М., 1974;
- Хотамов Н., Саримсоқов Б. Ад-тишунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли лугати. Т.: Ўқитувчи, 1979. Б.25; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.11-13.

АКИФ, Мехмет Эрсўй (1873–1936/27.XII) – турк адаби, публицисти. Биринчи жаҳон уруши даврида Олмонияда, 1925–35 й.да Қохирада яшаган. Исломчи ва турончиларнинг олдинги сафида бўлган. Анкарада сиёсий фаолият б-н шуғулланган, I Миллат мажлисисининг вакили (депутати). 1908 й.дан “Сироту-л-мустақим” газ.да шеър ва мақолалари босилиб чиқкан. Аруз ва эркин вазида шеърлар биттган. Туркия жумхуриятининг мадхияси “Истиқлол марши” (1921)нинг муал.и. Етти ж.дан иборат “Сафоҳот” (1911), “Сулаймония курсида” (1912), “Ҳакнинг саслари” (1913), “Фотих курсисида” (1914), “Хотиралар” (1917), “Асим” (1919), “Соялар” (1933) хотиралар китоблари машҳур. “Истиқлол марши” ва “Сафоҳот” (“Сахифалар”) асаридан намуналар ўзбек т.га тарж. қилинган.

- Mehmet Akif Ersoy. Safahat, kitap 1-6. İstanbul, 1911-24; Мөхәмәд Ақиғ Әрсүй. Сахифалар. Т., 2011.
- Tansel F.A. Mehmet Akif / Hayatı ve Eserleri. İstanbul, 1945; Timurtaş F. Mehmet Akif ve camiiyatınız. İstanbul, 1962; Topçu N. Mehmet Akif. İstanbul, 1970.

АККАД – Месопотамиядаги Тигр (Дажла) ва Евфрат (Фрот) оралигига, х.ги Бағдод якинида жойлашган ш. Саргон подшоҳлиги даври (м.а. 2300 й.)да пойтахт бўлган. М.а. III мингийликда семит т.ларига мансуб аҳоли кучиб ўтган. А.лар мамлакат жанубида жойлашган Шумердан фарқли маданиятга эга бўлганлар. М.а. 2200 й.да гутийлар томонидан ишғол қилинган. Кейин эса Бобил (Вавилон) пойтахт килиб олинган.

- ♦ Я открою тебе сокровенное слово. Лит-ра Вавилонии и Ассирии / Пер. с аккадского. М.: Художественная лит-ра, 1981. 352 с.

АККАДЛАР – Месопотамия шимолида эр. а. IV–III мингийликда яшаган туркӣ кавмлар. Бобил шимолидаги Аккад ш. уларнинг пойтахти бўлган. Кейинроқ бутун мамлакат А. номи б-н юритилган. Демак, А. сўзи ш., мамлакат ва кавм маъноларида келади. М.а. 2350–2150 йй. Месопотамияда Саргон Аккад сулоласи хукмронлик килган. Бу сулоланинг энг машҳур хукмдорлари: Саргон (Шаррууен I), Римуш, Маништусу, Нарамсин, Шаркалишарри в.б.

- ♦ Я открою тебе сокровенное слово. Лит-ра Вавилонии и Ассирии / Пер. с аккадского. М.: Художественная лит-ра, 1981. 352 с.

~ *ад-ти* – кад. Бобил ва Ассирия ад-ти. Инсоният тамаддунининг илк манбаларидан бири Шумер маданияти б-н боғланган. А.лар м.а. III мингйилликда ўзларининг илк ёзувини яратишган. Шумер т. даврлар ўтиши б-н аккад т.га ва ад-тига таъсир кўрсатган. Бизгача стиб келган А.а. намуналари подшоҳ Ашшурбаниппал даври (м.а. 669-636 йиллар)да пойтахт Ниневияда жорий килинган кутубхона асарларидир. Унда 700 ж.дан ортиқ асар тўпланган бўлиб, уларнинг 200 га якими илмий асардир. 300 дан ортиғи илохий ёзувлар, турли фол китоблари ва башоратлардир. Қолган кисми адабий асар бўлиб, улар маҳсус сарлавҳалар б-н белгиланмаган. Асарнинг биринчи сатри унинг сарлавҳаси вазифасини ўтаган. Юзга якин матннинг муал.лари маълум эмас. А.а.нинг энг юксак асарларидан “Гилгамиш киссаси” жаҳон бадиий ад-тининг илк намуналаридан саналади. Кейинги юз йилликда изчил ўрганилаётганига қарамай А.а. тарихи хронологик тарзда тўла яратилган эмас. Бу соҳада АҚШ олими Л.Оппенхейм, олмон тадқиқотчиси С.Крамер тадқиқотлари диккатга сазовор.

А.а.нинг жанрлар таркиби бутунги жанрий тамойилларга ўхшамаса-да, унда ҳам эпик асарлар мухим ўрин тутади. Мас., дунёнинг яратилиши хақидаги “Энума элиш” достони янги йил маросимлари фольклори таркибида сакланган. Маъбул Эрре ҳақидаги достон вабога карши яратилган. Адабий ёдгорликлар уларнинг қаҳрамонлари, асарда т.га олинган маъбуллар ва подшоҳлар тарихи б-н боғлик гурухлаштирилган. А.а.даги маъбуллар Шумер мифологиясидаги маъбуллар асосида яратилган. Мас., қуёш маъбуди Шамаш Шумерлардаги Уттудан, Иштар – Инаннадан, Адду – Ишкурдан, Син – Наннадан олинган в.ҳ. А.а.даги типологик ва эпик персонажлар ҳам шумер қаҳрамонларидир. Мас., Гилгамиш – шумер, Атрахасис (лугавий маъноси: донишманддан яралган) шумерларнинг донишманд подшоҳи Зиёсурдани эслатади.

А.а.да матнлар, кўпинча, биринчи шахс номидан айтилган. Шеърий асарларнинг биринчи мисрасидаги маъно иккинчи мисрада кучайтирилган холда сифатлаш ёки ўхшатиш ёрдамида берилган. Параллелизмдан самарали фойдаланилган. *Акростих* тарзида мисраларнинг биринчи ҳарфларидан муз.нинг исми келиб чиккан. XX аср бошида В.Брюсов, Н.Гумилев, В.К.Шилейко А.а. намуналарини рус т.га тарж. килишган.

♦ Я открою тебе сокровенное слово. Лит-ра Вавилонии и Ассирии / Предисловие В.Афанасьева. М.: Художественная лит-ра, 1981. С.5-30.

♦ Болтабоев Ҳ., Маҳмудов М. Адабий-эстетик тафаккур тарихи. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2013.

~ *тили* – семит т.лари оиласига кирувчи кад. А. ҳалқининг т. Йкки диалект – Бобил ва Ассирий шевасидан таркиб топгани учун А.т.ни ассирий-бобил ва бобил-ассирий т. деб ҳам юритилади. А.т. м.а. З минг йилликда жонли т. сифатида фаолиятда Месопотамия (хозирги Ирак) бўлган ва бутун Олд Осиёнинг расмий алоқа т. сифатида истеъмолда бўлган. А.т.даги ўзак сўзлар факат ундошлардан иборат бўлиб, унлилар қўшилиши

б-н маъно ўзгаради ёки сўзнинг янги шакллари вужудга келади. А. ёзуви шумерларнинг миххатлари асосида шаклланган 500 дан ортик белгидан иборат. А.т.даги қад. ёдгорликлар м.а. XXV асрга тааллукли бўлиб, улар адабий манбалар, хўжалик ва ритуал ёзувлар ва юридик хўжатлардан иборат. 1857 й.дан А.т.даги миххатлар ўкила бошланган.

- *Липин Л.А.* Аккадский язык, ч.1-2. Л., 1957; *Дьяконов И.М.* Языки древней Передней Азии. М., 1967; *Ungnad A.* Grammatik des Akkadischen. Vollig neu bearbeitet von L. Matous, 4 Auf. Munchen, 1964. Soden W. Akkadisches Handwörterbuch, Bd. 1—3. Wiesbaden, 1959—81; *Никольский М.В.* Ассирийские клинообразные тексты с транскрипцией и подстрочным русским переводом, ч.1-2. М., 1983-84.

АККЕРМАН, Луиза-Виктория Шоке (1813—1890) — француз шоираси. 1838 й. Берлинга кўчиб келган, 1856 й.дан шеърлар тўпламлари чоп этила бошланган. А. хақида француз мунаккидлари Сент-Бёв, Теофил Готье, Сюлли Прюдомнинг катор асрлари бор. Шеърлари фалсафий рух б-н йўтирган.

- *Веселовский Ю.* / Энг-кий словарь. Брокгауз и Ефрон в 12 т. Биографии, т. I. М.: СЭ, 1991. С.125-126.

АККОМОДАЦИЯ (лотинча: *acommodatio* — мослашиш) — тилшунослиқда унли ва ундош товушлар артикуляцияси (талаффузининг) кисман мос келиши. Сўзнинг охирги товуши ундан аввалги унли таъсирида жарангизлашиши ёки ярим киска айтилиши. Mac., рус т.даги «мол» — «мел», «лук» — «люк» тарзida айтилиши.

- *Грязнова Н.А.* Аккомодация / Большой энг-кий словарь: Языкознание. М., 1990. С.22.

АККОМПОНЕНТ (французча: *accompagnet* — кузатиш; жур бўлиш) — ашулани мусика б-н кузатиш, кўшикка мос мусикани кўшиб ижро этиш. А. икки турли бўлиб, бир кўшикчи бир мусика асбоби А. бўлиши ёки бир неча кўшикчи ва хорга бутун бир ансамбль (ски оркестр) А. бўлиши мумкин (1); Бундан ташқари, бир кўшикчининг овозига бошка бир қўшикчи ёки хор А. бўлиши мумкин (2). А. ижронинг таъсир кучи, бадиийлигини оширади. Баъзида А. фаоллашиб, ижрочига тенглашиши мумкин.

- *Крючков Н.А.* Искусство аккомпонента как предмет обучения. Л., 1961; *Борев Ю.* Энг-кий словарь эстетики и теории литературы.. М., 2008. С.40 (эл.версия).

АККОРД (французча: *accordo* — келишув, бирдамлик) — уч ва ундан ортик мусикий куй ва турли баландликдаги овознинг ўзаро уйғунлиги ва сўнгги авж пардалари. А.нинг учовоzioni (тризвучие), тўртовозли (септаккорд) ва бешвазли (нонаккорд), олтивазли (ундсцимаккорд) турлари мавжуд. А. ўрга асрлардан мавжуд. Уларни ўрганишда давр ва оқимдаги фаркни унутмаслик лозим. Уйғониш даври А. классицизм даврига, романтизм А. эса импрессионизм даврига мос келмаслиги мумкин.

- *Вахромеев В.А.* Аккорд / БСЭ. Т.1. М.: СЭ, 1970. С. 335; *Этингер М.* Ранне-классическая гармония. М., 1979; *Способин И.В.* Мусика шакли. Т., 1982; *Акбаров И.А.* Музика лугати. Т.: F.Фулом номидаги нашр., 1987. Б.8-9; *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энг-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.22.

АККУЛЬТУРАЦИЯ (лотинча: ad – га, cultura – маданият) [маданиятшунослик] – маданиятларнинг ўзаро таъсирланиш жараёни, бир халқ турмуш тарзига бошқалар маданиятининг қисман ёки тұла кириб келиши. Одатда маданияти нисбатан заиф қавмларга маданияти тараккй топған халқнинг маданияти сингиб кетади. А. термини АҚШда XX аср 30-й.да күллана бошланған. Американи әгаллаган инглиз маданияти тубжой ахолисининг маданий ҳастига таъсир этди ва А. жараёни юзага келди. Худди шундай жараён Африка китъасидаги айрим мамлакатларда ҳам французлашув тарзда юзага чиқди. Мутахассислар Лотин Америкасидаги испанлашув ҳам бунга мисол келтиришади. Шуролар даврида шимолдаги кичик халқлар (нивх, эксимо каби)нинг руслари жараёни хусусида шундай дейиш мүмкін.

- *Бахта В.М. Проблема аккультурации в современной этнографической лите-ре США / Современная американская этнография. М., 1963.*

АККУМУЛИЯЦИЯ (accumulation – тұлапш, жамғарыш) [өстетика] – замонавий А. санъатда күлланиладыган коллаж усуллари йигиндиси. Бир объект ёки рельефға бир неча қодиса, предмет ва уларнинг қисмларини англатувчи қизық ва бүекларни йигиши. Замонавий авангардизмнинг еткүн вакили М.Дюшаннинг ёзишича, оддий прозаик нарсалар суратини уларнинг моддий маъноларидан озод килиб, уларға муал. назарда туттган маъноларни тақиши А. га хос вазифадыр. Бу усулдан поп-арт йұналишида ижод этган Р.Раушенберг, Ж.Жоунс, К.Ольденбург, Э.Уорхол каби америкалиқ санъаткорлар фойдаланишган.

- *Власов В., Лукина Н. Авантгардизм, модернизм, постмодернизм / Малый лексикон искусства. СПб.: АЗБУКА Классика, 2005. С.200-202.*

АККҮЙҮНЛИ – қ.: Оқкүйинли.

АКМАЛ (1834/35–1883/84) – ўзбек шоири ва муҳаддиси. Тұлғы номи: Сайид Акмалхон тұра ибн Низомиддин Пискандий ибн Мансур хожа. Пискентда туғилған. Тошкент ва Бухоро мадрасаларда таҳсил олған. Шаркий Туркестон хукмдори Ёкуббекнинг күёви. Қашғар ва Ёркентда козилик килған. Шоир Тойиб Үзгандийга рахнамолик килған. Ёкуббекнинг вафотидан кейин А. Қўкон, Пискент ва Тошкентда яшаган. Бухорода Қози калон масжидида имомлик килған ва Бухорода вафот этган.

“Мажмуат-ш-шуаро” тазкирасида Фазлий А. ҳақида киска маълумот б-н форс т.даги 10 байт шеърини берған. Ижодда Бедил издоши. Ўзбек, форс ва араб т.да шеърлар биттін. Шайх ибн Форизнинг қасидасига жавобан араб т.да “Қасидай тоиййа” асарини ёзған. Шунингдек, форс т.да ёзилған “Қасидай нуния” биографик асари маълум.

А. “Девон”дағы ғазал, мухаммас ва китъалар бор. Бу девон ва шоир ҳақида ёзилған Сомийнинг хотираномаси ҮзРФАШИда сақланади.

- *Абдуллаев И. Акмал Тошкандий // Имом ал-Бухорий сабаклари. 2002. №3. Б.213-216; Тазкираи Кайюмий. Т., 2009. С.32. 45-46.*

АКМАЛ ХЎҚАНДИЙ (XVIII аср I-ярми –1810) – ўзбек шоири. *Махмурнинг* отаси. А.Х. хақида Мухаммад Амин Атторнинг “Тухфату-т-таворих” (“Тарихлар тухфаси”), Фазлий раҳбарлигида тузилган “Мажмуаи шоирон” тазкираларида маълумот бор. “Девон” тузган, аммо бизгача сақланмаган. Асарлари “Баёзи янги” (1911), “Баёзи Мұхалло” (1912), “Армуғони Хислат” (1912) каби баёзлар орқали етиб келган.

• Қаюмов А. Асарлар. 7-жилд. I-китоб. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2010. Б.32-41.

АКМЕИЗМ (юнонча: akme – юксаклик, гуллаб-яшинаш) – XX аср 10-й.ларида шаклланган адабий оким (айрим А. вакиллари “адамизм” деб ҳам атайдилар). Рус акмеистлари (Н.Гумилев, А.Ахматова, С.Городецкий, О.Мандельштам в.б.) ўзаро «Шоирлар цехи» (1911–14, 1920–22) мактабига бирлашиб, рамзийликнинг сирли дунёсига қарши «гўзал ёрқинлик» шиори остида аник ва равон ёзишни тарғиб килган. Шунинг учун А. тарафдорларини *кларизм* (clarus – аник) деб ҳам атаганлар. Улар “Аполлон” журн. таҳририяти тсаварагида бирлашган эдилар. Н.С.Гумилев (1886–1921)нинг «Символизм мероси ва акмеизм» (1913), С.М.Городецкийнинг «Хозирги рус шъеридаги айрим окимлар» (1913), О.Э.Мандельштам (1891–1940)нинг “Акмеизм тонги” (1919) мақолаларида А. нинг назарий асослари акс этган: “нарсаларнинг борлигича севинг, факат нарсаларни ва сизнинг турмушингиз ҳаммадан юкори бўлади – мана шу А. олий таърифидир”.

А. тарафдорларидан баъзилари узларини «адамчилар» (Одам Ато номидан олинган) деб атаб, инсонга хос аник ва равшан хусусиятларнинг кўйчиси ва баёнчиси бўлиш адабликнинг биринчи вазифаси, деб таъкидлаганлар. А. тарафдорлари адабий тимсолларнинг аник ва «куринишли» бўлишига эътибор бериштан. Mac., С.М.Городецкий талкинича, атиргул символистлар учун илохий ишқ рамзи сифатида қадрланса, акмеистлар учун у ўз табиийлигида гўзал ва қадрлидир. А. окимиидаги ижодкорлар конкрет дунё ва унинг гўзалигини кўйлашни узларининг максади деб билганлар. Шу жиҳатдан ўз даврида символизмга карши ва у б-н ракобат килувчи окимга айланган. А.Ахматова талкинича, рус ад-тидаги сўнгти буюк оким. А.нинг бад. концепцияси: *шоир* – дунёнинг сурларини очадиган, унинг хаос (бузгуничилик)ини бартараф этадиган мазкур эгасидир. Фалсафий-эстетик асоси: сўзнинг онги маъноси – логос (*таълимот*), бу шундай гўзал шакли, гўё символистлар мусиқани танлаганлари каби. А.лар учун Сўзнинг ўрни арши аълодадир. Сўз мулокот воситасигина эмас, балки тимсол-ғояни барча “ҳажмий бирлик”ларда: мусиқа, рангтасвир, ғоя в.б.да ривожлантирувчи восита. Шунинг учун шоир сўзга йўқотилган охорини ва ўз маъно қалъасини қайтариши керак; сўзга дунёнинг абадий кўхлигини бериши керак. Шоир – дунёдан ранжиган одам, Икки дунёнинг рицари, курашчиси ва сайёхи, изловчи ва етказувчидир. Шеърият – тирик организм. Шоирнинг “мсн”лигини сўз воситасида ифода килувчи, унинг маънавий эҳтиёжини конлирувчи ягопа курол. Шеърият ва

дин – танганинг икки томони. Ҳар иккиси кишидан улкан руҳоний юмуш талаб килади. Н.Гумилев бу б-н шеъриятни худди математика каби аник фанга айлантироқчи бўлди.

- ◆ Сборник стихов акмеистов. М., 1915; Русская лит-ра конца XIX-нач. XX в.: 1908-1917. М., 1972. С.286-334; Мандельштам О. Камень. М., 1913; Ахматова А. Четки. М., 1914; Гумилев Н. Колчан. М., 1916.
- Блок А. “Без божества, без вдохновенья” (Цех акмеистов) / Александр Блок о литературе. М., 1931; Гумилев Н. Наследие символизма и акмеизма // Аполлон. 1913. №1; Эйхенбаум Б. Анна Ахматова. Опыт анализа. Петроград, 1923; Жирмунский В.М. Теория литературы. Поэтика. Стилистика. Л., 1977; Шведова Ю.И. Акмеизм / Лит-ный энц-кий словарь. М.: СЭ, 1987. С.17; Лекманов О.А. Книга об акмеизме. М., 1996; Теория лит-ры в 4-х т-х. т.4: Лит-ный процесс. М., 2001; Turk Duyası Edebiyat Kavramları ve Terimleri Ansiklopedik Sözlüğü. Cilt 1. Ankara: Atatürk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.96; Власов В., Лукина Н. Авангардизм, модернизм, постмодернизм / Малый лексикон искусства. СПб.: АЗБУКА Классика, 2005. С.23-24; Белокурова С.П. Словарь лит-ведческих терминов. СПб.: Паритет, 2006. Б.10-11; Куронок Д., Мамажонов З., Шералиева М. Ад-тшунослии лӯғати. Т.: Akademnashr, 2010. Б.24; Акмеизм. Новая лит-ная энц-я / www. nlit.ru., 2012.

АКМУЛЛА – к.: Оқмулла.

АКОСМИЗМ (лотинча: йүк + коинот) [диншунослик] – дунё буюк Яратувчининг яралмиши бўлиб, у ўз яратувчисидан ажралган холда мустакил яшай олмайди, деган диний-фалсафий таълимот.

- Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.23.

АКОСТА, Агустино (1886–1959) – Куба шоири ва жамоат арбоби. 1926 й. “Сафра” (Жатва” – русча сўз) шеърлар китоби нашр этилган. Янги Куба шеъриятининг бошловчиларидан.

АКИУ (корейсча: құшик) [поэтика] – корейс шеъриятига мансуб жанрлардан бири. Хитой шеъриятидаги юэфу асосида шаклланган. Ҳалқ құшиклари мотивлари асосида ёзиладиган лирик жанр бўлиб, кичик ва улуғ А.дан иборат. Кичик А. ноклассик, мумтоз бўлмаган маҳаллий жанр хисобланади. Шоир Корс (XV) бу жанрда шуҳрат қозонган. Унинг 11 қўшиқдан иборат Алари хитой т.га Ли Чехён томонидан тарж. килинган. XVIII асрда Сирхак адабий ҳаракати қатнашчилари томонидан кенг тарғиб килинган. “Мамлакатдан чиққан ва денгиздан Шаркка қадар А.” тўпламини Ли Иком (1681-1763) чоп эттирган.

- Троцевич А.Ф. История корейской традиционной лит-ры (до XX в.). Изд. Санкт-Петербургского уп-та, 2004. С. 5,85, 203-204.

АКРОАМАТИК ОБРАЗЛАР (юнонча akroamatiķos – эшитишга, излаб топиб, тушунишга мулжалланган; akros – юқори, юзаки; amatos – номаълум, сирли) – бадиий ижоддаги бундай образлар фақат бир маънода кўлланади. Бирок

унинг замиридаги иккинчи маъно асосий маъно ҳисобланади (худди ийхом санъати каби). Бу истилоҳ дастлаб I–III асрларда Инжилга нисбатан “акроаматик матн” истилоҳи қўлланган. Кейинчалик унинг ифодаси ад-тга кучган ва Гомер, Хесиод, Афлотун ва Арасту асарларига нисбатан ҳам шундай атама қўлланилган. Диалог, савол-жавоб тарзида яратилган асарларнинг образлар тизими ҳам бунга мисол була олади.

Тасвирий санъатда бундай образлар асосига қурилган асарлар *криптограмма* (*kríptos* – сирли, *gramma* – белги) деб юритилади, уларда рамзлар ва мажозларни ифодаловчи белги ва бўёклар қўлланилган. XVI асрда П.Брейгел, И.Босх, А.Дюрер асарларида шундай образлар қўлланган. Бундай образлар модернистик санъатда, сюрреализм ва постмодернизм ад-тида учрайди.

•*Власов В., Лукина И.* Авангардизм, модернизм, постмодернизм / Малый лексикон искусства. СПб.: АЗБУКА Классика, 2005. С.24; *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энциклопедический словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.23.

АКРОПОЛЬ (юонча: *akropolis* – юкори ш.) [эстетика, меъморчилик] – қад. юон ш.ларининг мустаҳкам юкори кисми. Одатда ш.нинг дастлаб утрок аҳоли яшаган, атрофига қалъя ёки деворлар б-н үралган кисмига А. дейилган. А.нинг қалъя деворлари 2-минг йилликка оид. А. қўргон каби үраб олинган ёки ер остида колган кисм ҳам бўлиши мумкин. Ундан ҳолда А.дан химоя воситаси сифатида фойдаланилган. Афинада казилмалар натижасида А. очилган, Микен ва Аргос харобаларида м.а. V асрга тегишли расм, ҳайкал в.б. санъат асарлари топилган. Фидий, Иктин, Калликрат каби меъморлар Афина А.и курилишида иштирок этишган. А. мажмуасига кирувчи *Парфенон* ибодатхонаси диккатга сазовор бўлиб, у археологик қурикхона ҳисобланади. А. харобаларида топилган санъат асарларининг аксарияти Британия музеида сакланади.

АКРОСТИХ (юонча: *akros* – чётдаги, *stichos* – мисра) [поэтика] – шеърдаги ҳар бир мисранинг бош (четдаги) ҳарфи муал. исмини ёки шеър бағишиланган киши (нарса ёки асар қаҳрамони) исмини белгилashi. А. дастлаб юон шоирлари асарларида қўлланган, кейинчалик Рим шеъриятига кучган. Қад. Рим шоири Энний ижодида ҳам муҳим үрин тутади. Италиян Уйғониши шоирларидан Боккаччо ижодида ҳам учрайди.

Мумтоз шарқ ад-тидаги мувавишаҳ тушунчасига мос келади, поэтикага доир айрим манбаларда *истихроj* истилоҳи б-н юритилган. Факат араб, форс ва туркий ҳалқлар шеъриятида мисра эмас, байтнинг бош ҳарфларидан исм ёки нарса ва жойнинг номи чикарилади.

*Ангел лег у края небосклона,
Наклонившись, удивлялся безднам.
Новый мир был синим и беззвездным.
Ад молчал. Не слышалось не стона.*

*Алой крови робкое биенье,
Хрупких рук испуг и содроганье,
Миру снов достаюсь в обладанье
Ангела святое отраженье.*

*Тесно в мире! Пусть живет мечтая
О любви, о свете и о тени,
В сумраке предвечном открывая
Азбуку своих же откровений.*

(Н.С.Гумилев. Акростих, 1911)

Байтдаги илк ҳарфлардан исм чиқариш орқали акростих ясаши мисол:

*Аразин күрса фалак меҳр буроқмаз ойа,
Зарра-зарра келур они бир оғир саҳроіа.*

*Лабларин аксин олиб бога кирап ҳар дам су,
Рашктын қон ичирап барги гули раънойа.*

*Йеридир аксина ойина дамур банд урса,
Не учун қарши дурур сен кими биҳамтойа.*

*Булдуги ерда ҳасаддан күн урур сояна тиг,
Ки рафиқ олмайа сен моҳи малак сиймойа.*

*Үка пайкон дикилир ғамзан учун пайваста,
Дүкүнур таъна үқи қошин учиндан йойа.*

*Лаъли нобин сифати шаҳди мусаффодир илк
Ажи этмиш ани сафрайи ҳасад саҳбойа.*

*Йор солмазса Фузулий санга майлни не ажаб,
Неча майл этмак үлур сен кими бир русвойа.*

(Фузулий, 1554)

Ғазал байтларидаги биринчи ҳарфларни (араб алифбосида) үзаро бирлаштирилса, “Али Бўли(й)” исми чиқади.

А. ҳар бир сатрнинг сўнгги ҳарфларидан исм чиқариладиган бўлса, у телестих, сатр ўрталаридаги ҳарфлардан исм чиқарилса, мезостих дейилади. А. баъзан мисралардаги биринчисидан бошка ҳарфларнинг изчил кетма-кетлигига асосланиши мумкин. Mac., 1-мисрадан 1-ҳарф, 2-мисрадан 2-ҳарф, 3-мисрадан 3-ҳарф олинган ҳолда бирор сўз ясалиши мумкин.

- Шульговский Н.Н. Стихосложение. Л., 1929; Введение в лит-ведение / Лит-ное произведение: основные понятия и термины. М., 1999. С.16; Елисеев И.А., Полякова Л.Г. Словарь лит-ведических терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.5; Dilcın Cem. Orneklerle Turk Siir Bikgisi. Ankara, 2005. S.493-499; Белокурова С.П. Словарь

лит-всдческих терминов. СПб.: Паритет, 2006.С.12; Karatas T. Ansiklopedik Edebiyat Terimleri Sözlugu. Ankara, 2007.S.29; Türk Dünayi Edebiyat Kavramları ve Terimleri Ansiklopedik Sözlüğü. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001.S.97–98; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст. 2003. С.11-13; Акrostих. Новая лит – ная энц – я F www. nlit.ru., 2012.

АКРОТЕРИЙ (юонча: acroterion – хайкалча) [эстетика, меъморчилик] – меъморчилик безаги булиб, пештоклар ва устунларнинг ёнларига кўшимча ишлов берилиши. Баъзан кабротошлари ҳам А. б-н безатилган. А.га нисбатан Европада *статуя, пальметта* атамалари ҳам кўлланилади. Бадий матнда ҳам А. кўлланилиб, турли китобат усууллари орқали сарлавҳадаги бирор ҳарф ажратилиб, алоҳида (каттарок ёки бошқа шаклда) ёзилиши мумкин.

АКС [тасаввуфшунослик] – инъикос, тажалли; тескари – *аксиляҳаракат*. Мумтоз шеъриятда ва тасаввуфда биринчи маънода қўлланилади:

*Ашиқат мин акси шамсу-л-каъс анвору-л-Худо,
Ёр аксин майдадеб жомдин чиқти садо*

(Алишер Навоий, Фаройибу-с-сигар: III, 5)

Мазмуни: етук инсоннинг кўнгли, маънавий олами ҳакиқат майнинг жомига айлангандир. Бироқ ҳакиқатдан огоҳ бўлган кимса манту саодат эгасидир (акад. А.Рустамий шархи).

• Turk Dünayi Edebiyat Kavramları ve Terimleri Ansiklopedik Sözlüğü. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S. 94.

АКСАКОВ, Сергей Тимофеевич (1791–1859) – рус ёзувчиси. Унинг тарихий ва мемуар асарлари рус ад-ти шаклланишига таъсир кўрсатган. “Оилавий хроника” (“Багров набирасининг болалиги”), “Овчининг кундаликлари”, “Овчининг хотиралари” асарлари муал.и. А. бадий асарлари тили содда, мураккаб поэтик комбинациялардан холи.

• Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.23.

АКСЕНЕВ, Василий Павлович (1932 й.т.) – XX аср рус адаби. Ленинград медицина ин-тини тамомлаган. Ҳикоялари 1959 й.дан нашр этилган. «Ҳамкаслар» (1960), “Мароккодан (келтирилган) апелсинлар” (1963) киссалари, “Бахтили билст” (1961), “Дустим, вакт булди” (1964) романлари муал.и. “Ойнинг ярим йўлида” (1966) ҳикоялар тушлами, “Доимо савдода” драмаси (1965)да шўролар давридаги турмуш тарзи киноя ва ҳажв остига олинган. Шунинг учун хорижда яшашга мажбур бўлган.

• Рассадин Ст. Шестидесятники // Юность. 1960. №12; Гейдеко В. Перед следующим шагом // Лит-ная газета. 1964. 6 июня.

АКСЕССУАР (французча: accesuar – кўшимча) – ёрдамчи предмет ёки нарса. Парданинг безаклари, кийимларга кўшимча тақилган предметлар А. деб номланади. Меъморчилик ва хайкалчилликдаги акротерий деб юритилади.

Театр декорациясида иккинчи даражали дасталлар. Бадий матнда қаҳрамон атрофини үраб турған предмет ва нарсалар дүнәси.

- Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik Sozluğu. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanligi, 2001. S.98; Бюроклав Ф.Л., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.23.

АКСИОЛОГИЯ (юонча: *axios* – қадрият + *logos* – таълимот) [эстетика, фалсафа] – қадриятлар хакидаги фан, таълимот. Инсон фаолияти йұналтирилған хатты-харакаттарнинг умумий тамойиллари назарияси. А. түшунчаси XVIII асрда анъанавий ахлоқшуносликни қайта күриб чиқиши асосида вужудға келген. Дастан И.Кант бу назарияни ривожлантириб, инсон әркинлигини мажбуриятнинг зидди сифатида талқын күлгән. Қадриятлар үзларича мавжуд эмас, улар талаб ва эктиөж асосида инсон әркига муносабат оркали юзага келген.

Р.Г.Лотце, унинг шогирди Виндельбанд бу таълимотни маданият фалсафаси сифатида талқын күлгән. Улар қадриятлар сифати деб хакикат, әзгулик ва гүзәлликни олғанлар. Шунингдек, фан, ахлоқ, санъат, диний ва маданий қадриятлар бор, буларсиз инсоният тарақкый этиши мүмкін эмес. Виндельбанд талкинича, қадриятлар мавжудлық белгиси эмес, балки идеал, ҳар қандай месьернинг манбаи бүлған “умумий онг”дир. Риккерт талкинида индивидуал субъектдан юкори турувчи әрк булиб, у инсоний қадриятларнинг доимийлигини англағади. Риккерд қадриятлар назариясида «мезер» (норма) ва «қадрият» категорияларини ишлаб чиқди. XIX аср үрталарыда В.Вунд, Ф.Иодль, Ф.Паульсен тадқиқотларыда субъектив қадриятлар манбаи сифатида онг эмес, хис, түйғу белгиланған. Брентано, Мейнонт, Шелер эса түйғу ва қадриятларнинг субъектив эмес, балки объективтіктерден эканини исботладылар. Шелер қадриятларнинг априор таркибини белгиләди. Унингча, барча қадриятлар илохий қадрият даражасига етгандагина у адабийлик касб этиши мүмкін. Яна к.: Қадрият.

- Проблема ценностей в философии. М.Л., 1966; Соловьев Л.Н. Добро, красота, истина. М., 1976; Философский энц-кий словарь. М.: СЭ, 1989. С. 17; Орtega-и-Gasset Х. Эстетика. Философия культуры. М., 1991; Гайденко П.П. Аксиология / Современная западная философия. М.: ИПЛ, 1991. С.11-14; Борев Ю. Эстетика. Теория литературы. Энц-кий словарь. М.: Асресть-Аст, 2003. С.11-13; Фалсафа. Комусий лугат. Т.: Шарк НМАК, 2004.

– *ик ёндашув* – ад-тта қадршунослик нүктайи назаридан қараш. А.ә. адабий жараённинг мухим хусусиятларидан булиб, бадий ад-т ёки асарнинг муайян даврдаги кийматини белгилашга ёрдам беради. Бадий матннинг долзарбилиги ва адабий кимматини белгилайди, унинг замонавийлигини асослаған курсатади.

- Борев Ю. Словарь текстологии и генетической критики. М., 2011. С.24.

АКСУ (туркча: Оқсув) [этнография] – Шаркий Туркистандаги ш. номи. Үз даврида қад. маданият үчокларидан бири. Түрт ларвозаси, 6 мингта яқин уй

ва ўтовлардан иборат, б карвонсарой ва 5 масжиди бор ш.ча. Хитой гарбидаги савдо ш., чегара якинидаги стратегик пунктлардан бири.

- Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.24.

АКТ (лотинча: *actus* – ҳаракат, *actum* – ҳуяжжат) [эстетика, драма назарияси] – бўлиб ўтган ҳар қандай ҳодиса; театр ёки саҳна асарининг бирор кисми ёки якунловчи бўлими. А. томона саҳнаси алмашинишни англатади. Мас., воқеа хор б-н ёки интермедиа ва антракт б-н алмашиниши мумкин. Менандр комедиялари, асосан, 5 А.дан иборат бўлган. Шунинг учун 5 А.ли пьеса мумтоз комедия учун меъёр хисобланган. Бу ҳолат Рим театрида, италиян Ренессансида, Шекспир комедияларида ва классицизм пьесаларида хам давом этган. XVIII–XIX асрлар Европа драматургиясида бу жараён ўзгаришга учраб, кўпинча, 3 А.ли пьесалар урф бўлган. XX асрда вужудга келган эпик театрда (Б.Брехт асос соглан) ҳар қандай асар икки актга бўлинган.

Ўзбек театршунослигида бу истилоҳ *парда*, *куриниш* деб тарж. килинган. Парда куринишга нисбатан каттароқ бўлимни ифода килган. Сарлавҳа тагида парда ва куринишлар сони курсатилган. Мас., Фитрат. Абулфайзхон. Йўқсул ўлкасининг тарихидан беш пардали фожиа.

- Хотамов Н., Саримсоқов Б. Ад-тшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли лугати. Т.: Ўқитувчи, 1979; Ҳализов В.Е. Акт / Лит-ный энц-кий словарь. Под общ. ред. В.М.Кожевникова, П.А.Николаева. М.: СЭ, 1987. С.17; Введение в лит-ведение / Лит-ное произведение: основные понятия и термины. М., 1999. С.128; Turk Dünüsi Edebiyat Kavramları ve Terimleri Ansiklopedik Sozluğu. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.99; Елисеев И.А., Полякова Л.Г. Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.5; Белокурова С.П. Словарь лит-ведческих терминов. Санкт-Петербург: Паритет, 2006. С.13; Акт. Новая лит-ная энц-я / www.nlit.ru., 2012.

АКТАНТ (инглизча: *actant* – иштирокчи) [эстетика, театр ва драма назарияси] – асар қаҳрамони вазифасининг мавхум ифодаси. Гесел таъбирича, “персонажлар воқеа (ёки ролни – Ҳ.Б.)ни танламайдилар, балки ўз табиатларига кўра нимани хоҳласа, шуни амалга оширадилар”. Бу кўпроқ эпосея ва одалар учун хос. А.Граймес «Структурал семантика» асарида А.ни персонаж моҳиятини аник персонаж ёки маҳсус сюжет элементи бўлмаган структур юклама деб таърифлайди. А. матн структурасида синтактик позиция деб қаралган.

- Терминология современного зарубежного литературоведения: Страны Западной Европы и США. Вып.1. М., 1992; Теория лит-ры. В 2 т. Т.1. / Под ред. Н.Д.Тамарчанко. М.: ACADEMIA: 2004. С.84; Иглтон Т. Теория лит-ры. Введение. М.: Территория будущего, 2010. С.135.

АКТЕР (лотинча: *aktor* – ижрочи, французча: *actus* – ҳаракат) [эстетика, театр ва драма назарияси] – театр ва кино санъати, драматургик асар, бадий фильмларда асосий қаҳрамонларнинг ташки ва ички дунёсини очиб кўрсатувчи, мимесис, яъни ижодий тақлид асосида ижро этувчи санъаткор.

А. санъати юкори даражада шаклланган истеъдодлар бадий асарнинг укувчига етиб бориши ва таъсир ўтказишига ёрдам беради. А. санъатида оддий ижрочилик б-н бир каторда, *импровизация*, яъни ижодий ёндашиш мухим ўрин тутади. Мумтоз асарлар турли даврларда саҳналаштирилганда А. асарнинг томошибинларга стиб бориши учун мухим омил саналади. Актёрлик санъатида кўшимча ташки воситалар: грим, парик, костюм в.б. А.га ижро этаётган роли томошибинга англашиларли булиши учун хизмат киласди.

Жаҳон санъати тарихида Эдмун Кин (Шейлок), Элизабет Тейлор (Клеопатра), Лоуренс Оливье (Ричард III, Макбет, Марк Красс), Эрол Флинн (Тарзан), Чарли Чаплин, Дуглас Фербенкс каби А.нинг ўз ўрни бор. Ўзбек А.лари Аброр Ҳидоятов, Шукур Бурхонов, Олим Ҳужаев, Аббос Бакиров, Рazzok Ҳамрасв, Ҳамза Умаров кабилар санъатимиз тарихида шуҳрат козонишган.

•Ўз-и Миллий эп-яси. 1-ж. Т.: ЎМЭДИН, 2000. Б.182; Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik Sözlüğü. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlığı, 2001. S.99.

АКТИВ (лотинча: *actus* – фаол, харакатдаги) [эстетика, фалсафа] – гайратли, ишchan. Арасту ва Форобий асарларида А. талкини муносабати б-н акл бил-кувва (салоҳиятдаги акл), бил-феъл (актив акл)ни ажратиб кўрсатади. А. истилохи асосида *A.истлар* гурӯҳи шаклланган.

АКТИВИСТЛАР (лотинча: *actus* – фаол, харакатдаги) [адабий жараён] – Венгриядаги адабий тўгарак. 1915 й.да шаклланган. Асосан, авантгардистларни ўзига жамлаган А. XX аср 20-й.нинг охирига қадар мавжуд бўлган.

АКТОР (французча: *acteur* – ижрочи) [эстетика, наррология] – ҳаракат вазифасининг абстракт ифодаси. *Наррология*да актант истилохи ўрнида қўлланилади. Драмадаги персонаж бир вактнинг ўзида ҳам баён субъекти ва обьекти булиб хизмат киласди. А. ровий вазифасини ҳам ўз ичига олади. Б.Брехтнинг “Эпик театр”и, Б.Шоунинг “ўкиш учун драмалар” типидаги асарларда А. вазифаси аник кўринади. А. жонлиларнинг драматик ёки насрый асарда иштироки булиб, улар драмадаги персонажлар ҳаётига ўз таъсирини кўрсатади. А.бадий коммуникация даражаларидан бири деб ҳам қаралади (И.Ильин). А. наррология истилохи сифатида Р.Ингарден, Ф.К.Штанцел, Я.Линтвельт тадқикотларида асосланган. А.Камюнинг “Бесона” киссасида Мерсо шахсий кечинмалари ифодачиси булиш б-н бирга А. вазифасини ҳам, ровий вазифасини ҳам бажаради.

•Терминология современного зарубежного литературоведения: Страны Западной Европы и США. Вып.1. М., 1992; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрељ-Аст, 2003. С.16-17.

—иал баён – бад. асардаги ифода усули, басн типи булиб, турли вазиятлардаги талкинларга кўра бир-бирига ўтиши мумкин. Баённинг

нейтрал *нэрротив* типи сифатида индивидуал ориентациядан ҳоли бўлади ва романний тафакурда бад. дунёнинг мавхум талқинчиси сифатида намоён бўлади. А.б. австриялик тадқикотчи Ф.К.Штанцель томонидан таклиф килинган. А.б. китобхон ориснтациясини излаш баробарида унинг марказини топишга интилувчи баён туридир. А.б. типи А.Камюнинг "Бегона" романидаги кузатилади.

- Борев Ю. Энг-кай словарь эстетики и теории лит-ры.. М., 2008. С.50-51 (эл.версия).

АКТРИСА – к.: Актёр.

АКТУАЛ (инглизча: *actual* – мухим) – ижтимоий ва маданий ҳаётда долзарб, ўта мухим, айни шу кунлар учун ғоят аҳамиятли ходиса. А. сўзи кўпинча, адтшуносликда сифат (аникловчи) тарзида А. мавзу, А. муаммо, А. қаҳрамон тарзида кўлланилади.

АКТУАЛИЗАЦИЯ (лотинча: *actualis* – ҳаракатдаги) [поэтика, рецептив эстетика] – бадий тасвир воситалари кўлланилиш усулларидан бири. Адабий асардаги бирор эпизод, воқеа ва тасвирни кенгайтириш, кўшимча маъно юклаш ва бадий асардаги вазифасини кучайтириш. А.да бадий т. воситалари шундай кўлланилиши лозимки, у фавқулодда маъно касб этсин. Бунда индивидуал метафора оркали кўчма маънода ишлатилган сўз киноя, пичинг маъноларини бериши мумкин. А. адабий истилоҳ сифатида ОПОЯз (Общество поэтического языка – Поэт т. жамияти) томонидан адабий муомалага киритилган. А. Прага т.шунослари мактабида бадий нутк бирликларидан бири сифатида каралган.

- Григорьев В.П. Актуализация / Лит-ный энг-кий словарь. Под общ. ред. В.М.Кожевникова и П.А.Николаева. М.: СЭ, 1987. С.17; Терминология современного зарубежного литературоведения: Страны Западной Европы и США. Вып.1. М., 1992; Ingarden R. Erlebnis, Kunstwerk. Wert, 1999; Борев Ю. Эш-кай словарь эстетики и теории лит-ры.. М., 2008. С.52 (эл.версия).

АКТЮБИНСК (туркча: Октепса, Октуба) – Қозогистондаги ш. Илгари Турғай вилоятининг маъмурий маркази (1891) бўлган. 1891–1992 й.да шу ном б-н юритилган, хоз. номи Октуба. 1932 й.да вилоят макомини олган. Аҳолиси, асосан, дехқончилик б-н шуғулланган. Тошкент–Оренбург йўлидаги стратегик пунктлардан бири.

- Актюбинск. Азима-ата, 1969; Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энг-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.24.

АКХИАНА (санскритча: хикоя) [мифология, фольклоршунослик] – қад. хинд хикоялари. Ведалар таркибида ҳам хикоялар бўлган. Ҳинд драматургияси ва настрий асарлари А.дан келиб чиқкан, деган караш мавжуд.

- Turk Dünüsi Edebiyat Kavramları ve Terimleri Ansiklopedik Sözlüğü. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.89.

АКУСТИКА (юонча: akustikos – овозли) [эстетика, лингвистика] – I. товуш ҳакидаги фан, физика фанининг товуш ҳодисаларини ўрганувчи бўлими. А. кадимдан мусика ва риторика фанлари б-н катъий боғланган булиб, дастлаб Пифагор (м.а. VI аср) табиат ҳодисаси сифатида кашф этган. Арасту (м.а. IV аср) уни риторика ва поэтика фанлари б-н боғлади. Нутқ А.сига Г.Л.М.Гельмгольц асос солган. Япон олимлари Ц.Тиба ва М.Кадзияма, инглиз олимлари Г.Фант, Ж.Л.Фланаган в.б. томонидан бу фан давом эттирилган. Унди ва ундошлар спектограммаси шаклига кўра нутқ товушлари: вокал–новокал, константив–ноконстантив, юқори–кўйи, компакт–диффузияли в.б. турли булиши мумкин.

Ад-тшуносликда нутқ товушлари ҳосил булиш ўрни, усули, таркалиши, қабул килиниши муаммолари т.шунослик фанида ва бадий матн орқали китобхонга етказилиши масалалари, матндаги нутқий ўзгаришлар ва улар асосида санъат асарининг яратилиш жиҳатидан ўрганилади.

II. Театр, концерт заллари в.б. томошагоҳларда товушларнинг бионинг ички кисмида баробар эшитилиши.

- Струпт Ж. Теория звука / Пер. с англ. М., 1955; Скучик Е. Основы акустики. Т.1-2. / Пер. с немец. М., 1958-59; Фант Г. Акустическая теория речесообразования / Пер. с англ. М., 1964; Фланаган Ж.Л. Анализ, синтез и восприятие речи / Пер. с англ. М., 1968; Энциклопедический словарь юного филолога. М.: Педагогика, 1984. С.24-25; Сорокин В.Н. Теория речеобразования. М., 1985; Акбаров И.А. Музыка лугати. Т.: Ф.Фулом номидаги нашр, 1987. Б.11-12; Галунов В.И. Акустика / Большой энц-кий словарь: Языкоиздание. М., 1990. С.23-24.

АКУТАГАВА, Рюносэ (1892/1.Ш–1927/24.VII) – япон адаби, хикоянавис. Токиода савдогар оиласида туғилган. Токио ун-тини тамомлаган. Денгиз меканика билим юртида (1916–19) дарс берган. “Осака майнити” газ. мухбири (1919–21) булиб ишлаган. Япон классиги Нацумэ Сосэки (1867–1916)нинг таъсири дастлабки асарларида сезилади. А. асарлари талабалик давридан чоп этила бошлаган. Фожиавий равишда ҳалок бўлган.

А. асарларида япон мумтоз ад-ти анъапаларини Farb беллестристикаси б-н бирлаштириб, унинг жаҳон миқёсида шуҳрат козонишига сабаб бўлган. “Рассмон дарвозаси” (1915), “Бурун” (1916) каби илк хикоялари тўплами А.га шуҳрат келтирган. “Дузах азоби” (1918), “Куз” (1920), “Генерал” (1922), “Совук” (1924) хикоялар тўпламлари чоп этилган. Автобиографик характердаги “Дайдодзи Нобусукэнинг ярим хаёти” (1925), “Телбанинг хаёти” (1927), “Тишли ғилдираклар” (1927) киссалари эътибор козонган. “Сув алвастилари мамлакатида” ҳажвий киссаси (1927)да япон киборлари жамияти танқид килинган. “Пигмей битиклари” хикматлар тўплами А. асарларининг ўзига хос синтези сифатида каралади.

1924 й.дан рус в.б. т.ларга тарж. килинган. 1935 й. Японияда энг юксак адабий асарлар учун А. мукофоти жорий килинган.

- ♦ Акутагава Р. В бамбуковой чаце / Запад и Восток. М., 1926; Расёмон. М., 1936; Новеллы. М., 1959; Избранные. Т. 1-2. М., 1971; Новеллы. М., 1974; Паутинка. Новеллы. М. Правда, 1987.

- Акутагава Р. Библиогр. указатель. М., 1961; Гринин В. Акутагава Рюнекэ. М., 1980; Акутагава. Новая лит-ная энц-я / www.nlit.ru/, 2012; Эшонкул Н. Акутагава / Мендан "мен"гача. Т.: Akademnashr, 2014. Б. 249-59.

АКУША [этнография] – Догистондаги туркий кавмлардан бири. Лазгин қабилалари б-н якин алоқада яшайдилар. Ислом диниге эътиод қиласди. XX аср бошида 20 мингта якин А. рўйхатга олинган. Марказий аҳоли пункти хам А. деб юритилади.

- Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.24.

АКЦЕНТ (латинча: accentus – ургу; таъкид) [лингвопоэтика] – I. фонетик восита сифатида ажратилган бүгін, таъкид сұз, сұз бирикмаси булиб, у чуқур нағас олиш, овозни күгариш, ургу олган бүгіннің чөзиш орқали пайдо килинади. А. айрим холларда ургунинг синоними сифатида құлланилади. А. үз табнатига кўра, бир неча турли булади: лексик А. (сұз ургуси), логик А. (ган ургуси), ритмик А. (ритмик бирлик сифатида шеъриятда турок, руки ёки стопа), тоник А. (талаффузга кўра) в.б.

II. А.ни ифодаловчи диакритик белги (харф устига қўйиладиган, мас., ё) хам А. деб юритилади. А. умум томонидан кабул килинган талаффуз месъёрларидан чекиниш. Тилшуносликда талаффуз хусусияти, яъни бирор шева унсуруни саклаган ҳолда адабий тилда сўзлаш ёки үз тилининг фонетик хусусияти б-н ғайри т.да сўзлаш хам А. дейилади.

III. Мусикада бирор товуш ёки ритмни қаттиқ чалиш. Одатда тактнинг кучли тури булиб келади. Ритмик чўзилишни орттириш орқали гармония, тембр ва куй ҳаракати ўзлаштирилади.

- Бернштейн С.И. Вопросы обучения произношению. М., 1937; Виноградов В.А. Акцент / Лит-ный энц-кий словарь. Под общ. ред. В.М.Кожевникова и П.А.Николаева. М.: СЭ, 1987. С.17; Акбаров И.А. Музыка лугати. Т.: F.Фулом номидаги нашр., 1987. Б.12; Елисеев И.А., Полякова Л.Г. Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.5; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асель-Аст, 2003. С.18.

Ритмик ~ – поэтика илмида бад. матннинг ритмик бирлиги. Шеърда ургу олган бүгінлар муайян тартибда тақрорланади. Ритмик А. вазн туритга караб, ўзгариши мумкин. Р.а. бирлик сифатида шеъриятда вазн ўлчови сифатида, насрда синтактик бирлик сифатида құлланилади. Матннинг паузалар орасидаги ифодали қисми Р.а. дейилади. Бармок вазнида Р.а. турокка, аруз вазнида эса руқнга; Гарбий Европа шеършунослигидаги силлабик ва силлабо-тоник шеър тизимида *стопага* teng келади. Насрда Р.а. синтагмада ифодаланади. Демак, ритмик акцент ўрнига кўра паузалар орасидаги ритмик бирликдан иборатdir. Р.а.да интонацион ургу маъно ургусига teng келиши мумкин. Бад. матн ритмикасини ўрганишда Р.а.нинг роли катта.

- Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Ад-тшунослик терминларининг русча-узбекча изохли лугати. Т.: Ўқитувчи, 1979. Б.24; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асель-Аст, 2003. С.18.

— *стих* (A. ли қатор, мисра; тоник шеър) — ургули шеър, тоник (эркин) шеър тизимининг асосий шаклларидан бири. Шеър муайян мисра ёки қаторда максимал ургулар сони б-н бошқарилади ва мисрадаги бүгингилар сони хамда ургули бүгингилар ўртасидаги ургу олмаган бүгингилар б-н мослашади. А.с. жуфт кофияли мисраларда тўлиқ шаклланган бўлади. Фаол кўлланилувчи А.с. 4 ва 3 ургули бўлади. Рус халқ шеъриятида фаол кўлланган. В.Маяковский ижодида А.с. намуналари учрайди. А.с.нинг умумий формуласи: $\underline{^0} / \underline{7} \ _0 / \underline{7} \dots$

Гражданин финансспектор!

Простите за беспокойство!

Спасибо...

Не тревожьтесь...

я постою...

У меня к вам

дело

деликатного свойства:

о месте

поэта

в рабочем строю.

(В.Маяковский. Разговор с финансспектором о поэзии, 1926)

Схемаси: 2_`2_`2_`4_`1

1_`3_`1_`2_`

2_`1_`3_`2_`1

1_`2_`2_`2_`

• Жирмунский В.М. Введение в метрику. Теория стиха. Л., 1925; Никинов В. Ритмика Маяковского // Вопросы литературы. 1958. №7; Гаспаров М.Л. Акцентный стих / Литературный энциклопедический словарь. Под общ. ред. В.М.Кожевникова и П.А.Николаева. М.: СЭ, 1987. С.17; Елисеев И.А., Полякова Л.Г. Словарь лингвистических терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.6; Барев Ю. Эстетика. Теория литературы. Энциклопедический словарь. М.: Астрель-Аст, 2003. С.11-13; Белокурова С.П. Словарь лингвистических терминов. СПб.: Паритет, 2006. С.13-14.

АКЦЕНТОЛОГИЯ (латинча: accentus — ургу ва юнонча: logos — таълимот) [лингвопоэтика] — т.шуносликнинг ургу табиати, белги-хусусиятлари ва ургу вазифаларини ўрганувчи соҳаси. Интонация ходисасидан ташкари ургу табиатига кўра т. бирликларини ўрганувчи соҳа. А. ургуни фонологик ва морфологик позициясига кўра ўрганиб, ургули бүгингилнинг ўрнини хам тадқиқ килади. А.да лингвистик, психолингвистик ва инструментал методлар б-н иш кўрилади.

А. кад. Хиндистон (м.а. VIII-VI асрлар), Юнонистон (м.а. IV аср), Хитой (м.а. V аср)да хам ўрганилган. Европада А.Бодуэн де Куртенэ; Е.Д.Поливанов, Ф.дс Соссюр, Ф.Ф.Фортунатов ва А.Мейернинг классик лингвистикага оид ишларида кузатилган.

• Тронский И.М. Древнегреческое ударение. М.-Л., 1962; Иллич-Свитыч В.М. Именная акцентуация в балтийском и славянском. Судьба акцентуационных

парадигм. М., 1963; Каунелсон С.Д., Сравнительная акцентология германских языков, М.-Л., 1966; Редькин В.А. Акцентология современного русского лит-ного языка. М., 1971; Потебня А.А. Ударение. К., 1973.

АКЦИЙ, Луций (м.а. 170–90) – Рим драматурги ва филологи. Драмаларидан айрим парчаларгина сақланган. 40 дан ортик трагедия ёзган, “Брут”, “Энеид”, «Деций» асарларида Эврипид таъсири сезилади. Адабий-тарихий характердаги лавҳалар ва тилшуносликка оид асарлар муал.и.

• История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983.

АКЦИОНИЗМ (латинча: *actio* – ҳаракат) [эстетика, театр ва драма назарияси] – авангард санъатининг йўналишларидан бири булиб, XX аср 70-йларида Фарбий Европа, АҚШда кенг таркалган. Унда абстракт экспрессионизм, ташизм («харакатдаги гасвир»), поп-арт в.б. йўналишларнинг унсурлари кучли. А. вокеа ва ҳаракатнинг тезкор окимиини беришга интилади.

Хикоя, роман ёки драмада вокса баёни ё тасвиридан кейин вужудга келган интрига (можаро) кисми классик театршуносликда “акцион” деб юритилган. А., кўпинча, асарнинг таъсир доирасини кенгайтиришга ва кучайтиришга, қўшимча маъно орттиришга хизмат килади.

• Власов В., Лукина Н. Авангардизм, модернизм, постмодернизм / Малый лексикон искусства. СПб.: АЗБУКА Классика, 2005. С.25-26; Karatas T. Ansiklopedik Edebiyat Terimleri Sözlüğü. Ankara: 2007. S.30.

АКШЕПА (санскритча: *эътироуз*) [поэтика] – ўхшашликка асосланувчи санскрит бадиий санъат турларидан бири. Дандин фикрича, эътироуз ҳам шеъриятга алоҳида шукух бағишлайди. У А.нинг учта турини кўрсатади. Улар: а) сўз ўйинига асосланган (акшепа-шилишта). Mac.: Сенинг ой юзинг турганда бу ойнинг кимга кераги бор; б) А. – шубҳа (акшепа-саншя). Mac.: Бу кўз осмонидаги булатми ёки гозлар галасими, аммо тақинчоқлар овозидан улар гозлар галаси эмаслиги аён; в) А. – тасдик (акшепа-аргхантара). Mac.: Шуниси ҳайратлики, бутун дунёни забт этса ҳам, сенинг мардлигинг қониқишини ҳис этмайди. Ахир ёнган олов қачон түйинган?

Дандин А.га келтирган мисолларда икки объект шунчаки киёсланмайди, балки уларнинг икки аспекти – бири тўғридан-тўғри, иккинчиси яширин киёсланади. Дандин А.нинг вактингчалик келишув б-н юз берадиган эътироуз (анжя – акшепа), вактингчалик бефарқлик б-н эътироуз (анадар-акшепа), алкаш орқали юз берадиган эътироуз (аширвачана-акшепа), шафкатсиз эътироуз (паруша – акшепа), иложсиз эътироуз (ятна – акшепа), ёрдам сураб қилинган, яъни илтимосли эътироуз (упая – акшепа) каби турларини ҳам келтирадики, улар шеъриятнинг мазмунан гўзаллигини таъминлайди.

• Гринцер П.А. Определение поэзии в санскритской поэтике / Проблемы теории лит-ры и эстетики в странах Востока. М., 1964; Санскритская поэтика и античная риторика; теория «украпенний». Восточная поэтика. Специфика художественного образа. М., 1983; Основные категории классической индийской поэтики. М.: Наука, 1987.

АЛАВИЙ, Абдулла (1903–1931/7.1) – ўзбек шоири, фольклоршуноси. Тошкент вилоятининг Пискент ш.да туғилган. Ленинграддаги Шарқ т.лари интида үкитган (1924–27). Самарқанд педагогияси (хоз. СамДУ)да дарс берган. Шеърларида бармок вазни имкониятларини кенгайтирган, сарбаст (эркин) вазнда ёзилган катор шеърлари мавжуд. “Йоловчи”, “Эркин сахоб”, “Арслонбобга”, “Денгизга” каби шеърий асарлари ўз даври китобхонларига манзур бўлган. “Алпомиши” достонини Берди баҳшидан ёзигб олиб (1926), нашр кирадиган. Ўзбек мумтоз ад-ти, ад-тишунослик ва атифбо масаталари бўйича илмий маколалар ёзган.

Оғир касаллиқдан сўнг Тошкентда вафот этган. Чўлпон ва А.Авлоний А.га бағишли марсиялар ёзган.

♦ Алавий А. Шеърлар / Тирик сатрлар. Напрота тайёрл. О.Шарафиддинов. Т.: 1968. Б.256–268.

• Türk Dünnyası Edebiyatçıları Ansiklopedisi. Ankara, 2002. S.35; Мирвалиев С. Ўзбек адилари. Т.: Ёзувчи, 2000. Б.40-41.

АЛАВИЙ-БЕКТОШИЙ – к.: Бектошийлик.

АЛАВИЙ Зийнатий (XI) – форсигуй шоир. Хурросонда яшаган. Шеърлари турли баёзлар оркали маълум. А.З.нинг уч газали “Сабаки Рудакий” тупламида чоп этилган. А.З. ҳаёти ва ижодига доир маълумот сақланмаган.

♦ Алавий Зийнатий. Шеърҳо // Сабаки Рудакий. Душанбе: Ирфон, 1984. С.270-271.

АЛАВИЯ, Музайяна (1909–1983) – фольклоршунос олима. Тошкент вилояти Пискент ш.да туғилган. Низомий номидаги Тошкент педагогика ин-тини тамомлаган. Ўрта мактабларда дарс берган. 1944 й.дан ЎзРФА Тил ва ад-ти илмий ходими, филология фанлари номзоди. Беруний номидаги Давлат мукофоги совриндори.

“Кувончларим” шеърлар тұплами, “Ўзбек халқ қўшиклари”, “Ўзбек халқ маросим қўшиклари” (1974) монографиялари муал.и. Ахлоқий мавзуда “Инсонийлик ҳақида”, “Камтарга камол” китобларини ёзган.

АЛАГРЕК (французча: alagrek – юон чизиги) [эстетика, меъморчилик] – кад. юон обидаларида қўлланилган меъморий чизиклар тұплами. А. юоннлар устки кийимининг этак кисмида, этрус вазаларида безак сифатида қўлланган.

♦ Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.25.

АЛАД (шумер, аккадча: шеду) [мифология] – шумер-аккад мифологиясида шайтоннинг бир тури бўлиб, аввал инсонга мўттадил муносабатда бўлган. Эскиавилон давридан бошлаб манбаларда Эзгу куч, ҳар бир инсон хаолоскори сифатида талкин килинади. Санъат асарларида ассирияллар шохини химоя килувчи қанотли ҳўқиз тарзида тасвиранган.

♦ Миғи народов мира. М.: СЭ, 1980. С.57.

АЛАЙХИССАЛОМ (арабча: ﷺ – унга салом бўлсин) [диншунослик] [тасаввуфшунослик] – ислом маданиятида пайғамбарлар номи т.га олинганда унинг номи қўшиб айтиладиган дуо. Одам а.с., Нух а.с. каби. Мухаммад пайғамбарга нисбатан А.ни саллаллоҳу алайҳи вассаллам (с.а.в.), яъни Аллоҳ таоло ул зотта ўзининг салавот ва саломини ёғдирсан мазмунида қўллаш одат тусига кирган.

АЛАМ (арабча: ﷺ – аломат, белги) [диншунослик, тасаввуфшунослик] – I. тут, байрок, ялов. Азиз авлиёлар қабрларига ҳам А. (от ёлидан тайёрланган ялов) осилган. Ҳарбий сафар ёки урушларда А. кўтариб юрувчи, аламбардор деб номланган. “Бобурнома”да бу ҳақда маълумот бор. Шу жумладан, муқаддас жойлардаги дарахтлар шоҳларига яхши ният б-н илинадиган латталар ҳам А. деб номланади. Жой номларига А. қўшиб айтилиши шундан: Аламлисой (Самарқанд вилояти), Ҳожааламбардор мозори в.б. Аламбардор макбараси (Туркманистон) сомонийлар сулоласи вакили Мунтасир (в. 1005) қабри устига курилган.

II. Эрондаги маҳсус байрам. Шиа мазҳаби етакчиларидан Имом Ризо беш угли б-н хаж зиёратига кетаётганида йўлда қарокчилар томонидан ўлдирилган. Ҳар й. Эронда шу кун хотирланади.

III. наққошлик ва кандалорлик санъатидаги усуллардан бири. Биринчи бўлиб Бухорода мисгар Мирҳамид томонидан мис лаганларга зарб килинган.

• Ўз-н Миллий энц-яси. 1-ж. Т.: ЎМЭДИН, 2000. Б.192.

АЛАМКАРА-ДХВАНИ – қ.: Аланкара, дхвани.

АЛАМКАШ (1846–1924) – ўзбек шоири, таржимон ва ҳаттот. Асл исми Убайдуллоҳ Ислом ўғли. “Девон” тузган шоир, девонига кирмаган 100 дан ортик шеърлари турли мажмуалардан ўрин олган. “Чор китоб”ни форс т.дан ўзбекчага эркин тарж. килган (1898). А. “Девон”и қўлёзмаси ЎзРФАИИда (сакланиш раками 11306) сакланади.

«АЛАНГА» – ойлик адабий-бадиий журн. Ўз-нда лотин ёзувида чоп этилган илк журн. 1928–30 й.ларда Самарқандда 32 сони нашр этилган. 1929 й.дан “Кизил қалам” адабий уюшмаси муассислигига чикқан. “А.” журн.га Боту мух-рлик килган, таҳрир ҳайъатида Маннон Ромиз, Наби Қодиров, Ориф Олимжонов иштирок этишган. “А.”да тил-имло масалаларига кенг ўрин берилган. Боту, Шокир Сулаймон, Раҳимали, Тошпулат Саъдий (Ёғду), М.Алавия, А.Мажидий, Ф.Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Миртемир, Файратий, Яшин, А.Алавий, Элбек шеърлари, Фитрат, Фози Олим, Ҳоди Зариф, А.Ўразай, Е.Э.Бертельс, Е.Поливанов, Шенгели маколалари чоп этилган.

- Зиё Саид. Ўзбек матбуоти тарихидан материаллар / Таилантган асарлар. Т., 1974. Б.25,33.

АЛАНКАРА (безаклар назарияси) [поэтика, ритрика] – қад. санскрит поэтикасининг бадиий санъатларга бағишиланган булими. Санскрит олимлари поэтиканы *аланкара-шастра* деб юритишиган. А. назариясининг вужудга келиши ва ривожи VII–IX асрларда «аланкариклар мактаби» б-н боғлиқ. Бхамаха, Дандин, Вамана, Удхата, Рудрата каби олимлар А.ни «шеръиятнинг юраги» дейишган. Дхвани назарияси (поэтик идрок)нинг вужудга келиши, поэтикага раса-дхвани доктринасининг киритилиши натижасида А. категорияси ўз мавкеини йўкотган. Анандавардхонанинг фикрича, А. шеръиятнинг юраги эмас, балки танасини ташкил этади. Натижада А.га муносабат санскрит ад-т назариясида мустаҳкамланиб колди. Хемчандра ўзининг «Кавъянушасана» асарида «А. шеръиятнинг танасига тааллуқли, унинг юрагини эса *раса* ташкил этади» деб ёzáди. А.ларнинг турлари, ҳар бир турга хос хусусиятлар ва уларнинг адо этган вазифаларини изохловчи бир неча хил таснифлар мавжуд. Мас., Бхамаха таснифи, Дандин таснифи кабилар. Улар орасида Дандин таснифи етакчи бўлиб, «Кавъядарша» рисоласидаги аланкаралар таснифи қад. санскрит поэтикаси масалаларга бағишиланган. Санскрит поэтикаси назариётчилари аланкарага ўкувчини ишонтириш воситаси эмас, балки бадиий тилнинг бетакрорлиги, чукурлиги ва гузалиги б-н таъсиrlантириш воситаси сифатида қараганлар. Бхамаха аланкаралар туфайли шеър мазмуни бетакрор бўлади, деб ёза, Күптақа аланкаралар шеърий нуткка самовий лаззат бағишлиди, деб таъкидлайди. Руйяка эса аланкара сўзнинг мазмуни ва шаклига юксак ранг беради, аланкарага хос бу хусусият сўз ва маънонинг ўта нозиклашишида, деб изохлади. Дандин тўғри кўрсатганидек, қад. санскрит шеръиятида мазмуний аланкаралар етакчи ўрин эталайди. Кунтаканинг кўрсатишича, «бурама нутк» (гнутая речь) асосида мазмуний аланкаралар ётади. XI асрда яшаган таникли назариётчи Рудрата «Кавъяланкара» («Поэтик безаклар») асарида шеръият сўз ва маънонинг бирлигидир, дейди. Аланкара концепцияси поэтик нуткнинг етакчи белгиси сифатида сакланиб колди. Жумладан, XII асрда яшаган Руйяка «Аланкарасарвасва» («Барчаси безаклар ҳакида») асарида қад. назариётчиларнинг карашларига кўшилиб, безакдорлик шеръиятда энг муҳим хусусият эканлигини таъкидлайди. XIII асрда яшаган Жаядева ва XVI асрда яшаган Уппайя Дикшиталар тадқиқотларида худди шундай караш илгари сурилган.

- Гринцер П.А. Определение поэзии в санскритской поэтике Проблемы теории литературы и эстетики в странах Востока. М., 1964; Санскритская поэтика и античная риторика; теория «украшений» / Восточная поэтика. Специфика художественного образа. М., 1983; Основные категории классической индийской поэтики. М.: Наука, 1987; Теория лит-ры. В 2-х т., т.2. / Под ред. Н.Д. Тамарченко. М.: ACADEMIA: 2004. С.152-154.

АЛАНЛАР (лотинча: *Alani*) [этнография] – қад. туркий кавм. Кавказда яшаган. Аслида *иран* (эрэн); Византия манбаларидан *алан*, грузинларда *ослар*, рус т.да *яслар* деб юритилган. М.а. I асрдан манбаларда т.га олинади, Шим.

Хазарда, Кавказолди тогларида күчманчи турмуш кечиргандар. Кейинрок Крим, Кавказорти, Кичик Осиё, Мидияга юришлари натижасида худудини кенгайтирган. 372 й. хуннлар томонидан тор-мор этилган. Сүнгра бир кисми Кавказ халқарига, башка бир кисми хуннлар б-н қушилиб кеттган. Кавказдаги А. яшайдыган макон Алания деб юритилган. Шым. Кавказ, Дон ва Волга дарёлари оралиғидаги худуд А. срлари сифатида күрсатиласы. VIII-IX асрларда Хазар хоконлыги таркибига кирган булса, X-XII асрларда Кавказда Аланлар давлати тузилган. Айни даврда А. ёзувиға (араб алифбоси асосида) ассо солинган. Бирок мұғулларнинг ҳужуми туфайли А.нинг бир кисми таркалиб, бир кисми зронийларға, башка бир кисми кавказлый осетин в.б. халқларға қушилиб кеттган. XIV асрдан исломий әзтикод тикланиши б-н яна А. ёзуви ва т.и истеммолға кирган.

- Ванеев З.Н. Средневековая Алания. Сталинири, 1959; Кузнецов В.А. Аланские племена Северного Кавказа. М., 1962; Плетнега С.А. От кочевой к городам. М., 1967; Абушиш Х.А. Туркий кавмылар тарихи. Т.: Чүлпон, 1995; Рахматалиев Р. Империя тюрков. М.: Прогресс, 2002; Турун кавмылари. Кичик энциклопедик әзізат. Түз. 3. Зиётов. Т.: Истиқол, 2008. Б.28.

АЛАНҚУВА [мифология] – туркий халқлар орасида тарқалған афсона қаҳрамони. Рашидиддиннинг ёзишича, мұғул қабилалари Добунбаён ва унинг хотини А.дан тарқаган. Туркий халқлар улардан келиб чиқкан, деған қарашлар мавжуд. Фазлulloh Рашидиддин, Мирзо Улуғбек, Абулғози каби тарихчилар Чингизхон аждодларини А.га боғлайдылар. А. куралас қабиласидан Хурилартай мерганинг кизи булған. Эри Добунбаён эрта вафот эттган, бева колган А. мұжиза б-н ҳомиладор булиб, үйларини тарбия қилиб, вояға етказған. Катта үғли Букун Қатағандан катагон уруги, уртанчаси Салжидан салжынту үруги, кенжаси Бодончаркоон (айрим манбаларда Бузанжиру Мунқақ)дан мұғуллар, яны Чингизхон наасби тарқаган. Бу уч үгилдан тарқалған үруг һиран деб аталған.

- Қаюмов А. Қадимият обидалари / Ааслар. 9-ж. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2010.

АЛАСТ КУНИ [тасаввуфшунослик] – азалий, ибтидосиз замоннинг дастилабки пайти. Ислом мифологиясида Одам Ато яраған пайтда унинг авлодлари рухлари чакирилиб, тинч-тотув яшаш, ёмонлик килмаслик хақида Аллоҳ олдида аҳдлашилған кун. А.к. исломий манбаларда явму-л-мисоқ хам дейилади. Яна к.: Явму-л-мисоқ.

АЛАТОО – к.: Олатов (Олатог)

«АЛА-ТОО» – Кирғизистон Ёзувчилари уюшмасининг адабий-бадиий журн. 1931 й.дан Бишкекда чиқа бошлаган. 1936 й.гача «Хужум», 1942–55 й.да «Совет Кирғизистони» номини олган. Тиражи 30.000 га етган (1968).

- Turk Dunyasi Edebiyat Kavramları ve Terimleri Ansiklopedik Sozlugu. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.101.

АЛАФА (арабча: ал-уфа – тулов, шикоят) – туркий халқларда, жумладан, татарларда: *алана*. Олтин Үрда ҳужжатларида шикоятчи аризаси үрнида күлланилган. Махмуд ибн Алиниң “Нахжу-л-фародис” (“Жаннатларнинг очиқ йўллари”) асарида идора атамаси.

- Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кый словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.26.

«АЛАШ» – Қозогистондаги миллий-озодлик ташкилоти (1917, апр. – 1920, март) ва партияси. XX аср бошида кадетлар партиясининг сўл гурухи сифатида шаклланган (1905). Фирқа “Қозок” газ.сини (Оренбург) чиқарган. Газ. спилиб, унинг мулки ва биноси мусодара килинган. Партия ташкилотчиларидан Миржақиб Давлат ўғли (1885–1935) камоққа олинган.

«АЛАШ ҮРДА» – 1917 й.да Оренбургдаги Умумкиргиз I қурултойида таъсис этилган муҳтор ҳукумат, раҳбари А.Бўкеҳонов (1869–1937). Дастурида исломчилик ва туркчилик ғояларини ифода килингани учун шуролар томонидан таъкиб остига олинган ва тўхтатиб кўйилган (1920). Кўконда тузилган Туркистон муҳторияти б-н фаол алокала бўлган. Атаман Дутов қўшинлари химоясида сакланмокчи бўлган. Бирок 1920 й. муҳтор ҳукумат тарқатиб юборилган, унинг аъзолари қамоққа олинган.

- Норқулов Н. Алаш Үрда / Уз-н Миллий энц-яси. 1-ж. Т.: ЎМЭДИН, 2000. Б. 196.

«АЛАҚ» (арабча: лахта кон; зулук, ёпишиб олиш) – Курони каримнинг 96-сураси. Маккада нозил бўлган, 19 оятдан иборат. Мухаммад (с.а.в.)га нозил килинган илк суралардан. “У (Аллоҳ) инсонни алакдан яратди” (2) сўzlари суранинг номланишини изоҳлайди. Суранинг биринчи оятида маънавий мўъжиза “Икро!” (“Ўки!”) сўзида намоён бўлган. Бу хитоб, нафакат Пайғамбар (с.а.в.)га, балки бутун мусулмонларга ҳам қарата айтилган бўлиб, унинг мазмунидан ислом ўзининг дастлабки лаҳзалариданок илм тарқатиш йулини бирламчи максад қилиб олгани англашилади. Суранинг мазмунида “Яратган Роббинг номи б-н ўки! (1) Ўки, Роббинг қарамлиларнинг қарамлисиadir. У қалам б-н илм ўргатгандир. У инсонга билмаган нарсасини ўргатди” (3-5) каби сўzlар инсониятга яратилгандан ҳамонок илм зарур эканлигини таъкидлайди.

- Шаіх Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. Олтинчи жуз. Т.: Шарқ НМАК, 2008. Б.504-509.

АЛБАН АДАБИЁТИ – албан т.даги ад-т. Қад. намуналари фольклор жанрларида акс этган. А. ёзма ад-ти XV асрда лотин ёзуви асосида шаклланган. Қад. адабий ёдгорлик П.Энгеланинг “Чўқинтириш таомили” (1462) асари. А. т.даги дастлабки ёзма ёдгорлик “Мэшари” (“Хизмат китоби”) Г.Бузуку томонидан 1555 й.да яратилган. Шу асрда М.Барлетининг “Искандарбек ҳасти ва қаҳрамонлиги тарихи” номли историографик асари нашр этилган. П.Богдани “Пайғамбарлар” (1685) рисоласини битган. XVII

асрдан А.а.га *барокко* услуби кириб келган. Бу ҳолат П.Буди ижодида ёркин акс этган. Унинг диний мазмундаги “Рим одатлари”, “Насронийлик коидалари” асрлари машхур.

XVIII асрдан шаклана бошлаган маърифатпарварлик ад-тида исломий мотивлар устувор. *Бейтежи* (албанча: ошиқ, баҳши) ад-ти араб ёзувида битилган. Унда араб-турк унсурлари кенг ўрин туттади. Халқ шоири Зако Қамбарий ижодида маърифатчилик гоялари акс этган. Мухаммад Жомий (1783–1844)нинг “Эрвехея” (1888) ва “Юсуф ва Зулайх” асрлари диний-таълимий характерда. XIX асрда А.а.да романтизм етакчи адабий оқимга айланган. И. де Раданинг “Милосао кӯшиғи”, Г.Даранинг “Боланинг сўнгги кӯшиғи”, З.Серембенинг “Тақдир”, В.Шкодранинг “О, менинг Албаниям” достонларида бу оқим акс этган. 1912 й.да А.халқи мустакилликни кўлга киритгандан сўнг А.а. анча ривож топди. Фан Ноли шеъриятида мустакиллик гоялари ўз аксини топган. Ф.А.Санторининг “Амира” драмаси А.т.да ёзилган биринчи сахна асаридир. Фрашери, А.Чаюпи, Н.Мъеда каби шоирлар ижодида албан бирлиги масаласи диккат марказига қўйилган. XX аср 2-ярмида албан турмушини эпик планда акс эттирган С.Спассенинг “Улар ёлғиз эмас эди” (1952), Ф.Гъятанинг “Ботқօқ” (1959) романлари яратилди.

- Албанская классическая поэзия. М., 1981; Албанская повелла XIX-XX века. М., 1983.
- Арш Г.Л., Сенкевич И.Г., Смирнова Н.Д. Краткая история Албании. М., 1965;
- Серкова Т.Ф. Албанская лит-ра / Лит-ный энц-кий словарь. Под общ. ред. В.М.Кожевникова и П.А.Николаева. М.: СЭ, 1987. С.18.

АЛБАН ТИЛИ – А.халкининг миллий т. Ҳинд-Европа т.лари оиласига киради. Фракий т.дан келиб чиқкан. Икки диалект асосига курилган: *гег* ва *тоск* шевалари. А. мусулмонлари XVII асрдан араб ёзувида асрлар битишиган, Элбосан ш.да миллий ёзув учун харакат кучайган, XVIII асрда Теодор Хожа Филипп 57 белгидан иборат янги алифбega асос солган. XVIII асрда Т.Ковальти ва Данел албан т. лугатини тузишган. Араб ёзуви асосида *бейтежи* номли халқ ад-ти тараққий топган. 1879 й.дан Я.Врето, В.Паша, С.Фрашери томонидан лотин ёзуви асосидаги миллий алифбо шакллантирилган. Туркия, Греция, Италия, Сербия, Хорватия, Македония, Косово в.б. ўлкаларда хам А.т.да сўзлашувчилар бор.

- Десницкая А.В. Албанский язык и его диалекты. Л., 1968; Коши Р.Д., Косталиари А., Скенди Д.И. Краткий албанско-русский словарь. М., 1951; Албанский язык / Большой энц-кий словарь: языкознание. М.: Большая Российская энц-я, 1998. С.25.

АЛБИКОЙЛАР (латинча: *albīqenses*, французча: *albīqeris* – Алба ш. номидан) – XII–XIII асрларда Франция, Италия, Германияда бюргерлик харакати вакиллари, диний эътиқодда ислохот тарафида булиб, католик черковига қарши чиққаллар. Уларнинг таркиби ш.лик хунармандлар ва санъаткорлардан иборат бўлган. 1167 й. Сан-Феликсда мажлисга тўпланиб, А. харакатини расман қабул килишликни талаб килганлар. А.га қарши папа Иннокентий III салиб юриши эълон килган. 1209, 1213, 1216 ва 1229 й.да кескин жанглар бўлган ва инквизиция томонидан А. йўқ килинган.

- Bünyadov Z. Diniłar, təriqətlər, məzħəblər. Bakı: Sənq-Qarş, 2007. S.17.

АЛВАСТИ [мифология] – турк мифологиясида күрінмас ёвуз күч. Туркий т.ларда албиз (Тува), алмиш (козок), ал (Туркия), албиш (киргиз), абаси (туркман) каби номлар б-н юритилади. Қирғиз ва қозок мифологиясида кора А. ва сарик А. фарқланади. Сарик А. кишиларга аәл киши ёки тулки киёфасида күрінади. Коры А. эса жиддий, оғир феълли рух киёфасида гавдаланади. Йұловчиларга коронғи кечаларида дуч келади ёки уйқусида (түш воситасида) кишига ҳужум қылғани айтилади.

А. үзбек әртакларда сочи ёйилған аәл киёфасида учрайди. А. фольклор асарларига күра үтдан, үчөк бошидан, ёруғликдан кочади. Коронғи ва хилват жойларни макон тутади. Айрим әртакларда ёзилишича, ёңғоқ, гут ва чинор дараҳтларининг коронғи соясида үтиради.

- Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. М., 1969. С.23-32; Türk Dili ve Edebiyatı Ansiklopedisi: Devirler, İslimler, Eserler, Terimler. 8 с., 1-с. İstanbul, Dergah Yayınları, 1976; Kalafat Y. Doğu Anadolu da Eski Türk İnançlarının İzleri. Ankara, 1990; Басилов В.Н. Алвости // Мифы народов мира. Т.1. М., 1980. С.58; Türk Dünyası Edebiyat Kavramları ve Terimleri Ansiklopedik Sözlüğü. Cilt 1. Ankara: Atatürk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.102–103.

АЛВОН [тасаввуфшунослик] – ранг-баранглик, турли ранглар түплами; айрим ҳолларда кизил ранг. Суфийлар хиркасининг ранг-баранглиги. Суфийлар сулук (Аллоҳ сари йўл) давомида сайр мартабаларида ҳар хил рангларга эътибор килишган. Улар хирқа ва либосларининг даражаси мувофик рангда булишига интилишган. Ранглар муайян маънени билдирган. Мак., кора ранг *касрат* мақомига ишорадир, унда зулмат ва касофат ҳукмрон; азрак (тўқ зангори) рухлар ва тимсоллар суратига ишора. Сарик рангда соликнинг Аллоҳ ёди б-н яшаши тушунилади. Кизил ранг соликнинг рухи вужудидан ажрала бошлаганини, маърифатга яқинлашганини билдиради. Оқ ранг юракнинг покланишига ишора ва ҳакиқатни англашнинг бошланишидир. Яшил ранг ваҳийликдан нишона. У сирларнинг сирига, файбга ошноликни билдиради ва соликнинг асл моҳиятларга етишаётганинги хам англатиши мумкин. Мазкур ранглар соликнинг Аллоҳ томон рухий сафарини англатса, кора ранг Аллоҳдан ҳалқ сари сафарини билдиради, сирлар ҳазинасини эгаллашни ва ҳайратта ғарқ булишини ифодалайди. Ҳайратдаги рух шариатнинг мағзи — ҳикматини бошқатдан идрок этиб, коронғи бир доғ рангига үралади. Нихоят солик рухи яна Аллоҳ ҳузурида пайдо бўлади. У кора рангдан кутулиб, рангсизлик ҳолатига киради. Зоти кулл (барча ҳакиқатга етишиш) даражасини эгаллаган солик якранглик ҳолатида мақсадига эришади.

Нажмиддий Кубро ети ранг хислатини етти тушунчага мослаб тушунтирган. Унингча, оқ ранг – исломни, сарик ранг — имонни, зангори ранг – эхсонни, яшил ранг – итминон (ишонч)ни, кўк ранг – икон (тўлиқ ишонч)ни, кизил ранг — ирфонни, кора ранг – ҳаяжон (ҳайрат)ни англатади. Солик рухий ҳолатларини, кайси ранг кўз олдидага намоён бўлаётганини пирига айтиб туриши керак. Пир шунга караб, муриднинг

кайси боскичда турганини билиб, унга янги вазифалар юклайди. Кейинги суфийлар ҳам Кубро сингари кора рангни хайрат белгиси хисоблаб, уни рухнинг фанога гарк ҳолати рамзи сифатида таъкидлашган.

- Комилов Н. Тасаввуф (2-китоб). Т., 1999; Снесарев Г.П. Хорезмийские легенды как источник по истории религиозных культов Средней Азии. М., 1983; Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе. М., 1989; Ислом тасаввуфи манбалари. Т.: Уқитувчи, 2005.

АЛГЕБРА – к.: Алжабр.

АЛГУ (Олғу, в.1264) – Чигатой улуси хони (1260–64). Чигатайнинг набираси, Байдархоннинг ўғли. Хокон Мунке вафоти (1259)дан сўнг биродарлари Хубилай ва Орикбукони енгиб, тахтга эришган. Хоразм ва Афғонистон ҳам мана шу давр (1262–64)да мўғуллар ҳукмига бўйсунган.

АЛДАНОВ, Марк (1886–1957) – мухожирликдаги рус адиби, асл исми: Марк Александрович Ландау. Украинанинг Кисв ш.да туғилган. Кисв ун-тининг физика–математика ва ҳуқуқ факультетларини тутатган. 1913 й.дан адабий фаолияти бошланган. «Толстой ва Роллан» тадқикоти б-н этибор топган. 1919 й. апрелидан Парижда яшаган. 1921 й.да рус ва француз инқилобларини узаро қиёслаб, «Олов ва тутун» тадқикотини ёзган. Рус инқилобчилари ҳақида кўплаб Европа т.ларидаги сиёсий портретлар яратган. Париждалик пайтида Бунин б-н ижодий ҳамкорликда бўлган. Иккинчи жаҳон уруши бошланиши б-н АҚШга кўчиб ўтган ва М.Цетлин б-н ҳамкорликда рус т.даги «Новый журнал»ни ташкил этган. Ушбу журнал ҳ. ҳам нашр этилади. 1947 й.да Парижга кайтиб, фаол ижод б-н шугулланган.

Муал.нинг тавсиясига кўра, унинг тарихий ва сиёсий романларини ушбу тартибда ўқиш лозим: «Пунш суви (1792)», «Түккизинчи термидор (1792–94)», «Шайтонлар кўприги (1796–99)», «Фитна (1800–01)», «Мукаффас Елена, кичик орол (1821)», «Жангчининг кабри (1824)», «Унинчи симфония (1815–54)», «Ўлим ҳакида кисса (1847–50)», «Булоклар (1874–81)», «Калит (1916–17)», «Қочиш (1918)», «Фор (1919–20)», «Шайтон кўприги» (1925), «Фитна (1927)», «Тугалланишнинг бошланиши (1937)», «Халос бўлиш (1948)» каби. «Толстой ва Роллан» (1915) эссеси қиёсий ад-тшунослик намунаси. Булардан ташкари, «Император Александр ва унинг салафлари», «Жозефина Бонапарт», «XVIII аср авантюристкаси Олга Жеребцова», «Кизикарли француз адибаси Мадам де Стал Россияяда», «Извогар Азеф», «Чекист Урицкий», «Луначарский – адиб», «Польшанинг давлат арбоби Маршал Пилсудский», «Сталин», «Гитлер» сингари тарихий эссе ва сиёсий портретлари б-н шуҳрат қозонган. Россияяда шўро даврида «Ўлим ҳакида кисса» асари чоп қилинган.

◆ Алданов М. Л.Толстой и Роллан, т.1. Петроград, 1915; Соч., т.1-4. Париж, 1937;

Повесть о смерти. М.: Прометей, 1991.

• Алданов. Новая лит-пая энп-я / www.nlit.ru., 2012.

АЛДАР КҮСА [мифология, фольклоршунослик] – туркий халқлар фольклоридаги тұқима образ. Козок, ұзбек, кирғиз, коракалпок, бошқырд в.б. халқлар ертаклари ва латифалари қаҳрамони, сатирик образ. А.К. фольклор қаҳрамони сифатида уругчилік давридан мавжуд. “Күса” сүзи икки маңында: кабила ёки уруғ бошлиғи (1), соколсиз, юзида бир туки йүк эркак киши (2). Зүкко, чаккон, тадбирилі ва айёр, инсонларга доимо ёрдам берувчи тимсол сифатида талқын қилинади. А. күлгі үйготувчи қаҳрамон. А. хакида қозок фильм ва драмалари бор. Ш.Хусаинов “А.К.” пьесаси (1946)ни ёзған, шу асосда бадий фильм суратта олинган (1964).

- Казакстан Улттк Эң-я. Алматы, 1998. S.263; Turk Dunyasi Edcbiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik Sözlugu. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.104.

АЛЕАТОРИКА (латинча: alea – «гардкам», сүjak үйини-ошик) [эстетика] – тасодиғийлік асосынан курилған мусика санъати ва бадий ад-тдаги ижодий үнналиш. Ҳәёт – тасодиғ фалсафияның түшүнчесиге таянади.

Инсон ҳәёт саңнасида үйнаётгандай күрсатилиб, унинг мохиятини, яғни тасодиғийлікнің фалсафияның қабул килишга мүлжалланған. А. ижодкорнің ижоднің катыңын талабларидан чекиниб, қаҳрамонини ҳәёт оқимига ташлаб күйіб, муал.ни эркін фикр юритишта үндайды. А. XX асп 50–60 ж.да К.Штокхаузен ва П.Булез томонидан фалсафияның нұктасынан назардан асосланған. А. асосчыларидан бири К.Штокхаузен (1957) түрлі кетма-кетликта ижро этилиши мүмкін болған 19 кисмдан иборат фортепиано пьесасини яратты. 1961 жилда П.Булез фортепиано учун 3-сонатаны яратады. Бунда кисмдар ижроси муал. параметрларига күра импровизацияға учрайды. Колған кисмдар түшириб қолдирилади, 4/5 бұлагы (үргачадан ташкари) эркін тартибда ижро этилади. А.нинг механик (катыңы), эссеистик (бадиҳавиј) ва назоратлы түрләри мавжуд. Ұзбек бастакорлари Н.Зокиров, Т.Курбонов ижодида А.нинг айрим белгилари учрайды.

А. ад-тда бирор асар кисмларининг доимий үрни булмаслиги б-н белгіланади. Сахифалари аралаштырып юборылған бир неча китоблар нашар этилған. Г.Хейтнинг асарларыда ҳатто сұзда доимий жой йүк. Мас., Жонсон “Баҳтсизлар” (1969) номлы 27 бобдан иборат роман ёзған. Асар китоб холида тикилмай, алохыда боблари күтига жойлаштырып тарқатылғанки, уни исталған бобидан баштап, исталған кетма-кетликта үқиши мүмкін.

А. тасвирий санъат ва ҳайкалтарошыларда ҳам учрайды. А. рассомни “эзувчи структуралар исканжаси”дан, “дөвомли техника интерваллари”дан озод этади. Аммо рассом бояшта томондан нота матнига алоқадор ижронинг ассоциативи б-н чекланади. А. муал. “онг оқими”ни башқармай, үзини унинг ихтиёрига беради ва қандай келса, шундай ёзіб кетаверади.

- Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энп-кий словарь. М.: Асель-Аст, 2003. С.11-13.

АЛЕВРОМАНТИЯ (юононча: ale+roman) [мифология] – кад. юононларда ун воситасыда күриладыған фол. Манбаларда ёзилишича, кохиншар унни үттә таппайдилар ва унинг ёниш даражасында караб, фол очадилар. Улар фол

пайтида маъбуллар б-н тиллашганлар, айниқса, Аполлон б-н руҳан боғланиб, фол кўрсатувчининг тақдирини сўраганлар.

- Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.26.

АЛЕКСАНДР МАКЕДОНСКИЙ – к.: Искандар Макдунли.

АЛЕКСАНДРЕ, Висенте (1898.26/IV–1984) – испан шоири. Испания Кироллик академияси академиги, Нобель мукофоти лауреати (1977). Шеърлари 1928 й.дан чоп этила бошланган. “Жаннат қўланкаси” (1944), “Сунгги туғилиш” (1953), “Қалб тарихи” (1954), “Ботиний диалог” (1974) тупламлари муал.и. Шеърларида фашизмга қарши кураш гоялари, юксак инсонпарварлик ва фалсафийлик акс этган. “Учрашувлар” хотира китоби (1954)да замондош адибларнинг портретларини тасвирлаган.

АЛЕКСАНДРИЯ – к.: Искандария.

«АЛЕКСАНДРИЯ» – “Александр ҳақида қисса” номи б-н машҳур асар. Асар муал.лиги Каллисфенга нисбат берилади. II–III асрларда юонон т.да яратилган. А.да Искандар Макдунли (Александр Македонский)нинг юришлари ҳақида хикоя килинади. Тахминан XII асрда славян (серб) т.га тарж. килинган, XV асрдан ҳарбий қисса сифатида шуҳрат козонган.

- ♦ Александрия. М.-Л., 1965.
- Веселовский А.Н. Из истории романа и повести. Материалы и исследования. СПб., 1886; Бертельс Е.Э. Роман об Александре и его главные версии на Востоке. М.Л., 1948; Булапин Д.М. «Александрия» / Лит-ный энц-кий словарь. Под общ. ред В.М.Кожевникова и П.А.Николаса. М.: СЭ, 1987. С.19.

АЛЕКСАНДРИЯ ДАВРИ (I–III) – Искандария (Миср)да птоломейлар ва римликларнинг хукмронлиги даври. Фан, ад-т ва санъатнинг гуллаган даври сифатида эътироф этилган. Архимед, Аристарх, Аристоили, Тимохарис, Евклид, Птолемей, Эратосфен каби машҳур математиклар томонидан А. мактаби вужудга келган. Зенодот Эфесли, Аристарх Самофракияли, Аристофан Византияли, Эратосфен Карияли юонон ва лотин т.ларидаги кад. манбалар б-н машғул бўлганлар. Феокрит, Аполлоний Родосли, Арат, Никандр, Каллимах, Филет, Тимон Флеазили, Ликофорон каби адиблар бадиий ижодда шуҳрат козонган. Фалсафада неоплатонизм даври сифатида тарихга кирган. Қад. юонон фалсафаси А.д.да Шарқ донишмандлари б-н уйғунлашган эди.

~ кутубхонаси – эллинизм давридаги йирик маданий иншоотлардан бири. Мисрда файласуф Птоломей II томонидан асос солинган кутубхона. Искандария ш.да жойлашган. А.к.га Эратосфен, Зенодот, Аристарх Самосли, Каллимах каби даврнинг машҳур олимлари раҳбарлик килишган. Уз даврида 700 минг китобга эга бўлган. Улар орасида қад. кўлёзмалар, тошбитиклар ва

папирус қозига битилган Миср ва юонон ёдгорликлари булган. Каллимак раҳбарлигиде И.К.даги китоблар каталоги тузилган. Уч аср давомида муттасил ривожланган. Юлий Цезар томонидан Миср ишғол этилганида ёндириб юборилган. М.а. 47 й.да, мил. 391 й.да энг катта ёнғин содир булган. Рим империяси даврида мавқенини йўқотган, VII-VIII асрларда тутатилган. Халифалик маркази Мисрдалик пайтида кайта тикланган. Ҳозир дунёдаги энг бой ва муҳташам кутубхоналардан бири.

- Лит-ный энц-кий словарь. Под общей редакцией В.М.Кожевникова и П.А.Николаева. М.: СЭ, 1987. С.18; Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.30.

~ **мактаби** – Искандария матншунослик мактаби (м.а. IV аср охири). Тил ўрганишда бадиий матнга таянувчи илмий карашлар тизими. А.м. вакиллари т.ни грамматик конуниятлар асосида эмас, балки бадиий матн воситасида ўрганишни тавсия килганлар. Матн орқали лингвистик конуниятлар стилистика, фонетика, морфология, синтаксис в.б.ни ўрганиш учун йўл очганлар. Бу мактабнинг фаол вакиллари Аполлоний Дикол, Аристофан Византияли, Дионисий Фракияли, Зенодот Эфесли ва Лиофрондир.

- Борев Ю. Словарь текстологии и генетической критики. М., 2011. С.24-25.


~ **музейони** (юонча: музалар қасри) – илмий, адабий ва олий таълим муассасаси. М.а. III асрда ҳукмдор Птоломей I томонидан асос солинган. Дастреб уни олий коҳин бошқарган, кейинрок А.м.га Эвклид, Эратосфен, Каллимак таклиф килинган. Александрия кутубхонаси мана шу А.м. қошида очилган. 273 й. Рим императори Аврелиан қўшини Мисрни босиб олган пайтда вайрон килинган. XIII асрдан сўнг кайта тикланган.

~ **шеъри (александрийский стих)** [поэтика] – Европа шеъриятидаги 12 бүғинли шеър шакли. А. номини олишига сабаб, Александр Македонский ҳакидаги қад. француз асрларида учраганидир. 1180 йилдан истемолга кирган. Учинчи стопадан сўнг цезура ва 6- ҳамда 12-бүғинларда ургули келади. А.ш. француз шеъриятига хос бўлиб, шеърда антитезалар туйғулар ҳаракатини ва жонлитикни кучайтиради. Классицизм ад-тида йирик жанрлардаги асарлар (эпос, трагедия, элегия, сатира) А.ш. вазнида ёзилган. Рус шеъриятида учинчи стопадан кейинги олти стопали ямб б-н ифодаланади. XVIII асрда Россияда юқори услуб намояндатари томонидан кулланилган. Mac.,

Надменный временщик, || и подлый и коварный,
Монарха хитрый льстец || и друг неблагодарный,
Неистовый тиран || родной страны своей,
Взнесенный в важный сан || пронырствами злодей!

(К.Ф.Рылеев. К временщику, 1820)

Схемаси:  A diagram showing the structure of the Alexandrian stanza (She'ri). It consists of two rows of six vertical bars each. The first row has a long bar at the beginning, followed by five short bars. The second row has a short bar at the beginning, followed by five long bars. This pattern repeats twice more, creating a total of 12 bars per stanza line, which corresponds to the 12-line strophe mentioned in the text.



- Шенгели Г. Техника стиха. М., 1960; Гаспаров М.Л. Александрийский стих / Литературный энциклопедический словарь. Под общ. ред. В.М. Кожевникова и П.А. Николаева. М.: СЭ, 1987. С. 18-19; Елисеев И.А., Полякова Л.Г. Словарь лингвистических терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С. 6; Белокурова С.П. Словарь лингвистических терминов. СПб.: Паритет, 2006. С. 15; Александрийский стих. Новая лингвистическая энциклопедия / www.nlit.ru., 2012.

АЛЕКСАНДРИЯ ШЕЪРИЯТИ – эллинизм даври шеърияти (м.а. 323–30 гг.). Унинг маркази Миср Искандарияси булган. Мифологик тимсолларга бой бу шеъриятда шоир маъбудга мурожаат килиш оркали шеърий образлар яратган. А.ш.нинг асосий жанрлари: эпос, идилия, мадхия, элегия, ямб ва эпиграмма. А.ш. халқ ижодига алоҳида эътибор каратилиб, фольклор мотивлари, ундаги сюжет ва образлар бадиий ижод манбаи ҳисобланган. А.ш.нинг йирик вакиллари: Каллимах, Феокрит, Аполлоний Родосли, Ликуфон, Асклепиад Сомосли, Леонид Тарентли в.б.

- Legrand Ph.E. La poésie Alexandre. Paris, 1924.

АЛЕКСИД (м.а. 392–286) – юонон комедиографи. Фурияда туғилган. Антифандан сўнг ўрта антик комедияларнинг муаллифи сифатида танилган. 245 та пьеса ёзган. А. комедиялари кўпроқ майший ҳаёт воқеаларидан олинган, унинг қаҳрамонлари турли касбдаги кишилар. “Богбон”, “Таъминотчи”, “Харбий”, “Сартарош” в.б. “Тарентликлар” асарида Пифагор таълимоти назариётчилари кулги остига олинган.

АЛЕКТРИОМАНТИЯ [мифология] – фол очишнинг яхудийча тури. Унда хўроz ёрдамида фол очилади. Бу паррандага нисбатан хурмат асосида юзага келган. Бу фол тури кейинроқ руслар ва лўлиларга ҳам тарқалган. Яхудий адаби Шолом-Алейхом асарларида т.га олинади.

- Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энциклопедический словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С. 33.

АЛЕН (1868–1951) – француз файласуфи, эссеист-ад-тшуноси. Асл исми: Эмиль Огюст Шартье. Фалсафа тарихи, санъат назарияси, диншунослики, ахлоқ, сиёсий иктиносид ва педагогика б-н шугулланган. Ад-тшуносликка доир мухим асарлари: “Санъат назарияси” (1920), “Нафис санъат тизими” (1926), “Адабий уйлар” (1933), “Эстетикага кириш” (1939) в.б. тадқикотларида руҳий эркинлик тарафдори сифатида танилган. Шунингдек, бир катор ижодкорлар ҳакида адабий портретлар яратган: «Стендаль» (1935), «Бальзак б-н бирга» (1937), «Диккенсни ўқиб...» (1945). Ун-ларда санъат ва ад-тга доир маърузалар ўқиган. Андре Морува ва Жан Прево унинг шогирлари. “Нафис санъат тизими” асарида: “Поэзия нафис, тартибга солинган ва муҳрланган гўзал нутқдирки, умумий гояларнинг ифодасига ярокли бўлсин. Шунда фикрни киска, лўнда ва таъсири шаклда айтиш керакки, ҳар шахс уни ўша ўз шаклида кабул килиб олсин. Бундай шаклнинг ритм б-н уйғунлиги, айrim товушларнинг такрори ёдда сакланишини таъминлайди, китобсиз уни “ўқишига” зарурат хозирлайди” деб ёзган.

- ◆ Писатели Франции о лит-ре. М.: Прогресс, 1978. С.75-90.
- Голенищев-Кутузов И.И. Ален Эмиль / Краткая лит-ная энц-я, т.1. М. СЭ, 1962; Современная западная философия. М.: ИПЛ, 1991. С.14.

АЛЕН РОБ-ГРЕЙ – к.: Роб-Грей.

АЛЕХО Карпентье – к.: Карпентье, Алехо.

АЛЁР [фольклоршунослиқ] – халқ құшиқларининг бир тури. Айрим манбаларда: ҳаққон, құна ва бұзагарлар қүшиғи. Үтмишда кадақ қүшиғи сифатида сокий томонидан айтилған, давранинг бошқа иштирокчилари унга жүр булишган ёки навбат б-н жавоб құшиқларини айтишган. Чилдирма жүрлигіда ҳам күйланған. А. кейинчалик поэтик хусусияттар касб этган. Икки байт (тұртлик)дан иборат булиб, биринчи банднинг биринчи мисраси кайси сұз б-н бошланса, иккінчи банднинг биринчи мисраси ҳам үша сұз б-н бошланған. Халқ достонларыда ҳам А.дан фойдаланылған. Мас., “Алпомиң” достонида Ҳакимбек кабристонда ухлаб қолганида, тушида Барчиной ва Алпомиш рухларининг айтишуві

Коса ушлаб құлым толди,
Байнинг қызы маҳтал бұлды.
Хон тұрам, сизге не бұлды,
Олинг, алёр-алёр.

А.га мисол бұлади.

АЛЖАБР (арабча: – тикланиш) [фан тарихи] – мұносабатлар ҳақидаги фан, математиканинг бир соҳаси. Микдор сонларнинг үзаро мұносабати, тенгламаларни үрганади. Мұхаммад ибн Мусо Хоразмий “Ал-жабр әл-муқобала” асарыда асос согтган. Асар лотин т.ға “Алгебра” номи б-н тарж. килинған ва жағонға шу номда таркалған. А. тиклаш, яғни манфий ҳадларни тенгламанинг иккінчи томонига үтказиб, тенгламанинг иккала тенг ҳадларини ташлаб юборышни англатади. А. максади тупламларға киритилған амалларни үрганишдан иборат. Арифметикада тайин сонлар устида биринчи түрт амал (қушиш, айриш, күпайтириш ва булиш) үрганилса, А.да эса бу амалларнинг бошқа математик объектлер учун хоссалари текшириләди. А.ни Умар Хайәм тенгламалар ечиш ҳақидаги фан деб изоҳ қылған. Үз-нда А.нинг тараккиётіга Абу Райхон Беруний, Ибн Сино каби олимлар хисса қушишған. Кейинрок Фарбий Европа олимлари Кардано, Тарталья, Феррари, Абелъ, Галтуа, Д’Аламбер, Гаусс А.нинг фан сифатидаги ривожини белгилаб беришганды. XX асрда А. бошқа соҳалар: назарий физика, кимё, биология, генетика в.б.га кириб келганды. Бу даврда Үз-нда С.Сирожиддинов, Т.Саримсоков, Ш.Аюпов, Ж.Хожиев, Ш.Алимов каби таниқлы олимлар етишиб чиққан.

- Аюпов Ш. Алгебра / Үз-н Миллій энц-яси. Т.: ҮМЭДИН, 2000. Б.198-200.

АЛЖИР АДАБИЁТИ – к.: Жазоир ад-ти.

АЛИ, Фалибулули Мустафо (1541-1599/1600) – турк адиби, тазкирачи ва тарихчиси. Машхур асари “Кунху-л-ахбор”да 305 шоир ҳакида маълумот беради. Бу тарихий асар хажм, шакл ва мундарижа, мазмун ва камров жихатидан катта фарқи бўлмаган ҳолда, тазкира тарихидан жой олишга муваффак бўлди. А. асари дебочасида бу тазкирага асос бўлган 130 та асар номини т.га олади.

- Ali. Künhü'l-ahbâr, İstanbulbul, 1277, c. 1-2; Edebiyat Tarihi Açısından Künhü'l-Ahbâr'ın Önemi", Ege Üniv. Edebiyat Fakültesi Araştırma Dergisi II, İzmir, 1983; Мустафо Эсон. Тазкирадан биографияга. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2012.

АЛИ ЖОМИЙ (Хофиз Али, XIV) – хиротлик мутасаввиф. Абдураҳмон Жомийнинг “Нафаҳоту-л-унс” асарида А.Ж. Фаридиддин Атторнинг

Эй рўй дар қашида ба бозор омада,
Халқе ба дин тилисм гирифтор омада

(Мазмуни: Сен юзингни беркитиб бозорга келгансану ҳалқни бу тилсимга гирифтор килгансан) деб бошланувчи қасидасига шарҳ ёзганини маълум қиласи. Навоий “Мажолис...”да А.нинг кироат илмида “жамси курро” (ўкиш санъатини жамлаган) эканини айтиб, бу жихатдан ўзи ҳам ундан сабок олганини ётироф этган.

Қабри Хиротнинг Шайх Баҳоуддин Умар хонакохида.

- Алишер Навоий. Мажолису-н-нафоис / Асарлар. 12-том. Т.: Фан, 1966. Б.40-41.

АЛИ ибн АБУ ТОЛИБ (600–661) – турт асл халифа – чахорёрларнинг тўртингчиси. Макка ш.да туғилган. Мұхаммад с.а.в.нинг шогирди, күёви (Фотиманинг эри) ва сафдоши. 9 ёшида отаси вафот этгандан сўнг Мұхаммад (с.а.в.) хонадонида тарбия топган. 656 й.да Халифа Усмон үлдирилгандан кейин унинг ўрнига халифаликка сайланган. Кўпгина ҳадислар ровийси, хикматлар муаллифи ва соҳиби девон шоир.

Саодат асли якун топиб, Пайғамбар Мұхаммад (с.а.в.)нинг вафотидан сўнг хулафои рошидин (асл халифалар) даври бошланди. Абу Бакр Сиддик Аллоҳ берган истеъдод ва илм б-н халифаликка эришди. Умар (р.а.), Усмон (р.а.) халифалигидан сўнг, Пайғамбаримизнинг суюкли шогирди ва күёви ҳазрат Али (р.а.) халифалиги суронли кечди ва атиги беш йил давом этди. А. умавийлар даврида Сиффин яқинида умавийлар томонидан үлдирилган.

Ҳазрат Али (р.а.) курдатли лашкарбоши (Ҳазрат Алининг куввати ва қиличи тилларда достон бўлган), сайдиду-л-мурсалинга яқин булиши б-н бирга улуғ фасоҳатли инсон бўлган. А. кечирган 60 й.лик умри давомида таъсири шеърлар битган, қилич зарбидан озор топган қалбларга юмшок сўзи б-н малҳам бўлган шоир эди. У кишининг шоирлиги ҳакида Ҳазрат Навоий «Махбубу-л-кулуб»да «валийлик дентизининг гавҳари ва каромат пешшадарининг энг юксак юлдузи» деб таърифлайди. «Насойму-л-муҳаббат»да унинг шахси ва кароматлари, «Назму-л-жавохир»да унинг қалами кучи ва маънавий олами ҳакида маълумот беради.

Шоир Жамол Камол ва тадқиқотчи С.Очилов А. “Девон”ини ўзбек т.га тарж. килди, олим Жаъфар Мұхаммад аслиға солишириб, нашрга йўллади. Нашрда ҳар бир байтнинг аслиятда берилиши, табиийки, унинг илмий-адабий қимматини оширган. Англаш кийин сўзлар, изоҳталаб истилоҳларга нашрда шарҳлар берилган. “Девон” 1775 мустакил байтдан иборат. Бунча кўп фардлар ҳеч қайси девон сохибида учрамайди. Ҳазрат Навоий А. фардлари ҳакида: “Бу гўзал зумралар бир эҳтирос зарби б-н ёзилмаган, улар турфа кунлар, турфа жойлар, масжиду жангтоҳларда яратилмиш назмий жавоҳирлардан эди” деб ёзган. Лекин айрим байтлардаги маъноларни бир-бирига улаганимизда, бир вактда ёзилган қитъя ёки қасидадан сочмалар каби таассурот ўйготади.

Халқ киссаларида, достон ва ривоятларда А. афсонавий қаҳрамон сифатида тасвирланади. Шунинг учун “Аллоҳнинг шери”, “маликул муслимин” нисбалари б-н юритилган. Мұхаммад с.а.в.ҳадия қилган зулфиксор қиличи ва Дулдул оти б-н душманларига зарба берган. Бадиий ад-тда араб сийра (кисса)ларида ва романларида А. тимсоли яратилган. Журжи Зайдоннинг ислом тарихига бағишинган “Рамазон ойининг 17-куни” романида Ҳазрат Алиниң шаҳид булиши воқеаси баён қилинган.

◆ Ҳазрати Али ибни Абу Талиб. Девон. Т.: Мовароуннахр, 2005.

• Huart Cl. Ali b. Abu Talib / Islam Ansiklopedisi. 2-cild. Istanbul, 1993. S.306-311; Алишер Навоий. Назму-л-жавоҳир. МАТ; Очилов С. Ҳазрат Али ва маънавият. Т.: Ўқитувчи, 1998; Ҳасанов А. Ал-жабр вал-мукобала / Ўз-н Миллий энц-яси. Т.: ЎМЭДИН, 2000. Б.198-200; Ислом энц-яси. Т.: ЎМЭДИН, 2004; Büyük İnsan Hazret-i Ali. Ankara: Elhac, 2007; Pilavoglu M.K. Büyük İnsan Hazret-i Ali. Baki: Güneş, 2008.

АЛИ ибн УСМОН ҲУЖВИРИЙ (в. 1064/~1071) – тасаввуфшунос аллома. Тулиқ номи: Абул Ҳасан Али ибн Усмон ибн Али Фазнавий Жуллобий Ҳужвирий. Ғазна яқинидаги Ҳужвир кишлоғида туғилган, Жуллабда яшаган. А.Х. ҳақида “Нафахот ул-унс”, “Сафинат ул-авлис”, “Рибз ул-авлис”, “Калимат ут-табъ” асарларида маълумот бор. Абул Фазл Мұхаммад ибн Ҳасан Ҳутталий, Абу Аббос Ахмад ибн Мұхаммад Ашканий, Абул Қосим Гургоний, Ҳожа Музаффарнинг шогирди.

А.Х. «Кашфу-л-махжуб» (“Қалб сирларининг кашф этилиши”) асарида ўзининг куйидаги асарларини тилга олади: “Девон”, “Минхожу-д-дин” (“Диннинг түғри иўли”), “Асрору-л-хирақ ва-л-маъунат” (“Хирқа ва маъун сирлари”), “Китабу-л-фано ва бақо” (“Фано ва бақо китоби”), “Китабу-л-басн ли ахли-л-ъийян” (“Баён этилган моҳият изоҳлари китоби”), “Баҳру-л-кулуб” (“Қалблар денизи”), “Ал-риъойат ли хуқук Аллоҳ” (“Аллоҳ олдидағи фарзларни саклаш”). Мансур Ҳаллож наклларининг талқини ва Иймон ҳақиқидаги китоб муал.и ҳамдир. Бу асарлар сақланиб қолмаган.

Бизгача етиб келган асарининг тулиқ номи: “Кашфул маҳжуб ли арбобу-л-кулуб” (“Қалб сирларидан хабардорлар хижобларининг кашф этилиши”). У Йахўрда ҳужвирили дўсти Абу Саъид саволларига берилган жавоблар тарикасида ёзилган. Асарнинг мақсади, сўфийларнинг наклларини тўплаш

(тасаввуф ад-ти анъанасига кўра) эмас, балки сўфийлик назарияси ва амалийтини баён этишдан иборат. Рисоланинг 14-бобида 12 та сўфийлик мактаби ҳакида маълумот берилган. Унга Абу Наср Сарроҷ (ваф. 377 х.)нинг “Китобу-л-лумъя» (“Шуълалар ҳакида китоб”) рисоласи асос қилиб олинган.

◆ *Худжвири. Раскрытие скрытого. Москва: Единство, 2004; Ҳужвирий. Кашифу-л-махжуб. М.Махмудов. З.Баҳриддинов тарж. // Шарқ ўлдузи. 2013. № 3.*

АЛИ КАРИМ (1931–1969) – озарбойжон шоири. Кўкчой ш.да туғилган. Бокуда Инжасанъат инс-ти (1949–51), Москвада Ад-т инстида ўқиган (1951–55). Озарбойжон журн.да ишлаган. 1948 й.дан асарлари чоп этила бошлаган. Қатор шъсрий тўпламлар муаллифи.

АЛИ НАЗМИЙ (1878 – 1946) – озарбойжон шоири. Ганжа яқинидаги Сароб кишиюғида туғилган. 1885–91 йй. Бухоро ва Самарқандда, 1904–07 йй. Тифлисда ишлаган. 1916 й.дан Ганжа мактабларида дарс беради, 1926 й.дан Бокуда газ. ва журн. таҳририятларида ишлади. Дастлабки икки тўплами “Шаробчи” (1908), “Сижимқулинома” (1927) Сижимқули таҳаддуси б-н чоп килинган. Кейингилари “Эҳтимол, шу яхши бўлди” (1930), “Уч Машҳадий” (1935), “Ҳажвиёт ўқлари” (1946), “Танланган шеърлар” (1950), “Танланган асарлар” (1959), “Шеърлар” (1963), “Мулла Насриддин”чи шоирлар (1986) А.Н. таҳаллусида чоп килинган. Шеърларида миллатсеварлик руҳи кучли, миллий озодлик харакатларига чакирик ва мавжуд носозликларни танқид қилишга бағишлиланган асарлари талайгина.

• XX аср Озарбойжон шеърияти антологијаси. Тупловчи М.Шариф. Т.: Turon-Iqbol, 2013. Б.15-17.

АЛИ НАҚКОШ (XV) – машҳур рассом, хаттот ва нақкош. Манбаларда Бехзоднинг шогирларидан бири сифатида тилга олинади. У ҳақда Содик Китобдор “Мажмау-л-хавас” тазкирасида “Мавлоно Али Накқош Бехзоднинг шогирди Музаффар Али б-н бирга ишлаб, замонасининг машҳур рассомларидан бири бўлган” деб маълумот берган.

• Әғсан S. Масмәул-хавас. Baki: Elm, 2008.

АЛИ ОХИЙ (XV) – машҳадлик форсигўй шоир. Алишер Навоий “Мажолис...”да “...Хамса” муқобаласида неча маснавий...” биттанини қайд этади. “Ҳаслу висол” номли китоби биззагча стиб келган. “Ҳаёлу висол” номланишдан “Лайли ва Мажнун”га уҳшамаса-да, достондаги сюжет ва вази Низомий “Хамса”синг учинчи достонига жавобан ёзилган дейишга асос беради. Навоий А.О. маснавийсидан бир байт келтиради:

*Шеъре ки бувад зи нукта сода,
Монанд ҳама умр як савода.*

(Мазмуни: Шеър нозик маънодан холи бўлса, бутун умр бўйи (унга) коралик бўлиб қолади).

• Алишер Навоий. Мажолису-н-нафонс / Асарлар. 12-том. Т.: Фан, 1966. Б. 20.

АЛИ ШАТРАНЖИЙ (XIV аср 2-ярми) – шахмат устаси, адаби. Асли табризлик, Амир Темур даъвати б-н Самарқандга келган. Жаҳон шахмат адтига катта ҳисса кўшган. Амир Темур салтанатида унга тенг келадиган шахматчи бўлмаган. “Шатранжи кабир” (“Катта шахмат”) ихтирочиси, шахмат тарихи ва назариясига доир рисолалар муал.и. А.Ш. асарларида 60 та мансуба (комбинация) тўплланган, шундан 19 тасини ўзи тузган.

- *Фитрат. Шарқда шахмат / Шарқ юлдузи. 1990; Муҳиддинов М. Соҳибкирон дона сургандা. Т., 1996.*

АЛИ ШИҲОБ (XV) – форсигўй шоир. Султон Муҳаммад Бойсунғурнинг мулозими. Навоийнинг таъкидлашича, “ҳам равон, ҳам пухта айтур эркантур”. Унинг ўғли Мавлоно Сиррий тасаввуф устозларидан бири эди. “Мажолис...”да бир матлаъси келтирилган:

*Чу парда аз рух чун офтоб бардори
Ба жони дил кунадат Муштариҳ харидори.*

(Мазмуни: Юзингдан күёш сингари пардани кўтарсанг, Муштариҳ юлдузи сенинг харидоринг булишга рози).

- *Алишер Навоий. Мажолису-н-нафоис / Асарлар. 12-том. Т.: Фан, 1966. Б.20.*

АЛИ ШОИШИЙ (XV) – тошкентлик шоир. Туркий ва форс т.ларида шеърлар ёзган. Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкирату-ш-шуаро” асарида муаммо жанрининг устаси сифатида т.га олинган ва машхур муаммосини келтирган. Бошқа асарлари бизгача етиб келмаган.

- *Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони. Т., 1981.*

АЛИ ШУГОНИЙ (XV) – хиротлик форсигўй шоир. Навоий “Мажолис...”да “вазирнинг ўғлидир, шеърий истеъоди юксак булганидан назм б-н кўп машғул бўлган” деб таъриф берали ва А.Ш. ашъоридан байт келтиради:

*Чунон гарикӣ майам, соқиё, ки аз гили ман,
Агар гуле бадар ояд шароб аз у бичакад.*

(Мазмуни: Эй сокий, майга шу қадар гарк бўлдимки, агар тупроғимдан бир гул униб чикса ҳам, ундан май томиб туради).

- *Алишер Навоий. Мажолису-н-нафоис / Асарлар. 12-том. Т.: Фан, 1966. Б.20.*

АЛИ ҚУШЧИ (1403–1474) – машхур олим, мутафаккир, Мирзо Улугбек шогирди ва давомчиси. Асл исми: Мавлоно Алоуддин Али ибн Муҳаммад Самарқандий. Дастрраб Мирзо Улугбек саройида куш (карчиғай) боккани учун Кушчи лақабини олган. Самарқандда Козизода Румий ва Фиёсиддин Кошийдан таҳсил олган, Кирмон мадрасасида уч йил илм олган. 1417 й.дан Самарқандда Улугбек расадхонаси курилишида катнашган ва у ерда илмий тадқикот б-н шугулланган. “Хисоб рисоласи”, “Фалакиёт рисоласи”, “Алжабр ва риёзий жуғроғиё” асарларини ёзган. Элликка яқин илмий рисолалар биттган, бизгача улардан йигирматаси етиб келган. А.Қ. аниқ фанлардан ташқари фалсафа, фикх, тилшунослик илмлари б-н ҳам машғул бўлиб, уларга

доир рисолалар битган. Хитойда элчилик килган. Улуғбек катлидан сунг унинг кутубхонасини саклаб қолганлардан бири. Усмонли султони Мұхаммад II (1452–81) томонидан халифаликка тақлиф этилган ва унинг саройда хизмат қилган. Истанбулдаги Аё Сүфийа мадрасасыда мударислик қилган. “Улуғбек “Зижи...”га шарх” асарини Туркияда ёзган ва бу асар Мирзо Улуғбек номи ва ишини бутун дунёга танитган. Истанбулда вафот этган, қабри Айюб Султон макбараси ёнида.

А.Қ. асарлари Истанбулдаги Аё-Сүфийа кутубхонаси, ҮзРФАШИ, Санкт-Петербург, Оксфорд ва Лейден кутубхоналарида сакланади. А.Қ. Одил Ыкубовнинг “Улутбек хазинаси” романы асосий қаҳрамонларидан бири.

- ◆ Али Күшчи. Астрономия оид рисола. Т., 1968.
- Носиров А. Али Күшчи. Т., 1964; Ҳасанов Ҳ. Сайәх олимлар. Т.: Ўзбекистон, 1981. Б.178-82; Абдураҳмонов А. Улутбек академияси. Т., 1993; Adnan A. Ali Kuşcu / Islam Ansiklopedisi. 2-cild. İstanbul, 1993. S.321-323.

АЛИГЬЕРИ, Данте – к.: Данте, Алигьери.

АЛИЕВ, Аҳмад (1919–?) – ўзбек ад-тшуноси. Тошкент ш.да туғилган. Тошкент Давлат пединс-тида ўқиган. Республика радиосида, Матбуот қўмитасида ишлаган. ТошДУ (хоз. ЎзМУ) филология фак-тида доцент (1962–96) вазифасида фаолият кўрсатган. XX аср ўзбек алиблари Бехбудий, Фитрат, Қодирий, Элбек, Боту, Фози Юнус ҳақида макола ва тадқикотлар ёзган.

- ◆ Алиев А. Абдулла Қодирий. Т., 1967; Ижод ва изланиш. Т., 1976; Адабий мерос ва замонавийлик. Т., 1983; Абдурауф Фитрат. Т., 1991; Махмудхўжа Бехбудий. Т., 1994.
- Türk Dünyası Edebiyatçıları Ansiklopedisi. Ankara, 2002. I. Cild. S.349.

АЛИЕВ, Комил (1905/25.VII–1939/10.IX) – журналист, илк ўзбек фельетончиларидан бири. Какра, Нор йигит таҳаллуслари б-н ижод қилган. “Туркистон” (1924), “Озод Бухоро” (1925–27), “Илгор Сурхон учун” (1936–37) газ.ларида ишлаган. “Бомба” (1931), “Давр душманлари” (1932) очерк ва публицистик асарлар тўпламлари чоп килинган.

АЛИЕВА, Назира (1912/31.XII–1980/19.VI) – ўзбек актрисаси, адива ва таржимон. Ўз-н ҳалқ артисти (1969). Боку театр техникими, Москва Санъат ин-тини тугатган. Озарбойжон академик театр (1935–41), Тошкент театр ва рассомчилик ин-ти (1945–66)да ишлаган. Жаҳон ва ўзбек адиларининг сахна асарларида иштирок этган. Жумладан, Жульетта (“Ромео ва Жульєтта”), Дездемона (“Отелло”), Жамила (“Бой ила хизматчи”) ролларини ижро этган. “Алишер Навоий” (Ўйғун ва Иззат Султон), “Сепсиз киз” (А.Островский) драмаларини (реж.) сахналаштирган. М.Шамхаловнинг “Қайнона” комедияси, М.Үрдубодийнинг “Қилич ва қалам” романини ўзбек т.га тарж. қилган. “Санъат – менинг ҳаётим” хотиралар китобида машҳур актёр ва адилар тўғрисида эсдаликлар бор. “Сахна нутки”, “Ўзбек сахна нуткининг баъзи техник элементлари” илмий-методик ишлари муал.и.

АЛИЕВА, Фазу Ҳамзат кизи (1932 й.т.) – авар шоираси. Москвадаги Ад-т интини тамомлаган (1961). Авар ва рус т.ларида асарлар ёзган. 1949 й.дан асарлари нашр этила бошланган. “Она қишилек” (1959), “Бахор насими” (1962), “Сония” (1967) каби шеърлар тұпламлари, “Денгиз сохилида” достони (1961), “Тақдир” (1964) романы мұал.и.

• Алиева Ф. Резба на камне. Стихи. М., 1966; Восемнадцатая весна. Стихотворения и поэма. М., 1968; Комок земли ветер не унесёт. Роман. М., 1967.

• Магамедов Б.М. Фазу Алиева / История дагестанской лит-ры, т.2. Махачкала, 1968.

АЛИЗОДА, Сайдризо (1887–1945) – ўзбек филологи ва журналисти. Самарыандда туғилған. Абулқосим Ганжий жадид мактаби ва мадрасасыда үкігін. Асарлари Бехтүл, Замбур, Коргар, Ситамдийді, Мулла Жумбул, Ранжбар, Тозиәна, Богошамолий, Самарқандий тахаллуслари б-н босилған. Бехбудий матбаасыда ва “Ойина” журн.да (1913–15) ишлаган, “Шулаи инқилоб” (1919–21) журн. бош мұхаррiri, “Зарафшон” нашриётида мудир (1924–30) сифатида фаолият құrsatған. СамДУда араб ва форс т.ларидан дарс берған.

Ўзбек ва тожик т.ларida алифбо ва хисоб илміга доирлар құлланмалар нашр қилдырган (1917). “Рисолату-л-иттиҳодия” (1906), “Асри саодат” (1925), “Маданияти ислом” (1927), “Низомнома” (1934) асарлари мұаллифи. 1937 й. хибсга олинған, Россиянинг Владимир ш.да вафот эттән.

• Kasimov B. Alizade, Seidriza / Türk Dünyası Edebiyatçıları Ansiklopedisi. Ankara, 2002. S.352.

АЛИМАТОВ, Турғун (1922/20.I–2008/17.XII) – созанда (торли мусиыа асбобларida). Ўз-н халқ артисти (1992). Тошкент вилоятида туғилған. 1930-й.лардан Тошкент ш.да Тошкент пед. ин-тида (1937–40) танбур, гижак жағалған. Созандаликни Шобарат танбурчи, Наби танбурчи, Мулла Түйчи ҳофиз, Ю.Ражабийлардан үрганған. 2-жаҳон уруши қатнашчысы (1942–43). Ёш томошабинлар театри (1940–42), Мукимиy театри (1943–46)да гижакчы, Ўз-н радиосы халқ чөлғулари оркестри (1947–52, 1957–59), Юнус Ражабий номидаги маком ансамбли (1959–85)да созанда. 1985 й.дан Тошкент давлат консерваторияси анъанавий ижроциклік кафедрасыда үkituvchi, проф. (1994). А.Т. дутор, танбур ва сато ижроциклігини мұкаммат үрганиб, ўзига хос ижро услубини яратди. Бадиҳагүйлик, соз пардаларини нозик нолалантириб қалиш А. ижроциклік услубига хос. Репертуарида халқ күйлари, маком ва машхур ашулалярнинг чолғу йұллари («Дутор Навоси», «Танавор I–II», «Танбур Навоси», «Чоргоҳ», «Муножот», «Нола», «Наво», «Наврұзи Ажам», «Эшвой», «Бузрук», «Эй. сабо», «Күйгай» ва б.) үрин олған. Навоий ва Машраб ғазаллари билан айтладыған күшикларни ижро эттән.

«Буюк хизматлари учун» ордени б-н мұкофотланған (1997). Шайх Зайнiddинбобо кабристонига дағы этилған.

АЛИМЖАНОВ Ануар – к.: Олимжонов, Анвар.

АЛИМУҲАМЕДОВ, Абдурахмон – ўзбек ад-тшуноси. Асосий асари: “Антик ад-т тарихи” (Т., 1969). Ун-тларнинг филология факультетлари учун дарслер. Қад. юон ва Рим ад-ти материаллари асосида тузилган. Юон ад-тининг илк давридан бошланиб, Рим ад-тининг сўнгти даври ва эллинизм даври ад-тини ҳам таркибига камраб олган. Дарслерда катор антик манбалар сюжети баён килингани туфайли у хрестоматик йўналиши ҳам касб этади.

◆ Алимуҳамедов А. Антик ад-т тарихи. Иккинчи нашри. Т.: Ўқитувчи, 1975.

АЛИМҚУЛ, АЛИМҚУЛИ мингбоши (1831–1865) – Кўкон хонлигига муваққат хон, мингбоши ва лашкар амири. Кўкон хони Маллахон даври(1858–62)да вазир бўлган. Россия истиочиларига карши Тошкент, Кўкон мудофаасида курашган ва жангда ҳалок бўлган.

Кўкон хонлигига Чор Россияси бостириб киргач, А. Туркия, Афғонистон, Кашмир ва Хитойга элчилар юбориб, уларни хонлиқда юзага келган вазиятдан огоҳ этиб, чор Россиясига карши курашда ҳарбий мададга муҳтоҷ эканлигини билдирган. Шу б-н бирга ички сиёсатда бутун кучни ташқи душманга каратишга ҳаракат килган. Чор Россияси қўшинлари Тошкент ш. кириб келиши маълум бўлгач, А. қўшин б-н 1864 й. 25 нообрда Тошкентта этиб келган. А. бу ердан қўшин тўплаб, Туркистон ш. томон یўлга чиккан ва Икон кишлоги ёнида рус отрядини енгтан. 1864 й. дек. охирида А. ва Султон Саййидхон Кўконга кайтишган. Салор канали б-н Дархон ариғи оралигидаги жангда А. қўшини зафар кучган. Кейинги қаттиқ жангда А. оғир яраланиб, вафот этган.

Тошкентдаги Шайхонтохур мозорига лағи килинган.

«АЛИП-МАНАШ» – ҳалқ достони. “Алпомиши” достонининг олтой версияси. Достончи Н.Улашов т.дан ёзил олинган. Айрим ад-тларда “Ақпўмиш”, “Алпўмиш” тарзида ёзилган. Ўзбек т.даги “Алпомиши” достонидан сюжет чизигида, айрим образлар талқинида фарқлар бор.

АЛИСОҶ – Алишер Навоийнинг «Тарихи анбис ва ҳукамо» асарида т.га олинган пайғамбар ворисларидан. А. Бани Исроил кавмидан бўлиб, дехқончилик б-н машғул бўлган. Илёс пайғамбар уни ўзига валиаҳд килиб зълон килган. У бани Исроилни Мусо динига ташвиқ этган. Навоий унинг шундай мўъжиза курсатганини келтиради: Бир уйга меҳмон бўлди. Хонадон эгаси Икбол фарзандсиз эди. А. дуоси б-н мезbon фарзанд курди. Аммо бу фарзанд узоқ яшамай вафот килди, А. яна дуо килган эди, у фарзанд тирилди. Навоий А. тўғрисидаги хабарни шундай якунлайди:

Илёс чу Алисоъни ватаҳд этти,
Хақдин анга инвори нубувват етти.

• Алишер Навоий. Тарихи анбис ва ҳукамо / Асарлар. XV т. Т.: Фан, 1968; Каюмов А. Асарлар. 4-ж.. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2009. Б.72-74.

АЛИТЕРАТУРА (юононча: а + literature = йўқ адабиёт) [герменевтика, неомодернизм] – замонавий неомодернистик ва постмодернистик оқим. Клод Мориакнинг “Замонавий А.” (1958) китобида илк бор қулланилган. Ад-тнинг мумтоз конуниятларидан чекиниш, бадиий асарга санъат асари эмас, дунёнинг модели сифатида қараш. К.Мориак ўзига замондош А.Арто, С.Беккет, Ф.Кафка, А.Роб-Грийе, Н.Саррот романларини мана шу истилоҳ остида таҳлилтга тортади.

• Bourin A., Rousselot J. Dictionnaire de la littérature française contemporaine. Paris, 1966;
Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.19-20.

АЛИФ (арабча: اليف) [лингвопоэтика] – I. араб ёзувининг биринчи ҳарфи (‘). А. асосан “а” товушини ва шу б-н бирга ёзувдаги ўрнига караб “и”, “у”, “е” (“э”) ва “օ” товушларини ҳам ифодалайди.

Мумтоз поэтикада “Алиф” тўғрилик, ростлик тимсоли. Ёрнинг кадди Алифга уҳшатилган.

Эй, алифдек қоматинг мили бузулғон жон аро,

Ганжи ҳуснунг жавҳари бу хотири вайрон аро.

(Алишер Навоий, Бадойиъу-л-бидоя, 14-ғазал)

Абжад хисобида А (алиф) бир (1) ракамини англатади.

II. [тасаввуфшунослик] – Тасаввуф ад-тида А. Аллоҳнинг биру борлигига ишора.

Қўксума наълу алиф шакли иморат тарҳидур,
Ташқари ҳам етти ишқинг мулкига девори паст.

(Алишер Навоий, Фавойиду-л-кибар, 3-ғазал)

Суфийлар истилоҳида зоти аҳадият (яъни илоҳ зоти)га ишоратдир ва Аллоҳ (الله) сўзида бирликка ишорадир, “лом” илмга ва “мим” олам ва олам аҳлига ишоратдир.

Иморат тарҳидур наълу алифдин ҳар тараф қўксум,
Вафо қасрин қўпарсанг, бу бинолар узра девор эт.

(Алишер Навоий, Фаройибу-с-сифар, 78- ғазал, 7-байт.)

АЛИФБЕ (арабча: اليف بـ – “а” ва “б” ҳарфлари) [лингвопоэтика] – Бир тилнинг товушларини ёзувга кўчиришда фойдаланадиган белги (ҳарф)лар йигинчиси. А.лар миллий асосда тузилади. А. сўзи араб А.сининг дастлабки икки ҳарфи “алиф”, “бе”дан олинган. Бошлангич мактабларнинг илк савод чиқаришга кўмаклашувчи дарслиги “А.” деб юритилади. Ўз-нда Сайд Расулухўжанинг «Устоди аввал» китоби (1902) араб алифбеси асосида савод чиқарувчи илк дарслик саналган. Мунаввар кори “Адиби аввал” (1907), Комилжон Каримий “Алиф” (1910), Мулла Рустамбек Юсуфбек ўғли “Таълими аввал” (1911), А.Авлоний “Биринчи муаллим” (1912), А.Ибодиев “Тахсилу-л-алифбо” (1912), А.Усмонкори “Таълими аввал” (1914), М.Фахриддинов “Раҳбари аввал” (1917), Саидризо Ализода “Биринчи йил” (1917) китоблари ҳам “А.” ўрнида қулланилган.

“А.” номи б-н Ф.Эргозиев ва А.Йулдошев (1936), О.Шарафиддинов (1938) китоблари босилиб чиккан. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси асосида Қ.Абдуллаева, Т.Фаффорова, Э.Шодмонов, Р.Эштурдисванинг “Alifbc”си чоп этилган.

• Абдуллаев Й. Алифбе / Ўз-н Миллий энци-яси. Т.: ЎМЭДИН, 2000. Б.215; Долимов У. Миллий уйғониш педагогикаси. Т.: Ношир, 2012. Б.368-369.

АЛИФБОЛИ ШЕЪР – алифбо тартибида ёзилган, кўпинча, болаларга алифбодаги ҳарфлар кетма-кетлигини ўргатишга ва ҳарфларга мисоллар топишга ёрдам тарикасида ёзиладиган шеърлар. Ўзбек болалар шоирларидан Куддус Мухаммадий, Турсунбой Адашбоев, Анвар Обиджоннинг А.ш.лари ўқувчиларга таниш. Муҳаммад Юсуф ижодида ҳам учрайди.

- Адашбоев Т. Топишмокли алифбс. Т., 1997.

- Karatas T. Ansiklopedik Edebiyat Terimleri Sözlüğü. Ankara: 2007. S.32.

«АЛИФЛЕЙЛА» (арабча: اليف ليل - бир минг кечада) – машхур “Минг бир кечада”нинг аслиятдаги арабча номи. Қ.: “Минг бир кечада”.

АЛИХОНТУРА СОГУНИЙ, Шокирхонтура ўғли (1885/21.ИІ-1976/28.ІІ) – жамоат арбоби, аллома ва адаби. Туркистон (хоз. Қирғизистон) ўлкасининг Тўқмок ш.да туғилган. Бухоро мадрасаларида таҳсил олган. 1916 й.дан Қашғар (Хитой)да мухожирликда яшаган. 1944 й. Шаркий Туркистон инкилобий хукумати раиси. 1946 й.дан Тошкентда яшаган.

“Девони Соғуний” шеърлар тўплами маснавий, газал ва тўртликлардан ташкил топган. “Тарихи Мухаммадий”, “Асосу-л-ислом” (“Ислом асоси”), “Шифоу-л-илал” (“Ҳасталиклар давоси”), “Туркистон қайғуси” каби рисолалар муаллифи. Сунгти рисолада инсон учун кадрли ва кимматли 4 жиҳат: инсон эрки, ҳатол топган моли, она Ватани ва динига эга бўлишликни уқтиради. “Темур тузуклари”, Аҳмад Донишнинг “Наводиру-л-вакое”, Дарвиш Али Чангийнинг “Мусика рисоласи” асарларини форс т.дан, Ҳ.Вамберининг “Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи” асарини рус т.дан тарж. килган.

Тошкентда Шайх Зайнiddин бобо қабристонига дағн килинган.

- Соғуний А. Тарихи Мухаммадий. Икки жилд. Т., 1991, 1997; Ватан туйғуси. Тўплам. Т., 1997; Туркистон қайғуси. Т.: Шарқ НМАК, 2003; Соғуний А., Гаффоров А. Биздан змасдирилар Ватанин севмаганлар. Т.: Мовароуннахр, 2005. Б.3-106.

АЛИШАНЛИ, Шириндил Ҳасан ўғли (1952 й.т.) – озарбойжон ад-тшуноси. Мулла Аҳмадли кишлоғида туғилган. Озарбойжон ДУнинг филология фактини тамомлаган (1975). Москвадаги Жаҳон ад-ти инс-тида аспирантура таҳсилини олган. Акад. Ю.Б.Борев раҳбарлигида “Романтизм муаммоси ва унинг замонавий Озарбойжон ад-тидаги инъикоси” мавзуида номзодлик дисс.ни ёқлаган (1981). Озарбойжон Миллий илмлар академияси Низомий номидаги Ад-т инс-тида лаборант (1975-76), илмий котиб (1982-87), Ад-т назарияси (1987-92), Тарихий поэтика шўъбаси (1992 й.дан), “Елм” нашриёти

директори (1998 й.дан) вазифаларида ишлаган. Ҳоз. XX аср Озарбайжон адти бўлими бўлими мудири. Филология фанлари доктори.

“Сўзнинг эстетик вазифаси” (1994), “Адабий-бад. тушунчанинг сарҳадлари” (2010), “Замонавий гуманитар тафаккур ва Озарбайжон адтунослиги” (2012) каби монографиялар муаллифи.

- ◆ *Alişanki Ş. Sozun estetik jaddası*. Bakı: Elm, 1994; Романтизм. Споры и истины. Баку: Элм, 2000; Ədəbi-bədii düşüncənin sərhədləri. Bakı: Sabah, 2010; Müasir humanitar təfəkkür və Azərbaycan ədəbiyyatşünaslığı. Bakı: Elm, 2012.
- Türk Dünyası Edebiyatçıları Ansiklopedisi. Ankara, 2002. 1. Cild. S.313.

АЛИШЕР НАВОЙ (1441/9.II–1501/3.I) – улуғ ӯзбек шоири, мутафаккири ва давлат арбоби. Тўлиқ номи: Мир Алишер Гиёсиддин ўғли, тахаллуслари: Навоий, Фоний; нисбалари: Низомиддин – диннинг низоми, Шамсу-л-миллат – миллат қўёши. Отаси Гиёсиддин Мухаммад Баҳодир (лакаби Кичкина) Абулқосим Бобур саройида хизмат килган, Сабзвор ш. ҳокими; опаси амирзода Шайх Абу Саййид Чантийнинг кизи; бобоси Умаршайх б. Амир Темур Кўрагон билан эмиқдош (кўкалдош) бўлган.

Ҳаёти ва ижодининг мањбалари. А.Н. ҳаёти ва ижоди маълумот берувчи бирламчи маңба ӯзининг асарлари булиб, “Вақфия”, “Муншаот”да ӯз фаолияти хусусида сўз юритган, “Хамса”, “Хазойину-л-маоний”да шахсий ҳаёти, “Муҳокамату-л-лугатайн”, “Хамсату-л-мутаҳайирин”, “Холоти Саййид Ҳасан Ардашер”, “Мажолису-н-нафоис”да айрим асарларининг ёзилиши билан боғлик ижодий жараён қирралари акс этган. А.Н. ижоди б-н шуғулланувчилар учун бу асарлар беназир маңба хисобланади. А.Н. даврида яшаб, буюк шоир б-н мулокотга киришган олим ва адилар: Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкирату-ш-шуаро” (“Шоиrlар тазкираси”), Жомийнинг “Баҳористон”, “Хафт авранг” (“Етти тахт”), Восифийнинг “Бадойеъу-л-вакоэй” (“Гузал воқеалар”), Ҳусайн Бойқаронинг “Рисола”; Мирхонднинг “Равзату-с-сафо” (“Софлик боғи”), Бобурнинг “Бобурнома”, Мирзо Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий”, Ҳондамирнинг “Макориму-л-ахлок” каби асарларида тарихий воқеалар б-н боғлик ҳолда шоир фаолияти ёритилган. А.Н.дан кейин шоирнинг яқин замондошлари ва тазкиранавислар Саҳиб Бейнинг “Хаигт беҳишт”, Латифийнинг “Тазкираи шуаро”, Лутф Алибек Озарнинг “Оташкада”, Сом Мирzonинг “Тұхфаи Сомий”, Ризокулихон Ҳидоятнинг “Мажмау-л-фусахо” (“Фасихлар тұплами”), Фахрий Ҳиравийнинг “Латофатнома” каби асарларида шоир ижодидан намуналар келтирилиб, уларга юксак баҳо берилган.

А.Н. асарларини ўрганиш, уларда баён қилишган мұхташам ва мұраккаб маъно сирларини англаш учун “Бадойеъу-л-лугат”, “Луғати Навоий”, Алойи б. Муҳибий “Ал-лугату-н-Навоият в-ал-истиҳодату-л-чиғатоият” (“Навоий лугати ва чигатой тили далиллари”, 1560), Мирзо Маҳдиҳон “Мабону-л-лугат” (“Луғат пойдевори”, XVIII), Фатх Али Кожарий “Луготи атрокия” (“Түрклар лугати”, XIX), Мухаммад Ҳоксөр “Мунтахабу-л-лугат” (“Танланган лугатлар”, 1798”), Шайх Сулаймон Бухорийнинг “Лугати

чигатоин ва турки усмоний” каби лугатлар тузилган. Бу лугатларда ҳам А.Н. хаёти ва ижодини ўрганиш учун мухим маълумотлар сакланган.

Хаёти ва фаолияти. А.Н. темурийзодалардан бири Ҳусайн Бойқаро б-н бирга тарбияланган. 4 ёнида мактабга борган, турк, форс ва араб т.ларини мукаммал эгаллаган. Ҳирот, Машҳад ва Самарқанд (1465-69)да таҳсил курган. Ҳожа Юсуф Андижонийдан мусиқа илмини ўрганган. Ироқнинг Тафт (1449), Эроннинг Машҳад (1457) ш.да яшаган, Ҳиротда Абулкосим Бобур саройида хизмат килган. Ҳусайн Бойқаро таҳтта чиққач, мұхрдор (1469-72), бош вазир (1472-76), Астробод ҳокими (1487-88) каби лавозимларда ишлаган. А.Н. саройдалик пайтида ҳалқ фаровонлиги ва осойишталиги учун курашган, бош вазир вазифасини эгаллаган пайтда бошқа мамлакат б-н уруш олиб борилмаган. Ўз маблағлари хисобидан «Ихлосия», «Низомия» (Ҳиротда), «Хусравия» (Марвда) мадрасалари, «Дору-л-хуффоз» хайрия биноси (Машҳадда), 40 работ, 17 масжид, 10 хонакоҳ (жумладан, “Халосия”), «Шифоия» табобатхонаси, 9 ҳаммом, 9 кўпrik, 20 га яқин ҳовуз курган ва таъмиrlаган.

Отаси иштирок этган шоир ва олимлар давраларига жуда эрта катнаша бошлиған. 3-4 ёшида форс шоири Қосим Анворнинг мураккаб байтларини ёд билган, Фаридиддин Атторнинг “Мантиқу-т-тайр” асарини жуда эрта ўрганишга киришган. Болалик ва ёшлиқ даврида замонасининг машхур кишилари Шарафиддин Али Яздий, Камол Турбатий, Лутфий эътирофиға сазовор бўлган. А.Н. 7-8 ёшидан шеърлар ёзган. Жомий, Пахлавон Муҳаммад ва Сайид Ҳасан Ардашер каби улуғ шоир ва мутасавифлар б-н дустлашган. Ҳирот адабий муҳитида Шайхим Сухайлий, Ҳожа Осафий, Камолиддин Биноий каби шоирлар. Ҳасан Ноий, Ҳожа Абдуллоҳ Марворий, Кулмуҳаммад Удий, Шоҳкули Фижжакий каби созандалар, Мирхонд, Ҳондамир каби тарихчилар, Султонали Машҳадий, Абдужамил Котиб, Ҳожа Ҳофиз Муҳаммад, Султонали Коиний, Муҳаммад Ҳандон, Мавлоно Ҳижроний каби котиблар, Мирак, Беҳзод сингари рассомлар б-н фаол ижодий ҳамкорликда бўлган, айримларига ҳомийлик ва раҳнамолик килган.

1500 й. охиirlарида вафот этган. Қабри Ҳирот ш. марказида.

- Мир-Али-Шир. Сб. Л., 1928; Родоначальник узбекской лит.-ры. Сб. Т., 1940; Алишер Навои. Сб. М.-Л., 1946; Шарафиддинов О. Алишер Навоий. Ҳаёти ва ижоди. Т., 1948; Гиёсиддин Ҳондамир. Макориму-л-ахлок. Т., 1948, 1967; Бертельс Е.Э. Навои. Опыт творческой биографии. М.-Л., 1948; Изб. труды, т.4. Навои и Джами. М., 1965; Абдуллаев В. Навоий Самарқандда. Т., 1968; Ғаниева С. Алишер Навоий. Т.: Фан, 1968; Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бустони. Т., 1981; Навоий замонидоплари хотирасила. Т., 1985; Қаюмов А. Алишер Навоий. Т.: Камалак, 1991; Togan A.Z.V. Ali Şir Beg / Islam Ansiklopedisi. 2-cild. İstanbul, 1993. S.349-357; Ҳайтметов А. Темурийлар даври ад-ти. Т., 1996; Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий. Манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. Т.: Akademnashr, 2011.

Ижодий мероси адабий-бадиий ва илмий асарлардан иборат. Адабий мероси 8 десон, 6 достон, бир канча насрый асарлар; илмий мероси филологик, фалсафий, тасаввуфий, иктисидий ва тарихий асарларни ташкил киласди.

~ лирик меросининг асосий кисми ўзбек т.да, бир девон ва бир неча қасидалари форс т.да. Ўзбек т.даги шеърияти 10–12 ёшларидан умрининг охирига қадар ёзган асарларини қамраган ва мухлислари томонидан "Девон" холида кўчирилган (1465–66), у илмда "Илк девон" номи билан машхур. "Бадойиу-л-бидоя" ("Гузалликнинг бошланиши", 1470–76), "Наводиру-н-нихоя" ("Нихоясиз нодирликлар", 1476–86) каби икки девони шоир томонидан тузилган. Бу девонлардаги шеърлар ҳам кейинрок мукаммал ҳолда яратилган «Хазойину-л-маоний» номли 4 девондан ўрин олган. Бу девонларда умумий ҳажми 45 минг мисрага яқин 2600 газал (хар девонда 650 тадан), 210 қитъя, 133 рубойй, 86 фард, 52 муаммо, 13 туюқ, 10 мухаммас, 10 чистон, 5 мусаддас, 4 таржеъбанд, 4 мустазод, 1 мусамман, 1 таркиббанд, 1 қасида, 1 маснавий, 1 сокийнома каби 16 жанрларда ёзилган шеърий асарлар жамланган.

15 ёшила шоир сифатида кенг танилган А.Н.га шоир мухиблари девон тузишни таклиф қилгандарида у камтарлик қилиб, бунга рози бўлмаган ва ихлосмандлар томонидан тузилган "Илк девон" Султонали Машҳадий томонидан кўчирилган булиб, унда 434 шеър жамланган. "Бадойеъ ул-бидоя" Ҳусайн Бойкаро таклифи б-н 1469 й.дан сунг тузилган. Девонда араб алифбосидаги 28 ҳарф б-н эмас, балки форс-турк ёзувида кўлланилаётган 32 ҳарф билан тугалланган 11 жанрга оид 1046 та шеър мавжуд. Девондан 777 газал, 3 мустазод, 5 мухаммас, 2 мусаддас, 3 таржиъбанд, 46 қитъя, 85 рубойй, 10 лугз, 52 муаммо, 10 туюқ ва 53 фард ўрин олган. А.Н. ўз кўли б-н тартиб берган "Наводир ун-ниҳоя" ("Нихоясиз нодирликлар", 1480–87) Абдужамил котиб ва Султон Али Машҳадий томонидан кўчирилган, десон ҳажм жихатидан туркий девонларнинг энг йириги, 862 шеърни ўзида бирлаштиради. Бошқатаридан фарқли ӯларок, "Наводиру-н-ниҳоя" факат газаллардан таркиб топган.

Ҳусайн Бойкаро даъвати билан тузилган "Хазойину-л-маоний" (Мъянолар ҳазинаси", 1492–98) умр фаслларига киёсан турт девон: "Фаройибу-с-сигар" ("Болалик гаройиботлари"), "Наводиру-ш-шабоб" ("Ийитлик нодирликлари"), "Бадойеъу-л-васат" ("Ўрта ёш гузалликлари") ва "Фавойиду-л-кибар" ("Кексалик фойдалари")дан иборат. Бу назмий куллиётта кирган девонлар ҳажм ва таркиб жихатидан ўзаро кескин фарқ килмайди. Барча девонларда газал, мустазод, мусаддас, таржиъбанд в.б. жанрлардаги шеърлар ўзаро тенг нисбатда келади. Куллиётдан ўрин олган лирик жанрлардаги барча назм шакллари юксак маҳорат б-н ёзилган булиб, жанр талабларига мос келади ва уларнинг поэтик имкониятларини кенгайтиришга ҳам хизмат киласди. Куллиётдаги жанрлар таснифида газал аввал туради. А.Н. газаллари, асосан, 7–13 байтли. А.Н.нинг ишқий-ирфоний,

фалсафий-ахлойи мазмунли, ҳаёт нафаси уфуриб турган ҳар бир газали бу жанрнинг үлмас намуналаридир. Шунинг учун ҳам А.Н.ни “Газал мулкининг султони” (М.Шайхзода) деб атайдилар. *Мусаммат* шаклларида 10 та мухаммас ёзилган бўлиб, улардан 4 таси ўз газалларига, 3 таси Лутфийга боғланган тахмис, колганлари табъи худ (мустакил) мухаммаслардир. Мусаддаслар 5 та, ундан 2 таси мустакил ва яна 2 таси Лутфий ва битта Ҳусайнин ғазалига боғланган тасдисдан иборат. Девонларда биргина мусамман бор, бу жанр А.Н.гача туркий шеъриятда учрамайди. Кўринадики, А.Н. мусамматларида назмий жанрлар имкониятларини кенгайтирган, узига замондош бўлган шоирлар ижодига ҳам тахмис ва таедислар воситасида муносабат билдириган. Шоир “Ҳазойину-л-маоний”да мустазод, таржиъбанд (4 та) ва таркиббанд (1 та) каби нисбатан мураккаб жанрларда ҳам шоир узининг бетакрор ва гўзал бадиий тафаккури ҳосилаларини намойиш килган. Куллиётдаги маснавий Сайид Ҳасан Ардашер номига шеърий мактуб тарзида ёзилган. “Ҳазойину-л-маоний”га касида “Хилолия” деб аталиб, у Султон Ҳусайн Бойқаронинг Ҳирот таҳтига чиқиши муносабати б-н ёзилган. А.Н. қитъалари (210 та) фалсафий мушоҳадаларга бойлиги, шоирнинг инсон ва борлик ҳакидаги назарий умумлашмалари ва ҳар бир китъя мазмунини тўлдирувчи тсрар фикрли сарлавҳалари б-н салафларидан фарқ қилади. Куллиётдаги рубоийлар (133 та, шундан 116 таси таронаи рубоий)нинг аксарияти ҳар тўрт мисраси ўзаро коғияланадиган рубоий хосса (ёки таронаи рубоий) бўлиб, улар одатда ҳазаж баҳрининг аҳраб ва аҳрам шажарасида ёзилади. А.Н.нинг ихчам, лекин ўта мураккаб жанрдаги асарлари уни нафакат туркий шеърият, балки форс ва араб шеъриятида ҳам бу жанр усталари каторига олиб чиқди. Куллиётдан ўрин олган лирик жанрлар муаммо (52 та), туюқ, фард (86 та) каби кичик жанрларда катта маъно ифодаланиши, поэтик санъаткорликнинг юқорилиги б-н ажralиб туради. Куллиёт ниҳоясида келтирилган ушбу байт

*Мурувват барча бермакдур, емак йўқ,
Футувват барча қилмакдур, демак йўқ.*

А.Н. тасаввуфий карашларининг ихчам ифодаси бўлиб, инсон қалбининг илоҳий ишқ б-н йўғрилиши натижасида тозариши, покизаланиши уни комилликка элтувчи мухим йўллардан экани уқтирилган.

А.Н. форсча шеърлари асосида тузилган “Девони Фоний” номли куллиёти газал, мусаддас, таркиббанд, рубоий, китъя, тарих, муаммо, касида, лугз каби жанрлардан ташкил тоғган. Унда жами 1131 шеър бор, умумий миқдори 12 минг мисрадан ортик. «Девони Фоний»да, асосан, мухтареъ (ихтиро; бевосита мустакил, яъни татаббуть (ўхшатма) қилинмай ёзилган) шеърлар б-н бир каторда буюк форсийзабон шоирлар Амир Хисрав Дехлавий (Мир), Ҳофиз Шерозий (Хожа), Муслиҳиддин Саъдий Шерозий (Шайх), Котибий, Ҳожа Салмон, Камол Ҳужандий (Хожа Камол), Ҳасан Дехлавий (Хожа Ҳасан)ларга татаббуть тарзида ёзилган газаллар ҳам бор. Шунингдек, девонга “Ситтаи зарурия” (“Олти зарурат”) ва “Фусули арбаа” (“Турт фасл”) номли касидалар мажмуаси, Жомий вафотига ёзилган марсиялар ҳам киритилган.

«Девони Фоний» А.Н. учун туркий ва форсий шеърият баравар ижод майдони бўлгани, бу т.да ҳам шоир ўз салафларига муносаб ва замондошлари ҳавас килган даражадаги асарлар битиб, форсий шеърият ривожига ҳам улкан хисса қушди.

♦ Алишер Навоий. Танланган асарлар. Уч жилд. 1-ж. Т., 1948; Асарлар / Үн беш томлик. 1-5 ж. Т.: Фан, 1963-65; Мукаммал асарлар тўплами. 1-6 ж. Т.: Фан, Т.1-20. 1986-2002; Навои. Лирика. М., 1948; Стихотворения и поэмы. М., 1965; Соч. Т.1-10. Т.1-4. Т., 1968-70; Стихотворения и поэмы. Л., 1982; Избр. СПб, 1996; Асарлар. Үн жилдлик. 1-5 ж. Т.: F.Гулом номидаги нашр., 2011.

♦ Фитрат. Навоининг форсий шоирлиги ва унинг форсий десвони тўғрисида // Маориф ва ўқитучи. 1925. 12-сон. Кайта нашри: Фитрат. Асарлар. 2-ж. Т.: Маънавият. 2000. Б. 5-11; Захидов В. Мир идея и образов Алишера Навои. Т.: Гослитиздат, 1961; Султон И. Навоининг калб дафтари. Т., 1969; Захидов В. Улуг шоир ижодининг калби. Т., 1970; Маллаев Н. Алишер Навоий ва ҳалиқ ижодиёти. Т., 1974; Рустамов А. Навоининг бадиий маҳорати. Т., 1979; Самарқандий Д. Шоирлар бўстоши. Т., 1981; Ҳакқұл. И. Тасаввуф ва шеърият. Т.: F. Гулом номидаги нашр., 1991; Жумахұжа Н. Сатрлар силсиласидаги сехр. Т.: Уқитувчи, 1996.

~ эпик асарларини ташкил килган буюк "Хамса", "Лисону-т-тайр" достони, нафақат ўзбек ёки туркий ад-тда аҳамиятли, балки жаҳон ад-ти ҳазинасига муносаб улуш бўлиб күшилган. Араб ва форс ад-ти ўз ҳамсачилик анъясига эга. Ҳамсанавислик жиддий анъанага айланган Ҳирот адабий мухитида 20 га яқин ижодкор тўлиқ ёки нотулиқ ҳамса ёзган бўлсада, улар орасида Жомий достонлари ва А.Н.нинг туркий ҳамсасигина Низомий ва Ҳусрав Дехлавий асарлари каторида жаҳон ад-тига кира олди. "Хамса"нинг ҳар бир достони мантиқан ўзаро мустаҳкам боғланган яхлит маърифий эпонеядир. А.Н. «Хамса» беш достондан иборат бўлиб, булар «Ҳайрату-л-аброр» («Ҳашилар ҳайрати», 1483), «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъайи сайёр» («Етти сайёра»), «Сади Искандарий» («Искандар девори»)дир. 52 минг байтни ўз ичига олган бу бешлик илоҳий саодат туфайли яратилган реал борлик, унинг мавжудлик шакли табиат, махлукотлар гултожиси бўлган инсон, унинг жамият ва мамлакатларо ахлоқий сифатлари, маънавий баркамоллик йўлидаги харакатлари бу комусий бешликдан ўрин олган.

Буюк бешликнинг илк достони "Ҳайрату-л-аброр", тасаввуфда аброр мақомини олган кишиларнинг Яраттанинг кодир кудрати олдида ҳайратлари, инсоннинг турли тоифалари ҳакидаги фалсафий хulosаларидан иборат. А.Н. 63 бобда 20 мақолат ва 20 хикоят оркали баён килинган фикрлар 3988 байтда ўз мужассамини топган. Достон эпик асарлар учун ноанъанавий бўлган сариъ баҳри (сариъ мусаддаси матвийи макшуз)да ёзилган.

А.Н. "Хамса"сидаги иккинчи достон "Фарҳод ва Ширин" (1484)дир. Навоийгача бу мавзу "Ҳусрав ва Ширин" сюжети оркали машҳур бўлган. 54 боб, 5782 байтдан иборат достон ҳазаж баҳри (ҳазажи мусаддаси махзуз)да ёзилган. Достонда бош қаҳрамон сифатида Фарҳоднинг белгиланиши А.Н. идеалларига мос равишда комил инсон тимсолининг эпик шеъриятдаги

талқипи б-н боғланади. Комиллик эса соликнинг илохий ишк йўли орқали утилади. Шоир Фарҳодни илохий ишқ мангулик султонига айлантириди ва у Ҳакикат мулки султонига айланганини кўрсатади:

*Бақо шаҳрида султонлиққа етти,
Ҳакиқат мулкида хонлиққа етти.*

“Лайли ва Мажнун” достони арузнинг ҳазаж (ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф) баҳрида ёзилган. “Лайли ва Мажнун” сюжети араб ва форс ад-тида дард ва ишкнинг ғамгин талқини сифатида кўринган бўлса, А.Н. асар қаҳрамонларини илохий мухаббат йўлида кўрсатиб, ишқизлиқни бебахтлик деб хисоблайди. Шоир ишқни мисни олтинга айлантирувчи кимёга ва жаҳонни акс эттирувчи ойинаи жаҳоннамона қисслаш орқали инсон хаётининг моҳиятини ишк б-н ишкланмоқдан иборат деб билади.

“Сабъа сайёр” “Хамса”нинг тўртингчи достони (38 боб, 5009 байт) булиб, хафиғ (хафиғи мусаддаси солими маҳбуни маҳзуф) баҳрида ёзилган. Асар муқаддимаси ва Хотимасидаги байтлар унинг моҳиятини очишга ёрдам беради; асар мундарижасида стиликлар: етти сайёра, етти сайёх, етги каср, етга ранг, етти кун (тун), етти мусика, етти мақом каби нисбатда кўрсатилиб, эллиқдан ортиқ хикояларни Баҳром ва Дилором ҳакидаги туташтирувчи сюжет орқали боғланади.

“Хамса”нинг якунловчи достони Искандар Зулкарнайн номи б-н боғлик. Низомий (“Искандарнома”), Ҳусрав Дежлавий (“Ойинайи Искандарий”), Абдураҳмон Жомий (“Хирадномайи Искандарий”) достонларидан фарқи равишда А.Н. ўз асарини “Садди Искандарий” (89 боб ва 7215 байт) деб атади. Бу б-н эътиборни шоҳ Искандар тарихи эмас, балки адолат тимсоли ва унинг дунё тарихидаги ўрни масаласига қаратди. Искандар жаҳондаги кўп мамлакатларни қўлга олгач, шимол сафарида ҳалкини яъжуҷ-маъжуҷлардан саклаш учун девор (садд) курдиради. Мана шу рамзий маънодаги девор инсонни ўз яъжуҷлари, яъни нафс балосидан саклайди. Жаҳон фотихи очик кўл билан дунёдан кетаётгани ана шунга ишора.

“Лисону-т-тайр” (1499) достони рамал баҳрида ёзилган бўлиб, 193 боб, 3666 байтдан иборат. Асарда шоир инсоннинг комиллик зиналаридан юкори элтувучи тасаввуфий мақомларни водий-маскан тарзида, соликларни эса күшлар рамзида тасвирлайди. Достон сўнгига күшларнинг ўзи (симурғ – ўттиз күш) афсонавий Семурғга айланиши, инсонни етуклик йўлида Илоҳ б-н кўшилишига ва ягона мутлақ Ҳаққа айланишига ишоради.

◆ *Aliser Navaiy. Xamsa. Т., 1940; Алишер Навоий. Танланган асарлар. Уч жилд. 2-3 ж. Т., 1948; Хамса / Нашрга тайёрл. П.Шамсисев. Т., 1960; Асарлар / Ўн беш томлиқ. 6-10. ж. Т.: Фан, 1964-66; Муқаммат асарлар тўплами. 7-12 ж. Т.: Фан, 1986-2002; Навоий. Лирика. М., 1948; Стихотворения и поэмы. М., 1965; Соч. Т.1-10. Т.1-4. Т., 1968-70; Стихотворения и поэмы. Л., 1982; Избр. СПб, 1996; Асарлар. Ўн жилдлик. 6-8 ж. Т.: F.Улом помидаги нашр., 2011; Язык птиц // Суфии. Восхождение к истине. М., 2007.*

• *Фитрат. “Фарҳоду Ширин” достони тўғрисида // Аланга. 1930. 1-2 сон. Қайта нашри: Асарлар. 2-ж. Т.: Маннавият, 2000. Б.105-134; Жалолов Т. “Хамса” талқинлари. Т.: Ўзабабиша, 1960; Ойбек Навоий гулшани. Т.: 1967; Алишер Навоий “Хамса”си / Маколалар тўплами. Т.: Фан, 1970; Аҳмедов Т. Навоийнинг “Лайли ва*

Мажнун” достони. Т.: ЎзФА, 1970; Эркинов С. Навоий “Фарход ва Ширин” и ва унинг киёсий таҳлили. Т.: Фан, 1971; Нарзуллаева С. Тема “Лейли и Меджнун” в истории литературы народов Советского востока. Т.: Фан, 1983; Ҳасанов С. Навоийнинг етти тухфаси. Т.: F. Гулом номидаги нашр., 1991; Абдуғафуров А. Буюк бешлик сирлари. Т., 1995; Комилов Н. Ҳизр чашмаси. Т., 2007; Қаюмов А. “Ҳайрату-л-аббор” талкини, “Фарход ва Ширин”, “Лейли ва Мажнун”, Етти саёҳатчи, “Сади Искандарий” / Асарлар. Ўн жилдлик. I-2 ж. Т., 2008; Юсупова Д. Алишер Навоий “Ҳамса”сида мазмун ва ритмнинг бад. уйгунлиги. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2011.

~ **насрый асарлари** А.Н. умрининг сўнгти ўн йили давомида яратилган. Насрга кўл уриши ўз даврида хукмон бўлган назмнинг устуворлиги билан ҳам изоҳланади. А.Н. даҳо санъаткор сифатида бадиий наср имкониятларини, унинг реал хаёт мазмунини кенг ва чукур ифодалашга қулиялигини тушунди.

Насрий асарлари орасида йириги ва ижтимоий-фалсафий масалалар камровига кўра кенг мавзулиги «Махбубу-л-кулуб» (“Кўнгиллар севгани”, 1500)дир. Асарда дастлаб турли табака вакиллари хусусида, сўнгра инсондаги гўзал ва хунук сифатлар баёнида сўз юритилган, эзгулик йўлида чорлаб, панд ва танбеҳларга ўрин берган. Эзгуликни улуғлаб, қабихликни рад этиш, юксак ахлоқий идеал йўлида хикмат ва макол келтириш б-н баёнда аниклик ва ихчамликка эришиш, хикоят ва шеърий намуналар омухталиги асарга хос хусусиятдир. А.Н. ёзишича, «...максуд буким, ҳар куй ва кучада югурубмен, ва яхши-ямоннинг афъолин билибмен ва ямону яхши хислатларни тажриба килибмен... Бу навъ асҳоб ва аҳбобға интибоҳ ва аларни бу навъ ҳолатдин огоҳ қилмоқ вожиб кўрунди”.

А.Н. насрый асарларининг бир кисми ёднома-мемуар характерда бўлиб, даврининг маданий-маърифий ҳаётида рол ўйнаган адаб ва алломаларга багишланган. “Ҳамсату-л-мутахайирин” (“Беш ҳайрат”, 1993-94) Жомийга багишланган ёднома бўлиб, “Нуран маҳдум” деб тавсифланган устоз б-н бўлган мулокотлар, воқеалар баёнида мактублардан мисоллар келтирилган, шунингдек, асарда Жомий асарларининг рўйхати берилганки, бу жиҳатдан у ҳам илмий, ҳам бадиий-ахлоқий аҳамиятга эга. “Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер” – устози ва дўсти, комил инсон дея шарафланган Сайид Ҳасан Ардашерга бағишлиланган бўлса, “Ҳолоти Пахлавон Муҳаммад” (1993-94) “шамсу-л-миллат” деб улуғланган Пахлавон Муҳаммад ҳақида.

♦ Алишер Навоий. Асарлар / Ўн беш томлик. ж.13-14, Т.: Фан, 1966-67; Муқаммал асарлар тўплами. 13-16 ж. Т.: Фан, 1997-2000; Асарлар. Ўн жилдлик. 9-10 ж. Т.: F.Гулом номидаги нашр., 2011;

• Воҳидов Р. Навоийнинг икки дурдонаси. Т.: Фан, 1992; Ҳайитов Ш. “Махбуб ул-клуб”да тасаввифий жилолар. Т.: Фан, 1996; Fаниева С. Навоий насли нафосати. Т., 2000.

~ **ирфоний-фалсафий асарлари.** А.Н. адабий меросининг муайян кисми шеърий ва насрый йўлда битилган диний-тасаввуфий, ирфоний-фалсафий асарларни ташкил киласи. Чунки Ҳазрат Навоий буюк мутафаккир сифатида дин тарихи ва фалсафаси, шариат аҳкомлари ва қоидалари ҳакида фикр юритмаслиги, улуғ дин арбоблари асарларига юзланмаслиги мумкин эмас

эди. Шу жихатдан "Сирожу-л-муслимин" ("Мусулмонлар нури", 1499/1500) 197 байтли маснавий булиб, шариат конун-коидалари, ислом рукилари ва ахкомларига бағишенгандан. Шунингдек, мусулмон адиллари орасида айрим хадислар мазмунини шеърга солиш, машхур хадисларга шарҳлар ёзиш анъанаси мавжудки, "Арбаъин" ("Кирк хадис") асари ана шу анъана рухида ёзилган.

"Назму-л-жавоҳир" ("Назмдаги гавҳарлар", 1485) асарида хулафои рошидин (асл халифалар)нинг сўнгиси Ҳазрат Алиниңг "Насру-л-луволи" ("Насрдаги дурлар") номли ҳикматлар тўпламига кирган ҳар бир ҳикмат ёки иборага таронаи рубойи тарзида бадиий шарҳ битган. Насрий мукаддима ва 265 рубоидан иборат бу тўплам ирфоний мазмунни гўзал тўртлик гарзида бад. мукаммал ифодалагани б-н кадрлидир.

Шарқ ислом ад-тида Робиа ал-Адавиядан бошланган, Яратганга илтижо тарзида битилган шеърий ва наслий муножот жанри шаклланган. Муножот ўз катъий шеър шаклига эга бўлмагани учун ғазал-муножот, рубойи-муножот, маснавий-муножот в.б. шаклларда ифодаланганки, А.Н.нинг шеърий муножотлари шоирнинг девонлари ва достонлари таркибида учрайди. Бирок "Муножот" сарлавҳали наслий (айрим сатрлари сажъли) асари ҳам борки, у мазмун теранлиги, Яратган олдида нафакат муаллифнинг, балки барча яралмишларнинг дил розига айланган илтижо, ёзғуриш жихати б-н ажralиб туради ва Шарқ ад-тида муножот жанрининг мумтоз намунаси сифатида ўзидан кейинги ижодкорларга намуна бўлиб хизмат килади.

- ♦ Алишер Навоий. Асарлар / Ўн беш томлик. ж.15. Т.: Фан, 1968; Мукаммал асарлар тўплами. 18-ж. Т.: Фан, 1986-2002; Асарлар. Ўн жилдлик. 10-ж. Т.: F.Гулом номидаги нашр., 2011;

- Зоҳидов В. Улуг шоир ижодининг калби. Т.: Ўзбекистон, 1970; Олии С. Накибанд ва Навоий. Т.: Ўқитувчи, 1996; Комилов Н.Хизр чашмаси . Т.: Маънавият , 2005.

— шимий меросини филологик, фалсафий-тасаввуфий, иқтисод ва тарихга оид асарлар ташкил килади.

Филологик асарлари тилшунослик ва ад-тишунослик йўналишида булиб, тилшуносликка оид асарлари орқали А.Н. илк бор типологик лингвистикага асос солган. "Муҳокамату-л-лугатайн" ("Икки тил муҳокамаси", 1499) асарида турк ва форс т.ларини ўзаро киёслаб, турк (ўзбек) т.нинг устулиги, унинг поэтик имкониятлари кенглигини ҳам назарий жихатдан, ҳам амалдаги ёркин мисоллар б-н исботлаб берган. Форс т.да мудодил (эквивалент)и бўлмаган 100 та туркий феъл келтириб, улардаги маъно фарқларини англатган. Турк т.да тажнис (шаклдошлиқ) сўзлар кўплиги учун ҳам туюк жанри факат туркий т.га хос эканини далиллаган. "Сабъат абхур" ("Етти дengiz") номли мумтоз араб (Куръон) т.нинг изохли лугатини тузган, унда араб алифбоси асосида 28 боб, ҳар бир боб эса 28 фаслларга бўлинган. Бобларда сўз ўзагининг охирги, фаслларда эса сўз ўзагининг биринчи харфларига эътибор каратилган. Асар 2712 лугат-мақоладан иборат.

Адабиётшиуносликка оид асарлари рисола ва тазкиралардан иборат. А.Н. аруз назарияси ва амалисти хусусида "Мезону-л-авzon" ("Вазнлар ўлчови",

1492) асарини ёзган. Рисолада аруз илмида мавжуд булган анъанавий етти доира, 19 баҳр, 160 вазн ҳакида маълумот берилган булиб, ҳар бир вазн ва вазн ўзгаришларига туркий шеъриятдан (айрим үринларда форсча шеърлардан) мисоллар келтирилган. Шарқ ад-тшунослигига муаммо илми анча мураккаб булиб, бу илмга оид туркий рисолалар (Шайх Ахмад Тарозий асарининг сунгти қисми) бизгача етиб келмагани, А.Н. даврида эса бундай рисола йўклиги туфайли “Муфрадот” асари (1485) форс т.да битилган. Рисолада 500 га яқин муаммо келтирилиб, уларнинг асоси, 15 амал таъриф ва коидалари ва ечим йўллари баён қилинган.

Шарқ ад-тшунослигининг асосий жанрларидан бири тазкира булиб, унинг бир неча тури мавжуд. Энг қўп тарқалганлари шоир (тазкурагу-ш-шуаро) ва валийлар (тазкирату-л-авлиё) тазкираларирид. А.Н. ҳар икки жанрнинг туркий ад-тда асосчилариридан хисобланади. “Мажолису-н-нафоис” (“Нафис мажлислар”, 1491–98) асарида XV асрда Марказий ва Кичик Осиёда яшаб, ижод килган 459 шоир ҳакида маълумот беради, уларнинг ижодларидан намуналар келтириб, замонининг адабий месонлари асосида баҳолайди. Саккиз мажлис гартибида тузилган тазкирада, шоирдан аввал яшаган ва у куришга мұяссар бўла олмаган (1); болалик ва йигитлик даврида куришишга эришган (2); замонининг машҳур шоирлари (3); замон фозиллари, яъни шеърда машҳур бўлмаса-да, латиф сўз айтувчилар (4); ижодкор амирзодалар (5); Хуросондан ташкари (асосан, Мовароуннахр ва қисман, Кичик Осиёда яшаётган шоирлар (6); Амир Темур ва темурийзодалардан чикқан ижодкорлар (7); Ҳусайн Бойкаро ижоди ҳакидаги сўз (8) б-н асар нихоясига етган.

“Насойиму-л-мухабbat мин шамойиму-л-футувват” (“Улуглик хушбуйликларини таратувчи муҳабbat шабадалари”, 1495–96) номли асари валийлар тазкираси булиб, Фаридиддин Атторнинг “Тазкирату-лавлис”, Жомийпинг “Нафаҳоту-л-унс...” (“...Дўстлик таровати”) асарларига муносабат билдириб ёзилган. Жомий асарида 618 шайх, валий ва мутасавифлар ҳакида сўз юритилса, А.Н. асарида уларнинг миқдори 770 та булиб, туркий шайх ва суфийлар, Жомийдан кейин яшаган валий ва валиалар ҳакида ҳам маълумотлар берилиб, уларнинг шайхлик мақоми, тарикатдаги үрни, сулук йўли ва ирфоний сифатлари баён қилинган. Асар Фарид Шакарганж китобида зикр этилган суфийлар ва Ахмад Яссавийдан тортиб Навоий давригача яшаган машҳур турк машойихлари ҳакидаги маълумотлар билан тўлдирилган. Бу тазкира фалсафий-тасаввуфий руҳдаги асарлари б-н ҳам уйғун келади.

Булардан ташкари, А.Н.нинг “Хазойину-л-маоний” (“Маънолар ҳазинаси”) иниш дебочасида, “Хамса”нинг мукаддимасида, “Мухокамату-л-луғатай”, “Лисону-т-тайр” асарларида ҳам ад-тнинг назарий жиҳатларини ўрганишга ва ўзининг адабий-эстетик қарашларини ифода килишга интилиш булган.

Тарихга оид асарлар икки турли бўлиб, бири муқаддас тарих ҳисобланган диний тарих хусусида, иккинчиси шохлардан тортиб оддий фукарогача бўлган давлатчилик ва фукаролик тарихига бағишиланган асарлардир. Ислом шарки тарихчилигида ҳар икки жихат бирлашиб, ҳар кандай тарихда Одам (а.с.)дан тортиб набийи охирзмон бўлган Мухаммад (с.а.в.)гача Пайгамбарлик тарихи, сўнгра валий ва ҳакимлар (донишмандлар), шох ва амирлар ҳамда фукаролик тарихи баён килинган. А.Н. тарихий асарларида ҳам мана шу тамойил устувор (“Мухокамату-л-лугатайн”да бу тарих китоблари “Зубдату-т-таворих” (“Тарихлар сараси”) номи билан т.га олингани бежиз эмас). “Тарихи анбиё ва ҳукамо” (“Пайғамбарлар ва ҳакимлар тарихи”, 1485-1498) асарида пайгамбарлар ва донишмандлар (13) тарихи ҳикоя қилинган бўлса, “Тарихи мулуки Ажам” (“Ажам шоҳлари тарихи”, 1488)да 4 сулола: пешдодийлар, каёнийлар, ашконийлар, сосонийлар каби турт сулолага мансуб 60 дан ортиқ ҳукмдор тарихи баён килинган.

А.Н. дахоси кардош туркий ад-тларга, араб, форс ва бошқа ад-т вакиллари ижодига ўз таъсирини ўтказган. Улуғ шоир ижодидан баҳраманд бўлган, ўз миллатининг фахрига айланган Фузулий, Низорий, Собир, Махтумкули, Абай, Бердак, Абдулла Тўқай в.б. шоирлар унинг анъаналарини давом эттиридилар. А.Н. сиймоси ўзбек ад-тида Ойбекнинг «Навоий» (1944) романи, Уйгун ва Иззат Султоннинг «Алишер Навоий» (1945), «Алишер Навоий» кинофильми (Иzzat Sulton, Уйғун, В.Шкловский, А.Спешнев сценарий; реж. К.Ёрматов; 1948)да ўз аксини топди. А.Н. достонлари асосида «Фарҳод ва Ширин» мусикали драмаси (1937), «Лайли ва Мажнун» операси (1942), «Сұхайл ва Мехр» балети (1967), «Дилором» операси (1958), «Искандар» драмаси (1991) яратилган.

◆ Алишер Навоий. Асарлар / Ўн беш томлик. ж.12-13, Т.: Фан, 1966-67; Мукаммал асарлар туплами. 14-17 ж. Т.: Фан, 1986-2002; Асарлар. Ўн жилдлик. 9-10ж. Т.: F.Фуломномидаги нашр, 2011.

• Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий карашлари. Т., 1959; Воҳидов Р. “Мажолис ун-нафоис” таржималари. Т.: Фан, 1984; Ҳасанов Б. Алишер Навоийнинг “Сабъат абхур” лутати. Т.: Фан, 1981.

~ номидаги ДАВЛАТ АД-Т МУЗЕЙИ – к.: Ад-т музейи.

~ номидаги ТИЛ ва АД-Т ИНСТИТУТИ – к.: Тил ва ад-т ин-ти.

~ номидаги Ўз-н Миллий кутубхонаси – к.: Миллий кутубхона.

~ номидаги Ўз-н Республикаси Давлат мукофоти – мамлакатимизнинг бал. ижод соҳасидаги олий мукофоти. 1989 й. 13 сентябрда И.А.Каримов ташаббуси б-н таъсис этилган. Ўз-н маданий ҳастида катта воея бўлган, бал. жихатдан юксак, миллӣ қадриятлар хазинасини бойитган ёркин асарларга берилган. 1996 й.да мукофот ҳар уч й.да бир марта Мустакиллик байрами

арафасида топширилган. Мукофот ҳажми энг кам ойлик иш ҳақининг 200 баробари миқдорида белгиланган. Мукофот 1991 й.да Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чулпон, Абдурауф Фитрат каби ҳаётдан бевакт узилган улут адибларга ҳам берилган.

- Қодиров Б., Матяқубов Х. Ўз-н тарихидан изоҳли луғат. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2010. Б.13.

АЛИШОҲ ибн СУЛТОН ТАКАШ (в. 1210) – Малик Тожиддин Алишоҳ ануштегин-хоразмшоҳлар сулоласидан бўлиб, Алоиддин Такаш (1172–1200)нинг ўғли. У ҳақда тарих китобларида ва Авфийнинг “Лубобу-л-албоб” тазкирасида маълумот бор: “Унинг гўзал шеърлари бор.

Даҳшатли шерлар наърасидан ёки ғадор бўрилар таъкибидан қочган оҳу сингари қочиб, Ферузкуҳ хукмрони хузурига келди ва бу рубойни уша пайтлар ёзган эди, робой:

*Бар ман чу ҳама павбати гам мегузарад,
Шодий бибарам чу баҳт кам мегузарад.
Он руз ки буд давлати он рӯз гузашт,
Ва имрӯз ки меҳнат аст ҳам мегузарад.*

Мазмуни:

*Шодлик ва баҳт ато этилди кам,
Умримга шерикдир ҳамиша гам.
Кеча эдим баҳтиёр, у ўтди,
Бугун азобу ранж, ўтар бу ҳам.*

- Бунёдов З. Марказий Осиёга доир тадқикотлар: Хоразмшоҳлар давлати. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2012. Б.60-89; Авфий М. Любоб ул-албоб. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2014. Б.352–353.

«Ал-АДАБ ал-МУФРАД» (“Адаб дурдоналари”) – Имом Бухорий асари (). Ҳадислар тўпламидан иборат бу мажмууда 1359 та ҳадис ва ҳабарлар 645 боб орқали берилган. Имом “А.ал-М” Имом Бухорийнинг асосий асари “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” (“Ишончли тўплам”)дан бир катор ҳусусиятлари б-н фарқ килади. Асар одоб ва ахлокка оид ҳадислар тўплами булиб, Хиндистон, Арабистон, Туркияда бир неча бор нашр килинган. Сайийд Сиддик Ҳасанхон томонидан урду т.га (1889), Жамил Фазгуллоҳ Жилоний томонидан турк т. (2005) тарж. килинган. “А.ал-М”ни ўзбек т.га Шамсиддин Бобохонов ва Нұймон Абдулмажид тарж. килган, шайх Мухаммад Содик ибн Мухаммад Юсуф шарх (тўрт жилд) ёзган.

- Имом Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад. Т.: Мовароуннаҳр, 2006.

Ал-АЗҲАР (арабча: ﷺ [фан тарихи] – Мисрдаги ал-Жомиъ ал-Азҳар ўқув юртлари мажмууси. А. ун-т, ўрта ўқув юртлари, масжид в.бларни ўз ичига олган ўқув муассасаси. Х асрда Қохирада фотимиийлар халифаси Муизз (953–975) даврида Азҳар масжиди (970–972) курилган. А. илмий маркази таркибиға Олий уламолар кенгаши (50 уламодан 30 таси мисрлик, 20 таси

хорижий олимлар), исломшунослик академияси киради. XI асрдан Куръон, ҳадис, фикх, мұмтоз араб т. ва балоғат илмлари үқитилған. 1961 й. қайта ташкил килиниб, А.ға вазирлик макоми берилған. Диний илмлар категорида дүнёвий фанлар үқитила бошлаган.

А. “Мажаллият ал-Азхар” журн. (1929 й.дан 1936 й.гача “Нурул-ислом”)ни нашр этади. А. кутубхонасида 50 мингдан ортик қад. құләзма сакланади. Үзбек олимлари Зиёвуддин Бобохон үғли, Шамсиддин Бобохонов, Абдуғани Абдуллаев, Юсуф Шокиров, Рахматуллох Идрисов, Шойимкори Шоисломов А. ун-тида үқишишган.

- Махмуд Абу-л-Уйун. Ал-Жомеъ ал-Азхар / Нұбза фи тарихи. Кохира, 1948; Ал-Азхар фи иснай ашара аман. Кохира, 1965; Ҳасанов А. Ал-Азхар / Үз-н Миллий энциклопедия. I-ж. Т.: ҮМЭДИН, 2000. Б.191.

«Ал-ИЗОХ» (1917/19.VI-1918/17.IV) – Үз-нда XX аср бошларыда нашр этилған журн. “Уламо” жамияты нашри, Тошкентда чыка бошлаган. Масъул мудири Ҳожи Абдұлмалик ибн Абдулнаби, бөш мух-ри Саид Ахрорхон муфти Абдулла маҳдум үғли.

Авлийеталик Мубапширхон ҳам маълум муддат бөш мух-рлиқ қилған. Журн.нинг дастлабки сонида “А.” мақсади “ислом дини ахқомини муҳофаза этмок ва тараккий ва тамалийсими сарфу ҳиммат айламок, фуқоройи исломга ахқоми динийай хусусида раҳбарлық этмок” эканлиги ёзилған. Шунингдек, “халкни разолат, залолатдан саклаб, унинг илм ва маориф йүлиға ва роҳати дунёвий ва саодати ухровийга йүлловчи, уларнинг диний-маърифий, ижтимоий-сиёсий ва миллий ишларга мутакаффил бир журнал” эканлигини маълум қилған. Журн. Тошкентдаги Ғулом Ориғон босмахонасида тошбосма усулида, араб алифбосига асосланған эски үзбек т.да 25x16,5 үлчамдагы көзозга босилған, ҳар бир сони 16-17 бетдан иборат. Шунга күра 31 та сонда умумий сахифалар сони 478 ни ташкил этади.

Журн.нинг фаол муаллифлари Шерали Лапин, Мулла Пирмуҳаммад аълам, Абдұмалик ҳожи Абдунабиев, Саид Ахрорхон Маҳдум, мулла Тошпұлат қори, Шамс Нажмий Андижоний, мулла Ниәз Алибек, мулла Корабой Тұракүргоний. Саид Ахмад Васлий Самарқандий, Ахмадхұжа, Мулла Ақмалхон, Камий, Сидикхұжа эшон, мулла Турсун Мұхаммад Туркистаний, мулла Исохон Аълам, Ахрорхон Абдулла үғли, Аловиддин Маҳзун сингари шахслар әдилар. Журн. нафакат диний, балқи миллий масалалар, шаръий құмлар, адабий парчалар б-н берилғанлығы жиҳатидан ажралиб туради. Мусулмонлар учун маърифий ҳам ижтимоий масалалар юзасидан берилған саволларға жавоб ҳам бериб борған. XX аср бошидаги вокеаларни шариат ва ислом ахқомлари нұқтаи назаридан баҳолаган.

“А.” шүролар ҳокимияти томонидан 1918 й. мартаға ёпиб қўйилған.

- Әиә Саид. Үзбек вақтли матбуютига материаллар / Танланған асарлар (нашр. Тайёрл. Ш.Турдис). Т.: Үзбекистон, 1974; Абдуазизова Н. Туркистан матбуюти тарихи. Т.: Академия, 2000. Б.197; Әустқораев Б. Үзбек журналистикаси тарихи. I-кисм. 1970-1917 / Дағыс. Т., Ғафур Ғулом нашр., 2009. Б. 302-306; Шодимонова С. Туркистан тарихи – матбуют кўзгусида (1870-1917 й.). Т.: Yangi nasr, 2011. 293 б.

«**Ал-ИСЛОХ**» (1914/14.І-1918/15.ІІ) – Ўз-нда XX аср бошларида нашр этилган журн. Тошкент уламоларини фикр тарқатувчиси сифатида Г.Я.Яковлев типографиясида чика бошлаган. Мух-ри Абдурахмон Содик ўғли (Содиков, таҳаллуси Сайҳ; (1879–1918). Таҳририят мух-ринг Шайхонтохур даҳасидаги ҳовлисида жойлашган. Таҳририятта Мунаввар қори яқиндан ёрдам берган. Дастваб 32 сахифа, кейинрок (1918 й.дан) 16 сахифа ҳолида нашр килинган. Журн. материаллари ўзб. ва форс т.ларида эълон этилган. “А.”да тараққийпарвар адаб ва олимлар Махмудхўжа Бехбудий, Ашурали Зоҳирий, Саидахмад Васлий, Олимжон тұра, Садриддинхон, Ҳамза Ҳакимзода, Файзулваҳоб кори, Мирмуҳсин Шермуҳаммад ўғли, Тавалло, Сидкий Ҳондайликий, Камий, Исҳоқхон Ибрат в.б. асарлари чоп этилган. “А.”нинг сўнгти беш сони (1918)га Аскархон Паҳлавонов мух-рлик килган. Жами 77 сони чоп этилган, 1918 й. 15 марта кейин шўролар томонидан тұхтатиб қўйилган.

“Ал-Ислоҳ” ўн беш кунда бир чиқадиган диний, илмий, ахлоқий, тарихий ва адабий журн. бўлган. Унинг вазифалари: “замон иктизосинча мусулмонларға диний ва дунёвий хидмат этажак энг олий мажалладур (1); “исломнинг аслий таълимотини аворизлар (иллатлар)дан пок эдуб баён этажакдур” (2), “мусулмонларнинг ахлоқларини таҳзиб (тарбия) этажакдур” (3), “сойири ашхос (таникли шахслар) тарафиндан савол этилмиш шаръий амрга жавоб беражак” (4), “Тошканд уламо ва ағниёларнинг эҳтимоллари (бойларнинг ҳаракати, ҳиммати) ила нашр булажак (5) мажалладур. Жами 77-сони чиққан. “А.” журн. мамлакат ижтимоий-сиёсий, диний-маърифий ҳаётида мухим ўрин эгаллай олди.

“А-И.” сонлари Алишер Навоий номли Ўз-н Республикаси Давлат кутубхонаси Нодир китоблар бўлимида ПФ – 226 – 23 раками остида сакланади.

- Авлоний А. Бурунги ўзбек вактли матбуотининг тарихи / Миллий уйғонин. Т.: Университет, 1993. Б. 115-123; Дустқораев Б. Ўзбек журналистикаси тарихи. 1-кисм. 1970-1917 / Дарслик. Т., Faғур Гулом напр.. 2009. Б. 240-245; Назарова З. “Ал-ислоҳ” журн. – Туркистоннинг диний-маърифий ҳаётини ўрганишда ноёб манба // Тошкент Ислом ун-ти илмий таҳлилий аҳбороти. 2006. № 3. Б.34-36.

«**Ал-МУЪЖАМ фи маъойир ашъору-л-Ажам**» («Ажам шсьрлари месъёрлари мажмусаси») – форс арузшуноси ва адаби Шамсиддин Қайс Розий (XII-XIII асрлар) асари (1218-33). Муал.нинг муқаддимада ёзишича, бу асарни Марвда бир донишманднинг маслаҳати б-н ёзға бошлаган. Муаллиф Бухорога келиб (1205) яшай бошлагандан сўнг Мухаммад Ҳоразмшоҳ томонидан саройга даъват этилган (1207). “Ал-Муъжам...” Ҳоразмшоҳга тақдим қилиниши керак эди, бирок у 1220 й. мӯгуллар томонидан катл этилгандан сўнг Қайс Розий Ирокка кетишга мажбур бўлган. 1226 й. муал. Форсга Атобек Саъд ибн Зангий ибн Мавдуд хизматига кирган, унинг вафотидан сўнг ўғли Абубакр ибн Саъд ибн Зангий даврида давом эттириб, сўнгра асарини унга тақдим килган. Асар араб т.да ёзилган булиб, унинг мисолларигина форс т.да эди.

Аасарнинг дастлабки номи “Ал-муъраб фи маъйири ашъори-л-Араб” (“Араб шеърларининг андозалари луғати”) эди. Форс донишмандларининг тақлифи б-н рисолани муал. форс т.да кайта таълиф килган ва юқоридаги ном б-н аталган. Бундан ташкари, ушбу рисоладан фойдаланганлар уни “Ҳадойику-л-муъжам” (“Боғлар мажмуаси”), “Ал-кофи фи-л-арузайн ва-л-қавофи” (“Икки аруз ва қофияларнинг қофиялангани”) номлари б-н ҳам аташган. Рисолада Қайс Розий Умар Родуёнийнинг “Таржумону-л-балога”, Рашидиддин Ватвотнинг “Ҳадойику-с-сехр” аасарларидан фойдаланган.

“А.” дебоча, уч кисм ва хотимадан иборат. Китоб дебочаси тарж.и ҳол характерида бўлиб, унда мӯғул қўшинининг Марказий Осиёга килган ҳужумларига доир маълумотлар бор. Биринчи кисм Аруз назариясига бағишланган бўлиб, у 4 бобдан иборат. 1-бобда арузнинг моҳияти, руқнларнинг зикри, мазкур илмга тегишли истилоҳлар баён қилинади. 2-бобда аруз руқнларининг таркибидан ҳосил бўлган жузвлар ва вазнлар зикр этилади. 3-боб жузвларнинг афойил руқни тармокларининг ўзгаришига бағишланган бўлиб, 4-бобда кад. ва янги баҳрларнинг яратилиши, арузий доиралар вазифалари ҳамда тақтиъ коидалари, баҳр жузвларини бир-биридан фарқлашда амал қилинадиган конуниятлар борасида фикрлар айтилган.

«Ал-Мұъжам...» аасарининг иккинчи кисми қофия илми ва шеър танқидига бағишланган. Муал. аасардаги беш боб ҳакида: «Аввали ги боб: шеър ва қофия маънолари зикри ҳамда унинг ҳакиқати ва имкониятлари хусусида; иккинчи боб: қофия ҳарфлари зикри ва уларнинг номланиши ҳакида; учинчи боб: қофия ҳарфларининг ҳаракатлари ва уларнинг таркибидан ҳакида; тўртинчи боб: қофия ҳудуди ва синфлари хусусида; бешинчи боб: манзум қаломда баъзан учровчи қофия айблари зикри ва номаъкул сифатлар ҳакида» деб маълумот берган. Олим шеър ва қофия маънолари зикрида шеърни: «Билгилки, шеър асли лугатда «билим»дир ва сўзнинг тўғри идроки маъносини берур ва истилоҳий жиҳатдан маъноси мураттаби (тартибга солинган) маъновий мавзун (вазнли), мутакаррир (такрорланувчи) ва мутасовий (ўзаро баробар) ва охирги ҳарфлари бир-бирига монанд келувчи сухандир» деб таърифлаган.

“А.” ўзидан кейин ёзилган барча аруз ва қофия илмiga доир аасарларга ўз таъсирини ўтказган. “А.” тўлиқ суратда Эрон олимлари Муҳаммад Қазвиний (1909) ва Мударрис Ризавий (1960) томонидан нашр қилинган.

♦ Шамси Қайси Розий. Ал-Мұъжам (муал.и сарсухани тавзехот ва хозиркунандай чон У.Тоиров). Душанбе: Адид, 1991.

• Тоир У., Сайдали С. Қомуси қофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон, 1994. Б.27-31; Шарқ мұмтоз поэтикаси Ҳ.Болтабоев талк. Т.: ЎМЭДИН, 2008; Алишер Навоий. Мезону-л-авзон / ТАТ. 10-ж. Т.: F.Фулом номидаги напр., 2011. Б.540, 681; Бобур энц-яси. Т.: Шарқ НМАК, 2014. Б.35.

«Ал-ҚИСТОСУ-Л-МУСТАҚИМ ФИ ИЛМИ-Л-АРУЗ» (“Аруз илмiga доир тўғри тарози”) – Абулқосим ибн Маҳмуд ибн Умар ал-Хоразмий аз-Замахшарий (1075–1144) асари, араб т.да муал. ҳаётининг сунгига ёзилган. Асар муал.и аруз илмини 12 адаб илмлари таркибida келтиради, аруз илмининг араб шоирлари аасарларида қўлланилиш амалиётига доир

кузатишларини баён килади. Муал. сабабнинг икки тури (хафиф ва сакил), ватаднинг хам икки кўрениши (мажмумъ ва мафрук) маълум килиб, фосилани шсьр рукнлари каторига қўшмайди. Муал. бу фикрни фосилаи суғрони сабаби сакил ва хафиф, фосилаи куброни ватади мажмумъ таркибида келтириш б-н исбот килади. Сўнгра 16 баҳр Ҳазаж, Рамал, Ражаз, Мутакориб, Мутадорик, Музореъ, Хафиф, Мужтасс, Сариъ, Мунсарих, Муктазаб, Тавил, Мадид, Басит, Вофир, Комил уларга тегишли доира ва зиҳофлар ҳамда тактиъ коидалари ҳакида маълумот беради.

“А.” араб олими доктор Баҳижа Бокир ал-Ҳасаний томонидан изохлар б-н бирга Бағдодда (1969) нашр килинган.

- *Tour Y., Saïdali C.* Қомуси кофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон, 1994. Б.31-32.

АЛКАМЕН (Alkamenes) (м.а. V аср 2-ярми) – қад. юонон адаби, ҳайкалтарош. Афсонага кўра, А. Фидий б-н мусобакага киришиб, маглуб бўлган ва унга шогирд тушган. Бад. асарлари сакланмаган. Олимпдаги Зевс саройи ғарбида жойлашган ҳайкал ва барельефлар, жумладан, “Афродита боғда” асари муаллифи.

- Гильберт К., Кун Г. История эстетики / Перевод с англ. М.: Изд. иностр. лит-ры, 1960. С.47.

АЛКЕЙ (м.а. VII аср охири – VI аср биринчи ярми) – қад. юонон шоири. Митиленада туғилган. Лирик шеърлар, сиёсий қўппиклар муаллифи. Машхур шоир *Санфо* замондоши. Ода (касида)ларида маъбулларга мадхиялар ёзган, тиран (йирик ҳукмдор)ларни танкид килган, мардликни куйлаган. Асарларидан парчаларгина сакланган. “Алкей банди” деб номланган ҳар банди 4 мисрадан иборат шеърни биринчилардан булиб адабий таомилга олиб кирган.

- ◆ Алкей. Собр. песен и лирические отрывки в пер. Вяч. Иванова. М., 1914; Поэты-лирики древней Эллады и Рима. М., 1955; Англичская лирика. М., 1968.

- Тронский И.М. История античной лит-ры. Л., 1957; История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.306, 337-339, 463; Алкей. Новая лит-ная энц-я / www. nlit.ru., 2012.

АЛКЕЙ БАНДИ (строфа) [поэтика, строфика] – антик даврга хос шеър банди. Ҳар банди 4 мисрадан иборат. Юонон шоири Алкей томонидан эр.а. VII-VI асрларда шеъриятга киритилган, Гораций томонидан такомиллаштирилган. Тўккиз, ўн, ўн бир бўғинли мисралардан ташкил топган. Мас., В.Брюсовдан:

Не тем горжусь я, | Фебом отмеченный,
Что стих мой звонкий | римские юноши
На шумном пире повторяют,
Ритм выбивая узорной чашей.

(тўккиз бўғинли):



• Хотамов Н., Саримсоқов Б. Ад-тшунослик терминларининг русча-узбекча изохли лугати. Т.: Ўқитувчи, 1979. Б.25; Гаспаров М.Л Алкеева строфа / Лит-ный энц-кий словарь. Под общ. ред. В.М.Кожевникова и П.А.Николаева. М.: СЭ, 1987. С.20; Гаспаров М.Л. Очерк истории европейского стиха. М., 1989; Елисеев И.А., Полякова Л.Г. Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.6; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Акт, 2003. С.20.

АЛКМАН (м.а. VII аср 2-ярми) – юонон шоири. Асллар хори учун парфенция (хор күшиклари матнлари), майдудларга мадхиялар ва эротик шеърлар ёзган. Шеърларидан кичик бир кисми сакланган. Фольклорга хос бадий воситалар кўллаган. А.шеърларидаги баъзи мотивлар И.В.Гёте, М.Ю.Лермонтов ижодида учрайди.

◆ Эллинские поэты / Пер. В.В.Версасава. М., 1963.

• Толстой И. Фрагмент Алкмана “Сият вершины гор» / Ученые записки Ленинградского гос. пед. инс-та. Т.15; Л., 1938; История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.340.

АЛКМАН шеъри – кад. юонон шоири Алкман (м.а. VII аср) номи б-н аталган шеър шакли.

• Хотамов Н., Саримсоқов Б. Ад-тшунослик терминларининг русча-узбекча изохли лугати. Т.: Ўқитувчи, 1979. Б.26.

АЛКМЕОН [мифология] – юонон мифлари қаҳрамони. Мифга кўра, Амфиарай ва Эрифиланинг ўғли, эпигонлар юришининг бошловчиси. Фивага карши етилар юриши иштирокчиси. “Алкменонидлар” достонида, Европиднинг “А. Псофидада”, “А. Конифда” фожиалари бош қаҳрамони. Мифик сюжет асосида Вольтер, П.Франческини, Р.Кайзер, А.Саккини каби адид ва бастакорлар кисса ва опсралар яратишган.

•Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.60; История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.439.

АЛЛА (туркча: чархпалак бўлмок, йикилмоқ) [фольклоршунослик] – болани ухлатиш учун айтиладиган қўшик, ўзбек болалар фольклорининг жанрларидан бири. Чўлпон она алласини шундай таърифлаган: “Бир бола ухламаса, алла айтадилар. Бола тез ухлаб кетар. Чунки ул андин бир лаззат хис килур”. А. бола рухига таъсири қилиш учун оддий куйлар б-н ёки бешик ва беланчак тебратиш жараённида айтилади. А. сўзини айрим мутахассислар “Аллох”дан олинганини қайд этадилар, дастлаб Яратгандан чакалокни уз панохида асрарни илтижо қилиш мазмунида яратилган. А. мазмунан онанинг фарзанд кўрганига шукур қилиши (1), фарзандга баҳт тилаши, унинг келажагини Яратгандан сураси (2), онанинг хис-туйгуларини ифодалаши, баъзан ҳасрати (3) мавзуларида айтилади. А.да онанинг фарзандига бўлган мухаббати устуворлик қиласи. А.болага айтилса-да, гудак А. мазмунини тушунмайди. Болага А.нинг бир маромдаги куйи уйку багишлайди. А. куйи ҳар бир айтиувчи томонидан ўзича хусусий тарзда басталанган булади. Мусиқа амалиётида сўзсиз, чолғу куйи орқали ижро этиладиган А.ҳам учрайди.

АЛЛЕГОРИЯ

А. фольклор жанри сифатида олимлар Ф.Жаҳонгиров, О.Сафаров, М.Ёкуббекова томонидан ўрганилган. Проф. О.Сафаров А.нинг куйидаги турларини кўрсатади: пароканда, воқеабанд, майший, тарихий. А. озарбойжонларда лайлай, қозокларда бешик жири, кирғизларда алдей, туркманларда ҳувди, уйгурларда аллай, русларда колибелльная песня (бешик күшиғи) деб номланади.

•Алавия М. Ўзбек халқ маросим қўшиклари. Т., 1974; Türk Folklorundan Derlemeleler (Ninni Özel Bölümü). Ankara, 1989; Şimşek E. Azerbaycan Laylayları // Erciyes. 1991, Şubat, Y.14. S.158; Ёкуббекова М. Алла. Т., 2006; Мадаев О. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2010.

АЛЛЕГОРИЯ (юнонча: *allos – бошқа, agoreuo – гапираман*) [поэтика, риторика] – ифода воситаларидан бири. Образли тафаккур тарзи бўлиб, унинг асосида маъно кўчими туради. А. воситасида мавхум тушунча, образли фикр ёки мифик воеа ифода килинади. А.да маъно ва нарса-предмет образи мужассамлашади. А. образ оддий образлардан фарқ қиласди. А. вазифасида мавхум тушунчалар ёки аниқ воеа-ходисалар, мифологик персонажлар ва анъянавий тимсоллар келиши мумкин. А. бадиий асарда икки йўналишида: образ-предмет воситасида иштирок этади ёки персонаж ва тимсолга қўшимча маъно юклашга хизмат киласди. Иккинчи йўналиш, купинча, етакчилик қиласди. А. вазият, характер ва тимсолга метафорик маъно юклайди.

А. антик даврда вужудга келган. Эзоп масаллари, софистларнинг фалсафий карашлари аллегорик характердадир. А. ўрта асрларда абсолют тушунчаларнинг ифодаси сифатида фаол қўлланилган. А.га диний-пантеистик талкинда яратилган асарларда муайян ўрин берилилган. Фарбий Европада барокко даврида кенг сийилган бўлиб, хар бир предмет ёки хайвон образи рамзий маъно ташиган. Mac., масал ва эртакларда куён – кўркоклик рамзи, тулки – айёрлик, бўри – ваҳшийлик в.х. Айрим жонзорларнинг сурати рамзий белги ифодалайди: илон ва кадаҳ – тиббиёт А.си, арслон – куч-куvvват ва ҳукмронлик А.си, тулки – айёрлик, чапдастлик А.си каби. А. кўчим тури сифатида масал, ривоят, сатира в.б. жанрдаги асарларда учраши мумкин. Данте “Илоҳий комедия” асарида дўзах тимсоли орқали ҳаёт моҳиятини тушунишга ҳаракат қиласди, қаҳрамон характери асарда ўз максадини қидираётган одам киёфасида киласди. XX аср ад-тида А. метафорик образ яратишга хизмат килган. Бундай образлар Томас Манн, У.Фолкнер, Ф.Кафка, Ж.Жойс, А.Камю каби асрнинг етакчи романнавислари асарларида давр мураккабликларини ифода килишда алоҳида бадиий унсур сифатида иштирок этган. “Эврилиш”, “Вабо”, “Улисс” (лотин т.да Одиссей шундай аталган) сингари романларда А. табиатини ўрганиш оркалигина адаб маҳоратини очиш мумкин.

Замонавий ад-тшуносликда А. уч турли: романтик (1), символик (2), мистик (3) А. фаркландади.

• Губер А. Структура поэтического символа / Труды Гос. Академии художеств. Философ. отд. М., 1927. С.125-55; Гильберт К., Кун Г. История эстетики / Пер. с англ. М.: Изд. иностр. лит., 1960. С.169; Борев Ю. История эстетических категорий. М.,

1965: *Shaw Harry. Concise Dictionary of Literary Terms*. New York: McGraw-Hill, 1976; Поляков М.Я. Вопросы поэтики и художественной семантики М., 1985; Песков А.М. Аллегория / Лит-ный энц-кий словарь. Под общ. ред. В.М.Кожевникова и П.А.Николаева. М.: СЭ, 1987. С.20; *Diclier B. Lexicon de Terms Moderns*. Paris, 1989; *Cuddon J. A. The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory*. London: Penguin Books. 1991; *Abrams M. H. A Glossary of Literary Terms*. 6th edition. Fort Worth: Harcourt Brace College Pub., 1993 [Now superseded by later editions]; Попова М.К. Аллегория в английской лит-ре Средних веков. Воронеж, 1993; Введение в литературоведение / Лит-нос произведений: основные понятия и термины. М., 1999. С.200, 252, 433; *Turk Dunyasi Edebiyat Kavramları ve Terimleri Ansiklopedik Sozlüğü*. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.104; Елисеев И.А., Полякова Л.Г. Словарь лингвистических терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.7; http://web.cn.edu/~kwheeler/lit_terms.html

~ ик образ – А. воситасида ифода қилинадиган бадий образ, тимсол. А.о. асосан масал ва сатирапарда учраши мумкин. Mac., Гулханийнинг “Зарбулмасал” асаридағи образларнинг барчаси А. моҳиятта эга. Ундаги Бойкуш – хароба ва вайроналар тимсоли, Тошибақа – содик дүст, Чаён – доим ёмонликка тайёр маҳлук в.б.

А.о. Farb ад-тида ҳам кенг қўлланилган. Эзоп, Лафонтен, Крилов масалларида асосий ғоя ташувчи тимсоллардир. А.да мавхум тушунча ифода киласидиган сўзларни жонлантириш орқали образ ҳосил қилиши мумкин. Mac., узбек мумтоз ад-тида Нишотийнинг “Хусну Дил” асарини келтириш мумкин. Альбрехт Дюернинг “Уч отлик” асарида Азоил, Уруш ва Адолатнинг а.олари тасвирланган. С.Ботичеллиниң “Уч назокат” асарида ҳам А.о. мавжуд. Масал жанрида А. – мантикий меъордан четта чиқади. Унда шахсларни ҳайвонларга ҳос хусусиятлар (кирол – арслон тимсолида, тулки – айёр одам, чумоли – меҳнаткаш) орқали юзага чиқади.

- *Diclier B. Lexicon de Terms Moderns*. Paris, 1989; *Cuddon J. A. The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory*. London: Penguin Books, 1991. *Abrams M. H. A Glossary of Literary Terms*. 6th edition. Fort Worth: Harcourt Brace College Pub., 1993 [Now superseded by later editions]; *Karatas T. Ansiklopedik Edebiyat Terimleri Sözlüğü*. Ankara: 2007. S.31-32; http://web.cn.edu/~kwheeler/lit_terms.html

АЛЛЕН УОЛТЕР (1911–1995) – инглиз адаби ва ад-тшуноси. Бирмингем унитини тамомлаган (1932). Журналистика, ўқитувчилик б-н шуттулланган. 1967 й.дан Ольстер ун-ти профессори. “Ҳаётда нималар бўлмайди” (1959) романи б-н шуҳрат топган. “Инглиз романни. Қисқа танқидий очерк” (1954), “Анъана ва орзу” (1964, 1970), “Безовта Farb” (1969) ад-тшуносликка оид китоблар ва “Жойс Кэри” монографияси муаллифи.

АЛЛИГАТ (латинча: *alligo* – боғлайман) [рецептив эстетика] – бир китобга биринчилик иккинчи бир китоб. Биринчи китоб одатдаги тарзда ўқилган, иккинчи китоб эса орка томонидан ўтирилган холда ўқилган. Mac., Ж.Эффелнинг “Дунёнинг ва инсоннинг кашф этилиши” китоби (Прага, 1959)нинг чех т.даги нусхаси.

- Хотамов Н., Саримсақов Б. Ад-тшунослик терминларининг русча-узбекча изохли түзати. Т.: Ўқитувчи, 1979. Б.26.

АЛЛИТЕРАЦИЯ (латинча: al – га, учун; littera – ҳарф, ёзув) [поэтика, риторика] – шеърдаги ундош товушларнинг уйғунылиги асосида яратилган бадий санъат (восита). Фоника, яъни ад-тшуносликда бадий асарнинг товуш жиҳати ва оҳанг тизимини урганишда муҳим поэтик ҳодиса саналади. Бунда бир хил ундошлар ёки үзаро яқин оҳангдош ундошлар уйғун келиши асосида оҳангдорлик кучайтирилиши, таъсирчанлик оширилиши мумкин. А. кўпинча, мисрадаги сўзларнинг бошланғич бўғинларида келади. Таъсирчанликни оширишга қаратилган А. кўпроқ эшлиш оркали реаллашади. Mac., *Сочилган сочингдай сочилса сириңг* (Чўлпон). Ёки Қаро қошинг қалам қошинг Қийик қайрилма қошинг қиз. Қилур қатлимга қасд қайраб қилич қотил қарошинг қиз (Эркин Воҳидов). Пора, перо покоя просит... (А.С.Пушкин). Чуждый чаран черный член (К.Бальмонт).

Т.шуносликда нутқни ташкиллантиришнинг усулларидан бири. А.да ундош товушлар симметрик равишда фольклор ва ёзма ад-т (айникса, шеърият)да кад.дан мавжуд.

- Жирмунский В. Рифма, ее история и теория. П., 1923; Гаспаров М.Л. Очерк истории европейского стиха. М., 1989; Cuddon J.A. The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. London: Penguin Books, 1991. Abrams M.H. A Glossary of Literary Terms. 6th edition. Fort Worth: Harcourt Brace College Pub., 1993 [Now superseded by later editions]; Большой энц-кий словарь. Языкоznание. 2-е изд. М.: БЭС, 1998. С.27; Turk Dunyasi Edebiyat Kavramları ve Terimleri Ansiklopedik Sözlüğü. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markczi Baskanlig'i, 2001. S.124; Елисеев И.А., Полякова Л.Г. Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.7-8; Белокурова С.П. Словарь лит-ведческих терминов. СПб.: Паритет, 2006. С.13; Karatas T. Ansiklopedik Edebiyat Terimleri Sözlüğü. Ankara: 2007. S.33-34; Аллитерация. Новая лит-ная энц-я / www. nlit.ru., 2012; http://web.cn.edu/kwheeler/lit_terms.html

~ он шеър – кад. олмон, инглиз, скандинав ва кельт ад-тидаги акцент шеър булиб, у ҳар бири икки ургу олган икки ярим мисрадан иборат бўлади. Бу бирликлар үзаро А. оркали боғланади. Ҳар бир мисрада камида икки сўз А. усулда бир хил товушли сўзлардан бошланиши керак. А. шеърда ургудан аввалги ундош А. такрорга эга бўлади. Ургусиз бўғинлар эса турли ҳолатда келишлари мумкин.

*Вот кубок браги, вождь бранного веча,
В нем смешана сила с мощной силой,
Полон он песен, писем на пользу,
Разных заклятий и радостных рун...*

(Сага о Воллсунгах; Б.Ярхо тарж.)

- Жирмунский В. Рифма, ее история и теория. П., 1923; Гаспаров М.Л. Аллитерационный стих / Лит-ный энц-кий словарь. Под общ. ред. В.М.Кожевникова и П.А.Николаева. М.: СЭ, 1987. С.20; Гаспаров М.Л. Очерк истории европейского стиха. М., 1989; Cuddon J.A. The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. London: Penguin Books, 1991; Abrams M.H. A Glossary of Literary Terms. 6th edition. Fort Worth: Harcourt Brace College Pub., 1993 [Now superseded by later editions]; Елисеев И.А., Полякова Л.Г. Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.7; http://web.cn.edu/kwheeler/lit_terms.html

АЛЛОГРАФ (юононча: *allos* – бошка, *grapho* – ёзаман) – қалбаки имзо; бироннинг хатига ўхшатиб, унинг номидан хат ёзиш. Айрим асарларни бошка адебининг номидан ёзиб, унинг меросига айлантириш.

• Борев Ю. Словарь текстологии и генетической критики. М., 2011. С.25.

АЛЛОМА (арабча: *الله* – катта олим) [фан тарихи] – илм-фаннынг бир неча соҳаларини эгаллаган серкирра олим. А. фанда янги илмий йуналиш, мактаб ёки иктиrolари б-н танилган булади. Mac., Форобий, Хоразмий, Беруний в.б.

АЛЛОМА ибн Ваккос – 37,294

АЛЛОМИЙ, Абулфазл – к.: Абулфазл Алломий.

АЛЛОНИМ (юононча: *allos* – бошка, *oipha* – исм) [поэтика, адабий жараён] – адабий таҳаллус турларидан бири. Бунда исми, шарифининг айрим белгилари сакланган ҳолда таҳаллус белгиланади. Mac., Максим Горький – Алексей Максимович Пешков; Павло Неруда – Ян Неруда.

• Хотамов Н., Саримсоқов Б. Ад-тшунослик терминларининг русча-узбекча изохли лугати. Т.: Ўқитувчи, 1979. Б.27; Turk Duyası Edebiyat Kavramları ve Terimleri Ansiklopedik Sözlüğü. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlığı, 2001. S.125; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кций словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.23; Борев Ю. Словарь текстологии и генетической критики. М., 2011. С.25.

АЛЛОТ (арабча: *الله* – ал-илоха) [мифология] – қадимги араб мифологияси (жохилийя даври)да Осмон ва ёмғир маъбудаси. Мифга кўра, Узза ва Манотнинг кизи. А. оиласи ҳакида Куръони карим (53:19-23)да кисса бор. Айрим этник гурӯхлар А. Куёш маъбудаси, Венера сайёраси маъбудаси сифатида талқин қилинади. Геродот талқинича, араб бутпарастлари исломгача даврда сигинган ягона илоҳадир. Улар “А.га қасам” деб қасамёд килгандар.

• Шифман И.Ш. Арабы у Гомера и Герадота / Палестинский сборник, 1962. №9. С.67-79; Ҳишом ал-Қалбий. Китоб ал-асном / Книга об идолах. М.: Наука, 1984.

АЛЛОХОБОД – Ҳиндистон марказидаги ш. номи. Бу ерда икки дарё: Ганга ва Ямун (Жамна) ирмоқлари кўшилади. Бу ном “Бобурнома”да учрамайди. Ш. Акбаршоҳ давридан А. номи б-н атала бошлаган. Бу номни рамзий маънода икки дин – ислом ва буддавийликнинг бир ўзанга бурилиши деб ҳам қарайдилар. Шоҳ Акбар шу ш.да даҳр ибодатхонаси (бир том остида бир неча дин вакиллари ибодат қилиши мумкин булган иншоот) курдирган.

АЛЛЮЗИЯ (лотинча: *allusio* – ҳазил, *ishora*) [поэтика, риторика] – бадий ад-тдаги стилистик фигуранлардан бири бўлиб, оғзаки нутқда фаол қулланилади. Аввалдан таниш бўлган бирор сиёсий вокса, тарихий ёки адабий факт, асар номи т.га олинади, унга ишора қилинади. Данте “Илоҳий комедия” асарида юонон мифологиясидаги шахслар, жой номлари ва антик

муаллар асарларининг воеаларига ишора килади. Бу б-н китобхонни муалл концепциясини тушунишга йўналтиради. Шарқ мумтоз поэтикасидаги талмиҳ санъатига якин келади. Бирок А.да тарихий шахслар ва бадий аддатдаги кишилар образларига хавола килинмайди. Мас., “Герастрат шуҳрати” асари. Шавкат Раҳмон “Туркийлар” шеърида “Эгилган бошни килич кесмайди” мақолига ишора килиб, “Эгилган бошларни қиличлар кессин” мисрасини кўллади.

Күшимча маълумот учун к.: реминисценция.

- Хотамов Н., Саримсоқов Б. Ад-тіпнуослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Т.: Ўқитувчи, 1979. Б.27; Тухарели М.Д. Функции алғыозии в литературном произведении / Лит-нос произвсденис и лит-ный процесс в аспекте исторической поэтики. Кемерово, 1988; Эш-кй словарь юного лит-веда. М.: Педагогика, 1988. С.14-15; Cuddon, J. A. The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. London: Penguin Books, 1991; Abrams, M. H. A Glossary of Literary Terms. 6th edition. Fort Worth: Harcourt Brace College Pub., 1993. [Now superseded by later editions]; Введение в лит-ведение / Лит-ное произведение: основные понятия и термины. М.: 1999. С.99,103,156, 497; Елисеев И.А., Полякова Л.Г. Словарь лит-ведических терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.8; Елисеев И.А., Полякова Л.Г. Словарь лит-ведических терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.8; Белокурова С.П. Словарь лит-ведических терминов. СПб.: Паритет, 2006. С.13.

АЛМАЙ (1852–1894) – ўзбек шоири, таржимон ва хаттот. Тулиқ исми: Мулла Мир Фаттоҳ. Тошкент ш.да туғилган. Тошкентдаги Мўйи муборак ва Бухоро мадрасаларида таҳсил олган. Тошкентдаги Шукурхон мадрасасида мударрислик килган. Шоир Муқимий б-н дўстона алокада бўлган. Соҳиби девон шоир. А. асарлари даврининг баёз ва тазкираларига киритилган. Шеъларида мустамлакачиларга карши нафрат ифодаланган, садоқат, яхшилик ва ҳалоллик каби фазилатлар улуғланган. “Калила ва Димна”ни форс т.дан эркин тарж. килган, хаттот сифатида уни шастаълик хатида кўчирган. Тарж.да ҳикоят мазмунидан келиб чикиб, унга шеърий қўшичалар (форд, маснавий, китъя, рубоий) кириттан. “Калила ва Димна” бир неча марта (1898, 1901, 1913) нашр килинган. Шеъриятдаги аруз ва кофия масалаларига бағишлиланган “Авзону-л-жумъ” (“Вазилар жамлангани”, 1879) рисоласи “Шархи Мулло” дарслиги таркибига кирган ва мадрасаларда ўқитилган. Китобнинг А. кўчирган кўлезмаси ЎзР ФА Шарқшунослик интида сакланади.

1918 й.да Тошкентнинг Бешёғоч даҳасида А. номидаги мактаб очилган. Унда меҳнат таълими берилган, унинг қошида мусика гугараги ва драмтруппа иш олиб борган. Мактабда адид ва олимлардан Миртемир домла, Парда Турсун, Жуманиёз Шарипов, Иzzат Султон, Ҳасан Пулат, Сулаймон Азимов в.б. таҳсил олган (1929 й.да мактаб Маориф комиссарлиги хузуридаги бошқа мактабларга кўшиб юборилган.

- ◆ Алмай. Танланган асарлар. Т., 1965.
- Kasimov B. Alizade, Seidriza / Türk Dünyası Edebiyatçıları Ansiklopedisi. Ankara, 2002. S.360; Каримов Н. XX аср ўзбек ад-ти манзаралари. Т., 2007.

АЛМАКАХ, (арабча: الْمَكَّةُ – кудратли маъбуд) Илумкух, Илмуках [мифология] – Йаман мифларига кўра, Сабо давлатининг маъбуни. Ой маъбуни ва мамлакатни балолардан сақловчи. М.а. 2 мингийилликда Сабо ва Файшан давлатлари ўртасида сулҳ тузиб, урушдан одамларни саклаб колган. А. ҳақидаги қарашлар маҳаллий культларни сиқиб чиқариб, ягона кудратли илоҳ гоясини илгари сурища муҳим рол ўйнаган.

• Лундин А.Г. К возникновению государственной организации в Южной Аравии / Палестинский сборник. №17. М.-Л., 1967; Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.62-63; Аллегория. Новая лит-ная энц-я / www.nlit.ru.., 2012.

АЛМАМБЕТ (alp+mambet – пахлавон Мухаммад) – турк достони қаҳрамони. “Манас” эпосида Манаснинг кирк йигитидан энг ботири. Достонга кўра, Хитой шаҳзодаси; баъзи варианtlарда қалмиқ шаҳзодаси. Ҳарбий санъатда моҳир қаҳрамон. “Манас”да айтилишича, А. ота-онасини исломга даъват этган, улар қабул килмагандан сўнг ўз юртини тарк этган. Айрим варианtlарга кўра, Манаснинг эмиқдоши. Қирғиз юрти учун курашларда Манас катори курашган қаҳрамон.

• Манас. Энц-я. 2 т., т.1. Бишкек, 1995; Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik Sözlüğü. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.126.

АЛМЕЙДА (1890 – ?) – Бразилия шоири, тўлиқ исми: Гильерме де Алмейда. Сан-Пауло штатидаги Кампинас ш.да юрист оиласида тутилган. 1904 й.дан шеъсрлари нашр этила бошлаган. “Клаксон” модернистик журналида иштирок этган, модернистик ғоялари “Менинг”, “Аланга” номли (1925) тўпламларида эълон этилган. Португал т.ли Латин Америкаси ад-тининг энг яхши шоирларидан бири сифатида ритм ва қофияни виртуоз шакл (раслар ёрдами)да қўллай бошлаган. 1959 й. “Бразилия шоирлари шаҳзодаси” унвонига сазовор бўлган. Олтмишдан ортиқ шеърий тўпламлар муал.и. Софокл, Бодлер, Верлен, Тагор, Сартр асарларини тарж. килган. “Биз” (1917), “Соатлар ракси” (1919), “Мен йўқотган най” (1924), “Соддалик” (1929), “Сен” (1931), “Тасодиф” (1938), “Кичик романслар китоби” (1957) ва “Куч” (1961) шеърлар тўпламларидан сайлаб олинган шеърлари 1983 й. “Поэзия Бразилии” (“Бразилия шеърияти”) тўпламида рус т.да эълон килинган.

• Поэзия Бразилии. М.: Художественная лит-ра. 1983. С.75-101.

АЛОГИЗМ (юончча: а – йўқ, но-; logos – тушунча) [поэтика, риторика] – мос келмаслик, тушунчалар мантикий номувофиқлиги, матнадаги мантикий алокаларнинг муайян максадда муал. томонидан бузилиши. Бу киска сўз бирикмаларида ёки синтактик парчаларда кўзга ташланади. А. нинг илдизи фольклор асарлари бўлиб, уларда предмет ҳақидаги табиий тасаввурдан чекинилади. Бу поэтик восита Шарқ мумтоз поэтикасидаги ийҳом санъатига яқин келади. Ийҳомда муал. биринчи, одатдаги маъно эмас, балки китобхон назарда тутмаган иккинчи маънога ишора килади. А. эса маълум тушунчани унутиш ёки бор нарсани йўқдай тасаввур қилишга асосланади. Бу жихатдан, Шарқ поэтикасидаги тажоҳуҳ орифонага яқин. Демак, А. юонон ва умуман,

Европа шеъриятида номутаносиблик асосига куриладиган поэтик воситадир. Фарб шеъриятида А.нинг янгиланган қўриниши сифатида оксиморон фаол қўлланилмоқда. А.да бирор нарса ёки предметта хос булмаган хусусиятларни контекстда унга мослаштирилади. Mac., иссиқ қор, ёнар дарё.

Мантиққа зид тушунчаларнинг бадий санъат сифатида қулланилиши. Бунга Бобурнинг «Бошимни олиб, эй Бобур, оёқ етгунча кетгаймен» мисраси мисол бўла олади. Замонавий ад-тда, мас., Ф.Кафканинг «Жараён» асарида А. образ даражасига кутарилган.

- Майн Ю. Поэтика Гоголя. М.: 1978. С.110-113; Хотамов Н., Саримсоқов Б. Ад-тшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли лугати. Т.: Ўқитувчи, 1979. Б. 27; Песков А.М. Алогизм / Лит-ный энц-кий словарь. Под общ. ред. В.М.Кожевникова и П.А.Николаева. М.: СЭ, 1987. С.20; Turk Dünüsi Edebiyat Kavramları ve Terimleri Ansiklopedik Sözlüğü. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Merkezi Baskanlığı, 2001. S.127; Елисеев И.А., Полякова Л.Г. Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.8; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрељ-Аст, 2003. С.23; Алогизм. Новая лит-ная энц-я / www.nlit.ru., 2012.

АЛОЙИҚ (арабча: ڭەلەپ - турмуш ташвишлари) [тасаввуфшунослик] – тасаввуф ад-тида толибларни мурод ва мақсадлардан йироклаштирувчи сабаб ва муносабатлар.

- Сажжодий С.Ж. Ирфоний истилоҳлар ва иборалар луғати // Сино. 2010. № 37-40. Б.173-174.

АЛОИДДИН МУҲАММАД ОТСИЗ (1182–1220) – ануштегинлар сулоласидан булган Хоразм шохи, машҳур саркарда Жалолиддин Мангубердининг отаси, шоир ва адаби. Тулик исми: Кутбиддин Мухаммад ибн Такаш ибн Эларслон ибн Ануштегин. Отаси Алоиддин Такаш вафотидан кейин унинг исмими олган ва Хоразм таҳтига чиқкан. Хоразмшоҳлар давлатида 20 й. хукмдорлик (1200 – 1220) килган. Хоразмни Салжуқийлар васаллигидан кутқариб, мустақил давлат тузган. А.М.О. даврида салтанат кенгайтан, маданий-маърифий жihatдан тараққий этган. Бирок Чингизхоннинг Хоразмга юриши пайтида Мовароуннахрни ташлаб, Хурсонга чиқиб кетган. Унинг ўрнига Жалолиддин Мангуберди мӯгулларга қарши жант килган.

Авфий “Лубобу-л-албоб” тазкирасининг 5-Султон шоирлар бобида “Ас-Султон ул-муazzам Ало уд-дунё ва ад-дин Отсиз ибн Мухаммад тағмадуллаҳ бираҳматга” деб тилга олади. А.М.О. девон соҳиби шоир ва олим Рашидиддин Ватвот б-н ад-т ва санъат борасида кўп сұхбатлашганини кайд этган. Тазкирада А.М.О. шеърларидан намуналар келтиради. Бир китъаси:

З-он бид накунам ки хайри маҳзам,
З-он базл қунам ки баҳру конам.
Шукр эзиdro ки ҳасмам имруз,
Пир асту заифу ман жавонам.

Мазмуни:

Ёмондан йирок бул, умр бардавом,
Мисоли денгиз конидан инъом.

Яратганга тасанно, ул душман –
Кари, заиф, мен эса ёш мудом.

- ◆ İslâm Ansiklopedisi. 2.cild. İstanbul: Millî Eğitim Basımevi, 1986. S.6-7; Шиҳобиддин Мұхаммад ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди хәети тағсилоти. Т., 1999; Бунёдов З. Агутигегин хоразмшоҳлар давлати (1097-1231). Т., 1998; Марказий Осиёга доир гадқиқотлар: Хоразмшоҳлар давлати. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2012. Б.89-175; Авфий. Лубобу-л-албоб. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2014.

АЛОИДДИН ибн ХУСАЙН ГУРИЙ (1149 –1161) – уртаосиёлик шоҳ ва шоир. Гурыйлар сулоласи вакили. Афғонистодаги Фур ш.ни пойтахт килган. Фазнага ўт қуйиб, вайрон килгани учун “Жаҳонсўз” (жаҳонни күйдирувчи) лакабини олган. Шундан келиб чикиб, бу сўз мумтоз шеъриятда юкоридаги маънода талмсх килинган. Авфийнинг “Лубобу-л-албоб” тазкирасида “Ас-Султон Ало уд-дуне ва ад-дин Малики ал-Жабол ал-Хусайн ибн ал-Хусайн ал-Аббосий ал-Гурый раҳматаллахи алайх” деб танишитиради. Низомий Арузий Самарқандий б-н муносабатлари ҳакида “Чаҳор макола” (узбек т.да “Нодир ҳикоятлар” деб нашр килинган)да маълумот бор. А.Ғ. кудратли ва қаҳри қаттиқ шоҳ бўлса ҳам “унинг подшоҳона ва мулкона сўлим шеърлари бор, шеърлари жамланган девони мавжуд. Девони Султон Отсиз девони ила бир жилд (китоб) да муковаланган, девонни Самарқанд шаҳри Сардуобдор кутубхонасида ўқиб кўрган эдим” деб ёзган Авфий бир касидасидан парча ва ушбу рубоийни келтиради:

Бигирифту нақутиш шаҳ маро сафи кин,
Бо онки бўдам күштаний аз рўйи яқин.
Акнун ба табақ медиҳам дурри симин,
Бахшойишу баҳшиши чунон асту чунин.

Мазмуни:

Кек учун шаҳид этмади мани шоҳ,
Тирикман, лекин ўлган эдим ногоҳ.
Қўлимда лик тўла марварид баркаш,
Эксону авфга бўлай умрбод маддоҳ.

- ◆ Низомий Арузий Самарқандий. Нодир ҳикоятлар: (Мажмау-и-наводир) Форсийдан М.Ҳасаний тарж. Т.: F.Улом номидаги нашр., 1985; Бунёдов З. Ануштегин хоразмшоҳлар давлати (1097-1231). Т., 1998; Марказий Осиёга доир тадқиқотлар: Хоразмшоҳлар давлати. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2012; Авфий. Лубобу-л-албоб. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2014.

АЛОИДДИН ТАКАШ ибн ЭЛАРСЛОН (XII-XIII) – ануштегин хоразмшоҳлар сулоласи вакили. 1172–1200 й.ларда хукмронлик килган. Хоразм давлати Такаш даврида ҳар томонлама ривожланди. А.Т.нинг шеърлари ҳакида Авфий “Лубобу-л-албоб” тазкирасида маълумот беради: “Султон Такаш юмшок қалбли ва раҳмидил подшоҳ эди, унинг лутфи табии нурли офтобдан ҳам порлоқдир, базмда саховати баҳор селидек тошқин, у жангда нар шер каби сабит тўлқин эди” дейиilib, ушбу рубоийни келтиради:

Дар зайнин саҳо нишаст донам кардан,
Гар кӯҳ зи раст паст донам кардан.

Лекин чу хазонаи ки мебояд нест,
Аз нест чигуна ҳаст донам кардан.

Мазмун:

Баланд тогни паст этмоқ ниятим бор,
Саховатда ҳисобсиз инъом бекор.
Гар хазина горат этилса, афсус,
Ахир йүқдан бор килиб булмас зинҳор.

◆ Бүнёдов З. Марказий Осиёга доир тадқиқотлар: Хоразмшохлар давлати. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2012; Авфий. Лубобу-л-албоб. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2014.

АЛОУДДАВЛА (1417–1450) – темурий шаҳзодалардан, истеъдодли шоир. Шоҳруҳ Мирзонинг набираси, Бойсунғур мирзонинг ўғли. Хиротни бошқарган (1447–48). Атрофига шоир ва фозилларни тўплаган, шоир Абдулваҳҳоб Суҳойи А. дэвонида муҳрдор бўлган. А. ҳакида Мир Ислом Газзолий касида ёзган.

◆ Алишер Навоий. Мажолисун-нафоис / МАТ. 13-ж. Т.: Фан, 1997. Б.18.

АЛОУДДИН Самарқандий (в. 1144) – Мовароуннаҳр фикҳ мактабининг етук олими, адаб. Самарқанд ва Бухорода яшаган. Самарқанднинг “қози ал-қуззот” и Абулиуср Паздавий (в. 1099) ва фикҳ олими Абулмуъин Насафий ал-Макҳулий (ваф. 1114)дан сабок олган. Шогирлари Алоуддин Косонийнинг “Бадоъи”, ас-Самъонийнинг “Китоб ал-Ансоб” асарларида у хақда ишончли маълумотлар келтирилган. “Тұхфату-л-Фуқаҳо” (“Факихлар учун тұхфа”), “Ал-Мабсұд” (“Ёйилған”), “Зиёдот” (“Құшымчалар”) каби фикҳ тармокларига ва “Мезону-л-усул фи натоъиж ал-уқул” (“Ақиллар үлчамида асослар тарозиси”), “Ал-Лубоб фи усул ал-фикҳ” (“Фикҳ асослари мағзи”) каби фикҳ усуулларига оид асарлар муаллифи.

◆ Комилов М. Мовароуннаҳрда фикҳ илмининг ривожи ва факих Алоуддин ас-Самарқандий. Т.: Истиқол, 2006.

АЛП (Алб) [мифология, фольклоршунослик] – туркий халкларда икки күшин жангидан аввал якка олишувда иштирок этувчи баҳодир, паҳлавон йигит, бадиий ад-тда қаҳрамонлик, жасорат, ботирлик рамзи. Халк қаҳрамонлик достонларида йигитларнинг кувватлisi. Ўрхун–Энасой ёзувларида Күк турк давлатидаги харбий унвон. Тарихий ва қаҳрамонлик достонларида Алп Эртүнга, Алпомиши, Алп Манас каби күлланилган. “Китоби Дада Құркүт”да 366 А. т.га одиниб, қаҳрамоннинг алплик ёши 14-15 дир. “Манас”да унинг ўғли Семетей 13-14 ёшда, «Алпомиши»да 14 ёшда қаҳрамон алпликка эришади.

Турк эпосларида алплик фактат унвон ва қаҳрамонлик белгиси эмас, ҳукмдорликка даҳлдор шахсларга нисбатан ҳам күлланилган. Чунки Тангри бермаса (ёрлакамаса), қаҳрамон алпликка етишолмайди. Ўғузномаларда алплик ~эрәнлик якин маънода күлланилган, бу тушунча кейинчалик тасаввуф ад-тида футуҳот-жавонмардлик ғоясига асос бўлган. Чунки

туркий мифологияда идеал инсон гояси алплик орқали ифодаланган, тасаввуф адтида ҳам идеал тип сифатида эранлар, фатийлар (айрим тарикатларда) кўрсатилади. Илк достонларда табиий куч истиқболга эришувнинг воситаси саналса, тасаввуф адтига келиб, бу вазифа маънавий куч орқали ифодаланган. Ошик Пошо (XIV аср) «Фарибнома» асарида алпликнинг 9 шартини келтиради: бақувват юрак, куч, ғайрат, яхши от, (дўйуш палтари), ўқ-сӣ, килич, йўлдош. Халқ достонларида мана шу шарт-рамзлар тўлиқ иштирок этади.

- *Köprülu M.F. Alp / Islam Ansiklopedisi. 2-cild. Istanbul, 1989; Köprülu F. Alp / Islam Ansiklopedisi. 2-cild. Istanbul, 1993. S.379-84; Мапас. Энг-я. 2 т., т.1. Бишкек, 1995; Kitabi-Dada Qorqud ensiklopediyasi. Baki: Yeni Naşrler Evi, 2000. S.21; Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik Sözlüğü. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.127-130; Karatas T. Ansiklopedik Edebiyat Terimleri Sözlüğü. Ankara: 2007. S.34.*

АЛП АРСЛОН (1029/20.I-1072/XI) – салжукли султонлардан. Асл исми: Мухаммад ибн Довуд. Отаси Ҷағрибекнинг ўлимидан сўнг 1058 й.да мамлакат шаркий қисми ҳокими, 1063 й.да амакиси Тўғрулбекнинг ўлимидан сўнг тахтга ўтирган. А.А. даврида унинг вазири Низомулмулк бўлган. Сирдарёдан Византияга кадар катта худудни бошкарган. 1064 й. Арманистоннинг собик пойтахти Ани ш.ни, 1071 й. Византияни эгаллаган. Катор мадраса ва масжидлар курдирган, 1702 й.да Амударё бўйидаги урупда ҳалок бўлган.

- Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Энц-кый словарь в 12 т. Биографии, т.1. М.: СЭ. 1991. С.216-217; *Yitanc M.H. Alp Arslan / Islam Ansiklopedisi. 2-cild. Istanbul, 1993. S.385-86.*

АЛП ЭРТҮНГА – буюк Турон подшохи, туркий ҳалклар қаҳрамони, лашкарбоши. Форс т.даги манбаларда *Афросиёб* деб таништирилган, “Шоҳнома”дан сўнг шу ном билан машҳур бўлган. “Авесто”да буюк Турон подшохи А.Э. – Афросиёб, санскритча *Франхрасіан*, Ассирия манбаларида *Мадува*, Герадот “Тарих”ида *Мадіес* номи билан берилган. “Китоби Дада Кўркут”да А.Э. сақ (скиф)лар хукмдори деб кўрсатилган.

Беруний “Ал-осор ул-бокия” асарида Афросиёбни Манучехрдан кейин унинг сулоласини кўрсатар экан: “А.Э. ибн Бушент ибн Инат ибн Ришман ибн Турк ибн Забанасп ибн Аршасп ибн Тужа...” каби пешдодийлар сулоласини келтириб, “Манучехрдан кейин Эрон хокимииятига эришган ва 12 йил подшохлик килган”, деб ёзди. Манучехр Эроннинг бир қисмida яна 28 йил хукмдорлик килганини айтиб, параллел равища А.Э. 12 йил Ироқ хукмдори бўлганини ҳам кайд этади. Шу ўринда Беруний жадвал орқали ҳар бир хукмдорнинг исми, шарифини, сўнгра ўша давлатда унинг номланиши (подшоҳ, хон, хокон в.б.) ва нисба ёки лакабларини келтиради. Икки ўринда А.ни “турк” нисбаси билан т.га олади. Йилларнинг умумий миқдори жихатидан дастлабки 12 йил 2579–2591, кейинги 12 йил эса 2619–2631 деб кўрсатилиши (кад. тақвимга кура)га эътибор берсак, А. Эронда 12 йил, Ироқда (Эроннинг бир қисмини Манучехрга қайтаргач) яна 12 йил хукмронлик килган. Бошка ўринда “Тирмоҳ” тушунчаси (байрами)га изоҳ

бераркан, А.Э. Эроншахрни эгаллагач, Манучехрни ўлдирмай, у раҳм этишиң сўраганда, Табаристон ҳокими килиб тайинлайди.

А.Э. қаҳрамонликлари ҳакида қўшиклар тўқилган. Эрон манбаларида ёзилишича, А.Э.нинг қаҳрамонликларидан бири енгилмас девни ўлдирганидир. М.Кошгарийнинг “Девону луготит турк” асарида А.Э. номи катнашган кўпгина адабий парчалар келтирилган. Уларнинг йириги А.Э. вафоти муносабати б-н айтилган марсиядир. Фитрат бу марсияни А.Э. қаҳрамонлик достонининг бир парчаси сифатида талқин қиласди. А. Э. Барчук ш.ни барпо қилган. Бу ш.да турувчи турклар чаруқ деб аталаған.

♦ Кошгари M. Девону луготит турт. Т.: Фан, 1961; Фитрат. Энг эски турк алабиёти шамуналари. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2009.

• Берули. Избранные произведения. Т.1. – Т.Н Фан. 1957. С. 114-115, 231-232; Kitabi-Dada Qorqud ensiklopediyasi. Baki: Yeni Naşrler Evi, 2000. S.21. Ҳомидий X «Авесто»дан «Шохнома»га. Т.: Шарқ НМАК, 2007.

«АЛПАМЫС» – туркий халқлар қаҳрамонлик эпосининг қипчок варианти. Қозоқ, коракалпок, татар, бошкирд версиялари мавжуд. Бу вариантнинг нисбатан эски версияси А.Диваев томонидан ёзил олиниб, 1899 й. Қозонда чоп этилган. XX асрда “А.”нинг Абдурайим Бойтурсунов, Султонкул Аккүжасев, Келимбет Серғазиев, Айнабек Нисанов, Али Оспанов, Роҳат ва Суюншли Жанбершиндан ёзил олинган варианtlари сакланади.

♦ Алпамыс батыр. Тексты, переводы / Под ред. М.Аузэрова, Н.Смирновой. Алма-ата, 1961.

• Мұжанов С. Батырлар. Алма-ата, 1939; Сидиков Т. Казахскис версии “Алпамыса” // Советский Казахстан. 1957. №5; История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.50.

«АЛПОМИШ» – туркий халқлар эпоси, қаҳрамонлик достони. А. достонининг қозоқларда “Алпамыс батыр”, олтойларда “Алып-Манаш”, бошкирларда “Алпамыш ва Барсын-суллуу”, корақалпокларда “Алпамыс” каби версиялари ва варианtlари мавжуд.

“А.” варианtlари 1922 й.дан ёзил олинган. Фозил Йулдош ўғли, Пулкан, Берди бахши, Сайдмурод бахши, Бури бахши, Бекмурод Жұрабой ўғли, Мардонкул Авлиёқул ўғли, Абдулла Нурали ўғли, Умр бахши, Ҳайдар Бойча ўғли, Раҳматулла Юсуф ўғли, Кодир Раҳим ўғли томонидан 40 дан ортик вариантда ёзил олинган.

“А.”да ўн олти уруғлик Құнғирот элида үтган Добонбий, Бойбури, Бойсари каби уруғ бошликлари ва уларнинг фарзандлари Ҳакимбек, Қалдирғоч, Барчиной кисматидан хикоя килинади. Достонда қабила-уругчилик муносабатларининг тугалланиши ва давлатчилик муносабатларининг шаклланиши акс этган. “А.” китобхонларни ватансеварлик, мардлик, қаҳрамонлик, адолат рухида тарбиялайди.

1949 й. аввал Тил ва ад-т инс-тида, сунг “Дружба народов”, “Звезда Востока” журн. (1951)да, 1952 й. Фирка марказқуми ва Ёзувлар уюшмасида “А.” кескин кораланди. Нихоят, 1956 й.дан кейин достон ҳакида тадқиқотлар ва асарнинг матни эълон қилина бошланган.

“А” варианктари: 1938 й.да Фозий Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган нусхаси айрим кискартиришлар ва сўз боши б-н Ҳамид Олимжон томонидан нашр қилинган.

- ◆ Алпомиш. Т.: Шарқ НМАК, 1998; Алпамыш (псв. Ф.Юлдаш оғлы) / Пер. с узбек. Л.Пеньковского. Т.: 1998; Алпомиш [Академнашр]. Т.: Фан, 1999; Alpomish. O'zbek xalq qahramonlik eposi. Т.: SHarq NMAK, 2010/
- Юнусов F.O. “Алпомиш” достони // Билим ўчоги. 1923. 2-3 сон. Б.37-39; Жирмунский В.М., Зарипов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. М., 1947. С.60-108; Алпамыш. Тезисы докладов и сообщения регионального совещания по эпосу «Алпамыш». Т., 1956; Жирмунский В.М. Сказание об Алпамыше и богатырская сказка. М., 1960; Турецкий героический эпос. Л.: Наука, 1974; Мирзаев Т. “Алпомиш” достонининг ўзбек варианты Т.: Фан, 1968; Саидов М. Ўзбек достончилигига бад. маҳорат. Т.: Фан, 1969; «Алпомиш» – ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. Т., 1999; Муродов М., Эргашев А. Алпомишинома. Т.: Ўзбекистон, 1999; Turk Dunyasi Edebiyat Kavramları ve Terimleri Ansiklopedik Sözlüğü. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.131-140; Йўлдошев К. “Алпомиш” талқинлари. Т.: Маънавият, 2002; Улуғов А. Мухташам мӯъжига / Инсон ибрата интилади. Т., 2007. Б. 47-69; Мирзаев Т. Эпос и сказитель. Т.: Фан, 2008; Каримов Н. “Алпомиш”нинг қатли ом килиниши / Адабиёт ва тарихий жараён. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2013. Б.194-212.

АЛТАИСТИКА – қ. Олтойшунослик.

АЛТАЙ тиллари – қ.: Олтой тиллари.

«АЛТАН ТОВЧИ» (мұғулча: олтин тұплам) [манбашунослик] – мұғул ийліномалари тұплами. XVII асрда Лубсан Данзан томонидан жамланған адабий-тарихий манба. Тұпламга мұғул халқининг қад. қүшилдари, насрий асарлари, мatal ва маколлари йигилған. Адабий характеристика жиҳатидан “Ривоятлар хазинаси” комусий манбасига яқин. Бирок ушбу манба кейинрок тартиб берилгани учун таркибига айрим кисса ва ривоятлар ҳам кирилтілған. Мас., машхур хукмдор Худей-чеченинг Амбагайхон авлодларига мурожаати, Чингизхоннинг гүккіз давомчилари б-н етим бола сұхбати в.б.

- Лит-ный энц-кий словарь. Под общ. ред. В.М.Кожевникова и П.А.Николаева. М.: СЭ, 1987. С. 21.

«АЛТАН ТОВЧ» (муғулча: олтин кисса) [манбашунослик] – мұғул ийліномалари тұплами. XVIII асрда тартиб берилған. А.Т. асосида “Гээрхон”, “Харангуйхон ҳакида кисса” каби бир неча тарихий-бад. асарлар яратылған. Бу асарлар *намтар* (хәйтнома), сургаал (хикматли сүзлар), магтаал (мадх) каби жанрларни ўзида мужассам қылған. А.Т. Калидаснинг достонлари, Нагаржуннинг пандномалари ва Ижжаннашнинг социал романларига ҳам материал берған.

- Монголия / Страны и народы. М.: Мысль, 1982. С.47-48.

АЛТАНХАН – қ.: Олтинхон.

АЛТЕРНАТИВ-ТАРИХИЙ НАСР (лотинча: alter – иккидан бири) [эстетика, поэтика] – муқобил тарихий асар, замонавий ад-тдаги эпик (ёки драматургик) жанрлардан бири. Асарда бирор мамлакат ёки макон тасвирилсанса ҳам айни номдаги ш. ёки мамлакат номи алмаштирилади. У ердаги тарихий воеалар замирауда бошқа үлка назарда тутилади. Мас., И. Гаспиралининг “Дору-роҳат мусулмонлари” асарида воеалар замини Андалусия тарзида берилган бўлса ҳам, бу муал.нинг хаёлий исломий мамлакат ҳақидаги орзуларирид.

А.н.тарихий ва фантастик асарларда кенг кўлланилади. Бирок тасвирдаги воеалар орқали х. даврга ишора килинади. Мас., Фитрат “Чин севиш” ва “Хинд ихтиолчилари” асарида Ҳиндистоннинг инглиз босқинчиларига карши кураши тасвириланган бўлса-да, унда Туркистаннинг руслар томонидан идора қилинишига ишора килинади. Рус насирида В.П. Аксеневнинг “Крим ороли” асарида 1920 й. воеалари тасвирилансан ҳам, тасвир шуролар даври воеаларига муқобил равища параллел кетади. В.А. Пысцухнинг “Роммат”, В.М. Рибаковнинг «Арбат болалари» романларида шундай йўл тутилган.

А.-т. асарлар XX асрнинг 80–90-й.ида собик шуро ад-тида урф бўлган.

АЛТИНСАРИН, Ибраї – К.: Олтинсарин, Ибраї.

«АЛТУН ЙАРУК» – к.: “Олтин ёрук”.

АЛФАВИТ (юонча: α «алфа» ва β «бета» (вита) ҳарфларининг номи: АБ) [лингвопоэтика] – маҳсус ишланган ёзув белгилари туплами булиб, маълум ички тартиб асосида жойлаштирилган товушларнинг ёзувдаги белгилар б-н ифодаланишидир. А товуш ифодаловчи белгилар тартиби булиб, инсон нутқидаги турли товушларнинг ёзувда ёки нашрда акс эттириш воситаси хисобланган. Узбекларда “алифбо” деб юритиладиган бу тизим Ғарбий Европада А. номи б-н сакланган. А. м.а. иккинчи минг йилликда угарит ва финикий ёзувлари асосида шакланган, Европа А. га эса финикий белгиларидан келиб чиқкан юон А. асос бўлган. Булар Латин А. деб юритилади. Айрим А.га арамей (оромий) ёзуви асос бўлган. Мас., араб ёзуви асосида шакланган А. барча араб мамлакатларида, Эрон, Афғонистон ва Шаркий Туркистанда жорий ёзув саналади. Рус А. – кириллица деб юритилиб, Византия-юони А. асосида ака-ука Кирилла ва Фёдор Мефодийлар томонидан ишлаб чиқилган эски славян ёзуви асосидадир. Пётр I даврида рус А. ислоҳ килинган, яъни русча талаффуздан йирок і, ѿ, ў, ѩ чиқариб юборилиб, ўрнига жорий ёзувдаги э, я, ё, ѵ ҳарфлари киритилган. Рус А. 1917–18 й.ларда яна бир марта ислоҳ килиниб, Ѣ чиқариб юборилган. Россияда А.лар тупламлари “Азбуковники” (славян т.даги А-аз, Б-бука ҳарфларига кўра) деб юритилиб, унда А. тартибидаги сўзлар жамланган, имло лугати бўлиш б-н бирга, бу тартибидаги сўзларга изоҳлар ҳам берилган.

Нисбатан кад. “Азбуковники” XVI асрға тегишли. Кад. санскрит ёзуви белгилар эмас, бүгінлар асосида шаклланган. Илова-расм. ИЭС, 36.

- Струве В.В. Происхождение алфавита. Петроград, 1923; Щерба Л.В. Теория русского письма / Избр. работы по русскому языку. М., 1957; Дирингер Д. Алфавит / Пер. с анг. М., 1963; Ковтун Л.С. Русская лексикография эпохи средневековья. М.Л.: 1963; Истрип В.А. Возникновение и развитие письма. М., 1965; Виноградов В.А. Алфавит / Лит-ный энц-кий словарь. Под общ. ред. В.М.Кожевникова и П.А.Николаева. М.: СЭ, 1987. С.21; Буланин Д.М. «Азбуковники» / Лит-ный энц-кий словарь. М.: СЭ, 1987. С.15; Большой энц-кий словарь: Языкознание. М.: БЭС, 1998. С.29; Борев Ю. Словарь терминов текстологии и генетической критики. М., 2011. С.25; Алфавит. Новая лит-ная энц-я / www.nlit.ru/, 2012.

АЛФИЙ ШОМИЙ (XVII) – форситүй шоир, хиндистонлик шоир Файзийнинг замондоши. Хурсондаги Шом кишлоғида тутилған. Мутрибий шеърий санъатлар бобида үткір дидли бұлғаны ва гүзәл шеърлар битгани хакида маълумот беради. Тадвир санъати ҳакида тушунтириш бериб (Рашидиддин Ватвот бу санъатни “болалар үйини” деб атаган), А.нинг бу санъатни күллаган бир ғазалларидан намуналар келтиради. Куйидаги байт шоир истеъдодидан дарап беради:

Чарх ҳам карда қадди ҳешу ба доси маҳи нав,
Мекунад мазраи умри ҳамаи ҳалқ дерав.

Мазмуни:

Осмон эгиб каддини янги ой үроғи б-н,
Барча одамларнинг умри даласини үрар.

- Мутрибий Самарқандий. Тазкирату-ш-шуаро / Форсийдан И.Бекжон тарж. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2013. Б.98.

АЛФОЗ (арабча: لفظ – “лафз”нинг кўплиги) [лингвопоэтика] – тил, гапириш услуби, талаффуз. Мумтоз поэтикада гүзәл нутқ, талаффуз гўзалиги маъносида келади. Алишер Навоийнинг “Лисону-т-тайр” асарида “тил” истилохи ўринда келади:

Шеър ҳар синфинки қитдим ибтидо,
Турк алфози била топти адo.

- Алишер Навоий. Лисону-т-тайр / Тўла асарлар туплами. Т.: F.Фулос помидаги нашр., 2011.

АЛЬБА (италиянча: alba – тонг) [поэтика] – ўрта асрлар Ғарб лирикаси жанрларидан бири. Трубадурлар шеъриятида тонгти қўшиқ. Испанияда тонгда ижро этиладиган куй. Ғарбий Европа маданиятида очиқ саҳнада ёки табиат қўйнида маъшука шарафига айтиладиган қўшиқ. Илк намуналари XI асрға тегишли, трубадурлар шеъриятида ва куртуаз лирикасида қатъий поэтик шаклга кирган. Айрим ҳолларда диалог тарзида ҳам айтилған. А.рицарнинг маъшука б-н тунги учрашуви ҳақида баён қилувчи тонгти шеърий ёки насрый нутқ тарзида ҳам тушунилади. Бу ўринда уларнинг ҳар иккиси (дуэт, диалог шаклида) ҳам илптирок этиши ёки рицар ёлғиз ўзи (монолог шаклида) маъшукасини эслаб, тонгда қўшиқ куйлаши мумкин. Тунги қўшиқ

серена ёки серенада дейилган. Серенада учрашувга чорловчи қүшик ёки оханг, А. эса учрашувдан сүнгти у ҳақдаги ширин хотиралар баёнидир.

◆Хрестоматия по зарубежной лит-ре. Лит-ра средних веков / Сост. Б.И.Пуришев, Р.О.Шор. М., 1953.

• Гаспаров М.Л. Альба / Лит-ный энц-кий словарь. Под общ. ред. В.М.Кожевникова и П.А.Николаева. М.: СЭ, 1987. С.21; Елисеев И.А., Полякова Л.Г. Словарь лите-вежеских терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.8; Борев Ю. Эстетика. Тсория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асель-Аст, 2003. С.23; Альба. Новая лит-ная энц-я / www. nlit.ru., 2012.

АЛЬБЕРС, Жозеф (1888 –1976) – олмон рассоми, геометrik абстракционизм назариётчиларидан. 1915 й.да Берлин бадий мактабини тамомлаб, Мюнхен Бадий академиясига ўкишга кирган. 1920 –33 й.ларда Баухаузда Курилиш ва бадий дизайн мактабида дарс берган. Фашизм хокимият тепасига келгач, АҚШга күчіб үтган. 1950–58 й.ларда Йель ун-ти Архитектура ва дизайн факультети профессори. Узининг тажрибалари ва илмий кузатишлари асосида “Рангларнинг ўзаро харакати” (1963) асарини ёзган.

Рассом сифатида квадратлар композицияси туркумининг ижодкоридир. Квадратларда ранг ва ўлчовлар ўзаро муносабатига доир катор асарлар чизган: “Америка” (1950), “Дарвозалар” (1959), “Ш.” (1970) в.б.

• Энц-я модернизма. М.: Эксмо–Пресс, 2002. С.122-123.

АЛЬБЕРТ фон Больштедт (Буюк Алберт, 1193 –1280) – олмон файласуфи ва диншунос олимни. Париж, Кёльн ўкув юртларида дарс берган. Арасту асарларига шархлар ёзган. А. туза бошлаган диний асарлар каталоги кейинроқ унинг шогирди Фома Аквинский томонидан давом эттирилган. Универсализм руҳидаги қарашлари Ибн Сино таъсирида шаклланган. А. минералология, ўсимликшунослик ва зоология каби аниқ фанлар соҳаларида хам асарлар ёзган.

◆Альберт Великий. О растениях / Агркультура в памятниках Западного средневековья. М.-Л., 1936.

• Трахтенберг О.В. Очерки по истории западноевропейской средневековой философии. М., 1957.

АЛЬБЕРТ, Ханс (1921 й.т.) – немис файласуфи. Ҳейдельберг (Германия) ун-ти профессори, танкидий рационализм тарафдорларидан бири. Дастрлаб Паппер таъсирида дуалистик позицияда турган, кейин эса Динглер гоялари таъсирида танкидий реализм тарафдори бўлган. “Мюнхаузен трилеммаси” гоясига карши чикиб, Узининг фалсафий таълимотини илгари сурган.

• Современная западная философия. М.: ИПП, 1991. С.14.

АЛЬБЕРТИ, Леон Баттиста (1404/18.XI–1472/25.IV) – итальян шоири, рассоми, санъатшунос, файласуфи, меъмори ва математиги. Генуяда туғилган. Лион ун-тида таълим олган. Италиян т. дарслитининг биринчи муал.и, Рим харитасини биринчи бўлиб ишлаб чиқкан ва нашр килдирган.

“Филодокс” (1424) комедияси итальян драматургиясининг сара асарларидан саналади. “Мом” (1451) аллегорик ҳажвиясида ўз давридаги носозликларни танкид остига олган. “Меъморлик ҳакида ўн китоб” асари санъатшунослика доир фундаментал ишлардан саналади. Ахлок соҳасига оид “Оила” асари машхур. “Уй қурилиши” асарида оиласабатлар ҳамда давлат ва жамият қурилишига тегишли мулоҳазалар баён килинган. “Бахтсизликдан қочиши” асарида ўзининг фалсафий карашларини эълон қилган.

А.нинг рассом сифатида бронздан ясалган “Автопортрет”и, Флоренциядаги “Санта Мария черковининг олд томони (фасади)”, “Ручеллаи уйи” в.б. итальян Уйғониши даври санъатининг нодир намуналариdir. А. “Инсон бадани пропорциялари ҳакида турт китоб” асарида рассом маҳорати ҳакида сўз юритиб, расм оригинал олдида турган ойнадай аниклик б-н акс этиши керак, деб сзади. Рассомлик санъати оддий ҳунар даражасига тушиб қолса, у моҳиятини йўқотали, келажакка эмас, кундалик тириклика хизмат килади. А. рассомлик санъатини ад-тдан устун қўяди.

- ◆ Альберти Л.-Б. Десять книг о зодчестве. М.: 1937.
- Гильберт К., Кум Г. История эстетики / Пер. с англ. М.: Изд. иностр. лит-ры, 1960. С.185,209; Итальянское Возрождение. Сб. источников. Новосибирск, 1975; Зубов В.П. Архитектурная теория Альберти / Леон Батиста Альберти. М., 1977; Абрамсон М.Л. От Данте к Альберти. М.: Наука, 1979.

АЛЬБЕРТИ, Рафаэл (1902–1999) – испан шоири. Италия (Рим)да яшаган. “Курукликдаги денгизчи” (1924), “Эврилишда” (1937), “Хуан Панадеро банди” (1949,1956), “Парана дарёси қўшик ва балладалари” (1954), “Мухаббат шеърлари” (1967), “Пикассоининг саккиз номи ва мен капдай ўйласам, шуни айтаман” (1970), “Қувғин ва умид достонлари” (1976) шеърий тўпламири муаллифи. “Йўколган ўрмон” (1-2 кисм, 1959, 1968), “Пабло Пикассо” (1977) хотиралар китобларини ёзган. “Гуллаётган клевер”, “Музъиза”, “Прадо музейида уруш туни” (1960) драмаси саҳнага чиқкан.

- ◆ Альберти Р. Избранные. М., 1977.
- Кельин Ф.В. Рафаэль Альберти и Монна Тереза. Леон.: Интернациональная лит-ра. 1934. №3-4; Плавский З.И. “Строфы Хуана Панадеро” Рафаэля Альберти / Ученые записки ЛГУ. Серия филологических наук. 1955. №184; История испанской лит-ры. М., 1978.

АЛЬБОМ (лотинча: *album* – оқ мато ёски тахта) – кад. римликлар А.га турли гаплар ва қизикарли воеалар ёзиб, гавжум жойларга ўрнатишган; оқ дафтарга кундалик, шеърлар, *автограф* ва бошқа ёзувлар белгилаб боришган (блокнот сингари); расмлар ва фотосуратлар тўплами. Ижодкорлар А.лари, одатда, сўзбоши, сурат остидаги ёзувлар, изоҳ ва шарҳлар б-н бирга нашр этилади. Рассом ёки фотографнинг бадиий асарлари жамланмаси А. булиб, нашр ҳукукига эга бўлади.

- Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.37.

АЛЬДИНА (лотинча: ald+din) – кичик форматли, оз сонли китобхонларга мўлжалланган нашр. Дастлаб Альд Мануций, унинг ўғи Паоло ва набираси Альда ҳамда куёви Андрей Торрезли томонидан амалга оширилгани учун нашр номи бу оиданинг номидан олинган. А. нашрида Арастунинг б жилди “Асарлар”и (1495–98) чоп этилган. XV–XVI асрларда Венсия ноширлари томонидан оммалаштирилган, муковаси зарҳал ҳарфлар б-н ёзилган кимматбаҳо терилардан ишланган. А. нашрларида биринчи марта курсив (айрим сўз ёки жумлаларнинг айрича ёзилиши) кўлланилган. Антик давр ва Европа Уйғониш даври вакилларининг асарлари мана шу нашр тури орқали оммалашган.

• Борев Ю. Словарь терминов текстологии и генетической критики. М., 2011. С.25.

АЛЬМА (лотинча: alma – таъминловчи, севувчи) – Фарбий Европа шеъриятида кенг кўлланиладиган эпитет, айрим ўринларда тимсол. Рим шоирлари кишиларга якин бўлган маъбуллар Церера, Венера кабиларга нисбатан ишлатишган. Она маъбуда Кибела асарларда “Алма матер” деб юритилган. Ун-тлар ва бошқа маънавий масканларда руҳий озуқа берувчиларга нисбатан ҳам А. эпитети кўлланилган.

• Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.37.

АЛЬМАНАХ (арабча: ал-мунах – тақвии, вакт, улчов) [адабий жараён] – адабий тўплам, бирор мавзу, жанр в.б. тартиб асосида жамланган. Урта асрлар араб тақвимида астрономик ҳодисалар акс этган, секин-аста улар турли кизикарли ҳодисалар, латифалар, ҳазил шеърлар ҳисобига бойиб борган. 1474 й. Венгрияда кирол Матвей Корвин таклифи б-н икки тилли (лотин ва олмон) А. нашр этилган. Йиллик баъзан ҳар фаслда А. чоп этилиб, уларда қирол оиласига тегишли хабарлар ҳам бериб борилган, Германияда “Готик альманах” тузилган. XVI –XVII асрларда А.да шунчалик турли ахборот материаллари жамланганки, айрим мутахассисларнинг фикрича, улар вактли матбуот вазифасини ҳам бажарган. Вакт ўтиши б-н А.нинг икки тури фарқлана борган: уларнинг биринчиси тақвим характерини саклаган, иккинчи тури эса, адабий асарлар тўпламига айланган. Мавзусига кура мусикий, театр, аёллар ва болалар А. нашр этилган. Демак, А.даврий нашр бўлмай, мавзуга ва соҳага кўра асарлар тўпламига айланга борган.

Биринчи адабий А. Францияда “Альманах муз” (Париж, 1764 –1833) номи остида чиқкан. “Ад-т. Театр ва нафис санъат А.” (1853–59) Ж.Жансен томонидан чоп этилган. «Париж А.» (1862–70), А.Шамиссо томонидан чиқарилган “Олмон А.” (1830–39) ўз даврида шуҳрат козонган. Россияда 1-А. Н.М.Карамзин чоп эттирган «Аглая» (1794–95) А.дир. XX асрда футуристлар томонидан “Хира ой” (“Дохлая луна”, 1913) А. тузилган. Россияда “Адабий Москва” (“Лит-ная Москва”), “Шеърият куни” (“День поэзии”), “Прометей” каби альманахлар машҳур бўлган.

Ўз-нда “Ўзбек еш шоирлари” (Фитрат, Чулпон, Боту, Элбек шсьрлари, 1922), “Гузал ёзгичлар” (1923), “Адабиёт парчалари” (1926), “Армутон” (1944), “Зафар” (1945) мажмуаларини шундай адабий А. типига киритиш мумкин. XX аср 2-ярмида «Гулдаста» (1964, 1968), «Ёшлик» (1970), «Ёшлик баёзи» (1979, 1984) каби адабий А. эълон килинган.

- Смирнов-Сокольский Н.П. Русские литературные альманахи и сборники XVIII и XIX вв. / Предварительный список. М., 1956; Turk Dunyasi Edebiyat Kavramları ve Terimleri Ansiklopedik Sözlüğü. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.126; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.24; Karataş T. Ansiklopedik Edebiyat Terimleri Sözlüğü. Ankara: 2007. S.34; Борев Ю. Словарь терминов текстологии и генетической критики. М., 2011. С.26; Альманах. Новая лит-наш энц-я / www.nlit.ru, 2012.

АЛЬМОРАВИД (арабча: المرادي – ал-Муравийлар) – Шим. Африка (х. Мавритания)да хукмронлик килган сулола. А. XI аср ўртасидан 1146 й.га кадар давом этган, Абдуллоҳ ибн Ясин асос соглан. Бу сулола вакиллари дастлабки харакатини работ (хонақоҳ)да бошлаганлари учун *ал-мурабитун* деб аталган. 1061 й.да Юсуф ибн Тошифин ўз ҳокимиятини кенгайтириб, Испания, Марокаш, Фарбий Жазоирни эгаллаган. Марокаш ш.ни пойтахт килган. Кейинрок *альмоҳадлар* сулоласига ўз ўрнини бушатиб берган. Тарихий ва илмий ад-тларда А. давлат ёки сулоласи номи б-н сақланган.

- Шюльен Ш.А. История Северной Африки / Пер. с франц., т.2. М., 1961.

АЛЬМОҲАД (арабча: الموهون – бир дин вакиллари, *диндошлар*) [диншунослик] – Шим. Африкада XII аср ўртасидан вужудга келган сулола ва давлат. Ал-Муравийлар сулоласининг бошкарув тизимига карши бош кўтарган ва 1122–1269 й.да ҳокимиятни бошкарган. А. сулола асосчиси Ибн Тумарт, унинг давомчиси Абдулмӯмин даврида кучайган. XIII аср ўртасидан дастлаб Кастилия, Арагон ва Наварра, кейинрок Испания (Гарнада-Гренададан ташкари)да ҳокимияти барҳам топган. 1269 й.да Марокашда бутунлай мағлубиятга учраган.

- Шюльен Ш.А. История Северной Африки / Пер. с франц., т.2. М., 1961.

АЛЬТ (лотинча: *altus* – баланд) [эстетика, мусика назарияси] – I. хор ёки вокал ансамблида паст овоз (баъзан болалар ёки аёллар овози)да ижро этиладиган партия (кушикнинг бир кисми). Тенор ва диксант ўртасида турувчи овоз. Болаларнинг пастки товуши ҳам А. деб юритилади.

II. торли скрипкасимон созлар оиласига кирувчи, камонча б-н чалинадиган мусика асбоби. Ҳажми скрипкадан катта (одатда 410 м.м), лекин бир квинта (парда) паст созланади. XVI асрда партитураларда альт-виола номи б-н юритилган. Скрипкадан виончелига ўтишда муҳим восита бўлган. А.дан турли шаклдаги *домра-альт*, *кларнет-альт*, *тромбон-альт* мусика асблори келиб чиккан.

- Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.39.

АЛЬТЕРАЦИЯ (латинча: altero – ўзгартыраман) [эстетика, поэтика] – бир ходисадан иккинчи ходисага тез үтишни ифодалайдиган поэтик усул. Мусикада етти погонали товушлар (до, ре, ми, фа, соль, ля, си) нинг баландлыгини ярим ёкин бутунисича ўзгартыриш; үтиш даврида нотани ярим овозга кутариш ёки тушириш учун белгиланган интервал. Бир рассом бир-бирига ухашаш икки суратни чизаётганда бир суратнинг маълум бир кисмини чизиб, иккинчи суратнинг айни ўша эпизодини параллел равища чизади. Бу поэтик усул бад. ад-тда хам кўлланади. Бир вактнинг ўзида содир бўлган икки ходисани тасвирлашда ёзувчи бир ходисанинг маълум бир булагини тасвирлаб, параллел равища иккинчи ходисадаги мана шу вактда содир бўлган voxcani кўрсатади. Мас., Ж.Боккачонинг “Декамерон” романни.

- Акбаров И.А. Музика лугати. Т.: F.Фулом номидаги напр., 1987. Б.16; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.24.

АЛЬТЕРНАТИВА (французча: alternative – иккidan бири) – мумкин бўлган икки ёки ундан ортиқ қарор ва варианлардан бирини танлаш зарурати. Мантиқ илмida А. ҳукм, яъни бир қарорга келиш. Ўзбек т.га муқобил сўзи оркали тарж. қилинган.

АЛЬТЕРНАНС (французча: alternance – оралаш, сакраб үтиш) – шеърнинг кофия тизимида мисраларро кофиялаш усули. Ҳар банди 4 мисрадан иборат шеърларда 1- ва 3- мисралар, 2- ва 4- мисралар ўзаро кофияланади. А.да кофиядан ташкари (яъни кофияланмаган) мисра (шеър категори) бўлмайди. Бирок бир хил тугалланиш ёки кўшимчалардан иборат кофия А. ҳисобланмайди. Мас., Ф.И.Тютчевнинг “Фонтан”шесри, М.Ю.Лермонтовнинг “Мцири” достонида А. усули кўлланилган.

- Гаспаров М.Л. Очерк истории европейского стиха. М., 1989; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.24.

АЛЬТМАН, Натан Исаевич (1889–1970) – рус рассоми, сценографи ва санъат назариётчиси. Украинанинг Винница ш.да туғилган. Одесса Бадий билим юртини тугаттач (1902–07). Париждаги хусусий студияларда тахсил олган (1910–11). Петербург ва Москвада яшаган пайтида “Рассомларни рағбатлантириш яхудий жамияти”ни тузган (1916). Сценограф сифатида “Отелло”, “Уриел Акоста” асарлари учун саҳна безаги чизган. Классик услубни замонавий абстракционизм б-н бирлаштиришга уринган. А. портрет жанри устаси. “Анна Ахматова” (1914), “Автопортрет” асарлари машҳур галереялардан ўрин олган. Шекспирнинг “Хамлет”, Гоголнинг “Петербург киссалари”, Маяковскийнинг “Мистерия–Буфф» асарларига чизган ғрафик суратлари дарслклардан ўрин олган.

- Петров В. Разносторонний художник // Творчество, 1969. № 10; Энц-я модернизма. М.: Эксмо–Пресс, 2002. С.122-123.

АЛЬТРУИЗМ (французча: *altruisme* – бошқадан) – ахлокий-фалсафий тушунчя. Бошқа кишиларга холис хизмат килиш, эл манфаатини ўз манфаатидан юкори қўйиш ёки фидойиларча ўзини курбон қилиш тушунилади. А. тушунчаси илмга позитивизм тарафдори О.Конт томонидан киритилган. Фалсафадаги эгоизм (худбинлик) тушунчасининг зиддиидир.

АЛЬФА (юончча: α) [лингвопоэтика] – юон алфавитидаги биринчи харф (сунгтиси омега). Кўчма маънода А. бош, асосий, тўлиқ маънодарини англатади. А.дан омегагача – бошдан охиригача.

АЛЬФОНСИ, Петр (XII) – испан-яҳудий адиби. Асарларини лотин т.да ёзган. “Яхудийларга карши диалог”, “Саройдагиларни ўқитиш китоби” (“Учительная книга клирика”) асарлари машхур. Иккинчи асари фалсафий руҳда булиб, араб фалсафаси ва ислом тарихидан кизиқарли новеллалардан иборат. Асарда етти илм (диалектика, арифметика, геометрия, тиббиёт, астрономия, мусиқа, грамматика), етти яхши машғулот (отда юриш, сузиш, камондан отиш, кураш, күш овлаш, шашка ва шерьирик ижод) ва етти иллат (мечкай, ичкиликбоз, сурбет, фирибгар, ёлғончи, хасис, кўпол сўзли бўлмаслик) ҳакида ҳам киска талкинлар берилган.

◆ Альфонси П. Учительная книга клирика / Памятники средневековой латинской литературы X-XII веков. М.: Наука. 1972. С.171-182.

АЛЬФЕРИ ВИТТОРИО (1749–1803) – итальян шоири. Итальян миллий трагедияси асосчиси, дастлаб классицизм б-н боғланган, сунгра итальян маърифатчилигининг вакили. Трагедияларини шундай тасниф килган: мухаббат мавзуидаги: “Клеопатра”, “Филипп”, “Розамунда”, “Софонисба”, “Октавия”; озодлик трагедиялари: “Виргиния”, “Пацци фитнаси”, “Тимолеон”, “Агис”, “Брут I”, “Брут II”; ҳокимият учун кураш мавзуи: “Полиник”, “Агамемон”, “Дон Гарсиа”, “Мария Стюарт”; оиласвий мавзудаги “Орест”, “Антигона”, “Меропа”, “Альцеста”; ички кураш (коллизия) мавзуи: “Мирра”, “Саул”. А. асарлари XVIII–XIX аср итальян трагедияси ривожига ўз таъсирини кўрсатган, 200 сонет, 16 сатира, “Қасосли Этурия” достони, 5 қасида, “Мизогалл” памфлетлар китоби муал.и. Антик ад-т намуналарини итальян т.га тарж. килган. “Витторио Альфьери ҳаёти ўзи томонидан ёзилган” биографик асари (1806) машхур.

◆ Альфери В. Филипп / Пер. Н.Курочкина. -СПб, 1847.

• Де Санктис Ф. История итальянской литературы. Т.2. М., 1964; Мокульский С.С. Итальянская литература. М., 1966.

АЛЬЦИАТ А. (XVI) – барокко ад-тида эмблема жанри асосчиси. Бу жанр график сурат ва унинг остидаги ёзув ҳамда муаллиф имзосидан иборат бўлган. А. асарларида аллегорик фикрлар кучли. А.нинг “Эмблемалар китоби” (1531) Фарбий Европа ад-тида графика рассомчилиги б-н сузсанъатини ўзаро яқинлаштирган, бу яқинлашув асарларнинг таъсирили чиқишига сабаб бўлган.

- ◆ Альциат А. Книга эмблем. М., 1957.
- Теория лит-ры. В двух томах, т.2. / Под ред. Н.Д.Тамарченко. М.: ACADEMIA: 2004. С.147.

АЛЬАМОН – Захириддин Мухаммад Бобур авлодларидан, Ҳумоон ўғли. Бобуршоҳ Ҳумоюннинг ўғлига кўйган исми ҳақида ўзига хос ростгўйлик б-н кўнглидаги мулоҳазани очик айтади. Аммо у ўз танбехини юмшатиш максадида олдин ўғлини яна бир бор фарзанд б-н табрик этади: “Тенгри муборак килғай”. Факат шундан кейин болага кўйилган отнинг ноўринлигини тушунтирумокка ўтади: “...мундин ғофил булубсенким, кисрати истиъмол била авом Аламон дерлар, ё эл Амон дерлар, ўзга мундок алифлом отга кам бўлур”. Демак, ҳалкнинг талаффузида бу от ўзгариб кетмоғи мумкин. Бу эса асл мазмуннинг йўқолмоғига олиб келади. Яна кишига, умуман, алиф-ломга от қўйилмайди. Буни билмок керак эди. Аммо ўғил фарзанд кўрмак хушхабари келганда танбех ҷузилиб кетса бўлмайди. Шунинг учун ота яна табрик ва дуога ўтади: “Тенгри отиши ва зотини фарҳунда ва муборак килғай, манга ва санга кўп йиллар ва бисср карнлар Алъамонни давлат ва саодат била тута бергай”.

АЛЯДИН, Шомил (1912–1986) – крим-татар адаби. Богчасарой (Крим)да туғилган. Симферополь псд.техникиумида, Тошкент мелиоратив ин-ти, кечки пед. ин-тида ўқиган. “Ени дунъя” (“Янги дунё”, Крим) газ.да бўлим мудири, Крим ёзувчилар уюшмаси раиси вазифаси (1939)да ишлаган. II жаҳон уруши қатиашчиси. Ўз-н Ёшлар театрида адабий маслаҳатчи, Ўз-н Ёзувчилар уюшмаси масъуль котиби, “Йылдыз” журнали бош мух-ри булиб ишлаган.

Асарлари 1927 й.дан эълон килинган. “Кулаётган ер” (1932), “Козок күшиғи” (1935) шеърий китоблари. Катор қисса ва романлар муал.и.

АЛҚАМА (VII) – тұлиқ исми Алқама ибн Абий Ваккос. Ҳазрати Умардан кейинги тобеъинлардан. Күплаб ҳадислар шу кишининг номидан ривоят килинади.

АЛҚАМА ибн Абада – жоҳилийя даври (VI аср 1-ярми) араб шоири. Багишлов, шеърий мурожаат ва қасидалар ёзган. Бадавийлар шеърияти руҳида сахродағи ҳайвонлар тимсолини тавсифлаган. Асарлари услуб жихатидан Имру-л-Қайсга ухшаш. Шеърларида кўп хижоли (11–17) мисралар кўллаган. Замонасининг ҳукмдори Хорис ибн Жабалга ўз кабиладошларини озод қилиш тўрисида ёзган мурожаатномаси ҳозирга калар кучли ватаншарварлик асари сифатида қадрланади.

- Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Энц-кий словарь в 12 т. Биографии, т.1. М.: СЭ, 1991. С.216; Seligsohn M. Alkama / Islam Ansiklopedisi. 2-cild. Istanbul, 1993. S.360.

АЛХОН (арабча: الْخُن – куйлар, оҳанглар) [риторика, тасаввуфшунослик] – шеърни оҳангли ўкиш, ҳофизларнинг Куръонни тиловат килиши (тажвид коидалари бўйича), хутба ўкиш. А.нинг баситий (оддий), жирмий (тўлиқ),

инфиилийя (ғамгин, маъюс), мулазза (лаззатбахш), мұхайила (тасаввур эттирувчи), хаттий (энг оддий) каби турлар мавжуд. Мусикада асарларнинг күй, ашула в.б. орқали ифода этилиши. Шарқ вокал ва өлгү мусикасининг умумий ифодаси. Вокал мусика асарларини ташкил этувчи унсурлар нағма, усул ва шеърнинг якка ҳолдаги ижроси. А. мусикий рисолаларда парда уюшмалари, маҳоратни оширишга қаратилган машқлар йиғиндиси сифатида ҳам күлланилади.

- Ражабов И. Мақомлар масаласига доир. Т. Ўзлавнаншр, 1963.

АЛҚАРА (исм) – Манас достонидаги үлмас қаҳрамонлардан бирининг исми. Хитой беги Конурбайга турклар А. деб ном беришган.

- Turk Dunyasi Edebiyat Kavramları ve Terimleri Ansiklopedik Sözlüğü. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.113.

АМАДИС (XV) – Кирол Артур түркүмидаги асарлар ва күпгина рицарлик романлари ва унга таклид, пародия сифатида ёзилган асарлар қаҳрамони. Родригес де Монтальво (1508) томонидан ёзилган “А.Галский” асарида етакчи қаҳрамон. Илк намуналари XIV асрда ёзилган, «А.Г.» номи Сервантесининг «Дон Кихот» романида бош қаҳрамоннинг севимли асари сифатида учрайди. А. үзининг ҳаракати ва сүзлари б-н “стук рицар”нинг тимсоли сифатида гавдаланади.

◆ Хрестоматия по зарубежной лит-ре. Эпоха Возрождения, т.1. / Сост. Б.И.Пуришев. М., 1959.

АМАЗОНКАЛАР (сўзма сўз – кўкраксиз <ўк-ёй отишда ҳалакит бергани учун чап кўкрагини кесиб ташлаган>) [мифология] – юонон мифологиясида ёзилишича, кичик Осиёдаги жанговар аёллар. Арес ва Гармониянинг кизлари. Азов денгизи (эски номи Меотида) соҳилларида, Фермодонт дарёси соҳилидаги Фемискир (Кичик Осиё) ш.да яшаганлар. А. ўз кавмини саклаш учун турмушга чикканида эрларини ўз юртига олиб кетишган. Ўғил бола туғилса, оталарига бериб, қиз туғилса, үзлари олиб қолиб, уларни А. килиб тарбиялашган. А. матриархат давридан сакланган анъаналарни ташувчи хикоялар бўлиб дунёга тарқалган. А.га қарши Беллерофонт, Геракл, Ахилл курашга ҷоғланган.

А. мавзуида Европа шоир ва драматурглари Р.Гарньенинг “Ипполид”, Лопе де Веганинг “А.”, Тирсо де Молинининг “А. Ҳиндистонда” асарлари бор. Вергилийнинг “Энсида” достонида тасвирланишича, Троя ш. мудофаасига А. ёрдамга келган.

- Косвен М. Амазонки. История легенды // Советская этнография, 1947. №2-3; Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.65.

АМАЛ (арабча: امل – иш, ҳаракат) [тасаввухунослик] – бажарилиши лозим бўлган ҳаракат. Тасаввухда А. ўз ҳаракати, тили ва дили б-н эзгу ҳаракатни бажаришга киришиш, имонга амал килиш. Тарикатта кирган солик пир томонидан топшириладиган амалларни бажариши, унга сидкидилдан ишониши, т. дили ва амали бир бўлишига эришиши лозим. Бу даражага

эришган суфийлар мутасаввиғлар деб аталади. Ҳудди шундай бирликка эришиш XIX аср охири – XX аср бошида Богчасарой (Крим)да нашр этилган “Таржумон” газ.га ҳам шиор килиб олинган: “Тилда, дилда ва иш (амал)да бирлик”.

- Kern L.A. Amel / Islam Ansiklopedisi. 2-cild. Istanbul, 1993. S.397-98.

«АМАЛИ СОЛИХ» (“Тарихи Жаҳоншоҳий”) – Муҳаммад Солих Камбуйи Лоҳурий (в.1675) асари (1659). Бобурӣ хукмдорлардан Шоҳжоҳон (1628–1658) тарихига бағишланган. Темурийлар тарихи ва Бобурга бағишланган боблардан сўнг алоҳида боб доирасида ўша давр шоир ва олимларига тұхтатланган. Асар кўллэзмаларидан бири ЎзРФАШИда сакланади (Инв.№741).

АМАЛИЙ САНЪАТ [эстетика] – санъат (арабча: ҳунар)нинг бир тури. Мутахассислар санъатни икки тур: нафис ва амалий санъатга бўлиб урганадилар: *нафис санъат*, яъни бадиий санъат турлари: мусика, ракс, рассомлик, меъморчилик, ҳайкалтарошлик, бадиий ад-т ва мана шу асосий санъат турларидан ҳосил бўлган санъат турларидир. А.с. айrim манбаларда “безак санъати” ҳам дейилиб, амалий ҳаётда, шахсий турмушда кулланиладиган буюмлар, анжом в.б. нарсалар ишлаб чикариш санъатидир. Демак, нафис санъатлар факат инсон маънавиятига хизмат килса, амалий санъат намуналаридан кундалик турмушда ҳам фойдаланиш мумкин бўлади. А.с. намуналари факат моддий ҳаётимизда зарур бўлибгина қолмай, балки гўзал ва чироили буюмлар ишлаб чикариш б-н инсон дидини ўстиришга, унга эстетик завқ ва тарбия беришга қаратилган бўлади. А.с.нинг кандакорлик (мисгарлик), наккошлиқ, ганч үймакорлиги, кулоллик, зардузлик, каштачилик, гиламчилик, кунчилик, заргарлик в.б. турлари мавжуд.

- Ҳакимов А. Амалий санъат, амалий безак санъати / Ўз-н Milliy энц-яси. Т.: ЎМЭДИН, 2000. Б.253-258.

«АМАЛИЙ ҲАМ НАЗАРИЙ АДАБИЁТ ДАРСЛАРИ» – Абдурахмон Саъдий (1889–1953) асари. 1924 й.да ёзилган. XX аср ўзбек ад-тишунослиги илк кулланмалардан бири. Шарқ ад-тишунослиги коидаларини Европа тизимига солишига харакат килган илк назарий кулланмада А.Веселовский, А.Потебня, Д.Овсянико-Куликовский, А.Шалигин каби рус ва украин олимларининг ишларига таянади. Асар 7 бобдан иборат булиб, Киришдан сўнг “Тил”, “Т.да сўзларнинг кўлланиши ҳам услуб масалалари”, “Омма ад-ти”, “Кишилик ижоди ҳам унинг турлари”, “Шеърий ижодларни турларга ажратиш”, “Шоирларда ижод кучлари ва ижод қабоғли бўлган хусусиятлар”, “Часрий ижод ва уларнинг турлари”.

- Дустқораев Б. Ад-т назариясига оид илк асарлар // Ўзбек совет ад-ти масалалари. Т.: ТошДУ, 1986; Муминова Н. Абдурахмон Саъдийнинг ад-тишунослик мероси. НДА. Т., 2002.

АМАЛИКА [мифология] – қадимги араб ва яхудий манбаларида бир хил тарзда маҳаллий элатнинг номи булиб келади. Айрим яхудий манбаларида Ани фаластили, мидайит, фиравн ҳалки деб юритилган. Мусулмон мифологиясида Араб я.о.нинг қадимги ерли ахолиси сифатида кўлланилиб келган. Малика Зенобия (аз-Забба) номи б-н боғланган эпик туркумда кисиб кўйилган, таназзулга учраган элат сифатида талқин килинади.

• Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.65.

АМАРА Синҳа (м.а.VI) – санскрит шоири ва тилшупоси. “Амара Кўча” номли энц-к лугат муаллифи. Уч кисмдан иборат бўлгани учун “Триканда” деб юритилган бу лугатда 10 мингдан ортиқ сўзнинг шеърий шарҳи мавжуд. Калкуттада санскрит матни (1831), Парижда французча тарж. (1839) босилган.

«АМАРАВЕЛЛА» (санскр. amaravella – ўлмас ўсиш) – ёш рус символист рассомлари уюшмаси. 1923 й.да А.Сардон, Б.Смирнов-Русецкий, С.Шигалев томонидан ташкил қилинган. Иккинчи номи: космистлар булиб, уларда Шарқ маданиятига қизикиш кучли бўлган. А.Блаватская, Н.Перих таъсирида улар “ягона дунё қурилиши фалсафаси”ни илгари суришган. 1926 й. Перихни Москвага таклиф қилиб, унинг ёрдамида Нью-Йоркда ўзларининг ижодий кўргазмасини ташкил қилишга муваффак бўлишган.

• Власов В., Лукина Н. Авангардизм, модернизм, постмодернизм / Малый лексикон искусства. СПб.: АЗБУКА Классика, 2005. С.26.

АМАРЕРАСУ (санскритча: самоларга иссиклик берувчи) [мифология] – кад. хинд мифологиясида, Япониядаги синтоизм эътиқодида Куёш маъбуни. Манбаларда А. Идзанаки ва Идзаанмининг кизи сифатида тақдим этилади. Япония императорлари ўзларининг келиб чикишини А.га боғлайдилар.

• Низомиддинов Н.Г. Жанубий, Жануби-шаркий ва Шаркий Осиҳ ҳалклари кад. тарихи, диний эътиқоди, маданияти. Т., 2010; Bünyadov Z. Dinlər, təriqətlər, məzhiblər. Bakı: Şərq-Qərb, 2007. S.30.

АМАТЭРАСУ (японча) [мифология] – кад. японларда күёш маъбуни. Тулик номи: Аматэрасу-оо-но-миками. Япониядаги синто динининг бош маъбуни хисобланаби, маъбуд Идзанаги ва маъбуда Идзанамидан туғилган. Идзанагининг чап кўзидан А., ўнг кўзидан ой маъбуни Цукиёми, бурнидан эса шамол маъбуни Сусаноо вужудга келган. А. ва Сусаноо ўртасида узок вақт жанг бўлган, ниҳоят, А. голиб келгач, Сусаноо ерга, Идзумо мамлакатига кувгин қилинган. Сўнгра мамлакатни Сусаноонинг ўғли Окунинуси бошқарган. А. тавсияси б-н мамлакат А. набираси Ниниги бошқарувига топширилган. Афсонага қўра, Нинигининг ўғли Дзимму биринчи япон императори бўлган ва япон императорлари сулоласи А. авлодлари хисобланган.

• Конрад Н.И. Лекции по истории Японии, ч.1. М., 1937; Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.65; Культура классической Японии. Словарь-справочник. Сост. Рыбакко С.Б., Корпев А.Ю. Ростов-на-Дону: Феникс, Харьков: Торсинг, 2002. С.9.

АМБИВАЛЕНТЛИК (лотинча: *ambo* – иккови, *valenta* – күч) [поэтика, герменевтика] – хиссий кечинмаларнинг иккиланганлиги. Илк бор Уйғониш даври ад-тида пайдо булган. Сўз ёки матннаги икки қарама-қарши маънонинг ўзаро тенглиги (М.Бахтин); бир обьектга нисбатан икки хил муносабат ва кечинмалар мавжудлиги (Ж.Кудлон); бир-бирини рад этмайдиган икки хил моҳият (Х.Бенак). Постмодернизм санъатининг фундаментал ижод тамойилларидан бири, швейцариялик психолор Э.Блейлор томонидан илмий муомалага киритилган. А.да ҳар қандай обьект бир вактнинг ўзида икки хил хиссист уйғотиши мумкин. Мас., коникиш – коникмаслик, севги – нафрат, симпатия ва антипатия. Бу ўзаро зид түйғуларнинг ҳар иккиси ҳам бадиий асарда бир вактнинг ўзида акс этиши керак. Бадиий асарни унинг яратилиш жараёнинга, предметни унинг т.га, ёзувчини ўкувчилар аудиториясига боғлаб тушунишга харакат бу тамойил моҳиятини ташкил килади. Айрим ҳолларда паразестетика, трансэстетика тушунчасига яқин маънода келади. А. ҳакида француз структуралисти Ролан Барт “Мифология” (1953) асарида: “ассоциативликнинг эркин парвозига күчиш”, мақсад бадиий мазмун эмас, балки унинг шакл унсурлари б-н қизикиш, “дунёни матндан” кабул қилиш бу тамойилнинг амалий ифодасидир” деб ёзган.

- Бахтин М.М.** Эстетика словесного творчества. М.: Искусство, 1986. Б.297-325; *Benac H. Nouveau Vocabulaire de la Dissertation et des Études Littéraires*. Paris, 1982; *Cuddon J.A. The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory*. London: Penguin Books, 1991; **Борев Ю.** Эстетика. Теория лит.-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрељ-Аст, 2003. С.24; **Власов В., Лукина Н.** Авангардизм, модернизм, постмодернизм / Малый лексикон искусства. СПб.: АЗБУКА Классика, 2005. С.202-205.

АМБРАЗУРА [мөйморчилик, эстетика] – мөйморчилика қалъа деворларини баланд-паст килиб куриш. Ўқ отиш, кузатиш в.б. мақсадларда деворда атайлаб кемтиқ жой қолдириш. А. Шарқ мөйморчилигига факат деворнинг устки кисмида эмас, балки унинг ораларига ҳам қўйилган. Китоб матбаасида айрим сатрларни ёки матндан кейин қолдирилган очик жойлар ҳам А. дейилади.

- Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.** Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.41.

АМЕБЕЙ КОМПОЗИЦИЯСИ (юононча: *amoībaio* – ўзаро, *такрорланувчи*) [поэтика] – насрый матннинг шеър б-н алмашинуви асосига куриладиган композицион усул. Бадиий матннинг мазмунни ва жанрига қараб, уларнинг ўрни ҳамда миқдори алмашиши мумкин. А.к. икки мустақил образнинг параллел равишда ривожланиши натижасида ғоявий параллелизмнинг вужудга келиши. А.к. антик театрда икки гурух хорнинг навбатма-навбат (гоҳо савол-жавоб гарзида) кўшиқ ижро этиши.

А.к. бадиий асарнинг асосий кисмларидан бири ёки образларининг такрорланишига асосланган курилиши, тузилиши ҳамдир. Қад. юонон кўшиқ (лапар)ларида савол-жавоб тарзида бир хил бирикмалар ўзаро такрорланган:

*Йигит: Үзүм келдим ёнингга,
Бир гап сурай, айтасан!
Бойнинг ўғли мен булиб,
Совчи қўйсам кайтасан?*

*Киз: Бойнинг ўғли сен булиб,
Совчи қўйган чоғингда,
Каттиқ касал мен булиб,
Турда ётсам кайтасан?..*

(Ф.Шоҳ Исмоил тарж.)

А.к. усули кейинчалик ёзма ад-тга ҳам кўчган. Шеърдаги кайтариклар, қўшиклардаги накоратлар ва насрда айрим жумла ва сифатлашларнинг такрор келиши бунга мисолдир. Мас., Ч.Айтматовнинг “Асрга татигулик куни” романida “Поездлар бу ўлкаларда Шарқдан Farbga қараб, Farbdan Шарқга қараб бориб келардилар” жумласи бир неча марта такрорланади.

- Жирмунский В.М. Амбейная композиция / Композиция лирических стихотворений. Пг., 1921; Хотамов Н., Саримсоқов Б. Ад-тишунослик терминларининг русча-ӯзбекча изоҳи лугати. Т.: Ўқитувчи, 1979. Б.27-28; Елисеев И.А., Полякова Л.Г. Словарь лингвистических терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.8-9; Борев Ю. Эстетика. Теория литературы. Энг-кий словарь. М.: Асрељ-Аст, 2003. С.24.

АМЕНЕМХЕТ I (юононча: Amenî) – кад. Миср фиръавнларидан XII сулола асосчиси. М.а. 2000–1970 й. фиръавнлик килган. Фаластин, Ливия давлатларини ўзига бўйсундирган. Тарихда фиръавн эмас, “Насихатлар китоби” муал.и сифатида машҳур. А. валиахди Сенусет I га айтган насиҳат ва сабоклари отанинг ўз ўғлига эмас, балки буюк донишманднинг ўз юртдошларига, замондошларига, келгуси авлодларга айтган фалсафий карашлари сифатида тасаввур беради.

- ◆ Сказки и легенды древнего Египта. М.: Наука, 1974.
- История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.69-71.

АМЕНТЕС (иероглифлар бўйича: Аменти) [мифология] – кад. Миср мифларига кўра, Еrostи дунёсининг номи. Қад. Миср ёдгорлиги “Мархумлар китоби”да тасвирланишича, асосий саҳнада мархумлар ҳаками Осирис ўлган маъбуда Мат (ҳакикат Илоҳаси)нинг савоб ва гуноҳ ишларини тортиб курмоқда.

- Болтабоев Х., Маҳмудов М. Адабий-эстетик тафаккур тарихи. Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2013. Б.17-18.

АМЕНХОТЕП IV, Эхнатон (м.а. ~ 1424-1400) – Миср XVIII сулоласининг фиръавни. Коҳинлар ва улар б-н бирлашган мулкдорларни қўллаган. Бош илоҳ Амон шарафига курбонликларни жорий этган, сунгра Атон (Куёш илоҳийси)ни баркарор илоҳ сифатида тан олган. Дин тарихида монотеизмнинг (якка худолик) бошланиши мана шу хукмдор номи б-н боғлик. Уз исмими Эхнатон (Атоннинг қардоши) деб ўзgartириб. Фива ш.да диний марказ ташкил килган. Умрининг сунгигида диний ракиби Тутанхамон

томонидан снгилиб, бутун ибодатхоналардан номи ўчирилди. А. давридан бизгача айрим гузал санъат асарлари, жумладан, унинг хотини Нефертитининг ҳайкали сакланиб қолган.

• *Bunyadov Z. Dînler, tâtilqallar, mazhablar. Bakı: Sarq-Qarb. 2007. S.30-31.*

АМЕРИГО Веспуччи (1451–1512) – италиялик сайёх, Америка китъаси унинг шарафига аталган. Суринам экспедицияси (1499)да катнашган, 2 марта (1501, 1503) янги китъага саёхат қилган. Саёхат ва саргузаштлари натижасида китоб ёзган (1507). Китоб савдоси б-н шуғулланувчи Мартин Вальдзесемюлтернинг таклифи б-н янги очилган китъага А. номи берилган.

• *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.42-43.*

АМЕРИКА АДАБИЁТИ – I. Америка китъаси тубжой аҳолиси (ҳиндү) ад-ти.

II. Жан. Америка ҳалклари (*Лотин Америкаси*) ад-ти.

III. Америка Күшма штатлари (АҚШ) ад-ти XVII асрдан ривожланиш даврига кирди. 1775–83 й.ларда Б.Франклин ва Т.Пейн ижодий фаолияти ад-тинг тарақкиётида мухим роль ўйнади. Т.Жефферсоннинг «Мустакиллик декларацияси» (1776)да маърифатпарварлик ғоялари акс этган. АҚШдаги фукаролик урушидан XIX асрнинг сўнгтига кадар кечган адабий жараённи мутахассислар “Кризис”, “Экспанция” ва “Провинция” истилоҳлари орқали талқин киладилар. 1864–68 й.да жанублик кулдорларга карши озодлик уруши даврида мумтоз ад-т вужудга келган. А.а.да Лонгфелло (“Гаявата ҳақида кўшик”), Холмс, Лоуэлл “Кризис” даврининг ёркин намояндадари саналади.

XIX асрнинг 1-ярмида Америка романтизми юзага келди. Бу ад-тнинг машхур вакиллари В.Ирвинг, У.К.Брайант асарларида бўлажак фаровон ҳаёт идеаллари акс этган. 40—60-й.ларда ад-тда негрларни кулликдан озод килиш ҳаракатига Ж.Г.Уитъер, Ж.Р.Лоуэлл, Г.Бичер-Стоу («Том тоганинг кулбаси»), Р.Хильдредт каби адиллар ўз асарлари б-н хайриҳоҳлик билдирилар. У.Уитмен ижоди миллий шеърият ривожида мухим рол ўйнади. Кейинги даврларда Ф.Купер (“Жосус”, “Сўнгти могикан”), Г.Торо (“Уолден”), В.Ирвинг (“Ал-Ҳамро” туркуми, “Мұхаммад а.с. ҳаёти”), Эдгар По в.б. жаҳонда шуҳрат қозонган. А.а. вакилларининг дастлабки авлоди инглиз ад-тининг ижодий таъсирида бўлган. Романтизм оқими вакиллари ижодида А. табиатига хос тоғлар, ўрмонлар, дарё ва кўллар, маҳаллий ахолининг руҳий олами, уларнинг келгиндилар б-н тукнашувлари тасвиrlанган. Марк Твен («Том Сойернинг саргузаштлари», «Гекльберри Финнинг саргузаштлари»), Т.Драйзер («Молиячи», «Америка фожиаси»), Ф.Норрис, Ж.Лондон («Мартин Идеи») асарлари ад-тда янги сахифа очди. XX асрнинг бошида Европадаги тартибсизликлар, I жаҳон уруши вожудга келишига сабаб булди. Урушдан кейинги даврда Ж.Д.Сэлинджер, Ж.Чивер, У.Стайрон, Ж.Оутс насрий асарлари қаҳрамонлари “урта синф” деб аталган тоифадаги китобхонларга бағишиланди. АҚШ илмий-фантастик

ва сатирик ад-ти (А.Азимов, А.Кларк в.б.), бадий-хужжатли роман жанри ривожланди. Реалистик ад-тнинг вужудга келиши У.Д.Хоуэллс номи б-н боғлик. С.Лэнир ва Э.Дикинсоннинг шеъриятдаги тажрибалари янги даврни бошлаб берди. Адиблар Г.Бичер-Стоу, Т.Драйзер, О'Генри, Э.Хемингуэй, Ж.Стейнбек, У.Фолкнер, Ж.Алдайк асарларида оддий одамларнинг машаккатли хаёти, манфаатпарастлик ва худбинлик хукм сурган жамиятда эзгулик топталиши ўз аксини топган.

АҚШ ад-ти вакилларидан Г.Бичер-Стоу, М.Твен, Э.Синклер, Ж.Лондон, О'Генри, Т.Драйзер, Э.Хемингуэй, Л.Хьюз в.б.нинг асарлари ўзбек т.га тарж. этилган.

- История амриканской лит-ры / Под ред. Н.И.Самохвалова. М.: Просвещенис, 1971; Лит-ная история США. т.1-2. М.: Прогресс, 1978.

АМЕРИКА ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ (*The Encyclopedia Americana*) – АҚШда инглиз т.да нашр этиладиган универсал комус. 1906 й.дан нашр этила бошланган. Дастрлабки нашри 16 ж.д (1903–04). 1918–20-й.ларда такомиллаштирилган 30 ж.дан иборат А.Э. чоп килинди. А.Э.га 1923 й.дан бошлаб чиқа бошлаган йиллик илова «Americana Annual»да А.Э.ни түлдирувчи маълумотлар бор.

АМЕРИКАНИЗМ – АҚШ адаби Уильям Гилмор Симмснинг 1844 й.ги “Ад-тда американизм” маколоси туфайли шаклланган қараш. Кейинги давр манбаларида А. ўрнига “Америка деконструктивизми” биримаси қўлланилмоқда. А. асосида «структуранинг структуравлигиги» («таркибнинг таркибийлигиги») асосий тамойил даражасига кўтарилиган. Ж.Деррида талкинича, мана шу тамойил А.д. нинг шаклланишига сабаб бўлган. Олимнинг “Грамматология ҳакида” (1976), “Феноменлар ва нутк” (1978), “Ёзув ва фарқлар” (1978) каби ишлари тарж. этилгандан сўнг А.д. оммалашган. (К.; деконструктивизм)

- Симмс У.Г. Американизм в лит-ре / Писатели США о лит-ре, т.1. М.: Прогресс, 1982. С.60–70; Лит-нос произведенис как предмет современной зарубежной науки о лит-ре / Введение в лит-веденение. Хрестоматия. Сост. П.А.Николаев, А.Я.Эсалнек. М.: Высшая школа, 2006. С.435.

АМЕША СПЕНДА (авесто т.да: абадий, мукаддас; дарий т.да: *Амшаснанд*) [мифология] – “Авесто”да Ахурамазда атрофидаги 5-6 нафар энг якин маъбуд. Айрим мадҳуларда эркак жинсида, айримларида аёл жинсида деб талкин қилинади. Ад-тларда бу тимсолнинг хинд мифологияси (ведалар) бўйича мукобиллари бор. Ҳинд-эрон версияларида А.С. таркибига Спента Майнью (мукаддас рух), ижод илоҳаси, Ваху Мана (шарофатли фикр), Аша Вашихта (ҳакикат), Ҳшатра Вайрья (самовий хукмронлик), Армайти (номус), Аурват (бутунлик), Амертат (абадийлик) каби нисбалар киритилган. Зардушт баснига кўра Ахурамазда бу кучлар б-н мана шу тартибда учрашган. Бу 7 жиҳат орқали А.С. Зардушт эътиқодининг дунёга ёйилишига сабаб бўлган.

- Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.67.

АМИДА (санскритча: amitabha – *күринчас нур*) [мифология] – будлавийлик мифологиясидаги маҳаяна ва важраяна каби беш олий буддалап бири, жаннат (сукхавати) яратувчиси, жаннатда барча маъбуллар яшайдилар ва А.га ётиқод қиласидилар. А. культи Ҳиндистонда вужудга келган ва шимолий улкалар, яъни Япония ва Хитойда кенг тарқалган. Бу мамлакатлар санъатида А. жаннат боғининг мумтоз тасвири марказида берилади. X–XII асрлар япон ибодатхоналарида суратларда А. ҳар доим олтин рангда товланувчи нурга йугириб тасвирланган. Ўрта асрлар япон бутларида ҳам А. тог чўққилари ортидан худди қуёш каби нур таратиб туради ва ўзига тобе кишиларга ғамандухлардан озод булишда ёрдам беради.

- Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.67; Культура классической Японии. Словарь-справочник. Сост. Рыбалко С.Б., Корнев А.Ю. Ростов-на-Дону: Феникс, Харьков: Торсинг, 2002. С.9.

АМИДИЙ, Рукниддин (в. 1218) – мутасаввиф адиб, ҳанафий мазхабли фикхшунос сифатида танилган. Тўлиқ исми: Рукниддин Абу Ҳамид Мухаммад б. Амид Ҳанафий Самарқандий. Амидийлик тариқати асосчиси. Кўплаб маърифий ва тасаввуфий асарлар ёзган. Султон Алоиддин Мардон даврида Бангалиянинг Лахвнав ш.да козилик қилган (1201-11). “Ал-тариқату-л-амидий”, “Китобу-л-иршод”, “Хафзу-л-ҳаст”, “Миръоту-л-маънавий фи идроку-л-олами-л-инсоний” каби рисолаларида ислом фикхи масалалари ва амидийлик тариқатининг асосларини изоҳлаган. Бухорода вафот этган.

- Türk Dünyası Edebiyatçıları Ansiklopedisi. Ankara, 2002. S.388.

АМИДИЙЛИК (арабча: امیدی > исм) [тасаввуфшунослик] – тасаввуф тариқатларидан бири. Рукниддин Абу Ҳамид Мухаммад б. Амид Ҳанафий Самарқандий томонидан асос солинган. Ушбу муаллифнинг А. тариқатига доир “Ал-тариқату-л-амидий”, “Китобу-л-иршод”, “Миръоту-л-маънавий фи идроку-л-олами-л-инсоний” каби асарлари маълум.

- Brockelmann. Amidi / Islam Ansiklopedisi. 2-cild. Istanbul, 1993. S.401-402.

АМИН (арабча: امن – ишончли, ҳалол) – I. Муҳаммад (с.а.в.)га ваҳий келмасидан бурун, яъни пайғамбарликдан бурун (у зотнинг ҳалол ва ишончли бўлгани учун) берилган лақаб.

II. темурийлар даврида молия ва кишлок хўжалигини бошқариш учун белгиланган амалдор. Ксайнирок Бухоро амирлигида кишлокни бошқариш учун тайипланган ва сайланган амалдор. А.нинг вазифаси солик йигиш, сув тақсимлаш ва аҳолини пазорат килишдан иборат.

АМИН (XVII) – бухоролик шоир ва адиб. Асл исми: Қози Муҳаммад Амин. Мавлоно Ислматulloхнинг ўғли, илк таҳсилни отасидан олган. 1013/1605 й.гача Самарқанд ш. қозиси бўлиб ишлаган. Мугрибий тазкирасида А. қаламига мансуб байт келтиради:

Шафқат нимаи зи имон аст,
Шафқат одати мусуљмон аст.

Мазмуни:

Шафқат ярми эрур эътиқод-иймоннинг,

Шафқат одати эрур ҳар мусулмоннинг.

- Мутирий Самирқандий. Тазкирату-ш-шуаро / Форсийдан И.Бекжон тарж. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2013. Б.81.

АМИН (в. 1745) – турк шоири ва мутасаввифи. Тукат ш.да туғилган, асли Диёрбакирдан. Нақшбандийлик тарикатининг издошларидан. Истанбулда Пирий Пошо мадрасасида яшаган. Шахзода Султон Мехмет жомеъида мударрис, Айюб Султон турбадорлиги (макбараси ходими), Мадинада ҳазрат пайғамбар макбарасида фаррош, Шайх Амир Бухорий хонакохи (Султонтепадаги Ўзбеклар такяси-хонакохи)га шайх бўлган. Ўз даврининг таникли мусика устодларидан саналган. А. турк, араб ва форс тилларида шевълар ёзган. “Силсиланомаи Машойихи Накшбандия”, “Одоб ва Аркони тарикати Накшбандия” каби асарлари ва тарж.лари бор.

- Мустафо Эсон. Тазкирадан биографияга. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2011

АМИН БУХОРИЙ, Мирмуҳаммад (XVIII) – тарихчи олим. “Убайдуллоҳнома” муаллифи. Муҳаммад Юсуф Муншийнинг “Тарихи Мукимхоний” асарининг давоми сифатида Бухоро ҳонлигидаги XVIII аср боши маданий ҳаётини ўрганишда мухим маъна саналади. Асарда ад-т ва санъат масалаларига эътибор қаратилган, Сайидо Насафий, Қосимхожа Сарафзор, Фитрати Зардӯз Самарқандий, Мулҳам каби шоирлар ижоди ҳакида маълумот бсрилган.

АМИН УМАРИЙ (1913/20.V–1942/14.XI) – ўзбек шоири, драматург ва таржимон. Самарқанд педакадемиясида ўқиган. ТошДУ ва Тошкент давлат педагогика ин-тида дарс берган (1935–36). “Гулистон” журн., “Қизил Ўз-н” газ.да ишлаган (1937–41). А.У.нинг “Янгрок садолар” (1932), “Давр тантанаси” (1933), “Ёшлик” (1935), “Фарзанд”, “Садокат”, “Болалик кўшиклари”, “Овозим” (1937–39), “Қасамёд” (1942) шеърий тўпламлари, “Асад” (1932), “Тошотар” (1939), “Қозон йўлида” (1938) каби хикоя ва очерклари чоп этилган. А.У. Яшин б-н ҳамкорликда “Ҳамза” (1940), Туйғун б-н ҳаммуаллиқда “Қасос” (1941) драмаларини ёзган. Генрих Гейнс, М.Лермонтов, Т.Шевченко шеърларини ўзбек т.га тарж. қилган.

- ◆ Умарий А. Танланган асарлар. Т., 1951; Шеърлар. Т., 1973.

- Олимжон А. Амин Умарий. Т., 1954; Икромов А. Амин Умарий. Т., 1964; Karimov N. Amin Umari / Türk Dünъasi Edebiyatçiları Ansiklopedisi. Ankara, 2002. S.388.

АМИНИЙ, Абумухаммад Даҳбедий (XVII) – шоир ва тасаввуф олими. Самарқанднинг Даҳбед қишлоғидан, Маҳдуми Аъзам Косонийнинг ўғли. Бухорода Ҳожса Жўйборийдан таълим олган. Бу ҳақда Муҳаммад Саид Ҳужралорнинг “Жўмарот” китобида маълумот келтирилган. Мутирий тазкирасида А. муносабати б-н: “Шоирларнинг аввалгиларидан, афзалларидан, кадларидан А. олийхазрат, қудсий манзилат, валийлик

осмонининг кутби, йўлбошчилик доирасининг маркази Хожа Калонхожа номи б-н танилган ҳазрат Абу Муҳаммад Даҳбедийнинг тахаллусидир” деб ёзди ва ушбу байти келтиради:

*Васфи туро гар кунанд в-ар нақунанд аҳли фазл,
Ҳожсати машшота нест руи дилоромро.*

Мазмуни:

Шоирлар васфин килса, қилмаса ҳам,
Дилором юзига ҳожат эмасдир безак.

Даҳбедда вафот этган, қабри отаси Маҳдуми Аъзам Косонийнинг сүфаси ёнида жойлашган.

• *Мутрибий Самарқандий. Тазкирату-ш-шуаро / Форсийдан И.Бекжон тарж. Т.: МУМТОЗ SO'Z, 2013.*

АМИНИЙ Мавжий (XVI) – бухоролик шоир. Шеър ёзиш б-н бирга маърака-йиғинларда тақриб йўлида битилган шсьр ва касидалар ўқиб юргани учун А. – Маъракагир номини олган. Балх ш.га кетиб Вали Муҳаммадхон саройида яшаган давридан Мавжий тахаллусини кўллаган. Шеърий санъатларни яхши билган. Мутрибий *радд ил- ажз ала ас-садр* санъати б-н бозсанган газалини келтирган. Газалнинг мактаъси:

*Аз он замон ки жаҳонро худой кард падид,
Кашем миннати дунон барои нафси пазид.*

Мазмуни: Худо жаҳонни яратган замондан бери,
Ярамас нафс учун паствлар миннатин тортамиз.

• *Мутрибий Самарқандий. Тазкирату-ш-шуаро / Форсийдан И.Бекжон тарж. Т.: МУМТОЗ SO'Z, 2013.*

АМИНИЙ Садриддин (XV) – хиротлик шоир, тарихчи. Тўлиқ исми: Амир Садриддин Султон Иброҳим Аминий. Султон Ҳусайн Бойкаронинг амирларидан. Шоҳ Исмоилнинг Ҳиротта юриши хусусида “Футухоти шохий” асарининг муаллифи. Ҳондамир “Ҳабибу-с-сийар” (1520-24) асарида Ҳазрат Навоий вафотига ёзилган бир китъя-таърихини келтиради (мазмуни):

*Динпарвар эр эди Амир Алишер.
Ақлу ройи миглатга паноҳ...
Оlam тор уйидан кўнгли сиқилиб,
Юз буриб ёсунади жсаннатга ногоҳ.
Жаннатдан улимин тарихин сўрдик:
Ризвон деди: ул “валоят интибоҳ”.*

Китъадаги сўнгти икки сўздан абжад хисобида 906 (м. 1501) санаси, яъни Ҳазрат Навоийнинг ўлим тарихи келиб чиқади.

• *Ғиёсiddин Ҳумомиддин ўзи Ҳондамир. Ҳабибу-с-сийар фи ахбори афроди башар. Т.: Узбекистон, 2013. Б.928-929.*

АМИНИЙ Хиёбоний (XVII) – бухоролик шоир ва адаб. Бухоро ш.да муқим яшаган. А. хакида Мутрибий: “Бухоро ш.нинг Хиёбон кучасидан. Ҳалоллик ва диёнат сиймоси авторида аниқ кўриниб, маъно ва мазмун аломати шеърларидан билиниб турибди. Истсъодди зур шоир булиб, матбуъ ашъор

битиш б-н машхур. Аруз ва кофия илмидан тұла баҳраманд” деб баҳо беради ва 1013/1605 й.да хаёт эканини қайд этади. Фазал, касида в.б. жанрларда ижод килған. Абдуллоҳхон Хоразмни фатх этганда унга бағишилаб касида ёзған:

Хаддин ошди сүз Аминий, дуо вақти бу чөз,

Чун дуони одат билур ўзига шуаро.

Қасиданинг қофиясида ийтойи жағай, яъни қофияда тақрор сўзларни кўллаб, шоир нуксонга йўл қўйганини ҳам Мутрибий эслатиб ўтган.

- Мутрибий Самарқандий. Тазкирату-и-шуаро / Форсийдан И.Бекжон тарж. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2013.

АМИНОВ, Нельмат (1937/17.VII–2005) – ўзбек адиби, ҳажвчи. Ўз-н халк ёзувчиси (1992). Ромитон туманида туғилған. Бухоро педагогика ин-тини тамомлаган (1959). Вилоят радиоэшиттириш қўмитасида мух-р, бош мух-р (1961–73), “Муштум” журн.да маъсул котиб, бош мух-р (1973–85), «Шарқ юлдзу» журн.да бош мух-р ўринбосари (1989–91), Республика маънавият маркази раҳбари (1995–99) вазифаларида ишлаган.

“Икки пуллик обру” (1966), “Кирк учинчи почча” (1970), “Лабиҳовуз хандалари” (1973), “Чинорлар қушиғи” (1984), “Елкасиз полвон” (1986), “Ўри мушукча” (1987), “Қахкха” (1987), “Яллама ёрим” (1988), “Чолболанинг эртаклари” ҳажвий тўпламлари нашр килинган. “Елвизак” (1976), “Суварак” (1983) киссалари асосида “Ёлғончи фаришталар ёхуд елвизакфेъл ва суваракмижоз Баширжон Зайнишев ҳаётидан” ҳажвий романини ёзған. Асарлари хорижий т.ларга тарж. килинган.

- Inagamov N. Aminov Nemat / Türk Dünyası Edebiyatçıları Ansiklopedisi. Ankara, 2002. S.388.

АМИР (арабча: امیر – амр килувчи) – араб халифалигида лашкарбоши ва вилоят нойиблари. Халифаларга Умар ибн Ҳаттобдан бошлаб “амир ал-мұмінін” (мұмінлар амири) унвони берилған. Олтин Ўрда ва Мовароуннахрда улус бошликларига нисбатан кўлланилған. Мак., Амир Темур. Бобурий сулоласида Ақбаршоҳ жорий этган конун (1574)га кўра, Алар саркардалиги остида 500 дан 2500 гача суворий (отлик) саклаш ҳукуқига берилған. 3000 дан ортик суворийга эга А “амири аъзам” деб юритилған. 5000 дан ортик чуворийга эга А. “амирул-умаро” деб номланиб, бундай унвон одатда подшоҳ оиласига мансуб шахсларга берилған.

А. Темур авлодлари “амирзода” ёки унинг киска шакли “мирзо” деб юритилған. XVIII аср иккинчи ярмидан Бухоро хонлиги амирликка айланғач, унинг ҳукмдорлари ҳам А. деб юритилған: Амир Олимхон.

Эронда сафавийлар даврида вилоят ҳокимлари, Саудия Арабистонида ҳукмрон сулолаттарнинг валиаҳдлари ҳам А. номи б-н юритилған.

- Мұхаммад Мустақидхон Соқий. Муосири Оламгирий /Аврангзеб. Т.: Мовароупшаҳр, 2013. Б.421-422.

АМИР ДАВЛАТШОХ – к.: Давлатшоҳ Самарқандий.

АМИР МУИЗЗИЙ (1049–?) – шоир ва адаби, Термизда Чагониён адабий мухитининг етакчи муаллифларидан. Дақиқий ижодидан таъсирланган шоир.

АМИР ОЛИМХОН – к.: Олимхон.

АМИР РУҲУЛЛОҲ – к.: Мирак Наккож.

АМИР СУЛТОН (1368–1429) – бухоролик шоир, Онадули (Туркия)да яшаган. Асл исми: Саййид Шамсиддин Мұхаммад б. Али Ҳусайний Бухорий. Шайх Амир Кулолнинг ўғли, Саййид Али Ҳамадонийнинг шогирди. Макка, Мадина ш.ларида яшаб, Ирек орқали Онадулига келиб, у ерда муқим қолган. Бурсада эътибор топиб, Йилдирим Боязиднинг кизи Ҳиндий Султонга уйланган. 1402 й.да Амир Темур лашкарлари томонидан Бурсада асир олинганида сохибқирон уни озод килган. 63 ёшида Бурсада вафот этган, қабри ўша жойда. Онадулининг турк ислом давлатига айланишида А.С.нинг хизмати бор. А.С.нинг муhibлари томонидан айтилиб юрган бир манқибномаси бор.

• *Savki. Manakîb-i Emir Sultan. İstanbul: Süleymaniye Ktp., Pertev Paşa, nr. 265; Şenasi H.C. Emir Sultan, İstanbul, 1973; M.Cavid Baysun. Emir Sultan / İslâm Ansiklopedisi. C.IV, 2 b. İstanbul, 1977; Emir Sultan / Büyük Türk Klasikleri. C.3. İstanbul, 1986. S.18-19.*

АМИР СУҲАЙЛИЙ (1444–1502) – форс ва туркий т.ларда асарлар битган шоир. Тулик исми: Низомиддин Ахмад Амир Шайхим Суҳайлий. Шайх Озарий шогирди. Ҳусрав Дехлавийнинг “Дарёйи аброр” (“Такводорлар дарёси”), Навоийнинг “Тухфату-л-афкор” (“Фикрлар тухфаси”) касидаларига жавоб ёзган. “Лайли ва Мажнун” достони муаллифи. Навоий “Девони Фоний”да А.С. ғазалига татаббу битган.

• *Алишер Навоий. Мажолису-н-нағоис / МАТ. Т.: Фан, 1997. Б.234.*

АМИР ТЕМУР (1336/9. IV–1405/18. П) – иирик давлат арбоби, буюк саркарда, Осиёда марказлашган давлат асосчиси, фан, ад-т ва санъат ҳомийси. Тўлик номи: Амир Темур ибн Тарагай Баходир. Қаш ш. (хоз. Шахрисабз)даги Ҳожа Илғор даҳасида туғилган. Отаси Амир Тарагой барлос уруги амирларидан, онаси Такина хотун Бухоро уламоси Садр аш-Шариға Убайдуллоҳ ал-Бухорий ибн Тож аш-Шариға Махмуд ибн Аҳмад ал-Махбубий ал-Бухорийнинг кизи бўлган.

А.Т. ёшлигидан ҳарбий машқлар б-н машғул бўлган, улуғ алломалардан сабок олган. Абубакир Зайниддин Тойободий, Шамсиддин Кулол, Ҳасан Боҳарзий в.б.дан таълим олган. Амир Ҳусайн (қайноғаси) б-н бирга мұғул босқинчларидан мамлакатни ҳалос килишга киришган ва мұғуллар зулмидан Мовароиниҳарни озод қилишга (1364) эришган. Машхур «Лой жангি» (1365)дан кейинги сунгти чингизий Илёс Ҳожани ёнгтан. Амир Ҳусайн б-н А.Т. ўртасидаги муносабатлар бузилгач (1370), унга карши жангда А.Т. музaffer бўлган. Чингизий ҳукмдорлардан Қозонхоннинг кизи

Сароймулк хонимни ўз никохига олган (курагон – күсв дсайлиши шундан) ва хокимиятни бошқаришга киришган. Мовароуннарх ҳудудини бирлаптириб, марказий давлат тузган. Мұғул хонларини, Олтин Үрда хони Тұхтамишни (1395) снгган, Ҳиндистонни (1399), Онадулини (1402) в.б. юртларни эгаллаган.

А.Т. тарихда улуг бунёдкор сифатида ном колдирган. Ишғол этган юртлари Бағдод, Дарбанд, Байлакон в.б.ни тиклаган. Бағдодда мадраса, Шерозда сарой, Табризда масжид. Туркистанда Хожа Ахмад Яссавий макбарасини курдирган. Мамлакатнинг Кеш, Самарқанд, Ҳирот в.б. ш.ларини обод килган. Фан, маданият ва ад-т ахлига ҳомийлик килган.

А.Т. қаламига мансуб “Темур тузуклари” асарида давлатни бошқариш тартиблари, ҳарбий санъат сирлари, күшин сақлаш, сулх тузиш тартиблари хусусида сүз юритилган. Асарда ад-т ва маданият масалалари ҳам ёритилган. Проф. Фитрат бу асар ҳакида “Бу даврнинг энг биринчи намунаси килиб Темурнинг ўз тилидан (балким ўзи томонидан) ёзилган “Тузуки Темур” ё “Тузукоти Темурий” отли асарни кўрсатиш керак” (“Ўзбек ад-ти намуналари”) деб ёзган. Асар жаҳоннинг кўп т.ларига тарж. килинган. Унинг туркий т.га тарж. Қўкон (1836) ва Хива (1856, 1858)да амалга оширилган бўлиб, Санкт-Петербург кутубхоналарида сакланади.

А.Т. Хитойга карши юришда Ўтрор ш.да вафот этган. Жасади Самарқанддаги Гури Амир макбарасига дағн қилинган.

Шуролар тузуми даврида А.Т. шахси ва фаолияти кескин қораланган, уни конхўр император сифатида талкин қилишган. Ўша давр илмий, адабий ва санъат асарларида ҳам шундай кўрсатилган. Мас., С.Бородиннинг “Самарқанд осмонида юлдузлар” трилогияси, Верешагиннинг “Калла сұякларидан минора” асарлари шулар жумласидан. Ўз-н мустакилликка эришганидан сўнг А.Т.нинг жаҳон тарихида туттган үрнига тұғри баҳо берилди, унинг фаолиятини үрганишга йўл очилди. А.Т. ҳакида бадиий, видеофильмлар, спектаклар, шеърий ва насрый асарлар яратилди. Б.Ахмедовнинг “Амир Темур” романи (1996), А.Ориповнинг “Соҳибқирон” драмаси, П.Қодировнинг “Амир темур сиймоси” (2007) эsselари, Мухаммад Алининг “Улуг салтанат” тетралогияси в.б.

♦ Амир Темур. Обстоятельства его жизни, походы, остановки, сражения и миры. Т., 1891; Уложение Тимура / Пер. с тюркского Н.Ликошина. Изд. Н.Остроумова. Казань, 1894; Танбехлар (тупл. Б.Ахмедов). Т.: Мерос, 1996; Темур тузуклари (форс т.дан А.Софуний, Ҳ.Кароматов тарж.). Т.: Г.Ғулом номидаги нашр., 2011.

• Каримов И. Амир Темур – фахримиз, гуруримиз. / Асарлар. 5-ж. Т.: Ўз-н, 1997; Стори Ч.А. Персидская лит-ра. Био-библиографический обзор. Ч.II. М.: ИВЛ, 1972. С.791-97; Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари. Т.: Нур, 1992; Мұжинов И. Амир Темуришт Үрта Осиё тарихида туттган үрни ва роли. Т.: Фан, 1993; Низомиддин Шомий. Зафарнома. Т.: Ўз-н, 1996; Ахмедов Б. Амир Темур. Т., 1996; Мұхаммаджонов А. Темур ва темурийлар санъати. Тарихий очерк. Т., 1996; Шоймардонов И. Амир Темур жаҳон тарихида. Т.: Шарқ НМАК, 1996; Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. Т.: Шарқ НМАК, 1997; Қорэн Л. Амир Темур салтанати. Т.: Маънавият, 1999; Қодиров П. Амир темур сиймоси. Т.: O'zbekiston, 2007.

АМИР ТЕМУР СИЙМОСИ (бадий ад-тда) – А.Т.с. бад. ад-тда XIV асрдан кунимизга қадар яратилиб келмоқда. Бу мавзудаги бад. асарлар иккى йўналишда хорижда ва Ўз-нда яратилганлари алоҳида ўрганилади.

~ *хорижий адабиётларда* – юртимизда тарихий шахсларга муносабат кескинлашган вактда хорижда А.Т. шахсига кизикиш жуда кучли булган. Туркия (Истанбул)даги Султон Боязид кутубхонасида Амир Темур мавзуида куйидаги китоблар бор: Руи Гонсалес де Клавихонинг “Темурнинг Самарканнадаги саройига саёҳат” (1403–06), де Сенксионнинг “Буюк Темур тарихи” (1677), Пети де Ла Круанинг “Темурнинг тарихи” (1722), Лянгленинг “Темурнинг сиёсий ва ҳарбий бошқаруви” (1787), М. де Тилининг “Мўтуллар хоқони ва Осиё ҳукмдори Темурнинг тарихи” (1739), Шармуанинг «Темурнинг Тўхтамишга қарши юришлари» (1835), Невнинг “Темурланг ва Шоҳруҳ урушларининг таърифи” (1852), Капюннинг “Темурланг подшоҳлиги тарихи” (1892), Груссенинг “Чуллар подшоҳи” (1938), А.Шондорнинг “Темурланг” (1957), Жан Пол Рунинг “Соҳибқирон Темур” (1989). Булардан ташкири, Люсъен Кереннинг “Тамерланг” (Париж, 1978), Жон Пол Рокснинг “Темурланг” (Париж, 1991), Беатрица Форбес Манзининг “Темур давлатининг бошқарилиши ва маъмурий тузилиши” (Кембридж, 1989), Жон Вудснинг “Темурийлар сулоласи” (Блюмингтон, 1990) китобларини ҳам қайд этиш мумкин.

♦ *Ляпеге Л. Жизнь Тимура / Пер. Н.Суворова. Т.: 1890; Кэрён Л. Амир Темур салтанати. Т.: Маънавият, 1999; Ҳуқъом Ҳ. Етти иқлим султони: Ҳужҷатли-тарихий кисса. Т.: Адолат, 1999.*

• *Қаҳҳор Т. Амир Темур тўғрисида нодир роман // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1997. 19 авг.*

~ *ўзбек адабиётида* – А.Т. яшаган даврдан бошлаб XX аср бошлига қадар узбек мумтоз ад-тида соҳибқирон ҳақида Саккокий, Алишер Навоий, Бобур в.б. мумтоз адилларнинг ғазал ва касидалари, эпик асарлари қатида А.Т. сиймосининг айрим кирралари акс этган.

XX асрда А.Т. сиймосини драматургияда биринчи булиб А.Фитрат яратди. Адилнинг “Темур саганаси” (1918) драмаси, “Юрт қайгуси” (1918) номли сочмалари бу жихатдан характерли. Шўро даврида гарчи бу мавзу қатъян чекланган бўлса ҳам Ойбекнинг “Темур” достони, Аскад Мухторнинг “Инсонга куллук киладурмен”, М.Махмудовнинг “Хиёнат” хикоялари шу жумладандир. М.Шайхзода “Мирзо Улугбек” фожиасида А.Т. сиймоси эпизодик тарзда учраса, Мухаммад Алининг “Сарбадорлар” романида султон соҳибқироннинг ёшлиқ пайтидаги воқсалар тасвирланган.

Истиколол даврида яратилган асарлар орасида А.Ориповнинг «Соҳибқирон» драмаси, Э.Вохидов, Ҳ.Даврон шेърлари бунга мисол була олади. А.Т. сиймоси акс этган бир катор йирик эпик асарлар яратилди. Булар Б.Ахмдовнинг «Амир Темур» роман-хроникаси, Дониш Насафий (Е.Березиков)нинг «Буюк Темур» роман-бадиаси, М.Алининг “Улуг-

салтанат” эпопеяси, Т.Ҳайит романлари, У.Отажоннинг “Ҳумоюн кабул” хикояси в.б.дир.

Б.Ахмедовнинг «Амир Темур» асарида тарихий воеалар, шахслар, юртўлка, шаҳар, худудлар, эл-улуслар тарихи тафсилоти акс эттирилган. Д.Насафийнинг «Буюк Темур» роман-бадиаси ҳаётий тўқнашувлар, мураккаб сюжет чизикларига, бадиий конфликтта бой. Мухаммад Алининг «Улуг салтанат» тстралогиясида А.Т.нинг бевосита тарихи, улут салтанатни вужудга келтиришдаги роли тасвирланиш билан бирга темурийзодалар Жаҳонгир Мирзо, Умаршайх Мирзо, Шоҳруҳ мирзолар тарихи орқали А.Т.дан кейинги салтанат тақдири баён қилинган. Т.Ҳайитнинг «Турон тунлари» (қайта ишланган нашрида “Вафо маликаси”) асарида оддий бир йигит образи орқали тарихий вазият, амирлар ўртасидаги ихтилоф, юртнинг оғир ахволини очиб беришга интилган.

- ♦ *Мұхтор А. Инсонга қуллук қылладурмен // Шарқ ўлдузи.1993. 5-6-сон. Б.97-111; Ахмедов Б. Амир Темур. Тарихий роман. Т.: А.Қодирий номидаги ҳалк мероси нашр., 1995; Хуришид Дағрон. Соҳибкороп набираси. Т.: Шарқ НМАК, 1995; Березиков Е. Буюк Темур. Роман-бадиа. Т.: Шарқ НМАК, 1996; Ҳайит Т. Турон тунлари. Роман. Т.: Ўзбекистон, 1996; Ҳайит Т. Вафо маликаси. Т.: Янги аср авлоди, 2005; Отажон У. Ҳумоюн кабул / Дилкүш боғлар. Т.: Янги аср авлоди, 2007. Мұхаммад Али. Улут салтанат. Тарихий роман. 1-4 китоблар. Т.: Шарқ НМАК, 2014.*
- *Қўшижонов М. Драматургиямизда янги сахифа // ЎзАС. 1996. 31 май; Назаров Б. Ҳозирги ўзбек алабиётида Амир Темур сиймоси // Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни. Ҳалкаро конференция материаллари. Т.: Ўзбекистон, 1996; Расулмуҳамедова Д. Истиқлол даври ўзбек драматургиясида Амир Темур образини яратиш муммомлари. НДА. Т., 2000; Ёқубов И. Мухаммад Али ижодида тарихий жаҳарин концепцияси ва лиро-романтик талкин. Т.: Фан, 2007; Ҳамраева М. Тарихий жаҳакат ва бадиий талкин (Амир Темур образининг насрый талқинлари). НДА. Т., 2010.*

АМИР УМАРХОН – қ.: Амирий.

АМИР ХУСРАВ ДЕХЛАВИЙ (1253–1325) – Ҳиндистонда яшаган турк адаби, олими ва мусиқачиси. Отаси Сайфуддин Махмуд лочин қабиласидан булиб, мугул истилоси даврида Ш.сабздан Дехлига бориб колган. Шайх Низомиддин Авлиёнинг муриди, уни улуғлаб шсьрлар ёзган. Дастлаб «Султоний» таҳаллусини кўллаган. А.Х.Д. асарларини форс, ҳинд ва урду т.да ёзган. Мутасавиф сифатида чиштийлик тариқатига яқин бўлган. Лирик асарлари 5 девонга жамланган. Девонларининг номларини “Тухфату-с-сиғар” (“Ёшлиқ тухфаси”, 1272), “Васату-л-ҳаёт” (“Умрнинг ўртаси”, 1284), “Фуррату-л-камол” (“Етуклиқ даври”, 1293), “Бакияи нақия” (“Сараларнинг сараси”, 1316), “Нихояту-л-камол” (“Комиллик чегараси”, 1325) деб атаган. Бу девонлардан 2 мингдан ортиқ газал, 273 касида, 20 маснавий, 1200 рубойй, 500 китъя в.б. жанрлардаги лирик асарлар ўрин олган. “Дарёйи аброр” номли тасаввуфий касидасига Жомий ва Навоий жавоб ёзган. Ўнга якин тарихий-романтик достонлар ёзган. Мак., “Девалрани Хизрхон” достонида сарой муҳити ўз аксини топган. “Ҳамса” асарида Низомий

анъаналарини давом эттирган. А.Х.Д. “Хамса”си “Матлаъу-л-анвор” (1298), “Ширин ва Хусрав” (1298), “Мажнун ва Лайло” (1298), “Ҳашт беҳишт” (1301) ва “Хирадномаи Искандар” (1299) достонларидан ташкил топган. Кейинрок унга яна 4 достон кўшиб, “Нух сипеҳр” (“Тўққиз осмон”) номи б-н атаган. Йирик хажмли “Эъжози Хусравий” асари муаллифи.

А.Х.Д. ижодига «Кхаликбари» номли уч т.ли (араб, форс ва хинд) синонимлар лугати нисбат берилади. Урду т.да ёзилган тасниф (кўшик)лари алоҳида китобга жамланган. Шарқ поэтикасига оид рисолалар муаллифи.

- Бертельс Е.Э. Роман об Александре и его главные версии на Востоке. М.Л., 1948; Осими М., Мирзоев А. Амир Хусрав Дехлавий. Душанбе, 1979; Самарқандий Д. Шоирлар бустоши. Т., 1981.

АМИР ШОХИЙ (в. 1453) – форс шоири. Асл исми: Окмалик. Насаби Сабзвор сарбадорларига уланади. Хондамирнинг “Ҳабибу-с-сийар” асарида ёзилишича, 12 минг байт шеър ёзган, унинг минг байти асосидагина девон тузиб, қолганларини сувга оқизиб юборган. А.И. ғазалита б-н Бойсункур Мирзо ҳам юкори баҳо берган экан.

- Fuёсиддин Ҳумомиддин ўели Ҳондамир. Ҳабибу-с-сийар фи ахбори афроди башар. Т.: Ўзбекистон, 2013. Б.489-90.

АМИР ҚОСИМ АНВАР (1346–1433) – араб, форс, юонон ва туркий т.ларда шеърлар ёзган шоир, тасаввуф ад-ти намояндаси. Айрим манбаларда: Шоҳ Қосим Анвар Табризий. Эрон Озарбойжононинг Сароб ш.да туғилган. Машхур суфий Шайх Садриддин Ардабилийнинг муриди. Балх ва Самарқандда тесмурийлар саройларида хизматда бўлган. Умрининг аксарият кисмини Ҳиротда ўтказган.

“Девон” тартиб берган, унга ғазаллардан ташқари, “Анису-л-ошикин” (“Ошикларнинг дўсти”) маснавийси ҳам кирган. А.Қ.нинг “Таважжухнома”, “Воқеаи Ҳирот” (“Ҳирот воқеалари”), “Рисолайи вужуд” (“Борлик ҳакида рисола”), “Макотиб” (“Мактублар”), “Саволу жавоб” (“Савол ва жавоблар”) асарлари маълум. Навоий «Мажолису-н-нафоис»нинг аввалги мажлисини шу шоир ҳакидаги маълумот б-н бошлаган. Навоийнинг таъкидлашича, шеърлари бир “девон жамъ килтурга боис” булиб, А.нинг “рутбаси шоирлик поясидан юкорироқдур ва валоят зумрасида васфдин ташқарироқ, аммо чун ҳақойик ва маориф адосида назм либоси дилпазирроқ”. Навоий 3–4 ёшларидан унинг

Риндему ошиқему жаҳонсузу жома чок,

Бо давлати гами тузи фикри жаҳон чи бок.

(Мазмуни: Риндлармиз, ошиклармиз, жаҳоннуртовчи ва ёкавайронлармиз, Сенинг ғаминг тургандадунё фикридан не фойда) матлаъсини ёдлаб юрган. “Мажолису-н-нафоис”да ёзилишича, унинг маснавийлари Жалолиддин Румий маснавийлари вазни (рамали мусаддас)да булиб, таржеъбандларида ушбу байт такрор-такрор келади:

Туи асли ҳама пинҳону пайдо,

Ба афъолу сифоту зоту асмо.

(Мазмуни: Феълларинг, сифатларинг, зотинг ва исмларинг б-н ҳамма яширин ва ошкор нарсаларнинг асли Ўзингсан).

Қабри Жом вилоятининг Харжурд касабасида.

- Алишер Навоий. Мажолису-и-нафоис / МАТ. 13-ж. Т.: Фап, 1997. Б.8-9; Ғиёсиддин Ҳумомиддин ўғли Ҳондамир. Ҳабибу-с-сийар фи ахбори афроди башар. Т.: Узбекистон, 2013. Б.473-75.

«АМИР ҲАМЗА» қиссаси – ислом тарихида мукаддас қурашлар баён қилинган қисса. Асар Мухаммад (с.а.в.)нинг амакиси Амир Ҳамза тарихини баён қилса ҳам, унинг таркибида оғзаки ад-тга хос мотивлар кучайтирилган. Асарнинг форсий ва туркй нусхалари ҳалқ орасида кенг таркалган. “Бобурнома”да хабар берилишича, Мир Сарбараҳна “Амир Ҳамза қиссаси” номли маснавий ёзган (176а).

- Повесть о богатыре Эмире Хамзе. Пер. с арабск. Н.Ибрагимова и Т.Мухтарова. М.: Наука, 1990.

АМИРАНИ [мифология] – грузин ҳалқ эпоси “Амираниани” асарининг бош қаҳрамони. А. Куёш үғли бўлиб, одамларга олов келтирган, металлга ишлов беришни ўргатган, инсониятни девлар балосидан куткарған. А. ҳакидаги миф юнонларнинг Прометейига яқин келади. А.ни Худо каттик жазолайди ва Кавказ тогларига заржирбанд қилади. А.ҳакидаги эпос м.а. 2-минг йилликнинг иккинчи ярмida яратилган. Грузинларнинг насронийликни қабул қилиши А. ҳакидаги эпоснинг сюжетига таъсир кўрсатган, кейинги таҳтилларда эпосда мъбудлар ўрнида Исо а.с. иштирок этади. 120 дан ортик версиялари ва ёзма варианatlари мавжуд.

♦ Амирани (Грузинская мифологическая поэма) / Пер. с грузин. Ш.Нуцубидзе. Тбилиси, 1946; Амираниани (фрагменты) / Пер. с грузин. Н.Тихонова: Антология грузинской поэзии. М., 1958.

♦ Чиковани М.Я. Народный грузинский эпос о Прикованном Амирани. М., 1966; Вырсаладзе Е.Б. Грузинский охотничий миф и поэзия. М., 1976; Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.68-69.

АМИРИЙ, Али (в. 1924) – усмонли турк шоири. Дисрбакир ш.да туғилган. Шоир Соим Сайид Амирий Чалабийнинг авлодларидан. Отасининг исми Сайид Мехмед Шариф афанди. 1908 й.да Миллий татаббулар анжумани, Таснифи Васойики тарихийя, Тарихи Усмоний анжумани ишларида катнашади. Шу даврда “Али Амирий таснифи” номли тазкира ёзи. Вакфлар назариёти учун “виждоннома”лар ёзи. Шахсий кутубхонасидағи 16000 асарни Миллат кутубхонасига ҳадя қилди. Улар орасида Махмуд Кошгариининг “Девону лугатит турк” асарининг нодир қўлёзмаси бор. Унинг асарлари “Наводири Аслоф” номи б-н нашр этилган. Асарлари: “Жавохирул-мулук” (“Маликларнинг жавоҳири”, 1911–12), “Девон”, “Изҳори ҳакикат” (1334 ҳ.), “Муроду-л-фавойид” (“Фойдаларнинг муроди”), “Мусоҳабай адабийя” (“Адабий баҳслар”), “Осафнома” (1326 ҳ.), “Тазкираи шуарон

Амид” (“Амид шоирлари тазкираси”, 1327 х.) асарида Диёрбакирда яшаган шоирлар ҳакида маълумотлар берилади.

♦ Ali Amiri. Tezkira-i Su'ara-yi Amid. 1-2 Cild. Istanbul: 1327, 1328 (h.). Aksal Ali “O'lumun 60. Yilinda Kitap Dostu Ali Emri Efendi”, Turk Kulturu, XXII/250, 1984, S.25-28.

• Arslan M. Ali Emri Efendi'nin “Ezhar-ı Hakikat Adli Eseri”, Kizihrmak, C. IX (Subat 1993). S.70-77; Esen M. Ali Emri Efendi. Istanbul Ansiklopedisi, С.П. S.659-662.

АМИРИЙ, Умархон (1787–1822) – йирик ўзбек шоири, адабий мактаб асосчиси, тарихнавис ва давлат арбоби. Тўлиқ номи: Амирсаид Мұхаммад Умархон. Қўконда Фарғона ҳокими Норбутабий хонадонида туғилган. Қўкон мадрасаларида таҳсил олган. Акаси Олимхон Қўкон хони бўлгач, уни давлат ишларига жалб этади. Давлат арбоби сифатида Марғилон ҳокими (1807–1810), Қўкон хони (1810–22) бўлган. 1808 й.да Андижон ҳокими Раҳмонкулийнинг кизи Моҳларойим (Нодира) га уйланган. 1810 й.дан Қўкон хони. 1816–18 й.да масжид ва мадрасалар курдиргани учун “жаннатмакон” лакабини, *амирагъмуслими* узвонини олган. Мамлакатни бирлаштирган, жанубдан Шаркий Туркистон (Мочин) ва шимолдан Кизилжар (Петропавловск)га кадар худудда йирик салтанат барпо этган.

Қўкон адабий мактабининг асосчиси. Фитратнинг талқинича, ўзбек ад-ти тарихида Яссавий ва Навоийдан кейин адабий мактаб яратувчиси. Шоир сифатида “Девон” тартиб берган. Мумтоз девон тузиш анъанасининг барча коидаларини ўзида акс эттирган бу дэвонга ўзбек ва форс т.ларидаги шеърлари жамланган. «Девон»нинг нисбатан тӯла кўлёзмасида 544 та шеър жамланган, уларнинг 385 таси ўзбекча, 159 таси форс тилида. “Девон”да 465 газал, 53 мухаммас, 6 мусаддас, 5 мусамман, 16 туюқ в.б. А.нинг 30 га якин кўлёзмаси бўлиб, 1888–1911 й.да Тошкентда 6 марта литография усулида қайта чоп этилган. Истанбулда 1881–87 йиллар оралиғида 8 марта қайта чоп этилган. Шоирнинг “Қошингта текизмагил қаламни...” деб бошланувчи ғазали, айниқса, ҳалқ орасида машҳур. Навоий анъаналарини давом эттирган, шеъриятнинг 12 жанрида қалам тебраттган. Газалларида дунёвий ишқ тавсифи б-н бир қаторда сўфиёна талқиндаги гоялар ҳам мавжуд. «Девон»нинг кўлёзма ва босма нашрлари ЎзРФА ШИда 3642, 4419, 90, 9993, 5065, 7489 II, 9917, 6745 I, 6672, 1880, 177, 98 III, 9765, 44, 4727 ва Ад-т музейида 99, 153 рақамлари остида сакланади.

«Умарнома» достонининг муал.и. А. топшириғи б-н Фазлий ва Мушриф раҳбарлигига “Мажмуату-ш-шуаро” тазкираси тузилган. Ўзбек ва форс т.да ёзилган асарлари турли баёзларда ҳам эълон қилинган, унинг топшириғи б-н «Мұхаббатнома» мажмуаси тартиб берилиб, Усмонли халифаси Мехмет II га тортиқ қилинган. “Умарнома” тарихий маснавийси Санкт-Петербургда сакланади. Умархон тавсияси б-н “Мажмуаи шоирон” номли тазкира (Фазлий раҳбарлигига) тузилган, Гулханий “Зарбулмасал”, Мушриф Исфарагий “Шоҳномайи Нусратпашм” асарларини ёзган.

Ўзбек ад-тшунослигига Амир Умархон ижоди Фитрат, Вадуд Махмуд, П.Кайюмий, А.Қаюмов, М.Кодирова, А.Мадаминов, Ҳ.Болтабоев томонидан ўрганилган, асарлари эълон этилган.

♦ Амирий. Девон. (Напр. тайёрл. М.Кодирова). Т.: Фан, 1972; Мажмуаи шоирон. Т.: 1902 (литография).

• Қаюмов А. Қўқон адабий мухити. Т.: 1961; Болтабоев Ҳ. Амир Умархоннинг мактуби // Ўз-н ад-ти ва санъати. 1997. 11 октябрь; Қайюмий П. Тазкираи Қайюмий. Т.: 2000; Кобилова З. Амирий шсьрияти. Т.: Фан, 2010.

АМИРИЙ, Юсуф (XV) – ўзбек шоири. Шоҳруҳ мирзонинг ўғли Бойсунғур мирзо ҳомийлигига ижод қилган. Машхур “Дахнома” (“Ўн мактуб”, 1429), “Чоғир ва Банг” мунозараси муал.и. А. “Девон”идан ғазал, туоқ ва таржибандлар ўрин олган. Мунозара жанрининг асосчиларидан. А.нинг “Бангу бода” маснавийсида мажозий йул б-н инсондаги иллатлар танқид килинган. Навоий А. тұғрисида бундай деб ёзди: “Мавлоно Амирий – түрк эрди ва туркча шеъри яхши вокеъ бўлубдур, аммо шуҳрат тутмабдур. Ва бу байт анинг «Дахнома»сидандур:

*Не емакдин, не уйқудин солиб сўз,
Емакдин тўюб, уйқудин юмуб кўз”.*

А.нинг “Дахнома” асари қўлёзма нусхаси Лондондаги Британия музейида 7914 раками б-н сакланади. Ушбу асарнинг “Банг ва Чоғир орасидаги мунозара” қисми Ҳ.Бектемиров томонидан нашр қилинган.

♦ Амирий Ю. Дахнома / Муборак мактублар. Т., 1987.

• Самойлович Н.А. Из творов чагатайца Эмири / Доклады АН СССР. Отд. Гуманитарных наук. Л., 1926. С.75-77; Рустамов А. Узбекская поэзия в первой пол. XV в. М., 1963; Алишер Навоий. Мажолису-н-нафоис / Асарлар. Ўн иккинчи том. Т.: Фан, 1966. Б. 22; Ümran Somer. Yusuf Emiri. Deh-name. İstanbul, 1969; Gönel Alpay. Yusuf Emiri'nin Beng ü Çağır Münazarası. Ankara: TDAY Belleten, 1973. S.103-125; Абдулваҳидова А. Ўзбек ад-тида мунозара. Т., 1984.

АМИРИЙ (XVI) – эронлик шоири, сафавийлардан Шоҳ Тахмосб даврида яшаган. “Бўстони хаёл” манзумаси бор. Алишер Навоийнинг “Мажолису-н-нафоис” асарини форс т.га тарж. килган.

АМИРИЙ – ўзбек шоири. Олтин Ўрда адабий мухити (Сарой ш.)да иштирок этган. У ҳақда Миён Бузрукнинг “Ўзбек ад-ти тарихига бир қараш” китобида маълумот бор.

«АМИРНОМА» (1216/1801) – тарихий асар. Шермуҳаммад Ақмал Ҳуқандий асари. Айрим манбаларда “Насабномайи тарихи хавоқини Фарғона” деб номланади. “А.” 1799-1801 йй. орасида ёзилган. Қўкон хони Олимхон (1798-1810) даврида ёзилган. Асар Тошкент хокими Юнусхўжанинг Қўконга келиши ва Аштда бўлиши воеқаси б-н тутгалланади. Форс т.да шеър ва наср аралаш ҳолида ёзилган, шеърий қисми 3250 байтдан иборат. Мундарижаси: “Амирнома”нинг ёзилиш сабаби; Пайғамбар наъти ва халифалар тавсифи; Яхши ва ёмон, Қалам ва килич, Ёзув ва сўз ҳакида; Шоҳ ва қалам аҳдига

мурожаат, турли мавзулардаги ҳадислар шархи, Олтин Бешикхон тарихи; Амирнинг Андикон, Исфара ва Ҳужандга сафари; Юнусхўжанинг Аштга келиши. “А.” туталланмаган, кимнинг топшириғи б-н ёзилгани ҳам номаълум.

“А.”нинг қўлёзма нусхаси УзРФАШИда 2322 рақами б-н сакланади.

- *Вохидов Ш.* Историческая наука в Кокандском ханстве / Мирза Алим ибн Мирза Рахим Тошканди. Ансаб ас-салатин ва таварих ал-хавакин (Генеалогия султанов и история хаканов). Пер. примечания и указ. С.Юлдашева. Т., 2007. С. 7-11.

АМИРОБОД маданияти [этнография, археология] – сунгти бронза даври (м.а. IX –VIII асрлар) Хоразм маданияти. С.П.Толстов томонидан қад. Хоразм археологик казилмалари пайтида (1937–40) юзага чиқарилган. Қад. А.ликлар чорвачилик ва дехкончилик б-н шуғулланган. Кулолчилик ва тесмирчилик буюмлари сакланган. Яккапарсан кишлоғи якинидан бронзадан килинган 2 ўрок топилган. Ш.созлик ва меъморчилик обидалари, асосан, лойдан тиклангани учун бизгача сакланмаган.

- *Толстов С.П.* Древний Хорезм. М., 1948; *Итина М.А.* Поседение Якке-Парсан 2 (1958–59 йй. қазилмалари) / Материалы Хорезмской экспедиции. В.6. М., 1963.

АМИРХОН, Фотих Зариф ўғли (1886 –1926) – татар адаби ва олими. 1905 й. Қозонда татар жадидларининг шогирдлар (мадраса талабаси) харакати иштирокчиси. 1907 й.дан Москвада нашр этилган “Тарбияти атфол” (“Болалар тарбияси”) журнали б-н якин алокада бўлган, “Ал-Ислоҳ” газ. (1907–09)нинг асосчиси. Илк асари “Байрам арафасидаги туш” (1907). Қиссалари: “Татар кизи” (1909), “Фатхулоҳ Ҳазрат” (1909), “Урталикда” (1912). “Ёшлар” (1910) драмасида тараккийпарвар ёшларнинг жаҳолатта карши курашини гавдалантирган. 1912 й.дан “Күёш”, “Онг” газеталарида ўткир публицистик ва адабий маколалари чоп этилган. А.Тўқай, Г.Кулахметов, Г.Камал тўғрисидаги маколалар муал.и.

- Амирхон Ф. Сайланма асарлар, т.1-2. Қозон, 1957-58 (татар т.да); Первый цветок. – Казань, 1957; Татарка: Избр. произведения. – М., 1959.

АМИТАБХА (санскритча: никоясиз нур; айрим матнларда Амитаюс) [мифология] – буддавийларнинг тасаввурларига кўра, Будданинг исмларидан бири. А. маибаларда суваквати, жаннатнинг ҳукмрони сифатида талкин этилади. А. культи қадимги хиндларда милоднинг бошларида кучайган. Буддавийлик кенг таркалган мамлакатларда, хусусан, Хитой ва Японияда Амида номи б-н ҳам тилга олинади. Рангтасвирда у қизил рангли, чордона куриб ўтирган, кўлида қадаҳ б-н тасвирланган. Бундай тасвирдаги санам (бут)лар ибодатхоналарга ҳам ўрнатилган. Буддавийлик эътиқодидаги мамлакатлар мифологиясида ҳам А. тимсоли учрайди.

- Миғы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.69; *Bunyadov Z.* Dinler, tauqatlar, mazhablar. Baki: Sarq-Qarb, 2007. S.31.

АМИҚ (арабча: ﺃﻤِيق – чуқур) [поэтика] – аруз вазнидаги баҳр номи. А. асосий ұлчовлардан бири бұлиб, фоилун ва фоилотун аспларининг икки марта тақрорланишидан солим ($-v-/-v--/-v/-v-$) шакли ҳосил бұлади. Бобур “Рисолайи аруз”да бу баҳрни (Арид баҳри б-н) 19 та машхур баҳрлар каторига құшиб, жами бухур (баҳрлар) 21 бұладир, деб ёздади. А.ни Мұхталифа доирасыда күрсатып шундай маълумот беради: “...баъзи бу баҳрни амиқ деп түрлар мисрағыким доирада битилиб, бу баҳр андин үқулғай, будур тавыл вазни: манга қыл гузар сен кел, манга қыл назар сен кел” (45б, 72а, 144б). Бошка бир уринда А. баҳрига үзи ёзған бир байтни мисол килиб көлтиради:

Кел бери, эй париким, ҳажсрдин хастадурман,
Паълинга ташнадурман, зулфунга бастадурман.
Фо и лун фо и ло тун фо и лун фо и ло тун
– v – – v – – v – – v – –

- Зағириддин Мұхаммад Бобир. Мұхтасар / Нашр. тайёрл. С.Хасанов. Т.: Фан, 1971. Б.21,27,86,170; Гоур У., Сайдаги С. Комуси қофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Дүппәбе: Ирфон,1994. Б.34-35; Ҳожсақмедов А. Ўзбек арузи лутғати. Т.: Шарқ НМАК, 1998. Б.8.

АМКА (арабча: ﺃمْكَة – улуг қүш) [мифология] – афсонавий Семургнинг арабча номи. Ривоятга кура, Қоф тоғида яшаркан, үзидә күёшни акс эттирада эмиш. Шеъриятда күл етмас, етишиб бұлмас орзу рамзи.

- Суфии. Восхождение к истине. М.: ЭКСМО, 2007.

АМОН, АТОН (қадимги мисрликтар – қиптийлар т.да чүкаёттан; м.а. 2 мингийлдик) [мифология] – қад. Шимолий Миср мифларидаги маъбуд номи. А. қўй бошли инсон сифатида талкин қилинган. А.га бағишенган мадҳиялар, фалсафий ёзишмалар, “Арфист қушиғи” асари орқали бизгача стиб келган. А. Мисрнинг бош илохи сифатида эктиром килинган. А.нинг хотини Мут – осмон маъбути, уларнинг ўғли Хонсу – Ой маъбути санаған. Булар Фивадаги мукаддас учликни ташкил қиласади.

- Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.70-71.

АМОНИЙ (XVII) – форсигүй шоира, бобурийлар хонадонига мансуб Зебуннисо бегим ибни Аврангзебнинг канизларидан. Манбаларда А.нинг Зебуннисо бегимнинг шеърий саволига жавоби сакланиб колган:

- Эй Амоний, гули садбарг чаро механдад?
- Бар бақои ҳұду бар гафлати мо хандад.

Мазмуни: - Эй Амоний, садбарг гули нега куляпти?

- Үзининг бокийлигига ва бизнинг ғафлатдалигимиздан куляпти.

- Faniева С. Шох кизи эрсам-да... Т., 2002. Б.26.

АМОНИЙ, Мұхаммад (1535–1596) – озарбойжон шоири. Язд ш.нинг хокими. Турк ва форс т.да асарлар биттган. Шеърлари газал, қасида, рубоий, қўшима, баяти жанрларida ёзилган. Асарларida тасаввуфий тимсол ва талқинларга

кенг ўрин берилган. Лири-эпик сюжетга мойил масал ва ривоятлар ёзган. Фузулийга эргашгани асари мазмунидан очик сезилади. Улар орасида “Теваси ўлган кампир”, “Тарякчи” (“Нашаванд”), “Хотам Тойи” хикоятлари бошқа т.ларга тарж. килинган.

- Рустамова А., Набиев Б., Карабаев Я. Азербайджанская лит-ра. Баку: Элм, 2005. С.196-199.

«АМОРГ ва СПАРЕТРА» – кадимги туркий халқ (шак)ларнинг қаҳрамонлик киссаси. М.а. VI асрда яшаган саклар хукмдори Аморг ва унинг хотини Спаретра ҳакида ҳикоя килинган. Эрон шохи Кир саклар ерига бостириб келиб, Аморгни асир олиши, унинг хотини Спаретра барча сакларни бирлаштириб Кирга қарши кураши, Аморгни озод қилиши баён килинган. Киссанинг сюжети бизгача юонон тарихчиси Ктесий асарлари оркали стиб келган. Бу кичик қиссада ҳам саклар устунлиги ҳикоя қилиниш б-н бирга асосий қаҳрамон вазифаси аёл киши – Спаретрага юкланди.

- Синявский Б.Я. Между Помиром и Каспием. – М., 1966. С. 95-96; Мағмудов М. Шаклар маликаси / Ахли дил. Т., 1998.

АМОРФ тиғлар (юононча: *amorphos* – шаклсиз) – қўшимча қўшилганда сўзнинг ўзаги ва негизи ўзгармайдиган, изоляция қилинган т.лар. Гапдаги сўзлараро муносабат эса битишув ва ёрдамчи сўзлар воситасида амалга оширилади. А.т.ларга хитой, въетнам, эве в.б. т.лар мисол була олади.

- Аморфные языки / Большой энц-кий словарь: языкоznание. М.: Большая Российская энц-я, 1998. С.30.

АМИРИР (французча: *empire* – империя) [эстетика, меъморчилик] – амалий санъат, меъморчилик ва санъатшуносликда классицизмда бошланган бадиий концепцияларнинг давом этиб, янги сифатта эга булиши. А. меъморчиликда Рим императори саройини бутун маҳобати б-н курсатишига ҳаракат. Наполеон I даврида сарой жиҳозлаш ва декорацияда алоҳида услуб даражасига кўтарилиган. А. ад-тшуносликда мумтоз анъаналарнинг давомийлиги.

- Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Астрель-Аст, 2003. С.24.

АМПЛИФИКАЦИЯ (лотинча: *amplificatio* – кенгайиш, кучайтириш) [поэтика, риторика] – тасвир воситаларидан бири. Турли хикоят ва ривоятлар келтириш оркали нуткни безаш, таъсирчанилигини ошириш, муболага ва бадиий санъатлардан фойдаланиш. Айрим нутк булаклари, бир неча сифатлаш ва ўҳшатишларнинг кетма-кет такрорланиб келишидан ҳосил булади. Синонимик аникловчилар, ўҳшатишлар асосида таъсирчаниликин кучайтирувчи синтактик фигура. Mac., Ты жива, ты во мне, ты в груди. Как опора, как друг и как случай (Б.Пастернак). Кўчма майнода кўпсўзлилик, ортиқча оҳангжама килиб гапириш. Шарқ поэтикасида муҳазара санъатига яқин келади.

- *Хотамов Н., Саримсоқов Б.* Ад-тшунослик терминларининг русча-узбекча изохли лугати. Т.: Ўқитувчи, 1979. Б.27; *Лотман Ю.М.* Риторика / Труды по знаковым системам, 12. Таргу, 1981; *Поляков М.Я.* Вопросы поэтики и художественной семантики. М., 1985; *Дюбуа Ж., Эдельин Ф. и др.* Общая риторика. М., 1986; *Turk Dunyasi Edebiyat Kavramları ve Terimleri Ansiklopedik Sözlüğü. Cilt 1.* Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.156. *Елисеев И.А., Полякова Л.Г.* Словарь лингвистических терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.9; *Борев Ю.* Эстетика. Теория литературы. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.24; Амплификация. Новая лингвистическая энциклопедия / www. nlit.ru., 2012.

АМПЛУА (французча: *amplua* – характер, сажия) [эстетика] – театр санъатида актёрларнинг муайян ролларга (комик ёки трагик) мослашуви. Социал типлар ролларининг тақорланиши, драматик характернинг асар охирига қадар сюжетта мос келмаслигига қарама-карши ҳолат. А. айрим қаҳрамонлар характерига актер феълининг яқин келиши, у б-н боғлиқ сюжетлар тизими. Драмада характер вазиятни конфликтта ёки бошқа мажарога айлантириши мумкин. А.да эса аксинча, актёр бутун ҳаракатлари б-н ўйнаётган рол ижроисига айланади. Шундан келиб чишиб, айрим актёрларни ўз асл исмлари б-н эмас, балки у ўйнаган ролдаги қаҳрамон исми б-н аталиши мумкин. *Мас., Ҳамид Ғуломнинг “Тошиболта ошик” комедиясида бош рол ўйновчи Соҳиб Ҳўжаев кўп томошабинлар тилида ўз исми ўрнига “Тошиболта”га айланниб кетган.* Ёки Аброр Ҳидоятовни “Отелло” деб аташган.

- Теория литературы. В 2-х т., т.1. / Под ред. Н.Д. Тамарченко. М.: ACADEMIA, 2004. С. 331-332.

АМР (арабча: иш, юмуш, топширик) [поэтика] – бад. санъат турларидан бири. Шоирнинг ўз ўкувчиси (айрим холларда ўзи)га қатъий талаби баён этилади. Бобур лирикасида

*Гофил ўлма давлатга, ўзни солма меҳнатга,
Тангри берур, албатта, давлат иста, ҳиммат тут.*

- *Атоулоҳ Ҳусайнӣ.* Бадойиъ-с-санойӣ. Т.: F.Ғулом номидаги панпр., 1981; Раҳмонов В. Шеър санъатлари. Т.: Ёзувчи, 2001.

~ олами [тасаввухунослик] – фарипиталар олами, гайб олами. Амр оламидан келадиган гайбий қувват Ҳақ тажаллисида акс этади. Раҳмоний нағс сифатида бутун мавжудотта тараалган олам файзи ҳам ерга қараб тушади. Таназзулотнинг охири бўлган инсонга стиб келади. Демак, ҳалқ олами ва амр олами – иккаласи раҳмоний рӯҳ воситасида мавжуддир.

АМРА маданияти [этнография] – Миср марказидаги ал-Амра жой номидан олинган. М.а. 5 минг й.ликнинг иккинчи ярми – 4 минг й.ликда А. ахолиси чорвачилик, овчилек ва деҳқончилик б-н шугулланган. Тош ва суюқдан меҳнат қуроллари ясашган. Қизил сополга оқ рангли расм ва ёзувлар чизиш амалий санъатда юкори баҳоланган. А.м. ўзигача ўтган бадарийлар маданиятининг давоми саналади, шимолий ва ўрга Мисрда узок давом этган ҳерзайлар маданиятининг шаклланишига сабаб бўлган.

- Чайлд Г. Древнейший Восток в свете новых раскопок / Пер. с англ. М., 1956.

АМРИЙ (в. 1523) – Асл исми: Амр. Султон Боязид II даврида яшаган. Шоир Исхок Чалабий б-н бирга үқиган. Тазкираларда А. девон тузгандылык хакида маълумот бор.

◆ Amri. Devon. Tankidli basım / Hazırlayan: Dr. Mehmed Çavuşoğlu. İstanbul, 1979; Türk Şairleri II. İstanbul, 1979. S.190.

«**АМУДАРЁ**» – Қорақалпок т.да Нұкусда нашр этиладиган адабий-бадиий, ижтимоий журнал. Қорақалпогистон Ёзувчилари уюшмаси таъсис этган, 1932 й.да чика бошлаган. Дастрлаб “Мийнет адабияты” (“Мехнат ад-ти”), 1934. й.дан “Аўдарыспак жалыны” (“Инкилоб шуыласи”), 1935 й.дан “Женис хаўзасы” (“Ғалаба овози”), 1939–58 йй. “Қарақалпақстан адабияты ҳам искуствосы” (“Қорақалпогистон ад-ти ва санъати”) номлари б-н аталған. 1941–55 й.да тұхтаб қолған. 1959 й.дан “А.” номи б-н нашр этилади. “А.” журналиға Ибройим Юсупов, Т.Қаипбергенов сингари таникли адилар мухаррирлик қилишган.

АМУР (лотинча: амог – севги) (Купидон) [мифология] – Рим мифологиясында илохий муhabbat рамзи ва инсон рухияти изхори сифатида күринади. Юон мифологиясында гүзәллик маъбудаси (мохиятига күра Эромта яқын келади) Афродитанинг ўғлы.

• Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.71.

АМФИБОЛИЯ (юончка: amphibolia – иккимаънолилик) [поэтика, риторика] – бирор сүз ёки иборанинг матнда ғайриоддий тарзда икки хил маъно англиши. А. грамматик номутаносиблик ёки айрим сүзларни ногүри талаффуз килиш орқали содир бўлиши мумкин. Mac., рус т.даги «рыбаки ели хлеб с-ухой» жумласидаги «с-ухой» икки маънода: кулок ва балик шўрва маъносида ишлатилган. Яна: “мать (а не отца) любит дочь” ва “мать любит дочь (не сына)”. Бунда 1-маънода “она (ота эмас) кизни яхши куради”, 2-маънода “она кизини (үғлини эмас) яхши кўради”. Бундай стилистик фигура Шарқ поэтикасида ийҳом санъатига яқын келади.

• Хотамов Н., Саримсоқов Б. Ад-тшунослик терминларининг русча-узбекча изоҳли луғати. Т.: Ўқитувчи, 1979. Б.28; Benac H. Nouveau Vocabulaire de la Dissertation et des Études Littéraires. Paris, 1982; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.24-25.

АМФИБРАХИЙ (юончка: amphī – атроф икки томон, brachus – қисқа) [поэтика] – силлабо-тоник шеър тизимида иккинчи бүғини ургу олган уч бүғинли стопа. Бунда ургу олган хижо икки ургусиз хижо уртасида келади. Mac., ○ _ ` ○ Кучли ўринлар ургули бүғин б-н, кучсизроғи ургусиз бүғин б-н ифодаланади. XIX аср бошидан рус шеъриятида баллада ва романсларда кулланила бошланган.

Шумела/ полночная вьюга
В лесной и/ глухой стоп/роне.

(А.А.Фет. “Шумела полночная...”, 1842)

Схемаси: ○ _ ` ○ / ○ _ ○ ...

Замонавий шеъриятда М.Смотрицкий (Грамматика. Киев, 1979) тузган жадвалга кўра, уч хижоли стопалар (дактил, анапест, амфибрахий, амфимакр, бакхий, палимбакхий, трибрахий, тримакр) саккиз турли булиб, улар орасида А. нисбатан фаоли ҳисобланади. Силлабо-тоник шеър тизимида ямб, хорей, дактиль, амфибрахий ва анапест кабилар фаол кўлланилади. А. ургули хижо бўлгани учун кучли саналади ва шеърда таъсирчанликни оширади.

- Брюсов В. Основы стиховедения, ч.1-2. М., 1924. С.90-94; Артюшков А. Основы стиховедения. М., 1929. С.29-33; Жирмунский В. Введение в метрику. Теория стиха. – Л., 1925; Паст В. Современное стиховедение. Ритмика. Л., 1931. С.53-72; Томашевский Б.В. Стих и язык. М., 1960; Хотамов Н. Саримсоқов Б. Ад-тшунослик терминларининг русча-узбекча изоҳли лугати. Т.: Ўқитувчи, 1979. Б.28; Введение в лит-введение / Лит-ное произведение: основные понятия и термины. М., 1999. С.366,367,369; Елисеев И.А., Полякова Л.Г. Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.9; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асель-Аст, 2003. С.24; Белокурова С.П. Словарь лит-ведческих терминов. СПб.: Паритет, 2006. С.13; Амфибрахий. Новая лит-ная энц-я / www. nlit.ru., 2012.

АМФИМАКР (юононча: *amphi* – атроф икки томон, масг – чўзиқ) [поэтика] – метрик ва силлабо-тоник шеър тизимида уч хижоли стопа булиб, киска хижо икки томондан чўзиқ хижо б-н кслади (амфибрахийнинг тескариси) – М.Смотрицкий (Грамматика. Киев, 1979) тузган жадвалга кўра, А. уч хижоли стопалар орасида тўртнинчи ўринда (амфибрахийдан кейин) туради. Юон ва рим шеъриятида тўрт стопали тетрамстр тарзида кўлланилган. Замонавий шеъриятда кўлланилиш доираси амфибрахийдек кенг эмас. Бу славян т.лари товуш тизими б-н боғлик.

- Гаспаров М.Л. Метрическое стихосложение. Введение в лит-ведение / Лит-ное произведение: основные понятия и термины. М., 1999. С.366-367.

АМФИОН (юононча: *amfion* – сўзма-сўз: атроф боласи, мазмунан: тақдир фарзанди) [мифология] – юон мифларига кўра Зевс ва Антиопанинг ўғли, Зетнинг эгизаги. Фива подшохи Ликанинг буйруги б-н Кифорон тогига олиб бориб ташланган, уни бир чўпон тошиб олиб, бокиб катта килган. Катта булгач, Фивага қарши уруш килиб, Ликани сингтан. Юон ҳайкалтарошлари томонидан эгизаклар А. ва Зетнинг турли киёфалари ишланган. XVII асрдан кейинги рангтасвир ва ад-тда Фива деворида А.ни лира оҳанглари остида ўтирган тимсоли яратилган. А. ҳакида П.Манъя, И.Г.Науман опералари; Б.Галуппи контатаси ва А.Онеггернинг мелодрамаси яратилган.

- Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.72-73.

АМФИТЕАТР (юононча: *amphitheatron* – икки томонлама томоша) [театр назарияси] – юон ва Римда оммавий томошалар кўрсатиладиган усти очик майдон. А. майдони эллипс ёки доира шаклида булиб, томошабинлар жойи пастдан юкорига зина б-н кутарилиб ва ортиб боради. Римда Помпей А. (м.а. 70-йиллар) А.да 15 минг, Колизей А.га (125 йил) 50 минг томошабин жойлашган. Кейинги даврларда стадионлар, томошагохлар А. шаклида курилмоқда.

АМФОРА (лотинча: amfora – хум, қадаҳ) [эстетика, амалий санъат] – қадимги юонларда күлланилган иккى тутқичли хум, май идиши, қадаҳ. А. оддий қадаҳлардан фарки шундаки, унинг теграсида шеър, байт ёки бирор хикматли сўз ёзилган бўлади. Бобур зиёфатларида шундай қадаҳлардан фойдаланишган. Сўнгра шоир май ичишни тарқ қилганидан сунг шундай кимматбаҳо қадаҳлар синдирилиб, ҳалққа улашиб берилган.

- Борев Ю. Энц-кӣй словарь эстетики и теории лит-ры.. М., 2008. С.69 (эл.версия).

АМХАРА, АМАРА [этнография] – хоз.ги Ҳабашистон (Эфиопия)даги ҳалқ. Мамлакатнинг марказий қисми ва шимолида яшайди. Ахолиси 7–10 млн. нафар. Машгулоти дехкончилик ва чорвачилик. Семит т. оиласига кирувчи А. т.да сўзлашади. Судан, Сомалида ҳам А.т.да сўзлашувчилар бор. А. ад-ти намуналари XIV–XV асрга мансуб. Ёзуви ҳабаш сўзуидан фарқланади.

- Юшманов Н.В. Амхарский яз. М., 1959; Языковая ситуация в странах Азии и Африки. М., 1967.

АМЭ-НО-УДЗУМЭ (японча: амэ-но – илоҳий) [мифология] – күёш маъбути Амарэрасу туркумига кирувчи мифларда тилга олинган синтоистик илоҳ. Бундай илоҳлар сифатида Амэ-но вака-хико, Амэ-но Кагуяма, Амэ-но-коэнс, Амэ-но Минакануси, Амэ-но-токатати А.У.га қадар тилга олинган. Муал. Кодзикига нисбат берилиган “Қад. ишлар хусусида ёзувлар” китобида келтирилган афсонага кўра, бутун борлик зулматга чўмганда А.У. кўшиқ ва ракс ижро килиб, ўзига кулги маъбудини чакиради. Бу ракс кейинчалик оммавий санъатга айланган қагура театрлашган байрамига прототип бўлиб хизмат килган. Япон ҳалқ ривоятларига кўра, А.У. баҳт келтирувчи илоҳ сифатида улуғланади.

- Миғи народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.74; Культура классической Японии. Словарь-справочник. Сост. Рыбалко С.Б., Корнев А.Ю. Ростов-на-Дону: Феникс, Харьков: Торсингт, 2002. С.10-11.

АН (шумер т.да: осмон; аккад мифларида Ану) [мифология] – шумер ва аккад мифологисида марказий маъбуллардан бири, Осмон тангриси. М.а. XXVI асрга тегишли тангрилар рўйхатида А. номи биринчи бўлиб т.га олинган. А. – Урук ш.нинг Тангриси, маъбуллар отаси хисобланган. “Билгамиш” таркибига кирувчи мифларда А. маъбулларга Осмон ва Ер уртасида туғилишни буоради ва улардан катор маъбуллар дунёга келган. Шумер мифларида А.нинг фарзандлари сифатида Ишкур (Адал), Марту, Инанна (Иштар), Баба, Гатумдуг, Нисаба, Нининсина кабилар келтирилган. А. (осмон) хотини манбаларда Ураш (Ер) деб кўрсатилган.

- Миғи народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.75.

АНАБАПТИСТЛАР (юононча: anabaptizo – кайтадан хочга михлаш) [диншунослик] – “хочпараст қардошлар” номи остида танилган. XVI асрдаги диний ислохот тарафдорлари сифатида протестантлар каби диний тенглик талаби б-н харакатланган. Бу харакат Германия, Голландия ва Моравияда авж олган.

- Bunyadov Z. Dinlər, təriqətlər, məzħəblər. Bakı: Şərq-Qərib, 2007. S.31-32.

АНАГНОРИСИС (лотинча: *anagnorisis* – билиб олиш) [поэтика] – драма назариясида ҳаракат босимининг кучайиши, сюжетнинг таранглашуви, қаҳрамон олдидаги ҳақиқат ошкор этилиши туфайли фавқулодда кескин вазият юзага келиши (Арасту). Сир ошкор бўлгач, қаҳрамон кўзига дунё бошқача кўриниши мумкин. Мас., Софоклнинг “Шоҳ Эдип” асарида қаҳрамон кисмат туфайли отасининг қотили, онасининг эри бўлиб чиққандан кейин Фивага касаллик таркалади.

- Аристотель. Соч. В 4-х т., т.4. М., 1985; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.24.

АНАГРАММА (юононча: *ana* – ўрин, *gramma* – ҳарф) [риторика] – сўз ёки сўз бирикмасидаги ҳарфларнинг ўрин алмашинуви. Матндан бошқа сўз ёки сўз бирикмасидаги ҳарфларнинг ўрин алмашиниши асосида содир бўлади. А. морфология – сўз ясаш коидаларига асосланиб, бир сўзда ҳарфлар ё тескарига ўқилади ёки ўринлари алмаштирилади. Юонон грамматика олими Ликофон (м.а. III) шундай усулни қўллаган эди. Сўздаги ҳарфларни тескари томондан ўқиш натижасида янги сўз ҳосил килиш. Мас., “ропот” / «топор». А. ихтирочиси юонон олими Халкидли Ликофон (м.а. Ш)дир. А. орқали адабий тахаллуслар, чистон ва муаммолар ҳосил килишда қўлланилади. А. орқали тахаллус ҳосил қилишда атокли отлардаги ҳарфлар ўринини алмаштирилади. Мас., Харитон Макентин / Антиох Кантемир. Айрим шеърлар ҳам А. усулида номланган.

- Топоров В.Н. К исследованию анаграмматических структур (анализы) / Исследования по структуре текста. М., 1987; Turk Dünüsi Edebiyat Kavramları ve Terimleri Ansiklopedik Sözlüğü. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlığı i, 2001. S.160–161; Елисеев И.А., Полякова Л.Г. Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.9; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.24; Теория лит-ры. В 2-х т., т.1. / Под ред. Н.Д.Тамарченко. М.: ACADEMIA: 2004. С.39-42; Белокурова С.П. Словарь лит-ведческих терминов. СПб.: Паритет, 2006. С.17; Karatas T. Ansiklopedik Edebiyat Terimleri Sözlüğü. Ankara, 2007. S.35; Анаграмма. Новая лит-ная энц-я / www.nlit.ru., 2012.

АНАДИПЛОСИС (юононча: *anadiplosis* – иккига қўпайтиши) [риторика] – риторик тасвир воситаларидан бири. Мисра охиридаги товушлар уйғунлигини янги мисра бошида тақрорлаш асосига курилади. Мисра охиридаги бирор сўз ёки сўз бирикмаси янги мисра бошида келиши мумкин. Мас., *O, весна, без конца и без краю, Без конца и без краю, мечта!* (А.Блок). Таржимаси: Эй баҳор, ниҳоясиз ва ҳудудсиз – Ниҳоясиз, ҳудудсиз орзулар! Бунда биринчи мисра сўнгидаги икки сўз, иккинчи мисра бошланишида кайтарилемоқда. Градацияга яқин маънодаги поэтик фигура.

- Лотман Ю.М. Риторика // Труды по знаковым системам – 12: Структура и семиотика художественного текста. Тарту, 1981; Поляков М.Я. Вопросы поэтики и художественной семантики М., 1985; Дюбуа Ж., Эделин Ф. и др. Общая риторика. М., 1986; Елисеев И.А., Полякова Л.Г. Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.10; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.24.

АНАКОЛУФ (юонча: απασοιουθός – нотүгри, ноизчил) [риторика] – гап ёки жумладаги кисмларнинг синтактик номутаносиблиги. Т. меъёрларининг атайлаб бузилиши асосига куриладиган стилистик фигуralардан бири. А. сатирик ва юмористик шеърларда фаол құлланилади. Замонавий филологиядаги **инверсия** ходисасига якинрок воситалардан бири. Инверсиядан фарқли жиҳати шундаки, А.да сұзлар эмас, сұз бирикмаларининг үрни алмашиниши мүмкін. Одатта персонажлар нутқида стилизация мақсадларыда қулланилади.

- Benac H. Nouveau Vocabulaire de la Dissertation et des Études Littéraires. Paris, 1982;
- Поляков М.Я. Вопросы поэтики и художественной семантики М., 1985; Дюбуа Ж., Эдегин Ф. и др. Общая риторика. М., 1986; Введение в лит-ведение / Лит-ное произведение: основные понятия и термины. М., 1999. С.522; Елисеев И.А., Полякова Л.Г. Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.10; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Астрель-Аст, 2003. С.24; Анаколуф. Новая лит-ная энц-я / www.nlit.ru., 2012.

АНАКРЕОНТ, АНАКРЕОН (м.а. 570–478) – қад. юонон шоири, лирик шеърлар устаси. Теос ш.да яшаган. Енгил, кувнок охангларда шеър намуналарини ғұзғани учун А. шеър тушунчаси мавжуд. Афлотун ва Арасту асарларыда т.га олинган ва ижоди таҳлил қилинган. Афинадаги Акрополда бадмаст шоир сифатида унга хайкал қуиілген. Теос танталарига уннинг сурати туширилген. А. ижоди намуналарини рус т.га А.С.Пушкин, Л.А.Мей в.б. тарж. қилишган.

- Греческая эпиграмма. М., 1960.
- Ярхо В., Полонская К. Античная лирика. М., 1967; История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.307, 339, 342.

АНАКРЕОНТИК ШЕЪР [поэтика] – енгил, кувнок, ҳазил мутойиба асосига куриладиган антик шеър тури. Дастьлаб қад. юонон шоири Анакреонт ёзған. Үйғониш ва маърифатчилик даврларыда оммалашған. Севги, май, кувноклик А.ш. асосий мавзусидир. Анакреонт одаларини француз т.га тарж. қилилген Анри Этьен А.ш.ни қайтадан урф қилди. А.ш. Европада П.Ронсар, У.Шекспир, Р.Бернс, П.Беранже, А.Франс, рус шоирлари Г.Р.Державин, А.С.Пушкин, Францияда Вольтер, П.Ж.Беранже, Германияда И.В.Глейм, Г.Э.Лессинг ижодида учрайди.

- Ярхо В., Полонская К. Античная лирика. М., 1967; Елисеев И.А., Полякова Л.Г. Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.10; Анакреонт. Новая лит-ная энц-я / www.nlit.ru., 2012.

АНАКРЕОНТИКА (юонон шоири исмидан) [адабий жараён] – ҳаётнинг сурурини куйлаш. Юонон шоири Анакреонт (м.а. VI) бошлаб берган шеърий тасвир 1554 й. француз олимі анри Этьен томонидан истилохга айлантирилген. А. күпрок интим севги, май ва машшат тасвири билан банд булған. А. мавзусида П.Ронсар, У.Шекспир, Р.Бернс, П.Беранже в.б. асарлар битишишган.

АНАКРУСА, АНАКРУЗА (юононча: anacrusis – туртиш, *нарига сурии*) [поэтика] – шеър бошланишидаги метрик кучсизланиш булиб, биринчи метрик ургудан аввал келади. Шеърнинг ритмик ташкилланишида иштирок этмайдиган ургусиз бугин. А. ямб ва амфибрахийда бир бүғин, анапестда икки бутин булиб келади. Демак, одатдаги тартибдан аввал келувчи ургуга нисбатан айтилади. А. ритмик бошланманинг варианти сифатида бир ургу олмаган бутин ҳосил килади.

- Жирмунский В. Введение в метрику. Теория стиха. Л., 1925. С.138-45; Введение в литературу / Лит-ное произведение: основные понятия и термины. – Москва: 1999. С.129; Turk Duyası Edebiyat Kavramları ve Terimleri Ansiklopedik Sözlüğü. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.161–162; Елисеев И.А., Полякова Л.Г. Словарь лите-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.10; Теория литературы. В 2-х т., т.1. / Под ред. Н.Д. Тамарченко. М.: ACADEMIA: 2004. С.32; Анакроуз. Новая лите-ная энц-я / www.nlit.ru., 2012.

АНАКСАГОР (~ м.а. 500–428) – қад. юонон файласуфи, астрономи. Афина фалсафий мактабининг асосчиси. Юононистоннинг Клазомена ш.да туғилган. Отаси Гегесибул бадавлат киши бўлган, отасидан колган меросни яқин кариндошларига булиб бериб, ўзи саёхатта чикиб кетган. Афинада илмий-ижодий фаолият б-н шугулланган. Афинанинг давлат бошлиги Перикл, айрим манбаларда ёзилишича, А. нинг шогирди бўлган. Бутун оламни бир бутунликда талкин килган. А. гача ўтган Фалес, Пифагор, Ксенофан, Гераклит, Парменид каби олим ва файласуфлар давлат арбоблари бўлишган. Шу маънода А. биринчи профессионал олим ва файласуфdir. Кейинчалик худосизликда ва осмон жисмлари ҳакида мавжуд диний карашларга зид фикрларни таркатишда айбланган. Лампсакка бадарға килинган ва у ерда вафот этган.

Илмда Анаксименнинг космологик карашларини давом эттирган. Осмон жисмларининг ҳаракати, ботиш ва чикиш ҳакидаги назарияларни ихтиро килган. Метеоритларнинг аник тушиш вактини белгилаб берган ва бу амалда тасдигини топган. Унинг сўнгти асарлари космология, метеорология, табиий география, биология ва психология массалаларига бағишиланган. Асарларининг асосий мавзуси “табиат ҳакида”. Арасту “Табиат” асарини ёзишда А. карашларига таянган.

- Анаксагор. О природе / Рожанский И.Д. Анаксагор. Приложения. М.: Мысль, 1983. С.130-138.
- Бергер А.К. Анаксагор и афинская демократия // Вестник древней истории. 1960. №3; Асмус В.Ф. История античной философии. М., 1965; Рожанский И.Д. Анаксагор. У истоков античной науки. М.: 1972; Асмус В.Ф. Античная философия. М., 1976; Богомолов А.С. Анаксагор и диалектика // Вопросы философии. 1977. №9; Ларртский Д. О жизни, учениях и изречениях знаменитых философов. М., 1979; История всемирной лите-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.362.

АНАКСИМАНДР, Милетли (м.а. 610–546) – қад. юонон файласуфи ва олими. Фалеснинг шогирди, Анаксагордан юз йил аввал яшаган бўлса ҳам, унинг устози сифатида тилга олинади. Бизгача “Табиат ҳакида” асари стиб келган.

Биринчи географик харита муал.и, Юнонистанда биринчи бўлиб күшш соатини жорий қилган.

- Томсон Ж. Исследования по истории древнегреческого общества, т.2.: Первые философы / Пер. с англ. М., 1959. С.147-152; История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.332, 379.

АНАКСИМЕН, Милетли (м.а.585–525) – антик давр файласуфи ва нотиклик санъатининг намояндаси. Иония мактабининг вакили, Анаксимандринг шогирди. «Риторика» асари муаллифи. Астрономияга доир илмий асарлар яратган.

- ◆ Риторика / Античные теории языка и стиля. М.-Л., 1936. С.171.
- Томсон Ж. Исследования по истории древнегреческого общества. Т.2.: Первые философы / Пер. с англ. М., 1959. С.153-154; История всемирной лит-ры. Т.1. М.: Наука, 1983. С.332, 379.

АНАЛЕПСИС – к.: Ретроспекция.

АНАЛИЗ (юонч: analysis – қисмларга бўлиш, ажратиш) [поэтика] – бадий асар ва адабий жараён таҳлили. Бадий матн таҳлилида асарни ўкиш, укиш, завқ туйиш б-н бирга, ижодкор истеъодини баҳолай билиш, муал. концепциясини тушуниш жараёни. Бад. матн таҳлилида бир неча фикрий харакат килиш зарур. Улар Ю.Борев талкинича, таҳлил нуктаи назарини белгилаш, яъни объектни умумий планда кўриш (1); бадий асарнинг ташки алоқадорлиги ва моҳиятини аниклаш, яъни объектга яқинлашиш (2); бунда а) социологик ёндашув, асар талкини учун “калит” топиш, б) маданий-тарихий сндашув; в) биографик ёндашув; г) ижодий-генстик ёндашувни аниқлаш лозим; бадий матн ички таркиби (структураси)нинг моҳиятини англаш (3); бу жараёнда: а) статистик методика; б) структурал таҳлил; в) семиотик таҳлил; г) услубий таҳлил; д) интоацион таҳлилни амалга ошириш; тўртинчи қадамда: а) функционал ёндашув; б) рецептив ёндашув; в) конкрет социологик тадқикот олиб бориш лозим. Нихоят, бешинчи – яхлит тизимли таҳлилга киришиш керак бўлади.

- Методология современного литературоведения. М., 1978; Современная западная философия. М.: ИПЛ, 1991. С.21; Turk Dunyasi Edebiyat Kavramları ve Terimleri Ansiklopedik Sözlüğü. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Merkezi Baskanlığı, 2001. S.162;
- Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С. 27, 243-247.

АНАЛИТИК МЕТОД (юонч: analysis – қисмларга ажратиш) [методология] – тафаккур ва таҳлил методи булиб, унинг асосида ўрганилаётган объектни мантиқан қисмларга ажратиб таҳлил килиш ётади. А.м. синтезлаш усули, яъни бўлинган қисмларни бир бутунга йигиб тасаввур килиш б-н қўшилган ҳолда олиб борилади. Бу усул антик фалсафанинг асосий методидир.

ХХ аср бошидан бу методнинг мумтоз санъат таҳлили усули конструктивлик, вазифадошлиқ асосида кенгайган. А.м. бадиий шакл унсурларини мазмундан устувор қўйиб, бадиий шакл таҳлилига кўпроқ эътибор берган. Мас., рус формалистлари В.Шкловский, Б.Эйхенбаум тадкиқотларида бадиий асарнинг шакл жиҳатига, импрессионистлар ишларида эса ранг ва нур таҳлилига эътибор каратилган. Бу жиҳатдан Ван Гог, П.Гоген каби рассомлар асарлари таҳлилига тортилган. Замонавий санъатшуносликда анализ интеллектуал онг натижаси сифатида, синтез эса эмоционал, яъни ҳиссий жараён сифатида қабул килинган. Аналитик санъат намуналарини қабул килиш бирмунча кийин кечади, бу мураккаб йўл китобхондан ҳам муайян тайёргарликни талаб қиласди.

- Власов В., Лукина Н. Авангардизм, модернизм, постмодернизм / Малый лексикон искусства. СПб.: АЗБУКА Классика, 2005. С.27-30;

~ **реализм** – таҳлилий реализм, XIX аср ўртасида шаклланган. Муаллиф олдида алоҳида вазифа – қаҳрамон дунёкарашига шахс ва характер ўртасидаги муносабат сифатида қараш. А.р.да муаллиф образи ўрнини холис баёнчи эгаллади. У “асарнинг ҳар касрида мавжуд бўлиши керак, лекин кўринмаслиги лозим” (Г.Флобер).

- Теория лит-ры. В 2-х т. т.2. / Под ред. Н.Д.Тамарченко. М.: ACADEMIA: 2004. С.243-246.

~ **тиллар** – т.лар йигиндиси; грамматик (аникроғи, морфологик) муносабатлар кўмакчи сўзлар, сўз тартиби б-н ифодаланадиган т.лар. Бу қараш вакиллари А.т.га инглиз, француз, янги форс ва болгар т.ни кириjadилар. Аслида соф **аналитик** ёки **синтетик** т. йўқ. Бу шартли равишда қабул килинган.

- Аналитизм / Большой энц-кий словарь: языкознание. М.: Большая Российская энциклопедия, 1998. С.31.

~ **фалсафа** – ҳ.ги замон фалсафасидаги оқимлардан бири, Англо-Америка олимлари томонидан илгари сурилган. Дунёни ўрганишда т. ва тушунчалараро муносабатни бирламчи деб биладилар. Позитивистик позицияда турсалар ҳам фалсафанинг мантикий таҳлили, фалсафанинг лингвистик таҳлили каби икки йўналишда харакат қиласдилар. 1-йўналиш тарафдорлари: Р.Карнат, Г.Фейл, К.Гемпел, Ф.Франк, 2-йўналиш тарафдорлари: Г.Райл, Ж.Остин, П.Строусон, Ж.Уисдом.

- Геллер Э. Слова и вещи / Пер. с англ. М., 1962; Хиль Т.И. Современные теории познания / Пер. с англ. М., 1965; Современная западная философия. М.: ИПЛ, 1991. С.16-17.

~ **эстетика** (лингвоаналитик эстетика) – Европа ва Америка эстетик тафаккуридаги эстетик ҳодисаларга лингвистик ёндашув оқими. ХХ аср 40-50 й.да неопозитив фалсафанинг Англо-Америка мактаби концепциясига кура Л.Витгенштейн қарашлари асосида шаклланган. М.Вейц, У.Галли,

О.Боусма тадқикотларида давом эттирилган. А.э. эстетик тушунчаларни қатый категориялар тарзида таснифлашдан воз кечиб, анъанавий эстетиканинг гўзалик назариясини тақид қилади. Санъат асарига лингвистик ёндашувни саклаган ҳолда, санъат асарини “хаёт шакли” сифатида ўрганади.

- Эстетика. Словарь. М., 1989; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.24;

АНАЛОГИЯ (юононча: *analogia* – мос келиш) [поэтика] – адабий ҳодисаларнинг ўзаро якин хусусиятларини аниқлаш методи. А. сюжетдаги ухашликлар, вазият ва эпизодларнинг якинлашуви, мавзулар умумийлиги ва персонажлар характерларининг мос келиши каби ҳодисаларни аниклади.

Т.шунослиқда муайян т.л бирликларининг бошкаси б-н вазифадош булиши, функционал мос келиши. А. тамойиллари Ф.Фортунатов, А.Пешковский томонидан ишланган, Ж.Гринберг квадрат назарияси сифатида талқин килган. А. бир т. доирасида эмас, бир неча т.даги муаяйян ҳодисаларнинг мос келиши тарзида ҳам намоён булади.

- Современная западная философия. М.: ИПЛ, 1991. С. 21; Большой энц-кий словарь: Языкоznание. М.: БЭС, 1998. С. 38; Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik Sözlüğü. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.162; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.27; Аналогия. Новая лит-ная энц-я www.nlit.ru/, 2012.

АНАЛОЙ (юононча: *analoy* – курси) [диншунослик, меъморчилик] – чёрковларда бут, икона ва мұқаддас китобларни қўйишга мўлжалланган баланд стол. Насроний меъморчилигига А. алоҳида санъат асари сифатида омманинг эътиборини тортадиган даражада кўркам ясалган. Ниҳоҳ маросимларида никоҳланувчилар А. устига қўйилган Инжилга қўлларини қўйиб қасам ичишган. Шеъриятда мұқаддаслик ва қасам рамзига айланган. А.Блокда:

*И вспомнил я тебя пред аналоем,
И звал тебя, как молодость свою.*

Таржимаси: Сени аналой кошида эсладим,
Чорладим ёшлигим мисол.

- Борев Ю. Энц-кий словарь эстетики и теории лит-ры.. М., 2008. С.73 (эл.версия).

«АНАЛҲАҚ» (арабча: ﺍن ﻫـ – мен Ҳак, яъни мен Худоман) [тасаввуфшунослик] – тасаавуф ад-тида “менлик”, ўзликдан бутунлай кутулиб, Аллоҳ ҳукмига ўзини топширишдир. Инсоний ўзликка барҳам берилса, факат рух колади. Шунда икки рух кўшилишидан ҳулул (сингиш) ҳолати юз беради. Анал Ҳак ана шу икки рух кўшилувини ифодалаган қаломдир. Тасаввуф таълимотида Мансур Ҳаллож (858 й.т.), Боязид Бистомий (ваф. 875) ва Фаридиддин Аттор (1136-1229) асарларида унинг шарҳи келтирилган. Мансур Ҳаллож ва унинг «Аналҳақ»и хусусида Фаридиддин Аттор ёзди: “«Аналҳақ» деган одам Ҳак бўлди, чунки кулиятни истаб ягоналик кўрсатиб, Ҳак дўсти бўлди. «Аналҳақ» деди ва буни ошкора қилди, натижада ўзини пора-пора қилди. «Аналҳақ» деб бирлик

— вахдатдан сүз очди, дархакиат, у Ҳак эди ва ҳеч шубхага бормай деди. «Аналхақ» дей дунёдан ўтди, бунда унинг номи абадий колди!..”

• Ислом тасаввуфи манбалари. Т.: Ўқитувчи, 2005; Сажжодий С.Ж. Ирфоний истилохлар ва иборалар лутати // Сино. 2010. № 37-40. Б.173-174.

АНАМОРФОЗА (юонча: anamorphosis – шакл ўзгартириш) [эстетика] – тасвирий санъатдаги усуллардан бири. Предмет тасвирида онгли равишда бирор кисми ёки жиҳатини майиб, мажруҳ қилиб кўрсатиш. Таъсиранликни кучайтириш, сирли ёки руҳоний маънони ортириш учун ракурсни ўзгартириш, фон ва фигураларнинг ўрнини алмаштириш назарда тутилади. Бу тасвир усули Маньериизм ва Барокко даври учун характерлидир.

XX асрда А.лар дадаизм, сюрреализм, поп-арт ва оп-арт (франц. нигоҳи алмаштириш) каби авантгард оқимларида кенг қўлланган. Литвалик символист шоир Ю.Балтрушайтис ўзининг тадқиқотида (1939–40) Европа Ўғониши давридан авантгардизмгача кечган А.ларни жамлаш оркали А. истилоҳига янгиша маъно берган.

• Власов В., Лукина Н. Авантгардизм, модернизм, постмодернизм / Малый лексикон искусства. СПб.: АЗБУКА Классика, 2005. С.31.

АНАНД (XVII) – хинд рассоми. Ақбаршоҳ ва Жаҳонгир даврида яшаган. “Бобурнома”га миниатюралар (табиат манзаралари) ишлаган. Даврининг Фаррух, Мискин, Маноҳар каби моҳир рассомлари б-н ҳамкорлик қилган. Дехли Давлат санъат музеида сакланаётган 16 суратига “Устод” леб имзо қўйган.

• Бобурнома. Дехли Санъат музейи. Қўллэзма. С.2796, 287а, 287б, 298.

АНАНДАВАРДХАНА (IX) – хинд шеърият назариётчisi, Кашмирда яшаб ижод қилган. А. “Дхванъялока” (“Поэтик жавҳар ёѓуси”) асарида шеър санъатларига янгиша карашлар мавжуд. Истеъодли шоир А. шеърият поэтикасига доир асаридан ташқари, санскрит т. “Аржуна-Чарита” (“Аржунаакнинг бошидан кечиргандлари”) достони, “Юз қасида” китоби б-н ҳам шуҳрат қозонган. А.дан юз й. кейин яшаган Абхинавагупта “Дхванъялока” шархидан иборат “Лочана” (“Куз”/ “Нигоҳ”) асарини ёзгандан кейин А. асари машхур булиб кетди.

“Дхванъялока”да шеърни баркамол ва гузал қилувчи фазилатлар – равшанлик, фикр кучи, боғланиш, малоҳат (тотимлилик), мутаносиблик, уйғунлик, маънодорлик, нағислик (нафосат), оҳангдошлик, гузаллик (дилбарлик), олижаноблик фазилатларни ҳосил килишда қандай коидаларга амал қилиш зарурлиги тушунтирилди. Бунинг зидди, тескариси булган, шеърни заифлаштирувчи (саёзлик, сийкалик, дағаллик, бефарқлик, бсолоблик, хунуклик, кабиҳлик каби) иллатларнинг келиб чиқиши сабаблари ҳам уқтирилди. Асарда лирик қаҳрамоннинг ҳис-туйгуларининг руҳий ҳолатлари – расалар (ёки раслар) қандай ҳосил килиниши айтилади. Расалар сўз б-н ифодалаш кийин бўлган руҳий ҳолатлардир. “Дхванъялока”да Арасту “Поэтикаси”га ҳамоҳанг фикрлар ҳам учрайди. Mac., шеъриятда лирик қаҳрамон “мси”и б-н шоир шахсий “мен”и тенг эмаслиги, шеърида шоирнинг

эмас, балки лирик қаҳрамоннинг хис-туйгулари, кечинмалари ифодаланиши, бошқача айтганда, шоирнинг ўз қаҳрамонларининг руҳий ҳолатларига “таклид” килиши, кечинмаларини “ұхшатиб” тасвирилаши кабилар.

• Аданавардхана. Дхваньялока («Свет дхвани»). Перевод с санскрита, введение и комментарий Ю. М. Алихановой. М.: Наука, 1974; Поэтик жавхар ёғдуси. Рус т.дан М.Махмудов ва Ҳ.Болтабосев тарж. // Жаҳон ад-ти. 2009. № 1.

• Алиханова Ю.М. Некоторые вопросы учения о дхвани в древнеиндийской поэтике // Проблемы литературы и эстетики в странах Востока. М., 1964; Гринцер П.А. Определение поэзии в санскритеской поэтике / Проблемы теории литературы и эстетики в странах Востока. М., 1964; Его же. Санскритеская поэтика и античная риторика; теория «украшений» / Восточная поэтика. Специфика художественного образа. М., 1983; Серебряный С.Д. К анализу поэтики санскритеской кавыи. Восточная поэтика. Специфика художественного образа. М., 1983; Гринцер П.А. Основные категории классической индийской поэтики. М.: Наука, 1987; История всемирной литературы, т.1. М.: Наука, 1983. С.247.

АНАНИМ (юнонча: ана – ўрин, опіма – исм) [лингвопоэтика] – таҳаллус турларидан бири. Атокли отлардаги исмларнинг тескари үқилишидан таҳаллус ҳосил килинади. Мас., Нави Волырк – Иван Крылов. Айрим ўринларда асарнинг номи А. усулда берилади. Мас., “Нофелет” / “Телефон” (Рауф Парфи).

• Рейсер С.А. Палеография и текстология нового времени. М.: Просвещение, 1970. С.329; Белокурова С.П. Словарь лингвистических терминов. СПб.: Паритет, 2006. С.17.

АНАНИН маданияти [этнография] – кад. турк маданияти тармокларидан бири. М.а. VIII–III асрларда Кама, Волга дарёлари соҳилида яшаган ҳалклар маданияти. Ҳозирги Татаристоннинг Ананино тумани А. маданиятидан дарак беради. 1858 й.да қабрдан топилган археологик ашёларга кўра А.лар чорвачилик, дехқончилик, овчилик ва балиқчилик б-н шуғулланганлар. Сак (скиф)лар б-н яхши алокада бўлган. Ҳозирги удмурларнинг кад. кариндошлари саналади.

• Збурова А.В. История населения Прикамья в ананинскую эпоху. М.. 1952; Бадер О.И. Очерк работ Камской археологической экспедиции в 1953-54 гг / Ученые записки Пермского госуниверситета, т.11. Пермь. 1956.

АНАПЕСТ (юнонча: апараистос – қайтарши, ортга қайтиши) [риторика] – уч бўғинли шеърий стопа булиб, ургу сунгги бўғинга тушади. Силлабо-тоник шеър тузилишидаги шеърий ўлчов. Уч бўғинли стопа ҳосил қилувчи ва ургу охирги бўғинга тушувчи ритмик бирлик. Кучли ўринлар ургу б-н ифодаланали, кучсизлари эса ургу олмайди. Турт ва уч стопали мисраларда фаолрок қулланилади. XIX аср рус шоирлари В.А.Жуковский, Н.А.Некрасов шеърларида куп учрайди.

И цветы /, и шмели/, и трава, и коло/съя

И лазуры/, и полу/денный зной/...

И.А.Бунин. «И цветы, и шмели...», 1918

Схемаси: 

- Брюсов В. Основы стиховедения, ч.1-2. М., 1924. С.90-94; Артюшков А. Основы стиховедения. М., 1929. С.29-33; Жирмунский В. Введение в метрику. Теория стиха. Л., 1925; Пяст В. Современное стиховедение. Ритмика. Л., 1931. С.53-72; Томашевский Б.В. Стих и язык. М., 1960; Введение в лит-введение / Лит-нос произведение: основные понятия и термины. М., 1999. С.366-367, 369; Белокурова С.П. Словарь лит-ведческих терминов. СПб., Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.11; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асерль-Аст, 2003. С.27; Анапест. Новая лит-ная энц-я / www.nlit.ru, 2012.

АН АРГИЛ ҮЙУН (ёкут–сақа т.да: биринчи улуғ шаман) [мифология] – ёкут мифологиясига күра биринчи “кора” шаман (ёвуз күч) хисобланади. А. күдрати шундаки, у уч й.гача аввал үлгянларни тирилтира олади ва күр күзларни очади. А.А.Ү. мүйжизасининг сирини била олмаган Тангри унга Юрөнгни юбориб, уни ёкишларини буюради. Бироқ А.А.Ү. курбака шаклига кириб ўтдан қочади ва А.А.Ү. инсонлар орасида доимий суратда яшайди.

- Миры народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.75.

АНАРХИЗМ (юонч: anarhīyus – бузилиш) [фалсафа, герменевтика] – ҳар қандай давлат курилмасига нисбатан бузғупчилик кайфияти. Идеал жамият куриш ва шахснинг мутлак эрки ғоясини асос қилиб олган караш. Мавжуд тузум ёки жамият эркин тузилмалар хисобига үзариши керак, деган ғоя тарафдорлари Прудон, Бакунин, Штирнер, Мост, Кропоткин, Реклю қарашларига асосланган.

- Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.47.

АНАС (в. 1267/1850) – хинд шоири, асл исми: Лаль Чанд. Форс т.да ижод килган, девон тартиб берган. Қитъасидан бир байт:

Айёми баҳор омаду шүриш ба сар уфтод,
Сад чок маро ҳамчу гул андар жигар уфтод,

Мазмуни:

Баҳор айёми келдиу ташвиш бошимга тушди,
Гулникидек жигаримга юзлаб чок тушди.

- Қайюмов П. Тазкирату-ш-шуаро. Т.: 2006. Б.26.

АНАС ибн ШИС – к.: Ануш.

АНАСТРОФА (юонч: ana+strofос – банд) [поэтика] – грамматик фигура, одатдаги жумлада сўзлар ўрнининг алмашиниши. Риторика ва шеъриятдаги инверсияга якин келади. Лекин А. инверсия каби қофия ва вазн талаби б-н эмас, одатдаги жумлада сўзлар тартиби алмашинишига айтилади.

- Turk Dunyasi Edebiyat Kavramları ve Terimleri Ansiklopedik Sözlüğü. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.162.

АНАТ (қад. семит т.ларида: уруш, кураш) [мифология] – Фарбий семит мифологиясида ов ва уруш маъбудаси. Курашчи аёл, маъбуд Балунинг ўлиб, яна тирила оладиган хотини, Илу ва Ашеранинг кизи. А. урушларда Балунинг ёрдамчиси ва халоскори. А.га нисбатан “халқ келини” сифатлаши қўлланилади. Қадимги яхудий мифларида Яхвенинг, фаластиналларда Сетанинг хотини. Эллинизм даврида А. Артемида ва Минерва номи б-н юритилган қаҳрамонларга айланади.

- Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.75-76; *Bünyadov Z.* Dinlər, təqiqətlər, məzəhbələr. Bakı: Şərq-Qərb, 2007. S.32.

АНАТОЛ ФРАНС – К.: Франс, Анатол.

АНАТОЛИЯ – қ.: Онадули.

АНАТОМИЯ (юнонча: *anatome* – тарқалиш, *būliniśi*) [фан тарихи] – тирик организмдаги аъзоларнинг шакли ва тузилиши ҳакидаги фан, морфологиянинг бир кисми. Поэтикада аъзоларни тақсимлаш санъати. А. тузилишига кура ўсимликлар дунёси (фитотомия) ва ҳайвонларни (зоотомия) ҳамда инсон танасининг аъзоларини (антропотомия) ўз ичига олади.

- *Брокгауз Ф.А., Ефрои И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.48.

САНЪАТ ~ си – санъат асарини тирик организм деб караб, унинг таркибий кисмларини ўрганувчи фан. Бунда, күпинча, бадиий асарнинг шакл унсурлари ва уларнинг ўзаро муносабатини ўрганиш мухим ўрин тутади. Юнон олимни Арасту С.а. терминини илк бор санъат асарига нисбатан қўллаган.

- *Гильберт К., Кун Г.* История эстетики / Перевод с англ. М.: Изд. иностр. лит-ры, 1960. С.196.

АНАУ (АНАВ) [этнография] – туркий маданият учокларидан бири. Энеолит давридан ўрта асрларгача бўлган даврда ҳаракатда бўлган маскан. Ҳоз. Ашхобод (Туркманистон) якинида Р.Пампелли раҳбарлигидаги Америка экспедицияси олиб борган қазишмалар чоғида (1904) 4 мажмуя аникланган. Улардан бири ғиштдан ясалган уйнинг колдиклари (1-мажмуя) булиб, у мис пакшлар б-н безатилган. Сопол идишлар (2-мажмуя)га икки рангда сурат ишланган. Бу сурат м.а. 5–4 мингийлликка тегишли. А.дан 3–2 мингийлликка тегишли заргарлик буюмлари (3-мажмуя) топилган. Уларга аёл ва ҳайвонлар суратлари ишланган. М.а. 10–4 мингийлликка тегишли темир буюмлар (4-мажмуя) ҳам топилган. А.да 1456 й.да курилган масжид биноси бўлган ва у 1948 й.даги зилзилада вайрон бўлган. Масжид гумбазида мозаика санъатига тегишли шакллар ва Марказий Осиёда кам учрайдиган икки аждарнинг сурати ишланган.

- Пугаченкова Г.А. Мечеть Анау. Ашхабад, 1959; Южно-Туркменской археологической комплексной экспедиции, т.7. Ашхабад, 1956.

АНАФОРА (юононча: anaphora – ана.. (яна...) + phoros (элтувчи), *ажратиш* – [поэтика] шеърий асардаги мисралар ёки насрый асардаги жумлаларнинг бир хил сўз б-н бошланиши. Мусикада бир хил кўй ёки унинг бир кисмининг бошлангичдаги такрори. А. асосига курилган бадий санъат (восита), синтактик курилма шеъриятда кўп кулланилади.

Люблю тебя, Петра творенье,

Люблю твой строгий, стройный вид

(А.С.Пушкин. Медный всадник, 1833)

А. фонетик булиши мумкин ва ҳар бир сўз бир хил товуш б-н бошланади.

Сочилган сочингдай сочилса сиринг (Чулпон, 1922)

А. муайян мавзуда бўлса, ҳар бир бўлим ёки эпизод бир хил мотив ёки жумла б-н бошланади. Mac., Ч.Айтматовнинг “Асрга татигулик кун” романида “Поезда в этих краях ездили с Востока на Запад...”

А. шеърнинг дастлабки икки-уч банди бўлиб келиши мумкин. Mac., Бобурдан:

Қайси бир озорин айтай жонима агёрнинг,

Қайси бир оғримтқанин күнглумни дей дилдорнинг.

Қайси бир пайравлигини толеъи гумроҳнинг,

Қайси бир қажравлигини чарх қажрафторнинг.

Қайси ҳасрат бирла армонин вафосиз васлининг

Қайси меҳнат бирла ранжин фурқати хунхорнинг.

Шеър яхлит ҳолда А. асосига курилиши мумкин.

Шагирлайди бетиним дарё,

Шагирлайди ваҳм тўлган жар.

Шагирлайди қоронги дунё,

Шагирлайди водий, далалар.

Шагирлайди... Бермайди уйқу.

(Ҳамид Олимжон, “Холбуки тун”)

Юкоридаги мисоллар фонетик жиҳатдан фарқланади. Насрий асарлар бир неча боб ёки бўлимлари бир эпизод ёки воқеа б-н бошланса, мавзуга кўра А.бўлади. Этифора б-н солиширинг.

- Turk Duyası Edebiyat Kavramları ve Terimleri Ansiklopedik Sözlüğü. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Merkezi Baskanlig'i, 2001. S.160; Елисеев И.А., Полякова Л.Г. Словарь лит-ведических терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.11; Борев Ю. Эстетика. Тсария лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Астрель-Аст, 2003. С.27; Белокурова С.П. Словарь лит-ведических терминов. СПб.: Паритет, 2006. С.18; Анафора. Новая лит-ная энц-я / www. nlit.ru., 2012.

АНАХАД НАДА (санскритча: *енгилмас, ўқ ўтмас*) [диншунослик] – Йога таълимотида юракка яқин Чакра. Тасаввуф таълимотида олий рух овози “савти Сармад”.

АНАХАРСИС – сак (скиф) донишманди. Гнурнинг ўғли, кабила бошлиги дохий Савлийнинг акаси. Солон даврида дўсти Тўксарис б-н Афина ш.га келгани юонон манбаларида қайд килинган. Жан Жак Бартелеми “А.” номли асар сзган.

• Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энг-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.48; История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.495.

АНАХИТ, АНАИТ (қад. арман т.да: аёл, она) [мифология] – арман мифларида она маъбуда, севги ва ҳосилдорлик маъбудаси. “Авесто”даги Ардвисура, Анахита маъбудаларининг арман мифологиясидаги мукобили. Арманларда бу маъбуда ўзининг бирламчи хусусиятини узгартириб, арман миллиатининг ҳомийсига айланган. А. культи Арманистонда насронийлик динининг қабул қилинишигача мавжуд бўлган. А. шарафига маҳсус ибодатхоналар курилган, унинг ҳайкалчаси санам вазифасини ўтаган.

• Миғи народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.65.

АНАХИТА (авесто) [мифология] – зардуштийлик таълимотида ободонлик ва фаровонлик маъбудаси. Туркӣ ва исломий мифологияда Ноҳид. Зардуштийлар курғоқчилик пайтларида А.га тавоф килишган, ҳосилдорликни А.нинг саховати деб тушунишган. А. тасвири расм ва ҳайкалларда бир қулида олма (айримларида анор) ушлаб турган аёл киёфасида чизилган. А.нинг тасвири туширилган сопол парчалари бизгача сакланган. Амир Темур байроби ва муҳрида акс эттирилган уч ҳалқа А.нинг рамзи хисобланади.

• Қодиров Б., Матяқубов Х. Ўз-н тарихидан изоҳли лугат. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2010. Б.13.

АНАХРОНИЗМ (юононча: ana – тескари, chronos – вақт) [эстетика, адабий жараён] – хронологияга мос келмаслик; ўз умрини яшаган, эскирган, долзарблиқ касб этмайдиган санъат асари; ўтмишини бад. акс эттириш жараённида вақт билан боғлиқ ноаниқликлар, хатолар. Дастрлаб йил хисобидан адашиб, нотугри хисоб килиш тушунилган. А. ўрта асрлар, Уйгониш ва классицизм даврига тегишли булиб, бирор йил ёки давр воксаларини бошкаси б-н алмаштирилиши назарда тутилган. А. тор маънода, ўтмишда яшаган, ибратли ва эътиборли тасвир усусларини замонавий асарга кўллаш усули, деб ҳам тушунилади. Европа ўрта асрлар ва Уйгониш даври санъатидаги сюжет ва қаҳрамонларнинг замонавий асарда учраши ҳам А.дир. Айрим модернистик карашлар буйича санъатдаги академизм ва канон А. деб хисобланган. Айрим эсселарда бу истилоҳ ўрнига “кечаги санъат” тушунчаси ҳам мавжуд.

Шекспир “Юлий Цезар” асарида XIV асрда курилган минора соатини т.га олади, Ю.Цезарь даври эса қадими. XX аср бошида Б.Брехтнинг “Жаноб Юлий Цезарнинг ишлари” драмасида ҳам шу усул истифода этилган. Аср урталарида авангард йўналиш вакиллари асарлардаги барча мумтоз ифода

усуллар ва қарамонларни ҳам А. деб аташган. Хронологик жиҳатдан хато, бошқа бир давр маҳсулі бўлган ҳодисаларга ёки бирор давр тасвирида унга хос бўлмаган хусусиятларни атайлаб тикиштириш ҳам А. саналган. XX аср 70-йларига келиб, Италия ва Францияда постмодернизм санъатидаги анахронистик оқим вужудга келган. А.Абате, Р.Барни, О.Галлиани, Ж.Гаруй каби А. намояндадари асарларидаги ўтмиши янгича фонда тасвирлаш, уни бутунги воситалар орқали жонлантириш каби хусусиятлар кўринади.

- *Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik Sözlüğü. Cilt 1.* Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.161; Елисеев И.А., Полякова Л.Г. Словарь лингвистических терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.12; Власов В., Лукина Н. Авангардизм, модернизм, постмодернизм / Малый лексикон искусства. СПб.: АЗБУКА Классика, 2005. С.32; Борев Ю. Эстетика. Теория лингвистики. М.: Астрель-Аст, 2003. С.24; Иглтон Т. Теория лингвистики. Введение. М.: Территория будущего, 2010. С.135; Анахронизм. Новая лингвистическая энциклопедия / www.nlit.ru., 2012.

АНБАР ОТИН Фармонкул кизи (1870–1906) – ӯзбек шоираси. Жаҳонотин Увайсий жиянининг кизи. *Дилшод отин* мактабидаги таҳсил олган. Ӯзбек ва форс т.ларида асарлар ёзган. Ижодда Навоий ва Увайсийга эргашган. Лирик асарлари асосида “Девон” тузган. Унда 41 газал, 4 муҳаммас, 1 китъа, 1 маснавий, бир мустазод ӯрин олган. Бундан ташкари, яна бир қўлэзма девони топилган, “Қаролар фалсафаси” рисоласи, 80 та фард (якка байт) ҳам ёзган. Девони ӮзРФАШИда (1647 раками остида) сакланади. 70-йларнинг бошида шоиранинг 40 га якин шеърдан иборат яна бир қўлэзма девони, «Қаролар фалсафаси» рисоласи, 160 мисралик якка байтлари топилган. Асарларида замона адолатсизлигидан нолиди, маърифатни улуғлайди. «Қаролар фалсафаси» асарида аёлларнинг оғир кисмати ҳакида ҳикоя қиласди. А.О. асарлари қўлэзмаси Ӯзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти фондида сакланади (инв. № 1647).

- *Анбар отин. Шеърлар. Т., 1963; Шеърлар, рисола. Т., 1970.*
- Каюмов Л., Ҳусайнова Ф. Демократ шоира Анбар отин. Т., 1964; Қодирова М. XIX аср ӯзбек шоирлари ижодида инсон ва ҳалт таҳдиди. Т., 1977; Kasimov B. Anbar Atin / Türk Dünyası Edebiyatçıları Ansiklopedisi. Ankara, 2002. S.394.

«АНБИЁ» (арабча: «наби» - пайғамбар сўзининг кўплиги) – Куръони карим сураси. Макқала нозил бўлган, 112 оятдан иборат. Бу сурада пайғамбарлар хусусида сўз юритилгани учун у шундай номланади. “А.”да, жумладан, Иброҳим, Довуд, Сулаймон, Исҳоқ, Якуб, Лут, Нуҳ, Айюб, Исмоил, Идрис, Зул-кифл, Зуннун, Закариё, Муса (а.с.) ва Мухаммад (с.а.в.) ҳакида сўз юритилади. Мазкур сурада ақида масалаларидан Тавхид, пайғамбарлик ва кайта тирилишга алоҳида эътибор каратилган. Сурадаги пайғамбарлар қиссалари кейинроқ мумтоз ва бад. адабиётда қўлланилган булиб, айрим ижодкорлар Куръоний қиссалар асосида илмий ва бад. Асарлар яратганлар. Мас., Рабғузийнинг “Қисас Рабғузий”, Алишер Навоийнинг “Тарихи анбис ва хукамо” асарлари шулар жумласидандир.

- Шайх Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. Учинчи жуз. Т.: Шарқ НМАК, 2008. Б.619-620.

АНВАР ОБИДЖОН (1947/8. Й.т.) – ўзбек болалар адиби. Фарғона вилояти Олтиарик туманида туғилган. Ўз-н халқ шоири (1998). ТошДУ (ҳозирги УзМУ)нинг журналистика факультетини тамомлаган (1979). Фарғона вилояти радиосида, “Ёш гвардия” нашриётида мух-р, бош мух-р ўринбосари (1981–86), “Ёш куч” журналида мухбир (1987–88), “Муштум”да булим мудири (1988–89), “Чулпон” нашриётида бош мух-р, директор (1989–98), Ўз-н телерадиокомпаниясида мух-р (1998 й.дан) булиб ишлаган.

“Она Ер”, “Баҳромнинг хикоялари”, “Оловжон ва унинг дўстлари”, “Аламазон ва унинг командаси” насрый китоблари, “Уста Гулмат ғазаллари” (1974), “Энг ёруғ кун” (1983), “Олтин юракли Автобола” (1988), “Масҳарабоз бола” (1986), “Жуда кизик воеа” (1987), “Ерликлар” (1990), “Аламозон ва Гулмат ҳангомаси” (1992), “Ажойибхона” (1993) в.б. китоблар муаллифи.

◆ Анвар Обиджон. Мешполвоннинг жанглари. Т., 1994; Алишер ила Ҳусайн ёки уч доно ва ўғри. Т., 1996; Танданган шеърлар. 1-2 ж. Т.: Шарқ НМАК, 2013-14.

АНВАР ПОШО (1881/14.VI–1922/4.VIII) – турк адиби, давлат ва жамоат арбоби. “Ганж турклар” (“Ёш турклар”) харакати ва “Иттиҳод ва тараккӣ” партияси раҳбари. Истанбул Бош штаб академияси (1903)ни битирган. Берлинда ҳарбий атташе (1909–11), I жаҳон урушида бош қўмондон – сultonнинг ноиби сифатида иштирок этган. 1918–20 й.да Истанбул, Берлин ва Москвада бўлган. 1920 й. августдан Бокуда, октябрдан Берлин ва Римда булиб, Ислом ихтиолол жамиятини ташвиқ қилган. 1921 й. октябрда Бухорога келиб, миллий озодлик харакатларида катнашган. Большевиклар томонидан Балжуонда шахид қилинган.

А.П. мактублари туркий ад-т тарихида мухаббат ва садоқат мотивларини акс эттирган кучли романтик асарлар сифатида из колдириган.

А.П. ҳаётига оид фикрлар Фиграт, Чулпон, Аҳмад Закий Валидий, Ш.Холмирзаев асарларида акс этган.

• Козловский А. Красная армия в Средней Азии: военно-исторический очерк. Т., 1928; Bademci A. 1917-1934 Türkistan Millî İstiklal Hareketi ve Enver Paşa. Cild 1. İstanbul, 1975; Yamauchi M. Hoşnut olamamış Adam – Enver Paşa: Türkiyeden Türkistan'a. Ankara, 1995.

АНВАРИЙ (1105–1187) – машхур форс шоири, Фирдавсийнинг замондоши. Тулиқ исми: Авхадиддин Али ибн Мухаммад ибн Исҳок. Обивард қасабасида туғилган, Тус ш.да яшаган ва у срдаги Мадрасаи Мансурияда таҳсил олган. Султон Санжар саройида хизмат килиб, унга қасидалар бағишлаган. 1154 й.дан Балҳда яшаган ва у срда вафот этган.

Дастлаб Ховарий таҳаллусини қўллаган, сўнг устозининг тавсияси б-н Анварий таҳаллусида колган. Давлатшоҳнинг ёзишича, “илми нужумда ўз асрининг саромади эди”. “Қасидалар пири” унвонли шоир 250 та қасида, 337 та ғазал, 472 та рубойй, 557 та китъя ёзган. Шеърий меросининг умумий ҳажми 15 минг байт. Унинг шеърларига Алавий Шодиободий (XVI аср), Абулҳасан Фароҳоний (XVII аср) шарҳлар битган. Қасидаларидан икки байт:

Чу бар кашид шафақ доман аз басити ҳаво,
Шаби сиёҳ фард ҳашт хаймаро доман.
Ҳилоли ийд падид омад аз канори фалак,
Мунир чун руҳи борд, најсм чу қомати ман.

Мазмуни:

Шафак ҳаво кенглигидан этагини тортганда,
Қоп-кора тун саккизта чодир этагини тортди.
Байрам ойи фалак бурчидан күринди,
Мунир совук руҳдек, юлдуз менинг қоматимдек.

- ◆ *Авторий. Девон / Чоп кард. Ва тавзсюти Р.Ходизода. Душанбе, 1972.*
- *Ахмедов Б. Давлатшоҳ Самаркандий. Т.: Фан, 1967. Б.17; Қайомов П. Тазкирату-шашуаро. Т., 2006. Б.27-28; Ашикер Навоий. Назму-л-жавохир / ТАТ. 10-ж. Т.: F.Фуломномидаги нашр., 2011. Б.37, 633.*

АНГАЖИРОВАН (французча: бандлилик) [эстетика, адабий жараён] – бирор санъят ва маданият ходимининг муайян бир динга ёки мазхабга, социал гурухга алоқадорлиги ва асарларида уни ифода ва ҳимоя қилиши. Ж.П.Сартр томонидан адабий муомалага киритилган истилоҳ. Француз терминологиясидаги *интенционализм* тушунчасининг адабиётдаги кўриниши. Шўро даври ад-тшунослигида бу сўз ўрнига *тенденциозлик* фаол кўлланилган.

АНГЕЛ (юнонча: angel – фаришта, семит т.ларида: хабарчи) [мифология] – яхудий, насроний ва мусулмон мифологиясида А. факат Яратувчига ибодат ва хизмат килувчи, туғилмаган ва тутмайдиган зот. У олов, нурдан яратилган. А.нинг жинси бўлмайди, унинг нафс туйгуси хам йўк. Илоҳни ерпиклар билан боғловчи, Яратган амрини бажарувчи. Насронийликда 9 А. (Гавриил, Михаил, Рафаил в.б.) кўп тилга олинади, айрим агиографик манбаларда Исо а.с.нинг 12 апостоли рамзи сифатида келади. Бадий ад-тда Данте (“Илоҳий комедия”), А.Дюэрср (“Апокалипсис”) асарларида А. тимсоли яратилган. Яна к.: фаришта.

- *Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.76-78.*

АНГЕЛОЛОГИЯ (юнонча: angel + logos = фаришта + таълимот) [мифология, диншунослик] – фаришталар ҳакидаги таълимот, тсология (диншунослик)нинг Аллоҳ хабарчилари ҳакидаги кисми.

АНГИРАС (санскритча: ярим маъбуд) [мифология] – осмон ва маъбудларнинг ўғилларига А.лар дейилган. Қ. хинд мифологиясида маъбудлар ва инсонларни боғлаб турувчи, улар ўртасидаги наслни сақлаб колган зотлар. Шоирлар А.ни ўз оталари деб ёзганлар. А. ҳаётий кучга эга бўлиб, дунёни янгиловчилар хисобланади. Индра, Брахаспати ҳакидаги мифларда фаол тимсол сифатида учрайди.

- *Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.78-79.*

АНГОЛА АДАБИЁТИ – Ангола республикаси (Африка) ад-ти. Банту т.лари оиласига мансуб кимбунду, умбунду в.б. т.ларда оғзаки ад-т намуналари мавжуд. Ёзма ад-ти португал т.да ривожланган (1855). Дастрраб насринг кичик жанрлари, шсьрлар яратилган. Педру Машадунинг “Африка сахналари”, А.Асиз Жуниорнинг “Мархуманинг сири” романлари машхур. А.ада мустамлакачиликка қарши кураш (Каштру Сороменю, “Улик ер”; “Бурилиш”, 1957), муҳожирлик (Мунделе Диа Кванза, А.Нето, К.Адради, Л.Виейра) ад-тида миллий озодлик масалалари акс этган.

“Прогрессу” адабий журн., “Коррейно де Семана” газ. миллий т.да чоп этилади.

АНГРАМАНИЙУ (Анхраманю, авесто т.да: ёвуз) [мифология] – “Авесто”да ёвуз кучлар даҳоси, жаҳолат ва ўлим рамзи, инсондаги ёвуз руҳлар тимсоли, Ахурамазданинг зидди. Гоҳ (гат)ларда бу куч учрамайди, “Кичик Авесто”да коронгулик, жаҳолат рамзи.

• Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.79-80.

АНДАДИ [поэтика] – шеър тури. Ҳар банди 4 мисрадан иборат булган, янги банднинг биринчи сўзи аввалги банднинг сўнгги сўзига оҳангдош булиб келган шеър. Тамил шеъриятида VIII–XII асрларда фаол қулланилган.

АНДАЛИБ (арабча:  – булбул) – сайроки қуш, булбул. Тасаввуф адтида Пайгамбар (с.а.в.)нинг сифатларидан, набийлик белгиси. Алишер Навоий “Муҳокамату-л-туғатайн”да шундай кўллайди: Андалиби хушинаоси нубувват баёни била ва рисолат нагма алҳони била суруд кўргузур.

• АНАТИЛ. 1-ж. Т.: Фан, 1983. Б.94.

АНДАЛИБ (XIX) – «Шоҳномайи девона Андалиб» асари муаллифи. Достон (маснавий йулида ёзилган)да Бухоро ва Кўкон хонлиги ўртасидаги урушлар (1842). Кўкон хонлигига Нодира, Муҳаммад Алихон в.б.нинг қатл қилиниши воеалари ёритилган. Асарнинг кўлёзма нусхаси ЎзРФАШИ (сакл. №596 II) сакланади. 18 варак, 1200 мисрадан иборат. Унинг сўнгига “Асл нусхасидан имлоси ўзгартирилмай ёзилди, 1344. Мохи шаъбон мутабики мил. 13 феврал, 1924. Кўкон” ёзуви бор. Бу котиб дастхати.

• Какомов А. Асарлар. 7-жилд. 2-китоб. Т.: МУМТОЗ SO'Z, 2012. Б.78-88.

АНДАЛИБ, Нурмухаммад Сайдмуҳаммад ўғли (1711–1780) – ўзбек ва туркман адаби, мумтоз достончилик тараққиётига салмоқли ҳисса кўшган шоир. Кўхна Урганчнинг Корамази кишлогига туғилган. Хива ва Бухоро мадрасаларида таълим олган. Ўзбек ва туркман т.ларида асарлар битган. Мунис ва Оғаҳийнинг «Фирдавсу-л-иқбол», Баёнийнинг «Шажарайи Хоразмшохий» асарларида А. ҳакида маълумотлар учрайди.

А.нинг туркий девони (1200 мисра)дан газал, рубоийлар б-н бир қаторда мұхаммаслар ҳам ўрин олган. Навоий, Фузулий, Убайдий ғазалларига назира

ва тахмислар боғлаган. «Үғузнома», «Сайид Насимий», «Сайд Ваккос» каби маснавийлари туркй достончиллик тарихида мухим үрин тутади. «Зайну-л-араб», «Юсуф ва Зулайх», «Лайли ва Мажнун» мотивлари асосида мустакил сюжетли достонлар ёзган. Аҳмад Жомийнинг ғазаллари, “Мирза Ҳамдам” (муаллифи аниқланмаган) достонини форс т.дан, Насимиининг айрим ғазалларини араб т.дан тарж. киғлан.

А. асарлари ЎзРФАШИ институти жамғармасида 1392, 1169, 1198, 1387, 7054, 299, 6759, 1103, 6973, 6998, 1155, 1188, 6993, 1918 ракамлари остида сакланади. “Малика Мехринигор” киссасининг қўлсизма нусхаси эса Туркманистон ФА Шарқшунослик инс-тида мавжуд. А.ни “туркман шоири” деган караш мавжуд, унинг асарлари Туркманистонда хам машҳур. А. ижоди Ҳ.Қўрғли, В.Абдуллаев, Б.Ахундов, А.Улугбердиев, Г.Назаров каби олимлар томонидан ўрганилган.

◆ Антология туркменской поэзии. М., 1958; Ўзбек ад-ти. Т., 1959. 4–5-том; Лайли ва Мажнун / Ўзбек ад-ти. 4-том, 2-китоб. Т., 1960; Андалыб. Танл. асарлар. / Б.Ахундов, А.Улугбердиев напр. тайёрл. Ашхабад, 1963; Юсуф ва Зулайх / Г.Назаров напр. тайёрл. Ашхабад, 1973; Достонлар. Асхабад, 1992.

• Кор-огли Х.Г. Узбекская лит-ра. М.: Высшая школа, 1978; Туркменская лит-ра. М.: Высшая школа, 1980; Ўзбек ад-ти тарихи. Т.: Фан, 1978. Б.333-367; Мухамедова З.Б. Описание туркменских рукописей, хранящихся в Ленинградских собраниях. Труды ИЛ АН Туркмении. Ашхабад, 1960.

АНДАЛУСИЯ, *Андалузия* – VIII–XV асрларда Испания ва Португалияни ўз таркибига олган ислом мамлакати. Ҳозир Испаниянинг жанубидаги вилоят (маркази Севилья ш.). А.вилояти Ғарнада, Алморавия, Кадис, Кордова, Малага, Севилья, Уэльва, Хаэнга провинцияларини ўз ичига олади.

А.да қадимда иберлар яшаган, финикияллар, карфагентиклар хам А.да манзил топган. I–VII асрлар мобайнида Рим давлатига бўйсунган. VIII асрдан араб халифалиги бунёд этилган, унда 4 та амирлик: Ҳаэн, Куртуба, Севилья ва Ғарнада мавжуд бўлган. А.ни дастлаб маҳаллий берберларни истило килиш натижасида хокимиятга эришган умавийлар сулоласи бошқарган. Абдураҳмон I ал-Доҳил (756), ал-Хишом (788)дан то Ҳишом III ал-Мұтадиг қадар (1031) умавийлар, сўнгра 1057 й.дан ҳаммузийлар ва ал-Мурабитунлар сулоласи (1056–1147) бошқарган: Сўнгти сулола вакиллари: Яхс ибн Иброҳим, Яхъе ибн Умар, Абу Бакр ал-Ламтуний, Юсуф ибн Ташуфий. Али Ташуфий, Иброҳим ва Исҳок; XII асрнинг ўргаларида Шим. Африкада хокимиятта келган ал-Муваххидунлар сулоласи А.ни хам бошқарган. Сулолага Мухаммад ибн Тумарт (в.1130) асос солган. Сўнгра уларнинг вакиллари: Абдулмӯмин, Абу Яъкуб Юсуф I, Абу Юсуф Яъқую ал-Мансур, Мухаммад ан-Носир, Аюб Яъкуб Юсуф II ал-Мустансир, Абдулвоҳид I ал-Махлу, Абу Мухаммад Абдуллоҳ ал-Одил, Яъё ал-Мұтасим. Абу Мухаммад Абдулвоҳид II ар-Рашид, Абулҳасан Али ас-Саид ал-Мұтадид. Абу Ҳафс Умар ал-Муртазо ва Абул Увло ал-Васиқ кабилар бошқарган. XIV асрдан А.ни насронийлар эгаллай бошлаган ва 1492 й.дан Кастилия ва Арагон кироллигига кўшиб олинган. А. майдони 87570 км, аҳолиси 3,5 млн. (1877) бўлган.

Адаги мусулмон салтанати хакида И.Гаспирали “Дору-р-Роҳат мусулмонлари” (1887) номли туркий т.даги жаҳон романчилиги анъаналарига мос келадиган биринчи роман ёзган (Симферополда “Ғапимат дийёр” номи б-н нашр килинган, 1906). Бу роман ўзбек адаби Фитрат томонидан форс т.га тарж. этилиб, Петроградда 1915 й.да чоп килинган. Роман ўзбек т.да 2005 й.да нашр килинган.

• *Босворт К.Э. Мусульманские династии. М.: Наука, 1971. С.37-73; Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энциклопедический словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.50; Гаспирали И. Ҳаёт ва мамот. Т.: Маънавият, 2004.*

АНДАЛУСИЯ АДАБИЁТИ – мил. I-II асрларда Пиреней ярим ороли (х. Испания ва Португалия)даги ҳалқлар Фарбий Рим империяси, V-VII асрларда Галлия (Германия)дан келган вандаллар таъсирида бўлган. VIII аср бошидан умавийлар сулоласи даврида исломни қабул қилган. Айни даврда А. маданияти равнақ топган. Мунзар, Абдуллоҳ ва Абдураҳмон қироллиги даврларида А.а. тараккӣ этди. Кастилия қироли Альфонс зулмидан қочган испан рицари Родриго Диас қаҳрамонликлар кўрсатиб, сайдид унвонига эришган. “Сид ҳакида қўшик” достонида унинг қаҳрамонликлари куйланган. Араб маданияти таъсирида А.а. ривожланган. Мухаммад ибн Хоний Андалусий, Абдуллоҳ ибн Абдураббихи (“Ажиб шодалар”), Мухаммад ибн Ҳазм (“Кабутар маржонлари”), Амир ибн Жоҳиз (“Китобу-л-Буҳало”, “Ҳайвонлар китоби”, “Фасахот”), Абу Бакр ибн Туфайл (“Ҳай ибн Яқзон”), Абулҳасан Али ибн Бассам (“Ахли Андалус фазилатлари ҳазинаси”), Мухаммад ибн Абу Бакр Аббор (“Маърифатнома”), Ибн Арабий (“Фусус ал-хикам”, “Футухоти Маккия”), Ибн Хотиб (“Фарнаталинг умумий тарихи”, “Иўл манзаралари”), Ибн Хаййон Куртубий (“Билим ташнаси”) қабиларнинг наср, фалсафа ва тарихга оид асарлари Европада шуҳрат топган. Ибн Зайдун, Аҳмад ибн Саъд, Ибн Хотиб каби шоирларнинг шеърий тўплам ва достонлари А.а. мухим ўрин тутади. Данте асарларида т.га олинган “янги лаззатбахш услугуб” (“Вомик ва Узро” асосидаги узровий услугуб) Андалусияда равнақ топган.




“Дору-р-роҳат мусулмонлари” (И.Гаспирали) ҳисобланган А. кейинрок яна Европа қиролликлари таъсирига ўтган ва унинг ўрнида Испания ва Португалия қиролликлари ташкил топган.

◆ *Ибн Туфайл. Ҳай ибн Яқзон / Лирики Востока. М., 1976; Средневековая андалусская проза. М.: Худож. лит-ра, 1985; Андалусская поэзия. М.: Худож. лит-ра, 1988; Ибн Араби. Меккенские откровения. М.: ИВЛ, 1989.*

◆ *Леви-Проповецаг Э. Арабская культура в Испании. М.: Наука, 1967; Шиддарф Б.Я. Предисловие к сб. «Средневековая андалусская проза». М.: Худож. лит-ра, 1985.*

АН ДАРХАН ТҮЙҮН (ёкут т.да: илк мухим хожа) [мифология] – ёкут мифологиясида уй эгаси. А.Д.Т. тасвиirlарда кичик мошгуруч соколли чол куринишида. Оила ҳомийси, уни ёвуз кучлардан сакловчи. Мифларда гўштнинг даастлабки парчаси, овқатнинг биринчи қошиғи А.Д.Т.га аталган. Ад-тда фариштали, юзи иссик чол тимсоли.

• *Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.80.*



АТАМАЛАР ВА ИСТИЛОХЛАР

1. Археписьмо – “ақп үйини”.
2. Аркетиплар рамзий шакли.
3. Актёр – изжорчи, никоб унинг роллари рамзи.
4. Асимметрия – бадний композицион усул.
5. Аналой – китоб минбари.
6. Авангардизм усулибидаги В.Кандинский сурати.
7. Абжад хисоби.
8. Авторлар күкүкі халқаро ҳимояда.
9. Андре Карранинг абстракт ийұналицидаги әйкалларидан бири.
10. Антракт ифодаси.
11. Аласаторика – тасодиғиғилик иамы.
- 12, 13. Автограф (Пушкин).
14. Арт брюют усулибидаги рангтасвир.
15. Антропология мактаби рамзи.
16. Авансицена - театр салнасыннинг томоншабинга жақын қисми.



Американскaя энциклопедия

— Американский, генеральный язык и Америка. Американская Америка — «Американ» — универсальная книга-справочник, изданная в США. Американская Америка — это самая крупная универсальная книга-справочник на английском языке.



ЗАВРОРА



ЖУРНАЛ АЛА-ТУУ



dəbişçat
QEZETI

menar oldu la, silmən güləyən vələ,
güləyən vələ, günəşin məşhur şəhəri



SCYRUZ



8



11



14

ДАВРИЙ ВА КАМЕБ НАШРЛАР

1. "Александрия" мажмуаси.
- 2, 3. "Америка энциклопедияси" жиылдары ва афишаси.
4. "Аврора" журнали.
5. "Азербайжан" журнали.
6. "Ала тоо" журнали янги нашри.
7. "Абушқа" лутатининг Армений Вамбери нашри.
8. "Адабиёт газетаси", Боку.
9. "Андижоннома" нинг бош саҳифаси.
10. Асмаулоҳ — гүзәл исмлар ҳақидаги китоб.
11. Афоризмлар китоби.
12. Авантитул — китобининг ички, матниниң биринчи саҳифаси.
13. Абураҳмон Саъдий. "Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари".
14. "Ал-ислоҳ" бошқа даврий нашрлар билан берига.

АН ДАРХАТ ХАТУН, *Андархан хотун* (ёкут т.да: илк оила бекаси) [мифология] – ёкут мифологиясида аёл ер эгаси. А.Д.Х. баҳор, күкарип рамзи, чорва моллари ҳомийси. Баҳорда А.Д.Х. шарафига қурбонлик байрами уюштирилган. Ҳалқ эпосларида у доно маслаҳатчи тимисолида келади. Айрим фольклор асарларида *Ан Алай хотун*, *Ан Алахчин* номлари б-н ҳам күлланилган.

• Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.80.

АНДЕГРАУНД (инглизча: *underground* – яширин, *нолегал*) [эстетика] – тажрибага асосланган ижод усуулларидан булиб, у хослар учун мүлжалланган асарларда үзига хос ифода шакли сифатида юзага чиқади. Бу истилоҳ АҚШ киносанъятида 1940-й.дан күлланилган булиб, тор доирадаги томошибинларга мүлжалланган, катта экранларга чикмайдиган асарларга нисбатан күлланилган. XX аср 50–60 - йй.га келиб, А. барча тажрибавий асарларга нисбатан күлланилган. Шуро даврида ҳам мана шундай яширин тарзда күлма-күл булиб үқиладиган асарлар, яширин тарқатилган киноленталар ва видеокассеталар бўлган. Ф.Достоевскийнинг “Яширин ёзувлар” (“Записки из подполья”) асари рус бадиий ад-тида А.нинг биринчи намунаси сифатида қаралган. XX аср 80-й.лари охири ва 90-йиллар бошига келиб, А. оммавийлапиб кетди ва бозорга чиқиб, маълум мавқе эгаллади. Бундай асарлар ёки нолегал нашр этилади ёки ўз вақтида ёзилиб, тортмага ташлаб кўйилган бўлади. Мас., Вен. Ерофеевнинг “Москва – Петушки» достони. Шуро даврида соц-арт, ундан кейин эса постсоц-арт оқимида бу турдаги асарлар кўплаб ижод қилинган.

• Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Астрель-Аст, 2003. С.28; Власов В., Лукина Н. Авангардизм, модернизм, постмодернизм / Малый лексикон искусства. СПб.: АЗБУКА Классика, 2005. С.33-34; Белокурова С.П. Словарь литературоведческих терминов. СПб.: Паритет, 2006. С. 17.

АНДЕРСЕН, Ханс Кристиан (1805/2.IV–1875/4.VIII)* – Данія адиби, буюк әртакчи. Даніядаги кичик ш.ча Оденсада этикдуз оиласида туғилган. Отадан етим колиб, онасига карашади. Копенгагенда таҳсил олаётганида моддий жиҳатдан ноҳорликда яшаган. Италиян Сибонидан хонандаликни, руҳоний Пенициандан лотин т.ни ўрганган. 1819 й.дан актёр булишга интилиб, пьесалар ёза бошлаган. Бастакор Вейзе, Шекспирнинг даниялик таржимони – адмирал Вульф, бўлгуси ҳомийси, Копенгаген кироллик театри директори Коллин б-н танишган. А. унинг ёрдамида гимназияга ўқишга кирган. Коллин бўлгуси ёзувчининг истеъодини эътироф этиб, хусусий дарс олиши, кейинрок ун-тта кириши учун шароит яратиб берган. Германия, Швеция, Франция, Англия ва Африка бўйлаб сафар килган. А.нинг Шонен, Россини, Вагнер, Лист каби бастакорлар, Дюма, Бальзак, Гюго, Гейне, Диккенс каби буюк ёзувчилар б-н дустлашуви унинг хаётида, ижодий фаолиятида жиддий ўзгариш содир килган.

* М.Махмудов билан ҳамкорликда ёзилган.

1826–27 й.ларда шеърлар түпламлари чоп этилган. “Соядаги манзара” (1831), “Агнета ва Суводам” (1834) киссаларида эртакнамо саргуаштларни ҳикоя қилган. “Импровизатор” (1835), “Факат скрипачи” (1837), “Икки баронесса” (1849) романларида бүлгуси эртакчи саргуаштлар ишшибози, хаёлпараст шоир образини яратди. 1835 й.дан эртаклар китоблари чоп этила бошлайди. 1835–1872 йилларда 156 та эртак ёзган. Аксарият эртакларида камбагал, етим, қаровсиз қолиб кийналётган софидл болаларни Худо ва фаришталар химоя қилишини курсатади. А. Уйғониш даври адиларининг баъзи асарларини эртакка айлантиради. “Чакмоктош”, “Киролнинг янги либоси”, “Булбул” (1843), “Иркит ўрдакча” (1843), “Оккуш – ғозлар”, “Кор маликаси”, “Қалайи солдатча” (1838), “Дюмчахон”, “Олс-лукое”, “Нухат устидаги малика”, “Олтин бола”, “Кор одам”, “Сув париси”, “Киролича” (1844), “Она” (1848) эртаклари жаҳон ад-ти дурданалари каторидан жой олган. Саёҳатлари натижасида “Шоир бозори” (1842) йўл очерклари, “Хаётим эртаги” (1846, 1889) автобиографик романини ёзган.

♦ Андерсен Г.К. Сказки и истории. В. 2-х томах. М. 1985; Андерсен Х. Эртаклар. Уздаврнашр. 1949; Эртаклар. Т., 1976; Эртаклар. Т., 1983; Сб. Литературные сказки народов мира. М., 1985.

• Погодин А.С. Классик датской лит-ры Х.К.Анденсен. М., 1955; Важдаев В. Х.К.Андерсен. Очерк жизни и творчества. М., 1957; Муравьевева И. Андерсен. ЖЭЛ. - М., 1959; Брандис Е. От Эзопа до Жашин Родари. М.: Просвещение, 1965; Махмудов М. Олис, сехрли диёр // Ахли дил. Т., 1998.

АНДЕРСОН, Максуэлл (1888–1959) – АКШ драматурги. Шим. Дакота унитини тугатиб (1911), Стэнфорд ун-ти ва Уиттер коллежида ўқитувчилик, 1918 й.дан Нью-Йорк газ.ларида журналистлик қилган. “Туш курувчилар” шеърий түплами эълон килинган. Л.Столлингсон б-н ҳаммуаллиқда ёзган “Шуҳратнинг баҳоси” асари шуҳрат келтирган. 1930 й.да ёзилган “Киролича Елизавета” шеърий фожиаси ҳам эътибор топган. Шундан сунг тарихий драмалар ёзишига киришган. “Шотландиялик Мария” (1933), “Таос туни” (1932), “Кироллар никоби” (1936) в.б. асарлари күп й.лар давомида саҳнадан тушмади. “Кип забтига олганда” (1935) асари Сакко ва Ванцетти сюжети асосида ёзилган бўлиб, унда фалсафий миф замонавий воқсликка сингдирилган. А. ушбу асари орқали дунё моделини яратмоқчи бўлган. 1989 й.да пьесалар түплами рус тилига тарж. килинган.

• Долинин А. Андерсон, Максуэлл / Писатели США. М.: Радуга, 1990. С.14.

АНДЕРСОН, Шервуд (1876–1941) – амрикалик ёзувчи ва публицист. 1898 йи:да кўнгилли булиб, испан-америка урушида қатнашган. Чикагода реклама агенти булиб ишлаган. 1922 й.да У.Фолькнер б-н танишиб, унинг ёрдамида “Жангчи мукофоти” романини нашр килдирган. “Уайнсбург, Огайо” (1919) новеллалар түплами А.га шуҳрат келтирган. “Отлар ва одамлар” (1923), “Урмонда ўлим” (1933) түпламлари эълон килинган. Бу новеллаларда инсон руҳий холатининг турли кирраларини тасвирилаш орқали Америка ад-тида

психологик новелла жанри мавқеини күттарди. ИндустрIALIZАЦИЯ даври муаммоларига бағышланган “Оқ камбағал” (1920), “Ниятнинг бошка тарафида” (1932), никоҳ масалалари ҳакида “Кўп никоҳлилик” (1923), “Яширин кулги” (1925) романларини ёзди. Хемингвэй, Фолькнер, Маккалоу, О’Коннор каби адилар ижодига А. асарлари ўз таъсирини утказган.

Автобиографик характердаги “Хикоячининг тарихи” (1924), “Мемуарлар” (1942, ўлимидан сўнг) асарларида ёзувчи шахси очиб берилган. А. “Хикоячининг тарихи” асарида А. ўзининг адабий қарашларини ифода килган. Шунинг учун асарга кўшимча сарлавҳа қўйган: “Америка адилининг ўз фантазия дунёсидаги ва фактлар оламидаги саёҳатлари, турли эпизодларда тасвиirlанган ҳолатлари ва бошка адилар ҳакидаги кузатишлари”. А. бу асарда Э.Синклер, Т.Драйзер, Ж.Лондон в.б. адилар ижоди ҳакидаги кузатишларини баён қилган. “Реализм ҳакида” (1924) мақолосида “Қўлига қалам олган адаб ўзига муайян мажбурият олади. У китобхонларни ўз фантазияси дунёсидан олиб ўтмоқчи бўлади. Агар у роман ёзмоқчи бўлса, унинг дунёси одамлар ва воқеаларга тўлиқ бўлади. Агар у ўз меҳнатига хурмат б-н караса, худди реал дунёдаги реал одамлар ҳакида ёлғон ёзиб бўлмаганидай, ўз қаҳрамонларига фирибгарлик килмайди, улар ҳакида ёлғон тукимайди. Фирибгарлик камёб ҳодиса эмас, лекин мен бундай адиларнинг ўз виждан олдила кийналганини кўрмадим” деб ёзган.

- Толмачев В. Андерсон, Шервуд / Писатели США. М.: Радуга, 1990. С.16; Писатели США о лит-ре, т.1. М.: Прогресс, 1982. С.254-256, 291.

АНДЕРШ, Альфред (1914–1980) – олмон адаби (1958 й.дан Швейцарияда яшайди). Антифашистик кайфиятдаги “47-гурух” ҳаракати аъзоси. 1946-47 й.ларда АҚШда асирикда яшаган. Қатор социал романлар муаллифи. Германияда фалсафий романчиллик мактабининг етук вакилларидан. “Занзибар, ёки Сўнгти сабаб” (1957), “Эфраим” (1967), “Винтерспельт” (1974) романлари ва “Қотилнинг отаси” киссаси муаллифи.

- Андерш А. Романы / Мастера современной прозы. М.: Радуга, 1987.
- Млечина И. Прошлое не умирает / Андерш А. Винтерспельт. М.: Радуга, 1987. С.5-24.

АНДИГОНИЙ, Бадриддин (XV) – Ҳирот адабий мухитидаги ижодкор. “Бобурнома”да Султон Ҳусайн Бойкаронинг умароси (амирларидан бири) сифатида т.га олинган: «Яна Бадриддин эди, бурун Султон Абу Саъид мирзонинг садри Мирак Абдураҳим кошида эди. Ҳейли чуст ва часпон экандур. Дсрларким, стти оттин сакрагандур. Бу ва Бобо Али мусоҳиблар эдилар».

- Бобур, Заҳриддин Мұхаммад. Бобурнома. Т.: 2002. Б.135;

АНДИГОНИЙ, Бадриддин (XVII) – мутасаввиф шоир ва дарвиш. Исҳок Богоистонийининг “Тазкираи қаландарон” (“Қаландарлар тазкираси”) асарида Шоҳ Машраб даврасидаги кирк қаландардан бири сифатида т.га олинган.

- Богоистоний И. Тазкираи қаландарон / Ислом тасаввуфи манбалари. Т.: Үқитувчи, 2005. Б.310.

АНДИГОНИЙ, Зийнат (XIX) – Кўкон адабий мухитида иштирок этган шоирлардан. Бу ҳақда Фазлий раҳбарлигига тузилган тазкирада аниқ маълумот бор.

- Мажмуату-ишишари Умархон. УРФАШИ, № 6745, 9139, 9914; Шониёзов М. Зийнат Андигоний ва унинг қасидаси // Мозийдан садо. 2009. Б.16-17.

АНДИГОНИЙ, Юсуф (XVI) – ўзбек шоири ва адиби. Мутрибийнинг маълумотига кўра, “хўп хушгўй шоир. Юсуф исмли ва ўз шеърларида шу номни тахаллус сифатида кўлладиган Хожа Юсуф Хитой, Юсуф Аъраж, Юсуф Каробогий ва Юсуф Самарқандий каби шоирлар ичидаги мазкур мавлоно Юсуф Андигонийнинг шеъри аълороқдир”. Шеърда ўзига хос бир услуби бўлиб, шу туфайли бошқа тахаллусдошлари орасидан уни тез ажратиб олиш мумкин. А. ижодидан рубойи:

*Юсуф, зи харобот чи медори нанг,
Ва зи таънаи душманон чи боши дигитанг.
Зинҳор ки из даст мадеҳ машрабро,
Мебоиш ба ҳафтоду ду миллат ҳамранг.*

Мазмуни:

*Юсуф, хароботдан нега уяласан,
Душманлар таънасидан нега сикиласан.
Машрабликни ҳеч берма қўлдан,*

Етмиш икки миллат билан бир хил булма (яъни 72 мазхабга бўлингандар билан бир ҳол булма).

АНДИЖОН – Фарғона водийсидаги ш., вилоят маркази. Хитой манбаларида 3 минг й.дан аввал мавжудлиги тилга олинади. IX–XV асрларда иктиносидаги маданий жихатдан ривож топган. Буюк Ипак йулидаги Фарғона водийсини Хитой б-н боғлайдиган мухим бекат. Темурийлар салтанатида Фарғона давлати маркази. “Бобурнома” асарида А.ш.га таъриф берилган: “Уч дарвозаси бор. Арки жануб тарафида вокиъ булур. Тўккуз тарнов сув кирав. Бу ажабтурким, бир ердин ҳам чикмас. Қалъанинг гирдогирди ҳандакнинг тош ёни сангрезалик шоҳроҳ тушубтур... Эли туркдур. Ш. ва бозорисида туркий билмас киши йўқтур. Элининг лафзи калам била росттур. Ани учунким, Мир Алишер Навоийнинг мусаннафоти бовужудким Хирида нашъу намо топибтур, бу тил биладур. Элининг орасида ҳусн хили бордур. Юсуф Ҳожаким, мусикийда машҳурлур Андигонийдур”. 1876 й. 9 январда Кўкон ҳонлиги б-н биргаликда тугатилиб, Россия бошқарувига ўтган. А.да мустамлакачилик режимида қарши бир неча қўзғолон содир бўлган. Энг йириги 1898 й. май ойида Мухаммад Али эшон раҳбарлигига уюштирилган А. қўзғолонидир. 1902 й.даги кучли зилзилада қўшлаб кад. обидалар кулаб тушган. Ҳар икки тарихий вокса ад-тда ўз аксини топган: Мукимий, Завкий в.б.нинг асарлари чоп этилган.

XX аср бошида А.да Мухий, Вола, Ҳайратий сингари шоирлар яшаган. А.да улуг шоир Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон (1897–1938) туғилиб

үсгап. *Андижон адабий муҳитидан Ҳабибий. Сайфий, Собир Абдулла, Анисий, Восит Сайдулла, Улфат, Бокир сингари мумтоз услубда асарлар яратган иоддикорлар етишиб чиқкан.* XX асрда А. театрида Тухтасин Жалилов, Аббос Бакиров, Ҳалима Носирова каби устоз санъаткорлар фаолият кўрсатган. XX асрда Комил Яшин, Султон Жўра, Восит Сайдулла, Эътибор Охунова, Рустам Раҳмон, Махкам Махмуд, Турсуной Содикова, Ислом Тулак, Муҳаммад Юсуф каби адид ва шоирларни етиштирган. Бугунги кунда А.да Тўлан Низом, Олимжон Холдор, Қамчибек Кенжа, Фарид Усмон, Наби Жалолиддин в.б. ижодкорлар яшайди.

• *Берништам А.Н. Древняя Фергана. Т.: Фан, 1951; Города Ферганской долины. Т. 1963; Города Узбекистана. Т.. 1965; Алимов И. Архитектурные памятники Ферганской долины. Т.: Узбекистан, 1982; Давидович Е.А. История денежного обращения средневековой Средней Азии (медные монеты XV - первой четверти XVI в. В Мавераннахре). М.: Наука, 1983; Шокаримов С. Андижон. Т., 2000; Матбааев Б.Х., Машрабов З.З. Древний и средневековый Андижан. Т.: Шарк НМАК, 2011; Матбааев Б.Х., Машрабов З.З. Андижон тарихи. Кад. даврлардан XX аср боилиригача. Т.: SHARQ НМАК, 2014.*

АНДИЖОН АДАБИЙ МУХИТИ – Захириддин Муҳаммад Бобур ва Нодирабегим каби мумтоз сиймоларни, Абдулҳамид Чўлпону Муҳаммад Юсуф каби XX аср миллий ад-тининг забардаст вакилларини етиштирган заминда қадимдан бадиий ад-т шаклланган. У хоҳ адабий муҳит, хоҳ миллий ад-тинг худудий шакли бўлсин, айрим узилиш ва танаффуслардан катъи назар тараккистда бўлган. А.ад.м.нинг илк манбалари тарихга “Фарғона тазкираси” (хитойча: “Даван-Дайюан дежиан”) номи б-н кирган (хитой манбашунослигига “Шижи” – тарихий хотиралар) 120 бобдан иборат манбада “битикчи”, “битикчи жаноблари”, “манбанинг ушбу кисмини ёзуувчи” каби номларда берилган номаълум муаллифлар асарларида акс этган. “Фарғона тазкираси”ни хитойлик солномачилар эмас, маҳаллий олим ёки адиллар ёзган. Кошгариининг “Девону лугатит турк” таркибида Кошгар ва Болософундан у қадар узок бўлмаган Андижонга оид оғзаки ва ёзма манбаларни муаллиф “уз асаримни қўшиқ, ражаз, наср ва бошка асарлар б-н безадим” дей т.га олади.

Абу Мансур ас-Саолибийнинг “Иатимат ад-даҳр”, Муҳаммад Авфийнинг “Лубобу-л-албоб”, Ҳазрат Навоийнинг “Мажолис...” каби тазкираларида Андижоний ёки Андугоний тахаллуси б-н асарлар битган кўплаб адилларни учратамиз. Алишер Навоий ўз тазкирасида маълумот берган мусикашунос ва бастакор Ҳожа Юсуф Андижоний, хаттот ва арузшунос Амир Дарвишбек, касиданавис ва муаммо фанининг устози Юсуф Бадеий, шоир ва арузшунос Сафоий Андижоний, шоир Мир Сарбараҳна кабилар номлари ”Бобурнома”да ҳам тасдиқтанади. Қамолиддин Гозургоҳийнинг “Мажолису-л-ушишок” асарида Мулла Муҳаммад (Бадаҳший), Ахлий Андижоний хусусида сўз юритилган. А.Қаюмов “Бобур давридаги Андижон маданий муҳити” китобида Амир Дарвишбек, хаттот ва адид Ҳожа Мулла Садр, ҳарбий арбоб ва муҳрдор Амир Ҳасан Яқуббекнинг шоирлиги ҳакида хабар беради.

XVI асрдан кейинги давр шоирлари хусусида Ҳасанхожа Нисорийнинг “Музаккири аҳбоб” тазкираси Мавлоно Кудсий, Мавлоно Сангий, Фозил Андижоний, Насибий Андижоний, Муҳамал Шариф Садр ва Андижонда яшаган Амир Бокий Косоний ҳакида сўз юритади. Малеҳо Самарқандий “Музаккир ал-асҳоб”ида ҳам ўндан ортиқ Андижонийлар қаторида “Андижондан келган Бобораҳим Машраб”дан сўз очади. Мутрибий Самарқандийнинг икки тазкирасида 20 га якин Андижонийлар тилга олинган. Улар орасида “Тазкирату-ш-шуаро”да Аминий, Аҳмад, Доий Андижоний, Ҳофиз, Юсуфий, Мсхнатий, Убурий, Лойимий Андижоний ва яна исми берилмаган Андижонийларни тилга олади. Иккинчи тазкираси “Нусхай зебои Жаҳонгир” (“Жаҳонгир даври гӯзал адиллари”)да эса бобурийлар томонидан тузилган асарлардан бири “Тазкираи Жаҳонгир”нинг матнини бизга тавсия килади. Бу тазкирада Ҳижрий Андижоний, Фозил Андижоний, Насибий Андижонийлар ҳакида нисбатан батафсил маълумотлар бор. Муҳаммад Ориф Бақоий Андижоний “Мажмау-л-ғузало” (“Фозиллар тўплами”) тазкирасини Андижонда ёза бошлаган (1582) ва Ҳиндистонда тутатган (1595-1597). Абдулҳай Ҳабибийнинг “Нусхаҳои хаттий”, А.Накавийнинг “Тазкиранависи дар Ҳинду Покистон”, Гулчин Маонийнинг “Тарихи тазкиираҳои форсий”, Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдулланома” асарларида тавсифланган мазкур тазкирада ўртаосиёлик 350 нафар шоир тилга олиниди. Алишер Навоидан кийин унинг анъаналари асосида Онадўлида 32 туркий тазкира битилган. Улардан бири Содик Китобдор Афшарнинг “Мажмау-л-ҳавас” тазкираси (Боку, 2010)да яна бир неча Андижонийлар кўрсатилган.

Мирзо Олим ибн Мирзо Рахим Тошкандийнинг “Ансобу-с-салотин” асарига сўз боши сўзган Ш.Воҳидов ҳонлик тарихига оид 24 асар номини келтирган. Бу тарихий манбалар асосида А.Қаюмов “Қўқон адабий муҳити”, П.Қайюмий эса “Қўқон ад-ти ва тарихи” китобларида бир қатор А.лар ҳакида маълумот берган. Нодирадай мумтоз шоирани яраттан адабий замин унинг бир қатор замондошларига ҳам адабий маскан бўлгани шубҳасиз. П.Қайюмий кейинги икки тазкирасида Шоҳ Тоҳирий Андижоний, Али Навидий, Фурқатий Андижоний, Калоний, Сипохий каби шоирлар ҳакида маълумот берган.

Фитрат домла “Ўзбек классик мусикаси ва унинг тарихи”да Дарвиш Али Чантгийнинг “Мусикий рисоласи”да тилга олинган Максуд Андижонийни эсга олади. Абдулазиз Мажзуб Намангоний “Тазкираи Мажзуб Намангоний” б-н Рушдийнинг Кошғарла Ҳужам Пошо ҳонақоҳида тузилган “Тазкирату-л-авлис”сида суфий шоирлар ижоди ҳакидаги маълумотлар б-н бирга машхур Мадали эшоннинг “Ибрату-л-ғофилин” асари (“Пандлар” номи б-н М.Ҳасаний нашр килдирган) ва “Манокиби Мадали эшон” (“Манокиби Дукчи эшон” номи б-н Б.Бобоҷонов Олмаотада нашр килдирган) асарларининг ўзи тасаввуф ад-ти XX аср бошига қадар яшаганини кўрсатади. Хорижда XX аср урталарида тузилган Қамолиддин ибн Абдулҳолик

Андижонийнинг “Ал-ушшоку-л-камол” тазкирасида нафақат мамлакатда яшаган, балки хорижда яшашга мажбур булған үндан ортиқ Андижонийлар хусусида сұз боради.

А.ад.м. XX аср бошида машхур бұлғанини биргина Мұқимий, Завкий, Мұхйининг Андижонга келиши ва сұнгти шоирнинг шу ерда яшаб колганининг үзиәк тасдиқлайды. XX асрда Андижонда яшаб, ижод килған шоирлар Волаи Расво тахаллуси б-н девон тузган Сулаймонкул Юнус Үғли (Чұлпопнинг отаси) атрофига бирлашгани, Күкөнкишлөңдә (хоз. Пахтаобод тұмани) Ҳабибий ва унинг адабий даврасидаги шоирлар Анисий, Махжурий, Бокир, Сайфий, Улфат, Восит Саъдулла, Кори Йұлдош каби үнлаб шоирлар хакида сұз юрититилганда бу адабий давранинг ижоди накадар сермаңул булғанини күзатыш мүмкін.

А.ад.м. истиқол даврида янада ривож топди. Ҳозир Андижонда Үз-н Әзувчилар уюшмасининг үндан ортиқ аязоси бор.

- Азимжанова С. К истории Ферганы второй половины XV века. Т., 1957; Нисорий X. Музаккири ахбоб (И.Бекжон таржимаси). Т., 1993; Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланома. 2-т. Т.: Шарқ НМК, 2000; Қаюмов А. Бобур давридаги Андижон маданий мұхити / Асарлар. 5-жилд. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2009; Ҳұжаев А. Фарғона тарихига оид мағымотлар. “Фарғона” нашриети, 2013. Мутрибий Самарқандий. Тазқирату-ш-шуаро. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2013.

АНДИЖОН ЗИЛЗИЛАСИ (1902.16/ХII) – Үрда Осиә тарихидаги эң кучли зилзилалардан бири. Андижон ш. ва атрофидаги қишлоқлар катта талафот күрган. А.з.да 4652 киши нобуд булған. Бир ой давомида ср силкениши давом этиб турған. Зилзила маркази Қораेңдер булған.

Бад. ад-тда А.з.га багишиланған үнлаб асарлар яратылған. Жумладан, Мұқимий, Завкий, Мұхий, Ҳазиний, Корий в.б.нинг шеърларида А.з. воқеаси акс этган.

«АНДИЖОН ТАРИХИ (Қадимги даврлардан XX аср бошларигача)» (2014) – Ю.Х.Матбобоев, З.М.Машрабов асари. Археологик ва ёзма манбалар таҳлиллари натижасида мамлакатдаги күхна ш.лардан бирининг тарихи, тараккиёт боскичлари белгиланыб, умумий тарзда “А.т.” баён килинған. Илк манбалар м.а. VI-III асрларға оид булиб, ш.нинг юзага келиши, топографияси, сув таъминоти ва кад. маданий ашёлар үрганилған. Китобга тарихға оид юзға яқин сурат, чизма, археолик қазищма намуналари илова килинған.

- ♦ Матбабаев Б.Х., Машрабов З.З. Андижон тарихи. Кад. даврлардан XX аср бошларигача. Т.: SHARQ НМАК, 2014.

АНДИЖОН ҚҰЗГОЛОНИ (1898/17.V) – мустамлакачилик зулмінде карши каратылған узбек миллий озодлик харакати. Дүкчи эшон воқеаси номи б-н машхур. А.қ.га минтепәлик суфий Мұхаммадали халифа Собир үғли рахбарлық килған. А.қ. Россия мустамлакачилик зулмінде карши каратылған дағталабки уюшған куролли харакат бұлғаны учун Чор Россияси унинг катнашчиларини аёвсиз жазолаган. А.қ. раҳбарларидан 5 киппі 1898 й. 12

июнда 8 минг киши куз ўнгидаги ўлдирилган, яна 18 нафари осишга, 344 нафари 4 й.дан 20 й.гача, 3 нафари умрбод камок, 8 нафари турли муддатга камокка хукм қилинган. Жами 388 киши жазоланган.

А.қ.га ўнлаб шеър, қисса ва ҳикоялар багишлиланган. Ўзбек шоирлари Мукимий, Завқий, Рожий в.б. асарларида бу қўзғолон бемаҳал ва уриниз курбонликларга сабаб бўлгани учун унинг катнашчилари танқид остига олинган.

- *Фозилбек Отабек ўғли*. Дукчи эшон воеаси. Т., 1992; Эгамназаров А. Сиз билган Дукчи эшон. Т., 1994; *Болтабоев Ҳ. Ёлланган ад-т сирлари / Мумтоз сўз қадри*. Т.: Адолат, 2004.

АНДИЖОНИЙ, Доий (XVI) – шоир ва маърифатпарвар. Бухородаги Мирараб мадрасасида таҳсил олган. Камбагаллигидан уйланолмай юрганида дўстлари уни уйлантириб қўйишган. Бундан хижолат бўлиб, Хиндишонга кетиб колган. Гужарот ш.да яшаган ва ўша ерда вафот этган. У ҳақда Мутрибийнинг “Тазкирату-ш-шуаро” сида “Фозил киши эди ва шеър яратиш бобида етук истеъдодини намойиш этарди” деган маълумот б-н қўйидаги машхур байтини келтирган:

*Доий ба хидмат омаду иқбол дар наёфт,
Бусид остану дуо гуфт, боз гашт.*

Мазмуни:

Доий хизматга келди-ю, бахту иқбол топмади,
Даргоҳ бусагасин ўпди-ю, дуо килди-ю кайтди.

- *Мутрибий Самарқандий*. Тазкирату-ш-шуаро / Форсийдан И.Бекжон тарж. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2012.

АНДИЖОНИЙ, Лойимий (XVI) – ўзбек шоири. А. Самаркандга зиёрат қылгани ҳакида Мутрибий тазкирасида мухтасар маълумот берилган: “Мустаҳкам сўзли шоирлардан эди. Мана бу байтини ҳазрат кутб ил-аброр ҳожаи Аҳроннинг – сирлари муқаддас – нурга тўла мозори деворига жалий қалами б-н эсадалик учун шу шариф макомда жойлашган аргувоний дарахтларга нисбат берил ёзган эди.

Байт:

*Дарахти аргувон чун ман ба чаими пур зи хуни худ,
Саре бар хоки ин даргоҳи олийжоҳ биниҳода”.*

Мазмуни:

Аргувон дарахти мен каби конга тўла куз б-н,
Бошини бу олий макомли даргоҳ ҳокига қўйган.

Тазкирада А.нинг зулқофиятайн рубойиси ҳам берилган.

- *Мутрибий Самарқандий*. Тазкирату-ш-шуаро / Форсийдан И.Бекжон тарж. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2012.

АНДИЖОНИЙ, Маҳкам Махмуд – к.: Махмудов, Маҳкам.

АНДИЖОНИЙ, Мир Сарбараҳна (в. 1493) – аллома ва тарихчи. Тулик номи: Сайид Шамсуддин Мухаммад, лақаби Мир Сарбараҳна (Мир – Амирлик мансабига эришганига ишора, Сарбараҳна – лақаби: бошяланг). Андижонда туғилган ва яшаган. Ҳиротга келиб, Ҳазрат Навоийнинг тавсияси б-н садрлик мартабасига эришган. Пайғамбар (с.а.в.) сахобаларидан Амир Ҳамза киссасини туркчага эркин тарж. килган. А. номи Алишер Навоийнинг “Мажолису-н-нафоис”, “Бобурнома”, Ҳондамирнинг “Хулосату-л-ахбор”, Ҳасанхожа Нисорийнинг “Музаккири ахбоб” асарларида т.га олинган. Ҳондамир у ҳақда: “ғеълининг хушлиги, сузларининг мулоимлиги, фаҳмининг тезлиги ҳамда зехнининг ўткирлиги б-н замон фозиллари ва давроннинг зийрак кишилари орасида ажralиб турар эди... Ҳиротга келгандан кейин Мир Алишернинг инояти ва тарбияти туфайли Фарқадондан юкори бўлди. Султон сохибкiron (Ҳусайн Бойқаро) ҳам ул жанобни макбул курди ва олий мансаблардан садрлик лавозимига тайинлади” деб ёзган. “Ҳабибу-с-сийар”да ушбу рубойиси келтирилган (таржима):

Ушибу куннараст ва ойнапастлар,
Бир нигоҳингни адосидирлар.
Сулув аталган бошқа гўзаллар,
Ҳуснинг кўёши гадосидирлар.

- Навоий замондошлари хотирасида. Т.: Фан, 1986; Б.67-68; *Нисорий Ҳасанхожа. Музаккири ахбоб /* Форсийдан Ислом Бекжон тарж. Т.: 1993. Б.123; *Бобур. Бобурнома. Т.: 2002. Б.136; Болтабоев X. «Бобурнома»да андижонийлар /* Мумтоз сўз кадри. Т.: Адолат, 2004. Б.52-58; *Ғиёсiddин Ҳумомиддин ўели Ҳондамир. Ҳабибу-с-сийар* фи ахбори афроди башар. Т.: Ўзбекистон, 2013. Б.1054-56.

АНДИЖОНИЙ, Мулла Ҳолбек ибн Мулла Муса (XIX) – адаб ва тарихчи. “Фаривнома” асарининг муаллифи. “Ансобу-с-салотин” асарида т.га олинган. А.нинг “Фаривнома” асари ЎзРФАШИда 8816 рақами остида сакланади.

- *Воҳидов Ш.* Историческая наука в Кокандском ханстве / Мирза Алим ибн Мирза Рахим Тошканди. Ансаб ас-салатин ва таварих ал-хавакин (Генеалогия султанов и история хаканов) / Пер. примечания и указ. С.Юлдашева. Т., 2007. С.9.

АНДИЖОНИЙ, Мухаммад Шариф Садр (XVII) – ўзбек шоири. Асли андижонлик. Бухорода яшаган шоир, кўп фазилатларни касб этгани учун садрлик мансабига кўтарилиган. Ҳасанхожа Нисорий уни кўрмаган бўлса ҳам, таърифини эншитиб, ўз тазкирасида бир байтини келтирган:

Ба ҳун нишастаам аз ҳанжари жудойи ту,
Зи-по ўфтодаам аз дасти ошноий ту.

Мазмуни:

Ҳажринг ҳанжаридан қон устига ўтиридим,
Ағёр ила ошнолигинг мени оёқдан йикитди.

- *Бобур. Бобурнома. Т., 2001. Б.179; Нисорий* Музаккири ахбоб / Форсчадан И.Бекчон тарж. Т.: А.Кодирий номидаги ҳалқ мероси нашр., 1993. Б.264; *Қаюмов А. Бобур давридаги Андижон мұхити /* Асарлар. 5-жилд. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2009. Б.267-268.

АНДИЖОНИЙ, Насибий (манбаларда Мавлоно Насибий А.) (XVII) – ўзбек шоири. Ҳасанхожа Нисорийнинг “Музаккири аҳбоб” тазкирасида т.га олинган “хушигүй шоир”лардан бири. Катор фазилатлар эгаси бўлган шоирнинг биргина матлаъси келтирилган:

*Ба зулфи печ печаш шона то дандона мебояд,
Зи-гайрат ҳар тараф девонае занжир меҳояд.*

Мазмуни:

*Урам-ўрам сочини бир тўп килиб тараш лозим,
Файратга келиб ҳар тарафдан бир телба занжир ташлагуси.*

- Нисорий X. Музаккири аҳбоб / Форсчадан И.Бекчон тарж. Т.: А.Кодирий номидаги ҳалк мероси напр., 1993. Б.116; Қаюмов А. Бобур давридаги Андижон мухити / Асарлар. 5-жилд. Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2009. Б.267.

АНДИЖОНИЙ, Навидий Али (ваф. 975/1567) – Шоҳ Тохир Андижонийнинг шогирди. Манбаларда Мавлоно Навидий Туний наккод (пулнинг соҳта ёки ҳакиқийлигини текширувчи давлат ходими) деб т.га олинади. Ҳасанхожа Нисорий “Музаккири аҳбоб” тазкирасида шундай ёзади: “Мавлоно Навидий Туний наккодлик амали билан танилган. Олам-атрофни кезиб чикиб, кемаю қайикда кўп юрган, денгизлар оша сайру гаштлар килган. Шъсрлари оби-тобида. Бу дур сочувчи матлаъ унинг гуҳарнисор килувчи хотири денгизидандир. *Матлаъ:*

*Ба ҳўлқи ташнаи мо тиги ёр жо карда,
Худо ажаб дам обе насиби мо карда”.*

Мазмуни: Ташна томоғимизда ёрнинг шамшири жой топмиш,

Худо ажаб бир вактда сувли нарсани бизга насиб айламиш.

Ҳиндистоннинг Дакан вилояти ҳокими Абулфатҳ Низом Ҳусайннинг илтифотига эришган, бирок кейинрок ҳокимдан кўнгли колгани учун тахаллусини Навумидий деб ўзгартирган экан.

- Нисорий X. Музаккири аҳбоб. Т., 1993. Б.120; Қайомий П. Тазкирату-ш-шуаро. 2-жилд. Т., 1999. Б.32; Қаюмов А. Бобур давридаги Андижон мухити / Асарлар. 5-жилд. Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2009. Б.269-70.

АНДИЖОНИЙ, Турахўжа ибн Зиёиддин Ҳожа (XIX) – тарихчи, олим ва адаб. В.В.Бартольд манбалардан А. ҳакидаги шундай таърифни келтиради: “маъруф ба мансаби девони аз тарафи боргоҳи сultonий ва машҳур ба санъати қаламрони ба машшати Яздоний”. “Миръоту-л-футух” (“Фатхлар ойинаси”) асари муал.и. “Таворихи салотин” (“Султонлар тарихлари”) поми б-н машҳур бўлган бу асар Кўкон хонлари тарихи (XVIII асрдан бошлаб муал. ҳастлик даврига кадар)га бағишинланган. А. асарини 1281/1864-65 йилда сзган ва уни Мулла Алимқули (Шоҳ Муродхон даври сардори Мулла Алимқули (1278-1281/1862-1865 й.ларда хукмронлик килган)га бағишилган. В.В.Бартольднинг таснифига кўра, асар Алимқулига бағишинланган муқаддима ва 6 баёндан иборат. 1-баён: Норбутабий ўлими (1213/1798-99)гача кечган Кўкон хонлиги тарихи; 2-баён: Олимхон (1213-1225/1798-1810), Умархон

(1225-1237/1810-22) ва Муҳаммад Алихон (1237-1258/1822-42) тарихлари; 3-баён: Амир Насруллохнинг Кўқонни эгаллаши (1258/ 1842)дан Мусулмонкул қўлига ўтиши (1261/1845)га қадар; 4-баён: Худоёрхон ва кипчоклар; 5-баён: Маллахон даври (1275-1278/1858-1862); 6-баён: Маллахон ўлими (1275/1858)дан Сайид Султоннинг тахтга чиқиши (1280/ 1863)га қадар бўлган даврлари тарихи ёзилган. Хотима қисми хонликдаги шоир ва олимларга бағишиланган. А.А.Семёнов ва Л.А.Зимин ҳам асарнинг бошқа таҳрирдаги қўлёзмаларини тавсиф қилган. Кўлёзма Ю.К.Казбеков (Марғилон, 1902) заҳирасидан олинган. Уни Отабек Қозининг кутубхонасида кўргани (1913)ни З.В.Тұғон ёзади (Восточные рукописи Ферганской области. ЗВО, XXII, 1915, с.310).

- Бартольд В.В. Отчет о командировке в Туркестане. ЗВО, XV (1904). С.273 / Сочинения. Т.VIII. М., 1926; Зимин Л. Зерцало побед ("Фиръоту-л-футух") и его значение для истории Кокандского ханства (Протоколы... Туркестанского кружка любителей археологии). XVIII [вып. 1], Ташкент, 1913. С.31-38; Стори Ч.А. Персидская лит-ра. Био-библиографический обзор. Ч.П. М.: ИВЛ, 1972. С.1191-192.

АНДИЖОНИЙ, Фозил (XVII) – етук шоир, бадиҳагүй. Манбаларда Мавлоно Фозил А. Ҳасанхожа Нисорийнинг “Музаккири аҳбоб” тазкирасида “мўътабар фозил, улуг султонлар томонидан эҳтиром қозонган” шоир сифатида қадрланади. Муаллиф А. б-н кўриша олмаган, у болалигига А. вафот этган. Шундан шоирнинг XV аср охири – XVI аср бошларида яшаганини таҳмин қилиш мумкин. Унинг суҳбатидан баҳраманд бўлишни, сўзамоллигини ўз кўзлари б-н кўришни истаганлар талайгина экан. Тазкирада биргина матлаъси келтирилган:

Ҳаст дил Каъбаи мақсад машав гоғил аз ў,
Гирди дил гардки, мақсад шавад ҳосил аз ў.

Мазмуни:

Дил мақсад Каъбасидир, ғоғил бўлмагил ундан,
Дилинг атрофида айланавер, мақсад ҳосил бўлар ундан.

- Нисорий X. Музаккири аҳбоб / Форсчадан И.Бекчон тарж. Т.: А.Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашр., 1993. Б.105; Қаюмов А. Бобур давридаги Андижон мухити / Асарлар. 5-жилд. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2009. Б.266.

АНДИЖОНИЙ, Фуркатий (в. 1026/1617) – ўзбек шоири, Косонда яшаган, форс т.да шеърлар биттган. Тазкирада бир байти келтирилган:

Сиёбахтий аз ин пештар намебошед,
Ки мажслиси дигарон равшан аз ҷароги ман аст.

- Қайюмий П. Тазкирату-ш-шуаро. 2-жилд. Т., 2006. Б.32; Қаюмов А. Бобур давридаги Андижон мухити / Асарлар. 5-жилд. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2009. Б.269-70.

АНДИЖОНИЙ, Хожа Калонбек (XVI) – Бобуршоҳнинг яқин амирларидан. Кобул ва Қандахорда амир бўлган. Бобуршоҳ б-н Ҳиндистонга қадар борган, сунг ўз подшоҳидан руҳсат олиб, Фазнага кетган. “Туркий ва форсийда аъло шеърлар битгани” манбаларда т.га олинади. Кобулда вафот этган. П.Кайюмий тазкирасида бир байти келтирилган:

*Надорам тоб дидан пеши ў баджӯ рақибонро,
Аз ин бар субҳи васли ў гузидам шоми ҳижронро.*

Мазмуни:

Унинг ёнида хунук башарали рақибларни кўрмакка йўқ тоқатим,
Шунинг учун унинг васли тонгидан айрилик шомина кочдим.

- Кайюмий П. Тазкирату-ш-шуаро. 2-жилд. Т., 2006. Б.32; Каюмов А. Бобур давридаги Андижон мухити / Асарлар. 5-жилд. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2009. Б.270-71.

АНДИЖОНИЙ, Хожа Ориф Бақоий (XVI) – шоир ва тазкиранавис. У ҳакда Абдулбокий Наҳовандий Абдурахим б. Байрамхонга багишиланган “Маосири Раҳими” тазкирасида маълумот берган (1617). А. Мушфиқийнинг шогирди бўлгани, “Мажмаъу-л-фузало” (“Фозиллар тўплами”) тазкираси ва “Орифу-л-осор” (“Маърифатли асарлар”) асари борлигини ёзади. “Мажмаъ ул-фузало”ни Андижонда Исфандиёр бин Ҳусрав бин Ёрмуҳаммад бин Жонибек султон Шайбоний хизматида турган цайти ёза бошлаган, аммо ўз ватанида тугата олмаган ва (“Абдулланома”да айтилишича, Исфандиёр султон Искандархон томонидан 1582 йил 29 октябрда Фарғона ҳокими килиб тайинлангани туфайли) 1587 й. Тошкентда бўлиб, уша йили Ҳиндистон сари йўлга чиқкан. А. 997 (1589) й. Ҳиндистонга етиб борган ва дастлаб Аурусија, Банголада яшаган. Аграда “Орифу-л-осор” асарини ёзган. Сўнг Даканга кетиб, Абдурахим хонихонон хизматига кирган. Ақбар подшоҳ даврида “Мажмаъу-л-фузало”ни ниҳоясига етказган. Бу катта ҳаждаги тазкирининг “Муқаддима” деб номланган биринчи бобида кад. араб шоирлари ҳакидаги маълумот уч фикра (кисм)да берилган. Иккинчи бобнинг биринчи фикрасида Рудакийдан Жомийгача, иккинчи фикрада Жомийдан Мушфиқийгача, учинчи фикрада тазкиранависга замондош шоирлар ҳакидаги маълумотлар ўрин олган. Мазкур фикра ва Хотимада ўргаосиёлик 350 нафар шоир, жумладан, Мушфиқий, Ҳасанхожа Нисорий, Нозимий каби замондошлар ҳакида ҳам маълумотлар ҳавола этилган. “Мажмаъу-л-фузало”нинг ягона нусхаси шу кунларда Покистондаги Лоҳур ун-ти кутубхонасида сакланади. Бу тазкира афғонистонлик олим Абдулҳай Ҳабибийнинг “Нусхаҳойи хаттий”, А. Накавийнинг “Тазкиранависий дар Ҳинду Покистон”, эронлик Гулчин Маонийнинг “Тарихи тазкираҳои форсий” асарларида кискача тавсифланган. Нажиб Мойил Ҳиравий эса “Музаккири аҳбоб”нинг илмий-танқидий матнини нашрга тайёрлашда “Мажмаъу-л-фузало”даги Ҳасанхожа Нисорийга оид маълумотлардан фойдаланган.

- Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланома. 2-т. Т.: Шарк НМК, 2000.

АНДИЖОНИЙ, Хожа Юсуф (XV) – машҳур мусикачи, хонанда ва бастакор. Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқарога мусикада устозлиқ килган. Андижонда тугилган, Ҳиротда яшаган. Мусикачи Устод Шодийнинг шогирди. Бойсунгур мирзо саройида катта эътибор топган. Бу ҳакда “Бобурнома”да, Дарвеш Али Чангийнинг “Мусикий рисола”сида, Фитратнинг “Ўзбек класик мусикаси ва унинг тарихи” асарларида кайд килинган. А. 360 дан ортик куй басталаган.

“Ирок” макомининг муалларидан бири. Шероз хукмдори Султон Иброҳим 1000 динор бериб, Ани пойтахтга чакиртирганида рози бўлмаган.

Манбаларда А. истесьдоли шоир, утмишдаги улуғларнинг ёзишилари тўғрисида насрый асар ёзгани кайд этилади. Дарвеш Али Чангий А. Абулкосим Бобурга бағишланган шеъридан куйидаги уч байтини келтиради:

Дуреки, дар бари гүши ту, шоҳ, мебинам,

Ситораеки, паҳлуйи ~~моҳ~~ мебинам.

Туро чи гамки, ту худро ҳамиша мебини,

Марост гамки, туро гоҳ-гоҳ мебинам.

Ба қасди күштан мо ду чашми жодуят

Ба ойини ду балоий сиёҳ мебинам.

Таржимаси:

Кулоғингда дурки, эй шоҳ, кўрамен,

Гўски юлдуз ила ой кўрамен.

Сенда не ғам, ҳамиша ўзингни кўрарсен

Ғам биздадир, сени гоҳ-гоҳ кўрамен.

Қатлимиз касдида жоду кўзларинг,

Гўски икки кора баҳтими кўрамен.

(Азиз Каюмов тарж.)

- Семенов А.А. Среднеазиатский трактат по музыке Дарвеш Али (XVII). Т., 1946; Бобур Заҳириддин Мұҳаммад. Бобурнома. Т., 2002. Б.35; Болтабоев X. «Бобурнома»да андижонилар / Мұмтоз сұз қадри. Т.: Адолат, 2004. Б.52-58; Самарқандий А. Матлаи сайдын ва мажмаи баҳрайн. Т.: 2008. Б.308-309; Каюмов А. Ҳожа Юсуф Андижоний / Бобур давридаги Андижон адабий мұхити. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2009. Б.20-46.

АНДИЖОНИЙ, Шайх Нажмий (XX аср боши) – дин ва жамоат арбоби, публицист ва адиб. Тұлық исми: Мулла Шамсиддин бин Нажмиддин маҳдум Андижоний. “Ал-Изоҳ” журн.нинг фаол муаллифлари Шерали Лапин, Мулла Пирмуҳаммад аълам, Абдуматик хожи Абдунаби үғли, Сайд Аҳрорхон Маҳдум каторида санаған.

“Ал-Изоҳ” журн. 1917 йил 9-сонида “Ал-Изоҳ” ҳаккında ташвиқ маколаси босилган. “Шўрои ислом” жамиятининг фаолларидан бўлгани маколада кузатилади: “Изоҳ” мухим масалалар, ҳикматли мавъизалар, адабий шеърлар таркатур. Шахру диёрнинг бир буржидин суралмиш бир масала шаръий жавоби, бир мавъиза ва ҳикматли маколалар бўлса “Изоҳ” васотати илан атроф ва жавониби олама интишор топуб оммаи ҳалойикни дилларин уйғотиб фойда еткуар. Хулоса. “Изоҳ”нинг аҳамми мухиммоддин лекини риштай таҳрира чизуб итмомина сткурмак мумкин тутал”. Журн.да “Зиёлими ёхуд ифтироу бўхтончими?” (1-жилд, № 6. 1917, 5 август), “Истизоҳ”, “Танbih үл-ихвон” (бир сонда: 1917, 17 август); “Истифкор” (1-жилд. № 10. 1917, 11 сентябр) каби маколалари босилган.

- “Ал-Изоҳ” журн. 1917. 1-ж. № 6, 9-10.

АНДИЖОНИЙ, Юсуф Бадиий (в. 1492) – ўзбек шоир, қасида ва муаммо жанрлари устаси. Андижонда туғилган ва бошланғич таҳсилни шу ш.да олган, Самарқандда Козизода Румий мадрасасида ўқиган. Шу ерда Навоий

б-н учрашиб, унинг эътиборини козонган. Ҳусайн Бойқаро салтанатида Ҳиротда яшаган, Сараҳса вафот этган (айрим манбаларда в. 1485). “Бобурнома”, Алишер Навоийнинг “Мажолису-н-нафоис», Ҳондамирнинг “Хулосату-л-ахбор” асарларида т.га олинган. Бобур у ҳақда “қасидани ёмон айтмас эрди” деб маълумот берган бўлса, Навоий “яхши сухбати бор эрди ва кўбрек синф шеърини яхши айтурса эрди ва аруз билур эрди. Бу матлаъ анингдурким:

*Гар бад ин обу ҳаво қўяд бувад манзиликум,
Не зулоли Ҳизр бояд, не дами руҳуллоҳум.*

(Мазмуни: Агар сенинг кўчанг шу обу ҳавоси б-н менинг манзилим бўлса, на Ҳизр суви, на ўлик тиргизувчи (яъни Исо Масих)нинг нафаси керак” деб ёзди. “Миръоту-с-сафо” қасидасига татаббӯй тарзида айтилган бир қасидасининг матлаъи ва муаммо жанрида ёзилган бир байтини келтиради. “Муаммо рисоласи” биттани хам айтилган. Манбаларда аруз илмига доир рисоласи хам т.га олинади. Бироқ ҳар икки рисола сақланмаган.

- Навоий замондошлари хотирасида. Т.: Фан, 1986; *Tour Y., Сайдали С.* Комуси кофия ва арузи шеъри А. Гам. □. І. Душанбес: Ирфон, 1994. С.82; Алишер Навоий. МАТ. 13-ж. – Т.: Фан, 1997. Б.60; Бобур, Заҳиридин Ҳуҷаммиад. Бобурнома. Т., 2002. Б.139; *Болтабоев Ҳ.* «Бобурнома»да андижонийлар / Мумтоз сўз кадри. Т.: Адолат, 2004. Б.52-58; Тўйчиева Г. Форс арузи рисолалари. Т., 2008. Б.87; Қаюмов А. Бобур давридаги Андижон адабий мухити. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2009. Б.6-7; *Ғиёсiddин Ҳумомиддин ўели Ҳондамир.* Ҳабибу-с-сийар фи ахбори афроди башар. Т.: Узбекистон, 2013. Б.1077-78.

АНДИЖОНИЙ, Юсуф Сафойи (XV) –узбек шоири. Андижонда туғилган, Самарқандда ўқиган, Ҳазрат Навоий б-н талабалик даврида кўришган. Самарқандда (~ 1490-й.ларда) вафот этган. Алишер Навоийнинг “Мажолису-н-нафоис” асрида у ҳақда маълумот келтирилган ва қуйидаги байти берилган:

*Менамояд доҳи жавлон наъли шабрангат ба чашм,
Чун моҳи нав к-аз назар созанд мардум ғойибаш.*

(Мазмуни: Тун рангидағи (кора отинг) нағали жавлон уриб кўзга ташланади, худди янги ой одамларнинг кўзидан беркина бергани сингари).

- Алишер Навоий. МАТ. 13-жилд. Т.: Фан, 1997. Б.60; Бобур. Бобурнома. Т., 2002: *Болтабоев Ҳ.* «Бобурнома»да андижонийлар / Мумтоз сўз кадри. Т.: Адолат, 2004. Б.52-58; Қаюмов А. Бобур давридаги Андижон адабий мухити. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2009.

АНДИЖОНИЙ, Қиличхон (в. 1626) – Акбар ва Жаҳонгир давридаги машҳур ҳарбий саркарда ва давлат арбоби. Унинг боболари Андижондаги чигатойлик ҳокимларга хизмат килган. Отаси Андижондан Ҳиротта келиб, Ҳусайн Бойқаро саройида юкори амаллардан бирини эгаллаган. Бобур 1526 й. Ҳиндистонни фатҳ этгач, А. Ҳиротдан Аграга келиб, Бобур хизматига ўтган. Қиличхоннинг ўзи аввалига Акбар, сунгра Жаҳонгирга мулозимлик килган. Акбарнинг ҳарбий юришларида ишгиrok этган ва катор қалъаларни камал

килишда фаол катнашган. Турли й.ларда турли лавозимларни эгаллаган: Гужорат ва Лохур хокими, Дивони интизом (хавфсизлик вазири). 1593 й. Кобул хокими сифатида Кобул, Кўҳистон ва Фазлидаги равшанийлар харакатини бостиради. Жаҳонгир замонида яна Кобул хокими вазифасини бажарган. Қиличхон ханафия мазҳабида бўлиб, мадрасаларда фикх, тафсир ва ҳадисдан сабок берган. Шоир сифатида ҳам шуҳрат козонган ва Улфатий тахаллуси б-н шеърлар битган. Ш.лар ободонлиги ва янги иморатлар куришда ўз хисобидан маблағ ажратган.

• Маосибу-л-Умаро. Т., 1999. Б.69–73.

«АНДИЖОННОМА» – Андижон вил. хокимлиги ижтимоий-сиёсий газ.си. 1921 й.дан ўзбек т.да чоп этила бошлаган. “Кизил қўшчи ва дехкон” (1921), “Дархон”, “Пахта фронти”, “Коммунист” (1938–91) номлари б-н нашр этилган. Газ.да ўзбек адиллари Чулпон, Аскад Мухтор, Саида Зуннунова, Рустам Раҳмон, Р.Абдураҳмонов, Олимжон Холдор в.б. ишлашган. Таникли журналистлар К.Йўлдошев, С.Шокаримов, М.Абдукаримов, М.Ниёзов, Р.Файзибоева, З.Муҳиддинов, А.Абдуллаев в.б. хизмат килган. 2000 й.дан “Андижанская правда” таҳририяти б-н бирлашган ҳолда фаолият кўрсатади.

АЛЛОКИД (м.а. V) – афиналик ритор, файласуф. Софиистлар ишини химоя килиб (м.а. 415), судда нутк сузлаган. Ад-т тарихида А.нинг 2 нутки: “Мистерия ҳакида” (м.а.399), “Ўзимнинг қайтишим ҳакида” (м.а. 411) эътибор козонган. А. ўз нуткларида ўз якинларини химоя килган, бирок натижа бўлмаган.

• История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.385, 386, 494.

АНДРАДЕ, Карлос (1902–?) – Бразилия шоири. Тулиқ исми: Карлос Друммонд де Андраде. Минас-Жерайс штатига қарашли Итабир ш.да туғилган. Фармокология курсини тутатган бўлса-да, ўзини шеъриятга багишлаган. Бразил модернистик ҳаракатига қўшилган. “Ревиста” (1925–26) журн.нинг ташкилотчиларидан бири. 1930 й.да биринчи шеърлар туплами “Айрим шеърлар” чоп этилган. Қатор адабий мукофотлар совриндори. 1983 й.да “Қалб тўри” (1934), “Дунёни хис килиш” (1942), “Халқ гули”(1945), “Нарсалар сабоги” (1962), “Чўнтақ гитараси” (1955), “Баҳорги нутқ ва айрим соялар” (1977) тупламларидан олинган туркум шеърлари рус т.да чоп килинган.

◆ Поэзия Бразилии. М.: Художественная лит-ра, 1983. С.192-223.

АНДРАДЕ, Марио (1893–1945) – Бразилия шоири. Тулиқ исми: Марио де Андраде. Сан-Паулода туғилган, 1917 йили консерваториянинг пианистлик бўлимини тутатган. Шу йили биринчи шеърлар туплами «Ҳар бир шеърда томчи кон бор”ни чоп этирган. Бразилия модернизми асосчиларидан бири сифатида танилган, янги адабий ҳаракатнинг етакчиси сифатида эътибор козонган. Верлибр (сарабаст) вазнида шеърлар битган биринчи бразил шоир.

Жонли халқ т.ни шеъриятга олиб кирган, ўз она т. – португал т.нинг грамматик қоидаларини шеъриятда барқарор қилишга ҳаракат қилган. Бу карашлари “Телба Сан-Пауло” түплами (1922)да эълон килинган. “Хаки гулининг хиди” (1926), “Жаботи тұдаси” (1927), “Камбагалликнинг якуни” (1930), “Шеърлар” (1941) китoblари ҳам шу руҳда битилган. Үлнимидан кейин чоп этилган “Сан-Пауло лираси”, “Камбагаллик машинаси”, “Кофе” каби шеърлар түпламлари гражданлик рухининг юксаклиги б-н диккәтни тортади. Мусика ва ад-т танқидчиси, эссеист ва публицист сифатида ҳам машхур. 1983 й.да бир туркум шеълари рус т.да чоп килинган.

◆ Поззия Бразилии. М.: Художественная лит-ра, 1983. С.102-125.

АНДРЕ, Карл (1935 й.т.) – америкалик абстракционист-хайкалтарош. Предметсиз санъат, яъни минимализм оқими асосчиси. Фишт, металл ва пенопласт ҳамда цемент блокларидан турли хил конструкциялар муаллиси сифатида шуҳрат қозонган. А.нинг ижодий формулаларидан бири: “Инсон токқа интилади, чунки у бор. Инсон санъат асарини яратади, чунки у йўқ”. Ҳаётда муқобили бўлмаган санъат асари яратувчisi сифатида танилган.

• Энц-я модернизма. М.: Эксмо-Пресс, 2002. С.125.

АНДРЕ СТИЛЬ – к.: Стиль, Андре.

АНДРЕЕВ, Даниил Леонидович (1906–1959) – рус адаби. Берлин (Германия)да туғилган. Л.Н.Андреевнинг ўғли. Шуро даврида Россияда яшаган, Олий ад-т курсини тамомлаган. II жаҳон урушида қатнашган. 1947 й. антисовет руҳидаги асарлари учун ҳибсга олинган. 1957 й. озод килинган ва турмада касалланганлиги туфайли тез орада вафот этган. “Тунги сайёхлар” (1942) романи муаллифи. “Дунё гули” (“Роза мира”) фалсафий роман эссеси турмада ёзилган ва XX аср 50-й.ларида кўлёзма ҳолида тарқалган.

А.нинг ўзига хос китобида “интеррелигия” (динларо) масаласи кутарилган булиб, бу асар айрим насронийлар томонидан танқид килинган. Хорижда бир неча марта чоп этилган.

◆ Андреев Д. Роза Мира. М.: Руссико, 1991.

АНДРЕЕВ, Леонид Николаевич (1871–1910) – рус адаби. Москва ун-ти юридик фак-тини тамомлаган. Асарларида танқидий реализм руҳи етакчилик килган. “Бергамот ва Гарастька” (1898), “Девор” (1901), “Фикр” (1902), “Ш.” (1902), “Белгилар” (“Призраки”, 1904). Рус ҳаётидаги мавжуд ҳолатни очик танқид қилгани учун кувғинга учраган. “Савва” (1907), “Жахолат” (“Тьма”, 1907), “Очиккан подшоҳ” (“Царь голод”, 1908), “Сашка Жигулёв” (1912) каби кисса ва романлари шуҳрат қозонган. “Ҳаётимиз кунлари” (“Дни нашей жизни”, 1908), “Анфиса” (1909) драмаларида рус кишилари турмушини очик күрсатган. Ҳикоялари Чўлпон томонидан ўзбек т.га тарж. килинган.

◆ Андреев Л. Полн. собр. соч. Т.1-8. Спб, 1913; Повести и рассказы. М., 1957; Пьесы. М., 1959.

• Афонин Л. Леонид Андреев. Орёл, 1959; Андреев В. Деятство. М., 1966.

АНДРЕЕВ, Михаил Степанович (1873/11.IX–1948/10.XI) – филолог ва шаркшунос олим. Тошкент ш.да тутылган. Ўз-н ФА акад. (1943), Россия ФА мухбир аъзоси (1929), Ўз-н ва Тожикистанда хизмат курсатган фан арбоби (1945, 1944). Эшонкули додхоҳ мадрасасида ўқиган (1894). Тошкент реал билим юртида ўқитувчи бўлиб ишлаган (1896). 1897 й. Муғалистон ва Шаркий Туркистон экспедицияларида иштирок этган. 1918–20 й.ларда Туркистон шаркшунослик ин-ти, кейинрок Ўрга Осиё давлат ун-тида шаркшунослик ф-ти декани. 1927–47 й.ларда доцент, проф. Ўз-н ФА Тарих ва археология ин-тида этнография бўлими мудири (1944–48) бўлиб ишлаган. Шаркий Эрон т.лари таснифига оид асарлари ҳам бор.

АНДРЕЙ (Инжил) [мифология] – насронийлик мифологиясида 12 апостоллардан бири. Пётрнинг укаси, Галилея қирларида овчилик б-н шугулланган. Исо а.с. томонидан биринчилардан бўлиб, апостол сифатида чорланган. Болкон ва Кора дengиз атрофларида скифлар, юононларнинг ш.ларида насронийлик тарғиботи б-н машғул бўлган. Рим магистрининг буйруги б-н Патра (Юонистон) ш.да хочга тортилган. Рус манбаси “Утмиш киссаси” (“Повесть временных лет”)да ёзилишича, А.Херсонес (Корсуне) ш.дан Киев ва Новгород ш.ларигача келиб, православ таълимотини ёйган. Киев Руси А.ни рус давлатчилиги хомийси, чор Русияси харбий дengиз флотининг ҳимоячиси деб таърифлаган. Пётр I А. байробги, А. орденини таъсис этган.

- Аверинцев С.С. Андрей / Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.80-81.

АНДРЕ БРЕТОН – к.: Бретон. Андре.

АНДРИЧ Иво (1892–1975) – босниялик адаб, адабиётшунос олим, академик. Нобель мукофоти совриндори (1961). “Ёш Босния” норасмий ташкилотининг аъзоси сифатида қамоққа олинган (1914–17). Илк ҳикояси – “Алия Жерзелез йули” (1919)дан сунгти асарларигача “лирик проза” номли янги наср йуналишида асарлар битган. Қисса ва ҳикоялари “Лъяннати ҳовли”, “Вахимали йиллар”, “Синовлар” каби туркумланган. Асарларида европалик мусулмонларнинг аянчли кисмати тасвирланган.

- Андрич И. Повести и рассказы. Пер. с сербскохорватского / Мастера современной прозы. М.: Радуга, 1983.
- Селимович М. Иво Андрич / Предисловие. Повести и рассказы. / Мастера современной прозы. М.: Радуга, 1983.

АНДРОГИН (юононча: androgynos – эркак-аёл) [герменавтика] – ад-тга гендер фалсафаси асосида ёндашув. Эркак ва аёллик хусусиятларига эга бўлган қаҳрамон. О.Бальзак “Сарразин” ҳикоясида шундай шахсни тасвирлайди. В.Вульфнинг “Орландо” (1928) романида А. персонаж бор. Асарни танқид килган С.Т.Колриж (1820)га жавобан В.Вульф “Ўз уйим” (1929) китобида бу истилоҳ юзасидан мулоҳазаларини билдирган.

- Cuddon J. A. The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. London: Penguin Books, 1991; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асель-Аст, 2003. С.28.

АНДРОМАХА (юонон) [мифология] – юонон мифологиясида Гекторнинг хотини, Фива ҳокими Этион ўғли. Троя урушида Фива Ахилл томонидан эгалланганда А.нинг отаси ва етти акасини ўлдирган. “Илиада”да Гекторнинг вафодор ва сувимли хотини тарзида тасвирланган. Троя урушидан кейин ўғли Ахилл б-н ёлгиз колган. Ад-тда вафодор абл тимсоли. Еврипиднинг “А.” фожиасида унинг аччик кисмати баён килинган. А.нинг Гектор жасади устидаги холати Европа рангтасвирида минг йиллар давомида кайта мурожаат килинган тасвир (Ж.Л.Давид, П.П.Рубенс расмлари) булиб, мотам рамзига айланган. Бадий ад-тда А. мавзусида либретто, мелодрама, симфоник поэма ва фожиалар яратилган. Mac., француз классицизми намояндаси Жан Расин “Гектор ва Андромаха” фожиасини ёзган.

- Миры народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.81-82; История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.363, 369.

АНДРОМЕДА (юонон) [мифология] – мифга кўра, Эфиопия подшохи Кефей ва Кассиопеяниг кизи. Уни курбонликдан Персей кутқариб колади ва уйланади. Улардан катта авлод қолган: Электрион, Амфитрион, Алкмена, Геракл в.б. Персей томонидан А.нинг кутқарилиши воеасига кўплаб санъят асарлари бағишлиган. XVI-XVIII асрлар Европа драматургиясида Г.Сакс, П.Корнель, П.Калдерон, Лопе де Вега кабилар томонидан драма ва опера либреттолари ёзилган.

- Миры народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.82.

АНДРОНИК, Ливий (м.а. III) – қадимги Рим шоири. Гомернинг “Одиссея”, бир катор юонон трагедия ва комедияларини юонончадан лотин т.га тарж. килган. Юонон шеърияти руҳида асарлар битиб, Рим ад-тида барча адабий жанрлар шаклланишига хизмат килган. Юонон асарларини Рим ҳаётига мослаб, эркин тарж. килган.

- Тронский И.М. История античной лит-ры. М.: Высшая школа, 1983. С.278-79; Болтабоев Х., Маҳмудов М. Адабий-эстетик тафаккур тарихи. 1-ж. Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2013. Б.183.

АНДРОЦЕНТРИК (юононча: anér – жинс, andros – эркак) [герменавтика] – эркак дунёкашини юкори деб билувчи караш. А. патриархат тушунчасини мутлаклаштиришга хизмат килади. Гарб тушунчасига кўра, ад-тга гендер ёндашувининг белгиси сифатида хизмат килади.

- Cuddon J.A. The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. London: Penguin Books, 1991; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асель-Аст, 2003. С.28.

«АНДХРА МАХАБХАРАТА» – телугу ад-тининг илк намунаси. XI–XIV асрларда Нанная, Тикана. Ерапрагада каби шоирлар томонидан кайта ишланган. “А.М.” “Махабхорот” асарининг тарж.си эмас, балки Андхра халқи ҳаёти воқеаларини акс эттирувчи асар сифатида қадрли. Нанная (1022–63) «А.М.»нинг биринчи ярмини ёзган. У санскрит лексикаси асосида телугу ёзма ад-тини шакллантирган. Тикана (1230–1300) асарнинг 15 кисмини ёзган. Ерапрагада (1280 –1350) эса салафлари бошлаган асарни охирига стказган.

АНЕСТЕЗИЯ (юонча: ҳис қилмайман) [эстетика] – тиббиётда ҳис қилиш кобилиятининг йўқолиши. Айрим ҳолларда “ҳавоси ҳамса” (беш сезги)дан бирининг ўз кобилиятини йўқотиши. Ад-тшунослиқда бад. асарнинг эстетик кувватини ҳис қилмаслик.

•Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.52.

АНЕКДОТ (юонча: anecdotos – нашр қилинмаган) – латифа, оғзаки айтилган, кутимаган фавкулодда ечимга эга кулгили кичик ҳикоя. А. дастлаб Византияда Прокопий (VI)нинг «Сирли тарих» сатирик асарига нисбатан кўлланилган. Турон, Эрон, Румда ўрта асрларда кенг тарқалган. Европа Уйгониши даврида кайта жонланган. П.Браччолинининг “Фаценциялар” китоби машҳур бўлган. Россияга бу истилоҳ XVIII аср иккинчи ярмида кириб келган. XX аср Ғарб ад-тида бу жанрнинг усталари сифатида Б.Брехт, Ф.Вайскопф танилган. А. замонавий ш. фольклорида кўп қўлланилади. Тадқикотчи Ю.Борев фольклоршуносликка «зиёлилар А.и» терминини олиб кирган. Сиёсий мавзудаги А.ларни “Сталиниада” (1991), “Шуро давлати тарихи ривоят ва А.да” (2003) китобларида туплаб, нашр килдириган.

• Маслова Е. К истории анекдотической лит-ры XVIII в. / Сб. стат. В честь акад. А.Н.Соболевского. Л., 1928; Борев Ю.Б. Сталиниада. Чита, 1992; Он же. ХХ в. в преданиях и анекдотах: в 3-х т. Харьков, 1996; Елисеев И.А., Полякова Л.Г. Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.12; Борев Ю.Б. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.28-29; Теория лит-ры. В 2-х т., т.1. / Под ред. Н.Д.Тамарченко. М.: ACADEMIA: 2004. С.84-91; Белоқурова С.П. Словарь лит-ведческих терминов. СПб.: Паритет, 2006. С.17; Анекдот. Новая лит-ная энц-я / www.nlit.ru., 2012.

АНЖАНБЕМАН (французча: enjambement – қўчирши, қўчирик) [поэтика] – гап ёки сўзнинг ритмик пауза б-н бўлиниши натижасида кейинги янги сўз ёки ибора учун асос хосил килиниши. Муаллиф айрим сўз ва ходисаларга эътиборни кучайтириш учун ушбу усулуга мурожаат қиласи. А. мисралараро, строфик (бандлараро), бўгинлараро бўлиши мумкин. Сўнгтисига мисол:

У –

лица.

Лица

у

догов

годов

рез-

че.

Че-

рез

железных коней

с окон бегущих домов

прыгнули первые кубы.

В.Маяковский. Из улицы в улицу, 1913

- Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрељ-Аст, 2003. С.29;
- Теория лит-ры. В 2-х т., т.1. / Под ред. Н.Д.Тамарческо. М.: ACADEMIA: 2004. С.42;
- Белокурова С.П. Словарь лит-ведеских терминов. СПб.: Паритет, 2006. С.19, 119;

АНЖОМ (в. 1746) – эронлик шоир, сафавийлар хонадонидан. Асл исми: Амирхон. Бобурийлар даврида Ҳиндистонга келиб, Дехлида яшаган. Аврангзеб даврида Кобул ва Аллоҳобод вилоятлари хокими. “Навоби умдату-л-мулук” унвони берилган ва вазири аъзам вазифасида ишлаган. Манбаларда машҳур байти келтирилган:

Фарёдки, тироҳани девонагийи ман,

Чун домани саҳро хатар из чок надорад.

Таржимаси: Фарёдки, менинг девонавор кўйлагимнинг

Саҳро этагидай чоки йиртилиш хатари бор.

- Қайумов П. Тазкирату-ш-шуаро. Т., 2006. Б.25.

АНЖУМАН (арабча: нужум – юлдуз, анжум – юлдузлар) [тасаввуфшунослик] – І. диний-тасаввуфий истилоҳ. Суфийлар халқ, йигин, мажлисни “анжуман” билишган. Накшбандийлиқда хилват дар анжуман деган коида бор. Анжуманда хилват деганда кишининг жамоа, одамлар ичида бўлмоғи, жамият ҳаётида фаол иштирок этмоғи кўзда тутилади. Аммо у ўзини хилватда яшагандек тутмоғи, яъни кўнглидаги сирлар (илохий муҳаббат)ни ошкор килмастиги керак.

Десанг хилватим анжуман бўлмасин,

Керак анжуман ичра хилват сенга.

(Алишер Навоий)

П. кенг доирада ўтказиладиган илмий ва назарий мажлис, йигилиш, қенгаш. Бир даврда яшаб, бир соҳада фаолият кўрсатган таникли шахслар гурухи. Mac., “Анжумани тарих”. Бухорода 1921 й.да ташкил топган илмий жамият.

«АНЖУМАНИ ТАРИХ» (1920) – Бухорода тарихий обидаларни урганиш учун ташкил этилган илмий жамият. “А.т.” Фитрат томонидан ташкил этилган бўлиб, манбаларда унинг аъзолари: “Ҳожи Мулла Аблуррауф

Фитрат, Сайид Мухаммад Сиддик, Мухаммад Шариф Диё, Мулла Мухаммад Салимбек, Ҳожи Мулла Сайид Махмуд муфти” деб кўрсатилади. “А.т.”нинг натижаси сифатида “Таҳқикоти арки Бухоро” (“Бухоро арки таҳқики”, 1921-22) ёзилган (муаллифи Носириддин тўра Ҳанафий Ҳусайнӣ, амир Музаффарриддин ўғли) булиб, унда “Тарихи Наршахий” ёзилган даврдан 1578 й. воеалари (Абдуллоҳоннинг Самаркандин эгаллапи) акс этган.

- Епифанова Л.М. Рукописные источники Инс-та Востоковедения АН УзССР по истории Средней Азии периода о присоединения к России (Бухара). Т., 1965. С.46; Стори Ч.А. Персидская лит-ра. Био-библиографический обзор. Ч.II. М.: ИВЛ, 1972. С.1177-78.

АНЖУМАНДА ХИЛВАТ – қ.: Хилват дар анжуман.

АНЖУМИЙ (XVII) – бухоролик шоир. Асл исми: Мирзо Бокий. Абдуллоҳон Иккинчининг амирларидан бирининг ўғли. А. Андижон ҳокими Асфандиёр сulton хизматида бўлган. Ҳиндистонда Сulton Салим (Жаҳонгир) бин Акбар подшохни мадҳ килиб, унинг илтифотига эришган. Мутрибий “А. хунук башарали бўлса-да, шеърлари чиройли. А.нинг латиф таъби бор эди. Сўз санъатида аниқликка риоя кильмасдан туриб сира шеър ёзмасди” дейиш б-н бирга, унинг Жаҳонгир мингтан отга бағишлиланган рубойиси, Ҳасанхожа Нисорий матлаъсига битган татаббӯсини ва беш байтлик газалини келтиради. Газалнинг матлаъси:

*To дили Фарҳодро Ширин барад аз дилбарий,
Гашта қултоби муҳаббат ноҳуни кабки дарий.*

Мазмуни:

Фарҳод дилини дилбарлик ила илитмоғи учун Шириннинг

Дашт каклигининг тирноқлари муҳаббат илгакига айланди.

“Нусҳайи зебои Жаҳонгир” тазкирасида айтилишича, А. Самарканда Камолиддин мунажжимдан астрологияни ўрганган ва А. таҳаллусини олган. А.1605 й.дан кейин Лоҳурда вафот этган.

- Мутрибий. Тазкирату-ш-шуаро. Т., 2013; Каримов У. Ад-ти точик дар аспи XVI. Душанбе: Дониш, 1985. Б.109.

«АНЖУМУ-Т-ТАВОРИХ» – муаллифи номаълум тарихий асар. Форс т.да. Қўкон ҳонлиги тарихи ёритилгани, айрим воеалар Ҳудоёрхон ўтиллари Мухаммад Амин ва Ибн Ямин мақолаларига мос келгани учун улардан бирига нисбат берилади. Икки қисмдан иборат: 1-қисмда – Бобур, Ҳумоюн, Акбар, Жаҳонгир тарихи баён килинади. 2-қисмда Қўкон ҳонлиги тарихи баён килинган.

- Ҳудоёрзода. Анжум ат-таворих / Махфират. Т.: Урта Осиё ҳалқлари тарихи институти, 2009; Ҳудаярханзаде. Анджум ат-таворих (Звёзды истории). Т.: Янги аср авлоди, 2011.

АНЗУ(Д) (шумер, аккад т.ларида шамол, бурон) [мифология] – шумер-аккад мифологиясида илохий баҳайбат бургут. А. шер (арслон) бошли деб тасаввур килинган. Манбаларда м.а. XXVI асрдан номи келтирилган. А. момакатдирокли булут тимсоли сифатида күлланади. Мифларда ер ва осмон уртасида, яъни инсон ва илоҳлараро воситачилик килувчи мавжудот. Билгамиш ҳакидаги эпосда достон қаҳрамони томонидан дунё дарахтидан кувиб юборилган.

- ◆ Я открою тебе сокровенное слово. Лит-ра Вавилонии и Ассирии / Пер. с аккадского. М.: Художественная лит-ра, 1981. 352 с.
- Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.82-83.

АНИКСТ, Александр Абрамович (1910–1988) – рус ад-тишуноси, театр танқидчиси. Санъатшунослик доктори (1963). 1930 й.дан асарлари чоп этилади. А. ўз илмий фаолиятини Англо-америка ад-тини үрганишига қаратган. Инглиз драматургияси, жумладан, Шекспир ижоди ҳакида салмоқли тадқикотлар ёзган. “Шекспир ижоди” (1963), “Шекспир” (1964), “Шекспир даври театри” (1965) шулар жумласидан.

- ◆Аникст А.А. История английской лит-ры. М., 1956; Бернард Шоу. М., 1956; Теория драмы от Аристотеля до Лессинга. М., 1967.

АНИМАЛИЗМ (французча: animaliste, лотинча: animal – ҳайвон) [эстетика] – рангтасвир, ҳайкалтарошлиқ в.б. санъат турларида ҳайвонлар тимсолини тасвирилаш. Илк А. Миср эхромларига чизилган *Анибус* сурати бўлиб, унинг боши бўри килиб тасвириланган эди. Қад. санъатда ривож толган “ҳайвон услуги” А.нинг назарий асосларини үрганиш натижасида вужудга келган. А. усулида ҳайвонлар сурати ишлаш идишларда, мозаика ва ҳайкалтарошлиқда фаол күлланилган. XVII асрдан Европа санъатида А. кучайган. А.Кейп, П.Портер, Р.Бонер, Н.Е.Сверчков, Е.А. Лансаре А. вакишилари саналади.

АНИМАЛИСТИКА (французча: animaliste, лотинча: animal – ҳайвон) [эстетика] – тасвирий санъатда ҳайвонларни тасвирилаш; илк даврларда бевосита ҳайвон сурати (скиф маданиятида), хаёлий маъбудлар сурати (ярим ҳайвон киёфасида) чизилган бўлса, антик давр ва ўрта асрлардан бошлаб, А. суратлари сатирик ва рамзий маънони акс эттира бошлади. Қад. Хитой, Японияда безак ва биноларнинг девор ва пештоқларига чизилган. Уйғонида даврида Пизанелло, А.Дюрер; XVII асрда Голландияда П.Поттер, А.Кейн; Францияда Ж.Б.Удри, Россияда И.Ф.Гроот чизган суратлар А.-ик жанрга мисол бўла олади.

Ўз-нда сопол ва шиша буюмларга, Афросиёб деворларига, мадраса ва бинолар пештоқларига чизилган. Мак., Самарканддаги Шердор мадрасасида шер, Бухородаги Девонбсги мадрасасида ссмурғ куш, кийик тасвири чизилган.

АНИМАЛИСТ (французча: *animaliste*, лотинча: *animal* – ҳайвон) [эстетика] – ҳайвонлар суратини чизувчи рассом. А. термини ҳайкалтарошлиқда ва бад. ад-тда ҳам күлланилади. Мас., ҳайвонлар ҳақида ҳикоялар муал.и Сэтон-Томпсонга писбатан. Ўз-нда ҳайкалтарошлар А.Бойматов, П.Иванов, Э.Алиев, И.Жабборов ижодида ҳам учрайди. Амалий санъатда ўзбек усталари У.Журакулов, Х.Рахимова, А.Мухторов в.б. ҳайвон шаклларини ишлагандар.

• Ватагин В.А. Изображение животного. М., 1957.

АНИМАЛИСТИК ЖАНР (французча: *animaliste*, лотинча: *animal* – ҳайвон) [эстетика] – ҳайкалтарошлик, рассомлик (мойбӯёқ, графика)да ҳайвонлар, жонивор-ҳашаротлар суратини яратишга қаратилган соҳа.

АНИМАТИЗМ (лотинча: *animatus* жонли) [мифология, диншунослик] – жонли табиатнинг шахсиз дунёсига эътиқод килиш. Диншунос олимлар (Л.Я.Штернберг) А.ни бошка эътиқод ва инончлардан (*анимизмидан* ҳам) илгарироқ вужудга келганини таъкидлашади. А.га эътиқод килувчилар назарида жонли табиат бирламчи ва доимо мавжуд, дунёни у бошқариб туради.

• Штернберг Л.Я. Первобытная религия в свете этнографии. Л., 1935; Токарев С.А. Ранние формы религии и их развитие. М., 1964.

АНИМАЦИЯ (лотинча «*animation*» – жонлантириш) [эстетика, кинематограф] – кино санъатида нарса ва предметлар, ҳайвонлар ва ўсимликлар дунёсини жонли одамлардай ўзаро мулокотда бўлиш санъати. А. мультипликация («*multiplicatio*» – кўпайтириш) деб ҳам юритилади. А. ўзига хос синтетик санъат бўлиб, унинг предмети чизма ёки кўғирчок образлар узвий ҳаракатларига асосланган. А.да образ ҳаракатнинг ҳар бир фазаси алоҳида шаклларда тасвирланади ва кадрлар кетма-кетлигига суратта олинади. Тасмага туширилган чизма ва кўғирчок образларнинг секундига 24 кадр тезлигидаги проекцион тасвири натижасида экранда ҳаракатнинг «жонланиш»и юзага келади. А. кенг тарқалган турлари – чизма ва уч ўлчамли бўлиб, чизма А. суратли, сояли ва «коғоз кўғирчок»ларга асосланган бўлади. Уч ўлчамли технологияда эса кўғирчоқ, турли шаклдаги предмет ва жопли персонажлар кадрма-кадр суратга олинади.

Э.Рейно «Оптик театр» номи остида чизма киносеанслари А.га (1892, Париж) асос солган. Чизма расмларни кинематографик усууда кадрма-кадр суратта олиш техникаси француз Эмиль Коль томонидан (1906-1908) ишлаб чиқилган ва “Фантасмагория” (1908) фильмида амалга опирилган.

Кўғирчоқ мультипликациясини Россияда Владислав Старевич (1911) ийлда бошлаб берган. Унинг «Гузал Люканида», «Ҳашаротларнинг авиация ҳафталиги» (1912), «Ниначи ва Чумоли» (1913) фильмлари мавжуд мелодрамаларга пародия тарзида ишланган. Уолт Дисней А.да табиат манзаралари ва жонзорларни боғлаш усулини кўллаган. У ҳаётий образларни

«Алиса мультипликация мамлакатида» фильмида А. дунёсига олиб кирган. У Микки Маус иштирокида биринчи овози А. фильм «Пароходча Вилли»ни яратган. «Микки – дирижёр», «Үлим рақси», «Окайим» муал.га шухрат келтирган.

- Гинзбург С. Очерки теории кино. М.: Искусство, 1974.

Ўзбек ~ си – XX аср 60-йилларида вужудга келди. Реж. Д.Салимов, сценарий муал. ва рассом Ю.Петровнинг «бхб квадратида» илк кўғирчок фильм А.нинг асосини белгилаб берди. Дастрраб ўзбек А.си кўпроқ кўғирчок фильмларга асосланди. «Зумрад ва Киммат» халқ эртаги асосида «Сехрли сандик» (реж. Д.Салимов, рассом Ю.Петров, 1966) А. фильм шухрат козонди. Кейинрок «Олтиндан қиммат» (сценарий муал. ва реж. К.Камолова, рассом Ю.Петров, 1968), «Қайт, баҳтим!» (сценарий муал. И.Филимонова, реж. К.Камолова, рассом Ю.Петров, 1969), «Содик дўстлар» (сценарий муал. С.Муҳамедов, реж. З.Ройзман, рассомлар В.Акудин, Р.Туманков, 1971), «Кичкина деманг бизни» (сценарий муал. ва реж. К.Камолова, рассом Р.Туманков, 1972), «Чупон ва гузал малика ҳакида эртак», (сценарий муал.лари А.Кобулов, З.Ройзман, реж. З.Ройзман, рассом В.Гриденев, 1974), «Олтин тарвуз» (сценарий муал. ва реж. Д.Салимов, рассом О.Афиногенова, 1977), «Ажойиб гилам» (сценарий муал. Ж.Исҳоков, реж. Ш.Шокирова, рассом Р.Туманков, 1977), Реж. К.Камолованинг «Булутни ким яратди?», «Рахим ва Қунғиз» эртак-фильмларида аллегорик образлар воситасида ҳаётий муаммолар акс эттирилган. Реж. Н.Тулахўжаевнинг (сценарий муал. А.Файнберг ва рассом В.Гриденев) «Саҳродаги кўл» мультфильми умуминсоний мавзуга қаратилган. Амрикалик фантаст Р.Бредберининг «Ёқимли ёмғир ёғади» новелласи асосидаги Ў.А. Халкаро фестивалида бош соврин «Олтин кабутар» (1984) совринини олган.

Мустақиллик йилларида Ў.А.да тарихий йўналиш ривожланди: «Жалолиддин ҳакида достон» (реж. ва рассом М.Махмудов, сценарий муал. М.Тўйчиев, 1999), «Тўмарис» (реж. С.Муродхўжаева, рассом А.Сафин, 2002) “Зардуштий юлдузи”, «Спитамен», «Алпомиши» (сценарий муал. ва реж. Н.Тулахўжаев, рассом Б.Исмоилов, 1999-2002) каби А. фильмлари яратилди. Ўзбек А.да М.Махмудовнинг «Баҳром ва Дибором» (1996), «Шодмон полвон» (2008), «Зураки фолбин» (2009), С.Алибековнинг «Эхограмма» (2003), С.Чуфарновнинг «Мушук ва Жин» (2005), «Кирк ёлгон» (2007), «Азamat ва танбаллар» (2008), Г.Матсвояннинг «Яна бир эртак» (2005), Д.Власовнинг «Юз коп кор» (2008), А.Муҳамедовнинг «Моҳир кўллар» (2009) каби асарлари муал.лик А. фильмлариридир.

- Кадыров М. Узбекский традиционный театр кукол. Т.: Изд. им.Г.Гуляма, 1979;
- Мирзамуҳамедова М. Ўз-н анимацияси. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2014.

АНИМИЗМ (лотинча: апіта, animus – рух, жон) [мифология] – I. руҳлар мавжудлигига эътиод. А.га кура, агар жон аниқ бирор кимса ёки жонзот жисмида мавжуд бўлса, руҳлар мустакил мавжуддирлар. А. таълимотига кўра, руҳлар инсон ҳаётига таъсир курсата олади, деган тушунча мавжуд.

Зарур пайтларда, маҳсус маросим ва мавсумларда руҳларга курбонликлар килинган. Рухнинг мавжудлиги инсоннинг сезгиси, туйгуси, билими орқали англанади. А. термини илк бор Г.Шталь (1708) томонидан ҳали инсоният яратилмаган давр руҳлар оламига нисбатан кўлланган. XIX асрда унинг бу карашини Э.Тэйлор, Ж.Фрезер ва Г.Спенсер давом эттирган. Э.Тэйлор А.га «келиб чикиш назарияси» маъносини юклаган. А.нинг *преданимизм* ёки *доанимизм* тушунчалари Ж.Фрезер томонидан илгари сурилган ғоя булиб, пре-А. дейилгандага *аниматизм* тушунилган.

П. Африка, Жанубий Америка ва Океаниянинг туб аҳолиси илк эътиқодларига нисбатан А. кўлланади.

- Тэйлор Э. Первобытная культура / Пер. с англ. М., 1939; Энилен Ш. Происхождение религии / Пер. с франц. М., 1954; Францев Ю.П. У истоков религии и свободомыслия. М.-Л., 1959; Токарев С.А. Ранние формы религии и их развитие. М., 1964; Левада Ю.А. Социальная природа религии. М., 1965; Turk Dunyasi Edebiyat Kavramları ve Terimleri Ansiklopedik Sözlüğü. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markczi Baskanlig'i, 2001. S.165.

АНИС (арабча: дуст, урток) [тасаввуфунослик] – тасаввуфда бир сулукдаги кишиларга нисбатан кўлланади. Абдулоҳ Анзорий (1006–1088)нинг «Анисул-муридин ва-ш-шамсу-л-мажалис» (“Муридлар дусти ва мажлислар кўёши”) асари Куръоний мавзудаги “Қиссайи Юсуф” асосида 14 мажлис доирасида битилган. Амир Қосим Анвор (в.1431) «Анису-л-ошиқин» (“Ошикларпинг дусти”) асари буюк орифларга бағишлиланган. Алишер Навоий бу асардан намуналарни болалик пайтидаёқ ёд олган.

- Алишер Навоий. МАТ. 17-ж. Т.: Фан, 2001; Ганиена С. Навоий ёдга олган асарлар. Т.: 2004. Б.5.

АНИСИЙ (XVII) – бобурий хукмдорлар саройида хизмат қилган озар шоири. Асл исми: Йўлкулибек. Ирокий, Жохий тахаллуслари б-н ҳам шеърлар битилган. Абулфазл Алломий “Ойини Акбар”да А.И. тўғрисида маълумот берисича, А. ёшлигига Ҳиротда яшаб, ҳоким кутубхонасида ишлаган. Абдуллоҳхон ҳужуми пайти асир тушиб, Мовароуннаҳрга олиб кетилган. Кўп утмай кутулиб, Бадаҳшонга келган ва А. тахаллусини кўллай бошлаган. А. Хиндистонга келиб, Абдураҳим хонихонон хизматига кирган. 1607 й.да Бурхонпур ш.да вафот этган. Туркий “Девон”и ҳакида Содикбек Афшор ҳам “Мажмаъу-л-хавос” тазкираси (1598)да ишонарли маълумотлар берган.

- Мутрибий Самарқандий. Тазкирату-ш-шуаро / Форсийдан И.Бекон тарж. Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2013.

АНИСИЙ, Абдулаҳад Азизов (1900–1970) – узбек шоири ва олими. Андижон вилоятидаги Хайробод кишлоғига туғилган. Кўконкишлокдаги эски мактабда ўқиган. Андижон, Кўкон ва Бухоро мадрасаларида таҳсил олган. 1938 й.да Тошкентта Навоий юбилейини утказиш қўмитасига ишга таклиф этилган. Уруш й.ларида Уйгур театрида адабий эмакдош ва мактаб ўқитувчиси булиб ишлаган. 1958 й.дан Ўз-н Давлат нашириётида, 1959 й.дан Тил ва ад-т ин-тида ишлаган.

Ўзбек ва форс т.ларида ғазаллар битган. “Чертгандада дуторимни”, “Юрак” (Андижон, 1997) шеър китоблари чоп этилган. Бадриддин Чочий адабий меросини ўрганиб, унинг асарларидан намуналарни ўзбек т.га тарж. килган, шу мавзуда бир исча мақолалар эълон қилган.

Қабри Андижондаги Бобо Саъдиддин кабристонида.

- ♦ Анисий. Шарк ад-тида касида жашри ва Бадри Чочий // Ўзбек тили ва ад-ти. 1970. 4-сон; Юрак. Шеърлар. Андижон, 1997.
- Самад А. Андижонлик номаътум ва номаътумрок шоирлар / Хотира саңдиги. Т.: Фан, 2008. Б.139-140; Отажон У. Мушоара.???????

АНИСИЙ, Абдураҳим Ҳоразмий (XV) – ўзбек хаттори, Табризда Оккуйинли хукмдорлари даврида (1460–94) саройда яшаган, отаси машхур хаттор Абдураҳмон эди. Насталиқ хатида *шиваи Анисий* (Анисий услуби)нинг асосчиси. Шоир сифатида ҳам номи тазкираларда зикр килинган.

А. Алишер Навоий девонини кучирган (1471) ва “Девони Оккуйинлу” номи б-н хукмдорига совға қилган. Девон Султон Али Машҳадий томонидан кучирилган (1466) ва мутахассислар орасида “Илк девон” номи б-н машхур булган күләзмага асосланган. Бирок улуг шоир томонидан 1466–71 й.да ёзилган ғазалларидан намуналар ҳам девонга киритилган. Унинг ўзига хос томони шундаки, котиб Навоий ғазалларини ўтиз лаҗжасига мослаштирган. “Оккуйинлу девони” номлашининг сабаби Навоийни бутун оккуйинлилар худудида машхур бўлганига ишорадир.

- Эркинов А. Табриз и Герат: конкуренция между каллиграфами (упикальная рукопись 1471 года с текстом поэзии Алишера Навои, адаптированный к огузско-турскому языку / Историография и источниковедение средневекового Востока. Баку: Элм, 2012. С.216-219.

АНИСИЙ, Али Қулибек (в. 1603) – Ҳиндистонда бобурийлар саройида хизмат қилган форсигўй шоир. Эрон Озарбайжонидаги Шумлу қабиласининг улугларидан. Шоҳ Исмоилнинг набираси Иброҳим миранинг муҳиби. Ҳиндистонга хижрат килиб, бобурийлар саройида яшаган. “Девон” тартиб берган. “Мухаммад Аёз”, “Махмуд ва Аёз” маснавийлари бор. Қуидаги икки байт унинг маснавийсидан олинган:

*Шаҳи соҳибқорони Маҳмуд Ғозий,
Берун омад ба азми сайд този.
Ба хун сайийд то олуда домон,
Қарори ин бувад шаҳр бо гуломон.*

- Кайумов П. Тазкирату-ш-шуаро. Т., 2006. Б.29.

АНИСИЙ Үратепагий (XVII) – ўзбек тасаввуф шоири. Мутрибийнинг ёзишича, Мавлоно Анисийнинг таъби яхши эди ва унинг бу матлаъси шуҳрат қозонган.

Матлаъ:

*Агар Мажнун ба роҳи ишқ бо ман ҳамсафир мешуд,
Тариқи ишқ медид аз ману девонатар мешуд.*

Мазмуни:

Мажнун ишк йўлида мен б-н ҳамсафар бўлганида эди.

Мендаги ишк йўлини курарди-ю, баттар жинни бўларди.

Уратена ш.да дағн этилган.

- *Мутрибий Самарқандий. Тазкирату-ш-шуаро / Форсийдан И.Бекжон тарж. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2013*

«АНКАБУТ» (арабча: ўргимчак) – Куръони каримнинг 29-сураси. Маккада нозил бўлган, 68 оятдан иборат. Сурада ўргимча мисол тариқасида келтирилгани учун шундай номланган. “А.”нинг 41-ояти каримасида “Аллоҳни кўйиб, ўзга дўстлар тутгандарнинг мисоли ўзига уй тутган ўргимчакка ўхшайди. Ҳолбуки, энг заиф уй ўргимчакнинг уясидир. Кошки, билсалар эди” мазмунидаги сабок келади. Сурада иймон, ақида, мўмин ва кофир, ширк ва куфр ўртасидаги муносабатлар баён килинган. Иймон келтирган кишилар синонга дучор килиниши ҳақида суранинг ҳар оятида қайта эслатилади. Сурада Нуҳ, Иброҳим, Шуайб (а.с.)нинг киссалари хам келтириладики, бу киссалар кейинчалик бад. Асарларга асос булиб хизмат килган.

- *Шайх Мұхаммад Содик Мұхаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. Тўртинчи жуз. Т.: Шарқ НМАК, 2008. Б.419-420.*

АНКЕТА (франузча: enquet – суриштирув) [библиография] – бирор шахс ёки гурухнинг ижтимоий ахволини баён килувчи, ўша шахс томонидан тўлдирилиши лозим бўлган ҳужжат. А. воситасида ижтимоий сурʼор орқали шахснинг қизиқиши, ижтимоий ҳолати, бирор ҳодисага муносабати, баҳолаши в.б. аникланади. А.да шахс томонидан саволга очиқ ва аниқ жавоб берилиши (1), тавсия этилган жавоблардан бирига қўшилиш-қўшилмаслиги (2) таклиф этилади. А. орқали ўкувчиларнинг бирор адаб асари ёки адабий жараёндаги муҳим асар ва нашрларга муносабати аникланиши мумкин.

- *Грушин Б.А. Митеия о мире и мир митений. М., 1967.*

АНКЕТИЛЬ-ДЮПЕРРОН – франц. олими, “Авесто” матнларини излаб топган, уни 1771 й.да тарж. килиб, франц. т.да чоп эттирган.

АИНА АХМАТОВА – к.: Ахматова, Анна.

АИНАЛЛАР (лотинча: annus – йил) [адабий жараён] – йилма-йил энг муҳим воқеаларни ёзib боришиб, йилнома юритиш. Узбекча йилнома, русча летописга тенг тушунча. Рим тарихчиси Корнелий Тацит (II аср)нинг “А.лар” асаридан кейин оммалашган. Дастлаб оқ ганч б-н коиланган тахтачаларга ёзив кўйилган. “А.лар” (117)да Рим тарихи Октавиан Августнинг ўлими воқеасидан бошланиб (14), милоднинг 68 й.гача бўлган тарихий воқеаларни қамраб олган. Юнон тарихчилари Квинт Пиктор, Л.Цинций Алимент, М.Порций Катон йирик А. тузишган. М.а. 387 й.да Римдаги ёнгин туфайли А.

йуколиб кетган, уни м.а. 130 й.да кишиларнинг хотиралари буйича кайта тиклашган. Дастрлабки “Йирик А.лар” түплами (80 ж.) ўша даврда тузилган. VI асрдан черковларда А. юритилган. Айрим давлатларда шу номдаги йилномалар тузилган. Кичик А.да оила доирасидаги, айрим сулолалар тарихидаги воқеалар баён килинган.

- ◆ *Тацит К.* Анналы / Историки античности, т.2. М.: Правда, 1989. С.308-410.
- *Люблинская А.Д.* Источниковедение истории средних веков. Л., 1955; История всемирной лит.-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.439.

АННАЛИСТ (лотинча: *annus* – йил) [диншунослик] – Қад. Римда ва католик чекрвларида йилнома юритувчи.

АННАМАРИЯ фон Габэн (1901/4.VII–1993) – туркийшунос олима, ўзбек тили ва ад-тининг хориждаги илк тадқикотчиларидан. Мёрхинген (Олмония) ш.да туғилган. Берлин ун-тида таҳсил олган. В.Банг туркология мактабининг аъзоси. Дастрлаб синология (хитойшунослик) б-н шуғулланган, қад. уйғур матнларини ўрганиш орқали туркийшуносликка кириб келганд. Истанбул (1929), Будапешт (1931-32), Пекин (1935-37), Анкара (1963-64), Токио, Киото (1963, 1975), Сиэтлл (1975) ун-тларида ишлаган. “Туркий Турфон матнлари” (10 ж.)ни нашрга тайёрлаган. Қад. туркий матнларнинг тил, услуб ҳусусиятларини ўрганиб, “Қад. туркий т. грамматикаси” (1941, 1950), “Ўзбек т. грамматикаси” (1942), “Қад. туркий т. ёдгорликлари” (Берлин, 1950), “Туркий т.лар тавсифи” (Лейден, 1963), “Марказий Осиёдаги туркий т.лар” (Лейден, 1963), “Сўғд ёзувидаги туркий матнлар” (Будапешт, 1976) каби юзда б тадқикотлар эълон қилган. Ўзбек ад-тига доир “Марказий Осиёдаги турк ад-тлари (исломга қадар)” (Лейден, 1963), “Қад. турк ад-ти” (Виесбаден, 1964), “Бобурнома” миниатюралари” (Москва, 1960), “Ўз-н санъати” (Ленинград, 1972), “Хозирги ўзбек ад-ти хрестоматияси” (Виссбаден, 1983) каби китоблар муаллифи. Таржимон сифатида “Ўзбек халк эртаклари”, “Девону луготи-т-турк”, “Кутадғу билит” асарларидан намуналарни олмон т.га ўғирган, Фитратнинг “Ҳинд ихтиолчилари” драмасини (Берлин, 1944) нашр килдирган.

- ◆ *Annetmarie von Gabain.* Özbekische Grammatik. Leipzig, 1944; Miniatures of Baburnama. Москва, 1960.
- *Фозилов Э.И.* Великая женщина – тюрколог мира и ориенталист XX века / Turcologica, III. Т.: Vektor-Press, 2010. С.361-375.

АННОМИНАЦИЯ (лотинча: ўзгариш) [лингвопоэтика] – зарурый ўзгариш; бир бүгин таркибида ҳарфларнинг ўринини алмаштириш орқали мазмунни карпи томонга буриш. Mac., лотинча: *amens* – жинни, аклдан озган; *amans* – севиб колган. Шеъриятда “телбаларча севиб колган” ўрина юкоридаги сўзларнинг ўрин алмашган шакли кўлланилади.

- *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.* Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.55.

АННОТАЦИЯ (лотинча: *annotatio* – кайд) [библиография] – бирор китобнинг киска тавсифи, баёни. Нашрнинг ихчам баёни бўлиб, муаллиф (таржимон) ёки ношир томонидан тузилади. А. қўлёзма ва маколанинг асосий мазмуни ифодаланган киска шаклидир. А. умумий тавсифий тарзда ёки тавсия этувчи характерда бўлади. А. максадига кура асарга баҳо бериши, бирор тақриздан парча келтириши, ад-тта ҳавола қилиши ва муал. ҳақида маълумот бериши ҳам мумкин. А. нашр этилаётган асар ҳақида дастлабки маълумот бўлгани учун адабий, илмий нашрларга ва қўлёзма хукуқидаги асарларга тузилади. А. илмий ишларга тузилганда мавзунинг долзарблиги, илмий-назарий киммати ва албатта, тахлил усули курсатилади. А. мазмуни ва сифатига наприёт масъул бўлиб, одатда 600 ҳарфий белгигача бўлган ҳажмда тузилади.

- Шамурин Е.И. Методика составлений аннотаций. М., 1959; Мильчин А. Издательский словарь-справочник / Электронное издание М., 2006.

АНОКОП [поэтика] – шеърий санъят ифода воситаларидан. Мисра ёки байт сўнгига бирор сўз ёки бўгиннинг тушиб қолиши. Mac., М.Светловнинг “Гренада” шеърида

И мертвые губы шепнули: Грана...

Ушел мой товарищ и песню унёс.

Таржимаси:

Улик лаблар шивирладилар: Грана...

Дустим кетди ва қўшикни олиб кетди

- Борев Ю. Энг-кий словарь эстетики и теории литературы.. М., 2008. С.78 (эл.версия).

АНОМАЛИЯ (юононча: *anomalia*, лотинча: *anormitas* – меъёрдан чекиниш, қоидага тўғри келмаслик) [герменевтика] – ижодий янгилик, ижод жараённида анъанавий айрим қоидаларнинг учрамаслиги. Шахснинг аклий ва ҳиссий ривожланишида мъёрдан четта чиқиш. Авангардизм оқимида А. тарихий анъаналардан чекинишdir.

- Власов В., Лукшина Н. Авангардизм, модернизм, постмодернизм / Малый лексикон искусства. СПб.: АЗБУКА Классика, 2005. С.34 35;

АНОНИМ (юононча: *anonimos* – исмсиз) – [адабий жараён, матншунослиқ] муаллифи яширинган асар ёки муаллифи номаълум, илмда бу хусусда бир тўхтамга келинмаган асар; хат ёки асарида ўз номини яширган муаллиф. Ўз даврида рус адилари А.С.Пушкин, М.Ю.Лермонтов, В.Г.Белинский в.б. имзосиз асарлар ёзишган. А.ликни саклаш учун кўпчилик адиллар тахаллус кўллайдилар. XX аср 20-й.ларида ўзбек адиллари асл исмини яшириб, турли тахаллуслар б-н ижод килишган. А. асарлар ва нашрлар ҳам булиши мумкин. Mac., “Абушка” лугати. Муал.и номаълум, лугатнинг изоҳ килинаётган биринчи сўзи “абушка” (кари) бўлгани учун лугат шу ном б-н юритилган, асл номи кам кўлланилган. Халқ оғзаки ижоди намуналарида, одатда, А.лик хусусияти бўлади.

- Геннадий Г. Список русских анонимных книг с именами их авторов и переводчиков. Спб., 1874; Масанов И.Ф. Словарь псевдонимов русских писателей, учёных и

общественных деятелей, т.1-4. М., 1956-60; В мире псевдонимов, анонимов и литературных подделок. М., 1963; Елисеев И.А., Полякова Л.Г. Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.12; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.24; Белокурова С.П. Словарь лит-ведческих терминов. СПб.: Паритет, 2006. С.19; Борев Ю. Словарь терминов текстологии и генетической критики. М., 2011. С.27.

АНОНИМЛИК (юонча: апонумос – исмисиз) [фольклоршунослик] – фольклор хусусиятларидан бири, асар муаллифи номининг маълум эмаслиги. Эртак, достон, халқ қушиклари, мақоллар, топишмокларни ким томонидан яратилгани ва биринчи булиб ким айтгани номаълум. Давр ўтиши билан фольклор асарининг ilk муаллифлари ёддан кутарилиши, асар оғзаки равишда оғиздан-оғизга ўтиб бориши билан айрим ўзгаришларга дуч келиб, бирламчи вариантдан ўзгариши хам мумкин. Шунинг учун оғзаки ижод намуналарини ўрганиш жараёнида мана шу хусусиятни унутмаслик лозим бўлади.

- И момов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Узбек ҳалқ оғзаки поэтик ижоди. Т.: Ўқитувчи, 1990. Б. 4-14; Аникин А. Теория фольклора. М.: Изд. МГУ, 2008; Мадаев О. Узбек ҳалқ оғзаки ижоди. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2013. 35-37.

АНОНИЯТ (арабча: انسان – менлик) [тасаввуфшунослик] – худбинлик, “мен” деб ўзини баланд кўйиш, факирликнинг акси, тавхидга тесскари тушунча. Бундан ташкари, “мен” тушунчасига тааллукли нарсалар: “менинг молим”, “менинг кучим”, “менинг рухим”, “менинг нафсим”, “менинг юрагим” каби. Шахс вужуди ва борлигига тегишли нарсалар аноният бўлиб, тасаввуфда соликнинг вазифаси аноният (менлик)ни йўқотиб, Ҳақ дарёсига фарқ бўлиш. Инсоний “мен” буткул маҳв бўлиб, илохий “Мен”га қушилиши лозим. Навоий ёзади: “Тавба... аноният гафлатидин сесканмакдур ва баширият уйқусидан уйғонмакдур” (“Маҳбуб ул кулуб”, Б.47).

- Сажжодий С.Ж. Ирфоний истилоҳлар ва иборалар лугати. Техрон: Сах. 22; Uludağ S. Tasavvuf Terimleri Sözlüğü. İstanbul: Kabalcı Yayınevi, 2005. S.19.

АНОНС (французча: apponce – эълон) [респектив эстетика] – олдиндан хабар бериладиган киска афиша эълони. А. бирор концерт, спектакл в.б.нинг олдиндан бериладиган рекламаси тарзида шаклланган. А. айрим спектакллар бошланишида маҳсус реклама тарзида машҳур адиллар томонидан пьесанинг айрим лавҳаларининг берилиши ҳамdir. А. ад-тда янги чоп этилаётган ёки нашрдан чикқан асар ҳакидаги оммабоп хабар. А. субъекти асар муаллифи томонидан белгиланади, яъни асарнинг бошланишида ёки муаллиф сўз бошисида у ҳакда А. бериши мумкин. Автобиографик асада А. субъекти ёши улғайган киши бўлса-да, у боланинг «мен»и номидан воксаларни баён килиши мумкин. Бу ўринда муаллиф (ёши улуғ киши) А.лаш субъекти бўлса, асар қаҳрамони (бала) А. субъекти деб юритилади. Демак, мантиқан А. ва А.лаш бир ҳодиса эмас. Баён агар учинчи шахс т.дан олиб борилса, А. ва А.лаш субъекти яширинган бўлади.

- Cuddon J. A. The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. London: Penguin Books, 1991; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энцик. словарь. М.: Асель-Аст, 2003. С.29.

АНОР (1938 й.т.) – озарбайжон адиби. “Азербайжан” журн. бош мухаррири. Озарбайжон Ёзуучилар уюшмаси раиси.

Илк хикояси 1960 й.да “Азербайжан” журн.да, илк китоби 1964 й.да чоп этилган. “Ок бандаргох” (1967), “Беш каватли уйнинг олтинчи кавати” (1979) “Алоқа” каби киссалар муаллифи. “Мулла Нариддин – 66” (1970), “Одамнинг одами” (1977) каби наср ва драматургия китобларини ёзган. Сатирик йуналишдаги “Мулла Насриддин – 66” (1970), драматик асарларининг мажмуаси бўлган “Инсонларнинг инсони” (1977) тўпламлари чоп этилган. “Сизсиз” роман-икрономасини шоир Расул Ризо ва Ниғор Рафибейлига бағишилаган. Ўз-нда “Қора лимузин” китоби нашр килинган, “Ҳазил” (“Каравелли”) мусиқали драмаси саҳналаштирилган.

- Анар. Контакт. Повести. М.: Сов. писатель, 1980; Қора лимузин. Ҳикоялар. Т., 2012.
- Рустамова А., Набиев Б., Караев Я. Азербайджанская литература. Баку: Элм, 2005. С.434-35.

АНОРБОЕВ, Суннатулла (1922–2003) – ўзбек адиби ва публицисти. Жан. Қозогистоннинг Қарнок кишлогоғида туғилган. Наманган пед. техникумida, Низомий номидаги Тошкент пед. ин-тида ўқиган. II жаҳон уруши катнашчиси. 1949 й.дан “Совет Ўзбекистони”, “Правда Востока” газ.лари, “Шарқ юлдузи” журн., “Ёш гвардия” ва Faфур Ғулом номидаги Ад-т ва санъат нашириётида ишилаган.

Асарлари 1949 й.дан чоп этила бошлаган. “Ҳикоялар” тўплами (1957), “Мунавварнинг тақдирি” (1964). “Қизил ёнғок дарахти” (1971), “Наврӯз” (1973), “Мехр” (1974), “Арҳарлар сузади” (1982), “Сайрибог қушлар” киссаларини ёзган. “Оксой” (1962), “Сайли” (1979) романлари муаллифи. Болалар учун “Хайр, боғчажон-боғча” (1962), “Туртқўзнинг бошидан кечиргандарли” (1963) китоблари нашр этилган.

- Inagamov R. Anarbayev, Sunnatulla / Türk Dünyası Edebiyatçıları Ansiklopedisi. Ankara, 2002. S.393.

АНОСИРИ АРБАЙ – қ.: Тұрт унсур.

АНРИ БАРБЮС – қ.: Барбюс, Анри.

АНРИ МИШО – қ.: Мишо, Анри.

АНСАМБЛЬ (французча: ensemble – бирга, бирданига) [эстетика, меъморчиллик] – йигипди, жамланма. Меъморчиллик ва ш.созлиқда бир-бирига уйғун курилган иморатлар ёки иншоотлар мажмуаси. Рассомлик ва декорация санъатида бир йуналишдаги асарлар йигиндиси. Мусикада вокал ёки чолгу мусиқаси асарини бир неча ижроци томонидан ижро этилиши. А.

декорация санъатида бир йўналишдаги асарлар йигиндиси. Мусикада вокал ёки чолғу мусиқаси асарини бир неча ижрочи томонидан ижро этилиши. А. созанда ва оркестрнинг кичикрок гурухига мўлжалланган мусика асари. Опера, оратория ва кантаталарнинг бир кисми. Мусикада ижрочилар сонига караб дуэт (2), трио (3), квартет (5), секстет (6), септет (7), октет (8), нонет (9 киши)дан иборат чолғучилар ёки қўшиқчилар гурухи. Артистлар ёки санъаткорлар гурухи маъносида ҳам кўлланади. Мак., “Бахор” ансамбли (1957), Макомчилар ансамбли каби.

- Первая книжка о музыке. М., 1977; Акбаров И.А. Музыка лугати. Т.: F.Гулом номидаги нашр., 1987. Б.17-18.

«АНСОБУ-С-САЛОТИН ва ТАВОРИХУ-Л-ХАВОҚИН» (Султонлар наслаблари ва хоконлар тарихлари) – Мирза Олим Мушриф ибн Мирза Раҳим Тошкандий асари (1310/1901). Кўкон хонлиги тарихи акс этган ушбу асар муаллифи Худоёрхон саройида мунший (котиб) бўлиб хизмат килган. Асар Худоёрхон вафоти (Афғонистоннинг Курух кишлогида)дан сўнг ўзбек ва форс т.ларидан ёзилган. “А.с.” Муқаддима, Олтин Бешик афсонаси, Шералихонга кадар ўтган Кўкон хонлари, Шералихоннинг таҳтта чикиши, Худоёрхоннинг таҳтта чикиши, иккинчи марта ўз таҳтига эришуви (1279/1863), Султон Сайидхон тарихи, Худоёрхоннинг учинчи бор таҳтни эгаллаши ва унинг сафарлари, Насириддинхон ибн Худоёрхоннинг таҳтта чикиши, чор лашкарларининг Учтепага кириши ва Фарғонани босиб олиши ҳамда муаллифнинг ўз тарихи кисмларидан ташкил топган.

ЎзРФАШИда асарнинг 1314/Л, 3753/Л, 9841, 7515, 12922/Л ракамлари б-н сакланувчи турли кўлёзмалари мавжуд. “А.с.” тарихчи С.Йўлдашев томонидан рус т.га тарж. қилинган.

- ◆ Мирзаолим Мушриф. Кўкон хонлиги тарихи. Т.: F.Гулом номидаги нашриёт, 1994; Мирза Алии ибн Мирза Раҳим Тошканди. Аслаб ас-салатиҳ ва таварих ал-хавакин (Генеалогия султанов и история хаканов) / Пер. примечания и указ. С.Юлдашева. Т., 2007.

АНСОЖ ИЛМИ (арабча: انساج) – тиббиётга доир инсон бадани тарбияси тўғрисидаги назарий илм. Бундан ташқари, инсон баданини ўрганувчи *Ташриҳ илми* (инсон организми аъзоларининг тузилиши ва таркиби) ва *Манофеъу-л-аъзо* каби ҳар бир аъзонинг таркиби ва характеристики ўрганувчи илмлар мавжуд. Бу уч илм инсон вужудидаги ҳар бир аъзо ва зарра (хужайралар)ни изчил ўрганади. Мана шу илмлар асосида жарроҳлик амалиётлари тараккий этган.

- Фитрат. Раҳбари нажот. Т.: Шарқ НМК, 2001; Асарлар. 5-ж. Т.: Маънавият, 2009.

АНСОРЛАР (арабча: الشفاعة – ёрдамчи) [тасаввуфшунослик] – Мухаммад пайғамбар (с.а.в.) ҳижрат қилганида, яхши кутиб олиб, бошпана берган Мадина мусулмонлари, кейинчалик уларнинг ёрдамчилари, сахобалари (сұхбатдошлари). Дастрлаб Маккадан Мадинага ҳижрат қилган мұхожирларга ёрдам берган ва исломни қабул қилган мадиналиқ Авс ва Ҳазрәж кабилалари аъзоларига нисбатан кўлланилган. Навоий асарларида ҳам худди шу маънода кўлланилган:

*Динга етиб раҳна чу күффордин,
Саддига нусрат күрууб ансордин.*

(“Хайрату-л-аброр”)

А. Бадр жангидан эътиборан мухаммадийлар каторида бўлган. Пайгамбар вафотидан сўнг А. ўз қабиласидан халифаликка номзод тавсия этишган, бироқ муҳокамада уларнинг номзоди қабул этилмаган. Қуръони каримда А. хусусида “Улардан (мухожирлардан) илгари (Мадинадек) диёрда яшаган ва имонни саклаганлар (ансорлар) эса ўзлари (ёнлари)га ҳижрат қилиб келган кишиларни сўйгайлар ва дилларида уларга берилган нарса (ўлжалар) сабабди ҳасад сезмаслар ҳамда ўзларида эҳтиёж була туриб, (эҳсон қилипда бошқа муҳтожларни) ихтиёр қилурлар” (Ҳашр сураси, 9-оят) дейилган. “Саҳихи Бухорий”да Аю ҳакида юздан ортиқ ҳадислар келтирилган.

- Ансорларнинг маноқиблари ҳакида китоб / Саҳихи Бухорий. Ал-жомиъ ас-саҳих. Иккинчи жилд. Т.: ЎМЭДИН, 2008. Б.675; Сажсжодий С.Ж. Ирфоний истилоҳлар ва иборалар лугати // Сино. 2010. № 37-40. Б.173-174.

АНТАБА (олмонча: handhabe – туткич) [эстетика, амалий санъат] – эшик туткичлари, зулфинларга турли хил ҳайвон шаклини бериш. Мас., шер ёки бури калласи каби туткичлар ясаш. А. ад. Насрга ҳам кўчган булиб, у аллегорик тасвирларга кўл келади. Мас., М.Махмудовнинг “Мангу кўй излаб...” фантастик хикояси қаҳрамони ўзи ихтиро қилган дилбинни устозига каратса, унда атрофига тулкиларни туплаб олган шер тимсолини кўради.

- Борев Ю. Энц-кий словарь эстетики и теории лит-ры.. М., 2008. С.79 (эл.версия).

АНТАГОНИЗМ (юононча: antagonisma – мунозара, кураш) [гермисентика] – қарама-каршилик, зидлаштирув шаклларидан бири. И.Кант, А.Шопенгауэр асарларида А. диннгуносликда икки куч – Эзгулик ва Ёвузликнинг ўзаро зид келиши маъносида кўлланилган. Шуролар даврида икки тузум (капиталистик ва социалистик), икки синф (ишчилар ва эзувчилар), икки мулкчилик (давлат ва хусусий) шакллари ўзаро зидлаштирилган. А. гояси б-н сугорилган қаҳрамон антагонист деб юритилади, унга зид бўлган қаҳрамон эса протагонистдир. Антагонист гарб модерн ад-тида доимий салбий маъно ташиган ўлим, шайтон, касаллик, ёвуз рух каби тимсолларга нисбатан кўлланилади.

- Cuddon J.A. The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. London: Penguin Books, 1991; Abrams, M. H. A Glossary of Literary Terms. 6th edition. Fort Worth: Harcourt Brace College Pub., 1993 [Now superseded by later editions]; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.29, http://web.cn.edu/kwheeler/lit_terms.html

АНТАЛИЯ – к.: Онадули.

АНТАНАКЛАСИС (юононча: сўзларнинг зид маънода кўлланилиши) [поэтика] – поэтик воситалярдан бири. Бирор сўз жумла бошида ёки бирикма таркибида бир маънода, жумла давомида ёки иккинчи бирикмада иккинчи маънода кўлланилиши мумкин:

У которых есть, что есть, - те подчас не могут есть,
А другие могут есть, да сидят без хлеба.
А у нас тут есть, что есть, да при этом есть, чем есть, -
Значит, нам благодарить остаётся небо.

(Р.Бёрнс / Пер. С.Маршака)

АНТАРА ибн Шаддод (VI аср 2-ярми –VII аср бошлари) – жохилдий даври араб шоири ва олими. Тўлик номи: Антара ибн Шаддод ибн Амр ибн Муовия ал-Абсий. Шеърларида инсон қалби гўзалликларини кўйлаган, кўплаб жангу жадалларда иштирок этган, лашкарларнинг жанговар руҳини акс эттирган. А.нинг афсонавий қаҳрамонликлари ҳакида касидалар битилган. Асмойига нисбат борилувчи “Антара саргузаштлари” (VIII) ҳалқ қиссаси яратилган. Суриялик олим Абу Убайда (728-825) томонидан “Сийрату-л-Антара” номи б-н эпопея жамланган. Бу роман сажъ усулида ёзилган ва таркибидаги 10 мингдан ортик назм намуналари мавжуд. 1869 й.дан романни тўла 32 ж.да нашр килилга киришилган.

- Жизнь и подвиги Антары (Сират Антара). М.: Наука, 1968.
- Крымский А. Арабская лит-ра в очерках и образцах. М., 1911; Крачковский И.Ю. Изб. соч., т.3. М.-Л., 1956.

АНТЕЙ (юононча: anteus – йирик, буюк) [мифология] – кад. юонон мифологиясида Ливияни эгаллаган паҳлавон, Посейдон ва Гея (Ер)нинг фарзанди. Маглубиятга учрамаган қаҳрамон тимсоли. Геракл Гесперид йўлида А.ни учратган, уни срдан узиб (оёғи срдалик пайтида унга ҳеч жонзот бас келолмаган), ҳавода бўғизлаган. Бу вакеага бадиий асарлар багишланган, санъат асарларида Гераклинг А. устидан ғалабаси акс эттирилган.

- Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.84.

АНТИАНАКРУЗА – к.: Анакруза.

АНТИБАКХИЙ (палимбакхий) [поэтика] – антик шеър ўлчови. Бир стопа 5 мор, яъни икки чузик ва бир киска ҳижодан иборат (схемаси: – – v) ёки унинг акси (схемаси: v – –)дан иборат шеър шакли. Рус шеъриятида уч чузик ҳижо (---) ҳам А. бўлиб келиши мумкин.

АНТИГЕРОЙ (французча: anti-hero – қаҳрамон зидди) [поэтика] – бадиий образ турларидан бўлиб, ўзида мутлақ салбийликни ташиган типларга нисбатан кўлланилади. А. персонаж эмас, балки асарнинг етакчи қаҳрамонларидан бирига нисбатан айтилади. Бундай қаҳрамон, одатда, бопи ижобий қаҳрамонга зид бўлган, яъни ута салбий типдир. А. сифатида ноконуний тутилган ворислар ёки етимлар образи ҳаракатда бўлади. Сюжет линияси эса, молиявий можаролар асосига курилади. Лекин қаҳрамонни А. булиши учун бу кифоя эмас. А. Европа ад-тида Уйғониш даврининг охирида вужудга келган, рус ад-тида эса, XIX аср иккинчи ярмидан фаоллашган.

Мас., Ф.Достоевскийнинг “Жиноят ва жазо” асаридаги Лужин, А.Фадеевнинг “Тор-мор» романидаги Мечик, А.Битовнинг «Пушкин уйи» асаридаги Лев Одоевцев в.б. XX асрда А.нинг ёркин мисоли тарикасида П.Элиотнинг “Мұхабbat күшиги” (1917)даги Пруфрок, Ж.Жойснинг “Улисс” (1922) романидаги Леопольд Блум, А.Миллернинг “Коммивояжер үлеми” (1949) қаҳрамонларини күрсатиш мүмкін. “Антитеатр”, “антироман” оқимига мансуб асарлар қаҳрамонларига нисбатан ҳам А. истилохи күлланилади.

- Cuddon J.A. The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. London: Penguin Books, 1991; Abrams, M. H. A Glossary of Literary Terms. 6th edition. Fort Worth: Harcourt Brace College Pub., 1993 [Now superseded by later editions]; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асель-Аст, 2003. С.29-30; http://web.cn.edu/kwheeler/lit_terms.html

АНТИГОН (м.а. 50) – қад. юнон файласуфи, санъат масалалари б-н шүгүлланган.

- Гильберт К., Кун Г. История эстетики / Пер. с англ. М.: Изд. иностр. лит-ры, 1960. С.116.

АНТИГОНА [мифология] – юнон мифологиясига қура, маъбуллар иродаси б-н гуноҳ иш қилиб күйган Фива ҳукмдори Эдипнинг кизи. Софокл трагедияси қаҳрамони, Эдип ўз опаси Иокастага уйланганида туғилган. Тақдир ҳукмидан кутула олмаган Эдипнинг кизи Фивага келгач, амакиси шоҳ Креонтнинг таъкибига қарамасдан акаси Полиникнинг мурдасини яширинча дағн қиласы. Бу қылмиши учун зиндонга ташланади ва у жойда А. узини ўлдиради. А. тимсолида ўз кариндошларига содиқлик, оиласыв бурчга садокат, мұхабbat мотивлари күйланган. Софоклнинг “Эдип Колонада”, “Антигона” трагедиялари шу мавзуда. А. мавзуси Европа драматургиясига XVII асрдан қайта жонланган. Ж.Ротру, Ж.Расин, Ф.Гёльдерлин, Ж.Ануй, Б.Брехт в.б. А. ҳакидаги асарлари мавжуд.

- Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.84; История всемирной литературы, т.1. М.: Наука, 1983. С.439.

АНТИК (юнонча: antiquitas эски, күхна) – кенг мъянода қад. давр жамияти, маданияти, ад-ти ва санъатига нисбатан күлланилади. Тор мъянода қад. юнон (эллинизм даври б-н бирға) ва қад. Рим маданияти, ад-ти ва санъати назарда тутилади.

~ *адабиёт* – Европа ёзма ад-тининг бошланғич даври, бадий тафаккур босқици. Юнонистанда м.а. IX–VIII асрларда юзага келган ёзма ад-т. А.а. асосчиларидан бири Гомер “Илиада” ва “Одиссея” асарларыда маъбуллар киёфаси юнон диний әзтикодларининг акси сифатида тасвирланган. А.а. қаҳрамонлари (маъбуллар) бадий умумлашма сифатида эмас, хәстда күринган кишилардай тасвирланган. А.а.да асосий адабий тур сифатида эпос ва драма шақыланган, лирика фактада жанрлар доирасида тараккий эттан. Сатира эпик планда эмас, балки лирик миқседа ижодкорнинг борлыққа

субъектив муносабатини ифодаловчи тарикасида юзага чикқан. А.а. сатира инсоннинг ички ва ташки дунёси гармониясининг бузилишига карши йўналган. А.а.да драманинг фожиа, комедия жанрлари устуворлик килган. Фожиа инсоннинг ҳали англаб етмаган табиат ва илохиёт сирлари, тақдир хукми б-н тўкнашуви натижасида содир бўлган. А.а.да эпос, асосан, бадиий тафаккур тараққиётига эмас, балки мифик тафаккур асосига курилган. Мифик тафаккур нафакат асарнинг гояси, балки воқеалар ривожи (сюжети) ва асарнинг курилиши (композицияси)ни ҳам белгилаган. Шунинг учун ҳам маъбуд ва маъбудалар худди муайян давр кишилари сингари бадиий асарда иштирок килган. А.а.да бадиий характер шаклланди, у гарчи тулиқ индивидауллашмаган бўлса ҳам тақдир хукмига қарши курашувчи инсон даражасига кутарилган.

- Алимұхамедов А. Античный мир / Боннер А. Греческая цивилизация / Пер с франц. в 3-х т. М., 1959-62; Аристотель и античная литература / Сб. М., 1978; Аверинцев С.С. Древнегреческая поэтика и мировая литература / Поэтика древнегреческой литературы. М., 1981; Борев Ю. Эстетика. Теория литературы. Энциклопедический словарь. М.: Асель-Аст, 2003. С.32-35.

~ **банд (строфа)** – антик шеъриятда фаол кулланилган банд тури. Одатда тўрт мисра ёки иккита икки мисрали ўзаро кофияланмаган банд булиб, турли улчовдаги шеърлар орасида тақрорланиб туради. Антик адабиёт намуналарининг тарж.си ва стилизацияси пайтида ишлатилади. Яна к.: антистрофа.

- Гаспаров М. Античные строфы. / Словарь лингвистических терминов. Сост. Л.И. Тимофеев, С.В. Тураев. М.: Просвещение, 1974. С.19-20.

~ **давр** – кад. Юонон ва Рим ад-тининг тараккий этган даври, м.а. минг йилликдан милодий V асрга қадар давом этган. А.д. асарларида каҳрамонлик, очик характер, тақдир хукми, гайриоддийлик каби хусусиятлар акс этган. А.д. Юнонистонда мил. аср бошлирига келиб сусайган. Искандарияда давом этган эллинизм даври ад-ти ҳам А.д. тушунчаси таркибида ўрганилади. Кад. Рим ад-ти А.д. нинг якуний босқичи булиб, мил. V асрларгача давом этган.

- Боннер А. Греческая цивилизация / Пер с франц. в 3-х т. М., 1959-62; Алимұхамедов А. Античный мир / Боннер А. Греческая цивилизация / Пер с франц. в 3-х т. М., 1959-62; Аристотель. Соч.: в 4-х т., т.1. М., 1975; Аристотель и античная литература / Сб. М., 1978; Аверинцев С.С. Древнегреческая поэтика и мировая литература / Поэтика древнегреческой литературы. М., 1981; Борев Ю. Эстетика. Теория литературы. Энциклопедический словарь. М.: Асель-Аст, 2003. С.37-38; Бойназаров Ф. Античный мир. Т., 2006.

~ **шеър** – кад. юонон ва рим шеъриятидаги метрик шеър тузилиши булиб, чўзик ва киска бугинларнинг ўзаро алмашиниши асосига курилган. Чузиқлик улчови мора дейилади. Киска бўгин – бир мора, чўзик бўгин – икки морага тенг. Чузиқ ва киска бугинларнинг туркуми (гурухи) стопа дейилади. А.ш. нинг уч туркумлиги – ямб, хорей, трибрахий; турт туркумлиги – дактил, спондей; беп туркумли – бакхий, антибакхий, кретик; олти туркумли –

молосс, хориямб, антиспаст ва икки ионика; етти туркумли – эпитритдан иборат. Ҳар бир стопада кучли ўрин – арсис, кучсиз ўрин – тесис деб юритилади. Мисра бир хил стопалардан иборат бўлади. А.ш. кўпинча эпос ва драмада қўлланилган.

- Боннер А. Греческая цивилизация / Пер с франц. в 3-х т. М., 1959-62; Аристотель и античная литература. Сб. М., 1978; Аверинцев С.С. Древнегреческая поэтика и мировая литература / Поэтика древнегреческой литературы. М., 1981; Елисеев И.А., Полякова Л.Г. Словарь лингвистических терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.14; Борев Ю. Эстетика. Теория литературы. Энциклопедический словарь. М.: Асель-Аст, 2003. С.32-35.

– **эстетика** – Антик даврда гўзаллик тушунчаси аниқ фанлар б-н шугулланувчи олимлар томонидан шарҳланган. Улар таълимотида эстетик тафаккур космогония б-н боғлик ҳолда тушунтирилиб, гўзаллик табиатнинг бир бутун гармонияси таркибида кабул қилинади. Пифагор ва унинг давомчилари учун гўзаллик гармониясиз мавжуд бўлмайди, гармония эса рангбаранглик йигиндиси ва қарама-қаршиликларнинг мувозанатидир. Гераклит (м.а. 520–460) таълимотида гармония диалектик тушунча бўлиб, у борликнинг ўзгарувчан эстетик моҳиятини ўз ичига олади. Сукрот қарашларида гўзаллик тушунчаси манфаат ва фойдадан келиб чикиб баҳоланди (“гўзаллик – нарсанинг фойдалилигиди”). Афлотун гўзалликни абадий гоя сифатида кабул килди ва ўзгараётган дунёда нарсаларнинг хиссий асоси сифатида талкин этди. Абадий рухнинг моҳиятини англаш мумкин бўлгани каби гўзалликни ҳам тушуниш мумкин. Гўзалликни тушуниш алоҳида завқ багишлайди. Эрос – илохий муҳаббат дунё, ҳақиқат, гўзаллик моҳиятини тушунтириш учун харакатидир. Афлотун эстетик категория сифатидаги гўзалликни фалсафий категория даражасида англатмоқчи бўлди. Арасту таълимотида, гўзаллик абсолют гоя б-н сугорилган ҳолда талкин этилди. У гўзалликни “буоқлик ва интизом”да курди. Барча инсоният фитрати б-н яратилажак гўзаллик улуғворлик касб этиши, шу б-н бирга инсониятнинг ижодий меҳнати маҳсули эканини тушунтириди. Арасту назарида гўзаллик эзгуликка хизмат килиши б-н буюkdir. Яна к.: Арасту эстетикаси.

- Боннер А. Греческая цивилизация / Пер с франц. в 3-х т. М., 1959-62; Лосев А.Ф. История античной эстетики. Софисты, Сократ, Платон. - М.: Искусство, 1969; История античной эстетики: в 2 кн., М., 1963-80; Алимухамедов А. Антик ад-т тарихи. Т., 1969; Античные мыслители об искусстве. М., 1987; Аристотель и античная литература. Сб. М., 1978; Поэтика древнегреческой литературы. М., 1981; Борев Ю. Эстетика. Теория литературы. Энциклопедический словарь. М.: Асель-Аст. 2003. С.35-37; Болтабоев Х., Маҳмудов М. Адабий-эстетик тафаккур тарихи. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2013.

АНТИКВА (латинча: antiquus – қадимги) [матншунунослик] – антик давр ёзиш услугига якин ҳарф (шрифт), белги. Бу белги Рим архитектура шрифтлари асосида шаклланган. Рим ад-тига тегишли матнлар сарлавҳаларини ёзишда ва китоб графика ҳамда титулларида хозир ҳам А.дан фойдаланилади.

- Рейсер С.А. Палеография и текстология нового времени. М.: Просвещение, 1970. С.329;

АНТИКРИТИКА (юонча: anti – қарши, зид; kritik – танқид) – [адабий жараён] танқидга эътиroz. Муаллифнинг ўз асари ҳакида билдирилган мулоҳаза ва такризларга рози эмаслиги.

АНТИКЛЕЯ (юонча: кадимги + она) [мифология] – юонон мифларига кўра Одиссейнинг онаси. Одиссейнинг қайтишини кутиб, изтиробда вафот этган. Ад-тда дардқаш она тимсоли. Ж.Жойснинг “Улисс” (Одиссейнинг лотинча исми) романи персонажларидан бири.

АНТИЛЕГОМЕНА (юонча: anti – қарши, зид) [поэтика] – муаллифи мунозарали матнлар. Бирор бад. асарнинг муаллифлиги барча илмий ва адабий жамоатчилик томонидан бирдай қабул килинмаган матнлар А. дейилган. Mac., Лонгинга нисбат берилган “Юксаклик ҳақида” (“О Возвышенном”) рисоласининг муаллифи аниқ тұхтамға келинмагани учун у Ісевдо-Лонгин мұаллифлигіда напр қилинган. Шу каби ўзбек ад-тида илгари Лутфийга нисбат берилган “Гул ва Наврӯз” достонини ҳам шундай А. матнлар сирасига киритиш мүмкін.

- Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.56.

АНТИЛОХ (юонча: шахар номи) [кадимшунослик] – Тошкент вилоятидаги қад. Қанғ давлатига юоннлар томонидан берилган ном (хитойлікларда) гаочзлар. Унинг пойтахти ҳоз. Тошкент ш.дан 70 км. нарида жойлашган. А.нинг пойтахти бундан иккى минг йил мұқаддам фаолиятда бўлган. Шахар арк, шахристон ва работдан иборат бўлган. Аркда ҳукмдор ва амалдорлар, шахристонда хунармандлар ва работда дехқончилик ва чорвачилик б-н шуғулланувчилар яшаган. Тошкент воҳасида А.ликлар З минг киши бўлган. Араблар истилоси давригача қанғликлар мажусий бўлган ва ўтда сиғинганлар. Мўғуллар даврида ш. ҳаробага айланган.

- Шониёзев К. Қанғ давлати ва қанғлилар. Т., 1990.

АНТИМАЗХАБ (юонча: anti – қарши; арабча: мазхаб) [теология, тасаввуфшунослик] – диний-тасаввуфий қараши. Ислом ягона диндир, унда Пайғамбар (с.а.в.) йўлидан бошка оқимлар бўлиши мумкин эмас. Мазҳабчилар қарашларига асос бўлган Абу Ҳанифа, Имом Молик, Имом Шофий в.б. ҳеч бири менинг ортимдан эргашинглар демаганлар, аксинча, уларнинг барчаси Мухаммад пайғамбар (с.а.в.) йўлини туттганлар деган қараш тарафдорлари. Мазҳабчиллик мусулмонлар орасининг бузилишига олиб келади. А.чилар Жалолиддин Румийнинг “Мен 72 мазҳабчилар б-н биргаман” сўзларини ташвиқ этадилар. Уларнинг назарида, ижтиҳод қилиб, бирор бир мазҳабга кўшилиш нотўри. Чунки исломнинг ичидаги юзага чиккан фитна ва ички урушлар мазҳаблар айримаси туфайлидир. Шунинг учун ҳам мазҳабларга кўшилмаслик ҳақида фатво беришган. Кейинги давр А.чилари

ягона бир мазхабга бирлашишликкни ташвик килгандар. Изуддин Абдусалом, Ибн Қойим, Иби Ҳумом в.б. А. чилик ғоясини тарғиб килишган.

• Юсуф Ҳаттар Мұхаммад. Эңц-я суфизма. М.: Ансар, 2005. С.382-402.

АНТИМАХ, Колофонык (м.а. V) – юон шоири. Гомер эпоси йүлида “Фиваид” достонини ёзган. “Леда” достонида мифлар севги мотивлари б-н бирлаштирилген. Яъни асар эпик гекзаметр б-н эмас. элегия дистихи б-н ёзилган. Искандария мактаби шоирлари эпик поэзияда Гомердан кейинги иккинчи уринга А.ни құядылар.

• История греческой лит-ры / Под ред. С.И.Соболевского, т.3. М., 1960; История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.404, 409, 410, 412, 465.

АНТИМЕТАБОЛА (юонч: antimetabole – үзаро алмашиниш, үзариш) [поэтика] – бир тартибда турган мисранинг бошқа үринде иккинчи бир тартибда күлланилиши.

АНТИНОМИЯ (anti – зид, nomos – конун: қонунлардаги зиддият) [герменевтика] – конунлардаги бир вөке ҳақидаги мантикий икки ҳолатнинг үзаро зид келиши. А. термини олмон файласуфи Р.Гоклениус (1613) томонидан истеммолга киритилген. И.Кантнинг машхур “нарса үзида” таълимотида А. асослаб берилген. Унингча, инсон акты оламнинг мөхиятини билмокчи бұлса, бир-бирига зид холосаларга келади. Бу жарасыда 4 та А. вужудға келади: олам чекли ва чексиз (1), ҳар бир субстанция (жавхар, асос) оддий нарсалардан тузилади ва ҳеч қандай оддий нарса йўқ (2), оламда эркинлик мавжуд ва детерминизм ҳукмронлиги бор (3), оламнинг бош сабабчиси, яратувчиси (Худо) мавжуд ва оламнинг бош сабабчиси йўқ (4). Кант таълимотида А. агностицизм б-н бөғланади. А. диалектикада ва фалсафада мавжуд ҳодиса сифатида ҳаракатдаги қонунлар сирасига киради.

• Асмус В.Ф. Философия Иммануэля Канта. М., 1957.

АНТИОХ ғевори – кад. Маргиёна (Марв) ш.ни үраб турган мудофаа ғевори. Салавийлар ҳукмдори Антиох I Сотер (Халоскор) даври (м.а.324–261 й.)да курилған. А.д. дай кабилалари ва сакларнинг ҳужумидан ҳимоя килған. Тарихчи Страбон (м.а.64–23 й.)нинг маълумотига кура, А.д. узунлиги 222–315 км узунлигига бўлған. Араб тарихчиси Истахрий (Х) асарида бу ғевор ҳаробалари “ар-Рай” номи б-н көлтирилған. А.д. қолдиклари Туркманистон археологик экспедицияси томонидан 1946 й.да ўрганилған.

АНТИПАТИЯ (юонч: antipatheiа – хуш кўрмаслик, ёқтираслик) [герменевтика] – бирор кимса ёки қарашни ёқтираслик, унга қарши туриш. Фалсафий ад-тда симпатиянинг зидди.

АНТИПСИХИАТРИЯ (юонч: қарши + рухият) [адабий жараён] – Англияда XX асрнинг 60-ий.да вужудға келған фалсафий оқим. А. истилохи Д.Купер томонидан тавсия этилған булиб, А.Эстеттон, Л.Д.Лэйиг ишларида

ривож топди. А. асосида экзистенциал анализ (Бинсвангер) ва психоанализ (Фрейд) тушунчалари ётади. Оким тарафдорларининг фикрича, психиатрия таҳлиллари шахснинг етуклиги ҳакида хабар бермайди, унинг “дунёдаги турмуши”гина руҳий ҳаётининг асосини ташкил килади. А. “психиатриядаги инқилоб”, “аклсиз психиатрия” шиорларини майдонга чиқарди. А. АҚШ (Т.Шаш), Францияга (Фуко) ёйилди. А. ҳаракати (интуитив) кечинмаси “шизофрениген оиласалар” оркали бошқа социал гурухларга кўчди. Психиатриядаги янгиланиш ва ўзгаришлар гуманитар фаолият турларига кўчиши натижасида фалсафа, адабиёт в.б.да янги психоаналитик методлар шаклланана бошлади.

- Современная западная философия. М.: ИПЛ, 1991. С.22.

АНТИРОМАН [поэтика, герменевтика] – “янги роман” маъносини англатувчи ад-тшуносликдаги шартли истилоҳ. Куп тармоқли сюжет яратиш, қаҳрамон характерининг шаклланиши, ижтимоий тафсилотлар каби мумтоз романчилик анъаналаридан чекиниш А.га хос хусусиятдир. А. замонавий экспериментал асар бўлиб, унда романчиликдаги асосий хусусиятлар акс этиши шарт эмас. Mac., инглиз адаби Б.С.Жонсон “Бахтсизлар” (1969) романини 27 кисмга ажратган ва уларни муайян кетма-кетликда эмас, исталган тартибда ўқишини тавсия этган. Модернизм ад-тида XX аср 40–50 й.да С.Беккет, А.Роб-Грий, Н.Саррот, М.Бютор романларига нисбатан кўлланилган.

- Cuddon J.A. The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. London: Penguin Books, 1991; Abrams, M. H. A Glossary of Literary Terms. 6 edition. Fort Worth: Harcourt Brace College Pub., 1993 [Now superseded by later editions]; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.29; Борев Ю. Энц-кий словарь эстетики и теории лит-ры.. М., 2008. С.81 (эл.версия); http://web.cn.edu/kwheeler/lit_terms.html

АНТИСПАСТ (юонча: қарама-карши томонга сурилган) [поэтика] – антик метрикада б морли стопа бўлиб, киска, икки чўзиқ ва бир киска хижодан (схемаси: v – – v), яъни ямб ва хорейнинг йигиндисидан иборат булади. Баъзан турт киска хижодан (схемаси: v v v v) иборат бўлиши мумкин.

АНТИСТРОФА (юонча: antistrophe – ортга бурилиш) [эстетика, поэтика] – кад. юон хор лирикасида иккилик банддан иборат шеърнинг тақрорланувчи иккичи банди. Строфа (банд)нинг зидди. Даствлаб шеърни строфа ва антистрофага Алкман (м.а. VII) ажратган. Сунгра бу ҳолат трагедиядаги хор қўшикларига ўтган. Mac., Эсхилнинг “Занжирбанд Прометей”, Софоклнинг “Электра” асарида хорнинг туртинчи күшиги; Софоклнинг «Шоҳ Эдип» асарида хорнинг диалоги в.б.

- Гаспаров М. Антистрофа. Словарь лит-ведеских терминов / Ред.-сост. Л.И. Тимофеев, С.В. Тураев. М., 1974; Елисеев И.А., Полякова Л.Г. Словарь лит-ведеских терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.13; Белокурова С.П. Словарь лит-ведеских терминов. Санкт-Петербург: Паритет, 2006. С.20-21; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.29; http://web.cn.edu/kwheeler/lit_terms.html

АНТИСФЕН, Афинали (м.а. 435–370) – юонон файласафи, *киниклар* мактаби асосчиси. Софист Гортгий ва Сукротнинг шогирди, файласуф Диогеннинг устози. Афлотуннинг ғоялар тўғрисидаги таълимотига карши турган. Унингча, оқил киши бирор бир давлатга тегишли булмай, бутун дунёнинг фукароси сифатида яшashi лозим. А. анъанавий дин ва давлатни рад килган. Диоген Лаэртий А.нинг 10 жилдан иборат асарлари номларини келтирган: “Сўз хусусида”, “Асант”, “Одиссей”, “Орест апологияси”, “Лисий ва Исократ”, “Ҳайвонлар табииати”, “Адолат ва жасорат”, “Никоҳ ҳакида”, “Немъатлар ҳакида”, “Қонун ҳакида”, “Хурлик ва куллик ҳакида”, “Аспазия”, “Кир”, “Ҳакиқат”, “Гомер ҳакида”, “Ҳаёт ва ӯлим ҳакида”, “Мерос ҳакида”, “Геракл”, “Ноҳақлик ва ғирромлик ҳакида”, “Табиат ҳакида”, “Мусика”, “Талкин” в.б.

• Гомперц Т. Греческие мыслители / Пер. с нем. Т.2, Спб., 1913; Диоген Лаэртий. О жизни, учениях и изречениях знаменитых философов. М.: Мысль. 1979; История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.393, 400.

АНТИТЕЗА (юононча: *antithesis* – қарама-карши, зид) [поэтика, риторика] – маънолари ўзаро зид сўзларнинг матнда кўлланилиши. А. маънони кучайтиришга қаратилади. А. образлараро, сюжетлараро, композицион ва стилистик бўлиши мумкин. Бу усулда антонимлардан самарали фойдаланилади. Бутун асар А. асосига курилиши мумкин. Мас., Л.Толстойнинг “Уруш ва тинчлик”, Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз”, Ҳамзанинг “Бой ила хизматчи” каби асарлари.

Бу кун шоҳ эрурман тилак тилагит,
Бу кун мен гадоман тингла малагим.

(А.Орипов)

А. – турли контрастли қарама-карши қўйиш (тажнис). Бу санъат, хусусан, метафоралардан ташкил топса янада таъсирчан бўлади. Державин, лирик қаҳрамони (В.Шекспир Гамлетига ўхшаш нигилист) т.дан:

Шоҳман, қулман, чувалчанг ва худоман
(Я царь – я раб – я червь – я бог!)

Ёки А.С.Пушкин ёзади:

Қўшилдишар. Сув ва тош
Назм, наср, муз – оташ,
Бири бирига туташ...

(М.Махмуд тарж.)

• Введение в лит-вслднис / Лит-ное произведение: основные понятия и термины. М., 1999. С.119-120; Елисеев И.А., Полякова Л.Г. Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.13; Белоурова С.П. Словарь лит-ведческих терминов. СПб.: Паритет, 2006. С. 21

АНТИТЕЗИС (юононча: *antithesis* – тезисга зид) [герменевтика] – мантиқ илмида асосий фикрга зид мулоҳаза баён килиш. Тезисга карши фикр тўғри деб фараз килиниб, уни исботлашга, асослашга ҳаракат килинади. А. мутлақ инкор булмай, тезиснинг маълум бир кисмини инкор қилиши ва уига карши

даъвони илгари суриши мумкин. Бу жараёнда у тараққистнинг юқори босқичи мазмунини ифодалайди. Ани уч босқичли (триада) тезиснинг таркибий кисми сифатида Гегель талқин қилган.

АНТИУТОПИЯ (юончча: *antiutopos* – хаёлга зид) [герменевтика] – жамиятга танқидий, баъзан уни пародия килувчи, ижтимоий утопияга карши ҳолат. Агар утопияда хозир ва ўтмиш, ўтмиш ва келажак назарда тутилган бўлса, А. келажакка қаратилади. А. келажак ҳақидаги салбий башорат ёки огоҳлантириш тарзида ёзилиши ҳам мумкин. А. бад. фантастика имкониятларидан фойдаланилади. XX аср ад-тида А. Е. Замятиннинг “Биз” (1920), О.Хакслининг “Қадимги янги дунё” (1932), Ж.Оруэллнинг “1984” (1949) романлари А.га мисол бўла олади. XX аср охирида рус ад-тида В.Н.Войновичнинг “Москва 2042”, Фозил Исқандарнинг “Қуёнлар ва бўғма илонлар”, А.Кабаковнинг «Қайтиб келмас”, Т.Толстяянинг “Қысь”, В.Маканиннинг «Лаз» асарлари А. жанрида яратилди. Гарб романчилигига ёзилган Э.Тоффлернинг “Келажак шоки”, Р.Дюмоннинг “Утопия ёки ўлим” (1974), Э.Кэлленбахнинг “Экоутопия” (1975) асарларини кўрсатиш мумкин.

- Cuddon J.A. The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. London: Penguin Books, 1991; Введение в лит-ведесис / Лит-нос произведение: основные понятия и термины. М., 1999. С. 238; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.29; Белокурова С.П. Словарь лит-ведесических терминов. СПб: Паритет, 2006. С.21-22. http://web.cn.edu/kwheeler/lit_terms.html

АНТИФАЗИС [лингвопоэтика] – риторикада комиклик назарияси. Юмордан холи равища тагдор танқид килиш. Ад-тларда риторик фигура тури деб юритилади. А. киноя (ирония)дан кулги элсмснти йўклиги б-н фарқ киласди.

- Лотман Ю.М. Риторика // Труды по знаковым системам – 12: Структура и семиотика художественного текста. Тарту, 1981; Поляков М.Я. Вопросы поэтики и художественной семиотики. М., 1985; Дюбуа Ж., Эдельин Ф., Ктинкенберг Ж.-М. Общая риторика. М., 1986; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.32.

АНТИФАН (м.а. IV) – қад. юон шоири. Ўрта антик давр комедиячилиги вакили. 130 га якин асарининг номи ва комедияларидан парчалар сакланган. Уларнинг аксарияти (сарлавҳада маълум бўлишича) маиший мавзуда: “Табиб”, “Кифарачи”, “Жангчи”; “Бошқа ш.дан келган мусофири”, “Мисрлик”, “Византиялик”, “Скиф”. А.нинг “Ижод” комедиясида трагиклар б-н комедиографлар баҳси келтирилади: трагик учун счим олдиндан тайёр, комедиограф эса уни асар давомида ўйлаб топади.

АНТИФОН (юончча: *antiphonos* – қарши овоз, жавобан садо берувчи) [эстетика, театр назарияси] – I. мусикада икки хорнинг ёки хор б-н солист (яккахон)нинг навбатма-навбат куйлаши. Юон театртрига хос бу усул кейинчалик черков хорларининг айтилиш усулига ҳам кириб келган. А. мусикада муайян услугуб деб каралиб, Европа бастакорлари бу ходисага алоҳида аҳамият қаратган.

Ўзбек халқ мусиқасида ҳам А. услуби мавжуд. Унга кўра, катта ашуладан икки хонанда ёки бир хонанда ва бир неча яллачилар гурухи ўртасидаги ижроларда бу усул сакланади. “Шашмақом”нинг айтим йўлларида ҳам бир ижрочи ва гурӯх, эркаклар ва аёллар овозларининг навбатма-навбат ижроси А. услубига мисол була олади. Бастакорлар М.Бурхонов, С.Бобоев, Б.Умиджонов в.б. журсиз хор учун яратган асарлари ҳам А.га мисолдир.

II. кисқа шеър булиб, бу юонча шеър шаклида иккинчи мисрадан кейин биринчи мисра тақороран қўлланилади.

АНТИФОН (м.а. 480–411) – файласуф, нотик. Аттик давр ритори, Фукидийнинг устози. Демократиянинг бузилишига карши Пелопоннес уруши иштирокчиси бўлгани учун қатл килинган.

- История всесмурной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.385, 386.

АНТИФРАЗИС, Антифраза (юонча: *anti* – карши, *frasis* – сўз қўллаш) [риторика] – сузни зид маънода қўллаш, купинча, кесатик учун. Мак., кучиз, нимжонни Алпомиш деб, басавлат, паҳлавон кишини Нұхат полвон деб аташ. А. кинояга яқин, аммо ундан фарқли. Кинояда танқид бору юмор қулги билинмайди. Саводсиз, аммо бадавлат одамнинг фикрлари ҳақида “Ана, донолик!” дейдилар.

- Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.58.

АНТИХРИСТ (юонча: Христга қарши) [мифология] – насроний мифологиясида охирзамонда Исо а.с.га қарши чиқадиган, лекин Исодан ентиладиган мифик қаҳрамон. Вавилонияда туғилган. Янги Аҳд китобида А. – осий банда, яъни илохий таълимотни бутунлай инкор килувчи коғир сифатида тасвирланган. А. шайтон эмас (Дажжол), унинг элчиси сифатида ад-тларга киритилган. Бад. ад-тда олмон шоираси *Ava* (в.1127)нинг “Исонинг хаёти”, “А. ҳақида”, “Қиёмат куни ҳақида” шеърий туркумларида акс этган. Номаълум муаллифнинг “Марям ҳақида қўшик” (1125) асарларида ҳам А. катнашган.

- Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.85-86.

АНТИЦИПАЦИЯ (лотинча: *anticipatio* – олдиндан тушунча ҳосил килиш) [психоанализ] – йирик оламшумул ҳодисаларни олдиндан хис килиш ва ад-т ёрдамида улар ҳақида илк тасаввур ҳосил килиш. Рухий таҳлилга тегишли бу истилоҳ психоаналитикага В.Вунд томонидан киритилган. А. ад-т назарияси ва эстетикада ўзгараётган дунёдаги ҳавфлар ҳақида олдиндан тасаввур бериш, унинг бадиий моделини яратиш маъносида қўлланилган. Ч.Айтматовнинг “Кассандра тамғаси” романидаги охирзамон белгиларининг адабий модели яратилади ва инсониятга ўзининг фожиали келажак олдида тургани эслатилади.

- Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Астрель-Аст, 2003. С.32.

АНТОКОЛЬСКИЙ, Павел (1896–1978) – рус шоири ва таржимони. Москва ун-ти юридик факультетини тамомлаган. 1915 й.дан Вахтанговнинг драматик труппасида катнашган. 1921 й.дан шеърлари чоп этила бошланган. “Гарб” (1926), “Учинчи китоб” (1927) тўпламлари, “Робеспьер ва Горгона” (1928) драмаси б-н китобхонлар эътиборини козонган. “Арбат ортидаги тор кўчада” (1954), “Устахона” (1958), «Вакт» (1973) каби шеърий тўпламлар ва “Шоирлар ва замон” (1957) ҳамда “Пушкин ҳақида” (1960; шеърлар ва эссе) китоблари тарихий мавзуга бағишланган. “Франсуа Вийон” достонида француз шоирлари кисмати ифодаланган. С.Чиковани, Т.Табидзе, А.Исаакян, Е.Чаренц, С.Вурғун в.б. замондошларининг асарларини рус т.га тарж. килган. эсслар китоби муаллифи.

• Антокольский П. Избр. произведения, т.1-2. М.: Худож. л-ра, 1961.

АНТОЛОГИЯ (юононча: *anthologia* – гулдаста) [адабий жараён] – шоирларнинг бирор мавзу, соҳа ва жанрга кўра танланган асарлар (шеърлар, хикоялар) тўплами. А. таркиби сўз боши ва асарлар намуналаридан иборат бўлиб, даврий характерга эга эмас. А. нинг дастлабки тузувчиси кад. юон шоири гадаралик Мелеагр (м.а. II аср охири – милодий I аср боши)дир. XVIII –XIX асрларда рус ад-тида “изборник”лар тарзida кўплаб яратилган. Шарқ ад-тида *тазкира* жанрига нисбатан ҳам гарблик олимлар томонидан А. истилохи кўлланилади. Mac., “Тазкирайи Кайюмий” асари рус т.га “Антология Кайюми” деб тарж. қилинган.

XX аср бошида Фитрат томонидан яратилган “Ўзбек ад-ти намуналари. 1-ж.” (1928) замонавий типдаги А.нинг илк намунаси эди. Сунгра “Ўзбек шеърияти антологияси” (Ойбек таҳрири остида, 1948), “Ўзбек шеъриятининг антологияси” (1960–72), “Ўзбек хикоялари антологияси” (2008) кабилар яратилган. XXI аср бошида Ўз-нда бир неча А.лар яратилди: Ўзбек шеърияти А.си, Ўзбек хикоялари А.си, Ўзбек ад-тшунослиги А.си каби. Беш ж.дан иборат “Озод Ватан саодати (Истиклол илхомлари)” поэтик А.сининг 1-ж. Шеърият, 2-ж. Наср, 3-ж. Драматургия, 4-ж. Бад. публицистика ва 5-ж. Адабий танқидга бағишланган.

- ♦ Ўзбек шеърияти антологияси / Ойбек таҳрири остида. Т., 1948; Ўзбек шеъриятининг антологияси. 5 ж. (1960–?), Озод Ватан саодати / Истиклол илхомлари. Т.: ADIB, 2013.
- Елисеев И.А., Полякова Л.Г. Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.14; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асерель-Аст, 2003. С.38; Теория лит-ры. В 2-х, т.2. / Под ред. Н.Д.Тамарченко. М.: ACADEMIA: 2004. С.155-156; Мильчин А. Э. Издательский словарь-справочник. Изд. 3-е, испр. и доп., электроннос. М.: ОЛМА-Пресс, 2006.

АНТОНИЙ, Марк (м.а. 83–30) – кад. Римда давлат арбоби, саркардаси, Юлий Цезарнинг сафдоши. Миср маликаси Клеопатранинг севгилиси. Фаластин ва Мисрга қарши курашда шухрат козонган. А. Клеопатрадан Мисрни тортиб олиб, Рим давлатига қўшмагани учун Октавиан Август б-н

душманлашиб қолган. А. мохир саркарда эди, у Миср давлатини ҳимоя килади, бирок ентилиб, Клеопатра б-н бирга, Искандарияга чекинади. Римликларга асир тушмаслик учун А. Клеопатра б-н бирга үзини ҳалок килади. А. ҳақида У.Шекспир “Антоний ва Клеопатра” фожиасини ёзган.

- *Машкин Н.А.* Приципат Августа. М.-Л., 1949; *Плутарх*. Сравнительные жизнеописания в 3-х т. М.: Наука, 1978; *Махмудов М.* Клеопатра / Ахли дил. Т.: Укитувчи, 1998.

АНТОНИМ (юонч: *anti – қарши, зид; опута – исм*) [риторика, лингвопоэтика] – маъноси зид келган сўзлар. Қарама-карши маъноларни ифодалашга қаратилган бўлади. Т.шунослик илмида уч турли А.лар фаркланади: лексик (баланд-паст), аффиксал, яъни қўшимчалар таркибида (сувли-сувсиз) ва синтактик (очик юз-тунд башара) каби. А. бад. адабиётда, айникса, шъсриятда таъсирчанликни ошириш, ифодани аниклаштириш, *антитетза* санъатини яратишида кўлланилади:

Менинг фироқиму онинг висоли тун била тонг,

Бу навъ даҳрда йўқ эҳтимоли тун била тонг.

(Алишер Навоий, “Хазойину-л-маоний”, 1448)

Кулган бошқалардир, йиглаган мемман,

Ўйнаган бошқалар, инграган мемман,

Эрк эртакларин эшитган бошқа,

Куллик қўшигини тинглаган мемман...

(Чўлпон. “Мен ва бошқалар”, 1921)

Бундан ташқари, контекстуал, яъни факат бир контекстда маъноси зид келган сўзлар ҳам А. хисобланади.

Хар кимки пушаймон бўлуру тавба қитур,

Менким тавба қилибмен пушаймондурмен.

(Бобур, 1497)

- Энц-кий словарь юного филолога. М.: Педагогика, 1984. С. 28-29; Энц-кий словарь юного филолога. М.: Педагогика, 1984; *Лъвов М.Р.* Словарь антонимов русского языка. М., 1996; *Хожиев А.* Ўзбек тили антонимлари лугати. Т., 1983; Антонимы / Большой энц-кий словарь: языкоиздание. М.: Большая Российская энц-я, 1998. С.9; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.38.

АНТОНИМАЗИЯ (юонч: *antonimiasia – айнан бошқача*) [лингвопоэтика] – бирор номни унинг бошқа хусусияти б-н алмаштириб кўллаш. Исм ўрнига унинг сифати (эпитети)ни кўллаш (Ж.Куддон). Қирол Лир ўрнида “Жанобий олийлари” деб ишлатиш; Онҳазрат (“подшох” маъносига) ўрнига Умархон; Тошкент ўрнига мамлакат пойтахти; *Абдулла Қодирий* ўрнига “Ўткан кунлар” муаллифи деб аташ.

- *Поляков М.Я.* Вопросы поэтики и художественной семантики. М., 1985; *Cuddon J.A.* The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. London: Penguin Books, 1991; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.38.

АНТРАКТ (французча: entre – аро, оралик; acte – парда; харакат) [эстетика] – драматик асарда парда (акт) ва кўринишлар ўртасидаги, концертларда бўлим оралиғидаги танаффус, пауза. Болгар ад-тшуноси А.Натев талкинига кўра, А.да саҳна ва саҳнаорти харакати тўхтамайди. Аксинча саҳна ортидаги воқеаларда кейинги воқеалар учун замин хозирланади, парда оркасида актёрлар навбатдаги кўринишга тайёрланадилар, томошабин ҳам аввалги парда (акт) воқеаларини англаб олиб, кейинги ҳодисаларга ўзини тайёрлаш учун берилган имкониятдир. Антик театрда А. вактида парда ва кўриниш давомида ёниб тугаган шамларни алмаштирилган. Мана шу ҳаётий заруратдан келиб чикиб, саҳна асари парда (акт) ва кўринишларга ажратиб ёзилган. Опера, балет ва мусикали драмаларда танаффусдан кейин парда очилиши олдидан ижро этиладиган бошлангич чолгу мусикаси.

- Гегель Г.В.Ф. Эстетика: в 4-х т-х, т.3: Разд.: Драматическая поэзия. М.: Искусство, 1971; Хализев В.Е. Драма как явление искусства. М.: Искусство, 1978; Акбаров И.А. Музыка лутгати. Т.: F.Фулом номидаги нашр., 1987. Б.18; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.29-30.

АНТРОПОЛОГИЯ (юончча: antrapho + logos – одамнинг келиб чикиши) [эстетика] – одамнинг келиб чикиши, эволюцияси, иркларнинг айдо булиши, одам тана тузилишидаги ўзгарувчанлик ҳакидаги фан. Инсониятнинг “табииятарихи” деб ҳам юритилади. Фалсафада инсончиносликнинг бир кисми булиб, инсонларнинг бошқа жонзорлардан фарки б-н шугулланади. Санъатда И.Гердер томонидан асосланиб, унинг назарияси Вильгельм фон Хумбольдт (1763–1835) томонидан давом этирилган. Хумбольдт “А.” асарида кайд этилишича, инсоният секин-асталик б-н ягона идеалга интилади. А. тизимини яратиш учун рамзлар тизими (символлар системаси)ни ўрганиш лозим. “А.” асарида таъкидланишича, “санъат табиатнинг тасаввур воситасида қайта яратилишидир. Санъат табиатни борлик сифатида синдиради ва уни ижодий тасаввур ёрдамида қайта яратади”.

- Ошанин Л.В. Антропологический состав населения Средней Азии и этногенез её народов. Ч.1–3. Ереван, 1957–59; Гильберт К., Кун Г. История эстетики / Перевод с англ. М.: Изд. иностран. лит-ры, 1960. С.374-375; Левин М.Г. Очерки по истории антропологии в России. М., 1960; Рогинский Я.Я., Левин М.Г. Антропология. М., 1963; Материалы к этнической истории населения Средней Азии. Т., 1986; Ҳўжаев Т.Қ., Ҳўжаева Г.Қ. Ўзбек халқининг антропологияси ва этник тарихи. Т., 1995.

~ мактаби – Европа фольклоршунослиги ва этнографиясидаги илмий мактаблардан бири. XIX аср иккинчи ярмида вужудга келган ва тараққий эттан. А.м. асосчиси инглиз олими Эдвард Тэйлор (1832–1917)дир. Бу мактаб тарафдорлари фольклор асарининг дастлабки жанри сифатида мифни тан олганилар ва унинг тараққиёти натижасида ад-т юзага келганини таъкидлайдилар. Бу мактаб давомчилари шотланд Э.Лаңг (1844–1912), инглиз Ж.Фрезер (1854–1941). Россияда бу караш тарафдорлари Н.Ф.Сумцов ва А.И.Кирличниковdir. Француз тилшуноси Леви-Строс бу мактаб вакилларининг ишларини матн ва унинг таҳдидлига татбик килган, натижада

бадий матнинг структурал таҳлилида бирламчи адабий модел сифатида мифлар кабул килинган.

- Фрэзер Дж. Золотая ветвь. М., 1980; Леви-Строс. Структурная антропология. . – М.: Наука, 1983; Тэйлор Э. Первобытная культура. М., 1989; Елисеев И.А., Полякова Л.Г. Словарь лит-ведеских терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.14-15; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.38-39.

АНТРОПОГОННИК МИФЛАР (юонча: келиб чикиш) [мифология] – мифологиянинг Одамнинг яратилиши ҳақидаги кисми, космогония (дунёнинг яратилиши ҳақидаги таълимот) таркибида ўрганилади. Кад. мифларга кура Худо инсонни турли материаллардан: хайвонлар, балик ва паррандалар скелетидан (Шим. Америка хиндулари), ёнғоқдан (Перу хиндулари), дараҳтдан (Сибирь мифлари), насроний ва мусулмон мифологиясида тупроқ (лой)дан яратганд. А.м. одамнинг яратилиши тотемлар б-н ҳам боғлик. М.Бахтин тадқикотларида Ф.Рабле ва Гогол ижодидаги мифик элементларга нисбатан “мажозий жасад” (“гротескное тело”) истилохи қулланган.

- Анисимов А.Ф. Космологические представления народов Севера. М.-Л., 1959; Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.87-89.

АНТРОПОМОРФИЗМ (юонча: anthropos – одам, morphē – шакл, күриниш) [риторика, лингвопоэтика] – жонсиз нарсалар, предметларга инсонга хос хусусиятларни тақиб тасвирилаш. Мифларда маъбуллар в.б. илохий кучларни, табиат ҳодисаларини инсон киёфасида тасаввур килиш. Тасаввурга кўра, маъбуллар ҳам инсонларга хос хусусиятларга эга булиб, адабий яшайдилар. Ислом дини бу таълимотни тан олмайди. Чунки буюк Яратувчи Аллохни инсон киёфасида тасаввур этиб бўлмайди.

Эстетик тафаккур тарихида жонлантириши санъатининг қад. юонча күриниши. А.га жонсиз (анорганик) дунёга нисбатан ҳам улар худди жонлилар (органик дунё) каби яшаши, туғилиши ва улиши мумкинлиги ҳақидаги мифик карашлар асос бўлган. Санъатда табиат кучларини, мифик қаҳрамонлар, осмон жисмлари, ҳайвонот дунёсини инсонга суратида тасвирилаш усули; антик драмада кенг қўлланилган. Mac., Ер ухлайти. Осмон тўлғанянати каби. Илмий ад-тларда А. айрим предмет ва ускуналарга нисбатан ҳам қўлланилади. Mac., Компьютер хотирасида сақлайди, машина масала ечади каби.

- Гильберт К., Кун Г. История эстетики / Перевод с англ. М.: Изд. ипостр. лит-ры, 1960. С.19, 21, 357, 445; Введение в лит-ведесне / Лит-ное произведение: основные понятия и термины. М., 1999. С.435; Елисеев И.А., Полякова Л.Г. Словарь лит-ведеских терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.15; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.39.

АНТРОПОНИМ, АНТРОПОНИМИКА (юонча: anthropos – одам, onyma – исм) [лингвопоэтика] – ономастика (номшунослик)нинг бир кисми булиб, кишилар, атоқли отлар, уларнинг ўзгариши, вазифалари б-н шугулланади. А. атоқли отлар, тахаллус, лакаб, нисба, куния ва шахсни агашда бошқа усувларни ҳам тавсия қиласди. Ҳоз. агар кишилар номлари, отасининг исми ва

фамилияси (шарифи) б-н аталса, қад. Римда хар бир эркак ўз номи, унга насл булиб колган *номен* – уруғ номи, *когномен* – унга мерос даражасы б-н ҳам юритилганды. Арабларда исм бериш факат ота авлодларни көлтириши б-н чекланмай, ўғлы номи (*кунияси*)ни ҳам ўз исмиңа күшиб айтиш учрайди. А. тизимде исмларни қискартириш ёки эркалатыш орқали унга мурожаат килиш ҳоллари кенг учрайди. А. тизим кенгайиб, тахаллусларнинг келиб чикиши б-н ҳам шугулланмоқда. А. тизимида *кипокористика*, яъни эркалатиш ёки кичрайтириши aloхида ўрин тутади. Мас., Азиз (бек), Дилбар (хон), Карим (ча) в.б. Яна қ.: *ономастика*.

- Чичагов В.К. Из истории русских имён, отчеств и фамилий. М., 1959; Введение в лит-ведеснис / Лит-нос произведения: основные понятия и термины. М., 1999. С. 99, 103, 344; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.39.

АНТРОПОС (юононча: одам) [мифология] – мифик тасаввурнинг кейинги даври (дунёвий жинлар)да биринчи илохий одам. Насроний ва мусулмон мифологиясида Одам Ато (Адам), дунёнинг материалистик модслида инсон прототипи.

- Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.89.

АНТРОПОЦЕНТРИЗМ (юононча: одам) [лингвопоэтика] - бад. матннинг психолингвистик таҳлил усулларидан бири. Матн яратилишида муаллиф позицияси ва унинг ўқувчига таъсири масалаларини ўрганади. Бад. матнга А.ик ёндашувда В.П.Белянин *воқелик* – онг – олам – тил – матн тузувчи (муаллиф) – ўқувчи –матн проекцияси фаолият тизимини таклиф қилган.

- Белянин В.П. Основы психолингвистической диагностики (модели мира в литературе). М.: Тривола, 2000; Дорофеев Ю. Антропоцентризм в лингвистике и предмет когнитивной грамматики. <http://www.Nbuu.Gov.ua/portal/Soc-Gum/Is-2008-17/dorofeev/pdf>; Худойберганова Д. Матннинг антропоцентрик тадқики. Т.: Фан, 2013.

АНТУАН де СЕНТ-ЭКЗЮПЕРИ – қ.: Сент-Экзюпери.

АНУБИС (юононларда *Авоубис*, қад. *Мисрда Инти*) [мифология] – қад. мифларда бўрибошли тангри. “Мархумлар китоби”нинг 125-бобида қад. мисрликлар тасаввурicha, Олий Тангри Осирисининг киёматда мархумларни савоб ва гуноҳ ишлари ҳакида сўрок килиши тасвиранланган. Гавдаси одам ва боши лочин суратли Тангри Ҳор (Гор) б-н бўрибошли Тангри А. тарозида мархумнинг юрагини тортиб қўрадилар. Тарозининг бир палласида юрак, бир палласида Ҳакиқат илоҳасининг ҳайкалчаси – рамзи кўйилган. Агар инсон тириклигида бирорга ёмонлик, гуноҳ ишлар килмай, ҳалол, пок яшаган бўлса, тарозининг ҳар икки палласи тенг келган ва у жанната эришган. Агар инсон бошқаларга жабр-зулм, ёмонлик килган бўлса, оғир гуноҳлари билиниб, дўзахга ҳукм этилган.

- Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.89.

АНУННАК (лар), Анунна (юононча: шумер-аккадча: Энки (тангри) уруглари, авлодлари) [мифология] – шумер-аккад мифологиясыдаги илк Тангри Энки авлодига мансуб маъбуллар. А. Ер ости ва Ер устида харакат қилади. А. инсон тақдирини ҳал қилиш ва илохий конунларнинг бажарилишини назорат килган.

- Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.89-90; Я открою тебе сокровенное слово / Лит-ра Вавилонии и Ассирии. М.: Художественная лит-ра, 1981. С.340.

АНУПРАСА (АЛЛИТЕРАЦИЯ) [поэтика] – санскрит ад-тидаги поэтик воситалардан бири. Шеърда сўзлар таркибидаги унли ёки ундош товушларнинг айнанлиги, уйғунлигига асосланиб, бирор нарсага ургу беришга хизмат қилувчи алланкара. Шунинг учун у драматик томошанинг «тана»сига алоқадор тўрт унсурни – (ангика)ни (мимика, имо-ишора, актёрнинг харакати), нутк (вачика)ни, ташки безаклар (ахаръя)ни, хиссий ифода (саттвика)ни алоҳида таъкидлаб курсатади. Бхарати мана шу тўрт унсур драматик асарда раса – хиссий ифода берадиган бирликдан иборат, деб караган. Рудрабхатта (XI–XII), Бходжа, Шарадатанайа (XII–XIII), Вивешвара, Бханудатта (XVI) каби олимлар эса эротик раса ягона бўлиб, санскрит ад-тининг барчасида ишк-муҳаббат мавзуи стакчилик қилганлиги сабабли барча расалар эротик расанинг турли вазият ва ҳолатларда турлича модификация килиниши оқибатида келиб чиқкан, деб хисоблайдилар. Расалар назарияси таъсирида иккинчи бир концепция – уйғунлик, мутаносиблик ҳақидаги таълимот вужудга келди. Бу концепция эса аучитъя деб аталади. Аナンдавардхана «Дхванъялоқа» асари учинги бобида расанинг тўла вое бўлиши учун бадиий асар, айникса, шеърий асарнинг тили ва мазмуни, шунингдек, бошқа барча компонентларнинг ўзаро боғлиқ ҳамда мувозанатда бўлиши шартлигини алоҳида уқтириб ўтади.

- Гринцер П.А. Основные категории классической индийской поэтики. М., 1987; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.39.

АНУШ иби ШИС – мифик қаҳрамон. Ислом мифологиясига кўра, Шис пайғамбар (а.с.)нинг ўғли. Айрим манбаларда Анас. “Ароис” номли тарих китобида ёзилишича, унинг онаси хурлардан бўлган экан. “Тарихи Табарий”да А.нинг 12 фарзанди бўлгани ва тўнғичи Аршад экани ёзилган. Айрим тарихчилар Ануштегин-хоразмшоҳлар сулоласини мана шу мифик қаҳрамон А. б-н алоқадор эканини ёзишган.

- Сунис ва Огахий. Фирдавсу-л-иқбол. Т.: Янги аср авлоди, 2010. Б.47-48.

АНУШАХОН, Абул Музаффар Муҳаммад (1663 – ~1688) – Хива хони, Абулгози Баҳодирхоннинг ўғли ва тахт вориси. 1686 й. Бухоро хонлигига юриш қилган. А. даврида Хива маданий обидалари курилган. Паҳлавон Махмуд мақбаси таъмирланган, Оқ масжид қайта таъмирдан чиқкан. Абулгози Баҳодирхоннинг “Шажараи турк” асари охирига етказилган. Фитна туфайли кўзига мил тортилган ва ўлдирилган. Хивадаги Паҳлавон Махмуд мақбасига дафи килинган.

АНУШИРВОН (дарий: ўлмайдиган) [мифология] – сосонийлар сулоласига мансуб Эрон шохи Хусравнинг унвони Одил). Машхур подшоҳ Кубоднинг ўғли. Отаси давридаги бошқарув тизимида ислоҳотлар ўтказган, хинд эпоси “Калила ва Димна” А. топшириғи б-н пахлавий т.га тарж. килинган. Авесто кайта күчирілган. Зардустийлик таълимоти ривожлантирилган. Халқ орасыда адолатпарвар ва маърифатпарвар ҳукмдор сифатида шуҳрат топган. Тарихий асарларда, жумладан, “Тарихи Табарий”да А. хакида маълумот көлтирилган. Тарихчи Л.Н.Гумилевнинг ёзишича, А. 560 йилда Хитой күшинларига қарши турк хони Истами хоқон б-н битим тузган, бу битим А.нинг Истами хоқоннинг кизига уйланиши б-н мустаҳкамланган. Бад. ад-тда, жумладан, Фирдавсийнинг “Шоҳнома”, Кайковуснинг “Кобуснома”, Низомулмулукнинг “Сиёсанома”, Ҳожанинг “Гулзор”, “Мифтоҳу-л-адл” (“Адолат калити”) асарларида А. хакида ҳикоятлар көлтирилган. А. номи Алишер Навоийнинг “Хамса”сида ва “Бобурнома”да ҳам ҳурмат б-н т.га олинади.

• Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.90; Гумилев Л.Н. Қадимги турклар. Т.: Фан, 2007. Б.46-55.

АНУШТЕГИН (в. 1097) – Хоразмшоҳлардан ануштегинлар сулоласи (1077–1231) асосчиси. Ўғузларнинг Бекдели уругидан бўлиб, ёшлигига кул килиб сотиб юборилган. Сунг Маликшоҳ хизматлари эвазига уни таштдорлик (султон ҳаммоми бошқарувчиси) мансабига кўтарган. Бу мансаб доирасига Хоразмни бошқариш ишлари ҳам кирган. А.нинг ўғли Кутбиддин Муҳаммад таҳтга чиккач, мана шу сулолага асос солинган. Бунга кадар Ануштегин Фарчай (1077) ва Экинчи ибн Қўчкор (1097) Салжуқлilar даврида Хоразм ҳукмдори булишган. Хоразмшоҳ унвони Кутбиддин Муҳаммад Ануштегин ўғли давридан жорий бўлган. XII–XIII асрларда мустаҳкам давлат қурган. Сулоланинг машхур вакиллари: Кутбиддин Муҳаммад (1097–1127), Алоиддин Отсиз (1127–1156), Эларслон (1156–1172), Султоншоҳ Макеуд (1172), Текишхон (1172–1200), Муҳаммад Хоразмшоҳ (1200–1220), Жалолиддин (1220–1231). А.лар сулоласи мугул истилоси натижасида Жалолиддин Мангубердининг вафоти б-н барҳам топган.

• Босворт К.Э. Мусульманские династии / Справочник по хронологии и генеологии. М.: Наука, 1971. С.152-155; Бунёдов З. Ануштегин Хоразмшоҳлар давлати (1097–1231). Т.: Ғафур Гулом номидаги ад-т ва санъат напр., 1998; Марказий Осиёга доир тадқиқотлар: Хоразмшоҳлар давлати. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2012; Балтабаев Ҳ. “Государство Хорезмшахов-афгуштегинидов” как литературный источник Центральной Азии XI–XIII вв / Историография и источниковедение средневекового Востока. Элм, 2012. С.77-79.

АНФЕЯ (юононча: anfey – гуллаётган) [мифология] – мифға кўра, Гера, Афродита в.б. маъбуллар лақаби. Юонон драматурги Еврипид замондоши Агафоннинг «Анфей» (“Гул”) фожиаси Арастунинг фикрига кўра, сюжети анъянавий мифлардан олинмаган, балки антик драматургиядаги илк тўлғумса образлардан хисобланади.

• Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.90; История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.405.

АНФИЛАДА (кад. юононча: anfiled – такрор) [эстетика, меъморчилик] – меъморчилиқда бир хил чизма элементларнинг тақрорланишидир. А. асосида курилган саройлар, боғлар, бири бирининг ичига кириб кетсан туташ бир хил хоналар ҳарбий стратегияни назарда тутиб, душманни чалғитиш учун курилган. А. эстетик жиҳатдан ўзаро симметрияга асослангани учун бад. адабистдаги *абрамление* ҳикоя ичидаги ҳикояга айтишга яқин келади. Шунинг учун айрим хорижий манбаларда абрамление – қолиплаш усули ўрида А. ҳам қўлланилади.

• Борев Ю. Энг-кий словарь эстетики и теории лит-ры.. М., 2008. С.95 (эл.версия).

АНФЛИКАЦИЯ [лингвопоэтика] – шеърда (ва насрда) кўпгина от ва феъл сўз туркумига оид сўзларни бир-бирига қалашибтириш санъати. А.С.Пушкин “Евгений Онегин”да бундай ёзади:

*Саҳнада одаму ҳайвонлар,
Амирлару жинлар, илонлар
Сакраб, ўйнаб қулур түтолон.
Хориган лакейлар ухлайди.
Томошибин ҳамон ер тепар,
Акса урап, йўтатар, чапаклар чалар.*

(М.Махмуд тарж.)

Б.Пастернак шеърларида ҳам бу санъат учрайди:

*Билгим келар ҳамма нарсанинг
Замирини, моҳиятини.
Янги ўйллар изланишида
Кечмишларнинг сабабларию
Оқибатин билгим келади.
Илдизини ва асосини,
Ибтидоси, интиҳосини*

(М.Махмуд тарж.)

У.Уитменнинг “Майса япроқлари”, Н.Ҳикматнинг “Инсон манзаралари” асарларида ҳамда И.Босх, С.Дали картиналарида ҳам шундай қалашибтирувни кўрамиз.

«АНФОЛ» (арабча:  – зиёда; “нафл” сўзининг кўплиқдаги шакли) – Куръони каримнинг 8-сураси номи. Мажинада нозил бўлган. 75 оятдан иборат. “А.” Куръон истилоҳига кўра коғирларга карши жангда кўлга киритилган ўлжаларга нисбатан қўлланилган. Сураи карима бир йўла эмас, бўлак-бўлак холида нозил бўлган. “А.” сурасида Бадр уруши (Мадинадан 150 км жан.-ғарбда Бадр кудуги якинида Макка кушиналари б-н бўлган биринчи йирик уруш, 624 й. март) хусусида сўз кетади. Бу кун исломий истилоҳда “фурқон куни”, яъни Ҳак б-н ботилни фарқлайдиган кун сифатида эътироф этилади. Бадр урушидаги биринчи йирик ғалаба мўминларга уларнинг узок йиллик бардошлари эвазига берилган илохий,

мукофот саналади. Сурада душманга қарши ҳар доим тайёргарликда булиш масаласи күтарилигандын билиб, тинчлик тарафдори юлишлик уктирилган.

- Шайх Мұхаммад Содик Мұхаммад Юсуф. Тағсирі Хилол. Иккінчи жуз. Т.: Шарқ НМАК, 2008. Б.440-452.

АНХРАМАЙНУ – к.: Ахриман.

АНШЛАГ (олмонча: ansegag – эълон) – деворга осиб қўйиладиган эълон. Театр ва бошқа томошагохларда билетлар сотиб бўлинганилиги тўғрисидаги эълон. Газсталарнинг бош сарлавҳаси. Мусика ва саҳна асарларида ҳамма билетларнинг сотиб бўлиниши, залнинг тўла ҳодда асарни кўриши. Адан ўтди ибораси нутқда фаол қўлланилади. Бирор синов ёки кийинчиликдан мувваффакият б-н ўтмок. А. адабий жараёнда шуҳрат козонмок.

АНЬАНА – ўтмишдан келажакка мерос коладиган, авлоддан авлодга ўтиб, маънавий ҳётнинг турли жиҳатларида намоён бўладиган кадрият. А. муайян ижтимоий ва маданий тартиб қоидалар, ахлок меъёрлари, урф-одат ва маросимларда намоён бўлади. А. ёшларни тарбиялашда, кекса авлод тажрибаларини оммалаштиришда мухим омилдир. Миллий А.ни саклаб, давом эттириш халкни жисплаштиради.

~ *вий образ (тимсол)лар* (русча: традиционные образы; турк ва озарбойжонча: ahadiy suretler) – даврлар чегарасидан ўтган, мумтоз ад-тда кайта-қайта ишланиб, юзлаб асарларда турлича талқинларда иштирок этган адабий қаҳрамонлар. А.о. турлича бўлиши мумкин. Мас., Пайғамбарлар: Мұхаммад (с.а.в.), Исо Маҳиҳ, Иброҳим (а.с.); асл халифалар, саҳоба ва тобеъинлар: Абубакир (р.а.), Умар (р.а.), Усмон (р.а.), Ати (р.а.); шайх, валий ва буюк донишманд (хаким)лар: Сукрот, Арасту, Афлотун, Баҳоуддин, Ҳожи Бектош; подшоҳ ва амирлар: Ануширвон, Низомулмulk; афсонавий тимсоллар: Ҳурмуз, Ҳизир; китобий қаҳрамонлар: Фарход, Ширин, Лайли, Мажнун, Сиёвуш. Бу образ (тимсол)лар бад. асарлар таркибида иштирок этали. Лирик асарларда кўпинча талмех санъати орқали эсланса, эпик ва драматик асарларда бад. тимсоллар сифатида иштирок этади.

- Мирәһмәдов Э. Әдәбијатшунаслыг. Енсиклопедик луғат. Бакы: Азэрбајҹан енсиклопедијасы нәшријат-полиграфијај бирлији, 1998. Б.76-77.

«АНЬОМ» (арабча: آنوم – чорва) – Куръони каримнинг б-сураси номи. Маккада нозил бўлган, 165 оятдан иборат. “А.” сураси бошқа сураи карималар сингари булак-булак ҳолида эмас, бир йула бутунисича нозил бўлган. “Тағсирі Хилол”да ёзилишича, *акида* хусусидаги бу сура “Аллоҳнинг ягона илоҳлигини, ибодатга сазоворлигини, оламларнинг 1 Тарбиячиси, Розики ва Ҳокими эканлигини инсонларнинг ягона ақидасига айлантиришдан иборатдир”. Сурада мушриклар инкор этган Куръони каримни ахли китоблар яхши билиши лозимлиги, мушрикларнинг

қисматдаги ақволи ҳам бағн қилинади. Шунингдек, сурал сүнгидан ҳайвонлар (чорва моллари) ва экинлар, ҳалол ва ҳаром ҳакида сұз боради.

- Шайх Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. Иккитічи жуз. Т.: Шарқ НМАК, 2008. Б.154-55.

АНҚАБОЙ Ҳудойбахтов (1903–1938) – ўзбек адиби, драматург ва адтшуноси. Жиззах вилоятидаги Юмалокбош қишлоғида туғилған. Москва Олий журналистика курсида уқыған. “Зарафшон”, “Ишчи”, “Кизил Ўзбекистон” газ.ларида иштаган. Бир мұддат “Кизил калам” ёзувчилар уюшмасини (1932), унинг таркибидеги Ёш ишчи ёзувчилар булимими башкарған (1934). Ўз-н радиокүмітасида ишлаган.

Асарлари XX асрнинг 30-йларидан чөп этила бопланған. “Шодмон”, “Армон” пъссалари сағнага чикқан. Шуро мағкурасини ташувчи адтшунослик рухида мақолалар ёзған. “Йиртилған ниқоб” (1931), “Душманга берилған минбар” мақолалари шудар жумласидан. “Ғайратий ижоди” (1934), “Айний ижоди ҳакида” (1936) каби адабий портретлар муаллифи. “Ҳикоя ёзин йұллари”, “Ёш ёзувчи-журналистлар алифбоси” сингари куланмалар тұзған.

- Dostkaraev B. Ankabay / Türk Dünyası Edebiyatçıları Ansiklopedisi. Ankara, 2002. S.402.

АНҚАРАВИЙ, Исмоил Русухий (в. 1631) – түрк шоири ва мұтасаввиғи, маснавий шархловчысы. Анкарада туғилған. Араб ва форс т.ларини мұкаммал әгадлаган. Тасаввуфда байрамийлик тарикатига кирған. Қунёда мавлавий шайхи Бұстон Дада б-н танишиб, унинг далолати б-н мавлавийликка боғланған. Истанбулға келиб, Ғалата мавлавийхонасида шайхлик күлгән (1610). А. маснавий шархловчысы сифатида машхур бұлғани туғайлы Ҳазрат Шорих (шархловчи) таҳаллусини олған. Жалодиддин Румийнинг “Маснавий маңнавий”ини “ваҳдати вужуд” нұктай назаридан шарх күлгән. “Русухий” сұзи абжад хисобида Ғалата мавлавийхонасининг курилиш т.га тенг келгани учун шоири уни таҳаллус килиб олған. “Девон” тартиб бергани мәнбаларда т.га олинади. “Минхожу-л-фуқаро”, “Нисоби Мавлавий”, “Зубдату-л-фусус”, “Изоху-л-хикам”, “Ҳадиси арбаин шархи”, “Жаноху-л-арвох” каби тасаввуфий асарларни ёзған.

- Мұстафо Эсон. Тазқирадан биографияға. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2011.

АНҚО (арабча: ۽ – йирик күш) – афсонавий күш. Мифға күра Қоғ тогида яшайдыған, бироқ ҳеч бир инсон күрмаган күш. Форсча номи: Симурғ (“Фиёсу-л-лугот”). Тасаввуф ад-тида раҳнамо, йұлбошчи. Алишер Навоий “Лисону-т-тайр” достонида Тангрининг сифатлардан бири:

Қайса қүш Қоғи фано Анқоси ул,
Жұмлаи құшлар тили доноси ул.

- АНАТИЛ. 1-ж. Т.: Фан, 1983. С. 104; Мұхаммад Fiёсуудин. Фиёсу-л-лугот. Чилди 1. Тахияи ва тавзедоти А.Нуров. Дүштапбе: Адіб, 1987. Сах. 78.

АО (кад. хитойча: тошбака) [мифология] – кад. хитойликлар тасаввурича уммонда сузаётган улкан тошбака (унинг елкасида уч төг Инчжоу, Пэнлай, Фанчжан; айрим варианtlарда беш тоғ, яна Дайюй, Юанцзяо қүшилган). Миғға күра, хитойликлар уни хүннларга карши курашга олиб кирган, хүннлар томонидан оёклари кесиб ташланган (шуниг учун курукликда юра олмайды, факат сувда сузишга маҳкум). А. үрта асрлар хитой итмий ад-тида олимликнинг юқори поронасининг рамзи санаалган. А.нинг бош қисми сурати Ханлин академияси биринчи аъзоларига берилган унвон сифатида уларнинг кўйлагиппинг орка томонига туширилган. А. мифология ва бад. ад-тда имтиҳонлар ҳомийси сифатида қаралган. А. тошбака танли, одам бошли килиб тасвиранган.

•Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.91.

АПАХНУТИ (санскритча: инкор) [поэтика] – кад. санскрит поэтик категорияларидан бири. Анаңдавардхананинг «Дхванъялока» асарида ёзилишича, бир нарсани инкор қилиш орқали иккинчи бир нарсани тасдикловчи аланкара.

АПДАЙК, Жон (1932/18.П.–2009/27.І) – АҚШлик шоир ва адаби. Педагог оиласида туғилган. Ҳарвард ун-тини тутатиб (1954), бир йил давомида Англиянинг Оксфорд ш.да тасвирий санъатни ўрганди. Юртига кайтиб, “Нью Йорк” журн.да карикатуналар чизди, шеър, хикоя ва фельетонлар эълон килди. “Ёғоч товук ва бошка кўлбола нарсалар”, “Телефон симёғочлари” (1963) шеърлар тұплами, “Ўша эшик” хикоялар тұплами (1959) чоп этилган. “Үрта ва бошка шеърлар” (1969), “Ўйкусизлик” (1977) тұпламларига киноявий руҳдаги шеърлари жамланган. Биринчи романи “Ярмарка” (1959)да қариялар уйидаги ҳаёт тасвиранган. “Күён, коч!” романы (1960) муаллифга катта шұхрат келтирған. “Мақсадга интилган Күён” (1971) романыда ёшлар ҳаракати, кора танлиларнинг фукаролик хукуки, Вьетнам уруши в.б. сиёсий воқеалар үз аксини топған. Ушбу туркумдаги учинчи романы “Бойиган Күён” (1981)да унинг қаҳрамони Гарри Энгстром хар томонлама таъминотта эришгани боис факт соглигини ўйтайдиган инсонға айланади. А.Ж. ушбу туркум романлари учун катор адабий мұкофотлар совриндори бўлган. Маънавий-ахлоқий масалалар талкинига бағишиланган “Жуфтлар” (1968), “Таътилнинг бир ойи” (1975), “Кел, уйланамиз” (1976), “Иствилик жодугарлар” (1984) романларида ишратпаастликка ружу кўйган кимсалар ҳаёти тасвиранади. Учинчи туркум романлари “Кентавр” (1963), “Ферма” (1967) кабиларда абадий мавзулар, яъни ўлим ва ҳаёт иккилиги асос килиб олинган. “Бек китоб” (1970), “Бекнинг кайтиши” (1982) каби автобиографик романларида ижод ахли, унинг турфа ҳаёти ва изланишлари ҳақида суз юритилган.

◆ *Андайк Дж. Кролик, беги. Кентавр. Ферма. Романы. М.: Правда, 1990.*

• *Ландор М. Романы-кентавры // Вопросы лит-ры. 1967. № 2; Писатели США. М.: Радуга, 1990. С.19.*

АПЕЛЛЯЦИЯ (лотинча: appellatio – мурожаат) – шикоят юзасидан ҳал килиш хукукига эга бўлган ташкилот ёки шахсга мурожаат (1); маслаҳат сўраб мурожаат этиш (2). Франция юридик тизимида 1808 й.дан жорий қилинган. А. талабгор аризасига мувоғик имтиҳонни кайта ўтказиши ва унинг сунгги хулосаси. Ад-тшуносликда маълум бир адібнинг аввалги асарига кайта мурожаат килиб, уни тубдан ўзгартиришидир.

- Введение в лит-ведение / Лит-ное произведение: основные понятия и термины. М., 1999. С.330.

АПЕЛЛЯТИВ ВАЗИФА (лотинча: appellatio – мурожаат) [риторика] – нотик томонидан нутқ қаратилган шахсга нисбатан таъсир ўтказиши. А.в.ни бажариш учун муаллиф ўз асарида сўз танлайди, турли хил ифода воситаларидан фойдаланади, овозини кўтариб ёки пасайтириб таъкидлайди ва хоказо.

- Введение в лит-ведение / Лит-ное произведение: основные понятия и термины. М., 1999. С. 330.

АПЕЛЬ, Карл Отто (1922 й.т.) – олмон файласуфи. Франкфурт ун-ти профессори. “Дантедан Викога қадар гуманизм анъанасида тил ғояси” (1963) асари б-н танилган. Тарихда тил ғояси ва сиёсати масалаларини прагматик йул б-н ҳал килиш тарафдори бўлган. Тилшуносликнинг аналитик фалсафаси буйича ҳам тадқикотлар муаллифи. Экзистенциализм ғояларига карши чикиб, рационалликнинг 4 типини тавсия қилган: илмий рационаллик, технологик, герменевтик ва ахлоқий рационаллик. Булар асосида коммуникатив муштараклик вужудга келишини асослаган.

- Современная западная философия. М.: ИПЛ, 1991. С.23-24.

АПЕРСЮ (французча: арэкс – шарҳ) [матншунослик] – бирор асар ёки тадқиқотнинг қиска шархи. Айрим ўринларда резюме ва аннотацияга яқин келади. А. матн каталоглари тузишда ва тасниф килишда фаол қулланиладиган истилоҳ.

АПИС – (қад. мисрча: ҳұқиз бошли) [мифология] – қад. мисрликлар маъбути. А. кора тусли бука шаклида булиб, ўнг тарафида хилол шаклида оқ қашқаси бўлган. А.нинг маъбуллик даври 25 й. Маъбуллик даври тугагандан сўнг уни ракиблари Нил дарёсига чўктириб юборишган. Кейинчалик зироат (декончилик) маъбути сифатида Узирис исмли бошка буқани ўзларига маъбуд килиб белгилашган. Миға кўра, А.нинг бука шаклида тасвирланиши декончилик ишлари ҳұқиз орқали амалга оширилишига ишора. А. юон тарихчилари Геродот, Страбон, Элиан асарларида тилга олинган.

- Шамсиддин Сомийбек. Қомусу-л-аълом / А.Юнусов тарж. ЎзР ФА Ад-т музсий. Кўлъэма. Б.50; Мифы и легенды древнего Египта. М., 1971; Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.892.

АПКАЛЛУ (аккадча: *денишман*) [мифология] – аккад мифологиясидаги етти денишманднинг ҳар бири шу ном б-н юритилган. Эрре ҳакидаги достон персонажларидан бири. Ҳар қандай денишманд ҳам кейинчалик шу ном б-н аталган.

- Я открою тебе сокровенное слово / Лит-ра Вавилонии и Ассирии. М.: Художественная лит-ра, 1981. С.341.

АПОГЕЙ (юончча: *арогеion* – срдан узок) [поэтика, риторика] – Ердан энг узок жойлашган Ой орбитаси (зидди *перигей*). Күчма маънода: энг баланд чўкки. Бад. асарда бирор воеа ёки ҳодисанинг энг юкори чўккиси; тасвирнинг энг баланд нуқтаси.

АПОКАЛИПСИС (юончча: *арокалypsис* – очилиш) [мифология, диншунослик] – қад. насроний китобларидан. Янги Аҳд китобининг апостол (ҳаворий) Иоанн Богослов башоратлари кисми. 68-69 й.да ёзилган бўлиб, анъанага кўра унинг муаллифи апостол Иоанн (Юханно) ҳисобланади. “Иоанн каромати” насронийликда Инжил канонига киритилган. «Кад. Аҳд» китобида Эздра, Варух, «Янги Аҳд» ад-тида Петр, Месс, Зостриан кароматлари соҳта (апокриф) деб эълон килинган. А.да дунё ва инсоният келажаги башорат килинган, дейилади. Мак., қиёмат, дунёнинг охири в.б. Муқаддас китобларда ёзилишича: «У (Тангри) Альфа ва Омега, ибтидо ва интиҳо, биринчи ва сўнгти»dir.

- Робертсон А. Происхождение христианства / Пер. с англ. М., 1959; Cuddon J.A. The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. London: Penguin Books, 1991; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.39.

АПОКАЛИПТИК (юончча: *арокалыptic* – очувчи) [мифология, диншунослик] – ўзига хос тарздаги китоблар муаллифи ва Апокалипсис тафсирчиси (м.а. II-I). Рамзий маънода Мусо а.с.га якин кишилар. Истроил подшохлигининг диний маслаҳатчилари.

~ **адабиёт** – милодий I асрдан Жаниил китоби ва ундан бошланган шу руҳдаги ад-т. Насронийликнинг илк асарларидан бири сифатида талкин килинади.

- Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.61.

АПОКОПА (юончча: *арокорé* – тушиб колиш) [риторика] – сузнинг охиридаги бир ёки икки товушнинг тушиб колиши. Риторик тасвирий восита. Мак., М.Светлов “Гренада”сида:

И мёртвые губы шепнули: “Грана...”

Айрим шева хусусиятлари асосида сўзма ад-тда “киласурман” – қилоду(r)ман, “бордилар” – бордило(r) тарзида кўлланилиши А. мисол бўла олади.

- Лотман Ю.М. Риторика // Труды по знаковым системам – 12: Структура и семиотика художественного текста. Тарту, 1981; Поляков М.Я. Вопросы поэтики и

художественной семантики. М., 1985; Любуа Ж., Эдельин Ф., Клинкенберг Ж.-М. Общая риторика. М., 1986; Борев Ю. Эстетика. Теория литературы. Энциклопедический словарь. М.: Асель-Аст, 2003. С.39.

АПОКРИФ (юононча: *apocryphus – сирли, яширин*) – насроний ад-тида чёрков томонидан ноконуний хисобланиб, ибодат пайтида кўлланилмайдиган асарлар. А. турли мавзудаги диний асарлар, жаннат, охирзамон ва валийлар хаётига оид асарлар ёки оғзаки накллар булиши мумкин. А. истилоҳ сифатида IV аср охирида насроний чёркови хужжатларида кўлланилган. Диний руҳдаги бадиий ад-тда насронийлик киссалари ҳам А. номи б-н юритилган. Бирок чёрков А.ни “ёлғон ад-т” деб ман килгани туфайли бу атама салбий маънени акс эттирган. X–XVII асрларда рус ад-тида мӯъжизалар, авлиёлар кароматига бағишланган жуда кўп А. яратилган.

- Тихонравов Н.С. Апокрифические сказания. Спб., 1894; Яцирмирский А.И. Библиографический обзор апокрифов в южнославянской и русской письменности. Вып. 1: Апокрифы ветхозаветные. Пг., 1921; Свеницкая И.С. Запрещенные евангелия. М., 1965; Елисеев И.А., Полякова Л.Г. Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.15; Борев Ю. Эстетика. Теория литературы. Энциклопедический словарь. М.: Асель-Аст, 2003. С.39-40; Белокурова С.П. Словарь лит-ведческих терминов. СПб.: Паритет, 2006. С.22-23.

АПОЛЛИНЕР, Гийом (1880/26.VIII–1918/9.XI) – француз шоири ва мунаққиди. Асл исми: Вилгельм Аполлинарий Костровицкий. “Алкогол” (1913) ва “Каллиграммалар” (1918) шеърий тупламлари муаллифи. Биринчи жаҳон урушидан аввал Париждаги адабий авангاردизмнинг етакчиларидан. Янгилик тарафдори сифатида анъанавий мавзу ва тасвир воситалари, тиниш белгиларидан воз кечиш, “сюрреализм” кабиларнинг ихтирочиси сифатида танилган. Асосий адабий-назарий асари “Янги онг ва шоиrlар” (1918) вафотидан сунг чоп этилган. Ушбу асарида қуйидагиларни илгари суради: “Фан ва техника янгиликлари янгича онг яратишга қанчалик киришмасин, онг узининг миллийлигини сақлаб колиши керак. Санъат качон миллий характерини йўқотиши мумкин? Қачонки, кишилар бир хил табиий шаронтда, бир хил холатда яшасалар, бутун инсоният бир тилда, бир оҳангда гапирса, демак, санъат миллий характерини йўқотади. Турли миллий ва этник фарқлар адабий шаклларнинг хилма-хиллигига сабаб бўлади, ана шу хилма-хилликни биз сақлаб колишимиз керак. Миллат учун диний мустамлака, қурол кучи б-н забт этилишдан кўра хавфлирок. Янги онг француз миллиатига янгича эрк ва тартиб олиб келиши керакки, бунинг натижасида унинг ўзига хослиги ва руҳий куввати ошсин. Янги онг ҳар кандай адабий тажрибаларни, ҳатто фавқулодда янгиларини кабул килади, агар улар лирик характер касб этса. Шунинг учун ҳам ҳозирги шсьриятда лирика янги онгнинг ифодачиларидаи бириди, чунки у изланиш ва тадқиқотлар б-н кун кўради. Бу эса янги онг учун кул сонли материаллардан биридирики, бунинг эвазига ҳакконийлик, оддийлик ва камтарлик туғилади ва юзини янгилик сарбуради. Янгилик шеъриятда ҳам ўз сузини айтади”, “Зона” шсьрида:

Глаз. Хрусталик. Христос.

О двадцатый хрусталик веков

қад. образли т. б-н сүзлайды, буни А. илмидә кумуляция тили деб айтадилар.

♦ Писатели Франции о лит-ре. М.: Прогресс, 1978. С.53-63.

• Теория лит-ры. В 2 т-х, т.2. / Под ред. Н.Д. Тамарченко. М.: ACADEMIA: 2004. С.271, 279, 323.

АПОЛЛОДОР, Афиналик (м.а. 150–119) – қад. юонон олимпи, тилшуноси. Күплаб тарихий асарлар ёзган. Ҳомер асарларига шархлар ёзган. Биргина асари – мифологик китоблар мажмуаси “Библиотека” номи б-н сакланган. Асар унинг т.дан шогирдлари томонидан кайта ёзилган.

• Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.62.

АПОЛЛОН (юононча) [мифология] – қад. юонон мифологиясида ёруғлик, санъят ва хунармандлик, маърифат ва тиббиёт маъбуни. А.ни шеърият ва мусика ҳомийси сифатида ҳам эъзозлашган. Муштарий (Юпитер) ва Ложуннинг ўғли (айрим ад-тларда Зевс ва Леданинг ўғли). Гомернинг “Илиада” асарида Зевсдан кейин турувчи саломатлик маъбуни. А. мураккаб мифологик образлардан бири. А. культу Кичик Осиёдан Юонистонга, сўнгра Римга кириб келган. Кейинги мифларда донишмандлик маъбуни ва санъят раҳнамоси тарзида гавдаланади. Муза (маърифат парилари)ларга раҳбарлик килгани учун мусагетлар раҳнамоси. А. лакаби Феб (ёргулук), шунинг учун айрим мифларда Куёш маъбуни сифатида ҳам тасвиirlанади. Мифга кўра, гўзл Дафнани севиб колиб, унга эришиш учун кувлаганда Дафна А.дан қочиб, мангу дарахтга айланиб колган. Антик давр хайкалтароши Фидий ижод килган А. ҳайкали бизнинг давргача етиб келган. А. кўлида ўқ-ёй ва мусика асбоби ушлаган ҳолда тасвиirlанган.

• Лосев А.Ф. Античная мифология в ее историческом развитии, ч.2. / Аполлон. М., 1957; Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.92-96.

«АПОЛЛОН» (1909–1917) – Санкт-Петербургда чоп этилган символистик йуналишдаги адабий ва санъатшуносликка оид журн. Санъатнинг барча турларига эътибор берилган. А. безакли журналига шу номда илова равишда адабий альманах ҳам эълон килинган булиб, унинг 10 та сони нашр этилган (1909-10). Санъат тарихи ва назарияси, театр ва мусика хаёти, адабий жараён ва жаңрларга обзорлар берилган. А. да В.Брюсов, А.Блок, И.Анненский, Н.Гумилёв асарлари, В.Дмитрисв, А.Ростиславов, Н.Пунин маколалари чоп этилган. 1914 й. дан ўз йуналишини ўзгартириб, символизм ва акмеизмга қарши материаллар ҳам берил борган. 1918 й.да шуролар томонидан нашр этилиши тұхтатылган.

• Энц-я символизма. Живопись, графика, скульптура. Лит-ра. Музыка. Сост. Жан Кассу и др. Пер. с франц. М.: Республика, 1999. С.373.

АПОЛЛОНИЙ, Родослик (м.а. 295–215) – кад. юон шоири ва тилшуноси, Эллинизм даври Искандария шеърияти намояндаси. Машхур Искандария кутубхонасини бошкарган, Каллимаҳдан таҳсил олган. “Аргонавтлар” асари (тўрт кисмдан иборат)да аргонавтларнинг олтин терини кўлга киритиш йўлидаги саргузаштлари баён килинади. Медеянинг Ясонга муҳаббати эҳтиросли тасвирланган. Бу мавзу А.дан сўнг Вергилийнинг “Энеид” асарида давом эттирилган. Классицизм даври шоирлари ҳам ушбу сюжетга мурожаат этганлар.

- ◆ *Аполлоний Родосский. Аргонавтика / Пер. и прим. Г. Церетели. Тбилиси, 1964.*
- История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.439.

АПОЛЛОНИЙ, Тианалик (Тианский) (м. I) – юон донишманди, “янгипифагорчи”. Илк масихийлик даврида антик ад-тда “маъбуд” деб макталган соҳта “худо”ларни танкид қилган. А.Т. “Пифагор хаётномаси” асарида баданни эмас, рухни ўстириш керак, деган ғояларга амал қилган, мимесис (таклид) назариясига фантазияни карши қўйган. Назарий масалаларда Бобил олимлари б-н баҳслашган, мусика ва ҳайкалтарошлик санъатларининг назарий асосини ишлаб чиккан. Кейинчалик Порфирий “Пифагор хаётномаси”дан фойдаланиб, шу номда асар ёзган. Аполлонийнинг кенг кўламдаги ҳаётномасини III асрда яшаган машхур риторика олими Флавий Филострат Рим императори Каракалланинг онаси, малика Юлия Домна топшириғи б-н ёзган. Сурия, Миср, Хиндистон, Бобил олимлари б-н баҳслашувчи, жуда кўп илм-фанларни билувчи, юлдузларга қараб фол очиш, мусика ва ҳайкалтарошлик каби санъатларнинг назарий асоси – таклид, фантазия, шакл ва мазмун ҳакида теран фикрлар билдирган. Флавий Филострат ёзишича, А. суриялик ҳамрохи ва шогирди Дамид б-н бирга Хиндистоннинг кадимги пойтахти Таксила ш.га бориб, ш. девори олдида Искандар шарафига курилган қаср ичиди Македониялик жаҳонгир ва Хиппистоннинг ўша вактдаги подшохи Пур ўртасидаги жанг манзаралари, иккала жасоратли саркарданинг тасвирларини томоша қилиб, мусаввирларнинг ижодини баҳолаб, фикр юритгандар. А. ижодий ғоя, характер, фантазия каби санъат назарияси тушунчаларини тилга оладики, назариётчи А.Ф.Лосев эслаттани каби бу назарий масалаларда А. Афлогун ва унинг шогирди Арастунинг эстетик назарияларига яқинлашади.

Флавий Филострат (III) у ҳақда «Аполлоний Тианалик ҳаёти» романини ёзган.

- *Флавий Филострат. Жизнеписание Аполлония Тианского. М.: Наука, 1972; Бычков В.В. Эстетика поздней античности II-III вв. М.: Наука, 1981; Тронский И.М. История античной лит-ры. М.: Высшая школа, 1983; Болтабоев Х., Маҳмудов М. Адабий-эстетик тафаккур тарихи. Т., 2013. Б. 204-205.*

АПОЛЛОНИЙ ва ДИОНИСИЙЛИК (юон исмлари асосида) [эстетика] – маданият икки типининг ўзаро мавжудлиги, қарама-карши тушунчаларнинг биргаликда бир-бирини такозо килиши. Аполлонийлик – қуёшли, рационал,

* М. Махмудов б-н ҳамкорликла ёзилган.

гармоник ва мақсадга интилувчан; дионасийлик эса коронғу, мавхум, иррационал ва хаотик (бұзғұнчи) кайфиятнинг бир адабий ҳодисада учраши мүмкін. А.,Д. истилохи Ф.Ницше томонидан адабий мұомалага киритилған. Бу ҳодиса XX аср фалсафий ад-ларида құлланилған. Ф.Ницшениң “алоодам” (сверхчеловек) ғояси мана шу түшүнчәннинг мужассами эди.

- Борев Ю. Энц-кий словарь эстетики и теории лит-ры.. М., 2008. С.96-97 (эл.версия).

АПОЛОГ (юончa: *apologos* – ҳикоя, масал) [поэтика] – қыска аллоргик ҳикоя ёки ривоят бўлиб, ҳайвонлар ёки үсімліклар аллегорик тарзда тасвиrlанади. А. дастлаб Шарқда санскрит т.даги эртаклар түплами “Панчантантра”га киритилған бўлиб, масалдан аввалорк вужудга келган. “Калила ва Димна”нинг араб ва форс варианtlарида ҳам А. насиҳат мотивида ёзилған. А. сифатида рус ад-тида “Варлаам ва Иоасаф киссаси”, “Ақир донишманд киссаси” келтирилади. XIX аср бошларида рус ад-тида И.Дмитриев ижодида учрайди.

- Benac H. Nouveau Vocabulaire de la Dissertation et des Études Littéraires. Paris, 1982;
- Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.40.

АПОЛОГЕТЛАР (юончa: *apologemal* – үзини ҳимоя килмок) [диншунослик] – насроний даъватчилари. Мил. II-III асрларда бир гурух насроний адиллари диний ва императорлик ишларига аралашмасликка, уларни танқид килмасликка даъват этиб, уларни ёқлаб асарлар битгандар. Юстин, Тациан, Афонагор, Тертуллиан в.б. А. асарлари насронийлик тарихида ва ад-тида мұхим үрин тутади.

- Bünyadov Z. Dinlər, təriqətlər, məzħəblər. Bakı: Şərq-Qəerb, 2007. S.34.

АПОЛОГИЯ (юончa: *apologos* – ҳикоя) [диншунослик] – юон ҳакамлық судида айборни оғзаки ёки ёзма равишда ҳимоя килиш; диншуносликда насронийлик ҳимояси учун ёзилған китоб.

«**АПОЛОГИЯ**» – қад. юон адеби Апулей асари. Автобиографик мазмұндаги бу асар нотықлық санъатига алокадор. “А.”да Апулейни сеxр-жоду ёрдамида бир аёлнинг эрини үлдириб қўйишида айблаб, судга чакирилғани ва Апулей ажойиб нутки б-н үзини ҳимоя килгани ва окланиб чиққани баён қилинади.

- История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.439; Елисеев И.А., Полякова Л.Г. Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.16.

АПОРИЯ (юончa: *aporia* – үтиб бўлмас йўл) [синергетика] – иложсизлик, начорлик; қарама-карши ва шу б-н бирга ҳакконийлик жиҳатидан тенг түшүнча. Юон фалсафаси ва ад-тида кенг құлланилған А. диалектик тафаккурининг хосиласи сифатида вужудга келган. Асл маъноси: мантикий масаланиң ечимида кийналиш, бирор муаммонинг ечимида катый позицияга эга эмаслик. Юон файласуфи Элеялик Зенон (м.а. V) томонидан илмий истифодага киритилған. А. Фарб фалсафасида бирор муаммони ечишда тұхтамга келмаслик. Мак., Шекспир асаридаги Ҳамлеттнинг “Е ҳаёт. Е

мамот...” хитоби каби. Матншуносликда ўзаро тенг икки ечимдағ бирини танлай билмаслық.

- Cuddon J.A. *The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory*. London: Penguin Books, 1991; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.40-41.

АПОСИОПЕЗА (юонча: *aposiopēs* – жим туриш, тұхтаб туриш) [риторика] – поэтик воситалардан бири, стилистик фигура. Шестьрий асарларда инверсия, кофия ёки ритм талаби б-н феъл туркумига оид сүз күлланилмай, унинг вазифаси бошқа сұзларга юқлатилади. Феъл вазифаси юқлатылған сүз предикатлик вазифасини бажаради. Бу холат бошқа бирордан көлтирилған күчирма тарзыда ҳам бұлиши мүмкін, бунда ҳам грамматик номуганосиблик күзатылади. Феъллік маъноси бошқа банддаги сүзге ҳам юқлатылған бұлиши мүмкін. Mac., Мандельштам шеърида: “*И лодка, волнами щурша, / Как листьями...*” мисрасида “уже далёко” тушиб қолған. Агар тушиб қолған сұзларни жойига күйсак ҳам, инверсия туфайли уни тушуниш кийин. Одатдаги грамматик тартибда эса: “И лодка уже далеко, шурша волнами, как листьями” бұлиши керак.

- Введение в лит-ведение / Лит-ное произведение: основные понятия и термины. М., 1999. С.517.

АПОСИОПЕСИС (юонча: *aposiopesis* – тұхтаб қолиш) [риторика] – персонаж нутқининг бирдан тұхтаб қолиши. А. муаллиф томонидан бирор вокса туфайли қаҳрамон нуткини тұхтатыб күйилиши. Драманинг кульминацион вазиятида шу ходиса содир бұлиши мүмкін. Mac., Гоголнинг “Ревизор” асари охиридаги Ревизор келиши б-н содир бўлган “соков саҳна”. Ёзма нутқ ёки ёзууда ҳам бирдан тұхталиб қолиши мүмкін.

- Лотман Ю.М. Риторика // Труды по знаковым системам – 12: Структура и семиотика художественного текста. Тарту, 1981; Поляков М.Я. Вопросы поэтики и художественной семантики. М., 1985; Любая Ж., Эдельин Ф., Клинкенберг Ж.-М. Общая риторика. М., 1986; Cuddon J.A. *The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory*. London: Penguin Books, 1991; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.41.

АПОСТАЗИЯ (юонча: *apostasis* – қайтиш) [диншунослик] – ўз динидан, зътиқодидан қайтиш. Андалусида ва мусулмонлик жорий этилған Европа мамлекатларида насронийликдан қайтган кишиларга нисбатан күлланилған.

АПОСТОЛЛАР (юонча: *apostolos* – әлчи, издош) – илк насроний ад-тларда христианликнинг дастлабки 12 тарғиботчиси, араб манбаларыда ҳаворийлар. А. ҳали рухоний жамоаси шаклланмаган пайтда даъват ишлари б-н шүгүлланиб, турли юргларни кезиб чиққанлар. Mac., “Дидаха” асарида 12 апостол таълимити акс этган. Янги Аҳд китобида Исо пайғамбарнинг якин сафдошлари ва давомчилари сифатида талқин килинади. Инжилга куралып: Андрей, Пётр, Варфоломей, Иоанн, Иуда Искариот, Матфей, Симон

Зилот (Канъонли), Фаддей, Филипп, Фома, Иоакав Алфей ўғли, Иоакав Заведей ўғли. Бу сиймолар диний ад-тлардан ташқари, бадиий асарларда ҳам учрайди. Mac., A.Блокнинг “Ўн иккилар” достони.

XIX аср бошида Кембриж ун-тида (Англия) A.Теннисон раҳбарлигига “A.” номли адабий тұғарал вужудга келган.

- Воронаева К.Л. Кто такие апостолы? Л., 1973; Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.355-57; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.41.

АПОСТРОФ (юонча: *apostrofos* – белги) [семиотика, риторика] – I. ҳарфларнинг уст томонига қўйиладиган белги (‘). Mac., д’Артаньян. Француз, итальян ва инглиз т.да туширилган унлини англатади (1); олмон т. орфографиясида ундошларнинг юмшоқ талаффузини (2); рус т.да маълум даврда каттиклик белгиси (ъ) ўрнида қўлланилган. Лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек ёзувида айирув белгиси сифатида қўлланилади. Унга тескари бўлган (‘) белги эса ў, ғ ҳарфларини ҳосил қилишда күшимча белги сифатида катнашади: о‘, г‘.

II. риторикада жонсиз предмет ёки номи т.га олинмаётган шахсга нисбатан қўлланувчи риторик фигура.

АПОСТРОФА (юонча: *apostrophé* – қайтиш) [эстетика, театр ва драма назарияси] – риторик фигура. Муаллиф ёки персонажнинг асарда катнашмаётган персонаж ёки нарса ва предметга мурожаати. Рус драматургиясида А.П.Чеховнинг “Олчазор” (1904) асарида Гасвинг “мухтарам шкаф”га мурожаати бор. А. лирик чекиниши сифатида сюжетдан ташқарида бирор шахс ёки предметга мурожаат тарзида ҳам келиши мумкин. Миртемирнинг “Сурат” лирик достонида қаҳрамоннинг китоб орасидан ногаҳон чикиб колган сурат (расм)га мурожаати бор. А. ода (қасида) ва элегия (мунгли шеър)да ҳам учрапши мумкин. Бу ҳолда Шарқдаги ружу санъатига яқин келади.

- Лотман Ю.М. Риторика // Труды по знаковым системам-12: Структура и семиотика художественного текста. Тарту, 1981; Поляков М.Я. Вопросы поэтики и художественной семантики. М., 1985; Дюбуа Ж., Эделин Ф., Клинкенберг Ж.-М. Общая риторика. М., 1986; Cuddon J.A. The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. London: Penguin Books, 1991; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.41.

АПОФАТИЗМ – (юонча: *apophatikos* – “нари(га)” и *phatizo* – “сўзлайман, атайман”) – инкор этиш орқали билиш. Византия фалсафа ва эстетикасида – Илохиёт (Худо)ни англаш, тушуниш ўғли. А. замарида Илохиётни акдидроқка асосланиб мушоҳада орқали англашни инкор этишдан иборат.

АПОФ(Т)ЕГМА (юонча: *aporthegma* – қиска ва ўткир сўз) [поэтика, дидактика] – машҳур кишилар ҳәтидан олинган хикматларга бой панднома тарзидаги ад-тлар. А. жамият ахлоқий меъёrlарига риоя килиш, ахлоқий-дидактик йўналишдаги қисса ва хикоятлар тўпламларидир. А. афоризм ва

хикматли сўзлар тўпламларига синоним тарзида ҳам қўлланилиши мумкин. А. тўпламлар муаллифи сифатида Европа ад-тида Ф.Петрарка, Ж.Бокаччо, рус ад-тида эса Н.Г.Кургановнинг “Письмовник” (“Мактублар”) тўпламини мисол келтирадилар. А. типидаги ад-тлар Шарқ ад-тида “Хикматнома”, “Панднома” умумий номлари б-н эълон килинган асарларга яқин туради. Яна қ.: *афоризм*.

- Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.41.

АПОФЕОЗ (юонча: *apotheosis – мадҳ, тақдирлаш*) [эстетика, театр назарияси] – кад. юононларда давлат арбоблари, Римда императорга берилган унвон. А. дастлаб Римнинг асосчиси Ромулга, сўнгра император ва унинг оила аъзоларига берилган. А. бадиий асарда кўчма маънода қандайдир ҳодисани, тантанани шарафлаш (1); саҳна асарларининг якунловчи қисми (2) ҳам шу истилоҳ б-н юритилган. Саҳна асарларининг сўнгтида барча актёrlарнинг саҳнага чиқиши ёки бирор концерт иштирокчиларининг томоша сўнгигида саҳнага чиқиши ҳам А. деб юритилган. Бу А.лар “тирик манзара”, “жонли лавҳа”, “сузсиз саҳна” каби номлар б-н ҳам аталган. Рус театр санъатида А.нинг намунаси Глинканинг “Иван Сусанин”, Р.Глиэр ва Т.Содиковнинг “Гулсара” операсининг якунловчи қисми ҳам А.га мисол була олади.

А. айрим адиблар ва маданият арбобларини унга мос бирор предмет б-н доимий суратда тасвирилаш. Мак., подшоҳ суратини факат тахтда тасвирилаш, Рим адиби Сенекани бошида гулчамбар таккан ҳолда тасаввур килиш.

- Акбаров И.А. Музика лугати. Т.: F.Фулом номидаги нашр., 1987. Б.18-19; Елисеев И.А., Полякова Л.Г. Словарь лит-всадческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.16; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.41.

АПОФТЕГМА (юонча: *apophthegma – фикрни аник ифодалаш*) [поэтика, риторика] – сабок бўларли ибора ва хикмат. А. афоризмларнинг сипопими сифатида Ф.Бэкон (1624) томонидан қўлланилган. А. конунчиликда кўпроқ қўлланилган.

АППИА, Адольф (1862–1928) – швейцар символисти, саҳна санъатининг ислохотчиси. Женевада туғилган. “Вагнер драмаларининг саҳнага кўйилиши” (1895) илк асаридир. Декорация, чирок ва бошқа саҳна безакларига алоҳида эътибор берган. Уз асарлари б-н натурал санъатга қарши бориб, саҳнадаги рамзийликка дикқат қаратган. Муаллиф қарашларини имкон кадар саҳнага олиб чиқиш имкониятларини ахтарган. Асарлари олмон ва француз т.ларида чоп килинган.

- Энц-я символизма. Живопись, графика, скульптура. Лит-ра. Музыка. Сост. Жан Кассу и др. Пер. с франц. М.: Республика, 1999. С.346-347.

АППИАН (~ 101–170) – искандарияллик тарихчи, асарларини юонон т.да ёзган. Рим императори Траян даври (98–117)да ижод килган. Асосий асари «Рим тарихи» (160) булиб, 30 ж.дан иборат бу асар *анналчилик* руҳида ёзилган. Бевосита ушбу туркум таркибиға киругучи “Гражданлар урушлари” асари беш кисмдан иборат. А. асарлари тарихий солномалар бўлмай, балки улар бадиий жиҳатдан ҳам қимматга эга. А. ўз асарларининг ўқишили булиши учун кўплаб бадиий лавҳалар киритади, адилларнинг асарларидан намуналар келтиради. Бизгача стиб кслган лавҳалар уч ж.да.

- *Аппиан. Гражданские войны / Историки античности*, т.2. М.: Правда, 1989. С.523–608.

АПРАСТУТАПРАШАНСА [поэтика] – қад. санскрит поэтик категорияларидан бири. Назарда тутилган нарсани тавсифлаш. Мазкур алланкара ассоциацияга, тушунчалар алоқасига асосланган фигура булиб, у Шарқ адидаги мажоз – аллегорияга тұғри келади.

АПРЕЛЬ (лотинча: *aprilis* – очилиш, ёзилиш) [этнография] – йилнинг түрткінчи ойи. Бахорги очилиш, ўсимлик ва дараҳтларнинг барг ёзиш даврига тұғри келгани учун А. сұзи ой номини ифода қиласы. Очилишнинг биринчи кунини күвноқлик б-н кутуб олишган. Мажусийлик давридан қолган бу одат ҳамон сақланган. Юлий Цезарь календарига қадар йилнинг иккінчи ойи бўлган.

АПРИОР (лотинча: *a priori* – аввалги) [гнесология] – аввалги тажрибага асосланган, лекин ундан мустакил бўлган билим. А. истилоҳ сифатида ўрга асрларда Декарт ва Лейбниц фалсафий таълимотида кулланилган. Бу фалсафий тизим И.Кант фалсафасида тараққий эттирилган булиб, унингча, билимнинг ўзи эмас, балки илк шакти А. хисобланган.

- *Кант И. Критика чистого разума / Соч., т.3. М., 1964;*

– **таққин** [герменевтика] – олмон файласуфи И.Кант назариясининг давоми бўлиб, ҳар кандай таққин аввалти тажрибалар асосида юзага келса ҳам, бу жараёнда тажриба истисно тарикасида иштирок этмайди. Буниг учун И.Кант күникиш тамойили ёки дастлабки схемани тавсия этади. Бу инсон табиати б-н унинг акли ўзаро алоказорликдаги ҳаракати бўлиб, улар бирикиб-сингишиб кетган булади. Бу умумий гармония Яратувчи томонидан белгиланиб кўйилади, гарчи бизга эстетик категория (мас., гўзаллик) таъсир этса ҳам, унинг биз кўрган гўзал тул ёки күшчага алокаси йўқ. Бунда А.т. ҳар доим субъектив характер касб этади. Бошқа А. категориялар: макон, замон, сабаб – буларнинг ҳаммаси субъектнинг табиати таркибиға киради.

- *Гильберт К., Кун Г. История эстетики / Пер. с англ. М.: Изд. иностр. лит-ры, 1960. С.352-353.*

АПСАРА(С) (қад. хинчча: сувдан чиқкан) [мифология] – хинд ведалари мифологияси буйича ярим илохий аёл жинсига мансуб махлукот. А. Ерда ва осмонда яшайды. “Ригведа”, “Атхарваведа” ва “Рамаяна” матнларида турлича талқип килинган. А. мингдан ортик булиб, улар ўз қиёфасини ўзgartира олади. А. инсон ҳиссиятiga таъсир этиб, ўзини севдира олади ва кишини ақлдан оздидари.

- Миғи народов мира. М.: СЭ, 1980. С.96.

АРТ-АРТ (инглизча: art – хона, квартира) – қ.: Концептуал санъат.

АПУЛЕЙ (~125–180) – эллинизм даври ад-ти намояндаси. А. асарларини юонон ва лотин т.да ёзган. Рим империясига қарашли Нумидия (Африка)нинг Мадавр ш.да туғилган. 11 китобдан иборат “Метаморфозалар, ёки Олтин хўтиқ” асари муаллифи. II асрда Рим империясида кечган майший воказалар ва уларнинг ахлоқий жиҳатлари, 11 ҳикоя шаклида майший-ишкий ва диний сюжетлар баён килинган. Баъзи ҳикояларнинг бош қаҳрамони Амур ва Психея. А. романи сюжети кейинчалик Ж.Бокаччо, М.Сервантес, Г.Филдинг, Т.Смоллетт, Лафонтен асарларида ҳам қўлланилган. А., шунингдек, “Апология ёхуд Афсунгарликда айбланишдан ўзини химоя килиш нутки”, “Флоридалар” (“Гулзорлар”) сингари риторик асарлар муаллифи.

- Апuleй. Апология. Метаморфозы. Флориды. М.: Наука, 1959.
- Гильберт К., Кун Г. История эстетики / Пер. с англ. М.: Изд. иностр. лит-ры, 1960. С.126; История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.499.

АРА ГЕХЕЦИК (қад. арманча: ўлмас) [мифология] – арман мифологиясига кўра ўлиши ва қайта тирилиши мумкин бўлган маъбуд. А.Г. номи ассирий мифларида ҳам учрайди. Арман давлатининг эгаси А.Г. Ассирия маликаси Шамирамга уйланади. Бошка мифга кура, Шамирам ўч олиш максадида арман юргига келиб, А.Г.ни ўлдиради. Аарат тоғи этакларидани паст текисликнинг номи ҳам А.Г. деб юритишган. А.Г. образи арман рангтасвири ва достонларида акс этган. В.Суренянцнинг “Шамирам ўлган Ара устида” сурати, Н.Заряннинг “Ажойиб Ара” достонлари мавжуд.

- Миғи народов мира. М.: СЭ, 1980. С.97.

АРАБ АДАБИЁТИ – араб миллатига мансуб ҳалклар в.б. араб т.да сўзлашувчилар ад-ти. А.а. Якин ва Ўрта Шарқ, Шим. Африка ва Жан.-тарбий Европа ҳудудида жойлашган 30 га якин мамлакатда тарқалган қад. ва бой ад-тидир. А.а.нинг илдизлари араб ҳалқи фольклорига бориб улапади. Ҳалқ қўппиклари доирасида фахр (мактоб), хижа (камситиш), сар (касос), риса (элегия) ва марсиялар қад.дан куйланган. Лирик жанрлар насиб ва васф тарзида тарқалган. Насрий жанрлардан макол ва маталлар, мусамара (тунги ҳикоялар), айям ал-араб (жангнома) тараккij этган.

А.а. ўрганишда И.Ю.Крачковский таснифига кўра дастлаб жоҳиллий даври, яъни исломгача бўлган (м. VII асргача) араб т.даги адабий намуналар умумлаштирилиб ўрганилиши керак. Бу даврда алоҳида шахслар томонидан

ёзилган адабий манбаларнинг қад.си V асрга тегишли (ундан аввалгилари ёзма шаклда сакланмаган). Бадоун ад-ти ёки жоҳилийя даври манбаларидан асосан шеърий асарлар стиб келган. Эпик асарлар ровийлар талқинида сакланган.

Исломий руҳдаги ад-тнинг вужудга келиши (экспансия даври, 622–750) нафакат араб ад-ти, балки дунё маънавий ҳаётининг йўналишини ўзгартириб юборди. Куръони каримнинг нозил булиши, араблар томонидан мусулмонликнинг қабул килиниши, араб т.нинг куръоний, адабий, илмий, давлат т.га айланиши араб ад-ти тараккиёти учун бемисл таъсир кўрсатди. Айни даврни фақат адабий жиҳатдан ўрганганда ҳам Куръони каримга адабий манба сифатида ёндашувни, шариат аҳкомлари адабий манбалар орқали тушунтирилишини, Ҳадиси шарифларнинг поэтик жиҳатлари ўрганилишини ва умавийлар даври шеъриятини яхлит кузатиш талаб этилади. Маърифий ва ирфоний ад-т б-н бирга, ҳалт оғзаки ад-тидаги Урва ва Афра, Қайс ва Лубна, Жамил ва Бусайна, Мажнун ва Лайли, Кусайир ва Узза саргузаштлари ҳакидаги романтик қиссалар ҳам ёзма ад-тга кириб келди.

Аббосийлар халифалиги ад-ти алоҳида давр булиб, бу даврда адабий кучлар Бағдодда тўпланиб, Шарқ адабий ҳаётининг марказига айланган (750–1258). Айни давр араб ад-тида бир қатор адабий жанрлар (мақома, наср, раЖаз, шеър навълари)нинг шаклланиши юз берган. Ровий Ҳаммад (в. 772)нинг “Муаллакот” тупламига замонининг 7 шоири асарлари кирган. Ал-Муваддал (в. 786) туплаган 120 қасидадан парчалар, Абу Таммом (в. 846)нинг “ал-Хамаса” ва ал-Бухтурий мажмуалари бу ад-тнинг исломгача бўлган намояндалари асарлари ҳақида ҳам маълумот беради. Ибн Қутайба (в. 889)нинг “Китаби накду-ш-шеър” асарида тилга олинган ва асарлари ўрганилган ижодкорлар, айнико, Абу Фараж Исфаҳонийнинг “Китабу-л-Оғани” мажмуаси араб шеъриятининг VII–IX асрлардаги аҳволидан дарак беради. Аббосийлар халифалиги даврида Башшар ибн Бурд (в.783) томонидан ад-тда “янги услуг” шаклланди. Бу усул ад-тшунос олим Ибн Мутазз (в.908) асарларида ўз илмий талқинини топди. Шеъриятдаги поэтик янгиланишлар Абу Нунос (в.815) асарларида ўз аксини топди, у кад. қасидагүйликни сатирик пафос б-н кенгайтириди. Абул Атоҳия ҳалқ оҳангларида шеърлар битиб, “янги услуг”нинг оммалашishiга сабаб бўлди. Шу б-н бирга, шеъриятда суфий талқин ва мотивларнинг кенгайишига сабаб бўлган Робиа ал-Адавия (в.801), Ҳаллож (в. 922) шеъриятни муножот, рубойи каби ирфоний жанрлар ҳисобига кенгайтириди.

Араб насрода ўзига хос из колдирган Жоҳиз (787–868) мұтазилий оқимининг назариётчилиридан бири эди. Жоҳиз юздан ортиқ асарлар битиб, уларда анъанавий араб насрига фалсафий рух бағишилади. “Фи мадху-т-тужжор ва замм амал ас-султон” (“Савдогарлар мактоби ва султон хизматидагилар”), “Фи тафдил ан-нұтқ ала-с-самт” (“Нұткнинг сұкутдан афзалиги түғрисида”) каби хикоятлар китоблари, “Араблар ва уларнинг мизожлари” номли тарихий-бал., “Тасдиқлаш ва исботлаш” сингари

фалсафий асарлар яратди. Ибн Кугайба (в. 889) 10 ж.дан иборат “Уйун ал-ахбор” асарини мавзулар бўйича таркиблаб: ҳокимият, харб, унс (дўстлик) в.б. жиҳатларни тасвириловчи янги туркумга асос солди. У ҳикоятларни эссе жанрига яқинлаштириб, кўплаб адабий-тариҳий сиймолар ҳаётига оид лавҳалар ёзди. Шом (Сурия)да шоир Мутанаббий (в. 965) кад. касидаларга замонавий шакл берди. Айни замонда Суриядаги замонининг улуғ шоири Абул Аъло ар-Маарий (973-1057) яшади. Унинг “Рисолат ал-малойика” (“Фаришталар рисоласи) асарида мутойиба оҳангига ҳалол одамларнинг нодон ҳукмдорлар томонидан эзилаётгани тасвириланади. “Сакт аз-Занд” (“Чакмоктош учкунлари”), “Ал-лузум ма ла йалзам” (“Карашлар зарурияти”), “Ўрмон ва бутоклар”, “Фасл ва мақсадлар” каби асарлари орқали араб адтини мавзулар ва мазмун жиҳатидан кентгайтириди, шаклан ва услубан бойитди. Абу Бакр Хоразмий (в. 993)нинг ўтирик сюжетли мактублари (“Расоил”), Бадиuzzамон Ҳамадонийнинг (в. 1007) макомалари араб насрининг имкониятлари кенглигини кўрсатди.

Исломий ад-т нафакат Ҳижоз я.о. ва араб мамлакатлари, балки Ажам ва Европа марказидаги Андалусия каби мамлакатларда ҳам араб ад-тининг кучайишига олиб келди. Андалусия ад-ти (750-1492)да араб т.да бад. асарлар яратилибгина колмайди, балки Ғарб ва Шарқ бад. тафаккурини бирлаштирган ҳолда гарбона талкин (Арасту таснифи)га кўра эпос, лирика ва драманинг барча соҳаларида асарлар яратилди. VIII-X асрларда Андалусия (хоз. Испания ва Португалия)да араб т.даги ад-т кенг кулоч ёзди ва ғарб ва шарқ ад-тларига хос адабий жанрларнинг синтезлашуви кучайди. *Мувавиша* ва *зажал* каби лирик жанрлар шеъриятда мустақкам ўрин олди. Бу жанр устаси Ибн Кузман (1080-1160), нафис лирика муаллифи Ибн Дарраж (в. 1030) ва араб ад-тидаги энг кўп достонлар муаллифи Ибн Ҳазм (994-1063) А.а.ни янада юксакликларга олиб чиқди. Ибн Туфайл (в. 1185)нинг “Хайи ибн Якзон” фалсафий романи Европа типидаги романларнинг бошланмаси бўлди.

Андалусия ад-тининг ривожида тасаввуф таълимоти ва суфиёна жанрлар такомили мухим рол ўйнади. Ибн Арабий (1165-1240), аш-Шуптари (в. 1269), мисрлии Умар ибн Фарид (1182-1235), басралии ал-Ҳаририй тасаввуф ад-тининг кўплаб жанрларида ижод килдилар. Суриялик амир Усама ибн Мункиз (в. 1188) “Китаб ал-эътибар” (“Пандлар китоби”) асари б-н автобиографик жанрининг туғилишига асос солди.

XIII асрда халифаликнинг Миср мамлуклари (1258-1517) кўлига ўтиши, адабий марказининг Осиёдан Шим. Африкага кўчирилиши ад-т тараққиётига уз таъсирини ўтказди. Миср ва Суриядаги мўғул истилоси туфайли А.а.да сўниш, тушкунлик сезилади. Шунга қарамай, айрим мутасаввиф шоирлар, жумладан, Баҳоуддин Зухайр (в. 1258) халк т.га яқин асарлар яратиб, ўртадаги бўшлиқни бир мунча тўлдиришга эришди. Айни даврда халк киссалари “сийра”, туркум ҳикоятлар кенг таркалди. “Минг бир кеч” эртаклари кайтадан туркумланиб, унинг таркибидан турли киссалар (мад, Умар ибн Нуъмон киссанаси) ўрин олди.

XVI асрға келиб, халифаликнинг турк султонларига ўтиши (1517–1800) натижасида араб ад-ти энди аввалдан араблар яшаган ўлкаларда эмас, балки Европанинг синда жойлашган Онадули ва Румэлига қадар кенгайди. Бу давр ад-тида рисола ва тазкиралар көнт тарқалди, шеърият мавзулари доираси ва ифода шакллари ғарбона оханглар ҳисобига бойиди.

XIX асардан бошланган маданий ҳаётдаги бирмунча жонланишини мутахассислар А.а.нинг янги даври сифатида баҳолай бошлидилар. Бу давр ад-тида маърифатчилик оқими тараккий этди, Европа типидаги романлар, айникса, тарихий романчилик мактаби (Жиржи Зайдон) шаклланди. Миср ад-ти бошқа араб миңтакаларига нисбатан етакчиликни ўз зиммасига олди. Реалистик нафакат романчиликда, балки қисса ва ҳикоялар ҳисобига янгиланиш даврини бошдан кечирди. Ёзма ад-т б-н параллел равища ҳалқ ад-ти ўзига хос шакл ва жанрларда мужассам топди. Лекин Ғарб мамлакатларининг мустамлакачилик сиёсати туфайли XX аср бошидан бир т.да ривожланаётган араб ад-ти турли лаҗжалар (мас., *Миср, Суря, Ливан, Ироқ* в.б.) ад-тларига айланди. Бу жараён А.а.да секин-асталик б-н адабий ҳаётнинг ичдан янгиланишига сабаб бўлди.

◆ Средневековая арабская проза. Хрестоматия. Сост. Т.А.Мухтаров. Т., 2002; Жуброн Ҳалил Жуброн. ; Зайдон Ж. Зайдон Ж. Ғарфона келини. - Т., 1970; Зейдан Джирджи. Аль-Амин и Аль-Мамун. - Л., 1977; Сестра Харуна ар-Рашида. - Л., 1970.

• Крымский А.Е. История арабов и арабской лит-ры. Ч.1-3. М., 1911-13; Крачковский И.Ю. Арабская лит-ра / Изб. Соч. т.1-6. М.-Л., 1955-60; Ал-Фахури. История арабской лит-ры. Т.1. / Пер. с арабск. М., 1959; Гибб Ҳ.А. Арабская лит-ра / Пер. с англ. М., 1960; Соловьев В., Филиппинский И., Юсупов Д. Арабская литература. М., 1964; Долинина А.А. Очерки истории арабской литературы нового времени. Просвещительский роман. 1870-1914. М., 1973; Мухтаров Т.А. Очерки средневековой арабской прозы. – Т., 1989; Kratshkowsky I. Arabistan (Edebiyat) / Islam Ansiklopedisi. 2-cild. Istanbul, 1993. S.523-49; Иброҳимов Н. Ўрта аср араб ҳалқ романи. Т.: Фан, 1994; Ҳўжаева Р.У. Яшги давр араб адабиёти тарихи. Т., 2004; Акбарова М.Ҳ. Яшги давр араб адабиёти (XIX-XX асрлар). Дарслар. Т., 2009; Ҳўжаева Р.У. Мамлуклар даври араб адабиёти. Т., 2012.

~ *ёзуви* – араблар томонидан жорий килинган ёзув тизими, кейинрок Ажам (араб бўлмаган мусулмон ўлкалари)да ҳам асосий алифбо сифатида кабул килинган. Ўнгдан чапга томон ёзилади ва ўқилади. А.ё. қад. оромий ёзуви асосида шакллантирилган булиб, унинг қад. ёзувни Фрот дарёси ёқасидаги Куфа ш.нинг олимлари ихтиро қиласиганлар. Исломнинг Араб ва Ажам мамлакатларида ёйилиши б-н ёзув ислоҳ килиниб, ҳарф ости ва усти нукталари, белгилари қўйилган. Ироқ волийси Зиёд ибн Абихи бўйруғи б-н Абул Асвад Дуввалий (688), Валид ибн Абдулмалик Марвон даврида ислоҳ килинган. Араб мамлакатларидан ташқари, ҳоз. Эрон, Афғонистон, Покистон, Шарқий Туркистанда жорий ёзув ҳисобланади. Андалусияда XVI асрга қадар; 1928 й.га қадар Марказий Осиё, Кавказ ва Кавказорти ўлкаларида, Татаристон ва Бошкирдистонда, 1929 й.га қадар Туркияда асосий

ёзув ҳисобланган. А.с. мусулмонликнинг ёйилиши ва Куръони каримнинг А.ё. битилиши б-н бутун дунёга таркалиб кетган. Араб алифбосида 28 ҳарф ва 12 та диакритик (ёрдамчи) белги булиб, уни бошка ҳалклар қабул қилиш жараённида ўзининг т. хусусиятларидан келиб чиқиб, айrim белгиларни ортирганлар. Mac., форс т.да 32 ҳарф. А.ё. мукаддас ёзув ҳисоблангани учун унда битилган китоб ва номалардан ношаръий мақсадларда фойдаланиш, ножоиз жойларга ташлаш манъ этилган. А.ё.даги ҳарфлар камарий ва шамсий ҳарфларга булинади.

Бундан ташкири, диакритик белгилар (харакатлар) айrim унлиларни хосил қилишади, ундош ҳарфларнинг такрорини беришда ва сўз ёки бўғиннинг тутаганини англатишда фойдаланилади.

- Шарбатов Г.Ш. Современный арабский язык. М., 1961; Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. М., 1963; Халидов . Арабский язык. Т.: Ўқитувчи, 1968; Иброҳимов Н. Араб тили грамматикаси. 1-2 ж. -Т., 1992-95. Талабов Э. Араб тили. Т., 1993; Moritz B. Arabistan (Yazi) / Islam Ansiklopedisi. 2-cild. Istanbul, 1993. S.498-512.

~ поэтикаси – араб ад-ти орқали юзага чиккан поэтик ҳодисотлар тизими. Еврона олимлари юонон поэтика тизими (Арасту), санскрит поэтикасини ад.-бад. тизим сифатида тан олиб, улар хақида юзлаб тадқиқотлар яратганлар. Шу каби жаҳон ад-ти поэтикасига асос бўлган тамойиллар тизимларидан яна бири А.п. деб номланиб, илдизлари кад. араб бадавий ҳаётига бориб уланса-да, асосан, исломий даврнинг натижаси деб қаралган поэтикарди. Чунки бу поэтик тизим нафақат араб т.даги ад-тларга, балки форс, турк, урду, хинд, пашту в.б. ад-тларнинг марказий назарий асоси булиб хизмат килган. Шунингдек, ўз таъсир доирасига Европа мамлакатлари: Испания, Португалия, Грузия, Арманистон, Болқон ярим оролида жойлашган худудлар ад-тлари поэтикасини ҳам олган.

А.п. VIII–XI асрларда тараккий этиб, араб-форс-турк в.б. мусулмон мамлакатлари ад-тларини ягона тизимга бирлаштириди. Бу поэтик тизимнинг умумий тамойиллари “адаба” деб номланган таркибига 19 илмни (айrim манбаларда 12, 16) олган филологик система асосида куринади. Улар калом, маъно, лафз, аruz, кофия, китоба, бадоеъ, сарф, нахв в.б. фанларни бирлаштирган ягона умумгуманиттар тизимдирки, улардан бири иккинчисини такозо қиласи, бирининг моҳият иккинчиси орқали очилади.

Араб поэтикасида бад. бутунликни тутиб турувчи икки унсур – мазмун ва шакл муносабати маъно ва лафз бирлигиде мужассам топади. Бу бирлик барча фалсафий қарашларда, руҳий ҳолатларда, туйгулар муносабатида ҳам мумтоз поэтиканинг пойдевори саналади. Ислом алломалари сурат ва маъно нисбатини Куръони каримдаги жузъ ва кулл тафсиридан келиб чиқиб шарҳлайдилар. Маъно ва лафз моҳият ҳамда унинг сўз қолипи маъносида кўлланилган, анъанавий мазмуннинг алоҳида муаллиф талкинидаги ифодаси сифатида қабул қилинган. Араб поэтикасининг асоси саналган маъно истилохи машхур Farb арабшунос олимлари томонидан “фикр, гоя” (Голдцир, 1896; Крачковский, 1927), “поэтик мотив” (Грюнебаум, 1944:

Риттер, 1954), “фикр, мохият, образ” (Шидфар, 1974) деб гарж. килингган булса, лафз (куплиги – алфоз) – “ифода” (Гольдциер, 1896), “суз, ифода” (Грюнебаум, 1944), “ифода, товушлар бирикмаси” (Крачковский, 1927), “сұzlар, нұтқ ифодаси” (Киктев, 1969; Риттер, 1974) тарзда үгірілтән. Маъно мазмун, ғоя ва мохиятни англаттан булса, лафз унинг материал жиҳати, яни товуш, сұз орқали ифодаланишини билдирган. Шундан келиб чиккан ҳолда, маъно - поэтик мотив; лафз эса ифода воситаси (суз б-н) деб қабул килингган. Ибн Кутайба «Шеър ва шуаро» (850–870) асарида бадий матнларни маъно ва лафзга туркүмларга ажратған: 1) яхши лафз ва маъноли асарлар; 2) лафзи яхши ва маъноси ёмон асарлар; 3) лафзи ёмон ва маъноси яхши асарлар; 4) лафзи ёмон ва маъноси ҳам ёмон асарлар. Бундай таснифга келишда муаллиф лафз ва маънони бириктурувчи нисбат (эътилоф) сифатида уларнинг үзаро тенг келиши (мусават)ни назарда тутади. Ибн Кутайба талқинича, агар маъно лафзга тұла мос келса, у бадиият (балоға)га эришган бұлади. Кудама ибн Жаъфар (в. 922/948) эса “Накду-ш-шеър” (“Шеър танқиди”) асарида “тугал маънога лафз құшимча килмаса ёки маънони бузвұвчи үнсүрни лафзга құшмаса”, асар етүк булишини таъкидләгән. А.п. маъно ва лафз муносабати хусусидаги Муфаддал Дабби (в. 780/787) “Китаб маъни аш-шеър”, айни шу номдаги Абу Сарван ал-Укли (VIII асрнинг 2-ярми), Ибн Кунас (в. 823–825), Асмоий (в. 825–832), Сайд ибн Масада ал-Ахфаш (в. 830), Ибн Арабий (в. 846), Абу-л-Амайсал (в. 854), Ибн Кутайба (в. 889), Бухтүрий (в. 897), Салаб (в. 904), Наххас (в. 950), Ибн Абдус (в. 859–860); “Китабу-л-маъони” номли Муаррих Садуси (в. 819), Надр ибн Шумайл (в. 818–820). Али Райхоний (в. 834) кабилар асарларини көлтириш мүмкін. Ушбу мавзуда номаълум муаллифнинг “Мажмуату-л-маъони” номли тұлғатами бізгача етиб келған. Аскарий “Девону-л-маъони” номли асарлар каталогини тузиб, бу йұналишдаги 100 дан ортык рисолага тавсиф бергани арабшунослик илміга маълум.

Исломий адабий манбаттарда адабий тур ва жанрлар таснифига оид карашлар *наср ва назмни* ифода шакли сифатида фарқлашынан, уларға хос хусусиятларни аниклаб, насрий ва шеърий асарлар таҳлилида мана шу жиҳатларга амал килинишни тавсия килишдан бошланади. Кудама ибн Жаъфарнинг «Накду-пі-шеър» ва «Накду-н-наср» асарлари Гарб олимларининг эътиборида бұлған. «Накду-н-наср» (айрим манбаттарда «Китобу-л-бағн») да муаллиф нафакат поэтика мавзулари, балки насрдаги адабий масалалар: тил, баён, иншо санъатига, илми бадель ва нұтқ мәданиятига алокадор масалалар ҳақида фикр юритған. Араб т.да «наср» сузи «ёрдам, иноят» (1), «ғалаба көлтириш» (2), «химояланиш» (3) «ёрдам берувчилар жамъи» (4), «хитобалар мажмусаси» (5), «Куръони карим шархларининг йигиндиси» (6), «мунозаралар китоби» (7) түшунчаларини англатған. Адабий истилохга «наср» сұзининг «социлмок, таркалмок» маъноси асос бўлған. Наср адабий навъ (тур) сифатида унга мансуб жанрлар: хитоба, ваяз, тафсир, машқаба, мақомот, никра, мунозара, масал, адаба доирасида үрганилган.

А.п. шельни “каломи мавзуну мукаффа” (вазн ва кофияли гап) деб тушунтиради. Шеърдаги жанрий ўзгаришлар асосида вазн ётгани учун аруз вазнидаги шеър шакллари илми аруз таркибида, кофия таъсирида вужудга келиши мумкин бўлган жанрий ўзгаришлар илми кофия таркибида ўрганилган. Кудаба ибн Жаъфарнинг «Нақду-ш-шеър» асарида шеър танкиди билан боғлик барча жиҳатлар хақида гапирганда, вазн, кофия, бадий санъатлар, нутк гўзалликлари баробарида шеърий шакллар масаласига ҳам тухталган. Вазн тушунчаси жоҳилий даврида ҳам мавжуд бўлган, ҳатто баҳр тушунчаси мавжудлиги манбаларда қайд этилган. Бирок араб халк шеъри ва жоҳилий даври шоирлари ижод намуналарини ҳам, саодат асри ва хулафои рошидинлар даври назм намуналарини ҳам изчил илмий тизимга соглан, унинг катъий кўринишларига конуний тус берган. Арузшунослик фан сифатида Халил ибн Ахмад (719–792)нинг «Айн китоби», «Мўжам фи илму-л-арузи» («Аруз билими комуси») каби асарлари орқали яхлит поэтик тизимга солинган. Бу асарлар тўлиқ ҳолда етиб келмаган, олимнинг шогирди Сибавайҳ (в. 796) «ал-Китаб» асарида, «Айн китоби»ни Лайс ибн Музаффар, 16-баҳр ихтирочиси Абул Ҳасан ибн Саъид Ахфаш (в. 830) уларнинг мазмунини илмга олиб кирган. IX асрда Надр ибн Шумайл, Ибн Канноса, Асмойӣ, Али Райхоний, Қосим Салом, Ахмад Бахийлий, Абул Умайсал, Ибн Сиккит, Ибн Кутайба, Бухтурий, X асрда Абул Аббос Саълаб, Ибн Жинний каби олимлар шеър илмига доир асарлари таркибида аруз масалаларини ёритгани, Ибн Сарроҷ (в. 920)нинг «Меъёр фи авзону-ш-шеър» («Шеър вазнларининг меъсри») асари билан кейинги давр арузшунослиги давом этган. Мумтоз араб поэтикасининг тадқикотчиси А.Б.Куделин мавзу доирасида Ҳасан ибн Рошик (в. 1070)нинг «Таянч» ва Абу Ҳилол Аскарий (в. 1005)нинг «Китабу-л-санъатайн» асарларини ҳам келтирган. Ҳижрий I-II асрларда Куръони карим ва ҳадислардаги шеърий намуналарга муносабат масаласида метрик тизим кайта ўрганила бошланган. Бу шеърий тизимнинг муҳим хусусияти мисралардаги буғинлар сони эмас, балки сифати, хусусияти бирламчи моҳият касб этадиган бўлди. Шеърдаги ритмик бирликлар сифатида хижо, руқн ва байт олинди. Байтдаги руқнлар сони ва руқндаги хижолар сифати асосида арузнинг хусусиятлари бслгиланди ва булар асосида дастлаб 11, сунгра 16 баҳр ишлаб чиқилди.

А.п.да бад. санъатлар пойдевори Абдуллоҳ ибн Мұтаззининг “Китобу-л-бадеъ” асари орқали кўйилди. Бад. санъатларга мисол келтиришда аввал Куръони каримдаги илоҳий калималар, сунгра «ҳадислардаги балияят», кейин хулафои рошидин ва сахобалар, тобеъинлар сўзлари ва сунгтида эски ва янги шоирларнинг шеърларидан намуналар бериш илмий маданият саналган. Наср бинни Ҳасаннинг «Махосину-л-калом» («Гўзал сўзлар»), Кудама ибн Жаъфарнинг «Нақду-ш-шеър» («Шеър танкиди»), Жоҳиз ва Ибн Ҳалдун асарларида ҳам мана шу жиҳат устивор хисобланган. Ҳатто X асрда араб олими Руммоний (909–916) факат Куръони каримдаги бад. санъат намуналарини тўплаб, уни маҳсус китобда шарҳлаган. Бундай Куръоний асос


билин бад. санъатларга ёндашиш Абу Ҳилол Аскарий (в. 1004)нинг «Китабу-с-сина'атайн» («Санъатлар китоби»), Ибн Рошик (999–1064)нинг «Ал-Умда», Бакиллоний (в. 1013)нинг «Эъжозу-л-Куръон» (“Куръон мўъжизалари”) асарларида ҳам акс этган.

Араб олимлари жоҳилийя давридаёқ шеърнинг қоғия жиҳатини англатувчи фикрлар баён килгандар. Исломий даврга келиб шакланган қоғия илми дастлаб Ибн Кутайба (828–889)нинг «Шеър ва шуаро», Кудама ибн Жаъфарнинг «Нақду-ш-шеър», Асмоййнинг «Китоби фухулату-ш-шуаро» асарларида ишлаб чиқилди. Кудама ибн Жаъфар асарида шеърият таҳлили беш жиҳат орқали амалга оширилиши лозимлиги уқтирилган: улар вазн, қоғия, лугат таркиби, сюжет (тартиб) ва танқид. «Нақду-ш-шеър»да шеъриятнинг барча олимлар томонидан баравар қабул қилинган тўрт унсури фарқланган: товуш, сюжет, вазн ва қоғия. Олимнинг фикрича, бу таркибий унсурларнинг турли хил амалиётлар асосидаги қўшилувидан шеър ҳосил бўлади. Товуш, асосан, вазн ва қоғия билан ўлчанади. Қоғия эса мазмун билан мутлақ боғланган унсур ҳисобланади. Шунинг учун қоғияни мазмундан ажратиб ўрганиб ёки таҳлилга тортиб бўлмайди.

А.п.да лугат, сарф, нахъ, калом илми, иншо санъати ва баён коидалари ҳам бад. адабиётнинг т. жиҳатини ўрганувчи илмлар сирасига киради. Агар назм аруз билан ўлчанса, насрнинг ўлчови нахъ (синтаксис) деган коида бор. Бад. т., услугуб ва унинг ёзувдаги ифодаси бўлган иншо масалалари қад. араб олимларининг илмий тадқикотлари йўналишини белгилаган. Бад. нутққа умумий тарзда бўлса-да, биринчилардан бўлиб эътибор қаратган олимлардан бири Бишр ибн Мұтамирдир. И.Ю.Крачковский «Бад. ижод ҳақида VII асрга доир мұтазила руҳидаги рисола» маколасида ёзишича, бу асар – «Синоату-л-иншо» IX–XI асрларда яшаган тўрт аллома Жоҳизнинг «Китобу-с-синоатайн» («Икки санъат китоби»), Ибн Рашикнинг «ал-Умда» («Асослар») ва Зубайр ибн Баккорнинг «Самиъат» («Тингловчилар») асарлари орқали етиб келган. Ал-Жоҳизнинг «Китабу-л-баён» ва «Китабу-л-хайрон» («Жонзорлар китоби») асарларида ҳам нутқ маданияти, нотиқлик санъати ва бад. асарлардаги муаллиф нутқи табиати баён этилган.


А.п. ўрта асрларда ўндан ортиқ т.ларда яратилган ад-тлар учун ягона поэтик тизим сифатида хизмат қилди, нафакат араб олимлари, балки Ажам (Марказий ва Кичик Осиё, Эрон, Кафказ, Испания в.б.) алломаларининг чукур тадқикотлари ҳисобига ҳам бойиди.

- Крачковский И.Ю. Му'тазилитский трактат IX в. о литературном творчестве; Арабская поэтика IX века / Избр. Соч. Т.2. М.-Л.: ИАН, 1956. С.221-222;361-372;
- Башиева С. Историко-социологический трактат Ибн Халдуна «Муқаддима». М., 1965;
- Талабов Э. Араб арузи. Т.: 1977; Куделин А.Б. Средневековая арабская поэтика (вторая половина VIII–XI вв.). М.: Наука, 1983; Оганесян Д.А. «Книга поэзии и поэтов» Ибн Кутайба (828-889) как источник для истории классической арабской поэзии. АКД. М., 1980.



АДАБИЙ МАСКАНЛАР

1. Andijon shahri. Bobur xâikaasi. 2. Xoja Ahmad Yassaviy maqbarasi. 3. Abu Abdullaoh Ismoni Buxorii maqbarasi. Samarcand. Chelaq. 4. Aë Suifia – memoriyal kompleksi. 5. "Aznat"skiy muzey – dozirigi Sankt-Peterburg Kûl'ezmalar institutti. 6. Akropol – yunon adabiétlariida sha'xarinining musta'jham yuqori qismi. 7. Ahmad Xojagii Kosoniy maqbarasi. 8. Anau – turkii madaniyati maskanlariidan (Turkmaniston, 1956). 9. Amra madaniyati qoldiqlari (Iordaniya). 10. Andalusiyadagi madrasalaridan biri. 11. Axsikent xarobalariiga kiriш. 12. Iroq artefakti. 13. Aleksandriya kutubxonasi. Umumiy ükiш zali.



ТАРИХИЙ СИЙМОЛАР

1. Алп Арслон – салжукли султони.
2. Алп Эртүнгә – Афросиёб.
3. Аттила – туркий қаҳрамон ҳақида китоб.
- 4, 5. Али ибн Абу Толиб рассом тасавурида ва унинг китоби ўзбек тилида.
6. Алқама ибн Абий Қаввос – мұхаддис.
7. Амин Бухорийнинг "Убайдуллоҳнома" асари.
8. Антиох даврига оид тош ҳайкал.
9. Антиоҳ – Қанды давлатига юнонликлар берган исм.
10. Афшар дуккандори Шоҳ Тахмосп.
11. Аланлар. Шарққа йўл.
- 12, 13. Америго Виступччи ва унинг сафар йўли.
14. Асфандиёрхон – Хива хони (1918).

- тили – Гарбий Осиёда ва Африканинг шимолида яшовчи араблар т. Кейинчалик бу т.да истифода килувчилар миқдори ва географияси кенгайган. А.т. семит (сомий) т.лари оиласига киради. А.т.да яратилган адабий ёдгорликлар кадимдан (м.а. V аср) мавжуд. Шу даврда А.т.нинг месъёрлари ишланиб, кўйне адабий т.га асос солинган. А.т.да яратилган оғзаки ижод намуналари ундан хам қадимийрок. Қуръони каримда т.нинг кўхна мезъёрлари Курайш қабиласи т.га яқинлаширилган. Шу асосда араб мумтоз т. шакллантирилган. А.т.да сўзлашувчи мамлакатлар жуда кўп бўлгани сабабли унинг турли диалектлари мавжуд. Шунингдек, ш.лар ахолиси т. б-н бадавий (саҳроий) араблар талаффузида ҳам фарқлар мавжуд. А.т.да сўз ясалиши аффиксация б-н бирга флексия (унниларнинг ўзгариши, ундошларнинг иккиланиши каби) муайян рол ўйнайди. Мумтоз а.т.да икки жинс (род), уч шахс (бирлик, иккилик, кўпллик), уч сўз келишик, уч ҳолат каби лингвистик категориялар бор.

- Шарбатов Г.Ш. Современный арабский язык. М., 1961; Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. М., 1963; Халидов . Арабский язык. Т.: Уқитувчи, 196; Иброҳимов Н. Араб тили грамматикаси. 1-2 ж. -Т., 1992-95. Талабов Э. Араб тили. Т., 1993; Kampffmeyer. Arabistan (Dil) / Islam Ansiklopedisi. 2-cild. İstanbul, 1993. S.513-23.

АРАБЕСКИ (“арабча” сўзидан; французларда *arabesque*) [эстетика, мъморчилик] – I. араб-ислом санъатига нисбатан кўлланилган умумий атама. II. Европа мъморчилигига Шарқ услубига хос орнаментларнинг кўлланилиши. Амалий санъат, рассомлик ва гилам түкишда ҳам фойдаланилган. А. араб мамлакатларида ва Африкада кенг кўлланилгани учун шундай ном олган. Нозик, нафис ишланган жиҳозларга ҳам А. номини берганлар. Рус адаби Н.В.Гогол бадиалар тўпламига ҳам “Арабески” номини берган.

- Herzfeld E. Arabesk / Islam Ansiklopedisi. 2-cild. İstanbul, 1993. S.463-70.

АРАБИЗМ (“арабча”, “арабий” сўзидан) [лингвоэтика] – матнда арабча сўзларнинг учраши; турли т.ларга кириб, ўрнашиб қолган арабча сўзлар. А. кўпроқ ислом динига эътиқод килувчи ҳалқлар т.ларида, Европада эса испан ва португал т.ларида учрайди. Келиб чишии нуқтаи пазаридан арабча сўзлар ўз лексик холида (шевър, адаб), А.+ қўшимча, қўшимча + А. в.б. ҳолларда учраши мумкин.

АРАБШУНОСЛИК – қ. Шарқшунослик.

АРАБИЙ – қ.: Ибн Арабий.

АРАБМУҲАММАДХОН (XVI аср 2-ярми – 1623) – Хива хони (1602–1623). Ҳожи Муҳаммадхон (1598–1602)нинг кенжа ўғли. Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажараи турк” асарида маълумот берилган. Мунис ва Оғаҳийнинг “Фирдавсу-л-икబол” асарида “бағоят мутадайин ва муташарре ва камозор

киши эрди. Ва валоятдин насиби бор эди” деб таништирилган. Етти ўғли: Асфандиёр, Ҳабаш султон, Элбарсхон, Абулғозихон, Шариф Мұхаммад, Ҳоразмшоҳ султон, Ӯғон султон. 1623 й. А. ўғиллари Ҳабаш ва Элбарсга карши жантда, Кум ш да вафот эттән.

А. маданий-меъморий ишларга эътибор қаратган. Хивада Арабхон мадрасасини (1616) курдирган. Муниссинг А. шаънига айтилган китъаси бор:

*Арабхонким, қилиб адл ошкоро,
Анинг даврида расми зулм қолди.
Фалак бу важҳдин айлаб анга зулм,
Кӯзи нурин кӯзининг нури олди.*

(Бу китъа орқали А.нинг ўғли, яъни “кӯзининг нури” отасининг кӯзини ўйдирганига ишора килинмоқда)

- История Хорезма. Т., 1976; Абул Фозий. Шажарайи турк. Т.: Чўлпон, 1992; Мунис ва Оғаҳий. Фирдавсу-л-иқబол. Т.: Янги аср авлоди, 2010. Б.87-88.

АРАБШОҲ (XIV) – Олтин Ўрда хонларидан. 1377 й. Нижегород якинида княз Дм. Константинович күшинига зарба бериб, Нижний Новгород ш.га ўт куиган. 1378 й. эса Рязанни босиб олган.

АРАГОН, Луи (1897/3.Х–1982/24.XII) – француз шоири, ёзувчиси, танқидчи ва жамоат арбоби. Парижда туғилган, 1915 й.дан ун-тнинг Тиббиёт фак-тида таҳсил олган. I Жаҳон уруши иштирокчиси. Шеърлари 1917 й.дан очи этила бошлигаран. Дадаизм, сюрреализм каби адабий оқимтарга якинлашган. Унинг “Калбаги ҳанжар” (1941), «Эльзанинг кӯзлари» (1942), “Француз тонги” (1945) шеърий түпламлари, “Французларнинг инкирози ва кутарилиши” (1945) хикоялар түплами, “Реал дунё” (1949-51) туркум романлари, “Кӯз ва хотира” (1954), “Тугалланмаган роман” (1956), “Шоирлар” (1960) достонлари, “Эҳтиросли хафта” (1958), “Жиддий ўллим” (1965), “Бланш ёхуд Унутиш” (1967), “Театр/Роман” (1974) романлари ижодининг юкори даражада эканлигини кўрсатади. “Услуб ҳакида трактат” (1928) эссесида сюрреалистик қарашлари ифодаланган. Стендаль, Курб, Матисс, Моцарт, Гайди каби санъат намояндалари ҳакида адабий портретлар яратган. Адабий тажрибалари асосида “Мен шундай ёзишни ўрганмадим” (1969) асарини зълон килган. Шуролар соцреализмининг хориждаги тарафдорларидан бири сифатида “Соцреализм ва француз реализми” (1938) асарини ёзган. Ч.Айтматовнинг “Жамила” киссасини французчада нашр эттириб, адабининг халқаро шуҳратини оширган.

- ♦ Арагон Луи. Собр. соч., в 11 т.-х. М.: 1957-1961; Изб. статьи и речи. М., 1957; Неоконченный роман. Эльза / Поэмы. М., 1960;
- Трушенко Е. Луи Арагон. М., 1958; Балашова Т. Творчество Арагона. М., 1964; Писатели Франции о лит-ре. М.: Прогресс, 1978. С.205-214, 241-243, 336-343.

АРАГОТО (японча) [санъатшунослик] – япон театр санъати ва театр травюрасидаги “кўпол”, “куччи” услуб. XVII асрда тарихий-каҳрамонлик драмаларида намоён бўлган. Асосан, эркаклар ижро этган ролларда кўзга

ташланади. Бу роль бутун пьесанинг гултожи саналган, театр репертуарлари ва мавсумлари, асосан, мана шундай ролларга эга саҳна асарларидан бошланган. А. Кабуки театрларида шухрат қозонган. Актёрнинг юзи худди маска каби грим (бу грим турини японлар кумадори деб атаганлар) қилинган. А. услубида ишланган гравюралар кенг тарқалган ва театр гравюралари орасида кимматли саналган.

- Сердюк Е.А. "Стиль силы" - арагото в театре Кабуки и классической японской гравюре // Советское искусствознание-75. М.: Сов. художник, 1976; С.158-173; Культура классической Японии. Словарь-справочник. Сост. Рыбалко С.Б., Корнев А.Ю. Ростов-на-Дону: Феникс, Харьков: Торсинг, 2002. С.11-12.

АРАМ (кад. арманча) [мифология] – арман мифологиясига кура, қавмнинг отаси, арманиларнинг бош бүғини. А. Хайка авлодидан бўлиб, арман чегараларини саклайди, Мидия б-н курашга киришади. Ассирияга қарши курашда А. қаршиисига Баршамин чиқади. Рамзий маънода Арманистонни бошқа карши кучлардан ҳимоя килувчи қаҳрамон.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.97.

АРАМЕЙЛАР [этнография] – кўчманчи тарзда яшовчи семит кабилаларидан. М.а. З-минг йилликдан манбаларда учрайди, 2-минг йилликда А.лар Месопотамияга кучиб келган. М.а. XII-XI асрларда бутун Олдосиёга тарқалганлар. Мил. I аср бошларидан Олдосиё ахолисининг асосий сўзлашув т.га айланган. А. тили *аккад* т.га ҳам ўз таъсирини кўрсатган. А.нинг авлодлари хозирги *ассирий* (айсор)лардир.

- Я открою тебе сокровенное слово. Лит-ра Вавилонии и Ассирии / Пер. с аккадского. М.: Художественная лит-ра, 1981.
- Дьяконов И.М. Народы древней Передней Азии / Преднеазиатский этнографический сб. Кн.1. М., 1958.

~ *адабиёти* – А.т.да битилган ад-т. Илк адабий намуналари м.а.V асрга тегишли. Донишманд Ахикар ҳакидаги кисса м.а. V-IV асрларда яратилган. Инжилнинг "Эзра", "Даниил" қисмларининг А.а. тегишли сахифалари бор. Милоднинг бошларида Инжил А.т.га тарж. (*таргум*) этилган. Мас., "Таргум Онекос", "Таргум Ионанат". Айни даврга тегишли А.а. намуналари XX асрнинг 40-50-й.ларида Улик денгиз остидан топилган. VI-VII асрлардан кейин адабий манбалар араб т.да ёзила бошланган.

- Я открою тебе сокровенное слово. Лит-ра Вавилонии и Ассирии / Пер. с аккадского. М.: Художественная лит-ра, 1981.
- Коковчен П. Древнеарамейские надписи из Нираба. Спб., 1899.

~ *тили* – семит т.лари оиласига кирувчи қавм т. Бу т.да сўзлашувчилар кадимда Сурия ва Месопотамияда яшаганлар. М.а. IX-VIII асрга тегишли манбаларда бу т. элементлари сакланган. Ассирия давлатида м.а. VII-IV асрларда расмий давлат т. ва бошқа халқлар б-н мулокот т.га айланган.

Муқаддас китобларнинг нозил бўлиши б-н бу т. яхудий ва араб т.лари таъсирига учраган. А.т.нинг Эдесса, Мандей, Малула, Турайо в.б. диалектлари мавжуд.

- Винников И.Н. Словарь арамейских надписей / Палестинский сб. 1958. №3; 1962. №7; 1964. №11; 1965. №13; Церетели К.Г. Материалы по арамейской диалектологии. Т.1. Тбилиси, 1965.

~ ёзуви – семит т.лари оиласига киравчи А.ё.да факат ундош товушлар белгилар б-н ифодаланган. М.а. 1-минг йилликда шаклланган. А.ё. Шимоли-Ғарбий семит кабилаларининг финикийча ёзуви асосида шакллантирган. А.ё. намуналари м.а. IX–VIII асрга тегишли ёдгорликларда сакланган. Эрондаги ахоманийлар сулоласи даврида ҳам шу ёзувдан фойдаланилган. Кейинрок сурёний, яхудий, араб, пахлавий, уйғур ва мұғул ёзувлари ҳам А.ё. асосида шаклланган.

- Коковцев П. Древнесарамейские надписи из Нираба. Спб., 1899; Винников И.Н. Словарь арамейских надписей / Палестинский сб. 1958. №3; 1962. №7; 1964. №11; 1965. № 13.

АРАНЖЕМАН (лотинча: arrangement – ўрин алмаштириш) – ҳарфларнинг ўрнини бир неча марта тўлиқ вариантларда алмаштириш. Mac., лотин алифбосидаги *a*, *b*, *c* ҳарфлари ўрнини тўла алмаштириш натижасида б-н ўзгариш содир бўлади: *abc*, *acb*, *bac*, *bca*, *cab*, *cba*.

АРАПАТ (арманча: *Ağrı toğu*) – Арманистондаги тоғ номи. Туркия, Эрон ва Арманистон оралиғида жойлапшган. Арман адиллари бу қадимги тог ҳакида кўплаб насрый ва шеърий асарлар ёзганлар. Қадимги манбаларга кура, Урарту давлатини ташки душманлардан ихота қилиб турган тоғ (Арапт > Урарт) маъносида ҳам ишлатилган. “Китоби Дада Қўркут”да (II, X, XII боблар) *Арқуру* номи б-н келган. Марко Поло “Арк тоги” (1290), Алишер Навоий, Котиб Чалабий (1635) “Кухи Ағри”, “Жабали Ағри” деб кўллаган.

- Kitabi-Dada Qorqud ensiklopediyasi. Baki: Yeni Naşrler Evi, 2000. S.15.

АРАСЛИ, Ҳамид Мамедтаги ўғли (1909–1990) – озарбойжон ад-тшуноси, академик. Озарбо йоннинг Ганжа ш.да туғилган. 1928 й.дан асарлари чоп этила бошлаган. Боку ун-ти профессори. Озарбойжон ад-ти тарихи, унинг туркий халклар ад-лари б-н алокаларига оид таддикот ва китоблар муаллифи. Асосий илмий йуналиши XVII–XVIII асрлар ад-ти (1956), Фузулий (1957) ва Низомий (1967) ҳакидаги монографиялари ва мумтоз ад-т ҳакидаги маколалардан иборат. Навоий анъаналарини давом эттирган Ориф Ардабилийнинг “Фарҳоднома” асари бўйича номзодлик диссертацияси ёклаган (1969). Фузулий тұла асарлар түплами (1-5, 1958)ни нашрға тайёрлаган. Соиб Табризий (1916), Алиакбар Собир (1936), Охундов (1938), Имодиддин Насимий (1972), Ҳоқоний Ширвоний (1982) ижодига доир таддикот ва рисолалар өзлон килган.

Алишер Навоий ва ўзбек мумтоз адабиёти вакиллари ижоди, ўзбек – озарбойжон адабий алоқаларига оид маколалар муаллифи.

- ◆ Арасти Н. Низаминин муасирлари. Вакы, 1940; Шаърын наяты. Бакы, 1967;
- Араслы Х.Г. Ариф Ардабили и его поэма «Фархаднам». Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. Баку, 1969.
- Türk Dünyası Edebiyatçıları Ansiklopedisi. Ankara, 2002. S.414.

АРАСТУ, Aristatális (м.а. 384–322) – қад. юони файласуфи, ад-тшунос ва нотик. Машхур саркарда И.Макдунлининг устози. Эгей деңгизи бўйидаги Стагир ш.да туғилган (шу туфайли манбаларда Арасту Стагирий ҳам дейилади). А.нинг отаси Никомах табиблар авлодидан бўлиб, Македония шохи Эминта III саройида хизмат қилган. А. ёшлигидан Македония тоҳининг ўғли Филипп II б-н ўртоқ бўлган. Филипп II таҳтга чиккач, А. унинг ўғли Искандарга устозлик кила бошлаган. 15 ёшли А. ота-онасидан стим колиб, табиблик касбии эгаллаган. Отаси ўрнига мураббийлик, ворислик қилувчи Проксен йигитчанинг кизиқиши доираси кенглигини билиб, уни ўкишини давом эттириш учун юборди. А. 367 й.да Афинада машхур Афлотун академиясига ўкишга кирди ва у срда 12 й. Афлотун фалсафий мактабида сабоқ олди. 347 йилда Афлотун вафот этгач, А. унга багишлаб марсия ёзди. Афлотуннинг билими саёз жияни (Спевисип) академияга раҳбар бўлиб қолгач, Арасту дўсти Ксенократ б-н Афинани гарк этдилар. Афлотуннинг икки шогирди Кичик Осиёдаги Ассос ш.га келиб, махаллий ҳоким Гермийга фатсафадан устозлик килар эди. А. ҳам улар сафига күшилди. 339 й.да Искандар подшоҳ бўлгач, А. она ш. Стагирга кайти. М.а. 336 й.да А. хаётининг иккинчи Афина даври бошланди. Эллик ёшида Афинада Искандарга нойиб бўлиб турган лашкарбоши Антипатр ёрдамида ўз академияси – фалсафа мактабини очди ва уни 12 й. бошқарди. Искандар вафоти (м.а. 323 й. 13 июн)дан сўнг А. Ликей академиясидан кочишига мажбур бўлади ва Эвбеся оролида вафот этади.

А.нинг бир неча юз асари т.га олинади. А.нинг ўғли Никомах ва шогирди Теофраст унинг асарларини асраб, напр эттириш б-н шугулланган. А. асарларидан машхурлари – “Эвдем”, “Софист”, “Политик”, “Мнексен” (диалоглар), “Фоялар ҳакида”, “Фаровонлик ҳакида”, “Биринчи Аналитика”, “Иккинчи Аналитика”, “Категориялар”, “Софистларга рафдия” (мантиқ фанига доир бу асарлар “Орғанун”га жамланган); “Физика”, “Метафизика”, “Ҳаёт тарихи”, “Жон ҳакида”, “Никомах ахлоқи”, “Эвдем ахлоқи”, “Ахлоқи кабир”, “Сиёсат”, “Поэтика”, “Риторика” ва бошкалар. Бу асарлардан фақат “Поэтика”, “Ахлоқи кабир”, “Риторика”нинг бир қисми ўзбек т.да нашр этилган. А.нинг бадиий-эстетик қарашлари “Поэтика” ва “Риторика” асарларида ўз ифодасини тошган. Арастунинг “Поэтика” (Нафис санъат ҳакида) китобида барча нафис санъатларнинг қонун-қоидалари баён килинади. А.нинг “Поэтика” (“Нафис санъатлар ҳакида”) китобида ҳоз.ги замон тушунчасидаги шеърият эмас, балки умуминсоний шафосат, санъат:

* М.Махмудов билан ҳамкорликда ётилган.

қонун-коидалари баён килинади. “Поэтика”га багишлаб Абу Исхок Киндий (801–866), Абу Наср Форобий (878–950), Ибн Сино (980–1037), Ибн Рушд-Аверроэс (1126–1198) каби атокли олимлар китоблар ёзишган ва буларда ўзларининг эстетик карашларини баён этишган.

А.ижодини Ўз-нда А.Ирисов, М.Махмудов каби олимлар тадқик қилишган ва асарларини тарж. этгандар.

◆ Аристотель. Соч. в 4-х т. М.: Мысль, 1976; *Arastu*. Поэтика. Ахлохи кабир. Риторика. М.Махмудов тарж. ва шарҳлари б-н. Т.: Янги аср авлоди, 2004, 2012.

• Асмус В. Метафизика Аристотеля / Аристотель. Соч. В 4-х т. т.1. М.: Мысль, 1976. С.5–63; Boer T.J. Aristo / Islam Ansiklopedisi. 2-cild. Istanbul, 1993. S.570-572;

~ **эстетикаси** – юонон олими Арасту ҳакимнинг адабий-назарий ва эстетик карашлари мажмуаси. Асосан, А. нинг “Поэтика”, “Риторика” асарлари оркали ифодаланган. А. поэтик (бадиий) санъат тўғрисида, унинг алоҳида кўринишлари (эпос, драма, лирика) ва улардан ҳар бирининг имкониятлари, поэтик асарнинг яратилиши ва жамият ҳаётига таъсири ҳамда инсонлар руҳини поклаш ва улар қалбида асар қаҳрамонларининг кайгу-хасратларига ҳамдардлик уйғотиш учун ривоят (мифос)ни қандай танлани зарурлиги тўғрисида фикр юритган. “Поэтика”даги асосий гоя – мимесис (mimesis – үхшатиш санъати)дир. Үхшатиш ўзаро уч жиҳатдан: тасвирлашнинг турли воситалари б-н (1); тасвирлаш предмети б-н (2); ранг-баранг, ўзига хос усууллар б-н (3) фарқланади. Үхшатиш – таклид санъати ҳастни турли тасвирларда акс эттириши мумкин. Бусклар ва шакллар ёрдамида үхшатувчи, яъни рассомлик ва ҳайкалтарошлик санъатида (1), мусика, қўшик ва ракс санъатида (2); мусиқавий санъатларнинг ўзи уч турли: А. Факат мусикадан иборат асар. В. Қўшик = мусика + сўздан иборат асар. С. Ракс = мусика + ритмик ҳаракатдан иборат асар ҳамда вазнли сўз ёрдамида ҳастни тасвирловчи санъат.

А. фикрича, поэзия санъати қандай воситалар ёрдамида тасвирланишига кўра қуйидаги турлардан иборат: 1. Бўёклар б-н – рассомлик. 2. Тош ёки бронза ёхуд ганч б-н – ҳайкалтарошлик, деворий нақш – барельеф, горельеф в.х. 3. Чолғу асблоблари ёрдамида – мусика, қўшик, ракс санъатлари. 4. Факат сўз ёрдамида: эпос, драма, лирика. Драманинг ўзи кимларни, қандай ҳарактерларни тасвирлашига кура: трагедия ва комедияга бўлинган. Трагедия яхши, улуғвор ҳарактерларни, комедия тубан ёки ҳажвий ҳарактерларни тасвирлайди. А. ёзди: “Санъатларнинг ҳаммаси ҳам алоҳида ё ритм, ё сўз ва ёхуд гармония ёрдамида, ёки шуларнинг ҳаммаси уйғунлигига тасвирлайдилар. Авлетика ва кифаристика ҳамда мусика санъатининг бошқа ҳиллари факат гармония ва ритмдан фойдаланади”.

А. фикрича, Геродот асари вазнда ёзилса ҳам, вазнсиз ёзилса ҳам, барибир поэзия эмас, балки тарихлар. Сабаби – тарих ҳаёт воқеалари ва инсон килмишларини баён киласди, поэзия – конкрет ҳолатларда кўрсатади. Аммо табиат ёки фалсафага доир шундай асарлар ҳам борки, уларни ҳам илмий, ҳам бадиий асар дейиш мумкин. Бирок баъзи бир санъатлар борки, улар

хамма айтилганлардан, яъни ритм, оҳанг ва вазндан фойдаланади. Мас., дифирамбик поэзия, трагедия ва комедия шулар жумласидандир.

А. бадий ад-тдаги тур тушунчасини фарқлаб курсатади. Муаллиф асар воқеаларига аралашмаган ҳолда, унинг ўзини боридай тасвирласа, бу эпосдир (худди Гомер асарларидағи каби). Агар муаллиф тасвир давомида ўзлигича колиб, ўз (түйғу ва кечинмалари)ини акс эттирса, у лирика бўлади. Барча акс эттириувчилар, яъни кишилар ва воқеаларни харакатдагилар сифатида тасвирласа, у драма бўлади. Аллома ҳар бир адабий турга хос хусусиятларни курсатиш б-н бирга, кейинрок ҳар бир турга мансуб жанрларни ажратиб курсатади. Мас., эпик турга хос эпопея, лирик турга хос дифирамб, драматик турга хос трагедия ва комедия ҳакида батафсил маълумот беради.

А. эстетикасига доир карашлар унинг “Риторика” асарида ҳам акс этган. Арасту ҳаким талқинича, “риторика – бу санъат ва ижод бўлиб, машший турмушнинг диалектик мантиқидан ўсиб чиқкан”. Риториканинг фикр тинклиги, сўз аниклиги, исбот–далил, нутқ гўзаллиги, ахлокий түйғу, эзгу фикр ва нафис хисларнинг уйғониши қаби жиҳатларига эътибор қаратилиди.

Қад. Юнонистонда риторика (хитоба) санъати поэтика б-н узвий ахлоқадор бўлса-да, у давлат бошқаруви, давлат ва жамоат арбобларининг сиёсий фаолияти, сулҳ ва ҳарб, уруш ва тинчлик, шавкатли ишлар, қаҳрамонликларнинг барчаси ватан учун деб билувчи нотикнинг ҳалқ олдида энг муҳим муаммоларни мухокама килиш, ўз максади, таклифи, сиёсий йўлининг ватан ва ҳалқ манфаатларига мувоғиқ эканлигини далиллаш усусларини ўргатар эди. Сүкрут, Афлотун, Демокрит, Ксенофан, Горгий, Исократ, Пифагор, Эмпедокл, Демосфен, Фокион, Протагор ва бошка донишманлар поэтика ва риторика асарларини фалсафий талкин килиб, фалсафанинг муҳим қисмига айлантирилар. А. риторикани факат сўзамоллик санъати деб билмай, балки уни ахлок б-н, инсон руҳий олами б-н, маънавият б-н боғлиқ ҳолда тушунирди. А. “Риторика”си уч китобдан иборат бўлиб, биринчи китоб бошланғичида риторика ва диалектика муносабатлари тушунтирилади. Риторика ва диалектика барча фикрловчи инсонлар учун зарур бўлиб, судда кўрилаётган ишда гуҳмат, бўхтон, ҳамдардлик, қаҳр-ғазаб қаби ҳолатлар воқеа иштирокчиларида бўлса ҳам, судъялар-ҳакамлар бундай ҳолатларга тушмай, холис туриши, давлат конуниларида мумкин қадар барча ҳаётий муаммолар ҳакида хулоса бўлиши, ҳакам ватан ва ҳалқ учун кайси иш-амал адолатли ва фойдали, кайсилари заарларни эканини, ҳақикатни аниклашда силлогизм (мантикий фикрлаш) б-н риторик далиллаш (энтимема)дан биргаликда фойдаланиши яхши натижага бериши таъкидланади. “Риторика”нинг II китобида нотик сўзлаётганида ўз фикрини исботлаш учун ҳаётий мисоллар, ухшатишлар, Эзоп ва бошқаларнинг масал ва ривоятларидан фойдаланса, яхши самара беришини айтади ва ўзи ҳам намуна учун шундай масал ва ухшатишлардан бир нечтасини келтиради. “Риторика”нинг III китоби риторик ва поэтик услуб масалаларига багишлишган бўлиб, риторика санъати (хитоба) нотикликда энг муҳим уч масалани ҳал этиш кераклигини айтади: 1. Тингловчиларни ишонтириш усусларини кайси мағбалардан олиб ўрганиш масаласи. Булар

ҳақида I ва II китобда айтилган. 2. Нутқ услуби масалалари (*Iexis*). 3. Нутқ кисметларини қандай қуриш масаласи. Асар мазмунига нисбатан услуб ва усулларнинг биринчи ўринга кўйилиши ҳам худди шу сабабидир. Муаллиф бу ҳолатни коралаб, бадиий асарнинг мазмуни бирламчидир, бу мазмунни турлича усул ва оҳангларда айтишни муҳим деб билиш тингловчиларнинг савияси пастлигидандир, деб ёзган.

◆ *Аристоту ҳаким*. Поэтика. Ахлоки кабир. Риторика / Русчадап М. Маҳмудов тарж. – Т.: Янги аср авлоди, 2004; 2011; *Аристотель*. Об искусстве поэзии. М., 1957; *Аристотель*. Собр. соч. в 4 томах. М.: Мысль, 1982; Античные риторики. Тексты М., 1978.

• *Аверинцев С.С.* Риторика и истоки европейской литературной традиции. М., 1996; *Аурбах Э.* Мимесис: Изображения действительности в западно-европейской литературе / Пер. А.В.Михайлова. М., 1976; *Лосев А.Ф.* История античной эстетики: Аристотель и поздняя классика. М., 1975; *Лосев А.Ф.* История античной эстетики: Высокая классика. М., 1974; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Эщ-кий словарь. М.: Асерель-Аст, 2003. С.42-43.

АРАТ, Рашид Раҳмати (1900–1964) – турк олими, таржимон, матншунос ва т.шунос. Мударрис Абдурашид Исматуллоҳ ўғли. Қозон якинидаги Эски Ужум қишлоғида туғилган. Берлин ун-ти Фалсафа фак-тини тугатган. Фан доктори, 1933 й.дан Истанбул ун-ти профессори, Туркий тадқиқотлар инс-ти мудири (1940–48), Лондон ун-ти профессори вазифаларида ишлди. Турк маданиятини тадқиқ этиш институти асосчиси.

Қад. туркий т. ва унинг манбалари, тарихий грамматика ва туркий т.лар типологиясига оид тадқиқотлар муаллифи. “Эски турк шеъри” (1965), “Турк шевалари таснифи” (1953) тадқиқотларида қад. адабий манбаларга оид қимматли материаллар берган. “Кутадгу билит” асарига оид тадқиқотлари машхур. “Үтгуз хокон достони” (1936), “Бобурнома” (1943–46), “Хибагу-л-хақойик”нинг бир неча нусхаларини киёслаб, турк т.га тарж. қилган (1951).

◆ *Arat, Reşid Rahmetü*. Eski Türk şiir. Üçüncü baskı. Ankara. 1991; Edib Ahmed b. Mahmud Yükneki. Atebetü'l-Hakayik. Hazırlayan Reşid Rahmetü Arat. Ankara, 2006.

• Чигатой С. Р.Р. Reşid Rahmetü Arat Eserlerinin Listi / Türk Dil Kürümü buleteni. 29-ж. №113. Б.188-193; Türk Dünyası Edebiyatçıları Ansiklopedisi. Ankara, 2002. 1. Cild. S.416.

АРАФА (арабча: رافع – билмок, танимок) – ҳижрий камарий й. ҳисобида зилхијжа (12-ой номи) ойининг 9-куни А. деб номланган. Шу куни Пайгамбар Иброҳим (а.с.)га Жаброил ҳаж ибодати арконларини ўргатиб: “Шу жой – Арафотдир, билиб олинг, ҳаж арконлари шу ерда камолига етади” деган экан. Ҳожилар шу куни *Арафот* тогигта чикиб, то Қуёш ботгунга кадар ибодат б-н машғул бўладилар. Айрим манбаларда ёзилишича, Одам Ато б-н Момо Ҳавво жаннатдан чикариб юборилгандан кейин шу жойдаги Сафо ва Марва тепаликлари орасида учрашган экан. Куръони каримда А. б-н боғлик ояти карималар (2:194) бор.

Хайитдан олдинги кун ҳам А. деб номланишита сабаб, Курбон ва Рамазон хайитидан аввалги кун ҳам А. тогида ибодат куни хисобланади. А. сўзи бошка байрамолди кунларига нисбатан ҳам кўлланилади.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.98.

АРАК (арабча: أرك – тер) [поэтика] – I. шеъриятда бадиий тимсол, хушбуй ҳизд таратувчи тер:

*Икки руҳсоринг эрур гул чаман аро,
Аракинг юз уза шабнам суман аро.*

(Алишер Навоий. “Мезону-л-авзон”)

- АНАТИЛ. I-ж. Т.: Фан, 1983. Б.105.

II. [тасаввуфшунослик] тасаввуфда соликнинг мустаким (тўғри, саодатга элтувчи) йулида чеккан риёзатининг зохирий белгиси. Бобур “Девон”ида Аттор исмига ёзилган муаммода шу маъно акс этган:

*Биҳишти нашъага жон бирла иртибот тила,
Хумори дўзахе учун араки сирот тила.*

АРБАЪИН (арабча: أربعين – кирк > ракам) – араб тилида 40 (кирк) ракамини англатади. 40 магик ракам бўлиб, бу ракамда келган дуо, ҳадис ва бошка ходисалар муқаддас саналади. Шунинг учун А. исломий ад-тда 40 ҳадис маъносини билдиради:

*Арбаъин аҳли дарқидин ожиз,
Курмайин бўйла арбаъин ҳаргиз*

(Алишер Навоий. “Сабъаи сайёр”)

- Муҳаммад Fiёсуддин. Fiёсу-л-лугот. Чилди 1. Тажияи ва тавзехоти А.Нуров. Душанбе: Адаб, 1987. Сах. 48.

«**АРБАЪИН**» (арабча: أربعين – кирк > ракам), “Чиҳил ҳадис” (1481) – Абдурахмон Жомий асари. Тасаввуфий руҳдаги рубоийлар тўплами бўлиб, муаллиф 40 та ҳадис мазмунини 40 китъада баён этган. Алишер Навоий ўзбек т.га тарж. киlgан.

*Чиқариб риёзатдин қирқ арбаъин,
Бу беш чангин розига бўлди амин.*

(Алишер Навоий, “Садди Искандарий”, 323)

А. яратиш анъанаси Жомийга қадар ҳам мавжуд эди. Mac., Шайх Мухаммад бин Ҳусайн Омилийнинг шу номли асари бор. 40 ҳадис шарҳига бағишиланган рисолалар ҳам А. номи б-н юритилган. Mac., Шайхим Суҳайлийнинг шу номли рисоласи.

«**АРБАЪИН**» (арабча: أربعين – кирк > ракам) – Алишер Навоий асари. Шарқ арабиётидаги А. анъанаси мавжуд бўлиб, ҳалқ орасида машҳур, сахих ҳадислардан 40 таси саралаб олинади ва улардан ҳар бирининг мазмуни бир рубоийда талкин қилинган ҳолда шеърий тарзда ифодаланади.

Абдурахмон Жомийнинг «Чихил ҳадис»и асосида Алишер Навоий кирк ҳадис моҳиятини туркий т.да баён қилган. А. таркибига кирган ҳадисларни шеърга солишда уларнинг осон тушунилиши назарда тутилган, ёдда сакланилиши учун шеърий шаклдан фойдаланилган. Алишер Навоий: “Ул вақтдаким, алар (Жомий) “Арбаъин ҳадис”ни форсий назм била таржима қилиб эрдилар”

(“Хамсату-л-мутаҳайирин”)

- ◆ Алишер Навоий. Арбаъин / МАТ. 16-ж. Т.: Фан, 2000. Б.185-94.

АРБАЬИН ҲАДИС (арабча: أربعة – кирк > ракам + ҳадис – хабар, янгилик), ҳадислар – Мұхаммад (с.а.в.)нинг айтган сұzlари, қилған ишлари, құрсатмалари тұтрасидаги ривоятлар. Ҳ.ларни пайғамбар (с.а.в.)пинг сахоба (сұхбатдош)лари ёдда сақлашга ҳаракат қилғанлар. Мұхаммад (с.а.в.) ҳаётлик чөглерида сахобаларнинг Ҳ.ларни Құръони каримга аралаштириб юборишиларидан құрқиб, уларни ёзишдан қайтарардилар.

Бобур үз асарлари, жумладан, “Мубайин”да Ҳ.ларга мурожаат қилған. Масалан:

Ибтидо қылғулық не ким бордур,
Қымасанғ оти бирла айттардур.

Бу үринде “абтар” (“чала”, “кесик” маъносида) сүзи б-н “Куллу амрин зиболин лам ябдау биҳамдиллох фа-хува абтар” (Аллох ҳамди б-н бошланмаган ҳар бир иш – кесикдір) ҳадиси шарифга ишора бор. “Бобурнома”нинг айрим үринләрида ҳам Ҳ.га ишоралар учрайди.

- Ислом әңг-яси. Т.: ҮМЭДИН, 2004; Бобур. Мубайин. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2011.

АРБАЛЬИНИЙА (арабча: أرباعي – кирк > рақам) [тасаввуфшунослик] – тасаввуфда соликнинг бу дүнё б-н алоқасини узиб, кирк күн (чила) ибодат б-н машғұл булиши.

АРБИТР, Петроний Гай – Рим шоири (I). Император Нерон сарой мансабдорларидан бири. Ҳажвий асарларыда таназзулға учраган Рим империяси ва унинг уришқоқ ҳарбий бошликтарини танқид қилған. Лонгиннинг “Юксаклик ҳақида” асарыда Квинтилиан, Плинний, Тацит каби Рим донишмандлари каторида т.ға олинади. Ҳур фикрлилігі учун Нерон уни ва файласуф Сенекани ўлимга хукм этған.

- Петроний А. Сатирикон. М.-Л., 1990;
- Болтабаев Ҳ. Мағмудов М. Адабий-эстетик тафаккур тарихи. Т., 2013. Б.176-182.

АРБОБ (арабча: أرباب – “рабб” (эга) сүзининг күплиги) – I. парвариши күлгүнчі, сохиб. Ирфоний түшүнчә сифатида бир неча түрларда күлланилади:

~ и(л) аҳво – аҳвол арбоблари. Ҳол ва аҳвол ибораси баъзидә кол арбоби (кола)га қарама-карши тарзда ишлатылса, гохида илм арбоби муқобилида қўлланилади. Дастанларни йўл кашфу мушоҳада бўлса, иккинчи йўл далил ва ҳужжат тарикидир;

- ~ и важе́д – таклид ва кол б-н эмас, хол йули б-н маънавий макомга эришганлар;
- ~ и роз – сир аҳли, илоҳий сир ва асрорлар сохиблариға нисбатан айтилади;
- ~ и роёт – раият арбоблари, яъни валийлик байроғи сохиблари ва авлиёуллоҳларга нисбатан айтилади;
- ~ и русум – шариат аҳли;
- ~ и тасаввуф – мутасаввифлар ва ҳол ахлига нисбатан күлланилади;
- ~ и эҳтинос – маҳсус арбоблар, яъни авлиёуллоҳ ва хос ахлууллоҳларга нисбатан айтилади;
- ~ и ҳол – мақом (кйилу кол) егалари илм ва расм-русумлар мүқобилида (карама-карши) маънода ишлатилади;
- ~ и ҳиммат – ҳиммат (саъю ҳаракат, ирода)лари факат Худони исташ ва унинг дийдорини кўриш бўлган ва бундан бошқани истамаганлар в.б.
- Сажжодий С.Ж. Ирфоний истилоҳлар ва иборалар лугати // Сино. 2010. № 37-40. Б.173-174.

П. замонавий талкинда ўз фаолияти б-н ҳалққа танилган, давлат, жамоат, фан ва маданият ишларида бошқаларга намуна бўла оладиган кишиларга нисбатан айтиладиган ном ва бериладиган унвон: Давлат ва жамоат арбоби, фан арбоби, маданият ва саитъат арбоби каби.

АРВОХ (арабча: ارواح – рухлар) [диншунослик] – диний тасаввурга кўра, ўлган кишининг дунё б-н алока боғлаб турадиган рухи. Анимистик тасаввурга кўра одам ўлгандан сўнг унинг жони жасаддан ажралиб, рухга айланади ва дунё кишилари б-н алокада бўлиб туради. Алишер Навоийда:

*Наср шта чун тазкира манжуд этиб,
Авалие арвоҳин хушнуд этиб.*

(“Лисону-т-тайр”)

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.98; Мұхаммад Ғиёсуддин. Ғиёсу-л-лугот. Чилди 1. Таҳияи ва тавзехоти А.Нуров. Душпанде: Адид, 1987. Сах. 45.

~и қудсий – муқаддас рухлар. Тасаввуф таълимотига кўра, бундай рухлар ёлғиз бўлиб, улар малакут (фаришталар) оламидандир. Уларни “олий рухлар” ва “мукаррам рухлар” деб ҳам атashади. Ирокий айтади:

*Арвоҳи қудсий чист, намудор маъниям,
Ашбоҳ унс чист, нигаҳдор пайкарам.*

(Мазмуни: Кудсий арвоҳлар нима? Кўрсат менга, эй маънолар сохиби, инсоний шарпалар нима, айт менга, эй пайкарим).

АРГЕДАС, Хосе Мария (1911–1969) – Перу шоири ва романнависи. Кечуа (Перу) ҳалқининг тарихи ва маданиятига багишланган асарлар муаллифи. Кечуа фольклорининг тупловчиси ва ношири сифатида ҳам машҳур. Асарлари кечуа ва испан т.ларида нашр этилган. Шеърий тўпламлари: “Отамиз ва яратувчимиз Тупак Амаруга” (Лима, 1961), “Гуллаётган новда”

(Лима, 1966), “Хамиртууш” (Лима, 1972) в.б. Дастлабки түпламидан шу номдаги достон ўрин олган бўлиб, Тупак Амару Перунинг сўнгти мустакил ҳукмдорларидан бири бўлган. У 1572 йилда Перу испанлар томонидан забт этилганида катл қилингган. Ҳозир унинг номи миллый қаҳрамон сифатида т.га олинади. А.нинг шеърларида мифология б-н замонавий мавзулар уйғулаштирилган. Рус т.да бир катор асарлари чоп килинган.

- Библиотека латиноамериканской поэзии. Кецаль и голубь / Поэзия науа, майя, кечуа. Перевод с испанского и индейских языков. М.: Художественная лит-ра, 1983. С.305–326.

АРГЕЗИ, Тудор (1880–1967) – румин шоири. Бухарестда туғилган. Илк шеърлар түплами “Муносиб сўзлар” (1927) А.га шуҳрат келтирган. А. “Оқшом шеърлари”, “Жур овозлар”, “Могор гуллари”, “Япроклар”, “Тун” шеърий түпламлари муал.и. “Илохий она қўзлари”, “Лина” каби романларида XX аср 1-ярми румин ҳаёти манзараларини акс эттирган. “Утмиш сахифалари”, “Қора дарвоза”, “Шамол, мендан нени истайсан?” публицистик асарлари чоп этилган.

- [Тудор Аргези] Сомон йўли чечаклари / Мирпӯлат Мирзо тарж. Т.: F.Гулом номидаги НМИУ, 2004. Б.30–39.

АРГЕНТИНА АДАБИЁТИ – А.халқининг ад-ти. Қад. хиндулар фольклори асосидаги асарлар бизгача етиб келмаган. XVI–XIX асрларда Испания мустамлакаси бўлгани учун, асосан, мана шу т.да ад-т ривожланган. XVIII аср охиридан маърифатчилик руҳидаги ёзма ад-т ривожланган. М. де Лаварден, Д. де Аскунзаги каби адиллар ижоди А.а. ривожида муайян роль уйнаган. А. мустакилликни кўлга киритгандан сўнг (1816) миллый ад-т ривож топди. А. романтик насли намуналари сифатида Э.Эчеверриа, Х.Гутеррос (“Инсон – чумоли», «Патрийлар раҳбари», 1838) новеллаларини курсатиш мумкин. Биринчи миллый роман (1855) “Амалия”да муаллифлар (Д.Ф.Сарменто, Х.Мармол) А. майший ҳаёти манзараларини тасвирилаганлар. Гаучо шеърияти номи б-н юзага чиккан оким вакиллари Б.Идалго, И.Аскасуби, Э.де Кампо миллый шеърият анъаналарига асос солдилар. Х.Эрнандеснинг “Мартин Фьерро” достони миллый эпопея сифатида баҳоланган. XIX аср 2-ярмидан «костумбристлар ад-ти» окими реалистик йўналишда асарлар битган. Х.Мартелнинг “Биржа” (1890), Б.Линчнинг “Флорида” (1916), Р.Гуиралдеснинг “Дон Сегундо Сомбра” романларида миллый ҳаёт манзаралари ўз ифодасини топган. XX аср 20-й.лари шеъриятида авангардизм, модернизм каби адабий окимлар харакатда бўлган. А. романчилитинг янгиланишига сабаб бўлган Х.Бъянко (“Каламушлар”, 1943), Э.Сабато (“Туннель”, 1948); Қаҳрамонлар ва кабрлар, 1965), Э.М.Лайнес (“Бомарсо”, 1965) романларида А. ҳаётининг гушкун кайфиятлари акс этган. XX асрнинг 2-ярмидан А.а. дунё миқёсида намоён була бошлади. Хулио Кортасарнинг “Марваридлар уйини” романи ва катор киссалари кенг китобхонлар эътиборини топган.

- ♦ Аргентинские рассказы. М., 1962; Поззия гаучо. М., 1964. *Кортасар Х.* Игра в бисер. М.: Худож. л-ра, 1987.
- Шур Л.А. Художественная литература Латинской Америки в русской печати, 1960-64. М., 1966.

АРГО (французча: *argot* – жаргон) [лингвопоэтика] – алохида ижтимоий турху ёки касбга хос жонли ясама тил. Жаргондан фарқли равишда А. бир касб доирасидаги чекланган лексика хисобланади. А.т. актёрлар, овчилар, мусиқачилар ва шу каби бир касб доирасидаги кишилар учун хос. Тарихан кўчманчи хунармандлар ва савдогарлар нуткига бориб тақалади.

- Стойков С. Социальные диалекты // Вопросы языкоznания. 1957. № 1; Энц-кий словарь юного филолога. М.: Педагогика, 1984. С.29.

АРГОНАВТЛАР (юонча: *Argonauta* – Аргода сузувлар) [мифология] – юонон мифологиясига кўра, Иолк подшохи Пелий акаси Эсонни таҳтидан маҳрум этади, Эсон уз үғли Ясонни укаси Пелийнинг зулмидан қутқариб колиш учун уни ўлган деб эълон қилиб, яширади. 12 сшга стган Ясон Иолкка қелиб, отасининг таҳтини талаб қилганда, Пелий уни Эю (Колхида) мамлакатига олтин терини олиб келиш учун юборади. Ясон рози бўлиб, *Арго* кемасида олтин терини олиб келиш учун йўлга чикади. У узи б-н Элладанинг барча қаҳрамонларини (турли мифларда ракамлар турлича, 67 тагача) жамлаб, йўлга чикади. Мифларда сафарга чикқанлар *аргонавтлар* дейилади, улар Колхида водийсига бориб, сеҳграр Медея ёрдамида олтин терини Юнонистонга келтирадилар. Трансформацияга учраган бу сюжетнинг турлича версиялари бор. Бу сюжет Родослик Аполлонийнинг “Аргонавтика” асарига асос бўлган.

- Гордезиани Г.В. Арго в древнейших греческих источниках / Античность и современность. М., 1972; Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.98-100.

АРГОТИЗМ (французча: *argot* – жаргон) [риторика, стилистика] – *арго* (чекланган тоифага оид ясама тил) ва арготик иборалар йигиндиши. Бад. асар таркибидаги арголар А. деб юритилади ва улар асарнинг жонлилигини ва стилистик бўёклорлигини таъминлашга ёрдам беради. А., асосан, персонажлар нуткига тегишли.

- Краткая лите-нар энц-я. М.: СЭ, 1962. С.287.

АРГУМЕНТ (латинча: *argumentum* – қараш, таълимот) [герменевтика] – хулоса ёки қараш, бирор фикр, фараз ёки қараш ва концепцияни инкор ёки тасдиқ этиш учун кулланиладиган бошқа бир қараш, хулоса (1). Мантиқ илмида исбот талаб этиладиган масала ёки муаммо (2). Математикада муайян функциянинг аҳамияти (3).

А. ад-т назарияси ва эстетикада асарнинг сюжет схемаси (чиизи) тарзида ҳам кулланилади. А. асар бошида муаллиф бад. максадининг ифода қилинини ҳамдир. А. истилохи айрим ҳолларда бад. асар муаллифи томонидан илгари сурйилган концепцияга нисбатан ҳам ишлатилади.

- Cuddon J.A. The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. London: Penguin Books, 1991; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.42.

АРГУН – к.: Аргун.

АРДАБИЛИЙ, Ориф (XIV) – озарбайжон шоири, мумтоз достончилик мактаби вакили. Ардабилда туғилган, Низомий асарлари руҳида маснавийлар ёзған. А.нинг машхур “Фарходнома”си Низомийнинг “Хусрав ва Ширин” достони сюжети асосида ёзилган бўлса ҳам, асар ҳам таркибан, ҳам айrim тимсоллари иштирокига кўра ундан фарқ киласди. Достоннинг 1-кисми Фарход ва Гулистон севгиси асосига қурилган, иккинчи кисмдан Хусрав-Ширин-Фарход можаролари бошланади. А. ҳалқ достонлари руҳига таянгани учун унинг қаҳрамони Фарҳод чин ошиккина эмас, балки ҳалқ орзулари ижрочиси. Достон Низомийга кўра фожия б-н тугайди, бирор у оташин муҳаббатнинг рамзи сифатида ҳалқ дилида сакланиб колган.

“Фарходнома”нинг кўлсъмаси Истанбулда Аё Сүфия кутубхонасида сакланади (№ 3335). “Фарходнома” озарбайжон ад-тида жиддий ўрганилган, проф. Ҳ.Арасли томонидан “Фарходнома” ва “Фарҳод ва Ширин” (Алишер Навоий) достонлари муносабатларига кўра ҳам тадқик этилган.

- Ordabili A. Fərhadnamə. Baki, 2001.
- Араслы Ҳ.Г. Ариф Ардабили и его поэма «Фарходнаме». Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. Баку, 1969; Rüstəmova A. Azərbaycan epiq şeitinin inkişaf yolları. XII-XVII əsrlər. Seçilmiş əsərləri. Baki: Elm, 2014. S.176-190.

АРДАШЕР, Сайид Ҳасан (1418–1489) – ўзбек шоири ва алломаси, Навоийнинг устозларидан. А.нинг отаси Бойсункур Мирзо хизматида күшбегилик қылган. А.С.Ҳ. Навоий б-н Машҳадда танишган (1456), уларнинг муносабатлари ота-үғил тарзида эди. Навоий Самарқанддаги пайтида А.С.Ҳ.га 148 байтлик мактуб йўллаган, “Фавойиду-л-кибор” девонининг сокийномасида А.С.Ҳ.га бағишлиланган 19 байт бор, унинг вафоти муносабати б-н 56 байтлик марсия ёзган (1489). Кейинроқ “Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер” номли манокиб-холот ёзган. Алишер Навоий “Мажолису-н-нафоис” асарида “...бу факирға ота масоба (макоми)сида эрди” деб ёзган. Араб т., мусиқа назарияси, аруз, кофия ва бадеъ илмларини пухта эгаллаган. Турк (ўзбек) ва форс т.ларida ижод қиласди. А.нинг асарлари бизгача сакланмаган. Навоий ёзишича, улар 860/1455–56 й.да илк бор учрашган. Навоий А.С.Ҳ. хаёти сўнгига кадар у билан яқин муносабатни саклайди ва унинг вафотидан 2 йил ўтгач, А. ҳакида маҳсус рисола ёзган. Рисолада А. шоир ва гўзат инсон сифатида тасвирланган.

- Алишер Навоий. Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер / МАТ. 15-ж. Т.: Фан, 1999. Б. 89-104; Маҳмудов М. Орифи маоний / Ахли дил. Т.: Ўқитувчи, 1998; Kasimov B. Ardaşır / Türk Dünayı Edebiyatçıları Ansiklopedisi. Ankara, 2002. S.421-422.

АРДАШЕР Сосон (~180–239) – Эронда сосонийлар (224–241) сулоласининг асосчиси. Эрон подшохи Ардашер I Папаканнинг бобоси. А.нинг бобоси Истаҳр ш.да бош коҳин бўлган. Истаҳр (ҳоз. Балх) сарой амалдори, 200 й.дан Форс, Кирмон, Гей хукмдори. 226 й. шаханшоҳ унвонини олган. Месопотамия ва Арманни эгаллагандан сўнг *сосонийлар* давлатини барпо килиган.

- Пигулевская Н.В. и др. История Ирана с древнейших времен до конца XVIII века. Л., 1958: Алишер Навоий. Тарихи мулуки Ажам / МАТ. 16-жилд. Т.: Фан. 2000.

АРДВИ (АРДВИСУРА, АНАХИТА) (авесто т.да: қудратли < сув (тўлкин) [мифология] – «Авесто»да сув ва ободонлик маъбуди бўлиб, унинг V. Ардвисур-Яшти А.га багишланган. 22 мадхия-ривоятдан иборат. А. га ибодат килганилар ундан ёмғир, мўл ҳосил ва баҳтли ҳаёт сўраганлар. Бу миф дастлаб Сирдарё соҳилида яшовчи кўчманчилар томонидан яратилган, кейин “Авесто” таркибига киритилган. Айрим Эрон манбаларида А. форс т.га Нахид (Зухро юлдузининг кад. дарий т.даги номи) шаклида кўчган (*нахит < нахита < анахита*) Анахита тарзида оммалашган. Юонон мифларида ҳам шу номда келади.

- Гимн Ардви / Зерна мудrosti. Восточный альманах. Вып.15. М.: Художественная лит-ра, 1987. С.548-562; Авеста. Избранные гимны / Пер. И.М.Стеблин-Каменского. Душанбе: Адиб, 1990.
- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.100-101; Брагинский И. Гимн Ардви – богине воды и плодородия (Ардвисур-яшт) / Зерна мудrosti. Восточный альманах. Вып.15. М.: Художественная лит-ра, 1987. С.546-547.

АРЕАЛ (лотинча: area – майдон, худуд) [эстетика] – ер сатҳидаги бирор худуднинг бўлғаги ёки ажратилган майдон (1). Одатда А.да бир хил оиласа мансуб ўсимлик ва дараҳтлар ўсади, хайвонлар турлари яшайди. Харитада вонса ва ҳодисаларни тасвирлаши усули. А. чегараси узлуксиз чизик ёки штрих б-н кўрсатилади, баъзан А. ичига белгилар кўйилади.

~ *тилшунослик* [лингвопоэтика] – тилшуносликнинг бирор ҳудуд ёки минтақа т.и б-н шугуулланувчи кисми бўлиб, “тил географияси” б-н шугуулланади. Тилнинг муайян ҳудуддаги тарқалиш географияси, шева ва диалектларга муносабатини ўрганади. А.т. ривожланиш алоҳида бир илмий йўналиш қасб этган бўлиб, бунда асосий ургу географик ҳудуд ёки минтақадаги т.нинг тараққиёти ва ўзаро алоқадорлигига берилади. А.т. атамаси 1-бўлиб М.Ж.Бартоли ва Ж.Видосси (1943) томонидан илмий муомалага киритилган.

- Гаджисва Н.Э. Тюркоязычные арсалы Кавказа. М., 1973; Нерознак В.П. Арсальная лингвистика / Большой энц-кий словарь: Языкознание. М.: БЭС, 1998. С.43-44.

~ *адабиётшунослик* [герменевтика, адабий жараён] – янги атама, XX аср манбаларида адабий ўлкашунослик (лит-нос красведение) деб номланган бўлиб, муайян ҳудуд ва минтақа ад-тини яхлит ўрганувчи соҳа. Миллий ад-тинг тил, дин, ёзув в.б. хусусиятларидан катъи назар бир ҳудудда мавжуд

ад-тларо муносабат ва адабий хамкорлик масалаларини ўрганади. Мас., Марказий Осиё халқлари ад-ти, Кавказорти халқлари ад-ти, Болтиқбайи ад-ти каби.

- Введение в лит-видение / Ред. Л.М.Крупчапова. М.: ОНИКС, 2007.

АРЕЙ (Арес) [мифология] – кад. юонон мифологиясида урушлар маъбуди. Зевс ва Геранинг ўғли, ўлим ва вайроналик келтирувчи адабий тимсол. Кад. Рим мифологиясидаги Марс унга моҳиятан якин келади. Рассомлик ва хайкалтарошлиқ санъатида дубулға кийган ҳолда тасвириланган.

АРЕОПАГИТИК (юононча: *arios* – бүш, кучсиз, *pagos* – тепалик) – диний ва фалсафий асарлар мажмуаси. А. V аср 2-ярмида афиналик спикоп Дионисий Ареопагит номи б-н боғлиқ. А. китоблар таркибига насронийликдаги “Илохий исмлар”, “Самовий иерархия”, “Черков иерархияси”, “Сирли илохиёт” каби асарлар киради. Европа Уйгониши мутафаккирлари Бруно, Фичино в.б. А. китобларига, жумладан, “Илохий исмлар”га шархлар ёзишган. А. ад-тлар Россияя XIV асрда кириб келган.

- Хонигман Э. Петр Ивер и сочинения Псевдо-Диописия Ареопагита / Пер. с франц. – Тбилиси, 1955; Нуцубидзе Ш. Петр Ивер и проблемы ареопагитики. Тбилиси, 1957; Салдадзе Л. Ибн Сина. Т., 1980.

АРЕОТЕКТОНИКА (юононча: *arios* – бүш, кучсиз) [эстетика, меъморчилик] – мудофаа курилмаси, химояланув воситаси. Ад-тишунослиқда муаллифнинг мунаккидтарга берган жавоблари, ўз асари ва концепциясини химоя қилиши.

АРЕНА (лотинча: *arena* – кум) [эстетика, театр назарияси] – кад. Рим амфитеатри ўтасидаги кум сепилган айланга майдон. Спорт ўйинлари, гладиаторлар олишуви, жазолаш маросимлари ва жанг томошаси А.да ўтказилган. Замонавий цирк ва бошка томошагохларнинг ўйин майдони.

А. кўчма маънода майдонга чиқди, машхур булди, шуҳрат козонди мазмунида ҳам ишлатилади. Яна к.: Сахна.

АРЕНД, Ханна (1906–1975) – олмон файласуфи. Ясперс ва Хайдегтернинг шогирди. Фалсафа доктори (1928). Франция (1933 й.дан) ва АҚШда (1941 й.дан) яшаган. Германия Тил ва адабиёт академияси аъзоси. Тоталитаризм, зўрлик инклибига қарши фалсафий мақолалари А.га шуҳрат келтирган. А. фикрича, инсон фаолияти З га бўлинади: меҳнат, ишлаб чиқариш ва фаоллик. Эркинилк интеллект маҳсулоти эмас, балки фаоллик натижасида кўлга киритилиши мумкин бўлган имконият.

А. фалсафий таълимоти XX аср 60-йилларида Фарбий Европада шуҳрат козонди, унинг ишлари олмон, француз ва инглиз т.ларида чоп этилган.

- Современная западная философия. М.: ИПЛ, 1991. С.24.

АРЕНДС, Альфред Карлович (1893/16.Х–1978) – шарқшунос олим. Филол. фанлари доктори (1963), Ўз-нда хизмат курсатган фан арбоби (1970). 1936 й.дан Шарқшунослик интида ишлаган: Эрон филологияси каф. мудири

(1947–52). “Форс илмий луғатшунослигини тадқик этишда сўз ясалиши”, “Хофиз Убахийнинг форсча изоҳли лугати” каби монографиялар муаллифи. “Тарихи Масъудий” асарининг илмий-танқидий матнини нашрга тайёрлаган, рус т.га тарж. ва тадқиқ қилган. Ҳасанбек Румлунинг “Ахсану-т-таворих” (“Тарихларнинг эҳсонлари”)рисоласи, Низомийнинг “Икболнома” достони, Гардизийнинг “Зайну-л-ахбор”, Рашидуддиннинг “Жомеъу-т-таворих” каби тарихий асарларини рус т.га тарж. қилган.

- Аҳмедов Б. Тарихдан сабоклар. Т.: Ўқитувчи, 1994. Б.12-15.

АРЕС (юонча: уруш) [мифология] – юонон мифологиясида уруш маъбуни, Зевснинг ўғли деб айтилади. Бошқа маъбуллар қатори Олимпда яшайди. А. Афинна томонидан ярадор қилинган гўзаллик маъбуни Афродидани севиб колади. Рим мифологиясида Марс номи б-н юритилган. А. ва Афродида қиёфалари Европа мусаввирлари С.Боттичели, А.Рубенс, Рембранд асарларида. Марс ва Венера ҳақидаги опера ва драмаларда акс этган.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.102.

АРЕТИНО (1374–1444) – қ.: Бруни, Леонардо.

АРИЛНАМ ВЭЖА (авесто) – зардуштийлар мұқаддас китобида Зардуштининг ватани. Ахурамазда томонидан яратилган илк ш.лардан бири. “Авесто”да ёзилишича, А.в.да й.нинг 9 ойи қиш бўлармиш. Авестошунослар А.в.ни Амударёнинг куйи соҳилида деб ҳисоблайдилар.

- Қодиров Б., Матяқубов Х. Ўз-н тарихидан изоҳли луғат. Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2010. Б.22.

АРЖУМАНД бону (XVII) – бобурий маликалардан, Шоҳ Жаҳоннинг хотини. Жаҳоноро бегимнинг онаси, Зебуннисо бегимнинг бувиси. *Мумтоз маҳал*, *Тож маҳал* лақаблари б-н машҳур. Шоҳ Жаҳон А.б. вафотидан сўнг 36 й. яшаган бўлса ҳам уйланмаган. 1632–50 йилларда унга атаб Ағра ш.да машҳур Тожмаҳал макбарасини қурдирган.

- Гапиева С. Шоҳ кизи эрсам-да... Т., 2002. Б. 15-17.

АРЖАСП (қад. туркча: дохий = ар (эр) + жас – бошлиқ) [мифология] – Турон мифик қаҳрамонларидан бирининг номи. “Авесто”да (Яшт V) зардуштийлик эътиқодининг зўрлик б-н сингдирилишига карши чикқани учун салбий тин сифатида талқин қилинган. Эрон афсонаси “Ядгар Зареран”да ҳам Турон кавми (хионитлар)нинг дохийси сифатида келтирилди.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.101.

АРЖУНА (санскритча: оқ) [мифология] – хинд эпоси “Махабхорог”нинг бош қаҳрамони, Кунтининг ўғли. А. идеал жангчи. хинд маъбулларига асуруларга карши жангда ёрдам беради. Миф бўйича А. жанг килиб, дунёнинг тўрт томонини эгалаган. А. Ҳимолай тоғида сафар пайтида вафот этади. А.дан тўрт ўғил колган.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.101.

«АРЗАМАС» – Петербургдаги адабий тұғарал (1815–18). Россиядаги 1-провинциал рассомлик мактаби Арзамас ш. (Ока дарёси сохили)да жойлашгани учун (1802–62) тұғарал номи шундан олинган. Ушбу тұғарал азъолари фаолиятига Д.Н.Блудовнинг “Илмий жамият томонидан нашр килинган “Арзамас” қаҳвахонасайдаги манзарапар” номлы әхжайи асари ҳам “А.” клубининг номланишига сабаб бұлган. XIX аср бошида яшаган рус адилари В.А.Жуковский, К.Н.Батюшков, П.А.Вяземский, А.С.Пушкин кабилар «А.» тұғарагида иштирок эттәнлар.

АРЗИЙ САМАРҚАНДИЙ (XVI) – үзбек шоири. Ислим номаълум, нисбаси: Мавлоно Ҳожай калон. Мутрибий талқинича, “Самарқанднинг мұкаррар шоирларидан”. Таърихлари б-н машхур бұлган. Самарқанд хукмдори Хисрав Султоннинг вафотига айттан таърихи “Тазкирату-ш-шуаро”да көлтирилген:

Зи ҳар кас, ки таърих чустам, бегуфт:

Яку кам шуд аз “хусравони жаҳон”.

“Хусравони жаҳон” бирикмаси таърих хисобида 976/1586, яъни хукмдорнинг катл кунини билдиради.

- Саъдиев С. Самарқанд адабий мұхити тарих күзгусида. Т.: Фан, 2009. Б.279-281;
- Мутрибий Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2013.

АРИАНЛИК (юнонча: Αρή – киши номи) – Искандарияда 318 й.да расмий черков аҳкомларига карши ҳаракат. Унинг йүлбошчиси Ари насронийликдаги уч худолик ғоясини танқид күлгани учун 325 й.да Никея черкови мажлисиде катыйиқ кораланған. А. вафотидан кейин (336) бу ҳаракат Аести ва Евноми номи б-н давом эттирилған. А. 381 й.да Константинопол черковларида мұхоказа қилиниб, уни қағыяян тақиқлаш тұғрисида карор қыағарған. XVI асрда А. ҳаракати Польшада қайта оёққа турғани кузатылған.

- Bünyadov Z. Diniłar, təriqətlər, məzhablər. Bakı: Şərq-Qərb, 2007. S.35-36.

АРИВАРА-НО, Нарихира (825–880) – япон шеъриятидаги «олти даҳо шоир»дан бири. Императорлар Хедзей (774–824) ва Камму (737–806)нинг набираси. Саройда юқори лавозимларни эгаллаганига қарамай, шоир сифатида шұхрат топған. Шеърларыда нағис түйғулар ва табиат күйланған, асарлари күплаб баёзларға кирған, үзға якин шеърий асар (*танка*)лари сакланып колған. “Исэ-моногатари” («Исэ киссаси») асари мұаллифи ва бош қаҳрамонидир. Машхур олим Ки-но Цураюки у ҳақда: “Түйғулар қуюклигидан (уни ифодалашға) сүз етишмайды, худди ранги үчған гул каби рангларини йўқотған, хидини эса сақлаб қолған” деб ёзади. Айрим адабий доираларда күльтігі айланған, униш сурати гравюра ва тасвирий санъатдан кенг ўрин олған.

- Культура классической Японии. Словарь-справочник. Сост. Рыбалко С.Б., Корнев А.Ю. Ростов-на-Дону: Феникс, Харьков: Торсинг, 2002. С.12-13.

АРИЕТТА (итальянча: *arietta* – кичик *aria*) [эстетика, мусикашунослиқ] – Гарб мусика ва опера санъатида ариянинг иккى кисмли сода баёни. XVIII асрдан итальян операсида урғ бұлған. Саңна воқсалари б-н боғланмаслиги

жихатидан ариядан фарқланади. Мас., М.Юсуповнинг “Хоразм күшиги” операсидаги Бахор А.си.

А. чолғу асарларига нисбатан ҳам ишлатилади. Мас., Б.Гиенконинг фортелияно учун «Болалар альбоми»даги А.

АРИЕС, Филипп (1914–1984) – француз тарихчиси ва файласуфи. Тарихий демография бўйича мутахассис. Тарихий антропология тўгараги раҳбари (1975 й.дан Фуко б-н бирга). Тарихчи ўрганаётган материали фактларининг кули бўлмай, уни психоанализ қила олиши, шахс фаолияти келажаги учун муҳим хulosса чиқара билиши керак. У “экзистенциал тарих”га инсоният борлигининг асоси сифатида караган. Леви-Стросс қарашларига асосланиб, социал фанлар тизимида “совук” ва “иссик” жамиятлар истилохини киритган. А. социал тарихни психотарих сифатида қабул қилган ва ўз қарашларини “Эски режим шароитида бола ва оиласвий ҳаёт” китобида баён қилган.

- Современная западная философия. М.: ИПЛ, 1991. С.25-26.

АРИЗ (арабча: ریز – кенг, энли) [поэтика] – аруз вазни баҳрларидан. Асосий улчов турларидан бири, *мафоийлун* (v – – –) ва *фаулун* (v – –) аслларининг кетма-кет такоридан ҳосил килинади. А. баҳри аруз итмига оид рисолалардан Носириддин Тусий асарида учрайди. Навоийнинг “Мезону-л-авзон” асарида ҳам А. тилга олинмаган. Бобур “Аруз рисоласи”да “Бу вазнда тозий (араб т.даги – *Х.Б.*) шеър топмайдурлар. Бу баҳрни ажам шуароси пайдо килиб, мақлуби тавил дентурлар, ариз ҳам дерлар” деб ёзган ва А.нинг солим вазнига ушбу мисолни келтирган:

Лабинг маржон, тишинг дур, ҳатинг райҳон, ҳадинг гул,
Сочинг анбар, юзунг ҳур, менинг мўлтон, юзунг мул.
мафоийлун фаулун мафоийлун фаулун
(v – – – v – – v – – – – v – –)

Бобур рисоласида *Аризи мусаммани* мусаббата Навоий ғазалларидан ушбу мисолни келтирган:

Саноий зотинг ичра топиб ажз аҳли идрок,
Гаҳи лоуҳси айтуб, замони мо арафнок,
мафоийлун фаулун мафоийлун фаулон
(v – – – v – – v – – – v – –)

(Наводири-ш-шабоб, 322-ғазал)

Аризи мусаммани мақбузга:

Сангаки барги гулдин либос қўлса бўлгай,
Гуле бу гулшан ичра қиёс қўлса бўлгай.
мафоилун фаулун мафоилун фаулун
(v – – – v – – v – – – v – –)

(Торий ғазали матлаъси)

Бобурнинг А. баҳри ҳакидаги қарашлари ва келтирилган мисоллар шуни далиллайдики, Бобур томонидан асосланган бу баҳр туркий шеъриятда мавжуд бўлган. Демак, Бобур “Аруз рисоласи”да Тавил доирасига кирувчи Амиқ ва Ариз баҳрларини назарий жиҳатдан асослаб, туркий арузда баҳрлар сони 21 та эканини исботлаган.

- Бобир. Мухтасар. Т.: Фан, 1971. Б.27,84; Ҳасанов С. Бобирнинг “Аруз рисоласи” асари. Т.: Фан, 1981. Б.85; Гоур У., Сайдали С. Қомуси қофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон, 1994. Б. 35; Ҳожсаҳмедов А. Ўзбек арузи лугати. Т.: Шарқ НМАК, 1998. Б.8–9; Юсупова Д. Алишер Навоий ва Захириллин Муҳаммад Бобурнинг Ариз ъаҳрига муносабати // Шарқ юлдузи. 2014. 5-сон.

АРИЙ [мифология] – насронийлик ад-тида машҳур рухонийлардан бири. Яхудий манбаларида А., Афanasий номлари б-н аталувчи мазҳаблар вужудга келган. Бу мазҳаблар уртасида низо, жанжаллар бошланди. А. фикрича, Христос мұқаддас зот, лекин у Худо б-н тенг эмас, Мұқаддас рух азалий эмас, чунки уни ҳам Худо яраттан. Афanasий фикрича, Худо “үғли” Исо Масихнинг рухи азалий мавжуд эди, сүнг у одам қиёфасида зухурга келди. Шу маънода моҳияттан Худо б-н бирликдадир. Қуринаники, масихийликдаги А. мазҳаби Таврот ва Куръон, ахли китоблар эътиқодига мувофик келади.

Император Константин даврида гоҳ Афанасий, гоҳ А. таълимоти ғолиб келиб, бошкаси қувғинга учради. Константин бу мазҳаблар курашига чек куйиб, уларни яраштириш учун 325 й.да Кичик Осиёдаги пойтахти Никсеяда масихийларнинг умумжаҳон собори – ийинини ўтказди (ҳоз. Туркияning Измир ш.). Константин Никсея соборида масихийликни давлат дини деб, эълон килди (фукаролар олдидә холис туриш учун у ўша вактда ҳеч қайси динга кирмаган эди. Факат ўлими олдидан у масихийликни кабул килади).

Илк ўрта асрларда Византияда яшаган атоқи олимлардан Қайсарли Евсевий (263–340) Антиохияда ва Иерусалим – Қулдуси шарифда ўқиб, етарли маърифат ҳосил килди. У Никея соборида қатнапиб, икки мазҳаб учун ўртача ибодат лойиҳасини ёзган эди. А. ҳакидаги Евсевийнинг “Инжилга кириш”, “Черков тарихи” (“Хроника”) асарлари турли жаҳон т.ларига тарж. килинганди.

АРИМАСП (қад. сак т.да: бир кўзли) – злат номи. Қад.да Европанинг шимоли-шарқида яшаган, афсоналарда номи т.га олинадиган халк. Герадот “Тарих” асарида сак (скиф)лар ҳакида сўз юритиб, А.ларни енггани ҳакидаги ривоятни келтиради. А. доимий суратда хужум килиб, сакларнинг бойликлари, қизларини ўтиглашган. Айрим манбаларда айтилишича, бу хикоялар Урал ва Олтойдаги олтин изловчилар томонидан тўқилган.

- Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.67.

АРИОН (м.а. VI) – юон шоири ва мусикачиси. Дифирамблар ижодкори сифатида машҳур бўлган.

АРИОСТО, Лудовико (1474/8.IX–1533/6.VII) – итальян шоири. Гарб шеъриятининг мавжуд жанрлари: *ода, сатира, элегия, мадrigал, эпиграмма, сонет* в.б.да ижод килган. Сатиralари (Гораций таъсирида ёзилган), комедиялари шуҳрат қозонган. “Тинмас Роланд” достони (40 күшикдан иборат) уни жаҳон миқёсида машҳур килган.

- ◆ Ариосто Л. Неистовый Роланд. М., 1968.
- Де Санктиес Ф. История итальянской лит-ры, т.1-2. М., 1963.

АРИСТАРХ, Самофракияли (в. м.а.150) – антик давр тарихчиси, тильтуноси. Искандарияда яшаган, юон шоирлари асарларининг шархловчиси ва мунақкиди. Адиллар асарларига хайрихохлик б-н қаровчилар тимсолига айланган. Гомср достонларининг аслиятини түплашга киришган ва мавжуд матнининг китобат килинишида фаол иштирок этган. В.Г.Белинский “Адабий орзулар” асарида унинг ижодига мурожаат этган.

•История всемирной литературы, т.1. М.: Наука, 1983. С.439.

АРИСТЕЙ (юононча: энг яхши) [мифология] – юонон мифологиясида Аполлон ва Киренанинг ўғли. А.га турли маъбуллар таълим беришган. Гея А.ни ўлмас булиб колишига, Хирон турли санъатларни мукаммал ўрганишига ёрдам берган. Фива подшохи Кадмнинг кизи Автонойга уйланган, ундан Актеон исмли ўғил кўрган.

•Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.103.

АРИСТИД, Публий Элий (129–189) – юонон ритори (нотиги), Иккинчи софистика мактаби аъзоси. А.дан 55 нутқ сакланган. Нуткларида азианизм тарафдори сифатида кўринади.

•Краткая лит-ная энц-я. т.1. М.: СЭ, 1962. С.295; История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.439.

АРИСТИД, Милетли (м.а. II–I) – юонон адиби, б-н китобдан иборат “Милет хикоялари” муалли. Тўплам ёзма ад-тда биринчи эротик хикоялар мажмууси хисобланади. А. Овидий, Петроний, Апулей, Лукиан сингари юонон адиблари ижодига таъсир қилган. А. асари тўла ҳолида сакланмаган, ундан намуна ва парчалар Сизенна тарж.да мавжуд.

•Краткая лит-ная энц-я. т.1. М.: СЭ, 1962. С.295.

АРИСТОКРАТИЯ (юононча: aristou – энг яхши) – давлат бошқарув тизими. Арастунинг маълумотига кўра, давлатни бошқаришга жалб килинган энг яхши зодагонлар жамоаси; бошқарув тизимини кўлга олишга интилаётган ижтимоий гурух. А. асосида аристократик ад-т шаклланган.

~ ик адабиёт – шуролар даврида муайян ижтимоий гурухга хизмат киладиган, унинг манфаатларини ифода ва ҳимоя килувчи ад-т сифатида каттик таъкиб остига олинган ад-т. Мумтоз мерос намуналарига нисбатан сарой-А.ик ад-т деган атама қўлланилиб, юкори табақага мансуб ижодкорлар асарлари танқид остига олинган.

АРИСТОТЕЛЬ – к.: Арасту.

АРИСТОФАН (~ м.а. 445–385) – кад. юонон комедиографи. А. мураккаб даврда яшаган ва 19 ёшидан ўз даврининг мухим ижтимоий масалаларига комедияларида муносабат билдирган. А.нинг 44 комедиясидан факат 11 таси сакланиб колган. “Суворийлар” асари 25 ёшли драматургта шуҳрат келтириди.

Сүнгра “Булутлар” (м.а. 423), “Тинчлик”, “Лисистрата”, “Қушлар” асарларида урушларни қаттиқ коралаган. А. “Қурбақалар” комедиясида А.замондошлари Эсхил ва Эврипиднинг охиратдаги сўроқ-савол можароларини нақл қилган. А. комедиялари халкона т., содда услуби ва ҳаётий муаммоларни ўртага қўйиши б-н характерлидир. А. комедиялари кейинрок Ф.Рабле, Ж.Расин, И.В.Гёте, Х.Хейне ижодига ўз таъсирини кўрсатган.

- ♦ Аристофан. Комедии в 2-х т. М., 1954; Изб.комедии. М., 1974.
- Головня В.В. Аристофан. М., 1955; Соболевский С.И. Аристофан и его время. М., 1957; Тронский И.М. История античной лит-ры. М.: Высшая школа, 1983; История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.406; Гусейнов Г. Аристофан. М.: Искусство, 1988.

АРИТМИЯ – (юнонча: а – инкор қўшимчаси + ритм) [ритмика] – нормал ритмнинг бузилиши. Мусика назариясида, ад-тшунослиқда оҳангдорлик (интонация) ҳосил килиниши. Бу ҳолат аруз илмida ҳам кўлланилади.

«**АРИЭЛЬ**» – рус адиби Александр Беляевнинг фантастик романни. Уран планетасининг йўлдоши А. номи б-н аталган фантастик асар. “А.” воксаси Хиндистонда бўлиб ўтади. Асарда таъмагир бойлар “учар одам” – шахзодани арконлаб, томаша кўрсатиб пул топадилар. Асарда нафосат ва разолат тўқнашуви тасвиirlанган.

АРИЯ (итальянча: aria – ашула) [эстетика, мусика назарияси] – мусикада опера ва мус. драма ижрочиси томонидан айтиладиган якка овозли қўшик, опера ёки кантатанинг тугалланган лавҳаси. Одатда оркестр жўрлигига ижро этилади. Қўшик ва романста нисбатан мураккаб таркибли, кўп кисмдан иборат. А. қаҳрамон характеристи, хис-туйғулари ва воқеаларга муносабатини куй ва қўшик ёрдамида ифодалashi. А. жиддийлиги, максадга қаратилгани жиҳатидан драмадаги монологта тенглаштирилади. Ёлгиз ижрочи учун мўлжалланган лирик мусика асари ҳам А. деб юритилади. Ўз-н композиторларининг опера, мусикали драма ва комедия жанридаги асарлари таркибida келади. Илк ўзбек опера ва мусикали драмалари “Лайли ва Мажнун”, “Фарход ва Ширин” таркибига киритилган А.лар бор.

- Пеккер Я. Узбекская опера. М., 1984; Акбаров И.А. Музыка лутяти. Т.: F.Фуломномидаги нашр., 1987. Б.20-21.

АРК (латинча: arcus – этик, кия) [эстетика, меъморчилик] – қалъа, сарой. Ҳукмдорлар кароргоҳи жойлашган қалъа ёки ўрда. Тарихий манбаларда кўхандиз, коҳ, каср, қатъа, хисор номлари б-н берилган. Алишер Навоийда:

Арки байикрак тўқкуз афлоқдин.

Үйлаки гардун кураи хокдин.

(“Ҳайрату-л-аброр”)

А. Бухоро арки, Құқон үрдаси каби маңноларда құлланылған. “Бобурнома”да Андижон арки ҳакида маълумот бсрилған. XX аср бошида “Бухоро Арки тарихи” жамоа тадқиқоти нашрға тайёрланған.

АРКАДИЯ [эстетика, мифология] – қад. юонон ад-тида тасвирилған Юнонистандаги хушманзара диёр. Рим шоири Вергилий буқоликаларида А. чупонларининг осуда ҳәти, шельрий баҳслари тасвирилған.

А. тарихий-мифологик атама булиб, Гесиод томонидан илмий муомалага киритилған. А. истилоҳи оркали инсоният тарихини уч эра (олтин, кумуш ва темир)га булиб үрганиш тавсия қилинганд.

- Baruel S., Berman M., Burton W. A Dictionary of Literary & Cinematic Terms. Boston, 1971; Cuddon J.A. The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. London: Penguin Books, 1991; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асель-Аст, 2003. С.38.

«АРКАДИЯ» – инглиз адиби ва эстетикаси асосчиси Филипп Сидни (1554–1585) асари. «А.» икки кисмдан иборат: қад. А. ва ялғи А. 1578–1585 йй. оралиғида ёзилған. Филипп Сидни инглиз ад-тида илк туркум сонетлар муаллифи сифатида ҳам машхур. Тұпламнинг номи “Астрофил ва Стелла” булиб, 108 сонет ва 11 құшиқдан иборат. «Астрофил»нинг луғавий маъноси – юлдузларни севувчи, “Стелла” юлдуз дегани.

Ф.Сиднининг «Апология ёхуд Шеъриятнинг химояси» асари инглиз ад-ти тарихидаги поэтикага доир дастлабки асардир. Муал. бу асарида Арасту ва Ю.Скалигер изидан бориб, поэтика илмининг мөхияти, объекти ва хусусиятларини күрсатиб берған. Поэзия, инглиз муаллифининг талқилича, табиатта таклид (Арасту ёзғанидек) эмас, балки уни қайта яратып, күримли килиш ёки образлы килип айтганда, гапиравчы тасвир булиб, у бизга сабок ва завқ беради. Шунингдек, муаллиф бу асарида бадиий ад-тнинг шакл ва мазмунига муносабат билдиради. Бу жиҳатдан буюк Шарқ мутафаккири Ибн Рушд (Аверроэс)га әргашади. Маълум булишича, Сидни 1574 йили машхур итальян файласуфи Забарелла (1533–1589)дан араб олимі Аверроэс таълимотини ўрганған зди.

- ◆ Филипп Сидни. Астрофил и Стелла. Защита поэзии. М.: Наука, 1982.

АРКОН (арабча: ارکان – руқнлар, устунлар) [поэтика] – I. аruz тизимида байтларни ташкил килювчи ритмик бирлік. Бир байтда 4 тадан 36 тағача руқн булады: 4 руқнли байт *мурабба*, 6 руқнли *мусаддас*, саккиз руқнли *мусамман*, үн руқнли *муашшар*, 12 дан ортик руқнларлари *мұтатаввал* (күп руқнли) деб юритилади. А. байтдаги ўрнига күра *садр* (раис, бошлиқ) – биринчи мисранинг биринчи руқни, аruz – охирғи руқни, иккинчи байтнинг биринчи руқни – *ибтидо*, охирғиси – *зарб* дейилади. Садр б-н аruz, ибтидо б-н зарб ўртасидаги руқнлар ҳаив деб аталади.

А. ўлчов бирлиги сифатида *асл* (асосий) ва *фуруъ* (тармок) руқнларға бүлинади. Асл руқнлар 8 та булиб, *афоийлу тафоийл* (Бобур) ёки *авзони*

мавозин (Навоий) деб юритилади. Фуруль А.и 40 хил шаклга эга булиб, жами 96 та. Тармок рукинларидан 22 хили ўзбек шеъриятида қулланган.

II. тасаввуф ад-тида асослар, таркибий кисмлар:

Ангагил арконини бешитибоҳ,

Аввал “Илаллоҳ” ила “ло Илоҳ”.

(Алишер Навоий. “Ҳайрату-л-аброр”)

~ и **сулук** – тасаввуфда сайру сулук шартлари, асослари. Ирфоний сайру сулук йўлига қадам кўйишни хоҳлаган киши асосий кўрсатилган шарт ва одобларни бажариши ҳамда ўз пири йўл-йўрикларига риоя килиши лозим. Азизиддин Насафий сулук шартларини олти амалда кўрсатади: *тарк*, яъни молу дунёни, дунёсеварликни, мансабни, маъсият – гуноҳларни ва ёмон ахлокларни тарк килиш (1); *сулұ* – олам ҳалқи б-н сулұ қилиб, унга т.и ва қули орқали озор бермаслик (2); *узлат* – эътиқод ва амалда пирга эрганип (3); *самит* – ўз раъй ва андиша (иккиланувчи фикр-ўй)ларини тарк килиш (4); *очлик* – эътиroz ва инкор килишни тарк килиш (5); *сұхр* – сабот ва давомийлик (6).

~ и **тариқат** (арабча: **ارکان** – рукинлар + **تاریق** – йўл) – тариқат рукинлари. Тасаввуфда тариқат рукин (устун)лари сифатида манбаларда куйидагилар тавсия килинади: *шілм, ҳұлым, сабр, ризо, шукр, ихлос*.

- Заҳиридин *Мұхаммад Бобур*. Мұхтасар. Т.: Фан, 1972; *Хожиағмедов А.* Аруз назарияси асослари. Т.: Шарқ НМАК, 1982. Б.11-15; *Touir У., Сайдати С.* Қомуси кофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон, 1994. Б.35; *Шайх Аҳмад Тарозий*. Фунуну-л-балога. Т.: Хазина, 1996; *Фитрат*. Аруз хакида (Нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳлар муал. Ҳ.Болтабоев). Т.: Ўқитувчи, 1997; Алишер Навоий. Мезону-л-авзон. МАТ. 13-ж. Т., 2001.

~ и **қавл** – к.: Афоил.

АРЛОТ (арулот, орлот) [этнография] – туркий қавмлардан бири. Бу қавм вакиллари мұғуллар истилоси пайтида Туркестонга кўчиб келган. Амударе-соҳилларида яшаган, Термиз, Тошовуз, Хоразмнииг айрим туманларида учрайди. Навоийда: “...темурйиңа жост шаҳзодалар ва барлосий ниҳод озодалар ва *арлотий* исмлик садрнишинлар...” (“Викифия”). “Бобурнома”да “Косим Арлот” номи учрайди (168а).

- Самарқандий А. Матлайи сайдайн ва мажмаи баҳрайн. Т.: Ўз-н, 2008; *Бобур*. Бобурнома. Т.: Фан, 2002.

АРМА (хетт т.да: ой) [мифология] – хетт ва хуррит мифологиясида Ой маъбути. Мифга кўра, А. осмондан ерга, бозор майдонига тушиб қолади. А.га момақалдироқ маъбути таҳдид солади. Ҳўқиз подшоҳ ҳақидаги мифларда ҳам А. тимсоли учрайди.

- Луна, упавшая с неба / Древняя лит-ра Малой Азии. М., 1977. С.50-51.

АРМАЗИ (грузинча исм) [мифология] – грузин мифологиясида насронийликдан аввалги асосий маъбуд. А. культи Парваназ подшоҳлиги (м.а. Ш) даврида шаклланган. А. тасвири туширилган буюмларда олтин дубулға ва мис совут кийган, кўлида килич б-н тасвирланган. Мцхетс тогида унинг тасвири сакланган. А. шарафига ёз ойларида оммавий байрам ўтказилган.

- Болтунова А.И. К вопросу об Армази / Вестник древней истории. 1948. № 2; Миры народов мира. М.: СЭ, 1980. С.104.

АРМАН АДАБИЁТИ – арман халкининг ад-ти. А.а.нинг бошланиши фольклорда акс этган. А. халкининг аждодлари Гайка, Гузал Ара, Ваагне ҳакидаги мифлар мавжуд. Тарихчи М.Хоренасининг “Арманистон тарихи” асарида келтирилган афсона ва ривоятлар А.а.га асос бўлган. А.фольклорининг энг йирик асари “Сосунли Довуд” эпосидир.

Қад. А.а. манбалари миҳҳат (м.а. биринчи мингийиллик)га муҳрланган. А.да насронийликнинг кабул қилиниши (301) б-н кўплаб мажусийлик характеридаги ёзма манбалар йўқ қилинган. V асрдан бошлаб, А.а.нинг ёзма манбалари ва тарж. асарлари тарқала бошлаган. Ёзма ад-тинг шаклланишида шоир Григор Нарекацининг роли катта. Унинг “Фожиалар китоби”, “Кўшиклар” тўпламлари алоҳида ўрин тутади. Арман ҳукумати (1080–1375)нинг тикланиши б-н миллий ад-тинг тараққиёти учун имконият яратилди. Ованес Имастассер (Иоанн Саркаваг), Нарес Шиорали, Григор Гта, Нерсес Ламбронаци каби шоирлар ижоди, Мхитар Гош масаллари, Вартан Айтекци сатиравари омма орасига тарқалди. XIII асрдан халқ жонли т.да асарлар битиш урф бўлди, XVI асрга келиб, матбаа ишлари йўлга кўйилди. А.а.да ватан соғинчи мавзуси Ованес Ерзинкаци, Ованес Тулкуранци, Мкртч Нагаш, Григор Ахтамарци, Нерсес Мокаци ва Наапет Кучак ижоди айни даврда шаклланди. XIII–XVI асрларда достончилик тараққий топди. Григор Церенц, Хачатур Кечареци, Аракел Сионацининг маърифий ва романтик достонлари яратилди. XVIII асрда ад-тга истеъдодли шоирлар Богдасар Дпир, Петрос Кафанди, Нагаш Овнатан кириб келди, ошик-шоир Сайат Нованинг шеърлари машҳур бўлди.

XVIII аср 2-ярмида янги арман ад-ти шаклланди. Унинг вакиллари О.Ванандеци, П.Минасян, А.Багратуни, Е.Толмачян, Э.Гюрмюзян в.б. Эски арман тили грабарда эмас, балки жонли халқ т.га якинроқ янги адабий тил ашхарабар шаклланишида А.Аламдарян, М.Тагиадян сингари ижодкорларнинг меҳнати сингтан. XIX аср ўрталарида шоир Г.Алишан ижоди муваффакият козонди. Х.Абовяннинг “Арманистон жароҳатлари” (1841–43) миллий романнинг шаклланишида алоҳида босқич вазифасини ўтади. А.а.да романтизм карор топишида М.Пешнекташян, П.Дурян ижоди характерли. Газарос Агаяннинг “Арутюн ва Манвэл” (1867) романи, “Опасингиллар» киссаси (1872)да маърифат кучига ишонч туйгулари акс этган. Реалистик драматургиянинг асосчиси сифатида Г.Сундуқян майдонга чиқди. Царснининг “Жалолиддин” (1878), Раффининг “Довудбек” (1881–82) романларида тарихийлик ва бадиийлик коришик ҳолда ифодаланган. XIX аср охирида А.Ширвонзода ижодида танкидий реализм кучайди, унинг «Хаос»

(1898) романи ва «Номус» (1905) драмасида мамлакатдаги ўзгаришлар ўз аксини топган. Ованес Туманян ижоди А.мұмтоз ад-тининг синтези сифатида күзға ташланади. “Шоир ва илҳом” (1899) китоби, “Довуд Сосунли” эпоси асосида яратылған достони (1902) иккі аср бұсағасида янги ад-т тараққиётiga хизмат килди.

ХХ аср ад-тида Аветик Исаакяннинг “Құшиклар ва жарохатлар” түплами, “Абул Аъло Маарий” достони алохидә үрин тутади. Янги давр ҳаёти шоир Егиш Чаренц достонлари (“Тинчимас тұдалар”, 1919; “Чаренцнома”, 1922) да акс этган. А.а.даги аңынавий услуг бүйіча “Эпик тонг”, “Йул китоби” шеърлар түпламаларини яратди. Арман насрининг тараққиётіда Наири Зарян, Стефан Зорян, Аксел Бакунц, Дереник Демирчян каби носирларнинг кисса ва романлари алохидә үрин егаллаган. А. тсатрининг тараққиётіда Д.Демирчян “Күркмас Назар” (1923), А.Ширвонзода “Капказ – томоша”, М.Жаннанинг “Шохнома” сингари пьесаларининг үрни бор. ХХ аср 2-ярмида Г.Севунц, Г.Эмин, С.Капутикан, П.Севак каби адиларнинг ижоди характерли. Шунингдек, А.а.нинг муайян қысмани мұхожирилек ад-ти ташкил этади. Арманистондан ташкарида туриб, А.т.да асарлар битаёттан мұал.лар талайгина.

- ◆ Пoesия Армении с древнейших времён до наших дней / Под ред. В.Брюсова. М., 1916.
- Абегян М. История древнеармянской лит-ры. Т.1-2. Ереван, 1948: Бабаян А.С. Армянские лит-ные связи (1920-60) / Материалы к библиографии. Ереван, 1960.

АРМАН МИФОЛОГИЯСИ – арман халқининг мифология тасаввурлар мажмуаси. А.м.нинг генезиси қадимги тоғғи Урарту давлати (м.а. XII) ва халқларининг мифик тасаввурларына боғланади. Урарту ва Ассирия уртасидаги курашлар кад. мифларнинг асосий вөксасини ташкил килади. А.м.га кейинги даврларда юон ва зрон мифлари ўз таъсирини күрсатған. Арманлар насронийликни қабул қылғаныдан кейин (301) исовий дин б-н боғлык мифик тасаввурлар үрнашған. А.м. ҳақидағы ёзма мағұлымоттар Юнонистон, Византия мұаллифлари (Афлотун, Ҳерадот, Ксенофонт, Страбон, П.Кссарийли) асарларыда учрайди. Илохлар ҳақидағы тасаввурлар Арам, Хайка ва үғиллари Ара Гехецик ва подшохлар Тигран, Арташес, Артавазд номлари б-н боғлык. Арман эпоси “Сосунли Довуд” асарида А.м.нинг кейинги даврига тегишли қаҳрамонлари, уларнинг саргузаштлари ва янги талкынлари акс этган.

- Абегян М. История древнеармянской лит-ры. Ереван, 1970; Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.106.

АРМАН ТИЛИ – ҳозирги Арманистон, Кавказорты мамлакатларыда яшовчи арман миляттасынан т. А.т. тарихи уч даврни ўз ичига қамрайди: қад., үрта ва янги. Қад. давр V–XI асрлар манбалари т. булиб, ғрабар деб юритилади. Үрта давр XII–XVII асрларни, янги давр эса XVIII асрдан кейинги даврни ўз ичига олади. XIX асрдан янги А. адабий т. шаклланған булиб, у ашхарабар деб юритилған. А.т.да б унли ва 30 ундош ҳарф мавжуд. Гап курилишида 7 келищик, 8 турланиш иштирок этади. А.т. морфологияси агглютинатив

характерга эга. А.алифбоси Месроп Маштоц томонидан юонон (Византия) ёзуви асосида яратилган (405–406). XII асрда айрим харфлар орттирилган. Хозирги а.т.да 39 харф бор. 7 келишик, турланишнинг 8 хили мавжуд.

- Назараянц С. Обозрение истории гайканской письменности в повседневные времена. Казан, 1846; Гарифян А.С. Краткий курс армянского языка. Ереван, 1960.

АРНАУТЛАР (туркча: arnavut) [этнография] – албанларнинг турк т.даги номи. Россияда Албаниядан чиқкан кишиларни А. деб атайдилар.

“АРОЙИСУ-Л-БАЁН ФИ ҲАҶОЙИҚИ-Л-ҚУРЬОН” (“Куръон ҳакиқатларидан аройис басни”) – Куръон тафсири. Қиска номи: “Аройис тафсири”. Рӯзбехон Баклий (в.1209/1210) асари.

- Алишер Навоий. МАТ. 17-ж. Т.: Фан, 2001; Ганиева С. Навоий ёдга олган асарлар. Т.: 2004. Б.б: Ислом тасаввуфи манбалари. Тасаввуф назарияси ва тарихи. Туз., сўзбоши ва изохлар муалли. X.Болғабоев. Т.: O'qituvchi. 2005. Б.8,50.

АРОН, Рэймон Клод Фердинанд (1905–1983) – француз файласуфи ва социологи. 1956–68 й.да Сорбонна, 1970 й.дан Коллеж де Франс илм даргоҳлари профессори. Дастлаб публицист сифатида эътибор топган. А. карашибича, тарих тұла ҳолда объектив билим бера олмайды, тарих индивидлардан устун туради ва ўз структурасига кўра, у микроанализ килинишга лойик. Инсонларда ҳукукий масъулиятдан ташқари, тарих олдидаги масъулиятни кучайтириш керак. Яъни инсон ўз фаолиятида ҳукук нормаларини бузмай яшапи баробарида тарих олдидаги яратилажак кашфистларга, инсоният тарихини олдинга стакловчи ғоялар ва амалий фаолиятта қурбли булиши керак. Икки иқтисодий тизимнинг яқинлашуви, ўзаро конфликттеги киришмаган ҳолда бир-бирининг имкониятларини ўрганиб, тараккист сари бирга қадам ташлаши инсоният цивилизацияси учун жуда катта наф келтиради.

- Современная западная философия. М.: ИПЛ, 1991. С.26-27.

АРИ, Ганс (1887–1966) – олмон рассоми, шоири ва ҳайкалтаропи. Германиянинг Страсбург ш.да туғилган. Штутгарт ва Веймар Бадий мактабларида ўқиган. 1908 й. Париж академиясида таҳсил олган. Биринчи жаҳон уруши пайтида Цюрихда яшаган. Предметсиз санъат назариётчиларидан.

Рассом сифатида “Болға гул” (1916), “Композиция” (1917), “Лаблар” (1926), “Япроқлар ва томчилар” (1930) асарлари б-н шүхрат топган. “Фижимланган қоғозлар” коллаж (сурат)и ва шу номдаги шеърлар китоби бор.

- Энц-я модернизма. М.: Эксмо-Пресс, 2002. С.126.

АРИАН Флавий (II) – Рим адаби ва тарихчиси. Кичик Осиёдаги Никомедия ш.да туғилган. Юонон файласуфи Эпиктет қўлида ўқиган. 131–137 й.да Каппадокия волийси, кейин сенатор ва кохин бўлган. Фалсафа, тарих, география ва харбий соҳаларга оид асарлар ёзган. “Александр юриши”

асарида Искандар Мақдунли тарихи етти китобда баён килинган. “Хиндистон”, “Неархнинг ҳарбий юриши”, “Эпиктет ҳакида эсдаликлар” асарларини ёзган. “Парфия тарихи”, “Аланлар тарихи”, “Вифиния тарихи” асарларидан парчалар етиб келган. Бу асарларда Ўрта Осиё тарихига доир кимматли маълумотлар сақланган.

- История всемирной литературы. Т.1. М.: Наука, 1983. С.439.

АРСЕНАЛ (архитектура, мөймурчилик) [эстетика] – мөймурчиликда қуроласлаша ва ҳарбий ускуналар саклаш учун курилган иншоот. А. санъатда юкорига чикмоқ, эришиб бўлмайдиган даражага эгалик килмоқ маъноларида кўлланилади.

- Борев Ю. Энц-кий словарь эстетики и теории литературы.. М., 2008. С.105 (эл.версия).

АРСИС (юнонча: arsis – *кўтарилиши*) ва **ТЕСИС** (thesis – *тушиш*) [поэтика, метрика] – шеърдаги стопанинг кучли ва кучсиз қисми. Метрик шеър тизимида кўлланилади. А. икки қиска бўғин (v v)дан, Т. эса чўзик дактил (–) дан иборат. Шунингдек, Европа шеър тизимида хорсайнинг биринчи бўгини – А., иккинчиси – Т.; анапестда учинчи бўғин – А., биринчи ва иккинчиси – Т. дан иборат.

- Гаспаров М.Л. Метрическое стихосложение. Введение в литературу / Лит-ное произведение: основные понятия и термины. М., 1999. С.366-367; Елисеев И.А., Полякова Л.Г. Словарь лите-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.16; Борев Ю. Эстетика. Теория литературы. Энц-кий словарь. М.: Асель-Аст, 2003. С.29.

АРСЛОН ҲОЖА ТАРХОН (XV аср 1-ярми) – ўзбек шоири ва давлат арбоби. Улуғбек даври амирларидан, Саброн ш. ҳокими. А.Х.Т. саройида Саккокий хизмат килган. А.Х.Т. ҳақидаги маълумотлар Саккокий касидаларида, Шотибийнинг “Куръон ўқиши санъати ҳакида” рисоласининг мукаддимасида учрайди. Қад. туркӣ кўлсизмаларни маҳсус кўчирирган, уларни араб ва форс т.ларига тарж. килган. Адид Аҳмад Юғнакийнинг “Ҳибату-л-ҳакойик” достонини ўйғур ёзувида кўчирирган (1444), унинг таркиби А.Х.Т.нинг ўн байти маснавийси киритилган.

АРСЛОНХОН МУҲАММАД ибн СУЛАЙМОН (в. 1130) – Мовароуннахр хукмлори (1102–30). Корахонийлар сулоласи Баркиёрук вассали Сулаймон-тегиннинг ўғли. Самарканд таҳтини бошкарган, салжуқлilar келгач, Балхга жунатилган ва у срда вафот этган. Кўплаб маданий-маърифий тадбирлар ўтказган, иншоотлар қурдирган. Сурхондарёдаги Жарқургон минораси, Масжиди калон ёнидаги минора А.М.С. буйруги б-н курилган.

«АРСЛОН» (1926) – Абдурауф Фитрат драмаси. Сарлавҳа остида: “Бурунги Бухоро хонлигига яшаган дехқонлар ҳаётидан олинган беш пардалик драма” ёзуви бор. Ер, сув ислохоти муносабати б-н Тошкентда чоп этилган ва саҳнага кўйилган. Асарда ўзбек меҳнаткашларининг ўтмишдаги ахволи, нотор иқтисодий ҳаёт ва ундан кутилиш чоралари баён килинган. Асар бопи

қаҳрамони А. ўзининг шиҷоати, меҳнати ва бойларга нисбатан муросасизлиги б-н ҳамқишилоклариға намуна бўларлик қаҳрамон. Асарада Фитратнинг “Хуррият” газ.да эълон килинган (1918) публицистик мақолалари (“Бухоронинг холи”, “Бухорода инқилоб”) руҳи аниқ сезилади.

“А.” асари ўз вактида томошабинларнинг катта кизиқишига сабаб бўлган. Унинг саҳна талқинлари хусусида Комил Алиев (Кизил Ўз-н, 1927. 28 февр.), Тулқин (Кизил Ўз-н, 1929. 22 нояб.) каби мунаққидларнинг такризлари эълон килинган.

- ◆ *Фитрат*. Арслон. Т.: Ўздавнашр, 1926; Чин севиш. Г.: F.Улом помидаги напр., 1992; Танланган асарлар. З-ж. Т.: Маънавият, 2003. Б.92-165.

- *Ғаниев И.* Фитрат драмалари поэтикаси. Т., 1997; *Алиев А.* Фитрат ва унинг “Арслон” асари // Гулистон. 1989. 12-сон. Б.22-24.

АРСЛОНБОБ (ХI) – Хожа Аҳмад Яссавийнинг пири ва тоғаси. Туркистон ҳожжалари силсиласига кирган. Мақбараси Шаулдер (кад. Утрор) ш.да. Макбара ва хонакоҳ Хожа Аҳмад Яссавий даврида курилган. Шайх Мухаммад Донишманд Зарнукӣ бу хонакоҳда муридларга таълим берган ва жаҳр мажлисларини ўтказган. Жалолобод вилояти (ҳоз. Кирғизистон)даги Арслонбоб кишлогидаги кабрии ҳам А. отага нисбат беришади. Бу жой ҳоз.га қадар мусулмонларнинг мукаддас зиёратгоҳларидан бири саналади.

- *Сайрамий, Мусо.* Тарихи аминийа. Б. 1904. С. 289; *Тримингэм Ж.* Суфийские ордены в исламе. М., 1989; *Умар б. Мұхаммад Насафий.* Ал-Канд фи зикр улама Самарканы / Ташқиқ Юсуф ал-Ходий. Техрон, 1999. Сах. 348-349, 365-366; *Фитрат. Аҳмад Яссавий / Танл. асарлар. 2-ж.* Т.: Маънавият, 2000; *Муминов А.К.* Арслан-баб / Ислам на территории бывшей Российской империи. Энцикл. словарь. Вып.3. М.: ИВЛ, 2001. С.15.

АРСУРИ (кад. чувашча: ўрмон) [мифология] – чуваш мифик тасаввурига кўра ўрмон эгаси (ўрман ияси). А. кулранг соколли баҳайбат мўйсафиди сифатида тасаввур килинган, айрим мифларга кўра, кора юзли, тўрт кўз, уч осқ, уч кўлли (учинчи кўл ва осғи орқада) ҳайвонсифат қилиб кўрсатилган. А. ўйлчиларни манзилдан адаштирган, уларнинг тишлиларини кокиб олган. А. отда юришни ёқтиради, лекин сувдан қўрқади. Мифга кура, фавкулодда ўлимга дучор бўлганлар руҳи А.га айланиши мумкин. А. тимсоли Сибирдаги бошқа туркй халқлар мифларида ҳам учрайди.

- *Ахметянов Р.Г.* Некоторые термины обрядов и мифологии булгаро-чувашского происхождения у народов Урало-Поволжья // Советское финно-угроведение. 1977. №2. С.102-03; *Мифы народов мира.* М.: СЭ, 1980. С.106.

АРТ БРЮТ (французча: art brute – қўйол санъат) [эстетика] – француз рассомчилигида намоён бўлган модернистик оқимлардан бири. Бу оқимнинг етакчиси Ж.Дюбюффе А. истилоҳини биринчилардан булиб кўллаган. 1950–60 й.ларда сюрреалистлар Х.Миро, М.Эрнст, П.Клее унинг ижоддаги давомчилари булиб, улар ўз санъатларини ҳар қандай коидадан озод деб билгандар, худди болалар ва беморлардаги каби самимийликни шиор қилиб олганлар. Академизм, эстетик меъёрларни четлаб утишга урунгандар.

- *Власов В., Лукина Н.* Авангардизм, модернизм, постмодернизм / Малый лексикон искусства. СПб.: АЗБУКА Классика, 2005. С.35-36.

АРТ-ДИЗАЙН (латинча: *artis – санъат*, лотинча: *designare* – белгилаш) – авангард санъатга тегишли адабий оқим бўлиб, XX аср 80-й.да кенг тараккий этган. *Поп-арт* давоми сифатида шаклланган. А.д. услубида санъат асари б-н ишлаб чикариш дизайнни бирлашади ва санъат асари таркибида фото, плакат, ишлаб чикаришга оид деталлар иштирок этади. Бу анъанавий тасвирни бузади ва асарга янги рух олиб киради. А.д. учун асосий нарса бевосита санъат асарининг ўзи орқали эстетик туйғу бериш эмас, балки турли дизайн комбинациялари орқали ўкувчига таъсир этиш, уни анъанавий тасвир услубидан замонавийликка буриш хисобланади. А.д.да поп-артдан фарқли равища мафкуравий матностига эътибор каратилган. Яна карант: *Соп-арт*.

- Власов В., Лужина Н. Авантгардизм, модернизм, постмодернизм / Малый лексикон искусства. СПб.: АЗБУКА Классика, 2005. С.36-37;

АРТЕМИДА (юононча: *Artemis* – айик маъбудаси; қотил) [мифология] – қад. юон мифологиясида ов ва хосилдорлик маъбудаси, Зесв ва Лстонинг кизи, Аполлонинг синглиси. Астерия оролида туғилган. Даастлаб юон мифларида А. ҳайвонлар ва ов ҳимоячиси, сунгра аёллар донолиги ва туғиши пайтида дояси сифатида талқин килинади. Охиратда кишилардан ҳаёт пайтида берилган ваъдаларни бажарилган-бажарилмаганигини назорат килувчи маъбуда. Суратларда А. ов қилаётган аёл (елкасида ўқ-ёй, бошида яirim ой, кулида машъала) сифатида тасвирланган. Рим мифологиясидаги Диана тимсолига тўгри келади. А. ҳакида тасвирий санъатда Рим вариантлари асосида И.Рубенс, Рембрандт асарлари, бад. ад-тда Ж.Боккачонинг “Диана ови” поэмаси, Ж.Ротру, Х.Хайненинг драматик асарлари яратилган.

- *Овидий. Метаморфозы / Пер. С.А.Шервинского. Л.: Academia, 1937; Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.108.*

АРТЕФАКТ (лотинча: *artefactus – ишлаб чиқилган, сунъий яратилган*) [эстетика] – сунъий равища ишлаб чиқилган ва бирор ҳодисанинг рамзига айланган предмет. А. нарса-предмет сифатида ҳаётда мавжуд эмас, бирок бслги, рамз сифатида муайян моҳиятни ифодалайди. А. бадий матн статуси вазифасида ҳам ишлатилади. Тасвирий санъатда *поп-арт* услубида яратилган асарларга нисбатан қўлланилган. Эстетик тафаккурда А. моҳиятнинг моддий обьекти, бадий матн эса унинг ифодаси. “Янги танқид” тарафдорлари бўлган Прага структуралистлари А.ни социал ва тарихий вазиятдан келиб чиқадиган ёпик система сифатида талқин килишган. Я.Мукаржовский санъат асарини умумий жиҳатдан оммавий маданиятга карши туриш деб баҳолайди, качонки бу “фон” узгарадиган бўлса, асарнинг баҳоси ва талкини ҳам узгаради. Шу жиҳатдан олим санъат асарининг материал жиҳати, яъни китоб, сурат ёки ҳайкал ва эстетик обьект – бу реал фактларнинг умуминсоний талкинини фарқлашни таклиф килади.

- Дики Д. Искусство и эстетика: введение и институциональный анализ. М., 1974; Мукаржовский Я. Исследование по эстетике и теории искусства. М.: Искусство, 1994; Власов В., Лужина Н. Авантгардизм, модернизм, постмодернизм / Малый лексикон искусства. СПб.: АЗБУКА Классика, 2005. С.37; Борев Ю. Эстетика. Теория лит.-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.44; Иглтон Г. Теория лит.-ры. Введение. М., 2010; Холбсков М. XX аср модерн ад-ти манзаралари. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2014.

АРТИКЛ (лотинча: *articulus* – аъзо) [стилистика] – грамматик белги. От туркумига оид сўзлардан аввал келиб, унга аниқлик белгиси сифатида грамматик маъно юкловчи категория. А. герман, роман, юнон, араб (семит т.лари), можар в.б. т.да қўлланилади. Асосан, сўздан аввал келади, француз т. (роман т.лари)да сўздан кейин келиши ҳам мумкин: ал-кимё (арабча), le purple – халк (французча). А. инглиз т.да келишик, жинс, сонда ўзгармайди, немис т.да ўзгаради. Араб т. ал- А. шамсий ҳарф б-н бошланувчи сўзларга кушилганда ўз шаклини ўзгартиромайди, камарий ҳарфлар б-н бошланувчи сўзларнинг биринчи ҳарфига караб талаффузи ўзгаради: ал-шифо эмас, аин-шифо.

Нутк товушлари хосил килинишида мучаларнинг ҳаракати, ҳолати ва иштироки. А. бир неча боскичли: а) талаффуз дастурини куриш; мучаларни ҳаракатга солиш; в) нутк органларининг ҳаракати. Фонетикада А. минимал товуш компонентлари сифатида ўрганилади.

Мусика назариясида асарни соз ёки овоз б-н ижро этиш усули. А.: икки тури: легато (товушларнинг ўзаро боғланиши), стаккато (тонуашларни узиб-узиб айтиш ёки чалиш). А.нинг асарни бадиий юксак ва таъсирчан килишда аҳамияти катта.

- Речь. Артикуляция и восприятие. М.-Л., 1965; Габучин Г.М. Теория artikelя и проблемы арабского синтаксиса. М., 1972; Мосальская О.И. Становление категории определенности-неопределенности. Артикль / Историко-типологическая морфология германских языков. Фономор-фология. Парадигматика. Категория имсни. М., 1977.
- Скалезуб Л.Г. Динамика звукообразования по данным кинорентгенографирования. Киев, 1979; Кодзасов С. В. Артикль / Большой энц-кий словарь: Языкознание. М.: БЭС, 1998. С.45-46.

АРТИФИЦИАЛ санъат (лотинча: *artificialis* – усталик, санъаткорлик) – маҳорат б-н ишланган, мумтоз асар даражасида эътироф этилган, лекин мумтоз ад-т намунаси эмас, балки замонавий санъатга тегишли. Модернизм, постмодернизм даврида А.с. артефактга яқин келади.

- Власов В., Лукина Н. Авангардизм, модернизм, постмодернизм / Малый лексикон искусства. СПб.: АЗБУКА Классика, 2005. С.9-16

АРТУР АФСОНАЛАРИ (кельт т.да *artos* – айик) [мифология] – кельт (Уэльс) халқ ривоятлари. Айрим манбаларда “Артур романлари” деб берилган. А.а.нинг доимий бош қаҳрамони А. образи бўлиб, V-VI асрларда Британия кироли бўлган. Манбаларда VIII асрдан бошлаб номи зикр этилади. Г.Монмаутлининг «Британия кироллари тарихи» (~1137) асарида А. хроникаси берилган. А.а. XII асрдан бадиий асарларга кириб келган. Кретьен де Труа, Гартман фон Ауэ, Вольфрам фон Эшанбах А.а. сюжетларидан фойдаланиб асарлар битишган.

А.а. қаҳрамонлари Ланселот, Тристан ва Изольда в.б. Э.Спенсернинг “Парилар кироличаси”, Ж.Драйденнинг “Кирол Артур” опера либреттоси, У.Морриснинг “Гинсвра мудофааси” достонларида учрайди. XX аср адиби

Марк Твенининг “Яники кирол Артур саройида” романида А. образи сатирик ружда тасвириланган.

- Marx J. Nouvelles recherches sur la littérature arthuriennes. Paris, 1965; Михайлов А.Д. Артуровские легенды и их эволюция. М., 1974; Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.108-109; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асель-Аст, 2003. С.44.

“АРТХАШАСТРА” (санскритча: фойда ҳақида рисола) [мифология] – кад. хинд китобларидан бўлиб, давлатни идора килиш ва иктисадиётини тиклаш масалалари жамланган. М.а. IV асрда яратилган бу асар Каутильяга нисбат берилади. Рисола II-II асрларда қайта ишланиб тўлдирилган. Хинд эпоси “Махабхорот”, “Рамаяна”да “А.” кирган масалалардан баҳс юритилади. Инглиз олим У.Эрскин Хиндистанда бобурийлар саройидаги манбалар қаторида “А.” номини келтиради.

- ♦ Артхаашастра, или Наука политики Пер. с санскр. М.-Л., 1959.
- Бонгард-Левин Г. К выходу в свет русского пер. “А.” // Проблемы востоковедения. 1960. № 3; История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.228.

АРФА (олмонча: harfe, итальянча: агра – мусика асбоби) [санъятшунослик] – учбурчак шаклидаги торли, тирнаб чалинадиган мусика асбоби. Учбурчак ўртасига ичакдан килинган узунлиги бир хил бўлмаган торлар вертикал равишда тортилади. Ҳоз. А.да 46-47 та тор бўлиб, улар баравар созланади. Юон мифологиясида А. торлари шу қадар нафиски, уни майин шаббодада табиий равишда чалинишига мўлжалланганай айтилади. А. минораларга, биноларнинг шамолрўя томонларига ўрнатилади.

- Акбаров И.А. Музика луғати. Т.: F.Фулом номидаги нашр., 1987. Б.22-23.

АРУЗ (арабча: عروض – водий) [поэтика, метрика] – I. шеър тизими, байтдаги хижоларнинг микдори ва сифати (оҳангдорлиги)га асосланган илм. Арабларда А. вазн тушунчаси сифатида жоҳилий даврида ҳам мавжуд бўлган, ҳатто баҳр аталган вазн турлари мавжуд бўлган. Щеър ўлчов тизими сифатида араб шеъриятида VIII асрдан мавжуд. Бу ҳақда Алишер Навоий: “Халил иби Аҳмад раҳматуллоҳи, бу фан (аруз)нинг возидур, чун араб эрмиш ва анинг яқинида бир водий эрмишиши, ани “Аруз” дерлар эмишша ул водийда аъроб уйларин тикиб, жилва бериб, баҳога киорурлар эрмиш” (“Мезону-л-авzon”). А. форс ва турк шеъриятида IX асрдан мавжуд. А. тизими чузик ва киска хижоларнинг ритмик асосда муайян гурухлар буйича тақорланиб туришига асосланади. А. тизимидаги энг кичик ритмик бирлик ҳарф бўлиб, у сокин, яъни мустақил ундош ёки чўзик унли ва мутаҳаррик, яъни ҳаракатли (ундош ва киска унли) ҳарфлардан иборат. Уларнинг ўзаро бирикувидан сабаб, ватад, фосила деб номланган руки (Навоий) ёки жузев (Бобур) булаклари хосил килинади. Сўнгра 8 та аслий рукилар юзага келади: фаулун, фоилун, мафойлун, фоилотун, мустағъилун, мағъулоту, мутафойлун ва мафоилатун. Бу рукилар ўзаро бириккан холда А.нинг асосий

улчов бирлиги – баҳрлар вужудга келади. А.тизимида баҳрлар сони 19 та: мутакориб, мутадорик, ҳазаж, рамал, ражаз, комил, вофир, ҳафиғ, мужтасс, музориъ, мунсарих, мұқтазаб, тавил, мадид, басит, қариб, мушокил, ғарип ва сарій. Бобур томонидан асосланған Тавил доирасында киругчи Амик ва Ариз баҳрлари хам күшилса, 21 баҳр булади. Ҳар бир баҳр бир неча вазнни ўз ичига олади. Ўзбек мұмтоз шеъриятта юздан ортиқ вазн ишлатылған.

А. тизими туркій шеъриятта Юсуф Хос Ҳожибнинг “Кутадғу билиг” асаридан, форсий шеъриятта эса, Абу Абдуллоҳ Рудакий ижодидан бошланған. XX аср бошина қадар А. асосий шеърий улчов сифатида тарақкій этган. XX асрда А. б-н бир каторда, *бармоқ, сарбаст* вазнлари истемолға киритилған. А. тизимида Чұлпон, Гафур Гулом, Ҳ.Олимжон, С.Абдулла, Э.Вохидов, А.Орітов, Ж.Камол каби шоирлар шеърлар ёзишган.

- Корш Ф. Древнейший народный стих турецких племен. Спб. 1909; Вахид Табризи. Җам'и мухтасар / Трактат о поэтике. М., 1959; Бобур. Мухтасар. Т.: Фан, 1971; Ҳожиақмедов А. Аруз назарияси асослари. Т., 1982; Тоир У., Сайдали С. Қомуси кофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чиңд. Ҕилди аввал. Душанбе: Ирфон, 1994. Б.3-5 50; Шайх Ахмад Тарозий. Фупупу-л-балога. – Т.: Ҳазита, 1996; Фитрат. Аруз ҳақида (Нашрга тайёрловчи, сұзбоши ва изохшар мұағ. Ҳ.Болтабоев). – Т.: Үқитувчи, 1997; Ҳожиақмедов А. Ўзбек арузи лугати. Т.: Шарқ НМАК, 1998. Б.149 –150; Алишер Навоий. Мезону-л-авзон. МАТ. 13-ж. Т., 2001; Шарқ мұмтоз поэтикаси Ҳ.Болтабоев талқипида. Т.: ҮМЭДИН, 2006; 2008; Аъзамов А. Аруз. Т.: Алишер Навоий номидагы Ўз-н Миллий кутубхонаси нашр., 2006.

II. шеър улчов тизимида мисранинг охирги рукнининг ўрни. Мисрадаги шу руқн шеър қайси баҳр ва вазнда ёзилғанлыгини билдиради, шоирнинг вазн танлаш маҳорати хам шунда кўринади. Бобур “Аруз рисоласи”да “Арузийлар аввалғи мисранинг аввал рукнини садр дерлар ва охирги рукнини аруз, иккинчи мисранинг аввал рукнини – ибтидо, охир рукнини – зарб” деб ёзган.

- Бобир. Мухтасар. Т.: Фан, 1971; Ҳожиақмедов А. Ўзбек арузи лугати. Т.: Шарқ НМАК, 1998. Б.13.

~ *илми* – арузшунослик (тарихий). А.и.га доир турли қарашларни жамлаб, уни фан сифатида шакллантирган олим Халил ибн Ахмад хисобланади. Навоий «Мезону-л-авzon» асарида «Халил ибн Ахмад раҳматуллоҳи, бу фаннинг возеъидир» деб таъкидлаб ўтган. «Айн китоби», «Мўъжам фи илмул-арузи» («Аруз билими қомуси») каби асарларида А.нинг асосини яратган. Бирок бу асарлар бизгача тўлиқ етиб келмаган. Халил ибн Ахмаднинг шогирди Сибавайҳ (в. 796) «ал-Китаб» асарида, «Айн китоби»ни эса Лайс ибн Музаффар ва арузга доир ишларини Абул Ҳасан ибн Саъид Ахфаш (в. 830) илмга маълум килган. IX асрда Надр ибн Шумайл, Ибн Канноса, Асмойй, Али Райхоний, Қосим Салом, Ахмад Бахийлий, Абул Умайсал, Ибн Кутайба, Бухтурий, Ҳ асрда Абул Аббос Саълаб, Ибн Жинний, Ибн Сарроҳ каби олимлар шеър илмига доир асарлари таркибида аруз масалаларини ёритган. XI асрда Ҳасан ибн Рошиқ (в. 1070) «Таянч» ва Абу Ҳилол Аскарий (в. 1005) «Китабу-л-санъатайн» асарларида А.и. давом эттирилған. Араб

арузшунослигида илмий тизимга солинмаган бадавий (саҳройи) шеърлар қатъий интизом асосида тартибланди. Шеърдаги ритмик бирликлар: хижо, руҳи ва байт белгиланди. Байтдаги рукнлар сони ва рукнданги хижолар сифати асосида арузниң баҳрлари (аввали 11, сұнгра 16) ишлаб чиқылди.

Марказий Осиёлик олимлар Абу Наср Форобий «Китобу-ш-шеър», Абу Райхон Беруний «Хиндистон», Абу Абдуллоҳ Хоразмий «Мафотуху-л-улум» («Илмларнинг калитлари»), Абу Али ибн Сино «Махорижу-л-хуруф. Ҳикмати аruz» («Ҳарфлар маҳражлари. Аруз ҳикмати»), Маҳмуд Замаҳшарий «Кустосу-л-аруз» («Арузий зеҳн тарозуси»), Юсуф Саккокий «Мифтоҳу-л-улум» («Илмларнинг калити») асарларида аруз вазни масалаларини ва А.нинг юони ва хинд метрикасига муносабатини кайд этишган. Абу Абдуллоҳ Хоразмий «Мафотуху-л-улум» комусий лугатида А.и.га оид атамалар маъноларини курсатган. Аруз тизимидағи истилоҳлар алифбо тартибида изохланган. Бу асар асосида кейинрок Маҳмуд Замаҳшарий, Абу Ҳафс Насафий, Юсуф Саккокийнинг арузга оид рисолалари ёзилган.

• Абу Райхон Беруний. Таңл. асарлар. 2-ж. Т.: Фан, 1965; Алишер Навоий. Мезону-л-авзон. Асарлар. Үн беш т., т.14. Т.: Фан, 1967; Талабов Э. Араб арузи. Т., 1977. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар ш. (Арабчадан А.Ирисов, М.Махмудов, У.Отажон тарж.). Т.: Абдулла Қодирий помидаги ҳалқ мероси нашр., 1993; Фитрат. Аруз ҳакида (нашр. тайёрл. Ҳ.Болтабаев). Т.: Ӧқитувчи, 1997; Köprülü M.F. Aruz. / Islam Ansiklopedisi. 2-cild. Istanbul, 1993. S.625-653.

~ *шунунослик* – XX аср ад-тшунослигида А. илми шу ном б-н юритилади. Соҳа мутахассислари мұмтоз ад-тшуносликда *арузийлар* деб аталса, XX аср бошидан улар арузшунослар дейилганды. Шунинг учун ҳам А. номи остида илми А.нинг XX асрдаги тараккиётини күзатиш мәқсаддағ мұвоғиқдір. Ўзбек А.и фан тарихига XX аср 20-й.ларидеги ад-тшуносликка оид илк қўлланмалар оркали кириб келди. А.Саъдийнинг “Амалий ҳам назарий ад-т дарслари”, Фитратнинг “Ад-т қоидалари” қўлланмаларида аруз вазнининг хусусиятлари антилатилади. Фитратнинг “Аруз ҳакида” рисоласи (1936)да мұмтоз аруз вазни хусусиятларини тушунтириш б-н бирга уни “замонавийлаштириш”га ҳаракат килинади. Ф. аруз вазnidаги рукнларни бармоқ вазnidаги туркумланиш усули оркали тушунтиради. Фитратнинг шогирди Иzzat Султон Навоийнинг “Мезону-л-авzon” асарини номзодлик диссертациясида тадқик этиб, унинг танқидий матнини яратди ва нашр эттириди. С.Мирзаев “Навоий арузи” мавзуудаги номзодлик диссертацияси (1946)да Навоий асарларида қўлланилган аруз вазни хусусиятларини ўрганди. С.Ҳасанов Бобурнинг “Рисолайи аруз” асарини тадқик қилиш б-н бирга, уни нашрға тайёрлади (1978), тадқикоти асосида “Бобурнинг “Аруз рисоласи” асари” (1981)ни чоп эттириди. XX аср 70–80-ий.да А.Рустамов “Аруз ҳакида сұхбатлар” (1972), У.Туйчиев “Ўзбек поэзиясида аруз системаси” (1985), А.Ҳожиаҳмедов “Аруз назарияси асослари” (1982), “Мактабда аруз вазнини ўрганиш” (1995), “Ўзбек арузи лугати” (1998) китобларида аруз вазнининг мұмтоз қоидалары, ҳосила

вазнлар, баҳрлар ва доиралар в.б. масалалар ўрганилди. Ўзбек А.и XXI асрда янги номлар хисобига бойиди. М.Олимов “Рисолаи аруз” (2002), А.Аъзамов “Аруз”, Д.Юсупова “Аруз алифбоси” (2015) кўлланмаларини эълон қилди. Ўзбек А. тараққий этмоқда.

- Тўйчиев У. Ўзбек поэзиясида аруз системаси. Т., 1985; Фитрат. Аруз хакида (напр. тайёрл. Ҳ.Болтабоев). Т.: Ўқитувчи, 1997; Ҳожсаҳмедов А. Ўзбек арузи лугати. Т.: Шарқ НМАК, 1998. Б.13-16; Шарқ мумтоз поэтикаси Ҳ.Болтабоев талкинида. Т.: ЎМЭДИН, 2008.

— доиралари – аруз илмини ўрганишни осонлаштириш мақсадида руқнлар ва улардаги қиска ва чўзиқ ҳижолар асосида баҳрларни гурӯхлаштириб, доиралар қашш этилган. Ҳар бир доира бир неча баҳрни ўз ичига олади. Доира атрофидаги мисра биринчи сўздан бошлаб ўқилиши натижасида бир баҳр, бошқа сўзлардан бошланиб ўқилиши натижасида янги баҳрлар келиб чикади. Бир доирадаги баҳрлар қиска ва чўзиқ ҳижоларнинг ўрни б-н фаркланади. Турли олимларнинг тадқиқотларида доиралар сони турлича (Халил ибн Аҳмадда – 5, Навоийда – 7, Бобурда 9 в.х) кўрсатилади.

- Бобир. Мухтасар. Т.: Фан, 1972; Ҳожсаҳмедов А. Ўзбек арузи лугати. Т.: Шарқ НМАК, 1998. Б.16-18; 47-52; Алишер Навоий. Мезону-л-авzon. МАТ. 13-ж. Т., 2001; Yusupova D. Aruz alifbosi. Т.: Akademnashr, 2015. В.126-127.

«АРУЗ РИСОЛАСИ» (айрим манбаларда «Aruzi turkii») – Захириддин Мухаммад Бобур (1483-1530) асари. Хиндистандаги бобурйлар тарихига оид манбаларда, ўзбек ад-тшунослигига “Мухтасар”, “Муфассал” номи б-н юритилган. Али Бахт Азфарий «А.Р.»ни форс тилига ҳам назм, ҳам наср йўли б-н ағдариб, насрый нусхада қўйидагиларни ёзади: «...унинг «Aruzi turkii» китобидан мунтахаб этиб, форс т.га тарж. килдим» (Бу асар Мадорас Давлат кутубхонаси Шарқ кўлсизмалари фондидаги сакланади. Тарж. 1836 й. Маҳмудали Саид валади Ҳофиз Мухиддин Ҳусайн томонидан кўчирилган).

Бобур араб-форс аруз тизимини мукаммал ўрганиш натижасида туркий аруз, яъни турк т. фонетик хусусиятларига мос келадиган аруз илми яратди. Бобур жузвлар сонини қисқартириб, сабаб ва ватадни кифоя деб билган, зихофлар сонини 44 га етказган. Мавжуд 19 та баҳр қаторига яна 2 баҳр күшган, унинг тизимида туркий аруз 21 баҳрдан иборат бўлган. Ҳазаж баҳрининг мақбуз ва рамал баҳрининг макфуф вазнлари ўртасида ўҳшаплик борлигини аниклаб, улар асосида янги *мужталибаи мухтариъа* номли янги доира тузган. Бобур тизими 537 вазнни ўз ичига олгани б-н эътиборлидир. Бу вазнларнинг 289 таси аввалдан мавжуд бўлса, 248 вазн янгидан Бобур томонидан ихтиро килинган. Бобур аруз назарияси ва амалиётини туркий тилга мувофиқлаштиришга ҳаракат килган ва нисбатан кам кўлланилган вазнларга ҳам эътибор қаратган. Ўзи яратган аруз тизимидан келиб чиқиб, муттаввив шеърларни фарқлаб кўрсатган, Шайх Аҳмад Тарозий шарҳлаган муттаввив байт имкониятларини кенгайтирган. Ҳалқ кўшикларини Алишер Навоий “ҳеч вази б-н рост эмас”лигини айтган бўлса, Бобур *улан, турки, тархони* каби фольклор жанрларини аруз нуктаи назаридан ўрганганди.

Арузий хусусиятидан келиб чиқиб, рубоій, туок, сажъ ғазалларни таҳжилга тортган. Бобур рисоласида энг күп, яны 73 шоир ижодига мурожаат килинган. Бу жиҳатдан илмий рисола тазкиравий хусусият касб этган.

“А.Р.”нинг бир неча құләзмаси мавжуд. Е.Блоше каталогида күрсатылған, Париж Миллий кутубхонасида сақланыпташылған нұсха (сакл. № 1308) ҳакида Ф.Күпрутұ хабар берген: “Бобуршохнинг шахси ва асарлари эскидан бери назар, диккатни жалб этмақда... 1923 йили Париж Миллий кутубхонасида муаллифи номағым менен өздерінде арузий рисоласи борлығынан күрдім. Турк назм шақларынан оид мағлұм отырыптың умиди б-н текшириб чыксам, у Бобуршохга мансуб эканлыгини күрдім, Ҳожи Самарқандий томонидан 940 (мил.1533) хижрийда күчирилған экан”. Бу нұсха 1968 й. Ҳамид Сулаймон томонидан Тошкентта көлтирилған, уни 1971 й. С.Хасанов нашаға тайёрлаган, И.В.Стеблева 1972 й. уни факсимиле холида нашаға күлдірган. Бу асар 1524-25 й.да ёзилғаны таҳмин этилади. Техрондаги Салтанат кутубхонасида бошқа бир. Бобур ҳаётлик пайтида (931/1524) күчирилған нұсха мавжуд.

“А.Р.” Д.Росс, А.С.Бевериж, А.Н.Самойлович, Ф.Күпрутұ, М.Шайхзода, И.В.Стеблева, С.Хасанов, А.Альзамов в.б. томонидан үрганилған.

◆ Бобир. Мұхтасар. Т.: Фан, 1972.

▪ Рустамов А. Аруз ҳакида сұхбаттар. Т.: Фан, 1972; Түйчиев У. Үзбек поэзиясида аруз системаси. Т., 1985; Ҳасанов С. Бобур ва унинг “Аруз рисоласи” асари. Т.: Фан, 1981; Фитрат. Аруз ҳакида (нашр.тайёры. Ҳ.Болтабоев). Т.: Үкитүвчи, 1997; Ҳожишағмөдев А. Үзбек арузі лугати. Т.: Шарқ НМАК, 1998; Болтабоев Ҳ. Рисола аруз ва аруз ҳакида / Мумтоз сўз кадри. Т.: Ад-т ва санъат, 2004; Мумтоз шеър тузилиши ва унинг метрик асослари / Шарқ мумтоз поэтикаси. Т.: ҮМЭДИН, 2006.

«АРУЗ ҲАҚИДА» (1936) – Фитрат асари. XX аср 30-й.да үтмиш маънавий меросга хужум кучайған бир пайтда проф. Фитрат “А.х” деб номланған аруз тарихи ва техникаси, вазн назарияси ва унинг құлланылыш тарихидан ҳам сабоқ берувчи назарий-методик құлланмасини яратған. “А.х.” құлланмасыда арузининг вүждігі келиш манбалары, тарихий үсиши, араб, форс ва түрк арузининг хос хусусиятлари ва үзгаришлари таҳлил килинади. Бармок вазни тизимидағы каби содда йул тутиб, “хар бир руқндары түлік ва киска хижоларнинг сифаты”га асосланиб, унинг хар байтдаги миқдорий жиҳатларини ҳам хисобға олиб улар үн иккі түркүмге ажратылған. “Байт” ва “мисраль” истилохлари айнан сақлаган қолда, ҳар бир мисрада бир ёки иккі турок белгиланған; улар учун ишорат қойылған ва “ист” исми берилған. Бир мисранинг “ист” б-н булинған парчалары “булим” деб аталған. Бир мисральда тақрорланған хижко тұдаларынан “тұплам” (русча истилох б-н айтгандан “стопа”) исми берилған. Бундан ташкари, рус ва жағон шеършунослигидеги мавжуд құзық (-) ва киска (v) хижолар учун жорий килинған шартлы белгилар илк бор аруз вазнига йуналтирилған. Ҳар бир “туркүм” үз шакли (схемаси) б-н күрсатылған, шеъряттимиздеги мавжуд баҳрлар үзига хос “туркүм”ларға ажратылади. Фитрат баҳр ва вазн истилохларини сақлагани қолда мумтоз шеърятдаги 19 баҳрни анъанавий тартибда эмас, балки

тариҳийлик тамойилидан келиб чикиб аввал араб шеъриятида құлланған беш баҳр, сұнгра араб ва форс шеъриятида бирдай истеъмолда булған үн баҳр, кейин эса “форс арузийлари” томонидан құшилған уч баҳрни келтиради. Бу 19 баҳр асосида “олтилик, саккизлик, тұққизлик, үн бирлик... йигирмалиқдан иборат 12 хил вазн (эски арузчиларча айтганда 12 баҳр) чикаради. Мана шу тарика “80 га яқын вазн тартибга олинади”.

Фитрат “фаулунчилик, зихоғоччилик” каби котиб колған қоидалардан күтулиш учун аruz вазнини “чирманда усули”га күчириш тажрибасини құллаган. Еш шпоирларни аruz б-н таништириш учун арузни қатъий қоидалар рамкасидан чикариб бармок вазnidаги каби туркүмларға ажратиб тушунтиришга ҳаракат килған. Олимнинг таъкидлашича, мақсад араб ёки форс арузи назариясини тушунтириш эмас, балки үзбек арузи қоидаларини англатиб, уни амалда құлланишига ёрдам беришdir.

◆ *Firat R.R. Aruz haqida. Taşkent: Fanlar komiteti naşriyati, 1936; Қайта пашри: Fitrat. Аруз ҳакида (Нашр. тайёрл. ва изохлар муалл. Ҳ. Болтабоев). Т.: Ўқитувчи, 1997; Аъзамов А. Аруз рисоласи. Т., 2001; Fitrat. Аруз ҳакида / Танланған асарлар. 5-ж. Fitrat. Аруз ҳакидаТ.: Маънавият, 2010. Б.208-282.*

• *Рустамов А. Аруз ҳакида сұхбатлар. Т.: Фан, 1972; Туйчиев У. Үзбек поэзиясида аруз системаси. Т.: Фан, 1985; Болтабоев Ҳ. Рисолай аруз ва аруз ҳақида / Мумтоз сўз кадри. Т.: Ад-т ва санъат, 2004; Мумтоз шеър тузилиши ва унинг метрик асослари / Шарқ мумтоз поэтикаси. Т.: ЎМЭДИН, 2006. Б.159-171; Олимов М. Рисолай аруз. Т.: Ёзувчи, 2002.*

АРУЗИ ТУРКИЙ – турк арузшунослыги ривожида Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий, Алишер Навоий, Захириддин Мухаммад Бобур, Зокиржон Фуркат, Абдурауф Фитрат каби миллат фидойилари меҳнат қилдилар. Натижада “Фунуну-л-балоға”, “Мезону-л-авзон”, “Аруз рисоласи”, «Аруз ҳакида» каби фундаментал тадқиқотлар юзага келди.

Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий (XV) ҳакидаги дастлабки маълумот Бобурнинг “Аруз рисоласи” асарида учрайди. Бобуршоҳ баҳри тавилнинг разазага оид намунаси сифатида Шайх Аҳмад байтими келтирганди. Олимнинг “Фунуну-л-балоға” (“Балоғат илмлари”) асарида “Арузи Кустос”, “Арузи Андалусий” ва “Меъёру-л-ашъор” каби рисолалар т.га олинади. Булар Махмуд Замаҳшарий, Ибн Ҳожиб ва Носириддин Тусий қаламига мансуб асарлар булиб, Шайх Аҳмад Тарозий үз асарини яратишида бу рисолаларга маълум маънода таянған. Рукнларни ўрганиш учун 6 усул (усули сittа)ни тавсия қиласы. Шу олти асосни пайдо килған жузвлар: сабаб, ватад ва фосила келтирилади. Ва олти асосдан хосил булған саккиз руқн таҳлил қилинади. Буни олим “аҗзорай афойл” деб атайди. Шу б-н бирга, баҳр үзгаришлари, яғни зихофлар ҳакида маълумот беради.

Алишер Навоий “Мезону-л-авzon” асарида араб ва форс арузи хусусиятларини тушунтириш баробарида туркий аруз асосиға қўйиладиган лисоний сифатларни ҳам белгилайди. Навоий асарида биринчи марта арудздан бошқа вазн (яғни бармок вазни) тилга олинади. Навоий аруз назариясига,

жами түккизта доирани бирлаштирган «доираи мужтамиа»ни яратган ва уни назарий жихатдан асослаб берган.

Бобурнинг “Аруз рисоласи” да түккиз доирага баҳрлардаги ўзгаришли руқнлар, яъни зиҳофлар ҳам киритилади. Тавил доирасига киравчি Ариз ва Амик шохобчаларини алоҳида баҳрлар хисоблайди ва турк арузидағи баҳрлар сонини 21 тага етказади. Бобур мавжуд 289 вазн ва уларнинг шаклларини таъриф килиш б-н бирга умумаруз илмини ўзи ихтиро килган 248 янги вазн б-н бойитган. Бобур туркий т.нинг фонетик хусусиятларидан келиб чиқиб, арузни асослайди.

Фурқат аруз илмига оид “Илми ашъорнинг қоидай авзони” номли рисола яратган ва унда ҳар бир вазн учун Навоийнинг “Мезону-л-авзон” асаридан мисоллар келтириган. А.т.нинг ўзига хос хусусиятлари ҳакида XX асрда қатор тадқиқотлар эълон килинган.

Фитрат “Аруз ҳакида” (1936) рисоласида аруз ва бармок тизимини ўзаро яқинлаштириш мақсадида “чирманда усули” деб номланган янги методика асосида мураккаб аруз хусусиятларини бир қадар соддалаштириб, жонли шеъриятда аруз вазни яшаб қолишига имконият яратди. Натижада XX аср ўзбек шеъриятида Чўлпон,Fafur Fулом, X.Oлимжон, Ҳабибий, Собир Абдулла, Чархий, Чустий, Улфат, Восит Саъдулла, Э.Воҳидов. А.Орипов, Жамол Камол, Ф.Усмон, М.Абдулҳаким в.б. шоирлар туркий аруз имкониятларидан келиб чиқиб, унинг турли хил баҳр ва вазнларида шеър ёздилар.

• Корш Ф. Древнейший народный стих турецких племен. Спб, 1909; Алишер Навоий. Мезону-л-авзон (Критик текст) / нашр.тайёрл. И.Султонов. Т., 1949; Бабур. Трактат об арузе / вступ. статья и указ. И.В.Стеблевой. М.: Наука, 1972; Мухтасар. Т.: Фан, 1972; Бобур. Мухтасар. Т.: Фан, 1972; Ҳамраев М. Очерки теории тюркского стиха. Алматы, 1969; Джасиф А. Теоретические основы аруза и азербайджанский аруз. Баку: Маариф, 1977; Усманов Х.К. Древние истоки тюркского стиха. Казань, 1984; Шайх Аҳмад Тарозий. Фунуну-л-балога. Т.: Ҳазина, 1996; Фитрат. Аруз ҳакида (Нашр. тайёрл., изохлар муал. Ҳ.Болтабов). Т.: Ўқитувчи, 1997; Кöпрülü M.F. Türk Aruzi. / Islam Ansiklopedisi. 2-cild. Istanbul, 1993. S.643-653; Шарқ мұмтоз поэтикаси Ҳ.Болтабов талқинида. Т.: ҮМЭДИН. 2008. Б.152-164.

АРУЗИ ФОРСИЙ – форс т.даги арузшунослик. Мұмтоз форс шеърининг тараккىти ва форс арузийларининг кашфиётлари туфайли ривожланган. Т. хусусиятларига кўра метрик тизимга яқин бўлгани учун Ажам халклари орасида дастлаб арузни форслар қабул килдилар. Араб арузидағи 16 баҳрдан 11 таси мұмтоз форс шеъриятида күлланилиши б-н чекланмай, форс арузийлари томонидан яна 3 баҳр (кариб, жадид ва мушокил) ишлаб чикилди. Натижада араб-форс арузи 19 баҳрга етказилди. Форс арузининг тизими холга келишида Шамсиддин Қайс Розийнинг “Ал-Мұжам фи маъйир ашъору-л-Ажам” («Ажам шеърлари месъёрлари жамлангани»), Носириддин Тусийнинг “Меъёру-л-ашъор” (“Шеърлар меъёри”), Шамс Фахрийнинг “Меъёру-л-нусрати” ва “Меъёру-л-жамоли”, Воҳид Табризийнинг “Жамъи мухтасар”, Юсуф Азизийнинг “Аруз”, Абдурахмон

Жомийнинг “Рисолайи аруз” ва Сайфий Бухорийнинг “Арузи Сайфий” сингари асарлари аҳамиятли. Шамси Қайс Розийнинг “Ал-Мұъжам...” асарыда арузининг лугавий ва истилохий маъноси тушунтирилган, руқнлар ва Адаги фаол истилохларга шарҳлар берилган. Руқнлар таркибидан ҳосил булған жузвлар ва вазнлар, жузвларнинг афоийл руқни тармокларининг узгариши, аруз доиралари вазифалари ҳамда тактиъ коидалари, баҳр жузвларини бир-биридан фарқлашда амал килинадиган копуниятлар урганилган. XX асрда форс-тожик арузшунослиги шаклида давом этди.

Форс арузининг тараккиётида Б.Сирус “Арузи точики”, 1963), М.Шарифов, Н.Мирзахўжаев, У.Тоиров каби тожик олимлари, И.Шомуҳамедов, Г.Тўйчиева сингари ўзбек олимлари ўз тадқиқот ва мақолалари б-н хисса қўшдилар.

- Табризи В. Джам-и муҳтасар. М.: ИВЛ, 1959; Сирус Б. Арузи точики. Тажики интиходи. Душанбе: Нашр. Давлатии Тоҷикистон, 1963; Шомуҳамедов Ш. Форс-тожик аруз. Т., 1970; Мирзахўчаев Н. Илми аруз ва баъзи масъалаҳо низарияни он / Масъалаҳон назария ва таърихи ад-ти тоҷику ўзбек. Нов. сер. № 262. Самарқанд, 1975; Шарифов М. Шамс-и Қайс-и Рази и сго лиг-но-критические взгляды. АКД. Душанбе, 1985; Шамси Қайс Розий. Ал-Мұъжам... / муалл. Сарсухану тавзехот ва хозиркунандагони чоп У.Тоиров. Душанбе: Адаб, 1991; Köprülü M.F. Asam Aruzi. / Islam Ansiklopedisi. 2-cild. İstanbul, 1993. S.635-643; Тўйчиева Г. Аруз в контексте газелей Амир Хосрава Дехлави. Т., 2005; Жомий А. Рисолайи аруз. Т., 2014.

«АРУЗИ САЙФИЙ» (1491) – Сайфий Арузий Бухорий (в. 1503) асари. “А.С.” муаллифи Бухоро ва Ҳиротда таҳсил олган, Алишер Навоий ҳомийлигига яшаган. Саноат аҳли ва хунармандлар хақида девон тартиб берган. 1487 й.дан Бухорода келиб, умрининг охирига кадар ҳаёті ўз юртида кесчган. Сайфийнинг “А.С.” рисоладан ташқари, икки шеърий десвони ва мусика илмига оид рисолалари бор. “Девони Фоний”да Сайфийнинг бир газалига Навоийнинг татаббуси бор.

“А.С.” айрим манбаларда “Илму-л-аруз”, “Мезону-л-ашъор”, “Рисолайи аруз”, “Рисолай Сайфий” деб юритилади. Рисола муқаддимадан ташкари, 112 фаслни ўз ичига олган. Аруз кисмida шоир ва шеър таърифи, арузий истилохлар лугати, баҳр ва доиралар, вазнлар таснифи келтирилган. Сунгра ҳазаж (19 навъ), раЖаж (8 навъ), рамал (19 навъ), мунсарих (6 навъ), музориъ (7 навъ), мувтазаб (2 навъ), мужтасс (6 навъ), сарий (2 навъ), жадид (1 навъ), қариб (2 навъ), хафиғ (5 навъ) баҳрларига ўрин берилган. Рубоий вазнлари тұтрасыда алохида фасл орттирилган.

“А.С.” Х.Блочман томонидан (1867, 1972) Калькутта (Хиндистон) ш.да нашр килилган. “А.С.” Алишер Навоийнинг “Мезону-л-авzon”, Бобурнинг “Аруз рисоласи”да т.га олинган.

- ◆ Арузи Сайфий. Калькутта, 1972 (форс т.да).
- Валихўжаев Б. Дар бораи “Рисолай арузи” Сайфи Бухорон / Масъалаҳон назария ва таърихи ад-ти тоҷику ўзбек. Самарқанд, 1975. С.1-11; Тўйчиева Г. Форс аруз рисолалари. Т., 2008. Б.96-97; Ғиёсиодин Ҳумомиддин ўғли Ҳондамир. Ҳабибу-с-сийар фи ахбори афроди башар. Т.: Ўзбекистон, 2013. Б.1091.

«АРУЗИ ЮСУФИЙ» (XV) – аруз назариясига багишланган форс т.даги рисола. Ҳиротлик шоир ва олим Юсуф Азизий асари. Рисола чукур ўрганилмаган. Асарнинг күлёзма нусхаси Россия ФА Шаркшунослик инс-ти Санкт-Петербург филиали кутубхонасида (2931 раками б-н) сакланади.

- Тоир У., Сайдали С. Қомуси кофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душпашбе: Ирфон, 1994. Б.53; Тұйчева Г. Форс арузи рисолалари. Т., 2008. Б.95-96.

«АРУЗИ ҲУМОЮН» (XV) – арузшунослика оид Абдукаххор Самарқандий асари. А.С. “Арузи Ҳумоюн” рисоласини “Мезону-л-авzon” деб атаган (Навоийга тақлидан). Бирок Эрон олими Мұҳаммад Ҳасан Адіб Ҳиравий рисолани “Арузи Ҳумоюн” номи б-н (1959) чоп этгандан сұнг арузшунослиқда бу асар ушбу ном б-н сакланған. Рисола 2 бобдан иборат. Дастрлабки бобда аруз илми ва унинг истилоҳлари шархланади. Иккинчи бобда аруз конун-коидаларига оид фикрлари ифода қилинади. Муаллиф күпрок Шамс Қайс Розий ва Носируддин Тусий асарлариган таянған.

- Тоир У., Сайдали С. Қомуси кофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душпашбе: Ирфон, 1994. Б.53.

АРХАИЗМ (юонча: archaïos – қадимги) [лингвопоэтика] – т. амалиётіда фаол құлланилишдан чиққан сұз, ибора әки грамматик конструкция. А. термини бүгунғи ҳаётда истемолдан чиққан предмет ёки нарасаларға нисбатан ишлатилади. Бадий ад-тда тарихий давр рухини бериш максадыда құлланилади. А. турлари: лексик (аркон, тұксоба), фонетик (эрса, бирлан, эмди), морфологик (билур, туур, бұлғай), фразеологик, семантик в.б. А. рус ад-тида А.С.Пушкин “Борис Годунов”, А.Н.Толстой “Улуғ Пётр” асарларыда, узбек ад-тида Ойбекнинг “Навоий”, М.Осимнинг тарихий қиссалари, О.Ёкубовнинг “Улуғбек хазинаси”, П.Қодировнинг “Юлдузлы түнлар” романлари в.б. тарихий асарларда истифода этилған. А. замонавий насрда нисбатан кам құлланилади.

- Будагов Р.А. Введение в науку о языке. М., 1958; Реформатский А.А. Введение в языкознание М., 1967; Энц-кий словарь юного филолога. М.: Педагогика, 1984. С.32; Введение в лит-ведесник / Лит-нос произведенис: основныс понятия и термины. М., 1999. С.44-45, 337, 524; Елисеев И.А., Полякова Л.Г. Словарь лит-ведеских терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.16; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асерель-Аст, 2003. С.45.

АРХАИКА (юонча: archaïos – қадимги) [адабий жараён] – тарихий тараққиётнинг бошланғич даври. А. термини, асосан, санъатшунослиқда юон тасвирий санъатининг м.а. VII–VI асрларига нисбатан құлланилған. Бу давр санъатида бад. мөйерлар яратилиб, санъат асарлари мана шу үлчовлар асосида яратылғаны учун А. истилоҳининг шаклланишига сабаб болған. Кейинчалик санъатнинг бошқа турлари (мас., бадий ад-т) ва мана шу даврга тааллукли манбаларига нисбатан бу истилоҳ ишлатилған.

- Искусство стран и народов мира / Энц-я, т.1. М., 1962. С.553-60; Всеобщая история искусств, т.1. М., 1956. С. 161-80.

АРХАНГЕЛЛАР (юононча: эзгу рух, бош фаришта) [мифология] – насроний мифологиясига кўра, фаришталар икки турли бўлиб, уларнинг олийлари А. деб юритилади. Самовий иерархияда учинчи навбатда (Михаил ва Гавриилдан кейин) т.га олинади. А. сўзи дастглаб юон т.дан диний асарларда, сўнгра Янги Аҳд китобида учрайди. Михаил, Гавриил, Рафаэл в.б А. курсатилади.

АРХАТ (санстритча: *mūnoscīb*) [мифология] – буддавийлик мифологияси роҳибларидан бири, ўз ахлоқий сифатлари, одамларга яхшиликлар килиши б-н муқаддас одам (худди Хизр а.с.) тимсоли. Хинаяна таълимотига кўра А. ўзини поклаш, ёвуз руҳдан халос булиш б-н машғул бўлади. Мифологияга кўра, А. даражасига Будда ва унинг издошларигина етишган. Махаяна таълимотига кўра, А. даражасига етишганлар яна ҳам ўзини поклашда давом этиб, тасаввуф таълимотидаги хослар ва сиддиклар каби бодхисатва (илоҳий одам) даражасига эришишлари мумкин. А. буддавий ад-тларда Будданинг сифатларидан.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.110; Культура классической Японии. Словарь-справочник. Сост. Рыбалко С.Б., Корнев А.Ю. Ростов-на-Дону: Феникс, Харьков: Торсинг, 2002. С.14; *Bünyadov Z.* Dinlər, təriqətlər, məzəhəblər. Bakı: Şəhər-Qərib, 2007. S.35.

АРХЕЛАЙ (м.а. 413–399) [мифология] – Македония хукмдори; юон мифларига кўра, Геракл авлодидан Темен ўғли. Ани акалари Аргосдан хайдагандан кейин Македонияга келиб, уни душманлардан ҳимоя килган. Эга ш.нинг асосчиси, Искандар Макдушли аждодларидан.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.110; История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.362.

АРХЕОГРАФИЯ (юононча: *archaíos* – қад., *grapho* – ёзаман) [риторика, генетик танқид] – тарихий ёзма манбаларни нашр килиш назарияси ва амалиёти б-н шуғулланувчи фан. Манбаларни тұпташ усууллари, таснif ва тарихий хужжатлар нашри б-н шуғулланади. Құләзма манбаларни қайта ишлаш ва тиклаш усууллари, уларни таъмирлаб нашрга тайёрлаш ҳам А. вазифасига киради. Тарихий хужжатларни нашрга тайёрлаш назарияси ва тарихи А.нинг бевосита вазифасидир. Қад. матнларни ўқиш, матн тарихи ва ёзилиш ўрни ва усулини аниклаш ҳам А. вазифасига киради. А. архившуносликка доир ёрдамчи фанлардан бири булиб, ад-тшунослик, манбашунослик, матншунослик б-н мустаҳкам bogланган. Баъзан палеографияга яқин деб каралади.

- Методическое пособие по археографии (Под ред. М.С.Селезнева, К.М.Тельмана). М., 1958; Археографический ежегодник. М., 1958; Рейсер С.А. Палеография и текстология нового времени. М.: Просвещение, 1970. С.329; Борев Ю. Словарь терминов текстологии и генетической критики. М., 2011. С.32.

АРХЕОЛОГИЯ (юонч: archáios – қадимги) – ўтган даврлар тарихи мәниосида юон тарихшунослигиде күлланилган. Ҳоз. кунда қадимишунослик фани.

“БИЛИМ ~ си” – үз-үзини таҳлил килиш, үрганиш оркали амалга ошириладиган ноанъанавий билиш услуби. XX аср 60-й.нинг сүнгидаги файласуф Фуко томонидан “Билим археологияси” асарида асосланган. Б.а. “тъсир, тараккىст”, “муаллиф”, асар”, “фан, адабиёт, тарих” каби анъанавий тушунчаларга танқидий муносабатдан бошланган. Бу ўринда нутк шакли, ифода тарзи эмас, балки белгиларнинг мантикий мавжудлиги оркали тарихий материал үрганилади. Фуко таълимотига кўра, илм-фан ўзигача мавжуд билим тарихи, ҳиссий үрганиш асосига қурилади.

- Фуко М. Слова и вещи. Археология гуманитарных наук. М., 1977; Автономова Н.С. Археология знания / Современная западная философия. М.: ИПЛ, 1991. С.27-28.

MATH ~ си [матншунослик, генетик танқид] – матн вужудга келиш (ёзилиш) тарихини ва уни қайта тиклашни ўрганувчи соҳа. М.а. билим археологияси б-н чамбарчас боғлиқ.

- Борев Ю. Словарь терминов текстологии и генетической критики. М., 2011. С.28.

АРХЕПИСЬМО (юонч: arche – бошлангич, pism – ёзув) [риторика, модернизм] – ёзувни дастлаб оғзаки нутққа нисбатан белгиларга асосланган “акл үйини” деб талкин килган таълимот. Француз файласуфи Ж.Деррида (1930-2004) томонидан илмий муомалага киритилган ва асосланган. Р.Барт асарларида бу истилоҳ структурализм мөҳиятини англатишда фаол күлланилан. Унингча, сўз матнда ўзининг коммуникацион характеристини йўқотади (“янги роман” тарафдорлари). Аввалдан оғзаки жонли мулокот ва ад-тга асосланган ҳолда нутқ формалари шакллантирилади ва у бад. ад-тга кучади.

- Вайнштейн О.Б. Деррида и Платон: деконструкция Логоса // Мировое древо. 1992. № 1.

АРХЕТИП (юонч: arche – бошлангич, tupos – намуна) [матншунослик, поэтика, риторика] – I. бадий асар хақидаги муаллиф яратган бошлангич тасаввур, универсал тимсол. Ижодий тафаккурга хос колиплар, схематик фикрлаш тарзи ва ибтидой мотивлар. А. дастлаб Афлотун томонидан күлланилган булиб, “эйдос” тушунчаси талкинида А. хусусида фикр юритилган. Швейцариялик олим К.Г.Юнг уни адабий истилоҳ сифатида ад-тшуносликка олиб кирган. Канадатик олим Нортроп Фрай Юнг таълимотини ривожлантириб, “Адабий танқид анатомияси” китоби (1957)да мифологик мактабга асос солган ва ад-т, фольклор ҳамда мифларни бир тизимда таҳлил килишга эътибор каратган. Натижада А. муал. ва китобхон ўртасидаги коммуникатив моделга айланган. Юнгнинг психологик назариясига кадар

антрополог Ж.Фрезер “Олтин буток” китоби (1890–1915)да миф ва расмодатларни тұплаб, уларнинг умумий намуналарини күрсатған эди.

А. “инсон шахси сирини очиш”та каратылған. Киши индивидуал психикасидаги инстинктив шакллардан бири булиб, онгга образ, тасвир ва фантазия булиб кириб келади. Юнгнинг ёзишича, тафаккурдан воз кесиб, А. орқали тушунтириш мүмкін булған ҳодисадир. Юнг бир катор А. ларни аниклаб, уларга конкрет номлар берган: *анима* (эркак киши онгидаги аёллар ҳақидаги бошланғич тасаввур) ва *анимус* (аёллар психикасидаги әрқакнинг тасвири). А. психиканинг онгсиз қисми, соя булиб, шахснинг коронғи ва сирли жиҳатларининг рамзидир. А. индивиднинг бошланғич сояси булиб, ташки хаёт таъсирида ўз-ўзини белгилап тамойилига айланади. Шу каби бола, она, чол ёки кекса А. бор. А. матншунослиқда бирламчи манбаларнинг вужудға келиш шаклларини аниклашда ёрдам беради. А. аввал мифларда, сұнгра ад-тда тақрорланади. Мавзу, образ, характер, мотив, сюжет ва персонаж кабилар жамоа тасаввурда үтмиш тажрибаси асосида тақрорланади, аңъанавий шаклларни қатъйлаштиради. Унинг хусусиятлари: аник материалга нисбатан идеал характерга эга (1), типологик тақрорийлик (2), шаклнинг илк “яратилишдан аввалги тасаввuri” (3), алохиди бир асардагина мавжуд қолат эмас (4).

Инсон психикасидан үрин олган А.лар рухий фаолиятнинг турли күринишларыда намоён булади, лекин күпинча, у миф ва урф-одатларда (маросимларда) акс этади. Турли халқларнинг мифларида турлича ҳолатда намоён булиши мүмкін. Мас., космогоник (дунёнинг пайдо булиши ҳақидаги), антропогоник (инсоннинг пайдо булиши ҳақидаги), теогоник (маъбудларнинг пайдо булиши ҳақидаги), маросим ёки мавсум (йил фаслларининг алмашинишига доир) ва эсхатологик (дунёнинг тугаши ҳақидаги) мифларидаги А. бир-биридан фарқ килиши мүмкін. Бундай фарқлардан қатын назар, уларнинг яратувчиси, дунёнинг куруувчиси сифатида намоён булади. Юнон мифологиясида бундай маданий қаҳрамон сифатида Прометейни күрсатыш ва уни А.ик образ сифатида қабул килиш мүмкін. А. ва мифларни үрганишида бир катор истилохларга дуч келамиз: мифологема (архетипга яқин маънодаги мифик тушунчा), А.ик (ёки архаик) модел, А.ик жиҳат, А.ик формула, А.ик мотив каби. Буларнинг ҳар бири таҳлил жараёнида А. бирлікларни аниклаб олишта тұтры келади. Мас., А.Н.Вессловскийнинг талқинича, мотив бошланғич баён бирлиги сифатида қабул килинган. Ад-т ва санъатнинг барча турларыда архаик мотивлар шунга олиб келадики, А. бу ҳолларнинг барчасида тадқиқот куроли сифатида хизмат килиши мүмкін. А. га бундай ёндашув aka-ука В. ва Я.Гримлар, В.Буслаев, А.Афанасьев каби мифологик мактаб намояндадары ишларыда күзға ташланади. А. инглиз олими М.Абрамс фикрича, бадий асар модели, баён типидир. С.Аверинцев талқинига күра, муал. ва китобхон үртасидаги коммуникатив модел, феноменологик структура (ичи бүш таркиб) булиб, у ёзувчи томонидан түлдирилиши керак. Ж.Куддон А.ни тақрорланувчи мавзу, образ ва характерлар тарзда тушунтиради.

Замонавий романдарга ёндашувда ҳам А.ни ўрганиш ёрдам бериши мумкин. Мас., Ж.Жойс, Т.Манн, Ф.Кафка асарлари таҳлилига А.ик ёндашув зарур. Ж.Жойснинг “Улисс” романидаги Блум, Томас Маннинг “Сехрли тог” романидаги Ганс Кастрорп А.ик таҳлилга “муҳтож” қаҳрамонлардир. Проф. Ю.Лотман А.С.Пушкин, Н.В.Гоголь ижодидан А.ларнинг турли шакллари трансформациясини келтиради. Замонавий асарлардаги архаик ва мифологик мотивлар таҳлилида Г.Маркеснинг “Танҳоликнинг юз йили”, “Бузрукнинг кузи”, Ч.Айтматовнинг “Асрға татигулик кун”, “Қиёмат”, “Кассандра тамғаси”, “Тоглар кулаганда (Абадий кайлик)” А.дан фойдаланиш мумкин.

А. тушунчаси бадий асарнинг структурасида тадқиқот унсури сифатида иштирок этади. У замонлар ва инсонни боғловчи ходиса сифатида, ўтмиш хотирасини саклашда муҳим аҳамиятта эга.

П. матн оригинали ёки *оттиски* ҳам А. истилохи орқали тушунтирилган.

- *Ходанен Л.А.* Пoэтика Лермонтова. Аспекты мифопoэтики. Кемерово. 1985;
- Лотман Ю.М.* В школе поэтического слова. Пушкин. Лермонтов, Гоголь. М., 1988;
- Веселовский А.Н.* Три главы из исторической поэтики / Историческая поэтика. М., 1989; *Гениева Е.Ю.* Комментарии (к роману Ж.Жойса «Улисс» // Иностранный литературоведение. №1-12; Современная западная философия. М.: ИПЛ, 1991. С.28; *Юнг К.Г.* Архетип и символ. М., 1991; *Cuddon, J. A.* The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. London: Penguin Books. 1991; *Abrams M.A.* Glossary of Literary Terms. New York-London, 1994; *Юнг К.Г.* Воспоминания. Сновидения. Размытия. Кисев, 1994; *Мелетинский Е.М.* О литературных архетипах. М., 1994; *Топоров В.Н.* Миф. Ритуал. Символ. Образ. Исследования в области мифопoэтического. Избр. М., 1995; *Мелетинский Е.М.* О лит-ных архетипах. М., 1994; Архетип. Культурологический альманах. Шадринск. 1996; *Хендерсон Ж.Л., Якоби И., Яффе А.* Человек и его символы. М., 1997; Введение в лит-веденис / Лит-ное произведенис: основные понятия и термины. М., 1999. С.20,30-36,397; *Эсалнек А.Я.* Архетип / Введение в лит-веденис. Лит-ное произведенис: основные понятия и термины. М., 1999. С.30-37; *Борев Ю.* Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Астрель-Аст, 2003. С.45-47; Теория лит-ры. В 2 т-х / Под ред. Н.Д.Тамарчанко. М.: АCADEMIA, 2004. С.41-43; *Власов В., Лукина Н.* Авангардизм, модернизм, постмодернизм. Малый лексикон искусства. СПб.: АЗБУКА Классика. 2005. С.38-41; *Белокурова С.П.* Словарь лит-ведических терминов. СПб.: Паритет, 2006. С.24. *Борев Ю.* Словарь терминов текстологии и генетической критики. М., 2011. С.31-32.

АРХЕТИПИК РИВОЖЛАНИШ (юонча: *arche* – бошланғич, *typos* – намуна) [герменевтика, адабий жараён] – санъатнинг секин-аста илк манбаларига асосланган ҳолда тараккий этиши. А.р. санъат асари қад. намуналарни ўзига асос қилиб олган ҳолда, анъанавий ривожланиш йулига чишидир. А.р. янги концептуал муаммоларни тавсия этишга, аввалда кузатилмаган марказларни топишга каратилган.

- *Борев Ю.* Энц-кий словарь эстетики и теории лит-ры.. М., 2008. С.109 (эл.версия).

АРХИВ (юонча: *argheion* – сакланыладиган жой, лотинча: *archivum* – муассаса) – маҳсус муассаса ёки бирор ташкилотнинг ўтмиш хужжатлари, ижро материаллари, күләмса ва босма нашрлар сакланадиган, илмий тизимга

солинадиган кисми. А. илмий-тадкиқотлар учун манбалар маркази, амалиёт учун ўтмиш хужжатлари б-н танишиш ўрнидир. Ҳар бир давлат, ш. ёки маъмурий худуд ўз А.га эга бўлган. Марк. Осиё давлатларида кадимдан А. мавжуд бўлган. Сомонийлар, корахонийлар, фазнавийлар давлатларида А. саклаш тамойилга кирган. Кейинчалик Бухоро, Хива ва Кўкон хонликлари даврида сарой архив-кутубхоналари мавжуд бўлган. Мак., Ибн Сино сомонийлар А. ва кутубхонасидаги манбаларнинг руйхатини ёзиб чиқкан.

Ўз-нда Марказий Давлат архиви, Марказий Тарих архиви, Киносурат овозли хужжатлар Марказий давлат архиви каби А.лар мавжуд. А. иши ЎзР Вазирлар Мажхамаси хузуридаги Бош архив бошкармаси томонидан белгиланади. А.лар учун мутахассис ходимлар ЎзМУ Тарих факультети ва Тошкент Санъат ва маданият инс-тида тайёрланади.

АДАБИЁТ ~и – Ўзб-ндаги адабий-илмий муассасалар: Ёзувчилар уюшмаси, ЎзРФА Тил ва ад-т инс-ти, Давлат ад-т музейи в.б. муассасалар кошида А. бўлими мавжуд. Ад-т музейида Л.Азиззода, М.Шайхзода в.б. ижодкорлар архивлари сакланади. Тил ва ад-т инс-тининги Фольклор А. халқ оғзаки ижоди материалларига бой. ЎзМУда проф. Гулом Каримов А. (фонди) жойлашган. Гафур Гулом, Ойбек, С.Айний в.б. адиллар А. уларнинг уй-музейларидан ўрин олган.

АРХИВШУНОСЛИК – архив фондларида сакланадиган хужжат ва материалларни тартибга солиш б-н шугууланувчи соҳа. Археография айрим хужжатлар ва асарлар тарихи ва талкини б-н шугуулланса, А. мамлакат архив фондларидағи материалларни комплекс ўрганиш б-н машғул бўлади. Архив сакловчиси А.арус деб юритилади.

АРХИЛОХ (м.а. VII асрнинг 2- ярми) – кад. юон шоири. А. шеърлари парча холида ёки айрим адиллар қайта ишлаган вариантларида сакланган. А. лирик шеърлар муал.и бўлгани манбаларда кайд этилган, унинг шеърлари қўшик холида куйланган. Юнонистонда А. ёдгорлигига унинг қиска таржимайи холи ва шеърларидан намуналар ёзиб кўйилган.

- ♦ Архилох. Стихи в отрывках / В.Вересаев. Полн. собр. соч., т.10. М., 1929. С.131-57.
- Тронский И.М. История античной лит-ры. Л., 1957.

АРХИМЕД (~м.а. 287–212) – кад. юон олимий, математиги. Сицилиянинг Сиракуза ш.да туғилган. Отаси Фидий астроном бўлган. Шу ш.ни римликлар хужумидан мудофаа килишда ҳалок бўлган. Тарихчилар унинг 75 йил умр курганини ёзишади, шундан унинг таваллуд санасини белгилашган. У Мисрда Искандарияда ўқиган, шунинг учун кўнгина асарлари Искандария олимларига карата ёзилган мактублар тарзида етиб келган. Унинг дастлабки асарлари “Парabolанинг квадратураси”, “Шар ва цилиндр хусусида”, “Спираллар ҳакида” в.б. геометрик масалалар ечимиға бағишлиланган. Бошка туркум асарлари табииёт (физика) ҳакида бўлиб, улар: “Ясси жисмларнинг тенглиги”, “Механик теоремалар ҳакида Эратосфенга мактуб” в.б. ҳакида

А.нинг кузатишлиари баён қилинган. А. физик олим сифатида физик масалаларни математик йўллар б-н ечишни ихтиро қилган, Арастуунинг “Табиат” асарига шарҳлар ёзган.

Асосий кашфиёти, таянч нуктаси ҳисобланиб, бу кашфиётини механикага татбик қилган. “Агар таянч нуктасини топиб берсангиз, Ер шарини тўнтариб бераман” деган машҳур ҳикматли сўз А. га тегишили. Солиштирма оғирликни улчаш усулини ҳам А. яратган. Оптика соҳасида афсонавий “ఃндириувчи ойналари” мана шу соҳасининг тараққиётига хизмат қилган. А. мухандис сифатида ричаг, тош отиш куроли, кутарма кранлар ва сувни юкорига элтувчи насоснинг кашфиётчисидир. Астроном сифатида Күёш тизимидағи бир неча сайёранинг хусусиятларини аниклаган. У яратган “Ишполит ракамлари” системасига кўра, Ердан ҳар қандай сайёрагача булған масофани аниклаш мумкин (п роқами ёрдамида). Осмон глобусини яратган олим ҳам А. дир.

А. асарларига Шаркнинг буюк алломалари Беруний ва Умар Хайсм шарҳлар ёзишган. Фарбда “А. мактаби” шартли атамасининг давомчилари Жованни Баттиста Бенедетти (1530-1590), Симон Стивин (1548-1620), Галилей ва Ньютон хисобланади.

◆ Архимед. Сочинения. М., 1962.

• Лурье С.Я. Архимед. М., 1945; Веселовский И.Н. Архимед. М., 1957; Житомирский С.В. Архимед. Люди науки. М., 1981.

АРХИПЕЛАГ (итальянча: *arcipelago* – тўда, йигин) [герменевтика] – ороллар йигиндиси. А. таркибиға кирувчи ороллар, одатда, геологик тузилиши жиҳатидан бир-бирига яқин ва келиб чиқиши нуктаи назаридан бир даврга оид бўлади. Дастлаб Эгей дентгизидаги оролларга нисбатан XIII асрда венецияликлар томонидан кўлланилган. А. пайдо бўлишига кўра турлари: материк, маржон ва вулқон А.лари. Рус адаби *А.Солженицин* томонидан А. сўзи ГУЛАГ (Турма ва зоналар бош бошқармаси)га тегишили муассасаларга нисбатан кўлланилган. “А.ГУЛАГ” романida сталинизм катагони туфайли ноҳақ қамалган зиёлилар хаёти акс этган.

АРХИТЕКТОНИКА (юононча: *architektonike* – курилиш санъати) [поэтика] – бадий асар курилишидаги қонуният. А. бад. асар таркибининг муайян қисми сифатида қаралади. Мейморчиликда бирор асарнинг асосий ва иккинчи даражали қисмларининг ўзаро мутаносиблиги. Бад. асар таркибидаги асосий категориялар курилмаси А. термини б-н юритилади. Мас., бад. асар курилишидаги қонуниятлар композиция деб юритилса, А. унинг асосини ташкил киладиган вокеа ва ҳодисалар бирликувидан ҳосил бўлади. А. йирик насрий асарларнинг қисм, бўлим, боб, фасл каби бўлимларида акс этади. Драматургик асарда эса парда, акт, кўриниш, сахна в.б. А. атамаси ўрнида П.А.Флоренский конструкция атамасини ишлатган.

• Вальцель О. Архитектоника драм Шекспира / Проблемы литературной формы. Л., 1928; Бахтин М.М. Вопросы литературы и эстетики. М., 1975; Cuddon J.A. The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. London: Penguin Books, 1991; Борев Ю. Эстетика. Теория лит.-ры. Энц-кий словарь. М.: Асель-Аст, 2003. С.47.

А.ик шакллар – катъий ўз жанрига эга бўлган шакллар. Адабиёт назариясига кўра, адабий жанрлар икки турли А.ик ва композицион жанрлардан иборат бўлиб, катъий жанрлар: газал, танка, хокку, притча (ривоят), новелла ва масалдан иборат. Композицион шакллар эса рондо, триолета, сонет в.б.ни ташкил қиласди.

- Теория лит-ры. В 2-х т., т.2. / Под ред. Н.Д. Тамарченко. М.: ACADEMIA: 2004. С.193-194.

АРХИТЕКТУРА (юнонча: architekton – қурувчи) [эстетика, меъморчилик] – меъморчилик, бино ва иншоотлар тизими ва уларни яратиш санъати. А. гўзаллик қонуниятлари асосида инсон эҳтиёжини кондирувчи бино ва иншоотлар қуришдир. А. мажмуавийлик касб этади ва бад. образ сифатида маънавий хаётда муҳим роль ўйнайди. А. ёпик утилитар, лекин бад. ўзлаштирилган дунёни яратади, бу дунё табиатдан четланган бўлиб, табиий мухитга, оғатларга карши туради ва одамларга уларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларига қараб, шу шаклда фойдаланиш имконини беради. Архитектуравий образ иншоот вазифасидан ажралмасдир ва унинг бажарадиган функциясини ўйғунликда табиий ифодалайди. А. функционал, конструктив, рамзий ва эстетик хусусиятларга кўра фаркланди. А. асарлари яхлит, ўзаро ўйғун қурилган ва эстетик маъно ташишга хизмат қиласди. Риторик фигуralар матнни шакллантиради ва меъмор меъёрдан чистлашса ёки лойиҳадан оғишган ҳолларда ёзувнинг “ноллик” даражаси билан ўзгарадиган йули орқали матнга бад.лик баҳш этади. А. “ноллик” даражаси фикран тасаввур килинган соф функционал конструкция бўлиб (А. ички тили), устувор эҳтиёжтарни кондиришга кодир ва бад. кимматта эга эмас. А.нинг ўз тили ва белгилар назарияси бор. Бадий ад-тда ҳам бу белгилар рамзий шаклда кўлланилади. Мас., куб – ғоянинг идеал ифодаланиши, мувозанат ва мустаҳкамлик рамзи; цилиндр – ҳар қандай ракурсда тенглилик, абадийлик рамзи; параллелишипед (вертикал ҳолда) – осмонга, юксакликка интилиш рамзи в.б. Бу каби рамзлар замонавий шсьриятда ва постмодернизмда фаол кўлланилган. Рус шеъриятида А.Вознесенский, ўзбек шоирлари Фахриёр, Баҳром Рўзимухаммад шеърларида А. рамзларидан фойдаланилган. Яна к.: меъморлик.

- Трубецкой Е. Умозрение в красках. М., 1916; Очерки теории архитектурной композиции. Сб. М., 1960; Райт Ф.Л. Будущее архитектуры / Пер с англ. М., 1960; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.49.

АРХОНТ (юнонча: archon – бошлиқ) [мифология] – кад. юнон шларида юкори мансабдор шахс. Бу мансаб Афинада м.а. XI асрда пайдо бўлган. Дастрлаб умрбод А.лик мансаби берилган, кейин 10 йилга, 683 й.дан бошлаб бир й.га бу лавозим берилган. Сунгра А. эпоним, басилей, полемарх, фесмофет вазифаларига асос бўлган. М.а. V асрдан бу вазифа бекор бўлиб, фахрийларга бериладиган унвонга айланган.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.111.

АРФАЬ (ХIII–?) – форс шоири. Эроннинг Табриз ш.да туғилган. Гаммози Табризий номи б-н шухрат қозонган. П.Кайумовнинг “Тазкирату-ш-шуаро”сида ушбу байти келтирилган:

Қатъи назар зи соқийу согар намекуний,

Шарм аз Худоу соқийи кавсар намекуний.

Тарж.си: Сокиу согардан назар узма,

Худодан, кавсар соқийисидан шарм килмасанг.

- Кайумов П.Д. Тазкирату-ш-шуаро. 1-китоб. Т., 2006. Б.9.

АРУРУ (аккад) [мифология] – шумер-аккад мифологиясида она-маъбуда. Мибларда айтилишича, барча одамлар мана шу она-маъбудадан таркалган. А. ҳосилдорлик маъбуди ҳамдир.

- ♦ Я открою тебе сокровенное слово. Лит-ра Вавилонии и Ассирии / Пер. с аккадского. М.: Художественная лит-ра, 1981. 352 с.

АРИШ (арабча:  – айвон, осмон, тахт) [тасаввуфшунослик] – тасаввуф назариясига кўра, илоҳ қарор топадиган макон, бутун оламларни бағрига олган мунавар борлик (култи макон). Фалаклар фалаги, илоҳий кудрат намунаси, нағси кулл ҳам А. дейилади.

Наълини гар тоҷиши шараф қилди арш,

Қилди Али наълига эгнини фарш.

(Алишер Навоий, “Ҳайрату-л-аброр”, 36)

Ел киби чун қатъи буруж айлабон,

Арш фасилига уруж айлабон.

Фарии бўлуб арш ила лавҳу қалам,

Қўймоқ учун раҳии аларга қадам.

(Алишер Навоий, “Ҳайрату-л-аброр”, 38)

~и аъло – буюк тахт. Ислом ақидасига кўра, А.а. ер, осмон ва ер остидан ҳам кўра катта мавжудот булиб, барча яралмишлар ичиди у энг каттасидир. А. в.б. мавжудотларни яратишдан мақсад Ўзининг тенгсиз кудрати ва имкониятини намоён этишdir.

- **~и муалло** – илоҳий исмларга боғланиш қарори маҳали.

Ёки булар барчаси таъвиг эрур,

Арши муалло аро қандиши эрур.

(Алишер Навоий, “Ҳайрату-л-аброр”, 7)

Солик ани арши муалло деди,

Сўфий ани олами кубро деди.

(Алишер Навоий, “Ҳайрату-л-аброр”, 63)

- Алишер Навоий. МАТ. 7-ж. Т.: Фан, 1991.

АРШАД САМАРҚАНДИЙ (XVII) – шоир ва адаби. Асл исми: Мұхаммад Амин. Самарқанд атрофидаги Шероз мавзейдан, отаси зарроблик (танга зарб қилиш) б-н шуғулланган. Малихो Самарқандий “Музаккиру-л-аҳбоб” (“Сұхбатдоплар зикри”) тазкирасида маълумот берипчика, улар күришгандан А.С. 25 ёшда экан. Ғазаллар, рубойлар әзіган, мушкула муаммолар әзишга уста бўлган. Малихо А.С.нинг 6 ғазал, 2 қитъа, 16 та алоҳида байтларини келтирган (ҳаммаси 43 байт). Ҳинд шеърий услубининг усталари Қосим Ҷевона ва Жалол Асир асарларига назира боғлаган. Ҳиндистонда фаранг (европалик)ларнинг пайдо булиши б-н:

Аршад, аз бадмастии чашми кабудаш гофили,

Шиша дар оқуш доранд ин фарангизодада.

Мазмуни:

Аршад, мовий кўзларининг бадмастлигидан ғофилдурсан,

Бу фарангизодаларнинг кўйнида май тўла шишалари бор,
деб ёзган.

• Саъдиев С. Самарқанд адабий мухити тарих кўзгусида. Т.: Фан, 2009. Б.322-324.

АРШАКИЙЛАР (м.а. 250–224) – Парфияда хукмронлик килған сулола. А. сулоласи асосчиси Аршак (туғавий маъноси: эр + шак/сақ, яъни сак баҳодири) парн қабиласининг бошлиғи бўлган. А. Европада киммерлар деб юритилган. А. стти турк уругини бирлаштиради: ими, имак, татар, баяндири, кипчок, хидҳаз ва ислан. М.а. IV асрдан, ЕвроОсие худудида хуннлар, сарматлар номи б-н боғлиқ маданий харакатларнинг асосида сакларнинг харакатлари ётади. М.а. III асрдан Осиёда буюк давлат Парфия вужудга келди, А. етакчилигидаги саклар лашкарлари Эронни макдунияликлардан озод қилдилар ва Искандар Макдунли ҳароб қилган мамлакат (Қора денгиз бўйлари)да ўзлари (гарб скифлари)нинг давлатини барпо қилди. А. Каспий денгизининг жанубий-шарқий кисмida яшаган. Сулоланинг машхур вакиллари: Аршак I (250–248), Тиридат I (248–211), Артабон I (211–191), Прианат (191–176), Фраат I (175–170) в.б.

• Раҳмонов Н. Турк хоқоялиги. Т.: 1993; Қодиров Б., Матяқубов Х. Ўз-и тарихидан изоҳи лугат. Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2010. Б.23-24.

АРШИЙ КЕШИЙ (XVI) – ўзбек шоири. Исми: мавлоно Ҳожа Калон Тухта Самарқандий. Кеш (Ш.сабз)да туғилган. Хоразм саййидлари авлодидан. Бухорода ўқиган, Самарқандда яшаган. Сайхий, Субхий тахаллуслари б-н ижодининг илк даврида шеърлар битган. А.К. ҳакида Мутрибий тазкирасида маълумот бор: “Арший асримизнинг аршпарвоз ва мумтоз шоирларидан. Муқаррар фасиҳлар ва донг таратган, шуҳратга эришган шоирлардан. Унинг нағис шеърлари довруғи фаршдан аршта етган, дилкаш байтларининг овозаси ер куррасида танилган”. Мутрибий тазкирасида иккى ҳажв, бир қитъа ва бир ғазал келтиради. Ғазалнинг мактаъси:

Хонд, Арший, то з-ашъори ту мутриб дар Ироқ,

Мұхташам мадхушу Майлай Масту Ваҳший шуд ҳароб.

[Арший сенинг шеърларингни мутриб Ирокда тараниум этганда
Мухташам хушидан кетди, Майлий мастиу Ваҳший хароб бўлди]

- Саъдиев С. Самарканд адабий мухити тарих кўзгусида. Т.: Фан, 2009. Б.218-221;
Мутрибий Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2013.

АРШИН (туркча: ўлчов) – кад. турк ўлкаларида хозирги метрик тизим вужудга келгунга қадар мавжуд бўлган узунлик ўлчови. Россияя XVI асрда кириб келган. А. бирлиги сифатида турли ўлкаларда турлича ўлчов қабул килинган. Бир А. 65,2 см дан 112 см гача бўлган.

АРШТАТ (форсча: ارشت – Аршта) [мифология] – “Авесто” ва кад. Эрон мифологиясида илохийлик. Беҳистун тоғидаги Доро I томонидан ёзиб қолдирилган ёзувларда ҳам учрайди. Номус ва ҳақиқатнинг персонификацияси (шахс деб тасаввур килиниши). “Авесто”да маҳсус яшт бағишланган. Бад. ад-тда ҳам А. тимсоли келади.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.111.

АРЭВ (кад. арман т.да: қүёш; кўчма маънода: ҳаёт) [мифология] – арман мифологиясида қўёшнинг персонификация килинган шакли. Кўпинча, ўсмир ёки ёш йигит тарзида тасаввур килинган. А. Ван қўлида чўмилганда уни 12 тансокчи қўриклайди, А. эса оловдан кийишади. А. учун курбонликка отлар юборилган. А. культи насронийлик қабул килингандан кейин ҳам давом этган. Ҳар ойнинг биринчи куни А. щарафига байрам килинган. Айрим мифларда А. ва Лусин (Ой) aka-сингил каби тасвирланади.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.112.

АРЯВАРТА (кад. хинд: йўл, саховат мамлакати) [мифология] – кад. хинд мифологиясида мифик қаҳрамонлар мамлакати. Моддий маънода ведалар таркалган хинд замини. А. индуизм, буддавийлик ва жайнизм шаклланган жой бўлгани туфайли муқаддас маскан саналган.

АРҒАНУН – мусика чолгу асбобларидан бири. Фарбий Европа т.ларида орган. Абу Али ибн Сино “Арганун” (“Органон”) номли тўплам тузган булиб, тўпламга “Маъкулот” (“Силлогизм”), “Муқаддима” (“Топика”), “Хитоба” (“Риторика”) каби фанларга оид асарлар киритилган. Алишер Навоийда мусика асбобининг номи:

*Арганун савтию ноқис уни бирла ҳар ён,
Юз мугона амалу ~~кабул~~ шла гавго эрди.*

(“Хазойину-л-маоний”)

- АНАТИЛ. 1-ж. Т.: Фан, 1983. Б.120.

АРГИН – туркий қавмлардан бири. XIX аср охирида А.лар қозокларнинг Ўрта ва Кичик жуз худудларида яшаган. А. қозоқ миллиатининг шаклланишида иштирок этган асосий уруғлардан бири. А. “Девону лугатит турк”да аргу тарзида келади. Бу ном Ўз-н ва Туркманистонда этноним сифатида ҳам учраб туради.

АРГУН (1205–1291) – Мүғуллар истилоси даврида Чингизхон ўғиллари томонидан қўйилган Хурносон ҳукмдори (1284–91). Машҳур элхоний Абокахоннинг ўғли. А. ҳукмронлиги ҳақида Алоуддин Жувайнийнинг “Тарихи жаҳонгушо”, Рашидиддин Фазлуллоҳнинг “Жомеъу-т-таворих” асарларида батафсил сўз юритилган.

• Barthold W. Argun / Islam Ansiklopedisi. 2-cild. Istanbul, 1993. S.561/

АРГУВОН – дараҳт ва бута туркуми. Ўрта Осиё, Крим ва Кавказда учрайди. А.нинг кизил, пушти, сафсан, сарик рангдаги навълари мавжуд. “Бобурнома”да сарик ва кизил тусдаги А.га юкори баҳо берилган. Дараҳт пустлоғи ва ўсимлик толаларидан мато тўқилади, бундай матолардан либослар тайсрланган.

Либос, кийим:

*Аргувоний тўнмуудурким, киймиш ул сарви равон,
Ёмагар сарви равон қўлмиш либоси аргувон?*

(Алишер Навоий, “Хазойину-л-маоний”, 3–351)

А. мумтоз шсьриятда нафосат рамзини ифодалайди:

*Гаҳи саҳро узори лола шаклидин эрур гулгун,
Гаҳи саҳни чамани гул чеҳрасидин аргувонийдур.*

(Бобур. Девон)

АРГУН – туркий қавмлардан бири. Мүғул истилоси даврида жангубий худудлардан Ўрта Осиёга караб чекинган. Темурийлар даврида, айниқса, Султон Абу Саъид ва Султон Ҳусайн даврида А.ларнинг мавқси баланд бўлган. Атамашунослар Ислам + аргун (уруг вакили) шаклида қўлланилишини кузатадилар. “Бобурнома”да Зуннун Аргун номи т.га олинади.

АРГУШТАК (*оргуштак*) – ракс б-н куйланадиган кўшиқ тури, куй номи. А. ер тепиб, ракс тушиб куйланадиган кўшиқдир. Бобур бу ҳақда “Аруз рисоласи”да рамали мусаммали маҳзуф вазни ҳақида сўз юритаркан: “Бу вазн турк орасида кўшикка мавсумдур. Оргуштак битарда бу вазн тавсим қилурлар” (1326) деб ёзган.

*Хуш улки, базмда ойлар тенарда аргуштак,
Шоҳ анда танбура чалиб, Навоий деса қўшиқ.*

• Бобур. Мухтасар. Т., Фан, 1971.

АСАД (арабча: اسد – ҳайвон номи: шер, арслон; бурж) Қўёш бурж (ун икки)ларидан бешинчиси, Саратон ва Сунбула буржлари ўртасида жойлашган. Шамсий йил хисобида (Эронда қўлланилади) бешинчи ойпинг номи булиб, 22 июлдан 21 августгача бўлган ой номи. Алишер Навоийда:

*Асад ўзни саки шикорий этиб,
Сунбула донасин нисорий этиб.*

(“Сабъаи сайёр”)

• АНАТИЛ. Й-ж. Т.: Фан, 1983. Б.120.

АСАД I (в. 1460) – ҳиротлик адаб ва мутасаввиф. Тўлик исми: Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Асад. Хондамир “Ҳабибу-с-сийар...” асарида Абулкомим Бобурга замондош бўлган машойих ва фозил кишилар зикрида

т.га олган. Шайх Баҳоуддин Умар, шайх Зайниддин Ҳофий ва Саъдиддин Кошгари б-н ҳамсұхбат бүлған. Ҳиротда вафот этган. Қабри Гозургох кабристонида, Ҳожа Абдуллоҳ Ансорий макбарасы ёнида.

- *Ғиёсиддин Ҳумомиддин үелі Ҳондамир. Ҳабибу-с-сийар фи ахбори афроди башар. Т.: Ўзбекистон, 2013. Б.571.*

АСАД II (в.1870–1871) – отаси самарқандлик шоир. Аграда туғилған. Асл исми: Мирзо Асадуллоҳхон. Дехлида яшаб, форс т.да ижод қылған. Дехли хукмдори Баҳодиршохнинг маслаҳатчиларидан бүлған. Форс ва урду т.ларидә иккى “Девон” тартиб берган. Ҳазрат Али мадҳида ёзилған маснавийси бор. Шоирнинг бир китъаси П.Қайюмовнинг “Тазкирату-ш-шуаро” сида көлтирилған:

*Дар ишқи ту нолау фигон машраби мост,
В–аз оҳи дилу оташкадаҳо бар лаби мост.
Зоҳид, ту бирав, ба хештан бошки, мо
Дин дода ба ёру кофири мазҳаби мост.*

Мазмуни:

Ишқинг йўлида ичганим нолау фигон бўлди,
Дилим оҳидан лабим оташкадага айланди,
Зоҳид, сен ўз йўлингдан колма, кетавер,
Динимни ёрга бердим, “кофирилик” мазҳабим бўлди.

- *Қайюмов П.Д. Тазкирату-ш-шуаро. 1-китоб. Т., 2006. Б.10.*

АСАД III (в.1638–1639) – асли эронли шоир, бобурий Жаҳонгиршоҳ даврида Ҳиндистонга борган ва Дехлида вафот этган. Ушбу байти машҳурдир:

*Дируз Асад жомаи ҳижрони ту зад чок,
Имruz зи гам мурд, ҳамон жома кафан шуд.*

Мазмуни:

Кеча Асад сенинг ҳижрон кўйлагингни йирилди,
Бугун ғамдан ўлди, ўша кўйлак кафан бўлди.

- *Қайюмов П.Д. Тазкирату-ш-шуаро. 1-китоб. Т., 2006. Б.10.*

АСАДИЙ (XIX аср охири – XX аср бошлари) – хоразмлик шоир, Мухаммад Раҳимхон Аввал авлодидан. Тўлиқ исми: Сайд Асад тўра б. Сайд Аҳмад тўра (Отажон тўра) б. Сайд Мухаммадхон б. Мухаммад Раҳимхон Аввал. Гандимкон кишлоғидаги мадрасада Оллоҳёр охунддан таълим олган. Феруздан мадад олиб яшаган, Асфандиёрхон даврида кўп қийинчиликлар кўрган. Лаффасийнинг ёзишича, “А.нинг шеърлари бир яхши маъний жихатдан бир гавҳари лаъл садафдин илим ғаффослари хосил қилған каби мақсад хосил этадир”. Ферузга пайров ғазаллар битган, девони тузғанлиги ҳакида маълумот йўқ.

- *Лаффасий. Тазкираи шуаро. Ургенч: Хоразм, 1992. Б. 43-45.*

АСАДИЙ ТУСИЙ (XI аср боши – 80 йй. охири) – форс шоири. Тулиқ исми: Абу Мансур Али ибн Ахмад. Эроннинг Тус ш.да тугилган. Фирдавсийнинг устози. Маҳмуд Ғазнавий “Шоҳнома” ёзишни шу шоирга таклиф этган. У қарилигини айтиб, рози бўлмаган ва шогирди Фирдавсийни тавсия этган. Ҳалқ оғзаки ижоди йўлида ёзган 9 минг байтдан иборат “Гершаспнома” асари (1066) ва кад. “Лутати фурӯс” муаллифи. Тартибли “девон”и йўқ, бирор ғазал ва касидалари турли баёзларда учрайди. Форс ад-тида мунозара жанрининг бошловчиси. “Ер ва осмон”, “Найза ва камон”, “Мусулмон ва коғир”, “Араб ва ажам” мунозаралари бор. “Кечва кундуз” мунозараси номли қасидасидан парча:

*Биншан аз ҳужжати гуфтари шабу руз баҳам,
Саргузаштеки, зи дил дур кунад шиддати гам.
Ҳар дуро хост жадаъ аз сабаби бешии фазл,
Дар миён рафт фаровон сухан аз мидҳати даи.*

Мазмуни:

Тун ва куннинг баҳсидаги далилни бирга эшият,
Дилдан ғам шиддатини узоқлаштирадиган саргузашт.
Ҳар иккаласи фазилатининг кўплигидан баҳлашмокчи бўлди,
Ўргада мақтоворга лойик ишлари ҳақида кўп сўз бўлди.

- Бертельс Е.Э. Пятое Мунозаре Асади Тусского / История лит-ры, культуры Ирана. М.: Наука, 1988; Қайюмов П.Д. Тазкирату-ш-шуаро. 1-китоб. Т., 2006. Б.10.

АСАДУЛЛАХУЖАЕВ, Убайдуллоҳхўжа (1886–1939) – маърифатпарвар адаб, ҳукукшунос, журналист ва таржимон. Туркистон жадидчилик ҳаракатининг йирик вакили, узбек матбуоти ташкилотчиларидан. Тошкентнинг Шайхонтохур даҳасида тугилган. Рус-тузем мактабида, Адлия инс-ти (Саратов, 1908–12)да ўқиган. Тошкент суд маҳкамаларидан бирида тилмоч бўлиб ишлаган (1904–07). Тошкент ва Оренбург темир йўл идораларида юридик хизматда бўлган (1908–13). Давр муаммоларини очиш мақсадида Лев Толстой б-н ёзишмалар қилган. “Умид”, “Турон” (1913) жамиятларини ташкил қилган. “Садойи Туркистон” газ. (1914–15)нинг ношири ва мух-ри бўлган. “Убайдулла”, “У.Хўжаев” имзолари б-н газ.да ўнлаб ижтимоий-ҳукукий, публицистик мавзудаги маколалари чоп этилган. “Маслак ва мақсад”, “Ватан мухофазаси”, “Турли ўриниларда”, “Ш. сайловлари ва мусулмонлар”, “Имтиҳон масаласи”, “Кенгаш мажлиси ва мусулмонлар” маколаларида миллат манбаатларини ҳимоя қилган, ҳалкни ўз ҳукукларини англашга чакирган. “Садойи Туркистон” газ. ишига Абдулла Авлоний, Мунавварқори, Лазиз Азиззода ва Абдурауф Музаффарзодаларни жалб қилган. “Туркистон мардикорликка олиш қўмитаси”нинг раиси сифатида (1916) бу ҳаракатга карши чиқкан, чор Россияси фармонини бекор килдириш учун Петербургга борган. Давлат Думасида қатнашиб, бу қонуннинг бекор килинишига эришган. Тошкентда “Шуройи ислом” (1917) жамиятини тузган. Бутун Туркистон үлка мусулмонлари марказий кенгаши котиби (1917);

Туркистон мухториятининг ташкилотчиларидан, 1917 й.дан мухториятнинг харбий ишлар вазири.

1930-36 й.да бир неча бор қамалган, 1939 й.да Россиянинг Коми вилоятидаги азобгоҳларда дунёдан кўз юмган.

- *Мустафо Чўқай ўғли. Истиқлол жаллодлари. Т., 1992; Туркистон мустакислиги ва бирлиги учун кураш саҳифаларидан. Т., 1996; Ўз-н тарихи: янги нигоҳ. Жадидлар харакатидан миллий мустакилликка кадар. Т., 1998; Пидаев Т. Матбуот – миллат чироғи. Т., 1999; Абдуазизова Н. Туркистон журналистикаси тарихи (1870–1917). Т., 2000; Дўстқораев Б. Узбек журналистикаси тарихи. I-кисм. 1970–1917 / Дарслик. Т., Фауфур Фулом нашр., 2009. Б. 365–373; Каримов Н. Адабиёт ва тарихий жараён. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2013. Б.260-271.*

АСАДУЛЛОХХОН ГОЛИБ – к.: Мирзо Голиб.

АСАМ (арабча اصَم – зич, мустаҳкам) – [поэтика] аруз илмида баҳр номларидан бири. А. Баҳром Сарахсий, Бузургмехр Қойиний каби арузшунослар томонидан қулланилган истилоҳ.

- *Тоир У., Сайдали С. Қомуси кофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон, 1994. Б.53-54.*

АСАН, ассанлар – туркий кавмлар. Шаркий Сибирда Энасой соҳилларида яшаган (хоз. Красноярск улкаси). А. бошқа туркий кавмлардан фарқли равишда насронийликни қабул қиласлар (исломдан аввал) ва XVIII асргача узларининг бирлигини ва эътиқодини саклаганлар. Кейинчалик бу кавм тарқалиб, бошқа туркий уруғлар таркибига сингиб кетган.

- *Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.72.*

АСАР – к.: Бадий асар.

АСВАДИЙ БУХОРИЙ (XVI) – форсигүй шоир. Асл исми номаълум. Бухоро амири Арабхожа б. Баходирхўжанинг мулоғимларидан бири. Мутрибий Куръони каримни ёд олган, тажвид билан кироат қиласига ҳофиз сифатида таниширади. Хушнавис ҳаттот, наккошлик санъатидан ҳам хабардор. “Тазкират уш-шуаро”да икки ғазал ва бир матлаъси берилган.

- *Мутрибий Самарқандий. Тазкирату-ш-шуаро. Т.: MUMTOZ SO'Z. 2013. Б.95-97.*

АСБ (арабча: اَسْبَاب – дарахт шохининг эгилиши) [поэтика, метрика] – аруз назариясида мағоъилатун асл рукнидан мағоъилун рукнини ҳосил қилиш усули (ҳосила маъсуб деб аталган). Бундай зихоф ҳосил қилиш усулида ясалған вазн Навоий девонларида бор. Бобур “Аруз рисоласи”да “Воғир баҳри мусамани...” дея бир мисол беради:

Ҳадинг янглиг на лолаю гул, қадинг янглиг на сарви чаман,

Кўзинг янглиг на охуйи Чин, ҳатинг янглиг на мушки Ҳұтсан.

(Бобур. Аруз рисоласи, 66а)

АСБОБ (арабча: سبب – сабаблар) – к.: Сабаб.

АСЕМИЯ (французча: а – бир, сема – маъно) – матнинг бир маънолилиги. Француз структуралистлари томонидан киритилган адабий истилоҳ булиб, матн полисемияси тушунчасининг зидди сифатида келтирилган. А. Гроймаснинг “Структурал семантика” ва Р. Барт “S/Z” китобларида бу тушунча атрофлича шархланган. Матн бир маънолилиги дейилгандан, бад. матндан муаллиф назарда тутган маънони излаш ва уни топишга ҳаракат тушунилади. Чунки матн борликнинг кодлаштирилган инъикоси ёки дунё модели экан, унинг кўплаб маъноларидан муаллиф матнга юклаган маънони топиш ва таҳлилда унга суюниш лозимлигига эътибор қаратиласди.

- Greimas A. Sémantique structurale: Recherche de méthode. Paris: Larousse, 1966; Барт Р. Избранные работы: Семиотика. Поэтика. М.: Прогресс, 1989.

АСЖАДИЙ МАРВАЗИЙ (XI) – форсийзабон шоир. Тўлик исми: Абуназар Абдулазиз бинни Мансур Асжадий Марвазий. Таваллуд й. номаълум. Шоирнинг тахаллуси баъзи манбаларда Асжудий деб ёзилган. Султон Махмуд саройида яшаган. Қасидаларида Махмуд Ғазнавий фатҳ этган Хоразм ва Ҳиндистон ҳақида сўз юритилган.

Фазал, китъя ва рубоийлари “Сабаки Рӯдакий” тўпламида чоп этилган. Улар кам микдорда сақланган булишига қарамай, мазмунан бой: утарда ҳасби ҳол, замон танқиди, ёр васфи, баҳор тасвири в.б. акс этган. Девони сақланмаган, шеърлари турли баёзларда учрайди.

- ◆ Асгадий Марвазий. Шеърҳо / Сабаки Рӯдакий. Душанбе: Ирфон, 1984. С.188-193.

АСИММЕТРИЯ (симметриясиз, симметриянинг йўқолиши) [модернизм] – санъатдаги бад. усуллардан бири. А. барокко, рококо, романтизм санъатида фаол кўлланилган, кейинчалик япон ва корейс рассомлари ва импрессионизм вакиллари ижодида учрайди. Асар симметрик қонуниятларга эмас, табиий тасодифлар асосига курилади, модерн ад-тда тимсолга фавкулоддалик ва кутилмаган маъно баҳш этади. Айрим ад-тларда инверсия, яъни грамматик тартиб (гапдаги сўзларнинг катъий ўрни)нинг бузилишини ҳам А. мисол килиб курсатадилар.

АСИНДЕТОН (юнонча: asundeton – боғланмаган) [риторика] – боғловчи-ларсиз боғланниш ҳодисаси. Интонация, оҳанг б-и боғланниш. А. Таъсирчанликни кучайтириш учун қўлланилади. Замонавий ад-типуносликда боғловчи ва кўмакчи сўзларсиз матн А. деб юритилади. Ўрта асрлар Шарқ ад-тида А. фисл ёки мафсул деб аталган.

Йалан дейан, ришиват алан, тараф тутман, из кўран,

Эл дардина галмайсанлар чиқсин бизим ўлқадан!

(Самад Вурғун)

Бунинг акси бўлиб, боғловчи ва кўмакчиларни тез-тез кўллаш полисиндеги дейилади. Яна к.: анаколуф.

- Лотман Ю.М. Риторика // Труды по знаковым системам – 12: Структура и семиотика художественного текста. Тарту, 1981; Поляков М.Я. Вопросы поэтики и художественной семантики. М., 1985; Дюбуа Ж., Эдельин Ф., Клинкенберг Ж.-М. Общая риторика. М., 1986; Мирзимадов Э. Эдебийатшунаслыг. Енциклопедик лугот. Баки: Азарбаевская энциклопедия настријат-полиграфија бирлиги, 1998. Б.19; Елисеев И.А., Полякова Л.Г. Словарь лингвистических терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.17. Борев Ю. Эстетика. Теория литературы. Энциклопедия словарь. М.: Астрель-Аст, 2003. С.49-50.

АСИР (арабча: أسر – осмон, фалак) – осмоннинг энг юкориси, юксак қавати. Тасаввуф ад-тида арши аъло. Алишер Навоий ёзди:

Дегайсен юкорроқ чиқиб замҳарир,
Куйироқ тушуптур сипехри *асир*.

(“Муншаот”)

- Мұдаммаәт Fuёсүддин. Fuёсү-л-лугот. Чилди 1. Тахияи ва тавзұхти А.Нуров. Дағстанбек: Адаб, 1987. Сах. 35.

АСИР, Ашер (семит т.ларида: баҳтли) [мифология] – насроний мифологияси Юкори Ахд китобида Иокафнинг иккинчи ўғли. Истроит Иакаф уругининг бош бүгини. Унинг 12 ўғли насронийликда авлиё рохилар сифатида машхур.

АСИРИЙ (в. 1601-02) – форсийзабон шоир. Асл исми: Мавлавий Мухаммад Қосим. Бобурнинг набираси Шоҳ Акбарнинг сарой шоири. П.Қайномовнинг “Тазкирату-ш-шуаро”сида ушбу байти келтирилган:

Сабзаи бодийай мо накашад миннати абр,
Чашим гар хүшк шавад, обилаи ёйи нест.

Мазмуни:

Саҳрода майса ундирганини булаттун миннат қымайди,
Күзда ёш бўлмаса, найкамалак ҳосил бўлмайди.

- Қайномов П.Д. Тазкирату-ш-шуаро. I-китоб. Т., 2006. Б.10-11.

АСИРИЙ (XVIII аср 2-ярми – XIX аср боши) – шоир ва таржимон. Насими ҳакидаги “Қиссайи Сайийд Насими” достони (1774) муаллифи. “Нуҳ манзар” (“Тўққиз манзара”) асарини форс т.дан туркйга тарж. килган. А. асарлари кўлзмалари Санкт-Петербургдаги Салтиков-Шчедрин номли кутубхонада ТНС № 85, 4015 ракамлари остида сакланади.

АСИРИЙ, Тошхўжа Хўжандий (1864 –1916.3.Ш) – тоҷик ва ўзбек т.ларида асарлар ёзган шоир. Ҳозирги Тоҷикистоннинг Хўжанд ш.да тұғилған. Маърифатпарварлик руҳида шеърлар битган. Муқими, Фурқат, С.Айний, Ҳислат б-н адабий ҳамкорлик килган. Шсьриятда Бедил ағъаналарини давом эттирган. Манбаларда А. “иљм аҳлиниң шамъи” деб таърифланган. “Инсонийлик нима?”, “Ҳимоя” каби туркум шсьрлари, “Бскобод канали

таърифи” (1913) достони муаллифи. “Ўзбек ад-ти тарихи хрестоматияси” (1945)да “Громафун” радиофли газали келтирилган.

- ◆ Ўзбек ад-ти тарихи хрестоматияси. XV–XX асрлар / Туз. Олим Шарафиддинов. Т.: Ўздавнашр, 1945. Б. 371.
- Рачабов З. Атзи ва Асири [Душанбе]. 1951; Ҳодизода Р. в.б. Ад-ти точик асрҳои XVI–XIX ва ибтидои асири XX. Душанбе: Маориф, 1988. С.400–407.

АСКАРИЙ, Абу Ҳилол (в. 1005) – араб адабиётшуноси. Тулиқ исми: Абу Ҳилол ал-Ҳасан б. Абдулоҳ б. Саҳл б. Яҳъё б. Меҳрон. “Девону-л-маоний” муаллифи. Якутнинг “Мұъжаму-л-удабо” асарида ёзилишича, “Китобу-л-авойил” асарини ҳам ёзган. Майно ва лағз муносабати ҳакида ёзилган рисолалар каталогини тузган ва бу йўналишдаги 100 дан ортик илмий манбаларга тасниф берган. “Китабу-л-синоатайн ал-китоба ва-л-шеър” (“Икки санъат китоби”) номли асарида шеърнинг қоғия ва вазн хусусиятларини шарҳлаган.

- ◆ Ал-Аскари. Диван ал-маоний. 1–2 жилд. Қохира, 1933 (араб т.да).
- Куделин А.Б. Средневековая арабская поэтика (вторая половина VIII–XI век. М.: Наука, 1983; Brokelmann. Askeri / Islam Ansiklopedisi. 2-cild. Istanbul, 1993. S.678; Шарқ мумтоз поэтикаси Ҳ.Болтабосов талкинида. Т.: ЎМЭДИН, 2008. Б.81, 229.

АСКАРИЙ МИРЗО (1512–1558) – Бобуршоҳнинг учинчи ўгли. Ҳумоюн ва Комрон мирзодан кичик, Ҳинддолдан катта. Ҳарбий мухорабалар даврида туғилган А. ҳарбий харакатларда маҳоратли жангчи булган. Меват (1535) ва Қандахор ш.лари ҳокими (1530–51). Онаси Комронга ёрдам берган ва исён киңгап Аскарий асир олиниб, кейинрок Маккага (1551) хажта юборилган. Бир неча йилдан сўнг у мусофиричиликда оламдан ўтган. А. туркий ва форсий т.ларда шсьрлар битган. Фахрий Ҳиравий “Равзат ус-салотин” тазкирасида “Фахму фаросати ниҳоятда яхши эди. Ва табъи назм услубида эътиборга лойик эди” деб таъриф беради ва унинг ижоди намунаси сифатида ушбу руబийни ва икки матлаъ келтиради:

Эй Аскарий, гар мост мудоми, хуш бош,
Вар муътакиди бода ва жоми, хуши боши.
Гуфти: баҳаробот набошам бе у,
Бо ёр дар ин мақоме, хуш боши.

Мазмуни:

Эй Аскарий, агар мудом мост бўлсанг, яхши бўл,
Ва агар бода ва жомга берилган бўлсанг, яхши бўл.
Дединг: усиз ҳароботга бормасман,
Ёр билан ушбу макомда бўлсанг, яхши бўл.

- Гулбадонбегим. Ҳумоюннома. Т.: Фан, 1959; Мұхаммад Фахрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2014.

АСКЕТИЗМ (юнонча: asketes – шуғулланувчи; роҳиб) – юнон фалсафасида күшилмаслик ҳакидаги таълимот, бетарафлик коидаси. Насронийликда (м. I асридан) тақводор шахс.

АСКИЯ (арабча: اسکیه – закий, ўткір зеҳнли, хозиржавоб; азкия – кулғи үйғотувчи) [фольклоршунослик] – туркій халқлар халқ оғзаки ижоди жанрларидан бири. Иккі ва ундан ортик киши ёки гурухнинг халқ йигинларида маълум мавзулар буйича тортишуви. А. латиф, мазмундор ва қочиримларга бой бўлган. А. айтиладиган мавзу *пайров* дейилади. Маълум пайровларнинг ўз усталари бўлган. А.нинг пайров, кофия, радиф, тутал, ўхшатдим, буласизми, баҳри байт, сафсата, “гулмисиз, жамбилимисиз, райхонмисиз”, ширинкорлик, афсона, раббия, лақаб каби турлари аскиячилар орасида кенг тарқалган. А. жанр сифатида XV асрда шаклланган бўлиб. Мир Сарбираҳча, Мавлоно Бурхон, Сайид Ғиёсiddин, Мавлоно Ҳалил Саҳҳоф, Муҳаммад Бадаҳшӣ каби машҳур вакиллари бўлган. Айникса, Мавлоно Абдулвосеъ муниший закийлиги б-н шуҳрат топган. Ўрга асрларда А. «зарофат», ижроҷилари «зариф» деб юритилган. Айникса, Навоий даврида зарофат санъат даражасида ривожланган. XX аср 1-ярмида Эрка кори Юсупов, Мамаюсуп Тиллабоев, Юсуфжон Шакаржонов, Расулкори Мамадалиев, Ака Бухор Зокиров каби машҳур аскиячилар яшашган. 60-йиллардан сўнг Фаргона водийсидан Турсунбува (Ижроқўмбува) Аминов, Абдулхай маҳсум Қозоков, Мамажон Мадаминов, Тошкентдан ака-ука Шожалиловлар А. ривожига хисса кўшганлар.

А.нинг турли пайровлари ЎзМУ (Миллий ун-т) талабалари томонидан ёзиб олинган, ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Тил ва ад-т институти фольклор архивида сакланади. Реж. Малик Қаюмов “Аския” номли хужжатли фильм яратган. Алишер Навоийнинг “Мажолису-н-нафоис”, Комил Яшиннинг “Тор-мор” драмаси, Собир Абдулланинг “Мавлоно Муқими” романи таркибида А.нинг айрим мотивлари учрайди.

- Ҳамраев М.К. Краткий словарь терминов тюркоязычных литератур. Алма-ата, 1966;
- Мұхаммадиев Р. Аския. Т., 1970; Қодиров М. Ўзбек халқ томоша санъати. Т., 1981;
- Имомов К., Қодиров М. Аския / ЎзМЭ. 1-жилд. Т.: ЎМЭДИН, 2000. Б.456-457.

АСКЛЕПИЙ (юононча: Asklepios) [мифология] – юонон мифологиясида табобат маъбуди, Аполлоннинг ўғли. Машҳур табиб Хирон тарбиялаган. Табиблар ва дори-дармон тайёрловчиларнинг ҳомийси бўлиб, А. ибодатхоналари шифохона сифатида ҳам машҳур бўлган. М.а. V асрдан Эпидавр ш.да унинг тарафдорлари кўп бўлган. А. эътиқоди III асрда Римда ҳам кучайган. Унинг тасвири бизгача барельеф ва ҳайкаллар орқали етиб келган.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.113-14.

АСКОН (арабча: اسکان – “суқун”нинг кўплиги) – қ.: Суқун.

АСКР (скандинавияча: askr, ask – одам) – скандинав мифларига кўра дуپиёдаги биринчи одам.

АСЛ (арабча: اصل – илдиз, асос, моҳият) [тасаввуфшунослик] – инсон зоти, насли, борликнинг келиб чиқиш манбаи. Бошка нарса ва ҳодисаларнинг келиб чиқишига, кунайишга асос, сабаб бўладиган моҳият. Тасаввуфда “аслаи усул”, яъни хидоят – йўл кўрсатишидир. Усул аслнинг кўплиги бўлиб, тавхид, имон, якин, маърифат, сидқ сингари ирфоний усуллардир. Ҳужвирий усулнинг зохири шоҳидлик қавлидир, ботини эса маърифатнинг таҳқикидан иборат, деб англатилади. Усул мақомининг ўн боби фарқланади. Алишер Навоийда:

*Сенсан асли вужуди ҳар мавжуд,
Сендин ўзга вужудга не вужуд.*

(“Ҳолоти Сайийд Ҳасан Ардашер”)

- АНАТИЛ. 1-ж. Т.: Фан, 1983. Б. 126; *Uludağ S. Tasavvuf Terimleri Sözlüğü*. İstanbul: Kabalcı Yayınevi, 2005. S.48.

~ **МАНБА** [матншунослик] – бирор асар ёки тарихий манбанинг таҳрир килинмаган, шарҳланмаган ёки бошка т.ларга тарж. килинмаган асл нусхаси. Матншунослик ва таржшуносликда А. манба бирламчи хужжат саналиб, унинг асосида табдил, тарж., талқин матнлари вужудга келади. Мумтоз ад-т намуналарининг А.м.си кўпинчча, кўлёзма матнлар ҳисобланади. Муал. томонидан (дастхати б-н) ёзилган ёки тузиленган ёхуд муал.нинг ҳаётлик пайтида кўчирилиб, унинг нигохидан ўтган матнлар А.м. ҳисобланади.

~ *и олам* – инсони комил, қ.: Комил инсон.

АСЛАМ (арабча: اسلام – тешикли нарса) [поэтика, метрика] – тармок рукнининг номи. Аруз амалиётида фаъулун аслий рукнидан “салм” (бузилиш, нуксонли) зикрои б-н ўзгартирилишидан хосил бўлган фаъулун (чизмаси: – –) нуксонли рукилардан биридир. Мутакориб баҳридаги асосий зикрофлардан бири бўлиб, Бобур “Аруз рисоласи”да мутакориби мусаммани аслами мусаббағ вазнини ихтиро килган ва намунасини берган:

*Эй юзи насрин, қомати шамшод,
Неча қулурсан жонима бедод.*

(Бобур. Аруз рисоласи. 1036)

- Тоир У., Сайдали С. Комуси кофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон, 1994.Б.55; Ҳожишаҳмедин А. Узбек арузи лугати. Т.: Шарқ НМАК, 1998. Б.18.

АСЛАМ (арабча: اسلام – асос [поэтика, метрика] – аруз амалиётида мағъулоту аслий рукнини қисқартириш натижасида хосил бўлган фаъулун фаръий рукни. Аслами мусаббағ зикрои учун асос саналади. Асосан, араб шеъриятида кўзга ташланади, форс ва туркӣ шеъриятда намуналари учрамайди.

- Тагибов Э. Араб арузи. Т.: ТошДУ, 1977; Тоир У., Сайдали С. Комуси кофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон, 1994.Б.56.

«АСЛИ ВА КАРАМ» – ўзбек халк достони. Туркий халкларнинг ўғуз кавми орасида куйланиб келинган. Ўз-нда Хоразм, Туркманистон, Озарбайжон, Туркия, Эрон ва Арманистонда версиялари тарқалган. Ишкий-романтик йўналишдаги достон. Муаллифи номаътум, XVI асрдан кейин бад. асар сифатида шаклланган. Достоннинг нисбатан мукаммал варианти Хонка тумани (Хоразм)да Сўна халфадан ёзил олинган. Достонда XVI асрда кечгандар тарихий военаларни баён килувчи лавхалар хам учрайди. XX аср баҳши ва халфаларининг респртуаридан мустаҳкам ўрин олган. Хивалик шоира Хоним сувчи куйлаган. Мусулмон йигитнинг насроний (армани) кизга севгиси ва унга эришиш йули асарга сюжет килиб олинган. Достон фожиа б-н якунланади, А. ва К. оловда куйдирилади. Туркман ва озарбайжон версиялари анча мукаммал ишланган. Достон мотивлари асосида озарбайжон бастакори У.Хожибеков “А. ва К.” операсини ёзган.

◆ Асты – Керем. Ашгабат, 1965.

АСЛИДДИН ХУСАЙНИЙ (в. 1478) – хиротлик шоир. Тұулық исми: Сайид Аслиддин Абдуллоҳ Хусайниний. Султон Хусайн амирларидан. Шероздан Хиротта келиб, турғун яшаб колган. Мухаммад (с.а.в.) сийрати ҳақида “Дүржү-д-дурур” китоби мұаллифи. “Рисолаи мазороти Ҳирот” асари уз даврида машхур бўлган.

- Гүёсидин Ҳумомиддин ўэли Ҳондамир. Ҳабибу-с-сийар фи ахбори афроди башпар. Т.: Ўзбекистон, 2013. Б.1073.

АСЛЛАР (арабча: اصل - acos) [поэтика, метрика] – арз назариясида асосий шеърий асосини ташкил этувчи саккиз руқнлар мажмуси. А.ни фоулун ($v--$), фоулун ($-v-$), мафойлун ($v---$), фоулутун ($v---$), мустафылун ($--v-$), мафъулоту ($--v-$), мутафоулун ($v\ v-v-$) ва мафоулатун ($v\ v\ v-$) руқнлари ташкил килади. А. афойлу тафойл деб хам аталади. А.дан арз амалиёттида А.да 19 баҳр юзага келади.

- Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи лугати. Т.: Шарқ НМАК, 1998. Б. 18; Шарқ мұмтоз поэтикасы Х.Болтабоев талқинида. Т.: ЎМЭДИН, 2008. Б.197.

АСЛИ(Й) РУКН – қ.: Асллар.

АСЛИЯТ *ва ТАРЖИМА* – к.: Таржимашунослик.

«АСЛУ-Л-ВАСЛ» – Бу (Абу) Алишоҳнинг мусиқа назариясига бағишланган асари. Муал.нинг «Аслу-л-усул» асари ҳам бор. Навоийнинг шогирдларидан Устод Кулмухаммад Ноийнинг устози.

• Ганчева С. Навоий ёдга олгац асарлар. Т.: 2004. Б.6.

АСМО (арабча: اسلام - исмлар) [диншунослик, тасаввуфшунослик] – гузал исмлар. Аллохга, Пайғамбарларга, валийларга нисбатан күлланиладиган исмлар назарда тутилади.

~ и кавния (арабча: макон, жойларнинг исмлари) – к.: Кавн.

~ и наби (арабча: Пайғамбар исмлари) - к.: Наби.

~ и феъл (арабча: ғұзат хұлқұлар) – к.: Феъл. 224

~ и ҳусно (бирликда: исм, ҳусн – ғұзаллік) – Аллоху таолонинг гүзәл исмлари (Куръони карим, VII:180).

Имом Бухорий «Саҳихи Бухорий» асарининг 4-жилди “Тавхид китоби” булиб, унда Куръони каримнинг “Исрө” сурасидаги “...Қандай чорласангиз ҳам (жоиздир). Зоро, Унинг гүзәл исмлари бордир” ояти кариманинг талқинига оид 7376- ва 7377-халислар келтириләди. Улардан бирида Жарир ибн Абдуллоҳдан ривоят килишларича, “Расууллоҳ (с.а.в.): Одамларга раҳм күлмайдиган кишига Аллоҳ ҳам раҳм күлмайды” деган эканлар. Бу исмлар 99 та. А.х. Асмоулоҳ деб ҳам юритилиб, күпинчә, дуоларга құшиб үқиласы. Куръони каримнинг “Ҳашр” сурасида (22–24 оятлар) Аллохнинг гүзәл исмларининг қыска рүйхати берилген. Улар: Аллоҳ, Раҳмон, Раҳим, Малик, Куддус, Салом, Мұымин, Мұхаймин, Азиз, Жаббор, Мутакаббир, Холик, Борий, Мусаввир в.б.

- *Мансур А. Ал-Асмо ал-Хусно / Ұз-н Миллий эң-яси. 1-ж. Т.: ҮМЭДИН, 2000. Б. 194–195; Алишер Навоий. Насойиму-л-мухабbat. 17-ж. Т.: Фан. 2001; Ганиева С. Навоий ёдға олған асарлар. Т., 2004. Б.5; Куръони карим маъноларининг тарж. Т., 2006; Абу Абдулоҳ Мұхаммад ибн Исмоил Бухорий. Ал-жомиъ ас-саҳих / 4-ж. Тавхид китоби. Т.: ҮМЭДИН, 2008. Б.590-591.*

АСМО (VII) – араб шоираси. Саодат асрида яшаган насроний Марвон қизи. Аввал мажусий арабга турмушга чиккан, сұнғ турмushiдан ажраб, Мұхаммад (с.а.в.) таъсирида исломни қабул қылған. Оташин шеър ва қасидалар ёзған. Жиржи Зайдон (1861–1914)нинг “Қурайш қизи” романы бош қаҳрамони. Араб ёзувиши талқинида асар сюжетини кескинлаштириш максадида А. Марвоннинг эмас, балки Язид ибн Муовиянинг қизи қилиб олинған.

- *Жиржи Зайдон. Қурайш қизи. Роман. Урумчи, 1987 (араб ёзувида); Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный эп-кний словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.41.*

«АСМОУЛЛОХ» – Аллохнинг гүзәл исмлари баён этилған асар. Навоийнинг хабарига күра, Мавлоно Мұхаммад Табодгоний «А.»га шарх битған. А.х. зикри ҳақида Шайх Мұхаммад Табодгоний (в. 1482–1483) асар ёзған, унға күпілаб шархлар битилған. Улар орасида Шарафиддин Али Яздий (в.1454), Али бинни Шихоб бинни Мұхаммад Ҳамадоний (в.1384–85) шархлари машхур.

- *Алишер Навоий. Насойиму-л-мухабbat. 17-ж. Т.: Фан, 2001; Ганиева С. Навоий ёдға олған асарлар. Т., 2004. Б.5; Куръони карим маъноларининг тарж. Т., 2006.*

АСМОДЕЙ (иононча: Asmodey – бузгунчи) [мифология] – яхудий мифларида шайтоний маҳлук. Мифга кўра А. яхудий қизи Саррани доимо таъкиб қилиб, унинг турмушга чикишига йўл кўймайди. У 7 марта турмушга чиккан бўлсада, А. унинг етти эрини ҳам ўлдирган. Шундан А. ад-тларда никоҳ ва муҳаббатга раҳна солувчи шайтон сифатида шахслантирилган.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.114; Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.73.

АСМОЙИЙ (740–828) – таникли араб филологи. Тулик номи: Абу Сайид Абдулмалик Асмойи. А.нинг «Китоби фухулату-ш-шуаро» асарида поэтика талаблари, жумладан, кофия ҳарфлари ва ҳаракатлари ишлаб чиқилган. “Антара саргузаштлари” номли ҳалқ романи ҳам А.га нисбат берилади.

- Шарқ мұмтоз поэтикаси Х.Болтабосев талқинида. Т.: ҮМЭДИН, 2008. Б.82, 110, 161, 241, 282.

АСМУС, Валентин Фердинатович (1894/18.XII–?) – санъатшунос ва файласуф олим. Киевда туғилган, 1919 й.дан илмий ҳаётда қатнашади. Москва ун-ти проф. (1939 й.дан), Фалсафа ин-ти етакчи илмий ходими (1968 й.дан). Эстетика ва фалсафа тарихига доир асарлари б-н шу соҳалар ривожланишига таъсир кўрсатган. Шиллер, Гёте, Кант, Декарт в.б.нинг эстетик қарашларига доир тадқиқотлар муаллифи. Юон фалсафаси вакиллари Афлотун, Демокрит асарларини шарҳлаган. Олий ўкув юртлари учун Мантиқ илмидан дарслик ёзган.

- ◆ Асмус В.Ф. История античной философии. М., 1965; Изб. философ. труды, т.1. М., 1969.

АСО (арабча: حسا – ҳасса) [тасаввуфшунослик] – суфийлар таяниб юрадиган ҳасса (форс т.да – чупдаст). Тасаввуф ад-тида шайхлик нишони. Тасаввуфнинг қаландарийлик тариқатида алоҳида рамзий маънога эга булиб, күпинча, “боб”, “бобо” деб номланган тариқат стакчилари қўлида бўлган. Бу даражага етишган қаландарларга “боб”лар мартабасини англатиш учун унвон тариқасида рамзий А. берилган. Соликнинг валий ва эранлар нафасига муҳтоҷлигини ифодалайди: «Эранлар нафасин асо этгин сен» (Юнус Эмро).

- Мұхаммад Ғиёсүддин. Ғиёс-л-лугот. Чилди 1. Тахия ва тавзехоти А.Нуров. Душанбе: Адид, 1987. Сах. 67; Фитрат. Машраб / Асарлар. 2-ж. Т.: Маънавият, 2000.

~ ии *Muso* – Мусо а.с.нинг ҳассаси. Муқаддас китобларда, Пайғамбарлик тарихларида ва диний ривоятларда тилга олинадиган сеҳрли кучга эга ҳасса. У “Muso” сузининг лугавий маъноси б-н ҳам боғлик. Мусо – Сарв дарахтининг номи. Шунинг учун унга шу дарахтдан олинган мӯъжизавий ҳасса насиб этган. Мусога бу ҳассани Шуайб пайғамбар, унинг қизига уйланганидан сўнг берган. Бу Одам а.с.нинг биҳиштдан (жаннатдан) чиккан ҳассаси булиб, Мусо а.с. бу ҳасса ёрдамида кўп мӯъжизалар кўрсатади. Бани Исроилга бош булиб, уларни Мисрга тобеликдан куткаради. “Таврот”

китобига эга бўлади. Мусо а.с. ушбу асо ёрдамида улкан одам Авж бинни Унукни енгади. У шундай улкан эдики, боши булатта тегиб юарди, бир тош парчасини кўтариб, Шом кавми устига ташламокчи бўлади. Худхуд келиб, у тоғни шундай чўқилайдики, тош тешилиб, Авжнинг бўйнига тушади ва Авж ҳалок бўлади. Куръони каримнинг ўн саккизинчи сурасида Мусо ва Хизр а.с. киссалари баён килинган.

- Куръони карим. Ўзбекча изохли тарж.. Т.: Чулпон нашр., 1992; Алишер Навоий. Тарихи анбиё ва ҳукамо (нашр. тайёрл. Л.Халилов) / Аспаруҳ. XV том. Т., 1968; *Nosiruddin Rabguzii*. Кисаси Рабгузий. Т., 1990; *Koprülü M.F. Asâ* / Islam Ansiklopedisi. 2-cild. Istanbul, 1993. S.660-662.

«АСОСУ-Л-БАЛОГА» («Балогат асослари») – Махмуд Замахшарий асари. Араб т. лугати бўлиб, 3742 сўзни ўз ичига олади. Шундан 2707 сўзининг асосий маъноси, 1035 сўзининг асосий маънолари б-н бирга кўчма маъноси ҳам берилган. Лугат таркибига кўра бош сўз ва упинг маъноси, бош сўз ҳосилалари, изохловчи манбалар: Куръони карим оятлари, хадислар, халифа ва сахобаларнинг сўзлари, шеърлар, маколлар ва иборалардан иборат. Шунингдек, сўзининг мажозий маъноси, бош сўз мажозий маънода ишлатиладиган жумлалар ва кўшимча материаллар ҳам берилган.

А. қўлёзмалари Париж, Рим, Болония, Работ, Қохира, Дамашк, Бағдод, Истанбул (22 та) кутубхоналарида сакланади. Сўнгги нашри 1998 й.да Байрутда икки ж.дан иборат тарзда (нашрга тайёрл. Мухаммад Босил Уйун ас-Суд) нашр қилинган.

- Сулеймонова Н. Махмуд Замахшарий “Асосу-л-балога” асарининг манбашунослик тақкини. НДА. Т., 2007.

АСОТИР (арабча: *اسطیر* – афсона) – миф, дунёнинг яратилиши, азал ва абад, маъбудлар ва афсонавий воеалар ҳакида ҳалқ тасаввуротида яратилган афсона ва ривоятлар. Ҳар бир ҳалқ оғзаки ижодида унга мансуб А. мавжуд. Шунга кўра юон А.лари, турк А.лари, форс А.лари... каби номланади. А.га ҳар бир давр ўзига хос тарзда А.га мурожаат килади. Муайян даврларда А.даги қаҳрамонларнинг бад. талқинлари кучайиб, улар асосида *анъанавий образлар* яратилса (мас., XX асрнинг 20-й.да Жойснинг “Улисс” (Одиссея асосида), Чўлпоннинг “Клеопатра”; Фитрат, Ҳуршид в.б. драматурглар (“Шоҳнома” қаҳрамонлари асосида), бошка бир даврларда А.ларга назарий нигоҳ кучлилик килади, уларни тадқик этиш оркали бад. ад-т туб илдизларига назарий нигоҳ ташлапади. Яна к.: Миф.

- Мурод Ўроз. Турк асотирлари / Сирли олам. 1997. – сон.

АСПАРУХ (643–701) – қад. туркийзабон булғорлар ҳукмдори, илк славян-булғор давлати асосчиси. А. булғор қабилалари иттифоки етакчиси Қубрат (Корот)хон ўғли. 681 й.да Биринчи Булғор подшолигига асос солган.

АСПЕКТ (латинча: *aspektus* – кўриниш) [герменевтика] – нуқтаи назар, караш. А. келиб чикиш нуқтаи назаридан сайёralарнинг муайян табий ҳолати, Ой ва Қуёшнинг ўрнига кура ўзаро муносабати. Фалсафада ўрганилаётган тушунча, ҳолат ва предмет асосига қўйилган фикрий йўналиш. Кенг маънода тарихий А., иқтисодий А., эстетик А. Тор маънода: *Образ тушунчасини ад-тшунослик* А.да ўрганиш, санъатшунослик ёки фалсафий А.да ўрганиш.

- Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энциклопедический словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.74.

«**ACP**» (арабча: вакт, замон; намоз вакти) – Қуръони каримнинг 103-сураси. Маккада нозил бўлган, З оятдан иборат (энг кичик сурат). Суранинг ҳар бир ояти мусулмонларнинг сифати, ҳакиқати ва вазифасини англиши б-н бопка суралардан фарқланади. Сура мазмунидан инсон ўзи ҳақ ўйлда булиши б-н чиқланмай бошқаларни хам ҳакикатга ҷакириши зарурлиги ҳакидаги хуласа келиб чиқади. “А.” сурасида сабр барча фазилатларнинг асоси бўлгани учун унга чорлап б-н ояти карима якунланади.

- Шайх Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуф. Тағсири Ҳилол. Олтинчи жуз. Т.: Шарқ НМАК, 2008. Б.533-535.

ACRAM (арабча: اصرم – олдинги тишининг синиши) [поэтика, метрика] – аруз назариясида “фаулун” аслининг “сарм” зиҳофиға дуч келиши натижасида хосил бўлган фаълу (-у) тармоқ рукнининг номи. Бобур “Аруз рисоласи”да “Сарм – салм била қабзининг ижмоъидур, фаъулун (аслий рукн) ѿувл бўлур, фаъл анинг ерига кўярлар, муни асрар дерлар” (76) деб тушунтириш беради ва А.да тўрт марта такрорланган фаълу фаъулун қолипида мутатаввал байт кептирилади.

- Тоир У., Сайдали С. Комуси кофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон, 1994.Б.58; Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи луғати. Т.: Шарқ НМАК, 1998. Б.19.

ACROP (арабча: اسرا – сирлар) [тасаввуфшунослик] – сирлар. Тасаввуфда тўлик висол дамида Ҳақда кўринмай қолиши, Ҳақ ғайби, ғайб ва ғойиблик. Ғайбдан келадиган мўъжизот сифатида қабул қилинган.

~ **макнун** [тасаввуфшунослик] – яширин сирлар. “Ихвону-с-сафо” аҳли бу истилоҳи мавжудотлардаги яширин истеъодларга нисбатан қуллаганки, улар вакт ўтиши б-н пайдо буладиган ва етиладиган фазилатлардир. Мазкур сирларни ахлуллоҳлардан ва илмда олий макомга эришганлардан бошқалар билишолмайди. Яъни улардан факат авлиёлар ва уламолар хабардор буладилар.

~ **и тариқат** [тасаввуфшунослик] – тариқат (йул) сирлари. Соликлар наздида ҳакикат ҳолати б-н боғлиқдир. Зоро, тариқат – шариатнинг сири,

ҳакиқат – тариқатнинг сири бўлиб, шариатсиз тариқат васваса, тариқатсиз ҳакиқат эса бединликдир.

• *тавҳид* – к.: Тавҳид сирлари.

«АСРОРИ МУСИКИЙ» (“Мусика сирлари”) – Бобуршоҳ асари. Манбаларда бу асар ҳакида маълумот билдирилса-да, асар тұлалигича топилмаган. Исламтүллоҳ Мұжизийининг “Тарихи мусиқијун” асарида “А.м.”дан айрим намуналар берилганды.

• Мұжизий И. Тарихи мусиқијун. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2010.

«АСРОРНОМА» – шоир Фарииддин Атторнинг тасаввуфий оуҳхаги маснавийларидан бириңчиси. 26 мақоладан иборат бу асарда тасаввуфий фоялар кичик хикоялар орқали талкин қилинганды. Турк шоири Ахмадий томонидан турк т.га, Жамол Катол томонидан ўзбек т.га тарж. қилинганды.

• Фарииддин Аттор. Асрорнома / Форсийдан Жамол Камол тарж. Т.: Тамаддун, 2012.

• İslâm Ansiklopedisi. 2.cild. İstanbul: Millî Eğitim Basımevi, 1986. S.8.

«АСРОРУ-Н-НУҚТА» (“Нұкта сирлари”) – Али бинни Шиҳоб бинни Мұхаммад Ҳамадоний (в. 1384–1385)нинг араб т.да әзилған рисоласи. Асар ваҳдати ҳакиқий, маълумлик асоси ҳакидағы тушунчаларни ёзуудагы нұкталар харакатига боғлаб тушунтирады. 1961 й.да Шерозда асарнинг форсча тарж.си нашр этилғанды.

• Алишер Навоий. Насойиму-л-мухабbat. 17-ж. Т.: Фан, 2001; Ганиева С. Навоий Әдга олган асарлар. Т., 2004. Б.6.

AC(C)ЛАР [мифология] – скандинавия халқлари мифологиясыда Один томонидан бошқариладиган асосий матбуудлар гурухи. Мифға кўра А. самовий ш. Асгардда яшайдилар. “Кичик Эдда” китобида 12 А.нинг номи көлтирилғанды. Улар: Один, Тор, Нёрд, Тюр, Браги, Хеймдалл, Хёд, Видар, Али (айрим манбаларда Вали), Улл, Форсети, Локи. Кейин эса уларнинг фарзандларидан айримларининг номи көлтирилғанды. “Кичик Эдда”нинг муқалдима кисмida, “Инглинглар ҳакида кисса (сага)” асарларида А.нинг осиёлик экани айтилғанды.

• Миғы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.119.

АССАР ТАБРИЗИЙ (XIV) – шоир ва олим. Асл исми: Шамсиддин Ҳожа Мұхаммад. Табризлик мунажжим Абдуссамаднинг шогирди. “Мехр ва Муштариј” (1376) достони муаллифи. Достонда халқ достонлари руҳи сақланған, форс ва озарбайжон ад-тининг кейинги тараккىётiga ўз хиссасини күшганды.

• Тебризи А. Мехр и Муштари. Отрывки / Антология азерб. поэзии. т.1. М., 1960.

• Крымский А. История Персии, ее литературы и дервишской теософии. Т.3. М., 1914-15.

АССАМ адабиёти – Хиндистоннинг шимолида яшовчи халқ А.адир. А.лар хиндуизм динига эътиқод килади. Тахминан VII асрда санскрит ва тамил адти каторида, Хиндистонда қатор янги хинд-арий ад-тлари шаклланди. Бенгал, гужарат, панжоб, урду ва ҳинд ад-тлари б-н бир қаторда А.а. юзага келган ва улар б-н яқин алоқада ривожланган. XIII асрдан ёзма манбалари шаклланган. А.ада сарой тарихий хроникаси (“А. хроникаси, 1681; “Камарупа хроникаси, 1700) муҳим ўрин тутган. 1836 й.дан инглиз боскини туфайли А. т. давлат идораларида расмий т.сифатида қўлланишдан тұхтаган. Ҳинд янги давр адтида А.а. салмокли ўрин тутади. XIX аср 2-ярмидан А.а. насрый жанрлар: ҳикоя, қисса, романлар ҳисобига бойиган. Л.Безбаруа, Р.Бардола тарихий романлар ёзишган. Калькуттада “Жонаки” (“Шамчирок”) журнали (1889) А. ва инглиз т.да асарлар нашр эта бошлаган. XX аср А.ада С.Малик, Ч.Гогой, Б.Бхагтачарья романлари, Д.Шарма ҳикоялари ва П.Пхукан драмалари шұхрат козонган.

◆ Поэзия народов Индии. М., 1962.

• Лит-ный энц-кий словарь. М.: СЭ, 1987. С.124-126: Баруа Б.А. Ассамская лит-ра. М.: 1968; Краткая история литературы Индии. М., 1974.

АССАМ ТИЛИ – Шим. Ҳиндистонда яшовчи халқ тили. Ҳозирги кунда 10 млн.га яқин аҳоли А.т. сузлашади. А.т. Ҳинд-Европа т.лари оиласига мансуб. Адабий т.га икки диалект: шаркий ва ғарбий А. шевалари асос бўлган. Ҳозирги А.т.га сингармонизм ҳусусияти хос, 5 сўз туркуми мавжуд, от туркумига оид сўзлар, 4 жинсда турланади. А.т. X–XI асрларда шаклланган, А. адабий т.нинг асосчиси Шанкард (1449–1569). Инглизлар боскини туфайли бир муддат расмий ва адабий т. сифатида қўлланилиши тақиқланган. XIX аср 2-ярмидан фаол қўлланилиш даврига кирган.

• Бабакаев В.Д. Ассамский яз. М., 1961; Большой энциклопедический словарь: Языкоznание. М.: БЭС, 1990. С.48.

АССАМБЛЯЖ – к.: Поп-арт.

АССАСИН (assassin) [диншунослик] – шиа мусулмонлари мазҳабининг бир шаҳобчаси. Ҳурсонда Ҳасан Саббоҳ (1090) томонидан асос солинган. А.лар раҳбари тогдаги горда яшагани учун Шайху-л-Жаъбал деб юритилган. Салиб юриши ва бошқа диний урушларда насронийларга карши курашиб енгиг бўлган. А.лар итальян ва салибчиларига карши аёвсиз жангта киргандар. Мўтул истилоси даврида А. Ҳулогухон томонидан тутатилган. А. сўзи роман т.ларида үлдирувчи, котил маъносида сакланган.

• Брокгауз Ф.Л., Ефрон И.Л. Иллюстрированный эп-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.74.

АССИЗ, Жоакин Мария Машаду де Ассиз (1839–1908) – бразилиялик ёзувчи. Дастрраб шоир ва публицист сифатида танилди. Савдо вазирлигига ишга кириб, 1889 й. департамент директори булиб сайланди.

16 ёшлигиде илк асари "У" ("Аёл") адабий журналтарда чоп этилди. Сунгра «Хризалида» ("Crisalidas", 1864), «Тунги капалаклар» ("Faleñas", 1870) ва «Америка шेърлари» ("Americanas", 1875) ҳамда "Мұхаббат, сен үзингсан" ("Tu so, tu, puro amor", 1881), комедияси нашр этилди. Носир сифатида "Флуминен ҳикоялари" ("Contos Fluminenses", 1870), «Ярим кече тарихи» ("Historias de meia noite", 1873), «Санасиз тарих» ("Historias sem data", 1884) каби ҳикоялар түплемларини эълон қилди. Түккизта роман қолдирди: «Тирилиш» ("Ressurreição", 1872), «Кўл ва кўлқоп» ("A mar é a chuva", 1874), «Елена» ("Helena", 1876), «Йая Гарсиа» ("Iaia Garcia", 1878), «Брас Кубаснинг ўлимидан сўнгги ёзувлар» ("Memorias postumas de Bras Cubas", 1881), «Кинкас Борба» ("Quincas Borba", 1891) «Дон Казмурро» ("Dom Casmurro", 1900), «Исау ва Иаков» ("Esau e Jacob", 1904) и «Айрес кундалиги» ("Memorial de Aires", 1908) в.б. Рус т.да «Memorias postumas...» романи «Нариги дунёдан ёзувлар» (1974) сарлавҳаси б-н Е.Голубева ва И.Чежегова тарж.да чоп этилган. Дастрлабки романларида персонажларнинг руҳий ҳолатларини кснг тасвирилашга кизикиш ("Тирилиш" романни биринчи бразил психологик романни сифатида баҳоланган), хаёт ходисаларининг кенг таҳлилини бериш устувор (бу даврни муал.нинг ўзи "шеърият қушилган реаллик" дея баҳолаган) эканлиги эътироф этилган булса, «Кўл ва кўлқоп», «Йая Гарсиа» каби романлари миллий романчиликнинг энг юкори нукталари сифатида кабул килинган. Сунгти романларида холислик тамойиллари устувор бўлиб, лирик кечинмалардан кўра реалликни ўз ҳолида қўрсатишга интилган. Уларда пародия, ўз-ўзини танқид ва киноя қилиш руҳи стакчи ҳусусият касб этади. Адабанинг асарлари "Аёл романлари" рукни остида жаҳон ад-ти хазинасидан ўрин олган.

- История литературу Латинской Америки. М.: 1994; Культура Латинской Америки. Энц-я. М., 2000; Grande enciclopédia portuguesa e brasileira. Lisboa (Катта португал ва бразил энц-яси). Rio de Janeiro, 1966; Meneses de R. Dicionário literário brasileiro (Раймундо де Менезеш. Бразилия адабий лугати). Sao Paulo, 1969; Dir. Lins A. Historia da Literatura brasileira (Бразилия ал-ти тарихи. Алваро Линш таҳрири остида). Vol. XII Prosa de Ficcão (de 1870 a 1920). Rio de Janeiro, 1957; Dir. Coutinho A. A literatura no Brasil (Бразилия ад-ти. Афрапио Коутинью таҳрири остида). - Rio de Janeiro, 1968; Pacheco J.A. literatura brasileira. (Жоао Пашеко. Бразилия ад-ти). Vol.III, О реализмо (1870-1900). Sao Paulo, 1968; Romero S. Historia da literatura brasileira (Сильвио Ромеро. Бразилия ад-ти тарихи). Vol. V. Diversas manifestações na prosa. Rio de Janeiro, 1960.

АССИМИЛЯЦИЯ (лотинча: assimilatio – қўшилиш, эгаллаш, ўзлаштириш) – бир ходисанинг иккичи (йирикрок) ходисага қўшилиши, бир қавмнинг бошка бир элат таркибиға кириши. Этнографияда бир халқнинг т., маданияти, урф-одатдарининг иккинчисига қўшилиб, бирнишиб, сингиб кетиши. А. т.шуносликда бир товушнинг таъсирида иккичи ундошнинг унга ўхшаш талаффуз этилиши. Mac., туз + сиз = *tussiz*; тут + дан = туттан. А.нинг бир неча тури бор; тулик: ерни – *erri*; туликсиз: ўтган – *utkan*; прогрессив, олдинги товуш таъсирида кейинги товушнинг ўзариши: ўти – *uttii*; респрессив, ксийнги товуш таъсирида олдингисининг ўзариши: сусзиз

– сүссиз; дистант, ёнма-ён бўлмаган ундошлар ухшиши: мошкичири – мочкичири; контакт, ёнма-ён ундолилар ухшиши: кўлни – қўлли кабилар.

АССИРИЯ (Оссурия) – Месопотамиядаги давлат. А. давлатига *Ашиур* этноси асос бўлган. Икки дарё (Фрот ва Тигр-Дажла) оралиғидаги А. даври м.а. 1850–1080 йилларга тұғри келади. Эр. а. I минг йилликка тааллукли Ашиур ш. ибодатхонасининг қошида маҳсус кутубхона очилган бўлиб, унда 10 мингдан ортик ёрлик ва фрагментлар шаклидаги тошкитоб сасланган. Ниппур кутубхонасида 2 мингдан ортик бад. асар намуналари бор. Бу давр қад., ўрта ва янги даврлардан таркиб топган. Қад. А. даврида Илушкима, Шамшиадад; ўрта даврда Агум П, Бурнабуриша I, II, Караиндаш, Куригалгу; Янги даврда Ашшурнасирап II, Салманасар III хукмдор бўлганлар. Ашшурбанипал (669–633) даврида Бобил б-н бўлган жангларда кўплаб обидалар вайрон бўлган. Бобил ва Мидия б-н бўлган жангларда А. давлати (625–605) мағлубиятга учраган ва уларнинг таркибига қўшилиб кетган.

Аккад ад-ти номи қад. Бобил ва Ассирия ад-тига нисбатан қулланилган. Инсоният тамаддунининг ilk манбаларидан бўлган Шумер маданиятига илдизлари б-н боғланган Аккад ад-ти эр.а. III мингийилликда ӯзининг ilk ёзувлариға эга бўлган.

- *Шамсиддин Сомийбек. Комусу-л-аълом / Н.Асилова тарж. УзР ФА Ад-т музсий. Кўлләзма. Б.94; Авдиев В.И. История Древнего Востока. М.: 1953; Диаконов И.М. История Мидии от древнейших времен до конца IV в. до н.э. М.-Л., 1956; Законы Вавилонии, Ассирии и Хеттского царства // Вестник древней истории. 1952. № 3; Редер Д. Г. Мифы и легенды древнего Дворечья. М., 1965. Йозеф Ктима. Общество и культура древнего Дворечья. Прага: Academia, 1967. С.276; Ранние формы искусства: Сб. статей / Сост. С. Ю. Неклодов. – М.: 1972.*

– *адабиёти* – к.: Бобил адабиёти.

АССОНАНС (лотинча: *assono* – товуш; французча: *assonance* – *уйғунлик*) [лингвопоэтика] – унлиларнинг уйғунлиги. Асосан, ургу олган бўғинлар А.бўлиб келади. А. маънени кучайтириш, ургу берилаётган сузинг таъсиричанлигини ошириш учун кўлланади. Mac., ушбу шеърда у ва ю товушлари ёрдамида А. хосил килинган:

Брошу ли я вдоль улиц шумных,
Вхожу ль во многолюдный храм,
Сижу ль меж юношей безумных
Я предаюсь моим мечтам.

(А.С.Пушкин)

А. истилоҳи рус шеъриятида ноаниқ кофия маъносида ҳам ишлатилади. Бунда ургу олган унли товушлар уйғун ҳолда келтирилиб, ундош товушларнинг уйғунлиги мутлако кузатилмайди. Mac., рус т.да *огромность – опомнюсь; жаждыа – жалко*.

Шарк шеъриятида А.дан унумли фойдаланилади. Айникса, аруз вазни ўз табиатига кўра чўзик унлilarнинг уйғунлигига асослангани учун А. туркий шеъриятдаги энг фаол воситалардан ҳисобланади.

Мас.,

*Илоҳо подшоҳо кирдикоро,
Санго очув ниҳону ошкоро*

(Алишер Навоий)

Ёки:

*Мен кетай деб, тез етай деб
богладим белга камар,
Сен нетай деб, сабр этай деб
соммадинг дилга кадар.*

(Чулпон)

- Жирмунский В.М. Рифма, ее история и теория. Пг., 1923; Штокман М.П. Библиография работ по стихосложению. М., 1934; Елисеев И.А., Полякова Л.Г. Словарь лит-ведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.17; Белокурова С.П. Словарь лит-вслческих терминов. СПб.: Паритет, 2006. С.24.

АССОЦИАТИВ ОБРАЗ (лотинча: *assosiatio* – бирлашма) – тушунилиши кийин бўлган ходисаларни ўзига таниш иккинчи бир тушунарли ходиса ёрдамида эслаш, ифода килиш. Бад. изходда А.о. метафорик асосга курилади. Бир иккинчисини ёдга соловучи тимсоллар занжири яратилади. Ж.Локк (1690) томонидан ад-тликка олиб кирилган.

- Борев Ю. Эш-кний словарь эстетики и теории лит-ры.. М., 2008. С.114 (эл.версия).

АССОЦИАЦИЯ (лотинча: *associatio* – бирлашма) – иттифок, уюшма, ташкилотлар бирлашмаси. Бад. ад-тда тимсол тури булиб, маъноси узоқ тушунчаларнинг бир пайтда эсланиши, бир тушунча ёрдамида иккинчи тушунча хосил қилиниши ёки ходисанинг тимсолга айлантирилишидир. Айрим тимсоллар психологик яқинлиги, ўзаро алоқадорлиги боис ёдга олинади. Ад-тшунослик ва эстетика истилохи сифатида Ж.Локк (1690) томонидан илк бор кўлланган. Нарсаларнинг ўхшашлиги ёки ўзаро киёси натижасида тилга олинадиган фикр ёки образ. А. ғоя ва объект ўртасидаги фикрий алоқадорлик дир(Ж.Куддон). Мас., И.А.Буниннинг «И цветы, и шмели, и трава, и колосья...» деб бошланувчи шеъри рус табиатига бағишланган бўлса хам у Инжилдаги ўгай ўғил хақидаги ривоятни эсга солади.

Чулпоннинг “Халқ” шеъридаги

*Халқ истаги – озод бўлсин бу ўлка,
Кетсин унинг бошидаги куланка*

“куланка” сўзи “соя” маъносида кўлланилгани б-н, миллатта зуғум қилаётган хукмрон боскинчилар назарда тутилади.

- Современная западная философия. М.: ИПЛ, 1991. С.28; Борев Ю. Эстетика. Теория лит.-ры. Энц-кий словарь. М.: Асель-Аст, 2003. С.50; Белокурова С.П. Словарь лите-вежеских терминов. СПб.: Паритет, 2006. С.24-25.

~ **ПРОЛЕТПИС** – А. пролетарских писателей – Пролетар ёзувчилар А.си

~ **ПСАА** – А. писателей стран Азии и Африки – Осиё ва Африка ёзувчилари А.си.

АСТАР, Истар (кад. семит т.ларида: Зухро) [мифология] – кадимги семит мифологиясида самовий маъбудалардан. Унинг мукобили сифатида Астарта ёки Иштар келади. А. дунё хукмронлигини кўлга олишга даъвогар. Унинг доимий сифати “даҳшатли”. Йаман мифологиясида олий маъбуд саналади. А. уруш маъбути сифатида кучли, қаҳрли ва ўз вактида уй ва иншоотларнинг химоячиси. А. культи кенг тарқалган булиб, ов в.б. маросимларда антилопа, ҳўқиз киёфасида кўринади. А. шарафига ибодатхонлар ва қурбонлик жойлари курилган.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.115

АСТАФЬЕВ, Виктор Петрович (1924/1.V–2001/29.XI) – рус адиби. Красноярск улкасида туғилган. II жаҳон уруши иштирокчиси. 1951 й.дан асарлари чоп этила бошланган. “Қорлар эримокда” (1958), “Подшох балик” (1976) романлари, “Довон”, “Ўғирлик” (1966), “Сунгти ўқ” (1968), “Чупон ва чупон киз” (1971) киссалари муал.и. “Излучина”, “Замондошим киссалари”, “Ок кўйлакли бола” киссалари шуҳрат қозонган. “Сунгти таъзим” (1971–79) автобиографик асарлари туркумида ўз болалити ва ёшлик давларини тасвиirlайди.

“Подшох балик” романи хикоялардан иборат кисса шаклида ёзилган булиб, унда табиатни асраш, экология муаммолари илгари сурилган. Роман Россия давлат мукофоти (1978)га сазовор бўлган. “Лъяннатланган ва ўлдирилганлар” (1992–92, тутгалланмаган) романининг дастлабки кисмида ҳарбий казармалар ҳолати, собик иттифоқдаги ҳарбийлар ҳаёти ва жазолаш тизими ҳакида танкидий мулоҳазалар акс этган.

◆ Астафьев В. Собр. соч. в 4-х т. М.: Молодая гвардия, 1979-80; Звездопад. М., 1962; Кражя. Где-то гремит война. Повести. М., 1968; Царь-рыба. М., 1980.

- Макаров А. Человеку о человекске. М., 1971; Яновский Н. Виктор Астафьев / Очерк творчества. М.: Сов. Писатель, 1982.

АСТЕИЗМ (юононча: *asteismos* – хозиржавоблик, ўткир ҳазил) [поэтика] – тасвирий восита. Киноя (ирония)нинг ўзини пастга уриб айтилган тури. Mac., Ифлос қўлларини гўзал оёқларингиз б-н босманг.

- Борев Ю. Эстетика. Теория лит.-ры. Энц-кий словарь. М.: Асель-Аст, 2003. С.51.

АСТЕРИСК [ноширлик санъати] – матиларни ўзаро мазмун жиҳатидан ажратиб турувчи белти, юлдузча (*).

- Рейсер С.А. Палеография и текстология нового времени. М.: Просвещение, 1970. С.329; Борев Ю. Словарь терминов текстологии и генетической критики. М., 2011. С.35.

АСТИАГ – (м.а.584–530) [мифология] – Мидиянинг сунгги хукмдори. Мидия шохи Иштувегнинг юонча номи. Кир II томонидан үлдирилган. Херодот “Тарих” китобида “Тумарис” хакидаги ривоятни келтириш б-н бирга “Астиаг” тарихини ҳам ёзib қолдирган. А.дан сунг Мидия давлати таназзулга юз тутиб, Эрон шоҳларига бўйсунган. Унга қадар Мидия манбаларида Эрон эмас, туронлик сифатида т.га олинган.

- Рустамова А., Набиев Б., Караев Я. Азербайджанская лит-ра (для азербайджанской диаспоры). Баку: Элм, 2005. С.17-18.

АСТРАЛ МИФЛАР (юонча: юлдуз) [мифология] – самовий мифлар бўлиб, осмон ёритгичлари, юлдузлар, в.б. самовий жисмлар хакидаги мифлар. Бу туркум мифларда юкори дунё (арши аъло), яъни само маъбудларнинг доимий қароргоҳи сифатида белгиланган. У ерда маъбуд Хэглун яшайди, у Катга Айик юлдузи деб реаллаштирилади. Кичик Айик юлдузлари эса маъбуд Манги тимсолидир. А. мифларда бир неча космогоник персонажлар иштирок этади. Ўн икки бурж ҳақидаги мифлар юонон, хитой ва туркий ҳалклар мифологиясидан ўрин олган. Бу туркум мифларда Зухро (шумерларда Инанна, семитларда Астар) асосий персонаж сифатида катнашади. А. мифлари мунахжимлар башоратларига асос бўлган. Мунахжимлар юлдузларнинг самодаги ўрнига караб фол очишган, булажак хавфдан хабар берилганди.

- Анисимов А.Ф. Космологические представления народов Севера. М.-Л., 1959; Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.96.

АСТРОБОДИЙ, Низом (XVI) – ҳиндистонлик форсигўй шоир. “Меъроҷу-л-ҳаёл” қасидасини ёзган. А. ҳакида Содикбек Афшар тазкирасида маълумот берилади. Шунингдек, тазкирада Ўрта Осиё шоирларининг “сабки Ирок” услуби, Ҳиндистонда битилган янги асарлар, Фузулий Бағдодийнинг озарбайжон ва форс т.даги девони кулиёти ўзбек шоирлари Ўргасида машхур бўлгани, Шаркий Туркистон шоирлари б-н ижодий алокалар, эронлик, ҳиндистонлик, хурносонлик шоирлар асарларининг Ўрта Осиёда муҳлислари томонидан кўп нусхаларда кўчирилиши ҳамда туркистонлик адиллар асарларининг Ҳиндистон, Эронда ҳам маълум бўлгани хикоя килинади. Абдуллоҳ Кобулийнинг ҳиндистонлик адиллар тутрисидаги “Тазкирату-т-таворих” (1601) асарида ҳам у ҳақда хабар берилган.

- Шайхзода М. Тазкирачиллик тарихидан / Асарлар. 4-ж. Т.: Ад-т ва санъат, 1972. Б.307.

АСТРОБОДИЙ, Фазлуллоҳ Ҳуруфий (1339/40-1394) – шоир ва мутасаввиф олим; тасаввуф тарихида ҳуруфийлик таълимотининг асосчиси, қалом илмининг устозларидан бири. Тўлиқ номи: Фазлуллоҳ б. Сайид Баҳоуддин

Астрободий ат-Табризий ал-Хусайний. Айрим манбаларда А.Ф.Х.нинг исми Жалолиддин, Абдураҳмон, Шихобиддин, Шамсиддин деб курсатилади. Узок вакт Ширвонда яшаган, Насафда ишлаган, Хоразм ва Исфаҳонда ҳам яшаган. А.Ф.Х.нинг устози “Марҳамнома” асари муал.и Сайид Исҳоқ Астрободий.

А.Ф.Х. Наимий тахаллус билан “Девон” тартиб берган, унда ғазал, қитъя, рубойй, таржиъ ва фардлар жамланган. “Жовидоннома”, “Муҳаббатнома” ва “Аршнома” (775/1374) асарларини ёзган. “Муҳаббатнома” насрый асар бўлиб, унда зоҳидлар, ҳакимлар ва шаҳидларнинг сунг манзиллари хусусида сўз юритилган. Ҳуруфийликнинг ақида ва инончлари унинг “Муҳаббатнома” асари таркибига кирган “Васиятнома”да баён килинади. Ҳуруфийликнинг назарий асослари “Жовидоннома”да берилган. Бу ботиний таълимот бўлиб, асори ҳуруф, инсони комил, давр, таъвил тушунчаларини ижодий давом эттириш орқали юзага келган. “Навмнома” асарида туш (руё) ва унинг баъзи сирлари баён килинган. Ҳуруфийлик таълимотини шеърий йўлда ёйишга қаратилган “Аршнома” маснавийси ҳам бор. Унга кура калом – сўз – ҳарф лисоний-эстетик моҳиятга эга бўлиб, ҳар қандай матн унинг зоҳирий ифодасидир. А.Ф.Х. Султон Боязиднинг бўйруғи билан 796/1394 йили 56 ёшида катл килинган.

- Abdülbâki Gölpinarlı. Hürûfîlik Metinleri Kataloğu. Ankara, 1989; Mustafa Ünver. Hürûfîlik ve Kur'an Nesimi Örneği. Ankara, 2003.


АСТРОЛОГИЯ (юонча: *astra* + *logos* – сўзма-сўз: юлдузлар ҳақидаги таълимот) – мунахжимлик. Айрим кишиларнинг юлдуз ва бошқа сайдерлар ҳаракатига қараб, фол очиши ёки кслажак воқсаларни олдиндан айтиши. Шарқда, қад. Мисрда шаклланган. Деярли барча қад. ҳалқларда А.дан астронимияга ўтиш даври кузатилади. Айникса, ўрта асрларда тараккӣ этган. А.нинг машхур қад. вакиллари: Парацельс, Кардано, Тихо дс Брагс, Кеплер в.б.

АСТРОНАМ (юонча: *astron* – юлдуз, *onima* – исм) – ноширлик ишида фойдаланувчи юлдузча (*) ажратувчи белги сифатида, кўпинча, учта юлдузча (***) ша-клида қўлланилади.

- Рейсер С.А. Палеография и текстология нового времени. М.: Просвещение, 1970. С.329.


АСТРОНИМ (юонча: *astron* – юлдуз, *onima* – исм) – адабий тахаллус турларидан бири. Тахаллуснинг қандай ҳосил қилинишига қараб, унинг аллоним, анаграмма, аноним, криптоним каби турлари мавжуд. А.да ҳеч қандай сўз ёки ҳарф ишлатилмасдан юлдузча (***) ёки шунга якинрок белги қўйилади. Яна к.: *атрибуция*.

- Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.51; Белокурова С.П. Словарь лит-ведических терминов. СПб.: Паритет, 2006. С.25.



ТУРКИЙ АДАБИЁТ

- Акиф Мекмет Эрсүн – маърифатпарвар адаби.
- Афшар Содикбекнинг "Мажмау-л-хавос" тазкираси (1а садифа).
- Ахмад Порош Навоийга назирларни билан машхур.
- Анвар Порош ва бухоролик жадидлар.
- Аёз Исқокий – маърифатпарвар адаби.
- Адивар Холида Адибнинг хотиралари.
- Азиз Несин китоблари ҳар бир хонадонда бор.
- Араслан Ҳамид – туркӣ здабиёт тадқиқотчиси.
- "Арбайън"нинг туркча нашри.
- Алиева Қангарли – фузулӣшунос.
- Абдураҳмон Гузалнинг Ахмад Яссавий ҳадидаги китоби.
- Шоҳ Исмони Сафавий.
- Арат Рашид Радматнинг "Эски туркшери" китоби.
- "Атабату-л-ҳақоиқ" турктилида.



РУС АДАБИЁТИ

1. Азбуковник.
- 2, 3. Ахматова Анна – Тошкентда.
- 4, 5. Архипелаг ороллари харита ва амалда.
6. Ахмадуллина Белла – рус лирик шоираси.
7. Антокольский Павел буюк шоирлар сафига.
- 8, 9. Агиография 1294 иялиги иконаларда.
10. Алданов Марк – хориждаги рус адаби.
11. Даниил Андреев ва унинг “Дунё атиргули” китоби.
12. Астафьев Викторнинг овозли китоби.
13. Андреев Леонид Чўлон таржима қиласан адаби.
14. Археография – славян манбашунослиги.

АСТРОФИЗМ [поэтика] – шеър бандидаги бирхилликни ҳосил килувчи жиҳатлардан воз кечиш. Шеърнинг бир банди иккилиқ тарзида келса, иккинчи банди тўртлик, бошқа бандлари саккизликни ҳосил килиши мумкин. Бундай ритмик белгиланиш шеърнинг ички табиатидан келиб чикиб ҳосил килинади. Баён характеридаги шеърлар ёки достонларда А. дан фойдаланилади. Рус ад-тида А.С.Пушкиннинг “Полтава” достонида шундай банд ташкил килиш усули кулланилган. Ўзбек шеъриятида Чулпоннинг “Бузилган ўлкага”, Фитратнинг “Шарк” шеърларида, Миртемирнинг “Сурат” достонида А. усулидан фойдаланилган.

- Иванов Л. Астрофизическое стихотворение / Словарь лите-вежеских терминов. Сост. Л.И. Тимофеев, С.В. Тураев. М.: Просвещение, 1974. С.23; Борев Ю. Эстетика. Теория лите-ры. Энц-кий словарь. М.: Асель-Аст, 2003. С.51.

АСТРОФИК ШЕЪР [поэтика] – банддаги бир хил конуният ва такрорларга амал қилмайдиган шеър. А.ш. тузилишда бир банд тўртлик шаклида, иккинчиси иккилиқ, учинчи банд яна бошка (мас., саккизлик) тарзида бандлаштирилиши мумкин. А.ш. типига баёний характердаги, воқеабанд шаеърларда, баъзан достонларда мурожаат этилади.

- Борев Ю. Энц-кий словарь эстетики и теории лите-ры.. М., 2008. С.113 (эл.версия).

АСУКА (японча:) [тарихий жараён] – Япония тарихидаги даврлардан бири (552–645) булиб, буддавийлик мана шу даврда давлат дини сифатида тасдиқланган. Бу даврда феодал муносабатлар кучайиб, күшни Хитой ва Корся б-н сиёсий ва маданий алоқалар кенг йўлга кўйилган, хитой иероглифик ёзув тизими кабул килиниб, япон календари жорий килинган. Кўплаб буддавийлик ибодатхоналари қурилган. Уларга санъат асарлари сифатида муносабатда бўлинган, ёғоч ва бронза ўймакорлиги кучайган эди.

Айни даврда ёзув шакланиб, кўплаб оғзаки ижод намуналари ёзib олинган. Ёзма ад-тнинг илк намуналарини тўплаш ва баёзлар яратиш анъянаси ҳам мана шу даврда шаклланган.

- Культура классической Японии. Словарь-справочник. Сост. Рыбалко С.Б., Корнев А.Ю. Ростов-на-Дону: Феникс, Харьков: Торсинг, 2002. С.15.

АСУРА (санскритча: ҳәтий кувватга эга, жонли) [мифология] – буддавийлик мифологиясида алоҳида жоду кучи б-н яратилган персонаж. Ривоятга кўра, А. дастлаб илоҳий кувватга эга бўлганлар, яъни маъбуздар даражасида саналган. Улар шайтон б-н тукнашганидан сунг *a-sura* (худо эмас) маъносида талкин этилган. Махаянага кўра, А. буддавийликнинг химоячисидир.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.118; Культура классической Японии. Словарь-справочник. Сост. Рыбалко С.Б., Корнев А.Ю. Ростов-на-Дону: Феникс, Харьков: Торсинг, 2002. С. 15.

АСФАНДИЁРХОН (в. 1642) – Хива хони Арабмуҳаммадхоннинг тўнгич ўғли. Отасини катл қылгани учун укалари Хабаш сulton ва Элбарсхонни ўлдириб, шоҳликка эришган. Мунис А.ни “шахриёри оқил ва подшохи одил

эрди” дея таърифлаб, унинг вафотига айтилган таърихни “Фирдавсу-л-икбол”да келтиради:

Ҳафт шоҳ аз авлиё ҳастанд машҳури жаҳон.

Ҳаштум ин шоҳ аст, зон таърих “шоҳи ҳаштум” аст.

Абжад хисобига кура, “шоҳи ҳаштум” бирикмаси 1052 ҳижрий-қамарий сана бўлиб, милодий 1642/43 йилга тўғри келади.

- *Мунис ва Огаҳий.* Фирдавсу-л-икбол. Т.: Янги аср авлоди, 2010. Б.88-89.

АСФАНДИЁРХОН (в. 1918) – Хива хони (1910–18). Муҳаммад Раҳимхон Соний (Ш)нинг ўғли. 1910, 1914 й.ларда Петербургда бўлган, чор хукумати ёрдамида таҳтга чиккан. 1905 й.дан ташкил этила бошлаган ёш хиваликтар ташкилоти А. даврида кучайди, сиёсий хокимият учун кураш бошлади. 1917 й.да ёш хиваликлар талаби б-н А. ислоҳот үтказишга мажбур килинди. Давлат ишларини назорат қилувчи “Идорайи машварат” тузилган. Жунайдхон томонидан яширин суратда ўлдирилган.

АСФОР (арабча: سافر – сафарлар) [тасаввуфшунослик] – тасаввуф ад-тида орифлар ва соликларнинг Ҳакка сафари. Мулло Садронинг ёзиича, соликлар ҳакиқат сафаридан тўртта йўлни: ҳалқдан Ҳакқа томон (1), Ҳақдан Ҳакқа (2), Ҳақдан ҳалққа (3) ва ҳалқдан ҳалқка (4) сафарини уташи лозим. А.Жомий “Нафаҳоту-л-унс” асарида бу йўлларнинг талқинини берган. Тасаввуфий талқинда А. азалдан охиратга қадар мавжуд бўлиб, жаҳон ҳалки мусоғир каби шу йўлни босиб утади. Йўқлик отамидан борлик томонга йўналгани (инсоннинг яратилиши) каби борлиқдан йўқлик сари ҳам бу сафар давом этади. Жузв (булак)лар куил (бутун) томон, нима касрдан кслган бўлса, ўша томонга кетади. Яъни ҳар бир нарса ўз асли томон сафар килади. Ҳақдан яратилган инсоният ҳам Ҳакқа томон қайтади. Муҳим манзиллари 8 тадир: талаб, ахлокни поклаш, ислоҳ, аҳволнинг намоён бўлиши, шавқ ва изтироб, ишқу мухаббат, сукру ҳайрат, фаноу бақо ва тавҳид марҳаласи.

- *Uludağ S. Tasavvuf Terimleri Sözlüğü.* İstanbul: Kabalcı Yayınevi, 2005. S.2.

АСҚАД МУХТОР (1920/23.XII–1997/17/IV) – ўзбек адаби, мух-ри ва жамоат арбоби. Фарғона ш.да туғилган. Ўз-н ҳалқ ёзувчisi (1980). Ҳамза номидаги Ўз-н Давлат мукофоти (1972) соҳиби. ЎДУ (хоз. ЎзМУ)нинг филология фак-тини 1942 й.да тамомлаган. Фарғона, Андикон (кафедра мудири 1942–45) педагогика инс-тларида ишлаган. ‘Ёш ленинчи’, ‘Кизил Ўз-н’ газ.ларида масъул котиб ва бўлим мудири (1945–48) бўлган. Ўз-н Ёзувчилар уюшмасида бошқарув котиби (1957–69, 1985–88), «Шарқ юлдузи» (1960–65), «Гулистан» (1969–80), “Ўз-н ад-ти ва санъати”да бош мух-р (1981–82) бўлган.

Илк шеъри 1935 й.да, “Тилак”, “Тонг эди”, “Тотли дамлар” шеърлари б-н ад-тига кириб келди. Биринчи достони “Бизнинг авлодлар” 1939 й.да чоп этилган. “Пулат қуювчи” (1947) достони, “Ҳамшахарларим” (1949), “Рахмат, меҳрибоним” (1954), “Чин юракдан” (1956), “99 миниатюра” (1962),

“Шеърлар” (1966), “Сирли нидо” (1984), “Куёш беланчаги”, “Сизга айтар сўзим” шеърлар тўпламлари; “Дарёлар туташган жойда” (1950), “Буронларда бордек ҳаловат” (1976), “Бухоронинг жин кучалари” киссалари ва “Опасингиллар” (1954), “Туғилиш” (1961), “Давр мснинг тақдиримда” (1964), “Чинор” (1969), “Амударё” (1986) романларининг муаллифи. Болаларга атаб “Мардлик чўққиси” (1948), “Чин юракдан” (1956), “Дунё болалари” (1962), “Илдизлар”, “Жар ёқасидаги чақмок” (1984), “Кумуш тола” (1988) сингари асарлар ёзган. Драматик асарлари ва пьесалари “Тонг б-н учрапув” (1987) китобига жамланган.

Шеърларида фалсафий теранлик кузатилади, мунаккидлар “интеллектуал шеърият” иборасини А.Муҳтор ижодига нисбатан қўллайдилар. “Чинор” романни афсона ва ривоятларини ўзига хос тарзда синтез килган, замондошларининг онги, шуури, калби ҳакидаги ҳакикатни янгича шаклларда ифода қилған роман сифатида эътибор қозонган. Адаб ҳаҳрамонлари фикрловчи, мушоҳада юритувчи, баҳслашувчи кишилардир. Бу хол унинг лирикаси учун ҳам ҳосдир. Узбек романчилигида А.М. романларига нисбатан илк бор “интеллектуал роман” ибораси қўлланилган (О.Шарафиддинов).

Софокл (“Шоҳ Эдип”), Шекспир (“Ричард III”), Шиллер (“Карокчилар”), Пушкин (“Мис чавандоз”, “Хасис рицарь”), Лермонтов (“Испанлар”, “Кочок”), Р.Тагор (“Табият интикоми”), Ю.О’Нил (“Қайрағоч соясида”), А.Исаакян (“Абул Аъло ал-Мааррий”) в.б. жаҳон адилларининг асарларини узбекчага тарж. қилган. “Ёш дўстларимга” (1971, 1980) адабий ўйлар ва эсселар китоби, “Уйку қочганда” (Тундаликлар, 1997) фалсафий мушоҳадалар муаллифи. Юзга якин адабий-эстетик ва публицистик мавзуда макола ёзган. А.М.нинг “Ўзим ва шеър ҳакида” автобиографик маколаси “Ад-тимиз автобиографияси” (Т., 1973) да эълон килинган.

Тошкентдаги Чигатой кабристонига дағн этилган.

♦ Аскад Муҳтор. Шеърлар. Т., 1966; Қуёш беланчаги. Т.: F.Фулом номидаги нашр., 1971; Асарлар. Т., 1980–83; Ёш дўстларимга. Т.: Ёш гвардия, 1971, 1981; Тонг б-н учрапув. Т., 1987; Тундаликлар (Уйку қочганда). Т.: Машавият, 1997; Хорижий драматургия Аскад Муҳтор таржимасида. Т.: Санъат, 2010; Шеър – шоир виждони. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2011.

• Сайимов Б. Аскад Муҳтор прозаси. Т., 1968; Каримов X. Аскад Муҳторнинг инсонни тасвирлап саннати. Т., 1972; Аскад Муҳтор замондошлари хотирасида. Т., ????, Ulugov A. Askad Muhtar / Türk Dünyası Edebiyatçıları Ansiklopedisi. Ankara, 2002. S.472; Раҳимжонов Н. Аскад Муҳтор поэтикаси. Т.: F.Фулом нашр., 2003.

АСҚАРОВА, Мазлума (1924–?) – тилшунос олим, филология фанлари доктори (1964), профессор (1966). ПФА аъзоси (1967). Ўзб-нда хизмат курсатган фан арбоби (1965). Тошкент ш.да туғилган. Низомий номидаги пед.инс-ти тамомлаган (1944) ва шу инс-тда умрининг охирига қадар ишлаган. “Ҳоз. ўзбек т.да равишдошлар” (1951), “Ҳоз. ўзбек т.да кўшма гапларнинг боғланиши тинлари ва усууллари” (1963) тадқикотлари муал.и. Олий ўкув юртлари учун дарслик ва қўлланмаларни нашрга тайёрлаган.

- ♦ Асқарова М. Ҳоз. замон ўзбек т.да кўшма гаишлар. Т.: Фан, 1960; Ҳоз. замон ўзбек т. 2-кисм. Синтаксис. Дарслик. Т., 1965.
- Шукуров Ш., Базарова Д. Узбекское советское языкоznание. Т.: Фан, 1986. С.15-16.

АСХОБ (арабча: اصحاب - эга, эгалик килувчилар) – эгалик килувчилар, эришганлар. Тасаввуфда икки турли маъноси фарқланади: асхоби ишорат ва асхоби иборат. Зоҳирий илмларга эришганларга *ибора соҳиблари*, ботин илмига мансуб кишиларга *ишорат соҳиблари* деб айтилади. А. ишорат (ишорат соҳиблари) асхоби риёзат, асхоби мукошафа, асхоби сакинат, асхоби шариат, асхоби тарикат, асхоби муҳоҳада, асхоби кашф, асхоби гааррӯф (маърифат) каби маъноларни ўзида мужассам килган ҳолда, уларнинг ҳар бири ўз фаолияти доирасида кўлланилади.

~ *и дил* (арбоби кулуб ёки ахли дил) – кўнгил эгалари. Аллоҳ томон борувчи соликларга ишора килиб айтиладиганлар. Валийлар ва суфийларга нисбатан қўлланилади.

~ *и расс* (арабча: қудук эгалари) [мифология] – арабларнинг қад. эзлатларидан булиб, Куръони каримда ад (25:40) ва самуд (50:12) қавмлари қаторида эсланади. А.р. Пайғамбар (с.а.в.)га ишонмаганлари учун Ер юзидан йўқотилган. Ханзала Мухаммад Пайғамбар хабарини келтирганда, унга ишонмай, Ханзалани қудукка ташлашган. Шу гуноҳлари учун Ер юзида бу қавм сақланмаган.

- Миғи народов мира. М.: СЭ, 1980. С.119.

~ *и руҳун* – гаров эгалари. Шундай кишиларга айтиладики, тижорат ахли каби ўз амаллари учун гаровга мукофот олишиади.

~ *и сакинати кубро* – улуғлик макомининг эгалари. Улар шундай кишиларки, уларнинг кўнгиллари малакутий нурлар б-н мунаввардир. Уларнинг қалби тажаллиёт партави (нури) ва илоҳий файзиётлар б-н ором топади (*Суҳравардий, Ҳикмату-л-ишроқ* 250).

~ *и сир* – сир эгалари; тасаввуфда сир макомига қадам қўйган, кўзга куринмаган, бироқ қалблари илоҳий нур б-н коришган жиҳатларга эга бўлганларга айтилади. А.с.га ахғоси аткис ҳам дейилади. Булар мавжуд бўлса ҳам танилмайди, куринса ҳам ўзларини билдирумайди. Шундай кишиларки, улар назардан яширин бўлишиади. А.с. ҳакида шундай ёзилган: "Қачонки ҳозир бўлсалар, хеч ким уларни танимайди, қачонки ғойиб бўлсалар, бутунлай йўқ эмасдайлар, қачонки уларни курсалар, хеч ким уларга эътибор бермайди ва улар яширин ва парҳезкордирлар (*Кошоний, Шарҳи манозил ус-соирийн*).

~ и сукр – илохий жазба ахли, мажзублар. Сукр – мастилик ҳолати, яъни мастилик. Бирок ичкилиқдан жисмоний мастилик эмас, балки сулукдаги жазба ҳолати. Бу – ваҳдат ва тавхид бодасидан, малакут нурлар ҳароратидан мастилиқdir. Авлиёларнинг ҳар хил сукр ҳолатлари мавжуд: баъзилари сукр арбоблари булиб, мастилик ҳолатида покиза дилларидағи илохий сирларини очиб ташлашади. Бошқа бир сукр ахли эса агар мастиликда айтиб қўйсаларки: мен дарё булоги-чашмасиман, унинг бехуд (ўзида эмаслигидан) ажабланмаслик керак. (*Лоҳижий, шарҳи Гулшани роз.* 29)

Наз хии бошам огаҳ ва наз қатра ни зи мавж,

Дар баҳри жарф бихуди ар гутаи хурам.

Таржимаси: Ўзим кошимда огоҳман, найнинг катраси олдида мавж-түлқиндан бехудликнинг чукур дентизига шўнгисам айб килмангиз.

• Сажжодий С.Ж. Ирфоний истилоҳлар ва иборалар лутати // Сино. 2010. № 37-40. Б.173-174.

~ и сүффа – сүффа ахли. Мадиналиқ факирлар ва мухожирлар. А.с. Саодат асри (Мұхаммад пайғамбар (с.а.в.)нинг ҳаётлик даври)да Мадина ш.да пайғамбар масжиди сүфаси (айвонида) яшашган. Сүфийлик фирмаларининг ҳар бири ўз шажаралари номларини улардан олишган. А.с. пайғамбар (с.а.в.)га юксак садоқатда булишган. Мұхаммад пайғамбар (с.а.в.) уларнинг факру факир, чин дилдан Худога ибодат килювчи инсон эканликларини гапириб, дуои хайр килгани ва мактагани тўғрисида ривоятлар мавжуд. Ҳужвирийнинг “Кашфу-л-маҳжуб” асарида А.с. сифатида Абу Ҳурайра, Салмон Форсий, Абу Зарр, Сұҳайб Румий, Абу Муса Ашарий в.б. келтирилади.

~ и фу́тух – файз эгалари. Илохий олам (кудсий олам)га вакил қилингандар (мутаваккиллар)га А.ф. дейилади. Чунки уларнинг озуқалари маънавий озука, руҳоний ҳаёт ва файзлар (футухлар)дан иборат.

~ и шариат – шариат ахли. Шариатта эргашувчиларга нисбатан айтилади. Ҳожа Абдуллоҳ Ансорийнинг “Кашфу-л-асрор” асарида А.ш.нинг тариқат ахлидан фарқи англатилган. Шараъ (шариат) йўли кенг йўл булиб, курс (тариқат) ахли яқинлик йўлидир.

~ и шақоват – бадбахтлик эгалари. Жаҳаннам ахлига нисбатан айтишади.

• Uludağ S. Tasavvuf Terimleri Sozlüğü. İstanbul: Kabalci Yayınevi, 2005. S.56-57; Сажжодий С.Ж. Ирфоний истилоҳлар ва иборалар лутати // Сино. 2010. № 37-40. Б.173-174.

~ ул-қаҳф (арабча: ғор эгалари) – Ғор эгалари. Куръони карим (18:9-25) да ўз эътиқодини саклаш учун жоҳил ҳукмдордан ғорга яширинган бир неча киши (аник раками келтирилмаган) ва бир ит (Қитмир) ҳакида ҳикоят килинади. А.к. Аллоҳга илтижо қилиб, ўз эътиқодини саклашга ишоят сўраганларида улар узок давр (309 й.)га ухлатиб қўйилади. Улар уйғонгандарни орадан даврлар ўтиб, бошқа ҳукмдор таҳтга чиккан. А.к.дан

бири чүнтагида сакланиб қолған таңгани олиб, дүстларига егулик көлтирмокчи бұлғанида уни күрганлар ал-Мисоқ (юонон ҳұмандори)дан қолған бу пул үтмаслиги айтадилар. Мусулмонлар орасыда “ал-Мисоқдан қолған” ибораси эски, күхна маңноларидан күлланилади. Ислом мифологиясыда хикоятдаги Фор үрни турлича күрсатилған. Эфес (хоз. Турция), Уммоп, Сирія, Андалусия, хатто Марказий Осиёда дегувчилар бор.

• Крымский А. Семь святых отроков эфесских. М., 1914; Миры народов мира. М.: СЭ, 1980. С.119; Туркий тафсир / Ислом тасаввуфи маңбалари. Т.: Үкитувчи, 2005.

АТА САЛИХ – к.: Ота Солих

«АТАБАТУ-Л-ХАҚОЙИК» (“Хабату-л-хақойик”, XII–XIII) – Адіб Ахмад Юғнайіл асари Турция, Олмония, АҚШ в.б. хорижий мамлакатларда шу ном б-н юритилади. Асар номининг бириңчи әріфі (хамза) бўлиб, унга ҳеч кандай диакритик белги кўйилмаган. Шунинг учун бу әріфни Фитрат, Радлов каби олимлар “Х” ўқишган, Нажиб Осимбек (1918), Фуод Кўпрулу (1923), Рашид Раҳмати Арат (1944) в.б. турк олимлари “А.х.” деб ўқиганлар. Шундан турлича номланиш келиб чиққан. Турк тилига Рашид Раҳмати Арат томонидан 1951 й.да тарж. килинган ва “А.х.” номи б-н уч марта тўлиқ ҳолда нашир килинган (1951, 1992, 2006). Нашarda Самарқанд (Л нусха, Аё Суфийа кутубхонаси, 4012-ракамли), Истанбул (В нусха, Аё Суфийа кутубхонаси, 4757-ракамли; С нусхаси Тўпикапи саройи, 35552-ракамли), Анкара (Д нусхаси Узунқўпру, Сайд Али кутубхонаси; Е нусхаси Ҳожи Жаъфар Иброҳим кутубхонаси), Берлин (F нусхаси Пруссия фанлар академияси) нусхаларини ўрганиб чиқиб, асосан, А, В, С нусхаларини киёслаб “А.х.”ни туркчага ўтирган. Китобда батафсил сўзбоши, грамматик очерк ва изоҳлар бор. Шунингдек, “А.х.” 2006 й.ги нашрига А, В, С нусхаларининг ксерокопияси ҳам илова килинган.

Хорижтик олимлардан Броккселман, Самойлович, Радлов, Т.Ковалский, Ж.Дени, Боровков кабилар бу соҳада тадқиқотлар ёзганлар.

◆ Edib Ahmed b. Mahmud Yukneki. Atebetül-Hakayık / Hazırlayan Reşid Rahmeti Arat. Ankara: 2006. 528 s.

• Necip Asım. Uygur yazısı ile Hibetü'l-hakayık'ın diğer nüshası // Türkiyat. 1925. I. S. 227-233; M.Fuad Köprülü. Hibetü'l-hakayık // Milli tettebbülər mescmuası. Sayı 5. S.369-380.

АТАЛАЙ, Басим (1882–1965) – адабиётшунос ва тилшунос олим. Онадулиниң Ушок ш.да туғилған. Истанбул мадрасасыда таҳсил олған. Дорулмуаллиминни тутатиб (1910), Күниә, Трабзон ва Анкарадаги мактабларда дарс берған, мудирлик килған. Миллий таълим вазирилги (1910–19)да ишлаган. Олий мажлисда миллат вакили булиб (1920–46) катнашған. 18 й. Турк Дил Куруми (тил жамияты) раҳбари булиб ишлаган.

“Турк буюклари ва сиймолари” (1920–21), “Бектошийлик ва унинг алабиёти” (1921–22), “Турк тили воситалари” (1927), “Муяссирату-л-улум” (1945), “Исроф” (1950), “Санглох – лугати Навоий” (1950), “Араб ва турк тилларининг киёси” (1954), “Абушка луғати” (1970) каби тадқиқот ва

китоблар муаллифи. “Гангри китоби” (Куръони карим таржимаси, 1962), “Ат-тұхфату-з-закийа фи-л-лүғат-ит-туркийа” ва Махмуд Кошғарийнинг “Девону лүғоти-т-турк” асарларини (уч жилд ва индекси б-н, 1939-43) араб т.дан тарж. қылган.

- ◆ Kaşgarlı Mahmud. Divanı lugat-it-Türk. Çeviren: Besim Atalay. 5.Baskı. Cild 1-3 çeviri. Cild 4 Dizin. Ankara; TDK (Türk Dil Kurumu), 2006.
- ◆ Türk Dünyası Edebiyatçıları Ansiklopedisi. Ankara, 2002. Cild 1. S.528.

АТАЛАНТА БЕОТИЙЛИ (юононча: Atalanta) [мифология] – юонон мифологиясида малика, Схенейнинг кизи. Мифга күра, А. кийикдай тез югурувчи. А.га уйланмокчи бүлгап шаҳзодаларга тез югуриб, унга етиб олиш шарты күйилган. Мусобакада күплада номдор шаҳзодалар шартни баҗаролмагани учун катл қилинган. Ҳипумин исемли шаҳзода юграётіб, малика томонга олтин олмалар отади, бунга маҳлиә булиб секинлашган А.га етиб олади ва уни мусобакада енгади. Бошқа бир мифда А. овчи киёфасида тасвиirlанади. Малика А. сюжети айрим юонон муаллифларининг асарларидан урин олган.

- Шамсиддин Сомийбек. Комусу-л-аълом / А.Юнусов тарж. ҮзР ФА Ад-т музейи. Күләзма. Б.56; Овидий. Метаморфозы. Л.: Academضا, 1937; Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.120.

АТАР (Авесто) [мифология] – “Авесто”га күра, ўт тимсолининг персонификацияси (шахслантирилгани), хинд мифологиясида, жумладан, “Ригведа”да ўт, оловнинг доимий сифатловчиси. “Авесто”нинг гоҳ (гат)лари бүйича мустақил ҳаракат қымайдыган тимсол сифатида талқин қилинади. “Кичик Авесто”да А. Ахурамазда ўғли (Ясна 17, 1), яъни алоҳида шахс сифатида курсатылган. Кад. форс тақвимида “утта топиниши” ойи мавжуд булиб, олов б-н боғлик бир катор маросимлар бор. Бундай маросимларни Накши Рустам барельфида, саклар ва хоразмликларининг қад. одатларида ҳам кузатиш мүмкин.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.120.

АТАРАКСИЯ (юононча: ataraxia – безовта қымаслық, осойишталық, хотиржамлық) [поэтика] – бадий асарнинг проблемасизлиги, бирор муаммони акс эттирмаслық холати. Юонон ахлоқшунослигидаги рухий осойишталыкни англатувчи тушунчадан олинган. Юонон олимлари Демокрит, Эпикур томонидан ишланган таълимит. Бадий асардаги сокин тасвиirlар, кескин муаммолар йүклиги, қаҳрамонлараро интрига ва конфликтсизлик А.га мисол була олади.

- Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асерель-Аст, 2003. С.51.

АТАСҰЗУ – түрк т.да мақоллар шу ном б-н юритилади, к.: Мақол.

АТАТУРК, Мустафо Камол Пошо – к.: Отатурк.

«АТВОҚУ-З-ЗАҲЛБ» (1130) – Маҳмуд Замахшарийнинг асари. Тұлға номи: “Атвоку-з-заҳаб фи-л-мавоъиз ва-л-хутаб” (“Үгит ва насиҳатларнинг олтин шодалари”). Айрим манбаларда: “Насойиху-с-сигар” (“Кичикларга насиҳатлар”) деб аталған шоҳлар ва қарияларга насиҳат сифатида юз мақоладан иборат асар. Ихчам ва гүзал тарзда ҳикматлар шодаси каби тартиб берилған. Ҳар бир мақола мавзуга оид Куръони каримдаги ояты карима б-н тугалланған. А.з. таъсирида Шарафиддин Исфаҳоний (ХІІІ), Мухаммад Амин ибн Иброҳим (XIX), Мирзо Юсуфхон Аштиёний, Ахмад Шавкій (XX) в.б. шу йұналишда асарлар битишган.

◆ Замахшарий М. Олтин шодалар / Туркчадан М.Маҳмуд ва Н.Рахим тарж.си. Т., 2010.

• Исломов З. Қымматли манбалар силсиласи // Имом ал-Бухорий сабоклари. 2010. 2-сон. Б. 109–111.

АТЕЙ (~ м.а. 429–339) – скифлар ҳукмдори. А. даврида скифлар ерлари кенгайған, Дунай ортидаги Добруджа, Бужок (Гет) саҳроси кабилар қүшиб олинған. Филипп II нинг босқини туфайли унга қарши жаңгда ҳалок бўлған.

АТЕЛЛАНА (лотинча: Atella – Италия жанубидаги ш. номидан) – итальян ҳалқ комедиясининг тури. Кад. Римда м.а. III асрда вужудга келған. Комик саҳна ва қўшиклардан иборат жанр, кўпроқ кишлоқ мавзууда ижро этилған. Жанрнинг хусусияти шундаки, унинг иштирокчилари никоб б-н саҳнага чикишган, асосий персонажлари Маккус, Паппус ва Букко. А. анъаналари Европа драматургиясида давом этган. А. намояндлари Квинт Невий, Луций Пампоний, кейинрок Муммий.

• Краткая лит-ная энц-я. Т.1. М.: СЭ, 1962. С.351; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асель-Аст, 2003. С.51.

АТЕНЕЙ (~ II–III) – I. юонон нотиги ва тилшуноси. “Сұхбатлар таълимоти” асарининг муаллифи. Асарда қад. Юнонистондаги фан ва илмнинг турли соҳалари бўйича билдирилган қарашлар сұхбатлар тарзida баён қилинған.

II. «А.» номли адабий давра, унинг иштирокчилари томонидан чиқарилған альманах ҳам шу номда.

АТЕТЕЗА [поэтика] – муаллиф матнини тиклашда атайлаб мистификацияга йул қўйиши, бу асар аникланған муал.га тегишли эмаслигини исботлаши жараёни. Бу ўринда матнни комплекс текшириш оркали матн муал.и деб расман эълон килинған маълумотга антитета тайёрланиб, бу матн унга тегишли эмаслиги исботланади. Юонон эпоси “Илиада” ва “Одиссея”нинг Гомер томонидан яратилғани аникланған. Мас., XX аср 20-йилларидан матбуотда Навоийнинг форсий шеърлар түплами – «Девони Фоний» топилғани ҳакидаги хабар тарқалади. Фитрат домла бу девонни синчилаб текшириш натижасида ушбу түплам, Алишер Навоий – Фоний девони эмаслигини асослаб, “Навоийнинг форсий шоирлиғи ва форсий девони тұғрисида” маколаси (1926)ни эълон килади. Күп йиллар давомида Лутфийга

тегишили деб ҳисобланган “Гул ва Наврӯз” достони унинг асари эмаслиги манбалардан маълум бўлди. Ёки “Юсуф ва Зулайхо” достонининг муаллифи Дурбек эмас, деган хуносага келинишида А. ҳодисасини кўриш мумкин.

- Николаев А. Атрибуция и атетеза в классической филологии // Древний мир и мы: Классическое наследие в Европе и России. СПб. Алтейя. СПб., 1997; Борев Ю. Словарь терминов текстологии и генетической критики. М., 2011. С.35-36.

АТИШАЙОКТИ (санскритча: ошириш, бурттириш) [поэтика] – санскрит шеъриятидаги бадиий воситалардан бири. Ўзбекча муболага истилоҳининг муқобили. Дандин, Бхамаха, Рудрата, Кунтака, Анандавардхана, Маммата, Виш-верваша каби санскрит назариётчилари муболагага шеъриятнинг энг муҳим тури деб таъриф беришган. Шеърда унинг меъёрини билиб кўллаш лозимлигини алоҳида таъкидланган. Европа атамасидаги гиперболатга мос келади.

- Гринцер П.А. Основные категории классической индийской поэтики. М., 1987; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.51.

АТКА [тарихий жараён] – ёш, вояга етмаган подшоҳ ёки хон ёнида туриб, унинг номидан давлат ишларини бошқаришга масъул этилган шахс. Бунда ёш шаҳзодага ўзига хос амалий тажриба мактаби сабоғини олиш имкони берилади ва келгусидаги масъулиятли вазифага уни олдиндан тайёрлаб борилади. Акбаршоҳ 13 ёшида таҳтга ўтирганда унга оталиқ қиласидаги тажрибали амир ва беклардан маҳсус киши қўйилган. Дастреб “Хон бобо” увонли Муҳаммад Байрамхон Шоҳ Акбарнинг А.си қилиб белгиланган. Аткахон исми б-н машхур бўлган Шамсиддин Маҳмуд Ганг дарёсида чуқаётган Хумоюншоҳни ўлимдан сақлаб қолган, шоҳ уни саройга олган ва Хумоюншоҳ вафотидан сўнг у Акбаршоҳнинг аввал А.си, кейинчалик бош вазири бўлиб хизмат қиласидаги А.лар XVI–XIX асрларда оталиқ номи б-н юритилган.

- Берк С.М. Акбаршоҳ – бобурийларнинг энг буоги. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2009.

АТЛАНТ (юононча исм: *Atlas*) [мифология] – юонон мифларига кўра титан, Иапед ва Клименанинг ўғли, Прометейнинг акаси. Мифга кўра, уни Персей тошга айлантириб қўйган. Титанлар б-н урушда Ер куррасини елкасида кутариб туриш топширилган. Унинг кизи Гесперида А. эриша олмаган олтин олмага етишади.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.121.

АТЛАНТИДА – Африканинг ғарбига жойлашган афсонавий орол. Зилзила туфайли уммонга чўкиб кетган. Бу ҳақда Гелланик Лесбосли (V) ва Афлотун «А.» ҳакида асар ёзганлар.

- История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.380.

АТЛАС (юононча *Atlas* – Атлант исмидан) – жуғрофий хариталар йиғиндиси. Биринчи марта географ Меркатор (XVI) томонидан истесьмолга киригилган. Унинг илк саҳифасида елкасида Ер шарини кутариб кетаётган Атлант (Атлас)нинг сурати бўлган.

АТЛИ (кад. исландча: *Atli*; олмонча: *Etsel*) – герман-скандинавия эпосининг бош қаҳрамони. Эпоснинг прототипи тарихий шахс – хуннлар кироли Аттила (434–453). Асарада А. томонидан Бургунд кироллигининг смирилиши (437) ва А. ўлими воеаси таъсирли тасвирланган. Исланд ва норвег сага (халқ киссаси)ларида ҳам А. тимсолида қаҳрамонлик тасвирланган.

• Гуревич А.Я. “Эдда” ва сага. М., 1979; Мифы народов мира. Т.1. М.: СЭ, 1980. С.121-122.

АТМАЖА (озарбойжонча: *atmaja* – ҳикматли ривоя, ҳикоя) [поэтика] – чукур маъноли, ҳикматомуз сўзлардан иборат ривоят ва ҳикоятлар. А. тарихий сиймолар ёки биографик асарлардан олинган ҳикматли ҳодисалар ҳам булиши мумкин. Бунда фалсафий умумлашма, ифода кескинлиги ва бадиҳагўйлик кўл келади. Мак., Имодиддин Насимидан сўрайдилар: “Нега сарғайиб кстдинг?” Жавобан шоир айтадики: “Мен ишқдан туғилган куёшман, куёш нурлари эса сарғиш бўлар”. Юон ҳикматидан: Сукротдан сўрадилар: “Сен денгиз сафарида булиб, қандай ажойибот кўрдинг?” Сукрот айтди: “Энг ажойиби шулдирки, мен денгиздан канорага саломат чиқдим”.

Бирор ҳодисанинг сабоқ бўларли кисми, мумтоз ҳикоятларнинг киссадан хиссани баён килувчи умумлашма байт, рубойй ёки мисра ҳам А. деб юритилади.

• Мирағимадов О. Өдабијатшунаслыг. Енциклопедик лутгат. Бакы: Азәрбајҹан сисиклопедијасы нәшријат-полиграфијај бирлији, 1998. Б.20.

АТОЙИ (XV) – ўзбек шоири. Балхда туғилган. Мумтоз шеъриятда ғазал жанрининг тараққистига хисса кўшган, ўзбек ва форс т.ларида ижод килган. Балх ш.да яшаган, яссавийлик тарикати шайхларидан Исмоил отанинг ўғли. Мирзо Улуғбек саройга бир канча шоир ва олимларни таклиф этганда, улар орасида А. ҳам бор эди. А.нинг биргина девони (“Девони Шайхзода Атойи”) маълум. Девонда шоирнинг 260 ғазали жамланган бўлиб, Россия ФА Санкт-Петербург бўлимида сакланади (С.р. 22В-2456). А. ҳақида ҳазрат Навоийнинг шундай эътирофи бор: “Балхда булур эрди. Исмоил ота фарзандларидиндур, дарвешпаш ва хушхулқ, мунбасит (кувнок) киши эрди. Туркигуй эрди. Ўз замонида шеъри атрок орасида куп шуҳрат тутти. Бу матлаъ аниңдурким:

Ул санамким сув яқосинда паритеқ ўлтурур,

Гояти нозулгугидин сув била ютса булур.

Қоғиясида айбинаси бор. Аммо Мавлоно кўп туркона айтур эрди. Қоғия эҳтиётига муқайяд эмас эрди. Қабри Балх навохисидадур”. А. шеъриятида ғазал жанри етакчилик килади, уларнинг аксарияти тасаввуфий руҳда. Тил ва услуб жихатидан халқ ижодига якин бўлиб, халқ иборалари, таъбирлари,

маколларига бойлиги б-н ажралиб туради. Бу омиллар шоир ғазалларининг ҳалқчиллигини таъминлаган.

- ◆ Ўзбек ад-ти намуналари (туз. проф. Фитрат). Т.: 1928; 2. *Атойи. Ғазаллар* (нашр. тайёрл. Э.Рустамов). Т., 1958; Избранные газели. Т., 1960; Кровное слово (Перевод С.Иванова). Т., 1981; *Атойи. Ғазаллар / Ҳаёт васфи*. Т., 1988; Дсвон. Т., 2009.
- Алишер Навоий. Мажолису-п-нафоис / Асарлар. XII т. Т., 1966. Б.62-63; Рустамов Э. Узбекская поэзия в первой половине XIX века. М., 1963; Рафиддинов С. Атойининг поэтик маҳорати. Т., 1995; Мажоз ва ҳакикат. Т., 1998.

АТОМИЗМ (юнонча: atomos – бўлинмас) [эстетика] – фалсафада билиш назариясининг тарқалишида алоҳида рол ўйнаган Левкипп ва Демокрит эстетикасига асосланган. Демокрит таълимоти буйича инсоннинг вакгини хуш ўтказишли хушкунгиллик (кўнгилхушлик эмас) билан боғлик. Хушкунгиллик ахлоқи гўзаллик эстетикаси билан боғланади. Олим ёзадики, ҳар кандай ҳузурланишга интилмаслик керак, фойда келтирмайдиган ҳузурланишдан воз кечиш талаб этилади. Демокрит гўзаллик эстетикасида меъёр категориясини илгари сурган бўлиб, унингча, энг хуш кўринган нарса, ноҳушликлар келтириши, кўнгил хушлиги кўнгилсизликка сабаб бўлиши мумкин.

- Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энг-кий словарь. М.: Асерель-Аст, 2003. С.51.

АТОУЛЛОХ ҲУСАЙНИЙ (XV аср ўртаси – 1513/15.XII) – асли нишопурлик шоир ва олим, «Бадойиъ-с-санойиъ» муал.и. Тўлик номи: Амир Бурхониддин Атоуллоҳ Махмуд Ҳусайний Нишопурийдир. Манбаларда аллома ҳасти ҳакида маълумот кам учрайди. Ҳиротда ўқиган ва Султония, Рафия, Ихлосия мадрасаларида дарс берган. Кейинроқ Машҳадга кўчиб ўтиб, унинг илмий ва мударрислик фаолияти ўша ерда давом этган. Навоийнинг “Мажолис...”ида А. шундай тавсифланади: “Бовужуди донишмандлик, шеър ва муаммо ва саноеъда дағи маҳорат пайдо килди ва муаммога кўп машғул бўлур эрди. Ҳоло сабак қасратидин анга авкоти вафо килмас, аммо саноеъда китобе тасиғ килибдур “Бадоъи Атойий”га мавсумлур. Эмди баёзга борди. Маълум эмаским, бу фандаҳаргиз ҳеч киши онча жамъ ва муфид китоб битимиш бўлгай. Бовужуди ихтисор маклуби муставий (араб ёзуви буйича ўнгдан ҳам, чапдан ҳам ўқилиши мумкин бўлган шсър) санъатидаким, андин мушкулроқ санъат бўлмас, бу байт ул рисолада анинг хосса байтидурким:

Шаккар даҳано, гаме надорад,

Дайр ову наий мугона даркаш.

Анинг табии диккатига бу байт далили басдур”.

Ҳазрат Навоийнинг ушбу сўзлари айни ҳакиқат экани нафакат ушбу байтда, балки форс т.да илми бадеъга доир мукаммал асар яратганида ҳам кўринади. Муаллиф ўзи ҳакида «Умримнинг бошларида, фарогат ёшларида бу қалинада дилрабо назму санъаткорона нутқҳа табиатан комил бир майл бор эрди ва имкон борича ушбу фан била машғул бўлур эрдим. Тангрига ҳамду шукрким, ул асарлардин ҳар неким, замона саҳифасида зоҳир бўлса, улугу кичик қошида манзуру мақбул бўлди» деб ёзади. Шунингдек, балоғат

ёшида бадиият илмига доир мукаммал бир китоб ёзмокчи эканини ҳам эслатади: «*Агар қаромат соҳиби қарам айласа, «Такмилу-с-синоъ»*» («Мукаммал санъатлар») китоби ёзилгай ва анда шеърнинг жамиъ фунуни муфассалу мукаммал баён этилгай». Бобур у ҳақда: “*Яна Мир Атоуллоҳ Маҳҳадий эди. Арабий тилини яхши билур эди. Коғияда бир форсий рисола битибдур, тавре битибдур, айби будурким, амсила (мисол) учун ташом узининг абётини келтурубтур*” (“Бобурнома”, 179а). Алишер Навоий “Бадойи Атойи” деб атаган “Бадойиъу-с-санойиъ” асари форс т.ида ёзилган бўлиб, олий мадрасаларда бадиият илмидан дарслик-қўлланма сифатида фойдаланилган. Асарнинг матни Санкт-Петербургдаги Салтиков-Шчедрин кутубхонасида сакланади.

- *Атоуллоҳ Ҳусайнӣ. Бадойиъу-с-саноъ /* Форсчадан А.Рустамов тарж. Т.: F.Гулом номидаги нашр., 1981.
- *Алишер Навоий. Мажолису-н-нафоис /* Асарлар. Ўн иккинчи том. Т.: Фан. 1966. Б.122-123; *Шайхзода М. Навоийнинг шеърунуос шогирди /* Асарлар. 4-т. Т., 1974; *Ғиёсiddин Ҳумомиддин ўғли Ҳондамир. Ҳабибу-с-сийар фи ахбори афроди башар.* Т.: Ўзбекистон, 2013. Б.1101-102.

АТМАН (санскритча: бошланиш) – хиндуизм фалсафасидаги марказий тушунчалардан бири. Рухий дунёнинг ибтидоси тушунчасини англатади.

- Шарқ фалсафаси. *Низомиддинов Н.Ф. Жанубий, Жануби-шаркий ва шаркий Осиё ҳалқлари кад. тарихи, диний эътиқоди, маланияти.* Т., 2010.

АТРАХАСИС – аккад мифологиясидаги қаҳрамонлардан бири. А. ҳакидаги мифнинг кўхна Бобил (м.а. 2 мингинчи йиллик урталари), Ассирия (м.а. 1 мингийллик) версиялари мавжуд. Она маъбуд Энлил ўзи яратган одамларнинг шумлигини кўргач, уларни йўқотмоқчи бўлиб, бир катор оғатлар (вабо, очлик, курғокчилик)ни юборган. Одамлар маъбуд Энки срдамида бу оғатлардан кутиласилар ва инсоният кўпайишда давом этади. Янги юборилган оғатдан кемада ўз оиласи, уй ҳайвонлари б-н факат А. сакланиб колган. Маъбудлар унга бокий ҳаёт ато этган эмишлар. Бу сюжет “Билгамиш” эпосида ҳам сакланган.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.123.

АТРИБУТ (лотинча: *atributio* – ўзгармас сифат) [матншунослик, лингвистика] – нарса ва ҳодисанинг ўзгармас муҳим мояти. Фалсафада тушунча объектининг зарур, муҳим хусусияти. Mac., нутқда карашлилик, бирор предмет ёки ҳодисанинг доимий сифатловчиси. Бад. асарнинг муаллифи, ёзилиш ўрни ёки даврига оид зарур белги ва хусусиятлар. Тилшуносликнинг синтаксис кисмida аниқловчига нисбатан ҳам А. истилохи қўлланилиди.

- Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энц-кий словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. С.78.

АТРИБУЦИЯ (лотинча: *attributio* – нисбат бериш, аниклаш) [матишунослик, ижодий жараён] – муаллифи номаълум бадиий ёки илмий асарнинг муаллифи, ёзилиш ўрни ва даврини тиклаш; муаллифи аникланмаган асарнинг муаллифини аниклаш. А. бад. асар таххили, яъни унинг услуби, т. ва бошка жихатларини таххил килиш орқали амалга оширилади. А.да социологик, лингвистик ва стилистик таххил тамойиллари орқали иш курилади. А. матишуносликнинг илмий муаммоларидан биридир. XIX асрдан А. тиклашда услубий таххил стакчилик кильмоқда. А. ни аниклашда месмуар ва эпистоляр жанридаги асарлар мурожаат ҳам лозим булади. А. тулиқ ёки қисман бўлиши мумкин. А. ёрдамида бирор асарнинг муаллифлиги узилкесил тикланса, тулиқ А.; агар унга даҳлдор бирор унсур ёки белги аникланса, қисман А. содир булади.

- Томашевский Б. Писатель и книга: Очерк текстологии. Л., 1928; Ланн Е.Л. Лит-пая мистификация. М.-Л., 1930; Реставрация и исследование художественных памятников. Сб. М., 1955; Берков П.Н. Об установлении авторства анонимных и псевдонимных произведений XVIII в. // Русская лит-ра. 1958. № 2; Виноградов В.В. Проблема авторства и теория стилей. М., 1961; Рейсер С.А. Палеография и текстология нового времени. М.: Просвещение. 1970. С.212-255; Николаев А. Атрибуция и атетеза в классической филологии // Древний мир и мы: Классическое наследие в Европе и России. СПб.: Алетейя. 1997; Введение в лит-ведение / Лит-ное произведение: основные понятия и термины. М., 1999. С.408, 416; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энг-кий словарь. М.: Асель-Аст, 2003. С.51; Борев Ю. Словарь терминов текстологии и генетической критики. М., 2011. С.37.

MATH ~ си – бирор адабий ёки тарихий матн А.ни тиклаш. М.ада тарихий хужжатлар ва архив материаллари, бир даврга тегишли матнларнинг кийсий тадқиқи, матн котиби, хат тури, хаттотлик мактаби; уни китобат килиш жараёни, китоб материали (коғоз, сиёҳ, муқова в.б.) иштирок этади. Уларни ўрганишда замонавий таххил усуслари макро- ёки микросъёмка, рентген, лазер ва ультрабинафша нурларидан фойдаланиш ҳам мумкин. А.ни тиклашда матишунослик б-н бир қаторда, тазкира ва рисола (трактат)ларнинг алоҳида ўрни бор. Чунки кўлэзмаси тўла сакланимаган асар муал.и ҳакида унинг замондоши бўлган тазкиранавис ёки рисола муал.и мазкур асарнинг кимга тегишли эканини аниклашга ёрдам бериши мумкин.

- Лихачев Д.С. Вопросы атрибуции произведений древнерусской литературы. // ТОДРЛ. т.17. М.-Л., 1961; Николаев А. Атрибуция и атетеза в классической филологии // Древний мир и мы: Классическое наследие в Европе и России. СПб. Алетейя. СПб., 1997; Введение в лит-ведение / Лит-ное произведение: основные понятия и термины. М., 1999. С.408, 416; Борев Ю. Словарь терминов текстологии и генетической критики. М., 2011. С.38.

АТРОК (арабча:  – турклар) [этногенетика] – туркий кавмларга бериладиган умумий ном, ўзбек халқи этногенезисида асос бўлган кавм, кабила ва уруғлар йиғиндиси.

АТТИКА (юонча: *Attikos* – кад. Юонистондаги ш.) – кад. Юонистондаги вилоят. Афина атрофидаги худудларнинг А.га бирлашуви Тессей даврида содир бўлган. Ҳозирги Грецияда ҳам А. номли маъмурий-худудий бирлик

сакланган. Бу худудда яратилган адабий асарлар үзига хос жиҳатларга эга. Юон адабий анъаналарининг янгиланиши А. ад-ти б-н боғлик.

• История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.439.

АТТИКИЗМ (юонча: Attikos – қад. Юонистондаги ярим орол) [риторика] – қад. юон ва Рим риторикасидаги адабий оқим. М.а. II асрда азианизмга рақобат килувчи йўналиш сифатида шакланган. А. назариётчisi Дионисий Галикарнасли, унинг вакиллари наср ва драматургияда уч юз йил аввалги анъаналарни тикламокчи булганлар. Кейинчалик мумтоз ад-тнинг т. меъёрларига муносабатда азианизм б-н мунозара килиб сиғиб чиқкан ва аттик наср талабларига уларга ҳам бўйсуниб, унинг таркиби сингиб кетган.

• Краткая лит-ная энц-я. Т.1. М.: СЭ, 1962. С.355; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асрель-Аст, 2003. С.52.

АТТИЛА (в.453, хуннча: Худонинг балоси) – туркий қавмлардан бири хуннлар иттифоки етакчиси, Европада хуннлар давлатининг асосчиси. “Худонинг газаби” лакаби б-н машхур. V асрда марказлашган Хунн давлатини барпо этган ва бошқарган (434–453). Венгрия (можар т.да Hungagу)да ўзи б-н ҳамхукмдор бўлган акасини ўлдириб (445), яккаҳокимликни кўлга киритган. Волгадан Дунайга кадар хуннлар, германлар ва сарматларни бирлаштирган. Галлия, Германия, Шим. Италияни ишғол этган. А. иттифоки таркибиға остиллар, гепидлар, геруллар, ругийлар, ҳазарлар в.б. кирган. А.нинг қароргоҳи Можаристоннинг Токай ш. бўлган. Мизия, Фракия, Иллирия (хоз. Хорватия) ва Константинополни ўзига бўйсундирган. Фарбда Германия ва Римни истило килган. Паннонияга келиб, Бургунд маликасига уйланаётган пайтда заҳарлаб ўлдирилган. А.нинг ўғли Эрнак даврида хуннлар мустакилликни қайтариб олганлар. Кейинроқ унинг иттифоки тарқаб кетган. Ҳалқ томонидан А. ҳақида қўшиқ ва достонлар тўкилган.

Хуннлар (VI–II мингйиллик) даври Европа ва Осиёда то м.а. II асрغا мавжуд бўлган. Хитойдаги Хан империяси (м.а. 202-милодий 220 йиллар) б-н ўзаро маданий алоқада бўлгани Хитой манбаларида кайд этилади. Хунн сулоласининг асосчиси сифатида Тўнгу (хитойча Чүнвей, Чүнгбаг)нинг кўрсатилиши (м.а. 1200 йиллар) хуннлар даври узоқ давом этганини англатади. Хунну хитойча: бегона, яъни хитойлик эмас, бефойда, натижасиз маъноларини билдиради. Катта комус (БСЭ)да Урал ва Марказий Осиёдаги кўчманчи элатлар туркий қавмлар деб тавсифланиб, хуннлар уларнинг кейинги Фарбга караб юришлари туфайли Европани забт этгани т.га олинади. Хунн-ну Ши-Цзу, яъни Хунну бу қавмнинг асосчиси эканини ёзади. Хуннлар Шимолий Хитой, Муғулистан, Ордос, Гансу, Фарбда Касбий денгизи буйлари ва Кавказ тогларигача, Шарқда Буюк Хитой деворигача, Жанубда Хиндистон ва Тибетгача бўлган улкан худудда яшаганлар. М.а. I асрда улар бир печа кабилавий иттифокларга, яъни Шаркий иттифоқ б-н Фарбий иттифокка булиниб кетган. Фарбий иттифок Европага кетиб, Шим. Кавказда алланлар

давлатини, Фракияда готларни, А. даври (434-453)да Шаркий Рим ва Византияни бўйсундирган. Уларнинг авлодлари хозирги Можаристон (Хунгари)да сакланиб қолган.

- *Турғун Олмос*. Кисқача хўшлар тарихи. Кашиғар, 1986 (араб ёзувид); Гумилев Л. Хунну. Москва: Изд. Восточной лит-ры, 1960; *Иностранцев К.А.* Хунну и гунны. Л., 1926; *Бернштам А.Н.* Очек истории гуннов. Л., 1951; БСЭ. т.7. М.: СЭ, 1972. С.450; Раҳмонов Н. Турк хоқонлиги. Т., 1993.

АТТИТЬЮД (инглизча: *attitude* – вазият; муносабат) [ижод психологияси] – кўриш орқали идрок этишин тайин килиш. Эстетик туйгуларни онгизсиз равишда тўғридан-тўғри идрок этиши орқали хиссий кўникума хосил килиш. Аналитик тафаккурнинг зидди.

- *Власов В., Лукина Н.* Авангардизм, модернизм, постмодернизм / Малый лексикон искусства. СПб.: АЗБУКА Классика, 2005. С.41.

АТТОР, Фарииддин (1148–1221) – буюк мутасаввиф ва шоир. Асл исми Абу Ҳамид Мухаммад ибн Абубакр Иброҳим булиб, "Фарииддин" (диннинг ягонаси) унга берилган тавсифий унвондир. Нишопур яқипидаги Шодяҳ кишлогида туғилган. Шайх Мажидиддин Бағдодий, Шайх Рукниддин сингари суфийлардан таътим олган. Ҳаж сафарини ўтаган, Миср, Ироқ, Шом мамлакатларининг турли ш.ларида саёҳатларда бўлган. Шеърий асарлар, манзума ва достонлар битган. "Девон"и асарлари каторида саналади. Тазкираларда 190 дан ортик асар ёзгани айтилган. Давлатшоҳ Самаркандининг "Тазкирату-ш-шуаро" асарида унинг шеърий асарлари ҳажми 250 минг байтта якин деб кўрсатилган. Асосий илмий-фалсафий ва тасаввуфий руҳдаги асарлари: "Ҳайдарнома", "Жавоҳирнома", "Шарҳу-л-қалб", "Хусравнома" (ёхуд "Гули Хусрав"), "Асрорнома", "Мусибатнома", "Мухторнома", "Илоҳийнома", "Булбулнома", "Панднома", "Меърожнома", "Тумгумнома", "Вуслатнома", "Уштурнома", "Жавҳару-з-зот", "Ҳайлож", "Мазҳару-л-ажойиб" («Мўжизаларнинг кўриниши»), "Лисону-л-ғазаб" в.б.

А. асарларида тасаввуфнинг асосий масалалари: иймон, тавҳид асрори, шир-муршид муносабати, солик ва сулук йўли, тариқат макомлари (тавба, вараъ, факр, сабр, таваккул, ризо), водийлари (талаб, ишқ, маърифат, истиғно, тавҳид, ҳайрат, факру фано) в.б. бад. тимсоллар орқали акс эттирилган. «Мантику-т-тайр» асари (1175) Имом Газзолийнинг "Рисолату-т-туйур" асари таъсирида сэзилган ва ўз навбатида Алишер Навоий, Гулашхрий в.б.га таъсири үтказган. А. асарларининг таъсири хусусида Жалолиддин Румий: "Аттор рух эди, Санойи унинг икки кўзи / Биз Аттор ва Санойи изидан келдик" деган таърифи бежиз айтилмаган. А.нинг тўқсон стти нафар машҳур суфийлар ҳаёти ва ҳолоти зикр қилинган "Тазкирату-л-авлиё" асари мусулмон Шарқида энг куп тарқалган китоблардан бирилди. ЎзРФАШИда А. асарларини ўз ичига олган 17 қўлёзма сакланади.

- *Шайх Фариуддин Аттор*. Куллиёт. Лакхнау, 1872; İslâm Ansiklopedisi. 2.cild. İstanbul: Millî Eğitim Basımevi, 1986. S.7-12; Тазкират -л-авлиё / Форс. т.дан Мирзо Кенжабек тарж. Т., 1997; Мантику-т-тайр / Форс. т.дан Жамол Камол тарж. Т.:

Фан, 2006. 400 б.; Мантику-т-гайр / Н.Комилов ва М.Махмудов насрый баёнида. Т.: 2006; Илохийнома / Форсийдан Жамол Камол тарж. Т.: Musiqa, 2007. 400 б.; Асрорнома / Форсийдан Жамол Камол тарж. Т.: Тамаддун, 2012; Тақириат ул-авлий / Тарж. М.Хасаний, Х.Аминов, А.Мадраимов. Т.: F.Гулом помидаги пашр., 2012.

- Бертельс Е.Э. Навои и Аттар / Суфизм и суфийская литература. М., 1965; Алишер Навоий. Мажолису-и-нафоис / МАТ. Т.: Фан, 1997. Б.235; Шайх Фариуддин Аттор Нишибурининг хаёти ва ижоди. Халқаро илмий конференция масалалари. Т., 2004; Азизий. Фариуддин Аттор // Жаҳон адабиёти. 2009. 12-сон. Б.122-155.

Ат-ТАРИК – к.: Тарикат.

АТФИЛД, Робин (1941 й.т.) – инглиз файласуфи, ахлоқий экология мутахассиси. 1968 й.дан Англиядаги Кардифф ун-тида дарс берган. Экологик ахлоқда консерватив оқим тарафдори. Фарбий Европа анъанавий фалсафий ва маданий меросида “табиатни бошқариш” хукмидан келиб чиқиб ёндашиш мумкин эмаслигини исботлаган. Шу нұктай назардан *ахлоқий атомизм, холизм тарафдорларини танқид* остига олган.

- Современная западная философия. М.: ИПЛ, 1991. С.28-29.

«АТҲАРВАВЕДА» [мифология, диншунослик] – хиндларининг буддавийликка қадар бўлган эътиқодини акс эттирувчи диний асар. Ага ад-т едгорлиги сифатида ҳам қаралади. М.а. IX-VIII асрларда турт шсьрий ва насрый асрлардан иборат қилиб тузилган ведалар тўплами: Ригведа – мадҳ (гимн)лар ведаси; Самаведа – қўшиклар ведаси; Яжурведа – курбонлик сўзлари ва коидалари тўплами ва А. – зодагонларнинг ҳикматли сўзлари ва карғишлари жамланган тўплам. А. асари қад. хиндларнинг дини, маданийти ва урф-одатлари ҳакида ҳам маълумот берувчи манбадир.

- История всемирной литературы, т.1. М.: Наука, 1983. С.439.

АУДИОВИЗУАЛ САНЬЯТ (лотинча: audio – эшитиш, visuakis – кўриш) – ҳам эшитиш, ҳам кўриш асосида санъат асарининг таъсирчанлигини ошириш, бунинг натижасида идрок этишни алоҳида тафаккур типи сифатига кутаришдан иборат. XX-XXI асрларда анъанавий номдаги тасвирий санъат ўрнини А.в.с. эгалламоқда. Бу *вербал* (оғзаки, сўз орқали) санъатнинг зидди бўлиб, факат сўз орқали ифодалаш камлик қиласи, унинг ёнига мусика, расм, кино, клип в.б. синтетик усуллар кўшилган ҳолда ўкувчи (томушабин)га етказилади. Mac., интернет ад-ти (*синература*)нинг вужудга келиши билан китобхонга ёлғиз матнгина тавсия килинмайди, балки унга ишланган суратлар, слайдлар, чизма ёки мусика журлити кабилар тавсия этиладики, бу матнни тушунишга ёрдам бериши керак. А.в.с.нинг ифодачиси сифатида *видео-арт, виртуал реаллик, кинематик санъат, компьютер графикаси, оп-арт* каби тушунчалар кужудга келган.

- Власов В., Лукина Н. Авангардизм, модернизм, постмодернизм / Малый лексикон искусства. СПб.: АЗБУКА Классика, 2005. С.41, 65-66.

АУКТОР, АКТОР (латинча: *auctor* – ижодкор, адаб) – ровий, бадиј асар баёнчиси ёки баён олиб бораствган қаҳрамон. Австриялик олим Ф.Штенцель (1955) томонидан ад-т илмига киритилган, Ю.Кристева, Ж.Женетт, Я.Линтвельт томонидан давом эттирилган. Ад-тшуносликнинг А. б-н бевосита шуғулланувчи кисми *нarrатология* деб юритилди. А. китобхонга асарнинг қаҳрамонлари түғрисидаги ўз талкинини тавсия этади, айрим уринларда китобхонни ўзига эргаштиради. А. икки шаклда муаллиф ва қаҳрамон вазифасида келади. А. муаллиф сифатида асарни баён килгандা воеаларга нисбатан холис бўлади, ўзининг муносабатини очик баён қилмаслиги мумкин. А. персонажлардан бири сифатида бадиј асарда қатнашганда у, табиийки, воеаларга аралашиди, бошқа қаҳрамонлар б-н муносабатга киришади, улар ҳакида ўз карашларига эга бўлади.

- Терминология современного зарубежного литературоведения: Страны Западной Европы и США. М., 1992; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асерель-Аст, 2003. С.52.

АУЛА (хона, уй) [эстетика, меъморчилик] – маърузалар учун мулжалланган ақадемик мажлислар зали. Махсус қурилмага эга бўлиб, купинча, амфитеатр шаклида (пастдан юкорига) овозни ҳар ўринга етиб боришига мулжалланади.

АУРА (юонча: *aura* – насим, шамол) – бадиј асарнинг руҳий таъсир майдони. Бу майдон орқали бадиј асар буюк кудратга эга бўлади, инсониятга таъсир этиб, унинг тараккиётини ўзгартириши мумкин. А. бадиј асарнинг маъно хусусиятлари тўплами сифатида инсон психикасига таъсир қилиб, унинг ўзгариши учун муайян мухит яратади. Санъат асарини таҳлил қилишда кўлланиладиган атама сифатида олмон олими В.Бенъямин (XX аср бонни) томонидан киритилган. А.ни Г.Лукач мимесис назарияси, К.Ясперс оммавий маданият истилохи, А.Рейес бадиј ижод табиати ва В.Бенъямин "техник" санъат моҳияти б-н боғлаган ҳолда талқин қилишган.

Хинд фалсафасида сўзнинг абадийлиги ҳакидаги таълимот. Унга кура, айтилган сўз беиз кетмайди, ёзилган сўз мутлак унут бўлмайди. Сўзлар аура, яъни макон, мухит ва иклим яратади. Инсон шу сўз мухитида харакат килади, маконида яшайди. Сўзсиз яшаш маконсиз қолиш, сўзсиз яшаш унут булишга йўл – замонсиз яшаш. Шунинг учун ҳам Сўз аурадир.

- Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асерель-Аст, 2003. С.52.

АУТЕНТИК МАТ (юонча: *authentikos* – ҳақиқий) [матншунослик, манбашунослик] – бир матннинг муаллиф нияти ва юясига тўла мос келиши ёки мазмуни тұла мос келган бошқа т.даги айнан таржимаси. А. матн ҳалқаро шартнома ва ҳужжатларда бир неча т.да бир хил матн тайёрланади. Ҳужжат бир т.да тайёрланиши ва имзоға тақдим этилиши мумкин, бирок унинг А. матни бошқа т.даги б-н айнан бир хил булиши керак. А.м. сўнгти автор таҳрири ва мақсадига мос булиши керак.

- Рейсер С.А. Палеография и текстология нового времени. М.: Просвещение, 1970. С.330; Борев Ю. Словарь терминов текстологии и генетической критики. М., 2011. С.38.

АУТО (португалча: *auto* – мен) [эстетика] – бир пардали диний-мажозий мазмундаги тсатр куриниши. ХІІІ аср 2-ярмидан Андалузия (Испания) ва Португалия)да урф булган ва XVIII асргача халк томошаси сифатида давом этган. А.нинг сценарийси драматурглар томонидан ёзилган. Ж.Висенте (Португалия), Х. Дель Энсина, Лопе де Вега (Испания) ёзган А. матнлари шуҳрат қозонган ва ҳаваскорлар томонидан ҳам ўйналган. Испан адиби Кальдерон ижодида А. ўзининг мумтоз шаклини топган, у 80 дан ортик А. ёзган.

- Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Астрель-Аст, 2003. С.52.

АУТОЭРОТИЗМ (юонча: *autos* – мен, *узим*; *eros* – эхтирос) – ўз ижодидан кониқиши, атрофдагилар, аудитория, жамиятга менсимай, “менга столмайсан” деган кибр б-н қараш. Ўз ижодига нисбатан танқидий қарашнинг етишмаслиги, ҳаммасининг янгиланиши ёки бошланиши мендан деб тушуниш. к.: онаниум.

- Власов В., Лукина Н. Авангардизм, модернизм, постмодернизм / Малый лексикон искусства. СПб.: АЗБУКА Классика, 2005. С.42,186.

АУШАУТС – прусс мифологиясида шифокорлар маъбути. Римлик Эскулапнинг мукобили. Айрим манбаларда бош маъбуд, кишилардан касаллик ва гуноҳни кувади. А. тимсоли XVI–XVII асрлардаги кўплаб ёзма манбаларга киритилган.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.125.

АФАПДИ [фольклоршунослик] – “Насриддин Афанди”, “Мулла Насриддин” номлари б-н машҳур фольклор каҳрамони. Турли қавмларда турли исмлар б-н юритилган. Mac., узбекларда Насриддин А., туркларда Хожа Насриддин, қозокларда Хўжа Носир, озарбойжонларда Мулла Насриддин. Турк манбаларида тарихий шахс сифатида келтирилган, ҳатто уни суфий шоир деб таништириб, кабри жойлашган қишлоқ аник курсатилган.

А. латифаларда мард, тұғрисуз, адолатпарвар килиб тасвирланган. А. сиймоси бадий асарлардан ҳам ўрин олган: “Насриддин Хўжандда”, “Насриддин Бухорода”, “Хўжа Насриддиннинг 12 қабри” каби бадий фильмлар, “Хўжа Насриддин” опереттаси, “Насриддин А.” мусикали драмаси яратилган.

- Латифалар / Узбек халқ оғзаки ижоди. Т.: F.Фулом номидаги нашр., 1971.
- Йулдошева Ф. Узбек халқ латифаларида Насриддин афанди образи. Т., 1979.

АФАНДИ ЛАТИФАЛАРИ – к.: Латифалар.

«АФАНДИ» – “Муштум” журналига илова сифатида нашр этилган газета. “А.” да хажвий ҳикоялар ва танқидий маколалар босилади.

АФГОР САМАРҚАНДИЙ (в. 1688) – шоир, адиб. Малеҳо Самарқандийнинг “Музаккиру-л-асҳоб” (“Сұхбатдошлар зикри”) ва П.Қайюмов тазкираларида зикр килинган. Асл исми: Мулла Зоҳид. Самарқандинг Дегрезон гузарида яшаган. Раъю ва Офарин таҳаллуслари б-н ҳам шеърлар битган. 1680 й.да Балхга сафар қилган. Аштархонийлар – сулоласидан Субҳонкулихон даврида яшаган. Ҳажвий ва мутойиба шеърлар ёзгани учун Малиҳо уни “шӯхона” деб атайди ҳамда “карро қасидалари”, “чиройли китъалари”, “тотли ғазаллари”, “таҳсинга сазовор руబойлари” дан хабар беради. Умрининг охирида узлатга чекиниб, “муваҳҳидона” ва “дарвишона” шеърлар битган. Ҳоконий Ширвонийнинг “Тұхфату-л-Ирокайн” (“Икки Ирок тұхфасы”) маснавийсига жавоб тарикасида “Шамъу парвона” маснавийсini ёзган. Малиҳо ушбу руబойини көлтирган:

Он чи мегүфтанд: маъқул аст, номаъқул буд,
Хеч маълумам нашуд, маълум шуд – мажхұл буд.
Ёр гуфта, дұст гуфта, мондаам бе ёру дұст,
Ёр гуфтам дөв буду дұст гуфтам құл буд.

Мазмұни:

Оники маъқул дедилар, номаъқул эди,
Маълум деганлари номаълум – мажхұл бұлды,
Ёр деб, дұст деб ёрсизу дұстсиз колдым,
Ёр деганим дөв эдию дұст деганим құл эди.

П.Қайюмов тазкирасида биргина байт көлтирилген:

Талхаст баски, коми ман аз шаҳди рүзгор,
Хун меҳұран чу ғул зи шакарханди хештан.

- Кайюмов П. Тазкирату-ш-шуаро. 1-китоб. Т., 2006. Б.17; Сағдиеев С. Самарқанд адабий мұхити тарих күзгүсида. Т.: Фант, 2009. Б. 291-193.

АФЕМИЯ (юононча) – нұтқнинг йўқолиши, аклға таъсир этилмаган ҳолда.

АФЕРЕЗА [семасиология, риторика] – сұз бошидаги бүғиннинг тушиб колиши. Сатр ёки сұз бошидаги ҳарф ёки бүғиннинг тушиши натижасида сұзнинг маъноси үзгәради ва яңги маъно ясади. А. бүғин тушиши натижасида ҳосил бүлған янги маъноли сұздир.

- Лотман Ю.М. Риторика // Труды по знаковым системам – 12: Структура и семиотика художественного текста. Тарту, 1981; Поляков М.Я. Вопросы поэтики и художественной семантики. М., 1985; Дюбуа Ж., Эдельин Ф., Клинкенберг Ж.-М. Общая риторика. М., 1986; Елисеев И.А., Полякова Л.Г. Словарь лингвистических терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.17. Борев Ю. Эстетика. Теория литературы. Энц-кий словарь. М.: Астрель-Аст, 2003. С.49-50; Борев Ю. Энц-кий словарь эстетики и теории литературы. М., 2008. С.116 (эл.версия).

АФЗАЛ (XIII) – эронлик шоир. Кошон ш.да туғилган. Малбаларда Бобо Афзал Кошоний дес т.га олинади. Хулагухоннинг эътимодли кишиси машхур Носириддун Тусий б-н яқин дуст эди. Умрининг сунгигида узлатни ихтиёр килган. Сўфиёна руҳда шеърлар битган. Унинг шеърларидан:

Кам гўй, ба жуз маслаҳати хеш магўй
Чизеки натурсад, ту худ пеш магўй.
Доданд ду гўшу як забонат зи оғиз,
Яъники, ду шинаву яке беш магўй.

Мазмуни:

Кам дегил, ўзингта насиҳатдан бошқасини дема,

Нимани сурашмаса, сен бу мендан дема.

Икки кўз ва оғзингда бир тилни берганлар,

Яъни икки марта эшиту биттадан ортиқ дема.

- Қайумов П. Тазкирату-ш-шуаро. Т., 2006. Б.16–17.

АФЗАЛ МАҲДУМ (1840–1915) – ўзбек тазкиранависи. Тулиқ исми: Афзал Пирмастий б. Мухаммад Ашраф Сиддиқий. Туркман тадқиқотчилари фикрича, Корабаковул қишлоғида туғилган, бир муддат Чоржўда яшаган. Ўзбек ва тожик олимларининг фикрига кўра, Пирмаст қишлоғида туғилган. Бухоро мадрасаларида таҳсил олган. Математика, илми нужум, тиббиёт илмлари ва бад. ижод б-н машғул бўлган. Бухоро амири Абдулаҳадхон саройида (1900 й.дан) хизмат килган. Шеърларининг Афзалий тахаллуси б-н ёзган, лекин тазкирада шуҳрат козонган. Садр Зиё “Наводири Зиёя” (“Зиё нодирликлари”) тазкирасида А.П.га тұхталган ва унинг тазкирасига юксак баҳо берган. “Афзалу-т-тазкор фи зикри шуаро ва-л-ашъор” (“Шоирлар ва шеър тўғрисида энг афзал тазкира”, 1904) асарида XIX аср охири ва XX аср бошлида яшаган 135 шоир ҳакида маълумот беради.

Асар кўлёзмаси Санкт-Петербургдаги Шарқшунослик ин-тида сакланади. Тазкира Душанбеда нашр этилган (1976).

- Афзал Пирмастий ибн Мұхаммад Ашраф Сиддиқий. Афзалу-т-тазкор. ЎзРФАШИ. Сакл. № 7279. 94 в; Тазкира Афзалий. ЎзРФАШИ. Сакл. № 10041/П. 53 в(85-138).
- Энциклопедия адабиёти ва санъат тоҷик. Душанбе, 1988. Сах.195-96; Turk Dünyası Edebiyatçıları Ansiklopedisi. Ankara, 2002. S.122-23.

АФЗАЛ ПИРМАСТИЙ (XVII) – ўзбек мутасаввиғ шоири. Бобораҳим Машрабнинг севикли шогирди ва доимий ҳамроҳи. 1711 й.да Балх ҳокими Махмуд Қатағон шоирни зиндонга ташлаганида ҳам уни тарқ этмаган. Ҳалк орасида “Қиссайи Машраб”, “Шоҳ Машраб”, “Девонаи Машраб” номлари б-н машхур агиографик асар А.П.га нисбат берилади. “Тазкирайи қаландарон” асари муаллифи Исҳок Богистонийпинг далолатига кўра, А.П. унга Машрабдан ёдгорлик сифатида икки китоб колдирган: бири “Қиссайи Машраб” манқабаси, иккинччиси “Мабдаи нур” асари.

- Қиссайи Машраб. Т., 1994; Исҳоқ Богистоний. Тазкираи қаландарон / Ислом тасаввуфи манбалари. Т.: Ўқитувчи, 2005.

АФЗАЛИЙ Самарқандий (XVI) – форсигүй шоир, мутасаввиф. Асл исми: Мир Афзал. Мавлоно Мушфикӣ ва мавлоно Донишийнинг замондоши. Аруз ва кофия илмидан хабардор. Чиройли шеърлари ва султонлар мадхида биттан қасидалари бор. Шеърларидан девон тартиб берган. Бир ғазалининг матлаъси:

*Каъбаи васл, дило, жӯз сари он қўям нест,
Киблае хуштар аз он тоқи ду аброям нест.*

Мазмуни:

Васл каъбаси, эй дил, ёр кучасидан ўзга жой эмас,
Ул гузалнинг икки қоши токидан ўзга яхши кибла йўқ.

- Сайдиев С. Самарканд адабий муҳихи тарих кўзгусида. Т.: Фан, 2009. Б.174-177; Мутрибий Самарқандий. Тазқирату-ш-шуаро. Нусхай зебои Жаҳонгир / Форсийдан И.Бекжон тарж. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2011.

АФЗАЛХОН ХАТТАК (1687 –1748) – афғон адаби ва тарихчиси. Пушту т.да ижод килган. Машҳур адаби Хушхолхон Хаттак авлодидан. “Тарихи мурассас” (“Мұттабар тарих”) асарида хаттаклар қавми тарихини ёритган. Шеър ва хикоялар ёзган, “Калила ва Димна” асарини пушту т.га таржима килган, асар таркибига ўзининг айrim шеърларини хам киритган.

- Маннонов А. У истоков афганской классической лит-ры. Т.,1994; Афғонистон халқлари фольклори ва мумтоз ад-ти тарихи. Т., 2001.

АФИНА (юонча: Паллада) [мифология] – кад. юонон мифологиясида бош маъбуллардан бири. Илм-фан, уруш ва галаба маъбуди, донишмандлик, санъат ва хунармандлик раҳнамоси. Зевснинг кизи. А. сурат ва адабий манбаларда дубулға кийган қаҳрамон сифатида тасвирланади. А. афсонага кўра шундай қиёфала туғилган. Рим мифологиясидаги Минервага мос келади. А. ш.даги Парфенон ибодатхонаси майдонида унга ҳайкал кўйилган. А. шарафига Панафинея маросими шу майдонда ўтказилади. А. Юнонистондаги Афина ш. яратувчиси сифатида хам таъкин килинади.

- Миғы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.125.

~ **мактаби** – юонон ад-тидаги адабий йўналишлардан бири (XIX аср 30-70 – й.лари). Шартли равишда кад. юонон т. (кафаревус)да шеър ёзган адилларни бирлаштирган, улар Ионий мактабининг вакиллари демотик т.да асар ёзувчиларга қарши оқимга бирлашган эдилар. А.м. вакиллари А.Судос, А.Рангвис, И.Тандатидис в.б.

- Доватур А. Политика и политики Аристотеля. М.-Л., 1965; Шестов Л. Афины и Иерусалим. Париж, 1951; Болтабоев Ҳ., Маҳмудов М. Адабий-эстетик тафаккур тарихи. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2013.

~ **шаҳри** – Юнонистоннинг (ҳоз. Гречия) пойтахти. Аттика ярим оролида жойлашган. Манбаларга кўра м.а. XVI–XIII асрда А.ш. барпо қилинган. 146 й.дан Рим давлати, IV асрдан XIII аср бошигача Византия тасарруфида бўлган. 1204 й. Афина герцоглиги ташкил қилинган. 1458–1821 йй. Давомида

Усмонли турклар салтанатига бўйсунган. 1929 й.дан ҳозирги Грециянинг пойтахти. А. ш.да *Акропол* жойлашган.

- *Тюрина Л.* У подножия Акрополя. М., 1965; *Колобова К.М.* Древний город Афины и его памятники Л., 1961; *Сидорова Н.А.* Афины. М., 1967.

АФИША (французча: *affiche* – эълон; курсатиш) – бирор асар (спектакл), концерт ёки адабий тадбирлар учун олдиндан бериладиган кичик хабар-эълон. А. одатда, эълонлар таҳтасига, кучга, майдон, томошагоҳларнинг олдига ёпишириб қўйилади. М.а. бундан эълонлар учун маҳсус тўртбурчак устунлар ўрнатилган, деворларнинг маълум кисми ажратилган. Ўрта асрларда оғзаки А.чилар, яъни жарчилар бу вазифани бажарган. А. XVI асрдан қоғозга босиладиган бўлди ва рассомлар шутгуллангани учун тасвирий санъатнинг турига айланди. XX асрдан чироқлар воситасида эълон қилинадиган бўлди. Кейинги пайтда Интернет тармоклари орқали ҳам А. тарқатилмоқда.

Ўз-нда илк театр А.си Бехбудийнинг “Падаркуш” асари муносабати б-н Самарканд (1914, 15 январ) ва Тошкент (27 феврал)да берилган.

АФЛОТУН (Platon) Афиналик (м.а.~ 427/27.V—347) — юнон файласуфи, ҳакикий исми Аристокл; Суркот ҳакимнинг шогирди. Устози унга “Платон” (кенг елкали) номини берган. Афина якинидаги “Академия” номли боғни сотиб олган (м.а.380), бу ерда ўзининг академиясини очган, *Арасту ҳаким* шу академияда ўқитган.

А. қаламига мансуб 30 га якин асар сакланган. Улар: «Апология» (Суркот химояси), «Критон» (“Қонунлар”), «Лахет» (“Мардлик”), «Хармид» (“Ақл муҳофазаси”), «Менон» (“Нотиқлик”), «Эрос» (“Тантана”), «Федр» (“Эйдос (руҳ, ғоя)лар ҳакида”), «Федон» (“Адолат”), «Давлат», «Теэтет» (“Билим”), «Тимсий» (“Космология”), «Конунлар», «Сиёсадон», «Филеб» в.б. А. фалсафасида «эйдос» (руҳ, ғоя) ҳакиқий борлиқдир, биз яшётган дуне унинг соясидир. Эйдос конунларини инсонлар хам билолмайдилар, уни факат алохида ақл соҳибларигина англали мумкин, чунки у Яратганинг измида. Инсон руҳ ва жисм бирлигини ташкил қилгани учун ҳар икки дунёга тегишилдири. А. тарбия назариясини биринчилардан булиб ишлаб чиккан олимдир. Бу назария унинг “Давлат” асарида акс этган. Инсон эҳтиёжига караб руҳий (музыческое) ва жисмоний (гимнастик) тарбияга муҳтожлир. Жисмоний тарбия инсоннинг жисмини тарбиялашга, парвариш қилинга қаратилган бўлса, руҳий (музыческое) тарбия инсоннинг руҳияти, қалби ва онгига қаратилган бўлади. Руҳий тарбияга хизмат килувчи воситалардан бири сифатида санъат асари тилга олинади. Санъатнинг турлари ва улардан бири ад-т (поэзия)нинг тарбия жараёнидаги ўрнини тушунтириб, хиссийёт, туйгулар тарбияси учун бадиий асарнинг ниҳоятда зарурлиги таъкидланади. Санъатнинг икки тури: табиий ва ёлғон ўзаро фарқланади. Табиий санъат турлари аник фанлар б-н мулоқотга киришувчи диалектик талкинлар бўлса, ёлғон дейилганда, Афлотун тўқиб чиқарилган, ижодкор фантазияси б-н

яратилган шеърларни назарда тутади. Бундай яратик, бад. тўқима жараёнида шоир (ижодкор) бир неча ифода усулларидан фойдаланади: “Поэзиянинг бир турида ижодкорлик бутунлай таклид асосига курилади, бу сен тилга олганинг трагедия ва комедиядир, бошқа турда шоир ўзини ифода килади, сен буни дифирамбларда кўрасан, эпик ёки бошқа қўп турларда эса бу икки ифода тури бирлашади...” Кўринадики, бу ўринда адабий турлар ҳакида сўз юритилмоқда. Драмада таклид (инсонга ва ҳаракатга) етакчи хусусият касб этади, лирика эса, шоирнинг ўзини (“менини”) кўрсатишдан иборат, эпосда бўлса юкоридаги икки ҳолат бирлашади. А. талқинича, санъат “бокий ғоя”ларга таклидинг таклидидир. Бокий ғоя, унингча, илоҳий карашлар, моддий олам унинг сояси, яъни унга килинган таклидидир. Санъат асари эса, моддий оламга таклид экан, демак, у бокий ғоялар таклидинг таклидидир.

Унингча, давлатни ташкил этган фуқаролар З турли: давлатни бошқариб турадиган (донишманд)лар (1); давлатни душмандан химоя киладиган (харбий)лар (2); давлатни (юкоридагиларни ҳам) моддий жихатдан таъминлаб турадиганлар (3). Шундан келиб чишиб, монархия, аристокрация ва демократия каби уч турли тоифалардаги давлатни бошкара олади. Давлатни тутиб турадиган куч конунлардир. А. “Конунлар” асарида софистларнинг санъат ҳакидаги карашларини танкид килган ва уларнинг табиатни “энг буюк санъаткор” деб аташини қабул килмаган. Асарда мусика, хор қўшиклари ва ракслар кабиларда илоҳий амр-фармонлар, илоҳларга мадхлар акс этган, уларнинг ижросини жиддий назорат килиш зарур. “Халк хаддан зиёд эркин яшай бошлаган замонларда мусика санъати қонунларга бўйсунарди, мусика санъатида гимн (мадҳ)лар, унинг тескариси френлар эди. Сунг пеанлар ва дифирамблар (мастона мактovлар) пайдо бўлди, шу сунгтиси Дионисга бағишлианди”. А. фикрича, мусика ва қўшиқ санъатида гўзал, мардана ҳаракатлар яхши одамларга ёқади, бачканга, сингилтак хунук ҳаракатлар эса енгил хулкли, енгилтак одамларнигина хурсанд килади. Ҳолбуки, санъат, мусика, инсон руҳини юксалтириши зарур. Унингча, гўзаллик ва хунуклик ҳакидаги карашларга амал килалигин одам тарбияланган, гўзалликдан кувонмайдиган ва хунукликдан нафротланмайдиган одам ахлоқий жихатдан тарбиясизdir.

♦ Платон. Сочинения. т.1. М.: Мысль, 1968; Государство / Хрестоматия по теории литеры / Сост. Л.Н.Осмакова. М.: Просвещение, 1982. С.76-80; Афлотун. Концепция / Урфон Отажон тарж. Т.: Янги аср авлоди. 2002.

• Лосев А.Ф. История античной эстетики. Софисты. Сократ. Платон. М., 1969; Древнегреческая литература и критика. М.: Наука, 1975; Татаркович В. Античная эстетика / Пер. А.П.Ермилова. М., 1977; Болтабоев Ҳ., Маҳмудов М. Адабий-эстетик тафakkur тарихи. 1-ж. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2013. Б.154-162.

АФОРИЗМ (юонча: aphorismos – қисқа ифода, ихчам ибора) [лингвопоэтика] – тугал фикрни ифодаловчи қиска ҳикматли сўзлар. Ҳодиса ёки мохиятнинг бир неча сўз б-н ихчам баён килиниши. А. кад. Хитойда м.а. VIII асрда (Чунцю даври) ад-тга кириб келган. А. хаёт тажрибаси ёки фалсафий мушоҳада асосида туғилади. Аксарият А. 3-5 сўздан ташкил топган. А. макол каби бирор ҳодисани шархламайди ёки исбот килмайди,

балки ўзига хос ҳикматни айтиш орқали фикрга таъсир килади. А. макол ёки маталдан шу б-н фарқ киладики, мақол ва маталларнинг муаллифлариди. А. маколи аник кўрсатилади ва матни ўзгаришсиз қабул этилади. Мас., 1968 й.да Алишер Навоий таваллудининг 525 ийллиги муносабати б-н «Афоризмлар» сарлавҳаси остида буюк шоирнинг ҳикматли сўзлари 8 т.да чоп этилган. Айни номда рус в.б. т.ларда ўнлаб ҳикматлар тупламлари чоп этилмоқда. Аскад Мухторнинг “Тундаликлар”, Ў.Хошимовнинг “Дафтар ҳошиясидаги битиклар” китобларида “А.”лар фаол қўлланилган. Яна к.: Ҳикматли сўз.

◆ Афоризмы. Избранные изречения деятелей литературы и искусства / Сост. Е.С.Райзе. Л., 1964; Ключевский В.О. Письма. Дневники. Афоризмы и мысли об истории. М., 1968; Афоризмы: по иностранным источникам. М., 1985; Великие мысли великих людей: антология афоризма в 3-х т. М., 1998; Суфийская мудрость. Минск, 1998; Энц-я бизнеса в афоризмах. М., 1998; В мире мудрых мыслей. М., Медиагрупп ОЛМА, 2007.

• Успенский Л. Коротко об афоризмах / Афоризмы. Л., 1964; Ашукин Н.С., Ашукина М.Г. Крылатые слова: литературные цитаты, образные выражения. М., 1987; Энц-кий словарь юного лите-веда. М.: Педагогика, 1988. С.24; Борев Ю. Эстетика. Теория литературы. Энц-кий словарь. М.: Асерель-Аст, 2003. С.52; Белоурова С.П. Словарь лите-вческих терминов. СПб.: Паритет, 2006. С.25; Борев Ю. Энц-кий словарь эстетики и теории литературы.. М., 2008. С.116-117 (эл.версия).

АФОРИСТИКА (юонча: *aphorísmos* – *ибора, уистик* – *соҳа*) – ҳикматли сўзларни тўплаш, муаллифларини аниқлаш ва нашрга тайёрлаш б-н шуғулланувчи соҳа. А. кад. Бобил, Миср, Хитой, Ҳиндистон в.б. Шарқ мамлакатларида алоҳида жанр сифатида тараққий этган. Бамбук пояларига, буюмтарга, тошларга афоризмлар накш этилган. А.да афоризмларни нашр этишда икки анъанавий тамойилга асосланган: мавзулар бўйича ва хронологик тартибда. Бирор ҳалқ ёки т.даги афоризмлар алоҳида нашрга тайёрланиши ҳам мумкин. Яна к.: Паремия, Паремеология.

Бад. ижодда афоризм, ҳикматли сўз ва маколлардан фойдаланиш. Айрим ҳолларда бирор муаллиф томонидан ёзилган афоризмларнинг жамланмаси. Тажрибали адилларда ихчам, киска ифодага эришиш, айрим жумла ва фикрларни афоризм даражасида айтиш. Мас., А.Қаххор ижодидаги каби.

• Паремиологический сборник. М.: Наука, 1978; Афоризмы древнего Китая. М., 1989; В мире мудрых мыслей. М.: Медиагрупп ОЛМА, 2007; Древнеиндийские афоризмы. М., 1966; Шопенгаузер А. Афоризмы и максимы. Л., 1991.

АФОЙИЛ (арабча: *فَاعِلٌ* – “фаала” сўзидан иш, ҳаракат) [поэтика, метрика] – аруз назарияси ва амалиётида рукин ва зихофлар тўплами. А. икки хил бўлади: аслий ва фаръий рукнлар.

АФОЙИЛУ ТАФОЙИЛ (арабча: *فَاعِلٌ وَفَاعِلٌ* – ҳаракат ва ўзаро ҳаракат) [поэтика, метрика] – аруз назарияси ва амалиётида рукнларнинг колипини белгилаш тизими. Бундай колишилар ф, ъ, л (узак: фатъ) ҳарфларидан ясалгани учун шундай номланади. Навоий ва Фитрат 8 та рукнни бслгиласа, Бобур “Бу аркон сувратта секкиздур, ҳакиқатта ўн. Арузийлар бу арконни усули

афоъийлу тафоъил, авзони мавозин (мезонлар ўлчовлари) дерлар” (“Аруз рисоласи, За).

- *Tour Y, Сайдали С.* Қомуси кофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон, 1994.Б.25.

АФРАНИЙ, Луций (м.а. I аср) – Рим драматурги. Рим ҳастидан “Тогата комедияси” муаллифи.

- История всемирной лит-ры, т.1. М.: Наука, 1983. С.439.

АФРИДИС – афғон қавмларидан бири. 1879 й. инглизлар боскенинга жицдий қаршилик кўрсатгани учун жангари қабила сифатида Фарб манбаларида кайд этилади.

АФРИДУН [мифология] – «Авесто» ва Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си қаҳрамони. А. темирчи Кова ёрдамида ҳалкни Заххоки Морон зулмидан озод қиласди.

- Фарҳанги “Шоҳноме” / Номи қасон ва жойҳо. Ҳусайн Шаҳидий Мозондароний (Бижан). Техрон: 1388 / Сах. 524-525.

АФРИДУН (Фаридун) **ХАЗИНАСИ** – Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонида Фарҳод аждаҳони енгиб, у қуриклаган ғорга киради ва А. хазинасини топади. Бу хазинадан аждаҳога ўҳшаган киличини ва ҳалқа булиб ётган илон сингари қалконни ўзига олди. Бутун хазинани эса отасининг жамоасига беради. Навоий бу ўринда Афридун хазинасидаги фақат иккита анжом – килич ва қалконга эътибор қаратган, холос. Бу аслаҳалар унга келгуси курашларида аскотади. А.х. Навоийга кадар ҳам манбаларда т.га олинган.

А.(Ф.) Эрондаги пешдодийлар сулоласига мансуб олтинчи ҳукмдор бўлиб, унинг номи “Хазойину-л-маоний”да ва «Садди Искандарий»да ҳам т.га олинган. А. ҳакида “Шоҳнома” қаҳрамонларидан бири. А. “Авесто”да ҳам тилга олинган.

- Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин / МАТ. 8-ж. Т.: 1998; Фарҳанги “Шоҳноме” / Номи қасон ва жойҳо. Ҳусайн Шаҳидий Мозондароний (Бижан). – Техрон: 1388 / Сах. 524-525.

АФРИКА ХАЛҚЛАРИ МИФОЛОГИЯСИ – А.ҳ.даги мифологик тасаввурлар ва асарлар мажмуи. Мазмун ва ифода жиҳатидан турлича бўлган, турли т.да тарқалган мифларнинг асосий қаҳрамонлари маъбуллар ва подшоҳлар бўлган. Бу мифологик персонажлар мавжуд ҳалкларнинг боболари сифатида талкин қилинган. Легба, Мулунгу каби илк маъбуллар инсониятта олов келтирган, тўқ яшашларига ёрдам берган. Тотемистик руҳдаги мифларда (Айдо-Хведо) зооморфик маданий қаҳрамонлар тасвирланган. Мифлар қаҳрамонлари Мвари (Конго), Агассуви (Дагомсий), Мбори (Фарбий Судан) кабилар хаёти, саргузаштлари оркали эзгулик ва ёвузлик каршилантирилган. А.ҳ.м.да табиат ҳодисаларини билдирувчи маъбуллар (Хайнэ, Ишюко, Киумбे в.б.)га кенг ўрин берилган. Уларнинг сюжетдаги вазифаси ипсонни

зарур ҳаво, нур, сув, смиш б-н таъминлашдир. Ҳар бир халқнинг мифологик тасаввурлари ва мифик қаҳрамонлари *Бамбар*, *Бенин*, *Бушменлар*, *Ганда*, *Догонлар*, *Йўруб мифологиясида* акс этган.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.129.

АФРИФ (Офриг) (IV) – Хоразм хукмдори, афригийлар сулоласи (305-385) асосчиси. Берунийнинг ёзиича, А. Кайхусрав авлодидан бўлган эроний сулола бўлиб, ундан 22 нафари қад. Хоразмни бошқарган (пойтахти Кот ш.). Сулола давомчилари: Бағра, Саххосак, Аскаджамуқ, Аскаджавар, Саҳр, Шауш, Ҳамгари, Бузгар, Арзамух. Саодат асрида А. сулоласидан Арсамух хукмдор эди. Унинг авлодлари А.ни таҳтга ўтирганидан бошлаб, ийл саналарини белгилай бошлаганлар. Алар сулоласи X асрга калар ўз хукмронлигини саклаган. Сулоланинг сунгти вакили Абу Абдуллоҳ Мухаммаднинг Урганч амири Маъмун ибн Мухаммад томонидан ўлдирилиши б-н сулола барҳам топган.

- *Беруний. Ал-осор ал-бокия / Асарлар. Т.1. – Т.: Фан, 1957; Босворт К.Э. Мусульманские династии. М.: Наука, 1971. С.152; Қодиров Б., Матиқубов Х. Ўз-н тарихидан изоҳли лугат. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2010. Б.27.*

АФРИГИЙ МАДАНИЯТИ (IV–VIII) – Қад. Хоразм маданияти. Археологик кизишмалари натижаси (1937–47)да топилган бу маданият намуналари хозиргача сакланган. Афригийлар сулоласи асосчиси Африг Киёт атрофида Фир деб номланган каср курдирган. Қалъа 10 мил масофадан кўриниб турган. Фир касрини Амударё 993 й.да ювиб кетган. А.м. даврида антик хунармандчилик ўрнини мулкдорларнинг каср ва кўргонлари куриш, меъморчилик эгаллай бошлаган. Бургуткалья воҳасида сакланган ҳаробалар бунинг далили. Йирик қалъалар: Якка Порсон, Кум қалъа, Уй қалъа, Тешик қалъа шу даврда курилган. А.м.га оид мис тангалар, жез ва сопол идишлар, безак ва такинчоклар, дехкончилик ва хунармандчилик куроллари ва сўғд ва руний ёзувидаги ёдгорликлар топилган.

• *Беруний. Ал-осор ал-бокия / Асарлар. Т.1. – Т.: Фан, 1957; Толстов С.П. Древний Хорезм. М., 1948; По древним дельтам Окса и Яксарта. М., 1962; Қад. Хоразм маданиятини излаб. Т., 1963; Нарезик Е.Е. Сельское жилище в Хорезме (I–XIV вв.).*

АФРОД (арабча: افرود – шахслар) [тасаввуфшунослик] – шериги, тенги йўқ шахслар. Тасаввуф ад-тила бу сўз кутб (кутбу-л-актоб)нинг назаридан четда бўлган кишиларга нисбатан айтилади. А. уч нафардан иборат бўлиб, чиройли тобеълик (бўйсуниш) воситаси ҳамда ниҳоятда комиллик б-н кутб теварагида бўлади. А. шундай юкори макомга етишган кишиларки, кутб ва кутбу-л-актоб уларни ўз назарлари остига ололмайди ёки бунга ҳожат ҳам йўқ. Ҳақиқатда эса А. якка юришади.

- *Uludağ S. Tasavvuf Terimleri Sozlüğü. İstanbul: Kabalcı Yayınevi, 2005. S.*

АФРОДИТА – қад. юонон мифологиясида гузаллик ва муҳаббат маъбудаси. Бош маъбуд Зевс ва маъбуда Диона кизи. А. культи денгиз ва денгиз саёҳатчиларининг хомийси бўлгани учун Юнонистон, Кичик Осиё ва Эгей ва

Қора дengiz соҳилларида машхур. Миғга кўра, А. дengиз кўпигида туғилган, А.га сигиниш Кичик Осиё ва Кипр томонидаги майдони 219 га бўлган буш тепаликлардан иборат. 1919 й. археологлар М.Е.Массон ва В.Л.Вяткин томонидан очилган. Кейинроқ казиҳма ишлари В.А.Шишким, Я.Гуломов, А.Аскаров томонидан давом эттирилган. 1966 й. археологик қўриқчона деб эълон килинган.

- Овидий. Метаморфозы. Л.: Academia, 1937; Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.132.

АФРОСИЁБ – I к.: Алп Эртунга.

П. – Самарқанддаги қадимий ш. харобаси. Ҳоз. Самарқанд ш.нинг шимолий томонидаги майдони 219 га бўлган буш тепаликлардан иборат. 1919 й. археологлар М.Е.Массон ва В.Л.Вяткин томонидан очилган. Кейинроқ казиҳма ишлари В.А.Шишким, Я.Гуломов, А.Аскаров томонидан давом эттирилган. 1966 й. археологик қўриқчона деб эълон килинган.

А.да топилган маиба ва материаллар м.а. VIII–V асрларда Суғдиёна давлатига тегишли бўлиб, 329 й. А.Мақдунли истилосидан сўнг харобага айланган. Кейин кайта тикланиб, IX асрдан сомонийлар сулоласи қарамогига ўтган. Бу даврда А.да Жўйи арзиз (Кўроғошин ариқ) номли сув иншооти курилган. X аср охиридан корахонийлар ҳукмронлик қила бошлаган. Чингизхон истилоси даврида Жўйи арзиз бузуб ташланиб, сувсиз қолган ш. камал килинган. Самарқанд тарихини ўрганишда ва ш. ёшини белгилашда А. харобалари муҳим рол ўйнаган.

А.даги 30 дан ортиқ хона маҳсус суратлар б-н безатилган. Шундан 11x11 м ва 7x7 м ҳажмдаги суратлар ҳозирга қадар сакланган, деворда сўғд ёзувларида ёзилган битиклар бор. Сўғд ҳукмдори Вархумоннинг хорижий эччиларни қабул килиши, ов манзаралари тасвиirlangan суратлар мавжуд.

- Вяткин В.Л. Городице былое Самарканда. Самарканда, 1926; Шишким В.А. Афросиёб – қадимий маҷаният ҳазинаси. Т., 1966; Аффасияб. Сб. Вып. I. Т., 1969; Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. очерки искусства Средней Азии. М., 1982; Аскаров А. Афросиёб // ЎзМЭ. Т., ЎМЭДИН, 2000. Б.518–19.

АФТЕРКУНСТ – к.: дегенератив санъат.

АФФЕКТ (лотинча: *affectus* – эҳтирос) – ҳиссий тўлкин, фавкулодда кўтаринки ҳиссий қўзғолиш. Ижодкорлар А. вактида жазба (экстаз) ҳолатида бўлиши мумкин. Унга ортиқча айтилган бир сўз ноҳуш кайфият олиб келиши мумкин. Ижодкор учун А. кутилган ҳолат ҳисобланади. К.Г.Юнгнинг талкинича, А. акл билан бошвариб бўлмайдиган ҳиссиёт. Модернизм ва постмодернизмда А. санъаткор учун нормал, кутилиши мумкин бўлган ҳолатdir.

- Власов В., Лукина Н. Авангардизм, модернизм, постмодернизм / Малый лексикон искусства. СПб: АЗБУКА Классика, 2005. С.42.

АФСАР (XV) – хуросонлик шоир, Машҳадда туғилган. Темурий ҳукмдорлардан Абулқосим Бобур саройида хизмат қилган. Муаммо жанрида моҳир бўлиб, илми муаммо хакида рисола битган. Байт:

*Мекунам девонагий то бар сарам гавго шавад,
Шояд, аз баҳри таюшо он пари пайдо шавад.*

Мазмуни:

Бошим узра түполон бүлсин деб жиннилик қиласан,
Зеро, томоша қилайин деб ул пари пайдо булса.

- Кайюмов П. Тазкирату-ш-шуаро. Т., 2006. Б.14.

АФСАРИЙ – Ҳиндистоннинг Дехли ш.да туғилган, Шайх Камол Дехлавий номи б-н улуғланади. “Ройих ва Райхон” номли бир маснавийси ва “Девон”и бор.

АФСАХ (в. 1737-38) – ҳиндистонлик шоир, асл исми: Мир Мұхаммад Али. Боболари Самарқанд ш.дан. Катта бобоси Амир Темурнинг хонадон хизматчиси эди. Куйидаги қитъаси манбаларда көлтирилади:

*Дит ҳароби мекунад аз зулфи тажбираш кунад,
Даст ёби мезанад девона занжираш кунад.*

- Кайюмов П. Тазкирату-ш-шуаро. Т., 2006. Б.16.

АФСОНА (форсча: ~~شاعر~~ – тўқима, уйдирма) [фольклоршунослик] – ҳалқ оғзаки ижодининг эпик жаҳри. Дастрлаб миф таркибидан бўлган, сўнгра мустакил жанр сифатида саналган. Оғиздан-оғизга, элдан-элга ўтиб келган хикоялар бўлиб, хаёлий тимсоллар ва тасаввур асосига курилади. А. бошка фольклор жанрларидан, жумладан, ривоятдан асар таркибидан мўъжиза, сеҳр булиши б-н фарқланади. Оламнинг яратилиши (космогония), элатлар келиб чикиши, тарихий шахслар ҳакида А.лар яратилган. А.лар кўпроқ насрый ифода б-н яратилиб, оғиздан оғизга шундай шаклда кўчиб келган бўлса ҳам, айрим А.лар таркибидан шеърий парчалар учрайди. А. ёзма ад-тга материал бериши, унинг таркибий кисми сифатида яшапи мумкин. Мак., Юсуф Ҳос Ҳожибининг “Қутадгу билиг”, Маҳмуд Кошгариининг “Девону лугатит турк”, Алишер Навоийнинг “Ҳамса” таркибидаги достонларда А.лар иштирок этган. Замонавий ад-тда ҳам А.дан фойдаланиш фаоллашган. Ч.Айтматовнинг “Оқ кема” киссасида Шоҳдор Она бугу, “Асрга татигулик кун” романида Манкурт ҳакидаги афсоналар мазмун жиҳатидан асар таркибига сингиб кетсан.

Ўзбек ад-тида Аскад Мухторнинг “Чинор” романи, Эркин Воҳидовнинг “Рұхлар исёни”, Абдулла Ориповнинг “Жаннатта йўл” достонларида ва Омон Мухтор асарларида ҳам афсоналардан фойдаланилган.

- Мирәһмадов О. Әдабијатшунаслыг. Енсиклопедик луғат. Баки: Азәрбајҹан енсиклопедијасы наенпrijat-полиграфијај бирлији, 1998. Б.86; Мадаев О. Ўзбек ҳалқ оғзаки ижоди. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2013. Б.59-64.

АФСУС (XIX) – ўзбек шоири. Асл исми: Тўрахон маҳдум. Жиззахда туғилган. XIX аср бошида Кўқонга келган. Тўракўргонда муқим яшаб, қозилик вазифасида ишлаган. Исҳоқхон Ибрат ва Васфий Тўракўргонийнинг бобоси.

- Тазкираи Кайюмий. Т., 2009. С.62.

АФШАРЛАР (*авшарлар*) – туркий элатлардан, туркман қабилаларидан бири. М. Кошғарий “Девону луготит түрк” да “Угузларнинг бир қабиласи” деб танишиди. Асосан, Хурсонда яшаган. А.лар маданиятли кавм бўлиб, форс ва турк т.ларини яхши билган элатлардан саналади. А.лар орасидан кўпшаб адаб, олим ва хукмдорлар ётишиб чиккан. Жумладан, Ҳазрат Навоий ўтиборига сазовор бўлган тазкиранавис Содикбек А. в.б.

Эрон ҳукмдори Нодиршоҳ А.лардан бўлган, Эрон ва Хурсондаги А.лар сулоласи бошқаруви (1736-1795)га асос солган ҳамда ўзи “Афшар” тахаллуси б-н ғазаллар битган. Нодиршоҳ сафавийлардан Тахмасп Кулихон кўлида хизмат килган, лашкарбоши сифатида Кафказ ва Ҳамадонни бўйсундиргандан кейин ўзи таҳтга эгалик килган. А. сулоласидан Тахмасп Кулихон ва Нодиршоҳдан кейин Одилшоҳ, Аликулихон (1747-48), Иброҳим (1748), Шоҳруҳ (1748-95) Хурсонда ҳукмронлик килишган. Нодиршоҳ Ўрта Осиёга хужум килиб, Бухорони эгаллаган ва аштархонийлар сулоласининг сўнти вакили Абулфайзхонни ўлдириб, Бухоро таҳтига унинг амири Рахимбий оталикни кўйиб, ўзи Эронга кайтган. Нодиршоҳ А.нинг Бухорога юришига қарши бўлганлар хусусида Фитрат “Абулфайзхон” фожиасини ёзган. Нодиршоҳ А.дан кейин Одилшоҳ, Иброҳим ва Шоҳруҳ каби А.лар Эрон таҳтини бошқарганлар.

- Арутова М.Р., Ашрафян К.З. Государство Надир-шаха Афшара. Очерки общественных отношений в Иране в 30-60-х годах. М., 1958; Босворт К.Э. Мусульманские династии. М.: Наука, 1971. С.230-231; Koprulu M.F. Avşar / İslâm Ansiklopedisi. 2.cild. İstanbul: Millî Eğitim Basımevi, 1986. S.28-38.

АФШАР, Содикбек (1534–1610) – озар шоири, адаби ва адабиётшуноси. Асл исми: Муҳаммад Али Содик, Содикий, Афшар (элат номи), Китобдор (касбига кўра) – нисбаси. Шом (Сурия)дан Табриз ш.га келиб ўрнашган. Мавлоно Али Наккош, Беҳзоднинг шогирди Музофар Али б-н бирга ишлаб, замонасининг машҳур рассомларидан бири сифатида танилган. Қаландарлар сафида Қазвин, Исфаҳон, Язд, Гilon, Лоҳижон, Астробод, Ҳамадон, Багдол, Насаф ва Карбало шаҳарларига саёҳат килган. Шоҳ Исмоил II, Шоҳ Аббос I даврида девон кутубхонаси мудири (китобдор) бўлган. Эски ўзбек, озарбайжон ва турк т.ларида битган асарлари асосида А.нинг Куллиёти жамланган. Унга “Зубдату-л-калом” (“Сузлар каймоги”) қасидалари тўплами, “Фатхномаи Аббос Номдор” маснавийси, “Мақолот ва хикоётлар”, “Сайд ва сайдид” маснавийси, “Девон ғазалиёти форсий ва туркий”, “Манзумаи конуну-с-сувари наккоший” (“Рассомлик конунлари манзумаси”), “Муншаот ва Мукотибат” тўплами, “Тазкирату-ш-шуаро” (Рубой ва муаммо ёзган шоирлар), “Ҳаззийат” (тасаввуфга оид рисола) в.б. кирган.

“Мажмау-л-хавос” (“Хослар мажмуаси”) (1532-1613) асарини (1602) эски ўзбек (чиғатой) т.да ёзган. Тазкирада Шоҳ Исмоил давридан Шоҳ Аббос давригача ўтган 369 шоир ҳакида маълумот берган. Улар орасида Убайдхон (Убайдий), Аваз Фози (Абдуллоҳон II), Ҳумоюн, Байрамхон, Сусанийбек, Айюб в.б. ўзбек шоирларининг исмлари учрайди. Муаллиф тазкирасини Навоийга өргашиб, унинг услубини саклаган холда ёзган. Муаллиф тазкирининг тегишли қисмини шоирнинг номи билан бошлаб, сунгра оиласи

ва түгилган жойи, касби ҳакида сүз юритади. Шоирлик даражаси ва асарларидан намуналар беради, айрим шоирлар ҳакида латифанамо нақслар келтиради. Шоирлар ижодидан 59, 74, ҳатто 99 байт келтирган үринлар хам бор. Тазкиранинг гсографияси Ўрта Осиё, Хурросон, Онадули, Ирок, Озарбайжон үлкаларидан етишиб чиккан шоирларни ўз ичига олади. Тазкира, асосан, туркигўй шоирларни қамраб олиши б-н характерлидир. Хотимада муаллиф ўз ижодидан намуналар келтирган. Кўлёзмага (тазкирага кирган) турк усмонли шоирларининг рўйхати илова килинган.

- ◆ *Афшар Содиқбек*. Тазкира «Мажмая-л-хавос», ба забон турки-чигатои. Таълиф Содикий китобдор ва таржимаи он ба забони форсий ба ҳомаи доктор Абдулрасул Хайёмпур муаллими донишгоҳи Табриз. – Табриз: 1327 / 1948; Закон изображений. Баку, 1971; *Əfşar, Sadıq bəy Əfşar*. Мәстәул-хәвас. Baki: Elm, 2008. 410 s.
- *Шайхзода М.* Тазкирачилик тарихидан. Асарлар. 4-том. Т., 1972. Б.295-346; *Арасли Ҳ.* XVII-XVIII аср Озарбайжон адабиёти тарихи. Боку, 1956; *Арасли Ҳ.* Навоий меросини ўрганиш тарихидан // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. 1960. 3-сон; *Фаниева С.* Навоийнинг «Мажолису-и-нағоғис» асари таъсирида ёзилган тазкира. // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. 1963. 6-сон; Стори Ч.А. Садиг-бек Садики Афшар / Персидская лит-ра. Био-библиографический обзор. Ч. II. М.: ИВЛ, 1972. С. 867-868; *Рустамова А., Набиев Б., Караев Я.* Азрбайджанская лит-ра. Баку: Элм, 2005. С.320-322.

АФЬОЛ (арабча: **الفل** – феъллар) [тасаввуфшунослик] – тасаввуф ад-тида суфийларнинг феъл ва ҳаракатлари бирлиги. Айрим манбаларда “иҳтиёрий жабр” маъносида ҳам келади. Азизиддин Кошоний (Насафий) ёзишича, Ҳак таоло аъёнлар яратувчиси бўлгани каби бандалар феълининг ҳам яратувчисидир. Ҳеч бир яралмишнинг феъл-ҳаракатини кескин ўзгартиришнинг имкони йўқ, бу факат Яратганинг ҳоҳиш-иродаси б-нгина мумкинdir.

~ и қулуб (қалблар феъли) [тасаввуфшунослик] – тасаввуф ад-тида кўнгилнинг эътиборга лойик тасаввуфий ҳоллари: тасдик, яқин (ишонч), таваккул, сидқ, муҳаббат, ризо, зикр, шукр, сабр, қаноат, таслим (бўйсуниш, итоат), ҳавф ва ражо в.б.

АФГОН АДАБИЁТИ – Афғонистон ҳалки ад-ти. Икки т. (пушту ва дарий)да шаклланиб ривожланмоқда. А.а.нинг шаклланишига ҳалқ оғзаки ижоди асос бўлган. А. афсона ва ривоятлари, эртак ва ҳикоятлари асосида ёзма ад-т шаклланган. А. ҳалқ қушиқлари (сандир), айтим ва тароналари А. шеъриятига асос бўлган. X-XV асрлар давомида форс т. (дарий т.)да яратилган бадиий ад-т (Рудакий, Фирдавсий, Саъдий в.б.) Эрон, Тожикистон ва Афғонистон ҳалкларининг умумий мероси саналади. Темурийлар ва Бобур даврида А.а. ривож топган. Пушту т.даги XV асрдан кейинги ад-т манбалари сақланиб қолган. Улар “Номаълум ҳазина” ва “Маноқибу-л-авлий” ва “Шайх Малий китоби”дир. XVI асрдан рушаний ад-ти ривожланган, унинг асосчиси Боязид Ансорий (XVI аср 2-ярми – XVII аср 1-ярми)дир. Хушхолхон Ҳагтак, Абдураҳмон, Аҳмадшоҳ Дурропий, Абдулҳамид каби шоирлар ижодида мумтоз жанрлар ривож топган. Дурронийлар анъанаси (1747) ад-тда

мустаҳкам урин эгаллаган. Бу жиҳатдан Нур Соҳиб, Нуриддин ошиқ шеърлари, Ҳамид Қашмирийнинг “Акбарнома” достони (1844) аҳамиятли.

Хушҳолхон Ҳаттак (1613–1691) бобурийлар салтанатига қарам Акора вилоятининг ҳокими (1641 й.дан) бўлган, афғон қабилаларини бирлашишга даъват қилиб, пушту (пашту) т.да асарлар яратган. 40 минг байт шеърни ўз ичига олган «Куллиёт»и “Девон”и б-н бирга «Фазлнома», «Фараҳнома» достонлари, «Фироқнома» туркумини ўз ичига олади.

XIX аср охири – XX аср бошида Маҳмуд Тарзий, Ғулом Муҳиддин Афғон, Солих Муҳаммад ижодида маърифатчилик ад-ти шаклланган. Афғонистон мустақилликни кўлга киритгандан сўнг (1919) А.а. янги йўналишга тушди. 1936 й.да дарий т. б-н бирга, пушту т. ҳам давлат т. деб эълон қилинган. Абдулҳақ Бетоб, Ҳалилулла Ҳалилий, Назиҳий, Бехроз, Жобак каби шоирлар анъанавий шеъриятни давом эттирганлар. Абдурауф Бенавонинг сочмалари, Гулпоча Улфат фалсафий руҳдаги шсьрлари А.а.нинг янгиланишига сабаб бўлди. Маҳмуд Тарзий “Сирожу-л-ахбор” (“Ҳабарлар кўзгуси”) газ. (1918)га асос солган ва ўзининг жадидчилик харакати б-н боғлик мақолаларини ушбу нашрда чоп эттирган. “Равзай хикам” (“Ҳикматлар боғи”, 1913) номли ахлокий очерклар, “Адаб дар фанн” (“Фан одоби” ёки “Маҳмуднома”, 1913) мавзусида касидалар тўплами, “Сирожу-т-таворих” номлар Афғонистон тарихининг муаллифи.

- *Беҳрӯз Муҳаммад Ҳусайн*. Ад-ти Афғонистон. Кобул, 1955-56; *Герасимова А., Гирс Г.* Лит-ра Афғанистана. М., 1963; *Мавлоно Ҳаста*. Мусоирите суханвар (Ҳозирги афғон адабиари). Кобул, 1963; *Массон В.М., Ромодин В.А.* История Афганистана, т.1-2. М., 1964-65; *Ганиев А., Абаева Т.* Афғон классик шоирни Хушҳолхон Ҳаттак. Т., 1967; *Герасимова А.С.* Лит-ра Афғанистана на яз. пушту. М., 1968; *Гирс Г.Ф.* Литература непокоренного народа. М., 1968; *Стори Ч.А.* Персидская лит-ра. Библиографический обзор. Ч.П. М.: ИВЛ, 1972. С.1143-44; Афғанистан: Вопросы истории, экономики и филологии. Т.: Фан, 1978; *Иномхўжаев Р.* Афғонистон маърифатпарварлик ад-ти очерклари. Т., 1999; *Иномхўжаев Р.* Маҳмуд Тарзий ва афғон маърифатпарварлик ад-ти. Т., 1999; *Манинов А.* Афғонистон халклари фольклори ва мумтоз ад-ти тарихи. Т., 2001; У истоков афғанская классической литературы. Т., 1994.

АФГОНИСТОНДА ЎЗБЕК АДАБИЁТИ – ҳоз. Афғонистон ҳудудида каддан ўзбеклар яшаган ва бу ҳудудда ўзбек т.даги ад-ти узлуксиз ривож топиб келган. Азалдан ўзбек шеърияти марказларидан бўлган, Алишер Навоий, Ҳусайн Бойкаро, Бобур, Машраб каби улуғ шоирларнинг ҳоки кўмилган афғон заминида А.ў.а. анъаналарини давом эттириб келаётган ижодкорлар XX асрда мамлакат маданий-адабий ҳаётида фаоллашдилар. Афғонистондаги ўзбек шеъриятига назар ташлаганда, бу давр адабиари орасида Назиҳий Жилва, Қори Шарафиддин Шараф, Устод Курбат, Устод Қори Муҳаммад Азим Азимий, Абдурашид Маҳдум Чустий каби катор сохиби девон шоирлар бўлиб, уларнинг асарлари нафакат Афғонистонда, балки бу мамлакат жуғрофий ҳудудидан ташқарига чиқиб, Ўзбекистон, АҚШ, Покистон, Туркия ва Ҳиндистон каби ўлкаларда ҳам нашр этилганлиги бу адабиётнинг дунёвий аҳамиятта молик эканини курсатади.

А.ў.а. XX аср иккинчи ярмидан кенг тараккиёт йулига чиқди, ижтимоий, маданий ахамияти ошиди. А.ў. адиллари яратган насрый ва шеърий асарлар адабиётнинг жадал ривожланишига олиб келди. Бу давр ичидаги Мукимий Андхўйи, Кори Шарафиддин Шараф, Мир Мухаммад Амин Курбат, Мухаммад Омон Фавзи, Мир Олимбек Самимий, Назиҳий Жилва, Домло Қосим Жанда Бессар, Сайид Фозил ғамгин, Хайри Форсебий, Мухаммад Олим Ожиз, Аламий Форёбий, Назар Мухаммад Наво, Самимий Андхўйи, Ҳудойназар Обир, Абдулҳалим Ҳаё, Муҳаммад Рафиқ Анбар, Нафир Форёбий, Файз Муҳаммад Фикрий, Мавлавий Асадуллоҳ Нусрат, Дўст Муҳаммад Ҳоккор, Мажнун Қайсорий, Ризвонкул Таманно, Солих Муҳаммад Салоҳ, Ҳомид Форёбий, Эргаш Учқун, Абдулҳамид Оғах, Муҳаммад Аваз Нудрат, Анвар Андхўйи, Мадхуш Сарҳожи, Муҳаммад Осиф Марот, Нажмиддин Аён, Латиф Тотор, Ҳаётний Алморий, Шафиқа Ёркин, Муҳаммад Карим Зарра Азимий, Фаришта Зиёйй, Гулом Муҳаммад Ҳадим, Сайфиддин Нурий, Кори Азим Азимий Жўзжоний, Кори Сайфуллоҳ Сангин, Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний, Муҳаммад Амин Учқун каби шоир ва адиллар мумтоз адабиёт анъаналарини давом эттирган холда, А.ў.а. янги давр шароитида янги мавзу, гоя, жанр ва бадиий воситалар билан бойиб шаклланишига, тараккий этишига сабабчи бўлдилар. Ҳалкнинг адабиётга бўлган эҳтиёжи бу давга қадар, асосан, кўлэзмалар, литографик асарлар ва Афғонистонга четдан кириб келаётган адабиётлар билан қондирилган.

А.ў.а. шаклланишида бу мамлакатда ўзбек т.да вужудга келган матбуот ва ноширлик ишларининг роли катта бўлди. Афғонистонда ўзбек т.да "Юлдуз" газ.нинг нашр қилиниши 1357 (1978), ксейинрок "Гураш" номи б-н туркман т.даги нашр йўлга кўйилиши А.ў. бад. публицистикасишинг ривожига сабаб бўлди. Унинг илк намояндлари А.Ш.Жўзжоний, А.Баённий, О.Баённий, М.А.Матин, М.А.Азимий, Ш.Ёркин, М.Олим Лабиб, М.И.Сано, М.Ҳ.Ёркин, М.А.Баёт, Т.Баҳойлардир.

Ҳоз. Афғонистон худудида ўзбек миллитига мансуб аҳоли мамлакатда юз берган мураккаб ижтимоий-сиёсий ўзгаришларга қарамай, миллий ўзлигини, илдизлари узок тарихий даврларга кириб борадиган адабий-маданий анъаналарини саклаб колгандиги туфайли бу мамлакатда ўзбек фольклори ва ёзма миллий адабиёт яшаб келмоқда. А.ў.а.ни яратишга маҳаллий ижодкорлар билан бир каторда Кори Шарафиддин Шараф, Устод Курбат, Махдум Чустий, Муҳаммад Амин Учқун каби тарихий шароит туфайли Ӯрга Осиёдан бу мамлакатга келиб яшаган мухожир адиллар ҳам салмоқли улуш кўшдилар. Устод Курбат, Кори Азим Азимий, Абдурашид Чустий, Эргаш Учқун каби шоирлар, асосан, мумтоз шеъриятдаги анъаналар доирасида асарлар битган бўлсалар, 80–90-й.лар шеъриятида ўз ижоди билан ад-т тарихида сезиларли из колдирган янги адиллар авлоди шаклланди. Бу давр шеъриятида, асосан, аруз вазни таомилдаги шеърий тизим бўлса ҳам, мазкур адиллар бу тизимни ичдан янгилашга, бармоқ ва эркин шеър шаклларида асарлар яратишга харакат қилдилар. А.ў. шеъриятида фаол жанрлар сифатида

ғазал, мухаммас, рубойй, маснавий, мустгазод, ва китъаларни кўрсатиш мумкин. Адабий анъаналарга эргашиш туфайли “Тонг ели” деб аталган Султон Ҳусайн Бойқаро ғазалларига татаббуъ килинган шеърлар туплами, Бобурга эргашиб ёзилган асарлар “Бобурга армуғон” номли тупламга жамланди.

- Усмонов О. Курапларда тобланган шеърият. Т., 1982; Аймок Ф. Народные песни узбеков Афганистана. АКД. Т., 1987; Исломов А. “Юлдуз” сахифаларида // ЎзАС. 1987. 24 апр.; Нишонов М. “Юлдуз” - дўстлик элчиси // Шарқ ўлдузи. 1991. 12-сон; Темури Ш. Независимая печать Афганистана: традиции и современность. АКК. Т., 1993; Ҳашимбеков Х. Узбеки северного Афганистана. М., 1994; Абдуллаев А. Курашларда янгиланаётган шеърият // Жаҳон ад-ти. 2002. 9-сон. Б.97-104; XX аср Афғонистон ўзбек адабиёти. Т.: Университет, 2003.

АФОН ТИЛИ – қ.: Пушту.

АФГОНИЙ, Жамолиддин – қ.: Жамолиддин Афгоний

АҲАЗЗ (арабча: хазз – тез кесиш) [поэтика, метрика] – тармок рукнларидан бири. Аruz амалиётида мустафъилун рукнидан фаълун ҳосил килиш натижасида ҳосила А. содир бўлади. Нисбатан кам учрайдиган бу вазнга Бобур “Аruz рисоласи”ла ўзи мисол ёзиш б-н чекланган.

АҲБОР (арабча: خبر – хабарлар) – шиа мазхабига мансуб олимлар ҳадисларни шундай атайдилар. Муҳаммад (с.а.в.) ва Ҳазрат Алининг сўзлари ва фаолияти асосидаги ривоятлар тўплами. А. шиалар учун Куръондан кейинги (худди суннийлар учун Ҳадислар каби) муқаддас манба хисобланади. Кўп ҳадис билгандарга нисбатан Кальбу-л-ахбор нисбаси қўлланилган.

АҲГАР САМАРҚАНДИЙ (XVII) – шоир. Асл исми Мирзо Муҳаммад, отаси Муҳаммад Саййид. Малиҳо Самаркандининг “Музаккиру-л-асҳоб” (“Сұхбатдошлар зикри”) тазкирасида А..С.нинг Бўстони Болода яшагани айтилади. А.С. хушхат ҳаттот ва сиёҳ илми (хисоб-китоб)дан яхши хабардор бўлган. А.С. 20 ёшда эканлигига Малиҳо б-н кўришган. Унинг ғазал таҳлили ва сухансанжлик (танқид) маҳорати шаклланаётганлигини тазкирачи эътироф қилган ва 8 байт шеърини мисол келтирган. Кейинги ҳаёти ҳакида маълумот йўқ. Биргина байт:

Зи санги сурма работе бино кунам, Аҳгар,
Ба дашиш агар гузари он сиёҳчашим афтад.

Мазмуни:

Аҳгар, тош сурмасидан робот бино килгаймен,
Агар дашишдан ул қаро кўз ўтгувчи бўлса.

- Саъдиев С. Самарканд адабий мухити тарих кўзгусид

АХЕЙЛАР (юононча: Αἵεν – қавм номи) [мифология] – қад. юонон қавмларидан бири. М.а. иккинчи минг йилликда Фессалия (ҳоз. Шим. Гречия)да яшашган. А.т. қад. юонон шеваларидан бири бўлиб, юонон адабий т. шаклланишида мухим ўрин тутган. М.а. XVII –XVI асрда Микена, Пилос давлатларини барпо қилишган. Гомер достоинларида А. турмуши ва қаҳрамонликлари байён қилинган. Троя урушидан кейин А. давлати таназзулга юз тутган. А. бир кисми Кичик Осиёга, бир кисми Кипрга кучиб кетишган. М.а. VIII асрда Ахайа вилояти тузилган, Ахей иттифоқи (м.а. 280–146) А.ни бирлаштирган ва Римга карши қурашда мухим зафарларга эришган. Римликлар Юнонистонни босиб олганларидан сўнг А.и. тарқатиб юборилган.

- Георгиев В. Исследования по сранительно-историческому языкоznанию. М., 1958; Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.

АХЁР (арабча: أخبار – хайрнинг кўплиги – энг яхшилар) [тасаввуфшунослик] – хайр ахли. Тарикат эгалари мазмунида ҳам суфийларга нисбатан кўлланилади. Улар гойибдаги 356 нафар киши бўлиб, аброр деб ҳам юритилади. А.Жомий: “Орифлардан ва мутасаввуф авлисуллоҳлардан иборат ақд ва ҳалл соҳибларини А. дейишади” деб тушунтирган. Тасаввуф ад-тида уч валийларнинг зумралари (Шомда абдол, Яманда нужабо, Ирокда ахёр) ҳам А. деб талкин қилинади. Абу Бакр Тохир Абхарийнинг талкинига кўра, ёмонларнинг яхшиларга эҳтиёжи ҳар иккала гурухга яхшилик келтиради; аксинча, яхшиларнинг ёмонларга эҳтиёжи тушиши ҳар икки гурухнинг фитна оғатидир.

• Ислом тасаввуфи манбалари. Т.: Ўқитувчи. 2005; *Uludag S. Tasavvuf Terimleri Sözlüğü*. İstanbul: Kabalcı Yayınevi, 2005. S.31.

АХЕЛОЙ – қад. Мисрга таалуккули миф қаҳрамони. Айрим ад-тларда Мисрда яшаган реал шахс сифатида, айримларида эса, афсонавий қаҳрамон сифатида акс этган.

• Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.137.

АХЕРОН(m) – мифик қаҳрамон. Гелиос ва Гсянинг ўғли. Титанлар мағлубиятидан сўнг таназзулга учраган.

АХЗАМ (арабча: أخزم – туюнинг ҳалқаси) [поэтика, метрика] – аруз илмида мисранинг бошида келиб, вазн ва тактиъга дохил бўлмаган ҳарфлар ёки хижо. к.: Хазм.

АХИЙЛИК (арабча: أحى – кардош; туркча: мард) [тасаввуфшунослик] – аббосий халифаларидан бири Носир динуллоҳ (1180-1225) томонидан фугтувват тарикатининг янгиланган оқимиdir. А. илдизлар қораҳонлилар давридаги тасаввуфнинг илк туркий учокларига бориб такалади. Суфийларнинг аксарияти бирор касбнинг эгаси бўлгани ҳолда, А. санъат б-н

машгул бўлиб, бозор ва гузарларда ўтирадилар. А. XIII аср бошида Онадўли ва Озарбойжонда кенг ёйилган бўлса ҳам, манбаларда А.нинг Марказий Осиё, Ироқ ва Сурияда хонақоҳлари борлиги айтилади. Салжуқлилар даврида Самарқандда ҳам А. масканлари қурилгани маълум. Табризда Шайх Ахвадиддин Кирмоний А. ғояларини тарқатган суфийдир. Унинг күёви Шайх Махмуд Насриддин (в. 1262) бу ғояларни тарикат даражасига олиб чиккан ва Ахий Эвран номи б-н танилиб, унинг нисбаси Абу-л-Ҳакойик бўлган. XIII аср бошида Ахий Эвран Онадўлига келиб, Киршаҳарда ўрнашиб қолди. Турк султонларидан бири Усмон Фозий (1299) А. шайхларидан Ахвадиддин кизига уйлангач, бу тарикат янада кенг ривож топди. А.да етти фано эшигини ёшиб, етти эзгу эшик очмок шиор килинган. Хасисликни боғлаб лутф этишиликни очиши (1), каҳр ва зулм ўрнига билим ва мулоимлик (2), хирс эшиги ўрнида қаноат ва ризо (3), тўқлик ва лаззат ўрнида очлик ва риёзат (4), ҳалқдан Ҳакқа қараб йўналмоқ (5), ҳарза ва ҳазаён ўрнида маърифат (6), ёлғон ўрнида чинликни жорий қилмоқ (7). Бу етти фазилатни козонган инсонгина А. бўлиши мумкин экан. А. макомидагиларнинг 7 даражаси мавжуд бўлган: иғид (номзод), йамак (ун ёшидан сурункали икки йил бир устанинг кулида ишлаган), чирок (устасининг розилиги б-н шогирдликдан чиккан), ҳалфа (уч йил давомида мустакил ишлаб устозларнинг эътирофини олган), уста (хусусий дукон очиш имтиёзига эришган), нақиб, ҳалифа, шайх ва шайху-л-мажмийих.

Форс т.даги ад-тда дастлаб Низомий асарлари орқали бад. асарларга кириб келган. Унинг “Хамса” асари таркибида А.ни тарғиб килувчи гоя, талқин ва қаҳрамонлар мавжуд. XVI асрга кадар давом этган А. тарикати турк ва форс шоирларига сезиларни даражада таъсир килган.

• *Мирәһмадов Ә. Әдабијатшунаслыг. Енциклопедик луғат. Бакы: Азәрбајҹан енциклопедијасы нәşriyät-poliqrafiyä birliliyi, 1998. B.86; Uludag S. Tasavvuf Terimleri Sözlüğü. İstanbul: Kahalci Yayınevi, 2005. S.28; Sapolyo E.B. Mezhepler ve tarikatlar tarifi. İstanbul, 2006; Bayat F. Türk Təkkə ədəbiyatı. Bakı: Elm və təhsil, 2011. S.176-184.*

АХИЛЛ, Ахиллес (юононча: Achilltus) [мифология] – қад. юонон мифологияси қаҳрамони. Пелей (пелид) ва Фетида (дентиз маъбудаси)нинг ўғли, Закнинг набириаси. ТРОЯ урушида иштирок этган. А. қаҳрамонликлари Гомернинг “Илиада” достонида тасвирланган. Онаси А.ни ўлмайдиган килиш учун унинг товонидан ушлаб, ер остида оқадиган мукаддас Стикс дарёсининг сувига чўмилтирган. Шу тарика А.нинг товони унинг заиф аъзоси бўлиб колган. Парис жангда унинг товонига ўқ отиб ўлтирган. А. тимсоли юонон мифологиясида қаҳрамонлик культи сифатига сакланган.

• Миғы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.137.

АХИМСА, Ахинса (санскритча: күчиш) [мифология] – жонли махлукларнинг рухий дунёга сафари, бадандан рухнинг күчиси ҳакидаги диний тасаввур. Ахимсалар жонли махлукнинг гуштини истеъмол килмайдилар. Уларнинг акидаси зулмга карши бормаслиқидир.

• *Bunyadov Z. Dini, tatiqalar, mazhablar. Bakı: Sarq-Qarb, 2007. S.12-13.*

АХИР (арабча: اخیر – охирги, якун) I. [поэтика, метрика] – аруннинг фаръий баҳрларидан бирининг номи. Форс арузийлари Халил ибн Ахмаддан кейин ихтиро қилган. Ани баҳр сифатида талқин қиласиганлар Мунтазия доирасидан чикариб кўрсатишган.

Яна к.: Мушокил.

- *Touq Y., Saïdali C.* Қомуси кофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди авват. Душанбе: Ирфон, 1994. Б.61.

II. [тасаввуфшунослик] – Аллоҳнинг исмларидан бири. Сафар ойининг сўнгти чоршанба куни. Алиқнинг Ҳиндистон мусулмонлари томонидан қабул қилинган байрами. Ривоятта кўра, Мухаммад (с.а.в.)нинг касаллиги шу кун бир оз енгиллашган. Ҳинд шиалари бу кунни киёматда Истрофил сур чалиб, чорлайдиган кун сифатида талқин қиласидар.

- Bünyadov Z. Dinlər, təriqətlər, məzhibələr. Bakı: Şərq-Qərb, 2007. S.12.

АХЛОҚ (арабча: احلاق – қулклар) [тасаввуфшунослик] – I. инсоннинг үзаро, оила, жамиятга муносабатида намоён буладиган ҳаракатлари, одоби ва хулкларининг мажмуи. Фалсафада ижтимоий онг шакларидан, дунёни урганиш усулларидан бири. Ани урганувчи маҳсус фан ахлоқшунослик (этика) мавжуд.

Инсон А.нинг камол топиши ўша шахснинг улғайиши, унинг жамиятдаги ўрни ва маънавий киёфасига ўз таъсирини кўрсатади. А. фан, дин, ад-т ва санъат А. б-н мустаҳкам алокада. Инсонни А.ий камол топтиришда барча ижтимоий онг шакллари қатнашади. Ад-т азалдан А. б-н боғликлigi, шахс камолотида комилликка уларнинг үзаро уйғунлиги натижасида эришиши мумкинлиги туфайли уни “одоби куллиёт”, яъни одоб-ахлоқ тўплами деб юритганлар. Ани қарор топтиришда ад-т икки азалий куч – эзгулик ва ёзувллик, жаҳолат ва маърифатларнинг мукобил курашидан фойдаланади. Қад. манбалар “Авесто”дан тортиб то замонавий ад-тга кадар бу үзаро мукобил иккилик турли образ (тимсол) ва талқинларда тасвирланади.

Юксак инсоний А.нинг шаклланишида тарихий ва диний манбалар, айникса, ислом дини ва унинг муқаддас китоби Куръони карим бирламчи манба ҳисобланади. Ҳадисларда комил инсон сифатида Мухаммад (с.а.в.)нинг шамойиллари, юксак ахлоқий сифатлари барча мўъминларга намуна сифатида кўрсатилган. Кўплаб адиллар, файласуф ва мутафаккирларнинг асарларида А. тарғиб қилинган. Мак., “Ахлоқи кабир” (Арасту ҳаким), “Ахлоқи Жалолий” (Давоний), каби маҳсус китоблар ёзилган.

- *Carra de Vaux. Ahlak / Islam Ansiklopedisi. 2-cild. İstanbul, 1993. S.157-160; Turk Duyası Edebiyat Kavramları ve Terimleri Ansiklopedik Sözlüğü. Cilt 1. - Ankara: Atatürk Kultur Merkezi Başkanlığ'ı, 2001. S.69–70.*

II. [тасаввуфшунослик] – тасаввуф ад-тида хулқ, нафснинг малакаси. Шу жиҳатдан А. икки турлидир: А.и ҳамида (макталган хулклар), А.и замима (риё, кибрли хулклар). Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Ахлоқи Мухсиний”

асарида гўзал хулқлар баён қилинган. Тасаввуф илм ва амалгина эмас, балки хуш А.дир. Чунки тасаввуфда солик покиза ахлок (айрим манбаларда Пайғамбар (с.а.в.) ахлоки) б-н хулкланиши керак. Чунки манбаларда ёзилишича, комил инсоннинг борлиқдаги ягона тимсоли Мұхаммад (с.а.в.)дир.

- *Uludağ S. Tasavvuf Tenmeleri Sözlüğü. İstanbul: Kabalcı Yayınevi, 2005. S.30.*

«АХЛОҚИ ЖАЛОЛИЙ» – адаб Давоний асари. Тұлғы номи: “Лавоми ул-ашрок фи макориму-л-ахлок” (“Яхши хулқларда нурлар зиёси”). Оқ күйенлилар суполаси асосчиси Ҳасанбекнинг талаби б-н унинг ўғли Султон Ҳалилга атаб ёзилган. Муаллиф Арасту, Афлотун, Ибн Мискавайх, Форобий, Ибн Сино асарларидан фойдаланган. “А.ж.” уч кисмдан иборат. 1-кисмда ахлокий сифатларни эгаллаш ва донолик, адолат, шижаат, иффат каби ахлок категориялари; 2-кисмда оила ва оиласи ҳаёт ахлоки; 3-кисмда ахлокнинг ижтимоий муносабатлардаги ўрни хусусида баён қилинган. Асар Мовароуннарх ва Хурросондан ташқари, Ҳиндистон ва Араб мамлакатларида хам шуҳрат топган ва мадрасаларда ўқув қўлланмаси сифатида ўқитилган.

- Алиқулов Ҳ. Ахлоки Жалолий / ЎзМЭ. Т.: ЎЗМЭДИН, 2000. Б.531.

«АХЛОҚИ КАБИР» – Арасту асари. Юнонча номи: “Магния Моралиа” (рус т.да: “Большая этика”). Арастунинг отаси Никомахга бағищлангани ва муаллифининг ахлокқа доир асарлари ва маърифий муаммоларни қамраб олгани учун кабир (катта) сифатловчиси б-н бирга номланган. “А.К.” да ўтмишдаги ахлокий таълимотлар (Арастугача бўлган давр), фазилат, ҳаёт неъматлари ва унинг турлари асарнинг 1-кисмida, ҳалоллик, маънавий гўзаллик, дўстлик, адолат, омад каби тушунчалар эса, унинг 2-кисмida илмий шарҳланади. Асар юон т.дан рус т.га Т.Миллер томонидан 1883 й. тарж. килинган, ўзбекча таржимаси шу нашр асосида амалга оширилган.

- ◆ *Aristu. Поэтика. Ахлоки кабир / М.Махмуд тарж. ва шарҳлари б-н. Т.: Янги аср авлоди, 2004.*

«АХЛОҚИ МУҲСИНИЙ» – Ҳусайн Воиз Кошифий асари. Султон Ҳусайн ўғли Марв хукмдори Муҳсин Мирзога бағищланган. “А.м.” форс т.да ёзилган, 40 бобдан иборат. Асарда адолат, сабр, ёқимлилик, ҳаёб, одоб, ишонч, вафо, шижаат ва сиёсат каби масалалар хусусида сўз юритилади. Асар Оғаҳий томонидан ўзбек т.га тарж. (1858) килинган. Рус ва Европа т.ларига хам ўтирилган. Асар матни ва таржимасининг кўлгина кўлёзмалари ЎзРФАШИда сакланади.

- ◆ *Кошифий Ҳ. Ахлоки муҳсиний. Т.: Ўзбекистон, 2002; Ахлоки Муҳсиний / М.Ҳасаний, А.Ҳакимов тарж. Т.: ЎЗМЭДИН, 2010.*
- *Мағмудов Р. Дегонимни улуска марғуб эт... Т.: Ўз-н, 1992.*

АХМАДУЛЛИНА, Белла (1937 й.т.) – рус шоираси. Москвада туғилган. Ад-т инс-тини тамомлаган (1960). Биринчи шеърий тўплами “Соз” (1962) б-н адабий жамоатчиликка танилган. Шеърлар китоби Германиядаги чоп этилгани

учун А. тазик остига олинган. Кейинроқ “Мусика дарси” (1969), “Шеърлар” (1975), “Шаъм” (1977), “Бурон” (1977) тұпламлари нашар этилган. Грузин мұмтоз шеъриятидан тарж.кілған. Россия Давлат мукофоти б-н тақдирланған (2004).

◆ [Белла Ахмадуллина] XX аср рус шеърияти / Мирпұлат Мирзо тарж. Т.: F.Фулом номидаги нашар., 2010. Б.277-304.

АХМАН (АКМАН) – юонон тарихчилари Эрондаги ахомонийлар сүлоласи асоссисининг номини шундай атаган.

АХМАТОВА, Анна (1889/11.VI–1966/5.Ш) – рус шоираси. Асл исми: Горенко Анна Андреевна. Одессада ш.да туғилған. Она томонидан Олтин Үрда ҳукмдори Ахмадхон авлоди. Киев ун-ти юридик факультетини тамомлаган. 1910 й.да Петербургга күчиб үтген. Ақиесистлар тұгарагида қатнашған. А.нинг турмуш үртоги шоир Н.Гумилев отувга хукм қилинған (1921), үғли Л.Гумилев қамоққа олинған (1935). II жағон уруши даврида Тошкент (хоз. С.Азимов күчаси, 54)да яшаган. “Тошкент шеърлари” (1944) түркүми шу ш.да яратылған.

А. асарлари 1912 й.дан нашар этила бошлаган. Бириңчи шеърий түплами “Окшом” (1912) шоирага шұхрат келтирған. Сұнгра “Тасбех” (1914), “Ок гала” (1917), “Баргизуб” (1921) түпламлари, “Қаҳрамонсиз достон” (1940–62), “Марсия” поэмаси, “Күта”, “Еттинчи китоб” и чоп этилған. “Вактнинг тез үтиши” (1965) китобида үз ижоди хусусида сұз юритған. А.С.Пушкин тұғрисида тадқиқотлар мұаллифи. Шеърлари жағон т.ларига тарж.килинған, А.А. “Корея анъянавий шеърияти” (1958), “Шарқ мұмтоз шеърияти” (1969) тарж. китoblари мұаллифи.

◆ Ахматова А. Из шести книг. Л., 1940; Стихотворения. М., 1961; Бег времени. Л., 1965; Голоса поэтов. Стихи зарубежных поэтов в пер. А.Ахматовой. М., 1965; Сочинения в 2-х т. М.: Правда, 1990; [Анна Ахматова] XX аср рус шеърияти / Мирпұлат Мирзо тарж. Т.: F.Фулом номидаги нашар., 2010. Б.7–34.

◆ Эйхенбаум Б. Анна Ахматова / Опыт анализа. Петроград, 1923; Пакловский А. Анна Ахматова / Очерк творчества. Л., 1966; Добин Е. Поэзия Анны Ахматовой. Л., 1968; Жирмунский В.М. Творчество Анны Ахматовой. Л., 1973;

АХОМАНИЙЛАР (м.а. 558–330) – форс подшохлари сүлоласи. Унинг асоссиси Ахоман (қад. т.да Хахоманиш) форс қабилалари етакчиси бұлған. Ахоман үғли Тесісп (Чишиши), авлодлари Кир I, Камбис, Кир II Аншан давомчилари бұлған. Сулоланинг катта тармоги Камбис II (530–522) вафоти б-н (522) туғаган. Кичик тармокка Доро I (522–486) асос солған, унинг давомчилари Ксеркс (486–465), Артаксеркс I (465–424), Ксеркс II (424), Суғдиён (424–423), Доро II (423–404), Артаксеркс II (404–358), Артаксеркс III (358–338), Аресес (338–336), Доро III (336–330) бұлған. Бу сулола тарихи күпілаб манбаларда, жумладан, Навоийнинг “Тарихи мулуки Ажам” асарыла баён килинған.

А. давлати ҳоз. Эрон, Хинд дарёсидан Эгей ва Уртаер деңгизигача булган худудда Миср, Ливия ва Болкон ярим оролининг баъзи мамлакатларида ўз хукмронлигини ўрнатган. А. сулоласи вакили Кир II форс кабилалари иттифокини тузган. Давлат Доро I даврида 20 та ҳарбий маъмурий бўлинма (сатрапия)дан иборат бўлган. А. давлати бир неча марта Туронга хужум ўюштирган. Туркий халкларнинг А. хужумига каршилиги Тумарис, Широк, Марғиёна ҳақидаги ривоятларда акс этган. А. ҳукмдори м.а. 330 й.да Искандар Макдунли томонидан ҳалок килинган.

Ахоманий шоҳлари кучли марказлашган давлатни вужудга келтириш учун зардуштийлик диний эътиқоди ва маросимларидан яхши фойдаланишган. М.а. VI асрда (аникрофи, 521–486 йилларда) ҳукмдор бўлган Доро I ҳозирги Кирмоншоҳ якинидаги Бехистун қоятошига уч т.да (эlam (Шумер)), Бобил ва қадимги форс-паҳлавий т.ларида) тарихий обида сифатида куйидаги сўзларни нақш этирган: “Менким, Форс подшохи, шаҳаншоҳ, Вишласп ўғли Аршама набираси Ахоман авлоди Дородурман. Дорошоҳ сўзим: Менинг отам Вишласп, отамнинг отаси Аршама, Аршаманинг отаси – Чишиши, Чишишининг отаси – Ҳомондир. Шу сабабли биз ахоманийлармиз. Менинг авлодларимдан саккизтаси подшоҳ бўлган, мен – тўккизинчисиман. Ахура Мазда менга подшоҳлик берди.

Ахура Мазда шарофати б-н куйидаги мамлакатларни қўлга киритдим: Форс, Элам, Бобил, Ассурия, Арабистон, Миср, Лидия, Иония, Мидия, Арманистон, Каппадокия, Парфия, Дрангийона, Ария, Хоразм, Бактрия, Сўғдиёна, Гандарва, Сакистон (Сейистон), Саттагидия, Мако – ҳаммаси бўлиб, 23 мамлакатга подшоҳ бўлдим.

Ахура Мазда химмати б-н бу мамлакатлар менга итоат этиб, хирож, улпон тўлайдилар. Кечаси ҳам, кундузи ҳам менинг айтганимни бажо киладилар. Мен бу мамлакатларнинг яхши одамларини қадрладим, душманларни жазоладим. Ахура Мазда иродаси б-н бу мамлакатлар менинг қонунларимга риоя килдилар. ...Бу ерда аввал Кир (Кайковус) подшоҳ, сунг унинг ўғли Камбиз подшоҳ бўлди. Камбиз укаси Бардияни ўлдирди. Мисрга борди. У ерда ҳалқ унинг зулмига карши ғалаён кутарди. Унинг даврида Форсда ҳам, Мидияда ҳам, бошқа мамлакатларда ҳам жабр-зулмга карши ҳалқ кузғолонлари бўлиб ўтди. Ўша вактда Пешавод деган жойда Ҳавмота исмли муг (сехргар) чикиб, (Камбизга карши) кузғолон кутарди. У ўзини Бардия деб ҳалқни алдади ва ҳалқ унга қушилиб, ҳокимиятни Камбиздан тортиб олдилар. Форс, Мидия ва бошқа мамлакатлар муг Ҳавмотага ўтди (м.а. 522, 9 апрел). Сунг Камбиз ўз ажали б-н ўлди.” Шундан сунг Бехистун тошбитигида муг Ҳавмота уни Кирнинг ўғли Бардия эмаслигини билганларнинг ҳаммасини ўлдириб юборганлиги, на форс, на мидиялик, хеч бир инсон ундан ҳокимиятини тортиб ололмагани, ҳалқ ундан куркиб, ҳакикатни айтишга журъат килолмагани ёзилган.

• Геродот. История. Л.: Наука, 1972; Лит-ра Древнего Востока: Иран, Индия, Китай. Тексты. М.: Изд. МГУ, 1984; Қодиров Б., Матъкубов Х. Ўз-н тарихидан изоҳли луғат. Т.: МУМТОЗ SO'Z, 2010. Б. 31; Болтабоев Ҳ., Маҳмудов М. Адабий-эстетик тафаккур тарихи. Т.: МУМТОЗ SO'Z, 2013. Б. 334–388.

АХРАБ (арабча: **أَخْرَبْ** – вайрон килиш) [поэтика, метрика] – аруз назарияси ва амалиётида мафойлун аслининг “харб” зиҳофи б-н узгариши оқибатида юзага келиши мумкин бўлган *мағъулу* (– – v) тармок рукнининг номи. Бобур “Аруз рисоласи”да “Харб – кафф била хармнинг ижмоъидур мафоъийлун фоъиль бўлур, мафъул анинг еритга қўярлар, бу мугайярни ахраб дерлар”. 24 рубоий рукнларининг 12 тасида А. қатнашади.

- *Тоир У., Сайдали С.* Комуси кофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон, 1994. Б.61--64; *Ҳожиаҳмедов А.* Ўзбек арузи луғати. Т.: Шарқ НМАК, 1998. Б.19; Шарқ мумтоз поэтикаси Ҳ.Болтабоев талкинида. Т.: ЎМЭДИН, 2008. Б.136, 220.

~ **шажараси** – аруз назариясида рубоий вазнларидан 12 тасини уз ичига олувчи туркум бўлиб, уларнинг барчаси мафойлуннинг ахраб тармоғи мафъулу рукни б-н бошланувчи рукнлар тизими. А.ш.дан 4 тасининг иккинчи рукнлари мафойлун аслининг макбуз тармоғи мафойлунга, 4 тасининг иккинчи рукнлари шу аслининг макфуф тармоғи мафойлуга, яна 4 тасининг иккинчи рукнлари мафойлун аслининг солими мафойлунига тенг келади. Учинчи рукнлар мафойлун ёки мафъулун бўлганда тўртнинчи рукнлар мафойлун аслининг *абтар* тармоғи *фаъ* ёки *азалл* тармоғи *фоъга*, учинчи рукнлар мафойлун ёки мафъулун бўлганда тўртнинчи рукнлар мафойлун аслининг *ажабб* тармоғи *фаат* ёки ахтам тармоғи *фаулдан* иборат бўлади.

Ўзбек шеъриятида яратилган рубоийларнинг аксарияти иккинчи рукни мафойлун бўлган *ахраби макбузга* мансуб тўрт ўлчовга асосланади. Булар: ҳазажи мусаммани ахраби макбузи солими абтар, ҳазажи мусаммани ахраби макбузи солими азалл, ҳазажи мусаммани ахраби макбузи макфуфи ажабб, ҳазажи мусаммани ахраби макбузи макфуфи ахтамдан иборат. Навоий, Бобур, Мунис, Оғаҳий ва Аваз ижодидаги бир вазни рубоийларнинг учдан икки кисми ушбу шохобча ўлчовларида битилган. Қолган шохобчалар нисбатан кам кўлланилган.

- *Ҳожиаҳмедов А.* Ўзбек арузи луғати. Т.: Шарқ НМАК, 1998. Б.19-21.

~и **макфуф** – аруз назариясида рубоий вазнларидан бири. Ўзбек рубоийнавислигига кенг кўлланган ўлчовлардан бири. Рукнлари бир мисрада мафъулу мафойлун *фаъ* (– – v v – – v v – – –) тарзida ўлчанади. А.м. Лутфий, Ҳофиз Хоразмий, Алишер Навоий, Бобур, Мунис, Оғаҳий, Аваз рубоийларида кўлланган. Мас.,

Жонимга қўлур жавру жафо ёр асру,

Ким ёр ичиди жавру жафо бор асру,

Бўлдум чекибон жавру жафо зор асру,

Мен жавркашу ёр жафокор асру.

(Алишер Навоий)

- *Ҳожиаҳмедов А.* Ўзбек арузи луғати. Т.: Шарқ НМАК, 1998. Б.25-26.

-и мақбуз – аруз назариясида рубой вазнларидан бири. А.м. түрт хил вазндан иборат: ҳазажи мусаммани ахраби макбузи солими айттар, ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими азалл, ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи макфуфи ажабб, ҳазажим мусаммани ахраби мақбузи макфуфи азалл. Булардан биринчиси ўзбек рубоийнавислари Ҳофиз Хоразмий, Навоий, Бобур томонидан фаол қўлланган. Мас.,

Ахбоб Фирокинги била эл цетэй?

Сизларға киши не чоря айлаб етгей?

Жамъятиңизни жасаң түткай Тенгри.

Бобурни дээги бүн жамъда жамъ эмгэй

(Бюджет)

- Ҳажиахмедов А. Ўзбек арузи лугати. Т.: Шарқ НМАК, 1998. Б. 22.

AХРАМ (арабча: آخرم – бурунни кесиши) [поэтика, метрика] – А. мағъулун (— — —) тармок рукнининг номи. Аруз назариясида мафойлун аслининг “харм” зихофиға дуч келипчи натижасида (аслий руқн бошидаги қисқа хижони ташлаб юбориш) хосил бўлади. Рубоий рукнларининг 24 тадан 12 тасида А. қатнашади. Ушбу руқн асосида *Aхрам шажараси* вужудга кслади. Унда ахрами аштар, ахрами ахраб, ахрами макфуф, ахрами мусаббағ каби зихофлар келади.

- Топр У., Сайдали С. Қомуси қоғия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилд аввал. Душанбе: Ирфон, 1994. Б.65; Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи лугати. Т.: Шарқ НМАК, 1998. Б.28-30; Шарқ мумтоз поэтикаси Ҳ.Болтабоев талқинида. Т.: ЎМЭДИН, 2008. Б.136, 220.

«АХРАМ» («ал-Ахрам») – Мисрда араб т.да чоп этиладиган газ. (1875) Хоз. Якин ва Ўрга Шарқ ҳамда араб т.ли мамлакатларга таркатилади. Ад-т ва санъат масалаларига кўп ўрин берилади. Ўзбек адиллари Навоий, Бобур, Чўлпон асарларидан намуналар А.да эълон қилинган.

AXPAC (арабча: أخْرَى – гунг, лол, союз) [поэтика] – I. форс т.даги аруз баҳрларидан бири. Халил ибн Ахмаддан сүнг форс арузийлари, жумладан, Баҳром Сарахсий, Бузургмехр Кошиний асарларида учрайди. Мунъалика доирасидан ажратиб, уни алохида баҳр сифатида талқин килишган.

II. Эрон олимларидан Маҳдий Ҳамидий томонидан номланган баҳр, у “Арузи Ҳамидий” асарида аслий рукни (солим) мутфо (— —) тарзида келгиради. “Фаълун”нинг түрт марта такроридан рукн ҳосил килинган:

Гар дар домаи гавҳар дори.

Бахри Ахрас кам пийдори.

$\vdash \neg \neg A \vdash A$ / $\vdash \neg \neg B \vdash B$

Таржимаси:

Агар этагингда гавҳаринг бўлса (ҳам),

Ахрас үчүн бир умрга старлы эмас.

• Топи У., Саидали С. Комуси кофия ва арузи шъси Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Илфон, 1994. Б. 68.

АХСИ (АХСИКАТ, АХСИКЕНТ) – қад. ш. харобалари. Ҳоз. Наманган вилояти Тўракўғон тумани худудида жойлашган. М.а. III–II асрларда вужудга келган, IX–X асрларда Фаргона давлатининг пойттахти бўлган. 1219 й.да мўгуллар томонидан вайрон қилинган. Темурийлар даврида қайта тиклапиб, Фаргона ҳукмдорлари қароргоҳи бўлган. Бобуршохнинг отаси Умаршайх Мирзо даврида А. салтанатнинг ёзги пойттахти эди. У калъа деворларини мустахкамлаган, атрофига жарлар қаздириб, мудофаа кудратини оширган. Умаршайх Мирзо А.да жарга йиқилиб, ҳалок бўлган (1494). “Бобурнома”да “Умаршайх Мирзоким, муни пойттахт килди, бир-икки марта ташкарироқдин яна жарлар солди. Фаргонада мунча берк кўргон йўктур. Махаллоти кўргондин бир шаръий йирокрок тушубтур” леб ёзилган (61а).

А. харобаларида акад. Я.Ғуломов томонидан археологик экспедициялар ўтказилган. 1950 й.дан давлат муҳофазасига олинган.

- Ахсикент. Маколалар. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2009.

АХСИЙ (в. 1601) – шоир ва мутасаввиф. Асл исми: Поянда охунд. Ахсикатда туғилган, Самарқанд ва Тошкентда таҳсил олиб, тафсир ва ҳадис илмини ўрганган. Кейинчалик Балх ш.га келиб, Хўрд Ахсикатий таълимотига эргашган. Мавлоно Хўрд вафотидан сўнг Бухорога келиб, тарикат йўлига кирган, кўплаб муридларга пирлик килган. Қасидалари б-н шуҳрат козонган. Бу байт А. касидадан:

*Зеҳи ҳўжаста асосе қи қуббаи ахзар
Ҳамида аз пайи таъзими у дар ин манзар.*

Мазмуни:

Яшасин кутлуг асосли бу жой ки мовий осмон,
Таъзими учун эгилмишдир кадтин қилиб камон.

Қабри Бухоронинг Файзобод мавзесида.

- Мутирибий Самарқандий. Тазкирату-ш-шуаро / Форсийдан И.Бекжон тарж. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2013.

АХСИКАТИЙ, Асириддин (1108/10–1196/98) – шоир, олим. Асл исми: Мухаммад Тохир, нисбаси: Абулфазл. Ҳоконий б-н бир даврда яшаган, Жаварийнинг устози. Балх, Ҳирот, Марв ш.ларида бўлган. Арслон бинни Тўгрул (1160–1179) ва Кизил Арслон (1185–1191) даргоҳида ишлаган ва “маликушшуаро” унвонини олган. Озарбойжоннинг Харлол қишлоғида вафот этган. Қарийб 8 минг байтга якин шеърни ўз ичига олган девони сакланган. Девонда 120 қасида, 220 ғазал, 80 китъя, 80 рубоий, 4 таркиббанд, 24 фард жамланган. Улвий Коший томонидан кўчирилган (1313) ушбу девон Лондондаги “Индиан офис”да сакланади. Девон пусхалари Берлин, Техрон, Дехли ва Душанбесда ҳам мавжуд.

А. ҳакида Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкирату-ш-шуаро” асарида маълумот бор: «Фазл эгалари Асир(иддин)нинг шоирлигига тан берар эдилар. Баъзилар унинг сўzlари Анварий ҳам Ҳоконий сўzlаридан фазллироқ эканлигини айтганлар... Асириддин сўзни донишмандона, Анварий завқ б-н

айтар эдилар. Хоқоний сүзга безагу оройиш беришда барчадан мумтоз эди... улар учаласи маънилар дарёсининг ғавослари эдилар ва ҳар бири ўша дарёдан кучи етганча дур олиб чиқкандир”.

Рубоий: *Үйқумда бўлиб ҳамнафас ул ёрни суйибмен,*

Ҳам ҳар нафас ул ёр ила асрорни туйибмен.

Он, шавқли юзим юзига қўйдим, куйибон, воҳ –

Ўйгондиму кўрдимки, юзим ерга қўйибмен.

(Тохир Каҳхор тарж.)

◆ Асириддини Ахсикатий. Девон. Душапбе, 1989.

• Самарқандий Д. Шоирлар бўстони. Т., 1981. Б.58-59; Ҳомидий Ҳ. Кўхна Шарқ даргалари. Т.. 1999. Б. 122-125; Ахсикент. Т.: МУМТОЗ SO'Z, 2009; Эш-яи ад-т ва санъати тоҷик. ж.1. С.184.

АХСИКАТИЙ, Ахмад (1073–1134) – шоир, тишишунос, тарихчи олим ва хаттот. Тўлик номи: Абу Рошид Ахмад ибн Муҳаммад ибн Қосим Ахсикатий. Фарғона водийсидаги Ахсикат кишлоғида туғилган. Форсий шеърлари асосида девон тузган. Озарбойжонда Отабеклар сулоласининг сарой шоири, Марвда сulton саройида муншийлик килган. “Зулфазойил” (икки фазилат эгаси – олим ва шоир) деган номга сазовор бўлган. Байҳакий уни “сұлтону-л-фузало” деб атайди. А. “Китобу-т-тариҳ”, “Китобу-з-завойид фи шарҳ “Сақту-з-занд” (“Чақмоктош учқунлари” достонига битилган шарҳ”), “Китоб фи қавлиҳим казаба алайка казо” (“Уларнинг сени бундай деб алдаган сўзлари ҳақидаги китоб”), “Девони шеър” в.б. асарлар битган.

• Зәҳириддин Байҳакий. Татиммату-с-савон ал-хикма. Т.: Фан, 1987. Б.126; Türk Dünyası Edebiyatçıları Ansiklopedisi. Ankara, 2002. 1. Cild. S.206-07; Ўрта Осиё олимлари комуси. Т., 2007. Б.19; Бунёдов З. Марказий Осиёга доир тадқикотлар. Хоразмшоҳлар давлати. Т.: МУМТОЗ SO'Z, 2013. С.228.

АХСИКАТИЙ, Муҳаммад (в. 1247) – фикҳ олими, файласуф ва адиб. Тулик номи: Ҳисомуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Ахсикатий ал-Ҳанафий. Фарғона водийсидаги Ахсикат кишлоғидан. Асосий асарлари: “Мухтасар фи усули-л-фикҳ” (“Фикҳ усули ҳақида мухтасар китоб”), “Ҳисомий” (“Ҳисомуддин китоби”), “Мифтоҳу-л-усул” (“Усулларнинг калити”), “Ғойату-л-таҳқиқ” (“Текширишлар чегараси”), “Дақойиқу-л-усул ва-т-табийин” (“Усул ва баённинг нозик қирралари”) в.б.

• Китобу мӯъжами-л-муаллифин. З ж. Б. 663; Ўрта Осиё олимлари комуси. Т., 2007. Б.19-20.

АХТАР (I) (в. 1740–41) – хинди斯顿лик шоир ва олим. Ожмирда туғилган. Исми Шайх Саъдулла. Бурхону-л-мулук Саодатхон саройида девонбеги бўлган. Форс т.да ёзилган “Девон”и сақланган, “Гулшани Махмуд”, “Шуълаи ишқ”, “Гетий ошуబ”, “Ажабнома”, “Ашшурмайи хайрат”, “Тилсими ваҳдат” номли манзуматлари ҳам “Девон”дан ўрин олган. Манбаларда шу байт келади:

Аз руҳи тобони худ бар абри моҳи ман ниқоб,

Офтоби субҳи маҳшарро чи нисбат бо саҳоб.

Мазмуни:

Ўзингнинг руҳи тобонингдан менинг абри моҳимга никоб,
Маҳшар тонги офтобининг булаттга қандай нисбати бор.

- Қайюмов П. Тазкирату-ш-шуаро. Т., 2006. Б.18.

АХТАР (II) (XVIII) – ҳиндистонлик шоир. Шоҳ Аврангзеб Оламғирнинг набираси, шахзода. Баъзи манзумалари бор. Икки байт ундан:

*Бувад токай зи ҳали ишқ гуфтор,
Кунам Ахтар зи ҳоли хеш изҳор.
Ки чун зин салтанатгоҳи мажози
Баромад шоҳи Оламғир Фозий.*

Мазмуни:

Қачонгача ишқнинг ҳолидан сўз айтилади,
Ахтар, ўз ҳолимни этаман изҳор.
Ки бу мажозий салтанатгоҳдан
Фозий Оламғир шоҳ чиқди.

- Қайюмов П. Тазкирату-ш-шуаро. Т., 2006. Б.19.

АХТАР (III) (XIX) – ҳиндистонлик шоир ва олим. Асл исми: Вожуд Алихон. Мамлакатни идора қилиш усуслари ҳакида “Дастури Вожудий” асарини ёзган. Аруз илмига оид “Иршоди Хоқоний”, мусиқа илмига оид “Савту-л-муборак” асарлари бор. “Девон”и машҳурдир. 1855 й.да Калькуттада инглизлар томонидан ўлдирилган. Бир байт:

*Саалта то чанд бошад мустаийт
Ҳоли зорам эй шаҳи мардон, бингар.*

- Қайюмов П. Тазкирату-ш-шуаро. Т., 2006. Б.19.

АХТАРИЙ (XIX–XX) – узбек шоири. Тошкент ш.да туғилган. Иккинчи тахаллуси: Афандикон. Туркистон жадидчилик ҳаракатининг фаолларидан. Шеър ва мақолалари “Садойи Туркистон”да чоп қилинган.

- Қайюмов П. Тазкираи Қайюмий. Т., 2009. С.141.

АХТАЧИ (муғулча: синчи, от табиби, сайис) – кад. туркий қабилалардан бирининг номи. Айрим манбаларда қипчоқ ургуларидан бири. Андижон вилоятида А. номли топоним мавжуд.

АХУНДОВ (Охундзода), Мирза Фатали (1812/30.VI–1878/26.II) – озарбойжон адаби, маърифатпарвар олим, озарбойжон драматургияси асосчиси. Тифлисда яшаган. Чор хукумати девонида тарж. бўлиб ишлаган (1834–1861). “Мулла Иброҳим Халил, алхимик” (1850), “Ҳожи Қора” (1852), “Шарқ адвокатлари” (1855) каби комедиялар муал.и. “Адашган юлдузлар” (1857) сатирик киссасида давр амалдорларини танқид килган. Фалсафий асарларида билиш назариясини илгари сурған. XVIII аср француз материалистларининг таъсирида атеизмга ўз эътиқодидан урин берган. “Файласуф Юмга жавоб”

“Хинд шаҳзодаси Камолуддавланинг уч мактуби” (1864-65)да ўз фалсафий қарашларини баён қилган.

- ◆ Ахундов М. Асарлари, ч.1-3. Бакы, 1949-55; Изб. М., 1956; Изб. философск. произв. М., 1962.
- Рафили М. М.Ф.Ахундов. М., 1959; Джсафаров Дж. Ахундов М.Ф / Критико-биографический очерк. М., 1962; Мамедов Ш. Мировоззрение М.Ф.Ахундова. М., 1962; Binyadov Z. Dinler, tatiqatlar, mazhablar. Baki: Sarq-Qarq, 2007. S.12-13.

АХУРАЛАР – “Авесто”даги маъбудлар гурӯҳининг номланиши. А. фазовий ва ёриттичлар ҳаракатларини назорат килишган, ёвузлик, жаҳолат ва зулмга қарши боришган. А. хинд ведаларидағи асурулар, скандинав мифларидағи ассларнинг муқобили сифатида майдонга чиккан. “Авесто”да Ахурамазда, Митра, Алам-Напат А.нинг синфидан экани ёзилган. Муқаддас китобнинг “Гоҳлар” (гатлар) бўлими ва “Кичик Авесто”да А. ҳарбий юришларда девлар в.б. инс-жинслар устидан ғалаба қозонган.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.142.

АХУРАМАЗДА (Ахура Мазда, Хурмуз) (“Авесто” тиљида: донишманд илоҳ) [мифология] – зардуштийлик эътиқодида бош маъбуд. “Авесто” муқаддас китобининг асосий қаҳрамони. “Авесто”га кура, А. осмон, замин ва инсониятни Фикр ёрдамида яратган (Ясна, 19:1-6). Ҳукмдорлар ва Низом (давлат тартиботлари китоби)лар ҳомийси. А. куи маъбудлар Аши, Сраоши, Рашину, Митранинг отаси. А. Ахира-Майнию (Ахриман)га карши кўйилган. А.эзгулик ва маърифат тимсоли бўлса, Ахриман зулм ва жаҳолат тимсолига айланган. А. “эзгу ният, эзгу сўз, эзгу амал”ни мадҳ этувчи, “жами эзгу фикрат, эзгу калом, эзгу амал”га ўзини бағишилаган мифологик тимсол.

- Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик (Аскар Маҳкам тарж.) Т.: Шарқ НМАК, 2001; Авесто / Поззия и проза Древнего Востока. М., 1973; Авеста / В пер. и с коммент. И.М.Стеблин-Каменского. Душанбе: Адид, 1990.
- Маковельский О. Авеста. Баку, 1960; Абу Баҳр Мұхаммад ибн Жаъфар Наршахий. Бухоро тарихи. Т., 1966; Абу Раиҳон Беруний. Ал-осору-л-бокия ан-ал қаруну-л-холия. Т., 1969; Қаюмов А. Кадимият обидалари. Т., 1971; Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.141-142; Ҳомидов Ҳ. «Авесто» файзлари. Т., 2001; Нитие Ф. Зардушт таваллоси / И.Фафуров тарж. Т., 2007; Каримов О. «Авесто» изидан. Т., 2008.

АЧЕ АДАБИЁТИ – к.: Индонезия ад-ти.

АЧИН – к.: Очун.

АШАРАЙИ МУБАШШАРА (арабча: ﺃﺸَارَةٌ مُبَشَّرًا – башоратли ўлник) [диншунослик] – Мұхаммад (с.а.в.)га ислом ғалабаси учун курашда қаҳрамонлик күрсатган ўн саҳобанинг жаннатга кириши башорат килинган. Улар: Абу Бакр Сиддиқ, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб, Талха ибн Убайдуллоҳ, Зубайр ибн Аввом, Абдурахмон ибн Афф, Саъд ибн Ваккос, Саъид ибн Зайд, Абу Убайд Омир ибн Абдуллоҳ.

- Закойи Кўцарана. Пайғамбаримиз ва ашарайи мубашшара. Т., 1996; Ризоуддин ибн Фахруддин. Чахорсрлар. Т., 1995.

АШИН – қад. туркий қавмлардан бирининг етакчиси. Бу ном б-н уруғ ҳам аталган булиб, А. уруги Иккинчи хунну давлатида Мугонхонга қарам бўлган. Кейинрок 500 оила б-н А. етакчилигидаги қавмлар Олтой Ўлкасига кўчиб кетган. Бу кўчиш туфайли уларга “Ашиннинг 500 хонадони” номи берилган. А.дан кейин унинг авлодлари телеут ва в.б. туркий қавмлар б-н иттифок тузиб, Биринчи улуғ хоқонлар давлатини тузган. А. авлодлари Биринчи Турк хоқонлиги ва Хазар хоқонлигини бошқарган. Кўктурк хоқонлиги А. авлодлари жасорати Кул Тегин ёдгорликлари (Улуғ матн)да ёзиб колдирилган. Бумин хокон (в. 552) бу сулола асосчиси булиб, унинг ўғиллари Истами хокон (в.553), Мухан хокон (хукмронлиги 553-572) машҳур хукмдорлар эдилар. А. қавмининг давлат тепасига келиши ҳакида Л.Гумилев ёзди: “Ҳар бир ҳалкнинг тарихий илдизлари жуда қадим замонларга бориб тақалса-да, барча даврлар тарихчилари ҳалкнинг вужудга келганини муйян санадан (албатта, ўз фикрига кўра) бошлишга интиладилар... *Туркотурк* учун ана шундай сана 545 йилдир”. Кейинрок сулола Шаркий ва Фарбий хоқонликларга булиниб кетган, Шаркий хоқонликнинг сўнгги вакили Чженчу, Фарбий хоқонликнинг сўнгтиси Хик исмли хукмдордир. Сулоланинг Нишуфу (в.680), Фунйану (в. 681) сингари вакиллари исёслари туфайли Хитой хукмдорлари томонидан катл килинган.

• Гумилев Л.Н. Қадимги турклар. Т.: Фан, 2007. Б.30-48; Стеблева И.В. Поэтика древнестюркской литературы и ее трансформация в раннеклассический период. М.: Наука, 1976. С. 51-88.

АШИНА (хитой-мўгулча: улуғ бўри) – туркий уруғлардан бири. Мифга кўра, хунлар (туркий ҳалкларнинг қадимги аждоди) душман томонидан бутунлай кириб ташланади, факат оёқ-кўллари кесиб ташланган 9 яшар болани боткоклика колдириб кетадилар. Бола хунлар шаҳзодаси булиб, кийинчиликлар б-н яшаб колади. Ўрмонда урғочи бўри б-н ковушади, унинг хаётлигидан хабар топган душманлар кайтиб келиб, болани ўлдирадилар. Бўри эса Олтой тарафларга кочиб бориб, фарзанд кўради. Шундай килиб, бу уруғ Хун шаҳзодаси ва урғочи бўрини ўзларининг наسابбоси деб биладилар. Бу уруғ вакиллари қал. турк хоқонликларида юкори даражага эришганлар. Ҳатто А. исми турк хоқонлари номига қўшиб айтиладиган фахрий унвонга айланниб кетган. Mac., Ашина Ҳэлу (УП аср), Ашина Шер каби. Тан империяси даврида бу уруғ вакиллари хитойликлар томонидан тор-мор килинган. Тош лавҳада бўрининг одам боласини эмизиши акс этган. А. бўри – она тимсолида туркий ҳалклар миф ва афсоналарига кирган.

• Гумилев Л.Н. Қадимги турклар. Т.: Фан, 2007. Б.26-30.

АШИС (олкиш) [поэтика] – санскрит шеъриятида муайян объектни олкишлаш ва унга яхшилик тилашдан иборат бад. восита (алапкара).

АШИК (арабча: севимли) – к.: ошик.

АШИҚ ПАША (1271-1332) – к.: Ошиқ Пашо.

«**АШИҦАТУ-Л-ЛАМАОТ**» (“Порлок шуълалар”) – Аблурахмон Жомий асари. Фахриддин Ирокий (в. 1289)нинг “Ламаот” тасаввуфий асарига шарҳ тарзида ёзилган. “А.-л.” Ибн Арабийнинг “Фусусу-л-хикам” асари таъсирида ёзилган. “А.-л” Алишер Навоий Ироқийнинг асарини ўрганишга киришган пайтида унга шарҳ сифатида Жомий томонидан ёзилган. Фахруддин Али Сафийнинг “Рашаҳоту айни-л-ҳаёт” асарида кўнгил ойнасида пайдо булган суратнинг шарҳида шундай таъриф келтирилган: “Ҳазрати Махдумий (Абдурахмон Жомий) қуддиса сирруҳу “Ашиъату-л-ламаот”да бу байт шарҳидаким:

*Ойина сурат аз сафар дур аст,
Кон пазирои сурат аз нур аст*

(Мазмуни: Ўзи суратни қабул килувчи ойина сурат каби сафар килишдан узокдир, негаки унинг суратни қабул килиши нур туфайлидир). Ушбу байт нақшбандийлик тариқатидаги 11 рашҳанинг учинчиси – “сафар дар ватан” шарҳида берилган.

- Алишер Навоий. Насойиму-л-мухабbat. 17-ж. Т.: Фан, 2001; Ислом тасаввуфи манбалари. Тасаввuf назарияси ва тарихи. Илмий мажмӯа. Туз., сўз боши ва изоҳлар муал. X.Болтабоев. Т.: O'qituvchi, 2005. Б.120. Faniyeva C. Навоий ёдга олган асарлар. Т., 2004. Б.6.

АШК (форсча: – кўз ёши) – шеъриятда ашқи ол (қизил ёши, қонли ёш), лаългун ашқ (лаъли каби) тарзида кўлланилади. Бад. тимсол сифатида изтироб, алам, дард рамзи.

*Ишим тог узра ҳар ён ашк селобини сурмакдур,
Фироқ ошушибдин ҳар дам булут янглиг ўкурмакдур.*

(Алишер Навоий. “Муҳокамату-л-луғатайн”)

АШКИЙ Самарқандий (XVII) – қасиданавис шоир. Мутрибий у ҳақда: “Шеър айтишда таъби аниклик кўрсатади ва покиза маъноларни назм либосига буркайди. Турли илмлар буйича таҳсил олиб, мавлонолик касб этган. Муаммо фанида ўта билимдон бўлиб, (муаммо) амаллари таҳсилини такмил кылган” деб ёзди. Фазалидан бир байт:

*Насими нахли ту гар сиймбар бижунбонад,
Чу мурғе жсон ба ҳавои ту пар бижунбонад.*

Мазмуми:

*Ниҳолинг насими кумуш танин кимирлатса,
Куш каби жон ишқингда қанот қокар.*

- Мутрибий Самарқандий. Тазкирату-ш-шуаро / Форсийдан И.Бекжон тарж. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2013.

АШКОНИЙЛАР – қад. форс сулолаларидан. Алишер Навоийнинг “Тарихи мулуки Ажам” асарида пешодийлар, каёнийлар ва сосонийлар каторида А. Сулоласи ҳакида сўз юритилган: “Учинчи табака ашконийлар ва мулуки

тавойиф зердилар. Тарих ахли орасида бу табака даги салотин тартибида бағоят мұхолифат құлтур. Аммо бир сүзде борча мұттағиқұрлар. Биз ул сұнниким, мұттағақун алайхұр, адо килоли” дейиш б-н бу сулолани қуйидаги тартибда көлтирган: Ашқ б. Доро, Баҳром б. Шопур, Ялош б. Баҳром, Хурмұз б. Ялош, Ануш б. Ялош, Гударз б. Үйгур, Эрон б. Ялош, Нарси б. Гударз, Хурмұз б. Ялош, Фируз б. Хурмұз, Ҳусрав б. Фируз, Ялош б. Фируз, Ялош б. Ялош, Ардувон б. Ялош.

- Алишер Навоий. МАТ. 16-ж. Т.: Фан, 2000. Б.156-157; Каюмов А. Асарлар. 4-ж. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2009.

«**АШМА**» (хитойча: Ашима) – Хитойдаги сани халқининг эпоси (Юннаң провинциясы). Асар бош қаҳрамони, ёш қызы А. исми б-н юритилген. 1953 й.да ёзиге олиниб нашр қилинган. Эпос мазмуни мифлар асосида шакллантирилген. А. севгиси учун курашиб, акс-садога айланиб кетген.

- Эпические сказания южных народов Китая. М.-Л., 1956.

АШРАФ (1398–1460) – озарбайжон шоири, асарларини форс т.да ёзган. Тұлғы исми: Абу Али Ҳусайн ибн Ҳасан Мароғий. Айрим манбаларда Ҕарвеш Ҳасан Ҳиёбоний. Ҳусрав ДЕХЛАВИЙДАН кейин форс т.да тұрт девон түзған, Низомий йулида “Хамса” яратған (1434–40, 23860 байт). Алишер Навоий у ҳақда: “Ҳирий ш.да бұлур әрди ва сүфия тариихи била сулуки бор әрди. Бошиға кийиз бүрк күяр әрди ва назм ахли акобири била сұхбат тутуб әрди. Құпі ани дарвешлик жиҳатидин таъзим киулурлар әрди. Құпрак авқотида «Хамса» назмiga үткәрур әрди. Оқибат ул-амр үл мутабаррек китоб итмомиға мушарраф бұлурға тавқиғ топти. Бу байтни гүёки матлуб висоли вакти айтмисш бұлғайким, байт:

*Аз шарафи васли ту Ашраф шудем,
Давлати мо буд мушарраф шудем”.*

Таржимаси: Васлинг шарафидан Ашраф бұлдық, бу биз учун давлат эди, мушарраф бұлдық.

А. “Хамса”си таркибига “Миңхожу-л-аброр” (“Тақводорларнинг ёрут йүлі”), “Риёзу-л-ошиқай” (“Иккі ошик машаққаты”, яғни “Ширин ва Ҳусрав”), “Ишкнома” (ёки “Лайли ва Мажнун”), “Ҳафт аврант” (“Етти тахт” ёки “Ҳафт пайқар”) ва “Зафарнома” достонлари кирған. Тұрт шеърий девон тартиб берған. Ҳазрат Али ҳикматларини “Сад панди Али” (“Алиниң юз панди”) номи б-н форс т.га тарж. килған.

- Алишер Навоий. Насойиму-л-мухаббат / МАТ. 17-ж. Т.: Фан, 2001. Б.182; Мажолису-у-нағоғис / МАТ. 13-ж. Т.: Фан, 1997. Б.14; Мұхокамату-л-лугатайн / ТАТ. 10-ж. Т.: F.Уолом номидаги нашр., 2011. Б.674.

- Рустамова А., Набисов Б., Караси Я. Азербайджанская литература. Баку: Элм, 2005. С.172-173.

АШРАФ (I) (XVII) – форс шоири. Асл исми: Мирзо Муҳаммад Саид. Мозандаронда туғилган. Бобурийлардан Шоҳ Оламгир замонида Ҳиндистонга бориб, у ерда муким яшаб колган. Машхур шоира Зебуннисонинг муаллими.

- Қайюмов П. Тазкирату-ш-шуаро. Т., 2006. Б.11.

АШРАФ (II) (XVII) – ҳиндишонлик форсигүй шоир. Асл исми: Муҳаммад Ҳасан. Бобурийлар салтанатида Аллоҳободнинг хукмдори Муҳаммадшоҳнинг фарзанди. “Маодини файз” сарлавҳали маснавийси бор.

- Қайюмов П. Тазкирату-ш-шуаро. Т., 2006. Б.11.

АШРАФИЙ МИР РУМУЗИЙ (XVII) – шоир ва олим. Самарқандда туғилган. Бухоро ва Балҳда яшаган. Мутрибий: “таъби гоятда аник ва сўзлари ниҳоятда тиник. Яхши шеърлари бор ва шеър фанида маҳорат курсатарди. Муаммо амалларини жуда яхши ўзлаштирган бўлиб, бу соҳада килни кирк ёрувчи билимдонлар таъбига макбул бўлган рисолалар битган... Маснуъ таърихлар яратишда хам моҳир” деб баҳо берган. Абдуллоҳхон Хуросон вилоятини фатҳ этган (1589)да айтган маснуъ таърихи машҳур бўлган. А. таърихи ўн байтдан иборат. Ундаги айрим руқнлари бирлаштирилса, тўрт таърих чикади ва улар жамланса, бошқа байт хосил бўлади. Ҳар бир руқнини бошқа руқнлар б-и кўшса, олтмиш байтлик бир қасида тарди-л-акс санъати б-и хосил бўлади. Ушбу таърихнинг матлаъи:

Моҳи нав мерасад аз айни инояти шаби ийд,

Ки дари айш кушояд ба зар андуди калид.

Мазмуни:

Янги ой келди иноят айлагач бу оқшом ҳайит,

Солай деб айш эшигига олтин нурдан калит.

- Саъдиев С. Самарқанд адабий мухити тарих кўзгусида. Т.: Фан, 2009. Б.120-122; Мутрибий Самарқандий. Тазкирату-ш-шуаро. / Форсийдан И.Бекжон тарж. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2013.

АШРАФИЙ, Муҳтор (1912/29.V–1975/15.XII) – ўзбек бастакори, дирижёр, ўзбек операси етакчиларидан. Ҳалқ артисти (1951), Ҳамза номидаги Ўз-н Давлат мукофоти (1970) ва Ж.Неру (1971), Ж.А.Носир (1972) ҳалқаро мукофотлар соҳиби. Самарқанд мусиқа ва хореография инс-тида ўқиган (1928–30), Петербург консерваторияси дирижёрлик курсини тутатган (1948). Тошкент консерваторияси проф. (1953), ректори (1947–62, 1971–75), Самарқанд опера ва балет театри директори ва бош дирижёри (1964–66) ва Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри директори (1967–71) бўлиб ишлаган.

Биринчи асари “Содраш марши” (Т.Содиков ва Ш.Рамазонов б-и ҳамкорликда). “Бурон” (К.Яшин либреттоси асосида, 1939), “Буюк канал” (К.Яшин ва М.Рахмонов либреттоси, 1940) опералари, “Қаҳрамонлик” (1942) симфонияси, “Дилором” (“Сабъаи сайёр” достони асосида К.Яшин ва

М.Мухамедов либреттоси, 1958), “Шоир қалби” (И.Султон либреттоси) опералари ва “Севги тумори” (1969), “Матонат” (1971), “Мұхаббат ва килич” (1973) балетлари шұхрат қозонған. “Рустам ҳақида достон” (“Шоҳнома” асосида, 1975) ораторияси, “Баҳт таронаси” кантатасини ва үнлаб бадий фильмларға мусика ёзған.

- ♦ Ашрафий М. Ўзбек күшиклари. Т., 1939; Арии из оперы “Дилором”. Т., 1972; Амулет любви. Т., 1973; Музыка в моей жизни. Т., 1975.
- Джаббаров А., Соломонова Т. Композиторы и музыканты Узбекистана. Т., 1975; Пеккер Я.Б. Узбекская опера. М., 1984.

АШРАФИЙ САМАРҚАНДИЙ (XI-XII) – шоир ва фозил. Самарқандда туғилған. Ризокулихон Ҳидоят “Мажмау-л-фусахо” тазкирасида Сайид Муниниддин деб таништиради. Авғий С. б-н Бухорода 1183 й.да куришган ва “Лубобу-л-албоб” тазкирасида шундай маълумот беради: “Кулоги оғир эсада, аммо руҳи енгилдир, аста эшитади, аммо фазлу камоли жөвруғининг садоси ҳамма жойга етған”. Тазкирада 2 ғазал, 1 китъа, 3 қасидадан парча, 5 рубойй, ҳаммаси бўлиб 58 байт шеърини келтирған. Асарлари орасида кора-хониллар султони Килич Арслон ва Мұхаммад Ҳоразмшохга битилған қасидалар бор. Қасидаларидан бирида

Беоб шуд забони араб назди ман, бале,
Аз нанги як жаҳон адабомузи беадаб.
[Назаримда араб тили эътиборини йўқотди,
Бир жаҳон адаб ўргатувчи беадаблар айбидан]

деб ёзади. Р.Хидоят шсьрларидан 7 байт намуна келтиради.

- Қайюмов П. Тазкирату-ш-шуаро. 1-китоб. Т., 2006. Б.12; Саъдиев С. Самарқанд адабий мухити тарих кўзгусида. Т.: Фан, 2009. Б.56-59.

АШРАФХОН (I) (в. 1575-76) – хинди斯顿лик форсигўй шоир. Асл исми: Мұхаммад Ақшар. Хурросоннинг Машҳад ш.да туғилған. Бобурийлардан Ақбар Шоҳ девонида бош котиб бўлиб хизмат килған. Манзума ва қасидалар яратған.

- Қайюмов П. Тазкирату-ш-шуаро. Т., 2006. Б.11-12.

АШРАФХОН (II) (в. 1685-86) – хинди斯顿лик форсигўй шоир. Асл исми: Мирзо Мұхаммад. Бобурийлардан Шоҳ Жаҳон ва Аврангзеб саройининг рижолларидан эди.

- Қайюмов П. Тазкирату-ш-шуаро. Т., 2006. Б.12.

АШТАР (арабча: اشتر – бурдаламок) [поэтика, метрика] – аруз амалиётіда мағоғийлун аслий рукнидан фоъилун ҳосил килиш натижасида ҳосил бўлған тармок рукни. Бу амалиёт ҳазаж баҳри доирасида амалга оширилади. Бобур “Аruz risolasi”да ҳазажи мусаммани аштар вазнига куйидаги матлаъни келтиради:

“Бир руқн аштар, бир руқн солим

Гоғил ўлма, эй соқий, гул чогин ганимат тут,

Вақти айш эрүр боқий, ол чогир, бот тут.

Фоъзилун мафоъийлун фоъзилун мафоъийлун” (406).

- Бобир. Мухтасар. Т.: Фан, 1971. Б.49; Топр У., Сайдали С. Комуси кофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чизди аввал. Душанбе: Ирфон, 1994. Б.68; Ҳожиаҳмедов А. Узбек арузи луғати. Т.: Шарқ НМАК, 1998. Б.36.

АШТАРХОНИЙЛАР (жонийлар) – Бухоро хонлари сулоласи (1599–1753). Чингизхон ўғли Жўжихон хонадонидан чиқкан хонлар авлоди Шайбонийлардан сўнг Бухоро ҳокимиятига келган. 1601 й. Боқи Муҳаммад ҳокимиятига келгач, Бухорода шайбонийлар сулоласи тутатилган. А. Жўжихон наслидан булиб, Астраханда XIV асрдан ҳокимият учун курашларда катнашган. 1556 й. Астрахан Россия томонидан ишғол этилгач, Ёрмуҳаммадхон Бухорога келиб, Бухоро хони Искандархоннинг қизи Зухробегимни ўғли Жонибек сultonга олиб берган. Жонибекнинг уч ўғли булиб, ўртанчаси Боки Муҳаммад даврида сулола таҳтга чиқкан. Сулола вакиллари: Боки Муҳаммадхон (1601–05), Вали Муҳаммадхон (1605–11), И момкулихон (1611–42), Надр Муҳаммадхон (1642–45), Абдулазизхон (1645–81), Субхонкулихон (1681–1702), Убайдуллоҳхон II (1702–11), Абулфайзхон (1711–47), Абдулмўминхон (1747–51), Убайдуллоҳхон III (1751–54), Шерғозихон (1754–57).

- Абдураимов М.А. Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве в XVI–XIX вв. т. I–П. Т., 1966, 1970; Аҳмедов Б. Тарихдан сабоклар. Т.: Ўқитувчи, 1994. Б.400–401; Ўз-н халқлари тарихи. Т.П. Т., 1994; Қодиров Б., Матяқубов Ҳ. Ўз-н тарихидан изоҳли луғат. Т.: МУМТОЗ SO'Z, 2010. Б.29–30.

АШУГ – к.: Ошик.

АШУЛА [фольклоршунослик] – куйга солинган шеър, якка ёки хонандалар гуруҳига мулжалланган қўшиқ. А. шеърий ва мусикий образларнинг бирбирига уйғунлашган ҳолда ифодаланиши. А. лирик шеър ва ғазаллар заминида яратилади. А. мусикачи жўрлигида ёки мусикасиз ижро этилиши мумкин. А. фольклордаги қўшиқдан куй диапозонининг кенглиги, шакл ва мазмунининг узаро уйғунлиги б-н фарқланади. Қўшиқ халқ томонидан куйланса, ашула профессионал ижрочилар томонидан ижро этилади. Ашуланинг бармок вазнида ёзилган шеър асосида яратилган турида накорат-банд, аруз шеър тизимида яратилганида эса авж пардалари бўлади. А.нинг куйлари куй ва ўрта пардалардан бошланиб, юкори пардаларда ривожланади.

Катта ~ – мусикасиз ижро этиладиган, ички ритм ва оханг-куй уйғунлигига асосланган А.дир. Одатда К.а. профессионал ижрочилар ва юкори пардаларга овози етадиган хонандалар томонидан ижро этилади. К.а. матни кўпроқ мумтоз жанрлар асосида куйга солинади.

- Муқимий ва Фурқат ашулалари. Т., 1958; Ўзбек халқ мусикаси / тўпловчи ва нотага олувчи Ю.Ражабий. т. I–V. Т., 1955–59; Акбаров И.А. Музика луғати. Т.: Ф.Ғулом номидаги нашр., 1987. Б.28; Гафурбеков Т. Ашула / ЎзМЭ. Т.: ЎМЭДИН, 2000. Б.541.

АШУРАЛИ ЗОҲИРИЙ (1885–1938) – ўзбек адиби, т.шуноси ва журналисти. Кўкондаги Мухаммад Алихон мадрасасида таҳсил олган (1914). Рус-тузем ва жадид мактабларида дарс берган. Дорулмуаллимин ташкил этган, Кўкон педагогика техникуми, саводсизликни тутатиш курсларида муаллимлик қилган. Мактаб ўкувчилари учун “Туркий крестоматия ёхуд терма китоб” (1912), “Имло” (Қозон, 1916) дарсликларини тайёрлаган. “Файрат” нашриётини ташкил қилган, “Садойи Фарғона” (1916–21), “Фарғона” газ.ларида ишлаган. Навоийнинг “Вақфия”, “Муҳокамату-л-луғатайн” асарларини нашрга тайёрлаган. “Русча-ўзбекча лугат” (1925) тузган, Чулпон б-н бирга “Ад-т парчалари” тўплами (1926)ни нашр килдирган.

АШУРО (арабча: اشیعه – ўнинчи кун) [диншунослик] – ҳижрат пайтида Мухаммад (с.а.в.) Маккадан Мадинаға кучиб ўтганда муҳаррам ойининг 10-кунида тутилган рӯза. Рамазон ойида рӯза тутиш белгилангандан сўнг А. ихтиёрий тарзда амалга оширилган.

Шиа мазҳабидаги мусулмонлар Ҳазрат Алиниң ўғли Ҳусайннинг Карбалода шахид килингани учун, уни эслаб ўтказилидиган мотам маросими. А. кунида шиа мазҳабидагилар Карбало ш.га йиғилиб, имом Ҳусайн ва унинг сафдошлари кабрларини зиёрат киласидар. Айрим жойларда шу куни арафа кунидаги каби “Ашур оши” улашилади.

• Wensinck A.J. Aşurā / Islam Ansiklopedisi. 2-cild. İstanbul, 1993. S.710-11.

АШХАРАБАР (арманча: мұқаддас) – ҳоз. арман адабий ва сүзлашув тили. XIX аср ўргаларида қад. арман т. (грабар – китоб т.) ўрнига кабул килинган.

«АШ-ШЕЪР ВА-Ш-ШУАРО» (“ШЕЪР ва ШОИРЛАР”) (IX) – Абумухаммад Абдуллоҳ ибн Кутайба асари. Араб т.да ёзилган бу рисола мұқаддима ва икки кисмдан иборат: вазн ва кофияни алохида шеърлар мисолида таҳлил қилган.

• Touq Y., Saïdali C. Қомуси кофия ва арузи шсъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Дупланбе: Ирфон, 1994. Б.70.

АШШУР (аккад) – ассирий мифологиясида олий маъбуд. Дастрлаб А. ш.пинт хомийси булиб, маҳаллий маъбудлардан эди. Кейинроқ ассирий подшоҳлари А.ни Энлил, Аншар ва Мардук сингари олий маъбудлар каторига кўйишган. А. “маъбудлар отаси” шарафига эришган.

А.ш. м.а. 4 минг йилликда барпо этилган, м.а. 614 й.га кадар мавжуд бўлган. 2 минг йиллик ўрталарида Ассуриянинг пойтахти (ҳоз. Ирокнинг Кальяи Шарқот якинида харобалари колган) бўлган. А. ш.да савдо ва маданият ривожланган, миххат б-н ёзилган матнлар кутубхонаси бўлган.

♦ Я открою тебе сокровенное слово. Лиг-ра Вавилонии и Ассирии / Пер. с аккадского. М.: Художественная лит-ра, 1981. 352.

• Миры народов мира. М.: СЭ, 1980. С.145.

АШШУРБАНИПАЛ (м.а. 669–633) – Ассирия хукмдори. Ашшур (аккал) подшохи Асархаддон ўғли. **Бобил** (Вавилония) ш.ни ободонлаштирган. А. топшириги б-и шумер т.да миххатда ёзилган минглаб ёдгорликлар жамланиб, Бобилга келтирилган. **Ниневия** (х. Ирок)да археологик казилмалар натижасида А. кутубхонаси топилган (1849–54). Тарихда хукмдоргина эмас, балки ёзма ёдгорликларни түплөвчи маърифатпарвар сифатида ном қолдириган.

АШЬАРИЙ (873–935) – қалом илмининг асосчиси. Тұлғы номи: Абул **Хасан** Али ибн Исмоил. Машҳадда таҳсил олган. Мұтазила таълимотининг назариятчиларидан. Имом Фаззолий унинг изидан бориб қалом илмины янада такомиллаштирган. ХII–XIII асрда қалом илми барча сунний мазҳабидаги мусулмонлар томонидан қабул килинган. А. давомчилари ашъарийлар ёки **мұтакаллимлар** деб юритилган. Қалом илмидаги бу йұналиш ашъарийлик деб юритилган.

«АҶДИЯТ» (арабча: чопувчи отлар) – Куръони каримнинг 100-сураси. Маккада нозил булган, 11 оядан иборат. Сурада мужоҳидларнинг ислом йүлидаги ҳаракати чопаан отларга киёс қилингани учун шундай номланган. “А.”да мужоҳидлар минган отларнинг номлари б-н қасам ичишлари инсон ўз Роббиси берган неъматининг қадрига етмаёттандырылған.

- Шайх Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. Олтинчи жуз. Т.: Шарқ НМАК, 2008. Б.522-524.

АҶКОЗ – форс шоири. Асл исми: Мулла Ато. Ҳурсоннинг Ҳирот ш.да туғилган. Шоир булиш б-н бирга фозил ва аллома киши бүлган. Манбаларда ушбу китъаси келтирилган:

Бо ду олам гаштаам бегона, улфатро бубийн,
Рафтаам хотири айём шуҳратро бубийн.
Эйки, то тобона мешүйи либоси оғият
Аввал аз тақвими чоки сийна соатро бубийн.

Мазмуни:

Икки оламдан бсона бўлдим, улфатни кўр,
Айём хотирига кетдим, шуҳратни кўр.
Эй сен, соғлик либосини тоблана юварсан,
Олдин кўкрак чоки тақвимининг соатига кара.

- Қаюмов П. Тазкирату-ш-шуаро. Т., 2006. Б.14.

АҶЗАМ ЎКТАМ (1960–?) – ўзбек шоири. Фарғона вилояти Бувайдада туманида туғилган. ТошДУ (хоз. ЎзМУ)нинг Журналистика фак-тини тамомлаган. “Туркистон” газ.си, Чўлпон номидаги нашриётда мух-р булиб ишлаган.

“Кузда кулган чечаклар” (1990), “Кузатиш” (1993), “Тарааддуд” (1993) каби шеърлар түпламлари чоп этилган.

- Türk Dünyası Edebiyatçıları Ansiklopedisi. Ankara, 2002. Cild 1. S.97.

АЪЗАМ АЙЮБ (1904/21.VII–1938/4.X) – ўзбек адиби ва журналисти. “Аъзам”, “Газетхон”, “Томошачи”, “Тошкентли”, “А.А.” сингари тахаллуслар б-н матбуотда иштирок этган. Тошкент ш.да хизматчи оиласида туғилган. Мунаввар корининг “Намуна” мактабида ўқиган. “Турон” кутубхонасида, “Кизил байроп” (“Туркистан”, “Кизил Ўзбекистон”) газ. таҳририятида мусахих, мухбир ва масъул котиб уринбосари булиб ишлаган. “Ер юзи” журн.да масъул котиб (1926–28), “Гулистон”да мухаррир уринбосари (1931–37) лавозимларида хизмат қилган. Ўткир публицистик маколалари нафақат ўзи ишлаган нашрларда, балки “Муштум”, “Машъала” каби журн.ларда ҳам чоп килинган. А.А. 1938 й. 4 октябрида суд ҳукмидан бир кун аввал қатл килинган.

- Пидаев Т. Матбуот – миллат чироги. Т., 1999; Каримов Н. “Катта кирғин” (1937–38)нинг фожиали оқибатлари. Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2014.

АЪЗАМОВ, Аҳмад (1949–2014) – ўзбек адиби ва мунаққиди. Самарканд вилояти Жомбой туманида туғилган. 1971 й. Самарканддаги ўзбек ва тоҷик филологияси фак.ни тамомлаган. 1975 й.дан макола ва ҳикоялари эълон этила бошланган. “Ойнинг гардиши”, “Бу куннинг давоми” каби ҳикоялар тўпламлари чоп этилган. “Масъул сўз” – мунаққиднинг илк маколалар тўплами (1987).

- Аъзам А. Масъул сўз. Т.: F.Фулом номидаги нашр., 1987;

АЪЗАМОВ, Йулдош (1909/10.V–1985/16.VI) – ўзбек кинореж.и ва актёри. Ўзнида хизмат қурсатган санъат арбоби (1965). Ўз-н ҳалқ артисти (1965). Ҳамза номидаги Ўз-н Давлат мукофоти соҳиби (1972). Ёш томошабинлар театри, “Ўзбекфильм”, “Востоккино”да реж. булиб ишлаган. Реж.лик фаолиятини “Тоҳир ва Зухра” (1945) бадиий фильми (иккинчи реж.)дан бошлаган. Кино-реж. сифатида “Қилич” (1934), “Гулбахор” (1956), “Мафтунингман” (1958), “Фуркат” (1959), “Истиқбол йўли” (1961), “Ойдин саҳифа” (1965), “Сайёд қунғироғи” (1966), “Ўткан кунлар” (1969), “Оловли сўмоклар” (1971), “Мехробдан чаён” (“Зулматни тарқ этиб...”, 1973), “Одамлар ташвишида” (1976), “Ота насиҳати” (1979), “Катта ва қисқа хаёт” (1981) в.б. бадиий фильмларни суратга олган.

Актёр сифатида “Ер чанкоги” (1930), “Юксалиш” (1931) фильмларида бош ролни ижро этган.

АЪЗАМОВ, Миразиз (1936 й.т.) – ўзбек шоири. ТошДУ (хоз. ЎзМУ)ни тамомлаган. “Ғунча”, “Ёш гвардия” нашриётларида ишлаган. 1964 й. Биринчи шеърлар тўплами (“Металлург”) чоп этилган. Кейин болалар учун “Ўйлаётган болалар” (1969), “Нима сен билан?” (1970), “Чұнтак тұла ёңғок” (1971), “Фаройиб түш” (1972), “Ер айланади” (1974), “Дүстона қадам ташлаб...” (1976) китоблари нашр этилган. Шунингдек, “Севаман” (1977), “Тайғы” (1980), “Ўжарлик” (1983) каби шеърлар тўпламлари чоп этилган. Асарлари кардош т.ларга тарж. килинган.

Нозим Ҳикмат, Мехмет Акиф Эрсүй, Үрхон Камол, Пабло Неруда асарларини ўзбек т.га тарж. килган.

АЪЗАМОВ, Эркин (1950 й.т.) – ўзбек адиби. Сурхондарё вилояти Бойсун туманида туғилган. ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика фак-тини тамомлаган (1972). Республика радиосида, “Гулистон”, “Ёшлик” журн.ларида ишлаган. 1992 й.дан “Тафаккур” журналинг бош мух-ри.

Ҳикоялари 1972 й.дан эълон қилинга бошланган. “Чироклар ўчмаган кеч” (1977), “Оlam ям-яшил” (1984), “Жавоб” (1986), “Байрамдан бошқа кунлар” (1988), “Пакананинг ошиқ кўнгли” (2001), “Кечикаётган одам” (2002), “Эртак б-н хайрлашув” (2007), “Гули-гули” (2009) каби ҳикоя ва қиссалар тўпламлари чоп этилган. “Отойининг туғилган йили” қиссаси Ёшлар мукофоти (1982)га сазовор бўлган. “Шовқин” (2011) романи муаллифи.

Киноматография соҳасида “Сув ёкалаб”, “Забаржад” киноқиссалари муваффакият қозонган.

- ◆ Эркин Аъзам. Кечикаётган одам. Қиссалар Т.: Шарқ НМАК, 2002; Жаннат узи қайдадир. Т.: Шарқ НМАК, 2007; Шовкин. Олис шахар ва олис кечмишлар. Т.: Ўзбекистон, 2011.
- Улуғов А. Қиссачилигимиз кирралари. Т.: Ўқитувчи, 1991; Эркин Аъзам бадиий олами / Илмий мақолалар ва сұхбатлар. Т.: Turon zamin ziyo, 2014.

АЪЗАМОВ, Гани (1909/9.V–2001/11.I) – Ўз-н халқ артисти (1961). Ҳамза номидаги Ўз-н Давлат мукофоти соҳиби (1989). 1930 й.дан ижодий фаолияти бошланган, “Ҳалима” мусиқали драмасида Рахим ямокчи ролида иштирок этган. Уйгуннинг “Қалтис ҳазил”ида Мамарасул, Ҳамзанинг “Бой ила хизматчи” драмасида домла-имом каби роллари б-н танилган. Шунингдек, театр сахнасида мунахжим (“Алишер Навоий”), Арслоншер (“Чин мұхабbat”), Соки сумбат (“Тога-жиянлар”), Қамбар (“Қутлуг қон”), Омонёр (“Қонли сароб”) каби ролларни, жумладан, Шекспирнинг “Ромео ва Жульєтта” асарида Петр ролини ижро этган.

Сатирик актёр сифатида шұхрат қозонган. Эркин Вохидовнинг “Олтин дөвөр” комедиясида уста Мүмин, Саид Ахмаднинг “Күёв” комедиясида Гани, “Мафтунингмай”да Сартарош, “Икки дил достони”да Қорағон шох, “Суюнчи”да Холмат, “Темир хотин”да Серхунар чойхоначи шулар жумласидан.

Тошкентда вафот этган. Сағбон кабристонига дағн этилган.

АЪЁН (арабча: این – “айн”нинг кўплиги) – улут мартабали, юксакликка эришган зотлар. А. тасаввуфда илмлар сурати, фалсафий ад-тларда нарсалар мөхиятидан иборат. Илохий исмларнинг сурати ҳам А. бўлиб, Ҳақ илмида ақлга мувофиқликлар.

~ и события (эйдос – рух) – Ибн Арабий фалсафасидаги тасаввуфий тушунча. А.с. ташки (хорижий) аъённинг ҳакикати. Кўринмас нарсаларнинг шаклланиб кўриниши, суратланиши, маънонинг сўзда ифодалангани, ёзувчи

ғояси унинг асарида, меймур режаси бино тархид, рассом фантазияси хаёллоти ранглар уйғунлигига суратланган каби. А.с. кенгайган, соддалашган файз. Ислам, айн, рух ва жисм тұрталаси битта зотнинг соясидирлар. А.с. ботинан Ҳак таолонинг исмлари ва хорижий мавжудот уларнинг зохиридир, улар зуҳур этадиган жой (мазхар)нинг пайдо бўлиши – аёнлашувидир.

- Сажжодий. Ирфоний истилоҳлар лугати / Сино. 2008. 29-сон. Б.19-24.

«АЪЛАА» (арабча: олий қадр, юкори) – Куръони каримнинг 87-сураси. Маккада нозил бўлган, 19 оятдан иборат. Аввалроқ нозил бўлган суралардан бири. Аллоҳ субхону ва таолонинг олий сифатлари баён килинган учун шундай номланган. Сурада Аллоҳнинг ягоналиги, Пайгамбар (с.а.в.)га ҳакикат йўли кўрсатилиши баён килинган. “А.”да вахий ва Куръони карим унугилмаслиги, уни ёд олиш учун Пайгамбар (с.а.в.)га осон килишлик ваъдаси ҳам бор. Сура сўнгтида ҳар ким ўз нафсини ғуноҳ ва ёмонликлардан пок сакласа, ютуққа эришиши ҳам баён килинган: “Ҳакикатан, ким пок бўлса, ютуқ топадир” (19:14).

- Шайх Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. Олтигинчи жуз. Т.: Шарқ НМАК, 2008. Б.446-453.

АЪЛАМОВ, Зохир (1943–2013) – ўзбек адаби. Тошкент ш.да туғилган. ТошДУ (хоз. ЎзМУ)нинг журналистика фак.ни тамомлаган. “Шарқ юлдузи” журн. бўлим бошлиги ва турли нашриётларда мухаррир бўлиб ишлаган. Замонавий мавзудаги қисса ва хикоялар муаллифи. “Баҳтли билет” (1972), “Кийик кўзлари” (1981) каби хикоялар тўпламлари, “Баҳорнинг илк кунлари” (1976) номли қиссаси эътибор қозонган. “БАМ уфқлари” (1978) номли очерклар китобини ёзган. Рус адаби С.Залигининг “Комиссия”, болгар ёзувчиси П.Вкжиновнинг “Барьер” асарларини ўзбек т.га тарж. килган.

АЪЛОИЙ – асли туркистонли шоир, Хурсонда машхур бўлган. Қуйидаги байти шоир истеъоди ҳакида тасаввур беради:

Ҳар ки шуд хок нишин, баргу баре пайдо кард,
Сабз шуд дона, чу ба хок сари пайдо кард.

Мазмуни:

Кимдаким хокисор бўлса, баргу ҳосил пайдо килади,
Улуг бошини тупроққа тикса, кўкаради.

- Қайюмов П. Тазкирату-ш-шуаро. Т., 2006. Б.15.

«АЪЛОМУ-Т-ТУҚО» (“Такво илмлари”) – Тулик номи: “Аълому-л-худо ва ақидат арбобу-т-туқо” (“Такво арбоблари ақидалари ва ҳидоят (түғри) илмлар”). Шайх Шихобиддин Сұхравардий (в. 1234)нинг таснifiй асари. Мұхаммад (с.а.в.) умматларининг каромат ва одатлари, мұжизалар баён килинган.

- Алишер Навоий. Насойиму-л-муҳаббат. 17-ж. Т.: Фан, 2001; Ганиева С. Навоий Ծдга олган асарлар. Т., 2004. Б.6.

АЪМАҚ БУХОРИЙ (в. 1148) – шоир ва адиб. Асл исми: Абу Нажиб Шаҳобиддин. Бухоро ва Самарқанд мадрасаларида таҳсил олган. Корахонийлардан Шамсулмулк (1068-80), Хизирхон (1080-82) саройида яшаган. Низомий Арузий Самарқандий “Чахор макола”сида маълумот бор. 7 минг байтдан иборат “Девон”, “Юсуф ва Зулайхо” достони муаллифи. Асарлари бизгача сақланмаган. Сайд Нафисий кичик девонини 1919 й.да Техронда нашр килдирган. Қасидалари б-н машҳур бўлган. Султон Санжарнинг кизи Моҳмаликка отасининг илтимоси б-н таърих ёзган. Асарларини араб ва форс т.ларида ёзган. Амирушшуаро (шоирлар амири) унвонига сазовор бўлган. Девони сақланмаган, бирок 37 қасидасидан парчалар, 7 рубойиси тазкира ва мажмуалар орқали етиб келган. Марсия жанрининг устозларидан экани т.га олинади. “Юсуф ва Зулайхо” достонини бошқа вазнга мослаб ёзган. Рашидиддин Ватвот “Хадойику-с-сехр” (“Сехрли боғлар”) рисоласида А.Б. асарларига мурожаат килган.

- Давлатиоҳ Самарқандий. Шоирлар бустони. Т., 1981; Саъдиеv С. Самарқанд адабий мухити тарих кўзгусида. Т.: Фан, 2009. Б.26-28.

АЪОРИЗ (арабча: اعریض – “аруз”нинг кўплиги) – к.: Аруз.

«АЪРОФ» (арабча: اعراف – түсик) – Куръони каримнинг 7-сураси номи, исломий манбаларда жаннат ва дўзах оралигидаги жой деб талқин этилади, оғзаки тилда “аросат” деб ҳам айтилади. Тасаввуф ад-тида жаннат ва дўзах орасидаги бир девор. А.нинг ички томони жаннат томонга караган бўлиб, Парвардигорнинг раҳмати ва иноят майдонидир. А.нинг ташки томони дўзахга караган бўлиб, жаҳннам унинг ёнгинасида жойлашган. Бу жой азоб, кийинчиликлар ва уқубат марказидир. А. тарозининг икки палласи ўртасида бўлиб, инсоннинг ҳар иккала амалларини тенглаштириб туради.

- Куръони карим. Аъроф сураси. Т.: Шарқ ИМАК. 1993.

АЪША (530–629) – жоҳилий даври араб шоирларидан бири. Тўлик исми: Абу Башир Маймун б. Қайс ал-Бакрий. Шеърда май мавзусини кўйлаган шоир сифатида ад-т тарихларидан ўрин олган. Исломни кабул килгандан сўнг Муҳаммад (с.а.в.) ҳакида қасида биттан. А.нинг анъаналари аббосийлар даврида Башшар ибн Бурд (714-814), Абу Нуvas (762-813), Муслим ибн Валид (714-823) каби шоирлар томонидан давом эттирилган. “Китобу-л-Оғани”да шесъларидан намуналар бор. Махмуд Кошғарий “Девону луготит турк” (1068)да “Аъша деган шоирнинг ушбу шеърида...” дей арабча байт келтиради. Унинг мазмуни қўйидигича: “Бирор максадни кўзлаб, ясалган бутларга эмас, ёлғиз Аллоҳга, Раббинтизга сифининг”.

- Маҳмуд Кошғарий. Девону луготи-т-турк. 1-т. Т.: Фан, 1961; Haffner A. A’Şa. / Islam Ansiklopedisi. 2-cild. Istanbul, 1993. S.694-95; Маҳмуд ал-Кашғарий. Диван лугат ат-турк (Свод арабских слов). Т.1. М.: Наука, 2010. С.149; Холжаева Р. Мамлуклар даври араб ад-ти (XII-XV асрлар). Т., 2013.

АЭД (юононча: aoidos – айтувчи, қўшиқчи) – кад. юонон ад-ти дастлабки даври (VIII – VII)да бадиий асарни ижро этувчи. Асосан, Гомер ва Сукрот

даврига тұтры келади. А. лира ва кифара сингари торли мусика асбоблари ёрдамида күшик ва эпик достонлар күйлашган. Юнон эпослари даври тугандан сүнг А. үз үрнини *рассод* (лирик күшик күйловчи)га бушатиб берган. Афлотун (Платон) “Ион” асарида Гомер “Илиада”сини айтывчи баҳши ҳакида ёзған. Кейинрок лирик шоирлар ҳам А. деб номланған.

- Толстой И.И. Аэды: античные творцы и носители древнего эпоса. М., 1958; Turk Dunyasi Edebiyat Kavramları ve Terimleri Ansiklopedik Sözlüğü. Cilt 1. Ankara: Atatürk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.35; Елисеев И.А., Полякова Л.Г. Словарь лит-ведических терминов. – Ростов на-Дону: Феникс, 2002. С.17-18; Борев Ю. Эстетика. Теория лит-ры. Энц-кий словарь. М.: Асель-Аст, 2003. С.53; Белокурова С.П. Словарь лит-ведических терминов. СПб.: Паритет, 2006. С.26.

АЯКС (юононча: Aias, лотинча: Aiax) [мифология] – юонон мифологиясида Троя урушининг икки иштирокчиси. Ҳар иккаласи Еленага үйланмокчи бўлгани учун унинг талаби б-н урушга кирган. Улар доим бирга жанг килгани учун бир ном б-н юритилган, улардан бири А.Оилид шох Оилем ва Эриопиданинг ўғли, калтабўй ва чопқир, унга факат Ахилл тенглашиши мумкин. А. Теламонид эса Зевснинг авлоди, Теламон ва Перибейнинг ўғли, Ахиллнинг амакиваччаси. Узун бўйли, кучти, кескир килич ва йирик калкон сохиби, жангларда ғолиб келган. Ҳар икки қаҳрамон ҳам мағур, нафакат инсон иродасига, балки максад учун маъбуллар иродасига қарши ҳам бора олади. Ҳар икки қаҳрамон ҳам бир мифик образ сифатида талқин килингган. Архетипга кўра “Илиада”да дастлаб ҳар икки қаҳрамон бир образ сифатида иштирок этган. Бу образ санъат асарларида: рангтасвир, амалий санъат ва безакларда, тангаларда ҳамда бад. адабиётда кенг учрайди. Софокл ушбу мавзуда “А.” номли трагедия ёзған.

- Миғи народов мира. М.: СЭ, 1980. С.146-147.

АЯЛА, Франсиско (1906–?) – испан адаби. Фарната (Гренада)да туғилган. Мадрид ун-ти профессори (1934 й.дан). А. асарлари 1925 й.дан чоп этила бошлаган. Хосе Ортеги-и-Гассет тұғараги иштирокчиларидан бири. Биринчи хикоялар тұплами “Боксчи ва фарышта” 1929 й.да чоп этилган. “Умри тутаган соат” хикояси б-н испан насрода “телеграф услуги”га асос соглан. 1936 й.ги уруш туфайли Лотин Америкасида мухожирилкда яшай бошлаган. 1960 й.да Испанияга эмиграциядан кайтган. “Кўй калласи”, “Макак тарихи”, “Ором боги” каби туркум асарларида психологик наср, фалсафий гротеск услуги вакили сифатида кўринган.

- Аяла Ф. Избранное / Мастера современной прозы. М.: Радуга, 1986.
- Тертерян И. Путь Франсиско Аялы (Предисловие). Избранное / Мастера современной прозы. М.: Радуга, 1986. С.5-16.

АЯМИ [мифология] – тунгус-манжур мифларида (нанайларда) шомон авлодлари руҳи. Ҳар бир шомоннинг А.си бор, у үз шомонини ишга йуналтириб турган, қандай кийим кийишни, қандай даволашни ўргатиб турган. Шомонларнинг тушида аёл сифатида (агар шомон аёл бўлса, эркак сифатида) аён

булган. Ибодат пайтида ҳайвонлар (бўри, арслон каби) рамзи сифагида “куринган”. Мифологик ад-тда рамзий тимсол сифатида учрайди.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.147.

АҚВО, Икво (арабча: ﻰـ – устуворлик) [поэтика] – мумтоз поэтикада кофия айбларидан бири. Адан кейин ийто, синад ва икфо келади. Ҳакида Юсуф Саккокийнинг “Мифтоху-л-улум”, Қиноййнинг кофияга доир асарларида батафсил маълумот бор. Жомиййнинг ёзишича, “А. деб ҳазв ва тавжихнинг ихтилофин (зидди) айтурлар. чунонки дур ва давр, жаст ва жуст, пуб ва барни бир шеърда жам қилурлар”. Демак, ёзилиши бир бўлса ҳам, талафузда фарқланадиган сузларни кофия килиб шеърга солиши А., яъни кофия кўллашда дастлабки нуқсонлардан биридир.

- Тоир У., Сайдали С. Комуси кофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввали. Душанбе: Ирфон, 1994. Б.70-71; Шарқ мумтоз поэтикаси Ҳ.Болтабоев талкинида. Т.: ЎМЭДИН, 2008. Б.274-315.

АҚЛ (арабча: ﺍـ – тугун боғламок, тұғмок) [поэтика] – мумтоз шеърий санъатлардан бири. Насрни назмга айлантириш санъати. Бирор макол әки халққа сингиб кетган ибора ва маталлар, шеърга маълум вазни ва кофия талаби билан киритилади. Мак.,

Юқар ёмонлиг ангаким, кирап ёмон эл аро,
Күмур аро илек урган құлур итгини қаро

байтида “Қозонға яқин юрсанғ, кораси юқар, ёмонға яқин юрсанғ – балоси” мазмунидаги насрый йўл б-н ифодаланган маколни маснавийга олиб кириш, яъни А. санъатининг намунасини куриш мумкин.

- Исҳоқов Ё. Суз санъати сўзлиги. Т.: Узбекистон, 2014. Б.26.

АҚДАС – хиндистонлик шоир, гузал маснавийлари бор. Улардан бири:

Дидани гулшан шуморий биди Мажнун,
Зи тори зулфи Лайли буда афзун.

Мазмуни:

Гулшанни кўриб мажнун дараҳти дейсан,
Лайли зулфининг торидан ортиқ эди.

- Кайюмов П. Тазкирату-ш-шуаро. Т., 2006. Б.17-18.

АҚДАСИЙ (х. 976–1003) – хурросонлик шоир. 976 ҳ.й.да Сабзаворда тутилган. Шарқ мамлакатларига саёҳат килиб, Машҳадда яшаб қолган. Шунинг учун Содик Афшар “машҳадлиғидур. Худпанд ва носозкор киши бўлдуғидин эл била омизаш килмас эрди. Аксар авқот танҳо юрур эрди” деб таърифлайди.

- Мутрибий Самарқандий. Тазкирату-ш-шуаро. Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2013.Б.130-131;
Содик Афшар. Мажмау-л-хавас. Баку, 2010.

АҚИДА (арабча: ﺍـ – коида) [диншунослик] – ишониш, тасдиқ этиш ва уни кабул қилиш. Диндорлар учун мажбурий ҳисобланган, баҳс-мунозарасиз қа-

бул этиладиган қоидалар. Сунний мазхабида исломнинг асосларидан булган имон талаблари (7 та) ҳам акидадир: Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, охирият кунига... ишониш исломий акида асосларидир. Тасаввұфда ишонч-эътиқод тамали. Аллоҳни қалбан ҳамд этиш, Уни ҳеч қандай үхшатиши ва рад этишга ўрин колдирмаслиқдир. “Ал-Бурхон ал-муаййид” китобида ёзилишича, Аллоҳни шарафлашда “юкори”, “күйи”, “ўрин”, “құл”, “құз” сингари инсонга хос аъзо номини күллашдан тийилиш лозим. Чunksи Яратувчига илохий сифатлар хос, инсоний сифатлар Унинг бандаларига тегишли. Қуръони каримда айтилганидиск, “Аллоҳнинг үхшаши йўқ...” (42:11). Ушбу ояти карима мазмунига кўра, Тавҳид (ягоналик) акидаси мавжуд.

- Ислом энц-яси. Т.: ЎМЭДИН, 2004; *Юсуф Ҳаттар Мұхаммад*. Энц-я суғизма. М.: Ансар, 2005. С.37.

АКЛ (арабча: ﺍِيَّ – ишқал чиқариш) [поэтика] – аруз илмида зихоф чиқаришига айтилади. к.: Маъқул.

~и қулл – интеллектуал бутунлик; рухий ва моддий дүнс бутунлиги. Коинот ва илохни, инсон ва рухиятни бир бутунликда тушуниш; азал ва абад бирлиги. Моддий олам, инсон, интеллект в.б. А.к.нинг узвлари, жонли аъзолари булиб, улар доим тафаккур ва тасаввурда бир-бириниң тақозо қиласы. Алишер Навоийнинг “Хамса”си, айниқса, сунгти достон “Садди Искандарий” А.к. бад. тимсоллар оркали ифода қилинган.

- Ҳаққулов И. Ақида қулл // Тафаккур. 1997. №1. Б.42; Гафуров И. Ҳаё – ҳалоскор. Т.: Шарқ НМАК, 2006. Б.212.

АКОИД (арабча: ﺍِيَّ – “акида”нинг күплиги) [тасаввұф] – акидага тегишли хужжатлар түплами. “А.” мадрасаларда диний ахлек қоидалари бўйича ўкув кўлланмаси сифатида ўрганилган. Имом Мотурудий А.ни илмий асосда шарҳлаган. XX аср бошида жадид мактаблари учун дастлабки дарслек китобларидан бири Мунавваркори Абдурашидхоновнинг “Акоиди исломийий” (1911, 1915) асаридир. Саидаҳмад Васлий форс т.дан “Акоид” (Дин ва ибодат қоидалари) китоби (1915)ни Самарқандда нашр этган.

- Долимов У. Миллтий уйғониш педагогикаси. Т.: Ношир, 2012. Б.368-369.

АКС (арабча: ﺍِيَّ – кискартириш) [поэтика, метрика] – аруз амалийтида 5 хижоли мағоғилатун аслий руқнидан кискартириш натижасида содир буладиган ҳосила. Бобур “Аруз рисоласи”да унга намуна сифатида бир байт келтирган:

“Бир руқн аъқас, бир руқн солим:

Ағярга ўқ урубон дардига даво қиласадур,
Бисер ёмон борадур, ул ёр ҳато қиласадур
Мағоғилатун мағъулун мағоғилатун мағъулун” (66а).

Яна к.: Маъқус.

- Бобир. Мұхтасар. Т.: Фан, 1971; Тоир У., Сайдали С. Қомуси кофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон, 1994.Б.71.

АҚСАМ (арабча: *أَقْسَمْ* – тақсимламок) [поэтика, метрика] – аруз амалиётида мағоъилатун аслий рукнидан мағъулун рукни хосил қилиші. Бобур “Аруз рисоласи”да күйидаги мисолни беради:

“Бир рукн солим, бир рукн ақсам:

Ғәмім, санамо, билмайсен, бері ғузаре құ(л)майсен,

Тараҳұм этиб бир лаңза манга назаре құ(л)майсен

Мағоъилатун мағъулун мағоъилатун мағъулун” (66а).

- Бобур. Мұхтасар. Т.: Фан, 1971; Тоур У., Сандали С. Комусы кофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон, 1994. Б.71-72.

~ и мұсаббас –

Тоур У., Сандали С. Комусы кофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон, 1994.Б.72.

АҒИТ (озарбойжонча: *агы* – йиғи) – озарбойжон халқ оғзаки ижодининг жанрларидан бири. А. аёллар томонидан айтіладиган йиғи (марсия) термалари бұлиб, аламли охангларда күйланади. Халқ құшиқларидаги каби ҳар банди тұртгылдар шаклида бўлади. Кофияланиш тартиби: *ааба*. Баъзан вазнисиз ҳолда, кофия тартиби бузилган ҳолатда ҳам кўлланилиши мумкин. Турк ад-тида А.нинг бешлик тарзда келган намуналари ҳам учрайди. А. айтувчи “агиғи” дейилади. Қадимдан маҳсус А.чилар бўлган ва улар маросимларда ўз “репертуари” б-н қатнашган. Қадимги манбаларда “эди”, “йиг” каби номлар б-н ҳам аталаған. “Китаби Дада Куркут”дан:

Дојинча узунә баҳмадығым, ханым икит,

Ганда кетдин мәни жалғыз гојуб, жсаним икит??!

Мазмуни: Түйгүнча сенга боқолмадим, хоним йигит,

Нега кетдинг мени ёлғиз кўйиб, жоним йигит??!

- Ҳамраев М.К. Краткий словарь терминов тюркоязычных литератур. Алма-ата, 1966. С.7; Мирәһмадов Э. Әдәбијатшунаслыг. Енциклопедик лугат. Бакы: Азәрбајҹан енциклопедијасы нашријат-полиграфијај бирлији, 1998. Б.11.

АГИТ (туркча: *agıt* – йиғи) – түрк халқ оғзаки адабиётининг жанрларидан бири. А. ўлым туфайли келган азиятни енгиллатиш мақсадида майит чиқкан хондоштарда, мотам маросимларida айтілган шеърлар бўлиб, кад. *Сагы* (арабча “кўз ёши” сўзидан)ларни эслатади. Мумтоз шеъриятта *бу* фольклор жанри марсия бўлиб кириб келган. А. шаклан ҳар банди уч мисрали, ўзаро кофиядош бўлиб, 11 хижоли мисранинг сўнгти икки сўзи накорат сифатида тақрорланган:

Қаракўлдан чиқдим йан баса-баса,

Жигарларим кўпти қон куса-куса,

Бани вуран ўғлон Куниёли Муса,

Кунисли Муса.

Таржимаси: Қора (мотам) күлдан чиқдим осқ босолмай,

Жигарларим қон куса-куса шишиб кетди,

Мени ерга урган ўтлим куниёлик Муса,

куниёлик Муса.

- Türk Dünyası Edebiyat Kavramları ve Terimleri Ansiklopedik Sözlüğü. Cilt 1. Ankara: Atatürk Kültür Merkezi Başkanlığı, 2001. S.43-58; Türk Edebiyatı Tarihi. С. 481.

АХАД (арабча: أَحَد – бир, бирлик) [тасаввуфшунослиқ] – Аллоҳнинг битта, ягона эканлиги. А. зот исми бўлиб, сифатлардан, нисбалардан ва ҳоллардан юзага чиқкан тасаввуфий калимадир. Ҳеч бир шаклда ва микдорда Аллоҳнинг биру борлиги бошқача англанмайдиган ягоналиқдир. Бу мартабага “аҳадийят” номи берилган. Бу шубҳасиз, шартсиз мутлақ ягонадир. У бирликдир, бепоён ва озодтири. Форсча тасаввуфий манбаларда: “Яке андар, яке, яке бошади” (“Бирлигидаги бор – бирдир”).

• Uludağ S. Tasavvuf Terimleri Sözlüğü. İstanbul: Kabalcı Yayınevi, 2005. S.27.

АҲАДИЙ (арабча: أَحَد – бир, бирлик) – бобурийлар давлатида подшохнинг шахсий гвардияси, ҳарбий бўлинма бошликлари. А. бошка аскарларга нисбатан уч карра ортиқ маош олганлар. С.Р.Шарманинг “Бобурийлар салтнати” асарида келтирилишича, “мансадорликка ўтиш йулидаги аскарлар” ҳам А. деб юритилган.

• Мұхаммад Мұстағъілхон Соқий. Муосири Оламгирий /Аврангзеб. Т.: Мовароупнахр, 2013. Б.421-422.

АҲАД(З) (арабча: أَحَد – сокит қылмок) – аруз илмида зихофлардан бирининг номи. Мустағъілун (— v —), фоилун (— v —) ва мутафоилун (v v — v —)дан бир мажмумъ ватад (v —) сокит килинади. А. аҳаззи максур, аҳаззи маҳзуф, аҳаззи мусол, аҳаззи мусаббаг каби зихоф (тармок руқн)ларга эга.

• Touf Y., Saïdati C. Комуси кофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввали. Душанбе: Ирфон, 1994. Б.73-74.

АҲД (арабча: أَهْد – келишув; кўплиги “ухуд”) – келишув, мукофала ва иттифок. Муқаддас китобларда сўзилишича, Аллоҳ б-н Бани Исроил ўртасида А. тузилган. Унга кўра, Бани Исроил Яратганинг амрларини ижро этса, унинг мусовий таълимотини ғалабасини таъмин этади. Шунга кўра, Таврот китоби ҳам бир А.дир (Қадимги Аҳд). Насроний таълимотига кўра, А. янгиланган бўлиб, у “Янги А.” (Инжил) деб юритилади. Ислом таълимотига кўра, дастлабкиси аҳду-л-атик, кейингиси эса аҳду-л-жадид деб юритилади. Шунга кўра, аҳду-л-аҳд тушунчаси мусовий ва насропийларга нисбатан кўлланилади. Валиаҳд эса, ҳукмдорнинг иродасига кўра тайинланган салтанат ворисидир.

• Ahd / Islam Ansiklopedisi. 2-cild. İstanbul, 1993. S.156/

АҲДИЙ (в. 1593) – шоир ва тазкиранавис. Бағдодда туғилган. Асл исми: Маҳдий ёки Аҳмад. Айрим манбаларда Аҳдий Бағдодий деб юритилади. 1552 й.да Бағдоддан Истанбулга келиб, Султон Сулаймон (1495–1566) эътиборини топган. Сунгра Султон Салим (1523–1574) даъвати б-н адабий анжуманларда катнашган. Бағдодга қайтиб, умрининг охирига қадар у ерла ҳаёт кечирган. Шахзода Султон Салимга бағишланган “Гулшани шуаро” (971/1564) тазкираси мавжуд. Сахий ва Латифий тазкираларидан кейин битилган. Тазкира муқаддима, “Равза” номли уч асосий бўлим ва хотимадан иборат. А. умри-

нинг сўнгига қадар тазкирани давом эттирган булиб, сўнгти нусха тўрт “равза”дан иборат. Биринчи равзада шахзода Султон Салим ва бошқа шахзодалар б-н бирга, 17 шоир тилга олинади, иккитчи равзада давлат амалдорларидан 14 шоир, учинчи равзада уламо ва мударрислардан 25 шоир, тўрттинчи равзада эса атифбо тартибида 325 шоирнинг номи келтирилган.

- [Haluk Ipekten] Mustafa Isen, Filiz Kilic, Hakkı Aksöyak, Aysun Eydurhan. *Şair Tezkireleri*. Ankara: Grafiker yayınları. 2002. S.43-45; *Solmaz, Suleyman. Gulsen-I Suara-Inceleme-Tenkidlî Metin. GUSBE. Basılmamış Doktora Tezi*. Ankara, 1996; *Mazioglu Hasibe. Ahdi-I Bagdodi ve Şiirleri. Türk Dili Arastırımları Yıllığı*. Belleten, 1978-1979. Ankara, 1981. S.95-150; *Мустафа Эсон. Тазкирадан биографияга*. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2011; Eski Türk Edebiyatının kaynaklarından Şair Tezkireleri. Anadolu Üniversitesi, 2012. S. 35-40.

АХДИЙ ҚАРОКУЛИЙ (XVII) – бухоролик шоир. Мутрибий “ғоятда хуштаъб ва ширин калом, шсьрда мазмунни ажаб бир ёқимли тарзда боғларли ва ашъоридаги ташbihлари ғоятда беназир” деб баҳо берган ва тазкирасида ушибу байтни келтирган.

*На саф зада мижжаси чашм, ашкбори ман аст,
Қаламчаҳост ки бар тарфи жуғбори ман аст.*

Мазмуни:

Кўз киприклари саф тортган эмас, кўзим ёшлари у,
Қаламчаларким, менинг bogim бурчагига экилган.

- Мутрибий Самарқандий. Тазкирату-ш-шуаро / Форсийдан И.Бекжон тарж. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2013.

АҲДЛАШУВ КУНИ – к.: Явму-л-мисок.

АҲЗАБ (арабча: احزاب – ҳизбнинг кўплиги) – якка ибодат. Муайян тариқат вакилининг жаҳр мажлислиарида катнашмай, ҳеч кимга овоза қилмай, амалга оширадиган ёлғиз ибодати.

АҲЗАЗ (арабча: احزاں – янги) [поэтика] – аруз амалистида аслий руқннинг охиридан фаъул қолипидаги хижоларга кискартириш натижасида хосил бўлган тармок рукни. Бобур “Аруз рисоласи”да “Ҳазаз ватади мажмуънинг исқотидур руқннинг охиридан, нечукким, фоълун фаъ бўлур, мутафоълтун мустафъилтун фаъилун фаълун бўлур, аввалгисининг айни мутахаррик, сўнгғисининг айни сокин” (56) деб англатади.

- Бобир. Муҳтасар. Т.: Фан, 1971. Б.20; *Touř U., Saïdali C. Қомуси кофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Ҷидди аввал. Душанбе: Ирфон, 1994. Б.79.*

АҲЗИ-Л-АҲД – шайх, пир ва муршидга содиклик аҳди. Суфийлик хирқасини кийиш муносабати б-н қилинадиган аҳдлашув, ўзи учун мажбурият кабул қилиш; шайхни ўзи учун намуна деб қабул қилиш.

«АҲЗОБ» (арабча: “хизб” – “турухлар” сузининг кўплиги) – Куръони каримдаги 33-сурә. Мадинада нозил бўлган, 73 оятдан иборат. Душман гурух-

ларнинг ислом қарши кураши тилга олингани учун суро шундай номланган. Сурала Бадр жанги ()дан Худайбия сұлхигача давом этган воқсалар, жамиятнинг жохилий қарашалар ва тасаввурлардан покланиш жараёни хусусида сўз юритилган. “А.” сурасида ахлоқ-одоб коидалари каторида айрим маросимлар, уларда кишиларнинг ўзини тутиши, кийиниши ва аёллар одоби масалалари ҳам баён қилинган. Жохилий давридан мерос колган айрим ножоиз урф-одатларга исломий муносабат англатилади. Сурадан оналар кадри, жумладан, Мухаммад (с.а.в.)нинг завжалари барча мүминлар учун мъянавий она саналиши ҳакидаги оятлар ҳам ўрин олган. Шунингдек, сурада Зайнаб бинти Жаҳш б-н Зайд ибн Ҳорисанинг оиласи муносабатлари хусусида сўз юритилганки, ушбу манба асосида қатор бад. асарлар, хусусан, Фитратнин: “Зайду Зайнаб” хикояси ёзилган.

- Шайх Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуф. Тағсири Ҳилол. Тұрғынчи жуз. Т.: Шарқ НМАК, 2008. Б.538-540.

АХИМСА (санскритча) – Ҳиндистондаги уч диний таълимот (брахманлик, жайнизм ва буддавийлик)дан бири жайлазымдаги тирик жонга зиён-захмат етказмаслик гояси. Бу гоя тақвонинг фарз амалларидан саналади. Уларнинг эътиқодича, Тангри ўз яралмишлари, барча жонзотларда яшайди. Уларнинг ўлемига сабаб бўлиш, Тангрига қарши бориш б-н баробардир. Шунинг учун улар нафақат сигир ёки кўй ва баликлар, умуман, тирик жонзот гушти б-н озикланмайдилар. Факат ўсимлик мойи б-н чекланадилар. Ҳатто айрим жайнистлар чивин ёки бошқа ҳашарот қулок ёки бурунга бехосдан кириб ўлиб колмасин, деб қулок ва бурунларини маҳсус пардача б-н беркитиб оладилар.

- Васильев Л.С. История религии Востока. М., 2000; Культура Древней Индии. М.: Наука, 1975; Низомиддинов Н.Ғ. Жанубий, Жануби-шаркий ва шаркий Осиё ҳалқлари кад. тарихи, диний эътиқоди, маданияти. Т., 2010.

АХЛ (арабча: ﷺ – аъзо) – бирор қавм, оила, хонадон аъзолари.

~ и байт – Пайгамбар (с.а.в.) хонадони вакиллари (Хадича, Фотима, Ойша, Али в.б.)га нисбатан қўлланилади.

~ и дил – сиру асрор талабгорлари, кўнгил кишилари қ.: Асҳоби дил.

Бўлди кўзу кўнгил, эй аҳли дил,

Ким Ҳақ анга жилва айлар муттасил.

(Алишер Навоий. “Лисону-т-тайр”. Б 64)

~ и завқ – завқ аҳли. Завқнинг хикмати (хол илми) баҳсу мунозара (кол илми)га қарама-қаршидир. А.з. жаҳон ҳақиқатларини баҳсу мунозара (ијим) б-н эмас, балки завқ (хол) б-н топишини истовчи кишиларга нисбатан қўлланилади. Шунингдек, сукр-мастлик (жазба, экстаз ҳолати)га иштиёқманд соликларга ҳам завқ аҳли ибораси қўлланади. А.з.ни Азизиддин Насафий шундай тушунтиради: Умрингнинг бошидан то охиригача донолар сұхбатида бўл,

улар томон юзлан, (шундагина) кашф макомига эришасан ҳамда завқ ахлидан бұласан. (Ана шунда сен) барча нарсаларнинг ҳақиқатини туб-тубигача (илдизигача) англаб оласан ва күрасан.

~ и маърифа(*m*) – маърифат ахли, суфийлар назарда тутилади.

~ и силсила – бир тарикат доирасидаси генеалогик (мурид-муршид муносабатига кўра) ворислик занжири. Мас., Накшбанд тарикатига кўра силсила Фахруддин Али Сафийнинг “Рашахоту айни-л-ҳаёт” асарида келтирилади.

~ и сулук – тарикат ахли. Тарикат ахли икки кисмдан иборатдир: бири – олий максадга интилевчи толиблар ва Аллоҳ жамолига интилевчи муридлардирки, “йурийдуна важхихи” (Қаҳф сураси, 28-оят ва Анъом сураси, 52-оятга ишора) ва улар “хавфун ли-нарихи” (дўзахдан қўркканларидан ёки жанинатдан търма сифатида) ибодат қилмайдилар. Балки уни ахли ибодат деб топадилар ва ўз олий максадлари деб биладилар.

Бобо Тохир бу ўринда уч тоифани фарклайди: олим, мурид ва ориф. Орифлар шундай кишилардирки, Худони хоҳлайди. Ўз лаззатларига юзланмаган ҳолда яшайди. Олим шундай кипики, доимо илм татабида булади. Мурид ўз максадлари доирасида бўлувчи кишидир. Муридлар ўз хузурларини кўрган ҳолда ўз муродларининг истовчиси булади.

~ и суннат – мусулмон динининг ҳанафийлик (суннийлик) мазҳаби аъзодари. Имоми Аъзам номи б-н машҳур аллома Абу Ҳанифа (699–767) асос соглан. А.с. коидалари унинг “ал-Фикху-л-акбар” асарида баён қилинган. Аллоҳнинг биру борлиги, зоти ва сифатлари, қаломи, қудрати, иродаси, шунингдек, Пайғамбар (с.а.в.)нинг фазилатлари ҳамда А.с.нинг иймон, казо ва қадар, зуҳд ва такво, ҳайр ва савоб, гуноҳ ва азоб масалалари баён қилинган.

- Кўтқу, Құхъамад Зоҳир. Ахли сұщат вал-жамоат ақоиди. Т.: Мовароушаҳр, 1998; Имом Абу Ҳанифа. Ал-Фикху-л-акбар. Т.: Адолат, 2003.

~ и қалам – к.: Қалам ахли.

~ и қол – зоҳирий билимлар б-н машгул кишилар. Сўзларнинг маъно ва ҳақиқатини билмасдан, ўз ҳаёти, қисмати ва тажрибаси билаи боғланмайдиган гапларни тақрорлашдан нари ўтолмайдиган кимсалар гурухи. Дил эмас – тил, маъно эмас, даъво б-н яшаш йўлини тутган жамоа.

~ и ҳол – кол ахли (зоҳирий билимлар эгаси)нинг зидди. Ҳол, яъни ботиний маънига ишонган кишилар. Зоҳирий билимлар А.к. томонидан ўрганилса, ботиний ва лидуний (илохий) илмлар б-н шугулланувчилар, яъни мутасаввифлар А.х. деб юритилган.

- Uludağ S. Tasavvuf Terimleri Sozlüğü. İstanbul: Kabalci Yayınevi, 2005: Сажжодий. С.Ж. Ирфоний истилоҳлар ва иборалар луғати // Сино. 2010. № 37-40. Б.173-174.

АХЛИЙ (в. 1497) – Шаркий Хурсонда яшаган түрк шоири. Темурий хукмдорлардан Султон Ҳусайннинг саройидаги шоир. Мавлоно Ахлий Тарпизий Туроний номи б-н машхур. Фавқулодда вазиятда Султон Ҳусайннинг олдига кирмокчи бўлганда, Бахт исмли ҳабаш қули уни қўймайди. Бир олма ичига икки байт ёзиб, сувга оқизади. Султон Ҳусайн олмани олиб смокчи бўлганда, унинг ичидаги шу байт ёзиғлик коғоз бор экан:

*Ду чаши манзилки, созад жиљва гоҳ онжо,
Ба ҳар жо по неки ҳоҳеки бошам хоки роҳ онжо.
Чу хуш базмасст рангин мажслиси ҳоқаи чи суд аммо,
Ки натвон шуд сафиод аз шумийи баҳти сиёҳ онжо.*

- Кайюмов П. Тазкирату-ш-шуаро. Т., 2006. Б.30-31.

АХЛИЙ ШЕРОЗИЙ (1455 –1536) – эронлик шоир, Шерозда туғилган. Шоҳ Исмоил Сафавий саройида хизмат қилиган. Ун икки минг байтдан иборат “Девон”и бор. “Сехри ҳилол”, “Шам ва парвона”, “Рисолай лугз”, “Соқийнома” каби манзум достонлар муал.и. “Фавойиду-л-фавойид” асарини Котибийга жавобан ёзган. Қасидайи маснүъ усулида Салмон Соважий ва Навоий қасидаларига жавоб ёзган, Исмоил Сафавийга қасида багишланган. Фазаллари содда, поэтик санъатларга бой. Навоий қуйидаги байтини кслтирган:

*Ману Мажнун ду асиремки, гаму шодии мост,
Ҳарки ин шеви надонист на аз водийи мост*

Тарж.си: Мен ва Мажнун икки асиримиз, ғаму шодлигимиз бизники, Ҳар кимки бу одатни билмаса, бизнинг водийдан эмас.

- Сафо З. Ганжи сухан, ч.3. Техрон, 1961 (форс т.да); Алишер Навоий. Мажолису-н-нафоис / МАТ. Т.: Фан, 1997. Б.160, 276; Кайюмов П. Тазкирату-ш-шуаро. Т., 2006. Б.31.

АХЛУЛЛОХ (арабча: اَهْلُ الْحُكْم – Аллоҳга яқин) [тасаввуф] – Аллоҳга яқин кишилар. Ҳар нафасда Аллоҳ зикри б-н яшовчи, унинг розилиги учун иш тутувчилар. Алейхим дейилганда, кўпинча, Маъдуми Аъзам назарда тутилади.

АХМАД АРУЗИЙ НИЗОМИЙ Самаркандий (XI аср охири–1160) – стук шоир ва ад-тигунос олим. Тўлиқ исми: Ахмад ибн Умар, Низомий – шоирлик таҳаллуси, аруз илмининг стук мутахассиси бўлгани учун қалам ахли уни Арузий деб атаган. Асли Самаркандан бўлиб, 45 йил Ғур ва Бомиён (Афғонистоннинг шимоли-ғарби) вилоятлари хукмдорларининг хизматида бўлган. Ғур вилоятининг подшохи Аловуддин Ҳусайн Жаҳонсуд б-н кўп ҳарбий сафарларда ҳам қатнашган. Номи Низомий Ганжавий асарларида т.га олинади. А.А.га шуҳрат келтирган асар “Чаҳор мақола” (“Турт мақола”) (1157) Бомиёнда ёзилган, ўзбек тилига “Нодир хикоятлар” номи б-н тарж. қилинган. Китоб ҳамд, наът, муқаддима қисмларидан ташкари турт мақола: дабирлик (котиблиқ) илмининг моҳияти ва стук дабир сифатлари (1), шеър илмининг моҳияти ва шоир салоҳияти (2), юлдузлар илмининг моҳияти ва мунажжимлар салоҳияти (3), тиб илмининг моҳияти ва табиблар зарурияти

(4). А.А. талқишича, мамлакат ишларининг мустаҳкамлиги шохга, унинг ношиши (қасабаси, мулки, вилояти, лашкари, хазинаси) колдириш даврига, унга шуҳрат бахш этиши шоирга, турмуш тадбирларининг ўнгидан келиши мунахжимга, бадан сихати табибга боғлиқ. Шунингдек, агар илмдан баҳра топмаган, ҳар бир нуктани ёд олмаган, ҳар ҳакимдан бир ҳикмат эшитмаган ва ҳар адидан бир санъат ўрганмаган дабирнинг сўзлари аъло даражага етмайди. Асарнинг ҳозирга қадар сакланган 12 та қўлёзма нусхаси мавжуд, шулардан иккитаси XIV асрга оид. Эрон олими Мирзо Мухаммад Қазвений асарнинг танқидий матнини нашр этган (1909). Жаҳоннинг кўп т.ларига тарж. қилинган.

♦ Низомий Арузий Самарқандий. Нодир ҳикоятлар / Форс. т.дан М.Ҳасапий тарж.
Т.: 1986.

АҲМАД БАХШИ Матназар ўғли (1891–1937) – узбек ҳалқ баххиси. Суяв бахшининг шогирди. Хоразм достонларидан “Гуруғли” туркуми, “Ошик Ғаріб” ва “Сайёдхон ва Ҳамро” достонларини куйлаган. А.Б.дан “Қирқ минг” достони ёзил олиниб, нашр қилинган.

АҲМАД ГИЛОНИЙ (~ XVII) – форсигўй шоир. “Хон Аҳмад” номи б-и танилган. Гилон вилоятида туғилган, Бухорода яшаган. Эрон олими А.Марвдаштий А.Г.ни Эрон шоҳлари сулоласидан Ҳусайн Каркиённинг ўғли

сифатида тилга олган. Унинг ҳижрий 1000 й. Шоҳ Аббосдан кочиб, Туркияга боргани ва 1005 й. вафот этганини ёзади. Мутрибийнинг ёзишича, фазилатли, “покиза латиф ашъорлари ва ёкимли юксак гуфтори” бор. Тазкиранавис шоирнинг бир ғазалини келтирган, унинг бир байти (матлаъси):

Ҳамушин шаби ҳажрам беҳ аз сабурий буд,

Даме ки нола накардам зи бешуурый буд.

Мазмуни:

Ҳажр тунидаги жимлик сабрдан яхшиrok эди,

Нола чекмаган чоғлари ҳиссизлик сабаб эди.

• Мутрибий Самарқандий. Тазкирату-ш-шуаро. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2013. Б.126.

АҲМАД ДОНИШ (1826–1897) – узбек адаби, олим, рассом ва ҳаттот. Бухоро мадрасаларида таҳсил олган. Маърифатпарвар адаб сифатида Амир Насрulloхон назарига тушган. Саройда ҳаттот ва рассом вазифасида ишлаган. А.Д. маътум муддат Бухоро туманларида қози лавозимида ишлаган. Амир Музаффар вафотидан сўнг Бухорога кайтиб, мадрасалардан бирида мударрислик килган.

Маҳдум (давлат ходими) сифатида 1857 й. Амир Насрulloх, 1869 ва 1874 й. Амир Музаффарнинг элчилари каторида Россия (Петербург)да бўлган. А.Д. сафарлари асосида “Наводиру-л-вако’с” (“Нодир воеалар”) асарини ёзган (1870–1895). Асар мукаддима, 23 боб ва хотимадан иборат. А.Д. «Нодир воеалар» асарида фан, техника янгиликлари, табиат ҳодисалари, география, коинот, Ой ва Күёш тутилиши, зилзила ҳакида фикр юритган.

А.Д.нинг “Рисола ё мухтасаре аз таърихи салтанати хонадони мангития” (“Манғит сулолалари салтанати тарихига доир рисола”) асари тарихий жиҳатдан ахамиятли. Бу асар “Кисқа рисола”, “Рисолаи тарихий”, “Тарихий ва танқидий рисола” номлари б-н ҳам машҳур. Амир Музаффар тақлифи б-н “Манозиру-л-кавокиб” (“Сайёralарнинг жойлашиши”, 1865) асарини ҳам ёзган. “Рисолаи дар назми тамаддун ва таовун” (“Тамаддун ва жамият тартиби ҳакида назмий рисола”, 1874) амирга маъқул бўлмагани учун саройдан четлаштирилган. Шунингдек, “Ар-рисола фи аъмол ал-кура” (“Глобусдан фойдаланиш хусусида рисола”) асарининг ҳам муаллифи.

Рассом сифатида “Мактаб”, “Мажнун саҳрода” миниатюраларини чизган, Бедил асарларини юксак ҳаттотлик санъати б-н кўчирган. «Шоир ва дарвиш» миниатюраси, «Мажнун саҳрода» номли 2 миниатюраси унинг рассомлик салоҳиятидан дарак беради. Бу миниатюра ва суратлар ЎзРФАШИ (инв. №373) ва Ўз-н давлат санъат музейида сакланади. Т.даги кучалардан бирига ва маҳаллага А.Д. номи берилган.

♦ Аҳмади Дониш. Асаҳрои мунтаҳоб. Салинобод, 1959; Наводиру-л-вакое. Т., 1978; Рисола ё мухтасаре аз таърихи салтанат и хонадони мангития. Душанбе, 1992.

♦ Бертельс Е.Э. Рукописи произведений Ахмади Калла. М.-Л., 1936; Ражабов З.И. Маорифшарвар Ахмади Дониш. Душанбе, 1964; Мўминов И. Ўз-н ижтимоий-фалсафий тафаккури тарихидан. Т., 1964; Ҳодизода Р. в.б. Ад-ти тоҷик асаҳрои XVI-XIX ва ибтиди асри XX. Душанбе: Маориф. 1988. С.316-342; Ахмади Дониш. Тарҷумай хол ва мероси адабию илм. Душанбе: Ирфон, 1976; Маънавият юлдузлари. Тӯш. М.Хайруллаев. Т., 2001. Б.339-341.

АҲМАД ЖАВОД (1892–1937) – озарбойжон шоири. Ганжа якинидаги сайфали қишлоғида туғилган. Маҳаллий мадрасани тамомлаб, Истанбулга боради. 1912 й.дан Болқон урушида, Тракия жангларида қатнашади. 1918 й.дан турк армияси сафига Бокута келиб, миллий озодлик ҳаракатларида иштирок этади. Шуролар даврида Адабиётчилар жамиятига раислик, “Инқилоб ва маданият” журн.да мудирлик килади. 1937 й. ноҳақ катагон килиниб, катл этилган. А.Ж.нинг шеърий китоблари: “Қўшима” (1916), “Долға” (1919), “Шеърлар” (1958), “Укиардинг, Қора денгиз” (1991, Измир), “Салом, Туркнинг байробига” (1992, Измир). Миллий озодлик курашчиси сифатида ад-т тарихидан ўрин олган.

♦ XX аср Озарбойжон шеърияти антологияси. Тўпловчи М.Шариф. Т.: Тигон-Iqbol, 2013. Б.15-17.

АҲМАД ЖАЛОЙИР (в. 1410) – жалойирилар сулоласи давомчиси ва давлатининг туртинчи хукмдори. Басра (1375 й.дан), Табриз (1382 й.дан) хокими. Бағдодда Жалойирлар давлатини ўрнатган, Шомда Амир Темур аскарлари томонидан хибсга олинган.

Давлатшоҳ Самарқандий маълумотига кўра, араб ва форс т.ларида шеърлар, мусикага оид рисолалар ёзган. Ф.Купрули озарбойжон ад-тининг вакили сифатида талкин килган.

♦ Barthold W. Ahmed Celayir / Islam Ansiklopedisi. 2-cild. Istanbul, 1993. S.182.

АҲМАД ЖОМИЙ (1049–1142) – форс олими ва мутасаввифи. Шиа мазҳабининг валийларидан бири. Тўлиқ номи: Абу Наср Аҳмад б. Абулҳасан. Лакаби: Зиндапил (тирик фил). Шайхулислом мартабасига кутарилган. “Анису-т-толибин” (“Толиблар дўсти”), “Кунузу-л-ҳикмат” (“Ҳикматлар ҳазиналари”), “Биҳору-л-ҳақиқат” (“Ҳақиқат денгизлари”), “Сирожу-с-сойирин” (“Сайр құлувчилар чироги”), “Мифтоҳу-н-нажот” (“Нажот қалити”) каби фалсафий ва тасаввуфий асарлар ёзган. Алишер Навоий «Насойиму-л-муҳабbat»да А.Ж.га шундай таъриф беради: “Ва ул баланд каду бисср жамил эрди... Ва ҳалкнинг муктадоси-ю пешвоси эрдилар. Ва ўзи уммий эрди ва йигирма икки ёшида тавба тавфики тоғти ва тоғка чиқди. Ва ўн саккиз йил риёзатлар тортқондин сұнгра кирқ ёшида ани ҳалқ ичига юборибдурлар ва ладунний илм эшикларин юзига очибдурлар. Ва уч юз той коғаздин ортуқдурки, тавхиду маърифат илмида ва сирру ҳикмат маърифатида ва тариқат равишида ва ҳақиқат баённда тасниф килибдурки, ҳеч олим ва ҳаким анга эътиroz қильмайдур ва қила олмайдур».

• Алишер Навоий. Мажолису-н-нағоғис / Асарлар. Т.: F.Гулом номидати нашр., 2001. Б.691; Насойиму-л-муҳабbat. 17-ж. Т.: Фан, 2001. 435-тартиб.

АҲМАД ЗАКИЙ Валидий Тұғон – К.: Тұғон, Аҳмад З.В.

АҲМАД ЗИЁИЙ (1906–?) – уйғур шоири, таржимон ва драматург. Алишер Навоий анъаналарининг Шаркий Туркистондаги давомчиларидан. “Хаста диллар” (1936), “Тақдир” (1940), “Мухаммаслар” (1943), “Тұзимас чечаклар” (1945) шеърий тұпламлари муаллифи. “Вадок йулида карвон” романы (1948)ни ёзган, Низорийнинг “Робия ва Саъдин” достони асосида мусиқали драма ёзган. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону лугатит түрк” асарини уйғурчага тарж. (1950–53) қилган. “Хазрат Навоий ва Абдурахим Низорий” мавзуда илмий тадқикот ёзган.

АҲМАД ибн ИСМОИЛ – қ.: Сомонийлар.

АҲМАД ибн ХУДОЙДОД ТАРОЗИЙ (XV) – улуғ үзбек олими ва шоири. Тароз (хоз. Жамбул) ш.да туғилган. А.Т. ҳақида дастлаб Бобуршох маълумот (“Аruz risolasi”) берган. Биргина “Фунуну-л-балога” (“Балогат илмлари”, 1436–37) китоби сакланган, уни Мирзо Улұғбекка бағишилаган. Асарда ад-т илмидан сабок берувчи анъанавий Шарқ ад-тшунослигининг тұрт мухим тармоғи: шеър навълари, кофия ва радиф, бадиий санъатлар ва аруз вазии масалалари акс эттан. Китобнинг бизгача етиб келмаган кисмидә “муаммонинг усул ва аркони” ҳақида баҳс юритиш ресжалаشتырылған кисми ҳозиргача топылмаган. А.Т. рисоласида Носириддин Тусийнинг “Мөйөру-л-ашъор”, Рашидиддин Ватвотнинг “Ҳадойиқу-с-сехр” анъаналари давом эттирилған. “Фунуну-л-балога”ни замондошлари “Латойифи Тарозий” деб ҳам аташган. Бизга етиб келген нұсха 1581 й. Бухорода Мир Куланки ал-Хожи исемли котиб томонидан күчирилған. Муаллиф араб ва форс шеъриятини яхши бил-

ган, асарида Куръони каримдан тортиб ўзига замондош шоирлар ижодигача мисоллар келтирилган. Аксар ҳолларда муал. мисоллар излаб, ўз асарларига хам мурожаат қилган. "Фунуну-л-балога" мумтоз ад-тдаги айрим мунозарали масалаларга аниклик киритиш нұктай назаридан хам ахамиятлиdir.

- Шайх Ахмад Тарозий. Фунуну-л-балога. Т.: Хазина, 1996; Коркам соз. Олмаота, 2012.
- Шарқ мумтоз поэтикаси Ҳ.Болтабоев талкинида. Т.: ҮМЭДИН, 2006, 2008.

АХМАД ибн ҲАНБАЛ Марвазий – к.: Марвазий Ахмад.

АХМАД МАНШУРИЙ (XII) – форсигүй шоир. Тұлғык номи: Абу Саъид Ахмад ибн Мұхаммад ас-Самарқандий. Фазнавийлар даврида яшаган. Мұхаммад Авфийнинг "Лубобу-л-албоб" тазкирасида маълумот берилген. Султон Махмуд Фазнавийга айттан қасидаси машхур. Рашидиддин Ватвотнинг "Канзу-л-гаройиб" асарида А. муталаввин шеърларни тұплагани т.ға олинади. Бобур хам "Аруз рисоласи"да мана шу маълумотни тақрор көлтиради.

- Рашид ад-дин Ватвот. Хада'ик ас-сихр фи дака'ик аш-ши'r (Сады волшебства втолкостях поэзии). М.: Наука, 1985.

АХМАД МИДХАТ (1844 –1913/30.XII) – түрк маърифатпарвар адиби. Турк адибиётида реалистик ҳикоя ва роман бошловчиси. "Бир түрк" тахаллуси б-н маколалар ёзған. Истанбул ун-тида маърузалар ўқиган. "Яничарлар" (1871), "Иккінчи милод" (1874), "Ҳасан Мұллох" (1874), "Хусайн Фаллох" (1875), "Парижда бир түрк" (1876), "Ракқоса" (1877), "Ёш түрклар" (1908) романлари муал.и. Франц. адиларининг асарларини түрк т.ға тарж. қилған. Тарих, илоҳиёт ва фалсафага оид тадқиқотлар муал.и.

- Sabri E.S. Ahmed Midhat Efendi / Islam Ansiklopedisi. 2-cild. İstanbul, 1993. S.183-86; Türk Dünyası Edebiyatçıları Ansiklopedisi. Ankara, 2002. S.167-68.

АХМАД МИРАК МИРЗО (Султон Ахмад) (XV) – тесмурий шахзодалярдан, Ҳурносон ҳукмдори. А. ҳакида "Мажолис..." да шундай маълумот бор: "Йиллар Ҳурносон таҳтида ҳукumat қилдиким, қеч киши андин шикоят қилмади ва таъна этмади. Ва Султон сохибқирон (Хусайн Бойкар – нашр.)ға ота масобасидалур ва иккі девон ихтиёри ва мулку мол мушорун илайхи ва сипохи ва өсерик мұттамаддун алайхи үлдур ва гоҳи назм ҳам айттур. Бу байт аниңг-дүрким:

*Сен киби шұхы ситеттегар дүнёда пайдо қани,
Сөхр бобида күзүнгедек кофири яғмо қани?"*

- Алишер Навоий. Мажолису-н-нағоис / Асарлар. Үн иккінчи том. Т.: Фан, 1966. Б.173.

АХМАД ПОШО (в. 1497) – түрк шоири. 1451 й.дан Бурсада мударрис, Султон саройида ҳарбий қозикалон вазифасида ишлаган. Турк шеъриятининг "олтін аспи" А.П. иходи б-н бошланған. А.П. иходида қасида, ғазал ва мұ-

раббаълар етакчи ўринни эгаллайди. Ҳофиз, Ҳусайн Бойқаро асарларига на-
зиралар ёзган. Усмонли султони Боязид II топшириғига кўра, Навоий ғазал-
ларига ёзилган 33 назираси машҳур. Назираларидан бирига илова равиша,
уз хукмдорига қарат “ошиқларни ҳайратга соладиган бундай шеърлар ёзмак
учун, султон саройида яшамоқ лозим” деган қайди турк манбаларида так-
роран т.га олинади. А.П. султон ва сарой амалдорларига касидалар ҳам бит-
ган. Тасаввуфий руҳдаги асарлари А.П. “Девон”ида стакчи ўринда туради.
Мураббаълари *шарқи* (қўшик) сифатида кўйланади. Тазкиранавис Сахийбей-
нинг ёзишича, Навоийнинг йўлидан бориб, “Лайли ва Мажнун” номли мас-
навий битган. Турк олими Эрол Баттол ўзининг “Мумтоз шоирлардан наму-
налар” (2004) китобида унинг ғазал ва мураббаъларидан намуналар келтир-
ган. Олмон олими З.Клейенмихелнинг “Навоий ва Аҳмат Пошо” тадқиқоти
бор.

- ♦ *Divan Şiirinden Seçmeler*. Hazırlayan Erol Battol. İstanbul, 2004; *Aҳmad Poшo*. Девон.
Т.: Akademnashr, 2011.
- Гарбузова В.С. Поэты средневековой Турции. Л., 1963; *Köprülü F. Ahmed Paşa / Islam Ansiklopedisi*. 2-cild. İstanbul, 1993. S.187-192; Каримов Н. Алишер Навоий ва
Аҳмад Пошо / Адабиёт ва тарихий жараён. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2013. Б.17-24.

АҲМАД ТАБИБИЙ (1868–1910) – ўзбек шоир, таржимони ва тазкиранависи. Хиванинг машҳур табиби Али Мухаммад ўғли. Мухаммад Рахимхон II (Феруз) саройида ишлаган. А.Т. ёшлигига жигар хасталигига йулиқкан ва шу
касаллик билан 42 ёшида вафот этган.

А.Т. зуллисонайн шоир, моҳир таржимон бўлиб, лирик ва эпик шеъриятда
шуҳрат топган. Лирик мероси уч туркий («Тұхфату-с-султон», «Мунису-л-
ушишок», «Ҳайрату-л-ошибин») ва икки форсий («Миръоту-л-ишк», «Мазҳа-
ру-л-иштиёқ») девонидан ўрин олган. Шоирнинг ижодий мероси ғазал (3138), мухаммас (518), рубоий (588), китъя (138), мусаддас (37), касида (20),
таржеъбанд (21), мустазод (18) в.б. жанрлардаги асарлардан иборат. А.Т.
нинг «Нозир ва Манзур», «Вомик ва Узро», «Етти равза» достонлари маълум.

Тазкиранавис сифатида шуҳрат қозонган. «Мажмуату-ш-шуарои пайрави
Ферузшохий» («Ферузшоҳга пайрав (қилган) шоирлар тўплами») (1906)
сулолавий тамойил асосида тартибланган. Тазкирани хон ва шахзода шоир-
лар, сарой амалдорлари, мадраса мударриси, мирзабоши, мадраса талабалари
ва бошқалар тарзида тартиблаштирган. Асар дебоча (152 байт), асосий қисм
(ғазаллар) ва хотима (32 байт)дан иборат. Иккинчи тазкираси “Мухаммасоти
мажмуату-ш-шуарои Ферузшохий” (“Ферузшоҳ (га ёзилган) мухаммаслар
тўплами”) (1909) 33 шоир мухаммасларидан ташкил топган. Унда даставвал
Оғаҳий ғазалларига, сўнг Феруз шеърларига боғланган мухаммаслар ва
мусаддаслар келтирилган. Ҳаммаси бўлиб 190 мухаммас ва 58 мусаддас бор.
Хотима қисмида Умидий, Доий ва Ҳаёлийнинг вафоти ҳакида хабар,
Баёнийнинг «Мажмуату-ш-шуарои пайрави Феруз Шохий»га ёзган тақ-
ризи берилган. Тазкирада шоирларнинг ҳар бирига хос сифатлар айтилиб;
сўнг таҳаллуслари келтирилган.

Фузулийнинг «Ҳафт жом» (Етти жом) достонини форсчадан узбек т.га тарж. қилган.

- ◆ Табибий А. Танлаган асрлар. Т., 1968.
- Самойлович А.Н. Мажмуаси шуарои шоҳий пайрави Фирӯзшоҳий // Записки Восточного отд., т.19. С.0198-0209; Ганихӯжаев Ф. Табибий. Т., 1978; Лаффасий. Тазкираи шуаро. Ургенч: Хоразм, 1992. Б.62-64; Абдуллаев Ҳ. Хоразм адиблари. Урганч: УрДУ, 1998; Маткаримова С. Табибий – тазкиранавис. Т.: Мұхаррир, 2011; Бобојон Тарроҳ - Ҳодим. Хоразм шоир ва навозандалари. Т.: Tafakkur қапоти, 2011. Б.140-47.

АҲМАД ФАРГОНИЙ (~ 797–865) – узбек комусий олими. Тұлғы номи: Абул Аббос Аҳмад ибн Мұхаммад ибн Касир. Шарқда ал-Фарғоний, Фарбда Алғраганус номи б-н машхур. Фарғона водийсининг Куба ш.да туғилған, Бағдодда халифалар Хорун ар-Рашид, Маъмун, Мұтасим ва Мутаваккил даврида яшаган. Марв, Дамашк, Қохирада ҳам илмий фаолият б-н шүғулланған. Бағдодда Байтул Ҳикмада расадхона илмий ходими булиб иштаган. Халифа Мутаваккил таклифи б-н Нил дарёси сатқини ўлчайдиган ускунан яратған, устурлоб кашф этганды.

Асосий асари “Китобу-л-ҳаракот ас-самовийа ва жавомиъ илм ан-нужум” (“Самовий ҳаракаттар ва умумий илми нужум китоби”) астрономияга оид булиб, 1145 ва 1174 й.ларда лотин т.га тарж. қилинған. А.Ф.нинг “Астрономия асаслари китоби” Европа ун-тларидә дарслық сифатида үкитилған. “Ернинг маълум мамлакатлар ва ш.ларнинг номлари ва ҳар бир икlimдаги ҳодисалар” китобида мамлакатлар ва ш.лар хусусида бошланғич маълумот берилған. А.Ф.нинг 7 та асари сакланған. А.Ф. ал-Туркий таҳаллусли шогирди ва унинг ўғлы Абул Ҳасан унини фаолиятинидавом эттирғанлар.

А.Ф. ҳакида Ҳайитмат Расулнинг “Пири коинот”, Йулдош Сулаймоннинг “Фарғона фарзанди”, Нуруллоҳ Абдуллоҳ ўғлининг “Башар алломаси” асарлари саҳналаштирилған. Ойдаги 20 кмли қратерлардан бирига А.Ф. номи қўйилған.

- Носиров А., Ҳикматуллаев Ҳ. Аҳмад Фарғоний. Т., 1966; Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. Т.: Ўзбекистон, 1981. Б.20-21; Аҳмедов А. Аҳмад ал-Фарғоний. Т., 1998; Каюмов А. Асарлар. 9-жилд. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2010.

АҲМАД ХОЖАГИЙ Косоний (Махдуми аъзам) (1463/64–1542) – машхур мутасаввиф, диншунос олим, нақшбандийлик тарикати раҳнамоларидан. Тұлғы исми: Сайид ибн Сайид Жалолиддин Косоний Даҳбедий. Илк таълимни Косон ш.да олған. Мадрасани битириб, Шайх Мир Сайид Алига мурид бўлган. Тошкентга келиб, Ҳожа Ахрорнинг шогирди Мұхаммад Қози (в.1516)га халифа бўлади. Устози б-н Ҳиротга сафар киласи, Абдураҳмон Жомий б-н учрашади. 1503 й.дан Бухорога қайтади ва Ахсикатта бориб, нақшбандийлик тарикати тарғиботи б-н машгул бўлади. Мұхаммад Қози вағфотидан сунг тарикат шайхлари А.Х.ни уз пешволари сифатида кабул киласидар. Бобур Мирзо А.Х.га рубойлар ёзган. Ўз навбатида, А.Х. ҳам «Бобурия» рисоласини ёзиб, Хиндистонга жўнатган.

Ааслари: «Асрору-н-никох» («Никоҳ сирлари»), «Ганжнома» («Бойлик ҳакида рисола»), «Рисолату-н-самъийатун» («Самоъ рисоласи»), «Баёни зикр» («Зикр баёни»), «Рисолай силсилаи Хўжагон» («Хўжагон силсиласига оид рисола»), «Меърожу-л-ошикийн» («Ошиқтар меърожи»), «Муршиду-с-соликийн» («Соликлар муршиди»), «Рисолай Нақшбандийя», «Рисолату-н-вужудийатун» («Вужудлар ҳакида рисола») каби 30 дан ортиқ рисоласи бор. Аасларидаги уламолар, суфий шайхлар ва тариқат одблари, мурид ва муршид муносабатларига тұхталған. А.Х.нинг 23 рисоласи ҮзРФАШИда сакланади.

- Бобохонов Ш., Мансур А. Накшбандия тариқатига оид күләзмалар фикристи. Т., 1993.

АҲМАД ЯССАВИЙ (в. 1166–67) – илк турк мутасаввифи, яссавийлик (жархийлик) тариқати асосчиси, орифона шеърият бошловчиси. XI асрнинг сүнгига Туркистаннинг Ясси (айрим манбаларда Сайрам) кишлоғига Шайх Иброҳим оиласида туғилған. Шайх Арслонбобдан таълим олған. Бухорода Юсуф Ҳамадонийга учинчи халифа бўлған, шайхликни Ҳамадонийнинг 4-халифаси Абдухолик Гиждувонийга тошириб, Яссига кайтган. Олтмиш уч ёшида чиллахона қаздириб, “оламдан этакни силккан». Алишер Навоий А.Я. ҳакида: “Туркистан мулкининг шайху-л-машойихидур. Макомоти олий ва машҳур, каромоти мутаволий ва номахсур эрмиш. Муриду асҳоби ғоятсиз ва шоҳу гадонинг иродат ва ихлоси остонида ниҳоятсиз эрмиш. Имом Юсуф Ҳамадоний к.с.нинг асҳобидиндер... Анинг мозори Туркистанда, Ясси деган ердаки, анинг мавлид ва маншаидур вокеъ бўлубдур ва Туркистан аҳлиниң қиблия дуосидур” деб ёзган.

«Факрнома» (айримлар Яссавийга нисбат берадилар), «Маслаку-л-орифин», «Ламаъот», «Самарату-л-машойих», «Жавоҳиру-л-аброр» каби манқаба ва рисолаларда яссавийлик тариқатининг асослари акс этган. “Девони ҳикмат” китоби шогирдлари томонидан тартиб берилған. Унда илохий ишк ғояси ва маърифий мазмун етакчилик қиласи. Ҳикматлар маъно ва моҳият этишибири б-н Куръони карим ва Мухаммад (с.а.в.) ҳадисларига чукур боғланған. «Девони ҳикмат»нинг 20 дан ортиқ нусхалари ҮзРФАШИ жамғармасида сакланади. Асар күләзмаларидан энг кад.си XVII асрға тегишли. А.Я. ҳикматлари XIX асрдан бошлаб, Қозон, Истанбул ва Тошкент-да чоп қилинган.

А.Я. мероси ва тариқати хорижда Л.Массигнон, А.Арберри, М.Смитт, Х.Кислинг, Ф.Майср, А.Шиммел, Р.Хартман, Ж.Тримингэм, Ф.Күпрулу, К.Эраслон, Идрис Шоҳ, Девин де Уис; Россияда А.Кримский, И.Петрушевский, Е.Бертельс; Үз-нда Фитрат, А.Саъдий, Э.Рустамов, М.Махмудов, И.Ҳаккулов, Н.Ҳасанов томонидан үрганилган.

Қабри Қозогистоннинг Туркистан ш.да. Мақбараси XIV асрда Амир Темур томонидан қайта таъмирланған.

- Сокровиние. Сб. мистических духовных стихов, приписываемый Ахмеду Ясави. Казань: 1878; Үзбек ал-ти памупалари (туз. проф. Фитрат). Т.: 1928; Аҳмад Яссавий.

Ҳикматлар (нашрга тайёрл. И. Ҳаккул. Т., 1991; Девони ҳикмат (нашрга тайёрл. А.Абдушукуров). Т., 1992; Девони ҳикмат. Янги топилган намуналар (нашрга тайёрл. Н.Ҳасан). Т.: Мовароуннахр, 2004; Девони ҳикмат (нашрга тайёрл. И.Ҳаккулов, Н.Ҳасан. Т.: Мовароуннахр, 2006; “Девони ҳикмат”нинг йигма-қиёсий матни (Тайёрл. М.Эшмухамедова). Т., 2008.

- Крымский А.Е. История Персии, ее лит-ры и дервишской теософии. Т.1. М., 1903; Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская лит-ра. М., 1965; Рустамов Э. Ахмад Яссавий ҳикматларида тарих ва ҳаёт садоси // Ӯзбек тили ва ад-ти. 1972, №4-5; Березиков Е. Святые лики Туркестана. Т., 1992; Köprülü M.F. Ahmed Yesevi / Islam Ansiklopedisi. 2-cild. Istanbul, 1993. S.210-215; Яссавий ким эди? / Нашр. тайёрл. Б. Дустқораев. Т., 1994; Маҳмудов М. Пири Туркистан ҳикматлари / Ахли дил. Т.: Ӧқитувчи, 1998; Ҳаккул И. Ахмад Яссавий. Ҳаёти ва ижод йўли. Т., 2001; Ҳасанов Н. Туркияда яссавийшунослик. Т., 1999; Фитрат. Ахмад Яссавий. Танл. асрлар / Нашр. тайёрл. Х.Болтабоев). 2-ж. Т.: Маънавият, 2000; Алишер Навоий. Насойиму-л-муҳаббат / МАТ. 17-ж. Т.: Фан, 2001. 611-тартиб; Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования) / Сб. стат. памяти Ф.Майера. СПб.: 2001 (См. статьи Девин де Уиса, Б.Бабаджанова); Türk Dünyası Edebiyatçıları Ansiklopedisi. Ankara, 2002. S.191-93.

«АХМАД ҲАРОМИ» (XIII–XIV) – туркий халқ ёзма достонларидан. Ӯзбек, уйғур, козок в.б. т.ларда версиялари мавжуд. Достоннинг ёзма нусхаси маснавий тарзida битилган булиб, 816 байтли, арузнинг мутакориб вазнида ёзилган. Асарнинг ягона нусхаси Маккада 1591/92 й.да Нух б. Мустафо тарафидан кучирилган. Ҳозир Туркияда сакланади. Қуйидаги парча достондан олинган:

Бу достонни бугун бунёд эдилум,
Ҳаққин құдратшы биз ёд әдилум.
...Йавуз санулагары башина гелди,
Не ким санурди халқа кетди билди.

- Ahmet Talat Onay. Dastan-i Ahmet Harami. İstanbul, 1946; Halis Akaydin. Dastan-i Ahmet Harami. İstanbul, 1972, Turk Dunyasi Edebiyat Kavramlari ve Terimleri Ansiklopedik Sözlüğü. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanlig'i, 2001. S.74–76.

АХМАД ҲОЖИБЕК (Амир Ахмад Ҳожи Дўлдој, в. 1496) – Ҳирот ва Самарқанд ҳокими, Навоийнинг ҳомийси ва форсигўй шоир. Малик Кошғарийнинг ўғли. Абу Саъид Мирзонинг нуғузли амирларидан. Ҳирот (1455-64) ва Самарқанд (1964-96) ҳокими. Вафоий тахаллуси б-н шеърлар ёзган, девон тузган. “Мажолис...”нинг олтинчи мажлиси шу кишининг номи б-н очилади: “Ва табы бағоят ҳуб воеъ бўлубтур ва назмга кўп илтифот қилур. Бу матлаъ Бекнингдурким:

Гирифти жони ман аз тан ба зулфи туришкан басти,
Күшоди парда аз рухсори хешу чатми ман басти”.

Мазмуни:

Танимдин жонимни олиб, кўп занжирли килиб, сочинг б-н боғладинг,
Юзингдан пардани очиб, кўзимни боғладинг.

- Бартольд В.В. Мир Алишер и политическая жизнь. Соч. Т. II, ч. 2. М., 1964. С. 221, 225-27; Алишер Навоий. Мажолиси-н-нафоис / Асарлар. 13-ж. Т.: Фан, 1997. Б.151; Самарқандий А. Матлаъ ас-саъдайн мажмаси ал-баҳрайн. II ж., Т.: Шарқ НМАК, 2008; Ҳондамир. Ҳабиб ус-сийар. Т.: Ӯз-и, 2013.

АҲМАДИЙ (1334–1413) – усмонли турк шоири. Тўлиқ исми: Тожиддин Иброҳим б. Ҳизир. Ибн Арабшоҳ, Тошкӯпрулузода каби олимлар А. ҳаёти ва ижоди ҳакида асарлар битишган. Барча тазкираларда А.нинг сохибдевон шоир ва “Искандарнома”, “Жамшиду Ҳуршид” каби достонлар муаллифи сифатида т.га олинади. “Тарвиху-л-арвоҳ” (айрим манбаларда “Тафриху-л-арвоҳ”) номли 4 минг байтли маснавийси тасаввуфий руҳда ёзилган. “Миркоту-л-адаб” асари форс т.да битилган булиб, бу манзум рисола лугат илмига оидdir.

- Koprülü M.F. Ahmed / Islam Ansiklopedisi. 2-cild. Istanbul, 1993. S.216-22; Türk Dünüsi Edebiyatçıları Ansiklopedisi. Ankara, 2002. S.194-95.

АҲМАДИЙ (XV) – ўзбек шоири. А. ижодига тааллукли «Созлар мунозараси» асари маълум. Асарнинг XVI аср бошида кўчирилган ягона бир нусхаси Британия музейида сакланади.

◆ Аҳмадий. Созлар мунозараси (парча). www.ijod.uz. 15.03.2013

АҲМАДХОН (в. 1481) – Олтин Ўрда хони (1465–81). Акаси Махмудхон (1459 –65)дан кейин таҳтни эгаллаган. Султон Ҳусайннинг синглиси Бадака бегимга уйланган. “А.нинг ўғиллари Ҳиротга келиб, Султон Ҳусайнга хизмат килгани “Бобурнома”да айтилган (3356). Поляк кироли Казимир IV, Россия подшоҳи Иван III б-н дипломатик муносабатларни йўлга кўйган. Машхур шоира А.Ахматова аждоди А. ҳакида эссе ёзган.

АҲМАДШОҲ (1725–1775) – Ҳиндистондаги бобурий ҳукмдорлардан. Аврангзебнинг эвараси. Тўлик исми: А. Баҳодир Муҳоҳидиддин Абу Наср. 1748 й. Таҳтга чиккан. Олти йиллик ҳукмронлиги даврида Афғонистондаги Дурронийлар давлати ва турли хинд қавмлари б-н жанглар олиб борган. Бош вазир Изиддин Имодулмулк Англияning Ост-Индия компанияси ёрдамида А.ни таҳтдан қулатиб, кўзига мил тортирган. Бу воқеалар бобурийлар суполосининг таназзулини тезлаштирган.

- Ahmed Shah / Islam Ansiklopedisi. 2-cild. Istanbul, 1993. S.204.

АҲМАРОВ, Чингиз (1912/5.VIII–1995/13.V) – ўзбек рассоми, миниатюрачи-монументалист. Ўз-н халқ рассоми (1964). Москва Бадиий академиясини тамомлаган (1942). Тошкент театр ва рассомлик инс-тида ишлаган (1962–72). Ижоди XX асрнинг 30-й.да бошланган. Шарқ миниатюраси мактаби ағъаналарини давом эттирган, миллий мусаввирлик мактабини яратган. Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи, Ўзбек опера ва балет театри (1947)да «Хамса» мавзулари буйича деворий суратлар ишлаган. Навоий номидаги Адат музейи (1968), Беруний номидаги Шарқшунослик ин-ти (1968–69), Мирзо Улуғбек расадхонаси, Санъатшунослик и.т. институти (1980) в.б.да деворий суратлар туркуми б-н безатган. Тошкент метрополитенинг «Алишер Навоий» бекатида “Сабъаи сайёр” достони каҳрамон-лари асосида “Етти

“гузал” сурати, узбек адиларининг портретларини чизган. Узбек амалий санъатига мозаика санъатини олиб кирган.

- Умаров А. Росписи Чингиза Ахмарова // Искусство. 1968. № 1.

АХМЕДОВ, Бурибай (1924.12.VIII–2002/15.V) – тарихчи ва шарқшунос олим таржимон. Андижон вилоятида туғилган. УзРФА акад. (1995), Уз-нда хизмат кўрсатган фан арбоби (1989), тарих фанлари д-ри (1974), проф. (1985). Ўрта Осиё уи-тининг Шарқ ф-тини битирган (1953). Уз-н ФА Шарқшунослик ин-тида илмий ходим, илмий котиб, булим бошлиғи (1960–90). 1991 й.дан бош илмий ходим. Халқаро Амир Темур жамғар-маси раиси (1995–2002). А. манбашунослик, Ўрта Осиё халқларининг X–XIX асрлар тарихи, Темур ва темурийлар даври тарихи каби соҳаларда тадқикотлар ёзган. «Амир Темур» тарихий романи муаллифи. “История Балха”, “Историко-географическая литература Средней Азии XVI–XVIII вв.” (1985), “Навоий замондошлари хотирасида” (Тузувчи, таржимон, 1985), “Ўз-н халқлари тарихи манбалари” (1991), “Ўз-ннинг атоқли тарихшунос олимлари” (2003) асарларини нашр килдирган.

Тошкент ш.даги Чигатой кабристонига дағн этилган. Беруний номидаги Ўз-н Давлат мукофоти лауреати (1989). «Дўстлик» (1997), «Буюк хизматлари учун» (1999) орденлари б-н тақдирланган.

- ◆ Ахмедов Б. Ўзбекларниң келиб чиқиш тарихидан. Т., 1963; Улугбек (эссе). Т., 1989; Ўзбек улуси. Т., 1992.
- Бобур энц-яси. Т.: Шарқ НМАК, 2014. Б.68.

АХМЕДОВ, Мухаммад – к.: Мұхаммад Али.

АХМЕДОВ, Раҳим (1921/26.VII–2008/9.VII) – рангтасвир устаси. Ўз-н халқ рассоми (1962), Ўз-н БА фаҳрий аъзоси (1997). Ўз-н Рассомлар уюшмаси раиси (1965–84, 1992–94). Ўз-н Давлат мукофоти лауреати (1967). Тошкент ш.да туғилган. Тошкент бадиий билим юрти (1937–41), Ленинград рассомлик, ҳайкалтарошлик ва меймурлик ин-тида уқиган (1947–53). Театр ва рассомлик санъати ин-тида уқитувчи (1953 й.дан), проф. (1976 й.дан). Мойбүёқда чизилган “Она уйлари” (1956), “Ўзбек кизи портрети” (1958) портретлари эллининг эътиборини шуҳрат қозонган. “Ўзбек адилари” туркум портретлари учун Давлат мукофотига сазовор болган. «Баҳор» (1964), «Натюрморт» (1965), «Хризантемалар» (1972)да “ички манзара” расмларини ишлаган. Асарлари Ўз-н санъат музейи, Шарқ халқлари санъати музейи ва 6.да сакланади.

Тошкент ш.да вафот этган, Минор кабристонига дағн этилган.

- Зименко В. Раҳим Ахмедов// Искусство. 1969. № 4.

АХРИМАН («Авесто»да) – ёвузлик маъбуди. “Авесто”нинг “Гоҳлар” кисмида Ака Мана, бошка китобларида Ангра-Майню номи б-н келган. Эзгулик тимсоли Ахурамазданинг зидди. “Вендинод” кисмида ёзилиши-ча, Ахурамаз-

да 16 эзгулик мамлакатини яратган бўлса, А. унга қарши 16 ёвузлик мамлакатини яратган. Улар ўртасидаги доимий кураш А.нинг тор-мор келтирилиши, унинг зулмидан дунёнинг тозаланиши б-н тугайди. А.га қарши курашда Ахурамаздага инсон ёрдам беради, мифга кўра, у Каюмарс (биринчи одам)-дир. Шунинг учун “Авесто” ва кейинги манба-лар (“Шоҳнома”)да бош каҳрамон сифатида Инсон келади. Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» дostonида Фарҳоднинг эзгулик йўлидаги иккинчи жанг А. – ёвузлик б-н бўлган. Фарҳоднинг А. устидан ғалабаси инсоннинг ёвуз кучлардан устунлигига ишора.

- Мифы народов мира. М.: СЭ, 1980. С.141.

АХРОР, Хожа Убайдуллох (1404–1490) – улуғ мутасаввиф, файласуф ва адаби. Тулиқ исми: Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ибн Хожа Махмуд. Богистон (хоз. Бустонлик худудида) қишлоғида таваллуд топган. Кейинроқ Самарқандга кўчиб, Кутбиддин Садр мадрасасида таҳсил олган. Хожа Низомиддин Хомуш ва Саъдиддин Кошғарий билан бир тариқат ва илмда боғланган. 29 ёшида Яъқуб Чархийдан иршод олиб, муршиди комил мақоми б-н Тошкентта кайтган. Абу Саъид Мирзо даврида давлат ва жамоат ишларида катнашган, катта мулқдор сифатида ҳам шуҳрат топган. Хожа Аҳрор Валий ҳақида маълумот берувчи ишончли манбалар: Мир Абдуллаҳвал Нишопурийнинг "Масмуъот", Фахруддин Али Сафийнинг "Рашаҳоту айни-л-ҳаёт.", Муҳаммад Қозининг "Силсилату-л-орифин", номаълум муаллифнинг "Манокиби Хожа Аҳрор", «Насабномайи Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор» асарлари. Алишер Навоий "Насойим..."да "Ул руқъаларни мураккаб ясад, мужаллад килиб, жадвал ва такаллуфот била табарруқ йўсуни била асрабмасн. Умидим улки, аларнинг баракотидин бу ишнинг завки ва талаби насиб бўлгай. Аларнинг ёши тўқсондин олти ой ўқсук эрди. Саккиз юз тўқсон тўртда дунёдин ўтилар. Аларнинг асхобидин иршод ва талкинға мушарраф бўлғанлардин Мавлоно Қосим ва Мавлоно Хожа Али ва Мавлоно Мир Ҳусайн ва Мавлоно Мир Муҳаммад ва Мир Абдуллаҳвал ва Мавлоно Бурҳонуддин ва Мавлоно Лутфуллоҳ ва Мавлоно Ҳусайн Турк ва дарвиши Аҳмад Жомий эрди ва яна дағи дарвишлар бор эрдилар ва муҳтасарда мунчаси собит бўлди".

Қатор диний-тасаввифий асарлар муаллифидир. А.нинг "Фақароту-л-орифин" ("Орифлар ҳаётидан лавҳалар"), "Рисолайи волидия" ("Отага аталган рисола"), Бобур шеър б-н ўзбек т.га тарж. килган), «Рисолайи ҳаворийя» ("Ҳурлар рисоласи"), «Рисолайи анфоси нафиса», «Руқъаот» асарлари шундай китоблар сирасига киради.

- ◆ Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Табарруқ рисолалар / Нашр. тайёрл. М.Ҳасаний, Б.Умрзок, Ҳ.Амин. Т.: Адолат, 2004; Рисолайи ҳаворийя. Қўлзэма. ЎзРФАШИ. Сакл. № 507Л,
- Алишер Навоий. Насойиму-л-мухаббат. 17-ж. Т.: Фан, 2001. 460-тартиб.

АХРОРИЙ, Мухаммадсаид (1895–1931) – ўзбек адаби, журналисти ва драматурги. Отаси кўқонлик Абдурашидхожи ҳаж асносида бир муддат Онадулида яшаган пайтда А. Истанбулда туғилган. Истанбул ҳарбий билим

юртими тамомлаб, I Жаҳон урушида катнашган. Асирикдан қочиб, Туркистанга келган. “Изчилар тұдаси” фирмә фаолиятида катнашган. “Бухоро ахбори” (кейинрек “Озод Бухоро”) газ.сіда мухаррір үрінбосари, Бухоро Ҳалқ жумхуриятынинг Озарбайжондагы әлчисі бұлиб ишлаган. Маориф нозирлигіда масъұл вазифада турғанида ҳибсега олиниб, катл килинган.

Аасарлари “Зарафшон” газ.си, “Маориф ва үқиттучи”, “Ер юзи”, “Аланга” журн.ларida босилған. “Кизларга тортиқ” (Бухоро, 1922), “Қизил аскар” аасарлари мұаллифи.

- Doskaraev B. Ahrarî. Türk Dünyası Edebiyatçıları Ansiklopedisi. Ankara, 2002. 1 cild. S.206.

АХРОРОВА, Холида Мұхаммадсаид кизи (1927–?) – ўзбек адібаси, таржимон. Тошкент ш.ла туғилған, Ҳамширалик курсини (1941), Тошкент театр ва рассомчилик (хоз. Санъат ва маданият) ин-ти (1955)ни тамомлаган. Фукаролик актларипи рўйхатта олиш бўлимида маъмур, Республика Олий кенгашида таржимон, “Саодат” (“Ўзбекистон хотин-кизлари”) журн.да бош бўлим мудираси, мухаррір үрінбосари булиб ишлаган.

Аасарлари “Шарқ ўолдузи”, “Саодат” журн.ларida чоп этилган. “Ўзидан кўрсин”, “Поклик иймондандир” (1991) китоблари мұаллифи. Бальзак, Гогол, Чехов, Гамсахурдианинг роман ва киссаларини ўзб. т.га тарж. қилған.

АҲРОРИЙ, Ҳошим (XVI-1613/11.VIII) – шоир ва мутасаввиф. Тұлғы исми: Ҳожа Ҳошимий Мозорий Аҳорорий (Ҳожа Аҳорор мозорида турғани сабабли); Ҳошим тахаллуси б-н шеърлар ёзған, Ҳожа Аҳорор валий набираси. Тасаввуфда юксак макомга эга бўлған. А. Фаттохий Нишобурийнинг “Шабистони хаёл” аасарини шарҳлаб, “Шамъи шабистон” помли рисола яратган. Мутрибий бу ҳожа мадхидда маснұй қасида биттган ва ҳожа мақтовига сазовор бўлған. Мутрибийга хеч качон фикрлаш, яъни шсьр өзишдан тұхтамасликни насиҳат қилған. Мутрибийнинг “Тазқирагу-ш-шуаро»сіда Ҳошимнинг олти байтлик форсча бир газали ва матлаъси берилған ва тазқиранавис А. вафотига марсия биттган ва уни тазқирада тұлғы келтирған. “Нұсхайи зебойи Жаҳонгир” аасарда яна А.нинг бир байти ва бир рубоийсіни ҳавола қилған.

- А.Самарқандда вафот этган ва Ҳожа Аҳорор сүфаси ёнига дағын килинган.
- Мутрибий. Тазқирагу-ш-шуаро. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2013. Б.201-211.

«АҲСАНУ-Л-ҚИСАС» (“Киссаларнинг гўзали”) – Куръон каримдаги гўзал киссалардан “Қиссайи Юсуф” шу сифат б-н юритилади. “Юсуф” сурасининг 12-ояти каримасида (“Эй Мұхаммад) биз сизга ушбу Куръон сурасида вахий орқали киссаларнинг энг гўзалини сўзлаб берамиз” дейилған. Абдурахмон Жомийнинг “Юсуф ва Зулайх” достонида ҳам шу киссанинг номи зикр этилган бўлиб, бу кисса илохий ишкнинг курдати, Илоҳ санъатининг гўзалилиги ҳақиқадаидир, деган изохи ҳам берилған.

- Алишер Навоий. Ҳазойипу-л-маопий. МАТ. 4-жилд. Т.: Фан, 1990; Faniева С. Навоий ёдға олган аасарлар. Т.: 2004. 6.6-7; Turk Dünyası Edebiyat Kavramları ve Terimleri Ansiklopedik Sözlüğü. Cilt 1. Ankara: Ataturk Kultur Markezi Baskanligı, 2001. S.77.

АХТАМ (арабча: **أختام** – тишни синдириш) [поэтика, метрика] – аруз амалиётида зихоф (ўзгариш)лардан бири бўлиб, мустафъилундан фаълун, мафъулотудан фаъилоту хосил қилинишидир. Бобур “Аруз рисоласи”да шундай мисол (ражази муасаммани аҳтам) келтирган:

“Бир руки солим, бир руки мақбус:

Дарди дилим эшишиб қылмас ул ой тараҳхум,
Зулми ани кам ўлмас неча қиласай тазаллум.

Мустафъилун фаъулун мустафъилун фаъулун” (51а).

- *Бобир. Мухтасар. Т.: Фан, 1971; Тоир У., Сайдали С. Комуси қоғия ва арузи шъери Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон, 1994. С.79; Ҳоқсиаҳмедов А. Ўзбек арузи лугати. Т.: Шарқ НМАК, 1998. Б.36.*

ФОЙДАЛАНИЛГАН ҚОМУСИЙ МАНБАЛАР
ва ИЗОХЛИ ЛУҒАТЛАР

1. Абу Абдуллоҳ Хоразмий. Мағотиху-л-улум. Қўлэзма. УРФАШИ. Инв. № 2.
2. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 1-жилд / Акад. Э.Фозилов таҳр. остида. Т.: Фан, 1983. 656 б.
3. Али-заде А. Исламский энциклопедический словарь. М.: Ансар, 2007. 400 с.
4. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. М.: СЭ, 1966. 608 с.
5. Азәрбајҹан классик әдәбијатында ишләдиլән адларын вә терминләrin шәрни. Тәртиб едәни А.М.Бабаев. Бакы, 1993. 320 с.
6. Белокурова С.П. Словарь литературовидческих терминов. СПб.: Паритет, 2006. 320 с.
7. Библейская энциклопедия / Труд и издание А.Никифора. М.: Терра, 1990. 904 с.
8. Большой энциклопедический словарь: Языкоznание. М., 1990. 688 с.
9. Борев Ю. Эстетика. Теория литературы. Энциклопедический словарь. М.: Астрель-Аст, 2003. 576 с.
10. Борев Ю. Словарь терминов текстологии и генетической критики. М., 2011 (эл. версия).
11. Босворт К.Э. Мусульманские династии / Справочник по хронологии и генеалогии. М.: Наука, 1971. 324 с.
12. Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Иллюстрированный энциклопедический словарь / Современная версия. М.: ЭКСМО, 2007. 960 с.
13. Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Энциклопедический словарь в 12 т-х. Биографии, т.І. М.: СЭ, 1991.
14. Бурҳон М.Ҳ. Бурҳони котъ. Ч.1. / Тахийия матн ва тавзҳоти А.Нуров. Душанбе: Адид, 1993. 416 сах.
15. Введение в литературоведение. Литературное произведение: основные понятия и термины. Под ред. Л.В.Чернец. М.: Высшая школа; Academia, 1999. 554 с.
16. Виноградова Н. А., Каптерева Т. П., Стародуб Т. Х. Традиционное искусство Востока. Терминологический словарь. М.: Эллис-Лак, 1997. 368 с.
17. Власов В., Лукина Н. Авангардизм, модернизм, постмодернизм / Малый лексикон искусства. СПб.: АЗБУКА Классика, 2005. 320 с.
18. Георгиев Л., Джамбазки Х., Ницолов Л., Спасов С. Речник на литературните термини. София: Наука и изкуство, 1969. 967 с.
19. Греймас Ж., Курте Ж. Семиотика: объяснительный словарь теории языка / Пер. Я.П.Мурат. М., 2009. 550 с.
20. Гурьевича Т. Новый литературный словарь. М.: Феникс, 2009. 368 с.
21. Елисеев И.А., Полякова Л.Г. Словарь литературоведческих терминов. Ростов на-Дону: Феникс, 2002. 232 с.
22. Издательско-полиграфический словарь-справочник / Сост. О.Садыбеков. Т.: O'zAVMATBUOTLITI, 2009. 200 с.

23. Ильин И.П. Постструктурализм, деконструктурализм, постмодернизм. <http://www.philosophy.ru/>
24. Квятковский А.П. Поэтический словарь. М. СЭ, 1966. 376 с.
25. Краткая литературная энциклопедия. т. I-9 (доп). М.: СЭ, 1962–78.
26. Кудина Г.Н., Новлянская З.Н., Архангельский А.Н. Словарь литературоведческих терминов. Для школьников и преподавателей. М.: ОНИКС 21 век, 2004. 48 с.
27. Культура классической Японии. Словарь-справочник / Сост. Рыбалко С.Б., Корнев А.Ю. Ростов-на-Дону: Феникс, Харьков: Торсинг, 2002. 236 с.
28. Лесин В.М., Пулинець О.С. Словник літературознавчих термінів. Київ.: РШ, 1971. 486 с.;
29. Литературная энциклопедия / Под ред. В.М.Фриче, А.В.Луначарского. т.1. М., 1929.
30. Литературная энциклопедия терминов и понятий / Сост. А.Н.Николюкин. М., 2001. 1600 с.
31. Литературный энциклопедический словарь / Под общ. ред. В.М.Кожевникова, П.А.Николаева. М.: СЭ, 1987. 752 с.
32. Литературоведческие термины (Материалы к словарю) / Ред.-сост. Г.В.Краснов. Коломна, 1997 (эл. версия).
33. Лэн-Пуль С. Мусульманские династии. Хронологические и генеалогические таблицы с историческими введениями. Пер с анг. с примечаниями и дополнениями В.В.Бартольд. СПб., 1899.
34. Мень А. Библиологический словарь; в 3-х томах. Т.1. М.: Фонд им. А.Мелтина, 2002. <http://slovary.Yandex.ru/dict/men/article>.
35. Мильчин А. Издательский словарь-справочник. М., 2006 (эл. изд.)
36. Мифологический словарь. М.: СЭ, 1990. 672 с.
37. Мирәһмәдов Ә. Әдәбијатшунаслыг. Енциклопедик лугот. Бакы: Азәрбајҹан енциклопедијасы нәшријат-полиграфијај бирлиji, 1998. 240 с.
38. Мұхаммад Ғиёсүддин. Ғиёсу-л-лугот. Чилди 1. Тахияи ва тавзехоти А.Нуров. Душанбе: Адид, 1987. 480 с.
39. Новая литературная энциклопедия. www.nlit.ru.
40. Новая Российская энциклопедия в 12 томах. М., 2004-2014.
41. Пави П. Словарь театра / Пер. с франц. Бажнева Л., Бахта И. и др. М.: Пропресс, 1991. 504 с.
42. Поэтика. Словарь актуальных терминов и понятий / Под ред. Н.Д.Тамарченко. М.: Издательство Кулагиной: Intrahda, 2008. 360 с.
43. Руднев В. Словарь культуры XX века. Ключевые понятия и тексты. М.: Аграф, 1999. 384 с.
44. Русова Н.Ю. От Аллегории до Ямба / Терминологический словарь – тезаурус по литературоведению. М.: Флинта–Наука, 2004. 304 с.
45. Салаев Ф., Қурбонијёзов Г. Адабиётшунослик атамаларининг изоҳли сўзлиги. Т.: Янги аср авлоди, 2010.
46. Сахиҳи Бухорий. Ал-жомиъ ас-саҳиҳ. 1-2 китоб. Т.: ҮМЭДИН, 2008. 1-китоб. 712 б.; 2-китоб. 624 б.

47. Словарь античности. М.: Прогресс, 1989. 704 с.
48. Словарь литературоведческих терминов / Ред.-сост. Л.И.Тимофеев, С.В.Тураев. М.: Просвещение, 1974. 512 с.
49. Словарь терминов французского структурализма / Сост. И.П.Ильин // Структурализм: «за» и «против» / Сост. М.Я.Поляков. М., 1975. С.451-460.
50. Современное зарубежное литературоведение (страны Западной Европы и США): Концепции, школы, термины: Энциклопедический справочник / Научн. ред. и сост. И.П. Ильин, Е.А.Цурганова. М.: Интрага, 1996. 320 с.
51. Сомийбек Ш. Қомусу-л-аълом / Н.Асилова тарж. ЎзР ФА Ад-т музейи. Қўллэзма.
52. Терминология современного зарубежного литературоведения: Страны Западной Европы и США. Вып.1. М., 1992.
53. Тоир У., Сайдали С. Қомуси қофия ва арузи шеъри Ажам. Дар ду чилд. Чилди аввал. Душанбе: Ирфон,1994. 512 с.
54. Философский энциклопедический словарь. М.: СЭ, 1983. 816 с.
55. Фалсафа. Қомусий луғат. Тузувчи ва масъул мух-р: К.Назаров. Т.: Ўз-н файласуфлари миллый жамияти нашриёти, Шарқ НМАК, 2004. 496 б.
56. Ҳамраев М.К. Краткий словарь терминов тюркоязычных литератур. Алма-ата, 1966. 96 с.
57. Художественное восприятие: основные термины и понятия. Словарь-справочник / Ред.-сост. М.В.Строганов. Тверь, 1991.
58. Ширли Дж. Словарь мировых литературных терминов. М., 1970.
59. Энциклопедический словарь юного литературоведа. М.: Педагогика, 1988. 416 с.
60. Энциклопедический словарь юного филолога. М.: Педагогика, 1984. 352 с.
61. Энциклопедия искусства XX века / Сост. Краснова Д.Б. М.: ОЛМА-Пресс, 2002.
62. Энциклопедия модернизма / Сост. Рычкова Ю.В. М.: Эксмо-пресс, 2002. 224 с.
63. Энциклопедия символизма. Живопись, графика, скульптура. Литература. Музыка. Сост. Жан Кассу и др. / пер. с франц. М.: Республика, 1999. 432 с.
64. Энциклопедии адабиёт ва санъати тоҷик. Ч.1. Душанбе: 1988.
65. Эстетика. Словарь / Под ред. А.А.Беляева. М., 1989.
66. Юсуф Ҳаттар Мухаммад. Энциклопедия суфизма. М.: Ансар, 2005. 480 с.
67. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 1-ж. Т.: ЎМЭДИН, 2000. 736 б.
68. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик лугати. Т.: Akademnashr, 2010. 400 б.
69. Ҳоҗиаҳмедов А. Ўзбек арузи луғати. Т.: Шарқ НМАК, 1998. 224 б.
70. Ҳомидий Ҳ., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари лугати. Т.: Ўқитувчи, 1967.
71. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Т.: Ўқитувчи, 1979.

72. Abrams, M. H. A Glossary of Literary Terms. New York-London, 1994.
73. Baldick C. The concise Oxford of Dictionary Litetary Terms. Oxford, 1990.
74. Beckson K., Ganz A. Literary Terms. A Dictionary. New York, 1989.
75. Bourin A., Rousselot J. Dictionnaire de la littérature française contemporaine. Paris, 1966.
76. Bünyadov Z. Dinlər, təriqətlər, məzhəblər. Bakı: Şərq-Qərb, 2007.
77. Cebecioglu E. Tasavvuf Terimlri Sözlüğü. İstanbul: Anka Yayınları, 2005. 742 s.
78. Cuddon J.A. The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. London: Penguin Books, 1991.
79. Encyclopedia Britannica. London, 1994–98.
80. Encyclopedia of Islam. New edition. Leiden: E.J.Brill, 1960-2002.
81. Gray M. A Dictionary of Literary Terms. York Press, 1988.
82. Islam Ansiklopedisi. 1-cild. İstanbul, 1993. 806 s.; 2-cild. İstanbul, 1986. S.1-159.
83. Karataş T. Ansiklopedik Edebiyat Terimleri Sözlüğü. Ankara: 2007. 536 s.
84. Kitabi-Dədə Qorqud Ensiklopediyası. I-II cild. Bakı: Yeni Nəşrlər Evi, 2000.
85. Muallim Naci, Sarac Yekta M.A. Edebiyat Terimleri / Istilahat-I Edebiyye. İstanbul: 2004. 176 s.
86. Myers J., Simms M. The Longman Dictionary of Poetic Terms. New York; London, 1989.
87. Uludağ S. Tasavvuf Terimleri Sözlüğü. İstanbul: Kabalcı Yayınevi, 2005. 440 s.
88. Şamsetdin Sami. Kamusul-elam. Cild 1-4. İstanbul, 1301-1316.
89. Türk Dili ve Edebiyatı Ansiklopedisi: Devirler, İsimler, Eserler, Terimler. 8 c., 1-c. İstanbul, Dergah Yayınları, 1976.
90. Türk Dünyası Edebiyat Kavramları ve Terimleri Ansiklopedik Sözlüğü. Cilt 1. Ankara: Atatürk Kültür Markezi Başkanlığı, 2001. 574 s.
91. Türk Dünyası Edebiyatçıları Ansiklopedisi. Cilt 1. Ankara: Atatürk Kültür Markezi, 2002. 532 s.; Cilt 2, 2002. 498 s.
92. Wilpert G. von. Sashwörterbuch der Literatur / 7.Aufl/ Stuttgart, 1989.
http://web.cn.edu/kwheeler/lit_terms.html
- رجي زيدان. تاريخ ادب الغرائب العربية. القاهرة: دار الهلال، 1898
93. [Жиржи Зайдон. Араб адабиёти тарихи луғати. Қохира: Дорулхилол, 1898 (араб т.да)]
- سید جعفر سجادی. قرهنگ اصطلاحات و تعبیرات عرفیتی. تهران، 1438
94. [Саид Жаъфар Сажжодий. Ирфоний истилоҳлар ва иборалар луғати. Техрон, 1438 (форс т.да); // Сино. 2010. № 37-40]
- سیداد. قرهنگ اصطلاحات ادبی. تهران، 1378
95. [Сиймодод. Адабиёт истилоҳлари лугати. Техрон, 1378 (форс т.да)]
- قرهنگ شاهنامه. نام گشتن و جوییا حسین شهیدی ماذاندرانی (پیون) جاٹ تختست. تهران، 1377
- [“Шохнома” луғати / Кишилар ва жойлар номлари. Ҳусайн Шахидий Мозондароний (Бижан). 9-нашри. Техрон: 1377 (форс т.да)]

МУНДАРИЖАВИЙ КУРСАТКИЧЛАР

Ислар ва кишилик сифатлари курсаткичи

- Аазз 11
 Аазен И.А. 11
 Ааль Я. 12
 Аарон 12
 Аарне А.А. 12
 Аб 12
 Абагинский (Кудрин) А.Г. 13
 Абаев В.А. 16
 Абажи Т. 16.
 Абаза К.К. 17
 Абай (Иброхим) 17-18
 Абарбанел И. 19-20
 Абасийаник С.Ф. 21
 Абашели И(А).В. 21
 Абашидзе Г.Г. 21
 Абашидзе И.В. 22
 Абба Ж.Ч. 22.
 Аббанияно Н. 22
 Аббат Прево 24
 Аббос Абдул Муталлиб 24
 Аббос Х.А. 25
 Аббос ибн Ахнаф 25
 Аббос Марвазий 25
 Аббос Сиххат 25-26
 Аббоскулихон 26
 Аббосов Ш.С. 26-27
 Аббуд Марун 27
 Абдалов Отажон 30
 Абдий Мирабдуллоҳ 30
 Абдирахмонов Ў. 31
 Абдо (Абду) Мухаммад 31
 Абдол султон 33
 Абдували Кутбиддин 33
 Абдувесъ 33-34
 Абдул Муис 34
 Абдул Қохир Бағдодий 34
 Абдул Қохир Журжоний 34
 Абдул Ҳак 34
 Абдуллават Нишопурий 34-35
 Абдулазиз Мажзуб Наманғоний 35
 Абдулазиз Мирзо 35
 Абдулазим Сомий 35-36
 Абдулаълам Файзхонов 36
 Абдулаҳадҳон 36
 Абдулбоки Наҳовандий 36
 Абдулвадул Котиб Шоший 36
 Абдулваҳҳоб 36-37
 Абдулваҳҳоб Суҳой 37
 Абдулжамил Имом 37
 Абдулжамил Котиб 37-38
 Абдулкарим Наманғоний 38
 Абдулкарим Сотук Бўғроҳон 38
 Абдулкарим халифа 38
 Абдулла Авлоний 38-39
 Абдулла Бадрий 39
 Абдулла Орипов 39
 Абдулла Собир 39
 Абдулла Тўқай 40
 Абдулла Шер 40
 Абдулла Шоик 40
 Абдулла Қаҳҳор 40-42
 Абдулла Қодирий 42-45
 Абдуллаев Абдулҳақ 45
 Абдуллаев Воҳид 45-46
 Абдуллаев Исматуллоҳ 46
 Абдуллаев Йўлдош 46
 Абдуллаев Лутфулла 46-47
 Абдуллаев Самиг 47
 Абдуллаев Фаттоҳ 47
 Абдуллаев Қурбонназар 47
 Абдуллаев Ҳабиб Муҳамедович 48
 Абдуллаҳонов Жонрид 48-49
 Абдуллатиф Мирзо 49
 Абдуллатиф Латифий 49-50
 Абдуллоҳ Абу Авона Шоший 50
 Абдуллоҳ Анзорий 50-51
 Абдуллоҳ Жавдат 51
 Абдуллоҳ ибн Аббос 51-52
 Абдуллоҳ ибн Абдулмуталлиб 52
 Абдуллоҳ ибн ал-Одамий Шоший 52

Абдуллоҳ ибн Жаъфар 52
 Абдуллоҳ ибн Зубайр 52
 Абдуллоҳ ибн Муборак 52-53
 Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазий 53
 Абдуллоҳ ибн Мұттазз 53
 Абдуллоҳ ибн Умар 54
 Абдуллоҳ Китобдор (Шихобиддин) 54
 Абдуллоҳ Кобулий 54
 Абдуллоҳ Котиб 54
 Абдуллоҳ Марворий хожа
 Шихобиддин 54
 Абдуллоҳ Норинжоний 54
 Абдуллоҳ Термизий 54-55
 Абдуллоҳ Хотифий 55
 Абдушоххон II 55-56
 Абдурмажид ибн Фаришта 56
 Абдурмажид Ҳаким Санойи 56
 Абдурмалик ибн Ҳишом
 ал-Маорифий 57
 Абдурмалик ота 57
 Абдурмалик тұра 57-58
 Абдурманнан Котиб 58
 Абдулмұмъинхон 58
 Абдулраҳим Үсмон Ҳидоя 58
 Абдулраҳмон ибн Ҳорис 58
 Абдулраҳмон Моманд 58
 Абдулраҳмон Толесь 59
 Абдулхолик Ғиждувоний 59-60
 Абдулқодир Гилоний 60-61
 Абдулқодир Бедил 61
 Абдулқодир Мараголи 61
 Абдулқодир Шакурий 61-62
 Абдулхамид II 62
 Абдулхамид Мажидий 62
 Абдулхамид Котиб 62
 Абдулхамид Чүлшон 63-66
 Абдулхак Котиб 66
 Абдураззок Бимий 66
 Абдураззок Самарқандий 66
 Абдураззоков Азиз 66
 Абдурасул полвон Комил угли 67
 Абдурауф Фитрат 67-69
 Абдурашид Иброҳимбек 69-70
 Абдурашидов Рazzok 70

Абдурашидхонов Мунавваркори 70-71
 Абдурахим ибн Байрамхон 71
 Абдурахим Низорий 71-72
 Абдурахмон Жомий 72-73
 Абдурахмон Мушфикаий 73-74
 Абдурахмон Офтобачи 74
 Абдурахмон Саъдий 74-75
 Абдурахмонов Ғани 75
 Абдурраҳимбоб 75-76
 Абдусалом Андарасбоний 76
 Абдусамадов Малик 76
 Абдусамадов Ҳафиз 76-77
 Абдусаттор қози 77
 Абдукажхор Самарқандий 77
 Абдүғафуров Абдурашид 77
 А'беккет Г.А. 78
 Абель Ремюза Ж.-II. 78
 Абелль Қьеел 78
 Абелляр Пьер 78-79
 Абжадхон 81
 Абивардий Абу Абдуллоҳ Зарир 82
 Абивардий Маъофий 82-83
 Абивардий Мұхаммад 83
 Аблай II 85
 Абобакр Мирзо 87
 Абоян Ҳачатур 87-88
 Абраам Пьер 90
 Абрам Э. 91
 Абрамов Ф.А. 91-92
 Абрамович Г.Л. 92
 Абру Ҳофиз 94-95
 Абу Эдмон 101
 Абу Абдуллоҳ Бағдодий 101-102
 Абу Абдуллоҳ Зарир Абивардий 102
 Абу Абдуллоҳ Илоқий 102
 Абу Мұхаммад ад-Диноварий 102
 Абу Абдуллоҳ Исмоил Бухорий 102-103
 Абу Абдуллоҳ Мұхаммад Жұмахий 103
 Абу Абдуллоҳ Балхий 103
 Абу Абдуллоҳ Мұхаммад Танжий 104
 Абу Абдуллоҳ Нотилий 104
 Абу Абдуллоҳ Рудакий 104
 Абу Абдуллоҳ Ҳарис Мұхосибий 104
 Абу Абдуллоҳ Хоразмий 105

Абу Абдурахмон Суламий 105
Абу Али Рудборий 106
Абу Али ибн Сино 106-108
Абу Али Шоший 108
Абу Али Ҳасан ибн Рошик 108
Абу Али Ҳусайн ибн Аҳмад ал-Байҳакий 108
Абу Амир ибн Аъло 109
Абу Аъло ал-Маарий 109
Абу Аъло Шуштари 109
Абу Аҳмад ибн Абу Бакр Котиб 110
Абу Бакр Варрок 110
Абу Бакр Воситий 110
Абу Бакр Калавий 110
Абу Бакр Наршахий 110-111
Абу Бакр Нишобурий 111
Абу Бакр Розий 111
Абу Бакр Сағоний 111
Абу Бакр Сиддик 111-112
Абу Бакр Тойободий 112
Абу Бакр Шоший 112-113
Абу Бакр Қаффол Шоший 113
Абу Бакр Ҳомид Шоший 113
Абу Бишр Матто 113
Абу Даҳбал Жумахий 113
Абу Дулаф 114
Абу Жаъфар Ҳозин 114
Абу Зайд ад-Дабусий 114
Абу Зайд ибн Саҳл Балхий 114-115
Абу Исо Термизий 115
Абу Исҳок Истаҳрий 116
Абу Исҳок Иброҳим ибн Сайор ан-Наззом 116
Абу Мансур Дақиқий 116-117
Абу Мансур ас-Саолибий 117-118
Абу Мансур Ҳафд 118
Абу Масъуд 118
Абу Мұслим 118
Абу Наср Форобий 119-120
Абу Наср Қубавий 120
Абу Нуғос 120
Абу Райҳон Җеруний 120-123
Абу Саид ибн Абулхайр Ҳурсоний 123

Абу Сайид Румий 123-124
Абу Сайид Ҳарроz 124
Абу Саъид 124
Абу Саъид Мирзо 124
Абу Саъид ибн Қўчкунчиҳон 124
Абу Суфён 125
Абу Таммом 125
Абу Толиб Маммуний 125-126
Абу Тоҳир Ҳатуний 126
Абу Тоҳирхожа Самаркандий 126
Абу Убайдуллоҳ Тошкандий 127
Абу Шакур Балхий 127
Абу Язид (Боязид) Бистомий 127-128
Абу Ҳайрон Андалусий 128
Абу Ҳайрон ат-Тавҳидий 128
Абу Ҳамид Ғаззолий 128-129
Абу Ҳанифа 129-130
Абу Ҳанифа Диноварий 130
Абу Ҳасан Али Баҳром Сараҳсий 130
Абу Ҳилол Аскарий 131
Абул Аббос Мустағфирий 131
Абул Аъло Шустарий 131
Абул Атоҳий Исмоил 131
Абул Барака 132
Абул Вафо Ҳоразмий 132
Абул Маҳсун
(Ҷусуф ибн Тангриберди) 132
Абул Макорим 132-133
Абул Музаффар Ҷагоний 133
Абул Мұхсин Мирзо 134
Абул Фараж Исфаҳоний 134
Абул Ҳасан 134
Абул Ҳасан Али Фаррухий 134-135
Абул Ҳасан ибн Саъид Аҳфаш 135
Абуд Ҳусайн Мұҳаммад Бухорий 135
Абуллайс Самаркандий 135
Абуллайс Фазлуллоҳ 135-136
Абулғазл Алломий 136
Абулғазл Сүккарый Марвазий 137
Абулғайзхон 137
Абулхайр 138
Абулхайр Ҳамморий 138
Абулхайрхон 138
Абулқосим Али ал-Искофий 139

- Абулқосим Бобур 139
 Абулқосим Замаҳшарий 139
 Абулғосим Фирдавсий 139
 Абулғози Баҳодирхон 139-141
 Абулғозихон Соний 141
 Абулҳасан Қосим Шоший 141
 Абулҳасан Қосим Шоший 141
 Абул Ҳусайн Мұхаммад Бухорий 141
 Абуший Ҳасан Ато 142
 Абхинавагупта 144-145
 Абэ Кобо 146
 Абҳарий Муаммад 146
 Ава 146
 Аваз Мироб 147
 Аваз Үтар ўғли 147-148
 Аваз Фозий 148
 Авазбий инок 148
 Август Октавиан 155-156
 Августин Аврелий 156
 Аvezов Мұхтор 157.
 Авеллаллеманни Ф.Х. 158
 Авелянида Г.-Г. 158
 Авенариус В.П. 158
 Авенариус Р. 158-159
 Авербах (Ауэрбах) Э. 159
 Аверинцев С.С. 159
 Аверкиев Д.В. 159-160
 Аверроэс 160
 Авиценна 162
 Авжий 163
 Авижюс Йопас 163-164
 Авалиә Чалабий 164
 Аврангзеб 165
 Аврелий Марк 165
 Авфий Нуриддин Мұхаммад
 Бухорий 180-181
 Авҳад Муставфий 181-182
 Авҳадиддин Кирмоний 182
 Авҳадий Рукниддин 182-183
 Агата Кристи 185
 Агафон 185
 Агацци Эвандро 185-186
 Агу М.К.С. 189
 Адам де Гали 230
- Адамсі Карл 230
 Адамович Алесь 230
 Адан Люсен 230
 Адан Пол 230
 Адашбоев Турсунбай 232
 Аддисон Жозеф 234
 Аделунг 235
 Ади Эндрс 235
 Адіб Ахмад Юғнакий 236-237
 Адіб Нишопурый 238
 Адіб Собир Термизий 238
 Адивар Холида Адип 239-240
 Адлср 241
 Адлер Альфред 241
 Адмирал 241
 Адо Султонхон тұра 241-242
 Адоий 242
 Адоий (I) 242
 Адоий (II) 242
 Адорно Теодор 243
 Адриан 246
 Аё Суфийа 246
 Аёс Исҳокий 246
 Аёзий (Мирзо Ҳайдар) 246-247
 Ажзий 250
 Ажыбай 250
 Ажиниәз 251
 Азади 252
 Азбак 253
 Аздий Шанфара 254
 Азелио М.Т. 254
 Азиз Марғилоний 255
 Азиз Насафий 255
 Азиз Несин 255-256
 Азиз Шохбек 256
 Азиззода Лазиз 256
 Азизий Абдулазиз 256
 Азизи Сайдрасул 257
 Азизий Юсуф 257
 Азизов Отакүзи 257-258
 Азизов Турғун 258
 Азим Суюн 258
 Азимжонова Сабоҳат 259
 Азимий 259

- Азимов Айзек 259-260
Азимов Сарвар 260-261
Азимов Усмон 262
Азимов Ҳайтбой 261
Азко 262
Азракий 263-264
Азфарий мирзо Алибахт 264
Айвазов Ҳасан Сабрий 265
Айвазовский И.К. 265
Айер А. 266
Айёр Самак 266
Айимбетов К. 266
Айлисли Акрам 267
Аймурзаев Ж. 267
Айн (Олим Шарафиддинов) 269
Айний Бадриддин 269-270
Айний Мехмет Али 270-271
Айний Садриддин 271-272
Айтимбетов Ү.А. 273
Айтжан бахши 274
Айтжанов Үтеген 274
Айтматов Ч.Т. 275-276
Айтмуратов Д. 276
Айх Гюнтер 277
Айхенвальд Ю.И. 277
Айша 277
Айюб (а.с.) 277-278
Айюб Шахрисабзий 278
Айюб Ғулом 278
Айноқий 278
Айгучи 279
Ака Бухор 279
Лкай (Акас) мерган 279
Акбар 286
Акбарали 286
Акбарий Султон 286
Акбаршоҳ 287-288
Акжура Ю. 289
Акиф Мехмет Эрсүй 289
Аккерман Л.-В.Ш. 291
Акмал 292
Акмал Ҳўқандий 293
Акмулта 294
Акоста Агустино 294
Аксаков С.Т. 297
Аксенев В.П. 297
Акутагава Рюносэ 302
Акций Л. 305
Алавий Абдулла 306
Алавий-Бектоший 306
Алавий Зийнатий 306
Алавия Музайяна 306
Аламкаш 307
Алгу 313
Алданов Марк 313
Алдар кўса 314
Александр Македонский 315
Александре Висенте 315
Алексид 317
Ален 317
Ален Роб-Грей 318
Алехо Карпентье 318
Али Ғалибули Мустафо 319
Али Жомий (Ҳофиз Али) 319
Али ибн Абу Толиб 319
Али ибн Усмон Ҳужвирий 320
Али Карим 321
Али Назмий 321
Али Накқош 321
Али Оҳий 321
Али Шатранжий 322
Али Шихоб 322
Али Шоший 322
Али Шугоний 322
Али Қушчи 322-323
Алиғъери Данте 323
Алисев Аҳмад 323
Алиев Комил 323
Алиева Назира 323
Алиева Фазу Ҳамзат кизи 324
Ализода Сайдризо 324
Алиматов Турғун 324
Алимжанов А. 324
Алимухамедов А. 325
Алимкул (Алимкули мингбоши) 325
Алисоъ 325

Алихонтура Соғуний 327
 Алишанли Ш.Х. 327
 Алишер Навоий 328
 Хаёти ва ижодининг манбалари 328
 Ижодий мероси 330
 ~ лирик мероси 330
 ~ эпик асарлари 332
 ~ насрый асарлари 334
 ~ ирфоний-фалсафий асарлари 334
 ~ илмий мероси 335
 Алишоҳ ибн Султон Такаш 338
 Алкман 343
 Аллен Уолтер 345
 Аллома ибн Ваққос 347
 Аллюмий Абулфазл 347
 Алмайй 348
 Алмамбет 349
 Алмейда 349
 Алоиддин Мухаммад Отсиз 350
 Алоиддин ибн Ҳусайн Ғурӣ 351
 Алоиддин Такишибн Эларслон 351
 Алоуддавла 352
 Алоуддин Самаркандий 352
 Алп (Алб) 352-353
 Алп Арслон 353
 Алп Эртўнга 353-354
 Алтанхан 355
 Алтинсарин 356
 Алтинсарин Ибраим 356
 Алфий Шомий 357
 Альберс Жозеф 358
 Альберт фон Больштедт 358
 Альберт Ханс 358
 Альберти Леон Баттиста 358
 Альберти Рафаэл 359
 Альтман Н.И. 362
 Альфонси П. 363
 Альфери Витторио 363
 Альциат А. 363
 Альъамон 364
 Алядин Шомил 364
 Алкама 364
 Алкама ибн Абада 364
 Алкара 365

Амадис 365
 Амарса Синча 367
 Аменемхет I 369
 Аменхотеп IV Эхнатон 369
 Америго Веспуччи 370
 Амидий Рукниддин 372
 Амин 372
 Амин 373
 Амин Бухорий Мирмуҳаммад 373
 Амин Умарий 373
 Аминий Абумуҳаммад Даҳбедий 373
 Аминий Мавжий 374
 Аминий Садриддин 374
 Аминий Ҳиёбоний 374
 Аминов Неммат 375
 Амир Давлатшоҳ 375
 Амир Муиззий 376
 Амир Олимхон 376
 Амир Руҳуллоҳ 376
 Амир Султон 376
 Амир Суҳайлӣ 376
 Амир Темур 376-378
 Амир Темур сиймоси 378
 ~ хорижий адабиётларда 378
 ~ ўзбек адабиётида 378
 Амир Умархон 379
 Амир Ҳусрав Деҳлавий 379
 Амир Шоҳий 380
 Амир Қосим Анвар 380
 Амирани 381
 Амирий Али 381
 Амирий Умархон 382
 Амирий Юсуф 383
 Амирий (Эрон) 383
 Амирий (ўзбек) 383
 Амирхон Фотих Зариф ўғли 384
 Амоний 385
 Амоний Мухаммад 385
 Амрий 388
 Анакроонт, Анакрсон 392
 Анаксагор 393
 Анаксимандр Милетли 393-394
 Анакс Имен Милетли 395
 Ананд 397

- Анандавардхана 397
 Анас 399
 Анас ибн Шис 399
 Анатол Франс 400
 Анахарсис 402
 Анбар отин 403
 Анвар Обиджон 404
 Анвар Пошо 404
 Анварий 404-405
 Андалиб 406
 Андалиб Нурмухаммад 406-407
 Андерсен Ханс Кристиан 409-410
 Андерсон Максуэлл 410
 Андерсон Шервуд 410
 Андерш А. 411
 Андигоний Бадриддин (XV) 411
 Андигоний Бадриддин (XVII) 411
 Андигоний Зийнат 412
 Андигоний Юсуф 412
 Андижоний Доий 416
 Андижоний Лойимий 416
 Андижоний, Махкам Махмуд 416
 Андижоний Мир Сарбараҳна 417
 Андижоний Мулла Ҳолбек 417
 Андижоний Мухаммад Шариф
 Садр 417
 Андижоний Насибий 418
 Андижоний Навидий Али 418
 Андижоний Тӯраҳӯжа 418
 Андижоний Фозил 419
 Андижоний Фурқатий 419
 Андижоний Ҳожа Қалонбек 419
 Андижоний Ҳожа Ориф Бақоий 419
 Андижоний Ҳожа Юсуф 419-420
 Андижоний Шайх Нажмий 421
 Андижоний Юсуф Бадний 421-422
 Андижоний Юсуф Сафой 422
 Андижоний Қиличхон 422
 Андокид 423
 Андрade Карлос 423
 Андрade Марио 423
 Андре Карл 424
 Андре Стиль 424
 Андреев Д.Л. 424
 Андреев Л.Н. 424
 Андреев М.С. 425
 Андрей 425
 Андре Бретон 425
 Андре Иво 425
 Андроник Ливий 426
 Анжом 428
 Анжумий 429
 Аникст А.А. 430
 Аниссий 433
 Аниссий (Абдулаҳад Азизов) 433
 Аниссий Абдураҳим Ҳоразмий 434
 Аниссий Али Қулибек 434
 Аниссий Ӯратешагий 434
 Анкстиль Дюперрон 435
 Анна Ахматова 435
 Аннамария фон Габэн 436
 Анер 439
 Анербоев Суннатулла 439
 Анри Барбюс 439
 Анри Мишо 439
 Антара ибн Шаддод 442
 Антимах Колофонылик 447
 Антисфен Афинали 449
 Антифан 450
 Антокольский Павел 452
 Антоний Марк 452
 Антуан де Сент Экзюпери 456
 Ануш ибн Шис 457
 Анушакон Абул Музаффар 457
 Ануширвон 458
 Ануштегин 458
 Анкабой Ҳушбахтов 461
 Анкаравий Исмоил 461
 Апдайк Жон 462
 Апель Карл Отто 463
 Аполлинер Гийом 465-466
 Аполлодор Афиналик 466
 Аполлоний Родослик 467
 Аполлоний Тианалик 467
 Аппия Адольф 471
 Апулей 473

Арабий 481
 Арабмұхаммадхон 481
 Арабшох 481
 Арагон Луи 481
 Арасли Ҳамид 484
 Арасту 485
 ~ эстетикаси 486-488
 Арат Рашит Раҳмати 488
 Арбитр Петроний Гай 490
 Аргедас Ҳосе Мария 491
 Аргези Тудор 492
 Аргун 493
 Арадабилӣ Ориф 494
 Арадашер Саййид Ҳасан 494
 Арадашер Сосон 494
 Аренд Ҳанна 496
 Арендс А.К. 496
 Арстинно 497
 Аржуманд бону 497
 Арезӣ Самарқандий 498
 Аривара-но Нарихира 498
 Арисс Филипп 499
 Арий 500
 Арион 500
 Ариосто Лудовико 500
 Аристарх Самофракийли 501
 Аристид Милетли 501
 Аристид Публий Элий 501
 Аристотель 501
 Аристофан 501
 Арон Реймон К.Ф. 507
 Арап Ганс 507
 Арииан Флавий 507
 Арслон Ҳожа Тархон 508
 Арслон Мұхаммад ибн Сулаймон 508
 Арслонбоб 509
 Архилох 525
 Архимед 525
 Арфаъ 528
 Аршад Самарқандий 529
 Арший Қесший 529
 Аргун 531
 Асад I 531
 Асад II 532
 Асад III 532

Асадий 533
 Асадий Тусий 533
 Асадуллахұжасө Убайдуллоҳ 533-534
 Асадуллохон Ғолиб 534
 Асвадий Бухорий 534
 Асжадий Марвазий 535
 Асирий 536
 Асирий (2) 536
 Асирий Тошхұжа 536
 Аскарий Абу Ҳилол 537
 Аскарий мирзо 537
 Аслиддин Ҳусайнний 540
 Асмо 541
 Асмоий 542
 Асмус В.Ф. 542
 Аспарух 543
 Ассар Табризий 545
 Ассиз Жоакин 546-547
 Астағьев В.П. 550
 Астиаг 551
 Астрободий Низом 551
 Асфандиёрхон 553
 Асфандиёрхон (2) 554-555
 Асқад Мұхтор 554
 Аскарова Мазлума 555
 Ата Солих 558
 Аталаі Басим 558
 Аталаңта Беотийли 559
 Ататурк М.К. 559
 Атсей 560
 Атеней 560
 Атойи 562
 Атоуллох Ҳусайнний 563
 Аттила 566
 Аттор Фаридиддин 567-568
 Атфилд Робин 568
 Афгор Самарқандий 571
 Афзал 572
 Афзал маҳдум 572
 Афзал Пирмастий 572
 Афзалий Самарқандий 573
 Афзалхон Ҳаттак 573
 Афлотуп 574-575
 Афраний Луций 577
 Афридун 577

Афросиёб 579
 Афсар 579
 Афсарий 580
 Афсаҳ 580
 Афсус 580
 Афшар Содикбек 581
 Ағғоний Жамолиддин 585
 Ахгар Самарқандий 585
 Аҳмадуллина Белла 589-590
 Аҳматова Анна 590
 Аҳсий 594
 Аҳсикатий Асириддин 594
 Аҳсикатий Аҳмад 595
 Аҳсикатий Муҳаммад 595
 Аҳтар (I) 595
 Аҳтар (II) 596
 Аҳтар (III) 596
 Аҳтарий 596
 Аҳундов (Аҳундзода), М.Ф. 596
 Ашин 598
 Ашик Пошо 599
 Ашкий Самарқандий 599
 Ашраф 600
 Ашраф (I) 601
 Ашраф (II) 601
 Ашрафий Мир Румузий 601
 Ашрафий Мухтор 601
 Ашрафий Самарқандий 602
 Ашрафхон I 602
 Ашрафхон II 602
 Ашурали Зоҳирий 604
 Ашшурбанипал 605
 Ашъарий 605
 Аъжоз 605
 Аъзам Уқтам 605
 Аъзам Айюб 606
 Аъзамов Аҳмад 606
 Аъзамов Йўлдош 606
 Аъзамов Миразиз 606
 Аъзамов Эркин 607
 Аъзамов Фани 607
 Аъламов Зоҳир 608
 Аълоий 608

Аъмак Бухорий 609
 Аъша 609
 Аяла Франсиско 610
 Ақдас 611
 Ақдасий 611
 Аҳдий 615
 Аҳдий Қарокулий 615
 Аҳлий 618
 Аҳлий Шерозий 618
 Аҳмад Арузий Низомий 618
 Аҳмад бахши 619
 Аҳмад Гилоний 619
 Аҳмад Дониш 619
 Аҳмад Жавод 620
 Аҳмад Жалойир 620
 Аҳмад Жомий 621
 Аҳмад Закиғ Валидий Тугон 621
 Аҳмад Зиёй 621
 Аҳмад ибн Исмоил 621
 Аҳмад ибн Худойлод Тарозий 621-622
 Аҳмад ибн Ҳанбал Марвазий 622
 Аҳмад Маншурий 622
 Аҳмад Мидҳат 622
 Аҳмад Мирак мирзо 622
 Аҳмад Пошо 622
 Аҳмад Табибий 623
 Аҳмад Фарғоний 624
 Аҳмад Ҳожагий 624
 Аҳмад Яссавий 625
 Аҳмад Ҳожибск 626
 Аҳмадий (турк) 627
 Аҳмадий (ӯзбек) 627
 Аҳмадхон 627
 Аҳмадшоҳ 627
 Аҳмаров Чингиз 627
 Аҳмедов Бўрибой 628
 Аҳмидов Муҳаммад 628
 Аҳмедов Раҳим 628
 Аҳрор Ҳожа Убайдуллоҳ 629
 Аҳрорий Муҳаммадсаид 629
 Аҳрорий Ҳошим 630
 Аҳрорий Ҳолида 630

Атама ва истилоҳлар курсаткичи

- А 11
 Аб 13
 Абад 13-14
 Абадий 15
 ~ мавзу
 ~ киёфат
 Абадийлашмок 15
 Абадийлаштирмок 16
 Абадият 16
 Абайтанув 18
 Абай шеъри 18
 Абакан тили 19
 Абарнчиллик 20
 Абартма 20
 Абас 20
 Абаса 20
 Аббат 22-23
 ~ лик 23-24
 Аббевил маданияти 24
 Аббревиатура 27
 Абвоб 28-29
 Абд 29
 Абдал 30
 Абдол 31
 ~ тили 32
 ~ ваш 32
 ~ они Рум 32-33
 "Абдулхоликчилар" 60
 Абеже 78
 Абецедарий 79
 Абёт 80
 Абжад 81
 Абзац 81-82
 Абзу (шумср), Апсу (аккад) 82
 Абид 83
 Абидама 83
 Абиз 84
 Абир 84
 ~ и жаннат 84
 Абиссин адабиёти 84
 Аблюция 85
 Абкам 85
 ~ мулк 86
 Або 86
 ~ ий улвия 86
 ~ аҳли 87
 ~ ул-ахвол 87
 Абобил 87
 Аболиция 88
 Аболицион адабиёт 88
 Абонемент 88
 Абр 89
 ~ и файз 89
 ~ и карам 89
 ~ и найсон 90
 ~ и раҳмат 90
 Абрақадабра 90
 Абрақас 91
 Абрамита (Абрахамита) 91
 Абреже 92
 Абрис 92
 Аброж 92
 Аброр 93
 ~ макоми 93
 Абру 94
 Абсида (апсида) 95
 Абсолют 95-96
 ~ идея (ғоя) 96
 ~ рух 96
 ~ хақиқат 96
 Абсолютизм 96-97
 Абсолюция 97
 Абстракт 97
 Абстракционизм 97-98
 Абстракция 99
 Абсурд 100
 ~ драма 100
 Абтар 101
 Абу 101
 Абуна-э 142

- Абусалик 142
Абхава 143
Абхаз (Апсуа) адабиети 143
Абхаз тили 143-144
Абхидхарма 144
Абхинай 145
Абшнит 145
Абъекция 146
Абхар 146
Авадана 147
Аваллон 147
Авангард 149
Авангардизм 149-151
Аванцена 151
Авантекст 151
Авантитул 151
Авантур 151
~ вакт 152
~ роман 152
~ сюжет 152
Авар адабиети 153-154
Авар тили 154
Аварэ 154
Аввали илм 155
Август 155
Аверроизм 160
Авесто тили 162
Авж 162
Авзон 163
Авидя 163
Авлиё 164
Авладу-т-тарика 164
Авлос 164
Аврітти 165
Аврод 165
Авофи аимма 166
Австралия адабиети 167
Австралия тиллари 167
Австрия адабиети 168
Австроосиё тиллари 169
Автобиография 169
Автобиографизм 169
Автобиография 169-170
~ (фик) асар (кисса, роман) 170
Автогенез 170
Автограф 171
Автография 171
Автод 171
Автодиегетик 171-172
Автоинтерпретация 172
Автократия 172
Автокритика 172
Автолик 172
Автолитография 172
Автология 173
Автоматизация 173
Автоматик тахлил 173
Автоним 173-174
Автономия 174
~ шахсият 174
Санъат ~ си 174
Автономазия 174
Автопортрет 175
Автор 175-176
~ баҳоси 176
~ баєни 176
~ изохи 176
~ концепцияси 177
~ нутки 177
~ образи 177
~ позицияси 177
~ чекиниши 177
~ күшиклари 178
~ гояси 178
~ лик хукуки 178
Автореминисценция 178-179
Автореферат 179
Авториза 179
Авторизация 179
Авторлашган таржима 179
Авторитет тафаккур 179-180
Авторитет 180
Автоцензура 181
Авкот 181
Ага 183
Агглютинация 186

- Агентлик 186
 Агиография 186
 ~фик адабиёт 187
 Агиология 187
 Агностицизм 188
 Аграфия 189
 Ад 189
 Адаб 189
 ~ илми 190
 Адаб аз-зийара(т) 190
 Адабиёт 191
 ~ нинг вазифалари 192-194
 ~ нинг миллийлиги 194
 Адабиёт ва бошқа ижодий-илмий фаолият турлари 194
 ~ ва фан 194
 Адабиёт ва санъатнинг бошқа турлари 195
 ~ ва рангтасвир 196
 ~ ва мусиқа 196
 Адабиёт назарияси 198-200
 Адабиёт тарихи 201-202
 Адабиёт хрестоматияси 202
 Адабиёт қоидалари 203
 Адабиётлараро муштараклик 205
 Адабиётшунослик 205
 ~асослари 206
 ~ методологияси 207
 ~ назарияси 207
 ~ тарихи 207-215
 Киёсий ~ 215
 ~ ва бошқа фанлар: 215
 ~ ва тилшунослик 215
 ~ ва фалсафа 216
 ~ ва семиотика 216
 Адабиётшуносликка кириш 217
 Адабий 218
 ~ алокалар 218
 ~ анъана 218-219
 ~ асар 219
 ~ билгилар 219
 ~ ворислик 220
 ~ жараён 220
 ~ йўналиш 220-221
 ~ ёдгорлик 221
 ~ мажлис 221
 ~ мактаб 222
 ~ мерос 222
 ~ муҳит 222-223
 ~ оқим 223
 ~ танқид 223
 ~ таъсир 224
 ~ тил 225
 ~ тур 225-227
 ~ тұгарак 227
 ~ эмакдош 227
 ~ ўғрилик 228
 Адад 228
 Адажио 229
 Адам 229
 Адамизм 230
 Адаптация 231-232
 ~ ланган матн
 (адаптированный текст) 232
 Адвайта 233
 Адвентистлар 233
 Адворт 233
 ~ илми 233
 Адленда 234
 Адекват 235
 ~ таржима 235
 Адепт 235
 Адиб 236
 Алигей адабиёти 240
 Адикавва 240
 Аднон 242
 Адонис 243
 ~ шсьри 243
 Адрес 243
 Адресат 243-244
 Адултерини 245
 Адуф 245
 Адъюнкт 245
 Адхамийлик (Адхамия) 245-246
 Ажабб 247-248
 Ажал 248
 Ажалл 248
 Ажам 248

- ~ шикастаси 248
Ажам(м) 248
Аж 249
Ажзам 249-250
Ажиб 250
Ажитма 251
Ажнос 251
Ажуз 252
Азада 252
Азал 253
Азалл 253
Азбука 253
Азбуковник 254
Азза ва жалл(а) 254
Азербайжан адабийати 254
Азианизм 254
Азизон 258
Азимит 259
Азиний тиллари 261
Азл 262
Азоб 263
Азон 263
Аиммаи асмо 265
Айаг 265
Айвон 265-266
Айдзури 266
Аййаму-л-араб 266
Айн 268
 Инсони ~ 268
 ~ и ахдуллоҳ 268
 ~ Жом 268
 ~ и кабир 268
 ~ ниёз 268
 ~ и сукварий 269
 ~ и шариф 269
Айн тили 269
Айну-л-йакин 272
Аирени 273
Айтим 273
Айтишув 274
Айтис 274-275
Аиш 277
Академ 279
Академизм 279-280
Академик 280
 ~ лицей 280
 ~ мактаб(лар) 280-281
 ~ нашр 281-282
 ~ театр 282
 ~ услуг 282
Академия 282-283
Афлотун ~ си 283
Бадиий ~ 283
Фанлар ~ си 283
Педагогика фанлари ~ 284
Акаништха 284
А капелла 284
Акаталекттика 285
Акафорик кофия 285
Акаша 285
Акварель 288
Аксфалия 288
Акин 289
Аккад адабиёти 290
 ~ тили 290
Аккомодация 291
Аккомпонент 291
Аккорд 291
Аккультурация 292
Аккумуляция 292
Акмеизм 293-294
Акосмизм 294
Акту 294
Акроаматик образлар 294-295
Акростих 295-296
Акротерий 297
Акс 297
Аксессуар 297-298
Аксиология 298
 ~ ик ёндашув 298
Акт 299
Актант 299
Актёр 299
Актив 300
Активистлар 300
Актор 300

- ~ иал баён 300
 Акгрица 301
 Актуал 301
 Актуализация 301
 Акустика 302
 Акцент 303
 Ритмик ~ 303
 ~ стих 304
 Акцентология 304
 Акционизм 305
 Акшепа 305
 Алагрек 306
 Алайхиссалом 307
 Аlam 307
 Аламкара-дхвани 307
 Аланкара 308
 Аласт куни 309
 Алафа 310
 Албан адабиёти 310-311
 Албан тили 311
 Алвон 312
 Алгебра 313
 Алеаторика 314
 Алевромантия 314-315
 Александрия даври 315
 ~ кутубхонаси 315
 ~ мактаби 316
 ~ музейони 316
 ~ шеъри (александрийский стих) 316
 Александрия шеърияти 317
 Алэтриомантия 317
 Алёр 318
 Алжабр 318
 Алжир адабиёти 319
 Аллитература 326
 Алиф 326
 Алифбе 326
 Алифболи шеър 327
 Алкамен 342
 Алкей 342
 Алкей банди 342
 Алкман шеъри 343
 Алла 343
 Аллсгория 344
 ~ ик образ 345
 Аллигат 345
 Аллитерация 346
 ~ оп шеър 346
 Аллограф 347
 Аллома 347
 Аллоним 347
 Аллот 347
 Аллюзия 347
 Алогизм 349
 Алойик 350
 Алтаистика 355
 Алтай тиллари 355
 Алтернатив-тарихий наср 356
 Алфавит 356
 Алфоз 357
 Альба 357
 Альбом 359
 Альдина 360
 Альма 360
 Альманах 360
 Альт 361
 Альтерация 362
 Альтернатива 362
 Альтернанс 362
 Альтруизм 363
 Альфа 363
 Алхон 364
 Амадис 365
 Амал 365
 Амалий санъат 366
 Амбивалентлик 368
 Амброзура 368
 Амебей композицияси 368-369
 Америка адабиёти 370-371
 Америка энциклопедияси 371
 (The Encyclopedia Americana)
 Американизм 371
 Амидийлик 372
 Амин 372
 Амир 375
 Амиробод маданияти 384
 Амиқ 385
 Аморф тиллар 386

- Ампир 386
Амплификация 386
Амплуа 387
Амр 387
~ олами 387
Амра маданияти 387
Амфиболия 388
Амфибрахий 388
Амфимакр 389
Амфитеатр 389
Амфора 390
Анабаптистлар 390
Анагнорисис 391
Анаграмма 391
Анадиплосис 391
Анаколуф 392
Анакронтик шеър 392
Анакреонтика 392
Анакруса, ана круза 393
Аналепсис 394
Анализ 394
Аналитик метод 394
~ реализм 395
~ тиллар 395
~ фалсафа 395
~ эстетика 395
Аналогия 396
Аналой 396
«Аналұқ» 396
Анаморфоза 397
Ананим 398
Ананин маданияти 398
Аналест 398
Анархизм 399
Анастрофа 399
Анатомия 400
Санъат ~ си 400
Анафора 401
Анахад нада 401
Анахронизм 402-403
Ангажирован 405
Ангелология 405
Ангола адабиёти 406
Андади 406
Андалиб 406
Андалусия адабиёти 408
Андерграунд 409
Андижон адабий мұхити 413-415
Андижон зилзиласи 415
Андижон құзғолони 415
Андрогин 425
Андроцентрик 426
Анестезия 427
Анекдот 427
Анжанбеман 427-428
Аңжуман 428
Аңжуманда хилват 429
Анимализм 430
Анималистика 430
Анималист 431
~ тик жанр 431
Аниматизм 431
Анимация 431
Үзбек ~ си 432
Анимизм 432-433
Анис 433
Анкета 435
Анналист 436
Анноминация 436
Аннотация 437
Анокоп 437
Аномалия 437
Аноним 437
Анонимлик 438
Аноният 438
Анонс 438
Аносир и арбас 439
Ансамбль 439-440
Ансож илми 440
Ансорлар 440
Антаба 441
Антагонизм 441
Антанакласис 441-442
Антианакруза 442
Антибакхий 442
Антигерой 442-443

- Антик 443
 ~ адабиёт 443
 ~ банд (строфа) 444
 ~ давр 444
 ~ шеър 444
 ~ эстетика 444
- Антиква 445
- Антикритика 446
- Антилегоменса 446
- Антимазхаб 446
- Антиметабола 447
- Антиномия 447
- Антиох девори 447
- Антипатия 447
- Антипсихиатрия 447-448
- Антироман 448
- Антиспаст 448
- Антистрофа 448
- Антитеза 449
- Антитезис 449-450
- Антиутопия 450
- Антифазис 450
- Антифон 450
- Антифразис, антифраза 451
- Антихрист 451
- Антиципация 451
- Антология 452
- Антоним 453
- Антономазия 453
- Антракт 454
- Антрапология 454
 ~ мактаби 454
- Антрапогоник мифлар 455
- Антрапоморфизм 455
- Антрапоним, антрапонимика 455-456
- Антрапоцентризм 456
- Ануprasа (аллитерация) 457
- Анфилада 459
- Анфликация 459
- Аншлаг 460
- Аньана 460
 ~ вий образлар 460
- Анахнүти 462
- Апелляция 463
- Апеллятив вазифа 463
- Аперсию 463
- Алогей 464
- Апокалипсис 464
- Апокалиптик 464
 ~ адабиёт 464
- Апокопа 464
- Апокриф 465
- Аполлоний ва дионисийлик 467-468
- Аполог 468
- Аполегетлар 468
- Апология 468
- Апория 468
- Апосиопеза 469
- Апосиопесис 469
- Апостазия 469
- Апостроф 470
- Апострофа 470
- Апофатизм 470
- Апоф(т)егма 470-471
- Апофеоз 471
- Апофте́гма 471
- Апрастутапрашанса 472
- Апрель 472
- Априор 472
 ~ талкин 472
- Апт-арт 473
- Араб адабиёти 473-476
 ~ ёзуви 476
 ~ поэтикаси 476-480
 ~ тили 481
- Арабески 481
- Арабизм 481
- Арабшунослик 481
- Арагото 482
- Арамейлар адабиёти 483
 ~ тили 483
 ~ ёзуви 484
- Аранжеман 484
- Арафа 488
- Арак 489
- Арбаын 489
- Арбаын хадис 490
- Арбаынийя 490

- Арбоб 490
~ и(л) ахво 490
~ и важд 491
~ и роз 491
~ и роёт 491
~ и русум 491
~ и тасаввуф 491
~ и эхтисос 491
~ хол 491
~ и химмат 491
Арвоҳ 491
~ и қудсий 491
Аргентина адабиёти 492
Арго 493
Арготизм 493
Аргумент 493
Ареал 495
~ тилшунослик 495
~ адабиётшунослик 495
Ареопагитик 496
Ареотектоника 496
Арене 496
Арианлик 498
Ариетта 498
Ариз 499
Аристократия 505
~ ик адабиёт
Аритмия 502
Ария 502
Арк 502
Аркадия 503
Аркон 503
~ и сулук 504
~ и тарикат 504
~ и қавл 504
Арман адабиёти 505
Арман мифологияси 506
Арман тили 506
Арсенал 508
Арсис 508
Арг брют 509
Арт-дизайн 510
Артефакт 510
- Артикл 511
Артифициал санъат 511
Артур афсоналари 511
Арфа 512
Аруз 512
~ илми 513
~ шунослик 514
~ доиралари 515
Арузи туркий 517
Арузи форсий 518
Архаизм 520
Архаика 520
Археография 521
Археология 522
“Билим ~ си” 522
Матн ~ си 522
Археписьмо 522
Архетип 522-524
Архетипик ривожланиш 524
Архив (адабиёт архиви) 524
Архившунослик 525
Архипелаг 526
Архитектоника 526
~ ик шакллар 527
Архитектура 527
Арш 528
~ и аъло 528
~ и муалло 528
Аршин 530
Арштат 530
Арэв 530
Арганун 530
Аргувон 531
Аргүштак (орғүштак) 531
Асад 531
Асам 534
Асар 534
Асб 534
Асбоб 535
Асемия 535
Асимметрия 535
Асиндетон 535
Асир 536

- Аскетизм 537
 Асқия 538
 Асклепий 538
 Аскон 538
 Асл 539
 Асл 539
 ~ манба 539
 ~ и олам 539
 Аслам 539
 Аслам (2) 539
 Асллар 540
 Аслий руқн 540
 Аслият ва таржима 540
 Асмо 540
 ~ и кавния 541
 ~ и наби 541
 ~ и феъл 541
 ~ ии хусно 541
 Асо 542
 ~ ии мусо 542
 Асотир 543
 Аспект 544
 Асрар 544
 Асрор 544
 ~ макнун 544
 ~ и тарикат 544
 ~ и тавхид 544
 Ассам адабиёти 546
 Ассам тили 546
 Ассамбляж 546
 Ассасин 546
 Ассимиляция 547
 Ассирия 548
 ~ адабиёти 548
 Ассонанс 548
 Ассоциатив образ 549
 Ассоциация 549
 ~ Пролетпис 550
 ~ ПСАА 550
 Атеизм 550
 Астериск 550
 Астрал мифлар 551
 Астрология 552
 Астронам 552
 Астроним 552
 Астрофизм 553
 Астрофик шеър 553
 Асука 553
 Асфор 554
 Асҳоб 556
 ~ и дил 556
 ~ и расс 556
 ~ и рухун 556
 ~ и сакинати кубро 556
 ~ и сир 556
 ~ и сукр 557
 ~ и суффа 557
 ~ и футух 557
 ~ и шарият 557
 ~ и шақоват 557
 ~ ул-каҳф 557
 Агараксия 559
 Атасузу 559
 Ателлана 560
 Атетеза 560
 Атишайокти 561
 Атка 561
 Атлас 562
 Атмажа 562
 Атомизм 563
 Атман 564
 Атрахасис 564
 Атрибут 564
 Атрибуция 565
 Матн ~ си 565
 Аттицизм 566
 Аттильюд 567
 Ат-Тарик 568
 Аудиовизуал санъат 568
 Ауктор, актор 569
 Аула 569
 Аура 569
 Аутентик матн 569
 Ауто 570
 Аутоэротизм 570
 Афанди латифалари 570
 Афемия 571
 Афереза 571

- Афина 573
 - ~ мактаби 573
- Афиша 574
- Афоризм 575
- Афористика 576
- Афоъил 576
- Афоъийлу тафоъил 576
- Афридун (фаридун) хазинаси 577
- Африка халқлари мифологияси 577
- Афритий маданияти 578
- Афрод 578
- Афтеркунст 579
- Аффект 579
- Афсона 580
- Афъол 582
- Ағон адабиёти 582-583
- Ағонистонда ўзбек адабиёти 583-585**
- Ағон тили 585
- Ахазз 585
- Ахбор 585
- Ахср 586
- Ахзам 586
- Ахийлик 586-587
- Ахимса, ахинса 587
- Ахир 588
- Ахлок 588
- Ахраб 592
 - ~ шажараси 592
 - ~ и макфүф 592
 - ~ и макбуз 593
- Ахрам 593
- Ахрас 593
- Ачс адабиёти 597
- Ачин 597
- Ашарайи мубашшара 597
- Ашис 598
- Ашик 598
- Ашк 599
- Аштар 602
- Ашуг 603
- Ашула 603
- Катта ~ 603
- Ашуро 604
- Ашхарабар 604
- Аъён 607
 - ~ и собита 607
- Аъориз 609
- Аэд 609
- Аякс 610
- Ақво, иқво 611
- Ақд 611
- Ақида 611
- Ақл 612
 - ~ и кулл 612
- Ақоид 612
- Ақс 613
- Ақсам 613
- Ағи 613
- Ағит 613
- Аҳад 614
- Аҳадий 614
- Аҳаз(з) 614
- Аҳд 614
- Аҳдлашув куни 615
- Аҳзаб 615
- Аҳзаз 615
- Аҳзи-л-аҳд 615
- Ахимса 616
- Ахл 616
 - ~ и байт 616
 - ~ и дил 616
 - ~ и завқ 616
 - ~ и маърифат 617
 - ~ и силсила 617
 - ~ и сулук 617
 - ~ и суннат 617
 - ~ и қалам 617
 - ~ и қол 617
 - ~ и хол 617
- Ахлуллоҳ 619
- Аҳтам 631

Асарлар, адабий нашир ва муассасалар күрсаткичи

- «Абадият конуни» 16
 «Абакан» 19
 Абдулла Қаҳхор уй-музейи 42
 «Абдулланома»
 («Шарафномайи Шохий») 48
 «Абидос келини» 84
 «Аброж» 93
 «Абу Муслим» 118-119
 «Абулфайзхон» 137
 «Абумуслимнома» 142
 «Абушқа» 142-143
 «Авазхон» 148-149
 «Аввакум китоби» 154-155
 «Авссто» 160-162
 «Аврора» 166
 “Аврора” (журн.) 166
 «Агама» 183
 «Агамемнон» 184
 «Аглая» 187-188
 Адабиёт ва санъат нашриёти 196-197
 «Адабиёт кўзгуси» 197
 Адабиёт музеи 197-198
 «Адабист надур?» 198
 «Адабиёт назарияси» 200
 (Иzzat Султон, 1939) 200
 (Илмий жамоа, 1978) 200
 (Иzzat Султон, 1980, 1986, 2005) 200
 «Адабиёт парчалари» 201
 «Адабиёт коидалари. Адабиёт
 ҳаваслилари ҳам муаллимлари учун
 кўлланма» 203
 «Адабиётимиз автобиографияси» 204
 «Адабиётимиз фахри» 204
 «Адабиётимизнинг ярим асри» 205
 «Адабий мерос» 228
 «Адабият ве инжесенет» 228
 (“Адабиёт ва нафис санъат”)
 «Адабу-л-муридин» 228
 «Адвор» 233
 «Адиби аввал» 238
 «Адиби соний» 239
 «Адиблар иттифоки» 239
 «Адигратҳ» 240
 «Адиқрантҳ» 241
 «Адолат» 242
 «Ажойиб кишилар ҳаёти» 252
 «Ажойибу-д-дунё» 252
 «Азербайжан» 255
 «Азиатский музей» 256
 «Азия» 262
 «Айман, шолпан» 267
 «Айн китоби» 269
 «Айния рисоласи» 272
 «Айния қасидаси» 272
 «Айну-л-жамъ» 272
 «Айну-л-хаёт» 272-273
 «Академика» 282
 «Academia» 284
 «Академкнига» 284
 «Акафист» 285
 «Ақбарнома» 286
 «Аланга» 307
 «Ала-тоо» 309
 «Алаш» 310
 «Алаш ўрда» 310
 «Алак» 310
 «Александрия» 317
 «Алип-манаш» 325
 «Алифлейла» 327
 Алишер Навоий номилаги Давлат
 адабиёт музеи 337
 ~ номидаги Тил ва адабиёт
 институти 337
 ~ номидаги Ўзбекистон Миллий
 кутубхонаси 337
 ~ номидаги Ўзбекистон Давлат
 мукофоти 337
 «ал-Адаб ал-Муфрад» 338
 «ал-Азҳар» 338
 «ал-Изоҳ» 339
 «ал-Ислоҳ» 340
 «ал-Муъжам фи маъюир
 ашъору-л-ажам» 340-341
 «ал-Кистосу-л-мустақим фи

илеми-л-аруз» 341-342
«Алпамыс» 354
«Алпомиши» 354-355
«Алтан тобчи» 355
«Алтан товч» 355
«Алтун йарук» 356
«Амали солих» 366
 (“Тарихи Жаҳоншохий”)
«Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари» 366
«Амаравелла» 367
«Амир Ҳамза киссаси» 381
«Амирнома» 383
«Аморг ва Спаретра» 386
«Амударё» 388
«Анбис» 403
«Андижон тарихи
 (қад. даврлардан XX аср бошларигача)» 415
«Андижоннома» 423
«Андра Маҳабҳарата» 427
«Анжумани тарих» 428
«Анжуму-т-таворих» 429
«Анкабут» 435
«Ансобу-с-салотин ва тавориху-л-хавокин» 440
«Анфол» 459
«Аньом» 460
«Аполлон» 466
«Апология» 468
«Арбаин» (Жомий) 489
«Арбаин» (Навоий) 489
«Арзамас» 498
«Ариэль» 502
«Аркадия» 503

«Аройису-л-баён фи ҳақоиқи-л-Куръон» 507
«Арслон» 508
«Артхаастра» 512
«Аruz рисоласи» 515
«Аруз ҳакида» 516
«Арузи Сайфий» 519
«Арузи Юсуфий» 520
«Арузи Ҳумоюн» 520
«Асли ва Карам» 540
«Аслу-л-васл» 540
«Асмауллоҳ» 541
«Асосу-л-балоға» 543
«Аср» 544
 («Асрори мусикий» 545
 «Асрорнома» 545
 «Асрору-н-нукта» 545
 «Атабату-л-ҳақоик» 558
 «Атвоку-з-захаб» 560
 «Атхарваведа» 568
 «Афанди» 571
 «Ахлеки Жалолий» 589
 «Ахлеки кабир» 589
 «Ахлеки Мухсиний» 589
 «Ахрам» 593
 «Ашиъату-л-ламаот» 599
 «Ашма» 600
 «аш-Шеър ва-ш-шуаро» 604
 «Аъдият» 605
 «Аълаа» 608
 «Аълому-т-туко» 609
 «Аъроф» 609
 «Аҳзоб» 616
 «Аҳмад Ҳароми» 626
 «Аҳсану-л-қисас» 630

Адабий-географик номлар күрсаткычи

- | | |
|---------------------------|------------------------------|
| Абакан 18-19 | Александрия 317 |
| Абидос 83 | Аллоҳобод 347 |
| Абу Сумбул 125 | Аментес 369 |
| Абхирати 145 | Анатолия (Онадули) 400 |
| Абшерон 145 | Андалусия, Андалузия 407 |
| Авзония 163 | Андижон 412 |
| Агра 188 | Анталия 441 |
| Адрианопол 245 | Антилох 446 |
| Ажибей 250 | Арапат 484 |
| Ажмир 251 | Арианамвэжа 497 |
| Азия 261 | Аркадия 503 |
| Аккад 289 | Атлантида 561 |
| Акрополь 295 | Аттика 565 |
| Аксу 300 - ²⁹⁸ | Афина 573 |
| Актюбинск 301 | Афросиёб 579 |
| Алатоо 309 | Ахси (Ахсикат, Ахсикент) 594 |

Элат, қавм номлари, сулола ва этнонимлар курсаткичи

- | | |
|-------------------|---------------------------------|
| Абадзхи 15 | Анналлар 435 |
| Абаза 16 | Апостоллар 469 |
| Абазгилар 17 | Арамейлар 483 |
| Абарлар 19 | Аргун 494 |
| Абас(лар) 20 | Аримасп 500 |
| Аббосийлар 26 | Арлот 504 |
| Аборигенлар 89 | Арнаутлар 507 |
| Аварлар 153 | Аршакийлар 529 |
| Авзония 163 | Аргин 530 |
| Аднон 241 | Аргун 531 |
| Азимит 259 | Асан, ассанлар 534 |
| Аз, азлар 262 | Атрок 565 |
| Аймак 267 | Африғ (оффриғ)лар 578 |
| Айюбийлар 278 | Афшарлар 581 |
| Акациирлар 286 | Ахейлар 586 |
| Аккадлар 289 | Ахман (Акман) 590 |
| Акуша 303 | Ахоманийлар 590 |
| Аланлар 308 | Ахтачи 596 |
| Албикойлар 311 | Ашина 598 |
| Альморавид 361 | Ашконийлар 599 |
| Альмоҳад 361 | Аштархонийлар 603
(жонийлар) |
| Амалика 367 | |
| Амхара, амара 392 | |
| Анау 400 | |

Мифологик ислар курсаткичи

- Аара 13
 Аах 13
 Аахмес 13
 Абант 19
 Абдер 33
 Абзер Иясе 81
 Аботсни 89
 Абраксас 91
 Абрскил 94
 Аваллон 149
 Авалокитешвара 149
 Аватара 154
 Авгий 155
 Авдий 157
 Авель 158
 Авессалом 160
 Авимелах 162
 Авраам 165
 Аврора 166
 Авсон 166
 Агава 183
 Агамед 183
 Агамемнон 184
 Агарь 184
 Агаств 185
 Агасфер 185
 Агач киши 186
 Агии 188
 Агулшап 189
 Аада, адду 229
 Аада 229
 Аадам и Ева 230
 Аадап 231
 Адибудда 239
 Адити 240
 Адонис 242-243
 Адраст 243
 Ажвейпш, ажвейпшаа 248
 Аждар 249
 Аждаха 249
 Ажи-дахака 250
 Ажина 250-251
 Ажоо 252
 Азия (Осиё) 261
 Азозил 263
 Азоил 264
 Аид 264
 Айа 265
 Айрыйман 273
 Акван-дев 288
 Акхайана 301
 Алад 306
 Аланкува 309
 Алвости 312
 Алисөй 327
 Алкмеон 343
 Алмаках 349
 Алқара 365
 Амазонкалар 365
 Амарарасу 367
 Аматэррасу 367
 Амеша спенда 371
 Амида 371
 Амитабха 384
 'Амка 387
 Амон, атон 387
 Амур 388
 Амфион 389
 Амэ-но-удзумэ 390
 Ан 390
 Ан аргил түйүн 399
 Анат 400
 Анахарсис 402
 Анахит, анайт 402
 Анахита 402
 Ангел 405
 Антирас 405
 Анграманий 406
 Аң Дархан түйүн 408
 Аң Дархат хатун 408
 (Андархан хотун)
 Андромаха 426
 Андромесда 426
 Аңзуд 430

- Антей 442
Антигона 443
Антиклея 446
Антропос 456
Анубис 456
Ануннак(лар), Анунна 457
Анфея 458
Анхрамайну 460
Анко 461
Ao 462
Апис 463
Апкаллу 464
Аполлон 466
Апсара(с) 473
Ара Гехецик 473
Арам 483
Аргонавтлар 493
Ардви, Ардвисура (Анахита) 495
Арей 496
Арес 497
Аржасп 497
Аржуна 497
Аристей 501
Арма 504
Армази 505
Арсури 509
Артемида 510
Архангеллар 521
Архат 521
Архелай 521
Архонт 527
Аруру (аккад) 528
Арьяварта 530
Асир (ашер) 536
Асклепий 538
Аскр 538
Асмодей 542
Ас(с)лар 545
Астар, истар 550
Асурा 553
Атар 559
Атлант 561
Атли 562
Аушаутс 570
Афанди 570
Афина 573
Афродита 578
Ахелой 586
Ахерон(т) 586
Ахилл, Ахиллес 587
Ахуралар 597
Ахурамазда 597
Аиштур (аккад) 604
Аями 611
Ахриман 629

МУНДАРИЖА

<i>Х.Болтабоев. Комусий манбалар соғинчи.....</i>	3
<i>Шартли белги ва қисқартмалар.....</i>	9
<i>А (харфидан бошланувчи мақолалар).....</i>	11
<i>Фойдаланилган комусий манбалар ва изохли лугатлар.....</i>	632
МУНДАРИЖАВИЙ КҮРСАТКИЧЛАР	
<i>Ислар ва кишилик сифатлари.....</i>	636
<i>Атама ва истилоҳлар.....</i>	645
<i>Асарлар, адабий нашр ва муассасалар.....</i>	655
<i>Адабий-географик номлар.....</i>	657
<i>Элат, қавм номлари, сулола ва этнонимлар.....</i>	658
<i>Мифологик исмлар күрсаткичи.....</i>	659

УУК: 821.512.133

КБК 83

A29

Адабиёт энциклопедияси: (Атамалар, истилохлар, сиймолар, асарлар ва нашрлар). Тузувчи: Ҳ.Болтабоев / УзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мирзо Улугбек номидаги Ўз-н Миллий ун-ти; масъул мух-рлар: И.Фафуров, М.Махмудов; таҳрир хайъати: Э.Воҳидов [ва бошк.]; Т.: MUMTOZ SO'Z, 2015. – 664 б.

I. Болтабоев, Ҳ.

УУК: 821.512.133

КБК 83я2

ISBN 978-9943-398-04-7

Илмий нацир

АДАБИЁТ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ

*(Атамалар, истилоҳлар,
сиймолар, асарлар ва нашрлар)*

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ

Нашриёт мухаррири: Махкам Махмудов
Мусаххиха: Ҳилола Болтабоева
Техник мухаррир: Беҳзод Болтабоев

**«MUMTOZ SO‘Z»
масъулияти чекланган жамияти
нашиёти**

Манзил: Тошкент, Навоий кӯчаси, 69.
Тел.: (998 71) 241-60-33 E-mail: mumtoz_soz@mail.ru

Нашриёт лицензияси АI № 103. 15.07.2008

Босишта рухсат этилди 08.08.2015

Қоғоз бичими 70x90 1/24. Офсет қоғози

Times New Roman гарнитураси. Ҳисоб-нашриёт табоги 50,0

Шартли босма табоги 41,25. Адади 300

Баҳоси келишилган нархда

«MUMTOZ SO‘Z»

масъулияти чекланган жамиятининг

матбаа бўлимида чоп этилди. Буюртма 18-15.

Манзил: Тошкент, Навоий кучаси, 69.

Тел.: 241-81-20





Әдабиёт нциклопедиясы



ISBN 978 9943-954-4-7